

ПОЁН  
РАВШАНОВ



# ТЕМУРИЙЛАР СИЛСИЛАСИ

  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2017

**УЎК: 821.512.162(09)**

**КБК: 63.3 (5Ў)4**

**P-13**

**Равшанов, Поён**

Темурийлар силсиласи: тарихий роман. / П.Равшанов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 480 б.

ISBN 978-9943-20-246-7

Романда XV асрнинг иккинчи ярми, Шоҳрух ва Улугбек Мирзолар вафотидан сўнг Мовароуннаҳр ва Ҳурисонда подшоҳлик қилган Темурийзодалар, уларнинг тож-у тахт йўлидаги ўзаро курашлари, қисмати мавзу қилиб олинган. Тарихий манбалар асосида даврнинг ўта чигал манзараси, парокандалик авжи, қаттоллик сабабияти ёритилади. 1447 йилдан, то 1507 йилга қадар кечган воқеа-ҳодисаларда Гавҳаршод Бегим, Улугбек, Алоуддавла, Иброҳим, Абулқосим Бобур, Шоҳ Маҳмуд, Абдуллатиф, Абдулло, Абу Саъид, Ҳусайн Бойқаро, Султон Муҳаммад, Ёдгор Муҳаммад, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Умаршайх, Заҳиридин Муҳаммад Бобур, Бойсунгур, Султон Али Мирзолар иштироки, тутган ўрни тадқиқ ва тасвир доирасига киритилган. Нуфузли ва айни вақтда, маккор маликалар Хадича ва Зухра Бегимлар қиёфасига чизгилар битилган.

Темурий Мирзоларнинг муросадан йироқ, муттасил ёвлашуви ташқи тажовуз ва босқинларга йўл очганлиги, натижада буюк Амир Темур асос солған улкан салтанатнинг емирилиши ва интиҳосига боис бўлганлиги теран талқин этилган. Мазкур «Темурийлар силсиласи» романи 2014–2015 йилларда нашр этилган «Амир Темур сулоласи» китобининг мантиқий давоми бўлиб, эл-у юртимиз кечмиши ихлосмандларига мўлжалланган.

**УЎК: 821.512.162(09)**

**КБК: 63.3 (5Ў)4**

**Тақризчи:**

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,  
тарих фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-20-246-7

© Поён Равшанов, «Темурийлар силсиласи». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

## **МУНДАРИЖА**

Муқаддима .....	4
Тарихни ўзгартирган малика .....	10
Тахт ғурбати .....	24
Қаттол тож. Заҳролуд май .....	67
Болакай шоҳ қисмати .....	118
Тахт ё тахта! Завол .....	133
Падаркуш ва интиқом .....	144
Саратонда бўрон .....	199
Султон Абу Саъид Мирзо .....	215
Ҳусайн Бойқаро Мирзо .....	300
Бошбошдоқлик ўпқони ёхуд сулола интиҳоси .....	430
Хотима .....	471
Поён Равшановнинг нашр этилган китоблари .....	476

## МУҚАДДИМА

Ватанимиз ва жаҳон тарихида Соҳибқирон Амир Темур асослаган салтанатнинг ўзига хос ўрни бор. Айни вақтда, буюк давлат арбоби исми шарифи билан ўн тўртинчи аср учинчи чорагидан то ўн тўққизинчи юз йиллик сўнгларига қадар ҳокимиятда бўлиб келган авлодлари – сулоласи фаолияти ҳам узвий боғланади. Марказлашган давлат кенгайиб, қудратли бўла боргани сингари, Соҳибқироннинг оила тармоғи ҳам барорга юз тутди. Фарзандлар, набиралар кўпайди, улардан ўғил-қизлар ўргиди, муazzзам хонадон шаклланди.

Бепоён ҳудудга ёйилган мамлакатни идора қилишда Амир Темур ҳазратлари ўз сафдошлари – умароларга, маҳаллий раҳнамоларга таяниб иш кўрган бўлса, сулоласи намояндаларини энг қайноқ, мурракаб маъволарга бириктирди. Унинг ҳётлиги пайтида амал таъмасида бирон ишқал чиққани маълум эмас. Вақти соати етиб, ўттиз беш йил Мовароуннаҳр, Хурросон, Форс, Озарбайжон, Араб мамоликлариниadolat ойини или якжилов қилган, бошқарган Амир Темур ҳазратлари оламдан ўтди. Ўттиз беш йил ҳокимият тепасида бўлиш, мозий андазаси билан ўлчангандা ҳам кичик рақам, тез кечар сана эмас. Фарзандлар силсиласи улғайиб, суяги қотган, юртлар, эллар кўрган набиралар ҳисобига сезиларли равишда ортган эди. Давлатчилик манфаати, тарбиявий тизим самараси, оилавий маданият, шу тариқа, ўн бешинчи аср бошларида сулола учун bemisл синов даври бўлди. «Амир Темур сулоласи» (2014, 2015) китобимда бу ҳақда тарихий манбаларга таяниб, имкон даражасида ёздим. Асарнинг мантиқий давоми тақозоси сулоланинг мушкул синовдан қандай ва нечоғлик ўтиши талқинини кутар эди. Шу мулоҳаза даъвати билан иккинчи китобга саъй қилинди.

Амир Темур ҳазратлари Ўтрорда дунёдан ўтгач, Шоҳрух ва Мироншоҳ Мирзолар – ўғиллар ота васиятига оғишмай амал қилдилар. Набираларнинг эслик, ҳушлик вакиллари аксарияти ўзбошимчаликка қадам босмадилар. Валиаҳднинг тахтни эгаллашини кутдилар. Бироқ набиралардан Халил ва Ҳусайн Мирзолар бундай деб ўйладилар. Чунки ҳар иккаласининг тарбиясида ўзлари билан боғлиқ бўлмаган, илдизи она ёхуд ота (бирининг онаси Ҳонзода Бегим, иккинчисининг бобоси амир Мусо эди) тарафга уланадиган тийнат, фаразга омихта унсурлар қонга сингдирилган эди. Уларнинг тож-у тахт талвасалари узоққа чўзилмади, беш-олти йил теграсида тинчили, жойига тушди. Сулоланинг Шоҳрух Мирзодек донишманд,

сиёсатдон, узоқни кўра биладиган таянч нуқтаси бор эдики, синов йилларида аланталанган бошбошдоқлик гулхани тезда, оқилона тадбирлар туфайли сўндирилди. Жипслик, шаън, қудрат сақлаб қолинди. 1405 йилдан 1447 йилга қадар, қирқ йилдан зиёд вақт давомида Амир Темур ҳазратларидан мерос қолган давлатда осойиш, тараққиёт, аҳоли сонининг кўпайиши каби хайрли натижаларга эришилди.

Бу дунёда ҳар бир инсонга, у подшоҳми ёинки оддий фуқароми, бундан қатъи назар, ажратилган муддат поёнига етади. Шоҳруҳ Мирзо ҳам мангу ором мулкига равона бўлди. Донишманд, тадбирли, улуғлик маснадига қўтарилган Шоҳруҳ Мирзо вафоти Мовароуннаҳр ва Хуросонда тож-у тахт курашининг янги тўfonини келтириб чиқарди. Бу мислсиз салбий оқибатларга олиб келди. Сулола вакиллари ўзаро қирпичноқ, мамлакат эса бўлинниб қолиш даражасига етди. Шаҳзодаларнинг ҳокимият талашиш пойгасига Шоҳруҳ Мирзонинг беваси, саройнинг биринчи маликаси – Маҳди улё Гавҳаршод Бегим ҳакамлик қилди. Давлатчилик ойинларига амал қилинмади, адолат мезони бузилди. Маслаҳат-у машварат, кенгашиб бир қарорга келишга ақл-фаросат, сиёсатдонлик, эртани кўра билишлик фазилатлари етишмади. Бу талашув, ички ихтилофлар, бир-бирига қарши қўшин тортишлар узоқ чўзилди. Мулкнинг, раиятнинг, шаҳзодаларнинг тинкаси қуриди, ўртада тезловчилар – ногорасозлар, сотқинлар, манфаат қуллари кўпайди. Тарафкашликда улар Темурий Мирзолар жиловларини қўлга олдилар.

Улуғбек Мирзонинг қатл этилиши тарқоқлик, таназзул ва сулолавий тубанликнинг авж нуқтаси бўлди. Ўғилнинг отани қатл эттириши, уканинг акани ўлимга маҳкум этиши одатдаги ҳолга айланди. Сулоладан бир раҳнамо, кайвони чиқиб, жиққамушт бўлаётган, ўн икки-ўн уч ёшдан – 30 ёшгача бўлган Мирзоларни адоватдан қайтарадиган мартабага қўтарилмади. Оқибатда, Хуросон ва Мовароуннаҳрда Темурийзодаларнинг тож-у тахт учун ўзаро ички жанг-у жадаллари бир зум ҳам тинчимади, таъбир жоиз бўлса, сулоланинг охирги кунларигача – интиҳога қадар давом этди. 1447–1449 йиллардан, то Даشت Қипчоқдан Муҳаммад Шайбоний хуружи бошлангунга қадар, қарийб ярим аср давомида буюк Амир Темур ҳазратлари асослаган улкан марказлашган давлат парчаланиб улгурди, Форс, Озарбайжон ва Араб мулкларининг катта қисми қўлдан чиқди.

Тарихий ва бадиий асаларда бу ҳақда кўп гапирилган бўлса-да, умумийликдан нарига силжиш кузатилмади. Улуғбек Мирзо ва падаркуш Абдуллатиф борасида фикрлар шаклланди, бироқ мавзунинг моҳияти билан боғлиқ жиҳатлар четда қолиб келди. Шоҳруҳ Мирзо ўлеми сабаблари, Гавҳаршод Бегимнинг тутган мавқеи синоатлари, ўғли Улуғбек Мирзони чиқишишимаслиги, хуллас, тож-у тахт кечмишида ҳал қиувчи малика мақомига этиши тарихий таҳдил ва

баҳосига етказилмади. Темурийлар саройида маликаларнинг хайрли, бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда, манфаат билан боғлиқ макрлари ҳокимият тақдирига нечоғлик таъсир кўрсатганлиги унтилган мавзулардан бири бўлиб келди.

Темурий Мирзолар катта сулолавий йўқотишлардан кейин бир-бири билан мувофиқ ва иноқ бўлганинига эди, уларнинг давлатхоҳлиги яна неча асрлар давом этиши имкондан бўлар эди. Афуски, худбинлик, ҳар бирининг ўз манфаатини кўзлаганлиги, тор дунёқараш, оналарнинг келиб чиқиши андазасида, маҳаллийчилик даражасида қолиб кетиши шаҳзодаларнинг тўғри йўлдан оғишларига восита бўлган эди. Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо ва Улуғбек Мирзо ўринларига келадиган тахт вориси Темурийлар орасидан топилмай қолмасди. 1449 йилдан 1500 йилгача бўлган оралиқ масофада тож-у тахтга қанча Темурийзодалар келиб кетмади, дейсиз. Улардан қайси бирини биламиз? Кўпчилик, назаримда, Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг номини яхши билади, чоғи. Шунда ҳам, Алишер Навоий билан боғлиқ ҳолда. Лекин уч ой, бир ярим йил, беш-олти йил тахтга жулус қилиб, юлдуз кўрибми-кўрмай сўниб кетган Мирзолар ҳақида тасаввуримиз кифоя қиласликми?

Бу ҳақдаги билимларимизнинг гира-ширалиги боиси, фикримча, манбаларнинг бу хусусдаги камсукумлиги, борларининг эса, кенг оммалашмаганлиги билан боғлиқдир. Асосий ургу сулоланинг муҳим шахсларига қаратилиб, силсилани ташкил этувчи кичик ҳалқаларга – қисқа вақт тахтни эгаллаган Мирзоларга етарли аҳамият қаратилмаганлиги ҳам бунда маълум ўрин тутган, деб ўйлайман. Темурийлар сулоласининг яхлитлигини, бир бутунлигини, тарихда тутган ўрнини, сиёсий-ижтимоий, маданий жабҳалардаги фаолиятини узук-юлуқ истифода этиш, китобхон манфаатига мос келмайди. Ўтмиш ҳақидаги тасаввур чала ва мўрт бўлиб қолади. Бинонинг устунлари таърифи маъқул, албатта. Иморат фақат устунлардан иборат эмас, унинг каттадир-кичикдир, барча жиҳозлари тахт бўлгандагина, ичига кирилади. Бу ташбех нисбатидан тегишли хulosса чиқади.

«Темурийлар силсиласи» қиссасида 1447 йилдан то 1507 йилга қадар Мовароуннаҳр ва Хурсонда кечган шиддатли воқеа-ҳодисалар, олтмиш йиллик ҳаётий кечмишлар қамраб олинди. Мозийнинг шу даври бевосита Шоҳруҳ ва Улуғбек Мирзолардан мерос қолган юрт идораси жиловида бўлган Темурийзодалар ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас туташ. Қиссада тож-у тахтга интилган, унга бир сира ва давоматли мұяссар бўлган тубандаги Темурийзодалар с и л с и л а с и тарихий тадқиқ ва бадиий тасвир доирасига киритилди:

Алоуддавла Мирзо;  
Иброҳим Султон Мирзо;  
Абулқосим Бобур Мирзо;

Шоҳ Маҳмуд Мирзо;  
Султон Муҳаммад Мирзо;  
Абдуллатиф Мирзо;  
Абдулло Мирзо;  
Абу Саъид Мирзо;  
Ёдгор Мирзо;  
Ҳусайн Бойқаро Мирзо;  
Султон Аҳмад Мирзо;  
Султон Маҳмуд Мирзо;  
Умаршайх Мирзо;  
Бойсунғур Мирзо;  
Султон Али Мирзо.

«Темурийлар силсиласи»да Мирзоларнинг ярим асрлик алғовдалғовли салтанатида машъум ўрин тутган Гавҳаршод Бегим, Хадича Бегим ва Зуҳра Бегим сингари маликалар сарзанишлари ҳам манбалар шаҳодати асосида тавсиф этилди. Тарихнинг йиллар давомида нисбатан сокин оққан ўзанлари нафс, худбинлик ва макр-у фириблардан, ҳирс ғулуларидан қуриб, тап-тақири бўлишида уларнинг «хизматлари», чинакамига, беқиёс бўлганди. Гавҳаршод Бегим Темурийлар тарихига зилзила солган, унинг равишини калтабинларча ўзгартириб юборган эди. Хадича Бегим манфаатда ёвузлашиб рамзига айланганди. Зуҳра Бегим эса давлат жиноятчисига айланган, уни сотган, ўз ўғлини қатлга берган далла эди.

Мавзу тақозосига кўра, туркман, мўғул ва Даشتி Қипчоқ сардор-у хонлари тажовузи, ички ишларга аралашиб манзаралари ҳам чизилди. Ўрни билан, йўл-йўлакай Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ҳам сўз юритилди. Туркман сардорлари Жаҳоншоҳ, амир Ҳасанбек, мўғул хонлари Юнусхон, Султон Маҳмудхон, Даشتти Қипчоқдан Абулхайрхон ва Муҳаммад Шайбонийларнинг Мовароуннаҳр ва Хурросон ички ишларига аралашуви, мамлакатни эгаллаш, талаш йўлидаги фаразли «қўмаклари», қўшин тортиб келишлари, Мирзоларни ва эл-у улусни танг аҳволга солиб қўйишлари талқин этилди.

Шу вақтга қадар муфассал тасвирини топмаган, деярли эсга олинмаган, бироқ ўша замон нуқтаи назаридан мушкул муаммолар туғдирган Ёдгор Мирзо, Муҳаммад Жўгийларга ҳам саҳифалар ажратилди. Ёдгор Мирзонинг тарихи, унинг Ҳирот таҳтини эгаллаши сабаблари манбаларга асосланган ҳолда берилди. Абдуллатиф Мирzonинг ўғли Муҳаммад Жўгийнинг Мовароуннаҳрдаги узоқ давом этган шўришлари – исёнлари Абу Саъид Мирзо ҳокимиятига жиддий тўғаноқ бўлганлиги, унга қарши олиб борилган курашлар моҳияти қаламга олинди. Умаролар, вазирлар, беклар, уларнинг воқеалар ривожида ижобий ёхуд салбий аҳамият касб этганлиги-

га аҳамият қаратилди. Адабиётимиз тарихида Темурийларни ҳажвий-танқидий равишда тасвир этган, «Шайбонийнома» деган дostonни яратган Мұхаммад Солиқнинг отаси, Абу Саъид Мирзо риоят қылған Нур Саъидбекнинг хатти-ҳаракатлари нисбатан теранроқ гавдалантирилди. Мұхаммад Солиқнинг Темурийлардан юз ўтириши, Шайбоний хизматига кириб, уни күкларга күтариб мақташи сабаблари ойдинлаштирилди.

Тунларимизни мунаvvар қылған ойнинг ҳам, кунимизни чароғон этган қуёшнинг ҳам юzlарida дөр бор. Бу доғлар мунаvvарликка, ёғдуликка, нурағшонликка асти халал бермайды. Улуғбек Мирзодан кейин тож-у тахтга келган Темурий Мирзоларнинг тож-у тахтга эришгенига қадар, отдан тушмай, чопқунлар ясаганлиги, қирғиңбаротларни кучайтирган бўлишларига қарамай, муддаога етгач, бошга тожни қўндиргач, ота-боболаридан анъанавий тарзда ўтган давлатмандлик, адолат ва саховатпешалик, элнинг оғирини енгил қилишга саъй-ҳаракатлар қилиш сифатларини инкор этиб бўлмайди. Олиқ-солиқлар назорати, айрим турларининг бекор этилиши, тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши, иқтисодиёт ва маданиятнинг юксалиши йўлидаги рағбатлар Абу Саъид, Ҳусайн Бойқаро Мирзоларга хос хусусиятлар эди. Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг мумтоз адабиётимизни жаҳоншурумлик даражасига олиб чиққанлиги далилларини бошқача изоҳлаб бўлмайди.

«Темурийлар силсиласи» қиссасида воқелик ва тарихий шахслар аслига монанд тарзда, холислик билан ўқувчиларга тақдим этилди. Ўйлаб топилган бирор воқеа, ён босилган ёинки атай камситилган жиҳат бўлмади. Тарихий манбалар қиёсан ўрганиб чиқилди, уларга танқидий руҳда ёндашилди. Тарихни ўша замонга қайтиб, давр кишилари руҳиятини, дунёқарашларини ҳис қилиб, улар билан бирга яшаб, дашт-у саҳроларда, тоғ-у қирларда, жанггоҳларда, таҳтгоҳларда, раият ичида бўлиб, фароғат ва қийинчиликларни тортиб, сўнггина, қаламни кўлга олиш мумкинdir. Шунчаки тасаввур билан эса, олис мозийда адашиб қолиш, асосий йўлни сўқмоқлар билан алмаштириб, гангигиб қолиш қийин эмас.

Қадрли китобхон, «Амир Темур сулоласи» ва «Темурийлар силсиласи» катта меҳнат ва кўп йиллик тараддулар самараси ўлароқ дунёга келди. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари кечмишига академик Иброҳим Мўминовнинг машҳур рисоласи сабаб қизиқиб қолганман ва бу туйфу ҳамон қалбимда жўшқин оқим янглиғ далда ва даъват боиси бўлиб келади. Халқимиз кечмиши уммонидан томчилаб йиққаним, ўзимча, шаффоғ ва зилол деб билганим икки ҳовучни – икки китобни сизга илиндим. Фикрингизга нимадир қўшиб, туртки бера олган бўлсам, муддаом ҳосил, сизга миннатдорчилигим

бисёр. Хато, қусурларни ҳам инкор этмайман. Диldан айтганингизни мамнуният ила қабул қилғайман.

Қиссани ёзишга унdagан яқинларим, дўст-у қадрдонларимга савимий раҳматлар айтаман. «Амир Темур сулоласи» 2014, 2015 йилларда икки марта нашр этилгач, юртдошларимдан, Сурхондарё, Тошкент ва Бухоро вилоятларида яшовчи муҳтарам китобхонлардан яхши тилаклар, кўнгилни кўтарувчи лутфлар эшилдим. Чин юракдан бу азиз инсонларга, тарихимиз ихлосмандларига оғаринлар айтиб, зиё бобида эзгуликлар тилайман.

***Муаллиф***

## **ТАРИХНИ ЎЗГАРТИРГАН МАЛИКА**

Ҳижрий 850 йилнинг навбаҳори (1447 йил, март) Хуросонда Темурийлар салтанати учун хосиятсиз бошланди. Ҳиротни пойтахт қилиб, мамлакатни қирқ икки йил измига олган Соҳибқирон Амир Темурнинг кенжা ўғли, донишманд ҳукмдор Шоҳрух Мирзо етмиш икки ёшида оламдан қайтиш қилди. Сарой аъёнлари ва хонадон аъзолари учун бу кўпдан кутиб келинаётган, аммо содир бўлиш вақти мубҳам фожеий воқеа эди. Марҳум подшоҳнинг хотини Гавҳаршод Бегим ҳаммадан кўра, эрининг омонатини тезроқ топширишини ич-ичидан кутар, хокининг Самарқандга олиб кетилишини фараз қиласди. Бу ҳақда ўйлаб, кейинги пайтларда биринчи малика – Маҳди улёлик мақомига зид нохуш хаёлларга эрк бераётганидан пинагини ҳам бузмасди. Маликанинг Шоҳрух Мирзо билан шоҳона гўшангага кирганига оз эмас, кўп эмас, эллик тўққиз йил кечибди. Соҳибқирон қайнотаси Амир Темур ҳаётлигига Гавҳаршод Бегим олий иноятларда кўп сонли келинлардан бири саноғига бўларди. Авлоди, кимсан, салтанатда катта имтиёзга эга бўлган Тархонларга туташган Гавҳаршод Оғо ўша пайтлар Жаҳонгир Мирзонинг беваси Хонзода Бегим тугул, Умаршайх Мирzonинг кўз очиб кўргани, сўнг ўзига кундош тушган Маликат Оғо даражасида ҳам эътибор қозонмаганди.

Соҳибқирон қайнотасининг назарида бўлиш ҳар бир келиннинг орзуси эди. Бундаги ўз йўлига тўғаноқни Гавҳаршод Бегим улуғ қайнона Сароймулкхоним аралашувидан кўради. Шоҳрух Мирзо билан турмуш қурғанларидан кейин беш йил тирноққа зор бўлиб, хавотирда ҳаёт кечирди. Шоҳрух Мирзо унинг қўнглига ранж солмас, болаликдан бош қўшганларидан, жуда иноқ бўлиб кетгандилар. Давлат ишлари деб, шаҳзодалар тиним билмасди. Уларнинг ойлари, йиллари сафарларда, юришларда кечар, Хуросон, Форс маъволарида, уғруқларда бирга ҳамроз бўлган бегойимлар, келинларнинг тушларига Кўксаройдаги муҳташам хобхоналар кириб чиқарди. У пайтлар шиддатли, долзарб даврлар эди. Олийшаън никоҳнинг олтинчи йили қайнона хонимлар зумрасида сафарда бўлган Гавҳаршод Бегим учун хайрли кечди. 796 йил ҳижрийда, ит йилида, жумад ул-аввал ойининг ўн тўққизида, якшанба куни у ўғил кўрди. Салобатли қайнотанинг ўзи чақалоқ шаҳзодага Муҳаммад Тарагай – Улуғбек деб исм берди. Бу воқеа Султония шаҳрида, Сароймулкхоним, Тумон Оғо каби Амир Темурнинг нуфузли аёллари – улуғсифат қайноналар билан ўрдуда қишлоғ қилиб турганларида содир бўлганди. Чақалоққа она кўкрак тутар-тутмас, унинг ғамхўрлиги биринчи малика, улуғ энага Сароймулкхоним – Биби Хоним ихтиёрига берилди. Шу пайтларда, Умаршайхдек азамат фарзандидан айрилган Соҳибқирон учун набирасининг дунёга келиши катта юпанч бўлган ва умидларига қанот берган эди.

Гавҳаршод Бегим фарзандга ташна бўлгани боис, дастлабки пайтлар ўғлиниң айро тарбиясига кўниколмай, хўп эзилиб юрди. Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротда ўрнашгандан сўнг эса, тетапоя бўлиб қолган Улуғбекни онда-сонда кўриш баҳтидан ҳам йироқ тушди. Самарқанд қайдо-ю, Ҳирот қайдо. Ўртада Жайхун, она сўл тарафда, ўғил ўнг ҳудудда, оралиқда эса, от билан шитоб қилиб борилганда, етти-саккиз кунлик йўл. Бобоси оламдан ўтгач, Улуғбек Мирзо бир сира Ҳиротга келиб турди. Она дийдорга тўяр-тўймас, у яна Самарқандга, бу сафар ота ноиби тариқида ҳукмдор бўлиб, батамом кетди. Йиллар меҳр туйғусини ҳам совута бораркан. Она тақдирга ризо бўлган, фарзанди висолида куймай қўйган, ўғли қалбида ҳам волидага талпиниш жўш урмасди. Йиллар оша Самарқанддан Ҳиротга келган Улуғбек Мирзо совфа-саломларни бисёр қилас, аммо ўзини бегона мисол тутар, расмиятчиликдан нарига ўта олмасди. Она-бона ўртасида йиллар давомида қўкарған лоқайдилек бешикдан бошланган, она тунларни тонгларга улаб, алла айтиш шарафига ноил бўлмаганиданми, учрашув онларини ҳаяжонли туйғулар эмас, сарой мулозаматига хос муомала, совуқ бир ҳовур қоплаб оларди.

Шоҳруҳ Мирзо набираси, Бойсунғур Мирзонинг талтайган ўғли Султон Муҳаммад Мирзонинг берилган мулкка қаноат қилас, мулкгирлик васвасасида бошлаган юришларига чек қўйиш мақсадида, қўшин тортиб, Рай вилоятининг Пашов қишлоғига етганида, ҳаётдан кўз юмади. Касалманд подшоҳнинг юриш-туриши қийинлашиб қолган бўлса-да, набирасининг ўзбошимчалиги жонидан ўтган эди. Шоҳруҳ Мирзо набирасига қарши юришда Гавҳаршод Бегимни ёнига олган, Абдуллатиф, Абулқосим Бобур, Халил Мирзо каби шаҳзодаларни қўшинга бириктирганди.

Бу юришдан, бошданоқ, Гавҳаршод Бегимнинг энсаси қотган, эрига бир кор-ҳол бўлишини тусмол қиласди. Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. У ўйлаган фожиа содир бўлди. Гавҳаршод Бегим фавқулодда нима қилишини билмай, ўйлар изтиробида қолди. Вазири аъзамлар, вилоятлар ҳокимлари, лашкар бошлиқлари соясига юкуниб салом берадиган улуғ малика бирдан ўзининг ожизалигини пайқади. Дафъатан хаёлига урилган фикрдан вужуди муз қотгандай бўлди. Аркони давлатни тиз чўқтирадиган, жойи келса, подшоҳнинг ўзини ҳам ногорасига ўйната оладиган Гавҳаршод Бегим энди аросат ўзига етганлигини англаб, унга қарши бирор илож излашга тушди.

\* \* \*

Икки йил бурун, ҳижрий саккиз юз қирқ саккизинчи (1445) йилда, Маҳди улё Гавҳаршод Бегим, подшоҳ эрининг ўлими нақд бўлиб, оғир бетобликка йўлиққанида, ўзини йўқотмаган, ҳамма нарсага тайёр, кўнглиниң тубида ёришаётган уфқдек таскин бор эди. Сал-

танатда, вилоятларда хос кишиларнинг барчаси маликанинг қош-у қовоғига қарап, ўринлари совимаслиги учун ўлиб-тирилардилар. Малика – малика, подшоҳ – подшоҳда. Иккинчилик мақоми Гавҳаршод Бегимга кейинги йилларда ёқмай қолган, Шоҳруҳ Мирзонинг давлат ишларида, айниқса, молия тизимида чўрткесар эмаслиги, бутун диққат эътибори қўшин сақлаш, унинг анжоми, раият тинчлиги ва аҳволига қаратилганидан фижини келарди. Мамлакат кирим-чиқимини тўла қўлга олиш имкондан бўлмаса-да, маликанинг бу бобдаги таъмаси вазири аъзам орқали рўёбга чиқиши йўлга қўйилганди. Амир Жалолуддин Ферузшоҳ унинг ўнг қўлига айланган, амал, олиқ-солиқ, ҳисобга киритилмаган даромадлар буромади малика режаси асосида, унинг томонидан ошкора ҳам, хуфиёна ҳам амалга ошириларди. Тизгин Гавҳаршод Бегим қўлида эди.

Икки-уч кундан бери туз тотмай, кўз очмай ётган, доруссалтана Ҳиротда Шоҳруҳ Мирzonинг вафоти ёинки ҳаётлиги борасида шубҳалар, гумонлар ўрлаган, миш-мишлар тарқалган эди. Подшоҳ қасри жойлашган Бони Зоғонда сукунат ҳукм сурар, бирор кас овозини баландлатиб сўзлашга-да ботина олмасди. Амир Жалолуддин Ферузшоҳ подшоҳни даволашга табибларни тўплаган, улар иситма ҳароратини туширишда ноилож қолаётган эдилар.

Жума куни, иттифоқо, пешин намозидан кейин авлиёлар пешвоси, муаррих айтганидек, «диннинг чироий» Шайх Умар ўсал ётган подшоҳ аҳволини сўраш учун Бони Зоғонга ташриф буюради. Боргоҳда ётган Шоҳруҳ Мирзо Шайх киргач, кўзларини хиёл очиб, авлиёга салом берди.

...Пашовдаги қўнолгоҳда Шоҳруҳ Мирзо учун тикланган чодирда жасади узалтириб, устига ёпинчиқлар ёпилган, қилич ва ўқ-садоқлари икки ёнига қўйилган марҳум подшоҳ маликани ўй-хаёллари-ю, дунёни холи ташлаб кетганича, бақога йўл олган эди. Чодир атрофида қўриқлов кучайтирилган, ишончли навкарлар қўналға қилиб, ўраб олгандилар.

Ўзининг шоҳона ҳаймасида зарбоф кўрпачалар устида тиз букиб, парқув болишга тирсак суяб ўтирган Гавҳаршод Бегим ҳамон тизгинсиз ўйлар асири бўлиб қолмоқда эди. «Яратган даргоҳига истиффорким, – аста пицирлай бошлиди Маҳди улё, – Шайх Умарнинг каромати бўлмагандан, бошидаги дасторини ҳазрат олампаноҳга кийдирмаганида борми, онҳазрат оламдан қайтиш қиласидилар? Қайдам? Шаҳаншоҳларнинг вақти соатлари етиб, ўз ошёнида риҳлат этмоқлари ҳам бир давлат экан. Онҳазратимга ҳам бу иноят насиби даст бермади. Соҳибқирон падари бузрукворлари қисмати қайталанди, ажал сафарда келди, минг таассуф».

Хаёлга эрк бераётган Маҳди улё шу аснода амир Жалолуддин Ферузшоҳни эслаб кетди. Онҳазратимнинг ўлимидан умидвор бўлган ва-

зири аъзамнинг ўзи чидаш бера олмади-я?! Буниси ҳам майли-я, Балхдай вилоятни идора қилиб турган, валиаҳдликдан умидланган ўғли Мұҳаммад Жўгий Мирзо давроним келди, деб бекорлар ҳовлиқ-ди-да. Вазири аъзам ҳам, ўғли ҳам ўлди-кетди, Шоҳрух Мирзо эса, тузалиб, яна тахтга ора берди. Бу дунёнинг фириб-у равишини англаб бўлмас экан-да... Малика беихтиёр қаттиқ уҳ тортди-да, чодирнинг ипакдан товланиб турган, жигалари гулдор пардасига эҳтиётдан кўз қирини ташлади. Малика фикр-хаёлларини бирор фаҳмлаб қолиши мумкиндек, сергак тортди.

Оlampanoҳ подшоҳ Шоҳрух Мирзо ўшандада, соғайиб, девон ишларини тасарруфига олиб, нимадандир гумонсирагандек, мол-у амвол ишларини тафтиш қилдиришга киришганди. Мұҳаммад Жўгий Мирзонинг, онаси билан амир Жалолуддин Ферузшоҳда алами бор эди. У Балхда эканлигига Гавҳаршод Бегим билан амир Жалолуддин Ферузшоҳ, Шоҳрух Мирзо оламни тарк этгудек бўлса, тахтга набира Алоуддавлани сипориш қилишга байъат қиласидилар. Ўғил қолиб, набира подшоҳ бўлса-я? Мұҳаммад Жўгий Мирзо, фармони олий билан событ этилмаган бўлса-да, валиаҳдликка номзод деб қараларди. Байъатдан фифони фалакка чиққан Мұҳаммад Жўгий Мирзо амир Жалолуддин Ферузшоҳнинг вилоятлардаги номатлуб ишларидан хабардорлиги боис, унинг танобини тортиб қўйишга қарор қиласиди. Амир Жалолуддин Ферузшоҳ малика кўмагида, аниқроғи, маъқулловида барча вилоятларга ҳокимлар, молия муставфийлари, олиқ-солиқчи – муҳассилларни, соҳиби ихтиёrlарни тайин қиласанди. Девон вазирлари қингирликлардан гумондор бўлсалар-да, Маҳди улё қаҳридан истиҳола қилиб, оғиз очолмасдилар. Мамлакат бўйича йиғимнинг асосий қисми хазинадан жой олмасди. Мұҳаммад Жўгий Мирзо ўзига қадар Балхда вужудга келган молиявий аҳволни таниқли муртазо Сайд Имомуддин Маҳмуд Жунободий иштирокида тафтиш қилдирган, натижа кутилганидан ёмон, далиллар тўғридан-тўғри амир Жалолуддин Ферузшоҳ девонини ишғол қилишга қодир ҳолда эди. Девон мол-ҳоли белгиланганидан бир неча бараварига камайтирилиб кўрсатилган эди.

Шоҳрух Мирзо девон мажлисида амир Жалолуддин Ферузшоҳдан бу қилмиш жавобини жуда мулоим, аммо қатъий қилиб сўради. Вазири аъзам сира эслолмасдики, бу яқин йилларда ҳеч бир кас унинг мушугини «пишт» деганини, энди эса, уни жиноятда айбламоқдалар. Шаҳаншоҳнинг ўзи олий мажлисда ундан саволига жавоб талаб қилмоқда. Бундай бўлишини кутмаган, Гавҳаршод Бегим қўлловида ҳаволаниб кетган вазири аъзам тахтни безаб турган Шоҳрух Мирзонинг гапини гап демай, ўрнидан иргиб турди-да, эшикка равона бўлди. У аллақачонлар мажлис аҳдини чақага ҳам олмай қўйган, энди давлат эгасини ҳам шу нархда баҳоламоқда эди. Девон тош

қотиб қолди, сукунатни бузишга ҳеч бир амирда, девон бекларида мажол йўқ эди. Одд ўриндиқларда жойлашган баъзи ёши улуғ амirlар Ферузшоҳнинг бу калтабинлигидан хиёл бош чайқаб, муносабатларини аён этган бўлдилар.

Бу ўта хунук воқеадан кейин амир Жалолуддин Ферузшоҳ девонга қадам босолмади. Йўлдами, уйидами, подшоҳга нисбатан қабих муомалага йўл қўйганлигини ўйлаб кўргандир. Шоҳрух Мирзо ҳам бир неча кун арқонни узун ташлаб қўйди. Бир куни Шоҳрух Мирзо Ҳиротда обрўли кишилардан бўлган мавлоно Ёқуб парвоначини «Сўровим тўғрими?» дегани учун, девон эшигини юзига ёпиб кетган амир Жалолуддин Ферузшоҳ уйига жўнатади. Ўтган кунларда вазири аъзамнинг қиблагоҳи маликадан бирор сас чиқмаган, гўё орада ҳеч бир ножӯялик бўлмагандек эди.

Мавлоно Ёқуб парвоначи уйига боргунича, вазир, анжуманда подшоҳга ҳақорат йўлини туттанини хаёлининг бир бурчига ҳам келтирмаган, «керак бўлсан, чақириб олишар», деб ўзини саволдан ранжиган ҳис қилиб, Шоҳрух Мирзодан араз-гинада эди. Вазири аъзам парвоначидан шоҳ юборган хабарни эшитиб, чўғга ташланган қўргошин парчасидай эриб, оқди. Ўша давр муаррихлари Шоҳрух Мирзо йўллаган огоҳни шундай келтирадилар:

«Биз тарафдан амирнинг (яъни Жалолуддин Ферузшоҳнинг – муал.) кўнгли қолишига сабаб бўладиган бирор иш воқе бўлганий йўқ, энди агар, қоида подшоҳнинг сўзини оғзида қолдириб, мажлисдан қаҳр билан чиқиб кетиш бўлса, яхши иш қилдинг. Бўлмаса, подшоҳона газаб ва султонларга хос ёсоқдан эҳтиёт бўлгил».

Парвоначи вазмин киши эди. Подшоҳ гапини у ётифи билан, маннатиб айтди. Вазир, шундагина, нима аҳмоқгарчилик қилганини турушниб етди, фафлат уйқусидан сачраб уйғонди, бир зумда кўз одини қора босиб, бўлимли гавдаси кузак баргидек тебранаётганлигини, озгина ҳимо бўлса, чирт этиб узилишини пайқаб қолди. «Арслоннинг ўлиги ҳам арслон», деб бекорга айтишмасканлар, – хаёлидан шу фикр ялат этиб ўтди, – мен қаерда-ю, тождор қаерда? Нимага ишондим, кимга ишондим, эй, худойим, узун бўлиб қолдим-а? Малика менга ўхшаган вазирларнинг қанчасини еган, шу кунларда, ақалли, исминг ким, деб ҳол сўрамади ҳам. Энди, унга менинг керагим йўқ, бож-у хирож пуллари менсиз ҳам оқиб келаверади...»

Шоҳрух Мирзо ниҳоятда тамкин, динни маҳкам ушлаган, давлат ойинини жон-жаҳди билан муҳофаза қиладиган, кўпни ва кўп ишни кўрган билимдон подшоҳ эди. Малика Гавҳаршод Бегим қаттиққўл бўлса-да, давлат жипслиги соҳасида тўғри йўл тутиб келар, мулк умидида юрган шаҳзодаларни чакки қадам бостирмас, сарой тартиботи жойига қўйилганди. Айниқса, чорак асрча муқаддам масжидда Шоҳрух Мирзога суиқасд қилиниб, танасига пичоқ заҳми етгани-

дан бери, Маҳди улё подшоҳ хавфсизлиги, сиҳат-саломатлигини деб, давлатона кўп юмушларни ихтиёрига олганди. Марҳум онҳазрат ҳам шу саъй-ҳаракатлари, жонкуярлиги, уддабурролиги учун Гавҳаршод Бегимнинг раъйини қайтармасди. Саройидаги инон-ихтиёр, шу тариқа, Маҳди улё қўлида жам бўла бошлаганди.

Амир Жалолуддин Ферузшоҳ ўз қалтабинлигининг қурбони бўлди, хайф. Малика оғир тин олиб, ўйида давом этди. «У, эътимодимни оқдай билмади, – яна лаблари пичирлади, – бойлик кўзларини кўр қилди, ким шоҳ-у, ким гадолигини фаромуш қилди, балким ўз жонига ўзи қасд қилди...»

Мавлоно Ёқуб парвоначидан Шоҳрух Мирзо тайин қилган сўзларни эшитаркан, вазири аъзам ўзини дор остида тургандек ҳис қиласди-да, ўтирган жойида сулайиб қолди. У ҳушини йўқотган, қанча уринмасинлар, ўзига келмасди. Парвоначи олампаноҳ Шоҳрух Мирзо ҳузурига юкуниб бориб, Ферузшоҳ билан содир бўлган воқеани сўзлаб берди. Шоҳрух Мирзо нописандлик воқеъ бўлган мажлисда қаттиқ ғазабланган, қаҳрини юзга солгунича, Ферузшоҳ эшикни қарс уриб, кетиб бўлганди. Шоҳнинг қурби ҳам, қудрати ҳам вазири аъзамни шу ондаёқ тутдиришга, гарданига қилич урдиришга етиб ортса-да, табиатидаги оғир-босиқдик мулк сарҳисобидан шахсиятни паст қўйиш фазилати уни зарурий чорадан тийган эди. Амир Жалолуддин Ферузшоҳ яхши биларди, онҳазратнинг ҳадеганда жаҳли чиқмас, каттадир-кичиқдир муаммоки, етти ўлчаб, сўнг бир қарорга келарди. Амакизодалари юрт-у вилоят талашганда, аксарияти билан муроса қилган, ҳурматини жойига қўйган. Саркашларини, не қилса-да, уната олмагач, аяб ўтиргмаган, бир қиличига ўн шамширни ҳавола этган. Куч ишлатиш, жазолаш ҳеч бир имконият қолмаганда содир бўлиб келган. Аҳди девон олдида гапини синдириб, шоҳни мулзам қилиш ҳам, Ферузшоҳнинг охирги сакраши бўлиб, шоҳнинг камдан-кам ҳолларда мурожаат қиладиган ёсоғига мутаносиб тушган эди.

«Шоҳрух Мирзо, эҳтимол, вазири аъзамнинг бемаъни беодоблигини кечиргиси келгандир, – хаёлдан ўтказди Гавҳаршод Бегим, – йўқса, Парвоначини унинг ҳузурига юбормоқдан мақсад не эди? Кўрнамак Ферузшоҳ қилар ишни қилиб, уйидан чиқмай олди, таҳт пойига келиб, йифлаб-сиқтаб, узроҳлик қилмайдими? Ўзига ўзи қилди, ажаб бўлди. Яна онҳазратнинг кўнгли бўшлиги-чи? Уйида бир неча кун беҳуш ётган Ферузшоҳни бориб кўрмоқдик, қанча кўрманалар бермоқдик?! Барибир, бўлар иш бўлган, вазири аъзамнинг ўтакаси ёрилган, шу билан ўзига келмай, оламдан равона бўлган эди».

Ёнма-ён тикилган, ўрталиқдаги каттакон чодирда Шоҳрух Мирзо абадият уйқусига чўмган, Бегимнинг қаттиқ тайинлови билан, бу мудҳиши воқеа ошкор этилмаётган, бутун уғруқда мубҳам сароси-

малик ҳукмрон эди. Исёнкор набира Султон Мұхаммадни тинчитиб қўйиш учун тортилган қўшин Рай вилоятининг Пашов қишлоғида ўрду қилиб турганида, онҳазратга ўлим етишганида, бирга ҳамроҳ бўлганлардан – набиралар Абулқосим Бобур, Абдуллатиф Мирзо, Халил Султон ва амир Пир Луқмон барлослар шу кун ҳарбий сафардан қолдирилган, лашкар бошлиқлари, сипоҳийлар эса, Султон Мұхаммадни мағлуб этиш ва тутиб келтиришга жўнаб кетгандилар. Маҳди улё, дафн ҳозирлигидан ҳам кўра, муҳим ҳисоблагани, кейинги йилларда интиқ кутгани – давлат тепасига ким келади, таҳтни кимнинг вужуди безайди, деган саволга жавоб топгунича, яқинларни ҳам боргоҳдан узоқ, ўз қароргоҳарида кутиб туришни уқдирган эди.

Гарчанд, таҳтни эгаллаш важҳида Гавҳаршод Бегим икки-уч йил бурунлар бир тўхтамга келиб қўйган бўлса-да, ҳозирги вазият тақозо этаётган ечим осонликча даст бермаслиги унга офтобдай равшан эди. Ҳашаматли чодирида туни билан ўйлаб, тонгни оттирган Бегим ҳамон бир қарорга келомасди. Қолганларнинг бу хусусда ўйлашибрига қурби ҳам, Маҳди улёдан ўтиб, журъати ҳам, ваколати ҳам йўқ эди. Марҳум шоҳ ўрдуси хавотирликда сергак турар, қулоқлар динг, Маликадан қандай нишоналар бўлишини сабрсизлик билан кутардилар. Айниқса, Абдуллатиф Мирзо ва Абулқосим Бобур Мирзо жуда безовта, буюк момоларига худо инсоф беришини, ўз номзодларини танлашини жон-жонидан истаётган эдилар.

\* \* \*

Саҳар ортда қолиб, кун ёриша бошлади. Шарқ тарафда баҳайбат, оппоқ булуллар гўё бир карвонга жам бўлмоқчилик, тўдаланиб борарди. Гавҳаршод Бегим ўрнидан кўзғалди. У бир қарорга келиб бўлганди. Имо қылди, ҳузурида қўрчилар бошлиғи хиёл ўтмай юкуниб, оҳиста салом берди. Гавҳаршод Бегим хос кишиларга хабар беришга, буронгордан Абдуллатиф Мирзони чақириб келишга изн берди.

Шоҳруҳ Мирзони Ҳақ таоло фарзандлардан сероб қилган эди. Уч аёл билан узоқ оиласи ҳаёт кечирган подшоҳнинг етти ўғли, икки қизи бор эди. Тақдир фақат фарзандлар қисматидан қисган, ўлими кунида етти ўғилдан барҳаёти катта фарзанди Улугбек Мирзо эди. Отадан ўн етти ёш кичик бўлган Улугбек Мирзо ўн ёшидан бери Мовароуннаҳрни идора қилиб келади. Гавҳаршод Бегимнинг икки ўғли – Бойсунғур ва Мұхаммад Жўгий Мирзолар ҳам қирқдан ошар-ошимас, Тангри раҳматига бордилар. Маҳди улёning кундошлари Маликат Оғо ва Тўти Бегимлар ҳам фарзанд доғида куйдилар. Гавҳаршод Бегимга ўғиларидан, айниқса, Бойсунғур Мирзодан жудо бўлиш осон кечмаган эди. Яхшиямки, улардан қолган зурриёдлар бор экан, Бегим ўзини ёлғиз сезмади, улар билан овунди, таҳтнинг истиқболини набиралар пойи қадамига боғлашга берилди. Бойсунғур Мирзо-

нинг тўнгичи, 1417 йилда туғилган, отасидан ўн олти ёшида қолган Алоуддавла Мирзо Бегимга набиралар ичида бошқачароқ, фақат бўлимли, ақл-ҳушшлигина эмас, дилбанд бўлиб туюларди. Бегим унинг тарбиясига, кийинишига, эҳтиёжларига ҳаддан ортиқ эътибор қиласар, шаҳзода ҳам бўйни бўш, кўнгилчан, момоси атрофида гиргитон бўларди. Бегим унга тўрдаги хоналарда қаторлашиб турган сандиклари калитларини ишониб топшириб қўярди. Жавоҳиротларни жойлаш ёинки заруратдан олиш лозимати туғилса, бу юмуш ҳам Алоуддавла зиммасида бўларди.

Абдуллатиф Мирзонинг йўриги бошқа эди. Гўдаклигидан Бони Зоғонда униб-ўсган Абдуллатиф Мирзо Самарқанд ҳукмдори, Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршод бегимнинг тўнгичи Улуғбек Мирzonинг фарзанди эди. Улуғбек Мирzonинг болалари нобуд бўлган, хотинлар бобида ҳам омади юришиб кетмаганди. Бу, оиласи жамулжамликнинг соя ташловчи жиҳатлари бўлиб, Хиротда олийшашъян ота-она бу бобда ҳам бош қотириб турарди. Хонадон ва унинг шахсий муаммолари Соҳибқирон Амир Темур – сулола асосчиси вужудга келтирган удумларга кўра, тор оиласи манфаатлар андазаси билан эмас, кенг ўйловли давлат аҳамияти даражаси тақозосига кўра ҳал этиларди. Давлат тақозоси эса, марказий салтанатга тобеъ ҳудудларнинг, шу жумладан, Улуғбек Мирзо отаси Шоҳруҳ Мирзо номидан бошқариб турган Мовароуннаҳрнинг ҳам сўзсиз бўйсунишини, мустақиллик даъво қиласлигини, ҳарбий вазиятда кўмаклашувини, молиявий йиғимларни ўз вақтида таъминлаб туришни устувор қилиб қўйган. Салтанат тажрибаси эса, бу ойинларда кафолат тадбирини истисно этмаган. Амал қилиб келинган удумга мувофиқ, марказлашган тарбия усули қўл остидагиларнинг фарзандларини шоҳ саройида вояга етказиши, садоқат руҳида тарбиялаши вожиб ҳисобланган. Бу одат Соҳибқирон даврида ҳам, ундан олдинлар ҳам мудом амалда бўлиб келган. Бунинг давлат аҳамиятига моликлиги эътироф этилади-ю, коса тагидаги нимкосага эътибор берилмасдан ўтилади. Онасидан чақалоқлигидан ажратиб олинган, маҳсус энагалар қуршовида тарбияланадиган шаҳзодачаларга биринчи малика масъул бўлган. Удумнинг либосларини – турли талқинини бир зум унутиб, ҳақиқатга яқиндан боқсан, унинг замирида чиндан ҳам давлат аҳамиятига лойик ният яширин эканлигига амин бўлинади. Подшоҳ саройида бу шаҳзодачалар гаров тариқасида, оталарининг марказий салтанатдан бош бурмасликлари учун ушлаб туриларди. Биби Хоним, Тумон Оғо ва бўлак маликалар шаҳзодалар тарбиясида беназир мураббия бўлганлар. Сароймулкхонимдан одобни ўзлаштирган Удуғбек Мирзо кейинчалик унинг ишончини оқлади: отаси Шоҳруҳ Мирзо инъом этган мулкдан ўзгасига кўз ола қилмади, Шоҳруҳ Мирзо сиёсатини ифодат этишга интилди. Авладдан неча бирлари суюргол берилган вилоятлардан қаноатланмай,

бошқа жойларни қўшиб олишга, каттароқ улуш жамғаришга саъй қилиб, абор бўлиб кетди. Фақат, бу тарбия усулининг бир чакки томони – кўпчилик шу мактабни ўтаган шаҳзодаларда ўз ота-оналарига меҳр-муҳаббат қўя олмаганикларида, худди етти ёт бегонадай тортиниб, ўзини олиб қочиб туришларида эди.

Гавҳаршод Бегимнинг хаёlinи банд этган хавотир ҳам худди шу нуқтада унга ором бермаётган, тахтнинг аслда ойинга муносиби ҳам, даъвогари ҳам ворислар орасида ёши улуғи, ҳокимиёт юргизишда қарийб қирқ йиллик йўлни босиб қўйган, илмда шуҳрати ҳукмдорлигидан баланд бўлган Улугбек Мирзо эди. Маҳди улё марҳум эридан ёлғиз тирик қолган ўз жигарбандини кўнгил илиқлиги билан эсга олмасди. Узоқ йиллар давомида шаклланиб, мустаҳкам қарор топган бегоналик ҳисси онада, айниқса, кучлироқ тажассум топган эди. Улугбек Мирзо ҳокимиятининг кейинги йилларида мавқеини маҳкамлаган, қудрати ҳарбий жиҳатдан отаси Шоҳрух Мирзо даражасига монанд тараққий қилиб бораётганди. Унинг Мўгулистонга қилган юришлари Ҳиротда акс-садо берган эди. Мовароуннаҳр муҳофазаси кўп йиллар Шоҳрух Мирзо саройининг оғриқ пайдо қилгувчи шишларидан бўлиб келганди. Шоҳрух Мирзонинг шу йўсинда юз берган ихтилофлардан ўғидан кўнгли қолиб кетган, чорак аср нари-берисида унинг ўрнига яна бир ўғли Бойсунфур Мирзони аниқ-тиниқ мўлжал қилган, у Жайҳундан ўтмай, Улугбекнинг писандасидан кейин ортга қайтганди. Самарқандга келаётган, тахт соҳиби алмашинуви муқаррар бўлган қалтис шароитда, Улугбек Мирзо тўқнашувни шаъма қилганди. Шундан сўнг донишманд подшоҳ билимдон фарзандининг ишларига деярли аралашмай қўйган, Гавҳаршод Бегимнинг қистовидан кейин Улугбек Мирzonинг туғилажак болаларини Ҳиротда «тарбиялашга» майл билдирганди. Шоҳрух Мирзо Пашовда юз берган ҳалокатидан икки йил муқаддам юз берган оғир хасталикдан соғайганида валиаҳд масаласида нечундир бир қарорга кела олмади. Шоҳнинг пинҳоний тўхтами, ўғли Улугбек Мирзода эмас, унинг Гавҳаршод Бегим назоратида бўлган фарзанди Абдуллатиф Мирзода эди. Айрим ишоратлар бу фаразни далолатлагандай бўлди. Шулардан бири 1441 йилда Гавҳаршод Бегим ва Абдуллатиф орасида совуқчилик ошкора тус олиб, шаҳзоданинг Самарқандга, отаси ёнига қайтиб кетиши мисолида кўзга ташланади.

Муаррих Абдураззоқ Самарқандийнинг бу ҳақдаги шаҳодати, шунчаки, эслатиш эмас, кишини ўйга толдирадиган, хulosаларга ундейдиган, муҳими, Ҳиротда, Шоҳрух Мирзо қасрида ҳукм суроётган вазиятни бирқадар ёритадиган рад этиб бўлмас манбадир. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида бу ҳақда фоят мулоийм тарзда шундай дейилади:

«Шу йили (ҳижрий 845, милодий 1441–1442) Маҳди улё Гавҳаршод Оғо Самарқанд томон отланди. Бунинг сабаби қуидагича эди: Мирзо Абдуллатиф ёшлик чоғидан бошлаб, бузруквор буваси баҳти хоқоннинг хизматида бўлиб, онҳазрат шаҳзодани бир неча йил камоли шафқат ва иноят билан тарбият қилди. Бу йилнинг бошида Абдуллатиф ижозат сўраб, хафалангандек Самарқандга кетиб қолган, унинг ранжиганлиги кўпроқ Маҳди улё Гавҳаршод Оғодан эди, чунки Маҳди улё амирзода Алоуддавлага нисбатан ортиқ муҳаббати борлиги сабабли, бошқа фарзандларга кўпда илтифот кўргазмас эди».

Маҳди улё Гавҳаршод Бегимдан, ёш шаҳзоданинг кўнглини сезиларли қолдирадиган бир илтифотсизлик содир бўлганки, ранжосор Абдуллатиф Боги Зогонда тургиси келмаган. Рухсат, чамаси, узоги билан бир ойга берилган бўлса-да, шаҳзоданинг арази икки-уч ойлаб чўзилиб кетади ва Ҳиротга қайтиш, дараклатишлар бўлмасин, пайсалга солинади. Бундан подшоҳ Шоҳруҳ Мирзо бетоқат бўла бошлайди. Маликанинг феълини яхши билганидан, Абдуллатифга етган азиятнинг чуқурлигини ҳис қилади. Маҳди улёга бу ҳақда шаҳзодани қайтариб олиб келишни тайин қилади, аксига олиб, Гавҳаршод Бегим ҳам онҳазратнинг хоҳишини гўё эшитмагандай, эътибордан соқит қилиб келади. Охири иш ранжиш ва дашномга бориб етади. Муаррих бу хусусда ҳам янада юмшатибрөқ, қуидагиларни айтади:

«Абдуллатиф кетиб қолгач, онҳазрат у жигаргўшанинг фироқида кечакундуз бетоқат бўлиб, ўз муҳтарам ҳарами Гавҳаршод Оғодан ранжиб юрар ва «фарзандимни мендан жудо қилдилар», – дер эди. Иффат шиорли Маҳди улё мажбурият юзасидан Самарқанд сафарини ихтиёр қилди».

XV аср тарихчисининг бу каломини мушоҳада қилиб кўрсак, улар замерида ҳақиқатга йўл кўрсатадиган, ишорат этадиган нишоналар борлигига амин бўлишга тўғри келади. Гавҳаршод Бегимнинг 1441–1442 йилнинг қирчиллама қишида Ҳиротдан Самарқандга бориши ўз матлуби билан эмас, «мажбурият юзасидан» бўлганлиги Шоҳруҳ Мирзонинг қаттиқ жаҳли чиққанлигини, «ўзинг пиширган ошни ўзинг суз» қабилидан ёши анчага бориб қолган маликани аяб ўтирганини фаҳм қилишга ундаиди. Бу ўринда, биз учун муҳими, буви билан набира ўртасидаги гина дарз кетишдан анча йириклишганлигини, Гавҳаршод Бегимнинг шахсан ўзи бориб, Абдуллатифни бобоси саройига олиб келгани билан, икки кўнгил илиб, ўзаро меҳр топмаганлигини англаб етишдадир. Орадан тўрт-беш йил ўтар-ўтмас, орада вужудга келган жарлик кўлами нечоғлиқ баҳайбат эканлиги, минг афсуски, ўзини кутдирмасдан, ошкор этди-қўйди.

Иқтибослар келтирилган Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асари Шоҳруҳ Мирзо вафотидан 23 йил кейин Ҳиротда ҳокимият Султон Ҳусайн Мирзога юз ўгириган

йилда ёзиб тамомланган. Темурийларга бўлган ҳурмат, адаблик андишасига кўра, мусанниф воқеаларга имкон қадар талқинда ширингупторликка интилган. Гавҳаршод Бегимдан Абдуллатиф Мирзога нисбатан катта бир камситиш, ўгайлаш ўтганки, муаллиф шу ҳақда ўрни билан фикр юритиб, набираси ёнига қайтганда Шоҳруҳ Мирзонинг шодлик ва қувонч туйганлигини сўзлаб, бир ташбеҳ, келтиради. Бу ўхшатиш узун бўлиб, муҳтасар тарзда, «ilon билан қўшилиги учун ганж қийинчилик қўнжига беркинган», деган узвини тилга олиш билан кифояланаман. Гапнинг моҳияти нимани шательма этиб турганлигини сергак китобхон яхши билади – Шоҳруҳ Мирзо Гавҳаршод Бегим қиёфасида қўйнида илон сақлаб келди, деган маънини иболи ифодат этганлиги сир бўлиб қолмайди.

Қўйиндаги илон... Йиллар давомида у аждарҳога айланганди. Аждарҳонинг ўз нафси йўлида дуч келганни, катта-кичикни ямламай ютиши афсоналар орқали маълум. Биз бу гал афсонага эмас, ҳаётий воқеаларга рўпара келиб, ёқа ушлаймиз. Бундан 600 йил муқаддам юз берган Шоҳруҳ Мирзо ибн Амир Темур вафоти кунларида, Эроннинг Рай вилояти Пашов қишлоғида бу аждарҳо сўнгги ҳамлага ташланган эди.

\* \* \*

Шоҳруҳ Мирзо отаси Соҳибқирон Амир Темурдан кейин унинг аксар мулкларини куч ва ақл-идрок билан, муаррих айтганидек, «Эллик йил давомида салтанат тахтида жаҳонкушолик қоидалари-ю, фармонраволик қонунларини олам аҳлига кўргазиб келди. Адолат ва шафқат, шаҳарларни тузатиш билан жаҳонни маъмур ва ободон қилди. Чин чегарасидан Миср ва Рум ниҳоятигача, Туркистоннинг йироқ ерларидан Ҳиндистоннинг поёнигача унга тобеъ бўлиб, шоҳона кўргазма ва ҳукмларга бўйсуниб, итоат кўрсатар эдилар. Вилоят чеккаларида бир неча мартараб қўзғалган ва вужудга келган маърака ва жанг-у жадалларда у ҳазрат ҳамиша фатҳ-у нусрат билан ҳеч бир тўқнашувда мағлубиятга учрамади, ҳеч бир маъракада синиб, эгилмади. Иш вақти орасида ва севимли соатларда диний илмлар бўйича баҳслашиш ва яқиния (дунёвий – муал.) фанлари бўйича музокара қилиш, тафсир, ҳадис ва тарих китобларини қироат қилиш билан машғул эдилар. Барча қимор ўйинлари, бачканга овунишлар, хотинбозлик ва гайришаръий машгулотлардан эҳтиёт бўлиб, ўзини тутар эди».

Пашовда Хуросон ва Мовароуннаҳр, Эрон, Ироқ мулклари тақдидири қаруви етган, ҳамон салтанат тизгинига чирмовиқдай ёпишиб ётган Гавҳаршод Бегим томонидан бирёқлама, ҳеч қандай машваратсиз, калтабинлик билан ҳал этилган эди. 1447 йилнинг баҳорида, шу фожеий қарорга келинганда, Гавҳаршод Бегимнинг ёши нечада

га етган эди? Тарих китоблари ағдариб кўрилганда, бу саволга қониқтирали бирон жавобга дуч келмайсан, киши. Ўтмиш манбаларида маликанинг 1388 йилда Шоҳрух Мирзо ўн-ўн бир ёшда эканлигига никоҳданганлиги зикр этилади. Гавҳаршод Бегим қуёвдан икки ёш кичик бўлса деб, тахминласак, унинг туғилган йили 1379 йилга тўғри келади. Бинобарин, эри вафот этганда Гавҳаршод Бегим 68 ёш устида бўлади. Муаррихлар Шоҳрух Мирзо ўлганда, ёшини ҳижрий ҳисобда 72 деб холосага келганлар. Милодий йил саноғида бу умр санаси 70 ни ташкил этади. Гавҳаршод Бегим билан Шоҳрух Мирзонинг ёшида тафовут бўлмаганлиги ҳақида ҳам айрим мойилликлар бор.

Замондош тарихнавис Турғун Файзиев, 1457 йилда Ҳирот таҳтини эгаллаган Абу Саъид Мирзо, «бу пайтда малика Гавҳаршод Бегим 80 ёшдан ошган бўлишига қарамай, маликани чопиб ташлашга фармон беради», деб таъкидлайди. Бу ҳисобга кўра, Гавҳаршод Бегим эри Шоҳрух Мирзо билан ҳамёш бўлиб чиқади. Шоҳ ва маликанинг тўнгич фарзанди Муҳаммад Тарагай – Улуғбек Мирзо 1394 йилда таваллуд топган. Бунгача Гавҳаршод Бегим олти йил давомида бола кўрмаган. Тўйнинг 1388 йилда бўлиб ўтганлиги ҳам ҳамтенглигни тасдиқ қиласди. Гавҳаршод Бегимнинг отаси Фиёсиддин Тархон 1417 йилда оламдан қайтиш қиласган. Бу, энди, Шоҳрух Мирзонинг анча мустаҳкамланган, мавқеи тан олинган давр эди. Амир Темур тарихида Тархонлар хонадонининг ўрнига кўп варақлар ажратилган. Шоҳрух Мирзо олий девонида ҳам Фиёсиддин Тархоннинг Ҳасан Сўфи Тархон, Сайди Аҳмад Тархон, Али Тархон сингари ўғиллари кўзга кўринган амирлардан бўлган.

Шоҳрух Мирзо салтанатида қуда жамоа бўлмиш Тархонларнинг имтиёзи фақат давлат юмушларида гина эмас, ақидага ҳам келтириб бўлмайдиган уйланишлар соҳасида ҳам улғайиб кетган кўринади. Соҳибқирон Амир Темурнинг Руҳпарвар Оғо исмали жорияси бўлган. Соҳибқирон вафотидан кейин бу аёлни Ҳамза Сулдуз хотинликка олган. Амир Темур вафотидан кейин баттол вазир Шайх Нуриддин Тумон Оғони зўрлаб хотинликка олган кезларда, Шоди Мулк ва Халил Султонларнинг зууми билан Соҳибқироннинг ҳарами ҳам, жория ва чўрилари ҳам жабр кўрган. Ҳамза Сулдуз Амир Темур давлатини парчалашга тушган Шайх Нуриддиннинг ҳамтовоғи эди. Қачонки, Шоҳрух Мирзо Тумон Оғони унинг тажовузидан халос этгач, англашиладики, Руҳпарвар Оғо ҳам кутқазилган. Руҳпарвар Оғони Гавҳаршод Бегимнинг акаларидан Али Тархонга узатадилар. Али Тархон 1417 йилда ўлганидан сўнг Руҳпарвар Оғо унинг укаси Ҳасан Сўфи Тархонга тегади. Руҳпарвар Оғо 1423 йилда, Ҳасан Сўфи Тархон эса бир йил кейин оламдан ўтадилар. Тархонларнинг оилаий мавқеи ҳар жиҳатдан Темурийларга туташиб, чирмашиб кети-

шида, шубҳасиз, бу йилларда норасмий ҳукмдор Гавҳаршод Бегимнинг гапи кесадиган даражада, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

Шоҳрух Мирзога ўлим дахл бўлганида ҳам Пашовда Гавҳаршод Бегимнинг авлоди – Тархонлар унинг ён-атрофида эдилар. Девоннинг ҳарбий шароитдаги хизматлари, хавфсизликни таъминлаш, озиқ-овқат захиралари уларнинг зиммасига юкланганди. Гавҳаршод Бегим Тархонлар билан гап қилганми-йўқми, муаррихлар бу ҳақда индамай ўтишган. Қўналғадан нарида, қўшиннинг буронгор қисмида жойлашган Абдуллатиф Мирзо, ҳарқалай, малика подшоҳ масаласида қатъий тўхтамга келиб бўлгач, Шоҳрух Мирзо чодири олдидаги түғ олдига чақириб келинади. Унга қўшин бошлиқлиги топширилган эди. Ҳиротда қолдирилган Алоуддавла Мирзога эса, Шоҳрух Мирзо тахти муносиб қўрилганди. Бу воқеалар ёндаги шаҳзодаларни саросимага солиб қўяди. Лашкарнинг аксарияти Абдуллатиф Мирзога бўйсуниб, унинг қўл остида жам бўлади. Абулқосим Бобур ва Халил Султон Мирзолар норозилик ифодаси сифатида ўз одамлари билан Хурросон тарафга жўнаб кетадилар.

Воқеа яқин теваракка оёқдаган, сипоҳийлар ичида ҳам тўдатўда бўлиб, миш-мишга, балки рахнагарчиликка ружу қилиш ҳирси кўклай бошлаганди. Ҳар бири ўзини тахтда, жуда бўлмаса, лашкарни бошқаришда қўришни истаган, Ҳирот йўлига тушган шаҳзодаларнинг одамлари, бўлари бўлди деб, йўллари устидаги Ўрдубозорни шип-шийдам қилиб талашга тушадилар. Ҳалойиқ бор-будидан ажралиб, талонга тушганидан зорланиб, Абдуллатиф Мирзога арзга кела бошлади. Абдуллатиф Мирзо ишнинг бундай тус олганлигидан ғазабга миниб, сипоҳийлар билан ўрду атрофини айланиб, зўравонлик қилаётганларни қўлга туширди ва сиёsat қилди. Талон-торожга муқкадан кетганлар жазога тортилгач, аҳоли тинчиб, шаҳзода то кечгача лашкарни итоатда тутиш ва сафлаш билан машғул бўлади.

Эртасига Пашовдан кўчилиб, Ҳирот сарига йўлга тушилди. Абдуллатиф Мирзо, бобоси ўлемидан хабар топган биринчи куниёқ, ишончли кишисини Самарқандга, отаси Улуғбек Мирзога жўнаттган эди. Шу кунларда, унинг тахтга даъвогарлиги бўлган, дейиш унчалик тўғри кўринмайди. Қўшиннинг ихтиёрига берилиши, Гавҳаршод Бегимнинг Улуғбек Мирзони тахтнинг қонуний вориси сифатида тан олаётганлигидан, Абдуллатиф ўилашиба, бир белги эди. Гавҳаршод Бегимнинг Шоҳрух Мирзо жон таслим қилгач, Тархоний жиянлардан бирини Ҳиротга, шаҳзода Алоуддавлага зудлик билан хабар етказишга йўллаганидан хабарсиз эди. Гавҳаршод Бегим Абдуллатифга бу қадар «илтифотли» бўлишида, шу ўйга боришини, овунтиришни кўзда тутган. Ҳиротга қадар эсон-омон етиб олгуналарича, Алоуддавла Мирзони тахт вориси сифатида ошкор қилмасликни, ҳамма тараддудни зимдан бажаришни режалаштирган эди.

\* \* \*

Гавҳаршод Бегим, эҳ, Гавҳаршод Бегим... 1388 йилда Амир Темур хонадонига келин бўлиб тушиб, Соҳибқирон қайнатасининг улуғвор фаолиятига ўн етти йил гувоҳ бўлган, қирқ икки йил давомида давлатни бошқаришда кўзга кўринмас куч бўлган малика, тож-у тахт бобида ўзининг тор дунёқарashi қобиқларини ёриб чиқа олмади. Давлат кайвонилиги даражасига кўтарила олмади, истиқболга нигоҳ солмади, бу ҳақда ўйлашга ожизлик қилди. Ақалли, эри, унга чекланмаган ҳукуқлар берган, донишманд подшоҳ, совуқ сувни ҳам эҳтиёт, пулаб ичадиган, салтанат манфаатини устун қўядиган Шоҳруҳ Мирзо ҳаётий-сиёсий тажрибасидан бирор ибрат олмади. Аксинча, мудом унинг зиддига саройда ўралашди, мол-у мулк беҳи-собилиги учун тиришиб, номақбул кимсаларни ёғлик вазифаларга сипориш қилиб келди.

Маликанинг ўғли Улуғбек Мирзо ва унинг фарзанди Абдуллатиф Мирзони Шоҳруҳ Мирзо тахтига яқин йўлатмаслик т ў л ф а м а с и хомаки қарори кўп йиллар давомида, айниқса, подшоҳ эри қартайиб, тез-тез касалга чалинадиган бўлиб қолган 40-йиллардан эътиборан пишиб, етила бошлаган эди. Пашов қишлоғида юз берган ўлим, шу қарорни ҳеч бир таҳрирсиз, Гавҳаршод Бегим миясида сақлаб келинган аслига муфовиқ, ҳаётга татбиқ этишга имконият ҳозирланган, бориб турган омад бўлган эди.

Шаҳзода Алоуддавла Мирзонинг Ҳирот тахтини эгаллаши унинг ўзига ҳам, Темурийлар давлатига ҳам кутилган иқболни келтириши амримаҳол эди. Оқибат кутилганидан юз карра хунукроқ бўлиб, Улуғбек Мирзонинг аралашувига, шаҳзодаларнинг ўзаро қирпичноқ бўлишига, ота-ўғилнинг ёвлашиб қолишига, энг ачинарлиси, Амир Темур асос солган улуғ салтанатнинг парчаланиб кетишига, мулларнинг қўлдан чиқишига, уруш-талошларнинг тинимсиз давом этишига, инсон қони дарёдек оқишига олиб келган эди.

Маликани бир зум оқила, қалбида меҳри тошган о н а сифатида тасаввур қилсак, мамлакат тож-у тахти, бошқача айтганда, жипслик, осойиш, суоланинг ҳокимиятдаги бардавомлиги қай тарзда кечган бўларди? Алоуддавла Мирзо ҳар қанча суюкли, қобилияти бўлмасин, Улуғбек Мирзо ёхуд Абдуллатиф Мирзо эмасди. Уни Гавҳаршод Бегимдан бўлак кимса арзитмаган, ҳатто ҳарбий салоҳияти билан ҳам ном қозонмаган. Шоҳруҳ Мирзо Пашов юришида ёнига Абдуллатиф Мирзони олгани, унга Шарафиддин Али Яздий каби олимлар тақдирини ишониб топширганлигини, теранроқ баҳолашга тўғри келади. Бу хусусда ҳали мавриди билан гапни давом эттирамиз. Гавҳаршод Бегим, Улуғбек Мирзони ёқтирмаса-да, уни барибир, отаси ўрнига шоҳ кўтариб, пойтахт мақомини Самарқандга бериши, Ҳиротга эса Абдуллатиф Мирзони

қойим мақом қилиб, таҳтни ҳам, мамлакатни ҳам Шоҳруҳ Мирзо давридагидек бир бутун идора қилишга эришиши мумкин эди. Шунда ҳаммаси жойига тушган, Алоуддавла Мирзо ҳам катта бир мулкни бошқариб, тажриба тўплаган бўларди. Таассуфки, тарихни хоҳиш-истак билан ўзгартириб бўлмайди.

Гавҳаршод Бегим XV аср ўртасида тарих равишини ўзгартириб юборган малика бўлди. Фақат тарих равишинигина эмас, ўз тақдирини ҳам фожеий ўзанга, сира ўйлаб кўрмагани ҳолда, буриб юборди. Салтанат илдизига ўнгланмас болта урди. Бунинг жабрини Жайхуннинг ўнг ва сўл томони эл-улуси тортди. Мозий – қаттиқўл муаллим, унинг дарсларини ибрат деб тингламоғимиз, далилларидан бугун ва эртамиз учун хulosалар чиқармоғимиз, сабоқларига ҳар қадамда амал қилмоғимиз вожиб кўринади.

Кўнгилда иштибоҳ туғилиши мумкин. Гавҳаршод Бегим тож-у таҳт учун Ҳирот ва Самарқандни ёвлаштириб қўймаганда ҳам, бу издиҳомлардан четда турганида ҳам, Шоҳруҳ Мирзо набиралари – шаҳзодалар улуғ амакилари Улугбек Мирзога йўл берармидилар, унинг атрофида жам бўлармидилар? Менинг бунга ишончим йўқ. Чунки сарой тарбияси, мол-у мулк алолоси, сultonликнинг сеҳрига оловчи тилсимлари давлат минорасида б и р и н ч и мақомда бўлишни, барчанинг устидан ҳукм суришни хонлар, хонзодалар туғилмасдан бурун она қорнида улар қонига сингдиради эди.

Ўтмиш саҳифаларини оҳиста варақлайлик. Шоҳруҳ Мирзо вафот этган кунлар. Исёнкор Султон Муҳаммад таъқибидан воз кечилиб, Ҳиротга қайтиш бошланган. Подшоҳ жон таслим қилгандан бери кунлар ўтиб бораётган маҳаллар... Шу айёмда ким қандай ўй ва ташвиш билан банд эди? Шоҳруҳ Мирзонинг дафн этилишини, исломий удумга биноан, тезлатиш нега пайсалга тушди? Кимлар тарих саҳнасига чиқди, кимлар давлат ногорасини ўз майли учун аёвсиз чаалдилар, энди шулар тўғрисида сухбат қурайлик.

## ТАХТ ФУРБАТИ

Пашов қишлоғида ҳарбий қўналғадан чодирлар йиғиширилиб, Шоҳруҳ Мирзонинг жасадини тобутга солиб, таҳтиравонга юклаб, йўлга тушилгандан бери бир-икки манзил тай қилинган эди. Авбош набира Султон Муҳаммадга қарши Рай сарига тортилган қўшин келишида ранго-ранг туғлар шодасидан кўз қамашар эди. Қайтища эса, сипоҳилар гуруҳдарида парокандалик, интизомнинг сустлиги ва сержило аламларнинг сийрак тортганлиги дарҳол эътиборни жалб этарди. Абдуллатиф Мирзо теграсида ўзининг синалган йигитлари тўп бўлиб, уни муҳофаза қилиб борарди. Негадир, мотамсаро-

лик таъсиридан бўлса керак, тахтиравон имиллар, қўшинда файз йўқ, сипоҳилар ўзи билан ўзи, ҳеч кимдан садо чиқмасди.

Яланглик ортда қолиб, қирли-адирли йўл муйилишида ортдан қи-чаб етган икки-уч отлиқ Абдуллатиф Мирзога яқинлашишга қўрчи-лар бошлиғидан изн сўраб, муҳим гапи борлигини шивирлаб айтди-лар. Мирзодан рухсат бўлгач, улардан бири саркардага яқинлаб кел-ди. Гап етказувчи подшоҳ ўрдусида қолдирилган, ҳар бир хатти-ҳа-ракатга кўз-қулоқ бўлиб турадиган хос навкарлардан бўлиб, Абдул-латиф Мирзо уни танирди. Аён бўлишича, ўгруқда вазият ўзгариб, Гавҳаршод Бегим ва ота авлоди – Тархонлар авзойидан Абдуллатиф Мирзога берилган аҳд-у ваъдалар барпой урилиб, хиёнат содир эти-лиши сезилибди. Алоуддавла Мирзога тахтни тезлик билан эгаллаш, жилови қўлдан чиқиб бўлаётган Абдуллатиф Мирзо қўшинини маҳв этиш тадоригини кўриш, зарурат юзасидан, имкон бўлди дегунча, шаҳзодани ҳибста олиш маслаҳати бўлибди.

Қизиққон, гапга учадиган Абдуллатиф Мирзо учун бу тортилган камондек баҳона бўлиб, ўқни бўшатишга шошилди. Мушоҳада, рост-ёлғонни аниқлаш хаёлига ҳам келмади. Чунки кўнглининг туби-да малика бувисининг хатти-ҳаракатларида самимият йўқлиги туй-фуси фимиirlab, ором бермай келарди. Кўз олдида доим унга киноя сўз айтгувчи, кўрса ҳеч бир сабабсиз мийифида кулгувчи, бувисини орқа қилиб, ўзини устун тутувчи Алоуддавла сиймоси турарди. Ай-ғоқчи навкаридан «ҳибс» сўзини эшитибоқ, Абдуллатиф Мирзонинг юрагини ваҳима чўлғаб олди, Ихтиёридин қалъасининг кўланкаси саробдек жимиirlab кетди, унда занжирбанд қилинган қайтиб ёруғ жаҳонни кўрмаслиги тушунчаси мияси йўлакларига ёйиди.

Абдуллатиф Мирзо лашкари билан Гавҳаршод Бегим ўрдусини маҳкам ўраб олди. Қиличларни қиндан сугуриб, от устида ҳавола қилиб турган мардумлар биринчи бўлиб маликани бандга олдилар ва кишангага солдилар. Ўрдуда ҳозир бўлган бирон хеш-табор, Тар-хонзодалар қолмадики, барчасини занжирбанд қилиб, мисли асир қилдилар. Маҳди улё ўрдусини қўлга олган Абдуллатиф Мирзо Ни-шопур тарафга йўлга чиқди. Нишопур эса унга кутилмаган тұхфа-лар тайёрлаб турардики, булар тасодиф бўлмай, Гавҳаршод Бегим режасининг тезпишар мевалари эди.

\* \* \*

Ҳижрий 820 йилнинг жумад ул-аввал ойи пайшанба (1417 йил 16 июнь) кунида Шоҳруҳ Мирзонинг учинчи ўғли Бойсунғур Мирзо оиласида ўғил фарзанд дунёга келади. Чақалоқ шаҳзодага Рукнуд-дин Алоуддавла Аҳмад баҳодир деб исм қўядилар. Алоуддавла Мирзо таваллуд топганда Бойсунғур Мирзо отаси девонида баланд марта-бага кўтарилган эди. Унинг тўғри иш тутиши, давлат хазинасига

кўз ола қилмаслиги бу даргоҳда кўпдан ишлаб, нафси жиғиғидонга айланган вазир-у вузароларга қаттиқ панд бўлиб тушади. Хазинадан икки юз туман кепакий маблагни ўзлаштирган Сайид Фахруддин қилмишлари ошкор бўлади. Бойсунғур Мирзо илм-фан ҳомийси сифатида ҳам ўзидан яхши ном қолдиради. Бойсунғур Мирзо барча яхши фазилатларига қарамай, май тановулига муккасидан кетади, бу эса унинг умри хазон бўлишига сабабкор бўлади, ўттиз етти ёшида ҳаёт билан видолашади.

Алоуддавла Мирзо отасидан 16 ёшида етим қолади. Ёш шаҳзоданинг суюнчи ҳам таянчи Маҳди улё бувиси Гавҳаршод Бегим бўлиб қолади. Шаҳзоданинг ўксик кўнглини овлаш учун малика ҳамма нарсани унга муҳайё қилас, Ихтиёриддин қалъасидаги хазина хоналардан бирида унинг ҳисобига бойликлар жамғарилиб бориларди. Бунинг устига Маҳди улёнинг мол-амволи қулфи калити ихтиёри ҳам Алоуддавлада эди. Вилоятлардан хазинага келиб тушадиган йиғимларнинг каттагина фоизи шаҳзодалар майшатига ажратилган бўлиб, Алоуддавла Мирзонинг улуши бошқа Мирзоларникуга қараганда салмоқлироқ бўларди. Буни сезиб қолган Абдуллатиф Мирзо маошлардаги тафовутни Алоуддавла Мирzonинг ёши катталиги ва рўзгордор эканлигига йўйиб юрарди. Шундай деса, ҳамтенг, Ҳиротда туғилган амакизодалари жамғармаси ҳам униқидан бир мунча ортиқ эди. Шаҳзодалар холи қолганларида нима биландир кибраланишни ёқтирадилар. Камгап, уларни тинглаб, сўзларидан маъно ажратиб ўтирадиган Абдуллатиф Мирзо, ўзининг камситилаётганини англаб етди-да, бувиси ҳузурига кириб борди:

– Маҳди улё улуғ маликам, – деди у ҳаяжонланиб, – шаҳзодаларнинг ёрмоғи Ихтиёриддин қалъасини безаб, ҳужра-ҳужра тўлибдир, сабаб недурким, бу соҳиб ихтиёриликдан камина йироқдурмен?!

Набирасини хушламайгина қабул қилган Гавҳаршод Бегим юкуниб, тиз чўкиб, йиғламсирашдан бери бўлиб турган Абдуллатиф Мирзога совуқ, назар ташлади-да, заҳарханда қилди:

– Ёрмоқ сизга кам бўлибмудир? Буни қаранг-а?! Буни Самарқандда падари бузрукворингиз ўйлаб кўрса яхши бўларди, у зот Онҳазрат отаси хазинасини тўлатишни ҳам хаёлига келтирмай қўйган, қайданам фарзандини ўйласин?!

Бу гап-сўз бўлиб ўтгач, Абдуллатиф Мирзо демишидан қаттиқ пушаймон бўлди. Чувалиб, гапи онҳазрат бобоси қулоғига етса, ундан Самарқандга равона бўлса... «Гапим етмасдан бурун, Самарқандга ўзим етай», деди-да, савдо карвонига қўшилиб кетажагини кўнглига тутди. Бундан хабар топган малика бувиси уни карвонга қўшиб жўнатиш иснод эканлигини хаёл қилиб, Мовароуннаҳрга қатновчи доимий чопарларга қўшди. Инжиқ ва талабгор шаҳзоданинг олисда бўлиши унга жуда маъқул тушганди.

...Подшоҳ майити билан қайтаётган мавкаб Нишопурга етишганды Ҳиротда Шоҳрух Мирзога қойим мақом бўлиб қолган Алоуддавла Гавҳаршод Бегим ва Тархонларни бандга олган Абдуллатиф Мирзога қарши тадбирларни кўриб бўлган эди. Бувиси томонидан Пашовдан юборилган чопар Шоҳрух Мирзо ўлими хабарини олиб келгач, ўзини Ҳирот тахтида нақд кўрган Алоуддавла Мирзо тахтнинг қонуний вориси, амакиси Улугбек Мирзони рози қилишни кўзда тутган, подшоҳ хазинасидан оғизга сифадиган даражада катта маблагни унга пешкаш қилиб, муросага восита қилмоқни ўйлаб қўйганди. Хазинадан катта улушни Самарқандга жўнатмагани яхши бўлган экан. Абдуллатиф Мирzonинг бундай ўйинга қўл уриши, Маҳди улё – давлат устунини бандга олишини ким хаёлга келтирибди? Пашовдан, малика бир амаллаб жўнатган чопардан бу нохуш хабар етиб, Алоуддавла Мирzonинг разаби қайнаб кетди. Улугбек Мирзога аталган олтин-кумуш, зарларни қалъада, Ҳирот муҳофазаси учун қолган аскарларга тарқатиб, бувисига зулм қилган шаҳзодага қарши юришни буюрди.

Сипоҳийлар одатдаги улуфаларидан ўн чандон ортиқ ёрмоқни нақд олиб, кайфиятлари ҳаддан ошиқ баландлаган, жон аямай ҳар қандай савашга тушадиган тобга келгандилар. Бу орада даракчилярнинг бири кетидан иккинчиси келиб, Абдуллатиф Мирзо вақтингчалик турган манзилдан тезкор хабарлар етказарди. Нишопур йўлида қўшин жуда сийрак тортган, Абдуллатиф Мирзодан, айниқса, Темурийларга садоқатли амир Пир Луқмон барлос этак силкиб, Ҳиротга ажралиб кетгач, сипоҳийлар қўлни ювиб, қўлтиқقا урган эдилар. Йўл-йўлакай, ҳар ўнгай келган жойда, сипоҳийлар тўда-тўда бўлиб, бош оққан томонга бурилиб кетардилар.

Алоуддавла Мирзо йўллаган қўшин сафар ойининг ўн учинчи (1447 йил 30 апрель) шанба куни саҳарида Нишопур этагида, Абдуллатиф Мирзо қароргоҳига қуюндеқ бўлиб етиб келди. Ҳиротдан истиқболига қўшин чиқишини, ҳарб-у зарб, тўқнашувни хаёлига ҳам келтирмай, тун бўйи айш оғушида бўлган шаҳзода бу вақтда маст уйқуда ётарди. Алоуддавла Мирzonинг амир Увайс Тархон бошлаб келган аскарлари ёпирилиб, боғлиқда турган эгар-жабдуқсиз отларни ҳуркитиб, арқонларини шоп билан кесиб, ҳай-ҳайлаб қувиб юборганича, тобора Абдуллатиф Мирзо чодирига яқинлаб келарди. Қаршилик кўрсатган навкарлар бирин-кетин чўзилиб, от туёқдари тагида қолиб кетаётган, бақириқ-чақириқлар авжга минаётганди.

Шовқин-сурондан чўчиб уйғонган, жон ҳолатда қўлига шамшир олган Абдуллатиф Мирзо дарҳол отланиб, одамларини баланд овозда жангга чорлади. Шу ўринда, тасаввур ҳосил бўлсин учун, муаррих сўзларини келтириб ўтай:

«Мирзо Абдуллатифнинг одамлари, – дейди Абдураззоқ Самарқандий, – у лашкар орасида гарчи Мұхит дengизидаги бир қатра ёинки

катта бир жисмга нисбатан бир заррадек бўлсалар ҳам, аммо шаҳзода Абдуллатиф ўзи билан бўлган кишилар билан жанг майдонида пайдар-пай ҳамлалар қилиб, ҳар тарафга от сурар эди. Ногоҳ унинг саман оти тойиб йиқилди-ю, мухолифлар хотиридаги мурод ҳосил бўлди, асирик бандига-ю, итоат хорлигига гирифткор бўлди».

Амир Увайс ва шаҳзода Солиҳ Мирзо одамлари икки кун бурун Гавҳаршод Бегим қўшин сардори мансабига кўтарган, бугун эса бувисини бандга олган Абдуллатиф Мирзонинг ўзини кишанга солиб турган пайларида, амир Аҳмад Тархон асирга олиниб, кўргиликда ётган аммаси Гавҳаршод Бегимни қутқаришга ошиқди. Боғлиқда ситамга дучор этилган амакилари – Тархонларни ҳам озод этиб, нафасини ростлади.

Қўшин амиrlари ортдан йўлга чиққан Алоуддавла Мирзога жангда қўли баланд келганлиги, Маҳди улё ва Тархонлар, асирга олинган ўғруқ озод этилганлиги муждасини ошиғич равишда йўлладилар.

\* \* \*

Темурий Мирзолар учун Эрондан Ҳиротга қайтиш йўли бунчалар мashaққатли кечмаган эди. Бошида қўшининг сардор бўлиб, димоғи кўтарилиган, гапга учеб малика бувиси ва шубҳа қилган кишиларни ҳибсга олиб, от устида гердайиб, мағрур келаётган Абдуллатиф Мирзо тақдирнинг тақозоси ўлароқ, ярим йўлда ўзи бандга тушиб, ҳаёти қилга илашиб турса-я?! Давлат ногорасининг усувлари кўп эди, ёш шаҳзода бу нағмаларнинг ҳали мингдан бирини ҳам идрок қиломасди. Оқибат шу бўлдики, думи қирқилган, қулоқлари шалпайтан чўбирга оёқ-қўллари чирмаб ташланган ҳолда мунғайиб миниб келмоқда. Бошини кўтариб, ён-верига ҳам қарашга ботина олмайди.

Зафар дарагидан завқقا тўлган Алоуддавла Мирзо ва уни кузатиб келаётган мингга яқин аскарлар Жом вилоятининг Саъдбод мавзеъсига қуёш ботиши олдидан қадам қўйдилар. Амиrlар ва Тархонлар Саъдбод қишлоғининг жанубий этагида қўр ташлаган, малика Гавҳаршод Бегимга боргоҳ тиклаб бергандилар. Алоуддавла Мирзо йўл губорлари ҳам ёдига келмай, бувиси ҳузурига отииди. Ўрнидан қўзғалган маликанинг елкасидан қучиб, пиқ-пиқ йиглай бошлади. Буви ҳам кўз ёшларини тия олмади. Хос кишилар, мулоғимлар уларни ёлғиз қолдириб, чодир ён-атрофини қуршаб туришарди. Худо кўрсатмасин, нохуш воқеа ёмон тугаши, бир майит устига иккинчи майит ҳам қўшилиши мумкин эди-да.

Малика буви билан ўттиз ёшли набира, шаҳзода Алоуддавла Мирзо гаплашиб бўлиб, Тархонларни, амиrlарни ва Абдуллатиф Мирзо ни қўлга туширишда шахсий жасорат қўрсатган баҳодирларни боргоҳга чақирдилар. Ўттиз-қирқ ҷоғли одам, тўрда Гавҳаршод Бегим ва Алоуддавла Мирзо виқор билан ўтирибдилар. Алоуддавла Мирзо

амир Увайс Тархонга юзланиб, «Абдуллатиф Мирзони чап тарафдан келтиринг», дея мурожаат қилди.

Тонг ёришиб, жанг давом этаётган чоғда саман оти йиқилиб, эгардан учиб тушган Абдуллатиф Мирзо қаршилик қўрсатиш бе-фойдалигини англаб, шамширини улоқтириди. Шундан бери яrim кун ўтдими-йўқми, у тамом афтодаҳолга тушди, зарбоф либосининг этаклари йиртилган, бошидаги мурассаъ дубулғанинг қимматбаҳо тошлари кўчган, шалвори бир аҳволда, белидан заррин камари ечиб олинган. Шаҳзода бошини қуий этганича боргоҳга кириб келди. Ҳамма нафасини ичига ютганича, жим қолди. Сукунатни Алоуддавланинг ингичка, чираниб айтилган овози бузди:

– Нега ўз онангга нисбатан бундай ёмонлик қилдинг?

Алоуддавла Мирзо кўнглида «бу найнов, азбаройи қўрққанидан, жавоб беришга қодир бўлмаса керак, узр сўраб, йиглаб оламни бузса нима бўлади, Маҳди улё эриб кетиб, кечириб юборса-чи?!» деган фикр кезинар эди. У кутгандай бўлмади. Абдуллатиф Мирзо анча ўй суриб турди-да, дабдурустдан Алоуддавлага эмас, енги билан кўздан пастини тўсиб турган бувисига юз буриб, дона-дона қилиб:

– Мен ёмонлик қилдим, энди сен яхшилик қилгинки, вафо кўрасан, – деди.

Алоуддавлага бу жавоб жуда оғир ботди. Сарой йўлакларида бир-бирига дуч келганларида мудом Абдуллатиф Мирзога киноя қиласидиган, «падари бузрукворингиз кеча беҳисоб сармоя юбормишдир, шу чинми?» – деб ўсмоқчилайдиган, доим ўзининг динорлари кўплигини шаъма қиласидиган Алоуддавла Мирзо жавобнинг киноя ва масхаралаш мантиғидан лол бўлиб қолди.

– Олиб кетинг, – бурилиб гудранди у, – маҳкам тутинг.

Саъдбодда бир дақиқа ҳам хаёллашга имкон йўқ, Шоҳруҳ Мирзо жасадини дафн этиш чўзилгандан-чўзилиб бораради. Ҳалиям баҳорнинг бошлари, ҳаво мўътадил, қуёш ҳам қиздиришга кўп ошиқмаётган паллалар эди.

Мавқаб, ниҳоят Ҳиротга етиб келди. Абдуллатиф Мирзо шаҳар че-тидаги фоят мустаҳкам қалъя Ихтиёриддинга олиб борилиб, зиндон-банд этилди. Шоҳруҳ Мирзо жасади Гавҳаршод Бегим мадрасасида, марҳум шаҳзода Бойсунғур Мирзо қабри ёнида дафн этилди. Шоҳруҳ Мирзонинг руҳи поки олдида бўлиб ўтган бемаъни талошлар айбордорлари масъудирлар, албатта. Исломий қоидаларга мувофиқ, майит қанчалик тез қабрга қўйилса, унинг руҳига шунчалик кўп савоблар энади. Минг афсуски, Пашовдан Ҳиротгача бўлган масофа тож-у тахт ҳасадида жуда узайиб, бир неча кун талаб қиласидиган йўл бир яrim ой деганда босиб ўтилди. Алоуддавла Мирзо сипоҳийлари Гавҳаршод Бегимни банддан халос этганда, 30 апрель эди. Онҳазрат 14 марта ҳаётдан қайтган бўлса, тахтиравонга солиб олиб келинаётган жасад-

нинг ҳоли нима кечган бўлади? Буни ўйлаб, ўша қунларда Темурий-зодаларнинг тош қотган юракларини, фишт суратини олган юзларини кўз ўнгимга келтиришга уриниб кўрдим. Тарихдан уққанларимни, барibir, сира тасаввуримга сифдира олмадим. Тарихнинг эса бағрикенг, ҳар қандай юзсизликларни, инсонийликдан чиқишиларни, му-сулмончиликка хилоф ишларни ҳам ғаладонига жо қиласеради.

\* \* \*

Шоҳрух Мирзонинг фано дунёсидан қайтгани хабари Самарқандга, Улуғбек Мирзога етиб, уни бемисл қайғу чўлғаб олди. Шу қунлар тоби қочиб, девон сўрашга ҳам майл қилмай турган Улуғбек Мирзо гам-у аламдан жуда чўкиб қолди. Севимли фарзанди Абдулазиз Мирзодан бўлак ҳузурига ботиниб киромасди. Ўғлига ҳам гап қўшмас, кун адоғига қадар оғзига таом олмасди. Акобирлар Ҳиротда юз берган ноҳушлик ўз ҳукмдорларини ҳажр ўқинчига солиб қўйганидан қайфуриб, уч-тўрт киши бўлиб Улуғбек Мирзо боргоҳига келиб, ҳол-аҳвол сўраб, таъзия изҳор этдилар, дуойи фотиҳа қилдилар. Сўнг насиҳатга ўтдилар. Гап авзойи, «улуг Мирзомизнинг Самарқандда ўтиришлари ножоиз, Ҳиротга отланмоқ, падари бузруквор видосини адо этмоқ ва қолаверса, ворисийлик ҳуқуқини ошкор қилмоқ» атрофида саромад топган эди.

Улуғбек Мирзо зукко ва аллома ҳукмдор эди. Маслаҳат моҳиятини дарҳол илгади. Ота вафоти бир сира бўлса, тахтнинг қонунан унга меросийлиги ва бу ишнинг пайсалга солинаётганлиги оқибати хунук бўлишини аниқ мушоҳада этиш, қувватлантиргувчи далда вазифасини ўтаган эди.

Кўп ўтмай тавочи бекларга лашкарни тўплаш ва юришга шай қилишга фармони олий берилди. Улуғбек Мирzonинг фикрида шу кундан марҳум подшоҳ отасига тегишли жами мулкларнинг ягона эгаси ўзи ва ўзидан бошқа ҳеч ким эмаслиги тушунчаси қаттиқ ўрнашиб қолди. Ҳафта ичида беҳисоб лашкар жам бўлди, қўшиндаги ҳилпираётган байроқлар, даранг-дурунг сас бераётган ногора ва кўслар, карнай-сурнайлар овози оламни тутганди. «Қўси рапхил» – жўнаш куйи қулоқларни батанг қилиб юборганди. Беҳисоб қўшин илдам юриб, Жайҳун соҳилига яқинлаб, қулай жойга қўнди.

Улуғбек Мирзо билан деярли бир вақтда яна бир таҳт талабори пайдо бўлган, Шоҳрух Мирzonинг марҳум ўғилларидан бири Муҳаммад Жўтий Мирzonинг кенжা ўғли Абу Бақр Мирзо бобоси ўлимини эшишиб, катта ҳарбий қувватга эга бўлиб, Балх, Шибирғон, Қундуз, Бақлондан Бадаҳшон чегарасигача бўлган манзилларни забт этиб, кутилмаган жойда талаб солаётган эди.

Абу Бақр Мирзо саркашлиги Ҳирот йўлидаги жиддий тўсиқ эди. Улуғбек Мирзо уни куч билан дафъ қилиш салбий оқибатларини ўй-

лаб, муроса йўлини тутишга, уни элчилар юбориб, яхши сўзлар билан ҳузурига олиб келишга эришади. Шаҳзодани ўзига куёв қилишга умидлантиради. Шаҳзода табиатида кибр томир отган бўлиб, барibir, ўз билганидан қолмайди. Уни иззатлаб, қаттиқ сийлашларига қарамай, мустақил ҳаракат қилишга, Ҳиротни тезроқ эгаллашга ўз амирлари билан гапни бир жойга қўяди. Бу хиёнатдан хавотирга тушмаслик иложсиз эди. Яхшиямки, унинг юриш-туриши Улугбек Мирзо мавкабидаги синчков барлос амирларидан бирининг назарида бўлган экан, Улугбек Мирзога: «Абу Бакр Мирзо хаёлида қабиҳлик газакламоқда, у хилватда ўз хос кишилари билан хиёнатга қўл урмоқчи, кеча-кундуз шу фикрда», – дейди. Эҳтиёт чораси кўрилиб, Абу Бакр Мирзо зиёфат устида бандга олиниб, Самарқандга ҳибс қилиб жўнатилади.

Улугбек Мирзо меросий мулкка эга бўлиш йўлида, шу тариқа, олдидан чиққан бир ўпқонни кўмиб, хотиржам тортган эди. Кун ўтмай хотиржамлик яна хавотирга айланди – ўғли Абдуллатиф Мирзонинг Нишопурда, бобоси жасадини Ҳиротга олиб келаётганида Алоуддавла Мирзо ҳужумига дучор бўлиб, ҳибсга олингани хабари отани ларзага солди. Уни Жайҳун сари юришга унданаган амирлари Иброҳим Идику Темур, Абу Бакр Баён Темур, Боязидларни ҳузурига чорлаб, Абдуллатиф Мирzonинг қўлга олинганилигини, қандай йўл билан қутқазиш лозимлигини машварат қилди. Улугбек Мирзо Иҳтиёридин қалъасининг тош-метин ҳужрасида қамалиб ётган ўғлининг ҳолини ўйлаб, онасидан ранжиб кетди. «Ўғлим уч-тўрт болали бўлиби ҳамки, Маҳди улё уни гўдаклигидан гаровда тутиб келади. Кафолатми бу, сарой қамоғи?! Менинг отамиз салтанатига иккилиқ қилмаслигим офтобдай равшан бўлса-да, шубҳа-гумонлар тарқамади, билъакс, ўғлим-қизим Ҳиротда кафолат тариқасида ушлаб турилди, малика онамиз Абдуллатиф Мирzonи ҳеч чиқишитирмади, Самарқандга қайтганида изидан келиб, ёнимда яшаб қолишига йўл бермади. Энди эса, макр ва тузоқ оқибатлари ўзини кечиктиргади. Бундан ўзгача бўлиши ақлга сифмаслигини нега олдинроқ ўйлаб кўрмадим? Опаси Ҳасиба Бегимни талаб қилиб, Самарқандга қайтарганимдек, нечун Абдуллатиф Мирзо тақдири хусусида бош қотирмадим?» бошини чангллаган Улугбек Мирзо тунни тонгга улаб шундай фикрлар қуршовидан чиқолмасди.

Уағ амирлар, Абдуллатиф Мирzonи эсон-омон қутқазишнинг бирдан-бир йўли Алоуддавла Мирзо билан сулҳ тузиб, ярашиш таклифи ни ўртага солдилар. Алоуддавла Мирзо ҳам орқасида малика бувиси тоғдай юксалиб турганидан, фанимат таҳтни бой берма, деб тасалли берадётганидан ўзини қудратли сезиб, аскарларни шайлади. Бувиси хазинасидан уларга саховат билан улуфалар тарқатиб берди. Тартибга олинган сипоҳийлари билан Мовароуннаҳр лашкарига қарши

юриш бошлаб, Мурғоб дарёсини кечиб ўтди. Тўқнашув муқаррар, қонлар дарё бўлиб оқиши аниқ бўлиб қолган эди.

Вужудга келган қалтис вазиятда, отаси тахтини бой беришдан ҳам кўра ўғлиниг жонини омон сақлаб қолиш кўндаланг бўлиб турганда, Улуғбек Мирзо донишмандлик йўлини танлади. Бу, ул зотнинг мулоҳазакор, билимдонлиги нишонаси эди. Кўтарилган ойболта остида Абдуллатиф Мирзонинг боши туриши муайян бўлиб қолган шароитда, катта бошини кичик қилиб, Мурғоб томонга мавлоно Низомуддин Мирак Маҳмуд садрни элчиликка жўнатди ва сулҳни таклиф этди. Сулҳ, айни вақтда, Алоуддавла Мирzonинг ҳокимиятини тан олиш эди. Улуғбек Мирзо мактубидаги сўзлар моҳияти шундай холосага ишорат берарди: «Алоуддавла менинг фарзандимdir, Ҳирот эса, бузруквор отамнинг уйи, менга у диёрни хароб қилиш даъвоси бўлишидан Оллоҳ сақласин. Энди, агар Абдуллатиф Мирзо ни юборсалар, орадаги низо бутунлай кўтарилгувсидир». Сулҳ шеваси Алоуддавла Мирзо учун ҳам фанимат бўлган эди.

Журжон ва Мозандарон вилоятларини эгаллаб турган Абулқосим Бобур Мирзо (у Алоуддавладан беш ёш кичик эди – муал.) Улуғбек Мирзо қўшинларининг чегарада шай турганидан хабарсиз, акаси устига мулкирлик илинжида Хурсонни бўйсундириш учун босиб кела бошлайди. Алоуддавла Мирзо ҳам укасидан хавфи бўлганлиги сабаб, Жом вилоятида бир қисм лашкар қолдирган эди. Ака-уканинг сипоҳийлари Жомда рўпара келиб, жанг қизиб, Алоуддавла Мирzonинг ишонган амири Муҳаммад Пирзод асирга олинади. Музаффарият аламини ҳилпираттган Абулқосим Бобур Мирзо Ҳирот этаклари га қадар чопқин ясашдан ўзини тийиб туролмади. Алоуддавла Мирзо икки ўт орасида қолган, кун чиқиши тарафда Мовароуннаҳр, кун ботиш томонда эса укаси қўшини хавф ва дағдаға солиб, мушкул устига мушкул қалашган эди.

Сулҳ қарор топди. Алоуддавла Мирзо бу келишувнинг омонат эканлигини ўйлаб кўрмаган бўлса-да, пихини давлат ишларида ёрган малика Гавҳаршод Бегим вақтинчалик ён беришни норозилик билан маъқуллаб, ҳамма шартларни бажармасликка ёхуд бажаришини пайсалга солишига набирасини даъват этди. Икки ўртада Чечакту ерлари чегара бўлишига келишилди. Абдуллатиф Мирзо ҳисбдан озод этилиб, Нишопурда бирга қўлга олинган навкарларини ҳам қўйиб юборишга, Абдуллатиф Мирzonинг хазинадан улушкини олишига розилик билдирилди.

Ихтиёридин қалъаси кутволи Абдуллатиф Мирзога эшик очаётганида жуда илтифот кўргазди. Янги кийим-бош кийишидан оддин, ҳаммом исиб турганлигини айтди. Ювиниб-тараниб олган, озиб-тўзиз кетган, ёруғликка чиқиб, бир муддат гандираклаб турган собиқ маҳбус шаҳзоданинг узангисини тутиб, ўзи отга мингазди. Эҳтиёт

шарт-да, худо билади, эртага Ҳиротни Улугбек Мирзо қўлга олмайди, деб ким айта олади?!

Билинар-билинмас чўлоқланиб қадам ташлайдиган саман (бу ўша, Нишопурдаги жангда тойиб йиқилган оти эди) йўргада Абдуллатиф Мирзони тўғри Бони Зогонга, Алоуддавла Мирзо қасрига олиб келдилар. Абдуллатиф Мирзо шарафига берилган зиёфатда қучоқ очиб кўришмасалар ҳам, бундан кейин қариндошликтини сақлашга, бир-бирига душманлик қиласликка аҳд-у паймон қилдилар. Нишопурда бандга олишларида Солиҳ Мирзонинг занжирни қисиб боғлаши-ю, Алоуддавла Мирзонинг от устида туриб сўкинишлари шу дамда яна Абдуллатиф Мирзонинг ёдига тушиб, тишларини фижирлатди. Хайриятки, унинг тузи ўзгариб, муштлари тугилганини Алоуддавла Мирзо пайқамади. Шу куни Абдуллатиф Мирзони отаси ёнига мавлоно Жалолуддин садрни ҳамроҳ қилиб жўнатдилар. У билан бирга Нишопурда қўлга олинган, Ихтиёриддин қалъасида зинданбанд бўлиб ётган навкарларини эса, бўшатишга шошилмадилар.

\* \* \*

Алоуддавла Мирзо Самарқанддан ёпирилиб келган хавфни бартарраф қилгач, инофаси Абулқосим Мирзога қарши дафъ айтишни, уни йўлидан олиб ташлашни мақсад қилди. Тақдирнинг ўзи Улугбек Мирзонинг Ҳирот йўлини тўсгани айни муддао бўлди-да. Энди, укасига қарши бемалол қўшин тортиши мумкин, унга адаб бериб, эс киритиб қўйиш лозим. «У ҳам Абдуллатиф қитмирнинг бири, болаликдан тарбия берган, қучогида ўстирган малика бувиси хоҳишини инобатга олмай, Шоҳруҳ Мирзо тахтига, совимаган ўрнига кўз тикиб турса-я?! Мени ака ўрнида кўрмаган экан, ақалли, бувисини юз-хотир қилиши, бобоси руҳини ранжитмаслиги керак эмасмиди?» Алоуддавла Мирзо шу фикрни кўнгилдан кечириб, жаҳл отига минди.

Нишопурда Абдуллатиф Мирзони мағлуб этиб, Шоҳруҳ Мирзо тахтини эгаллаган Алоуддавла Мирзо ҳокимият таъмини тата бошлаб ганига ойлар кечаётган эди. Ўғли қопқонга илинган Улугбек Мирзо ноилож унга ён берди, ҳукмдорлик мақомини тан олди. Абулқосим Мирзо нимага ишонади? Нега у акаси давлатини инкор этади? Шу андишаларда Машҳадга етган Алоуддавла Мирзо кечагина Улугбек Мирзога қарши жанг-у жадал қилишга сафарбар этилган қўшин ва амирларини Хабушон вилоятига йўллади. Абулқосим Мирзо чериги Хабушон сарҳадларида тўхтаб туради.

Икки ўртада муқаррар кураш аждарҳолари қонли оғзини очишга шай бўлиб турганда, кўпни кўрган, омилкор амирлар орага тушиб, икки ака-уканинг ёвлашиши дуруст эмас, Абдуллатиф Мирзони қутқазган Улугбек Мирзо фикридан қайтиши, мамлакат тахти унга тегишили эканлиги важидан, яна қасдланиб қолиши истисно эмас-

дир, дейиши. Бир-бирини чўқишига тайёр турган шаҳзодаларга бу далолат мантиқли туюлди-да, қиличларни қинга суқдилар. Расмий иноқлик туйғусидан Алоуддавла Мирзо зўр қониқиши ҳосил қилиб, Ҳиротга қайтиб кетди. Шу куни у ўзини подшоҳдек ҳис қилиб, савлат тўқди. Абулқосим Бобур Мирзо эса, тож даъвосини қиласликни бўйинга олиб, Мозандарон вилоятига от бошини бурди. Икки орада вужудга келган аҳдга мувофиқ, Абулқосим Мирзо бобоси мулклари ни қўлдан чиқармаслик, бунда бўлган ихтилофларни бирёзлик қилишда эришаётган зафарлари ҳақида пайғомлар юбориб турди.

\* \* \*

Шоҳруҳ Мирзо замонида ҳам бўлиб турадиган низоларни, мулкирлик талошларини кўравериб, кўзи пишган, тиш қоқди бўлиб кетган амирлар Хабушонда сулҳни орага солғанларида, эртани кўра билган эканлар. Алоуддавла Мирзонинг укаси билан битим тузганидан кейин ўзини құдратли сеза бошлагач, тадбир билан зўрга илашиб турган заиф ҳалқалар силсиладан чиқа бошлади. Балхда ўзини бирмунча тутиб олган Абдуллатиф Мирзо отаси билан Алоуддавла Мирзо тузган сулҳ шартларида кўрсатилган, Нишопурда қўлга тушган навкарларини Ихтиёриддин қалъаси маҳбуслигидан озод қилиб, Балхга жўнатишни талаб қилди. Тахтнинг юмшоқ ўриндифига чўкиб, кибр-у ҳавонинг осмонига кўтарилган Алоуддавла Мирзо шаҳзоданинг бу талабини писандига олмади. Аксинча, Абдуллатиф Мирзони қўлдан чиқарганига пушаймон бўлиб, уни яна қармогига илинтириш ниятида Солиҳ Мирзони Балх чегарасига бир тўп аскар билан жўнатди. Солиҳ Мирзо Амир Темурнинг ўғли Умаршайх Мирzonинг набираси бўлиб, отаси Пир Муҳаммад Шерозий эди. Солиҳ Мирзо бу пайтда қирқ икки ёш устида бўлиб, кўпдан Шоҳруҳ Мирзо хизматида бўлиб келарди. Кам ўйлов, буйруқни бош тортмаслан баъжарадиган кимса эди.

Ҳафтадан бери Балх сиртида яйлов қилиб турган суворийлар Абдуллатиф Мирзо одамлари кўзидан ниҳон қолмасди. Бир шумликини сезган Абдуллатиф Мирзо Балхдаги қўналғасидан илгор қилиб чиқиб, отларини эгарлашга ҳам улгура олмай қолган Солиҳ Мирзо тўдасини қириб ташлайди. Мирzonинг ўзи бир иложини қилиб, отига миниб, қочганича, жон ҳовучлаб Ҳиротга етиб олади.

Бўлиб ўтган воқеа Алоуддавла Мирзона жунбушга келтиради. Унинг сўкинишларига, бақириқ-чақириқларига илон пўст ташларди. Шу тобда у ўзини жиловлай олмай қолган, фазабга эрк бериб юборганди. Солиҳ Мирзога тезлик билан Ихтиёриддин қалъасига боришни, Абдуллатифнинг олти ойдан буён занжирбанд ҳолда тутиб турилган навкарларини битта қўймай қатал этишни амр қилди.

Алоуддавла Мирзода давлатни бошқаришда ақл-фаросат, оғир-босиқлик, мулоҳазакорлик йўқ эди. Тахтнинг тинчини, юртнинг эр-

тасини ўйлаш унга тамомила ёт, хазина ва қўшин ихтиёри ўзига теккач, ҳеч ким, ҳеч нарса билан ҳисоблашишни эп кўрмасди. Абдуллатиф Мирзонинг Балх мавзеъсида Солиҳ Мирзони мағлубиятга учратиши воқеаси уни фазаб ва нафратга асир айлаб, ўч олиш оловини ёқиб юборди. Фаслнинг қишига тортганлиги, ҳавонинг совиб бораётганлиги ҳам бу гулхан тутунида кўзга кўринмади. Отлари қўнишиб, ўзлари дилдираб турган сипоҳийларни жаҳл билан Балхга томон етаклади.

Ҳар бир баҳонада қўшин тортиш – қон тўкиш, умрларга зомин бўлиш, эл-у улуснинг бўйнига зулм ва ситам юкини ортиш эди. Бу сафарги интиқом йўлидаги қаҳрли юришда Абдуллатиф Мирzonинг орқа-олдини йиғиштириши, ҳисорни маҳкамлаши ва ақлли тадбири – отаси Улуғбек Мирзога ўз одамини жўнатиб, бўлажак муҳорибадан хабар етказиши бўлган эди. Алоуддавла Мирзо қиши вақтида таянч бошпана заруратидан Чечакту мавзеъси яқинида ҳисор қуришга буйруқ берган эди. Унинг ишни ташкил этувчи ясоқийлари гишти пиширишга имкон қилолмай – совуқ шиддати қаттиқ, қор ва ёмғир кўз очиргани қўймасди – ноилож, теварак-атрофдаги гиштин биноларни, ҳовузларни вайрон қилиб, қалъани қуришга кўп вақт сарфладилар.

Бу орада Самарқанддан, Улуғбек Мирзодан элчилар келиб, Алоуддавла Мирzonинг ҳовурини босадиган мактубни топширдилар. Улуғ мақомдаги амаки суюкка сингадиган тарзда очиқ огоҳлантириш, балки пўписага ўтган эди. «Орамизда сулҳ асоси қурилган бўлса, – дейиилганди хатда, – энди уни яна мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилиш керак, ана шунда кундан-кунга дўстлик муҳаббати ортиб боради. Агар Абдуллатиф тезлик қилган экан, уни муносиб тарзда манъ қилмоқ учун сенинг вазифанг, аввало, биз тарафга маълум қилиш эди. Энди, дуруст иш щуки, орқангга қайтгин, раиятга даҳ қилиш ва вилоятга харобалик етказишдан сипоҳни манъ қилгин».

Ҳисор қуришга, жамоат хайрия биноларини бузишга, аҳолини озиқ-овқат ва қурилиш ишларида мажбурлашга, харобаликлар етказишга улгуриб бўлган, кун исиши билан ҳужумни мўлжал қилиб турган Алоуддавла Мирзо Улуғбек Мирзо буйруғига бош эгишдан ўзга чора тополмади. Яна сариқ тукли мўйловини неча бор асабий чайнаб, тишларини фижирлатди-да, Ҳиротга қайтди.

\* \* \*

Милодий 1448 йилнинг эрта баҳори Бойсунтур Мирzonинг икки ўғли учун ҳам тўйлар фасли бўлиб келди. 22 марта Абулқосим Мирzonинг Шоҳ Маҳмуд Мирзо деб исм қўйилган ўғли туғилди ва унинг шарафига Мозандаронда катта тўй берилди. Тўйнинг акси садоси Ҳиротга етиб келгач, Алоуддавла Мирzonинг ҳам орқаси тутди. Гавҳаршод Бегим бобоси тахтида савлат тўкиб ўтирган набира-

сининг ўғли суннат тўйини қилиш иштиёқини маъқул топди. Ака-укаларнинг ҳаваси эмас, ҳасади Маҳди улёга мақбул тушар, тўй қилишда ҳам бир-биридан ўзишга интилиши маликанинг тунд чеҳрасини ёритарди. «Мирзом, анави Бобур неча кун тўй берибди, – ваҳмнок сўзлади малика, – уч кунми, ҳафтами? Биз эрса, доруссалтана Ҳиротда набирамиз Иброҳим Султонга қирқ кунлик хатна тўйи қозонларини осгаймиз!»

Боги Зоғонда, ҳатто, Шоҳруҳ Мирзо даврида, салтанатнинг авж даврида ҳам мисли кўрилмаган хатна тўйи ҳозирлиги кўрилди. Шоҳруҳ Мирзо ҳашамларга ўч эмасди, гоҳида набираларнинг суннат қилиниши бир-икки йилга кечикиб кетган ҳоллар ҳам рўй бериб турарди. Гавҳаршод Бегим ўзининг режаси амалга ошганидан, Алоуддавланинг тахтга ўтирганидан мамнуният ичра, Алоуддавла Мирзо ўғилчаси Иброҳим Султон тўйини башариятнинг тушига ҳам кирмайдиган бир тарзда ўтказишга изн берди. Ўша давр тарихчиси бу ҳақда шундай таъриф-у тавсифни қолдирган:

«Боги Зоғонда хайма, хиргоҳ, саропарда ва боргоҳларни худди булутдек ой ва офтоб чўққисига яқин қилиб қурдилар, ҳунармандлар кунгираси устидан тез парвоз қуш ҳам учиб ўтолмайдиган, ақл муҳандиси унинг шарҳ ва баёнидан ожиз қоладиган гўзал кўринишили қуббаларни кўтардилар, болохоначаларга эга бўлган чаҳортотқдарни муҳайё қилдилар ҳамда уларнинг барчасини Рум деболари-ю, Чин зарбофлари билан безатдилар, етти кишвар ҳунармандлари эгаллаган ҳар бир санъат-у ҳунарни истаганлари йўсунда ишлатиб, оро бердилар, тиф ва ўқлар ҳам ялтироқ аслаҳаларни уларнинг атрофига шунчалар кўп осдиларки, ярақлаши кўз қорачифини эритар ва нури офтоб шуъласидек, кўзлар чашмасидан ҳайрат булогини очар эди. Ҳар бир чаҳортотқда хушилҳон хонандалар хониш қилишиб, кўқдаги Зуҳра юлдузини чарх урдирап эдилар. Дастурхончилар катта зиёфатлар туздилар ва шаҳар ҳам вилоят раиятини бир неча кун Тархон қилдилар».

Шодлик ортидан ноҳушлик соядек эргашиб юради. Боги Зоғонда тўй палослари йиғиб олинмасдан бурун, шумхабар кўланкаси чодирлар ёнида соя ташлади. Шодмонлик ғам билан алмашди, шароблардан оғир тортган, гувиллаб турган бошлар, нечундир, хам бўлиб қолди. Бу бесабаб эмасди. Алоуддавла Мирзога, «кўрпангга қараб оёқ узат», деган кимса йўқ эди. Йўқса, Улуғбек Мирзо билан тузилган сулҳга амал қилиш, ла ф зни сақлаш, Абдуллатиф Мирзо қитифига тегмаслик, ким билсин, Ҳиротнинг осуда ҳаётига рахна солмасми?! Ёши ва тахтга қонуний меросхўрлиги жиҳатидан Улуғбек Мирзо Ҳирот тахтини ўзига тегишли деб биларди. Орада юз берган ноқулайликлар унинг вақтинча бу ниятдан истиҳола қилишига сабаб бўлган эди. Алоуддавла Мирзонинг Балх остоналарига қадар келиши, қалъа қурдириши, унинг тезда кучайиб, Балх ва ундан кейин

Самарқандга юриш қилишини тахминлашга асос берарди. Улугбек Мирзо ташаббусни олишга, биринчи бўлиб Ҳирот сарига от суришига пайт кутарди. Шу имконият етиб келган, Абдуллатиф Мирзо ҳам Балхда етарли куч тўплаган эди.

Алоуддавла Мирзо ўғлининг хатна тўйи ниҳоясида Улугбек Мирзонинг муҳораба талабида қўшин тортганлиги дараги ёйилган эди. Кайфи ҳамон тарқамаган Алоуддавла Мирзо бу ҳолдан фамнок бўлиб, қўлини иякка тираганича кўшкида ўтиради. Бир неча вақт аввал амирлари, укаси Абулқосим Бобур билан ярашувни маслаҳат берганларида, шу хавфни рўйиҳа қилгандилар. Улар янглишмаган эканлар. Улугбек Мирзо қўнглида Ҳирот тахтига ҳам эгалик оташи сўнмаган, вақти соати етиб, у ошкора аланга тусини олган эди.

\* \* \*

Ота ва ўғилнинг – Улугбек Мирзо ва Абдуллатиф Мирзонинг Гавҳаршод Бегимдан ўпкалари қозондай эди. Тахтни арзандаси Алоуддавла Мирзо қўлига топширгач, Шоҳруҳ Мирзо хазинасидан, ақалли, Улугбек Мирзо – тўнгич ўғил, ягона қонуний меросхўр учун тегишли сармоя ажратишни хаёлга ҳам келтирмади. Тож-у тахт гумаштаси Алоуддавла Мирзо эса, нописандлик билан сулҳ шартларини тўла бажармай, Балхга дағдаға билан босиб келди. Навкарларнинг намойишкорона қатл этилиши, Самарқандда Улугбек Мирзонинг, Балхда эса Абдуллатиф Мирзонинг қонини қайнатиб, жазавасини қўздириб юборди.

Ота-ўғил бу ноқисликлардан азият чекиб, ададсиз кўп лашкар жам қилишга интилдилар. Улугбек Мирзо Жайхундан ўтганида, Абдуллатиф Мирзо Хутталон, Қундуз, Бақлондан то Бадахшон сарҳадларигача, Балхдан то Мурғоб дарёсигача бўлган ҳудудлардан қўшин тўплаганлигини отасига хабарлади. Шу тариқа, Самарқанд ва Хуросон лашкари қўшилиб, найза ва шамширларини Ҳиротга ҳавола қилиб, йўлга тушди.

Алоуддавла Мирзога кирган титроқ Гавҳаршод Бегимдан унга юққан эди. Маҳди улё кеча ёмон туш кўрган, хатна тўйига осилган қозонларга қуюн даҳл бўлиб, тўнкарилиб қолган, гўшт-у масаллиқлар ерқони бўлган эди. Тушнинг таъбирига ҳожат қолмаган, Улугбек Мирзо чопқуни бошланиб, унинг оқибатларини каромат қилишга Маҳди улёда ҳол қолмаганди. Шу боисдан, Алоуддавла Мирзони бир-икки койиган бўлди, худо раҳмат қилгур отаси Бойсунғур Мирзонинг ичкилиқ оқибатида нариги дунёга риҳлат қилганлигини пеша қилиб, ёғийларни (она шундай, ўз фарзандини ёв, душман деб айтди), қўл қовуштириб ўтирмасдан, дафъ қилиш тадоригини кўришни уқдириди. Алоуддавла Мирзо «нима қилай?» мазмунидаги бўшини сал кўтарган эди, бувиси:

– Дам ушбудир, энди бир йўруғ бордир, бўтам, – деди шивирлаб, – бобонгиз Мирзодин кўп хазина, ёрмоқ қолмиш. Не билурмиз, оқибат қайси дархонага бош суқадир? Бир қисм сармояни лашкарга фаровон улашинг, токи улар ўлган-тирилганига қарамай, анавилар сипоҳийларини ер тишлатсин. Қолган хазойин ёмбиларини, эҳтиёт шарт, маҳкам беркитинг...

Алоуддавла Мирзога замондош муаррих бу ҳақда, «У хазина-ю дафиналар эшикларини очиб, ҳаммага кўп нақд олтиналар улашди, Хоқони саъид ҳазратлари (Шоҳруҳ Мирзо – муал.) Элли ил давомида тўплаган жаҳон ганжларини лашкар қисмларига тақсим қилиб берди», деб ёзади.

Шоҳруҳ Мирзо саройида йиллар давомида катта бойлик жамгарилган эди. Лашкарга улашилган сармоя Хурросон элига неча йил ризқ бўлишга кифоя қиласди. Хазинанинг қолган жавоҳироти, нақдиналари Имод ва Ихтиёриддин қалъаларига киши билмас, қаттиқ назоратда беркитилган бўлиб, Гавҳаршод Бегим ишончини қозонган мавлоно Аҳмад Ясовул, Оғо Ҳожибеклар жавобгарлигига топширилганди. Алоуддавла Мирзо лашкардан ва хазинадан кўнгли бирқадар тўлиб, охири неча чақиримдан кўринмайдиган қўшин билан Ҳиротдан йўлга чиқди.

\* \* \*

Ҳиротдан ўн тўрт фарсах масофада Тарноб деган мавзеъ бўлиб, тўрт томони қир-у адир, текислик ва ялангликлардан иборат эди. Улуғбек Мирзо ва Абдуллатиф Мирзо лашкарлари оралиқда масофа сақлаб, шу манзилга қўнган эдилар. Улуғбек Мирзо бир вақтлар мўғуллар билан жанг қилганида орттирган тажрибасидан келиб чиқиб, орт тарафга захира қисмларни, эҳтиёт шарт, тариқида жойлаштирган эди. Йиғма қўшин жангга шай бўлиб турарди.

Алоуддавла Мирзо Тарнобга яқинлашиб, Қутали Санжоб манзилидан ўтганда, айгоқчилар ота-ўғил Мирзоларнинг учи-қуйруғи йўқ қўшин билан йўл пойлаб турганлари дарагини етказди. Қўшинга беаёв сармоя тарқатганига, уларнинг сони эллик минг нари-берисига етганига қарамай, Алоуддавла Мирзонинг бу хабардан эти жунжикди. Бирдан хаёлига с улҳ тушшиб, ёғийнинг ўз жондай амакиси эканлиги фикри тушди. Ёнидаги мавқабига, «шайхулислом Баҳоуддин Умарни орамизга восита қилинглар», деб тайин қилди. Шайхулисломни элчиликка кўндириб, унга зарур ашёларни таҳт қилгунча вақт ўтиб, жангни бошлаб юбориш ҳадиги орта бораётган эди. Бунинг устига, Алоуддавла Мирzonинг ишонган яқини, амакиси Иброҳим Мирzonинг ўғли, ёши ўн бешда бўлса ҳам шерюрак, ўз одамларига бош бўлган Султон Абдуллоҳ Мирзо, «ҳайт» деди-да, ўз сипоҳийлари билан Улуғбек Мирзо тарафга яловларини тушириб,

ўтиб кетди. Икки мухолиф қўшин юзма-юз келиб, жанг ногоралари қоқилиб, карнайлар наъра тортиши олдидан, бу хилофот Ҳирот лашкарининг руҳини тушириб юборди. Самарқанд қўшини томондан бирдан бургунинг бўғиқ, аммо юракларни тарс ёрадиган овози эши-тилди. Муаррих шу жанг ҳақида, «кўпчилик бир-бирининг хеш-у пайванди бўлган у икки лашкар жанг бошлаб юборди: уруш алантаси ер қаъридан фалаклар чўққисига кўтарилди. Сув юритилган шамшир қўрқинчидан шер заҳраси сувга айланиб, аждарҳо янглиғ тиф хавфидан олов тош ичига беркинди, жон олувчи ўқ дилларга ажал хабарини етказди», деб ёзиб қолдирган. Фалаба Улугбек Мирзо қўшинига юз буради. Алоуддавла Мирзо лашкаридан гуруҳ-гуруҳ ажralиб, қочишга тушганлар кўпаяди. Улар жонними ёинки Алоуддавла Мирзо сахийлик кўрсатиб берган жарақ-жарақ тилла тангарними қутқазишга иштиғол кўрсатаётган эдилар. Тавочиларнинг ҳайқириғи, амир лашкарларнинг даъвати ваҳимага тушган қочқинларга кор қилмай қўйган эди.

Алоуддавла Мирзо қўшин жилови ихтиёридан чиққанлигини англаганида кеч бўлган, беихтиёр қўзидан тирқираб ёш чиқаркан, от бошини ортга бурди. Унинг учун икки йилга ҳам бормаган подшоҳликдан, тож-у тахтдан воз кечиш жуда оғир эди. Ҳиротга, Бони Зогонга кириш йўли қирқилган, қалъадорлик қилишга фурсат қолмаган, ёнидагилар қистови билан Машҳадга етгунича оромни унутди, таъқибдан хавотир олиб, бирор жойда тўхтамади. Нафасни ростлагач, эс-ҳуши жойига келиб, Имод қалъасига, эҳтиёт шарт қўйгани хазинани очди ва ҳамроҳ бўлиб келганларга мол-дунёдан бас дегунча улашди. Укаси Абулқосим Бобур Мирзо унинг охирги нажоти эди. Астробод томон юзланиб, укаси манзил қилиб турган Хабулқонда унинг қўлини ўпишга муяссар бўлиб, алам ва ўқинч қўз ёшларини яшира олмади.

Улугбек Мирзо ва Абдуллатиф, Абдулазиз Мирзолар лашкарлари Ҳиротга яқинлаб келган, лашкарнинг илгоридан сараланган сипоҳлар йўлларни назорат қилиб, щубҳали кишиларни овлашга киришгандилар.

Алоуддавла Мирзодан умиди катта бўлган Гавҳаршод Бегимнинг, бетўхтов чопишдан оти кўпикка ботган чопардан Тарнобда содир бўлган курашда Алоуддавла Мирзо туғи ер билан битта бўлганини эшитибоқ, юраги пастга тортиб кетди. Дарҳол укаси, вазири аъзамлардан бўлган амир Сўфи Тархон, шаҳарда доруга қилиб қолдирилган амир Султон Абу Саъид ва Хожа Фиёссуддин Пир Аҳмадни ҳузурига чорлатиб, кўч-кўронни ҳозирлашни, тез йўлга тушмасалар, Абдуллатифнинг исканжасида қолишини билдириди. Гавҳаршод Бегимнинг, ҳамроҳларининг суюги ҳарбий сафарларда қотган эди, жадаллик билан боғлиқдаги тулпорлар, хачирлар шай қилинди. Ҳирот

доругаси, 1433 йилда вафот этган амир Мұҳаммад Дарвешнинг ўғли йигитлари билан уларни қўриқлаб, йўлга тушдилар. Қайдасан, Ироқ, деб отлар ва юклар ортилган хачирларга қамчи урдилар. Шаҳардан чиқиб олиб, баланд тушган адирлик муйилишида, рўпарадан кутилмаганда йўлларни назорат қилиб юрган ёғийларнинг бир тўда отлиқларига дуч келиб қолишибди. Амир Султон Абу Саъиднинг қилич ялангочлашдан бўлак иложи қолмади. У ёғийлар тўдасини чалғи-тиб, жангга қулай майдон ахтаргандек, четга бурилди. Шу аснода Гавҳаршод Бегим ва ёнидагилар узоқлаб, қоралари кўринмай кетди. Ёғийлар зум ўтмай, Абу Саъид ортидан найза ўқталиб, унга етиб бордилар. Савашда уни асирга олдилар. Кимдир дағал овозда, «Кетганлар ортидан бормаймизми?» – деб бақирди. Улар кимни кўлдан чиқараётганларини ўша фурсатда ўйлаб ҳам кўрмаган эдилар. Билганларида, жонларини жабборга бериб бўлса-да, Маҳди улёни бандга солиб, ўғли олдига олиб борган, жаҳон кечмишида кам рўй берадиган учрашувга гувоҳ бўлардилар. Эҳ, дунё ишлари, дунё ишлари... Жаҳон ўтмишида учрашувлар кўп, бу галгиси эса, жуда ачинарли, она ва боланинг душманлашув шароитида, таъқиб этувчи ва таъқиб қилинувчи, бири тахт учун курашда мағлуб, иккинчиси голиб сифатида юзма-юз бўлган бўлардилар. Назаримда, тарих бу кўргилик «дийдорини» хоҳдамаган.

Она юрагини ҳовучлаб, Ироқ сари қочиб қолмаганида нима бўларди? Гавҳаршод Бегимни ўлим, барибир, изма-из қувиб келаётган эди. Улуғбек Мирзо ёки Абдуллатиф Мирзо бу жирканч ишга қўл урмасалар-да (онани жиноятчи сифатида жазога тортиш икки дунёда ҳам ота-ўғилнинг хаёлига келган эмас), барибир, етти-саккиз йилдан сўнг Гавҳаршод Бегимни ўлим, ўлим бўлганда ҳам даҳшатли ўлим кутиб туради. Бу сафар Маҳди улёни етти ёт бегона, аммо садоқатли амир Абу Саъид қутқариб қолган бўлса, яна бир Абу Саъид, Темурийзода уни раҳмисизларча чопиб ўлдиришга ботинган эди. Бу воқеага эса, ҳали вақт бор, кўп сувлар оқиши, кўп тақдирлар юзтубан бўлиши ҳодисаларини келажак тарих ўз бағрида сақлаб турган эди.

Тарноб жангидаги эсдан чиқмайдиган ҳоллардан бири Улуғбек Мирзога элчиликка юборилган, сулҳ таклифи билан бораётган шайхулислом Баҳоуддин Умарнинг бошдан кечирганлари ва нохушликдан иборат башоратидир. Шайхулислом ўзига берилган ваколатни адо этишда кечиккан, Самарқанд сипоҳи музaffer бўлиб, Ҳиротга от сураётган маҳалда, Чиҳил духтарон манзилида Улуғбек Мирзо қароргоҳига совға-салом ва түхфалар билан келаётган Баҳоуддин Умар ҳазратларини ва ҳамроҳларини шип-шийдам қилиб, талайдилар. Отларини тортиб олиб, пиёда қўйиб юборадилар. Унинг гапини тинглайдиган бир кас топилмайди, сипоҳилар бариси маст-аласт, торожга зўр берган кишилар эди. Гап, табиийки, шу манзилга етиб

келган Улугбек Мирзо қулогига чалинади. Шайхулисломнинг Ҳиротда бўлганидек, Мовароуннаҳрда ҳам обрўси баланд, тагли-тугли хожалардан, Темурийларга садоқатли зотлардан ҳисобланарди.

Улугбек Мирзо шайхни топдириб, иззатини жойига қўяди. Бебош сипоҳийлар етказган азият учун негадир узр сўрашни унутди-да, олинган нарсалар, шу жумладан, шайхнинг «Тахтиравони ҳам қайтариб берилсин!» деб амр қилди. Бу буйруқни эшитиб, амирлар пиқ-пиқ кулдилар. Ахир, шайхулисломда тахтиравон не қилсин, улови дейилса, бошқа гап эди-да?! Шайхулисломга бу қаттиқ таъсир қилди, у Мирзо ҳузуридан чиққач, нарсалари қайтарилишини кутиб ўтирганидек, Чиҳил дуҳтарондан Ҳиротга қараб пиёда йўлга чиқди. Шайхнинг аччиқлангани ва ўзини сипоҳилар-у ҳукмдордан масхараланган, ҳақоратланган деб қаттиқ ўйга ботган шайхнинг ортидан гапга етарман мавлоно Юсуф Аттор ва Мирзо Улугбекнинг табиби Ҳасан ибн Абдуқодир от етаклаб, анча йўлга эргашиб бордилар. Шайхулислом отга минмади, фақат улар эшитсин деб, сал баландроқ пичирлади: «Яқин орада шундай бўладики, Мирзо Абдуллатиф Қозиょл ҳожат ҳукмига ва шариат талабига биноан отаси Мирзо Улугбекни қатлга етказади».

Юсуф Аттор ва табибининг бу гапни эшитиб, дами ичларига тушиб кетди. Эшитганларини бирорга айтиш ўлим билан баравар эди. Шу даврлар тарихини яратган Абдураззоқ Самарқандий ҳам бу ҳақда, мудҳиш воқеа ҳақиқатда бўлиб ўтганидан йигирма йил кейин асарида эслатишга жазм қила олган.

\* \* \*

Тарнобдаги мағлубият Алоуддавла ва Абулқосим Бобур Мирзоларни – ака-укаларни бирлаштирди. Жанг майдонини ташлаб қочган хийлагина аскарлар Алоуддавла ортидан етиб келиб, унга қўшилдилар. Ака-уқада тағин катта қўшин вужудга келди. Бойсунғур Мирзо фарзандларининг иттифоқликда кучайгани дарагини эшитиб, Улугбек Мирзо уларни таъқиб қилишга, Машҳад томон юришга киришди. Алоуддавла Мирзонинг бойлиги яширилган Имод қалъасини олишга уриниб кўрилди. Қалъя фоят мустаҳкам бўлиб, муаррих айтиганидек, «Мирзо Улугбек у қалъани хийла ва тадбир билан эгаллашни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмаслигини тушунгач, у тарафга юборган амирларга қайтишга ҳукм қилди». Улугбек Мирзо Родикон чорбоғида бир неча қун туриб, Сурайё тепалигига кўтарилиди. Теварак-атроф кузатилаётган маҳалда, Абулқосим Бобур Мирзо элчилари келгани эштилди. Маълум бўлишича, Улугбек Мирзога байъат этилиб, хутба ва пул зарбини унинг номига бўлиши ваъда қилинади. Абулқосим Мирзо куч устида турган амакиси қўшинининг магар Бистомгача бостириб борса, ҳоллари хароб бўлишини, енгилишдан ўзга чораси қолмаслигини тушуниб турарди.

Шу нүктада Улугбек Мирзони, унинг ҳаракатларини тушуниб бўлмайди. Унинг ҳукмдорлигини тан олиб, бош эгиб келган Абулқосим Мирзо элчиларини подшоҳона иноят билан сийлаб, жўнатган Мовароуннаҳр султони ўз донишмандлигига зид қарорлар қабул қиласди. Элчилар йўлга тушгани ҳамоноқ, ака-укалар қасдида Исфароин вилоятига қадар қўшинни жадал бошлаб боради. Бу жойда йигирма кун давомида эса, сабабсиз тўхтовга амр қиласди. Ўрнига тушмаган, шикаста қарор эса, Абдуллатиф Мирзо билан Тарнобда ҳузурига келиб қўшилган Абдулло Мирзоларни Бистом вилоятига йўллашда, Абдулла Мирзонинг Астрободга етишиб, мозандаронликларни (яъни Алоуддавла ва Абулқосим Мирзоларни) куч ва қудрат намунасини кўрсатиб, мағлуб этсин, деган фармони олийда кўзга ташланади. Абдуллатиф ва Абдулло Мирзолар буйруққа биноан ҳаракатга тушадилар. Қўшиннинг таянчи Улугбек Мирзо қўл остида бўлиб, иккала шаҳзода жанг-у жадални бошлаганда, ёрдамга етиб бориши келишилганди. Аҳдга кўра, Улугбек Мирзо улар ортидан Астробод йўлидаги Пули Абришимгача боради. Яна ҳеч бир сабабсиз, Улугбек Мирзо Астробод фатҳига юборган черикни, ўғли ва Абдулло Мирзони огоҳлантирмасдан, ортга қайтишга фармон беради.

Улугбек Мирzonинг жиловни орқага буриши сипоҳийларда ҳам норозилик келтириб чиқаради, катта ўлжа умидида бўлган қўплаб аскарлар парокандалик иллатларини бошлаб беради. Шу давр муаррихи айтганидек, «ҳақиқатан ҳам, Мирзо Улугбекнинг орқага қайтиши унинг болиб лашкарида заифлик ва нуқсон келтириб чиқарди ва ожизлик ҳам путур етишига сабаб бўлди». Абдураззоқ Самарқандий, XV аср тарихчиси бу бобда куйиниб ёзганида, ҳақ эди. «Агар Мирзо Улугбек зафар таратувчи байроқларни то Бистом майсазоригача сурганида, шуҳратли шаҳзодалар Мирзо Алоуддавла ва Мирзо Абулқосим Бобурларни бутунлай мағлубиятга учратган бўларди, улар эса мажбуран Ироққа, Мирзо Султон Муҳаммаднинг байроғи сояси-ю, раияти ҳимоясига жўнаган бўлардилар ҳамда бундан кейин уларнинг қўлидан бирор иш келмаган бўларди», деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий.

Галаба нашъаси олдида турган Абдуллатиф Мирзо отасининг тўсатдан ортга жўнаганидан жуда ваҳимага тушиб, зудлик билан қўшинни қайтаради. Ўйлов ва тез суръатлар билан қайтиш унинг касалланишига сабаб бўлади. Бу орада, бир гуруҳ «муфсидлар» – асли ишни бузувчилар Улугбек Мирзога: «Шаҳзода ўзини касалга солиб, амри фармонингиздан чиқсан, кўнглида мустақиллик бор», деган ифвони қалаштирадилар. Бойсунғур Мирзо ўғиллари устига юриш, шу алфозда, натижасиз якунланади. Бу Улугбек Мирзога обрў олиб келмайди. Аввало, ака-ука муҳолиф Мирзолар унинг ҳокимиятини тан олиб, хутба ва пул зарбида байъат қилганликларини элчилар

орқали аён қилганларида, элчиларга аҳдни қабул қилганлик ваъдасини бермаслик ва ўз лафзини синдириб, шаҳзодалар изидан тушмаслик вожиб кўринади. Бу воқеалар 1448 йилнинг кеч кузида содир бўлади. Ўғлиниг соғайишига эътибор берган Улуғбек Мирзо, унинг касаллиги ҳақида гапничувалатган «муфсидларга», таассуфки, жазо тайин қилмаган. Абдуллатиф Мирзо соғайиб, оёқقا туриб кетгач, Улуғбек Мирзо унга Хурросон мамлакати идорасини топширади.

\* \* \*

Улуғбек Мирзодан Хурросон ва Эрон тупроғида омад юз ўгириб, давлат қайтишни бошлаган эди. Бу орада баҳт қуши Абулқосим Бобур Мирзо боргоҳи теграсида айланиб учадиган бўлди. Доруссалтана Ҳирот унинг тасарруфига ўтиб, таҳтда қарор топди. Шоҳруҳ Мирзо ҳаётлигига сарой палосига бир неча шаҳзодалар сиқсан бўлса-да, энди, инон Абулқосим Мирзо ихтиёрига ўтгач, тувишган бирордари Алоуддавла Мирзо унинг даврасига сифмай қолди. Бир қисм сипоҳийларга саркор қилиб қўйилган Алоуддавла Мирзо табиатан ичи қора бўлганлиги учун ўз мақомидан маҳзун аҳволда юради. Куни кечагина таҳт ҳам, салтанат ҳам унга тегишли эди. Энди эса, ўзидан беш ёш кичкина укаси таҳтда савлат тўкиб ўтирибди. Уканинг иззат-эҳтироми акага масхаралашдай туюлади. Дарди ичида машваратдан чиқиб, отга минади-да, қўшинларни кўздан кечирган бўлади. Хаёлида иложсизлигидан режалар тузади, фикрини ўғли Иброҳим Мирзога ҳам айтишга қўрқади. Охири, бир куни тўхтамга келди-да, Султон Иброҳим Мирзони Имод қалъасига юборадиган бўлди. Қалъада кўч-кўрони, уғруқи ва бойлиги, жавҳар-у нақд олтинлари бор эди. Иброҳим Мирзога уларни қалъадан олиб чиқишни тайин қилиб, мақсадини айтиб ўтирамди.

Абулқосим Бобур Мирзо ҳам сарой таълимини кўп олган, ишонганига ишонмаслик руҳида тарбия кўрган эди. Шу важҳдан, акаси ортидан одам қўйган, унинг ҳар демиши, ҳар қилмиши назорат остида эди. Фитна қўзғашга устаси фаранг бўлиб кетган, икки тарафни уриштириб қўйиб, нонини тия қилиб ейишга тамал қўйиб қолганлар шу кунлари, муаррих шаҳодат этганидек, «Алоуддавла Мирзо саркашликни бошлаган, уруш қилиш фикрида ҳаракатга тушиб қолди, мустақиллик яловини кўтармоқчи», деган гапни етказадилар. Абулқосим Мирзога ҳам шу туртки керак эди, чақимчилик жавобини хаёллатмай, дарҳол Алоуддавла Мирзони ҳибсга олишга буйруқ берди. Бу ҳам етмагандек, неча ўз сипоҳийини Тун мавзеига, қалъага кетаётган Иброҳим Мирзони тутиб келишга отлантирди. Алоуддавла Мирзога содик бўлган Аҳмад Ясовул бу сафар ҳам садоқат кўрсатди, Абулқосим Мирзо сипоҳийлари билан қаттиқ савалашди. Иброҳим Мирзони қўлга туширган тўда уни отга ўнгариб, Ҳирот то-

мон елиб кетди. Аҳмад Ясовул Алоуддавла Мирзо уғруқини муҳофа-за қила-қила, қўлига шамшир ботиб, қон оқаётган бўлса-да, бирорта ёйини уларга яқинлаштирамади. Угруқда Иброҳим Мирзонинг синглиси Руқия Султон бека ҳам бор эди. Аҳмад Ясовул уларни шу пайтда Ироқда ҳукм сураётган, Маҳди улё Гавҳаршод Бегимни ҳам жонига жойлаб турган Султон Муҳаммад Мирзо паноҳига олиб кетди. Олам ишлари қизиқ-да. Икки йил муқаддам Шоҳруҳ Мирзо исён кўтарган шу набираси Султон Муҳаммад Мирзони тинчитаман деб, ўзи абадий тинчиган, бақо оламига кетган эди. Гавҳаршод Бегим эса, тақдирнинг азмойишини қаранг, шу авбош набира пинжига суқилиб, жон сақдаб турмоқда эди. Элда, бежиздан-бежизга, «кириб-чиқадиган эшигингни қаттиқ ёпма», деб айтилмас экан. Тарихнинг тадбирлари ҳам, сўқмоқлари, сир-синоати ҳам бисёр бўлар экан.

Имод қалъасига бориб, отаси тайинлаганидек, беркитиб, маҳкам сақдаб турилган хазинани олишга улгурган Султон Иброҳим Мирзони бор ганж-у нақдиналари билан ушлаб, Абулқосим Бобур Мирзо ҳузурига банди қилиб, келтирадилар. Шу ерда Абулқосим Мирзонинг кўзи тўқдигига қойил қоладиган муносабат қарор топади – муаррих алоҳида уқдирганидек, «у Султон Иброҳим Мирзонинг (гарчи ўзи ҳибсга олинган бўлса-да) жавҳар, тилло ва кўп кумуш сандуқчаларини очмасдан, тортиб ҳам кўрмай Султон Иброҳим Мирзонинг ўзига бағишлади, у ҳамма нақд пуллар-у жавҳарларни ҳиммат тарозусида арпа донасича ҳам кўрмади».

Амакизода шаҳзодани ҳибсга маҳкум этиб, кўнгли бир оз тинчиган Абулқосим Бобур Мирзо, «отамнинг қўли» дебми, ичкиликка берила бошлади. Мен бу таънани ўйлаб топмадим, муаррих сўзига қулоқ тутдим, у зот шундай ёзган: «Абулқосим Бобур Мирзо эрта-ю кеч тинимсиз ичкилик ичиш билан машғул бўлиб, уд садоси-ю най навосидан ташқари дунё ишларини шамолдек ҳисоблагани туфайли, унинг хос кишилари бўлган бир гуруҳ амирлар фитна ва фасод бошлишиб, зулм-у бедодлик бунёд қилдилар».

От жилови бўш қўйилса, у тўлғайди, қумақай ўтирган суворий, ногаҳон, эгардан учиб тушиши ҳеч гапмас. Амирларнинг бадмаш йўлга кираётганлигидан хавотирга тушган, инсоф ойинига бир умриоя қилиб келган амир Ҳиндука улардан узоқроқ бўлиш учун рухсат олиб Бодғис яловига чиқиб кетади. У, мастиликда бир кор-ҳол юз бериб, оқибати хунук иш содир бўлмасин, деган ниятда, ҳибсда ётган Иброҳим Мирзони ҳам ўзи билан бирга олиб кетади.

Тақдирнинг товланишини қаранг. Абулқосим Мирзо саройида аҳвол шу даражага бориб, таранглостиб турганда, Абдуллатиф Мирзодан кутилмаган бир хабар келиб қолди. Балхда салтанат қуриб, ҳарб-зарбда ўзини ўнглаб олган Абдуллатиф Мирзо отаси Улуғбек Мирзога о ш к о р а с о т қ и н л и к йўлига кирган эди. Отадан юз

ўгириб, Абулқосим Бобур Мирзога иттифоқчилик таклиф қилаётган Абдуллатиф Мирзо мактубида, «Улугбек Мирзо катта лашкар түп-лаб, Хурсонни босиб олишга қасд қилган, биз унинг йўлинин тўсиб турибмиз, илоҳий иноят кўмаги билан унинг Жайхундан ўтишига йўл қўймаймиз. Сизга нисбатан эса, муҳаббат ва дўстлик, бирлик ва эътиқод мақомидамиз», деб онтини аён қилганди.

\* \* \*

Абулқосим Бобур Мирзонинг сархуш чоғларида Бодғисга кетган амир Ҳиндуканинг Ҳиротдаги вазиятдан дили хотиржам эмасди. Ҳиндукада, мамлакатни ичгувчилар, ўз биродарларини ҳибсга олув-чилар эмас, Улугбек Мирзодек билимдон, раиятга рўшнолик етказа оладиган, тож-у тахтнинг истигноларига парво қилмайдиган одил подшоҳ идора қилиши керак, деган фикр етилганди. Абдуллатиф Мирзодан отаси босиб келаётганлиги хабари олингач, Абулқосим Бобур Мирзо уни тезда Ҳиротга қайтишга чорлади. Бироқ амир Ҳиндуканинг унинг ёнига қайтиб бориш хоҳиши йўқ бўлгани боис, соҳибиға «Абдуллатиф Мирзо Балҳда турибди, бу чегарани холи қолдириш маслаҳатдан эмас», деб узрли, аммо рад жавобини йўллади.

Бу орада кела-келмиш ота-боболари Темурийлар хонадонига са-доқатда бўлиб келган Сеистон вилояти ҳокими Шоҳ Ҳумоюн Ҳиротга нисбатан ихтилоф йўлига киргани маълум бўлиб, Абулқосим Бобур Мирзо унинг дафъи учун қўшин тортади. Амир Ҳиндука ўз режаси-ни амалга ошириш учун қулай вазият туғилгани боис, ўз сафдоши амир Иброҳим Идику Темурни Мовароуннаҳрга, Улугбек Мирзо ҳу-зурига жўнатади. Мақсад, афсуски, ушалмай қолади, Абдуллатиф-нинг изғиб юрган соқчилари Идику Темурни Андҳуд сарҳадида ту-тиб олиб, Абдуллатиф Мирзо олдига келтирадилар. Гап нимадалиги-ни суриштириб, англаган шаҳзода уни ҳибсга олдиради.

Амир Ҳиндуканинг элчиси Самарқандга эсон-омон боргани-да эди, Улугбек Мирзо ўғлининг хиёнат йўлига кирганидан воқиф бўлар, шунга арзирлик тадбир кўрган бўларди. Тақдир ҳозирлаган жарликлардан ўтиш ҳеч қачон бандасига, ҳатто, у шоҳ-у подшоҳ, олампаноҳ бўлса-да, насиб қилмайди. Икки ўртада жарлик тобора чуқурлашиб, тубсизликка айлана бормоқда эди. Амир Ҳиндука, энди пинҳон иш тутиш иложи қолмаганидан, Абулқосим Мирзога қарши дангал майдонга тушади. Астробод ҳудудида бўлиб ўтган жангда, у қанчалик жасорат кўрсатмасин, умри завол топади. Абулқосим Бобур Мирзо биродари Алоуддавладан, гарчи, у ҳибсда ушлаб туррилган бўлса-да, хотири жам бўлмаганидан, уни муҳтожлик қўйи-га солиш ниятида, хазинаси сақданаётган Имод қалъасига босқин ўюштиради. Имодга яширилган бойлик катта эди. Бир неча вақт аввал Султон Иброҳим Мирзо шу жавоҳиротдан бир қисмини олиб

чиқиб, қўлга тушганди. Энди эса, қалъани ҳийла-ю фириб билан қўлга киритган Абулқосим Мирзо, муаррих гувоҳлик берганидек, «қалъада бўлган жаҳон-жаҳон хазиналарни қўлга киритди».

Имод қалъасининг таслими ва хазинаси довруғи Ҳиротда шундай кўтаринкиликларга сабаб бўлди, Алоуддавла Мирзони ҳибсда сақдаб, унга нигоҳбонлик қилиб турган қўриқчилар ҳам кайф-у сафога берилиб кетдилар. Бу ғофилликдан фойдаланган Алоуддавла Мирзо қамоқдан қутулиб, тарафдорлари кўмагида Нимруд вилоятига қочиб кетади.

Акасининг ҳибсдан қочганлиги хабари Абулқосим Мирзонинг кайфини учириб юборди. Қаердан бўлса-да, қочқин собиқ шоҳни, акаси Алоуддавла Мирзони топиб келишни ўз қудаси, энг ишончли кишиси деб билгани амир Шужоуддин Худойдодга қаттиқ топширди. Нимрудза эндиғина ўрнашиб, нафасини ростламоқчи бўлган Алоуддавла Мирзо изидан катта сипоҳийлар бўлаги келаётганини эшитиб, зудлик билан Ироқقا жўнашни, иниси Султон Муҳаммаддан паноҳ сўрашни мақбул билди. Султон Муҳаммад Мирзо эса, унинг келишига рўйхушлик билдирамади.

\* \* \*

Тож-у тахтнинг васвасаси, унинг таъмини озми-кўпми тотганларга ёхуд юқини ялаганларга сира ором бермас экан. Алоуддавлага қарши Абулқосим Бобур қилич ялангочласа, унинг ўзи пайт пойлаб юрган Султон Муҳаммад Мирзодан зарбалар емай қолмайди. Икки ўртада бир ҳовуч одамлари билан бор-у йўғидан ажralиб қолган Алоуддавла Мирзо Гармсер томонга кетишга, жон сақдашга ва куч йиғишишга, интиқом ва бобоси тахтида, имкон топса, яна ўрнашишга эҳтиёжманд эди. Гармсерда у ўзини ҳам, ҳарб ишларини ҳам бирқадар ўнглаб олди, ўзи емаса емади, киймаса киймадики, орттиргани, сақдаб қола олгани сўнгги тангларини ҳам сипоҳдар ёллашга, ўз туғи остида бирлаштиришга сарфлади. Тез орада кўп сонли аскарлар жам бўлди ва Ҳиротга томон юрди. Бу пайтда Абулқосим Бобур Мирзо билан Султон Муҳаммад Мирзо низолари авжига чиққан, фақат қон тўкиш эмас, гап суқиши, яъни тарғибот ҳам орада газаклаган эди. Ҳусусан, Султон Муҳаммад Мирзонинг ўлиқми-тириклиги мишишларга чўлғангач, унинг лашкари тўзғиб кетади. Бу хабарлар Алоуддавла Мирзонинг Ҳиротга катта лашкар билан кириб келишига туртки беради. Султон Муҳаммад яна Ироқ томонга бош олиб кетишга мажбурият сезади. Ҳирот, шу тариқа, уч шаҳзода ўртасида тахт касаллигининг бедаво манбаига айланиб қолаётган, тўп сингари гоҳ у тарафга, гоҳ бу томонга сурilmоқда эди.

Алоуддавла Мирзо Ҳиротнинг жангсиз мұяссар бўлганидан, вақтни ғанимат билиб, доруссалтана пойтахтда хотиржам ўрнашиб олди. Тахтга чиқиб, салтанат жомини энди сипқора бошлаганида, бир неча

кун ўтиб, шаҳарда Абулқосим Бобур Мирзо қучли сипоҳийни бошлаб келгани дараги ёйилди. Ҳали тўқнашув муқаррар бўлмасиданоқ, Алоуддавла Мирзо одамларига қўрқув зилзиласи ваҳима солиб, тўрт тарафга қочишни бошладилар. Алоуддавла Мирзо қолган тўдалар билан Балх ва Шибирғон тарафга қараб от сурди. Васваса девона хаёлларга эрк бермай қолмаскан. Йўлларни тай қилиб, ортига, таъқиб қилма-яптимиқанлар, деб бот-бот қайрилиб қараб, олазарак бўлиб келаётган Мирзонинг кўнглида, ором топса, яна куч йигиб, дорулмулк Самарқандни бўйсундиришни қасд этиб, ўйловда елар эди.

Алоуддавла Мирzonинг Самарқанд истилоси гирдобига армон қадамини қўйишга чираниши бесабаб эмасди. Хуросонда уч ака-ука қиён-кесди қилиб, бир-бирини йўқ қилиш пайида от сурғанларида Мовароуннаҳрда аҳвол бундан-да мушкудроқ, фожеийроқ кечганди. Бу юртда ҳам ота-бола ёмон ёвлашиб, ота ўлдирилган, манфур фарзанд эса, унинг тахтини қонга булғаб, олти ой ҳукм сурган эди. Улуғбек Мирзо ва падаркуш Абдуллатиф Мирзо ҳақида гап кетаётганлигини муҳтарам ўқувчи сезиб турибди. Падаркуш асфаласо-филинга равона этилгач, Иброҳим Султон Мирzonинг ўғли Султон Абдулло Мирзо Самарқанд тахтига чиққан эди. Мовароуннаҳр заминида, Соҳибқирон Амир Темур пойтахти Самарқандда кейинги олти-етти ойда рўй берган даҳшатлар улуснинг мадорини қочирган, юрт ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий жиҳатдан ночор аҳволга келиб қолган эди. Султон Абдулло эндиғина 17 ёшга тўлган, на иш кўрган, на давлат тутумини биладиган, сиёsat ва ҳарб-зарбда хом бир шаҳзода эди. Омад юз буриб, шоҳдик кисвати насиб қилган эди-да. Алоуддавла Мирзо шуларни хаёлдан ўтказар экан, Самарқандни ундан бир ҳамлада тортиб олишига кўзи етарди. У босқинни пишитиб юрган кунларида, иттифоқо, бир гуруҳ барлос ва арлот амирлари Самарқанддан Балхга, Султон Абдуллодан аразлаб, Алоуддавла Мирзо ни паноҳ тутиб, келиб қолдилар. Вақтида Самарқандга юборилган амир Иброҳим Идику Темурнинг ҳеч бир сабабсиз қатл этилганлиги уларда норозилик келтириб чиқарганди. Юз бурган амирлар Алоуддавла Мирзога Самарқандга ҳужум қилишнинг айни мавриди эканлигини айтиб, уни даъват қилишга киришдилар.

Султон Абдулло Мирзо, барлос ва арлот амирлари ижозатсиз кетиб қолишлари яхшиликка эмаслигини, ҳар ҳолда пайқаб етган, шу боисдан черигини шай қилиб қўйган эди. Чамамда, Самарқанд тахтига чиқиб, қилган яхши тадбирларидан бири шу ҳозирлик бўлган эди. Тез орада Жайҳун бўйларидан катта қўшин дарёни кечиб ўтганлиги дараги эшитилди. Султон Абдулло Мирзо лашкари ҳам фурсат ганиматлигига Кеш – Шаҳрисабз томон отларга қамчи босди. Шаҳрисабз ялангида рўпара бўлган икки лашкар олишувга тайёр эди. Барibir, Алоуддавла Мирzonинг қонли муҳорабага юраги дов

бермади. У, Жайхундан ўтди-да, Балхга келиб тушди. Омад ундан бу сафар ҳам юз ўгирган эди. Ўгирганда ҳам, меҳвар асосидан терс бурилгандек аҳвол намоён қилганди.

Ўлганни тепган қабилида иш тутиш додини кимга айтасан, киши. Балхга етиб, омадсизлигидан ранжиб, не қиларини билмай, маҳзун аҳволга тушган Алоуддавла Мирзо кўргиликлар яқинлашиб келаётганидан бехабар эди. Малика бувиси ёнида йўқ, бундай мушкул дамларда Гавҳаршод Бегимнинг насиҳати ҳам, сандиқ-сандиқ олтин-кумушлари ҳам жуда асқатарди. Бувисининг ҳоли Ироқда не кечдийкан? Султон Муҳаммаднинг бир сира жонланиб қолиши, ҳайтовур, маликанинг ёрмоқлари эвазигадир?! Алоуддавла Мирзо бу насибадан маҳрум, у томонларга қадам боса олмайди. Абулқосим Мирзо йўлида кўндаланг бўлиб, бўғма илондай бўғиб оламан деб турибди. Кейинги ойларда содир бўлган, бўлаётган ҳодисотлардан Алоуддавла Мирзо бошини чанглаб қолган кўйи соатлаб ҳеч нарса билан иши бўлмасди.

Хотин-халажи Алоуддавла Мирзонинг соғлигидан ташвишда, табиблар эса, унинг хафақон касаллигидан хабари бор, дейишарди. Ҳирот тахтидан ажralиб қолганидан бери, кунлари ҳаловатда кечмади. Тўладан келган, қорни ҳам салқиб чиққан Мирзони дафъатан кўрган яқини ҳам таний олмасди – хийла ориқдаган, ўсиқ соқол-мўйловлари бетартиб, пешонасини ажин босганди.

Абулқосим Бобур Мирзо акасининг тийиксиз феълини, тож-у тахтеса, ҳеч балодан қайтмаслигини яхши билганидан, ўзига нисбатан бўладиган асосий хавфни унинг тарафидан кутарди. Самарқанд юриши самарасиз тугаб, Алоуддавла Мирzonинг Балхга қайтиб келиши укага сира тиним бермайдиган фикр-у ўйларга сабаб бўлди. Пешқадам бўлмаса, Балхга юриш бошламаса, кеч қолиши, акасининг яловларни ҳилпиратиб, босиб келиши тайин, деб мулоҳаза қилди у. Ҳатто, ҳавонинг совиб бораётганлиги ҳам уни ниятидан қайтара олмади. Балх устига мўр-малаҳдек лашкар тортилди. Юриш асносида айгоқчилар йўллаб, Алоуддавла Мирzonинг аҳволини ўрганди, акасининг паришонхотир эканлигини билиб, кутилмаганда босқин ясад, черигини тум-тарақай қилди. Ўрдуда хотиржам ўтирган ҳарам ва хизматкорлар қўлга олинди.

Алоуддавла Мирzonинг омади ёр бўлиб, жонини қутқариб қолди, амаллаб тоғнинг ўнқир-чўнқирларидан ошиб, бир ковак жойга беркиниб одди. Мирзони ҳар қанча ахтармасинлар, топа олмадилар. Абулқосим Бобур Мирзо ишнинг чала битганидан кўнгли тўлмай, акасининг хотин-халажи ва хизматкорларини, мол-у ашёларини олиб, Балх шаҳрига кириб келди. Шаҳарда ўз мавқеини тиклаб, кишиларини вазифаларга тайин қилиб, Ҳиротга йўл олди.

Ҳарамидан, кўч-кўронидан айрилган, шоҳона либослари чокидан сўқилган, йиртилган Алоуддавла Мирзо тоғ сўқмоқлари бўйлаб, Ҳи-

рот этагидаги Гозургоҳ тизмаларига бир амаллаб, етиб келди. Унинг изидан тушган айғоқчи Гозургоҳ дараларидан бирида Мирзони кўздан йўқотиб, охири иложини қилолмай, Абулқосим Бобур Мирзога арз қилиб, воқеани айтди. Яна излашга тушдилар ва охири, Алоуддавла Мирзони Искандарбекнинг висоқидан – уйидан топдилар. Абулқосим Бобур Мирзо ҳузурига олиб киргандарида, тинтуб чоғида топилган букарак, тева кўзи, шоҳмансурий деб ном қўйилган лаъл ва жавоҳирларини намойишкорона териб қўйдилар. Алоуддавла Мирзо бошига мушкулотлар тушганда, улардан фойдаланаман, деган андишада шу мўъжаз бойликни яширин сақлаб юрарди. Акси ўлароқ, шу бир қисм гавҳар-у тилло ҳам унга насиб қилмади. Оёқ-қўлига кишин урилди-да, Ихтиёридин қалъасига қамаб қўйилди.

Голиб ука мағлуб акани шармисор қилиб, занжирбанд ҳолида ўзи билан бирга олиб юрарди. Зиёфатларда, машваратларда, жанг-у жадалларда Алоуддавла Мирзо жонли ва аянчли кўргазма эди. Бу билан таҳт талабгори бўлган ёхуд бўлиш умидида юрган Темурий Мирзоларга сабоқ бериш кўзда тутилган эди. Султон Муҳаммад Мирзони, охир-оқибатда, ўлдириб, тинчиган Абулқосим Бобур Мирзо ундан буткул хотиржам бўлиб, занжирдаги боғлиқ, бўшатса, ёқасидан олиши муқаррар бўлган Алоуддавла Мирзо хавфини бартараф қилиш фикрига тушди. Султон Муҳаммад Мирзонинг орадан кўтарилганиги шодиёнасида коса-коса майни симириб, кайфи ошиб қолган Абулқосим Бобур Мирзо, давра пойида занжирбанд чўккалатиб қўйилган акасига имо қилиб, «олиб чиқинг ва кўзларига мил тортинг, токи таҳт йўлини қайта кўра билмасин», деб амр қилди.

\* \* \*

Зиёфатхонага апил-тапил кирган тўрт навкар Алоуддавла Мирзони судраб, танасидаги оғир занжирларни тарақлатиб, олиб чиқиб кетдилар. Сихни қиздиришга анча вақт кетди, чоғи, эшик тарафдан инграган ёки додлаган овоз эшишилмади. Ҳамма ҳозир бўлганларнинг қулоғи динг, Мирzonинг икки кўзига қачон мил тортилар экан, деб қизиқсиниб кутиб турардилар. Бир вақт бўкирик саройни ларзага солди, қиздирилган учи тўмтоқ сих бири ловуллаб турган оловда, бири эса, Алоуддавла Мирзо кўзига босилаётган эди. Мирzonинг талвасали бақириғи жазокорларни шошириб қўйдими, бу ишга тажрибаси йўқ эдими ёинки уларнинг ҳам кайфи баланд эканлиги-ми, бир тасодиф сабаб бўлиб, иккинчи сих кўзга тортилиши унугтилиб, бириси билан ҳар иккала кўзни ҳам жароҳатладилар. Шу босидан ўнг кўз гавҳари хира тортиб, чапи айтарли зарар кўрмади.

Абулқосим Бобур Мирзо акасини батамом кўр қилганликларига амин бўлиб, кишандан бўшатиб, тўрт тарафинг қибла, деб рухсат берди. Кўзлари атрофи қуйиб, айниқса, ўнгдагиси қизариб, илви-

раб кетган, ҳушини йўқотган Алоуддавла Мирзони хачирга ўнгаришиб, сарой ҳудудидан олиб кетдилар. Ҳафта-ўн кун Боги Зоғоннинг четроқдаги кўримсиз, хизматкорларга атаб қурилган ҳужраларидан бирида даволаниб, ўзига келган Алоуддавла Мирзо у билан ҳеч кимнинг иши йўқлигидан Машҳадга, авлиёлар зиёратига кетишга аҳдланди. Зўравон укаси, хайриятки, ёнида эҳтиёт сақдаб келган лаъл-у тилло тангларига тегмаган, ўзида қолдирган экан. Ўнг кўзи юмилиб қолган, чапи эса йиринги ариб, шишлари қайтган бўлса-да, ўн беш қадам нарини кўрмасди. Унинг Машҳадга, Имом Ризо қадамжосига хокисоргина жўнаб кетиши саройни на ташвишга солди, на чўчитди. Энди, уни ўйиндан чиққан, йўлини ҳам топиб юролмайдиган нотавон ҳисоблардилар. Машҳадга келиб, бор ихлоси билан авлиёга дил боғлади, зиёрат шарт-шароитларини ками кўстсиз адо этди. Бир неча вақт шу ерда бўлиб, кўзларига шифо топди, нур инди. Изидан айғоқчилар қўйилганлигидан гумондор бўлиб, атайлаб кўзларини қора мато билан қалин қилиб боғлаб юрди. Ёлғиз қолганида бофични ечиб қўяр, кўзларининг яхши кўраётганлигига дамба-дам ишонч ҳосил қиласди.

Анчайин ўзига келиб, соғлиғини яхшилаган Алоуддавла Мирзо, «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганлариdek, ҳамон таҳт қули бўлиб, унинг фироғида ҳеч нимани кўрмас, устига-устак, ўч ва адоват қўшилиб, укасини яксон қилиб, Ҳиротни қайта қўлга киритиш иштиёқида ёнарди. Эҳтимол, кўзларига босилган мил иссифи ҳам унинг вужудини бу қадар куйдирмагандир. Кунларнинг бирида Майманага йўл олди. Маймана ва Форёб вилоятларида арлотлар қавми умргузаронлик қилиб келарди. Шу улуснинг марҳум амири Ёдгоршоҳ унинг қайнотаси бўларди. Поччасининг бошидан ўтганларни тинглаб, қайноғаси Жалолуддин Султон Маҳмуд ёрдам беришни пайсалга солиб ўтирумади. Арлот амири ихтиёрида лашкар етарли эди.

Алоуддавла Мирзо ройига биноан сипоҳлар Балж томон юриш қилиб, Ҳиротни қўлга киритишга бел боғладилар. Жанг жуда қаттиқ кечди, ғалаба туғи дам у тарафга, дам бу тарафга ўтиб турди. Алоуддавла Мирзонинг қайноғаси Султон Маҳмуд арлот қўп жон куйдирди, шундай чапдастлик билан қилич чопдикни, яшин унинг тезлиги олдида чақнашдан ожиз эди. Бир ўзи ўнлаб навкарларни ер тишлатар, отлар шамшири зарбидан мункиб ўларди. Қиличи дастасига қадар қон билан бўялган Султон Маҳмуднинг ўзи ҳам омон қолмади. Абулқосим Мирзо тарафдорларини айланиб ўтган Алоуддавла Мирzonинг бир қисм лашкари Ҳирот йўлига, унинг забтини кўзлаб, йўлга тушдилар.

Ҳирот чинакамига хавф остида қолган эди. Абулқосим Бобур Мирзо кучларни жам қилишга, вилоятлардаги амирлари Увайс Тархон, Пир Али Хазораспий, амир Халилларни тезлик билан етиб келиб, биргаликда пойтахтни муҳофаза этишга чопарларни устма-уст

жүннатди. Лашкарлар жам бўлишини кутмаган, лозим бўлса, укасига тобеъ вилоятларни алоҳида-алоҳида босиб олишни ўйлаган Алоуддавла Мирзо жанг-у жадалга тоб беролмаслигини билиб, саломат қутулиш йўлини тутди, тунда йўлни Ироқ томонга содди. Бу воқеа Шоҳрух Мирзо вафотидан беш йил ўтиб юз бермоқда эди. 1452 йилнинг илк кузида Абулқосим Бобур Мирзо музafferар бўлиб, Язд шаҳрига қадам босди.

Шаъбон ойининг ўн иккинчи куни (1452 йил 28 август) Абулқосим Бобур Мирзо Ҳиротга, муаррих айтганидек, «улугворона келиб тушди». Акаси кўзига мил тортдиришда у, барибир, бир ҳақ гапни айтган эди. Алоуддавла Мирзонинг кўзларига қайтиб тахт йўли кўринмади. Ҳирот ёнидаги мағлубиятдан – майдонни жангсиз ташлаб қочишидан Ироққа етиб, Рай мулкида туркман қавмлари сардори Мирзо Жаҳоншоҳ ўрдусига бош эгиб, паноҳ истаб боришдан ўзга чораси қолмаганди.

\* \* \*

Алоуддавла Мирзо қирқ тўрт йил умр кўрди. Бобоси Шоҳрух Мирзо тахтида икки йилга яқин ҳукм сурди. Шоҳдикдан мосуво бўлгач, ўн-ўн икки йиллик умри Боги Зоғонда ястаниб турган, чекланмаган ҳуқуқ берадиган муҳташам таҳтини қайта олиш ташвишларида кечди. Бу ташвишлар уни не кўйларга солмади, не хўрликлар бошига тушмади. Соғлиғидан, бойлигидан, обрўсидан айрилди. Ўнг кўзига етган заҳм асорати қолди, фақат хира қўрибгина қолмай, шундан бўлса керак, бошида ҳам вақти-вақти билан чидаб бўлмас оғриқ пайдо бўлди. Айрилиш мундарижасини санаса, бармоқдари камлик қиласи. 860 йил жумад ул-аввал ойининг охирларида (1456 йил 6 май – муал.) ўғли Бойсунғур Мирзо норасида ёшида вафот этди. Тахтнинг тўфони уни гоҳ у соҳилга, гоҳ бу қирғоққа суриб ташлаган йилларида фарзандини кўролмаган эди. Бойсунғур Мирзо Гавҳаршод Бегим ёнида, бувиси хизматида эди. Бу фарзанд арлотлар қавмининг амири Ёдгоршоҳнинг қизидан туғилган бўлиб, 21 ёшга кираётган навниҳол шаҳзода эди. Бир айби унинг гунг туғилганида эди. Ёдгоршоҳ билан боғланган ришталар шаҳзода ўлимидан кейин янада салқи тортиб, борди-кељди тўхтаб қолди. Алоуддавла Мирзо Мовароуннаҳр лашкаридан шикаст топгани ҳамон, Жайхуннинг ўнг ва сўл ҳудудларида қолишга имкон топа олмай, муаррих далолат этганидек, «Мирзо Алоуддавла Мирзо Улуғбек билан жангда шикаст топгач, ташқари чиқиб кетган ва ўша вақтлардан то бу дамларгача (1448–1458 йиллар – муал.) даврон чавгонининг илмоғидаги тўп сингари саргашта-ю саргардон бўлиб юриб, минг турли меҳнат-у алам билан ўзбек мамлакатининг (Дашти Қипчоқ – Абулхайрхон мулклари – муал.) ниҳояси бўлмиш Ибир ва Сибир олами атрофида маскан тутган эди».

Укаси Абулқосим Бобур Мирзо вафоти қулоғига етгач, «бир неча йилдан сўнг Дашти Қипчоқ ва ўзбек вилояти томонидан келиб, Оби-вард вилояти атрофида мақом қилган» эди. Абулқосим Бобур Мирзо томонидан кўпдан ҳибсда сақдаб келинган, эндиғина ўн етти ёшга кирган ўғли Султон Иброҳим Мирзо ҳам банддан қутулиб, ўз атрофиға тарафдорлар жам қила бошлаганди. Алоуддавла Мирзо бу даракларни тинглаб, ушалмаган орзуларига йўл очилаётгандек севинди.

Абулқосим Мирзо ўлимидан сўнг мамлакатда Шоҳруҳ Мирзо ўлимида юз берганидек, бошбошдоқлик, талон-торож, раиятдан устма-уст олиқ-солиқдар ундириш, хуллас, зулм ва ситам, бош эгасизлик яна томир отиб, урчий бошлаган эди. Тахтнинг икки даъвогари – Абулқосим Мирзонинг ўғли, ўн бир ёшли Шоҳ Маҳмуд Мирзо ва Алоуддавла Мирзонинг ўғли, ўн етти ёшининг етти-саккиз йилини қамоқда ўтказган Султон Иброҳим Мирзо эдилар. Шоҳ Маҳмуд Мирзо кичик бўлгани учун амир Шер Ҳожи унинг муқаввийси, маслаҳатдони, балки унинг номидан ҳамма ишни қилгувчи эди. Ҳиротнинг гапга етарманлари бу икки шаҳзоданинг қайси бирини маъқуллаш борасида маслаҳат тузиб, бир қарорга келолмадилар. Улар бу ҳақда Маҳди улё Гавҳаршод Бегим машваратини манзур билдилар, шаҳзодаларни танлашда ихтиёрни маликага берадиган бўлдилар. Аммо Шер Ҳожининг кўнгли, табиийки, Шоҳ Маҳмудда бўлиб, тахтда унинг шоҳона жулусини истарди. Муаррих шу ўринда бир далил келтирадики, уни эътиборга ҳавола этиш тарих равишини англашда қўл келади. «Шу аснода баъзи бадфеъл, шайтон сифат кишилар, – дейди Абдураззоқ Самарқандий, – фитна ва фасод бошлаб, амир Шер Ҳожининг хотирига: «Маҳди улё Гавҳаршод Оғонинг меҳр-муҳаббати Мирзо Алоуддавла ва унинг фарзанди Мирзо Султон Иброҳимга нисбатан кучли эканлиги худди офтоб ёргулигидек бутун оламга равшандир, Тархон амирларининг иттифоқи эса у меҳр-муҳаббат шуъласининг ошиб боришига асосдир; Тархон амирларининг аъвони ансорлари (кўмаклари – муал.) ва ҳайл-у ҳашамлари (хизматкор ва яқинлари) шу қадар кўпки, бирор ҳийла ё тадбир билан уларни чеклаш мумкинлигини хаёлга келтириб бўлмайди», деган мазмунни ўрнатдилар».

Мирзо Шоҳ Маҳмуднинг тахтга чиқиши йўлидаги асосий тўсиқ, шу тариқа, Гавҳаршод Бегим ва унинг укалари, жиянлари – Тархонлар эканлиги, малика, барибир, Алоуддавла ва унинг ўғли Султон Иброҳим Мирзони сипориш қиласи, деган кутқу оталиқ бек амир Шер Ҳожининг қулоғига қуйилади. Ҳиротнинг ўзида ҳам Гавҳаршод Бегимга қарорни, Тархонларни йўқ қилишга қаратилган жамият шакланиб улгурган эди. Олдинги мавқеидан асар ҳам қолмаган, йиққан дунёси ҳам сарфлаб бўлинган Маҳди улёни тахтга кимни ўтқизиши масаласида четлаб ўтиб, Тархонларни қириб ташлаш кун

тартибига чиқади. Амир Шер Ҳожи бунга қодир эди. Давлат ногорасини чалишда у, ифодали қилиб айтиладиган бўлса, дирижёр ҳам, ижрочи ҳам ўзи эди.

Амир Шер Ҳожи Тархонлардан олдин отни қамчилаб, уларни кенгашга чақириб, зиёфат уюштириди. Навкарларни қўшни хонада ҳозирлаб, имо бўлган вақтда кириб, Тархонларни саранжом қилишга келишиб қўйди. Гавҳаршод Бегимнинг таянчи бўлган укаларининг фарзандлари – Увайс Тархон, унинг ўғли Юсуф Тархон, амир Хусрав Тархонлар шўрвани еб, гўшт тановул қилаётгандарида шароб идиишини кўтартган уч-тўрт барзанги навкар шундай чаққонлик билан Юсуф ва Хусрав Тархонларга пичноқ урдиларки, тўрда пичноқ билан гўштни тўғраб турган амир Увайс Тархон навбат ўзига етганлигини сезмай ҳам қолди. Ўнг биқинига санчилган пичноқ заҳмидан сўнг жон ҳолатда яқинида турган, ҳамла қилишга тайёр амир Шер Ҳожининг қорнига пичноқ санчди. Амир Шер Ҳожи қорнини чанглалаганича юзтубан йиқилди. Навкарлар уни ўлди деб ўйлаб, бирдан эшикка отилдилар. Тархонлардан биргина Алига урилган пичноқ оғир жароҳат етказмаганди. Қонли зиёфатдан бир амаллаб қутулган Али Тархон Султон Иброҳим Мирзо ёнига етиб олди.

Ўлмай қолган амир Шер Ҳожи эса, Тархонларни сўйиб, муродига етгач, Мирзо Шоҳ Маҳмудни Ҳиротга келтириб, Ихтиёриддин ҳисорини мустаҳкамлади. Гўё Гавҳаршод Бегимга мурувват кўрсатаётган бўлиб, маликани марҳум подшоҳ эри Шоҳруҳ Мирзонинг мадрасаси ҳужраларидан бирига жойлаштириди. Бу сиёсатни нозик тушинадиган, кечагина бу бобда оби ҳаво қилган малика учун гаровга олинишдек бир гап эди. Амир Шер Ҳожи Абулқосим Мирzonинг она сути оғзидан кетмаган ўғлини номига тахтга чиқариб, мамлакатни ўзи бошқармоқчи эканлиги, бу йўлда Тархонларни, зарурат бўлиб қолса, маликанинг ўзини ҳам қурбон қилиш эҳтимол эди.

Эҳтимол, Маҳди улёнинг баҳтига, амалга ошмади. Амир Увайс Тархон томонидан қорни чавоқланган амир Шер Ҳожининг аҳволи оғирлашган, ўзи билан ўзи бўлиб қолган эди. Мирзо Султон Иброҳим тарафдан эса, Ҳиротни чопқун қилиш хабари узлуксиз келиб, дикқат унинг муҳофазасига қаратилганлиги иш берган, Мирзо Султон Иброҳимнинг омади юришган эди. Тархонларнинг ўлдирилиши раиятда ва акобирларда ёмон тасаввур уйғотган, амир Шер Ҳожининг қилмиши бошига бало олиб келган, уни қўллайдиган қолмаган эди. Мирзо Султон Иброҳим Мурғоб саридан қўшин жамлаб, Ҳиротнинг Мухтор бобига келиб, қўналға қилди. Мирзо Шоҳ Маҳмуд амир Шер Ҳожидан умидини узиб, Машҳад томон қочишга тушди. Амир Шер Ҳожининг ўзи Нирату қалъасига кетиб, жонини қутқазди.

Отаси ва ўзига меҳр қўйган, оғир чоғларда ҳам Алоуддавла Мирзо оиласидан қўл узмаган, мудом уларга ён босадиган малика Гавҳар-

шод Бегим бу зафардан, тўқнашув, жанг бўлмай туриб тўкилган қонлар эвазига келган омаддан ўзида йўқ хурсанд эди. Султон Иброҳим Мирзо шаҳарга кириб, биринчи йўқдатган кишиси малика бувиси бўлди. Уни иззат-икром билан Боги Зоғонга, Шоҳруҳ Мирзо билан олтмиш йилга яқин истиқомат қилган муҳташам қасрга олиб келди. Собиқ маликанинг яна сўзларига, насиҳатларига амал қила бошлидилар. Амир Шер Ҳожининг ишончли одамлари, Тархонларни қийратган Малик Қосим, Давлат Келди Тағойи, Қаромон туркман, Ҳожи Халил, унинг укаси Ҳожи Абдуллолар тутиб келинганда, улар тақдирини Гавҳаршод Бегим ҳал қилди. Малик Қосим ва Қаромонлар ҳаёти сақдаб қолинди, бошқаларининг жони адамга кетди. Бу икки туркман амири Гавҳаршод Бегимнинг мусофирилик кунига яраган, хизматидан бўйин товламаган эди. Бегим Ироқда кечган йилларида яхшиликтининг, яхши кишиларнинг қадрига етадиган бўлиб қолган эди.

Мирзо Султон Иброҳим бувисининг қувватлаши билан шаъбон ойининг ўрталарида (7 июль, 1457) амакиваччаси ва асосий рақиби Мирзо Шоҳ Маҳмудга қарши отланди. Мирзо Шоҳ Маҳмуд ҳам иссиқ жойини совитганидан, Ҳиротнинг Мухтор бοғидан Машҳадга қочиб қолганидан пушаймонда эди. Машҳадда шаҳзодани қора қилиб, отасининг собиқ амирлари бирин-кетин унинг хизматига йиғилиб кела бошлиди. Жамланиб, салмоқли куч пайдо бўлгач, амирлар далласи билан Ҳиротга қайтишга, Мирзо Султон Иброҳим таъзирини бериб қўйишга жазм қилди.

Икки Темурий Мирзо қирпичноқ бўлиш олдидан яна бир ноухуш хабар Ҳирот бўйлаб тарқади – Мовароуннаҳр тарафдан Абу Саъид Мирзонинг Шоҳруҳ Мирзонинг талошда қолган пойтахти томон катта қўшин билан келаётганлиги дараги келди. Иккала Мирзо ҳам бу гап-сўзларни писандга олмай, Кусуя қасабаси ҳудудидаги амир Шоҳмалик работига етгуналрича, бир-бирига қасдланишдан қайтмадилар. Иккала шаҳзоданинг сипоҳийлари жангни бошлаб юборди. Муаррих, жони ачиб, «икки қонхўр дарё бир-бирига етишди», деган маҳзунда бир ташбеҳни битади. Амир Низомуддин Аҳмад Тархон (Гавҳаршод Бегим жиянларидан – муал.) жўмардлиги бўлмаганда, Иброҳим Мирzonинг ошиғи олчи бўлмасди – зафар арафасида турган Мирзо Шоҳ Маҳмуд лашкари қочишга юз тутмасди. Жанг-у жадалларда муборизларнинг ўқтамлиги, ботирлиги кураш тақдирини ҳал қилган пайлар кўп кузатилган. Низомуддин Аҳмад Тархон Мирзо Шоҳ Маҳмуд номидан кенгаш – зиёфат чоги чавоқлаб ташланган aka-укаларининг хуни деб ёнган, қиличлашувда фидойилик кўрсатганди. Мирзо Шоҳ Маҳмуд бошлаб келган қўшиннинг аксар қисми лошлари муҳораба майдонида қолиб, неча бир гуруҳлар зўрга жон асрраб, қочиб қутулди.

Мирзо Шоҳ Маҳмуд учун бу, иккинчи мағлубият ўнгланмас тўқнашув бўлиб қолди. Жангда устунлик Султон Иброҳим Мирзо учун ҳам хайрли кечмади. Бундан бир қанча вақт аввал Ҳирот осмонида тулуъ қилган қўйруқди юлдуз гўё курраи заминдан бетиним тўлқин ураётган ҳарб-у зарблар денгизидан сачраган қонлар томчисидан вужудга келган нишона бўлиб, хайрли келажакдан дарак бермаганди. Мунажжимлар ваҳм солгувчи, хосиятсиз қўйруқди юлдузнинг ерга дахл қилмаслигини башорат қилган бўлсалар-да, кейинги ойлар ва йилларда Хурросон ва Эрон, Мовароуннаҳр мамлакатларининг тинчимаётганлиги, илдизи, қони бир, дини бир ҳукмдорлар аҳлининг ёвлашишда яжуж-маъжуждан ўтиб, оламга қирғин солаётганини кўкнинг норизолиги ифодати, деб талқин қилувчилар кўп эди.

\* \* \*

Султон Иброҳим Мирзо фаҳм-у фаросатда, эртанинг келиши оёқ олишини ўйлашда отаси Алоуддавла Мирзодан ажralиб турарди. Ихтиёридин қалъасининг маҳбуси бўлган йиларида у кўп нарсани, шу жумладан, эҳтиёткорликни ҳам ўзлаштирган эди. Шоҳ Маҳмуд Мирзога қарши лашкар тортаётган чоғида, «Ҳиротга келаётир», деган овозаси етган Самарқанд таҳтининг соҳиби Абу Саъид Мирзо истиқболига элчилик тариқида уламолар пешрави мавлоно Қутбиддин Яхё ат-Тафтозонийни юборган эди. Шайхулислом Тафтозоний ҳазратлари Абу Саъид Мирзо билан мулоқот қилганида, Ҳиротга дахл қилмаслик важҳида ётиғи билан сўзлади. Хурросон мулкларини жўжахўроз шаҳзодалар эплай олмай, бир-бири билан чўқишиб, ҳарбий кучлар бўлинниб, заифлашиб қолганидан огоҳ бўлиб юрган Абу Саъид Мирзо босқиндан қайтмоқчи эмасди. Шу боисдан Тафтозоний ҳазратлари гап-сўзларига эътибор бермади. Дедики, «Ҳиротга борганимизда вақт маслаҳати нимани тақозо этса, ўшандай бўлади».

Мовароуннаҳр лашкарининг илфор қисми Ҳиротга етиб, шаҳарга ёпирилиб кирди. Ҳирот фатҳ этилди ва Абу Саъид Мирзо болалиги кечган доруссалтанага сукданиб назар солди. Унинг Ҳиротда яқинлари ва шаҳзодалардан норози аъёнлар билан алоқаси бор эди. Амир Шер Ҳожининг Тархонларни бўғизлаш воқеаси рўй бергандан сўнг Хурросон ўпқони чуқурлашишидан истиҳола қилган амир Шайх Ҳожи Самарқандга хабарчи йўллаб, Абу Саъид Мирзога, «Хурросон мамлакати эгасизdir, агар у ҳазратнинг сипоҳийлари юриш жиловини бу вилоятга бурсалар, ҳукмдорлик сизга муайяндир», деб ёзиб юборди. Мактуб Абулқосим Мирзо вафотидан буён кўнгилда фимирлаб ётган ният – Ҳиротни тасарруфга киритиш дарвозасини ланг очиб юборди. Мана, ҳеч қанча муддат ўтмадики, Абу Саъид Мирзога Ҳирот ҳам дарвозаларини беркитмади. Қалъани таслимга таяса, марра уники, Хурросон мулклари қўл остига ўтади.

Хиёнаткорлик ҳамма замонларда ҳам бўлган. Манфаат бор экан, унга эришишнинг энг тубан, манфур йўли сотқинлик, нифоқ солиш кўринишларида воқеъ бўлиб келган. Амир Шайх ҳожи вақтида Иброҳим Мирзодан ҳам яхшиликлар қўрган амирлар силсиласида эди. У Самарқанддан босқин уюштирилишини ташкил этиб, унинг самарасини тезроқ кўриш умидида, Султон Иброҳим Мирзога ҳам Жузжонга хабарчи юбориб, «мен бу даргоҳнинг қадимий қулиман, агар эл-у улус кўп бўлган ўрта вилоят йўли билан Балх вилояти томон юзлансалар, муддао ҳосил бўлур», деган гапни етказди. Кечаги хизматларини пеша қилиб турган амирга ишонмай бўлармиди?! Султон Иброҳим Мирзо, нега, деган саволни ўртага қўймай, мулоҳаза юритмай, чамамда, «Балхда менга байъат қилувчилар кўп экан», деган хомхаёлда йўл танобини тортганини ўзи билмай қолди.

Амир Шайх ҳожи эса, тарихчи айтганидек, «у фаддор маккор эса, Самарқанд сипоҳи билан келишиб қўйган бўлиб, истак қалами билан бир фириб суратини хаёл лавҳасига чизар эди». Султон Иброҳим Мирзонинг лашкарлари кам сонли бўлиб, Балхга яқинлаб келганларида, пойлаб ётган Абу Саъид Мирзо қўшинлари уч тарафдан ўраб кела бошлади. Туйқусда, жанг тадоригини кўрмаган Султон Иброҳим Мирзо аскарлари саросимага тушиб қолди. Чап қанот аскарлари эса, вақтни ранимат билиб, от жўганини орқага силтадилар – қочиб қолдилар. Аҳмад Тархон шу куни дўлдек қисқа, аммо яксон этувчи жангда шердек олишди. Бу сафар қиличларни хоинлик қайради ва ўткир қилди, хом меваларни тўнғизлар қийратгандек, пайҳон қилиб ташлади. Султон Иброҳим Мирзо Журзавон тоғларига бошпана излаб, қочиб қутулди. Абу Саъид Мирzonинг Ҳиротни қўлга киритиши шаъбон ойида, йигирма бешинчи кунда (16 июль 1457) юз бердики, унинг тафсилоти китобнинг кейинги саҳифаларида ҳикоя қилинади, деган умиддаман. Бу ўринда Маҳди улё Гавҳаршод Бегиминг фожиа билан хотима топган қисмати хусусида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Ҳиротни эгаллаган, Боги Зоғонда Шоҳруҳ Мирзо зеб берган таҳтда ўтириб, оламга сифмай кўриниш бераётган Абу Саъид Мирзони таниш қийин эди. Самарқанд амирлари, фозил-у акобирлар ёнида парвона, хушомадда, тортиғ-у пешкашлар, мулозаматда Ҳирот аъёнлари, уламолар, бойу давлатмандлар гиргиттон, пойи патак, олқишлища, улуглашда бири бирига навбат бермасди.

Мовароуннаҳр таҳтида маҳкам ўрнашган, талабгор ёғийларини бақо оламига жўнатишга улгурган, ҳарбий салоҳияти Хуросонда изғиб юрган шаҳзодалардан неча карра устун бўлган Абу Саъид Мирзога мақбул бўлишга тиришиш беҳуда ҳунар эмасди. Фақат биргина баҳодир, Алоуддавла ва ўғли Султон Иброҳим Мирзога, улардан ҳам кўра, малика Гавҳаршод Бегимга ҳаққоният юзасидан содик

бўлган Аҳмад ясовулгина Абу Саъид Мирзо ва унинг фатҳини тан олмади. Унга Ихтиёриддин қалъаси, унинг бор бисоти ишониб топширилган эди. Тахтни эгаллаган ҳукмдор унга қуролбардорларини юбориб, обрўли кишиларни ўртага солиб, кутволликдан кўра, юқорироқ мансаб беришини писандада қилиб, қалъа ихтиёрини топширишни талаб қилди.

Аҳмад ясовул шунда, «менинг валинеъматим ўз уйини (яъни Ихтиёриддин қалъасини – муал.) менга топширган, агар унинг жойини бошқа бирорга берсам, ҳаромнамаклик ва кофирнеъматлик бўлади. Мен ўз бошимни унинг йўлига тикканман ва дилим хонасини ундан бошқага берк тутганман, токи унинг ҳумоюн зоти жаҳонда боқий экан, мен бу қалъани бирор кишига бермайман ва бу давлатхона эшигини бошқа бирорга очмайман. Агар осмондан ўқ-у найзалар ёғиб, ердан зупин (учи икки шохли найза – муал.) ҳам шамширлар униб чиққанда ҳам бирор кишидан ҳадиг-у қўрқинчим йўқ», деган жавобни берди. Бу Абу Саъид Мирзонинг шавкатдан чақнаган кўзларидаги учқунларни сўндириб, ёруғ оламни қоронfilaشتариб қўйди.

Бунинг устига, Журзавон тоғларидан қочқин Султон Иброҳим Мирзо атрофида яна лашкар йифила бошлагани, Шоҳ Маҳмуд Мирzonинг ҳам ройи Ҳиротга қаратилгани, икки шаҳзоданинг фикри бир жойдан чиқиши эҳтимоли ҳақида дараклар олина бошланди. Шу кунларда Ҳиротдан чиқолмай, азалий ўрдусида мунгга ботиб ўтирган Гавҳаршод Бегим хаёли паришон, нечун уни набиралари бирга олиб кетмаганидан койиниб ўтиради. Абу Саъид Мирzonинг Ҳиротни забт этганига икки кун бўлаётган эди. Учинчи кун деганда у Боги шаҳрдаги қўнағасидан Гавҳаршод Бегим боргоҳига кириб келди. Кексайиб қолган, аммо қадди тик, кўзлари равшан собиқ малика янги ҳукмдорни ўрнидан туриб иззатлади. Абу Саъид Мирзо ҳам унга илтифотли муомала қилди, кўп совфа-ашёлар, тортиқлар топшириди, кўнглини кўтарди, ҳожат ва заруратларини сўради. Бегимнинг хонасидан ҳашамат ва файз кетган, бор ашёлар эски тортган, устидаги лиbosлари, бошидаги рўмоллари оҳорлик эмасди. Абу Саъид Мирзо имоси билан сандиқ тўла хил-хил матолар, қаболар, деболар, рўмоллар муҳайё этилди. Гавҳаршод Бегимнинг чиройи очилди, рангига қизиллик югорди. Самимиyimi, юзакими, билиб бўлмайдиган оҳангда Абу Саъид Мирзони олқади. Мирзо ҳам Маҳди улё ва марҳум Шоҳруҳ Мирзо шаънига мақтовлар айтиб, хайрлашди. Ташириф ўринли ва хайрли бўлган, Мирzonинг обрўсини оширибгина қолмай, Гавҳаршод Бегимнинг мавқеини ҳам мустаҳкамлаган эди. Бу кейинги имконият кимларгадир ёқмади. Маҳди улёга қарши жамият пайдо бўлган, унинг укалари, жиянларини бўғизлатган, дегандик. Маликанинг яна муҳтарам тутилиши, аниқроқ айтганда, кучайиши, фикримча, шу жамиятта ёқмади. Абу Саъид Мирзо Ҳиротга қадам

қўйганида, муаррих айтганича, «сайийдлар, қозилар, маволий (бойлар – муал.) кутиб олиш расми бўйича шошилдилар ва ниёз-у нисор ҳам ҳадя ва пешкаш тортиш шартларини адо этишга киришиб, саъй-ҳаракат кўрсатдилар». Улар орасида Гавҳаршод Бегимга, унинг яна жонланишига, бир иложини қилиб, тахтга Алоуддавла Мирзо ўғлини сипориш қилишига гумон қилувчилар йўқ эмасди.

Султон Иброҳим Мирзонинг кейинги ҳаракатлари Гавҳаршод Бегим тақдирини остин-устун қилишда, шу тариқа, бир баҳона бўлди. Тахт мақоми учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Ёши 78 га бориб, кейинги йилларда тож-у тахт бобида орзу-армондан ортиғига ҳадди етмай қолган, сандиқ-сандиқ олтин-кумуш жавоҳирлардан жудо бўлган собиқ малика, жуда нари борса Султон Иброҳимга ён босишда насиҳат-у йўл кўрсатишга ярап, моддий жиҳатдан эса, имкондан холи эди. Абу Саъид атрофини ўраган «бир гуруҳ фасодчи кишилар» Гавҳаршод Бегимдан узил-кесил қутулиш қасдини бошлидилар. Фасод мазмун ва моҳияти, муаррих қавлича, шундай: «Мирзо Султон Иброҳим томонидан Маҳди улё Гавҳаршод Оғо ҳузурига доимо хабарчилар келиб турадилар, лашкар аҳволи ва бошқа ахборотларни аниқлаб, Султон Иброҳимга етказадилар, ногоҳ бирор воқеа юз бериб, унинг тадоригини кўриш имкони ҳеч бир яратилган банда қўлидан келмай қолиши мумкин. Яхшиси шулки, у Маҳди улёнинг хоинлик ва макр-ҳийласидан хотиржам бўлиб олиш керак ва бу ишни кечиктириш ҳам галга солиш ярамайди». Абу Саъид Мирзо қулогига қўйилган бу гаплар оқибати вазмин мулоҳазага ўрин қолдирмай, енгилтаклик ҳукмига тамал вазифасини ўтади. Кечагина Гавҳаршод Бегим ундаши билан Боги шаҳрдан Боги Зогонга жойлашиб, Шоҳруҳ Мирзонинг масканида савлат тўккан Абу Саъид Мирзо бор ҳайбатини кекса, ожиза маликага қаратди.

Гавҳаршод Бегим давлат сирларини ошкор этишда – хоинликда айбланиб, Абу Саъид Мирзо томонидан саккиз юз олтмиш биринчи йил рамазон ойининг тўққизинчи куни (31 июль 1457) ўлимга ҳукм қилинди. Ҳукм Абу Саъид Мирzonинг Ҳиротда бўлишининг ўн учинчи куни ижро қилинди – 78 ёшли малика танаси бешта парчаланиб, боши, қўл-оёқлари ойболтада чопилди. Маҳди улёнинг яшаган уйи ва мол-ашёси форат қилинди, муаррих тасдиқ этганидек, эллик йил муддатда нимаики жамлаган бўлса, замона қаҳрининг изфирини талафот шамолида тўзғатиб юборди.

Абу Саъид Мирзо бу тубанликка қандай жазм қилган, сабабини шарҳлаш қийин. Ҳўп, кекса малика Абу Саъид Мирзога Шоҳруҳ Мирзо тахтини раво кўрмаслик ҳаракатида экан, бу йўлда Иброҳим Мирзога бор ёрдамини берган ҳам дейлик. Гавҳаршод Бегим айгоқчилари Самарқанд лашкарининг ҳолатидан дараклар олиб турган. Лекин Ҳиротда ўрнашган голиб қўшин муҳофазага қодир, хўш, унда

хавф нимада эди? Абу Саъид, унинг амирлари, сипоҳийлари Ҳиротда мақбул кўрилмаган, бас, шундай экан, уч-тўрт саййид-у қозилар, аъёнлар назр-ниёз билан кутиб олгани Шоҳруҳ Мирзодан, Гавҳаршод Бегимдан ёмонлик кўрмаган, тинчлиг-у шукроналикда яшаб келган раиятнинг муносабатини ифодалайди, дегани эмас. Ҳиротда босқинчиларга қарши кўтарилиш бошланганки, Султон Иброҳим Мирзо бу курашни бошлаш хавфи кун сари аниқ бўла бошлаган. Бу қаршиликнинг олдини олиш учун, Гавҳаршод Бегим ва унинг авлодига – Тархонларга ҳасади бўлган жамият пешволари қистовида шу қабиҳ, инсонийликдан йироқ, шоҳлик ваколатидан тубан, эрлик фурурини топтовчи қарорга келинган.

Гавҳаршод Бегим улуғ малика бўлиб, эл-у улусда катта обрўси, иззати бор эди. Сунннийлар ҳам, шиийлар ҳам Маҳди улёни ҳурмат қиласардилар. У оқила, нуроний малика эди. Моли дунёсини йиллар давомида улуғвор хайрия бинолари қуришга, юртнинг обод бўлишига, элнинг эътиқодини юксалтиришга сарфлаб келди. Машҳади муқаддасда масжиди жомеъ бунёд қилдирди, Ҳиротнинг шимолий қутбини Байтулмагфират (зиёрат ва масжид) мажмуасини қурдирди. Масжид-у мадрасаларига кўп мулкларни воқиф қилди. Гавҳаршод Бегим мадрасаси кейинчалик Шоҳруҳ Мирзо уруғ-аймоғининг абадият қароргоҳи бўлиб қолди.

\* \* \*

Ҳиротни забт этиб, Маҳди улё Гавҳаршод Бегимни қатлга етказган Абу Саъид Мирзо исноддан бош кўтаролмай қолди. Шаҳар аҳди, фуқаролар онасидан айрилгандек, аза очдилар, фам-у мотамга во-баста бўлдилар. Жаҳонда ўтган шоҳлар орасида аёл зотини хўрлаган, заҳарлатган, осган, ўлдиргандари оз эмас бўлса-да, мусулмон подшоҳлари бундай номақбул, ғайриинсоний пасткашликка камдан-кам мурожаат қилганлар. Абу Саъид Мирзо ёшлигида Шоҳруҳ Мирзо саройидан мурувват кўрмагани, бобоси Мироншоҳ Мирзонинг туркманлар қўлида ўлим топиши сабабларини шу амакисига боғлагани, отаси Султон Муҳаммад Мирзонинг Хурросон мулкига сифдирилмагани каби гина-ўчлар билан ўзига тасалли ахтарса-да, кўнгли сира ёришмасди.

Абу Саъид Мирзо Ҳиротда ўттиз-ўттиз беш кун ўйлар алолосида яшаб, шаҳарда ортиқ туролмаслигини тан олди. Балхда ва Моваро-уннаҳрда нотинчилклар юз берадётганлигини рўкач қилиб, отланишга қарор қилди.

Бу вақтда Боҳарз ва Хавоғ вилоятларида яшаб турган Султон Иброҳим Мирзога Самарқанд ҳукмдорининг қайтгани хабари берилади. Фурсатни қўлдан бермай Ҳиротга этиб келган Султон Иброҳим Мирзо, муаррих гувоҳдик берганидек, Абу Саъид Мирзога ялтоқлик

қилган, «иттифоқ тузишиб, кишиларни зиён ва заҳматга қолдирган бир гурух бадфурсатларнинг ҳаммасига сиёсат кўрсатди». Султон Иброҳим Мирзонинг Ҳиротга қадам қўйгач, биринчи қилган иши, Гавҳаршод Бегимга қарши жамиятнинг – иттифоқнинг аъзоларини, бувиси қатлига сабаб бўлганларнинг дорга тортилишини амалга оширишда бўлади.

Шаввол ойининг охирларида (1457 йил кузи) Қурбон ийди оламга ташриф буюрди. Султон Иброҳим Мирзо шу кунларда Гавҳаршод Бегим руҳини шод этмоқ учун Ҳирот элига ош берди, камбағал, ночорларга садақа улашди.

Шаҳзодаларнинг бурнидан нарини кўра олмаслиги, худбинлик вас-васаси, тор дунёқарashi, ўзимбўлайчилик қутқуси жипсликни тилка-лаб, ҳар имкон бўлди дегунча, бир-бирининг ёқасига ёпишишга, бўғ-зига пичноқ қадашига ундовчи касофатлар йифмаси эди. Бу салбий феъл-атвор, сиёсий макр улар қонига шунчалар сингиган эдики, ҳар босган қадамларидан қон ҳиди, фирромлик бадбўйи анқиб турарди. Абу Саъид Мирзо Ҳиротдан жўнаб кетгач, Султон Иброҳим Мирзо яна Шоҳ Маҳмуд Мирзонинг изидан тушади, у ҳам бор чорасини кўради.

Яхшиямки, шаҳзодалар теграсида Шоҳруҳ Мирзо салтанатини кўриб қолган, эл-улус тақдирини ўйладиган, Мирзолар тинч бўлса, раият хотиржам яшайди, деб фикрлайдиган кишилар ҳам бор эди. Иброҳим Мирзога улар Абу Саъид билан ўчакишиб бўлмайди, куч-қудрат унинг томонида, бас, у билан хайрли алоқа боғламоқ кони фойда, деган маслаҳатни бердилар. Шу вақтга қадар тахтни фақат қон тўкиш, шамшир тўлғаш билан эгаллаш ва идора қилиш мумкин, деган ақидада бўлган шаҳзода кейинги тажрибаларда билдики, қиличдан ўткирроқ, найздан қувватлироқ яна бир омил ҳам бор эканки, бунга ружу қилмай, кўп шикастликлар кўрди, қанча сипоҳларидан айрилди. Боши совутга тегиб, пешонаси мағлубиятлар аламидан тиришган Султон Иброҳим Мирзога, шу жиҳатдан, маслаҳат маъқул кўринди. Шайхулислом Шайх Нуриддин Муҳаммад, Хожа Шамсуддин Муҳаммад ал-Кусуйилар Абу Саъид Мирзо даргоҳига, у ҳали Балх вилоятида эканлигида, унинг ҳузурига элчи бўлиб бордилар.

Ҳиротдан голиб-мулзам бўлиб қайтган Абу Саъид Мирзо Султон Иброҳим Мирзо элчиларини, бир томони айбини заррача бўлса-да, ювишни хаёлдан кечириб, яхши қаршилади, иззат-ҳурматни жойига кўйди. Бундан анча далда олган машойихлар тинчлик, амният, биродарлик ҳақидаги фалсафаларидан кейин «Султон Иброҳим Мирзо карима-ю муҳтарамангизга уйланиш орзусида», деб ийманиброқ бўлса-да, асосий мақсадга кўчдилар.

Абу Саъид Мирзо элчиларнинг ҳайиқиброқ айтган бу таклифига розилигини бошини хиёл қимирлатиб, маълум қилган бўлди. Сўнг

ҳеч бир хижолатсиз, «менда ҳам унинг ҳамширасини никоҳимга киритсам, деган хоҳиш бор, токи сув билан шароб орасидаги самимилик каби тўла яқинлик пайдо бўлсин, салтанат тутунлари интизомга кириб, мамлакат асоси мустаҳкам бўлсин. У қайси бир вилоят ва мамлакатни истаса, унга топшираман, фақат, дилфириб Ҳиротдан бошқа», деди.

Ҳирот, Ҳирот... У шаҳзодаларнинг ҳам, Мовароуннаҳр ҳукмдори Абу Саъиднинг ҳам дилига метиндек маҳкам ўрнашган шаҳри азим эди. Бонги Зоғондаги муҳташам таҳт учун жон нисор қилишдан ҳеч бири қайта олмас, у билан Шоҳрухона шон-у шавкатни, бардавомликини, шаҳаншоҳликни уйғун тасаввур қиласадилар. Бошқа вилоятлар, мулклар ҳам чакки эмасди. Лекин тарихни варакласангиз, бирор шаҳзода, бирор мулкгир йўққи, доимо Ҳиротни кўзлаган бўлмаса, имкон бўлди дегунча, унинг кўйида чопқун ясамаган бўлса?! Абу Саъид Мирзо ҳам қизини беришга, Султон Иброҳимнинг синглиси, Алоуддавла Мирзонинг қизини олишга рози-ю, Ҳиротни қўлдан чиқаришга тамомила қарши эди.

\* \* \*

Алоуддавла Мирзо Даشتி Қипчоққа кетиб, ўзбеклар подшоҳи Абулхайрхондан кутган ёрдамини ололмагач, ортга қайтишга ҳам чорасиз аҳволда эди. У, неча йиллар, шу юртнинг Ибир ва Сибир деган худудларида мусофириона ҳаёт кечирди. Туғилиб ўсгани Ҳирот томон юзланганда ўғли Султон Иброҳим Мирzonинг омади юришиб-юришмай турган вақтлар эди. Отасининг олис сафардан қайтганини эшигган шаҳзода унинг истиқболига шошилмади, пешкашлар юборди-ю, кўришишни пайсалга солди. Муаррих шу ҳақда мушоҳада қиласа экан, рўй-рост «салтанат масаласида малик насласиздир: унда оталик ҳам йўқ, болалик ҳам, деган мақол ҳукми бўйича отанинг келганлиги ўғилга оғир туюлди. Мирзо Алоуддавла яқинлашиб, масофа озайгач, Мирзо Султон Иброҳим истиқболга чиқиши расми бўйича шошилинч йўлга тушди ва Синжоб суви ёқасида у икки дарёсининг қўшилишидан мажма ул-баҳрайн зоҳир бўлди. Хотири андуҳга тўлган, жони озурда-ю ҳазин, кўзлари гамнок ва сийнаси жон талвасасида бўлган Мирзо Алоуддавла хушдил ва шодмон бўлди. Улар бир-бирини бағрига босиб, кечган воқеалар шарҳи ва нодир ҳодисалар баёнини бир-бирига сўзладилар», дейди. Отанинг интизорлик билан кутган учрашуви, хоҳлаймизми-йўқми, ўғил тарафидан номига, носамимий бўлганлигини тан олишимизга тўғри келади. Ота Ҳиротга, Султон Иброҳим Мирзо эса Малик мавзесига кетади.

Алоуддавла Мирзо 1457 йилнинг 22 апрелида Ҳиротга оҳиста, бирор билиб, бирор билмайдиган тарзда кириб келди. Уни таҳт талабгори сифатида тарбиялаган, икки йилга қадар бобоси ўрин-

диғида савлат түккан, саккиз йил дарбадарликни бошдан ўтказған Алоуддавла Мирзо от жиловини шаҳарнинг шимолий қутбига, Бофи Зоғондан унчалик узоқ бўлмаган бувиси мадрасаси томонга бурди. Гавҳаршод Бегим мадрасаси улуғворлик билан, виқор солиб турарди. Унинг баҳор ёмғирларида тозарган кунгиралари нур таратиб, кўзни қамаштиради. Ёшлигида у бувисини мадрасаса қурилишига кўп бора олиб келган, унинг қад кўтараётган пештоқига маҳлиё бўлиб тикилгани-тикилган эди. Ҳозир эса, маҳобатли мадрасага қарашга журъати ва рағбати йўқ, тезроқ бувиси Гавҳаршод Бегимнинг қабрини зиёрат қилиш ҳисси устун эди. Дўмпайиб турган қабр олдида чўк тушди-да, Қуръони Каримдан Таборак сурасини тиловат қила бошлади. Дуойи фотиҳа қилиб, юзига қўлларини тортгач, марқадни қучиб, йиглади.

Ҳиротда Алоуддавла Мирзони илиқ кутганлардан бири Аҳмад ясновул бўлди. Бироқ шаҳзодага мол-у маблағ сув ва ҳаводай зарур бўлганидан, овуштаси бор тожирларни сўраб-суриштирди. Ундан фойда эвазига маблағ олганлар бесаранжом бўлиб, пулларни эрта-индин қайтарамиз, деб ваъда бердилар. Ваъдалар эса, ваъдалигича қолиб, Алоуддавла Мирзо улар йўлига кўз тикиб, икки ойга яқин кутиш билан кун ўтказди. Бу орада Ҳиротга Қаро Юсуф туркманнинг тўнгич ўғли Мирзо Жаҳоншоҳ талаб солиб келаётгани маълум бўлди. Ўғли Султон Иброҳим Мирзо чопар юбориб, отасининг Ҳиротдан тезда чиқиб кетишини тайин қилди. Пойтахтга армон ва умидлар билан келган Алоуддавла Мирзо, бу ерда ҳеч бир ишини битира олмай, 1457 йил 14 июнда яна қочқинлик либосини устига тортди.

Султон Иброҳим Мирзо Фур вилояти, унинг Фури Боло деган мавзесида қўналга қилиб турганди. Отасини ҳам Фур тарафга келишга ишорат қилди. Алоуддавла Мирзо шитоб қилиб, Фур вилоятига етди ва Фури Поинга – адоқ қисмига жойлашди. Атрофида саноқли одамлари, уларни ушлаб туриш учун ҳам нақдина жуда зарур эди. Эҳтиёж ва ночорлик отани ўғил захирасига кўз ола қилишга мажбур этди – Султон Иброҳим Мирзонинг бир қисм мол-ашёсини қўриқлаб турган Қора Баҳодир устига юриш қилиб, бор-будини тортиб олди. Қора Баҳодир Алоуддавла чангалидан зўрга қутулиб, Султон Иброҳим Мирзога отасидан шикоят қилиб борди. Ўғли отасидан ўпка-гина қилиб, қилмиш сабабини сўради. Алоуддавла Мирзо, «Қора Баҳодир аслида менинг хизматкорим, унинг менга бераси захирам бор эди, шуни олдим, холос», деб такаббурлик билан, истар-истамас жавоб қайтарди. Султон Иброҳим Мирзонинг ҳали тахтдан умиди узилмаган, захира мол-дунёдан шу йўлда фойдаланмоқчи, бутун ишончи шу бойлиқда эди. Ота уни бир ҳамлада ўзиники қилиб олди. Бу воқеа ўғилга жуда қаттиқ ботди, аламини қилич билан олишга шайланди. Ота-ўғил, шу тариқа душманга айланди. Ота ҳам бор сипоҳийларини жангга ҳо-

зирлади, Мовароуннахрда содир бўлган, Улуғбек Мирзо билан ўғли Абдуллатиф ўртасида юз берган тўқнашув Хурсондана, Фур вилояти дала-даштида ҳам такрорланадиган даражага етди. Икки лашкарнинг тўқнашувига, қон тўқишиларига бир манзил – олти-етти чақиримлик йўл қолганда Гавҳаршод Бегимнинг жиянлари – Тархонлар Султон Иброҳим Мирзодан унинг отасини авло қилиб, Алоуддавла Мирзо тарафга оғиб кетдилар. Бор кучининг салмоғи ундан юз ўтиргач, Султон Иброҳим Мирзонинг ота олдига юкуниб боришдан ўзга иложи қолмади. Бормаганда ҳам, уни, барибир, тутиб келишарди. Отадан мурувват кутган шаҳзода энди бойлигидангина эмас, озодлигидан ҳам мосуво бўлди – уни кишанлаб, ҳибсга солдилар.

Бу воқеалар юз берганда Самарқандга, Абу Саъид Мирзо ҳузурига элчилик расми билан кетган (уни Султон Иброҳим Мирзо ўртадаги келишувларни тезлатиш учун жўнатган эди) амир Абдулла хожа Тархон қайтиб келса, аҳвол кутганидан минг чандон ёмон, шаҳзода ҳибсга олинган, бор умидлари пучга чиқаёзиб қолганди. Шунда у, амакилари бўлган Тархонларни гапга олиб, шаҳзоданинг мавқеи баланд эканлигини, уни қудратли ҳукмдор Абу Саъид Мирзо куёв қилгани ва қўллаб-қувватлашини айтиб, шаҳзодани тунда қамоқдан бўшатиб, Соҳарон ва Тулак манзиллари сари олиб кетдилар.

Ўғли билан ғанимлашган Алоуддавла Мирzonинг воқеати Мирзо Жаҳоншоҳ туркманнинг қулоғига етиб, Алоуддавла Мирзони ўз томонига оғдириб, унинг ҳомийси бўлажагини билдириди. 1458 йилнинг 20 октябри, қурбон ийди арафаси куни Алоуддавла Мирзо ўрдуга бир фарсаҳ қолдириб, Ҳиротга, Мирзо Жаҳоншоҳ даъвати билан етиб келиб, отдан тушди. Туркман қавмининг шоҳи Мирзо Жаҳоншоҳ Алоуддавланинг ҳурматини жойига қўйди. Бундан хабар топган Тархонлар тарози палласи Алоуддавла Мирзо сарига оққанидан, шаҳзодадан юз ўтириб, Жаҳоншоҳ турган даргоҳга тиз букиб келдилар. Воқеалар ҳам тезкечар ва ранг-баранг, кишиларнинг товланиши ҳам антиқа эди.

Шоҳруҳ Мирzonинг пойтахт шаҳри Ҳирот XV асрнинг 50-йилларига келиб, чангги ўрлаган чорраҳага айланиб қолганди. Олти ойга етмай тахт талабгорлари алмашинарди. Салтанатнинг хайр-барамаси пойтахтнинг тинчлигида, ривож-у такомил эл осойишида эди. Тахтбозлик, сипоҳи тутишлик тож даъвогарининг хоҳишистаги билан битмасди. Бунинг учун жуда катта харажат зарурияти бор эди. Ҳирот ва унинг булукларидан бир йилда уч маротаба солиқ йиғиб олишлар элнинг тинкасини қуритган эди. Шоҳ Маҳмуд Мирзо муставфийлари олиқ-солиқларни ундириб олар-олмас ҳокимиятни бир муддат ишғол қилган Султон Иброҳим Мирзо одамлари раиятни қийин-қистоқча солиб, оғзидағи нонини ҳам тортиб олгандилар. Абу Саъид Мирzonинг босқини эса, маҳобати ва даҳшати билан одам-

лардаги танга ва дон-дунни мажбуран йифишга йўл очганди. Жанг-у жадаллар ўчоfigа айланиб қолган Ҳирот ўн йил муқаддам гуллаб-яшинаган, туркий ва форсий маданият юксалган қадамжо эканлигига ишониш қийин эди. Туркман подшоҳи Мирзо Жаҳоншоҳ ҳам Ҳиротга хуруж қилганида катта насибани кўзда тутганди. Лекин Темурийзодалар осонликча Ҳиротни, умуман, Хурросон мамлакатини туркманларга бериб қўймоқчи эмасди. Хусусан, Абу Саъид Мирзо бунга қатъий қарор қилган эди.

Муаррих шуни ҳисобга олиб, бу ҳақда «Мирзо Жаҳоншоҳ мушкул орзуларни димогидан чиқариб, замона ишвасининг фуур қозонида пишираётгани хом савдони миясидан улоқтириди ҳамда Хурросон мамлакатига бундан ортиқ таъма қилиш оғизда сув чайнаш-у, қизитилмаган темирни болға билан уришга баробар эканлигини тушунди», деган таъкидни келтиради. Абу Саъид Мирзонинг қатъияти билан «Мирзо Жаҳоншоҳ, қайтиб кетиб, бу вилоятларга даҳл қилмайдиган» бўлади. Хурросон юртлари Абу Саъид Мирзо ихтиёрига ўтганлиги тўлиқ тан олинади. Бу воқеа 1458 йилнинг 8 декабри куни воқеъ бўлган эди.

Ҳирот туркманлар асоратига тушиб, оғир аҳволда қолганда Темурийлар шаънини тиклаган Абу Саъид Мирзо бўлган эди. Келинг, шу ўринда Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳикоясини тинглаб боқайлик:

«Туркман сипоҳи Хурросон мамлакатидан чиқиб кетганидан кейин – деб ёзади у «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида, – у ҳазрат (Абу Саъид Мирзо – муал.) доруссалтана Ҳиротни салтанат тахтига пойтахт қилиб, қишлоғ юрти учун шу шаҳарни танлади. Мовароуннаҳрдан келган сипоҳижозат олиб қайтиб кетди ва у ҳазрат ўзининг байроби соясида бир-икки минг номдор суворийларнигина қолдирди».

Мирзо Жаҳоншоҳ келганда ҳар тарафга пусиб, тумтарақай бўлиб кетган шаҳзодалар яна жонланиб қолди. Абу Саъид Мирзонинг асосий қўшинга Мовароуннаҳрга қайтишига рухсат бериб, ёнида икки минглик сипоҳийларни олиб қолгани хабари Султон Санжар, Алодуддавла ва Султон Иброҳим Мирзоларга отларни эгаллашга туртки беради. Шаҳзодалар, ораларида гўё ҳеч нарса бўлмагандай, опоқ-чапоқлик билан гапни бир жойга қўйиб, кам сонли қўшинга – Абу Саъид Мирзога қарши уруш бошлишга аҳдлашдилар. Сарахс шаҳри ёнида улар бир-бирига қўшилдилар. Жанг муқаррар бўлди.

1459 йилнинг 21 марта сипоҳилари оз бўлишига қарамай, Абу Саъид Мирзо кураш майдонига отланди. Омадни қаранг! Омаднинг бор ёки йўқлигини баҳс қилмайликда, шу орада содир бўлган, куттилмаган бир далилни мушоҳада этайлик. Муаррих, «шу орада баҳтили бир тасодиф билан Мовароуннаҳр томондан катта бир лашкар ва беҳисоб бир сипоҳ амир Султон Аҳмад Темуртош ва амир Сайд Мазид каби улуғ амирлар бошчилигига келиб зафар паноҳидаги си-

поҳга (Абу Саъид Мирзога – муал.) қўшилди», деб хабар беради. Қаранг-а, толеъ мўъжизаси, деб шуни айтадилар-да!

Икки ўртада бемисл кураш кетади. Мовароуннаҳр лашкари ҳам катта талафот кўради, ўлим найзалирига чидай олмаган бир қисм сипоҳийлар Самарқандга қараб қочишдан ҳам тоймайдилар. Бу жанг Абу Саъид Мирзонинг Ҳиротни тобеъ этиш йўлидаги энг оғир ҳарб-у зарби бўлган эди. Унинг мағлубият аламини тортгани ҳам, бир сира, шу жангда овоза қилинди. Ботирлари жон-у жаҳди билан қиличлашдилар, аста-секин ғалаба ногораси Абу Саъид Мирзо томонда янграй бошлади. Султон Санжар, Алоуддавла ва Султон Иброҳим Мирзолар қонлар оқишидан балчиқ бўлиб қолган, отлар ва суворийлар терларидан ҳовурлар кўтарилаётган сўғиши майдонидан жонларини қутқариб чиқиб, қочиши қамчисини босдилар. Тулпори ҳориган Султон Санжар ҳали узоқлашмасдан тирандоз Сайид Мурод унга камонни ўқталди. Бикинидан ўқ тешиб ўтган Султон Санжар Мирзо отдан ағанаб тушди. Уни тутиб, дарҳол Абу Саъид Мирзо олдига келтирдилар. Мирзо шу қадар разабда эдики, исми шарифинг ким, деб сўрашни ҳам лойик кўрмай, уни дарҳол қатлага буюрди.

Султон Санжар Мирзо жумад ул-аввал ойининг ўрталарида (1459 йил 19 апрель) ҳарбий асир сифатида қатл қилинди. Унинг бошини кесиб, Ҳиротга келтирдилар. Алоуддавла ва Султон Иброҳим Мирзолар эса, шу қочишиларича Сабзавор вилоятининг Мазийнон мавзесига етгунларича, отларининг жиловини тортмадилар. Ота-ўғилдан қолган-қутган амир-у сипоҳийлар юз ўгирган эдилар.

Шармисорона мағлубиятдан кейин ота-ўғил Домғон чегарасигача бирга бордилар. Яна тафриқа, яна тарафдор тўплаш... тахт вассасини бошдан кечирган бирор талабгор, афсуски, бу ҳақда эсадалик ёзмаган. Биз фақат воқеалар силсиласидаги тугунларни, шунда ҳам тарихий асарларда бирор муносабат билан юзаки тарзда тилга олиб кетилган далилларни, воқеаларни шарҳлашга интиламиз, ундан нарига силжий олмаймиз. Чунки тарихни тўқиб ёки қўшиб-чатиб ясад бўлмайди. Султон Иброҳим Мирзо шунча омадсизликлардан кейин ҳам қуролни ташламаган, Абу Саъид Мирзо ваъда қилган вилоятни олиб, уни тинчгина идора қилишни хаёлига ҳам келтирмаган. Султон Иброҳим Мирзо отасидан йўли айри тушиб, Машҳадда ўрнашганида, «унинг хузурига кўп лашкар ва беҳисоб тўдалар жам бўлдилар ва фитна-ю фасод қоидаси ҳам жабр-у бедодик асосини бунёд қилдилар».

Қизиқ, эгасиз қолган лашкарлар, сарвари йўқ беҳисоб тўдалар... Булар кимлар эди?! Уруш-жанжал излаб, шунга талаб солиб юрган кишиларга эҳтиёж бормиди? Ёки улар, бирон-бир шаҳзодани номига йўлбошчи қилиб олиб, талон-торожга зўр берадиган, тинч аҳолини талайдиган ёинки камкучроқ тахт илинжида юрганлар қўшини

билин жанг қилишни касб қилиб олган, шунинг орқасидан бойишга, рўзгор тебратишга мослашган ҳарбий оломон эдими? Юртни, ватани ҳимоя қилишга отланишни, жон фидо қилишни муқаддас биламиз. Шаҳзодаларнинг этагига юз суртиб, ўз хизматларини таклиф қилиб борганларни-чи? Улар эл-улусиними, бир шахснами ҳимоя қиладилар, жон берадилар, керак бўлса, жанг майдонини ташлаб қочадилар. Уларнинг кўпини манфаат кураш майдонига олиб келган. Муқим ва тайин иши бўлмаган, аксарияти камбағал бўлган сипоҳийларнинг жонларини гаровга тикишларини тушуниш қийин.

Султон Иброҳим Мирзо теграсида саёқ лашкарлар тўда бўла бошлигач, яна таҳтнинг муаттар бўйи димогига урилгандай бўлди. Тарихи айтганидек, «ўша вақтларда Хурросон мамлакатида уруш хаёли-ю саркашлик ва мустақиллик даъвоси билан фармонраволик суратини андиша лавҳасига чизаётган киши б и р г и н а Султон Иброҳим эди». Таҳт йўлида бу тиниб-тинчимас, қамоқдарни бошдан ўтказган, ҳатто, отаси билан ёвлашган, зарурият бўлганда эса, яна бирлашиб, уни ҳам курашга жалб қилган шаҳзодани ўлим тўхтата олган эди, холос. Абу Саъид Мирзо билан бўлган сўнгги муҳорабадан уч ой ўтар-ўтмас, у хасталикка чалинди. Шаҳзода Султон Иброҳим Мирзо 19 ёшида, 1459 йилнинг 16 июлида бедаво дардан дунёни тарқ этди. Вафотидан йигирма кун ўтиб, уни Ҳиротда, Гавҳаршод Бегим мадрасасига, бобоси Бойсунғур Мирзо қабри ўрнашган гумбаз остига дағн қилдилар.

Орадан тағин уч ой кечиб, Шоҳ Маҳмуд Мирзо ҳам ўққа учиб, 13 ёшида ҳалок бўлди. Таҳтталаб бўлган икки шаҳзоданинг тақдири шундай хотима топди. Шоҳ Маҳмуд Мирзо 1459 йилнинг 13 октябррида ўқ заҳмидан кўз юмган эди. 1459 йил, унинг кетидан келаётган 1460 йил ҳам Гавҳаршод Бегим тарбиялаган, меҳрини берган шаҳзодаларга тирикликтининг интиҳоси бўлиб, тарих саҳифаларига рақам этилган эди. Қисматнинг қоралиги Алоуддавла Мирзони ҳам қақшпатган эди. Бир ярим йилдан сал ошиқроқ подшоҳликка у кейинги умрини тикди ва ютқизиқдан нарига ўтолмади.

Унинг тақдирига ачинмай бўлмайди. Шу боисдан бўлса керак, муаррих ҳам, «бир қанча вақтлардан бери кимсасиз-у мол-дунёсиз жаҳонда саргардон, бирор мақомда қарор-у ором тополмай юрган собиқ подшоҳ Рукнуддин Мирзо Алоуддавла шу йили бу фурур саройидан суур мавъосига кўчди. Сафар ойининг йигирма биринчи сида (6 декабрь 1460) жума кечаси унинг мурдасини Рустамдор тарафдан келтириб, Маҳди улё Гавҳаршод Оғо мадрасасига, Мирзо Бойсунғур ва Маҳди улёнинг қабрлари ўрнашган гумбаз остига дағн этилди», деб ёзган эди.

Ҳаётлигига, айниқса, тож талashi авж олган йилларда бир-бира га жуда яқин, ота-бала, амаки бўлган бу шаҳзодалар бир дастурхон-

дан бирга ўтириб таом ейишга ор қилгандилар, бир-бирини кўрарга кўзи йўқ, ошкора рақиблар, тахт, давлат, дунё душманга айлантирган ёйилар эди. Кетма-кет икки йил ичидаги уларнинг борган ва етган жойи Гавҳаршод Бегим мадрасасининг бир сиқим тупроғи-ю, икки қулоч ери бўлди. Улар у манзилда тинч, бир-бирига халақит бермай, тупроққа қоришиб ётибдилар...

## ҚАТТОЛ ТОЖ. ЗАҲРОЛУД МАЙ

Шоҳрух Мирзо салтанатининг ривожга юз бурган даврлари ҳижрий 825 (1421–1422 й.) йилларга тўғри келади. Бу вақтда Хурросон ва Мовароуннаҳр мулкларида, Эрон вилоятларида тахт хуружлари деярли барҳам топган, қўшни мамлакатлар, айниқса, Хитой билан алоқалар изга туша бошлаган пайтлар эди. Чин давлатидан элчилар Ҳиротга қадам ранжида қилганлариdek, жавоб мақомида Шоди хожа бошчилигида Темурийлар ҳам ўз муносабатларини аён этишини лозим ҳисоблаганлар. Улар изидан эндиғина йигирма тўрт ўшга кираётган бўлса-да, теран билимли Бойсунғур Мирзо етакчилигида Фиёсуддин наққош ва Султон Аҳмадлар ҳам Хитой сарига жўнатилиди. Дастлаб Хитойга борган элчиларнинг сафари икки йил-у икки ой беш кунни қамрайди. Бойсунғур Мирзо гуруҳи ҳам улар билан бирга қайтади. 825 ҳижрий йилнинг ўн биринчи рамазонида (1422 йил 29 август) элчилар Ҳиротга қадам қўядилар.

Йигирма беш ёшида жаҳонгашта бўлиб, олис юртларда Темурийлар шаънини сарбаланд қилиб қайтган шаҳзодани жуда қувончли бир воқеа кутиб турарди. Шаҳзода Хитой сафаридан қайтганидан бир ой нари-берисида унинг фарзанди аржуманди Абулқосим Бобур Мирзо дунёга келади. Чақалоқ шаҳзоданинг дунёга келиши сарой аҳлини, айниқса, подшоҳ бобоси Шоҳрух Мирзони, отаси Бойсунғур Мирзони қувонтириб юборади. Бойсунғур Мирзо фарзанди шарафига тўй беради, Шоҳрух Мирзо аркони давлати билан тўйни ўтказиб, анжуманни сарафроз этади.

Энди, шу ўринда тарихий асарларда мувофиқ келмайдиган бир сана – Абулқосим Бобур Мирзонинг туғилган куни ҳақидаги мавжуд тафовутни эслатиб ўтиш жоиз. Фасиҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий» асари ҳижрий 845, милодий 1441–1442 йилларда ёзил туталланган. Темурийлар салтанати воқеа-ҳодисаларини санавий жиҳатдан синчиклаб жамлаб ёзган Фасиҳ Ҳавофий Абулқосим Мирзонинг таваллуд кунини ҳижрий 825 йилнинг 10 ражабида, сешанба деб тарихга рақам этади. «Мужмали Фасиҳий»дан 30 йиллар чамаси кейинроқ ёзилган, муаррих Абдураззоқ Самарқандий қаламига мансуб бўлган «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» китобида шаҳзода Абулқосим Бобур Мирзонинг ҳижрий 825 йилнинг 17 ражаб ойида,

милодий ҳисоб билан 1422 йилнинг 7 июлида туғилганлиги қайд этилади. Гарчанд, икки санада бир ҳафталик фарқ бўлса-да, нисбатан тарихийлик жиҳатдан даврга бирқадар яқин масофада битилган «Мужмали Фасиҳий»да келтирилган туғилган кун рақамини инобатга олиш тўғри бўлади. «Мужмал»да тарихий саналар мажмуаси аксими топган бўлиб, у солнома асардир. «Матла» эса тарихий-фалсафий, бадиий руҳи кучли китоб саналади.

Шоҳруҳ Мирзо ўрдусида ёш шаҳзодаларнинг назорати, таълим ва тарбияси бош малика, Маҳди улё Гавҳаршод Бегим тасарруфида эди. Абулқосим Бобур Мирзо ҳам йигирма беш ёшига қадар саройда мартабаси улуғ, норасмий фармонбардор бувисидан бир қадам мустақил қадам босган эмасди. Алоуддавла ва Султон Муҳаммад Мирзолардан кичик бўлган, Бойсунгур Мирзонинг учинчи фарзанди Абулқосим Бобур Мирзо болаликдан ақдлилигини, истеъдодини на-моён қилган, саводи равон, китоб ўқишига, ноёб асарларни жамлашга, ўзи ҳам туркийча, форсийча газаллар битишга иштиёқманд эди. Бу жиҳатдан шаҳзодалар орасида у билан Абдуллатиф Мирзо анчайин пешқадам бўлиб, Абулқосим Бобурнинг тарих ва бадииятда, Абдуллатиф Мирzonинг эса, фалакиёт, риёзат, ҳандаса ва ал-жабр фанларида иқтидори яққол бўртиб турарди. Алоуддавла ва Султон Муҳаммадларнинг илм-фанга ройи йўқ, Гавҳаршод Бегимнинг ко-йишидан ҳадиксираб, наридан-бери ўқишишар, савод ҳам аёзда қолган майсадай мужмал эди. Бу икки шаҳзода от минишни, чавгон ўйнашни барча машғулотлардан аъло кўрардилар. Шоҳруҳ Мирzonинг – боболарининг сафарда, кутилмагандаги вафот этиши бўйи чўзилиб, етилиб қолган шаҳзодаларнинг кейинги қисматида тақдиршумул айирғич бўлиб қолди. Абулқосим Бобур Мирзо 1447 йилда Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршод Бегим билан Абдуллатиф ва Муҳаммад Жаҳонгир ибн Муҳаммад Султоннинг ўғли, Шоҳруҳ Мирzonинг қизидан туғилган Халил Султонлар билан бирга ҳарбий юришга отланган, Пашов қишлоғидаги қўналгада бирга эдилар. Акаси Султон Муҳаммад Мирзо бобоси Шоҳруҳ Мирзога қарши исён кўтарган, бўйисунмаслик йўлига кирган эди. Ўша кунларда Абулқосим Мирzonинг ўзидан тўрт ёш катта бўлган акаси Султон Муҳаммад Мирзога зарра ичи ачитган эмас, мабодо, бобоси қўлига тушиб, асир олингудек бўлса, қатлага етказилиши мумкинлигини муҳокама қилишни ҳам ҳаддига келтирмасди. Итоатсизликнинг, салтанатга қарши чиқишининг темир қонунлари бўлиб, уни бузишда, тож-у тахтга рахна солищда қариндош-уруг деган имтиёз йўқ, ёриими, душманми, албатта, тегишли жазосини олиши муқаррап эди. Ўшанда акасининг омади чопган, Шоҳруҳ Мирзо лашкари хавфидан қочиб, олислаб жон сақлаб турган эди. Мабодо, Аллоҳ таоло раҳм-шафқат қилиб, бобосининг умрини бир оз чўзганда борми, акасининг ҳалокатини каромат қилишга

жожат қолмасди. Ҳа, тақдир ҳукми шундай бўлдики, қочган қутулиди, қувган ажал домига тутилди.

Абулқосим Бобур Мирзонинг ҳам ҳаёти ўзига тенгқур, саройда ўралашиб юрган шаҳзодалар қаторида, Шоҳруҳ Мирзонинг кексайиши, тез-тез касалга чалиниб туриши, дангалини айтганда, ўлимнинг йиллар, ойлар ва кунлар ўтгани сари нишона бера бошлиған пайтларига тўғри келди. Ёши каттароқ Алоуддавла Мирзо кўнглида, «шоҳ бобомга бир нарса бўлса, бошидаги тожи меники», деган фикр қаттиқ ўрнашган, бунга бувиси туфайли, тўла ишончда хушҳол юради. Келинг, яхшиси, XV аср муаррихининг шу ҳақдаги ёзганларини ҳавола этиб ўтай:

«Доруссалтана Ҳиротда бўлган Мирзо Алоуддавла у ердаги жаҳон бойликларин эгаллаб, мен, мендан бошқа ҳеч ким, деган даъвони ўзига ҳамфикр қилиб олган эди. Мирзо Султон Абдуллоҳ Форс мулкида салтанат асосини бунёдга келтириб, адолат ва шафқат эшиклирини жаҳон аҳлига очди. Мирзо Султон Муҳаммад хотирида ўзидан бошқа ҳеч кимга ўрин йўқ эди. Мирзо Абулқосим Бобур ўзини олам салтанатига шаксиз лойиқ деб ҳисоблар ва бу бобда нимагаки қодир бўлса, шунга саъӣ-ҳаракат кўрсатар эди. Мирзо Абдуллатиф бирор кишини ҳам парвойига келтирмас ва ўз фикри лавҳасига мустақиллик хаёлини чизар эди...» Бунда, тахт даъвогарлари сони Улуғбек Мирзо ва марҳум шаҳзода Суюргатмиш Мирзонинг, яна пайт пойлаб, Ҳирот ва Самарқанд пучмоқларида, мамлакат сарҳадларидан йироқда, кимлардандир ёрдам сўраб, тахт мусофиричилиги ва кўйига тушган бўлак шаҳзодалар исми шарифларини зикр этадиган бўлсак, мундарижга ортганидан орта боради.

Темурийлар салтанати ва раиятга оғир жудолик бўлган йўқотиши – Шоҳруҳ Мирзонинг ўлими Абулқосим Бобур Мирзони эсанкиратиб қўймади. Ҳарбий сафар ўрдусида олий ҳокимиёт малика Гавҳаршод Бегим ташаббуси билан унинг ўз қўлига ўтгач, бирга бўлган шаҳзодалар орасидан Улуғбек Мирзонинг ўғли Абдуллатифга лашкар жиловини тутқизади. Бу Ҳиротни идора қилиш учун қолдирилган Алоуддавла Мирзонинг тахтга ўтқизилишини далолат этарди. Сафар ўрдусида бўлган Абулқосим Бобур ва Халил Султон Мирзолар шоҳона ва олий ҳарбий амалнинг бу янглиф тақсимотидан норозилигини ошкора ифодат этиш учун ўз қўл остидагилар билан Xуросон сарига берухсат йўл оладилар. Бу ўзбошимчаликнинг маъноси тезроқ Ҳиротга етиш ва пойтахтни ўз измларига киритишмиди, бир нарса дейиш қийин. Йўқса, Шоҳруҳ Мирзонинг жасадини тезроқ Ҳиротга элтиш қайфуси уларда бўлиши, бунга саъӣ ва ҳаракатлар қилишлари бурчдан эмасмиди?! Аччиқланган шаҳзодалар сипоҳиларига эрк бериб, йўл-йўлакай талаш, босқин ва бўлак номаъқулчилкларга йўл бердилар. Муаррих бу ҳақда, «лашкар бўйсуниш чегарасидан чиқ-

ди, чап-у ўнгдан халойиқ ноласи күтарилди», дейди ачиниш билан. Лашкарнинг эл-улусга човут солиши, бойиб олиши пировард мақсад – Алоуддавла Мирзо билан таҳт учун бўладиган курашларда асқатиши керак, деган хомхаёл вужудни эгаллаб олган эди.

\* \* \*

Журжон ва Мозандарон вилояти қаламравида бўлган Абулқосим Бобур Мирзо теварак-атроф тоғларга, уфққа туташиб кетадиган водийларга от устида сер солиб келарди. Кун сайин баҳор етилиб, ёмғир шаррос қўйиб, очилар, от туёқлари остида гунчалаган, очилган гуллар эзилганича ортда сұлайиб қоларди. Пашовдан чиққанида газабдан тутаган фикрлар энди учқунга, учқунлар эса, гулханга айланна бошлигар, шаҳзода бир қарорга келиб бўлган эди. Хурсонни куч билан олиш тафаккурида пишиб, ижроси муайян тус олган эди.

Гавҳаршод Бегимнинг чопарлари Алоуддавла Мирзони маликанинг йўл-йўриқдари билан қуроллантирган, пойтахтга олиб келувчи йўлларга, Жом мавзесига бир қисм қўшин жойлаштирган, муҳофаза ҳозирлигини кўриб қўйган эди. Дилга тушган бир соя Алоуддавла Мирзога тинчлик бермас, таҳт мұяссар бўлган шу кунларда, ножинс туйғулар кураш майдонига судраб бораётгандек эди. Унинг хаёлидан ўтган, этни жунжиктирадиган ўйлар, баҳтига қарши, алдамаганди.

Абулқосим Бобур Мирзо лашкарида кўтаринки рух ҳукм сурар, мушугини бирор пишт демаганлиги туфайли, от устида фақат анжом-у қурол-аслаҳаларигина эмас, хуржуналарининг икки қўзида, атторнинг қутисидек, йўқ нарса йўқ эди: аёллар рўмollари-ю матолар, буқлаб тикилган тўнлар, қопчиқларида эса, улуфага берилган, ўзлари «ишлаб топган» – тортиб олган танга-чақалар лиқ тўла эди. Айрим отлар эгари устидан тўқима гиламлар ташлаб қўйилганди. Лашкар Жомнинг қорасини ола бошлиди ва гап-сўзларга чек қўйиб, сергак тортдилар. Қўшиндан илфор тариқида юборилган қисм аскарлари тепаликдан испорат бериб, Алоуддавла Мирзо сипоҳийлари шу яқинда, уч адир нарида пойлаб ётганини билдирилар. Айланна кетган баландликда жой қилишиб, отларга дам бериб, жангга шайладилар, зирҳли кийимларни кийдилар, сипар ва қилич, ўқ-ёй, найза, ойболтани ҳозирладилар.

Тонг бўзара бошлиганда кўрка ва кўслар, ногора овозлари оламини тутиб кетди, Абулқосим Бобур Мирзо шахт билан рақиб лашкар устига бостириб бора бошлиди. Ҳирот чериги ҳам жанговар ўронлар айтиб ҳайқиришиб, отларига қамчи босган эдилар. Фарбдан ва шарқдан, дала-даштда кўтарилган қора қуюндинек, икки лашкарнинг фулу тўқнашди. Жийбалар тарақ-туруғи қулоқларни қоматга келтирди, заранг ерлар хамирдай кўпчиб, отлар терлари ҳовури ўрлаб, чанг-тўзони кўкни қоплади. Боронгор ва жувонгор икки тарафдан

қилич сермаб, майдондаги ўтсиз-оловсиз уруш қозонини вақиллатиб қайнатиб юборди. Узилган каллалар, оёғи узангига илашиб, судралиб бораётган гавдалар, күксини камон ўки тешиб ўтганидан, от ёлига ётиб қолган сипоҳийлар тез-тез күзга чалинарди. Отлар эсли жонивор бўлишаркан. Улар ерда чўзилиб ётган ўликларга озор етказмаслик учунми, уларни босиб олмас, қиличлашаётган тўдаларни олдинроққа силжитиб ё тисарилиб қадамлардилар.

Ака-ука шаҳзодаларнинг чериклари икки соатга етар-етмас муҳораба қилдилар. Абулқосим Бобур Мирзо йигитлари Мұхаммад Пирзод деган сипоҳни ўраб олиб, кўпи жон таслим қилиб бўлса-да, унинг отини чўккалатиб, ийқитиб, асирга олдилар. Мұхаммад Пирзод паҳлавон киши эди, айтардиларки, отган найзаси йигирма қадамдан совутни тешиб ўтаркан. Шамшир бир қўлида бўлса, иккинчисида сипар, елкасида садоқ, ёнбошида камон осиглик юаркан. Мұхаммад Пирзод баҳодирнинг қўлга тушиши Алоуддавла Мирзо жангчилари попугини пасайтириб, шаштдан қайтарди. Унинг асирга олинишини шу яқинда кўриб турган, ёрдамга қичаб келаётган тўда, нохосдан отлар жўганини силкиб, орқага бурдилар-да, қочишига тушдилар. Ҳирот лашкаридан омад юз ўғирди. Абулқосим Бобур Мирзо сипоҳийлари эса, қочқинлар ортидан тушиб, Ҳирот чекига қадар чопқун ясадилар, қанча отлар, ашёлар, қурол-яроғлар ўлжа олиб, ғолиблиқ гаштини сурдилар. Мирзолар, шу тариқа, Шоҳруҳ Мирзо тож-у тахти учун муросадан йироқ, бир-бири билан куюнка келган нар шерлардек ғажиш, ўлдиришга қадар боришини эл-у улусга ошкор қилди. Бунда, Алоуддавла Мирзо учун олдинда ҳам, орқада ҳам йўл берк, тобора яқинлаб келаётган икки гулхан орасида куйиб, кул бўлиши муқаррардек эди.

Ўғли Абдуллатиф Мирзо номаси билан Ҳирот сари юриш бошлаган Улуғбек Мирзо Балх остонасига йўл олиб, етай деб қолган, бу томонда эса, укаси Абулқосим ҳолини танг қилиб қўйганди. Ана шундай нокулай вазиятда икки тарафлама сулҳ жонига оро кирди. Дастлаб Улуғбек Мирзо кўнгли топилди – унинг ҳибсга олинган фарзанди Абдуллатиф қамоқдан бўшатилди. Улуғбек Мирзо билан дахлсизлика ноил бўлингач, укаси Абулқосим билан ҳам тил топишга уриниб кўрди. Бу «тил топиш» асосида қурол кучи турарди. Укасини тезроқ дафъ этишга шошилган Алоуддавла Мирзога насиҳатлар кор қилди. У, амирларнинг инкор қилиб бўлмас бир важига рози бўлмай, иложсиз эди. Насиҳат маъноси тагида Улуғбек Мирзонинг тажовуз қилиши билан боғлиқ бўлиб, шаҳзодалар қанчалик талашмасин, меросий ҳуқуқ унинг томонида, бугун сулҳ тузган бўлса, эртага Самарқанд қўшини ота мерос мулкини талаб қилиб келмаслигига кафолат борми, қабилида эди. Шу боисдан иккала Мирзо сулҳ тузиб, Хабушон вилоятини ўртада чегара қилиб, ортга қайтишди.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейинги бир йилга яқин муддат ичида вақтинча ярашувлар амалга ошган бўлса-да, ўзаро ҳадик, таҳтирик, дафъ айтишга имкон ҳозирлиги кутқуси бир сония ҳам ҳеч бир шаҳзодада барҳам топмади. Кордонлар – иш кўрган амирлар фарази тезда ҳақиқатга айланди – Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳрдан Ҳирот қасдида қўшин тортиб келди ва Алоуддавла Мирзо билан тўқнашди.

Алоуддавла Мирзо лашкарининг Самарқанд қўшинидан енгилиши, ўзининг таҳтдан ажралиб, қочқинлик кўйига тушиши, Улуғбек Мирзонинг Мовароуннаҳрга қайтиб кетиши Бистом ва Домғон тарафларда илинҷда юрган Абулқосим Бобур Мирзога фанимат бўлиб туюлди. У, отаси Улуғбек Мирзо Ҳиротни идора қилишга қолдирган Абдуллатифнинг кимлигини, нимага қодирлигини жуда яхши биларди. Улуғбек Мирзо отаси саройидан дидига ёқадиган ашёларни, онаси Гавҳаршод Бегим мадрасасидан Табриздан олиб келинган бир нечта пўлат эшикни, қимматбаҳо матоларни, олтин-кумуш тангаларни, қўли гул ҳунармандаларни ўзи билан бирга олиб кетаётган эди. Машҳадга етиб келган Абулқосим Бобур Мирзо Ҳиротда рўй берган бу ҳодисаларни эшлишиб, қаттиқ тўлғанди. Фазабидан ўзига сифмай, амир Ҳиндукани Улуғбек Мирзо ўрдуси томон жўнатди. Амир Ҳиндука қулай пайтини топиб, Самарқанд лашкарига шикаст берди ва мол-ҳолларни, ўлжа олинган нақд бойликни тортиб олишга муваффақ бўлди. Ҳиротдан ҳайдаб кетилаётган, мазлум одамларнинг катта қисмини озод қилишга эришди.

Ҳирот тасаррӯфига ўтган Абдуллатиф Мирзо ўн беш кун салтанат таҳтида шундай виқор, савлат билан ўтиридики, ҳатто, Шоҳруҳ Мирзо ҳам бу қадар ўзини эркин қўябермаган, ҳаволанмаган эди. Ўн бешинчи кун таҳтнинг абадий эмас, омонатлигини ошкор қилди-қўйди. Отасининг унга ёрдам қўлини чўза олмаслиги, Жайҳундан ўтишда Абулқосим Бобур Мирзо сипоҳлари шикасти етмаганидек, Даشتி Қипчоқдан ўзбек лашкарининг қўққисдан ҳужум уюштириши Улуғбек Мирzonинг ўзини ҳам танг аҳволга солиб қўйганди. Абулқосим Бобур Мирzonинг шитоб билан Ҳиротга от сураётганилиги хабари Абдуллатифнинг капалагини учириб, лабини гезартириб юборди. Бир тўда одами билан қочиб қутулишни афзал билди. Абулқосимнинг мавқеи Ҳиротда баланд эканлиги, шаҳар раияти уни қўллаб-қувватлаши бир сира бўлса, Алоуддавла Мирzonинг яқиндагина уни Ихтиёриддин қалъаси маҳбуслигидан озод қилгани бир сира эди. Ваҳмнок бу қалъанинг қамоқ ҳужраларида бир дақиқа банди бўлган одам бу ҳаёт дўзахининг нималигини асло эсдан чиқара олмасди. Абулқосимга қарши мардонавор жанг қилиш, ўз ўрнини куч билан ҳимоя қилиш шу тобда унинг ёдига келмас, кўз олдида Ихтиёриддин қалъаси ўз ўпқонига тортаётганилиги манзараси жонланиб турарди. У табиатан юраксиз, ҳиссиёт қули, ақл билан эмас,

кўнгил буюрганига қараб иш тутарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Қочди ва жонини қутқазди. Ҳамият, ўзлик, шаън унутилди.

Абдуллатиф Мирзонинг қочиб, қуён бўлганлиги Абулқосим Бобур Мирзонинг Ҳиротга киришини тезлаштирди. Ҳирот яна бесаранжомлик, хавотир пардасига бурканди. Ҳар янги ҳукмдор Боги Зогонга қўш ташлаганида, ўзидан олдинги таҳт соҳибига байъат қилган, хизматда бўлган кишиларни аёвсиз жазолар, қатлга етказар эди. Бу сафар ҳам шу бемаъни «удум»га қўл урилди. Уч кун дегандা Ҳиротга Ёр Али туркман бостириб келди. Абулқосим ва амирлари унга бас келолмай, шаҳарни ташлаб қочдилар. Шунда, Сарахсда туриб, сафларини ўнглаб олган Абулқосим Бобур Мирзога амирлари бир ҳийлани маъқуллатдилар. Абулқосим Бобур Мирzonинг ишончли аъёнларидан бири Абдулали рикобдор гўё ундан аразлаган бўлиб, Ёр Али туркмандан паноҳ истаб, хизматига кирди. Абдулали рикобдорнинг totли таомлар пиширишда тенги йўқ эди. Ёр Али туркманга бири биридан мазали овқатлар тайёрлаб, унинг ҳам ишончини қозонди. Келишувга мувофиқ, оқшомги базмда Ёр Али туркман кўнглини ром қилган Абдулали рикобдор Ҳиротда ўзини шаҳаншоҳ ҳисоблаб, ер-у кўкка сифмаётган, мактоворларни ва шаробни қанча бўлса, шунча сипқораётган Ёр Алига навбатдаги қадаҳлардан бирига беҳуш қилувчи дори солиб, узатди. Айш-у тароб саҳаргача давом этди.

Ёр Али туркман ҳам сархуш, ҳам беҳуш бўлиб чўзилиб қолди. Ён-дагилар унинг ҳолатидан сира гумондор бўлмаган. Ўз раҳнамоларининг маст-аласт бўлиб, ухлаб қолиши биринчи маротаба эмасди. Абдулали рикобдор хизматдан фориф бўлиб, чироқнинг пилигини баландалатиб, токча олдига қўйди. Кузатувда турган чол, чироқ ёғдусини кўриб, гўё масжидга бораётгандек зарур жойга хабарни ошигич билан етказди. Шарт адо этилган, Ёр Али туркман маст ва беҳуш, тонгданоқ хужумни бошлаш имкондан эди.

Абулқосим Бобур Мирzonинг сара сипоҳлари шаҳарнинг Malik дарвозасидан шамолдек елиб, қилич суурган ҳолда Ёр Али ўрдусини босди. Беҳуш туркман сардори Мирзо олдига банди ҳолда тиз чўқтирилганда ҳам, ўзига келмаган эди. Унинг Ҳиротдаги йигирма кунлик ҳукмронлиги шу айёмда ниҳоясига етди, маст-аласт руҳи бақоға учди.

Қиморхонадай бўлиб қолган таҳтгоҳнинг файзи, қути қочган, ҳиротликлар тез келиб-кетар талабгорлардан рўшнолик эмас, талон-торож кўравериб, озурда-безор бўлган эди. Абулқосим Бобур Мирzonинг Боги Зогонда, бобосининг таҳтига жулус қилганлигини шодмонлик билан қарши олдилар. Шаҳарнинг таниқли, обрули кишилари, акобирлар, дин пешволари, саййидлар, Тархон авлоди вакиллари шаҳзода, эндиликда шоҳ рутбасига кўтарилган Абулқосим Бобур Мирзони муборакбод этишга шошилдилар, пешкашлар, сочқилар, тортиқ ва тухфаларни бисёр қилдилар.

Икки қўчқорнинг калласи бир қозонда қайнамаслиги, аниқроғи, бир қозонга сифмаслиги ҳақида эл бежизга нақл тўқимаган-да. 1449 йил кузида Хурсон тож-у тахтини қўлга киритган Абулқосим Бобур Мирзо, йилга яқинлашаётган эдики, акаси Алоуддавла Мирзони ёнидан қўймай, муруватлар кўрсатиб келарди. Тахтга ўрнашгач, биринчи сипориши ҳам Алоуддавла Мирзони Тун саркорлигига таинлаш бўлди. Тун вилоятида Алоуддавла Мирзо, шукронани бажо келтириш ўрнига, ўзини қувватлантиришга, ҳарбий куч йиғишга ва ким билсин, укаси, шоҳ мақомидаги Абулқосим Бобур Мирзони тахтдан қўпориб ташлашга мойил бўлди. Ўғли Иброҳим Султонни хазинаси беркитилган Имод қалъасига юборди. Хазина ём билари айтилган муддаога сарфланиши керак эди, чоғи.

Давлат ноғорасини чалгувчилар ҳар доим ўз бурчларини сергаклик билан бажарадилар. Алоуддавла Мирзо ортида ҳамиша «дум» бўлганлигини тасаввур қисак, адашмаймиз. Унинг хатти-ҳаракатлари, сарф ниятида йиққан дунёсини келтириши, шубҳа қилса арзирлик аниқлов эди. Оқибат, бу ҳақда Ҳиротга маълумот оширилди ва натижа шу бўлдики, Алоуддавла ҳам, ўғли Иброҳим ҳам қўлга олинди, зинданбанд этилди.

Амир Ҳиндука шу яқинда Улугбек Мирзога етказган шикасти учун катта мартабага лойиқ кўрилди. Муаррих ҳам буни тасдиқлаб, «амир Ҳиндука олий девонда тўла ихтиёрга эга бўлиб, мамлакатни идора қилишга киришди», деб ёзган эди. Амир Ҳиндука, менинг назарим ва тасаввуримда шижаатли ва виждонли киши бўлиб гавдаланади. Бундай хуолосага келишимда, тубандаги воқеа асос бўлди. Бошга тож қўндирилиб, тахтнинг болишларига суюнилгандан кейин тахтгоҳнинг оби ҳавоси бирдан ўзгариб кетаркан. Олинаётган ҳар бир нафас гўё сеҳрли қудратга чўлғаниб, вужудни, димогни, муомалани шишириб, бошқа бир кўйга соларкан, балким осмони фалакка кўтара бораркан ёхуд ўзини ҳам, қуршаган одамларни ҳам илғамай қўяркан. Чеки йўқ ҳокимиятга муяссар бўлиш, каттадан-кичикка қадар ҳузурида қўл қовуштириб, бир оғиз лутфига маҳтал туриш, истагини сўзсиз ижро этиш, қолаверса, муруват ва жазода инон-ихтиёр, қудратли лашкарни тутиб туриш, хуллас, шоҳона қудрат ақл-идрокка бўйсунмай қўяркан. Камдан-кам подшоҳлар тахтни Аллоҳ таоло насиб этган улуғ неъмат деб билганлар ва мамлакат, раият хизматидаги муқаддас иш жойи деб қараганлар, шунга муносиб бўлишга интилганлар.

Абулқосим Бобур Мирзо айни навқирон ёшида, йигирма олти-йигирма етти ёш устида акаси Алоуддавла Мирзодан кейин бобоси Шоҳруҳ Мирзо ўрнига келди. Ёр Али туркманнинг хуружи ва бир муддат Ҳиротни ташлаб чиқиш дейилмаса, у тахт йўлида айтарли машаққатлар чекмади. Абулқосим Бобур Мирзо табиатан хушчақ-

чақ, зеҳни ўткир, ғазалиётни ва болалигидан отасидан ўзлаштиргани май ва шаробни, гулгун давраларни, дилбар наволарни, тотли ашулаарни жуда-жуда ёқтиради. Ўсмирилик чоғларида миқан ёинки ҳали бола пайтида миқан, бобоси Шоҳрух Мирзо иччиликка муккадан кетган отасини роса койиган, қазноқларда жам қилинган юзлаб хумлардаги шаробларни аччиқ устида тўқдиртириб ташлаган эди. Абулқосим отаси йиғинларига доримас, бувиси Гавҳаршод Бегим ота-она ёнида бўлишга изн бермасди. Май, шаробни у тўйларда Алоуддавла, Абдуллатиф, Халил Мирзолар билан бир давра қурганларида тотиб кўрган ва унга майл қўйиб, доим ҳумор юрарди. Ҳуморни қондириш эса, сира даст бермас, Мирзоларнинг айш-у ишрати қаттиқ назорат остида бўларди.

Чархнинг кажрафтори адл келган, унинг тескари эврилишлари ортда қолган эди. Энди унинг айтгани-айтган, ягона ҳукмдор. Наздига, дидига яраша, кўнгли буюрганича яшаш ўз ихтиёрида. Шу боисдан мамлакат осойиши бардавом, ёғийлар кураш майдонидан қўл тортган экан, ишрат ярашади, деган ўй Абулқосим Бобур Мирзонинг хаёлида қаттиқ ўрнашганди. Амир Ҳиндуқанинг фикри эса, бунинг зиди эди. У тахтнинг мухолифлари сира тиним билмаслигини, бунинг устига, тўрт йилдан ортиқ муддат давомида Ҳирот ҳам, булуқлар, қишлоқлар вайронна тусга кириб, элнинг тинкаси қуриб, мададга муҳтож эканлигини, воқеалар ичида юрганидан, яхши биларди.

Абулқосим Бобур Мирзо тезда айш-у ишратга, чолгулар навосига, хиромон рақсларга берилиб кетди. Ичкиликсиз ўтган кун йўқ эди, ҳисоб. Шоҳнинг турмуш тарзи, феъл-атвори, машғулоти муттасил кўпнинг нигоҳида туради. Мусулмон оламида шоҳона ҳарамга, ишратбозликка, ичкиликка доимо паст назар билан қаралган, раиятда, бундан-да оғир гуноҳи азим бўлмайди, унинг заволи муқаррар, деган қараш ҳосил бўлиб келган. Табиийки, Абулқосим Бобурнинг майишатга эрта берилгани овоза бўлмай қолмаган. Орадан йигирма йил ўтиб, у вафот этиб кетганда ёзилган «Матлаи саъдайн ва мажмай баҳрайн» асарида мусанниф, шу овозалар акс-садоси ўлароқ бўлса керак, бу ҳақда, «Мирзо Абулқосим Бобур эрта-ю кеч тинимсиз ичкилик ичиш билан машғул бўлиб, уд садоси-ю най навосидан ташқари дунё ишларини шамолдек ҳисоблаганлиги туфайли, унинг хос кишилари бўлган бир гуруҳ амирлар фитна ва фасод бошлишиб, зулм-у бедодлик бунёд қидилар», деб таассуф билан ёзган эди.

Амир Ҳиндуқанинг виждони бунга чидаб туролмади. У, энди ўзини саройдан узоқроқ тутишга жазм қиди ва Бодғис сарига жўнаб кетди. Абулқосим Бобур омадли подшоҳ эди. Амир Ҳиндуқадан айрилган бўлса, шу кунларда яна бир иттифоқчига эга бўлганди – отаси Улугбек Мирзога хиёнат йўлига кирган Абдуллатиф Мирзо унга ўз хизматини таклиф қилаётган эди.

\* \* \*

Ишрат ва ичкилик заволи ҳеч қачон узоқ куттирмайди. Абулқосим Бобур ўзидаги билимдонлик ва давлатни бошқаришда боболари Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзолар тажрибасига таяниб иш кўрганида борми, Ҳиротни иккинчи маротаба ташлаб чиқмаган бўларди. Биринчи сафар Ёр Али туркман уни пойтахтдан қувиб чиқарган бўлса, бу навбат ўз акаси Султон Муҳаммад Мирзо уни қочишга мажбур қилди. Улуғбек Мирзо қўшини йўлига Балх ҳудудида Абдуллатиф тўғаноқ бўлди. Яхшиямки, ота-бала қирпичноқ бўлиб, унинг аркони давлати фурудан омон қолди. Ота-бала гапни бир қилиб, уни лақилатиб, Ҳиротга босиб келганларида борми, қиёмат қойим бўларди. Амир Ҳиндука ҳам бўйсунмасликка қарор қилиб, охири низо жангга тортди, оқибатда, баҳодир амир Ҳиндука ўлдирилди, боши Ҳиротнинг Малик дарвозасига осиб қўйилди.

Ака-ука қўшини бир-бирига ҳамла қилиб, очиқкан шерлардек ташланди. Яна қонлар дала-даштни лолагун бўёқقا бўяди. Найзалар қондан қўкарган лолақизғалдоқларнинг бутаси, қалқонлар унинг барглари, қилич-у шамширлар эса, ўроғи бўлди. Ўрилган сипоҳилар хирмони ўроқчиси ва жамловчиси Султон Муҳаммад Мирзо чериги бўлиб, ботирлиқда устун келди. Абулқосим Бобур жангда омад юз бурганини аввалроқ пайқаб, тўдадан суғурилди-да, орқага қарамай бошни кутқаришга тушди, отни Имод қалъаси томон жадал ҳайдади.

Амир Ҳиндука билан Бодғисда маҳбусликни тарқ этиб, бир муддат кун ўтказган Алоуддавла Мирзонинг ўғли, Ҳиндука ҳалокатидан кейин яна бандга олинган эди. Абулқосим Бобур қочиб қутулгани билан, ўғли Шоҳ Маҳмуд Мирзо ҳам қўлга туширилган эди. Кураш суронлари тиниб, Ҳиротта кириб келингач, Султон Муҳаммад Мирзо олдига иккала шаҳзодани асир сифатида келтирадилар. Султон Муҳаммад Мирзо, бу сафар олижаноблик қилиб, Султон Иброҳимни отаси Алоуддавла ёнига, Шоҳ Маҳмуд Мирзони эса, онаси ҳузурига жўнатди.

Сиёсатда лўттибозлик, дағал бўлса-да, фоҳишалик қилигини шиор қилиб олган Абдуллатиф ўтган вакт давомида отаси Улуғбек билан ёвлашиб, уни енгган, ота ҳаёти эса қилга илашиб турган маҳаллар эди. Ҳирот тахтининг кейинги йилларда кўп очилиб-ёпилган эшиклиари бу сафар Султон Муҳаммад Мирзога күшодий бўлгани хабарини олибоқ, тилёфмалик билан мактуб йўллашга киришади. Абдуллатифнинг ўша номасини муаррих зикр этиб, китобига киритган. Хатнинг мазмуни шундай эди:

«Сизга (яъни Султон Муҳаммад Мирзо – муал.) Хурсонни, бизга (яъни Абдуллатифга – муал.) эса, Мовароуннаҳри фатҳ қилиш муборак бўлсин! Биз Мирзо Абулқосим Бобур билан у сизнинг биродарингиз бўлганлиги жиҳатидан дўстона муносабатда бўлган эдик, бўлмаса, ҳазрат хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо – муал.) замонида у

ким эди-ю, биз ким эдик – ҳаммага маълум». Марҳамат, мулоҳаза қилинг, мантиқий мазмунини чақинг. Менда, масалан, бир-икки саволлар туғилди. Хўш, олдин Абулқосим Бобурга мактуб битганида нега унинг акаси Султон Муҳаммадга биродар эканлиги эсга олинмаган?! Иккинчидан, Султон Муҳаммад Мирзо Абулқосим Бобурнинг акаси эканлиги писанда қилинади-ю, ўзининг Улугбек Мирзонинг ўғли, унинг пушти камаридан туғилганлигини ёдга олмайди? Бу безбет, муртадлик ёқасига ёпишган шаҳзода ўзининг Мовароуннаҳри, отаси мулкларини эгаллаганлигини ҳеч бир тортинмай, хижолат чекмай, хурсандлигини яшира олмай, кибр-ҳаво, мақтаниш билан битади. Шу икки энлик хат ҳам унинг манфур башарасини рўйи рост очиб беради. Муаррихнинг айтишига қараганда, Абдуллатиф зиқна ҳам бўлган, у Султон Муҳаммадга юборган тухфа шундай хulosага олиб келади. «Амирлар Мирзо Абдуллатиф элчиси олиб келган арзимас сочқисига катта бир маблағ қўшиб тортдилар», деб куйиниб ёзади муаррих. Султон Муҳаммад Мирзога аталган тухфа – сочқи, бир сиқим нарса бўлгани боис, кайвони амирлар ўзларидан маблағ қўшиб, ҳукмдорларига олиб кирганлар. Шу ҳиммат бўлмаганда борми, Абдуллатифнинг ўзи айтганидек, кимлиги билинار, Султон Муҳаммад Мирзонинг нафрати қўзғалган бўларди.

Нафрат эса ўзини кутдирмади. Кунларнинг совиб бориши Ҳирот ва Самарқанд алоқаларининг сусайиб, қатновнинг чўзилишига сабаб бўлаётганди. Бўлиб ўтган воқеалар дараги кеч етиб келар, шу сабабли ҳайрат ва пушаймонлик, хурсандлик ва маҳзунлик вақт шиддатидан анча ортда қоларди. Абдуллатифнинг отасига душманлик кайфиятида эканлигини Ҳиротда яхши билишса-да, унинг бу даражада тубанликка боришини ҳеч ким, ҳатто Султон Муҳаммад Мирзо ҳам етти ухлаб, тушида кўрмаганди. Муаррих бу ҳақда, «доруссалтана Ҳиротда турган Мирзо Султон Муҳаммад Мирзо Улугбекнинг қатл этилганлиги хабарини эшитиб, ҳайрат бармоғини таажжуб тиши билан тишлади ва бузруквор амакисининг қатл этилганлигидан кўп қайғу изҳор этди», дейди.

Ҳиротда бир неча кундан бўён ўрду қилиб турган Султон Муҳаммад Мирзо Абдуллатифнинг разолатидан таъсирангган кўйи, ўзининг бошига ҳам шундай хавф соя солиб турганлигини иқрор этди. Укаси Абулқосим Бобур ҳаёт экан, ўртада осойиш, тахтда фарофат бўлмайди, деган қарорга келди. Муаррих айтганидек, шундан сўнг у «бутун олий ҳимматини Абулқосим Бобурга қарши қаратиб, бир гуруҳ амирлар ва давлат арконларини амир Ҳожи Муҳаммад билан биргалиқда мангфой тарзида жўнатди».

Абулқосим Бобур Мирзо Ҳиротни бой бериб, Имод қалъасига кириб олган, муҳофазага саъй қилган эди. Султон Муҳаммад Мирzonинг яна қасдланиб, амир Муҳаммад Солиҳ бошчилигига қўшин

йўллаши унинг бу қалъани бўшатишидан бошقا бир чораси қолмади. Амир Муҳаммад Солиҳ Мирзога яхшилик қилиб, унинг эсон-омон ўз майлича чиқиб кетишига имкон берди.

Обивард орқали Астрободга келиб жойлашган Абулқосим Бобур Мирзони вилоят казо-казолари яхши кутиб олишди. Бу ўлкада Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзонинг таъсири ва эҳтироми ҳамон унутилмаган, Абулқосим Бобур Мирзонинг хуштаълиги ҳақида эшитгандар бор эди. Тахтни бир сира қўлга киритиб, икки бор омади юришмаган Мирзога мадад беришга аҳд қилинди, тез орада унинг туғи остида «катта бир жамоат» тўпланди. Абулқосим Бобур Мирзо энди ўзи қасдланиб, акаси Султон Муҳаммад Мирзони маҳв этишга отланди. Бу сафарги тўқнашув Абулқосим Бобур Мирзо фойдасига ҳал бўлди. Мирзо тарафдорлари кўп бўлиб, катта лашкар жам бўлганди. Султон Муҳаммад Мирзо танг аҳволда қолиб, Ироқ томонга қочди. Шу кунлари Гармсер тарафдан келган Алоуддавла Мирзо ғолибнинг номини эшитибоқ, бесаранжом бўлиб, Ҳиротдан чиқиб кетишига мажбурият сезди. Уч ака-уканинг муросага кела олмаслиги ўзларига ҳам, ўзгalarга ҳам жабрдан бўлак инъом бера олмасди. Бу олам равишида гап бир хонадон, бир сулола вакиллари эканлигига эмас, к у ч да эди. Кучинг бўлса, қудратинг, қудратинг бўлса, таҳтинг бўларди.

Муттасил кучлар қиёсида бу навбат омад Абулқосим Бобур Мирзога кулиб боққан эди – учинчи марта Ҳирот тахтини эгаллаб, шоҳлик либосини кийиб, бошига тож қўндирганди.

\* \* \*

1449 йилнинг қиши совуқ келди. Қиламиқ қор тушганига ҳафта кечган бўлса-да, чувоқ йўқлиги боис, соя беткайларда ҳамон эриганича йўқ. Ихтиёридин қалъасининг янги қутволи, меҳтар Увайсбек камар тортилган қалин либос устидан оқ жун чакмонга ўралиб, чавкар отида қалъа атрофини кўздан кечириб, айланиб юрибди. Ихтиёридин қалъасига яқин бўлган Шоҳруҳ Мирзо қурдирган мадраса ва хонақоҳга етиб, кўкка бўй чўзиб турган минораларга тикилди ва нималар қилиш зарурлигини хаёлдан ўтказди. Минораларнинг тепа қисмида кўшк мисол айвончалар бўлиб, қутволнинг фикрича, Ихтиёридин қалъасининг ички тарафи ундан кифтда тургандек кўринар ва камончилар учун мўлжаллаб отишда жуда қўл келадиган жой эди. Меҳтар Увайсбек қалъага қайтди-да, бир тўда қўриқчиларга шу айвонларнинг дарчаларини маҳкамлаб, ёпиб ташлашни буюрди. Қалъа ён-атрофидаги баланд дарахтларни ҳам, эҳтиёт шарт, устига чиқиб, қалъани ўққа тутмасинлар деган андишада, битта қоддирмай каллаклаб ташлатди. Қалъага узоқроқ қўшни бўлган уй-жойлар ҳам ёғийга босқин пайти паноҳ бўлади, дея уларни ҳам мажбурлаб бузишга ўта бошлади. Қиши ҳавоси эмасми, одамларнинг борар

жойи, кирар кулбаси йўқлигидан кўчада қолиб, изиллаганлар кўп бўлди. Арзи додлар, охири, Абулқосим Бобур Мирзо қулоғига ҳам етди. Балх томонга, акаси Алоуддавла Мирзони дафъ қилишга отганиш чоғида кутвол қилиб тайинлагани меҳтар Увайсбекнинг ўзбoshимчалиги аслида қалъа ҳимояси манфаатига қаратилган бўлса-да, нописандлик ва ўзини баланд олиш деб қаралди. Шоҳ ҳарб-у зарбдан музофар бўлиб қайтганида, акаси Алоуддавла Мирзони ҳибсга олиб, хотири жамлиги даст берганида, қалъани тамом маҳкам қилдим, деган Увайсбек ўзини жаҳон сultonи ўрнида билиб, ҳокимиятга бўйсунмаслик маснадига чиқди.

Ҳамроҳни сафарда, ҳамкорни мансабда сина, деб тўғри айтгандар. Меҳтар Увайсбек бир қалъага бошчи бўлиб, ўзини қўярга жой то-полмай қолди. Уни эгаллаган мансабидан тушириш учун Ихтиёридин қалъасига ҳужум уюштиришдан ўзга илож қолмаганди. Боғи Сафидга тушиб, меҳтарнинг анвойи қилигини эшитган Абулқосим Бобур Мирзо Ихтиёридин қалъасини эгаллашга черик ҳозирлади. Сўнг меҳтар яхши танийдиган бир маҳрамини унинг олдига юбориб, «Увайсбек асло қалъадан чиқмасин, чунки унинг олдига ўзим бормоқчиман», деган гапни етказдирди. Шоҳнинг одамлари қоронфи бўлганда, «Мирзо келдилар», деб қалъага кириб олишади. Қандай бўлмасин, меҳтарни қўлга олиш зарур эди, сипоҳиларнинг мардонарларидан бўлган Шайх Мансур биринчи бўлиб Увайсбекка етишиб, қиличлаша кетди. Меҳтар Увайсбек кўп жанг кўрган, чапдаст шамширзанлардан эди. Улар шундай олишдиларки, оқибатда, икки моҳир жанг қилувчи бир-бирини оғир жароҳатлади ва иккаласи ҳам етган заҳмдан ҳалок бўлди. Мана мансаб ҳавоси, қалъадорлик... Ва борига ношукроналик оқибати.

Оғзи қуйган қатиқни ҳам пуфлаб ичиши бор гап. Абулқосим Бобур Мирзо Хурросон таҳтини учинчи марта эгаллаганидан сўнг ақл-у идрок билан иш кўришга, муқаддас Қуръони Каримнинг «Хуҷурот» сураси, 9-оятида айтилганидек, «агар мўъминлардан икки тоифаси урушаётган бўлса, уларни сулҳга келтиринглар» ҳикматига амал қилиб, ҳамон отдан тушса ҳам, эгардан силжимаган акаси Султон Муҳаммад Мирзо билан орани тузатишга, яраш шиорини қарор топдиришга интилди. Шайхулислом, раиятда обрўси зўр Баҳоуддин Хожа ҳазратларини элчилик ваколати билан унинг ўрдусига жўнатди. Султон Муҳаммад Мирзо туфайли Шоҳруҳ Мирзо салтанатида ва хонадонида касофатлар ибтидо олган ва авжи ҳамон пасаймаганди. Унинг саркашлиги, бобосининг ҳокимиятига бўйсунмаслиги сабаб, кексайган, касалманд Шоҳруҳ Мирзо қўшин тортиб, уни итоатга келтиришга улгурмай, оламдан ўтган эди. Бобоси вафотидан кейин ҳам шаҳзода инсоғга келмади, акалари билан ҳамжиҳат бўлиб, мамлакатни идора қилишга бош қўшмади, аксинча, бошбошдоқликни,

парокандаликни кучайтирди, биродарларини дафъ этиш, йўқотиши мақсадида ҳарб ўчогига тинимсиз ўтин қалади. Ўтган йили Тус вилоятида мағлубиятга учраб, Ироқ ва Форс томон кетиб, интиқом оташида ёнди, қўшин йифди, уруш алангасини Ҳирот сарига қаратди.

Султон Муҳаммад Мирзо шайхулисломни совуққина қаршилади. Баҳоуддин Хожа ака-укаларни мадорага келтириш учун астойдил интилди. Табаррук мусҳафдан далилий оятлар келтириб, шарҳлади, кўп насиҳатлар айтди. Султон Муҳаммаднинг шайх нутқини индамай тинглаб ўтириши, аҳён-аҳёнда бош эгиб, маъқуллаб қўйиши, шаҳзодага инсоф кирибди, деган бир тўхтамга ундарди. Шайхулислом мулозамати ва сўзлари унга мақбул тушганди. Кетиш олдидан Баҳоуддин Хожа ҳазратлари, «иноятлари нечук қарор топди, Абулқосим Бобур биродарингизга сулҳни ошкор қилиш имконданми?» – деб сўраганда, Султон Муҳаммад Мирзо талмовсираб, ҳа ёки йўқ дея олмай, қизаринди, ердан кўз узмади. Насиҳатда ҳалоллик, амалиётда мужмаллик бу элчилик моҳияти бўлган эди. Шаҳзодадаги иккиланишни, барibir, тарози палласининг «йўқ» деган юки босиб кетди. Сабаби, Султон Муҳаммад Мирзо ўтган вақт давомида, қарийб бир йиллик муддатда кўп сонли лашкар тўплаган, шунга яраша, чиқимдор бўлганди.

Шайхулислом жавобни мулоҳаза қилиб, «шаҳзода сўзларимни рад қилмай, тинглади, бас, инсоф ойинидан адашмас», деган фикрда, Абулқосим Бобур Мирзога, «сулҳ насибdir», деди. Муаррих қавли шундай:

«Мирзо Абулқосим Бобур сулҳга ишониб, Бистом рўбарўсидан қўзғалди ва Мозандарон вилоятига кириб, лашкарлар қишлоқ йўсунида қурёлар боғладилар. Бироқ тўсатдан, Мирзо Султон Муҳаммад аҳд-у паймонни унутилиш тоқига улоқтириб, лашкарларини Бистомдан ўtkазиб, Исфароинга етганлиги ҳақида хабар келди».

Чинорон мавзесида мухолиф, бир-бирига ўта ёйи ака-уканнинг икки лашкари ҳайбатли тўфонда қирғоғидан ошган уммондек ва жоҳат билан бир-бирига ташланди. Ҳар икки тарафдан кўс ва кўркалар овози даранглади, сипоҳилар жон олиб, жон беришга шошилиб, отларига аччиқ қамчи босдилар. Султон Муҳаммад Мирзо шердек наъра тортиб, майдон ичкарисига кириб борар, Абулқосим Бобур Мирзо ҳам шижаатда ундан қолишимас, эпчил суворий ва чапдаст қиличбоз, моҳир тирандозлигини ҳар сония намойиш этарди.

Ҳирот лашкарининг буронгори Султон Муҳаммад Мирзо жувонғорига бас келолмай, чекиниш пайидан бўлди. Улар ўз сардорлари Шер Аҳмад ҳалок бўлгач, найза ўқталишга ҳам юраклари дов бермай, бирин-кетин ситилиб, орқага қоча бошладилар. Шу қун Хуросон ва Ироқ лашкарига осон бўлмади. Кураш асносида умумий ғалаба ким томонида эканлигини белгилаш мушкул бўлди. Вақт чошгоҳга етганда жанг савашида Ироқ лашкарининг жуда сийрак тортгани

яққол сезилиб, зафар насими Хуросон қўшини сари эса бошлагани аниқ бўлди. Султон Муҳаммад Мирзога оғир талафот етган, камон ўқи кўксига қадалиб, чуқур кирган эди. Минган оти орқа сондан яраланган, юришга мажолсиз қолганди. Султон Муҳаммад Мирзо отидан тушиб, нафас олишга қийналиб турганида уни ўртага олиб, судраб Абулқосим Бобур оддига келтиридилар.

Ака-ука кўкка ўрлаган тупроқ ва дарё каби оққан қон ҳовурида юзма-юз келиб, юзларида қон ва тер юқи шундай билиниб турган ҳолда мулоқотга жазм қилганди:

– Менда нима муддаонг бор эдики, – дея акасига сенсираб, таъна қила бошлади Абулқосим Бобур Мирзо, – у гал келиб, мусулмонлар қони ва молига қасд қилдинг, шунда талафотга учраб, енгилидинг-да, Ироққа қочиб, жон сақладинг. Бу кифоя қилмадими, яна биз сарига лашкар тортиб келдинг?!

Жони ҳалқумга келиб, оғзидан қон аралаш тупук келиб, мўйлариға оқиб турган, мазлум ҳолатдаги Султон Муҳаммад Мирзо қийналиб бўлса-да:

– Эй, менинг биродарим (у Абулқосимдан тўрт ёш катта эди), – деди инграамоқдан бери оҳангда, – билгилки, мулк ишининг қилмиши шу экандир.

Султон Муҳаммад Мирзони чодирга олиб бордилар. Ёнига табиби ни йўлатмадилар. Амирларнинг маслаҳати шу бўлдики, ҳарб ойини шуки, қўлга тушган ёғий жазога мустаҳиқ, уни тирик қолдириш таҳтга зилзила солиш демакдир, деб ярадор акани дорга осдилар.

Бу воқеа 1452 йилда рўй берди. Абулқосим Бобур Мирзонинг қилган қаттоллигидан зигирча бўлса-да, афсуси йўқ, бир пушти камардан туғилган, бирга тарбия топган акасини ер тишлатганидан ер-у кўкка сифмас даражада завқ-у сафога бўйкан эди. Шаробни ютгани сари, қаҳрини шунча чиқараётганди. Султон Муҳаммад Мирзонинг айби кўп, гуноҳи катта эди. Шоҳрух Мирзо даврида ёнидаги бир неча яқинлар-у фозиллар даъвати, балким хушомади билан ўзига ортиқ, керагидан ортиқ баҳо бериб юборди. Подшоҳ бобоси томонидан инъом этилган Султония, Қазвин, Рай ва Қум вилоятларини идора этиш билан қаноатланмай, Исфаҳон ва Шерозга талаб солди. Бу Шоҳрух Мирзо давлат бошқарув тизимиға жуда оғир оқибатлар келтириши, кексайиб, ўлимни эшик ортида пойлаб турган бобоси учун ё таҳтни ё жонни бўшатиш билан баравар эди. Саркаш, гапга учарман, худбин шаҳзода Шоҳрух Мирзони кейингисига мажбур қилди – унинг ақдини киритиш учун Эрон мулклари томон тортилган қўшин ҳали мақсаддага эришмай туриб, Шоҳрух Мирзо Райнинг Пашов қишлоғида ҳаёт билан видолашганди.

Бу воқеани ўша вақтда бобоси билан бирга бўлган Абулқосим Бобур Мирзо эсидан чиқарган эмасди. Султон Муҳаммад Мирзо-

нинг енгилтаклиги, ўйламасдан иш тутиши, кимсан подшоҳлиги қирқ йилга бораётган бобосига зиддона исён қўтариши, бўйсунмай қўйиши Шоҳрух Мирзога қанча азиятлар етказганини унутиб бўлармиди? Оқибатсиз, кўрнамакликни бўйинга олган набира бобосининг шаънига, қирқ йилда мамлакатлараро орттирган обрўсига доғ туширмай қолмасди. Ор-номус, шон-шавкат, фуур бундай қилимишга чидаши имконсиз эди, натижада нуроний, давлат жипслиги учун бутун умрини, салоҳиятини фидо қилиб, шунга мұяссар бўлган шоҳ исённи бостириш, жиноятчини жазолаш учун қийин ва олис сафарга чиқишига мажбур бўлди. Азбаройи кексалиги, дардчиллиги сабаб, от ўрнига ювош хачирда, бунинг ҳам иложи бўлмай қолгандা, қорин бўшлиғида санчиқ ва оғриқ кучайганда йўлни тахтиравонда тай қилди. Бобоси Шоҳрух Мирзонинг азобланишлари учун Абулқосим Бобур ўзини ҳам гуноҳкор сезган, беақл акаси учун хижолатлар тортганди. Энди эса, бу малъун ака экканини ўрди, бобосининг норозилиги уни уриб кетди.

Эрининг ўлдирилганидан Моҳ Султон Бегим соchlарини юлиб йифлади, оҳ-у фарёд урди. Султон Мұҳаммад Мирзонинг жасади Гавҳаршод Бегим мадрасасига олиб келиниб, отаси Бойсунғур Мирзо марқадининг ёнида, гумбаз остида дағн этилди. Муаррих бу аёлнинг вафодорлиги ва садоқатига қойил қолади. Моҳ Султон Бегим эрининг қабрини қучиб жон беради. Мулктир ва худбин эрлар мунис ва мушфиқ хотинларини зор йифлатиб кетади, у талашган дунё эса, пинак бузмай ўз меҳварида айланишда давом этади.

\* \* \*

Акаси қатлига қўл урган Абулқосим Мирзога шу кунларда пишонг ва далда берувчи олчоқлар кўп бўлди. Тожнинг бардавомлиги хиёнаткорлардан холи бўлишда, деб шипшитарди улар. Гапнинг қалови базми жамшиидларда айланиб-айланиб, ҳибсда сақлаб келаётган, занжирбанд ҳолда маймундек томошабоп қилиб юришларда олиб юрилган Алоуддавла Мирзога тақалар эди. Абулқосим Бобур шаъмаларни нозик тушунарди, имонинг маъносига етарди. Амирлардан бирининг шилон пайтларида ўзини тутиши, гапга қўшилмаслиги уни сергак тортдирди. Катта акасини, ийӯқса, ўлимга буюриб юбориши ҳеч гап эмасди. Мастиликда ҳам андиша уни тарк этмаган экан, Алоуддавла Мирзони ўлимга эмас, кўзларига мил тортишга амр қилди.

Яхшилик ва гўзалликагина эмас, зўравонликка, шафқатсизликка ҳам кўз тегар экан. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий шу ҳақда тафаккур қиласкан, тубандаги хуносани мерос қолдиради:

«Мирзо Абулқосим Бобур катта акаларини ўлдирган ва кўзига мил тортганлиги унинг қудрат ва шавкати чеҳрасига қаттиқ кўз тегдирди. Агар зийраклик борасида унинг кўзи узоқни кўра олганда эди,

ғазаб қувватининг истило қилиши туфайли юз берган мазкур ҳаралларга қадам қўймаган ва ўтмиш аждодлар аҳволидан ибрат олган, қудрати зўрлиги пайтида акаларининг узрини қабул этган, бирордларига подшоҳона улуш ажратган ва уларнинг тушкун аҳволига тараҳҳум кўрсатган бўларди. Ана шунда, ҳарқалай, замона аҳли бу ишларнинг айб ва ор-номусини тилга олмаган ва кеча ҳам кундуз варакларига бу хатти-ҳаракатнинг қабиҳлиги ёзилмаган бўларди».

«Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асаридан келтирилган бу иқтибос олам юзини кўрганига, авлоддан-авлодга етиб келганига 546 йил кечди. Тарихнинг бир муҳлиси, мумтоз асарларнинг ихломанди сифатида бу сўзларнинг холис ва ҳаққоний айтилганлигига, Темурийлар шаънига ён босилганлигига, қариндошликтининг молдунёдан устунлигига, мамлакатнинг, туркийлар давлатининг бирлигига куйиниб ёзилганлигига имон келтирдим. Бу оташин каломнинг бир ҳарфини ҳам эътибордан соқит қилиш, тушириб қолдириш аслом мумкин эмас. Абдураззоқ Самарқандийдай ҳалол, давлат манфаати, инсонийлик қадрияти нуқтаи назаридан тўғри ёзадиган, воқеаларни аслига монанд ифодат этадиган муаррихлар бармоқ билан санарли ўтган. Аллоҳ таоло ростгўй, элпарвар, ҳалқ кечмиши ижодкорларининг охиратларини давомий обод қилган бўлсин!

Зикр этаётганим ноёб асарда «кўз тегиш» ибораси бежизга, ҳавои тарзда айтилмаган. Акаларидан бедодлик билан ўч олган Абулқосим Бобур Мирзонинг давлатидан хайр-барака, ривож-у равнақ кўтарилиб, хато устига хатолар босилаётган одимлар ортга кетишига сабаб бўла бошлади. Султон Муҳаммад Мирзо ўз қаламравидаги Ироқ ва Форс юртларини ўз ҳолига ташлаб, Ҳирот тахти учун кураш олиб борган кезларида, бу тобеъ вилоятларда итоатдан чиқиш, хирождан бош тортиш кайфияти маҳкам ўрнашганди. Шунга кўра, Абулқосим Бобур Мирzonинг муддаоси қўлдан чиқай деб турган мулкларни қайта бошдан тиз чўқтирмоққа қаратилганди.

Бу маъволарга машаққатли ва кўп кунлик йўлдан бориларди. Рай орқали беҳисоб лашкарни олиб ўтиш учун шунга яраша озиқовқат талаб қилинарди. Вақтида Султон Муҳаммад Мирзо Рай йўлидан келганлиги боис, аҳоли қўлидаги бор галла, дон-дун олинган, энди яна шу жойларлан илгарилаш маъниси йўқ эди. Кўшиндаги ғажарчилар, амирлар бу яқин орада бирор лашкар ўтмаган Туршиз ва Тун вилоятига бориш, озуқа ғамлаб, Язд чўл-у биёбони орқали Ироққа етиш маслаҳатини машваратда маъқул кўрдилар. Язд биёбонидан ҳар қанча сув ва озиқ захираси бўлса-да, шу тарихга қадар бирор карvon ёинки каттадир-кичиқидир лашкар юргани тажрибада кўрилган эмасди. Бунга рози бўлиш Абулқосим Бобур Мирzonинг ҳарб-у зарбда, лашкарсозликда йўл қўйган дастлабки ҳатоси бўлган эди.

Муаррихнинг таҳдилий баёнига кўра, шу юриш олдидан Абулқосим Бобур Мирзонинг туркман подшоҳи Мирзо Жаҳоншоҳга ўзини амалда камситувчи мактуб юбориши навбатдаги қусур, нодонлик бўлган эди. Мактубда Султон Муҳаммад Мирзонинг енгилиши ҳақида хабар берилиб, подшоҳона муҳр босилганди. Язд саҳросидан юриш ва мактуб Мирзо Жаҳоншоҳ томонидан Абулқосим Бобур Мирзонинг заифлиги аломати деб қаралди. Ўзига ишонган, ақалли, улуғ бобоси Амир Темур давлатчилиги ойинидан хабардор бўлган, шу салтанатнинг ҳукмдори бўлиб турган подшоҳ Мирзо Жаҳоншоҳга голиб сифатида мактуб эмас, фармон юборган бўлар ва унда муаррих тахмин қилганидек, амrona сўзлар рақам этилиши ва мазмунан қўйидагича бўлиши лозим эди:

«Ҳазрати хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо – муал.) замонидаги қоидага мувофиқ, Озарбайжон вилоятининг бож ва хирожини хазонаи омирага (давлат хазинаси) юборсин, хутба ва пул зарбини ҳумоюн ном ва лақаблар (Абулқосим Бобур Мирзо исмига) билан безатсин, акс ҳолда бошига нима тушса, ўзидан кўрсин».

Бу удум Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзо замонидан бүён келаётган, ҳатто, Султон Муҳаммад Мирзо ҳам Мирзо Жаҳоншоҳга айнан шу таҳлитда фармон берган эди. Абулқосим Бобур Мирзонинг сиёсат бобидаги паст кетиши тамкинлик деб баҳоланмай, айтилганидек, унинг заифлиги деб талқин этилди. Мирзо Жаҳоншоҳ туркман шундай ўйларга борар экан, ҳарб ҳозирлигига тараддуд кўриб, Ҳирот лашкарининг ҳар қадамидан хабардор бўлиб турарди. Ироқ ва Форс юришида у ўйлаганча бўлмади, Абулқосим Бобур сипоҳийлари омади юришди. Ироқ мулкининг қалити ҳисобланган Сова шаҳри тобеъ этилди ва унга амир Шайх Али баҳодир ҳокимликка қўйилди. Унинг укаси амир Дарвешга эса Қум шаҳри суюргол қилиб берилди. Амир Шайх Алиниң қаттиққўллиги, раиятга жони ачимаслиги ёруғ кундай аён эди. Мансабни қўлга киритиши биланоқ, у раиятга беҳисоб мутолибалар, олиқ-солиқлар тўлаш жабрини бошлади. Элда чора қолмаган, муҳосиблар ваколати шу қадар чек билмасдики, улар тўлов қолмаган фуқарони ҳатто қатл этишдан ҳам тоймасдилар. Пичноқ суюкка етиб боргач, улар раҳм-шафқат истаб, шу ҳудудда бўлган туркманлар сардорига арз қиласидилар. Мирзо Жаҳоншоҳ туркман шундай вазиятни кутиб турарди. Арз баҳонасида Совара бостириб бориб, қорнини қашлаб ётган амир Шайх Алини асирга олиб қайтади. Мирзо Жаҳоншоҳ туркман Қум шаҳрига ҳам, зулмни акасидан кам қилмаётган амир Дарвеш Али устига ҳам юриш қиласиди. Туркман сардорининг қўли баланд келади. Амир Дарвеш Алиниң туғилиб ўстган жойи Қум шаҳри эди. Ўз ҳамشاҳарларига нисбатан одил бўлиш ўрнига, ситамни кучайтириш оқибатлари ана шундай қўшбосқинни тақозо этади.

Абулқосим Бобур Мирзонинг ҳарбий юриш чоғида ҳам майу шароб бехудлиги сабаб, истило этилган, қайта мутобаат доирасига киритилган эллар ва вилоятларга тайинланган ҳокимлар ҳукмронлика да ўзларини мустақил ҳисоблаб, билган номаъқулчиликларини қилинган. Бундай аҳвол тез-тез рўй берид туради, унинг салбий томони миллий ўлкаларда Темурийларнинг мақоми тобора тушиб боришига асослар тиркашида эди. Абулқосим Бобур Мирзода вазиятга топқириона сиёсий баҳо бериш, шуни кўзлаб ҳукм юритиш, вилоятларни бошқаришда садоқатли амирларни танлаш фаросати етишмай қолаётгандек эди.

Бир томонни мустақамламай, иккинчи томонга човут солиш узоқни кўра билмаслик, сиёсатдонлик эмасди. У ҳали Шероз ва Исфаҳон мавзеларида сархуш юрган кунларида, кўзига мил тортиргани акаси Алоуддавла Мирзонинг хуружи воқеъ бўлади.

Ироқ ва Форс ҳарбий юриши, бу хабар бўлмаганда, эҳтимол, ҳали анча давом этган бўлармиди. Шероз ва Исфаҳон йўлининг ўртасида жойлашган Кўшки зард мавзесида ўрду қилиб турган Абулқосим Бобур Мирзо, хушини йифиб Хурросонга шошилмаса, акасидан Ҳиротни олиш мушқул бўлишини тасаввурга келтириб, 1452 йилнинг 2 августида (856 ҳижрий, ўн олтинчи ражаб), пайшанба куни йўлга чиқди. Бир ҳафта йўл босиб, унинг мавқаби Язднинг Тафт шаҳрига етишди. Язд шаҳарчасида улуф олим, Темурийлар тарихининг улкан билимдони Шарафиддин Али Яздий ҳазратлари истиқомат қилиб турарди. Язда қўниб ўтилган кунларда Абулқосим Бобур хаёлида «Зафарнома» муаллифини зиёрат қилиш истаги туғилди. Уни сўраб-суриштириш бошланди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги шоҳ асарни – «Зафарнома»ни яратган алломанинг ҳаётлигини билиб, Абулқосим Бобур Мирзо ҳайратини яшира олмай, унинг тавоғига боришини пайсалга солиб ўтирмади.

\* \* \*

Абулқосим Бобур Мирзо Язд хонақоҳига, номдор муаррих ҳужраси сари елиб бораркан, бундан беш йил бурун бўлиб ўтган воқеани эслади. Шу йили баҳорида у мавлавий Шарафиддин Али Яздийни биринчи марта кўришга мусассар бўлганди. Кўрганда ҳам алломанинг шубҳа остига олиниб, ҳаёти тиф дами устида турганида дуч келганди. Ироқ ва Форс мулклари тасарруфида бўлган акаси, бобосининг арзандаси саналган Султон Муҳаммад Мирзо кутилмаганда қаламравидаги ўлкалар ҳокимиятига қаноат қилмай, қўшни вилоятларни бирин-кетин босиб олишга танда қўйганди.

Шоҳруҳ Мирзо бу даъвогарликка тоқат қилолмай, қаттиқ, койиниши билан Султон Муҳаммадга қарши ўз раҳнамолигида ҳисобсиз

чериқ тортиб, Рай томонга юз бурди. Ҳолбуки, куз ўтиб, қиши бошланган, совуқ кундан-кунга қаҳрга қарши заҳрини сочмоқда эди. Ҳижрий 850 йилнинг рамазон ойи (1446 йил декабрь) бошларида Исфаҳонга етиб, ўрдуга қўналға қилинди. Бу жойда Султон Муҳаммад Мирзога тарафкашлик қилган, очиқ матн билан айтиладиган бўлса, Шоҳрух Мирзонинг қаруви етган, касалманд, унинг ўрнига ёш шаҳзода набирасини кўтариш ташаббусини бошлаган саййидлар, умуман, шу ташаббус жамига бош қўшганларни бандга олиш қизгин амалга оширилди. Кўлга олинган ташаббускорлар сони йигирмадан ошиқ эди. Улар орасида йирик руҳонийлар, саййидлардан ташқари, амалдорлар, олим-у фозил кишилар ҳам бўлиб, бириси Шарафиддин Али Яздий эди.

Шоҳрух Мирзога тақдим этилган айгоқчилик санадларида Шарафиддин Али Яздийнинг Султон Муҳаммад Мирзо мураббийси ва муқаввийси сифатида мудом ёнида бўлиши, қаерда юрмасин, у зотни ёнидан бир зум ҳам қўймаслигини, демишларини қулоқ бурмай тинглашларини, хуллас, йўл-йўриғидан чиқмаслигини, бўйсун-маслик, исён ташаббусининг маслаҳатдони Шарафиддин Али Яздий эканлигини рўйкач этувчи битиклар мужассам этилганди. Сова булукида, 1446 йилнинг 4 декабря ташаббус гуруҳининг барча аъзолари дорга осилди. Биргина Шарафиддин Али Яздий тақдири на у ёқлик, на бу ёқлик бўлмай, баҳс-у машваратларга, тортишувларга сабаб бўлди. Амирларнинг аксарияти муаррих бўйнига сиртмоқ тушишини ёқладилар.

Табиатан вазмин, шоҳлик мушкулларида кўзи пишган, ажр ва жазода тажрибаси қирқ йилни ёвуқлаб қолган Шоҳрух Мирзо падари бузруквори, Соҳибқирон Амир Темур руҳига қарши боришни теран мулоҳаза қилди. «Бузруквор отам давлат бузғунчисига нима жазо белгилаган бўларди? – ўйланди у. – Хоинларни кечирган, заҳарлаганларни ўлимдан халос қилган Соҳибқирон, бу қилмишнинг ҳам баҳридан ўтган бўларди, албатта». Шоҳрух Мирзо бир қарорга келди-да, аркони давлатининг жам бўлганлари ҳузурига муаррихни олиб киришни буюрди.

Қартайган, қотмадан келган, оппоқ соқоли кўксига тушган Шарафиддин Али Яздий боши эгиланган кўйи шоҳона чодирни тўлдириб ўтирганлар ҳузурига кириб келди. Аллома салом қилдими ёхуд ўтирганлар, аниги бўлмади. Шоҳрух Мирзо ўртага чўккалаган муаррихга қаради-да, дона-дона қилиб шеър қироат қилди:

*Чархи дун, юлдузлар қолмишдур қариб,  
Сенинг эса, баҳтинг камолга етди.  
Бу дунё наъбатдур, ўрнини бериб –  
Қари, яхши эди, дейилса, «кетди».*

Жамоатнинг қулоғи динг бўлди. Нечун қалтис сўроқ чоғида шаҳаншоҳ ашъорга лутф қилиб, мушоира хоҳларму, деб баъзи амирларнинг энсаси қотди. Шарафуддин Али Яздий эса, мулзам тортгандек, бу рубоийсининг Шоҳрух Мирзо қўлига қандай тушганидан ҳайрат-у хижилда қолди. Таржимадан таржима қилиб, мазмунини келтираётганим ушбу шеър муаррих томонидан Султон Муҳаммад Мирзога атаб ёзилган ва унинг базмларидан бирида ўқиб берилганди. Шеърда «коса тагидаги нимкоса» шу эдики, унда Шоҳрух Мирзонинг қариб қолганлиги, таҳт ва тожни набираси Султон Муҳаммадга топширса, кўнгилдагидай иш бўларди, деган мантиқ уфуриб турарди.

Шоҳрух Мирзо донишманд ва билимдон подшоҳ эди. Маснавий китобларни кўп мутолаа қилган, мусаннифлар таъбини ҳурмат қиласар, китобларни қадрлар эди. У сатрлардаги яширин киноянинг моҳиятига етиб, уни ўз муаллифига ўқиб бераётганида истеҳзо туymади. Шундай улуф ёшли, бундан йигирма йил муқаддам падари бузруквори ҳаёти ва юришлари, даҳо ҳукмдорлиги тўғрисида «Зафарнома»дек буюк китобни яратган алломанинг давлат ишларига аралашиб, ёшларга тўғри йўл кўрсатишдан кўра, йўлидан оздиришни мақсад қилганидан койиниш сезди:

– Мени қариб қолди, бас, бу тарафларга, Ироққа келолмайди, дебсиз, – мулоим товушда сўзлади Шоҳрух Мирзо, – бирон-бир асос-удалилингиз бормудир?

Шарафиддин Али Яздий шоҳнинг мулоим сўроғидан дадил тортди-да, ўзини гуноҳкор ҳис қилгани ҳолда, тўғри гапни айтишни бурчи деб билди:

– Аъло ҳазрат, бир қошиқ қонимдан ўтгайсиз, – деди салмоқлаб, – шаҳзода Султон Муҳаммад Мирзога беҳад рағбат қилибдурмен, афу қилғайсиз. Шаҳзодада салтанатнинг ёрқин нур сочувчи офтобини кўргандекман. Шаҳзода бағрингизда вояга етган бир навниҳол ва давлат матлаъидан тулуъ қилиб, шон-шавкат авжига етишган бир юлдуздир, деб билурман. Шаҳаншоҳим, мен ақди қусур чолдин айб ўтди, узроҳдигимни қабул этгайсиз. Магарам, Султон Муҳаммад Мирзодек бир сарвни, биз, нотавонларни деб, оёқдан йиқитмассиз, шундай тунларни ёғду қиувчи ойнинг ботишига изн бермассиз, у ёшлиқ қилди, шўхликка, итоатсизликка йўл қўйиб, аъло ҳазратга азиятлар етказди, тилагим, улуғ давлатингиз соясида, бунга эътибор юкини ортмагайсиз.

Шоҳрух Мирзо аллома жавобини бўлмай, эшилди. Ёнда ўтирганлар норози оҳангда қимиirlab қўйишар, томоқ қириб, «бўлди, бас», демоққа тайёр эканликларини сездиришмоқчи бўларди. Подшоҳ бошини хиёл қимиirlатиб, гапнинг давомини тингламоқчилик эди.

– Подшоҳи сарварим, – хитоб қилди аллома, – Темурийлар қудрати бу қулингизга кўпдан аён. Менда унга шак-шубҳа қилишга бирор

асос йўқ. Шаҳзода ёнида бўлганим, айтилган номатлуб даъволарга гувоҳ бўлганимни Аллоҳ билур ва бандалардан сир тутмасман. Аммо қудратингизга, ёғийлар танобини тортиб қўйишингизга ақлим монелик қилмайдир. Мазкур бўлган сўзларга келганда, худо сақласин, мен ундан деган эмасман, агар бирор киши бу сўзимга хилоф гапни ҳумоюн қулоқдарига етказган бўлса, у бир туҳматдирки, бу дуогўйингиз бўйнига тақибдилар.

Гуноҳкор тариқасида боргоҳда тиз чўқтирилган олим қариядан бу сўзларни эшишиб, пойгакда ўтирган сарой атёнларидан бири чакмони этагини гижимлаганича, қаттиқ сиқди, юзи анор пўстлоғи туси ни олди. У тўрда ўтирган Шоҳруҳ Мирзо тарафга бош қўтариб қаролмас эди. Бунга пайхос қилиб турган, бобосининг чап томонидан жой олган Абдуллатиф Мирзо гап нимадалигини сезгандай бўлди. Яна бир нарсани билдики, бобосига қарор қабул қилишда далда керак. Машваратда бир зум сукут парда ташлагандан, у Шоҳруҳ Мирзога қаради, сўз айтмоқ бўлиб, ўрнидан қимиirlab, тараддудланди. Назарида бобоси имлагандай, бош силкигандай туюлди.

– Олампаноҳ, ҳазрат хоқони саъид, музafferни олам! – минфирилаб гапини бошлади Абдуллатиф Мирзо, – сояи давлатингизда ўқиб, савод чиқарибмизким, жаҳонгир бобомиз тарихини муқаррар қилибмиз. Шул тарихлар ичинда мукаммали, ҳақ каломнинг событи Шарафиддин Али Яздий қаламида ораста топибдир. Бул шариф зотни кўрмаган эрсак-да, китобларини дўст-у устоз билибмиз...

Шоҳруҳ Мирзо толиқиш сеза бошлаган, меъдада яна кучли оғриқ тарқала бошлаганди. Алломанинг тақдирини қай йўсинда, бу амирлардан ижтиnob қилиб, дорга тортмаслик фикрида бўлиб турган подшоҳга набирасининг гаплари ўринли, вақтида айтилган бўлиб чиқди. У, нутқини давом эттириш пайида бўлган, қизариб кетган Абдуллатифга қўлини сал қўтариб, ишорат қилди, бу «бас, етарли» деган маънони англатди.

Абулқосим Бобурнинг кечагидай эсида, Абдуллатифнинг обрўси бирдан ошиб кетган, ҳамма унга таҳсин ва қуллуқлар айтиганди. Бобоси Шарафиддин Али Яздийнинг қонини бағишлигандан, ихтиёри унга берган эди. Яна ёдидаки, ўшанда Абдуллатиф мавлавийга катта ҳурматлар кўрсатган, лашкаргоҳда олиб қолмай, Ҳиротга, ўз хонадонига жўнатиб, уйда шароит ҳозирлатган эди. Ҳиротда бобоси вафотидан кейин алғов-далғовлар бошлангач, кекса тарихчи яна Тафтга, туғилган жойи Яздга рухсат олганди.

Орадан ўтган беш йил алломанинг тик қоматини букиб қўйибди. Узун ҳассасига таяниб, хонақоҳнинг соя афган ён томонида мажолсизгина шолча устида ўтиради. Абулқосим Бобур Мирзо отдан тушиб, уч-тўрт одами билан истиқболига қадам ранжида қилганида ҳам, эътиборсиз саломларига алик олди. Мирзо ўзини таништириб,

у зотни Пашовда бундан беш йил олдин кўрганлигини, Шоҳрух Мирзо машваратида сўзини тинглаганлигини айтди. Шунда, мавлавий Яздийнинг чиройи очилди-да, Абулқосим Бобурга таъзим бажо келтирмоқ учун ўрнидан қўзғалди. Абулқосим Бобур чаққонлик билан алломанинг елкасидан қучиб, азиятга ҳожат қолдирмай, уни тавоғ қилди. Олиб келинган совға-саломлар унинг ҳужрасига киритилди. Тұхфалар орасида либослар, дон-дун, озиқ-овқат, ёнғоғ-у майизлар ва анчагина пул бор эди. Мавлавийга бу ҳадялар умри охиригача етиб ортадигандек эди. Гоятда шоҳона ташрифдан таъсирланган мавлавий дуога қўл очиб, хайрли тилаклар билдириди.

Абулқосим Бобур Мирза ортга хушнуд бўлиб қайтди. От устида ўзининг олим билан учрашувидан жуда мамнун бўлди. Амакивач-часи Абдуллатифнинг умрида қилган бир яхши иши Шарафиддин Али Яздий ҳазратларининг ҳаётини сақлаб қолищдаги жўмардлиги бўлганлигини хаёлдан ўтказди. Хаёлдан Абдуллатиф воқеатини ўтказар экан, унинг отаси Улугбек Мирзога тажовуз қилганлиги, ўлимига ижозат берганлигини қандай баҳолашни билмай қолди. Ички бир туйғу, «Абдуллатиф падаркуш бўлса, сен, эй, Абулқосим, биродаркушсан-ку, нега уни маломат қиласан, аввал ўзингга боқ...» деяётган эди. Йўргалаб келаётган отга зарбли қамчи урилди. Бедов бир сакради-да, чопиб кетди. Мирзо аламни, хотираси аламини остидаги отдан олди.

1452 йилнинг кузида Шарафиддин Али Яздий билан бўлган учрашувда яна бир муаррих Абдураззоқ Самарқандий ҳам Абулқосим Бобур мавқаби орасида бўлган эди. «Матла»да бу борада у шундай деб ёзади:

«Бу сатрлар муншийси Абдураззоқ (яъни «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» муаллифи – муал.) самимий ҳам ёқимли мажлисда фойдалар дурдоналари ва нозик ҳазил-мутойибаларидан қўп фойда олди. Қизиқ тасодиғлардан бири шуки, фазилат эгаси мавлоно Шарафуддин Али Яздий ҳам назм тушиб, ана шу «Бобурхон» ҳарфларидан тарих чиқарib, тақдим этди».

Дилкаш гурунгдан кейин қайтишдаги хунук хотира Абулқосим Бобур Мирзога қаттиқ малоллик келтирган, назм ҳам, тарих ҳам бирдан хира тортгандек эди. Унинг дилини кемираётган номсиз туйғу, барибир, портлаши, мубҳамлигича қолмаслиги керак эди. Мирзонинг табиатини, феъл-ўйини тушуниш қийин эди.

\* \* \*

Шафқатсиз ҳукмронлик ва зўравон қаттолликка ҳам кўз тегади, дейилди. Абулқосим Бобур Мирзо салтанат тутганидан қўп ўтмай, ҳижрий саккиз юз эллик еттинчи (1453) йилга келиб, саксон йилдан ортиқ Соҳибқирон Амир Темур ва авлодлари итоатида бўлиб келган Ироқ ва Форс мулклари – Озарбайжон мамлакатидан то Уммон

денгизи соҳилларигача бўлган заминлар қўлдан чиқиб, душманларга тобеъ бўлиб қолди. Абулқосим Бобур Мирзо Форс ҳудудини ишониб топширгани Султон Санжар Мирзо ўз жонини қутқариб, шумшайиб, Ҳиротга қочиб келди. Салтанат вазоратида ҳам ишлар яхши эмас, мол-амвол сарфида, хазинани форат қилишда устомонлар каламуш янглиғ фимиirlардилар. Бу эса бир-бирини сотиш, бир-бирини йўқ қилиш, ўринни эгаллаш, мансаб талашиш ва пировард натижада, мартабадан фойдаланиб, маблағ ўмаришга қаратилган пойгани авж олдириб юборганди. Дастири аъзам, бош вазир Хожа Фиёсиддин Пир Аҳмад ал-Хавофий шу ишларнинг бошида туар, мамлакатнинг бутун молиявий олди-бердиси унинг тасарруфида эди. Вазири аъзамнинг нафси ҳакалак отганлигини бирга ишлайдиганлар ҳам, саройга қош-кипприк бўлиб кетган амирлар ҳам сезиб юрадилар. Кунлардан бирида, амирлар ва уч-тўрт вазир Фиёсиддин Пир Аҳмад қилиқлари ҳақида Абулқосим Бобур Мирзога арз қилишга ботиндилар.

Вазири аъзам давлат маблағларини ўзлаштириш, кирим қилмаслик ва таъма йўли билан ҳаддан ортиқ бойиган эди. Ватани Хавофда қанча иморатлар қурган, сурув-сурув қўйлар, пода, туялар, отлар бор эдики, уларнинг ҳисобига етиб бўлмасди. Ҳиротнинг кунчиқар томонида бутун бошли маҳаллани банд қилган, уруғ-аймогини жойлаштирган, бойликка кўмилиб яшаш ҳадисини чунон ўзлаштирганди. Амирларнинг шу маҳаллада турғун бўлиб яшаб келган қариндошлиари зўрлик билан шаҳар четига кўчирилган, уларнинг арзи восита билан шоҳнинг қулоғига етганди.

Вазири аъзам шоҳнинг ҳузурида сўроқ бериб, айтилган айбларнинг ҳаммаси бўхтон, менинг бир уйим, бир отим бор, холос, деб туриб олди. Даъвогарлар иштирокида тафтиш ўтказилганда, Ҳирот ва Хавофда бойликлар ўз тасдифини топди. Вазири аъзам бўйнига ўттиз юз туман кепакий нақд пул солинди. Нақдина бойлиқдан айрилган Фиёсиддин Пир Аҳмад ўзига пичоқ санчди, ўлмай қолди, охири, заҳар ичди-да, аламидан бу фоний дунёдан қутула қолди. Ҳаром давлатдан ҳам, ҳалол жондан ҳам бирйўла озод бўлди.

Ҳирот вазири аъзамнинг жон таслим қилганидан хайрат бармоғини тишлаб турганида, ғаддор амирлар, муфсидликни касб қилиб олиб, шундан нафъ кўраётганлар ич-ичида кулар, яна кимнинг кунини қора қилишни режада пишитар эдилар. Мирзонинг улар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолганлиги булатсиз мусаффо кунда чарақдаган офтобдек равшан эди. Аслида, шоҳга ёмон қўрсатилганлар ана шу муфсидларнинг кўролмайдиган, ҳасад боғлаган каслари эди. Абулқосим Бобур Мирzonинг анои ва гапга учармонлиги, тутуруқсиз ва қарорда бетайнлиги, тугма қўрқоқлиги, қуш қанот қоқса ҳам, юраги патиллаши ифво аҳли, ўч ва ҳасад аҳли томонидан теран,

изчил ўрганилганди. Бу машъум хатти-ҳаракат, қилмишлар ортида, киши билмас, мансаб ва бойишга интилиш фалаёни кўпчиб турарди.

Абулқосим Бобур Мирзонинг Ироқ юриши вақтида ҳам фалокатлар ортдан қолмади, ҳasad аримади. Шоҳнинг маст-аласт куни ҳушёр дамларидан беҳад кўп эди. Майу шаробдан озода вақтларида оқилона тоғларга бел боғлар, орият йўриғи ҳақида фикрлар қиласиди. Гуногун шароб шилонга мешларда оқиб кирдими, бас, Абулқосим Бобур шоҳ эмас, тошқинда оқсан пўкак мисол оқизиқча айланарди. Уни истаган буримда тутиб олиш, яъни эритилган мумдек хоҳдаган мақомга солиш жуда осон эди.

Ҳижрий саккиз юз эллик еттинчи йилнинг 23 ражабида (30 июль 1453) Абулқосим Бобур Мирзо туркманлар истилога киритган мулларини қайтариб олиш умидида Ироқ ва Форс томон қўшин тортиди. Мозандарон ўлкаси томонга йўл олган чериқдан анча олдинда елиб бораётган шоҳона мавқаб Машҳадга етиб, шаҳарга қўнди. Қадамжолар, Имом Ризо марқади зиёрат қилинди ва тезлик билан отланиб, Хабушон вилоятидаги Ёғиз Оғоч мавзесига етиб, шу ерда бир неча кун қўшинга ҳордик беришга қарор қилинди. Ушбу манзилда қўналға қилиб турилганда, муаррих топиб айтганидек, «ғайб пистирмасидан ажиб бир сурат юз кўрсатди», яъни шоҳ атрофидаги разолатни касбга айлантирган бир тўда мардум яна навбатдаги нағмасини, қон билан бўялган чилдирмасини чалишни бошлади. Бунинг маъниси шундай эди.

Абулқосим Бобур Мирзо аммасининг – Шоҳруҳ Мирзонинг қизи Марям Оғо ва Мұхаммад Жаҳонгир Мирзонинг ўғли бўлмиш Халил Султон билан болаликдан бирга ўсган, иккаласи яхши чиқишар эди. Олти йил бурун Пашов қишлоғида боболари Шоҳруҳ Мирзо бандаликни бажо келтирганда, мураббия бувиси Гавҳаршод Бегим уларга қиёб боқмай, Абдуллатиф Мирзони сипоҳиларга бош қилиб қўйганида, Халил Султон иккиси гапни бир қилиб, норозиликлари ифодати сифатида ўрдуни тарқ этиб, Пашовдан чиқиб кетгандилар. Ўтган олти йил Абулқосим Бобур учун тахт йўлида бир неча жасадларни ҳатлаб муддаога эриштирган бўлса, Халил Султон унинг ёнида бир тан бўлди, оғирида ҳам, зафарида ҳам Пашовда бирга бўлишилик ҳақидаги онтини бузмай, хизматда бўлиб келди.

Абулқосим Бобур Мирзо Ироқ юришидан қайтаётганида Халил Султоннинг фидойилигини тақдирлаган бўлиб, унга Язд вилоятини суюргол қилиб берди. Ҳокимликни яхши уddaлаб кетган Халил Султоннинг омади юришиб турган кезларда туркман лашкари Ироқ мулкларини ишғол қилиб, уни қувиб чиқарган ва шаҳзода минг хижиллик билан Ҳиротга қайтиб келди. Абулқосим Бобур Мирзо аммасининг ўғлига меҳрибончилик кўрсатиб, «Язд мулки бўлмаса, ўйла-ма, мулк ҳам, мол ҳам сендан дариф тутилмайди», деб шаҳзоданинг

жароқат бўлиб тушган ўйларига малҳам берган бўлди. Лекин Язд ўрнига ваъда қилинган «мулк ва мол»нинг ихтиёрига кириши чўзилиб, амримаҳол бўла борди. Шаҳзоданинг бир-икки даврада бу ҳақда ранжиброқ сўз қилиши ғаламислар учун дастак вазифасини ўтади.

Вақт чошгоҳга бўйлаётган маҳалда гандираклаб турган, шоҳона қабо ва ўқпар қадалган тожни хизматкор ёрдамида кийган Абулқосим Бобур Мирзо тилларанг дастшуйда наридан-бери қўл ювіб, ясатиғлик дастурхонга қаради. Унинг кўзи шароб тўла кумушдан ишланган, олтиндан ҳал берилган майкўзачада эди. Баковул шоҳнинг феълини билганидан олтин қадаҳни тўлдириб узатди. Кўллари сезиларли титраб турган Абулқосим Бобурнинг тонг отгунча кайф-у сафо қилгани, яна қунни май сипқоришдан бошлиётгани баковулга янгилик эмасди. Унинг ўзи ҳам тундаги шаробхўрликдан фориг эмас, бош оғрифи безовта қилиб турар, «қанийди, шоҳим бир марҳамат қилсалар», деб ичини ит тирнаб турарди. Шу аснода Абулқосим Бобурнинг:

– Ёлғиз ичурманми? – деган овозини эшитиб, баковул халлослаб, таъзим қилди-да, ийманибгина шоҳона дастурхонга яқин келди ва мулоzаматни кутиб турди. – Ўзингга-да қадаҳ суз!

Шоҳ баковулнинг ўзига қадаҳ тўлдиришини кутмай, одранг шаробни аста, ҳузурланиб симира бошлади. Кўзни оладиган totли таомлар, хилма-хил газакларга бир қайрилиб боқилмади, узук порлаб турган панжалар узатилмади. Баковул билинар-билинмас тамшаниб қўйса-да, оғизга луқма олишга ботинмасди. Унинг кўнгли тўқ, лаганда хил-хил пишиб, сўлакни қўзгалайдиган ширбоз этлари, барibir, уники бўлади, фақат бу ерда эмас, олиб чиқилгач. Доим шундай бўлади. Бу сафар ҳам...

Тунда ва қунда бир-бирининг изидан тушган май томирларда қон бўлиб оқарди, соҳибини маст-у аласт қилиб, уни ақддан оздиради. Надимлар, амирлар, муфсид аъёнлар шу ҳолатни кутиб туришар, ичиш қиёмига етганда баҳона топиб, шоҳ боргоҳига бирин-кетин кириб келишарди. Абулқосим Бобур уларни рад қила билмас, аксинча, сермулозамат бўлиб, қадаҳкашлар жам бўлганидан севиниб кетарди. Бундай шоҳона қун тартибига ҳамма кўнишиб қолган, айрим амирлар ўз чодирларида таом тотишини йиғиштириб, шоҳ билан тамадди қилишга ўтган эдилар. Дастурхондаги таомлар бир зумда шипшийдам бўлиб, баковул яна овқат кўтариб, зир қатнади. Унинг умиди пуч бўлди, таомлар қайтмади. Шароб тўла косалар бир-икки бор айлангач, амирлардан бири томоқ қириб, йўталган бўлди. Диққат бўлинниб, ҳамма у томонга қаради. Шунда амир: «Олампаноҳ, Сизнинг шу муборак салтанатингизни кўролмайдиган, бу шон-шавкатга ҳасад боғлайдиган каслардан қутулмадик-қутулмадик-да», – дея мужмал қилиб, гап суқди. Абулқосим Бобур бу сўзларни эшитиб, бирдан важкоҳати жунбушга келди. Гапни бир қилган амирларга худди шу керак эди. Яна бири гапни гапга улай кетди:

– Олампаноҳ, давлатингиз бардавом, ёғийлар жувонмарг ўлсун! Сиз ҳазрати олийлари ўзимники деб, уларга мулк берурсиз, вилоятлар суюргол этурсиз, минг афсуски, шукронаси йўқ, уларнинг. Каттароқ насиба истайдурлар, балким тахтингизни кўзлайдурлар, номардлар?!

Сўзларни тинглашга Мирзонинг ортиқ тоқати қолмаган, газаби шароб хумларига сифмас даражада тошган, қўли беихтиёр белидаги олмос ханжарга узанган эди.

– Ким эркан ўшал ярамас, – амирга ўдағайлаб, еб қўйгудек тикилди Абулқосим Бобур. – Айтингиз, йўғасам, ҳаммангизни қунпояқун этурман!

– Хўп, хўп, шоҳим, – ўрнидан туриб, қўлини қўксига босиб минғирлади амир, – биз надимларингиз муддаомиз тахтингиз равнақи, осойишидир, давлатингиз раҳнагарлари биз, қулларингизнинг ҳам душманидир...

Жавобни кутиб, сабр-бардоши тугаган Мирзо:

– Ким туур ёғий?! – дея бақирди. – Ямламай, дангалини айт!

Даромад нутқни ўрнига қўйган, Абулқосимни қаттолликка тайёр ҳолга келтирган амир:

– Эй, шоҳи муazzам, – деди товушини баландлатиб, – ким бўларди, анави Яздни бериб сийлаганингиз Халил Султон Мирзо-да!

Ҳамма ўрнидан туриб кетган, қўлни қовуштириб, Мирзога таъзим иродат этиб турардилар. Амирнинг Халил Султон исмини айтар-айтмас, «ҳа, шундай» деб бош силкидилар. Абулқосим Бобур Мирзо ёғийнинг кимлигини билиб, не қиласини билмай, бошини чанглаб қолди. Амиrlар яхши билардики, Мирзо шу қўйга тушдими, ҳукм ўзини кечиктирмас, темирни иссиғида мажақлаш амалга ошарди. Амиrlар амр-у фармонни кутиб, анча серрайиб қолдилар. Бу сафар улар кутганича бўлмади – ҳукм айтилмади.

Ҳамма гап-сўздан хабардор баковул дастурхонни қурилган, очкўз амиrlар чиқиб кетгач, мавридини топди-да, Мирзога сўз қотишга жазм қилди.

– Улуғ Мирзом, – деди у ҳамон бошини икки кафти орасига олганича куйманиб ўтирган соҳибига ижтиноб билан, – ичкуяр бир амиrlингиз, «бу ишни тафтиш қилмоқ лозимдир», – деди.

Мирзо унга жавоб қилмади. Баковул, қовун туширдимми, дея гап етказганидан минг пушаймон бўлиб, ортга тисарилиб, боргоҳдан чиқиб кетди. Кайфга қўшилиб, саксовул оловидек гуркираган ғазаб ҳам сўниб, тарқала бошлади. Абулқосим Бобур онгида «тафтиш» деган сўз айланиб қолди. Ишорат берди, бошига дубулға кийиб, қилич тақиб олган ясовулбоши кириб, таъзимга бош эгди. Унга, фалон-фалон амиrlар Халил Султон ва даъвогарлар ишини тафтиш қилсинглар», деган буйруқ берилди. Ясовулбоши, «амрлари вожиб,

бош устига», деди-да, орқага аввайлаб қадам қўйиб, чиқди. Тафтишга киришганлар эрта-ю кеч сўраб-суринтирилар, Халил Султонни ҳақиқатда Абулқосим Мирзога қарши боришга майл қилгандарни аёвсиз сўроқ ва калтакка тутдилар. Халил Султон ишончига кириб олган беш-ўн киши уни йўлдан оздирган, Абулқосим Бобурни сархуш чоғида ўлдиришга, ўрнига Халил Султонни қўйишадиган режжани амалга оширишга қасам ичиб, аҳдлашгандилар. Бу фитначиларнинг бари битта қолдирилмай тутилди ва бошлари танидан жудо этилди. Фитначиларнинг иккитаси Самарқанддан келиб, Халил Султон хизматига кирган ва Абдуллатиф Мирзони қатл этишда қатнашган, Самарқандда ҳокимиият Абу Саъид Мирзо қўлига ўтгач, муқаррар жазодан қочиб келган экан. Шаҳзодани йўлдан урган, авраган фитначилар дорулбақоға мажбуран жўнатилгач, Яздан Халил Султонни ҳам банди қилиб, ит азобини бериб, пиёда-ю сувора олиб келдилар. Абулқосим Бобур Мирзо амри билан ёш шаҳзода рамазоннинг иккинчи кунида (26 сентябрь 1453) боши ва танаси икки бўлак қилинди.

Ироқ ва Форсни қайта қаламравига киритиш ниятида катта қўшин билан йўлга чиққан Абулқосим Бобур сулола қўкартирган яна бир чинорнинг илдизига болта уриб, шу йил қишини Мозандаронда, Журжон вилоятида ўtkаза бошлади. Ёйий деб билгани қардошлири ва туғишиларини бирёёли қилиб, дили ором олган Мирзо гоҳо овга, гоҳо Журжон ён-атрофини томоша қилишга чиқарди. Қиши ҳам оёқлаб қолган, яйлов қилиб турган черикда зерикиш бошланган, ўрду ҳам яқин орада Ҳирот соғинчига тушганди. Юлдузи порлаб, шаробдан тўйганича тўйган Абулқосим Бобур Мирзони Ҳирот томонларда, Балх вилоятида ноҳушликлар қарши олажагини бу пайтлар мунажжимлар ҳам, башоратчилар ҳам тасаввур қиломасди. «Кўз тегиши» қиласи ишини пинҳоний равишида қилмоқда, камол ва завол талошида кейингиси имиллаб бўлса-да, босим келмоқда эди.

Журжонга йўл олислигидан анчайин ҳориган, соқол-мўйловлари қанчадан бери устара кўрмай тарвақайлаган чопар кун пешиндан оққанда етиб келди. Мирзонинг кўзи илинганди. Чопар ювишиб-чайиниб, кийимларини алмаштириб, тамадди қилди-да, муҳим хабарини тезроқ айтиши зарурлигини қистай бошлади. Кун ботиши олдидан у етказган хабардан Абулқосим Бобурнинг эс-ҳуши учеб кетди. Чопар ҳузурида чўкка тушиб, «Мирзо Султон Абу Саъид Омуя (Амударё – Жайхун – муал.) сувидан ўтиб, Балх вилояти томон келди, амир Пир Дарвеш ва Мирзо Али ботирлик кўрсатиб, Андхудгача илгари бордилар, тўқнашиш ва урушлардан кейин Мирзо Султон Абу Саъид голиб келди, иккала ака-ука қатлга етди. Бадахшон чегарасидан тортиб, то Мурғоб суви ёқасигача зафар паноҳидаги лашкар (Абу Саъид чериги – муал.) тасарруфига ўтди, Мирзо Султон

Абу Саъид тўла улуғворлик билан Балх рўбарўсида мақом тутиб ўтирибди», деди шошилмай.

Чопарга лозим иноят кўрсатилди, захирарадаги отлардан бири қўшиб берилди, уст-боши янги бўлди, хуржуни мато-ю нақдинадан қаппайди. Унинг келиши Ҳиротга кўчувни тезлатиб юборди. Ҳаво анча юмшаб, тоғ этакларида майсалар нишлаб қолган, ёнбағирлардаги қир-адирларда ушоқ моллар ёйилиб ўтлашарди. Қўшин йўлга тушишидан илгари вазири аъзам Хожа Важиҳуддин Исмоил Симонийни Ҳиротга йўллаб, раиятдан имкон қадар кўпроқ солиқ йифишга сафарбаста қилди. Хожа Важиҳуддин оғзига сиққан мол-у амволни андак фурсатда жам қилгани хабарини ўрдуга маълум қилди ва Абулқосим Бобур беҳисоб лашкари билан пойтахтга кирмай, унинг шимолий тарафидан қуюндек ўтиб, Бодғис вилоятига етиб борди.

Абулқосим Бобур тахтгоҳи Ҳирот ташрифига ҳам фурсат тополмай, Мовароуннаҳрдан босиб келган Абу Саъид Мирзога қарши қасдланиб бораётганида акаси Алоуддавла Мирзонинг чуҳраларидан бири ғалати дарак билан уни суюнтириди. Собиқ чуҳра, вақтида Алоуддавла Мирзо Балхдан яширинча Ҳиротга келган вақтида талайгина жавоҳиротни келтириб, Боги Зогоннинг бояни атрофига кўмиб қўйганлигини айтиб, топиб беражагини ошкор қилди. Мирзо, ишониб-ишонмай, ўн отлиқни унга қўшиб, Ҳиротга жўнатди. Мирзо девонининг амирлари чуҳра айтган жойларни титкилашга тушдилар ва боғнинг саройга тескари томонидаги бурчакдан айтилган хазинани топдилар. Муаррих, «моҳир текширувчилар уларнинг (олтин-кумуш, жавоҳир – муал.) қийматини белгилашдан ожиз қоладиган бу бойликни у мулк бағишловчи Хусрав Мирзо Абулқосим Бобур ҳузурига келтиргандарида, у беилтифотлик билан кўз учини ташлади-да, «булар аёлларга муносибдир», деди ва ҳарамдаги юзи берк хотинларга ва маҳрамлик қилувчи бир гуруҳга тортиқ қилди», деб ёзган эди.

Султон Абу Саъид Мирzonинг Мовароуннаҳрдан йирик аскарлар қисмини бошлаб келгани маъниси нимада эди? Абулқосим Бобур пойтахтидан узоқда, Ироқ мулкларида юрганини эшитиб, нияти Балхни талон қилишими? Охир, Хурросон сипоҳийларига дош беролмаслигини ўйлаб, Абулқосим Бобур Мургоб дарёсидан ўтиб, Балхга яқин қолганида, ортга қайтди. «Мирзо Султон Абу Саъид Термиз кечувидан ўтиб, дорулмулк Самарқандга бориб қўнди».

Бу орада баҳор, ёз ўтиб, кузнинг авж паллалари етган эди. Балхга келиб, ёғийнинг «қўрққан олдин мушт кўтарар» қабилида дўқлаши ва қайтиб кетишини заифлик аломати деб қабул қилган Абулқосим Бобур Мирзо унинг изидан тушишни чўтлади. Хожа Носириддин Абунаср Порсо ҳазратлари уни бу азиматдан ҳар қанча қайтаришга уринса-да, Мирзо бир гапида туриб олган, Жайҳунни ортда қолдирив, Мовароуннаҳрга от сурмоқ алангасида ёнарди.

Жайхунда шу йил сув мўл бўлди. Дарёдан кемасиз ўтишнинг имконияти йўқ эди. Қарорида қатъий бўлган Мирзо, ёғийнинг барча кемаларни нариги қирғоққа маҳкамлаб кетганидан жигибийрон бўлиб, пешқадам амирларидан Жалолиддин Увайс Тархон, Низомиддин Аҳмад, Султон Ҳусайн, Халил ва Шайх Абу Саъидларни кечув топиш учун Панжоб томонга лашкарлари билан юборди. Абу Саъид Мирзонинг нуфузли амирларидан бири, амир Аҳмадёр, Арҳанг кечувида кемалар ҳозирлашда кечиккан ва дарёдан ўтиш арафасида Султон Ҳусайн кучлари томонидан тутиб олинди. Бу омад амир Султон Пир Ҳусайнга кутилмаган мартаба берди – Абулқосим Бобур Мирзо унга олий девонда барча амирлардан олдин муҳр босиш имтиёзини пешкаш қилди.

\* \* \*

Абулқосим Бобур на саййиднинг, на эшоннинг, на аъёнларнинг насиҳатига бовар қилмади, уларни тинглади-ю, Мовароуннаҳрга қўшин тортишдан, Самарқандни қўлга киритиш қасидан қайтмади. Аҳмадёрнинг асирга олиниши кўп муаммоларга аниқлик киритди, чунончи, Бадахшон шоҳи ихтиёрида қайиф-у соллар мавжудлиги, дарёдан кечув жойи муайян эканлиги аниқ бўлди. Абулқосим Бобурнинг ададсиз қўшин билан силжиётгани Бадахшон шоҳига тинчлик бермай қўйганди. Ниҳоят, у чидаб туролмади-да, ўғлини тухфалар билан Ҳирот подшоҳи ўрдусига жўнатди. Шаҳзода қўшинни, шу жумладан, от ва араваларни ҳам дарёдан ўтказишдаги хизматга тайёр эканлигини изҳор қилди.

Бандаргоҳ жуда ибтидоий бўлиб, кема-ю қайиқлар, тераклардан ясалган соллар шунча одамга хизмат қилиши шубҳа туғдиради. Довюрак амирлардан айримлари шу боисдан я с о л қилишиб, ўзлари тошқин сувдан сузиб, нариги қирғоққа етишди. Кўпчилик кун бўйи навбатини кутиб, шалаги чиққан қайиқларга тушдилар. Муаррих бу кечувда, «ёшлари қайтиб қолган ва баҳтли кунлари оққанлари эса, гарқ бўлғанлар қаторига кирди», яъни сув оқизиб, чўкиб кетганини айтади. Абулқосим Бобур Мирзо кўз ўнгидан кексанроқ сипоҳийларнинг баъзи бирлари қайиқ чайқалишидан, солнинг тўлқинларга дуч келишидан, Жайхун нағмаларига дош беролмай қулашларини кўриб, юраги ортга тортаётган аскарларига далда бўлсин учун, қайиққа сакраб минди. Унинг ранги қув ўчиб кетган, ёнидагилар ўртага олиб, маҳкам ушлаб боришарди. Жайхундан ўтиш ҳафтадан ортиқ вақтни олди. Сипоҳининг аксарияти эсон-омон ўтишида Бадахшон шоҳининг сувчилари ва қайиқчилари зўр хизмат кўрсатди. Мамнун бўлган Абулқосим Бобур ёшлигига эшитгани Соли Саройга бориб қўнишни ихтиёр қилди. Вахш дарёси Жайхуннинг энг серсув тармоги эди. Ундан эсон-омон ўтилган бўлса-да, черикнинг қўпи ўзини ёмон ҳис қилаётганди.

Маҳмуд биёбонига етган сипоҳилар катта сувни кечиб, дала-даштда ташналиникка дучор бўлди. Шу боисдан Абулқосим Бобур Мирзо қўшиндаги ҳар уч туюнинг бирига, хачирларга сув юклатиб, саҳродан ўтишини амр қилди. Кўшин ўзини ўнглаб, қир-у адирларни ортда қолдириб, Ҳисор вилоятига етиб олди.

Ҳисордан чиқиб, Навандок мавзесида қўш ташлаб турилганда, Самарқанддан элчилар келди. Абу Саъид Мирзо шайхулислом, «Ҳидоя» муаллифи Бурҳониддин Марғиноний авлодидан бўлган Хожа Низомуддин Мавдуд ҳазратлари билан илм ва руҳоният соҳиби Жамолуддин Фатҳуллоҳ Табризийни элчилик расми билан юборар экан, ҳиротлик қариндошининг иззатини жойига қўйиб, тортиқлар пешкаш қиласан, сулҳ битимини ўртага солганди. Абулқосим Мирзо Навандок мавзесининг нохуш ҳавосини баҳона қилиб, ичишдан бош кўтармай қўйган, Ҳурсонда ҳам исми шарифлари яхши таниш бўлган зотлар элчи бўлиб келганлигига ҳам парво кўрсатмади. Элчилар билан амирларнинг мулоқот қилишидан бўлак илож қолмай, Пир Султон Ҳусайн, Жалолиддин Увайс Тархон, Низомиддин Аҳмад, амир Халил, Шайх Саъидлар муддаони эшитишга тўпландилар. Хожа Мавдуд ҳазратлари икки қариндош, бир томир ҳукмдорнинг қон тўкиши Яратган зотга ҳам мақбул эмаслигини Қуръони Карим ва ҳадиснинг табаррук сура-ю оятлари, ҳикматлари воситасида далиллаб, пировардида, ярашни, икки ўртада борди-кедини, савдо-сотиқни мустаҳкамлаш ва тараққий топдиришни сўзлай бошлади. Пир Султон Ҳусайн шайхулисломни жумла адогига етмай, қаттиқ силтаб ташлади:

– Самарқандда масжид-у мадрасалар кўп деб эшитамиз, – деди дағалдан дағал қилиб, – бу важ-корсонларингизни толиби илмларга айтарсиз, биз Мовароуннаҳрга ваъз учун келмадик, шайхим!

Унинг оҳангি заҳаролуд луқмаси бўлак амирларнинг ҳам жўшиб турган газабларини элчиларга сочишга йўл ҳозирлаб берди.

– Абу Саъид четгир улоқчидай, янайм ростроғи, қазноқдаги каламушдай кўпкари тўдасига кира олмай, омборда уй соҳибининг йўқлигини пойлаб йўртган кўйи Балхга бориб, талон қилса, шайхим, бу қайси каломга тўғри келади? – деди амир Низомиддин Аҳмад.

Шайхулислом бундай бўлишини кутмаган эди. Ўдағайлаётган, бундан-да оғир сўзлашга тайёр амирларга бир нима демоқдан чорасиз қолиб, ранг-рўйи оқариб, қаттиқ жаҳддан тили калимага келмади. Унинг иззат-нафсига тегилганига Фатҳуллоҳ Табризий чидаб туролмади-да:

– Ҳой, амирлар, – деди баланд овозда, – элчи зиммасидаги вазифа – фақат хабар беришдир, биз айтдик, сиз эшитдингиз, хабар биздан, қарор сиздан.

Амирлар бир челак сув қуйилган ўчоқдаги ўтдай ўчди. Фатҳуллоҳ Табризий гапини давом эттириди:

– Энди, айтилмаган бир сўз қолди, – деди у шайхулисломга қараб оларкан, – ва бу сўзни айтиш учун менга қасам ичирганлар, бу Султон Абу Саъид Мирзонинг қарз гапи, бўйнимда қолмасин. Ул зот: «Мен бу вилоятни капанак кийиб юриб олганман, осонликча ташлаб кетмайман, ҳар бир нарсадан қўрқабермайман, қўлимдан келганча сабот оёгини маҳкам тирайман», – деб тайинлаган.

Амирларнинг важоҳати ҳаддан ортди. Улар элчилар билан гапсуз қилганида кайфлари таранг ёки бўлмасам, ўз кучларига ҳаддан ортиқ ишонган эди. Улуг руҳоний ва олим кишини писанд қилмасдан, ҳақоратомуз муомалага эрк бердилар-да, уларнинг қўлларини боғлаб, қайдасан, Самарқанд деб кўчиб, жўнадилар.

Юриш давом этётгандан бери, саратон ўтиб, кузак ҳам миёнга тортиб бораарди. Рамазон, рўзадорлик сафар кунлари ҳам амал қилди. Одатда, ҳарбий юриш чоғларида бунинг узри бўларди. Лекин Абулқосим Бобур бу гал ижозат бермаганди. Ойнинг охирларига келиб, тавочилар қўшиннинг жувонгор ва буронгорига оралаб, лашкар кўригига тайёр бўлишликни жар солдилар. Муаррих бу кунни ҳижрий саккиз юз эллик саккизинчи йил рамазон ойининг сўнгги куни (23 сентябрь 1454) деб қайд этиб қўйди. Самарқанд босқини учун келаётган лашкарлар сафга тизилиб, А р з г о ҳ олдида кўриқдан ўтдилар. Бу манзаранинг шоҳиди бўлган тарихнависнинг бу ҳақдаги тасвири шундай:

«Эртаси куни саҳар тифи шуъласи олам юзини мунааввар қилган бир пайтда, мавқабларнинг қурол-аслаҳалари салобатидан ер табақаларини зилзилага солувчи ва жаҳон юзини жунбушга келтирувчи беҳисоб сипоҳ Арзгоҳ томон юзланди, шоҳона байроқлар баланд кўтарилиди. Лашкарлар майдонга юзландилар, сафлар мукаммал қуролланган тарзда тизилдилар. Мирзо Абулқосим Бобур илтифот шуъласини зафар паноҳидаги сипоҳга ташлаб, Арзгоҳга келди. У буронгор томондан кириб, лашкарни тумон-тумон ва қўшун-қўшун илтифот назаридан ўтказди... Ҳар бир киши ўз ўрни ва мақомини билиб, муносиб жойга тургач, к ў р к а, к ў с ва ногораларни ҳамда карнай ва бурғу чалиб, тифларини Самарқанд томон йўналтиридилар ва ҳаммалари бирваракай сурон солдилар. Уларнинг овозидан тоғ-у тошга зилзила-ю, дашт-у биёбонга фулгула тушди».

Ҳирот қўшини тоғ ва водийларни тай қилиб, Дарбанди Оҳанинга – Қаҳалқага етди, отларга дам бериб, йўлнинг танобини тортишда давом этди. Шу тахлитда шаввол ойининг ўн тўртинчи куни (7 октябрь 1454) Самарқанддан бир фарсаҳ масофа берида қўш ташлади. Жайхундан ўтиб, Мовароуннаҳр пучмоқларидан юриб келиш бир ҳафтадан ортиқ чўзилганди. Ажабки, на тоғда, на чўлда, на манзиллар сарҳадларида Ҳирот қўшинига монелик қиладиган куч қарши чиқмади. Бу ўн кунча бурун Навандокда турганиларида эл-

чиларни боғлаб, ўзлари билан олиб келаётган амирларнинг кекка-ишига боис бўлиб, «Самарқандда урушгудай мажол ва бизга қарши тургудай тоқат йўқ», деб йўл бўйи мақтаниб, бандга солинган Хожа Мавдуд ва Фатҳуллоҳ Табризийни масхара қилиб, бир айтиб, икки айтиб қўймасдилар. Бу бир тарғибот, сипоҳнинг қўлтифига сув пуркаш усули бўлиб қолди. Фуурланган лашкарнинг довюраклари отни қисташга, ҳаммадан аввалроқ Самарқанд дарвозасига етишга орзуманд ружда эди.

Жайҳундан Самарқандга қадар бир камон тортмай, қилич суғурмай, найза суқмай Самарқанд остонасигача катта қўшиннинг бамайлихотир, ерни топтаб бориши бесабаб эмасди. Султон Абу Саъид Мирзо Балхдан пойтахтига қайтиб келгач, лашкарининг аксариятига ўз макон-у кулбаларига қайтишларига изн берган, Самарқандда саноқли сипоҳийларни қолдирганди. Бунинг тафсилотини, насибики, ўз ўрнида, Абу Саъид Мирзо ҳақидаги бобда изоҳлаш ниятим бўлганидан, воқеанинг тадрижини бевосита Абулқосим Бобур Мирзо билан боғлиқ жиҳатларга боғлаш билан кифояланмоқчиман.

Хурсондан Мовароуннаҳрга, Ҳиротдан Самарқандга қўшин тортиш Шоҳруҳ Мирзо замонида, 1405 йилда, Соҳибқирон отаси вафтидан кейин юз берган, 1408-1409 йиллар оралиғида ҳарбий юриш яна такрорланган эди. Шоҳруҳ Мирзо саъӣ-ҳаракати билан парчаланаётган улуғ салтанат сақлаб қолинган эди. Орадан қирқ тўққиз йил ўтиб, қанча сувлар оқиб, мозий қаърига сингиб кетгач, Абулқосим Бобур Мирзо Мовароуннаҳрга лашкар бошлаб келишга журъат қилди. Бу юришнинг на сиёсий, на иқтисодий ва на ҳарбий асоси жўяли эмас эди. Асосий сабаб, Эрон ва Ироқ, Озарбайжон мулклари итоати боши берк муаммога айланганича қолиб, Шоҳруҳ Мирзо тасаррүфидаги сарҳадлар борган сари торайиб, Ҳиротнинг шукуҳи оҳорини хидалаштириб қўйган эди. Абулқосим Бобурнинг фарбни қўйиб, шарқقا интилиши, «буниси бўлмаса, наригиси» қабилида бўлиб, Мовароуннаҳрни билмаслиги, унинг тарихидан хабарсизлиги, раиятнинг азал масканини ҳимоя қилишга киришиш удумини ҳисобга олмаслик билан изоҳланса, моҳият ойдинлашади. Хулосани событ қилмоқ учун воқеалар давомийлигидан бир оз олдинга кетиб, муаррихнинг мана бу сўзларини келтириб ўтаман:

«Шаҳар аҳолиси ташқари чиқиб, – деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий, – барча мавзеларда жанг бошланиб кетди».

Темурийзода Ҳиротда ўсганлиги сабабидан, жангда аҳоли нинг иштирокини ва фаслнинг қишига тортаётганлигини ҳисобга олмаганди. Бу унга, Хурсоннинг мўри малах сипоҳига панд бермай қолмади. «Матла»да айтилишича, Абулқосим Бобур қўшини Мурғоб дарёсидан то Самарқанд этакларига етгунига қадар юзминг туда на айрилган. Майли, ўлган, касалга чалиниб, нобуд бўлган

туялар сонида муболага ҳам бўла қолсин. Шунча уловнинг нобуд бўлиши қўшиннинг оёғини қисқа қилиб қўймасмиди?!

Қўшин уловининг кўпчилиги Самарқанд муҳосараси давом эттаған қаттиқ совуқда, ем-хашаксиз қолиб, бирин-кетин сафдан чиққан. Аҳволнинг бу тариқа тангликка иниши, табиийки, қамал қилинганд Самирқанднинг теграсидаги қишлоқларни талон-торож қилишга мажбурият юклайди. Муаррих дейдик, «шу алфозда бир неча кун ўтгандан кейин Самарқанднинг атроф чеккалари талон-торож саҳнасига айланди. Хурросон ясоқийлари энди беш-олти фарсах узоқса бориб, галла олиб келар эдилар. Шаҳар аҳолиси бундан хабардор бўлиб, пистирма қўядиган бўлдилар ва ясоқийлар кетидан бориб, кимни кўрса ўлдирдилар, баъзиларининг эса қулок-бурнини кесиб, ўрдуга юбордилар».

Самарқанд қирқ кун давом этган қамалда ёғийларга қарши бир жон-у бир тан бўлиб курашди. Абдураззоқ Самарқандий, назаримда, аслияти шу шаҳардан бўлгани учун, ифтихор билан, «самарқандликлар шаҳарни муҳофизат ва ҳимоя қилиш борасида барча чораларни кўрдилар ва хурросонликларни ҳисор, бор-у ва бурж яқинига келтирмадилар», дейди.

Муҳосара чўзилиб бора, Абулқосим Бобурнинг дастурхонида ноз-у неъматлар, таом, ширмойи нонлар сезиларли равишда камайиб қолганди. Совуқ забтига олар, Ҳирот черигининг аксарияти юпун, шаҳар аҳолиси сандал ва манқалларга ўтин тополмай, ҳар иккала тараф ҳам қийинчилик гирдобида қолганди. Хожа Мавдуд ва Фатхулоҳ Табризийни масҳаралаган, қаттиқ сўзлар айтиб, бандга солиб келган амирлар энди мулзам, енгларини тортиб, қўлни иситишга, депсиниб исинишга зўр берардилар. Хожа Мавдудга гўё совуқ таъсир қилмаётгандек, занжирларни шиқирлатиб, кун бўйи нималарнидир ўқирди. Пир Султон Ҳусайн, девонбеги, икки элчи олдига овлоқ вақтни мўлжал қилиб борди. Уларнинг вазири аъзам – девонбеги боришидан сал бурун кишанлари ечилган, аммо қўриқлаш кучайтирилган эди. Пир Султон Ҳусайн саломни қуюқ қилди ва мақсадга ўтди:

– Сизлар орага солган сұлҳнинг куни туғди, – деди у гўё голибдай шамойилга кириб, – онҳазрат сизларга инъом кўрсатмоқни буорди. Самарқанд қалъасига элчи жўнатсақ, қабул қилар?! Шундай эмасми, Шайхулислом?!

Иккала тутқин элчи ишнинг шундай якун топишига амин эдилар, раиятнинг, икки тараф черигининг қанчалар азоб-уқубатлар кўраётганлигини яхши билиб турардилар. Шу туфайлидан девонбегига терс бормадилар ва ўз мулоҳазаларини айтдилар. Хуллас, келишув ўрин топиб, сулҳ қарор топди.

Пир Султон Ҳусайннинг Абу Саъид Мирзо элчиларига маслаҳат солиши бежиз бўлмай, Ҳирот тарафдан амир Халил, Аҳмад Ясовул

ва икки элчини тутқинликдан халос қилиб, Самарқандга қайтариш эвазига, самарқандликлар қўлига асир тушган амир Аҳмадёр, амир Аҳмад Афзал ва сипоҳийларни айирбошлаш муддаоси эди. Султон Абу Саъид кўпчиликка озчиликни эваз қилишга икки улуғ руҳонийни шунча азобга қолдиргани учун ҳам рози бўлди.

Абулқосим Бобур Мирзо бўлиб ўтган даҳмаза ва издиҳомлардан сўнг зулхижжанинг бошларида (1454 йил 22 ноябрь) иложисизликдан ярапувга эришиб, Карки кечувига етиб борди. Ичкилик ва ишратбоз Хурросон подшоҳи нимага эришди? Каркидан то Ҳиротга қадар бир ойдан ошиқроқ йўл босиб, ҳижрий саккиз юз эллик тўққизинчи йил 4-муҳаррамда Ҳиротга келиб тушди. Ҳиротда қишлоғ қилган Мирзо фарогатини топди – пойтахтда май ҳам, муғаннийлар-у ғижжаг-у най ҳам, ҳусн-жамоли камолга етган моҳитоблар ҳам кўнгли тусаганича бор эди.

Шаҳрисабздан ўтишда, муazzзам Оқсарой девори кошинларига битилган «Шоҳнинг сўзи – сўзлар ичра подшоҳдир», деган китоба унинг ёдида муҳрланиб қолганди. Шаҳрисабзга етиб, Жом орқали Самарқандга йўл олишидан уч-тўрт кун один қадамжоларни зиёрат қилган, улуғ бобоси қурдирган Оқсаройни томоша қилган Абулқосим Бобур бу муazzзам иншоотнинг салобатига, безаклар назокатига, деворий битиклари – китобаларга ҳайратдан лол қолган, яrim кун пештоқдаги сулсий ёзувларни ўқишига беихтиёр берилиб кетганди. Соҳибқирон бобосининг биринчи нақший китобаси «Рости русти» бўлиб, Мирзони бу сўзлар маъноси жуда таажжубда қолдирган эди. Адолатни, ҳақиқатни, озодликни бош қасри Оқсарой деворига нақшлатган бобосининг сиймоси унга ҳайбатли сарой пештоқидан нигоҳ солиб тургандай бўлди-да, эти жимиirlab кетди. Пештоқнинг ён деворида жуда олисдан бемалол мутолаа қилиш мумкин бўлган катталиқда ёзилган «Шоҳлар сўзи – сўзлар ичра подшоҳдир» ибораси деворга эмас, юрагига муҳрлангандай таассурот қолдирди. Томоша пайтида ҳарфларнинг катталиги ва нақши нигори ҳайратга солган бўлса, орадан кўп ўтмай, Самарқанд юришида ночор сулҳга мұяссар бўлганида, бу ҳикматнинг маънисига амалда тушуниб ети. Эл-у юрт подшоҳи ўйлаб сўзламоғи, айтган гапига амал қилмоғи лозим экан. Бугун айтиб, эртага гапидан қайтса, неки тилига келса, тортинмай, мағзини чақмай, ўйламай сўйласа, демиши заиф бўлиб, шоҳликка ярашмас экан. Аллоҳ таоло мамлакат ва раият устидан ҳукм юритмоқни ато этган экан, айтар сўзинг ҳам тахтга кўтарилиши, подшоҳона бўлиши лозим. Бу, энг аввало, аҳдга садоқат шевасининг амалда воқеъ бўлишидадир. Абулқосим Бобур ҳушёр эди ва май тотмаган пайтларида тўғри ечимларга қодир эди. Унинг хаёлидан шу фикрлар кечиб, мулоҳазасидан ўзи ҳам завқданиб тургани-

да тезкор хабар келди. Самарқанд ҳукмдори Абу Саъид Мирзонинг укаси Манучеҳр Мирзо асир олинибди.

Манучеҳр Мирзо акаси Абу Саъиднинг Балхга юриш қилиб, Жайхундан ўтганида бир тўда лашкар билан Андхуд ва Зардак вилоятларини чопқун қилган, мол-ҳолларни талаган, харобаликларга қўл урган эди. Акаси қўшини Самарқандга қайтганида ҳам у сипоҳилари билан босқинни тўхтатмаган, зўравонликда давом этиб, ичкарилаб бораётганди. Қачонки, Абулқосим Бобур Мирзо Балхга, Мовароуннаҳрдан келган ёғийлар қасдида бу ерларга етиб келганида, Абу Саъид Мирзо ортга қайтиб, дарёдан ўтган, Манучеҳр эса, қочиб, дашт-у биёбонларга яширинган эди. Ҳирот лашкари Карки орқали Самарқанддан сулҳ тузиб қайтгач, Андхудни яна босқин қилиш фикри туғилади ва Манучеҳр Мирзо қопқонга илинади. Унинг аҳолига кулфат етказаётганлигидан безор бўлган уч-тўрт беклар изидан тушадилар. Шайх Зуннун сипоҳдари Манучеҳр борадиган манзил йўлида пистирма қўйиб, уни қўлга туширади.

Абулқосим Бобур Мирзо қўлига рақиб бўлиб, асир тушган кимлигидан қатъи назар, у туғишган акасими, жондош-қондош амакисими, ўлимга ҳукм қилишга одатланган эди. Унинг Самарқанд сафари бу қабиҳ атворга гўё таҳрир киритгандек эди. Абу Саъид Мирзо билан ўртада ярашув бор, энди бу келишув шартларига бош бурса бўлмайди. Ҳа, подшоҳ сўзи – сўзлар ичра подшоҳ! Шу билан ўзини овутган Абулқосим Бобур Мирзо мулкини талон-торож қилишга ботинган, кўп бедодликлар қилган Манучеҳр Мирзони бандга солиб Самарқандга, акаси ихтиёрига юборишни буюрди. Шоҳга бундай вақтда гап ўргатувчи, пишонг бергувчи, қўлга тушган ёғийга раҳм-шафқат қилмасликни қулоққа қуювчи амирлар бармоқ тишлаб қолдилар. Мирзо нега бундай йўл тутганлигидан улар ҳайрат ва аламда эдилар.

\* \* \*

Бу қайтар дунё экан. Ҳиротда кейинги олти-етти йилдан бери тож-у тахт кураши бурқсиб ва алангаланиб турганидек, Улугбек Мирзо қатлидан бери ўтган йиллар ичида неча талабгор юлдуз кўрмай тахтгоҳ гумбази остида сўнди.

Абулқосим Бобур Мирзо Манучеҳрни гуноҳкор сифатида бандга солиб, акасига топширди. Орадан кўп ўтмай, Ҳусайн Бойқаронинг Самарқандда ҳибсга олинганини тинглаб, Хуросон ҳукмдори қатага қўл урмай, тўғри йўл тутганлигини англаб, хотиржам тортди. Ўн етти ёшга кираётган Ҳусайн Мирзони ўйлаб, бош чайқаб қўйди, «яхши бўлмабди», деди ичида. Унинг ўзбошимчалиги, тож-у тахт ҳавасида саргашта бўлиши, қўлга тушиши Абулқосим Бобурни ачинтириди. Ҳусайн Мирзони у ёшлигидан биларди. Яхши таҳсил олган, раҳматли бузруквори Бойсунғур Мирзо хизматига кирган бинойи-

дай шаҳзода эди. Отаси вафотидан кейин оиласи эҳтиёжманд бўлиб қолган, яхши қалами бор, шеърларни чиройли айтарди. Мирзо шуларни кўнглидан ўтказаркан, шаробга қўл чўзди.

Самарқанддан келган нохуш дарак Ҳусайн Мирзонинг онаси Феруза Бегимни жунбушга солиб қўйди, фикри-зикри ўғлини ўлдирадилар, деган ёмон хаёлда эди. Хабарни эшитибօқ, намозшом бўлишига қарамай шаҳарнинг Давлатхона мавзесидан ҳаллослаб Боғи Зоғонга етиб келди. Бегимнинг саройда обрўсини қилишар, катта-кичик шаҳзодалар «амма» деб арзитишар, ҳарам аёллари хурматини жойига қўйишарди. Феруза Бегимнинг кеч маҳалда, йифлаганидан кўзлари қизариб кетган ахволда Абулқосим Бобур жияинини – подшоҳни йўқдаб келиши сабабини билганларидан, унга ижозат олиш учун чопқилашди.

– Олампаноҳим, жоним Мирзом, – деди кўркли, қомати сарв, энди эса, титраб, мажнунтолдек эгилган Феруза Бегим, – боболарим ҳаққи, Ҳусайнни банддан қутқазмасангиз, уни ўлдириб қўйишади, жоним Мирзом?!

Абулқосим Бобур Мирзо хушкайф эди, аммасининг сўзларига тоқат қилолмай, кўзларида ёш ҳалқаланди. Тахтдан тушиб келди-да, аммасининг елкасидан қучиб, ўрнидан турғизди ва ёндаги Исфаҳон гилами тўшалган, қалин кўрпачаляр солинган ўриндиқча ўтқизди. Ўзи ҳам аммаси ёнига чўқди.

– Бир чорасини кўрармен, аммажон, – деди ҳарир дастрўмолда кўзини арта туриб, – сиз асло ташвиш юкини тортмагайсиз.

Боғи шаҳрнинг Давлатхона манзилидан дили хуфтон, йифлаб-сиқтаб келган Феруза Бегим шодмон бўлиб, ўғли Ҳусайн эрта-индин ёнига қайтишини ўйлаб, хотиржам тортиб, уйига қайтди.

Абулқосим Бобур Мирзо вазири аъзамга девонда Абу Саъид Мирзо номига мактуб тайёрлашни, кечаси билан чопарларни йўлга тахт қилиб, тонг аzonда Самарқандга жўнатишни тайин қилди. Номанинг мазмунини у шундай баён қилди:

«Ҳусайн Мирзо, Соҳибқирон бобомизга каримут-тарафайн нашиба бўлур ва Мирзо Султон Санжарнинг куёви мақомидадир. Уни қандай бўлмасин, гуноҳини афв этиб, Ҳиротга юборсинлар».

Девон муншийлари шоҳона битикларга фасоҳатли ҳамд-у наътлар, саломлар, дилкаш, нозиктаъ жумлаларни ифодат этишга моҳир бўлиб кетгандилар. Мақтовлар силсиласида асосий мақсад муҳтасар тилга олинар, эътибори суст ўқувчи муддао талабми, илтиносми эканлигини кўпда фарқлай олмасди. Абулқосим Бобур йўналиш берган нома, муаррихнинг фикрича, «қатъий талаб» эди.

Чопар Ҳиротдан олиб келган мактубни икки-уч қатла ўқишига уринган Абу Саъид Мирзо, матлабни, барибир, илғай олмади, на боболарнинг, на Санжар Мирзонинг куёви эслатилганлиги аҳамиятли

бўлиб, онгга етмади. Фақатгина, укаси Манучеҳрнинг қайтарилганлиги жавобини бериш лозим деб билди. Унинг Ҳусайн Мирзодек тахтига кўз солган кимсадан қутулиш хоҳиши йўқ эмасди. Ёш шаҳзоданинг мулкига ўқтин-ўқтин қилаётган чопқунлари газаклаб кетиши ва катта талафот етказиши мумкин эди. Ҳусайн Мирзонинг неча йигитлари ҳалок этилди, яна нечаси унинг билан бирга занжирбанд ётибди.

Абу Саъид мактуб жавобида узоқ ўйланди. Ҳусайн Мирзога ўзи билан бирга ўлжа олинган оти, қурол-аслаҳаси қайтарилмай, ҳисбдан бўшатилди ва чўбирда узангисини босиб, жўнатиб юбордилар. Абу Саъид Мирзо ҳафта ўтиб, Абулқосим Бобур Мирзо юборган номани яна қўлга олиб, синчиклаб ўқий бошлади. Ўқиб бўлди-ю, хатни йиртиб, фижимлаб отди. Ўрнидан жаҳл билан турди-да, қўрчибошини чорлаб, тезлик билан Ҳусайн Мирзони топиб, қайтариб олиб келиш ёки саркашлиқ қилгудек бўлса, баҳридан ўтишга амр қилди. Ҳусайн Мирзо ёш бўлишига қарамай, шоҳлар сўзи ва сиёсатининг товланишини яхши билганидан, йўлни атай чалкаштирган ва бир кун аввал Жайҳундан нарига қадам босганди.

\* \* \*

Ойларнинг аввали ва мукаррами муҳаррам кирганига ҳафта бўлди. Бони Зоғонда тараддуд қизгин, эрта-индин тўй бўлиши, подшоҳнинг уйланиш шодиёнаси кутилаётир. Абулқосим Бобур Мирзонинг опаси Тамкина Бегим бу тўйнинг ташаббусчиси. Ёши қирқни қоралаб қолган опанинг подшоҳ инисига меҳр-муҳаббати бошқача. Айниқса, эри Алоуддавла Мирзо билан бўлган тўқнашувда ўқдан заҳмдор бўлиб, узоқ ётиб, нариги дунёга рихлат қилгач, укасининг далласига суюниб қолган, ҳарб-у зарбга кетган вақтларида юрагини ҳовучлаб, дуойи жонини қилиб, шу хонадонда кунини ўтказарди. Ҳижрий саккиз юз олтмишинчи (1456) йил подшоҳ хонадони учун саодатли бошланган эди. Қиши бу йил мулойим тўнини кийган, чангальзор-у тоф багирларида ов бисёр эди. Абулқосим Мирзо Шофлон вилоятига кушламишиб урфига кўра, аркони давлатининг яқин амирлари ва мерғанларини олиб кетиш одидан уй ичи билан хайрлашди. Тамкина Бегим инисида гапи борлигини айтиб, бир лаҳза холи қолдиришларини сўради. Опа-ука хонада ёлғиз қолгач, Тамкина Бегим кўпдан кўнглига туғиб юрган гапни тўкиб солди:

– Мирзо Бобур, биродарим, – деди рўмолининг четини юзига қиё тортиб, – илинжимни малолга олмассиз? Арзингизга кўпдан айтурга иштибоҳим бўлгани туфайлидан, ойлар, йиллар кечиб борадир. «Кечга тортганнинг хатари бор», дебтурлар, ростдир. Кўз нуrimиз Шоҳ Маҳмуд Мирзонинг, жигарбандингизнинг ёши ҳам улгайиб, ўнга кирди. Укажоним, Мирзо-ю аъло ҳазратим, шундан буён уйингиздан чақалоқ саси эшитилмайдир...

Опа кўп зорланди, Абулқосим Бобурнинг аёлидан қайтиб фарзанд кўрмаслигини, ўн йилдан буён бунга тоқат қилиб келганини койиниб, дангал айтди. Тамкина Бегим олий мартабали укасининг гапларига сукут қилиб, каловланиб туришидан, кўнглида рад йўқлигини пайқаб турарди. Опа анчадан бери шу ташвишда, Абулқосим Бобурнинг яна ўғиллари бўлишини жуда хоҳларди. Бони шаҳрда, ўзига қўшни бўлган савдогар хонадонига келин бўлиб тушганидан икки-уч йил ўтаётган бўлса-да, қалбида бахт нашъаси қулф урмаган келинчак Тамкина Бегим билан танишиб қолган, дилида чўкиб ётган андуҳларни гоҳида уҳ тортиб, ошкор қилиб қўярди. Келинчак foят сулув ва ҳурлиқо, эр эса, жўрттага ҳам ҳажв қилиб бўлмайдиган даражада хунук, юзи боши хумқавоқ, қўл-оёқ эса ингичка, ўлардай найнов эди. Бу хушрўянинг исми Канизак ойим бўлиб, эрига ҳуши ҳам, тоби ҳам йўқ, хушомадига, мол-ҳолига қайрилиб боқмасди. Канизак ойим хоналар авлодидан, отаси қизини куёвни кўрмасдан, бойлигига учиб, узатганди. Тўйдан кейин пушаймоннинг чеки бўлмаган, Канизак ойим эр баҳтидан мосуво, дарди ичида келарди.

Опаси кўз остига шу келинчакни олиб қўйганини ҳам яшириб ўтирмади, «Мирзойим, жон бовурим, шу маҳбубани бир кўрингиз, кўриб, ондин кўнгил айро қилиб бўлмайдир», деди бутун ихлоси билан ийиб. Абулқосим Бобурнинг шаръий хотини опаси айтганидек, бир оғир хасталикка чалинди-ю, устма-уст дунёга келтирган фарзандлари туғилиб-туғилмай нобуд бўлаверди. Ҳарамдаги чўриларга шоҳнинг рағбати ҳам, тунлар ичкиликдан, ашула-ю наводан, улфатчиликдан бўшамас, кўнгил ишига майли сўниб бораради. Тамкина Бегимнинг гапи унинг эрлик ҳамиятини қайта бошдан уйғотиб юборгандек бўлди. Опасига, «шикордан қайтиб, бовар қилгайман», деди.

Шоғлон тоголди чангалзорларида, дов-дарахтлар қоплаган ялангликларда шоҳ мавқабининг барори авжда бўлди. Абулқосим Бобур Мирзода камон отмоққа иштиёқ зўр, мўлжалга олса, қушми, кийикми, бехато уرارди. Чодирлар ҳамиша ўлжалар билан гавжум бўлар, хизматкор-у бовурчилар қўли қўлига тегмай, шикорда отилган қушларни, кийикларни тозалашар, антиқа таомлар пиширишарди. Овнинг тортиги мўл эди, майу шароблар ҳам зиёда захира қилинганди. Шоҳона шикор ҳам охир Мирзонинг меъдасига тегди. Шоғлон кенгликларида у опасининг сўзини эслаб қўяр, Тамкина Бегимнинг: «Сизга муносиб бир пари-пайкарни кўз остимга олганман, сафардан тезроқ қайтинг, кўришни маҳтал қилманг», деган кейинги матлаби кундан-кунга иштиёқини оширади. Шикор асбоби йигиштирилди, чодирлар арава-ю хачирларга ортилди ва Ҳиротга йўл олинди.

Тамкина Бегим уйида ов ўлжаларининг бир қисми пишириладиган, зиёфат уюштириладиган бўлди. Мирзо ҳам келишишлган вақтда опасининг уйига кириб келди. Опа-ука иккалалари хос хонада сұҳ-

бат қилаётган пайти қўлида Чиний гулдор, нафис чойнак кўтарган соҳибжамол эшитилар-эшитилмас салом бериб, эшиқдан кўриниш берди. Бу ўшал Канизак ойим бўлиб, висол лаҳзаларини Тамкина Бегим иродат қилган эди. Подшоҳнинг нигоҳи маҳдиқо Канизак ойимнинг ойдан-да тобон чеҳрасига тушиб, эс-хушдан айрилгудек бўлди. Унинг ҳарамида сулувлар, санамлар кўп бўлса-да, ҳали ҳозирга қадар ҳеч бири уни бу қадар, бир онда маҳдиё этолган эмасди. Хурросон мулкида, Ҳиротдек азим шаҳарда шундай фариштанинг борлигидан бехабар умр ўтказганидан ранжиб кетди. Муаррих, ёзмишига қараганда, кейинчалик шоҳ саройида бу табиатнинг ноёб инжусини кўрган бўлса керакки, шундай таърифлайди:

«Сўнг ҳумоюн хотирда (Абулқосим Бобур – муал.) уйланиш истаги уйғонди. У шундай бир фитнангиз эдики, гажакдор зулфи ҳалқаси билан ҳавас риштасини таранг тортган, жингалак кокилларининг учи билан ошиқлар дил-у жонини олиб қочар, гуллар таъзим этувчи сунбул сочининг мушкин занжирлари билан мискин дил оёғини боғлар, ниммаст наргизининг ғамзаси мужгони нишининг олмоси билан жон томирини очиб, дилга санчилар, дилни ёритувчи орази яллиғидан офтоб хижолатликка тушиб, шармисор бўлган, ружсори қуёшидан, ой тобони рашик ўтида куйиб тош қотган, хушқад сарв-у озоднинг қомати гўзаллигидан қулдек нотавон бўлган ва шамшод у санобар хуш хироми латофатидан гунафшадек бошини қуий эгган эди».

Назмиётда ҳам кетма-кет ташбеҳлар, ташбеҳлар бўлганда ҳам, мусаввирдек шакл-шамойилни ёрқин чизишида рангин, юрак-юракдан сараланган ўхшатишлар бу қадар қалб торларини черта олмайди. Ваҳоланки, Абдураззоқ Самарқандий «Матла»да бу таъриф-у тасвири келтирганида улуг ёш яшаган, замондошлари бўлган гўзал қиёфа соҳибаларидан бу янглиф таъсиrlаниш маррасидан ўтган эди. Тарихнавис ҳам беқиёс малоҳат ва кўрк олдида ўзи билмагани ҳолда ҳайрат уммонида қулоқ отади.

Подшоҳ Абулқосим Бобурнинг ўша пайтдаги аҳволини кўз оддимизга келтириш учун муаррихнинг яна бу сўзларига диққат қилайлик:

«У маҳбубанинг эри бўлганлиги учун Мирзо Абулқосим Бобурнинг олий ҳиммати шаръий рухсатсиз уни эгаллаб, шахсоният этагини шаҳват лойи билан булғашга йўл бермас, у шамнинг ишқида парвонадек куйиб ўртанар, кеча-ю кундуз муҳаббат оловида мумдек эрирди. Охири, амирлар унинг эрини маблағлар бериб, рози қилдилар ва у маҳбубага талоқ берди. Идда муддати ўтгандан кейин никоҳ қилиб, подшоҳона базм туздилар ва хусравона зиёфат муҳайё қилдилар. Соқий чеҳрасининг шуъласидан шодлик базми бир гулзордек эди; мусаффо шаробнинг қизитишидан гўзаллар ружсори лоладек яшнаб кўринар, муғаний хушовоз чангги нағмаси туфайли ҳаводаги қушни лочин чангали билан олгандек пастга туширад, руднинг шира-

ли овози билан шўрида булбуллар бошидан савдо иллатини қувиб чиқарап эди». Бу мўъжаз талқиндан Канизак ойимнинг никоҳ тўйи қандай ўтгани, шоҳнинг эри бор маъшуқага қандай етгани ҳақида умумийлик ўз ўрнини муайянликка ва фикрий музайянликка бўшатиб берган, деб биламан.

Подшоҳ ҳам бошда етиб бўлмас бўлиб кўринган Канизак ойим висолига куч билан эмас, зўравонлик ишлатмай, кўзи олтин-кумуш, мато ва молдан бўлакни илгамайдиган, гўзаллик ва таъвияни фарқлай олмайдиган савдогарнинг хотин сотувчи ўғлига оғзига сиққунича мол-у дунё бериб, унинг Канизак ойимни талоқ қилишига ва васл жафосидан сафосига айланган маҳбубаси оғушига йўл топган эди. «Ишқ, ичра шоҳ-у гадо баробардир», деб ашъоргўйлар ҳақ гапни назм қилган эканлар.

Канизак ойимни никоҳига киритган Абулқосим энди саҳарга қадар давом этадиган шилоналарни тўхтатиб, кундуз кунлари шаробга деярли қўл чўзмасди. Ўттиз тўрт ёшга кираётган шоҳнинг соғлифи ҳам ўнгланиб, ўзини тетик сеза бошлаган, оғочдек қотиб бораётган вужудида ҳам жир пайдо бўлаётган эди. Тамкина Бегим, «сабабки, тўрт-беш йил илгари шу ишга рағбат қилсан бўлмасмикан, – дея ўйларди-да, – унда Канизак ойим ўрнини ким босарди?» деган андишада жим қоларди. Тамкина Бегим улуф момоси, Гавҳаршод Бегимдан эшитгани бор, бобокалонлари Амир Темур олтмиш бир ёшида ўн икки ёшли Тўкал Хонумга уйланган экан. Темурийларнинг узоқ яшаганлари кўпми? Тамкина Бегим бобокалони ва бобоси Шоҳруҳ Мирзонинг узоқ ёш кўрганини ичкиликни хуш кўрмаганлигига боғлади. Падари Бойсунғур Мирзо ҳам шароб деса, дунёни унутиб, шаробкўза ичига кириб, ётиб оларкан. Биродари Абулқосимнинг асир бўлиб қолгани-чи?! Канизак ойим Аллоҳ таолонинг инояти бўлди, шайдолик зора майи нобдан айирса-ю, Абулқосим фарзандлар кўриб, улуф ёш яшаса, Соҳибқирон ва Шоҳруҳ Мирзолар ёшига етиб, етмиш-саксонни қораласа?! Опанинг ўйлари, хурсандчилик ва орзулари Канизак Бегим гўшангасида суҳбат қураётган подшоҳнинг майин кулгисига уйфун тушди-да, кулимсираб ўз хонасига томон қадам босди.

\* \* \*

Хижрий саккиз юз эллик учинчи (1449) йилдан бери доруссалтана Ҳиротда амният билан бамайлихотир даврон суришга вақти бўлмаган, умрининг аксар қисми от устида ё тахт талош ёхуд муҳофаза тадоригида кечган Абулқосим Бобур саккиз юз олтмишинчи (1456) йил қишини Ҳиротда эмин-эркин ўтказишга ноил бўлди. Унинг подшоҳлигига олтинччи йил тўлиб, саодатли еттинчи йил бошланаётган эди. Кўшни юртлардан, энг аввало, Мовароуннаҳрдан элчилар келиб турар, Абулқосим Бобур Мирzonинг подшоҳлик сиёғи эҳтиромга

лойиқ топила бошлаганди. Бундан икки йил олдин у Самарқандга катта қўшин билан, истило ниятида босиб борганида, шавкати чўғи пасайиб кетган, от-уловда, озиқ-овқат захирасида талафот ва ма-шаққат кўрган, қалъани муҳосара қилиш натижা бермай, ўртада сулҳ вужудга келганди. Сулҳнинг шартига кўра, шу йилдан (ҳижрий 858, милодий 1454) Мовароуннаҳр ва Хурросоннинг Соҳибқирон Амир Темур асослаган бирлигига Жайҳун дарёси чегара бўлиб, алоҳида подшоҳликлар мақоми тасдигини топганди. Амир Темур ҳокимияти ва Шоҳруҳ Мирзо подшоҳлиги даврида марказлашган давлат қарор топиб, муаррих таъкидлаганидек, саксон йил ҳукм сурган, жаҳоннинг энг буюк, қудратли, ҳудуди Осиёнинг, Африканинг муаззам кенгликларини қамраган мамлакатнинг парчаланиши, марказий ҳокимият тушунчаси тобора торайиб бораётган, тахтлар адади ҳам қўзиқориндай нишлаб орта бошлаганди. Аниқроқ қилиб айтилганда, бош-бошга ҳукм суриш гояси Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳрни отаси Шоҳруҳ Мирзо номидан бошқарган йиллардан ибтидо олган ва у зотнинг вафотидан кейин ошкора амалий тусга кирганди.

Абу Саъид Мирзо ўзини мустақил, Ҳиротга сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан даҳлдор ҳукмдор деб билса-да, Хурросон билан алоқани яхшилаш, яхши қўшничилик ва қариндошликни мустаҳкамлаш фикрида эди.

Баҳор Жайҳун қирғоқларига ҳаммадан аввал, тошқин сувнинг соғинчида қадам қўйди. Пишқириб, тўлқин отаётган асов дарёнинг икки қирғоқлари четларида юпқагина муз бўлаклари қолганди. Қишилласи қаттиқ бўлиб, четни босган қалин музлар ҳут кирав-кирмас эрий бошлаганди. Абу Саъид Мирзо, одатда, давлатчиликда баҳордан то кузгача сиёсатда ўзига хос чилла – совуқ муносабатларнинг амал қилишини сиёсатдонлик билан англаб, Жайҳун қирғоқларидаги муз юқларининг эриб бўлганини ҳис қилди-да, сиёсат бобидаги эриб-эримай келаётган музлар қаловига илиқ ташрифлардан ту-танқириқ қўймоқчи бўлди. Ҳиротга биринчи бўлиб, катта тухфа билан элчи жўнатди. Ҳожа Жаъфар Бозиргон тижорат ишлари билан Ҳиротда кўп бўлган, шаҳарнинг таниқли кишилари билан танишчилиги бор эди.

Абулқосим Бобур ўз амакизодаси Самарқанддан йўллаган мактубга эҳтиром билан қаради, Мовароуннаҳр подшоҳи билан бир илдиздан эканликларини, ўзаро ҳурматни сақлаб, бирликни қарор топтириш ҳақида айтганларини синчиклаб ўқиди ва мамнунлик туйди. Шундан кўп ўтмай, кетма-кет равишда Озарбайжондан, амир Тахуртанинг ворисларидан элчилар келди. Ҳафта кечиб, Румдан Султон Муроднинг ўғли, отаси ўрнида фармонбардор бўлиб турган Султон Муҳаммаддан элчилар етишиб, Абулқосим Бобур Мирзога давлатхоҳлик русумини бажо келтирдилар.

Тахтгоҳнинг шоҳона безатилган, кўп кишини бағрига оладиган улкан хонасида бутун аркони давлат, амирлар, саййидлар, шоир-у олимлар иштирокида элчиларни қабул қилиш маросимлари тез-тез ўтадиган бўлиб қолди. Абулқосим Бобур Мирзони шу кунлардаги савлат ва виқоридан таниш қийин эди. Саройдагиларнинг, вазоратдагиларнинг кўпчилиги подшоҳнинг шу вақтга қадар чўпдай озғинлигидан кўнгилларидан алланималарни ўтказар, «подшоҳимиз жисмида қандайдир иллат бор, худо кўрсатмасин, бираста бўлса-я?!» деган андишаларга борарди. Канизак Бегимнинг қадами қутлуғ бўлганини, подшоҳнинг қулфи дили очилиб, майу шаробдан юз бурганигини севиниб-севиниб, бир-бирига сўзлашарди.

Давлатнинг тан олиниши, соғлиғининг ўнгланиши Абулқосим Бобур Мирзога кўтаринкилик бахш этди. Лекин ҳаёт, айниқса, сиёсатда кун ўтказиш доимо офииятда, текис ва галвосиз кечмас экан. Кобул ва Фазни вилоятида Бобо исмли бир киши исён кўтариб, юртни босқин қилишгача бориб етган. У вилоятларни омон сақлашга муваффақ бўлинди, ғаддор исёнкор эса, Ҳиндистонга қочиб, жон сақлади. Ҳирот шаҳрида ҳам нотинчилклар, фаразли воқеалар чиқиб турарди. Шаҳарда Шамсиддин Муҳаммад Араб деган бир хушахлоқ олимнамо дарвеш бўларди. Вақтида чукур илм олган, мадрасани хатми кутуб қилиб, бир муддат мударрислик ҳам қилган киши эди. Ҳиротликлар ринд табиат бу кишига эътиқодли бўлиб, бозор-ўчарда, кўча-кўйда, тўйу таъзияда яхши гап-сўзларига қулоқ тутардилар. У ҳеч қачон уловда юрмас, мудом пиёда сайдра бўларди. Шоҳруҳ Мирзо уни шахсан танир, кўп садақа-ю ҳадялар берар, уй ичи, уст-боши, емоқ-ичмоғи ёрмогидан қарашарди. Шу боис, бу дарвеш зотнинг димоги кўтарилган, Ҳиротнинг ҳамма аъён-у акобирларини ҳам измига солмоқни истарди.

Ҳирот тахти салтанати Абулқосим Мирзога муқаррар бўлгач, муаррих шоҳидлик берганидек, «жаноб мавлавийнинг хотиридан: «бу подшоҳ менинг аҳволимга кўп илтифот кўрсатар», деган хаёл кечди. Аммо Абулқосим Бобур эса асло ва қатъян мавлавийнинг суҳбатига майл кўргазмади. Мавлавий шайтоний вассваса ундови ва нафсоний мулоҳаза умидида, давлатни (яъни подшоҳни – муал.) ўзгартиришга қаттиқ киришиб, кишилар фикрини оғдиришга қарор берди, кишиларни Мирзо Алоуддавла томонга даъват қилиб, уни сultonликка ўтказишга тарғибот олиб борди ва одамларни Мирзо Абулқосимдан совитиб, ҳар тарафдан ёлғон овозалар тарқатди. Лекин у офтоб чироғи ўчмаслигини тушунмади».

Бу овозалар Боги Зоғонга етиб бормай қолмади. Абулқосим Бобур Мирзо ёшлигидан дарвешликни, дарвешликдан танилишни, танилишдан нафсини ўйлаган Шамсиддин Муҳаммад Арабни ёқтирмас, унинг гуноҳи бугун хавфли, ўзига қарши қаратилганда ҳам, қўлини

қонга бўяшни истамади. Дарвешнинг тескари тарифоти унинг бўйнига дорнинг сиртмоғини нақд қилиб қўйганди. Мирзо, амирлар, «шундай қиласайлик», деганларида, қўл силтади-да, уни Ҳиротдан бадарга қилишни буюриш билан кифояланди.

Канизак ойимга уйланишдан кейин кечган уч-тўрт ой жуда сафоли бўлган, мамлакатда ривож ва осойиш, алоқалар тараққий йўлига кирган эди. Кейин эса, кичик бўлса-да, асорати катта, алнга чиқарувчи учқундай нохуш воқеалар изма-из бўй кўрсата бошлади. Луристон тарафдан Сайид Абдуллоҳ отли бир киши сипоҳийлар кийимида Ҳиротга келиб, Шамсиддин Муҳаммад Араб билан ҳамтовоқ бўлиб олган эди. Айғоқчилар ҳар икки ташвиқотчини қузатиб юрган қунларнинг бирида Алоуддавла Мирзо юборган жосус Шамсиддин Муҳаммад Араб ва Сайид Абдуллоҳга мактуб келтиради. Дарвешнинг кулбасига куни қоралатиб, бирор сезмаслиги учун панараб келаётган жосус ортидан подшоҳлик айғоқчилари тушган ва ҳар бир ҳаракати улар назоратида эди. Хонада учалалари энди мулоқот бошлаб, мактуб Шамсиддин Муҳаммадга узатилганда, хонага ўн чоғли одам кириб, уларни жиноят устида қўлга олдилар. Айтилганидек, Шамсиддин Муҳаммад Араб Сеистонга бадарга этилиб, Сайид Абдуллоҳ Андҳудга олиб кетилди. У манзилга етиб боролдими, бу ёфи ёлғиз Аллоҳ таолога аён. Жосусни эса сўроқ-истак қиласдан дорга осиб юбордилар.

Дилни хира қилган бу қиласдан поёнига етганда, Ҳиротда яна бир ишқал чиқди. Муаррих, «Шу қунларда, – деб ёзади «Матла»да, – бир ёвуз шиий доруссалтана Ҳиротда икки халифа – Абу Бакр ва Умарни ҳақорат қилди. Уни тутиб олиб, тилини тешдилар. Муқаддас шариат аҳдлари мажлисида унинг гуноҳи тасдиқлангандан кейин эса, дорга осилди».

Ислом динида икки ёнга қанот бўлиб чиқсан суннийлик ва шиийлик хилофатлари Ҳиротда аср бошларидан бери тинмай, гоҳида авжига чиқар, салтанат кучи, руҳонийларнинг қаттиқ туриши, раиятнинг майли билан сўниб, бosh кўтаришдан ожиз келарди. Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротда тахтга ўтирганидан йигирма йилча ўтиб, масжидда бир шиий уни пичноқдашга, суиқасдга уринган, жароҳатланган Шоҳруҳ Мирзо тузалиб, фитнадан омон қолган эди. Форс мулкларида шиийлар аксариятни ташкил этар, Хурросонда ҳам улар кам эмасди. Суиқасдлар мағзи-маъносида, миллий айирмачилик диний мазҳаблар қобиғига ўралган ҳолда, тахтга даъвогарларнинг қўллаб-қувватлови, аниқроғи, ташкил этиш қутқуси турарди. «Ёвуз шиий» тарафидан халифалар Абу Бакр ва Умарнинг ҳақоратланиши орадан йиллар ўтиб, яна азалий қутқунинг газаклай бошлагани далолати эди. Ҳирот руҳонийлари, машойихлари бундай мудҳиш диний жиноятга доимо сергак қарапдилар ва бу сафар ҳам, дин никобидаги бузғунчи қаттиқ жазодан қутулиб қололмади.

\* \* \*

Салтанатнинг олтинчи-еттинчи йиллари маҳобатли ҳарбий юришлардан тинган, подшоҳликни маромига етказиб, давлатхоҳлик қилган, шу даврда мамлакатига қаноат етказган, файз-у ривожга асос қўя олган Абулқосим Бобур Мирзонинг шавкати қиёмга ўрлаганди. Саккиз юз олтмишинчи йил жумад ул-охир ойининг (1456, май) охирларига келиб, табиатда, аниқроғи, Каҳкашон оламида хавотирнок бир воқеа содир бўлди. Муарриҳ дейди: «Машриқ томондан тонг отар вақтида, қуёш тулуъ қилиш олдидан бир қўйруқли юлдуз бағоят катта ва ваҳимали бўлиб қўринди. Бир муддат ўтгандан кейин мағриб томонда равshan ва аниқ қўзга ташланди. Кишилар орасида турли-туман бехуда гаплар тарқалиб, машҳур бўлди. Мирзо Абулқосим Бобур бу хил ҳикоятларни эшитишдан ташвишга тушиб, қўйруқли юлдуздан чиқариладиган ҳукм-далолатлар билан қизиқди. Бир неча кунгача юлдузлар далолатларидан воқиф кишилар ва илмлар сирларини кашф этувчилар (яъни мунахжимлар – муал.) ҳумоюн мажлисда тараддудда бўлдилар ва ҳукм далолатларини таҳқиқ қилиш билан шугулландилар. Охири барчанинг фикри, «унинг таъсири бу диёрга даҳл қилмайди», деган қарорга келди. Аммо мунахжимлар ёлғон сўзлайдилар, «Тангри Каъбанинг эгасидир», деган буйруқнинг тўғрилиги фоятда зоҳир бўлди, чунки кўп ўтмасдан, Мирзо Абулқосимнинг содир бўлиши муқаррар воқеаси юз берди».

Фоний дунёни бевафо деймиз-у, унинг боши-адоги йўқлигини, қаердан ибтидо олиб, қаерда интиҳога етишини асло хаёлга келтирмаймиз. Шу борада озгина мулоҳаза юритилганда, учу-қўйруқсиз, тўгарак оламнинг аввали ва охири бўлмаса, тўлқинланиши – тиклик ва пастликлари, мангу баландликдан ёхуд абадий тубанликдан иборат бўлишини, тинимсиз ҳаракатда, илоҳий маҳварида айланиб туришини илғаб етган бўлардик. Шунга кўра, Яратган зот хоҳишига кўра, бу ойинга жонли ва жонсиз, ўн саккиз минг олам тамомила бўйинсунади, унинг даврий, тасаввурга сифлас буюк доирасидан чиқиб кета олмайди. Подшоҳлар ҳам, инчунун. Тахтга чиққунига қадар илоҳий ҳалқанинг баланд-пастликларига деярли эътибор берилмаган бўлса, қуббалари олтиндан, ёпинчиқлари зарҳал матолардан, тожига марварид-у олмослар қадалган салтанат ошёнида ҳар бир босилган қадам, ҳар бир айтилган сўз-у амр-у фармон, кўлнинг, лабнинг, кўзнинг, қошнинг қимирилаши, имо-ишорати, ҳатто, томоқнинг қирилиш, бошнинг силкитилиши, ўтиришдаги виқор, оёқдар ҳолати, хуллас, барча равиш маъно касб этади, ҳисобда бўлади. Ривожнинг сабили, кибрнинг заволи, заифликнинг камоли, ишратнинг малоли, луқманинг ҳалоли, нафснинг ҳароми – мундарижани истаганча давом эттириш ва ижобийлик-салбийликнинг истаганча зиддиятини санаш мумкин. Бу даромад фалсафадан муддао,

Абулқосим Бобур Мирзонинг кўкда порлаган юлдузи бехосият юлдуз чиққан кундан сўна бошлади. Табиийки, сабабсиз бир оқибат, тасодиф деб овунганимиз якун бўлмайди.

Тахтнинг суюнчиқларига икки қўлини салобат билан ташлаган, тахтнинг юмшоқ ўринидигига маҳкам жойлашиб, унинг пойига оёқдарини маҳкам тираган Абулқосим Бобур Мирзо Энгашиб, таъзимда кириб, орқага тисарилиб чиқаётган аркони давлатини, вазир-у вузароларни, амир-у шайхулислом-у бекларнинг мулозаматидан зерикиб, толиқа бошлади. Мақтov ва лутфий илтифотлар меъдасига тегиб, кўнгли ёлғизликни қўмсайдиган қўйга тушди. Нечундир Канизак ойимнинг ипаг-у духобалар, зар-у зарҳаллар, олтин-кумуш тасмалар билан безатилган гўшангаси ҳам ортиқ ҳавас ва ҳирсни қўзғамай қўйган, қалбida номсиз бир майл, истак етилиб, мадда боғлаган ярадек, фашига тегар, ҳар қанча қилса-да, ундан қочиб қутула олмасди.

Бу ишрат қистови, гулгун қадаҳнинг кўпдан бери эшитмагани жаранги эди. Ичкилик, тонг отар базмларсиз, муғаний ва чолгуларсиз, тотли мақомларсиз гангиб, боши берк кўчага кириб, йўл тополмай қолгандек эди. Ичкиликдан воз кечиб, Канизак ойим қучогида ором олган дастлабки ойларда, бу қистов, бу хуморлик ҳали бош кўтармаган, аммо шоҳнинг остонасидан нари кетмаган, вафодор итдай ётиб олган эди. Мана, яна у бош кўтарди, яна остона ҳатлаб, тўрга ўтиб олди.

Муаррих бу ҳақда, «Мирзо Абулқосим Бобур базм тузиш ва шодлик қилиш мақсадида жаннат боғидан дарак берувчи айш-ишрат мажлисига оро берди. Бир неча кунгача у дилга шодлик бағишивчи базм давом этди. Жаноб подшоҳга ҳуморлик қилиб, заифлашиб қолди, шариф мижоз сиҳатлик жиловини истиқомат йўлидан четга бурди ва қаттиқ заифлик ҳумоюн зот устидан галаба қилди, ҳаёт умиди кесилиб, бир ҳодиса рўй беришидан қўрқинч бор эди», деб куйиниб ёзиб қолдирган.

Табиблар муолажаси наф берди, йигирма кун деганда, Абулқосим Бобур бошини кўтариб, кўзларини очди. Тамкина Бегимнинг шу кунларда кўз ёшлари тийилмади, Канизак ойим иккиси bemор ёнидан жилмай, тунларни тонгга уладилар. Кайвонилар маслаҳати билан масжид-у мадрасаларга, хонақоҳларга, чорсу бозорида тиланчи-ю, маҳалла-кўйлардаги камбағалларга кўпдан-кўп садақалар берилиди, ўнта қулга озодлик бахшиш этилиб, баъзи бирорларининг уйланиш тўйи ҳам ўтказилди. «Садақа – радди бало», деб тўғри айтилган экан, бу саховатдан қўп ўтмай, подшоҳ отланиб, тахтгоҳга борди. Давлат ишлари билан шуғуланиб, вазирларнинг санодлари ни – ҳужжатларини кўздан кечирди, арзгўйларни тинглади. Шу кунлар девонга иши тушганларнинг омади чопди.

Шоҳ эса оёққа турган бўлса-да, дармони кам, жуда озиб кетган, пуф деса, ҳавога учадигандек аҳволда эди.

Шоҳнинг касалмандиги амирларнинг ари уясига чўп тиқилгандага рўй берадиган ҳолатни эслатар, бир-бири билан келишмай, икки тарафга бўлина бошлагандилар. Аҳвол шунга етиб бордики, икки томон саф тизиб, уришишга жазм қилдилар. Бу воқеа подшоҳ саройининг жанубий қутбидаги Боги Сафидда содир бўлди. Абулқосим Бобур ўзига келган кунларда Мирзо Султон Санжарни қойим мақом қилиб, уларни низодан халос этишга, айборларни жазолашга ваколат берилид. Ихтилоф қон тўкилишгача етмай барҳам топди. Низонинг тагида амал-у манфаат ётарди – подшоҳнинг ўлими яқин, девондаги вазифаларни кимлар, қандай эгаллади, деган очиқ айтилмайдиган, зимдан уч-тўрт йил мобайнида етилган мақсад бор эди.

Опасининг ва Канизак ойимнинг парвоналиги, парҳезга оғишмай амал қилишлари, табибларнинг муттасил назоратлари подшоҳнинг согайиб кетишига, ҳатто, овга отланишига восита бўлди. Унинг истаги билан мавқаб Журғаланг мавзесига шикорга чиқди. Шу кунлар ҳаво мусаффо, табиат дилтортар эди. Абулқосим Бобур от суреб, ўлжа қувишидан ҳам кўра тирандозликка қизиқди. Унинг ёнида Паҳлавон Сайид Али тирандоз бўлиб, ўқ-ёйини олиб юрарди. Бултурги тирандозликда ёй тортишда, мўлжални бехато уриш ва ўқни узоққа отишда Паҳлавон Қутбиддин тирандоздан ўтадигани бўлмаган, шоҳона совринни у олиб кетганди. Абулқосим Бобур Сайид Али тирандознинг бу галги мусобақада олга кетишини истаб, хайриҳоҳдик қилди. Тирандоз ҳеч бир зўриқишиз заранг ёйни шундай тортиб, ўқни бўшатдики, узоққа қўйилган совутдан данғиллаган овоз эшитилди. Узоққа отишда ҳам Сайид Али Паҳлавон Қутбиддин бултур эгаллаган масофани ортда қолдирди. Подшоҳ унга шу ернинг ўзида тўн ва от, ҳамён тўла олтин динорлар улашди. Шикор аҳли шод-у хуррам бўлиб, Боги Зогонга қайтилар.

Бир неча кундан сўнг Самарқанддан элчилар ташриф буюрди. Гарчанд, Ҳирот Самарқанддан олдин келиб-кетган элчиликка жавоб тариқасида ўз вакилларини юбормаган бўлса-да, Абу Саъид Мирзо иккинчи бор катта тортиқлар билан хос кишиларни юборганди. Бу бир қаращда Абу Саъид Мирзонинг олижаноблиги ва қариндошлиқ туйфуси ифодати, тинчлиг-у иноқликда яшашга катта аҳамият бераётганилиги рамзи бўлиб туюларди. Чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрилса, кимларнинг наздида уст-устига элчиларнинг келиши, Абу Саид Мирzonинг заифлиги деб талқин этилса-да, сиёсий жиҳатдан узоқни кўра билишлик деб баҳолашга ундейдиган ишоратлар ҳам уч бериши мумкин қирралар хаёлга келгандек бўларди. Мовароуннаҳр ҳукмдори ҳарбий қувватга интилиб, муддаосига эриша бошлаган, вилоятларнинг иқтисодий аҳволи чамага келиб қолган, хуллас, мамлакатнинг бели қаттиқ боғланган, ҳарб-у зарбга шай эди.

Ҳирот билан Самарқанд ўртасида тижорат кучайган, тожирлар Жайҳундан ўнг ва сўл соҳиллардаги манзилларга қатновни канда қилмасдилар. Савдогарлар янгиликнинг даракчилари ҳам эди. Абулқосим Бобурнинг касалланиши, оғир ётганлиги, шифо топганлиги, озғинлиги уларнинг билиш доирасидан четда қолмасди. Абу Саъид Мирзо кучайгани сари, Мовароуннаҳр билан чекланиб қолмасликни, Хурсоңдаги ношуд Мирзолар қилолмаётган ишни – бобо-калони Амир Темур ва Мироншоҳ Мирзо қўлга киритган, эгалик қилган Ироқ ва Форсни забт этиш, тасарруфига киритиш ва Соҳибқи-рон давлати сарҳадларини қайта тиклаш фикрини хаёлида пишитиб келарди. Қолаверса, унинг Ҳиротдан болалик арази бор эди. Отаси Султон Муҳаммад Мирзо Ҳирот саройига сифдирилмай, Самарқандга кетишга мажбур бўлган, унинг ўзини ҳам малика Гавҳаршод Бегим ўн ёшида шу кўйга солганди. Отаси вафот этгач, йўқлик уни Ҳиротга, онасининг умидворлиги билан олиб келганди. Карвонбоши юпун кийинган, киссасида бир чақасигина бўлган Абу Саъидни Мироншоҳ Мирзонинг набираси эканлиги ҳурматидан юқ ортилган, салт туялардан бирига ўтқизиб, Ҳиротга келишига кўмаклашганди. Болакай бир амаллаб саройни сўраб-истаб топиб, кимлигини айтганида, уни яхши қаршилаган эдилар. Таълими-таҳсили ҳам ҳал бўладигандек эди. Орага Маҳди улё Гавҳаршод Бегим суқилди-ю, Абу Саъиднинг ишлари чаппа кетди. Уни малика саройда олиб қолишини хоҳдамади ва Самарқандга кетаётган аргунлар карвонига қўшиб, жўнатиб юбордилар. Бу аламмиди, кекмиди, нима бўлса ҳам, ёдидан сира кўтарилимас эди.

Султон Абу Саъид Мирзо иккинчи сафар юборган совға-саломлар орасида жуда ноёб китоблар ҳам бор эди. Улуғбек Мирzonинг қиммати жуда баланд, балким бир вилоятнинг бир йиллик бож-у хирожини тарозининг бир палласига, ушбу асарни иккинчи палласига қўйиб, харид қилишини истаганда ҳам, унинг топилиши амалда мумкин эмасди. Ягона нусха бўлса ўзи, иккита бўлса, бири эди. Абулқосим Бобур Мирзо китобни қўлига олиб, кўзига суртар экан, элчини маҳкам қучиб олди, миннатдорчилик сўзларини айтди, устига зар тўн ёпди, бедов от билан сийлади. Келтирилган китоблар анча эди. Мирzonинг диққатини Улуғбек Мирzonинг «Зижи жадиди Султоний» асари ва «Луббул албоб»нинг тери муқовалари силлиқ, ялтираб турган жилди ўзига тортди. Эшитгани бор, бу асарни Хожа Абдулвафо Хоразмий тартиб берган экан, Абу Саъид Мирzonинг муруввати билан бу икки шоҳ асар кутубхонасидан жой оладиган бўлди. Мирзо китоблар билан узоқ дийдорлашди. Элчилар ҳам хурсанд, ҳам ҳайратда эдилар. Ниҳоят, Абулқосим Бобур Мирзо ўз амакиси, Самарқанд ҳукмдори Абу Саъид Мирzonинг соғлиғи, ишларининг равнақи, фарзандлари ҳақида берилиб сўрай кетди.

Элчилар ҳайрати шунда эдики, подшоҳи аъзам анави олтин-ку-мушларга, оқ жун чакмонга, нафис ва сайқалли идишларга, марварид ва дурларга, ипак газламаларга ақалли назар солмади, кўз қири билан ҳам сийламади-ю, чарм муқовали китоблардан айрилолмай қолди, ажабо, ажаб?! Элчилар билмасдики, Бони Зогонда, Шоҳруҳ Мирзо қурдирган мадрасада Ҳирот ва Хавоф, Машҳад каби жойлардан вақти-вақти билан олимлар, фақиҳлар, шоир-у адилар, алломалар йиғини бўлиб тураг, фанга ва динга оид масалалар мавзу қилиниб, баҳслар уюштириларди. Мирзонинг ўзи бу анжуманларга бошчи бўлар, гоҳ ваъз айтар, гоҳида сомеъ бўларди. Иштирокчиларнинг ҳаммаси рағбатлантириларди.

Муаррих, шу анжуманларнинг гувоҳи, бу хусусда, «унинг ҳумоюн мажлиси жаҳон хуштаъблари билан гавжум бўлар, фанларнинг мушкул масалалари ўртага ташланар ва ҳар ким ўз қобилиятига яраша нимаики билса, арз табоғига солиб тураг эди», деб ёзиб қолдирган. Илмий баҳсларда Қутбиддин Аҳмад ал-Қози ал-Имомий, Шамсиддин Муҳаммад Жожармий, Наъимиiddин Абдураҳим Кошғарийлар иштиrokerи баҳсларни безарди. Олим-у алломалар, шоир-у адилар тез-тез шоҳ ҳузурида тўпланишар, санъаткорлар – ҳофизлар, муғанийлар саройнинг доимий ходимларига айланган эдилар. Ҳирот шу йилларда Шоҳруҳ Мирзо маъқулловида Бойсунгур Мирзо даврида камолга етган тамаддун билан баробарлашиш даражасига етган эди.

\* \* \*

Саратон етилиб, қуёш каҳкашоннинг энг баланд нуқтасидан замин-у борлиқقا оташ нурларини сочмоқда. Ҳиротнинг шимолидан жанубига қадар кесиб ўтган иккала катта йўлда одам қайнайди: чоррача бўйлаб қатор кетган расталарда савдо-сотиқ бир зум тинмайди. Каравонсаройлар олди ҳам гавжум, ичкарида боғланган отлар депсиниши, бир-бирига арқон узгудай бўлиб интилиши, қисқа-қисқа кишнашлари эшитилиб туради. Бозор-ўчар атрофида боғланган хачирлар, устларига қоп ортилган эшаклар, савдони битириб уйига қайтаётган, елевгай кийинган, бошларига дока салла чатган дехқонлар кўзга чалинади.

Бони Сафидда беморликдан соғайишгача яшаб турган Абулқосим Бобур Мирзо опаси ва яқинларининг даъвати билан касалликдан форир бўлгани шукронасига Машҳади муқаддасга боришга, улуғ авлиёлар марқадларини зиёрат қилишни кўнглига тугди. Шу орада подшоҳ уй ичи билан Бони Мухторга келиб тушди ва рўза ойини (3 август – 1 сентябрь 1456) шу масканда ўтказишга қарор қилди. Подшоҳ рўза ва намозни адо этишга киришди. Рамазонни кўнгилдагидай, вожиб аҳкомларни адо этган шоҳ мавқаби яна Бони Мухторда бир неча кун туриб, зулқаъда ойининг учинчисида (3 октябрь

1456) Машҳадга жўнаш буйруғи бўлди. Абулқосим Бобур Мирзо ва ёнидагилар ўн бир кун йўл босиб, Машҳад шаҳрининг ичкарисида бўлган чаҳорбоғга келиб тушдилар. Шу кун йўл ҳордифини чиқариб, эртасига ҳаммомда поклангандан кейин подшоҳ Имом Ризо марқадини зиёрат қилишга борди. Рамазон ойининг ийди-Қурбон ҳайити Машҳадда қарши олинди. Эл-у раиятга ошлар дамланди, садақалар, хайр-у эҳсонлар тарқатилди. Шоҳ дилида хушнудлик, яшашга бўлган завқ-у ҳавас ортди, шаҳарнинг сўлим жойларини, қадамжоларини, боғ-у роғларини ёқтириб қолди. Шу туфайлидан, қишини Машҳади муқаддасда ўтказишга аҳд қилди.

Шоҳнинг бу шаҳарга келиши ва қишини шу манзилда ўтказиши хосијатли кечди. Муаррих, «Зафар нишон мавқаб қишини Машҳад шаҳрида ўтказиб, раият аҳволи ва вилоят дехқончилигини тартибга тушириш учун кўп саъи-ҳаракат қўрсатган вақтда, ҳумоюн қадамлар баракати билан Машҳад шаҳри бағоят маъмур ва ободон бўлди», дейди.

Абулқосим Бобур Мирзо кенг фикрли подшоҳ эди. У зиёратга отланган вақтида амирларни ҳам ўзига ҳамроҳ қилиб, олиб келганди. Олдинда, подшоҳ қаттиқ хаста бўлиб ётганида амирлар икки гуруҳга ажralиб, бир-бири билан уришиш даражасига борганлиги, Султон Санжар Мирзо аралашуви билан низо бартараф бўлганлиги тўғрисида сўзлаб ўтдим. Абулқосим Бобур Мирзо ўз амирларининг феъли ва кирдикорларини билганидан, уларнинг ҳали ҳам адоватда муқим эканлигини ҳис қилиб, Машҳадда, улуғ Имомнинг қадамжосида уларни яраштирмоқчи, аҳд-у паймон қилдирмоқчи эди. Подшоҳ ва шайхларнинг панд-у насиҳатлари билан амир Муҳаммад Худодод, амир Шер Ҳожи ва амир Паҳлавон Ҳусайн Девона бошлиқ гуруҳ мухолифлари Шайх Абу Саъид, унинг укаси Ҳусайн Али ва Ҳожа Важиҳуддин Симонийлар билан Имом Ризо марқади олдида бундан сўнг бир-бирига қасд қилмасликка имон келтирдилар, қасамёд қилдилар.

Абулқосим Бобур Мирзо бу ярашувдан, ички низодан халос бўлганликдан жуда қувонди. Унинг таклифи билан яраш оши берилди. Машҳадда бўлган ойлар подшоҳ ва унинг амирлари учун хуш кечётган эди. Лекин қанча тозаланса-да, гуручнинг курмаги бўлмай қолмайди. Шундай фараҳли кунларнинг бирида зиқна, баджаҳд амир Муҳаммад Худодод билан амир Ҳасан Шайх Темур орасида бўлиб ўтган аҳд-у паймондан, ярашувдан кейин ҳам, бир қишлоқнинг «сеники-меники» бобида яна суришма, ихтилоф чиқди. Иккала амир келишолмай, калтаклашишга қадар бордилар. Амир Муҳаммад чўқмор билан амир Ҳасанни савалади. Абулқосим Бобур Машҳадда девон қилиб турганида, амир Ҳасан бу ҳақда подшоҳга арз қилди. Амир Ҳасанчуваккина, амир Муҳаммад эса барзангি эди. Юзи моматалоқ бўлиб, чап қўлини боғлаб олган амир Ҳасан йифламоқ-

дан бери бўлиб, чўк тушиб, арзи ҳолини айтди. Абулқосим Бобурнинг азбаройи жаҳли чиқиб, ўрнидан туриб кетди. Кечагина Имом Ризо марқадида ёмонлик қилмасликка онт ичган бу кимса шоҳнинг дарғазаб бўлганини кўриб, бирдан тиз чўкиб, тавба-тазарруга тил бурди. Мирзонинг фазабдан титраб, лабини тишлаши шу вақтга қадар асло кўрилмаган эди. У бошини ерга текизиб турган амир Муҳаммад Худододнинг елкасига бир неча калтак туширди. Оғриқ зўридан амир Муҳаммад Худодод эмаклаб, подшоҳнинг оёғига силжиб борди. Мирзо ғазаб ва нафрatiдан тушадиган эмасди, шунда амир Шайх Ҳожи ва амир Шайх Абу Саъид силагар бўлиб, кечирим сўрашга тушдилар. Подшоҳ азбаройи жаҳл отига минганидан, уларни ҳам тингламади, аксинча икки-уч таёқ зарби уларга ҳам сийлов бўлди. Жиззаки, баднафс, уришқоқ амирларга о и т дан кўра, шоҳона калтак зарби эс киритган, ўзларининг кимлигини, подшоҳ сиёсати олдида хос-у чўп эканликларини бу тирикликларида унутмайдиган бўлган эдилар.

Мирзога бу воқеа таъсир қилган, бир неча кун амирларни кўришга рағбат қилмаган эди. Амир Шайх Абу Саъид подшоҳга хизмати сингган, вақтида шилонларида майу шароб тановул қилишда ҳамқадаҳ бўлган, лафзи ҳалол, тўғригўй, Ҳофиз Шерозий ғазалиётини яхши биладиган, ўрнига тушириб, қироат билан ўқийдиган ашъорлари этни жимиrlатадиган хуштаъб киши эди. Уч-тўрт кун Абулқосим Бобур Мирзо даргоҳида қабул қилмаганидан ўксиниб юрди. Тамкина Бегимга дарди ҳолини айтиб, «орачага бир таёқ», деганларидек, икки тўнка амирнинг орасига тушаман деб, ўзим ҳам таёқ едим», деб арз қилди. Тамкина Бегим унинг сўзини эшитиб қулди-да, «амирим, бунинг бир йўли бор, «муштдан кейин гўшт», деганлар. Бир зиёфат сиздан, онҳазратни яраштириш биздан», деди. Шундай қилиб, амир Шайх Абу Саъид Машҳаднинг сўлим боғи ичида «подшоҳона базм ва хусравона мажлис тузиб, ҳумоюн қадамларининг ташриф буюришларини (подшоҳнинг – муал.) илтимос қилди. Салтанатга лойик жаноб ташриф буюрди».

Машҳад сафари ва қиши анча чўзилиб, саратон қаҳратонга дўниб, ниҳоят оламга ҳут одим ташлади. Абулқосим Бобур Мирзо мавқаби билан рабиъ ус-соний ойининг учинчи куни (28 февраль 1457) Родикон манзилида ов қилиб бўлгандан сўнг Ҳиротга қайтиши ният қилди.

Машҳад сафари, улуғ қадамжо зиёрати подшоҳ ҳаётида охиргиси бўлиб қолди. Овни тугаллаб, Родикондан қайтгандан сўнг Абулқосим Бобур Мирзо ўзини ноҳуш сезди. Кайфияти бузилиб, мажолсизланди. Ҳут чиқиб, Машҳад кенгликларига олам наврўзи шодиён қоқиб келмоқда эди. Кўнглига қил сифмай қолган подшоҳ йигирма бешинчи рабиъ ус-соний (21 март 1457), сесанба куни Машҳад шаҳридаги ўрдуси билан турган Чашорбоғда сайр қилиб, чигил кўнглини

ёзмоқчи бўлди. Юришга мадори йўқлигидан, тахтиравонга ўтириди-да, боғни, ийдгоҳни айланди. Одамлар шод-у хуррам, ийдгоҳда ўйин-кулги, мусиқа тинимсиз янграрди. Шунда ҳам шоҳнинг ҳовури босилмади, нечундир фазаби қайнаб келар, кимга жаҳдини сочишни билмасди.

Амирларнинг қилифини унутолмас, нафс учун ёқавайрон бўлиб олишувлари уни эсанкиратиб қўйганди. «Мамлакатга бирон шикаст етгудек бўлса, бу амирлардан вафо кутиб бўлурми?» деган андишани овга чиқиб унтарман, деб ўйлаганди. Яна қулоғига уларнинг фиди-бидилари элас чалинди. Уларни ҳузурига чорлаб, қаттиқ қаҳр қилди, ўзини тутолмай, ўрнидан туриб кетди.

Дашном эшитган амирлар ташқарига чиқиб, «шоҳимизнинг кайфи ошибди», дейишиб, мулзам тарқалишди. Вақт чошгоҳга яқинлаб қолганди. Абулқосим Бобур мижозида ўзгариш содир бўлган, унинг юраги тошиб, умр риштасининг чирт этиб узилиши яқин қолган эди. Машҳадга уни ажал етаклаб келган, умрининг сўнгти ойларини шу муқаддас зиёратгоҳ шаҳарда кечирган эди. Абулқосим Бобур Мирзо, шу тариқа, бир кун ҳам касал бўлмасдан, Наврӯз айёмида, сешанбада, чошгоҳдан ўтиб, жон таслим қилди. Унинг жасадини Машҳадда бобоси Шоҳруҳ Мирзо қурдирган мадраса гумбази остида, Имом Ризо қабри билан ёнма-ён қазилган қабрга дафн этдилар.

Абулқосим Бобур Мирзо милодий ҳисоб билан ўттиз беш йил умр кўрди. Ҳаётининг ўн йили тож-у тахтга бағишлианди. Муаррих уқдирганидек, «Хуросон ва Мозандаронни, Симонон ҳам Домфондан то Бадаҳшон вилоятигача ва Жайҳун соҳили, Марв ҳам Моҳондан то Сеистон ва Зобулистон мамлакатининг охирларигача ўз эгалик доираси ва боғлаш тугунига киритди; Ироқ ва Форс мамлакатларини бўйсундириб, офтобдек давлат соясини у вилоятларга ташлади».

Абулқосим Бобур Мирзодан бир ўғил – Шоҳ Маҳмуд Мирзо қолди. Эндиғи ҳикоямиз Шоҳ Маҳмуд Мирзонинг отаси ўрнига тахтга чиқиши ва шоҳдик қисмати тўғрисида бўлади.

## БОЛАКАЙ ШОҲ ҚИСМАТИ

Саккиз юз олтмиш биринчи ҳижрий йилнинг йигирма бешинчи рагбиъ ус-сонийи, сешанба куни (21 март 1457) намозшом арафасида ҳавода ўркачли булутлар пайдо бўлди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, фарбий қутбдан яшин чақнаб, момақалдироқ бўғиқ гулдиради. Бирданига шаррос ёмғир авжига минди. Кўчалар, ҳовлилар сувдан тўлди, тепалик жойлардан жилғалар шариллаб оқа бошлади. Подшоҳ мавқаби Чаҳорбоғнинг деворларига туташ баланд бинода эди. Бу манзида бир соат бурун тахтиравонда сайр-у томошада бўлиб, амирларни ҳузурига

чақириб, уларни қаттиқ койиган подшоҳ Абулқосим Мирзо ҳозиргина жон таслим қилган, уйларга тарқала бошлаган амирларга дарҳол хабар берилиб, улар ортга қайтгандылар. Амир Абу Саъид ва амир Шер Ҳожи саросимага тушиб, ўзини йўқотиб қўйған аъёнлар у ер-бу ерда тўдалашиб турганини пайқамагандай, иккалалари бандаликни бажо келтирган подшоҳ чўзилтириб қўйилган боргоҳга кириб бордилар.

Чошгоҳгача чараклаб турган қуёш булатлар карвонининг ортига яшириниб олган, ҳаво ҳам совий бошлаганди. Ёмғир қуя бошлагач, қунишиб олган амирлар-у вазирлар ёндаги катта хонага – девонхона вазифасини бажариб турган бинога кирдилар. Булатлар ошиғич билан Шарққа томон силжиб, ёмғир қандай шитоб билан бошланган бўлса, шундай зудлик билан тўхтади. Қуёш булатлар тўдалари билан беркинмачоқ ўйнаётгандай, гоҳ нур сочиб, ўзини намоён қилар, гоҳ юз беркитиб, пинҳон бўларди. Ниҳоят, булатлар шаҳар осмонидан қолган-қутган лашкарини олиб, ўтиб бўлгач, олам офтоби ўз гурубига яқинлаб, қизариб бота бошлади.

Майит расм-русумлари бажарилгач, жанозани эртага Имом Ризо масжидида ўқишига келишилди. Жасадни Хурсонга элтиш, Ҳиротга етказиш, баҳор бўлса-да, уни уринтириш бўлиши, бу исломий урф одатга мувофиқ эмаслиги тўғрисида кўп гапирилди. Худо раҳмат қилгур Шоҳруҳ Мирзонинг ўлигини Райнинг Пашов қишлоғидан Ҳиротга, Ҳиротдан Самарқандга олиб бориш ойлаб чўзилганлиги, жасадни хорлаш гуноҳи азим эканлиги бот-бот уқдирилди. Бу гап-сўзлар бари ўн ёшни тўлдириб, ўн бирга қадам қўяётган шаҳзода Шоҳ Маҳмуд Мирзога, унинг ёнида кўз ёшлари тийилмаётган Тамкина Бегим ва Канизак ойимга бафуржга тушунтирилди.

– Марҳум олампаноҳ подшоҳимизнинг куни тўлиб, шу муқаддас қадамжо шаҳарга илоҳий қадам қўйған экан, – деди амир Шер Ҳожи, – жаноб пайғамбаримиз авлоди бўлмиш улуғ машойих-у авлиё билан ҳамсоғи бўлиш саодатли, жойи ризвон бандаларга насиб этади, шаҳзодам.

Шаҳзода сукут сақлаб, бир нуқтага термилганича ўтиради. Шунда амир Абу Саъид, «Шаҳзода отасининг Машҳадда қўмилишига рози эмасми?!» деган фикрга борди-да, гапни узоқдан бошлади:

– Шаҳзодам, яхши билурсизки, Ироқ-у Форс мулклари бобокалонингиз Амир Темур замонидан то ҳозиргача сулолангиз мулки бўлиб келган. Машҳад шаҳрининг номини ҳазрат Имом Ризо – жаноб пайғамбаримиз набиралари муқаддаслик рутбасига етказган бўлсалар, донғини яна бир бобокалонингиз хоқони саъид, олампаноҳ Шоҳруҳ Мирзо оламга ёйганлар. Маҳди улё бувингиз бу жойда, Имом ҳазратлари марқади ёнида ҳашаматли жомеъ масжиди қурдиргандарки, унинг ичидаги қандилларни кўрдингиз, Шоҳруҳ Мирзо уч минг тилло сарфлаб, гумбазни чароғон этдилар. Машҳади муқаддас, шу жиҳатлари-

га кўра, боболарингиз майли билан, руҳан ризоликлари боис, марҳум подшоҳ падарингизнинг табаррук қўйинди жойи бўлиб қолур!

Амир Абу Саъид астайдил сўзлаётган эди. Ҳақиқатда, Гавҳаршод Бегим ва Шоҳрух Мирзо ҳижрий 820–821 йилларда (1417–1418) Машҳад шаҳрини обод қилиш, Имом Ризонинг марқадини зиёратгоҳга айлантиришга киришган эдилар. Масжиди жомедан ташқари, мадраса ва Машҳаднинг шарқий тарафида сарой қуришни ва унинг ёнида катта боғ барпо этишга саъй-ҳаракат қилгандилар. Шоҳрух Мирзо қачонки Машҳадга келса, ўзи қурдирган саройга тушар, кўркам боғда ҳордиқ ёзарди. Абулқосим Бобур Мирзо Машҳадга келганидан бери бобосидан ёдгор қолган шу сарой ва боғда (уни «Чаҳорбоғ» деб аташарди) яшаб турганди. Тақдир ҳукми шундай бўлгач – подшоҳ бобоси қурдирган қасрда жон бергач, уни ҳали ҳаёт бўлган бувиси, собиқ малика Гавҳаршод Бегим масжиди гумбази остига, Имом Ризо ҳазратларига қўшни қилиб дафн этишга қарор қилинди.

Дафн маросими ўтди. Амирлар Чаҳорбоғда тўпландилар. Амир Абу Саъид бошчилигида ўн бир ёшли шаҳзода Шоҳ Маҳмуд Мирзога байъат қилиб, унга қасамёд қилдилар ва тахтга ўтқиздилар. Шоҳ Маҳмуд Мирзо, шу тариқа, Хурросон мамлакатининг подшоҳи сифатида 1457 йилнинг 22 марта салтанатни идора қилишга қадам қўйди. У, Амир Темур асос солган ва ундан мерос қолган, Шоҳрух Мирзо пойтахтга айлантирган, қирқ икки йил Ҳирот шаҳрида салтанат қилган тахтга ўтирган учинчи подшоҳ эди. Абулқосим Бобур Мирзонинг битта-ю битта фарзанди эди. Тахтнинг оҳанрабо сийрати, тақдирнинг гоҳ порлаб, гоҳ милтираб турувчи равиши ўн бир ёшли шаҳзодани ўз оғушига олганди. Болакай подшоҳ бу оғушда садат топармикан ёинки... Воқеалар ривожига тарих саҳифаларини варақлаб, кўз югуртирайлик.

Амирлар Шоҳ Маҳмуд Мирзога байъат қилиб, қасамёд қилдилар-у, ичларида фимиirlаб қолган манфаат жиналирига қулоқ сола бошладилар. Яхши биламизки, Абулқосим Бобур Мирзо тириклигида салтанат амирлари икки қарама-қарши тоифага бўлинниб, аввал Ҳиротда, подшоҳнинг шундайгина қасри ёнида, кейин эса, Машҳадда, зиёратга келинган кунларда бир-бирлари билан уришган, ёқавайрон бўлишганди. Жаҳди чиққан, асаблари чидаш бера олмаган подшоҳ, гарчанд, уларни яраттирган, Имом Ризо марқади олдида аҳд-у паймон қилдирган бўлса-да, асоратни юрагидан чиқара олмай, жанжалнинг эртасига жон таслим қилган эди.

Подшоҳ вафотидан кейин вилоятлар ҳокимлари таъзия ва содиқликни изҳор этишлари лозим санааларди. Биринчи бўлиб, бу ноҳуш хабарни эшитган Сорий вилоятидан амир Низомиддин Абдулкарим элчилар ва пешкашлар юбориб, мусулмончилик русумларини адо этишга, Шоҳ Маҳмуд Мирзо ҳокимиятини қувватлашга бел боғлади.

Бошқа вилоятлардан ҳам ҳамдардлик ва ҳамкорлик шартларига со-диқлик ифодати бирин-кетин баён этилиб турди.

Амирлар Машҳадда турилган ўн саккиз кун давомида ёш под-шоҳни тезлиқда пойтахтга олиб боришни эмас, Марв вилоятидан Султон Санжар Мирзони чақириш шивир-шивирини бошлаганди-лар. Шу мақсадда ими-жимида Шайхзода Пир Қавомни унинг ҳу-зурига жўнатишганди. Ёш шаҳзода ўрдусида ҳам, жойларда ҳам нотинчлик ва фитна газаклашга кирганди. Сарахс вилоятида олий ўрдунинг Ҳиротга қайтиши учун лозим бўлган туяларни етказиши пайсалга солина бошлаб, чопарлар икки сафар қуруқ қайтиб кел-дилар. Бунинг устига, бўйсунмаслик шеваси ўртага солиниб, исён учқуни чиқа бошлади. Амир Абу Саъиднинг ўзи бир қисм лашкар билан Сарахсга жўнади ва низони куч билан тинчтди.

Салтанат шу кунларда ўрмонда адашиб қолган ёлғиз шерга ўх-шарди. Унинг куч-қудрати, салобати бўлса-да, ҳар тарафдан йифи-либ келиб, катта тўдани ташкил қилган сиртлонлар орасида хомта-лаш бўладиган аҳволда эди. Сарахс фитнаси босилар-босилмас, Ҳиротдан ҳам нохуш хабар етди. Амир Ҳусайн Али – Ихтиёридин қалъасининг доругаси арзнома юбориб, неча йилдан бери маҳбус-лиқда сақданаётган Иброҳим Мирзо ҳибсдан қочиб, хуруж қилишга интилаётганини маълум қилди. Даракларнинг ичидаги энг хавфлиси шу бўлди. Арзнома олинганинг эртасигаёқ, хаёлламай Ҳиротга от-ландилар. Марвдан чақирилган Султон Санжар Мирзо, ўрдуга қўл силтаб, келишдан бош торти ва унинг бошида ҳам мустақиллик, қолаверса, Ҳирот тахтига чиқиши васвасаси айланадиган эди. Шун-дай қалтис, мураккаб, узоқ йўлнинг ҳар буримида пистирма ёки қилич ялангочлаб, тажовуз қилувчилар чиқиши мумкин бўлган ва-зиятда, Шоҳ Маҳмуд Мирзо мавқаби, амирлари ва аъёнлари жумод ул-аввалнинг ўн иккинчи куни (7 апрель 1457) Машҳаддан чиқиб, Ҳиротга равона бўлди.

Мавқаб жадал юриб борар, эҳтиёт чоралари кўрилиб, оддин-да илгор қисм сипоҳийлари ҳар шарпага тайёр, найза-ю камонни, шамширни тайёр тутиб борарадилар. Эҳтиёт чоралари бежиз эмас-кан. Йўлнинг катта бир қисми тай қилинганда, отлари чопавериб бўғриқиб, кўпиг-у терга ботган чопарлар йўлиқди. Улар шошилинч хабар олиб келаётганигини айтишди. Аён бўлишича, ҳибсдан қу-тулган Алоуддавла Мирзонинг ўғли Султон Иброҳим Мирзо «ўз атро-фига тарафдорлар жам қилиб, исён гулханини ловуллатиб, Мурғоб дарёси томон кетди, лашкари ҳам кўп», деган хабар берилган экан.

Машҳадда юз берган воқеа – Абулқосим Бобур Мирзонинг кутил-маган тасодифий қазоси хабари Ҳиротни талвасага соглани каби, Ихтиёридин қалъаси кутволи Мир Ражабнинг эс-ҳушини учирив юборган, қўллари шалвираб, қамоқхона ҳужраларининг шода-шо-

да калитларини удда қилолмай қолган эди. Шундай бўлдики, ёнидан сира қўймайдиган калитларни унугиб, қалъа деворларини айланишга, буржларнинг муҳофазасини ўз кўзлари билан кўриб, текширишга кетди. Бундан фойдаланган навкарлардан бири Султон Иброҳим Мирзога раҳми келибми, ҳойнаҳой, Алоуддавла Мирзонинг омади чопди, энди у подшоҳ бўлади, деб ўйлаган бўлса керак, ярим тунда шаҳзода Султон Иброҳим Мирзо қамалиб ётган хона қулфини очиб, унга сипоҳийлар уст-бошини келтириб, ўзи билан бирга қалъадан олиб чиқиб кетди. Иккалалари пиёда пана-пастқамдан юриб, Боги Шаҳрдан ўтиб олдилар. Энди тунқотарлардан хавф қилмаса ҳам бўларди. Алоуддавла Мирзо девонида вазир бўлган, Гавҳаршод Бегим укалари жамоасидан амир Низомиддин Тархоннинг уйига етиб олдилар.

Бандалар хом сут эмган, табиатан хомтаъма бўлади. Воқеа-ҳодисалар шитобида ақл-фаросатга ўрин берилмай, таъманинг ширин ҳислари жилва қила кетади. Унинг жозибасига асир бўлмасликнинг иложи бўлса-да, кўз олди туманлашиб, сароб билан борлиқни ажратиш мумкин бўлмай қолади. Абулқосим Бобур Мирзо – акаси Алоуддавланинг кўзига мил тортирган, ниҳолдай шаҳзодани беш-олти йилдан бери қамоқда чиритган подшоҳнинг ажали тахтга йўл очган-дек, амир Низомиддин Аҳмад ҳам ҳовлиқиб қолди. У гапнинг нималигини дарвозаси секин тақиллаган чоғда, хизматкор қуллари билан очишга чиққанида, «мен фалончиман», деб ўзини танитган шаҳзодани кўрибоқ, тушуниб етган эди. Ихтиёриддин қалъасидан ҳалитирик чиққан бирор шоҳ-у шаҳзодани кўрмагани, Султон Иброҳим Мирзонинг ўзини тутиши, қўркув эмас, шодмонлик вужудидан ёғилиб турганини пайқаб, амирнинг ишончи янада мустаҳкамланди. Уни бағрига тортиб, маҳкам ва узоқ қучоқлаб турди. Қадамига ҳасанот дея, бирданига иккита қўчқор сўйилди. Бу пайтда саҳар яқинлаб, узоқ-яқин қўндоқлардан хўрзларнинг қичқириғи эшитила бошлиганди. Шамлар кўпайтирилиб, шаҳзода таклиф этилган хона ёп-ёруғ бўлган эди. Тонг отмасдан, маҳобатли зиёфат қизиган, майкўзалари тез-тез алмашиниб турарди.

Низомиддин Аҳмаднинг Ҳиротда таниш-билишлари қўп, ҳурмати ҳам бойлиги даражасида эди. Ярим кун ўтар-ўтмас, шаҳзода теграсида мингга яқин хайриҳоҳлар тўпландики, бунда собиқ вазирнинг хизмати – нақдина пуллари катта ўрин тутди. Жам бўлганлар (қаранг, ўша пайтларда қурол-аслаҳасиз хонадон, шамшир сақдамаган эр бўлмаган) отланиб, Ҳиротдан унча олис бўлмаган Мухтор тоги этагида сафланиб, салтанат шикорига онт-у иқрор қилдилар. Лашкарнинг катта қисми жанг кўрмаган, от минишда ҳам тажрибаси йўқ, сипоҳийликни касб-у кор қилмаганлар оиласидан бўлганлиги учун, лашкарга бошлиқ бўлганлар, маҳорат ҳосил қилиш учун Мурғоб дарёси ва Фарёб томонларда бўлишни маслаҳатдан, деб билдилар.

Султон Иброҳим Мирзонинг банддан қутулганлиги хабари ёйилиб, лашкар сафига келиб қўшилувчилар сони ортиб борди. Шаҳзода-нинг иқболи чопади, толеъни тахтда қулади, деб ўзини сафарбар қилаётганларнинг кўпидаги дубулға, сипар ҳам йўқ эди. Мурғоб дарёсига етганларида улар ҳар ҳолда, адад нисбатига кўра, лашкар тусини олган, катта бир тузилма бўлган эди.

Султон Иброҳим Мирзо лашкари Фарёб томон жилаверсин, Ҳиротга етиб келган ёш подшоҳ мавкаби азалий салтанат ўрдусига жойлашди. Амир Ҳусайн Али вақтни ғанимат билиб, тезда бир қисм навкарлар билан Ихтиёридин қалъасига етиб, Мир Ражабни қуролсизлантириб, сўроққа олди:

– Мирзо Султон Иброҳимни нечун қўйиб юбординг? – деди у бамайлихотир суғурилган қиличи дами, ўткирми, дегандек кўраётган бўлиб, – Мирзо чиқиб кетибди... Бу ёғи қалай бўлади?

Амирнинг сиртдан ўзини вазмин тутиб, мулоийим гапириши қалъа доругасининг ичакларини суғуриб олаётгандек эди.

– Мирзо лашкар тузмайди, Ҳиротга, мана шу Ихтиёридин қалъасига чопқун ясамайди, жонингни дўзахга юбормайди, деб ким кафолат беради? – амир Ҳусайн Али туриб, қиличи учини доруганинг иягига тиради. – Қани, айт-чи, бунинг чораси ва жазоси нечук бўлади?

Мир Ражабдан садо чиқмади. Амир Ҳусайн Алига, «кутвол кейинги пайтда жуда бойиган, унинг қўлида қалъадаги муайян ва мубҳам хазиналарнинг калити бор, истаганча улардан тасарруф қила олади, бас, уни ўлдиришдан маъни йўқ, билъакс, катта жарима солиш ва маблағ ундириш даркор», деган тўхтамга келгандилар. Амир Ҳусайн Али бу кўрсатмани ошиғи билан уddaлади.

\* \* \*

Шоҳ Маҳмуд Мирзонинг Ҳиротга келган куни эртаси, Боги Мухтордаги қаср гавжум бўлиб кетди. Бир ой деганда, отаси Абулқосим Бобур Мирзо вафот этган кундан, то пойтахтга қадам қўйтганига (жу́мод ул-аввалинг йигирма олтиси – 21 апрель 1457) қадар дегунча, ўттиз кун йўлга кетибди. У анча толиққан, атрофида бўлаётган ҳаракатларга ҳам эътиборсиз эди. Ҳирот шаҳрининг аҳолиси, саййидлар, қозилар, бой-у боёнлар унинг келганидан эътиборан, неча кунлар давомида таъзияга келиб, марҳум подшоҳ руҳонияти учун дуойи фотиҳа ўқидилар, раиятга садақалар, эҳсонлар берилиб, ош тортиб турилди. Келиб-кетувчилар қадами бир оз сийраклашгач, Шоҳ Маҳмуд Мирзо салтанат тахти учун Шоҳруҳ Мирзонинг қасри Боги Зогонни муносиб деб билди ва шу жойда истиқомат қила бошлади.

Зийрак китобхон воқеаларнинг силсиласидан саройда, шоҳнинг атрофида шу қадар манфурликлар содир бўлиб турган пайтда, аҳолининг, пойтахтнинг ҳолати қандай кечди экан, деган истиҳолага

бориши шубҳасиз. Бу ўринда, ҳамиша қабрига нур ёғилгур муаррихимиз саволга жавобни осон қиласиди, «Матла»дан шул иқтибосни келтириб ўтмай бўлмайди:

«Шу йили (1457) тартибсиз аҳвол ва тириклик жафосидан, – дейди Абдураззоқ Самарқандий ўзи гувоҳ бўлган воқелик ҳақида ёзар экан, – ва осмоний ҳукм тақозосига мувофиқ, Хурросон, айниқса, Ҳирот шаҳри аҳолиси бошига юз минглаб мاشаққат-у хорлик ёғилди, маздумлар дуоси ўқи янглиф бало тўфони кўтарилди, баҳтсизлик тўлқинлари-ю фитна гуруҳлари аъло даражага ва ниҳоят мартабага бориб етди. Тартибсизлик, ўғрилик ва босқинчлилк олам бўлаклари-ю жаҳон атрофларида кучайиб кетди, муфсидлар зарарини дафъ қила билувчи шавкатли бир подшоҳ йўқдигидан, «агар сulton бўлмаса, кишилар бир-бирларини еб қўядилар», деган мақол синоати зоҳир бўлди. Золимларни маздумлар устидан жабр ўтказишдан манъ қила оладиган бир сulton рад қилинганигидан, сultonни рад қилувчиларнинг кўпчилиги Куръонни рад қилувчилардир, деган сўзнинг ҳақиқат эканлиги ойдинлашди, ҳар бир кишининг хаёлида мустақиллик савдоси макон тутди ва ҳар бир кишининг димогида босқин ва зўрлик фикри ўрнашиб олди, ҳар бир калтабин киши бир қалъя ё деворга эга чиқиб, ҳам бир мағлуб ҳам пиёдага ботирлиг-у голиблик кўрсатди ва ўзини малик ё подшоҳ деб танитди, ҳар бир фитначи бир вайрона кунжида биёбон узра куч-қудрат ҳосил қилиб, ўзидан нўён ёки хон тарошлади, ҳар бир гадо бир подшоҳ-у, ҳар бир асир бир амир бўлди. Ҳар бир майда амалдор бир вазир, ҳар бир пасткаш бир раис бўлиб олди. Саломатлиг-у хотиржамлик камон ипидек ўзини бурчакка олиб, фитна-ю ғалаённинг марказий нуқтасидек ўртага тушди... Ҳақиқат шундан иборатки, голиб хоқон ҳазратлари Шоҳруҳ вафотидан кейин содир бўлган ҳароблик Бобур Мирзонинг даҳшатли вафоти воқеасидан кейин ҳам юз берди. Доруссалтана Ҳирот турли-туман азоб-уқубатларнинг қўйилиш ва хилма-хил балолар тўфонининг қўзғалиш жойига айланди». Тарихнависнинг бу сўзлари шу қадар аниқ ва жонлики, ундан-да ҳаққоний талқинни тасаввур қилиш ноўрин. У, шу воқеа-ҳодисотлар қайнаётган давр қозони ёнида эди, барини кўзи билан кўриб, ақл кўзгусидан ўтказиб, келажакка, ўзидан кейин келадиган авлодларга ибрат учун мукаммал ёзib қолдирган. Ҳалол ва элпарвар муаррихнинг руҳи мозийлар оша шод бўлаверсин.

Ўзини Шоҳ Маҳмуд Мирзонинг вазири аъзами, балким бекатка-ю маънавий шотири деб билган амир Шайх Абу Саъиднинг қилган но мақбул биринчи иши сарошумор бўлиб, ҳар бир уй бошига тўлаб бўлмас солиқ солишда кўринди. Раият, буни ёш подшоҳнинг қадам олиши билан талқин қила бошлади. Амири аъзамлар Шайх Абу Саъид ва Шайх Ҳожилар Ҳирот шаҳрини икки қисмга бўлиб, жумод

ул-охирнинг еттинчи куни (2 май 1457) аҳолидан маблағни ундиришга тутиндилар. Бу ишга навкарлар кенг миқёсда жалб этилиб, Ҳирот эли уч кунда бор-йўғидан ажралиб, солиқни тўлади.

Сарой аъёнларининг, хос кишиларнинг энсасини қотирган иккинчи қадам Хожа Калон Бузкуш ва Хожа Алий амир Хожаларнинг вазорат девонида вазифалик бўлишларида эди. Муаррих, вазирлик мансабига кўтарилган бу икки каснинг таърифида, «у икки ёвуз сифатли жирканч зот юлдузлар сайри таъсири ва номеҳрибон чархнинг тескари айланиши туфайли, амир Шайх Абу Саъиднинг бузуқлик келтирувчи раъи тақозосича, девон бўлдилар ва вазирлик мансаби даражасигача этишдилар... ўз машъум қобилияtlари асарларини изҳор этдилар: аввало, улар масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар ва бошқа хайрия жойларга тегишли в а қ ф л а р и н г фақирлар-у мискинлар ҳаққи бўлган маҳсулотини бутунлай тортиб олдилар ва бу оғир юкни юклаш билан бечоралар дилини бутунлай синдиридилар. Иккинчидан, улар ҳар бир уйдан (саро) нимаики олган бўлсалар, иккига кўпайтирдилар, – нотўғри айтдик, – бир неча бор оширдилар, бирни тўққизга кўпайтириб, таҳсилот (ошириб ёзиш) битдилар, қўрс ва золим муҳассиллар ишга киришдилар», деб ачиниш билан ёзади.

Шоҳ Маҳмуд Мирзо девонида иш бошлаган, амир Абу Саъид сипориши билан муаррих далолат этганидек, бу мансабга нолойиқ икки вазир солиқ йиғишида халойиқдан бир тангани ошириб, тўққиз танга қилиб ундирмасин, барибир, амир Шайх Абу Саъид ўйлаганичалик маблағни жамғариш имкондан бўлмайди. Раият иқтисоддан чарчаган, талон-торожлар қолдирган оқибатлар ҳали мол-ҳолнинг, дехқончиликнинг ўнгланишига йўл бермай келаётганди. Амир Абу Саъид ундирилган олиқ-солиқдан қониқмаганлиги сабаб, «зулм оташи» осмонга ўрлайди, муаррих бениҳоя даражада ифодат мантифи билан сугорилган ташбеҳ келтиради: одамларнинг тирикликтан бўлак гуноҳи йўқ эди! Тўлов зулмига дучор бўлган эл чорасизликдан, уй-жойини, аҳл-у аёlinи ташлаб қочишига мажбур бўлади, қўлга тушганлар қийноқ азобидан ҳалокат топади.

Амирлар орасида инсоф ойинидан чиқмайдиган, ҳар ишни шариат аҳкомида қаричлайдиган, раиятга қайишадиганлари ҳам анчагина эди. Абдураззоқ Самарқандий ана шу одамохун, олижаноб акобирлар тўғрисида сўзлар экан, уларнинг амир Абу Саъид қилмисшига, ёш подшоҳ Шоҳ Маҳмуд Мирзо номидан бедодлик қилишига лоқайд қараб турмаганлигини зикр этади: «Бошқа амирлар ишора-ю киноя билан бу кечмишни дафъ ва манъ қилишга қанчалик уринмасинлар, худраъӣ ва оқибатни ўйламайдиган жаноб Шайх Абу Саъид маблағ йиғишига яна қаттиқроқ киришди. Кўп хотинлар бошяланг, соchlарини ёйган ҳолда д е в о н г а келиб, фарёд-у фифонларини осмонга кўтардилар, аммо ҳеч фойда бермади».

Бизнинг асримизда бундай норозилик «намойиш», «митинг», «оммавий тартибсизликлар», деб баҳоланади. Норозилик намойишлари, Боги Зоғонга, шоҳнинг ўрдусига арз-у дод, шикоят билан келиш Темурийларнинг бутун ҳокимият тарихида мисли кўрилмаган ҳаракат эди. Тахтнинг ногораси подшоҳнинг кимлигига, ақд-у фаросатига, билимига, муомаласига, эл-у ҳалқига – раиятга бўлган майли, фидойилигига, ёшига ва бўлак одамийлик хусусиятларига қараб, жарангос солади. Бу сафар, Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин жўжабош шаҳзодаларнинг Маҳди улё Гавҳаршод Бегим томонидан ёқилган ўчоқда қиздирилган ногораси жуда баланд пардада, ваҳима солиб гумбурлашда давом этаётган, унинг чолгувчиси вазири аъзам амир Абу Саъид минг хил усул қўллаётган эди.

Амир Шайх Абу Саъиддан ҳалойиқ қўлини ювиб қўлтиғига уриб, Ҳиротдан бош олиб қоча бошлагач, ишга амир Шер Ҳожи гуруҳи аралашади. Аслида, айтилганидек, икки томонга бўлинган амирларнинг раҳнамолари шу иккиси бўлиб, амалиётда улар ўзларини ортга олар, амир Худодод кабиларни қайраб, майдонга қўйиб юборишарди. Пойтахтда оммани ларзага солган норозилик уларни бефарқ қолдирмайди. Амир Абу Саъиднинг шоҳнинг мавқеини кучайтириш, кучли лашкар тузиши билан ниқобланган, шахсий манфаатни кўзлаган нағмаси, олиқ-солиққа зўр бериши ёш подшоҳ Шоҳ Маҳмуд Мирзонинг ҳаётини хавф остига қўйиши муқаррар бўлиб қолган эди.

Амир Шер Ҳожи шуни баҳона қилди-да, Шоҳ Маҳмуд Мирзони Боги Зоғон қасридан олиб чиқиб, Боги Шаҳрга жойлаштириди ва қуш ҳам ўтолмайдиган қўриқлов ташкил этди. Шоҳ Маҳмуд Мирзога хавфли вазиятни обдан тушунтириб, «Ҳиротнинг бирор фуқароси солиқ-сарошумор (уй боши) важҳидан бирор нарса тўламасин, борди-ю, бирор нима тўлаган бўлсалар, қайтиб олсинлар, қай ердаки, амир Шайх Абу Саъиднинг навкарларини учратсалар, унинг бор нарсасини горат қиласинлар», деб жарчи қўйишга кўндиридилар. Ўнлаб жарчилар эл-у ҳалққа бу хушхабарни тонг саҳардан қичқириб, манлатиб жар солишга тушдилар. Бундан воқиф бўлган маҳалла-кўйларда кишилар, солиқ ундиришда давом этаётган, вазиятнинг ўзгаришидан хабарсиз, хуржун-қоплари қаппайган муҳассиларни, навкарларни отдан ағдариб, ўласи қилиб ура кетдилар, бор-будини шилиб олдилар.

Амир Шер Ҳожининг танг вазиятдаги сиёсий топқирилиги унинг мавқеини жуда ошириб юборди. Муаррих ёзади: «Шайх Абу Саъиднинг қилмишлари ва сўзларидан тангликка тушган барча амирлар унга қарши туришга иттифоқ туздилар ва бир дил-у бир тил бўлиб, шаҳарга келдилар-да, у кеча посбонлар қўйдилар». Ҳиротда аҳоли бу ёнбосищдан жунбушга келган, амир Абу Саъид ва унинг одамларини янчиб ташлашга аҳдланган эдилар. Амир Шайх Абу Саъиднинг эл би-

сотидан бечама бойиб, шира-ю ёф босган қўзлари эртасига ярқ этиб очилди. Шу пайтгача ўзини «қора арслон» деб юрган амир энди тулкига айланган эди. Инкор этилганини билган амир Шайх Абу Саъид ўз биродари Ҳусайн Алини ёнига олиб, мухолифлигини ошкор этди – бир қисм лашкари билан шаҳарнинг Боги Даشت тарафини ишғол этди. Бу ерда узок, қололмай, Бовликоҳ томонга жўнадилар ва тоғнинг Ду Бароран дарасидан ўтиб, шаҳар сарҳадидан чиқиб кетдилар.

Шаҳар четида, Боги Даشتда тўқнашишга юраги дов бермаган, амир Шер Ҳожи сипоҳийларига бас кела олмаслигини сезган ака-ука Мухтор тоги этакларига йўл оларкан, хотиржам бўлишларига асос йўқ эди: ортдан рақиб лашкар ва Ҳиротнинг кучи, юрагида ўти бор камбағаллари, косиб-у дехқонлари пиёда-ю сувора қорама-қора келаётган эди. Раиятнинг қаҳри, «авом ҳалқнинг ҳужуми шу даражада эдикি, – деб ёзди муаррих, – қаламнинг иборалари ва ташбеҳдари у ҳангоманинг шарҳини баён қилишдан ожиздир».

Ортдан таъқиб қилиб келаётганлар Мухтор тоғининг шимолий томонида амир Абу Саъид лашкарига етишди. Жанг қизиди ва ҳеч қанча фурсат кечмасдан золим амир ўраб олинди, боши дарҳол танидан жудо этилди. Зулмкор, ҳокимиятни суистеъмол қилган амирнинг қонга ботган калласи Малик дарвозасига осиб қўйилди. Амир Абу Саъиднинг ҳаёти ҳам, қилмиши ҳам шу ерда тугади.

Ёш подшоҳ кейинги икки-уч ой давомида юз берган ҳодисотлардан ўзини олдириб қўйган, юрак ҳовучлаб қолган эди. Отасининг вафоти, амир Абу Саъиднинг дастлаб унга бўлган «мехрибончилиги», сўнг Боги Зоғонда гаровда ушлагандек, уни таҳтдан бир қадам силжитмай, ўз айтганини қилдиргани, хотин-халажнинг саройни қуршаб, дод-у фарёд уриб, адолат сўрагани, иложи ҳеч нарсага етмай, вазири аъзамнинг тутқинига айланиб қолгани ёмон таъсири қилган, шуурида қўрқув ўрнашиб, эшик очилгудек бўлса, чўчиб, ваҳимага тушарди. Яхши бўлди, шундай хавотирнок кунларнинг бирида амир Шер Ҳожи жонини қутқариб, Боги Зоғондан, амир Абу Саъид панжасидан олиб чиқди. Бу воқеа юз бермаганида, ким билади, дунёнинг маблагини тўплашга тушган амир Абу Саъид ёш Темурийзодадан қутулиб, таҳтни ўзи эгаллаган бўлармиди?!

\* \* \*

Ҳибсдан қутулган Султон Иброҳим Мирзо Ихтиёриддин қалъасида олти йил маҳбусликни бошидан кечириб, соғлиғидан айрилган бўлса-да, ҳаётий ишларда анча пишган эди. Унинг атрофида иш кўрган, сарой қинғирликларини яхши биладиган Тархоний амирлардан уч-тўртгаси бор эди. Шу туфайлидан, ҳужумга амир Абу Саъид мисол орқа-олдини йиғмасдан киришмасдан, сафларни тўлдириб, қурол-яроғни шайлаб, отланишни лозим кўрганди. У, пойтахтдан

анчайин олис ва ҳарб тайёргарлигига қўл келадиган Мурғоб дарёси бўйларини қўналга қилиб, бежиз танламаганди. Бу жойдан тўрт тарафга қўл узатса етар, лашкарлар қаторини тўлдириш имкондан эди. Қўли шамшир дастасини ушламаса, қичуви қолмайдиган катта бир тўда, шаҳзоданинг овозасини эшитиб, унга келиб қўшилди. Султон Иброҳим Мирзо, энди чўтни олиб, пойтахтга қўшин билан боришга қарор қилди.

Қамоқдан қочганидан кейин биринчи тунда уйидан жой берган, унинг тахт йўлидаги интилишига шароит яратган кишиси Низомиддин Аҳмаднинг амир Шер Ҳожи билан дўстлиги бор эди. Амир Шер Ҳожи шу яқинда бадкирдор Абу Саъидни мағлуб этиб, таг-туги билан қурилгач, Боги Зогоннинг норасмий ҳукмдори бўлиб олганди. Шоҳ Маҳмуд Мирзо чаноқийларда, машварат ва фармонлар қабул қилишда уни тинглар, бош силкар, муҳр босарди. Амир Шер Ҳожи ҳали нафсини қўймаган, лекин кам ўйлов, донолик, сиёsat юритиш бобида чапанироқ киши, сўзнинг тўла маъносида, ҳақиқий сипоҳий эди.

Тархон амирлари катта куч бўлиб, Абулқосим Бобур Мирзодан кейин ким мамлакатни идора қилиши уларга бефарқ эмасди. Негадир, уларнинг Шоҳ Маҳмуд Мирзога кўнгиллари чопмасди. Тахтда омонат, бор-йўқлиги ҳам билинмай турган Шоҳ Маҳмуднинг бўшлиги, эҳтимол, вужудида туфма иллатлар таъсиридандир, касал бўлиб касал, соғ бўлиб, соғлом эмаслиги, заифроқ, отаси раҳматлидек, нимжонроқ эканлиги унга эътимод қўйишга халал берётган эди. Тархон амирлари бамаслаҳат, амир Низомиддин Аҳмадни орага солиб, вазири аъзам амир Шер Ҳожи билан, Султон Иброҳим Мирзонинг донғи эшитила бошлагач, машварат қилишга, икки шаҳзоданинг қайси бирига байъат қилишиб олишга киришдилар.

Амир Шер Ҳожининг боши қотиб қолди: тахт эгали бўлса, нега энди, бу Тархонлар уяси бузилган арилардек қўзғалиб қолди?! Машваратда бирор ечимга кела олмай, малика Гавҳаршод Бегим соҳиб ихтиёр бўлиб келган, у Зоти олия нима десалар, шуни қилгаймиз, деди ниҳоят. Гавҳаршод Бегим номига бу ҳақда нома битдилар ва Маҳди улёнинг ишончли навкари Турконшоҳ орқали ипак матога ўралиб, пинҳон тутилган нома Гавҳаршод Бегимга етказилди.

Сарой йўлакларида машваратдан кейин уйларига қайтишаётган Тархон амирларининг мутойиба ва кулгилари эшитилиб турарди. Улар давлат даражасидаги муаммонинг аммаларига – Гавҳаршод Бегимга ҳавола этилганидан бошлари осмонда бўлиб, курсандчиликларини яширлмай, кулишиб, гаплашиб боришарди. Шу аснода, Боги Шаҳрдан саройга қайтаётган Паҳлавон Ҳусайн Девона улар билан рўбарў келиб, салом-алик қилди-да, уч-тўрт қадам босиб, юришни секинлатди. Тархон амирларининг ўзларини тутиши унга ғалатироқ бўлиб кўринди-да, узуқ-юлуқ гаплардан маъно айришга

тушди. Гапнинг моҳияти, Султон Иброҳим Мирзога бориб тақалаёт-ганлиги уни ҳушёр тортдирди-да, вазири аъзам олдига шошид.

– Улуг амирим, – деди у ҳаяжонини босолмай, – истамаганим алфозда бир нохуш гап-сўзнинг шоҳиди бўлдим. Тархон амирларидан амир Увайс, унинг ўғли Юсуф ва амир Хусравлар қўлтиқлашиб Бони Зоғондан чиқиб борадурлар ва гап қилдиларки, эрта-индин таҳтга Султон Иброҳим жудуси насиб этгай деб. Эмишким, малика Гавҳаршод Бегимнинг рағбати Алоуддавла Мирзо ва унинг ўғли Султон Иброҳимда бўлиб, Маҳди улё шул шаҳзодани таҳтга муносиб ворис деб номзод қилғаймиш.

– Не деюрсиз, Паҳлавон? – анграйиб, унга тикилди амир Шер Ҳожи. – Таҳтнинг эгаси бўлса, яна қандай номзод?!

– Вазири аъзам жаноблари, билмасмисиз, бу Тархонлар ишга киришса, чангалда шўрва қайнайди, – кулимсиради Паҳлавон Ҳусайн Девона, – улар шу билан шоҳни ҳам, инчунин, сизни ҳам нишон қилиб, бир ўқда иккита қуённи йиқитмоқ бўлодирлар, ҳа!

Амир Шер Ҳожига яшин теккандай, ўзи билмагани ҳолда сапчиб кетди, бирдан газаби қайнади, қишида ўчоққа қаланган ўтиндай тураб кетди. Бу гапдан тоқати тоқ бўлиб, сарой бўсағасида отларнинг дупури эшитилгандай бўлиб ваҳимага тушиб, қалтирай бошлади. Паҳлавон Ҳусайн Девона кейинги йилларда қаттолликларни кўраверив, сарой макрининг энг синалган ва кўп мурожаат қилинадиган усули – рақибларни бўғизлаш, дорга осиш йўли билан йўқ қилиш эканлигини қойим мақом қилиб ўзлаштирганди. Эс-хушдан айрилаётган амир Шер Ҳожига заҳарханда қилиб:

– Амирим, Тархонлар ким бўлибди? – деди салмоқлаб. – Давлати ҳаддан ошиб, кўллари узун бўлибdir, бу дегани улар подшоҳ ясайдир, дегани эмас-ку?! Улар ҳам одам, хом сут эмганлар, уларнинг ҳам қорни бор, бундай кенгаш, зиёфат деган йигинлар бор, гапирган бўлсалар, гапирмайдиган қилиш қийин бўлмас?!

Амир Шер Ҳожининг кўзи мoshдай очилди, нега буни ўзи ўйлаб кўрмади? Паҳлавон Ҳусайн Девона режаси бўйича кенгашдан кеин зиёфат уюштирилди, мухтасар давом этган мажлисда тайинли бир муаммо бўлмади. Амир Шер Ҳожи зиёфатда қандайдир олазарак, сўзи қовушмас, таом емоққа ҳозирланишдан кўра, белидаги яроғи билан қовушмай, бесаранжом ўтиради. Амирлар ичida анча фаросатли Аҳмад Ферузшоҳ вазири аъзамнинг бесаранжомлигидан шубҳага борди-да, ҳожатни баҳона қилиб, ташқари чиқди ва оёғини қўлига олиб, саройдан узоқлашишга интилди. Мажлисда иштирок қилган амир Увайс Тархон ва унинг ўғли Юсуф, Хусравлар эмин-эркин ўтиришар, дастурхон шоҳона, гўштлар мўл, шароб бисёр эди. Бу ҳикоянинг давоми китобхонга яхши таниш, олдинда айтиб ўтил-

ди. Тархонлар шу куни қатлиомга етказилди. Амир Шер Ҳожининг ўзи ҳам қорнидан пичоқ еб, зўрга жон сақлаб қолди.

Амир Шер Ҳожи, муаррих айтмоқчи, «шундай даҳшатли ишни бажарганидан кейин Шоҳ Маҳмуд Мирзони шаҳарга келтириб, Ихтиёридин ҳисорига кирди. Маҳди улё Гавҳаршод Оғони ҳам шаҳарга киритиб, ҳазрат хоқони саъид Шоҳрухнинг мадрасасига жойлаштириди». Унинг бу чоралари муҳофаза ва гаров аҳамиятига эга эди. Амир Шер Ҳожи пичоқдан етган заҳмдан бир ҳолга тушган, ўзи билан ўзи бўлиб, даволаниш илинжида қолганди. Бундан фойдаланган ёш подшоҳ Шоҳ Маҳмуд Мирзо Ихтиёридин қалъасидан чиқиб, Боги Мухторга йўл одди.

Пойтахтда содир бўлган ноҳушликлар пайт пойлаб турган Султон Иброҳим Мирзонинг ҳужум бошлишига йўл очаётгандек эди. Бу пайтда Ҳиротнинг мустаҳкам қўргони Ихтиёридин қалъаси бўлиб, Гавҳаршод Бегим бир нимани ўйлаб, ҳисор доруғаси Қутбиддин Аҳмад ал-Имомийга муҳофазани кучайтиришни буюрди. Қалъа маҳкамланиб, унинг зил-замбил эшиклари қаттиқ ёпилди.

\* \* \*

Султон Иброҳим Мирzonинг ҳужуми ҳалқаси камон ёйидек эгилиб, таранг тортиб, Ҳиротга, унинг Боги Мухтор сарҳадига яқинлаб келарди. Ражаб ойининг еттинчисида (31 май 1457) унинг лашкари кўз олдидага Ҳирот шаҳрининг қиёфаси жонланди – мовий гумбазлар, Ихтиёридин қалъасининг ҳайбатли тош деворлари, шундайгина яқинларида пахса, қалама ҳовлилар, дов-дараҳтлар яққол кўриниб турарди.

Амир Шер Ҳожининг қўшини кам, лашкар тўда қилишга жароҳати сабаб, ётиб қолгани халақит берган, Султон Иброҳим Мирзога қарши туролмаслиги аён эди. Шоҳ Маҳмуд Мирзо мавқаби билан Машҳад томонга кетадиган бўлди, вазири аъзам амир Шер Ҳожи эса, Нирату ҳисорига йўл одди. Ҳирот, шу тариқа, Алоуддавла Мирzonинг таҳтталаб бўлиб келган ўғли Султон Иброҳим Мирзога жангсиз топширилди. Боги Мухторнинг холи қолганини билган Султон Иброҳим шу куниёқ қасрга келиб тушди. Бу ерда жойлашиб, қочқин шоҳ ва вазир ортидан сипоҳийларни юбориб, улар сафида бўлган амир Искандар туркманнинг ўғли Малик Қосим, Давлат Келди Тогайи, Қаромон туркман, Ҳожи Халил ва унинг биродари Ҳожи Абдуллоҳдарни тутиб келдилар.

Қиссамиз саҳифаларидан ўқувчи яхши эслайдики, Алоуддавла Мирзо қочқин бўлган кезларида амир Искандарницидан бошпана топган, уни шу уйдан ушлаб олишганди. Гавҳаршод Бегимнинг Алоуддавла Мирзо ва унинг фарзанди Султон Иброҳимга алоҳида меҳри бўлгани боис, Ҳирот таҳтига Султон Иброҳимнинг эгалик қилиши, маликага яна воқеаларга қозилик қилиш ҳуқуқини берди. Малика-

нинг сўзи яна кесадиган, унинг маслаҳатига амал қиласидиган муҳит шакл топди. Қўлга тушириб келинган асиirlардан Малик Қосим ва Қаромон туркманлар Гавҳаршод Бегим шарофати билан қатлдан омон қолдилар. Қочқинларни қувиб борган черик амир Шер Ҳожига етишиб, қаттиқ жанг қилди. Амирнинг қўли яна шамширда кесилиб, бир амаллаб Нирату ҳисорига от сурди.

Шоҳ Маҳмуд Мирзонинг Хурросон таҳтига ўтирганига уч ой кунма-кун тўлганда, унинг мавқаби Машҳад йўлида, салтанатдан нохос айрилиб қолган ёш подшоҳ билан оёқ остига қарамай, отларни қичаб бораарди. Орқада таъқиб қилиб, соядек эргашган тоғлар ортда қолиб, нафасни ростлашга сўлим бир жой – теварак-атроф равшан қўриниб турадиган тепаликка қўндилар. Бирга келаётган амирларнинг бундан сўнгра нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлашга фурсатлари етарли эди. Улар йўл-йўлакай, «Нега бундай бўлди, жангсиз, отни яйдоқ миниб келаётимиз?» деган мавзуни кўп баҳс қилиб, охири, Шоҳ Маҳмудга фикрларини айтишга қарор қилдилаr. Ўт-ўлан устида қўш ташлаб, сухбатлашар эканлар, қилмишларидан пушаймон эканликларини – пойтахтни ноўрин эгасиз қолдирганликларини ва барчаси яқдиллик билан изга қайтишга, Султон Иброҳим Мирзога зиддона маош қилиб, ор-номус учун курашмоқчи эканликларини изҳор қилишди. Ёш подшоҳга ҳам бу азм-у қарор маъқул бўлди.

Шоҳ Маҳмуд Мирзо сипоҳийлари шу матлаб билан ортга қайтганиларида Мовароуннаҳр подшоҳи Султон Абу Саъид Мирзонинг Ҳирот томон черик тортгани хабари Ҳиротга етган эди. Шундай бўлса ҳам, Султон Иброҳим Мирзо Машҳад йўлидан келаётган ёғийни бирёқли қилиш ақддан деб ҳисоблаб, қўшинни дарҳол оёққа турғизди. Икки шаҳзода – бири шоҳликдан кетган, иккинчиси шоҳликка келган амакизодалар амир Шоҳмалик работи яқинида муҳораба кўси ва ноғорасини чалди. Кураш бошланиб, майдон узра суронлар янгради. Шоҳ Маҳмуд Мирзонинг сипоҳийлари шундай тез от қўйдиларки, улар Султон Иброҳимнинг маймана ва майсара қисми устига ёпирлиб, кўпни бир зумда қиличдан ўтказдилар. Уларнинг қолган-қутгани қочишга жой ахтариб, дуч келган томонга жилов бўшатди. Фолиб бўлаётганлар Ҳиротни мўлжал қилиб, олдинга интилдилар. Аммо шу пайт Иброҳим Мирзо чеरигининг қалб қисми Низомиддин Аҳмад ҳайқириғи билан улар олдини тўсиб, олиша кетди. Қирғин деб, шуни айтсалар керак-да, кенг майдон ўликлардан тор бўлиб, чўзилиб ётгандарнинг ҳисобига етиб бўлмасди. Шоҳ Маҳмуд Мирзо чеरигидан бу сафар омад юз ўтирган, амирлардан бири келиб, унинг оти жиловидан тутди-да, жанг қўпкарисидан эсон-омон қутқариб, Машҳад томон йўлга солди.

Тақдирнинг лутф-у иноятлари-ю киноя ва таҳқирларини қаранг, қанча қон тўкишлар билан Ҳирот таҳтини ҳимоя қилиб, унга эриш-

дим деганда, Султон Иброҳим Мирзонинг ҳам Шоҳ Маҳмуд Мирзо изидан кетма-кет кетишига, қувиш эмас, жон қутқаришга маҳкум бўлиши юз берганди. Айтилганидек, Самарқанддан Балх сарига қўшин тортиб келаётган Абу Саъид Мирзо орадаги сотқинлик сабаб, Иброҳим Мирзоничув туширган, икки сипоҳ тўқнашиб, олдинги муҳорабада кучи кескин камайган ҳиротликлар мағлубият чоҳига тушгандилар. Шу туфайли, Султон Иброҳим ҳам Ҳиротда қололмай, Машҳадга паноҳ истаб бораётган эди.

Бу орада Озарбайжон ва Ироқни эгаллаб олган туркман сардори Мирзо Жаҳоншоҳ Сабзаворгача бўлган жойларни тобеъ қилиб, юриш карнайини Ҳирот томон чалиш фикрида эди. Хуллас, Хурсон сиқувда қолган – бир томондан Мовароуннаҳрдан Абу Саъид Мирзо, ул тарафдан эса, туркманлар тобора қисиб, Ҳирот омбир оғзида қолаётган эди. Туркманлар Исфароинда, Самарқанд қўшини Балҳда турар эди. Ҳиротнинг бу қадар хомталаш бўлиши тарихда сира кузатилмаганди. Абулқосим Бобур даврида бир амаллаб кўзини ва жонини сақлаган Алоуддавла Мирзо томирларига қон югуриб, Обивард вилояти атрофида яна насиба тегармикан, дея пайт пойлар, Иброҳим Мирзонинг Ҳиротдаги ҳали ойига етмаган тождорлиги омонат бўлса-да, қилични қинга суқишини асло хоҳламасди.

Машҳад сари улоқиб кетган Шоҳ Маҳмуд Мирзо Тус вилоятидаги Имод қалъаси атрофида яшар, ўз ҳамроҳлари, Гавҳаршод Бегим ўлимдан қутқарган Малик Қосим ва амир Халил етакчилигига бир ҳовуч сипоҳийлари билан Сеистон вилоятини, Фароҳ ва Исфизор қасабаларига қадар бўлган мулкларни босиб олган эди.

Муаррих бир ҳақиқатни жуда аниқ ва ҳалол таъриф этиб кетган. Ҳижрий 862 йилга (1458) келиб, Хурсонда шу қадар парокандалик, бошбошдоқдик авжига минганки, ҳар бир шаҳарда, қасабада, ҳатто, ҳар бир қалъада битта эга бўлиб, ўзидан бошқа бировни тан олмаган. Аҳоли манзиллари, вилоятлар қўлдан-қўлга ўтиб, бир ой нари-берисида идора қилинар, заифини кучлироги ҳайдаб юборар, мулк талашуви майда безорилик даражасига тушиб кетганди.

Шоҳ Маҳмуд Мирзо ҳам шу мундарижада Алоуддавла, Иброҳим ва Султон Санжар Мирзолардан кейинги мақомда эди. Энди, уч ойлик таҳт можаросидан кейин Сеистонда, амир Халил билан иттифоқдашган, бу манзилда ҳам қола олмай, Кобул томонга боришни ихтиёр қиласди. Кобулнинг ҳокими амир Бобо уруш анжомини шай қилиб, зарба билан қарши олади. Уни менсимай курашга кирган амир Халил зўр келганидан, кураш жойини ташлаб, фақат жанг саҳнини эмас, шаҳзода Шоҳ Маҳмуд Мирзони ҳам унугиб, қочиб қутулади.

Шоҳ Маҳмуд Мирзо жангнинг оташ алангасида қолди. Уни муҳофаза қиласидан навкарлар битта қолмаган, бир ўзи у ён бу ён аланглаб, муҳофаза истагида товуш берганида, ерда қалашиб ётган ўлик-

лардан садо чиқмади. Шу пайт узокдан отилган камон ўқи елкаси-га қадалиб, ер тишлади. От ҳуркди-да, уни бир неча қадам судраб кетди. Уч ойлик подшоҳ ўн уч ёшида жувонмарг бўлди. Бу хабар Ҳиротга зулҳижжа ойи ўрталарида (13 октябрь 1459) маълум бўлди.

## **ТАХТ Ё ТАХТА! ЗАВОЛ**

Шоҳруҳ Мирзо фарзандларини уйлик-жойлик қилишда Соҳибқи-рон отаси тутумига риоя қилишга интиларди. Унинг сафдошлари кўп, Самарқанддан Шомгача бўлган мамлакатларни фатҳ этишда баҳодирлар орасидан дўстлар ортирган, лашкар ва қавмларнинг сардорлари билан оғирни-ю енгилни бирга кўрган, Хуросон мулки-ни идора қила бошлигач, улардан яқин тутганлари билан қуда ки-ришганди. Арлот қавмининг етакчиси бўлган Ёдгоршоҳ билан қўп ҳарб-у зарбларда бирга бўлган, кейинчалик унинг қизини набираси Алоуддавла Мирзога олиб берганди. Ёдгоршоҳ арлот 1437 йилда ва-фот этади. Лекин қайнота вафотидан кейин ҳам бу ришталар узилмаган. Алоуддавла Мирзо бошига кулфат тушганди, Ёдгоршоҳ арлотнинг ўғли Жалолиддин Султон Маҳмуд унга ҳарбий жиҳатдан ёр-дамга келган эди. Алоуддавла Мирзонинг Ёдгоршоҳ арлот қизидан Бойсунғур исмли ўғли бўлган. 1456 йилнинг 6 майи куни бу фарзанд оламдан кўз юмади, у гунг эди ва Гавҳаршод Бегим хизматини қи-либ, Маҳди улёнинг муҳофазасида эди. Алоуддавла Мирзонинг гунг ўғлига эътимоди йўқ эди.

Алоуддавла Мирzonинг ҳарами унчалик катта бўлмаса-да, уч хотини ва жориялари бор эди. Шаръий аёлларидан бири (тариҳларда исми шарифаси учрамайди – муал.) ҳижрий 843 йилнинг шаъ-бон ойи учинчи кунида (9 январь 1440) ўғил фарзанд кўради. Унга Султон Иброҳим деб ном берадилар. Султон Иброҳим ёқимли бўлиб, дуркун ўсади. Алоуддавла Мирzonинг биринчи фарзанди ноқис – гунг туғилганидан боши ҳам бўлиб юрган бўлса, Иброҳим Мирzonинг дунёга келиши ва бир ёшга тўлар-тўлмас, «бобо, ота, она» сўзлари-ни бийрон айтиши кўксини кўтариб олишига, шилонларда ҳамтанг шаҳзодаларга гап бермай, гуурланишига боис бўлганди.

Оlampanoҳ хоқони саъид Шоҳруҳ Мирзо оламдан қайтиб, ака-ука шаҳзодалар тахт пойгасига оёқяланг бўлиб жидди жаҳд қилганлари-да, ҳар бир фаолиятни бир-бирининг зиддига қилишга берилганди-лар. Бу, ҳатто, тўй бобида ҳам ким ўзарлик андазасида қулоч ёзарди. Укаси Абулқосим Бобур 1448 йилнинг 22 марта ӯғли Шоҳ Маҳмуд таваллуд топганда, катта тўй беради. Бу хабар Алоуддавла Мирзога етгач, Ҳирот тахтида жулус қилиб турган, Гавҳаршод Бегим меҳри-ни ҳам, давлатини ҳам аямайдиган подшоҳ укаси тўйидан ўн чан-дон довруқли тўй қилди. Бу – Иброҳим Мирzonинг хатна тўйи эди. Тўйнинг таърифини қилишга ҳожат кўрмадим, бироқ хатна тўйи

хусусида бир иштибоҳ туғилдики, уни мубоҳаса доирасига киритиш ўша даврдаги вазиятни англашга қўмакка келармикан, деган андишага бордим.

Иброҳим Султонни 1440 йилда, 9 январда, қишининг чилласида туғилган, деб Фасиҳ Хавоғий ҳам, Абдураззоқ Самарқандий ҳам шу санани тасдиқ этганлар. Шаҳзоданинг хатна тўйи ҳақида «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»нинг 852 ҳижрий йил воқеалари (1448) зумрасида хабар берилади. Кўнгилдан кечадиган иштибоҳ шундаки, Иброҳим Мирзо саккиз ёшга етганда мусулмончилик удуми билан суннат қилинган. Бу ёш хатна учун, айниқса, «егани олдида, емагани кейинида» бўлган, кимсан, Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо сулоласи, бир эмас, ўнлаб тўйлар қилишга қодир оила учун жаноб Пайғамбаримиз уммати бўлиш, боланинг қўлини ҳалоллатиш учун кеч эмасми?!

Хатна тўйининг кечга тортиши моддий иложисизликдан эмас, шу вакъллар хонадон бошига ёпирилган ўлим ва тож-у тахт талоши билан бевосита боғлиқ бўлган. Иброҳим Мирзо беш-олти ёшга кириб, тўй ҳақида гаплар юриб, тарафдуд бошланганда, юз берган ғалвалиар, Алоуддавла Мирзонинг укаси Султон Мұхаммаднинг исёни, бобоси Шоҳруҳ Мирzonинг вафот этиши ва фавқулодда Абдуллатиф, Абулқосим Бобур ва ўзи ўртасида Ҳирот тахти учун курашга шўнгиш, шаҳзода Иброҳим Мирzonинг суннатини ортга улоқтириб қўйган омил бўлганди. Ҳолбуки, Темурий шаҳзодаларнинг хатна қилиниши ва ўн-ўн икки ёшда уйлантирилиши урфга кирган эди. Шоҳруҳ Мирзо ўн ёшида Фиёсиддин Тархоннинг қизалоги Гавҳаршод Бегимга уйланганди. Давр долгалари, шу тариқа, хукмрон хонадонларни ҳам четлаб ўтмасдан, ўз таҳрирларини киритади.

Тўйининг донг-у ноғораси баланд пардадан ниҳоя томон бораётганда, унинг азага айланмаса ҳам, Алоуддавла Мирзо давлатининг зер-у забар бўлишидан ноҳуш мужда кайф-у сафоларни елдек тўзғитиб юборади – Самарқанддан Шоҳруҳ Мирзо давлати тахтининг асл меросхўри Улугбек Мирzonинг қўшин билан бостириб келаётгани хабари етди. Иброҳим Мирzonинг хатна тўйи шодмонлик, баланд-парвозлик билан бошланиб, маҳзунлик, тубанликка шўнгиш билан охирига етиб-етмай тугаган эди.

Оталарнинг қисмати фарзандлар истиқболида акс этмай қолмаскан. Алоуддавла Мирzonинг ёрдам истагида Даشت Қипчоқقا, Абулхайрхон юртига кетиши, сарсон-саргардонликларни бошдан ўтказиши, унинг зиддига ёш, ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаган шаҳзода Иброҳим Мирzonинг Ихтиёриддин қалъаси маҳбусига айлантирилиши, айнан шу аянчли қисматнинг фарзанд шамойилидаги акс-садоси, балким муқаррар бўлиши ажаблантириларли эди. Тўққиз ёшли шаҳзоданинг 1457 йилга қадар – Абулқосим Бобур ўлимигача Ихтиёриддин ҳисорининг тор ва қоронғи, заҳ ва бурга босиб кетган,

эшиги пастак, аммо зил-замбил җужрасида саккиз йилга яқин зин-донбанд бўлиши кўп саволларга жавобдек эди.

Султон Иброҳим Мирзо ўн етти ёшида, Абулқосим Бобур Мирзо Машҳадда вафот топгач, ҳибсдан соқчилар ёрдамида қутулиб, нафасини ростлай-ростламай, шиддат билан давом этаётган тахт кўпкариси сурдавига отни якчирги қилиб, қўшилиб кетди. Зарур бўлган жойларда тахтдан, уни эгаллаши мумкин бўлган шаҳзодалардан манфаат кўрадиган, инон-ихтиёри қўлда бўладиган подшоҳдан мол-у мулкини аямайдиган, бу йўлда «гардкам» деб, бойлигини тика-диган амирлардан, таъсири қучли Тархонлардан ёрдам олди. Шу кў-максиз, шаҳзода сувдан улоқтирилган балиқ бўлиб қоларди. Султон Иброҳим Мирзо отадан мадад кута олмасди. Отанинг ўй-фикрида ҳам ўзимбўлай қутқуси фаровон, игнанинг кўзидек шуъла тушади-ган имкон топса, тахт йўлини ёритиб, одинга иккиланмай қадам босган бўларди. Шу туфайли, Алоуддавла Мирзо, муаррих айтмоқчи, «Ибир ва Сибир»дан қайтганида, ўғлига катта умидлар боғлаганида, Иброҳим Мирзо унинг кўкрагидан итарди, ёқтирмади. Ота ўз боши-га, ўғил ўз хоҳишига кўра иш кўрди, ўртадаги сармоя иккаласининг бир-бирига нисбатан тошбайр бўлишларига олиб келди. Биргина, Улуғбек Мирзо билан ўғли Абдуллатиф ўртасидаги совуқчиликнинг қаттолликкача ўсиб-улғайишига бойлик уларни ёлғиз шу ҳолга сол-ган, десак, адашамиз. Алоуддавла билан ўғли Иброҳим ҳам шу мар-рага жуда яқинлаб келган эдилар. Уларга қўз тикиб турган ёвлар, орадаги низонинг қон билан ювилишига қадар етиб боришига вақт қолдирмаган эди.

\* \* \*

Тож-у тахтнинг толеъи муаллақ бўлиб, амирлар Абулқосим Бобур-нинг норасида ўғли Шоҳ Маҳмудними ёинки Алоуддавла Мирзо-нинг бўйи бости етилиб, ҳибсда улгайган ўғли Иброҳим Мирзоними, подшоҳ кўтарамиз деб бир ечимга келолмаганида, ҳали ҳам арко-ни давлат ичида таъсири зўр ва салобатли малика Гавҳаршод Бе-гим Иброҳим Мирзони қўллаб юборди. Чунки укалари ва жиянлари, уларнинг раҳнамоси Низомиддин Аҳмад Иброҳим Мирзони оёққа турғизган, от ва сипоҳ бериб, тахтгоҳ пойига қадар олиб келган эди. Иброҳим Султоннинг омади келган ва курашда отаси ўрнига чиққан амакиваччаси Шоҳ Маҳмуд Мирзони мағлубиятга учратган эди. Омад ҳам тутуруқсиз, келиш ва кетишининг тайин бир изоҳи йўқ бир фалсафа. Кечагина Шоҳ Маҳмудга юз бурган омад, бугун ундан қай-тиб, Иброҳим Мирзога суйкалиб турибди. Баҳт-у иқбол каби, унинг чурпаси, даракчиси бўлган омад ҳам бир жойда ёхуд бир шахсда муқим қололмайди. Шоҳ Маҳмуд Мирзо-ку уч ой чамаси бошига тож қўндириб, Боги Зоғонда ҳурпайиб, подшоҳ бўлди. Иброҳим Мирзога

шундай омад дориган бўлса-да, ташрифи неча кунга етди? Омад ва баҳтнинг изидан тушадиган овчилари қўп бўлади. Бири бўлмаса бири, бу кўринмас шикорда уни ўзига мойил қиласди. У бунга қандай эришди, баридан маҳкам тута оладими, гап шунда, шунга қараб, унинг турғунлиги қарор топади. Султон Иброҳим Мирзога омад ёр бўлган эди-ю, этагидан ушлашга улгурмай, шикоргоҳда унинг изидан тушган Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Абу Саъид Мирзо омадга қўшиб, барорни ҳам илиб кетди. Бунинг тафсилоти ҳали кейинда, Абу Саъид ҳикоятида келади.

Султон Иброҳим Мирзо Шоҳ Маҳмуднинг изига тушиб, Мозандарон вилоятига қўшин тортганда, туркманлар қавмининг сардори Мирзо Жаҳоншоҳ ҳам юргирлик таъмасига тушган, қўшинлари юришни бошлаганди. Астробод ҳудудида сув ва балчиқлар, чангалзорлар қўп, суворийларнинг юриши қийин эди. Сўқмоқлардан бир отлиқ ўта оларди. Муаррих дейдики, «тўғри йўлдан ташқари, қайси тарафгаки майл қилмасинлар, асл йўлдан узоқ кетиб қолинар ва кўпинча от ҳам, одам ҳам ҳалок бўларди». Туркманлар билан тўқнашув шу йили йигирма бешинчи муҳаррамда (13 декабрь 1457), Абулқосим Бобур Мирзо вафотидан тўққиз ойга яқин вақт ўтиб, содир бўлди. Кутимагандан, пистирмада турган Мирзо Жаҳоншоҳ қоровуллари Султон Иброҳим Мирзонинг манглай қисмига зарба бериб, тариқдай тирқиратади. Амир Абу Саъид Мирам, Сайд Юсуф, амир Ҳусайн, амир Саодат Ховандшоҳлар бу тўқнашув хавфини сезиб, жанг ҳозирлигини кўриш ва вақтдан ютиш учун бир оз кутиши маслаҳат қилганларида, Иброҳим Мирзо уларнинг гапига бовар қилмаган, отлиқ қисм жангни учун ноқулай бўлган мавzedан юриб, илгарилаб келаётганди. Амирларнинг кўпи камон ва шамширларни, ўқни садоқдан чиқаришга, қилични қиндан сууришга улгурмай чангалзорнинг пана-пастқамидан, шоҳ-шаббалар ортидан кўзлаб, мерганона отилган ўқ-ёйларнинг қурбони бўлдилар. Амир Абу Саъид Мирамни эса, отдан ағдариб, асир олдилар. Абу Саъид Мирам амир Сайдхожанинг ўғли эди, ҳарб илмини эгаллаган, ботир ва забардаст қиличбоз саналарди. Унинг довругини душманлар ҳам, Мирзо Жаҳоншоҳ туркман ҳам яхши биларди.

Қўли орқага боғланган баҳодирни Мирзо Жаҳоншоҳ ҳузурига итариб-суреб олиб келдилар-да, оёғига тепиб, чўккалашни амр қилдилар. Амир Абу Саъид гандирақлади-ю, тиз чўкмади, бошини мағрур кўтариб, туркман шоҳига қаради.

Мирзо Жаҳоншоҳ туркман унинг паҳлавон келбатига узоқ тикилиб турди-да, ёнидаги ялтироқ чилимдондан икки-уч бора қулдиратиб тортди. Чилимдан нашъа қилди-да, бошини сарак-сарак қилиб, Абу Саъидга:

– Сен Чигатой, неча йиллардирки, баҳодирлик даъвосини уриб келяпсан, – деди кўзлари сузилиб, – мендек бир душман билан жанг қилмоқ учун шундай хотиржам келадиларми?!

Мирзо Жаҳоншоҳ туркман бойўғли тунда нохос шақиллаганидек, баланд овозда қаҳ-қаҳ урди, яна чилим тортди-да, гапининг давомини ямлаб, йўтала кетди. Тинчигач, Темурийлар паҳлавонидан жавоб кутди.

Иброҳим Мирзо ва унинг лашкари Шоҳ Маҳмуд Мирзо изидан тушганда, туркманлар билан жанг қиласиз, деган хаёлга бормагандилар. Мирзо Жаҳоншоҳнинг Ҳирот билан борди-кељиси бор, бу салтанатта унинг авлоди доим тобеъ бўлиб келарди. Эндилиқда, Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин вилоятларда, итоатда бўлиб келган ўлкаларда имкон топган сардор, ҳоким мустақил бўлишга тушган, Мирзо Жаҳоншоҳга ўхшаган айримлари Хуросон даъвосини ҳам қила бошлаган эди. Амир Абу Саъид ўзини очиқдан-очиқ «душман» деб атаётган туркман шоҳига жавоб айтди. У паҳлавон бўлгани билан мулоийим, тўғрисўз киши эди.

– Подшоҳнинг давлати мустаҳкам бўлсин, – деди оҳиста, – бизга баҳт ёрлик қилмади. Худрой подшоҳзода яқин кишилар маслаҳатини ҳисобга олмади.

Паҳлавон жангчи бу билан, жанг қилмасдан, гафлатда енгилганикликларини, саваш майдони очиқ бўлмай, пистирма зафар келтирганлигини айтмоқчи бўлди. Мирзо Жаҳоншоҳ гапнинг маъносига етди. Жаҳл билан қўл силтади-да, паҳлавонни дорга осишга амр қилди. Унга қўшиб, қатлага етказилганлар сон-саноқсиз эди. Муарриҳ шу куни фақат ёвнинг тифидан эмас, совуқ заҳматидан ҳам тоққа қочган черикнинг катта бир гуруҳи ҳалок бўлганлигини зикр этган. Астробод Иброҳим Мирзонинг муҳтасар сиёсий таржимаи ҳолида қорага чўлғанган ҳалқа бўлиб қолганди. Бир қисм сипоҳийлари билан жонини қутқарган шаҳзода шу қочишида сафар ойининг еттинчи куни (25 декабрь 1457) Ҳиротга келиб, эркин нафас олди.

Иброҳим Мирзога садоқат кўрсатган амир аввал-охир Низомиддин Аҳмад бўлди. Мозандаронда юз берган мағлубият хабари шаҳзодадан аввалроқ Ҳиротга қанот боғлаб, учиб келган, акобирлар, аъёнлар, саййидлар бу ҳолдан бармоқ тишлаб қолгандилар. Амир Низомиддин Аҳмад юзи шувут шаҳзодани подшоҳона кутиб олишни ўринлатиб, таъзим ва улуғлаш маросимини жойига қўйди. Зафарпаноҳ ҳукмдорга тортиқ қилинадиган тухфалар пешкаш қилди: улар орасида хайма, хиргоҳ, саропарда ва боргоҳ, каттагина нақдина олтин ва кумуш пуллар, тўққизтадан гуруҳ-гуруҳ қилинган отлар, ушоқ моллар, сандик-сандик матолар чиройни очиб юборди. Бу мулозаматлар шаҳзодани салтанат тахтига олиб чиқишида восита бўлгандек эди. Сафар ойининг саккизинчи куни Боги Зоғонда Иброҳим Мирзога тож кийдириш маросими бўлиб ўтди.

Мир Ражаб доругалиги қандай аҳволда поёнига етганидан китобхоннинг хабари бор. Ихтиёриддин қалъасига эндиликда Аҳмад ясовул кутвол бўлган, унинг Иброҳим Мирзо отаси Алоуддавла Мирзога хизмати катта, ҳатто, хазиналарини беркитишни, қўриқдашни унга топшириб қўярди. Аҳмад ясовул, «энди шаҳзода, хизматларимни арзитар», деган истакда ва иззат талабда бўла бошлади. Иброҳим Мирзонинг нечундир Аҳмад ясовулга рағбати йўқ, Ихтиёриддин қалъаси дейилса, шаҳзоданинг вужудида титроқ пайдо бўлар, аммо Аҳмад ясовулнинг унинг маҳбуслик кўргилигига даҳли йўқ эди. Бу муносабат тагида тушуниб бўлмас сирми-синоатми, бир сабаб бор эди, албаттга.

Иброҳим Мирзо доругани тақдирлаш эмас, исканжага олиш тазиқини ўтказа бошлади. Унинг олдинги хизматлари, қалъадорликдағи садоқати инобатга олинмади, девон тайинлаган улуфа – маоши ҳам тўхтатиб қўйилди. Бу хилдаги билиб-бilmасликка олиш сиёсати ўртада учинчи одамнинг кўкаришига олиб келмай қолмайди – Аҳмад ясовулга, «сени қўлга олмоқчилар», деган гап уқдирилади. Султон Иброҳим Мирzonинг Ҳирот тахтига чиққанининг йигирманчи кунидан эътиборан Аҳмад ясовул содикликни Ихтиёриддин қалъаси ичига, тош деворлар ортига беркитиб қўйиб, бўйсунмасликка қарор қиласиди. Дарвозалар зичлаб ёпилади, кўтарма кўприклар осиб қўйилади.

Аҳмад ясовул билан бўлган эълон қилинмаган низони нечун ётифи билан сўзлаётирман? Ёш шаҳзодага йигирма кун ичидаги дўстни душманга айлантириш нега керак бўлиб қолган эди? Аҳмад ясовулнинг қўлни ювиб, қўлтиққа уриши Иброҳим Мирзо ҳокимииятининг устунлари бўлмиш Тархонларга манзур бўлмаган, амир Аҳмад Тархон ёқалашиб ёвлашган шоҳ ва доруганинг орасига тушади. Иброҳим Мирзо:

– Менинг хотиримда унга қарши ҳеч душманлик йўқ, – дейди Аҳмад Тархонга, – унга нисбатан турли-туман марҳамат-у иноятлар кўрсатишни хотирим лавҳасига чизиб келардим.

Аҳмад ясовул ҳам асли Тархонлардан, барининг томири бир эди. Амир Аҳмад Тархоннинг орачаси туфайли, Аҳмад ясовулга шаҳардоругалиги берилади, бу – Ихтиёриддин қалъаси унинг ихтиёрида қолдирилди, деган гап эди. Аҳмад ясовул ўз ҳолига ташлаб қўйилган кўйи, қалъани маҳкамлаш билан овунди. Бирор марта бўлса ҳам, саройга, Иброҳим Мирзони қутлашга бормади. Бу мағрур кутвол ўз қадрини биладиган ва тилёғламаликдан йироқ эди. Орадан олти ярим асрдан ортиқ вақт кечиб, кишини ўйлов босади – шоҳона инжиқлик ва поймол этилган садоқатдан ким ютган?! Қани, Амир Темурнинг бағрикенглиги, қани давлат манфаати, мамлакат қудрати учун шахсиятни орқага қўйиш, ҳатто, ўзини заҳарлаганларни бир эмас, икки-уч бор кечириш? Улуғ дарёлар жилгалардан сув олиб, олисга оқади. Бир жилғанинг қуриши ёинки йўлни буриши наҳрни саёзлантирмайдими? Саволлар жуда кўп. Иброҳим Мирзо ва Гавҳар-

шод Бегим мактабидан чиққан набиралар тахтирикни аъло даражада ўзлаштирган эдилар-у, сиёсат маданиятини, одампарварлик одобини истисно қилгандилар. Бунинг оқибатлари тарихларда мазкур бўлди ва ҳар сафар мутолаа этилганда ёки бир нисбат ила зикр қилинганда, ачиниш кайфияти кишини қамраб олади. Чунки мамлакат ва подшоҳни айри қараб бўлмайди. Ҳукмдорни Аллоҳ таолонинг ердаги сояси, деб ташбеҳ келтирадилар. У юртининг, миллатининг рамзи, ҳалқ даҳосининг қонуний такомили. Тахтга интилишда шу салоҳиятлар жавоби ҳозир бўлиши, сипоришлар асосида шу тамал мустаҳкам туриши лозим эди. Гавҳаршод Бегим ҳам, шаҳзодалар ҳам бу ҳақда бош қотирмади, худбинлик, калтафаҳмлик, насабига муносиб бўлишни хаёлига келтирмаслик, амирлар, гуруҳлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолиш касофатларнинг хом сут эмизган онаси эди. Султон Иброҳим Мирзодек ўн тўққиз ёшли шаҳзода, бўлмаса, етти-саккиз йил умрини қамоқда кечиравмиди?!

Юқорида баҳт ва омад ҳақида фикрладим. Иброҳим Мирзодан ҳар икки қадриятнинг ўзи ўтириши унинг тақдир исказида қолиши билан узвий боғлиқ эди. Шоҳ Маҳмуд Мирзо – собиқ уч ойлик шоҳ Ҳирот тахти даъвогари, Мирзо Жаҳоншоҳ туркман ҳам шу қасдда, Самарқанд подшоҳи Абу Саъид эса, пойтахтга босиб келаётиб, Балхда тўхтаб турибди. Ҳарб-у зарб учбурчагида бу шаҳзода учун қисматнинг шафқатсиз қуршови эмасмиди?!

\* \* \*

Қишлоғ қилиб, ҳутнинг келишига кўз тикиб ётганлар фақат раият эмасди. Фаслларнинг курраи замин меҳварида баҳор ва ёзга айланиши қаҳратон аёзларда дилдираб, узун тунларни тонгга улаган камбағал, етим-есирларга фақат илиқдик эмас, ризқ-у рўз ҳам ҳадя қиласарди. Қишида дон-дун захиралари тугаб, уруғлик учун тишининг ковагида асралган галлани сиқимлаб бўлса-да, очдан ўлмаслик учун ишлатишдан ўзга чора йўқ эди. Мирзо Жаҳоншоҳнинг музлар эриб, майсалар кўклай бошлашини кутаётганлиги сири эса, бошқача йўсинга эга эди. Астрободда Султон Иброҳим Мирзо аскарларига катта талафот етказиб, зафар нашидасидан ҳаволанган туркман подшоҳи шоҳона дастурхонни Ҳиротда, Боги Зоғонда ёзмоқчи, фақат чилимини эмас, Хурросон шаробини ҳам тотмоқчи эди. Бойсунғур Мирзо ва Абулқосим Бобур Мирзолар нўш қилган майу шароби нобларнинг таърифини кўпдан эшигтан эди.

«Мирзо Жаҳоншоҳ, – дейди «Матла»нинг муаллифи, – Қора Юсуф туркман авлодидан энг каттаси бўлиб, ҳазрат ҳоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо) Озарбайжон мамлакатини учинчи марта фатҳ этган вақтида, бу мамлакат салтанатини унга бағишилаб, у вилоятларга эгалик қилиб бошқариб туриш ишини унинг кордонлиги уҳдасига топшириб

қўйган эди. У ҳазрат Шоҳрухнинг ҳаётлиги замонида Мирзо Жаҳоншоҳ бож тўлаш ва хизматкорлик мақомида туриб, у ҳазратга маъқул келадиган хизматларни бажаришга бел боғлаган эди. У ҳазрат фоний дунё билан видолашгандан кейин Мирзо Жаҳоншоҳда Форс ва Ироқ мамлакатини босиб олиш истаги туғилди-ю, бироқ Мирзо Султон Муҳаммаднинг қонхўр шамшири қўрқинчидан таъма тиши умидсизлик билан унинг милкида синди, ўз мамлакатига қаноатланиб, ўз ўрнида ўтириди. Мирзо Султон Муҳаммад унинг қизини ўз шаръий никоҳига олди. Мирзо Султон Муҳаммад шаҳидлик шарбатини тотгач, Ироқ ва Форс мамлакатларига Мирзо Абулқосим Бобур эга бўлиб олди... Мирзо Абулқосим Бобур вафот топиб, Хуросон мамлакатида шаҳзодаларнинг ўзаро низолари туфайли тўс-тўполон кўтарилгач, Мирзо Жаҳоншоҳ фурсатни ганимат билиб, Хуросонни бўйсундиришга жазм қилди ва Мозандаронни фатҳ қилди-да, юриш байроғини доруссалтана Ҳирот томон тиклаб, Ҳирот шахридан ўн беш фарсах масофагача етди».

Туркман подшоҳининг пойтахтга яқинлашиб келаётгани баҳордан бўён алғов-далғов ва ғурбатхонага айланиб қолган Ҳирот аҳолиси учун катта саросима түғдирди. Одамлар шаҳарни ташлаб, иложи борича узоқ булукларга кета бошлади, бозоржойлар, дўкон расталири шип-шийдам бўлиб қолди. Кутилган хуруж бошланди, мишишлар рост бўлиб чиқди. Мирзо Жаҳоншоҳ туркман лашкари шаъбон ойининг ўн бешинчисида мўри малаҳдай бўлиб, Ҳирот четига ёпирилиб, қўш ташлади. Бу воқеа милодий ҳисобда 1458 йилнинг 29 июня куни рўй берди. Ҳиротдай, Шоҳрух Мирзо туғи қирқ йилдан ошиқ ҳилпираған пойтахт шаҳарнинг, биринчи бор Темурийлар кўлидан чиқарилиши улар ўртасида иттифоқликни эмас, янада тарқоқликни кучайтириди. Мирзо Султон Санжар Марв мулкидан кечиктирмай элчилар жўнатиб, бу музafferиятни биринчилардан бўлиб муборакбод қилди.

Туркманлар ҳокимиётга келганидан кўп ўтмай, аҳолидан олиқ-солиқлар тўплашга ружу қилдилар. Ҳолбуки, 1458 йилнинг бошларида (февраль ва март) Султон Иброҳим Мирзо ҳут ва ҳамалда раиятдан оладиганини олиб бўлган эди. Мирзо Жаҳоншоҳнинг Ҳиротда бир неча кунни майшатда, шаробхўрлик ва чилимбозлиқда ўтказиб, иккинчи қилган иши Султон Иброҳим Мирзонинг изидан тушиш бўлди. Унинг жосуслари Алоуддавла ва ўғли Султон Иброҳим Мирзо Фурвилоятида турибдилар, деган даракни етказдилар.

Мирзо Жаҳоншоҳ ота-бала изидан тушай деб турганда, Алоуддавла ва Султон Иброҳим Мирзо бойлик устида низога бориб, ота ўғлини ҳибсга солгани тўғрисида олдинги қисмда баён этилган эди. Дунёнинг аломат ишларини мулоҳаза қилиб, поёнига етиш қийин. Туркман подшоҳи Алоуддавлага муруват қиласи, Иброҳим Мирзо

эса, Тархонлар ёрдамида ҳибсдан қутулиб, яна ўз иқболини ахтарышга тушди.

Шоҳрух Мирзо таҳтининг туркманлар тасарруфига ўтиши Темурийлар салтанатига садоқати кучли бўлган, Хуросоннинг турли вилоятларида ҳали етарли кучга эга бўлган ҳамиятли амирларда ташвиш туғдирган ва иттифоқдашиб, Мирзо Жаҳоншоҳга қарши курашга отланиш қарорига келгандилар. Бу туркман подшоҳининг мушоҳадасига тикандай қадалиб, Форсга подшоҳ қўйиб келган ўғли Пирбудогни лашкари билан ёрдамга чақиради. Шу орада Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Абу Саъид Мирзодан элчилар Мирзо Жаҳоншоҳнинг юрагига фулгула солиб, Ҳиротга етиб келишди. Мирзо Жаҳоншоҳ туркман бир қаричлигидан сиёsat қозони атрофида ўралашиб ўсган эди. Абу Саъид Мирзо элчилари келганда, ўз ёнида атай Алоуддавла Мирзони олиб ўтирган, бу билан, «Темурийларга эҳтироми катта, лозим бўлса, Ҳирот таҳтида ёнимдаги Мирзони кўргайсиз», демоқчи бўлган эди. Элчилар бинойидай кутиб олинди. Мирзо Жаҳоншоҳ Ҳиротни эгаллаганича, тўрт ой қорнини қашлаб, Мухтор тоги этагида қишлоғ қилиш ниятида эди. Абу Саъид Мирзо билан сулҳга эришилган вақтдан унуматли фойдаланиб, Хуросондаги ҳокимиятни мустаҳкамлаши асосий фояси, мақсади бўлиб қолганди. Ҳар ҳолда, тўрт ой ёмон ўтмади-ку, деган ишонч уни мағрурлантиради, бирорта Темурийзода унинг мушугини пишт дея олмадику?! Алоуддавла дегани сўтак, уни бор қилиш, йўқ қилиш ҳам осон, фурсати етсин, суробини тўғрилаб қўяман, деган хуносада чилимни қаттиқ қулдиратиб, босиб-босиб тортди.

Кайф-у сафода, хаёлларга эрк бериб турганингда, ноxуш хабарнинг эшик қоқмай кириб келиши юракни кабутардай патиллатар, қинидан чиқаргудай бўлар экан-да. Сарҳадларда қўйилган қўриқ-чилар келишиб қўйилгандек, бири келиб, иккинчиси унинг изидан етиб, Абу Саъид Мирzonинг туркман сипоҳиларига ҳужум бошлаш ниятида эканлиги дарагини келтира бошладилар. Бу хабарлар тагида жон бор эди. Кўп ўтмай, сафар ойининг саккизинчисида, Мухтор тоги домонасида қишлоғ турган туркманлар сипоҳи устига Мовароуннаҳр қўшини ёпирилиб, беаёв қирғин бошланди. Бу воқеа миодий 1458 йилнинг 8 декабрида содир бўлди.

Иброҳим Мирzonинг ношудлиги сабаб ташлаб кетилган Ҳиротда яна Темурийлар чироги ёна бошлади. Бу ҳикоянинг, ҳодисотларнинг давомини кейинги қисмларда тадрижи билан келтириш мувофиқлиги учун, Иброҳим Мирзога тааллуқли бўлган шу сатрлар билан кифояланишни маъқула кўрдим.

«Қассобга пул, эчкига жон қайғуси», деганларидек, Темурийларнинг тарихий пойтахти, давлатчиликнинг асоси ва таянчларидан бири Хуросоннинг, унинг пойтахти Ҳиротнинг туркман подшоҳи

Мирзо Жаҳоншоҳдан – Шоҳруҳ Мирзо бир вақтлар иноят қилган, мартабага мушарраф этган, эндилиқда, «тўйдирғаннинг қорнига» қабилида, Темурий шаҳзодаларнинг бирикмаслиги, оқибатда кучсизланиб қолиши сабаб, улар устига от ҳайдаган Мирзо Жаҳоншоҳ туркман тажовузидан юртни, элни халос этганда, Абу Саъид Мирзога қарши Марв ҳокими Султон Санжар Мирзо, Алоуддавла ва Султон Иброҳимлар гапни бир қилиб, Ҳиротни қўлга киритишга аҳдлашди. Султон Иброҳимнинг одамлари, «Мовароуннаҳр чериги пойтахтда оз сонли қолдирилган, чопқун қилиш хайрли бўлгай», деган фикрга келди. Ота-ўғил ва Султон Санжар бу ҳақда бир-бирларига элчилар юбориб, иттифоқ туздилар ва Сарахс шаҳри ёнида уч даъвогар сипоҳийлари қўшилдилар.

Ҳиротни идора қилиб турган Абу Саъид Мирзонинг чериги, ҳақиқатда, кам сонли эди. Самарқандликлар Сарахсдан қанот қоққан уч бошли аждарҳо ҳамласига тайёр бўлиб турарди. Омад Мовароуннаҳр черигига ёндош келди – кутилмаганда захирада қолдирилган амир Султон Аҳмад Темуртош ва амир Сайд Мазидлар бошлиқ икки қўшин Султон Абу Саъиднинг қўли баланд келиши омили бўлди.

Бу худбинлик жангни эди. Туркман лашкарини ҳайдаган Самарқанд чериги, айтайлик, бу муҳорабада енгилганда борми (шундай овозалар ҳам тарқатилган эди), Султон Санжар ва ота-ўғил ғалабадан кейин учаласи қирпичноқ бўлар, бир-бирини йўқ қилишга, ўзи тахтга чиқишига зўр берган бўларди. Омаднинг ақли ва инсофи борки, тақдиршумул ҳолларда ҳақни ёқлади, заиф бўлса, қувват, мағлуб бўлса, қудрат беради ва пировард натижада, пешонаси ялтираганни сийлайди. Султон Санжар Мирзо жанг бўлиб ўтган Сарахс ва Марв ўрталиғидаги ҳудудда қўлга тушиб, қатл этилади. Бу воқеа 19 апрель 1459 йилда бўлди.

Ота-ўғил, Алоуддавла ва Иброҳим Мирзолар ит азобида ҳарб майдонидан қочиб қутулиб, Сабзавор вилоятининг Мазийон мавзесига етиб олдилар. Гавҳаршод Бегим эътимол қўйган Алоуддавла ва ўғли Иброҳим Мирзо кекса маликанинг ишончини оқлай олмай, сарсон-саргардонликка мубтало этилди. Улар Мазийон қасабасига борганларида, яна ўзаро тафриқалар туфайли, Бистом томонга йўл солдилар. Ношуд ота-ўғилдан қолган амирлар ҳам юз ўгириб, ҳар тарафга тарқаб кетди. Садоқатли амирлардан бири Мирзо Халил ҳам улардан умидни узиб, энг охирда отига миниб, Темурийлар орасида ялт этган чўғдай бўлиб, кўрина бошлаган, шу яқинда Журжон ва Мозандарон вилоятларини эгаллаб олган Султон Ҳусайн Мирзо ҳузурига жўнаган эди.

\* \* \*

Табиатда қаттиқ жисмлар бенихоя қўп. Инсон асабидек бардошлиликни на тоғ, на тош ва на пўлат, на олмос билмаса керак. Султон Иброҳим Мирзонинг Ихтиёриддин қалъаси маҳбуслигидан қутулганидан кейин ўтган бир-бир ярим йил ичида бошдан кечирганларини тасаввур қилиш ҳам оғир. Олти йил ҳибс унинг ўпкасига диқ (сил) касаллигини маҳкам жойлаган эди. Дастреб калта-калта йўталиб юрган шаҳзодани таҳтдан ажralиб, сарсон-саргардон кезганларида бу хасталик қаттиқ безовта қилар, баъзан йўл юриб бораётганида от ёлига ётиб қолар, кўзини очиб, ўзига келиши амримаҳол бўларди. Шаҳзода хасталиги ҳақида асло сўз очмас, табиб дейилса, жини қўзирди.

Султон Абу Саъид Мирзо қўшинидан қаттиқ шикаст еб, қочишга тушганда, шаҳзода ўқдан ёинки жароҳатдан эмас, ўпкаси илвираб кетганидан, қон туплаб бир амаллаб, эгар бошини маҳкам сиқиб, отдан йиқилмай бораарди. Домғонга етгунча отаси билан бирга бўлди. Бу ерга келиб, озгина ҳордиқ олишгач, ота-ўғил совуққина хайрлашди. Алоуддавла Мирзо ўғлининг куни битиб бораётганини ҳис қилиб турса-да, издан тушиш хавфидан қўрқиб, йўлни айри солишига мажбурият сезганди. Бу ота-боланинг сўнгги дийдорлашуви ва хайрлашуви бўлиб қолди.

Султон Иброҳим ўз одамлари билан қолгач, Машҳадга, орқага қайтишни мақбул кўрди. Ажабо, шаҳзоданинг омади юриша бошлади чоғи, йўлда унинг сипоҳийлари сафига ҳар қаердан жон сақдаб, раҳнамо излаб юрган қочоқ аскарлар келиб қўшила бошлади ва катта бир черик пайдо бўлди. Бу шаҳзоданинг ҳамда миниб келаётган саман отининг умганини кўтариб олишига сабаб бўлди. Султон Иброҳим ўзини яхши сеза бошлаган, хасталик ҳам бирор асар қолдирмагандек эди. Катта черик жам бўлгандан кейин унинг озиқ-овқати, от-уловлар емиши ва қурол-яроққа маблағ зарурати бўлади. Ҳозирча мақсади мавҳум бўлган, қай томонга юриш, қай томонга босқин уюштирадиган бу қуролли жамоа йўл-йўлакай дуч келган қишлоқларни талаш билан овора эди. Унинг кўнгилли лашкари бу ишлар билан машғул бўлиб турганда, шаҳзода хаёлида яна Ҳирот, яна Боги Зогон, жилвагар таҳт сурати намоён бўлаётган, режаси ҳам пишиб қолганди. Навниҳол умрини «таҳт ё таҳта!» – таҳт ё ўлим, деб ҳокимиият курашига тиккан шаҳзода айтгани бўлмайди.

Дунё ва таҳт Иброҳим Мирзога вафо қилмади, талоқ айтилган хотиндек қайтиб қўл тутмади. Шаҳзода 1459 йилнинг 16 июлида қазо қилди. Унинг Ҳиротга келиш орзузи тескари ушади – 1459 йилнинг 6 августида Гавҳаршод Бегим мадрасасига жасади бобоси Бойсунгур Мирзо ёнига дағн этилди.

## ПАДАРКУШ ВА ИНТИҚОМ

Кун изгиринли бўлса-да, ҳаво очиқ эди. Дов-дараҳтларнинг шоҳларида сарғайган барглар ҳали қуюқ, ҳафта бурун майнин сепалаган ёмғир, борлиқни тозартганди. Мухтор тоги гўё шаҳарга яқинлаб келгандек, даралари, қоя ва домонлари яққол кўзга ташланиб туради. Шаҳарнинг чет-чақаларида ишига куйманиб юрган одамлар кўринса-да, подшоҳлик жойлари бўлган Боги Зогон, Боги Сафид томонларда сукунат ҳукм сурар, тез-тез у ёқдан бу ёққа ўтиб турувчи отлиқлар ҳам ниҳон бўлганди. Боги Сафиднинг яқинлашиб борилганда кенг саҳнли айвонлари одамлар билан лиқ тўлиб кетганиги, бошлар қўйи солиниб, шаҳарнинг барча амир-у акобирлари, эшон-у саййидлари, мулла-ю мударрислари, фозил-у фузалолари, сипоҳийлар, раият жанозага тўпланиб турганлиги аён бўларди. Бугун тонг пайти шаҳзода Бойсунгур Мирзо бандаликни бажо келтирган, Ҳирот мусибатга чўлганган эди. Жанозага барвақт жарчилар хабар қилишга қўйилиб, эшитган халойик таъзияга етиб келганди. Шаҳзода ҳижрий саккиз юз ўттиз еттинчи йилнинг жумод ул-аввал ойи еттинчисида (20 декабрь 1433) ҳаёт билан видолашганди.

Шоҳруҳ Мирзо хонадони учун бу оғир йўқотиш бўлган, илм-фан, бадиият ва нафис санъат аҳли ҳам қаттиқ қайфуда қолган эди. Мирзонинг саховати, олимлар, адаб, шоирларга бўлган ҳиммати чексиз бўлиб, пойтахтда вужудга келган тамаддун нишоналари унинг исми шарифи билан чамбарчас боғлиқ эди. Маърака кунларида Бойсунгур Мирзо фавтига аatab, унинг улуғворлигини мадҳ этиб марсия ва тарих, қасида битмаган қалам соҳиби кам қолди. Шоҳруҳ Мирзо ўғли қазо қилганда қирқ кун унинг иззатини камолга етказди, таъзияхонадан жилмади. Тарихнависнинг ҳикоя қилишича, «Эрон-у Туроннинг машҳур кишилари ва рубъи маскуннинг улуғлари ҳумоюн даргоҳга жамъ бўлган эдилар. Ҳар куни моҳир шоирлардан битта ёки иккитаси марсияларни арзга етказиб, ўқиб эшиттирар эдилар».

Ҳиротда Сайфиддин Наққош деган ҳунарманд киши бўлиб, шинаванда, табъи назми бор эди. Шаҳзоданинг вафотидан қаттиқ таъсирланган Сайфиддин Наққош «Воҳидий» тахаллуси билан марсия-қасида битиб, жамоатга ўқиб беради. Абдураззоқ Самарқандий асарида мазкур қасидани тўлиқ келтирган.

Наққош шоир юракдан оқиб ўтаётган фам-гусса ҳисларини сатрларга маҳорат билан шундай чиройли ташбеҳлар орқали тизадики, мана-ман деган шоирлар ҳам офарин айтадилар. Бойсунгур Мирзо вафотидан, «Боги Сафид ҳудди ҳунардек касодга учради. Бу ҳол бизнинг баҳт-у толеимиз қоралигидан нишондур», деган хulosага келади ашъорнавис. Ҳунарнинг касодга учраши ҳаётда бор гап, уни

шаҳзода вафоти билан боғлаш, Бойсунғур Мирзонинг илм-у маданият соҳасида тутган ўрнини очиб беришда беназир лутф бўлади.

Мавлоно Сайфуддин Воҳидий қасида давомида Темурийлар хонадони ва унинг ёрқин сиймоларига умид назари билан қарайди. Шоҳруҳ ва Улуғбек Мирзоларни мадҳ этади, мұхим ишундаки, улардан кейин учинчи ўринда Абдуллатиф Мирзоны тилга олади. Иброҳим Султон, Жўқий Мирзо ва энг охирда, Алоуддавла Мирзо қасида сатрларида тилга олинади. Соддалаштириб айтадиган бўлсак, Улуғбек Мирzonинг ёш ўғли Абдуллатифни қолган Мирзолардан устун қўйиб таърифлайди:

*Абдуллатиф мамлакат бўйстонининг ўзаги,  
Инс-у жон султони равшан табъга мақбул.*

«Равшан табъ» – Шоҳруҳ Мирзо эди. Абдуллатифга бобоси бошқа набираларига қараганда эътимод қўйганлиги Бойсунғур Мирзо вафот этган 1433 йилда ҳам фақат сарой доирасида эмас, жамоатчиликда, шоирлар, олимлар ўргасида ҳам маълум экан. Бу далил мушоҳада ва мубоҳасага лойиқ. Бу, энг аввало, Абдуллатифнинг туғилиш санаси ва волидасига тааллуқлидир.

Муаррих Хондамирнинг шаҳодатига қўра, Улуғбек Мирzonинг бешта шаръий хотини бўлган. Ҳарамда жориялар ва канизаклар ҳам ўша даврлар урфига мувофиқ анчагина эди. Улуғбек Мирzonинг оиласи ҳаётида чигалликлар юз берib, муносабатлар бир текис кечмаган. Муҳаммад Тарагай – Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршод Бегимнинг тўнғичи, «Улуғбек» номи билан машҳурлик касб этган шаҳзода ўн ёшида (отаси каби), 1404 йилда Амир Темурнинг иккинчи фарзанди Жаҳонгир Мирzonинг ўғли Муҳаммад Султоннинг қизи Оғо Бегимга уйланади. Бу никоҳ ҳайрли бўлмаган. Малика саккиз йилдан кейин 1412 йилда қизалоқ тугади-ю, у иккига кирганида вафот этади. Онанинг ўзи ҳам ўн беш йиллик турмушдан кейин 1419 йилда оламдан қайтади. Улуғбек Мирzonинг оиласи ҳаёти алоҳида мавзу бўлиб, уни манбалар муқоясаси асосида синчилаб ўрганиш зарурати бор. Бу ўринда, тарихнавис Мирхонд нақд этган бир чизгини зикр этиш билан кифояланиш жоиз кўрилди. Айтилишича, Али Қушчи ҳам қатнашган бир суҳбатда, Улуғбек Мирзо башорат илмининг (илми рамл) соҳиби Муҳаммад Ардистонийдан шу яқин кунларда рўй берадиган воқеалар тўғрисида сўрабди. Башоратчи-фолчи тортиниб, содир бўладиган ҳодисалар шоҳнинг ҳарамига тегишли бўлганидан, Али Қушчи иштирокида уни айта олмаслигини, ижтиnobини сўзлайди. Улуғбек Мирзо Али Қушчи унинг дўсти эканлигини, олдида бемалол сўзлайвериши мумкин эканлигини таъкидлайди. Шундан кейин башоратчи Улуғбек Мирзога, толе шундай эври-

ладики, сен яқында икки аёлингдан бирини ўлдирасан, иккинчиси – хоннинг қизи Оқ Султон Хоника билан ажралишасан, дейди. Оқ Султон Хоника Амир Темур даврида номига хон кўтарилиган, Султон Боязидга қарши курашда ҳалок бўлган Султон Маҳмудхоннинг қизи бўлиб, Улуғбек Мирзо уни ниҳоятда яхши кўрган, ундан ҳеч айрилмаган, қаерга борса, сафарида бирга олиб юрган. Шу боисдан, башоратчи-фолчининг гапига ишонмаган. Лекин қисмат ёзифи шундай бўлганки, Улуғбек Мирзо, фолчи башорат қилганидек, айтилган икки хотиндан бирини жаҳҳ устида ўлимга ҳукм қилган. Бу айбнинг даражасини, афсуски, тарихий асарлар эслатмаслик билан бўш қолдирган, қатл этилган маликанинг исмини билиш ҳам имкондан холи. Гап Оқ Султон Хоникага келса, чиндан ҳам Улуғбек Мирзо унга ҳам аччиқ устида талоқ айтиб юборади. Оқ Султон Хоника, чамаси, мақтул малика билан чиқишмаган, ҳарамда чидаб бўлмас фийбат авж олган бўлса керакки, унинг ўлимидан севинчини яшира олмай, баланд овозда хандон солиб, қаҳқаҳа урган эканки, Улуғбек Мирзо, никоҳдан воз кечиб юборибди.

Бу нақдлар нечоғлик ҳақиқатга мувофиқ келади, жавоб мажхул. Вақтида, академик В.В. Бартольд бу ҳақда тўғри хulosага келган эди. Олим дейдикни, Улуғбек Мирзо хотинларидан бирини жуда севган, лекин қандайдир бир фожиа бу муҳаббатга нуқта қўйган. Ўтмиш қатларидан етиб келган ва турлича талқин этилган оиласий ихтилофлар (шоҳларнинг, оддий кишиларнинг ҳам ишқий можаролари ғалва билан «сайқалланишини» унутмайлик) замирида кишини ўйлантирадиган қирралар бўлади. Улуғбек Мирзонинг ўғлонлари ва қизлари кўп бўлиб, уларнинг оналари, туғилган йиллари, неча йил умр кўрганлиги каби аниқдиклар жамулжам бўлгани ҳолда, Абдуллатиф Мирзонинг онаси, туғилган вақти ҳақида манбалардан жавоб топиб бўлмайди. Борлари эса, иштибоҳди.

Улуғбек Мирzonинг фарзандлари кўп эди. Унинг болалари 1411–1412 йиллардан, яъни Улуғбек Мирзо ўн олти-ўн етти ёшга кирган вақтларидан дунёга кела бошлайди. 1412 йилда иккала аёлидан Хасиба Султон ва Ибодулло Мирзо туғилади. Бири икки, иккинчи беш ёшида вафот этади. Абдулло Мирзо, Абдураҳмон Мирзолар 1420–1421 йилларда таваллуд топиб, иккаласи ҳам ёшлигига нобуд бўлишган. Темурийлар шажарасини яхши билган марҳум тарихчи Тургун Файзиев, Абдуллатиф Мирзони Улуғбек Мирzonинг тўртинчи ўғли, дейди ва 1428 йилда туғилган, деб кўрсатади. Бешинчи фарзанд Абдулазиз Мирзо 1430 йилда дунёга келган. Муҳтарам китобхон эътибор берса, учинчи бола – Абдураҳмон билан Абдуллатифнинг туғилиш саналари орасида саккиз йил фарқ борлигига ажабланиши, эҳтимол. Аслда, кўп хотинли оиласида болаларнинг туғилиши, йилларнинг тўғри келиши, ойлар, қунлар тафовут қилиши тушунарли. Улуғ-

бек Мирзонинг еттига қизи бўлган, айтилаётган йиллар оралиғида қизалоқлар дунё юзини кўрган бўлишлари истисно этилмайди.

Фасиҳ Хавофий ўзининг солномаси «Мужмали Фасиҳий»да Улуғбек Мирзонинг ўғил фарзандлари туғилиши ва ўлеми саналарини изчил бергани ҳолда, биргина Абдуллатиф ҳақида, яъни унинг туғилиши ва онаси ҳақида индамай ўтади. «Мужмали Фасиҳий»да (1442) кейинчалик Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида айнан шу тарзда айтилган бир далил борки, кишида ишонч эмас, эътиroz уйғотади. Фасиҳ Хавофий ҳижрий саккиз юз қирқинчи йилнинг муҳим воқеа-ҳодисаларини солнома тариқасида ёзар экан, шу йилнинг шаввол ойи йигирма олтинчи куни «Султон Улуғбек баҳодирнинг ўғли, маҳдумзода Абдуллатифнинг хатна қилиниши»ни қайд этади. Бу милодий ҳисобда 1437 йилнинг 3 май кунига тўғри келади. «Матла»да ҳам шу рақам – ҳижрий 840 йил зикр этилиб, Боги Зоғонда, Шоҳруҳ Мирзонинг Ҳиротдаги шоҳона ўрдусида «олам аҳлиниң шаҳзодаси Абдуллатифнинг хатна тўйи» бўлиб ўтганлиги ёритилади.

Мушоҳада қилайлик. Муаррих Турғун Файзиев кўрсатган, Абдуллатифнинг 1428 йилда туғилганлиги санасига бовар қилинадиган бўлса, у тўққиз ёшида отаси томонидан эмас, балки бобоси хоҳиши билан Ҳиротда суннатга ётқизилган бўлади. Сизни билмадим-у, менинг бу санага, «қариб» хатна этилиш воқеасига шубҳам қучли. Ўша вақтлар ҳам, ҳозирги замонда ҳам бор-будли мусулмон хонадонларда ўғил болаларнинг қўли, кечикилса, тўрт-беш ёшида ҳалолланади. Менингча, шу санани рақам этган иккала муаррих ҳам бир жиҳатни янглиштирган. Бу янгишув Абдуллатиф эмас, унинг ўғли хатнаси билан изоҳланса, фикримча, ўринли бўлади. 1428 йил билан хатна йили орасида тўққиз йиллик муддатдан ташқари, Абдуллатифнинг бешта боласи бўлганлигини ҳам соқит қилиб бўлмайди. Абдуллатиф тўққиз ёшида «суннат қилинган», 1449 йилда падари бузруквори Улуғбек Мирзонинг қатлига қўл урган бўлса, хатна билан қаттоллик орасидаги ўн икки йил уйланиш, беш фарзанд дунёга келиши учун камлил қилмайдими? Биз шу вақтга қадар Абдуллатиф Мирзо йигирма бир ёшида Самарқанд таҳтини эгаллаган, салтанатта аллома, донишманд падари бузруквори Улуғбек Мирзони ўлимга маҳкум қилган, деган тасавурда келганмиз.

Умрининг охирини ота қони билан бўяшдек абадий иснодга қолган қотилнинг ёши ва онаси, тарихларда бу икки қутбнинг ямлаб ўтилиши хусусида ўйлаб кўриладиган бўлса, ҳалига қадар равшанлашмаган кўп қоронфи, мозийлар губори остида қолиб келган пучмоқларга ҳам зиё шуъласи етиб борармиди, деб ўйга ботаман. Юқорида, Улуғбек Мирзонинг бир сабаб (албатта, кечирилмас) билан хотинларидан бирини ўлимга буюриши тўғрисида манбага таяниб,

сўзладим. Бу аёл ким эди? Абдуллатифнинг туққан онаси эмасми-кан? Унинг шу гуноҳи учун ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиши, бу ҳақда сўзлаш хуш кўрилмаслиги боис, тарихий асарларда жим ўтиш маъқул кўрилдимикан?! Бу хотиннинг туфиши, боласи қолганлиги, ақалли, эслатилмаслиги ҳам муаррихлар журъат доирасига кирма-гандек. Лекин фаросат қилингудек бўлса, Самарқандда, Улуғбек Мирзо рўзгорида содир бўлган нотинчликлар, оилавий ҳангомалар акс-садоси Ҳиротда бўй бермай қолармиди?! Менингча, йўқ. Ҳирот, айниқса, Гавҳаршод Бегим она сифатида Улуғбек Мирзонинг ички-ларига, ҳарамига зийраклик билан қарап, хотинларнинг босган ҳар қадами хабари мунтазам етиб туриши йўлга қўйилганди. Инчунин, Улуғбек Мирзонинг юриш-туриши, отасига садоқати, сиёсати, ҳам-ма-ҳаммаси Боги Зоғонда беш бармоқдек маълум эди.

Нима бўлганда ҳам, ҳижрий 820-823 йиллар (1417-1420) Улуғбек Мирзонинг оилавий можаролари ўрлаб, нотинчликлар ва айтилган фожианинг рўй берганлиги эҳтимол даврлар бўлгандек туюлади. 1420 йилда Гавҳаршод Бегим кенжә ўғли Муҳаммад Жўгий Мирзо билан Самарқандга ошиғич равишда етиб келади. Бу ташриф 1420 йилнинг баҳорида бўлиб, ўн кундан сўнг 27 апрелда Маҳди улё маликанинг Ҳиротта қайтиши билан якун топади. Ўйлашимча, Гавҳаршод Бегим шунчаки келмасдан, оилавий жанжалларни ипидан-игнасиғача тафтиш қилиб, ўғлиниң ҳақдигига, аёлнинг ўзидан гуноҳ ўтганлигига иқрор ҳосил қиласди. Муҳаммад Жўгий онаси билан бежиз, шунчаки, акаси билан дийдорлашиш учун келмаган. Буни тушуниш мумкин. Улуғбек Мирзонинг бўлиб ўтган оилавий гап-сўзларда айби бўлганда эди, укаси унинг ўрнини эгаллаши эҳтимол эди. Кейинчалик, Улуғбек Мирзо ёғийлардан мағлубиятга учраганда, Шоҳруҳ Мирзо томонидан ҳам шундай «захира усул»га мурожаат этилганди.

Даромад гапларни зикр этишдан мақсад, Абдуллатифнинг 1428 йилда эмас, ундан анча олдинроқ, тахминан, 1418-1420 йиллар оралиғида туғилган, деган фаразни ўртага қўймоқлик эди. Бунинг билвосита далилларини қиссанинг бошида тилга олдим. 1433 йилда шоир Сайфиддин Наққош Воҳидий Бойсунгур Мирзо вафотига бағишлиб ёзган қасидасида Абдуллатифни Шоҳруҳ Мирзо сулоласидаги учинчи шахс сифатида таъриф қилганлиги, салтанат «ўзаги» деб умид билдирганлиги, бежизга эмасди. Ахир, ўша пайтда беш ёшли Абдуллатифга бундай юксак баҳо бериш, 1417 йилда туғилган, худди шу йили уйланган (1433) Алоуддавла Мирзодан номини олдин зикр этиш жоизми?! Давлатхоҳлик ойинида ёзилмаган, аммо киборлар, зиёлилар риоя қиласиган одоб лузумотлари мавжуд эдики, уларнинг энг ибтидоийси ҳар бир шахснинг мавқеини билиш, шунга қараб муомала қилиш эди. Сарой удумини, маданияти ва мадорасини яхши биладиган шоир исми шарифлар тартибида адашмаган.

Бойсунғур Мирзонинг тўнғич ўғли Алоуддавла Мирзо отаси вафотидан (20 декабрь 1433) олти ой ўтиб, 1433 йилнинг 24 июнида, шанба куни амир Жалолиддин Ёдгоршоҳ арлотнинг қизи Бека Сultonга уйланади. Абдуллатиф ҳам, ҳеч иккиланмасдан Алоуддавла Мирзо билан ҳам тенг бўлган, дейиш мумкин. 1447 йилда, Шоҳруҳ Мирзо Рай ўлкасининг Пашов қишлоғида вафот этганида, юз берган талотўплар оқибатида бири шоҳ, бири унинг асирига айланган Алоуддавла Мирзо билан Абдуллатифнинг юзма-юз келиб сўзлашувидаги ўзини тутишлар, «сен-сен»лаб мурожаат қилишлар фикримга ойдинликлар киритади. Алоуддавла Мирзо 16 ёшида уйланган ва кўп ўтмай Бойсунғур исмли фарзанд кўрган. Бу фарзанд гунг бўлган ва 1456 йилнинг майида, йигирмадан ошиб, Гавҳаршод Бегим қарамогида юрган маҳалида вафот этган. Алоуддавла Мирзо 1447 йилда, Шоҳруҳ Мирзо вафот этгач, бобоси ўрнига Ҳирот тахтига чиқсан пайтида 30 ёш устида эди. Абдуллатиф эса, ҳозирга қадар, мавжуд ишораларга кўра, шу пайтда, 1447 йилда, асир тушиб, сўроқ қилинган чоғда 18га кирган бўлиб чиқади. Савол-жавоб матнига эътибор берайлик. Алоуддавла Мирзо:

– Нега ўз онангга (Гавҳаршод Бегим – муал.) нисбатан бундай ёмонлик қилдинг?

Абдуллатиф Мирзо:

– Мен ёмонлик қилдим, сен яхшилик қилгинки, вафо кўрасан.

Иккала Мирзо ҳам бувилари, Маҳди улё Гавҳаршод Бегим тарбиясини олган, жондай амакилар, бири ўттиз, бири дейлик, ўн саккиз ёшда бўлган Мирзолар, қолаверса, бири шоҳ мақомида, иккинчиси унинг асири ҳолатида, жамоат олдида, тақдир қил устида турганда, шу тахлитда мулоқот қиласидими? Мен Темурийларнинг адабига қаттиқ ишонаман. Бу иккиси ҳам муомалани болалиқдан яхши ўзлаштирганлар. Ҳар қандай вазиятда каттаси ҳам, кичиги ҳам бир-бирига, ҳатто, ичida ёмон кўрса-да, «сиз» тили «сен»га бормаган. Шу сабабдан бирга ўсганлик, ёшда у қадар катта фарқ бўлмаслик юқоридаги «сен-сен»лашга асаблар таранг тортилиши оқибатида юзага чиқсан, деб хаёл қиласан.

Абдуллатифнинг Самарқанддан Ҳиротга олиб келиниши вақти, санаси ҳам ўтмиш манбаларида ўз аксини топмаган. Юқорида айтилганидек, Гавҳаршод Бегим ва Мұҳаммад Жўгий 1420 йилнинг баҳорида 26 ёшли Улуғбек Мирзонинг оиласи ҳаётидаги фализликларни изга тушириш учун борганиларида, онадан ажраган, бу пайтда, иккига кирай деб қолган Абдуллатифни ҳам ўзлари билан Ҳиротга олиб келганини тахминласа бўлади. Улуғбек Мирзо талоқ қиласан Оқ Султон Оғо, борди-ю, Абдуллатифга она бўлган тақдирида, кейинчалик унинг Самарқанд тахтини қўлга киритиши воқеалари нисбатида бу хотин хусусида бирор сўз айтилган бўлармиди? Иккала собиқ мали-

ка, худди сувга қўшалоқ харсанг тушиб кетгандек, асарларда қайтиб зикр этилмайди. Абдуллатифнинг онаси тилга олишга арзигулик ўрин туттганда эди, айниқса, хоннинг қизи, албатта, беш хотиннинг қолганлари қаторида, кейинлар ҳам муаллифлар назаридан қочмасди. Темурийлар хонадони бу собиқ маликаларни унугтган, улар ҳақида китобларда (тарихий асарларнинг ҳаммаси улар назаридан ўтиб, кейин оммавийлашган) сўз юритилиши мақбул саналмаган.

Дикъатни тортадиган яна бир далил бор. Бу 1439 йилда Ҳиротга ташриф буюрган Миср элчиларини қабул қилиш билан боғлиқ воқеа. Ҳижрий 843 йилнинг жумод ул-охир ойининг еттинчи куни (15 ноябрь 1438) Миср давлатининг султони Малик аз-Зоҳир Чақмоқбек (1438 – 1453) Шоҳрух Мирзо салтанатига алоқалар ўрнатмоқ учун Жизжибуқо номли элчини юборади. Тарихий асарлардан аёники, шу вақтга қадар Миср ва Шомнинг султонлари Темурийларга зид муносабатларни рўйказ қилиб келганлар. Мамлуклардан бўлган Султон Чақмоқ ҳокимиятга келгач, яхши муносабат ўрнатиш пайидан бўлади. Муаррихнинг нақд қилишича, Султон Чақмоқ бир куни туш кўрибди. Тушида Шоҳрух Мирзо уни белидан кўтариб, тахтга ўтқизиб қўйибди. Шу боисдан совға-саломлар билан элчини Ҳиротга йўлайди. Шоҳрух Мирзо элчини яхши қабул қиласи, унинг шарафига тўй тусини олган зиёфат ташкил этади.

Подшоҳнинг тантанали қабулидан кейин Шоҳрух Мирзонинг ўғилларидан Муҳаммад Жўгий, набираларидан Алоуддавла ва Абдуллатиф Мирзолар элчини алоҳида-алоҳида қабул қилиб, катта базм берадилар, қимматбаҳо тортиқлар ҳадя этилади. Элчининг ҳурмати жойига қўйилади, Шоҳрух Мирзо кутубхонасидан бешта китоб ҳам Миср султонига совға қилинади.

Бу воқеанинг тилга олиниши подшоҳдан кейин Муҳаммад Жўгий, Алоуддавла ва Абдуллатифнинг девоннинг расмий кишилари сифатида элчини алоҳида қабул қилиши ва зиёфат уюштиришига эътиборни тортмоқ эди. Абдуллатифнинг ёши камида, бу вақтда, йигирмадан ошиб қолганлигини тасаввур қилиш мумкин. Агар, Тургун Файзиев кўрсатган – Абдуллатиф 1428 йилда туғилган деган санага ишониладиган бўлса, 1439 йилда у ўн бир ёшга кирган, бир йил олдин хатна қилинган бўлиб, давлат аҳамиятига молик масалаларни мустақил ҳал қила оладиган болакай арбоб бўлиб чиқади. Тўғри, Амир Темур давридан бошлаб, ёш шаҳзодалар давлатлардан элчилар қабул қилинганда, маросимларда иштирок этганлар. Улуғбек Мирзо ҳам ўн ёшга етмай, бундай анжуманларда кўп қатнашган. Лекин иштирок этиш бошқа-ю, элчини қабул қилиш, зиёфат ташкил этиш, бошқа-бошқа сиёсий тадбирлар. Келтирилган ана шу тарихий, воқеий далил Абдуллатифнинг 1417 йилда туғилган Алоуддавла Мирзо (бу пайтда 22 ёшда эди) билан ҳамтанг ё бир ёш катта, ёинки бир ёш кичик эканлигини яна бир бор тасдиқ этади.

Абдуллатиф Мирзонинг Ҳиротга олиб келиниши, олдинда айтилгани каби, бувиси, Маҳди улё Гавҳаршод Бегимнинг ташаббуси билан боғлиқ бўлганидек, унинг аразлаб, Самарқандга, отаси Улуғбек даргоҳига кетиб қолиши ҳам маликага, унинг меҳр-муҳаббати бошқа шаҳзодаларга, хусусан, Алоуддавла Мирзога нисбатан камситилишига бориб тақалар эди. Бу воқеа 1442 йилнинг бошида, қишининг қаҳратони авжида содир бўлган. Шу ўринда, тарихнависнинг айтганларини ёдга олайлик, у зот ёзади:

«Мирзо Абдуллатиф ёшлик чоғидан бошлаб бузруквор бобоси, баҳтли хоқоннинг хизматида бўлиб, онҳазрат шаҳзодани бир неча йил камоли шафқат ва иноят билан тарбият қилди. Бу йилнинг бошида Абдуллатиф ижозат сўраб, хафалангандек Самарқандга кетиб қолган, унинг ранжиганлиги кўпроқ Маҳди улё Гавҳаршод Оғодан эди, чунки Маҳди улё амирзода Алоуддавлага нисбатан ортиқ муҳаббати борлиги сабабли, бошқа фарзандларга кўпда илтифот кўргазмас эди».

Яна Алоуддавла билан рақобатга дуч келамиз. Ёшида ўн йилдан ортиқ тафовути бўлган бола каттага ҳавасланиш ўрнига, унинг даржасида бўлишни хоҳлади. Рақобат, мен сендан камми, маъносидаги зиддана ҳаракат ёши тенг кишилар орасида бўлади. Маҳди улёдан «хафаланиш» девондаги амал, маош ва мол-ашё оз-кўплиги билан бевосита боғлиқ ҳолда вужудга келганлигини тушуниш мумкин. Орадан яна бир неча йил ўтиб, Абдуллатифнинг вужудини қамраб олган мол-у дунё ҳирси очиқ-ойдин намоён бўладики, бу ҳаром томирнинг бақувват тортиши йиллар давомида рўй бера борган эди. Фикримча, Абдуллатифнинг серфарзандлиги, бу вақтларда унинг уч-тўрт (жами 5 та) ўғли бўлиб, Алоуддавла фарзандга ёлчимаган, гунг бола туғилган эди. Бувининг ўзини тутиши шу ҳасад билан ҳам боғлиқ бўлгандир.

«Матла»дан юқорида келтирилган иқтибос сўзлар мағзига эътибор берайлик. Араз 1442 йилда юз берган. Муаррих китобни шу воқеа бўлиб ўтганидан йигирма саккиз йил кейин тартиб берайтирил ва бу ҳақда, «Абдуллатиф ёшлик чоғидан бошлаб бузруквор бобоси хизматида» бўлиб келганини таъкидлаёттирил. Бу жумла ҳам, аразлаган шаҳзоданинг ёш бола эмас, йигирмадан ошиб қолган йигитга нисбатан қўлланадиган шаъма, дейиш мумкин.

Шоҳруҳ Мирзонинг қаруви етган, дардчилоқ бўлиб қолган, ошқозон-меъда хасталиги уни қийнаб келарди. Лекин подшоҳ валиаҳд тайин қилишга шошилмаётган ва айни чоғда, набираларидан бирини ёинки қирқ уч-қирқ тўрт ёшга кираётган, ҳам ҳукмдорлик, ҳам олимлик мартабасини уйғун олиб бораётган тўнғич ўғли Улуғбек Мирзони тахтга сипориш этиш фикрини ҳам хаёлида тутарди.

Шоҳруҳ Мирзо улуғвор, марказлашган давлатнинг келажагини Улуғбек Мирзо тармоғида кўришни хоҳларди. Бироқ Улуғбек Мир-

зонинг ўттиз йилдан ошаётган салтанатида кўпгина хом, ношудаликка жўйиш мумкин бўлган давлат ишлари пайсали, ҳарбий соҳадаги лоқайдлиги отада иккиланиш ташвишини қарор топдирган эди. Шу боисдан, набираси Абдуллатифга эътимоди зўр, ундан марказий ҳокимиятни бошқара биладиган арбоб чиқишига умид қиласди. Ёнидаги набираларидан кўнгли тўлмасди. Бири ичувчи, бирининг салоҳияти дидини олмасди. Шу боисдан, на Алоуддавла, на Султон Муҳаммад ва на Абулқосим Бобур бобоси билан рўбарў келолмас, шундай ҳоллар бўлганда, салом-алиқдан нарига ўтолмас эдилар. Абдуллатифни эса, Шоҳрух Мирзо бир кун кўрмаса суриширилар, ёнига чорлаб, сухбатлашиб ўтиради.

Маҳди улё малика Гавҳаршод Бегим Бойсунғур Мирzonинг ўғилларига, айниқса, Алоуддавлага ортиқ рағбат қиласди, ҳатто, ўз ўғли Муҳаммад Жўгийдан ҳам кўра ўзига яқин оларди. Аксинча, Улуғбек Мирzonинг оилавий ҳаётдаги, онанинг фикрича, йўл қўйган иснодларини ҳазм қилолмаган, Абдуллатифнинг қорасини кўрса, унинг онаси, талоқ қилинганди Оқ Султон Бегим эсига тушаверарди. Абдуллатифнинг аразлаб Самарқандга кетиб қолганидан бувиси суйиниб, кўнгли ёришган эди. Шоҳрух Мирзо ҳалим эр ва вазмин подшоҳ бўлганидан, аввалига бу ишга аҳамият бермади, набираси отасини соғингандир, деб ўйлади. Кузакда юз берган кетиш қиши ичидаги ҳам келишдан дарак бермади. Кунлар ўтгани сайин, Шоҳрух Мирзо Абдуллатифни қўмсай бошлади. Гавҳаршод Бегимга бу ҳақда олдин юмшоқ оҳангда койишлар қилган бўлса, қаҳратон кунларнинг бирида қатъий қилиб, Абдуллатифни қандай кеткизган бўлса, шундай тарзда, шахсан маликанинг ўзи келтиришини амр қилди. Гавҳаршод Бегим аёл боши билан, ёши олтмишдан ўтиб, Самарқандга боришига мажбур бўлди. Жайҳундан юрак ҳовучлаб ўтган малика ва уни кузатиб борувчилар Самарқандда бир муддат туриб, Абдуллатифни Ҳиротга қайтариб келишга кўндирадилар. Шаҳзода ўжарлик қилиб, боришини хоҳламаслигини айтганда, отаси Улуғбек Мирзо, боррасан, бормасанг, тўрт томонинг қибла, деб оғир гап қилди. Онага ҳам, кўнгли оғриган ўғлига ҳам катта тортиқлар тухфа қилиб, Улуғбек Мирзо уларни Жайҳунгача кузатиб келди.

Шаҳзода бир-бирига яқинлаб сузишдан тобора айро тушаётган икки кема орасида қолганлигини энди аниқ-тиниқ сезгандек бўлди-да, оқ-сариқдан келган юзи тук чайнаб, муштумлари беихтиёр қисилди. Унинг малика бувисига бўлган ишончи неча йиллар бурун емирилиб, асосидан қулаб бўлган, энди эса, отага нисбатан ҳам дарз кетиш поғонасига кирган эди.

Абдуллатифнинг Самарқанддан иккинчи бор Ҳиротга олиб келиниши, барибир, Шоҳрух Мирзо хонадонига ёқмади, қадами хоси-ятили бўлмади. Шоҳрух Мирzonинг Муҳаммад Султоннинг ўғли Яҳё

Мирзо никоҳида бўлган суюкли қизи Марям Султон бека туйқусдан қазо қилди. Буни ҳеч ким ўша пайтда ёмонлик нишонаси деб кўнгилга келтирган эмас. Лекин орадан икки йил ўтиб, қирқ икки ёшли Муҳаммад Жўгий Мирзонинг пойтахтдан узоқда Сарахс вилоятида вафот этиши кишиларда ҳар хил андишаларга, талқинларга сабаб бўлди. Йўқса, Муҳаммад Жўгий ҳам онасидан, ҳам отасидан гинадор, Алоуддавла ва Абдуллатифдан ўн беш-үн олти ёш катта, улардан кўра, кўйлакни кўп йиртган бўлса-да, эътибори суст, камситилишда Абдуллатифдан ҳам баттар аҳволда эди. Муаррих сўзига қулоқ берайлик, «Матла»да бу борада:

«Шаҳзода ҳазрат хоқони саъиднинг (Шоҳруҳ Мирзонинг – муал.) энг кичик ўғли бўлиб, унинг ёрқин пешонасида шижоат белгилари-ю, олийжаноблик нурлари аниқ ва ойдин кўриниб турарди... Бироқ шаҳзоданинг волидаси улуг бону Гавҳаршод Оғо аъло ҳазрат Шоҳруҳнинг кайфиятини ўз ҳолича қўймас эди, шаҳзоданинг хатти-ҳаракатларини ёмонлашга уринар, унинг хатоси устига афв этагини ёпмас эди. Мирзо Алоуддавла ибн Мирзо Бойсунғур ва Мирзо Абдуллатиф ибн Мирзо Улуғбек Муҳаммад Жўгий Мирзонинг биродарларининг ўғли бўлиб, м у л к в а м о л девонига тамоман даҳлдор эдилар-у, Мирзо Муҳаммад Жўгий эса аъло девонга сира йўл топа олмас, ишларни бошқариш жилови-ю, кўпчилик манфаатини кўзлаш ихтиёри унинг қудрат панжасида эмас эди. Оқибат, андуҳ ва маломат шаҳзодани толиқтириб қўйди, мижози ўзгарди, bemorligi кучая борди, табиати заифлашди. У, Сарахс вилоятига етганида, унинг руҳи қуши тан қафасидан парвоз қилиб, абадият гулшани булбулларига ҳамдам бўлди. Шаҳзоданинг жасади олиб келиниб, Мирзо Бойсунғурнинг хобгоҳи бўлмиш мадраса гумбази остига дафн қилинди».

Мутаассир сўзлар моҳияти чуқур. Гавҳаршод Бегимни тушуниш қийин. Набиралари Алоуддавла билан Абдуллатифни девонга, лавозимларга қўйдиргани ҳолда, ўз юраги остида тўққиз ой, тўққиз соат, тўққиз дақиқа кўтаргани, бу ёруғ оламга келтиргани, бунинг устига кенжা фарзанди бўлган Муҳаммад Жўгий Мирзони ўгайлайди. Мирзонинг кўнгли ҳам, қўли ҳам очиқ, бунинг устига, тўғриссўз, онаси ning хазинани четлаб, салтанатга оид мол-у мулкларни ўз тасаруфига киритиши унга ёқмас, буни яшириб ҳам ўтирмай, юзга айтиб юради. Бу қилиқ туққанга ёқармиди?! Асло, йўқ.

Абдуллатиф 1442 йилги аразидан кейин ўтган беш йил ичидан Шоҳруҳ Мирзога аввалгидан ҳам яқинроқ бўлиб қолганди. Бутун сарой аъёнлари, набиралар қош-у кўзига қараб турадиган Гавҳаршод Бегим ўша йили қишида Самарқандга ит азобини тортиб борганини эсидан чиқармас, унинг раъийига қарши бормайдиган подшоҳ эрининг тағин fazabини қайнатишга юраги дов бермасди. Бу ғазабнинг чиқишига у сира нишон бўлмаган, умрида ножӯя иш қилибсан, де-

ган таънани ҳам эшитмаганди. Бу бир марта бўлди, қайтиб, Гавҳаршод Бегим унинг соясига ҳам яқинлашмайди. Шу нохуш воқеадан кейин Маҳди улё Абдуллатифни сохта тил билан меҳрибонлайдиган бўлди, унинг оладиган улуфаси ортди. Бегимнинг нафратни ҳам, яхши кўришни ҳам хаспўшлайдиган асаб торлари ҳайратга лойиқ эди. Беш йил шундай кечди. Бешинчи йилда эса, Шоҳруҳ Мирзо яна бир набира дастидан ҳарбий юриш вақтида вафот этди. Бу тўғрида юқорида фикрлар юритилди.

Ҳарбий юриш – подшоҳ бобосига бўйсунмаслик, унинг ўрнини даъво қилиб, вилоятларини бирин-кетин босиб олишга киришган Султон Муҳаммад Мирзони тинчтиши учун отланганда, Шоҳруҳ Мирзо угруқида Гавҳаршод Бегим жанг майдонида бўлажак курашдан бўлак бор муаммони ҳал қиласар, норасмий давлат бошлифи эди. Шоҳруҳ Мирзонинг бу сафари (1447) унинг ҳаётидаги охиргиси бўлиб, ёнида ўғилларидан ҳеч ким йўқ, Улуғбек Мирзо Самарқандда, бошқалари эса ҳаёт билан видолашганди. Гавҳаршод Бегим бор жойда Шоҳруҳ Мирzonинг яна бир аёли Оқ Султон Офога жой йўқ эди. Маҳди улёдан йигирма ёш кичик бўлса-да, оёқ оғриғи дардига йўлиқиб, юришга қийналарди. Заруратдан бўлган ҳарбнинг қалби набиралар – Абулқосим Бобур, Халил ва Абдуллатиф Мирзолар эди. Улар черикнинг алоҳида қисмларини курашга бошлаб боришлари керак эди. Султон Муҳаммад билан Ҳирот чериги тўқнашиб ултурмаган, унинг ортидан амирлар топшириқ билан жўнатилган эди. Натижа кутиб турилганда, Шоҳруҳ Мирzonинг хасталиги хуруж қилиб, Гавҳаршод Бегим қўлида жон берди.

Гавҳаршод Бегим бу мусибат эртами-кечми юзланишини яхши билса-да, пойтахтдан олис бир қишлоқда, чодирда бу аҳвол содир бўлишини сира ўйлаб кўрмаганди. Ёнида улуғ амир Пир Луқмон барлос бўлмагандан, эсанкираб қолиши турган гап эди. У шошилмасдан подшоҳнинг кўзларини юмиб, иягини ва оёқ панжаларини тангигиб, боғлаб қўйди. Бегимни юпатди, Султон Муҳаммад Мирзо ортидан кетган амирлар қайтгунича, ўрдуда ва лашкар қисмларида бошчи бўладиган шаҳзодани тайин қилиш, вазиятни идора қилиш маслаҳатини қилди. Пир Луқмон барлос кўнглидаги мулоҳазани айтди. Алоуддавла Мирзо Ҳиротни муҳофаза қилиб бошқаришга қолдирилган, Абдуллатифдан бўлак лашкарни эплайдиган саркарда йўқ эди. Қўшин бузғунчиликни бошласа, ўлганни тепган бўлар, Абулқосим Бобур билан Халил Мирzonинг сипоҳийлар орасида танилганлиги гумонда эди. Маҳди улё амирнинг таклифини хўп ўйлаб кўрди. Абдуллатиф исмини тилга олгиси келмас, негадир, ундан узокроқ бўлишми, ҳазар қилишми, хуллас, оти номаълум ички туйфулари исёнда эди. Қўшин бошлиқдигига, бундай мулоҳаза қозонини осса, Абдуллатифдан ўзга қайнайдигани йўқ. Қолаверса, тўнфич ўғли Улуғ-

бек Мирзо ҳафта ўтиб, отаси вафотини эшитса, тахт талабори бўлмай қолармиди? У тўнгич фарзанд, отаси билан баравар Мовароуннахрни қаламравида тутиб келди, чериги ҳам етарли, илми дониши зиёда. Маҳди улё пучни пучга, сарани сарага айириб, бир қарорга келди-да, Абдуллатифни қўшин сардори вазифасига қўйишга қарор берди. Шу тўхтамга келар экан, Ҳиротга, Алоуддавла Мирзога зудлик билан чопар жўнатди, воқеани етказишни, муҳофазада ҳозир бўлиб, қалъаларни беркитишни тайин қилди. Шоҳруҳ Мирзо тахти унга аталганини, шунга яраша сергак туриш ва ҳозирлик кўришни тайин қилиш ҳам унут бўлмаганди.

Тахт талошини Абдуллатиф бошлаб берган эди. Маҳди улё Ҳиротга чопар юборганида, Алоуддавлага ҳозирлик кўришни алоҳида уқдирган эди. Шундай бўлиб чиқди.

Танг сиёсий вазиятларда икки томон ҳам хатоларга йўл қўйди. Гавҳаршод Бегим Алоуддавлага байъат қилиб, Улуғбек Мирзонинг ворисийлик матлабини, Абдуллатиф эса, Гавҳаршод Бегимни хиёнаткор сифатида бандда тутиб, низо ўчогига ёғ қўйди. Гулхан катталашиб, теварак-атрофни қамраб ола бошлади. Гавҳаршод Бегим Алоуддавлага, Абдуллатиф эса, Самарқандга, отаси Улуғбек Мирзога чопарлар жўнатиб, муаммонинг улар аралашувисиз ҳал бўлмаслигини тўғри фаҳм қилган эди. Алоуддавла аралашмаса, Гавҳаршод Бегим банддан ҳалос бўлмас, Улуғбек Мирзо Самарқанддан қўшин тортмаса, Абдуллатиф Ихтиёриддин қамоғидан чиқмас эди. Бегимда ҳам, Абдуллатифда ҳам «захира восита»лар кўзда тутилганиги тарихнинг кейинги воқеаларига заминлар ҳозирлаган асослар бўлди. Нима бўлганда ҳам, бу тахт талошида, сон-саноқсиз сипоҳийлар қилич яланғочлаб, қонлар тўкилган сурдавда Абдуллатиф бир сира улоқни айириб чиқди.

\* \* \*

Ҳамалда етилган баҳор Самарқанд ва унинг теварак-атрофини беназир мусаввир бўлиб, анвойи чиройга дўндириб, оро берганди. Шаҳарнинг шарқи жанубидан виқор тўкиб чўзилган тоғлар таровати бўлакча, қир-адирларида яшил жило кўзларга қувонч багишлийди. Афросиёб ва Кўҳак бўйлаб фужгон ўйнаб ўсган ўт-ўланлар, энди-энди очила бошлаган чечаклар мовийранг қабо ва ҳарир деболи келинчак мисол Сароймулхонимнинг улуғвор мадрасасига салом бераётгандек бир тасаввур уйғотарди. Навбаҳорнинг ҳусни камоли тўлиб, сокин оқаётган Кўҳак суви шаҳарнинг шимолий сирти фарбий сарҳадлари бўйлаб, бор тухфасини саховат билан ёйган, кўз-кўз қилган эди.

Улуғбек Мирзо Афросиёб баланд-пастликларига туташ расадхонада шомдан саҳаргача Али Қушчи ва шогирдлари билан тиним билма-

ди. Каҳкашон олами унинг бир неча йилдан бери ўқиётган, тадқиқ этаётган туганмас китоби эди. Неча йиллик кузатувлар, юлдузларнинг ҳолати, жойлашуви, ҳаракат доираси хуросалари 1018 юлдузлар тўғрисида жаҳоннинг мукаммал илмий жадвалларидан бирини дунёга келтиришда асос бўлди. Мовароуннаҳр ҳукмдорининг тунлари ишрат билан эмас, тадқиқот билан Кўҳак манзилида кечар эди. Унинг илмдаги шуҳрати Абу Али ибн Сино мисоли дунёга тарқалган, мадрасасида, шу боисдан, Осиёнинг турли минтақаларидан келган толиби илмлар гавжум бўларди.

Вақт чошгоҳдан оғиб, шаҳар кўчаларида қатнов, расталарида олди-сотди, харид жонланганда, Улуғбек Мирзо Кўксаройда адл дод сўраш билан банд эди. Шу пайт Ҳиротдан элчилар келгани ва уларнинг ҳеч бири ҳаёллатмай, Улуғбек Мирзо тахтгоҳига бошлиб келингани хабари берилди. Улуғбек Мирзонинг ҳафтадан бери чап қовоғи учгани-учган, кўнглига турли нохушликлар келгани-келган эди. Ҳар сафар, «ё Аллоҳим, бало-қазо, касофатлардан сақлағил», деб қўярди. Ҳиротдан, ўзга юртлардан ҳам элчилар, чопарлар вақти-вақти билан ташриф буюрар, уларни ясовуллар, надимлар дам олдириб, оромида ҳукмдор ҳузурига, шунда ҳам, тайин қилинган муддатда олиб киришарди. Бу чопарлар эса, мана, тахтгоҳинг нақшин эшиги ортида, унинг қабулига мунтазир туришибди. Улуғбек Мирзо қўрчига ишорат қилди. Чопарлар бир ҳафталик йўлда қичаб юрганлари боис, анча уринишгани шундоқ билиниб турарди.

Чопарлар, мулоқотдан аён бўлдики, Рай вилоятининг Пашов қишлоғидан, Ҳиротга ҳам кирмасдан, тўғридан-тўғри Абдуллатиф Мирзо топшириғи билан бетўхтов йўл босиб келибдилар. Улар, ийманиб, бошларини эгиб, машъум хабарни айтишга – Шоҳруҳ Мирzonинг вафоти ҳақида сўзлашга журъат қилдилар. Элчиларга рухсат берилгач, Мирзо қўлини пешонага қўйиб, унсиз йиглай бошлади. Ҳукмдор отадан айрилиб қолган эди. Қанча ўлимларни кўрган бўлса-да, бу ёмон мужда уни эсанкиратиб қўйганди. Эллик уч ёшга кириб, Улуғбек Мирзо бундай ғамга ботган эмасди. Отаси уни Самарқанд тахтига ўтқизиб кетганидан бери қирқ йилга яқинлашиб қолибди. Онҳазрат падари бузруквори уни деб Ҳиротдан Самарқандга азият чекиб келган вақтлар ҳам бўлди, койишлар, ҳатто, мўғуллардан шикаст топганида, ўрнига укаси Бойсунғурни Самарқанд тахтига қўйишини мақсад ҳам қилди. Отага қаттиқ сўз берди. Ҳатто, Бойсунғур ўрнини оладиган бўлса, жанг қилишни ҳам пардалаб бўлса-да, айтди. Отаси Шоҳруҳ Мирзо ўғлини тушунди. Ўзини ростлаб олишга, сўзининг устидан чиқишига имкон берди. Шоҳруҳ Мирзо – Муҳаммад Тарагайни (Улуғбек Мирзо) падари бузруквори Амир Темур қанчалик яхши кўрганлигини, унда бир фазилат борлигини доим гапириб, қадрлаганлигини эсда тутарди. Амир Темур ҳазратлари Улуғбекни

кичик ёшдан давлат ишларига аралаштирган, элчилар келганда доим ёнига ўтиргизган. Ота-бода ҳарб-зарбларда, ҳарбий сафарларда онда-сонда кўришиб қоларди. Йигирма йилча бўлибдики, Шоҳруҳ Мирзонинг Самарқанддан кўнгли тўқ, ниҳоят, Улуғбек Мирзонинг давлат ишлари ҳам, оиласи ташвишлари ҳам изга тушиб кетганидан думоги чоғ, хотиржам эди.

Кўзларидан ёш соқол толалари оралаб, пастга томаётганига эътиборсиз Улуғбек Мирзо хаёл уммони favvosiga айланганди. Унинг қалбида отасига битмас-туганмас меҳр отashi ловуллади, ўзини айбор ҳис қилиб, яна алами ортди. Ўйлаб кўрса, отаси дийдорини сўнгги марта, бундан ўн бир йил олдин, марҳум укаси Бойсунтур Мирзонинг таъзиясида борганида кўргани экан, холос. Ўзи, отаси дийдорига тўйгани борми? Самарқандга ноиб бўлиб келганида, она сути оғзидан кетмаган бола бўлгани туфайли, Шоҳруҳ Мирзо унга амир Шоҳмаликни бекатка қилиб, қолдирган эди. Эсида, ўша йиллар жуда нотинч, сергалва давр эди. Шу йилларда отасини қанчалар қўмсаған, соғиниб яшаган эди. Кейин, кейин эса... ота ҳам, она ҳам ундан ташвишда икки-уч бор итоб билан келдилар, норозиликлигини яширмадилар, насиҳат ва пандларини аямадилар. Подшоҳлик соясида соғинчлар ҳам, фарзандлик туйбулари ҳам офтоб тегмаган майсадек сўлиб борди.

Тахтдан истироҳат боргоҳига қайтар экан, Улуғбек Мирзо бирор га қовоқ очмади. Уни мусибат ғами тамомила чўлғаб олган, кўксини парқув болишга босиб, ёш боладек ҳўнграб йиглади, тож-у тахтни, адл-у додни унугиди, тахтгоҳга қадам босмади. Муаррих шу кунларда Улуғбек Мирзо ҳолини баён қилиб, «Мирзо Улуғбек бу хабарни эши-тишдан шунчалик куйиниб қайфурди ва андуҳ-у изтиробга тушдики, ҳатто ҳаёт жомасидан ажралиб, фано чопонига ўралиш қўрқинчи бор эди. У мулкка тегишли ишлардан бутунлай қўл ювиб, салтанат қоидалари ва мамлакат қонунларини тартибсиз ва мужмал ҳолга ташлаб қўйди. У диёрнинг акобирлари ва номдор амирлари фойдали ҳикоятлар ва ёқимли сўзлар билан ишлар тадбири-ю, умумманфаати билан шуғуланишдан бутунлай четлашган фикрга тўла таскин ва тасалли бердилар, қадимги йўл бошига қайтардилар», деб ёзган эди.

Улуғбек Мирзога ҳамдардлик билдириш учун келган аъёнлар гапининг моҳиятида бир рад этиб бўлмайдиган илинж бор эди – Шоҳруҳ Мирzonинг улкан давлати таҳти беэга туриши мумкин эмас, Улуғбек Мирзо онҳазратнинг тўнгич ва ҳаёт бўлган бирдан-бир фарзанди сифатида, меросий мулк унга тобиндир, бас, хаёлламай, Ҳиротга отланиш, муддаога эришиш керак. Удуғбек Мирзо Мовароуннаҳрда қирқ йилга яқин отаси номидан, ноиби сифатида ҳукумат қилди. Энди, Аллоҳ таолонинг хоҳиши билан, ҳазрат хоҳони саъид бақо оламига рихлат қилган экан, Мовароуннаҳр, Хурросон, Форс ва Ироқ

мулклари Улугбек Мирзонинг қаламравида бўлиши давлат ойининг метин қоидасидир. Бу маслаҳатона айтилган тафаккур йўрифи Улугбек Мирзога маъқул тушди. Шу қуниёқ, тавочиларга лашкарни йигиш ва юриш ҳозирлиги фармони берилди.

\* \* \*

Ҳаводаги ўркач-ўркач булувлар неча чақиримга чизилган лашкарни кузатиб келаётгандек эди. Жайхун бўйларига бориш давомида ҳафта тинимсиз ёмғир қўйди. Термиз кечувини мўлжал қилган Самарқанд сипоҳи тўлқинланиб оқаётган бўтана сув шиддатидан ҳайиқиб турди. Жолалар тўхташини, дарёнинг ўжарлиги босилишини кутишга тўғри келди. Лашкарни нариги қирғоққа олиб ўтиш учун қайиқлар, соллар, мешларни жам қилиб, айримларини таъмир қилгунча, кунлар ўтди. Шу орада дарак олиндики, Улугбек Мирзонинг кичик укаси, марҳум Муҳаммад Жўгийнинг ўғли, Шоҳруҳ Мирзо тириклигига Хатлон, Арҳанг ва Соли Сарой манзилларини суюргол қилиб берган Або Бакр Мирзо ҳафтадан ошибдики, ўзбошимчалик билан, Балх, Шибирғон, Қундуз ва Бақлондан то Бадахшон чегара-сигача забт этиб, мустақиллик яловини кўтарган эмиш, деб. Бу яхшилик аломати эмасди. Улугбек Мирзо Самарқандда вақтни гам-у қайфуда уч-тўрт кунни ютқизган, Шоҳруҳ Мирзо ўлеми хабари Хатлонга, Або Бакрга анча олдин етган, у эса, «дам ушбутир», деб унумат ўлжага ташланган бургутдек човут солишига ўтганди.

Або Бакр Самарқанд лашкарига Жайхундан кўра, хавфли тўсиқ бўлиши муқаррар эди. Улугбек Мирзо бирор таниб, бирор танимайдиган, энди йигирмага кираётган Або Бакр олдида катта бошини кичик қилиб, ён беришни, унга хатлар ва элчилар жўнатишини лозим билди. Ҳирот йўлида шарқий вилоятлар учун жантга киришиш ақддан бўлмасди, бунда фақат қон тўкилибгина қолмай, Ҳиротни қўлга олишдан воз кечиш эҳтимоли катта эди. Або Бакр Улугбек Мирзони кўрмаган бўлса-да, донғи-довругини кўп эшитганди. Катта амакисидан келган номани олиши биланоқ, унинг салобатидан чўчиб, саркашлиқ қилиб ўтирмади-да, Улугбек Мирзо ҳузурига етиб келди. Шаҳзода ҳашам билан кутиб олинди, лутф-у марҳаматларга лойиқ кўрилди. Улугбек Мирзо уни ўзига яқин олиб, куёв қилажагини ҳам ишорат қилди. Або Бакр ўз сипоҳийлари билан лашкарда муносиб ўрин эгаллади, чаноқийларга доимо Улугбек Мирзонинг чап томонидан жой оладиган бўлди. Бу унга кўрсатилган катта марҳамат, амирлардан-да устунроқ мартаба эди. Катта қўшин Балх остоналарига етишганда, бир кун Або Бакрнинг яқинларидан, келиб чиқиши барлослардан бўлган амир пайтини топди-да, Улугбек Мирзога:

– Шаҳзодага лутф-у мулозамат юки оғирлик қилмоқдадир, деб қўрқаман, – деди юкиниб, – унинг хаёлида ҳамон саркашлиқ, исён оташи ўчмайдир.

Амир шундай деб, бугун тун ярмида шаҳзоданинг ўз черигини олиб, Ҳирот томонга йўл олишини айтди. Улуғбек Мирзонинг айғоқчилари Або Бакрнинг қадам олиши чакки эканлигини сўзлашганди. Шаҳзоданинг чодири атрофи унинг қўриқчиларига билинтирмай, ўраб олинди. Соат алламаҳал бўлганда, битта-иккита сипоҳ уйғониб, отларига эгар ура бошлади. Пистирмадагилар уларни ими-жимида тинчтишиб, энди кийинаётган, жўнаш ҳозирлигида бўлган Або Бакрни тутиб боғладилар-да, боргоҳ ёнидаги чодирга судраб олиб келиб ташладилар. Оғзига тиқин тиқилган, оёқ-қўли занжирбанд типирчилаб, туннинг қолган қисмини минг азобда ўтказди. Тонг отгач, Улуғбек Мирзо уни қўришни ҳам истамай, занжирбанд кўйи Самарқандга, Кўксарой зинданига маҳбус қилиб жўнатиб юборди. Шаҳзодадан айрилган сипоҳлар тун қоронфисида ивирсиб, қаршилик қўрмай, келган томонларига тарқаб кетишли.

Або Бакрнинг йўлда нохосдан оёққа кирган зираҷчадай осонгина дафъ этилиши қўшиннинг Жайҳундан ўтиб олишини тезлаштириди. Лашкаргоҳда кўтаринки руҳ барқарор бўлиб, Балхга етишиб, «Умм ул-билод» деб машҳур бўлган шаҳарда қўш ташлаб турдилар. Ҳаммаси режадагидай, яхши кетаётганди. Бироқ кутилмаганда, Нишопурдан хабар келиб, Абдуллатиф Мирzonинг тўқнашувда қаттиқ шикаст еб, Алоуддавла қўлига асир тушгани, бунгача ўғлининг ўз бувиси ва Тархонларни ҳибсга олганлиги, эндиликда, улар ҳам озод этилгани маълум қилинди. Ҳиротда доруға бўлиб, шаҳар ҳимоясида қолдирлган Алоуддавла Мирзо Гавҳаршод Бегим унга Пашовдан шошилинч чопар жўнатган пайтида, ўзини подшоҳ деб эълон қилишга ботина олмаган, аксинча, Улуғбек Мирзога байъат қилиб, катта туҳфа, мол-дунё юборишни кўзлаб турганди. Абдуллатиф Гавҳаршод Бегим ва Тархонларни йўлда ҳибсга олгани унинг мақсадига қилич бўлиб урилди. Ҳиротдан бир қисм захирада қолган қўшин билан Нишопурга етиб борди-да, Абдуллатиф сипоҳийларини тум-тарақай қилди. Абдуллатифнинг ўзини бандга солди ва Ҳиротга олиб келиб, Ихтиёридин қалъасига қамаб ташлади. Бу хабар Балхда, эрта-индин Ҳиротга отланаман, деб турган Улуғбек Мирзони жуда бўшаштириб юборди. Эндиликда отаси тахти, мулки фатҳи эмас, ўғлини қутқариш режаси бутун хаёлини қоплаб олди. Шунда яна синалган усул – элчилар, номалар ишга тушди ва Абдуллатифнинг жони икки ўртада тузилган с у л ҳ бадалига омон қолди. Улуғбек Мирзо Ҳирот даъвосини қилмайдиган, келган изига қайтадиган бўлди.

Улуғбек Мирзо алам бармоғини тишлаб, Самарқандга йўл олгач, Алоуддавла билан Абдуллатиф азалдан бир-бири билан чиқиша олмаслигини, тинч-тотув яшашга қодир эмасликларини намоён қилди. Балхни отаси номидан идора қилиб турган Абдуллатиф сулҳда қайд этилган, Ихтиёридин қалъасида маҳбус бўлиб ётган, Нишо-

пур жангыда қўлга олинган навкарларини озод этишни сўраб, Алоуддавлага номалар юборди. Энди ўзини Ҳирот тахтининг эгаси, тожнинг соҳиби деб билган Алоуддавла, бу рутбага эришгач, сулҳ шартларини эсламай қўйди. Аксинча, Балхни ундан тортиб олишга қасдланиб, у тарафга черик юборди. Алоуддавла юборган Мирзо Солиҳ аскарларининг енгилиши, бунинг зиддига, Ихтиёриддин қалъасида сақданаётган Абдуллатиф навкарларининг қатл этилиши, шусиз ҳам таранг, ҳали тўла ечимига бормаган, деб ҳисобланадиган таҳт курашларини авж олдириб юборди. Бу икки шаҳзоданинг ўзаро келишмаслиги, болалик ихтилофлари дўмбалдай шишиб, унинг изтироби Ҳиротни ҳам, Самарқандни ҳам қамрай бошлиганди. Шу икки шахсий нифоқ газакламаганда, сулҳ шартларига амал қилинганда, эҳтимол, тарихнинг равиши бошқача бўлармиди? Буни қанчалик хоҳдамайлик, мозийни орта қайтариб, қусурларни тўғрилаб, жой-жойига қўйиб бўлмайди. Бу одамзот имконидан холи. Бундай қисмат Яратган Зотнинг раъий билан, феъли ҳолимизга қараб, амалга ошади. Биз олис ўтмишда кечган воқеа-ҳодисаларни теран ўрганмогимиз, улардан бутунга, эртага, ҳатто, олис келажакка асқатадиган хулосалар чиқармогимиз, яшаш ва ҳаёт тарзимизни авлодларимиз кечмишидан и б р а т дарслиги яратиб, ҳар сахифасини зарҳал ҳарфлар ила битмоғимиз, унинг аччиқ, гулиларга тўла огоҳларига р и о я қилмоғимиз вожиб бўлади.

Тарихнавис ҳам Улуғбек Мирзо, Абдуллатиф ва Алоуддавлалар ўртасида шу йилда кечган воқеаларга сира бефарқ бўлмаган. Абдураззок Самарқандий шу воқеалардан йигирма уч йил кейин ёзган «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида, «Алоуддавла Мирзо Абдуллатиф навкарларини, турли-туман туҳфа ва қимматбаҳо нарсалар билан Мирзо Улуғбекнинг ҳузурига юбориши ҳамда Мирзо Улуғбекни улуғлаш шартларини бажо келтириши лозим эди. Алоуддавла гарчи Мирзо Абдуллатифни юборган бўлса-да, бошқа шартларга риоя қилмади, Мирзо Абдуллатифнинг навкарларини қатл қилди, хазинадан ваъда қилинган нарсалар юборилмади», деб ёзади. Муаррихнинг фикри-нияти ҳам қарийб олти ярим аср бурун, худди мен орзу қилгандек эди.

Икки калондимоғ, мамлакат, раяят жипслигини, иқтисодий ҳолатини ўйламайдиган, сиёсатдонлиқдан йироқ, худбин, фақат ўзим бўлишим керак, деб бурнидан нарини кўра олмайдиган шаҳзодалар ихтилофига яна Улуғбек Мирзо аралашадиган бўлади. Бу воқеалар силсиласида Улуғбек Мирзонинг Алоуддавла билан ҳарб-у зарбга киришганлиги, нописанд шаҳзоданинг таҳтдан мосуво бўлиб, тарки ватан қилганлиги, Даشت Қиғчоқ томонларда сарсон бўлиб юриши тафсилотларигина эмас, шу низолар асносида, Абдуллатиф жонини сақдаб қолиш эвазига, бир сира ва бутунлай Шоҳруҳ Мирзо тож-у тахтидан айрилиб қолган ота ва ўғил ёвлашуви олдинги маррага чиқади.

\* \* \*

Алоуддавла чериги билан бўлган жанг-у жадал Мовароуннаҳр қўшинига ғалаба келтирди. Бугина эмас, Ҳирот тарбиясини олган Темурийзодалардан айримлари, куч тарозининг қайси палласига оғиши сабаб, Улуғбек Мирзо паноҳига келиши ҳам рўй берди. Алоуддавланинг қаттиқ ишонгани, марҳум амакиси Иброҳим Султон Мирзонинг ўғли Абдулло Мирзо ундан юз буриб, Самарқанд чериги сафларига келиб қўшилди. Бундан сал фурсат олдин, шу шаҳзодага ишонч билдирилиб, Балхда турган Абдуллатифни маҳв этиш вазифаси юкланганди. Ўн тўрт ёшли Абдулло Мирзони, эҳтимол, тушуниш мумкинdir. Улуғбек Мирзо уни яхши қабул қилган бўлса-да, Абдуллатифнинг унда ўчи, қасоси бор эди. Нишопурдаги бандга олинув, Балх яқинида изидан тушув учун Абдулло Мирзога адоват сақдаб келарди. Қисмат ўйинлари қизиқ-да. Бир оз одироққа кетиб айтадиган бўлсам, Абдуллатиф ёқтирамаган ана шу Абдулло Мирзо, пайти келиб, Самарқандда, Абдуллатиф ўрнига тахтга чиққан эди.

Алоуддавла черигини тум-тарақай қилишда Абдуллатиф чина-камига шижаот кўрсатди. Унинг ўзи ҳам, Балхдан бошлаб келган сипоҳлари ҳам кураш майдонида девдай олишдилар, жонларини хавфга қўйиб, кураш энг қизиган тўдаларга кириб бордилар. Абдуллатифнинг қўллари, оёқлари шамширлар тегишидан жароҳат олган, чуқур кетган ярадан қон силқиб туарди. Жанг ғалаба билан якун топгач, Улуғбек Мирзо голиб аскарларни, амирларни саховат билан тақдирлади. Ўлжа олинган мол-у ашёлар, отлар, қурол-аслаҳалар ботирларга топширилди. Ғалаба ёрлиги битилди ва ҳар тарафга жўнатилди. Ёрлиқда жон фидо қилиб курашган Абдуллатифнинг исми қайд этилмай, зафар нусрати Улуғбек Мирzonинг арзанда ўғли Абдулазиз Мирзо номига битилди. Ғалаба муждаси оғиздан-оғизга ўтарди. Амирлар фармон ўқилганда фатҳ шарафи ота бир, она бошқа укаси Абдулазиз номига бахшида этилганидан таажжубга тушдилар. Абдуллатиф йигиндан индамай сирғалиб чиқиб кетди-да, отининг жиловини ушлаб, лол бўлиб турди. «Отлансан, бир жойларга бош олиб кетсаммикан?» деган ўй бошида айланди. Шаҳзода, жанг чоғи жон куйдиришидан алам тортди, «ўлиб кетганим яхши эди, Ҳиротда малика бувим Гавҳаршод Бегим камситиб келган бўлса, энди падарим одам ўрнида кўрмай бошлади», деб ўксинди. Шу уни отаси чақираётганини айтиб, хос кўриқчи юргилаб келди.

Улуғбек Мирзо ўғлининг тунд чеҳрасига қараб, ҳеч нарса демади. Амирлар тўпланиб келгандан кейин зафар байроқларини Ҳиротга қаратиш амри фармони берилиди. Самарқанд лашкари Ҳиротта етди, қалъалар фатҳ этилди. Улуғбек Мирзо сипоҳийлари Нирату қалъасини кўп куч сарфламаёқ ихтиёрига олдилар. Ихтиёриддин қалъаси мустаҳкам бўлиб, уни забт этиш мушкул эди. Улуғбек Мирзо, «баҳо-

дир бўлсанг, кучингни қўрсат», дегандек, уни фатҳ этишни Абдуллатиф аскарлари зиммасига юклади. Абдуллатиф ота амрини оғирсишиб қабул қилди. Ихтиёридин ҳисорида Оғо Ҳожибек доруга бўлиб, дарвозаларни беркитган бўлди-да, кураш бефойдалигини билиб, таслим бўлди. Улуғбек Мирзо қалъя фатҳини кутиб туради. Тезлик билан отланиб, Ихтиёридин қалъасига кирди ва Шоҳруҳ Мирзодан қолган хазинага эгалик қилди. Ўғли Абдуллатиф ҳам Шоҳруҳ Мирзо то Султон Муҳаммадга қарши отлангунча йиққан, тўплаган бойликларини Ихтиёридин қалъасига яшириб қўйган эди. Улар орасида бир неча минг мисқол тилла, зарлар, кумуш идишлар, икки юз тумон нақд пул ҳам бор эди. Отасидан қолган хазинани олиш билан кифояланмаган Улуғбек Мирзо ўғлини мажбур қилиб, беркитган жойидан бор бойлигини олиб чиқишини буюрди. Ҳеч нарсани тушунмаган Абдуллатиф қулфли ҳужра ичидан яна қулфли иккинчи ҳужрани, унинг ичидан тор йўлак билан бориладиган, учинчи ҳужрадан мол-у дунёсини олиб чиқди. Улуғбек Мирзо, муаррих айтганидек, «Хурросон фатҳидан қўлга киритган фаниматларидан ўғлига бирор нарса иноят қиммаганлиги устига, унинг шахсан ўзига тегишли нарсалардан ҳам қисиб қўйди. Ана шу жиҳатдан ўғил отадан хафа бўлиб қолди».

Ўғли Абдуллатиф ҳибсга олинганда, жон-у жаҳондан кечишга тайёр, Хурросон, Ироқ ва Форс мулкларини тасарруфга олишдан воз кечиб, ўзининг мавқенини паствга уриб, сулҳ таклиф қилган, зўрга уни ҳибсдан, эҳтимол, муқаррар қатлдан сақлаб қолган, Ихтиёридин қалъаси маҳбуслигидан қутқазиш эвазига шоҳаншоҳлик мартаbatisдан умидини узиб, Абдуллатифнинг омон қайтишини хоҳлаган ота нега бирдан ўзгариб қолди? Бу савол асрларни қийнаб келади. Моҳиятга етишга бир интилиб кўрмоқ, оловларни, қўшувларни жамлаб, хуносани ҳалол, тарозининг икки палласига мантиқ тошига моҳият юкини teng қўйиб, ечимга келинса, мақбул тушади. Таҳлилини, бўлиб ўтган, тарихий асарларда умумий тарзда, элас тилга олинган сабаблар асосида қурайлик.

Алоуддавла қўшини билан бўлган жангда Улуғбек Мирзо лашкари голиб келди. Абдуллатиф бунда ўзини кўрсатиб, жонбозлик қилди, зафар байробини кўтаришда шахсий жасорати билан тилга тушди. Лекин Улуғбек Мирзо буни билса-да, эътироф қилмади, галаба ёрлифи жангда номигагина иштирок этган, отни зўрга эплаб минадиган, қилич чопишдан ўзини четга оладиган ўғли Абдулазиз номига битиди. Бу биринчи, Абдуллатифга эълон қилинмаган жазонинг маънавий қўриниши эди. Иккинчи, шу йўналишда босилган қадам энди очиқ-ошкоралиги билан Улуғбек Мирзода шаклланган норозиликнинг акси садоси бўлди. Учинчи, ниҳоятда қалтис ва аёвсиз қадам, Абдуллатифнинг шахсан ўзига тегишли бўлган бойликни – йиллар давомида тўплагани олтин-кумушларни, нақд пулларни, зар-у зарҳалларни тортиб олиш бобида қўйилди.

Абдуллатиф табиатан зиқна ва хасис бўлиб улгайган эди. Шу мол-у дунё учун беш йил бурун Гавҳаршод Бегим билан келишолмай, аразаб Самарқандга кетиб қолгани ўқувчи ёдидадир. Фалаба ёрлифида номи зикр этилмаганлиги, Абдулазизнинг устун қўйилгани, ўлжа ва хазинадан улуфа тегмаганлиги бир сира бўлса, ўзининг бор-бути бир тийин қолдирилмай, тортиб олинганини у сира ҳазм қилолмас, кечирим билмас ҳолга тушган, ақлдан озиш даражасида нафратга тўлган эди.

Улуғбек Мирзо ўғлиниң феъл-атворини яхши билмасди. Узок йиллар кўришмаслик, тарбиянинг Ҳиротда, саройга хос муҳитда олиб борилганлиги, ўзини камситилган деб бир умр ҳис қилиш, жиззакилик, қилдан қийиқ ахтариб, иззат талабгор бўлиш, хуллас, хубинлик, ён-атрофдагиларга адоват, меҳрсизлик Абдуллатиф билан бирга улгайган, вужудидан қаттиқ жой олган эди. Шу сабабли ҳам, Пашовдан қайтища, фитнагар бир-икки амирнинг қутқуси билан малика бувиси Гавҳаршод Бегимни ҳ и б с г а о л г а н эди.

Гавҳаршод Бегим – Улуғбек Мирзонинг онаси, туқсан онаси эди. Абдуллатиф уни яхшими ёмон кўрган, ичиди қасди-алами бўлган эсада, бувининг тарбиясини, нон-тузини, э н г м у ҳ и м и, Гавҳаршод Бегимнинг падари бузруквори Улуғбек Мирзонинг волидаси эканлигини унутмаслиги, қўшин бошлиқдигини ҳали-ку, берибди, бермаган тақдирда ҳам кекса маликага озор етказмаслиги лозим эди. Улуғбек Мирzonинг табиатида ўзгариш, менимча, худди шу нуқтадан бошланади. Ўғли Абдуллатиф Пашовда Шоҳруҳ Мирзо ўлимидан сўнг Гавҳаршод Бегим томонидан лашкарбоши мансабига сипориш этилибди-ю, ўғли бувисига миннатдорчилигини занжир-у кишан билан изҳор қилибди. Фарзанд сифатида Улуғбек Мирзога бу таъсир қилмаслиги мумкин эмасди. Улуғбек Мирзо Маҳди улёнинг ҳурматини мудом жойига қўйиб келарди. Ўзи Ҳиротга келганида ҳам, онаси Самарқандга борганида ҳам, Жайҳунга, Бухоро тарафларга кутиб олишга чиқар, яна шу манзилларгача келиб, кузатиб қўярди. Онанинг ҳурмати учун оламжаҳон тортиқдар қилиб, кўнглини оларди. «Матла»да бу ҳақда мисоллар жуда кўп берилган.

Улуғбек Мирzonинг ўғлидан ройи қайтганлиги, назаримда, унинг шу қилмиши билан боғлиқ бўлиб, унинг мартабага нолойиқдиги, ўз фикрига эга эмаслиги, агар амали ошса, бойлиги кўпайса, ундан Гавҳаршод Бегимни қамоқча олишдан бешбаттар ишларга ҳам қодирлигини англаб етганлигида эди. Шу сабабли, жуда ўйланган ҳолда, Абдуллатифнинг номи ғалаба ёрлифида зикр этилмаган, ўлжалардан маҳрум қилиниб, бойлиги тортиб олинган. Улуғбек Мирзо, Хурросон ва амакизода таҳт талабгорларини яхши билмасди. Воқеаларнинг ривожи, ҳар ҳолда, унинг наздида, ҳали бардавом бўлиб, Алоуддавлани ҳисобга олмагандага (у енгилгач, Даشتி Қипчоқ тарафлар-

га бош олиб кетганди), Султон Мұхаммад, Абулқосим Бобурлар тинч ётmasлигини тасаввур қиласы. Абдуллатифнинг оғмачилиги, улар тарафига қўшилиб кетиши ҳам истисно эмасди. Шу сабабли, ота ўз ўғлини хавфсизлантириш учун унинг шахсий бойлигини давлат хазинасига ўтказади. Йўқса, Улугбек Мирзога бойлик, айниқса, Ихтиёриддин қалъасидан олинган, Шоҳруҳ Мирзо қолдирган ададсиз мерос етиб ортарди, Абдуллатифнинг бир ҳовуч тилла-зарига куни қолган эмасди. Улугбек Мирзо ўз пушти камаридан бўлган Абдуллатифнинг шумлигини мураккаб вазиятда, Шоҳруҳ Мирзо вафоти билан боғлиқ алғов-далғовларда туйқусдан англаб етди.

Гавҳаршод Бегим ҳисбага олинмаганды нима бўларди? Абдуллатиф қўшин саркори эди. Алоуддавла Ҳиротда, доругаликка қолдирилган эди. Бунда ҳам, унда ҳам етарли сипоҳийлар бор эди. Абдуллатиф Самарқандга бобоси ўлеми ҳақида чопар йўллаб, тўғри иш қилган бўлса, Алоуддавла бобосининг вафотини эшитиб, таҳтни эгаллашга журъат қилолмади, Улугбек Мирзо олдидан ўтишни мўлжал қилди. Бу ҳам тўғри қарор эди. Хўш, унда ишни ким бузди ва мубҳам турган омонликка ким биринчи бўлиб, рахна солди. Ўртадаги одамлар. Уларнинг Мирзоларни бир-бири билан ейиштириб, каттароқ насиба олишдек қабиҳ мақсади Абдуллатифдек лақма, гапга учарманни йўлдан оздириб, тутаб турган ўтинга ёғ пуркашга олиб келди. Улугбек Мирзо, ўғлини қанчалик яхши қўрмасин, унинг учун фидойилик қилмасин, ақл ва илм кишиси бўлганлиги боис, ҳақиқатдан юз буролмас, мамлакат учун хавф соладиган чиқишилар олдини олиш тадоригини кўришга ўзида мажбурият сезган эди.

\* \* \*

Улугбек Мирзонинг кўнглидан кечирганлари бирин-кетин ҳаётда содир бўла бошлади. Мағлуб бўлиб, қочган Алоуддавла укаси Абулқосим Бобур олдига бориб, Самарқанд лашкарига қарши куч тўплаш, ака-ука иттироқ бўлиб, кураш бошлашга аҳд қилди. Улугбек Мирзо буни билгани ва чериги жанговар кайфиятда тургани учун, улар томон, Машҳадга жўнади. Ака-ука ёғийларга қарши Абдуллатиф ва Абдулло Мирзо саркорлигига аскарлар жўнатилади. Иккала шаҳзода кураш асбобларини тузиб, жанг ҳаракатида турди. Шу нуқтада бир воқеа рўй бердики, буни муаррихлар тақдиршумул бурилиш, деб изоҳлайдилар.

Бойсунтур Мирзо ўғилларига қарши жўнатилган Абдуллатиф ва Абдулло Мирзолар кучларни бир вақтда уларга қарши қўйганида ҳам, бас келомаслиги тахмин қилинарди. Шу туфайли Удуғбек Мирзо черигининг уларни қўллаши ва кутилмаганды зарба бериши кўзда тутилганди. Улугбек Мирзо юборган илғор қисмларини ўз ҳолига ташлаб, фавқулодда Пули Абришимдан изига қайтишга қарор

беради. Муаррихлар бу ҳаракатни салбий баҳолашга мойиллик қиласидилар. Абдураззок Самарқандий фаразига эътибор берайлик, тарихнавис шундай фикрлайди:

«Агар Мирзо Улуғбек зафар таратувчи байроқларини то Бистом майсазоригача сурганида эди, шуҳратли шаҳзодалар Мирзо Алоуддавла ва Мирзо Абул Қосим Бобурларни бутунлай мағлубиятга учратган бўларди, улар эса мажбуран Ироқقا, Мирзо Султон Муҳаммаднинг байроби сояси-ю, раияти ҳимоясига жўнаган бўлардилар ҳамда бундан кейин уларнинг қўлидан бирор иш келмаган бўларди».

Ғалаба нақд бўлиб турганда, қайтиб Бойсунғур Мирзо ўғиллари тож-у тахтга кўз тикмайдиган аҳволга тушиши аниқ бўлган пайтда, нечун бундай қалтис ва қусурли қарорга келинди?!

Султон Абдулло Мирзо Астробод тарафда, йўлда, Абдуллатиф эса Бистомда, отаси қўшинининг яқинлаб келишини кутиб турганда, Улуғбек Мирзонинг орқага қайтганлиги хабари уни довдиратиб қўйди. Алоуддавла ва Абулқосим Бобурнинг чериги унинг устига ёпиррилгудек бўлса, тупроқда қонлар ва ҳавога кўтарилган чанглар, уюлиб ётган мурдалар қолиши кўз ўнгига гавдаланди-ю, Абдуллатиф ҳам дарҳол отланди-да, келган изига қайтди. У шунчалар қўрқиб, шошилдики, Алоуддавла сипоҳийларининг қийқирифи қулоги тагида жаранглагандай бўлиб, қўшин байроқлари-ю ногора ва кўсларни, отнинг афзалларини ташлаб, жуфтакни ростлади.

Улуғбек Мирзо Машҳадга келиб тушганди. Абдуллатиф шу қочишида, билмадим, соғ-саломат бўлганида, отаси олдига борармиди-йўқми, тахминлаш ҳам жоиз кўринмайди. Иттифоқо, у қаттиқ иситмалаб, аҳволи оғирлашди. Шаҳзода Нишопур чегарасигача бир амаллаб от устида етиб келди-да, Бор деган қишлоққа тушди. Касаллик зўрайиб, унинг юришга мажоли қолмади.

Ота билан бола ўртасида кейинги вақтда совиб бораётган муносабат Улуғбек Мирзо ва шаҳзода мавкабида аён бўлмай қолмасди. Бу ички кўнгил қолувдан, муаррих таъбири билан айтганда, муфсидлар фойдаланмай қолсалар, уларга яшашдан маъни йўқ эди. Аслида, ҳукмдорга яхши кўриниш ниқоби билан хонумонга ўт қўйиш нияти муфсидларга жиблий, қонларига оқиб кирганди. Улуғбек Мирзога улар, «шаҳзоданинг ҳеч касали йўқ, ўзини беморликка солаяпти, мустақиллик хаёли бор», деб айтдилар. Бу «муфсидлар», шубҳасиз, Абдуллатиф ўрдусидан келишган ва юқоридаги гапни айтишган. Табиблар, Абдуллатифда диқ – сил касаллиги аломатлари бор, дешишиди. Энди, келинг, бир сафар, «муфсидлар» чақувига нишоннинг иккала тарафидан боқайлик. Тумовлаш, иситмалашни инкор қилиб бўлмайди, шунингдек, «мустақиллик» хаёлида бўлишни рад қилиш ўринлими? Бир фикр қилайлик-чи?! Улуғбек Мирzonинг сабабсиз орқага қайтиши Абдуллатифга уни тақдир ҳукмига ташлаш, жанг

майдонида мағлуб бўлиб, ўлиб кетсин, деган ўйлов бўлиб, кўнглидан кечмайдими? Султон Муҳаммад ҳам, Абулқосим Бобур ҳам, энди эса, Алоуддавла ҳам мустақил бўлиб, ўз черигига, вилоятига эга-ку, деган далил ҳам уни йўлдан оздирган, отага қўшилмай, амакилари сингари мустақиллик даъво қилиб, кучайиб, қўшин жамлаб, Хурросон тахтига ўзи чиқса бўлмайдими? Абдуллатиф ота топширигини бажармай, рухсатсиз ортга қайтиб, шундай қарорга келганлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди.Faқат, йўлда касалланиб қолиш бу хомхәёнинг ижросида монелик қилган.

Бу хабар етгач, Мирзо кечиктирмай Нишопурга, Абдуллатифни олиб келишга бир талай кишиларни жўнатди. Шаҳзода ўзида мажол бўлмаганлиги боисидан тахтиравонда олиб келинди. Абдуллатиф касалмисан касал, алаҳлар, иситма кўтарилиб, лаблар қовжираб, юзлари қорайиб кетганди. Табиблар муолажага зўр бердилар. Аён бўлдики, шаҳзода меъдасига ёқмаган таом истеъмол қилган, овқатдан қаттиқ заҳарланган. Унинг ичи бир неча бор ювиди, қувват дамламалари берилиди. Шаҳзода икки-уч кунда кўзини очди. Ўзига келди ва жойидан турди. «Муфсид»ларнинг шаҳзода касал эмас, деган гапи уйдирма бўлиб чиқди. Аммо «мустақиллик хаёли бор», деган даъво на тасдигини, на инкорини топмасдан, аро йўлда қолиб кетди. Улуғбек Мирзонинг ўғлига бўлган зиддияти ҳам тарқаб кетди, у ота эди-да, кечирими қаҳрини мумдай эритиб юборганди. Абдуллатифнинг «мустақиллик» хаёли эса, ичда нишлаб бўлган, унинг татбиқига вақт керак эди. Таассуфки, бу вақт узоқ кутдирмади. «Муфсидлар» бу борада ҳақ бўлиб чиқди. Бу, муаррихнинг матнаро берилган бир шеърида шундай ифода топган эди:

*Шаҳанишоҳнинг мижози яна қайтадан эътидол топди,  
Фам кечаси тугали, хурсандлик куни етишиди.*

Бу мисраларда ўғлининг хасталикдан оёққа туришини кўрган отанинг шод-у хуррамлиги, фам, хавотир чекинганлиги ёрқин ифода этилган. Муаррих-ашъорнавис қанчалик билимдон, зукко донишманд бўлмасин, Абдуллатиф барпо этадиган гамларнинг гами ҳали одинда турганигини хаёлга ҳам келтирмаган.

Абдуллатиф тез орада ўзини ўнглаб олди. Бундан камоли қаноат туйган Улуғбек Мирзо рамазон ойининг ўртасида (12 ноябрь 1448) туркманлар сардори Ёр Алиниг фитнаси юз берганлиги туфайли, Машҳаднинг Чаҳорбоғидан отланиб, аркони давлати ва чериги ҳамкорлигига Ҳирот сарига йўл олди. Жўнашдан оддин Абдуллатифга ҳеч кимнинг хаёлига келмаган иноят – Хурросон мамлакатининг ҳукмдорлиги топширилди.

\* \* \*

Уч қалъа мустаҳкамлиги билан Хурсонда доврук тутганди. Улугбек Мирзо шулардан бири Нирату ҳисорига Алоуддавланинг амирларидан бўлмиш Абу Саъид билан Ёр Алини бандга олдириб, қаматиб қўйган эди. Амир Султон Абу Саъиднинг мулоzим навкарларидан бири унинг қариндоши сифатида, дехқонча кийинди-да, уни қўргани келди. Кўриқчилар, совуқда қалтираб, сал чўлоқланиб турган кекса кишининг олиб келган озуқасини очиб қўрдилар-да, халтани маҳкум амир Султон Абу Саъид ҳужрасига элтиб бердилар. Халтача ичида озгина туршак билан қўмач нон бор эди. Тўртта қўмачдан бирига чоғроққина эгов жойлаштирилганди. Икки маҳкум эговни топиб, тун ярмидан оққандо, овоз эшитилмасин учун, жуда секинлик билан қўлларидағи занжирни эговлай кетдилар. Узоқ уринишлардан кейин ҳафта-үн кун деганда, банддан холос бўлдилар. Ҳужра эшигини ҳам шу тахлитда, киши билмас эговлаб, тонг саҳарда қўриқчи донг қотиб ухлаб ётганда, уни бўғиб, бирёқли қилиб, қилич-у пичогини олиб, қалъа дарвозасигача бўлган оралиқдаги соқчиларни бир-бир тифдан ўtkазиб, қалъани ўз ихтиёрларига бўйсундирадилар. Собиқ маҳбуслар гапни бир жойга қўйиб, Ёр Али туркман қалъадан ўзлаштирган катта бойликни сарфлаб, атрофига хайриҳоҳлар тўплай бошлади. Ёр Али қўлга киритгани тилла ақчалар қўмагида кундан-кунга кучайиб, Ҳиротни эгаллаш ҳирсига тушди. Ҳирот бу пайтда эгасиз, Улугбек Мирзо қолдирган доругани бирор таниб-танимасди.

Ёр Али туркман Ҳиротни муҳосара қилишга улгурган, унинг қўмагида шаҳар атрофидағи қишлоқлар аҳолиси йифилганди. Ўн етти кун давом этган қамал қуналрида ҳиротликлар ўзларини ўзлари ҳимоя қилишга куч топдилар. Қамал вақтида қалъа ташқарисида ким бўлса, у аяб ўтирилмади. Эрта тонг пайтида Хуш дарвозаси ташқарисида эшагига ўтин ортиб келаётган бир киши шубҳали туюлиб, тутиб олинди. Унинг гапини тинглашга фурсат йўқ эди, бас дегунча калтаклашди. Охири, сулайиб, оғзидан қон-у кўпик келгач, ўлди деб оёғига арқон солиб, Хуш дарвозасидан Қипчоқ дарвозасигача бошини пастга қилиб, деворнинг борусидан судраб кедилар. Уни бошқаларга ибрат бўлсин учун, деворда шу ҳолича осиб қўйиб, кетдилар. Орадан анча вақт ўтгач, уриб мажақланган ҳалиги одам ўзига келди. Уни девордан тушириб, гап сўраганларида, «мен бир ҳунарманд кишиман, уруш-жанжалга дахлим бўлмаса», деб зўрға тилга келди. Навкарлар кулишди-да, уни қўйиб юборишли. Муаррихнинг далолатича, шу одам кейинлар ҳам қўп ийллар яшаган. Ўрмонга ўт тушса, ҳўл-у қуруқ баравар ёнади, деб шуни айтадилар-да. Ёр Али фитнасида бир ҳунарманд шунча азоб ебди, унинг берган тиллаларига учган қишлоқлар одамлари-чи? Бунинг олдида, ҳунарманд чеккан уқубатлар нима бўлиби?

Ёр Али туркман босқинчилigi чўзилиб, Ҳирот қамали тинкани қурита бошлаган маҳалда, Машҳаддан Улугбек Мирзо лашкари етиб келди. Чиранган туркман амирзодаси попуги пасайди-да, Нирату қалъасига қочиб бориб, дарвозаларни беркитди. Қишлоқлардан йигилиб келган, қўлларига шоп-у таёқ, гурзи олган одамлар писиб қолиб, тарқалиб кетдилар. Улугбек Мирзо қолдирган доругаси амир Боязидни сўроқ қилди, фоят жаҳд устида эди. Амир Боязид: «Ташқаридагилар Ёр Алига қўшилишиб түғённи каттартирдилар, шундай бўлмагандা, унинг нима ҳоли бор эди?» дея арз қилди. Улугбек Мирзо амирларга «Ҳирот ташқариси форат қилинсин», деб ҳукм қилди. Ўша вақтдаги Ҳирот атрофидаги булукларда яшовчи одамларнинг хатти-ҳаракатларини тушуниш қийин бўлса-да, моҳиятини билишга уриниб кўрайлик. Ёр Али туркман хуружи ёйилиб, унинг Нирату қалъасидан олиб чиққан нақдиналари овозаси қишлоқларнинг қорни тўймай, бир иш қилолмай, зерикиб ётган эркакларини оҳанрабодай ўзига жалб этади. Аҳолига Шоҳруҳ Мирзо салтанати сингтишли бўлиб кетган, Мовароуннаҳрдан босиб келиш, эҳтимол, кўпчиликка ёқмаганлигини ҳам истисно қилиб бўлмайди. Назаримда, шу икки сабаб, Ёр Али фитнасининг асл негизини билмаган, ажабмаски, сиёсат эмас, сармоя илинжида қишлоқларнинг кўтарилишига восита бўлган омилдир. Улугбек Мирзо аччиқ устида шу ҳукмни чиқарди. Навкарларга, уришиш ва талаш, зугумдан манфаатдор амирларга худди шундай и ж о з а т керак эди. Бола-бақрасини ортда қолдириб, катта улуфа эвазига бу юртларга қилич ўқталиб келиш уларнинг, мустасносиз, ҳар бири жонини гаровга қўйиши, фанимат чоғларда эса, хуржунларни қаппайтириш эҳтиёждан, омонатликдан, мажбуриятдан эди. Муаррих ҳукм ижроси қандай амалга ошгани тўғрисида шундай сатрларни тизади:

«Ҳиротнинг ташқариси форат қилиниши воқеаси рамазон ойининг охирларида (7 ноябрь 1448) воқеъ бўлди. Уч кундан кейин шаҳар акобирлари шафоатчилик қилдилар. Мирзо Улугбек «лашкар форат-гарчиликдан қўл тортсан», деб буюрди. Мусулмонларнинг уйлари бўм-бўш қолди. Ўша кунларда қаттиқ совуқ бўлиб, рамазон ҳайити яқин эди. Кишилар ҳайит куни маҳшар гуноҳкорларидек яланғоч эдилар, шаҳар ташқарисидагилар ихлос тили билан Мирзо Улугбек номига дуо-ю сано ўқишар эди. Бутун кийимларини талон-торож қилиб, бир бурда нонга муҳтож ҳолга келтирганлари бир киши ҳайит куни яланғоч, тол баргидек титраб Мирзо Улугбекнинг оти одидда чопиб борар ва зорланиш тили билан нола қилиб айтар эди: «Эй, одил подшоҳ, дарвешлар учун ажаб бир ҳайит ато қилдинг, умр ва давлатинг афзун бўлсин». Сўнг Абдураззоқ Самарқандий ушбу байтни ўзидан илова қиласди:

*Ҳар қанча билагинг бақувват бўлса ҳам,  
Мазлумлар оҳидан кўркқин.  
Заифлик ноласи қанча аянчли дод бўлса ҳам,  
Зарби шунчалик кучли бўлади отгани ўқин.*

Муарриҳдан келтирганим иқтибосда киноя ва замонкашлик шундайгина бўртиб турганлигини пайқамаслик иложисиз. Югун қолдирилган, бир бурда нонга муҳтож этилиб, бор-йўғи тортиб олинган кишилар «ихлос тили билан дуо-ю сано» айтишларига ишониб бўладими? Ёинки «дарвешлар учун ажаб бир ҳайит ато қилдинг» жумласида кесатиш оҳангини ҳукмдор пайқамасмиди?! Қишлоқлардан катта пул билан ёлланган авбошлар учун тинч аҳоли ҳам баравар жазога дучор этилганки, «ихлос тили билан ўқилган дуо-ю санолар», аслида, элнинг қарғишилари эди. «Кўпнинг дуоси қўл», деб топиб айтилган. Қишининг чилласида, мусулмонларнинг рамазон ийдидаги таланиб, оч-яланғоч қолган кишиларнинг оҳ-у фарёди осмон бўшлиқларига сингиб кетмасди, ўз манзилини топиши муқаррар эди. Ва шундай бўлди ҳам. Бу қайтар дунё воқеотига бир йилга яқин вақт бор эди. Умуман, Улуғбек Мирзонинг падари бузруквори Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейинги босган қадамлари, ўғли Абдуллатифни ҳибсдан қутқазиши дейилмаса, қутлағ чиқмади, эсанкираши, ўзига ишонмасликми, ҳар ҳолда, дониш ва саховат қузатилмайди. Ҳиротнинг ён атрофидаги қишлоқларнинг раияти оғир хатога – Ҳиротни босиб олишга ружу қилиб, аёвсизларча уч кун талон этилган бўлса, Самарқандда аҳвол қандай эди? Улуғбек Мирзо олим, донишманд подшоҳ ўлароқ, кейинги йилларда эл-у улуснинг норозилигига қарамай, Амир Темур ва отаси Шоҳруҳ Мирзо даврида амалда бўлмаган та м ф а с о л и ф и н и жорий қилган эди. Бу тожирлар, ҳунармандлардан мўмай олинадиган тўлов эди. Самарқанд шахри ахолисининг аксарияти хирождан ташқари, оғир тамфа тўлай олмай, қашшоқлашиб бораётган эди. Бу аҳвол бадавлат тожирларни, ҳунармандлар оқсоқолларини кўпдан норози қилиб келарди. Адолатсизликлар, ўринсиз ситамлар қаердан бошланиши ва турли-туман сарҳадлар ошишидан қатъи назар, бир нуқтада бирлашмай қолмас экан. Бирлашув нуқтаси эса, камон ўқидек нишонга бехато қадалиб, умрга чек қўяр экан. Мўйсафид тарих бунга кўплаб мисоллар келтира олади.

Улуғбек Мирзо соғайиши учун Абдуллатифни Машҳадда қолдириди-да, чериги билан Ҳиротни тинчтиб, бир неча кун Боги Зоғонда турди. Абулқосим Бобур Машҳад сари, Абдуллатиф устига юриш бошлагач, у Ҳиротга жўнаб қолди. Ҳафтадан кейин Ҳирот тахтини ўғлига иноят қилди-да, Улуғбек Мирзо Самарқандга отланди. Шу жўнашида падари бузруквори Шоҳруҳ Мирзо жасадини таҳ-

тиравонга солиб, отаси Амир Темур марқади дафн этилган, ўзи тиклатган улуғвор гумбазли бинога кўмишни ният қилди. Улуғбек Мирзо Ҳиротдан, Хуросондан яна анчагина мол-у дунё, ашёларни ҳам ўзи билан олди. Онаси Гавҳаршод Бегим мадрасасининг бир неча пўлат эшиклари шу сирага киради. Эшиклар Табризда Шоҳруҳ Мирзо саъй-ҳаракатлари билан бунёд қилинганди. Хазиналар ҳам эсдан чиқмаганди. Улуғбек Мирзонинг бунчалик бойликка талпинганигини тасаввур қилиш, изоҳлаш қийин. Эҳтимол, бу бойликлар илм-фанга, расадхонага сарфланиши ёинки Мовароуннаҳрни Хуросондан тамоман ихота қилган ҳолда, ҳукм суриши учун қариганида тинч, осуда, фаровон ҳаёт кечиришни деб жамлагандир.

\* \* \*

Дарё бўйидаги тўқайзорлар сипоҳ-у отдан тўлиб кетди. Қўшин қисмлари кечув олдидан қўш ташлаган бўлса, ортдан келувчилар оёғи узилмаган, соҳидан анча олисда ҳам отлиқлар қораси кўринарди. Етиб келганлар уловларига дам бериб, ўзлари ҳам тўда-тўда бўлиб гурунглашар, дарё бўйига бориб, ювенишар, кийимларини чайиб олишарди. Бир-икки кун шундай кечди. Қанча жонлиқлар сўйилди, оловларда бутун-бутун қўйлар гўшти кабоб қилинди. Кутимагандаги ҳордиқдаги сипоҳилар орт томонидан шовқин-сурон қулоқларга чалина бошлади. Улуғбек Мирзо ўрдуси қамишзордан нарида, баланд жарлик устида эди. Қиён-кесди тобора авжга чиқиб, отини салт минган бир навкар ҳовлиқиб келди-да, «Ҳиротдан ёғий босди», деб хабар қилди. Маълум бўлишича, Улуғбек Мирзонинг Пули Абришимдан орқага қайтганини эшитгач, Абулқосим Бобур Мирзо Абдуллатиф изидан тушган ва Ҳиротни ҳам мўлжал қилган эди. У Машҳадга етиб келганида, Абдуллатиф соғайган ва унинг босқин дарагини билиб, Ҳиротга жўнаб қолган эди.

Бу орада Ҳиротда Ёр Али туркман фитнаси бостирилиб, Улуғбек Мирзонинг Самарқандга қайтиши амалга ошаётган эди. Ҳиротда Абдуллатиф зарур сипоҳийлар билан ҳоким қилиб қолдирилганди. Абдуллатиф отаси Улуғбек Мирзо Омуя (Жайҳун) дарёсига етганда, ўн беш кун Ҳиротда ҳукм сурган эди. Шу ўн беш кун ҳам унинг юрагини ҳовучлаб, олазарак таҳтда ўтириши билан кечганди. Улуғбек Мирзо важоҳатидан қўрқиб, Нирату қалъасига яширинган, балодан тоймас Ёр Али туркман ҳар лаҳзада човут солиши мумкин эди. Ёр Алидан олдинроқ амакизодаси, уни кўпдан таъқиб қилиб келаётган Абулқосим Бобур илфорлари ҳам Ҳиротга яқинлаб қолганлиги Абдуллатифнинг эсхонасини вайрон қилиб юборди. Отни келтирғанларини, қочиш жиловини қандай бўшатганлигини билмай қолди.

Абулқосимнинг амир Ҳиндука саркорлигида Жайҳун тарафга, Улуғбек Мирзо лашкарига қарши юборган чериги дарёга энди ети-

шиб келаётган Самарқанд навкарларини йўл-йўлакай қириб битирди, улуф сув бўйига ёйилган, бетартиб ҳолда сафларини тўғрилаб ололмаган сипоҳийларни ҳам бас дегунча тўзғитди. Амирлар асирикка олинди, хусусан, таниқди саркарда Идику Темур қўлга олиниб, занжирбанд қилинди. Ҳиротдан олиб келинаётган ҳунармандлар, қанча одамлар озод этилди, мол-у мулк, нақдина бойликлар бари ўлжа қилинди. Улугбек Мирзо мавкаби шошилинч ҳолда Омуянинг қирғоқлали муз боғлаган сувидан ўтиб олди. Лашкарнинг бир қисми кечувни ортда қолдирганида, Мовароуннаҳр черигини яна бир фалокат гирдобига олди – Даشت Қипчоқдан Абулхайрхоннинг ҳарбий галалари хуружни бошлади. Кўплар ўлдирилди, кўплар асир олинди. Қаттиқ заҳмат тортган Улугбек Мирзо Бухорога боришни афзал билди. Шу ерда қишлоғ қилиб, тахтиравонда олиб келинаётган отаси жасадини Самарқандга юборди. Тирикларга нисбатан ўликларга тажовуз ақддан эмас, мусулмонликни кейинроқ бўлса-да, қабул қилган Даشت Қипчоқ ўзбекларида ҳам шундай удум қарор топганди. Орадан икки ҳафтага яқин вақт ўтиб, Шоҳруҳ Мирзонинг хоки Самарқандда, отаси Амир Темур даҳмасида дағн этилгани хабари олинди.

Улугбек Мирзо қишининг қолган қисмини Бухорода кечириб, баъзи пайтлар овга чиқиб турди. Илгари ов Мирзонинг севган машқи эди. Жайҳундан ўтгунича бўлган иккиёқдама танглик – Абулқосим Бобур ва Даشت Қипчоқ сипоҳларининг исканжасида қолгани, черигининг қалбидан айрилгани жуда алам қиласди. Овда от суришлар, ўлжа кетидан тушиб қувишлар ҳам подшоҳга таскин бермасди. Одирилган, ташлаб кетилган бойликлар, қурол-яроғлар, чодир-у хаймалар, отлар... Эҳ-ҳе, йўқотганларининг саногига етиб бўлмасди. Овга боргунича ҳам, шикоргоҳдан қайтгунича ҳам бош кўтармас, ичини ит тирнагандек, хомуш бўларди. Абулқосим Бобур дегани она сути оғзидан кетмаган, йигирма беш-йигирма олтига кирган бир чапани шаҳзода бўлса, ичиш деса, ўзини томдан ташласа, келиб-келиб шундан патрат топиб ўтиrsa-я?! Абдуллатиф ношуд бўлмаганда, Ҳиротни ўн беш кун идора қилиб, унинг олдига тушиб қочармиди? Чериги кам эмасди, ёғийни, хусусан, амир Ҳиндукани Омуя бўйига, менинг устимга ўтказиб юбормаслиги, шаҳарни маҳкамлаб, йўлини тўсиши лозим эди-ку?! Нега у қуёнюрак бирор маротаба жангга кўкрак яланғочлаб чиқмади? Субутсиз фарзанд, нималарни пеша қилаётир ўзи? Ўшанда муфсидлар ҳақ гапни айтган экандир, таас-суфки, улар сўзига бовар қилмабман, касал дея, атрофида парвона бўлибман. Кўнглида чиндан ҳам, мустақил бўлиш, каттароқ тахтни забт этиш нияти борга ўхшайди. Йўқса, Ҳиротни ташлаб чиқмас, жони борича олишгуси эди. Бунда бир гап бор, у ўзи учун қулай вақтни кутмаётирмикан? Бу саволлар Самарқандга қайтгунига қадар ҳам Улугбек Мирзога ором бермади. Онаси Гавҳаршод Бегимга

нисбатан қабиҳлик қилган ўғлидан қаттиқ ранжиган, унинг касал бўлиши отанинг совий бошлаган меҳрини бир оз илитгандай бўлганди. Энди эса, бу ташвиш. Бир ёқдан Абулқосим Бобур, иккинчи томондан Дашиб Қипчоқ қўшини шундай улуф, азамат подшоҳни, Оврўпога ҳам довруғи Истанбул орқали таралаётган Улугбек Мирзо ни фурбатга солса, қўшинини тутдай тўкса, келишиб қўйгандек, бир вақтда ҳужумга ўтишса...

Самарқандга келганида подшоҳ ўзини анча олдириб қўйган, қундуз ёқали мўйна пўстини ҳам шалвираб қолгандек эди. Ҳасратлари ни қадрдони Али Қушчига айтишга ҳозирланиб турганида, Абдуллатифнинг чопарлари келганилиги дарагини бердилар. Абдуллатиф Абулқосимнинг Ҳирот томон келаётганидан ваҳимага тушибми ёинки Ҳиротда қолиш муддаоси эмасмиди, дарҳол қочишга тушганди. Уни илғаш, баҳолаш қийин эди. «Ичимдагини топ» шаҳзоданинг бирор дўсти йўқ, амирлари билан ҳам очилиб гаплашмасди. Доимо тунд, сарғиш мўйлови тук чайнайдиган, ранги ҳам заҳмнок, ўлгудай қўпол ва баджаҳл эди. Шу қочишда йигитлари билан Андхуд кечувига етиб келди-да, Жайхундан ўтиб, Самарқандга равона бўлди. Хузорга яқинлашганида, отасига келаётгани ҳақида чопар юборди.

Мирzonинг ўғлини кўришга, сийратига қарашга тоқати тоқ, бўлганди. Чопарларни индамай, гапларини бўлмай тинглаган Улугбек Мирзо:

– Балх вилояти Абдуллатифнинг суюрголи экани ёдидан кўтарилидиму? – деди кескин қилиб. – Тезда ортга қайтсин-у, вилоятни идора қилишга киришсин!

Чопарлар бундай жавоб бўлишини кутмаган эдилар, чофи, Абдуллатифдан қўрқсанлари туфайли, ортга тисарила олмай, бир оз каловланиб турдилар-да, таъзим қила-қила боргоҳдан чиқдилар.

Улугбек Мирзо, назаримда, ўғли Абдуллатифни доруссалтана Самарқандга қўймай, сиёсатдан ҳиссиётни устун қўйгандек. Тўғри, сипоҳийлар билан отанинг рухсатисиз, мамлакатга кириб келиш одобдан ва ойиндан эмасди. Абдуллатифда бунга фаросат йўқ эди. Барibir, уни қабул қилиш, дардини тинглаш керакмиди? Бу серзарда, кини ичиди ўғилнинг отасига нисбатан бўлган шубҳалари ни яна бирига орттирганди. Шу вақтга қадар «камситилдим», деган фикрдаги шаҳзода, энди, «батамом инкор этилдим», деган ақидага борган эди. Муаррих ҳам, шунга монанд фаразни келтиради: «Бу ҳол (яъни отанинг қабул қилмаслиги) Мирзо Абдуллатифнинг таъбига жуда мувофиқ тушди, чунки у кўнглида отасидан кўрқинч ва ваҳимада эди. Шунинг учун у Балхга келгач, у вилоятда мухолифатчилик байроғини тиклади ва отасига хилофликни тошга ўйилган нақшдек андиша лавҳасига чизди».

Шу вақтга қадар араз, норозилик шаклида туғилган, воқеаларнинг тезкор тадрижида эрта пишиб етилган о т а г а қарши исён,

айнан ана шу нүктада, ошкора душманликка айланиб ултурган эди. Абдуллатиф Балхга келиб, отасига зиддана қилган биринчи иши тамға солиғини бекор қилиш бўлди. Балхнинг тўрт тарафига жарчилар чопдириб, «тамғони бекор қилдик, бирор киши ҳам тамғо туфайли мусулмонларга даҳл қилмайди», деб айюҳсаннос солдирди.

Олдинда Улуғбек Мирзо бобоси, отаси қилмаган ишни – тамғо солиғини ҳукм юрийдиган барча мулкларга, жумладан, шу яқинда қаламравига ўтган Балхда ҳам жорий қилган эди. Бу оғир тўлов раиятнинг иқтисодини касодга олиб келарди. Абдуллатиф билибми-бilmай сиёsatдонликнинг жон жойидан ушлаганди. Бу, унга одамларни жалб этиш, хайриҳоҳлар орттириш учун сув билан ҳаводай зарур эди. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий шундай дейди:

«Мирзо Улуғбекдан бутунлай норози бўлиб юрган эл-у улус бирданнiga Мирзо Абдуллатифнинг даргоҳига отландилар, ваҳшат ва кудурат сабаблари кундан-кунга бир-бирига кўл беришиб, иш шу дарражага етдики, Мирзо Улуғбек лашкар тортиб, ўз ўғли жонига қасд қилувчига айланди».

Улуғбек Мирзо Абдуллатифнинг бунчалар қабоҳатни бошлишига ҳайрон-у лол бўлиб қолганди. Омуяниг кечув жойларини тўлиқ назоратга олган, ўнг қирғоқдаги қайғ-у солларни ўз томонига ўтказиб, дарёдан чиқариб ташлатган, шу билан ўтиб-қайтишга тамомила чек қўйган эди. Мовароуннаҳрдан Хурросонга, Ҳиндистонга йўл олган бир неча карвонлар ҳафталаб саргардон бўлиб, чорасиз изга бурилгандилар. Бу тарафдан – чап қирғоқдан Омуя кечувларидан юртига келаётганларнинг аҳволи жуда танг бўлганди.

Самарқанд-у Балхда, ўзга маъволарда таниқли бўлган, бир умр туялар карвони билан Жайхунни кесиб ўтиб, тижорат йўлида жон чеккан Зулфиқор карвон Андхуд йўлидан дарё кечувини мўлжаллаб кела берди. Кечувга бир фарсах қолганда унинг туяларини чўктириб, қозиқларга маҳкам боғлаб ташлашиди-да, ўзини ўрдуга кўл-оёғини боғлаб олиб боришиди. Умрида йўлтўсаларни ҳам, қароқчиларни ҳам кўп кўрган Зулфиқор карвон ҳеч нимани тушунмай, дили вайрон бўлди. Боргоҳга итариб-итариб киритганларида, гапни англагандай бўлди. У шаҳзода Абдуллатифни таниганидан севиниб кетган, қўл-оёғимни ечирар, бандга олганларга дашном берар, деб ўйлганди.

– Зулфиқормиди исминг? – писандига илмай сўради Абдуллатиф.  
– Неча вақтдин бери йўл юурсан?

– Мирзом, садағангиз кетай, – деди қувонган Карвонбоши, – учинчи ойким, сафардамиз. Ижозатингиз билан занжирни ечсалар, йигитларингиз танимаслар, танимасни сийламаслар, рост турур?!

Зулфиқор карвоннинг ёши элликни ортда қолдирган, сочига, соқол-мўйловига қиров тушиб бўлганди. Ёши анча кичик бўлган Аб-

дуллатифнинг «сен-сен»лаши ҳам ботмаган, ундан умиди катта эди. Бунинг сири бор эди. Шаҳзодага шу ҳақда шаъма қилсам, олам гулистон деб ўйлади у.

– Аъло ҳазрат падари бузрукворингиз, – деди у секин, – йўлимизга муентазирлар.

Абдуллатиф бу гапни эшитиб, бирдан сергакланди.

– Нима, Мирзонгга шамшир-у ўқ-ёй, камон-у сипар, найза элтадурсанми-а?

– Йўқ, йўқ, шаҳзодам, – деди бир оз таъби тирриқ бўлиб Зулфиқор карвон, – савдо-сотифимида ул Зотнинг улуши бордир...

Зулфиқор карвон тижоратдан бойиган, уч қаторга тизилган туялари сони тўқсондан ошарди. Мато ва газламалар, ипаг-у тақинчоқдар, гуруч-у марваридлар, хуллас, моллари мўл бўлар, харидорлари кўп, ойга қолмасдан яна мол-у ашё учун йўл танобини тортарди. Бу сафар юртига хаёллаб, кечикиброқ келмоқда эди. Карвонбоши тожир тўғри гапни айтганди. Улуғбек Мирзо билан ёшлиқдан таниш, салом-алиги бор эди. Бир гал, чаканадан улгуржига қадам босганида, юрак ютиб, Улуғбек Мирзодан сармоя сўраб, тегишли ҳиссасини бериб боришини айтди. Улуғбек Мирзо қулимсираб, «яхши, подшоҳлар ҳам фойда кўришни хоҳдайдилар, фақат, ҳалоли бўлса, бас», деб жавоб беради. Шундан буён орадан йигирма йилча ўтятники, бу шерикликда нуқсон бўлмади.

– Улуши бор, дегил, – ўшқириб деди Абдуллатиф, – шошмай тур, барча бойлигингдан айрилиб қолма тағин?!

Абдуллатифнинг ёдидан Ихтиёриддин қалъасидаги тортиб олинган ўз олтин-кумушлари, зар-у кимҳолари эсига тушиб кетди-да, ижирганиб, қиличи дастасини маҳкам ушлади. Ёнидаги сипоҳларга кўзи билан имо қилди, Зулфиқор карвонни судраб олиб чиқдилар-да, дорга осиб юбордилар.

Дарёнинг ўтар жойларидағи қайиқларнинг йиғиштириб олингани хабарига чидаган Улуғбек Мирзо тижоратдаги шериги Зулфиқор карвоннинг туялари-ю моллари мусодара этилиб, ўзининг қатл этилганига чидай олмай қолди. Зулфиқор карвонда бир вилоятнинг хирожига тўғри келадиган овштаси бўларди. Энди, бу ёғи нима бўлади? Хонадони катта, ўғиллари бор, мамлакат хазинасидан берилган қарзни улар тўлаб беришлари лозим-ку?! Улуғбек Мирзо ташвишда қолиб, қозиларга сўз солиб кўрди. Улар қимтиниб, жавоб беришдан бош торта олмай, «маъқул», деган тўхтамга келдилар. Шу воқеа рўй берганда Самарқанднинг қозикалони мавлоно Шамсиiddин Мискин деган киши эди.

Бу гап қози калоннинг қулоғига етиб борди. Унинг фатвосиз эвазни ундириш шариат аҳкомига тўғри келмасди. Ўртадаги ишончли кишидан мавлоно Шамсиiddин Мискин Улуғбек Мирзонинг

қўйган талабига шундай жавоб етказиши сўради: «Бу ҳақда ишни кўтариш ва гувоҳлар кўрсатиш ҳеч бир ёрдам бермайди, чунки муаммонинг моҳияти менга яхши маълум. Агар, менинг ишни Сизнинг фойдангизга ҳал қилишимни истасангиз, буюрингким, совуқ ҳавода оёқ-қўлимни боғлаб, устимдан совуқ сув қўйиб ҳушимдан кеткизсинлар, ана шундагина мен савдогарга берган мулкингизни ундириш ҳақида ҳукм чиқараман», – дейди.

Қозининг бу хилдаги огоҳлантиришидан Улуғбек Мирзо хазинага нақдинани қайтариш ҳақидаги даъвосидан кечади. Хазинага катта зарар етган эди. Бунинг бирдан-бир сабабчиси савдогар ҳам, қози ҳам эмас, разиллик йўлига кирган ўғли эди. Абдуллатифнинг атайдан отасига қарши бориши, унинг асабига тегиб, биринчи бўлиб, ҳарб-у зарбга киришини режа қилган эди. Бу вақтда хайриҳоҳдар – тамғо солиғидан қутулиб, унинг пинжига кирганлар ҳисобига жуда ортиб кетган, сипоҳдари ҳам унга қаттиқ, майл боғлаган эдилар. Бу уни бениҳоя ҳаволантирган, отани писанд қилмай, гадони оёқ учида кўрсатгандек, беиболикка ўтган эди.

Жаҳолат алангасини тобора зўрайтираётган Абдуллатифни тийиб қўйишининг бирдан-бир чораси унинг устига қўшин тортиш, яхшилаб адабини бериш қолганди, холос. Муаррих ота-ўғил муносабатини шарҳлар экан, «келишмовчилик маддаси қуюқлашиб бориб, фасод асоси мустаҳкамлик касб этди ва шу даражага бориб етдики, ўғил отага қарши адоват камарини жон белига боғлади, ота эса ўғилни қатлга етказиш мақсадида бетоқатликка учради, душманлик тифига бемеҳрлик заҳридан сув югуртириди, жафо ўқини бало камонидан бўшатди», деган сўзларни келтиради.

Ўғил отани лашкар тортишга мажбур қилди. Улуғбек Мирзо етарли черик билан Жайҳун ёқасига етиб келди. Абдуллатиф эса, Балжда тайёргарлигини кўриб, аллақачон сўфишга тайёр бўлиб турган эди, жадаллаб дарё соҳилига етди-да, Самарқанд лашкирининг сувдан ўтишига тўсқинлик қила бошлади. Унинг ўз кучига ишонганлиги, Мовароуннаҳр сипоҳийларини масҳаралаб, «Қайиқлар юборайми?» деган кесатиқлари бурқсиб турган аламни аланга оддиради.

Ҳиротдан қайтишда Улуғбек Мирзо тўпига шикаст етказган, Балхда турган Абдуллатифни қузатувга олган Абулқосим Бобур ота-бона устига босиб бориши учун ўнгай вақтни кутиб турарди. Ота билан ўғилнинг ёвлашуви, бир-бирини маҳв қилиш мақсадида катта қўшин билан рўбарў турганлиги муждасини шодмонлик билан эшилди. Икки бўри гажишаётганда, у яхши билардики, учинчى бўри аралашмайди. Шундай фикрга келиб, ўз иши билан банд бўлди, ёндош қалъаларни бўйсундиришга бел боғлади.

\* \* \*

Чирпирак бўлиб кўкка ўрлаган қуюн дала-даштни шип-шийдам қилиб кетди. У ўтган ерларни минг фаррош супуриб, бундай тоза қилолмасди. Тақир майдонларда чанг юқи ҳам қолмаганди. Карраклар, тиканлар пастқам жойларда фуж бўлиб қолган, бошида қилич ялангочлаб турилган мазлумлардек, бир-бирига ёпишиб, тиқилиб ётарди. Қуюн ўтмаган жойларда тиккайиб турган яккам-дуккам юлгуналар, хас-ҳашаклар кўзга ташланарди. Хуросон-у Мовароуннахрда қуюн тўфони икки йилдан учинчи йилга чўзилиб, ернинг ҳам, одамнинг ҳам тинкасини қуритаётган даврда, Форс ва Ироқ вилоятлари бу издиҳомдан четда қолганди.

Элимизда, «подадан олдин чанг чиқарган», деган ҳикмат бор. Бойсунгур Мирзонинг иккинчи ўғли, 1418 йилда туғилган Султон Мұхаммад Мирзо, тақдирнинг ёзигими, Шоҳруҳ Мирзо мулкларида кўтариладиган қора қуюндан бир қанча вақт олдинроқ, сиёсат майдонида чанг кўтарган эди. Бунинг ҳикояти олдинда келди. Алоуддавла, Абулқосим Бобур, Шоҳ Маҳмуд Мирзо, Иброҳим Султон, Улуғбек Мирзо ва Абдуллатифлар таҳт кўпкарисида бири ташлаб, бири олиб, қирпичноқ бўлиб турган кезларда Форс ва Ироқ сарҳадларида, қилар ишни қилиб, яъни бобоси Шоҳруҳ Мирзо ўлимига хамиртуруш бўлиб, жон асраб турган эди. Гавҳаршод Бегим ҳам анча муддат унинг паноҳида яшаб, ҳаёт кечирганди.

Ўтган йилларда ака-ука-ю амакилар ўртасида кечган шиддатли тож-у таҳт курашлари уни четлаб ўтди. Бу орада, ҳамма қариндошларидан бурун, таҳтга талаб солган Султон Мұхаммад Мирзо ушалмаган орзусини бир дам фаромуш қилмади, куч тўплади, ўз вақти соатини кутди. Султон Мұхаммад Мирzonинг ҳам қулогига Улуғбек Мирzonинг Мовароуннахрга кетгани хабари чалингач, Ҳиротни эгаллаш мавриди келибди, деган фикр ўрнашиб олди. Хуросонни муқаррар фатҳ этиш унинг матлаби бўлиб қолди. У, Ироқ ва Форсдан, яъни шу улусларнинг Шероз, Исфаҳон, Луристон, Шулистан, Язд, Кермон, Қум, Кошон, Ова, Сова, Рай, Симон ва Домғон вилоятларидан катта лашқар, ҳисобсиз сипоҳ жамлашга эришди. Байроқлари шамолда ҳилпираб, шукуҳ билан олга бораётган черик Бистомга этиб, қўналға қилди. Шу ерда режаларини пишиқтирган Султон Мұхаммад укаси Абулқосим Бобур ўрдасига элчилар юборди. Элчилар жўнамасдан илгари, Абулқосим Бобур ҳам Сеистондан то Марв-у Моҳонгача, Шибирғондан тортиб Мозандарон охиригача бўлган булуклардан сипоҳийларни оёқقا турғизди. Ака-ука рақиб-у бир-бирини дафъ этиш пайида бўлган ёғийлар Жом вилоятида тўқнаш келдилар. Урҳо-урда, сурҳо-сурда қанча жонлар танларни тарқ этмади, қанча руҳи равонлар майиб-у мажруҳ бўлиб, жанг маъракасида чўзилиб қолмади, дейсиз. Устунлик насими Султон

Муҳаммад Мирзо туғини тўлқинлантириб эса бошлади. Абулқосим Бобур қўшини чекиниш балчиғидан от сурди. Ака ўлжага ботди, ука чорасизликдан шамдай қотди. Абулқосим Бобур қочиб қутулди-да, Имод қалъасига кириб, ўлим ҳадиги таъқибидан осойиш топди.

Тарихнавис фатҳ кунларида юз берган бир жўмардликни алоҳида тилга олади. Унинг ҳузурига икки шаҳзодани – Абулқосим Бобур ҳибсга олган Иброҳим Султонни (Алоуддавланинг ўғли) ва Шоҳ Маҳмуд Мирзони (Абулқосим Бобурнинг ўғли) келтирадилар. Султон Муҳаммад мардлик ва қариндошлиқ қилиб, ҳар иккала шаҳзодани, бирини отаси Алоуддавла, унисини онаси ихтиёрига жўнатади. Ҳамон бу таҳт чавандозларида бундай олижаноблик кузатилмаган эди. Улуғбек Мирзо Балхда алдаб қўлга туширгани шаҳзода Абу Бакрни ҳибсга олиб, Самарқандга жўнатган, кейин уни ўлдиртиб юборган эди. Абулқосим Бобур ўз акаси ва жиянларига суиқасд қилишда, кўзларга мил босишда, қамашда биринчи ўринда турарди. Тарихнавис шаҳзодалар шумғиялигини назарда тутиб, Султон Муҳаммаднинг тантлиигини мақтайди.

Ҳиротни укаси Абулқосим Бобурдан бир ҳамлада тортиб олган Султон Муҳаммад пойтахтда, ўзи униб-ўсган Бори Зоғонда фаровонликда яшай бошлайди. Ҳирот бедов от эдикни, уни эгарлаб, якчирги қилиб минишга ишқибоз кўп эди. Тулпорнинг жилови шу кеча-кундузда Султон Муҳаммад қўлига текканди. Бори Зоғон йўлакларидан юрар экан, болалик изларини кўрмоқчи бўлди. Йўлакнинг бошидан адогига қараса, бобоси Шоҳруҳ Мирzonинг бош чайқаб турган нуроний сиймоси намоён бўлди. Шаҳзода ўзини ғалати сеза бошлади. Дилида, «биласман, бобом мендан ризо эрмаслар», деган ўй кечди. Начора, бошга тушганни кўз тортади. Унинг наздида, бу сулоланинг подшоҳлик, ҳукмронлик, яккаҳокимлиқдан ўзга касби кори йўқ эди. Гўё, отни қамчилаб таҳт кўпкарисига кирмаса, халойиқ айбистадигандай туюларди. Султон Муҳаммад шуларни хаёлдан кечириди-да, шаробдан босиб-босиб ичиб юборди. Унинг ҳам Бори Зоғондан узоқлашганидан буён, илк маротаба оёқ буклаб ишрат қилиши (оҳ, уни қанчалар хоҳлаганди), тин олиб, шоҳона базм тузиши эди. Темурий шаҳзодалардан Ҳирот таҳтига чиқмагандан у қолган эди, муддаоси амалга ошиб, шоҳлик палосини ёзди.

\* \* \*

Жайхуннинг чап соҳили бўйлаб ёйилган черик мўри малаҳдек, ҳар қамиш, ҳар юлғун ортида турнақатор тизилган эди. Ўнг қирроқдаги лашкар дарёдан ўтишни ҳам, ўтмасликни ҳам билмай, иложсиз турарди. Самарқанд сипоҳийлари бамаслаҳат кечув жойларини излаб, оқимнинг юқори ва пастки мансабларини кўздан кечириб, икки

жойдан ўтишга бел боғладилар. Шу йўсинда, бир-бирига қасдланган ота-ўғилнинг лашкарлари бир неча бор қисқа жанглар қилди.

Қарши туриш, ўзаро чопқун чўзилиб бораради. Ўртада катта оқим борлиги, Абдуллатиф қўшинининг қулай жойларни ишғол этганлиги, дарёдан бир илож қилиб, сузиб ўтаётган ёғий дасталарини енгиш унчалик қийин эмасди. Кун сайин, лашкарнинг бирида камайиш, иккинчисида жанговарлик ошиб, руҳ кўтарилиб бораради. Ҳарбий тўлғамада Улуғбек Мирзонинг лаёқати иш бермаётган, вазиятни ҳисобга олиб, зарба беришга, ҳужумга ўтишга нўноқлик ҳолати очиқ панд бераётганди. Бир дастада юздан икки юзгача сипоҳий бўларди. Улар қанчалар довюрак бўлмасин, ортларида таянч йўқ эди. Абдуллатиф чериги эса, ёпирилиб, қарши ҳужумга ўтар, Мовароуннаҳр ботирларини ўраб олиб, бир бошдан тифга тортардилар. Ақалли саркарда урушнинг бу усулини қўлламасди. Ақалли, Амир Темур жанг санъатига мурожаат қилинганда ҳам, умумий шикастга жой бўлмасди. Душманнинг ўзини дарёдан ўтишга, таянч кучлардан маҳрум этишга эришиш керакмиди? Улуғбек Мирзо сипоҳлари иложксиз, қабиҳ кирдикор Абдуллатифнинг қўли баланд келади.

Улуғбек Мирзо, «сипоҳларим жон-жаҳди билан курашмаётир», деган ўйда, ўз тарафига ўтган, Алоуддавладан юз ўгирган Абдулло Мирзони илгор қилиб, дарёдан ўтказди. Яна шу аҳвол. Абдулло Мирзо асирга олинди, яна бу тўлғама иш бермади. Абдулло Мирзо Шоҳруҳ Мирzonинг Улуғбек Мирзодан ойликка кичкина, лекин бир вақтда туғилган фарзанди Иброҳим Султон Мирzonинг ўғли эди.

Ота-ўғил муҳорабаси узайиб боргани сари ҳам олддан, ҳам ортдан нохушликлар кўп бўла бошлади. Олдинда – кунлик мағлубият аламлари, орқада эса, суюкли фарзанд Абдулазизнинг хурмacha қилиқлари ҳангомалари дараклари етишаётганлигига эди. Баъзи бир саройга ички бўлган амирлар, подшоҳдан ижозат олмасдан орқага қайтиб кетибди, дейишарди. Бунинг маъниси тубандагича эди. Абдуллатифнинг тазиеки ҳаддидан ошгач, бу юришнинг оқибатини охиригача ўйлашни соқит қилган Улуғбек Мирзо пойтахтида отага қойим мақом бўлиб қолган Абдулазиз Мирзо кайф-у сафога берилиб, енгилтаклиkn шиор қилиб олади. Кўксаройда унинг ўзини тутиши, қиз-жуvonларга ружу қилиши чамадан чиқиб кетади. Фунчаликларни мажбурлаб, бойу баъёнларнинг, амир-у акобирларнинг уйларидан соҳибжамол қизлар, аёллар дарагини келтиришга зув-зув юборади. «Подшоҳ отам жидду жаҳд билан Жайхун тарафга қўшин тортди, падарим душмани жондай акам бўлиб турибди, аҳвол нима кечади, урушда нималар бўлмайди, эсон-омон, жанжал судҳга тортиб, ярашиб Самарқандга қайтсилар», деган фикр хаёлининг қўчасига ҳам келмади. Аксинча, унинг қилаётган номаъқулчиликлари, хотинбозлиги, ахлоқизлиги гўё оламда Улуғбек Мирзо

йўқдек, борса келмасга кетгандек, пойтахтга эга бўлиб қолган Абдулазизни қутиририб юборганди. Ундан бошқа оқил фарзанд бўлганда, ота қароргоҳи билан алоқани йўлга қўяр, қийинчиликларни бир тан тортган бўларди. Феъли бузук, бефаросат шаҳзода бу ҳақда эмас, бугун тунда ҳарамига яна қанақа ҳурлиқо олиб келинишини мақсаду муддао деб биларди. Навбат саройга яқин, хизмат билан қалъага кириб-чиқадиган кишилар хонадонларидан қиз-у жувонлар шикори аста-секин таниқди амирлар, аъёнлар, саййидлар, беклар қизларига, хотин-халажларига ҳам кела бошлайди. Жондан тўйган баъзи бир оила соҳиблари қари-қартангларни Термиз сари юбориб, аҳволни сипоҳий ҳомийларига арзга етказа бошлайди. Гап тарқаб, амирларнинг тўйларни тескари кийиб олишларига олиб келади. Улуғбек Мирзо лашкарбошиларининг авзойидаги тундликни, юриштуришларидаги бесаранжомликни пайқаб, бир-иккисидан нима гаплигини сўрайди. Сўраганлар бор гапни очиқ айтадилар. Амирларда, ўғлининг ортда туриб қилган куракда турмас иснодига Улуғбек Мирзони боғлаб, Абдуллатифга топшириб юбориш қасди етилади. Улуғбек Мирзо кўзларига ёш олиб, бундай қилмасликни, шаҳзоданинг албатта жазосини беражагини айтиб, арзгўйларга ялиниб-ёлворади. Мавқабида нима бисоти бўлса, уларга тарқатиб беради. Лекин фишт қолипдан кўчган эди. Улуғбек Мирzonинг обрў-эътибори, ҳеч қачон черик кўнглини қолдирмаганлиги унинг Абдуллатифга банди қилиб берилишидан сақлаб қолган восита бўлади. Амирлар, ёндағи гапга етарман кишилар Улуғбек Мирzonинг Абдулазиз танобини тортиб қўйиш учун юбораётган номалари ва вакиллар қатновини яхши билишарди. Абдулазизга ўзини қўлга олиш, кимгаки зарар етказган, зўравонлик қилган бўлса, узр-у кафоратни қилиш, кўнглидан чиқишини, акс ҳолда, қайтиб борганидан сўнг жазога мустаҳиқ қилиши бот-бот такрор қилинганди. Шаҳзода бирорта номага жавоб беришни хаёлга ҳам келтирмади, номаъқулчилигини ҳеч нарса бўлмагандек давом эттираверди. Жайҳун бўйига чопарлар ҳам йўлламади, ота ҳолидан, черик аҳволидан ўзини узоқ тутди. Бундай имконият ортиқ бўлмайди, деган хаёлга бордими ёки... лашкарбошилардан баъзилари, «Абдулазиз билан Абдуллатифнинг тили бир», деганларида жон бор эдими, у ёфини ёлғиз Аллоҳ билади.

Орқаси мустаҳкам бўлмаган, сафдошлар қизлари ва хотин-халажига кўз ола қилаётган бир пайтда, бу хусусда турли-туман, бири ҳақ, бири кўпиртирилган миш-мишлар оёқлаган кунларда сипоҳилар кайфияти қандай бўларди? Жангнинг ноқулай усулда, дарёдан ўта олган бир қисм билан олиб борилиши, уларнинг Абдуллатиф қуршовида ҳалок бўлиши, жанговарлик суръатини жуда тушириб юборганди. Абдуллатифнинг отага қарши қилич қўтариши нечоғлик бадбинлик, нечоғлик манфурлик бўлса, Абдулазизнинг ортдаги қи-

лиғи, қалтис даврда ўзини тутиши – енгилтаклиги ундан-да зиёдроқ разолат, қабоҳат эди. Чунки ор-номус, оила шаъни мусулмонлар аҳлида доимо сарбаланд кўйиб келинган, буни нодон ва арзанда, ҳаддан ошиқ эркалатилган, ёши эндиғина ўн тўққизга кираётган Абдулазиз тушунмаган, деб бўлмайди. Унинг гулдек хотини, ҳарами, жориялари кам эмасди. Улуғбек Мирзо вақтида уни Мўгулистон подшоҳи Вайсхоннинг қизига уйлантириб қўйганди. Вайсхоннинг ўғли Юнусхон Темурийлар билан яхши, кейинчалик Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бобоси бўлган эди. Бундай айтганда, куда-андачилик томирлари маҳкам бўлиб, ўзаро ҳурматда ҳаёт кечирилса, истиқбол чакки бўлмасди. Лекин Абдулазиз буларнинг ҳаммасини барбод, отанинг юзини эл-у улус олдида шувут қилишгача борди. Номус ўлеми жаллод қатлидан-да оғир. Улуғбек Мирзо тўрт тарафи ни ўраб келаётган омадсизлик лашкари яқинлашаётганини сезиб, бошини ушлаб қолди.

Абдулазиз миш-миши тарқалиб, Улуғбек Мирзо яқинлари орасида саросима ва ҳадик бошлангач, бошига дубулға кийган, сипар таққан, белига шамшир осган келбатли бир йигит бесаранжом бўлиб қолди. Ўтириб, бир жойда узоқ қололмас, сұхбатдошлардан ўзини йироқ олишга тиришарди. Қадди-басти келишган, қоп-қора соқол-мўйловлари ярашиқли, шерга ҳамла қилгудай чўти бор бу йигит Абу Саъид Мирзо эди. Неча йиллар бўлди, у Хиротдан амакиси Улуғбек Мирзо хизматига кирган, ҳозир Жайхун бўйида бир тўп сипоҳийларга саркор эди. Абдулазизни у ўсмирилигидан биларди. Тантиқ, айтганини қилдирадиган, эркатойнинг эркатои эди. Абу Саъид Мирзонинг дами ичига тушиб кетганди – унинг хотини чироида ягона, сулув маҳбуба эди. Абдулазизнинг ҳаром нафаси унинг юзига тегмадими-кан – йигитнинг кечак-ю кундуз ўйи, ўзига берадиган саволи шу эди.

Абу Саъид Мирзо тўпида Бухоро атрофидан жам қилинган, аргун қавмидан бўлган сипоҳийлар анчагина эди. У қўл остидагилар билан жуда иноқ, топганини баҳам кўрар, ҳеч бирининг раъйини қайтармасди. Аргун сипоҳийлари ҳам унинг маслаҳатисиз иш қилмас, интизоми, куч-у яроғи, от-афзали билан ажralиб турар эдилар. Абдуллатиф билан кунда, кун орада бўлиб турган тўқнашувлар «бугун фалонча амир ўлдирилибди, бунчаси қўлга тушибди», деган гаплардан нарига ўтmas, Самарқанд қўшинида хуррамлик шамчироғи ўчиб қолгандек эди. Абдулазизнинг ота дўй-у пўписаларини ҳам назарга илмай қўйгани Абу Саъид Мирzonинг ҳам фашини, ҳам рашкини келтира бошлади. Фаши – у Улуғбек Мирзони ҳурматлар ва қадрларди, рашки – хотинидан кўнгли нотинчлигига эди. Шу туфайлидан, сипоҳий дўстлари билан гапни пишиқтириб борди. Улуғбек Мирzonинг ҳарбий ва маънавий қуввати, обўси кундан-кунга тушиб бораётганини кўриб, у чидаб туролмади. Абдулазизни бирёқли қилмай, қўл-

оёғини боғлаб, отаси олдига тиз чўқтирмай, Улуғбек Мирзонинг эгилган қаддини кўтариб бўлмайди, деган қарорга келди. Арғун сипоҳийлари унинг бир оғиз гапига маҳтал турарди. Абу Саъид Мирзо ўзи тузган режа ҳақида амакисига айтишга ботина олмади. Муаррих Абу Саъид Мирзонинг қўшиндан ажралиб, бу ишга бош буриши ҳақида:

«Ота-ўғил бир-бирлари билан қаршилашиб турган вақтда Мирзо Султон Абу Саъид фурсатни ғанимат билиб, Арғун эли деб аталган бир тўда кишиларни ўзига хизмат қилишга кўндириб, Самарқандни эгаллаш учун жўнади ҳамда катта бир гуруҳни атрофига йифиб, шаҳарни муҳосара қилишга киришди», деб ёзади.

\* \* \*

Жазираманинг чўғи пасайиб, оташ ўчогида совиш эпкинлари пайдо бўла бошлаган. Кузнинг аломатлари зоҳири дарахт баргининг учлари сарғайишида, тез-тез шамоллар кўзғалиб, ҳавонинг айниб туришида билинарди. Шаҳарликлар пайкал-у боф-роғлардан охирги ҳосилни араваларга ортиб, қазноқларига жойлар, ҳунарманд-у косиблар дўконларида уймалашар, бозор-ўчарларда харидордан кўра, сотувчилар кўп, нон расталарида эса, бунинг акси эди. Шаҳарнинг олдинги шукуҳи, хайри баракаси бош олиб, биёбонларга чиқиб кетгандек, танқислик, хавотир ёймаларини ёйган эди.

Кўксарой эса, ишратга ботиб, дастурхондаги ноз-неъматлардан, карсон-карсон гўштлардан хумчалар тўла шароблардан ва маҳбубалар анжуманидан бўкиб яшарди. Чошгоҳ бўлмай, шаҳзода Абдулазиз уйғонгач, яна базм мажлиси тузилар, ҳаммаси бошдан бошланарди. Муғанийлар чолғуларни янгратар, ҳофизлар ашуналарни маромида олар, раққосалар эшилиб, шоҳ ташлаб ўйинни бошларди. Абдулазиз майни бир хўпларди-да, рақсга тушаётган, бир-биридан кўҳлик, бир-биридан нозик адo қиз-у жувонларга ҳирс билан тикиларди. Қайси бири унга маъқул тушса, ёнига гунчачини чорларди-да, ўшал назари тушган қизми-жувонни саропарда ичига олиб киришни буюрарди. Нечундир, мусиқа хаёлида бўғиқ чиқаётгандек туюлди унга. Муғанийлар тарафга хўмрайиб қаради-да, чувоқда ётиб, ҳадик еган мушукдек эринибгина қўл кўтараётган, хиром қилишга ҳуши келмай турган раққосаларга кўз ташлади. Бирдан мусиқа ҳам, оташин куй ҳам жонланди, қизлар ҳам шўх-шанг ўйинга тушиб кетдилар. Лекин шу пайт...

Шу пайт эшикни шашт билан очган Хожасаронинг аввал қорни, кейин эса оёқлари кўринди. Шаҳзода олдида икки букилди-да, «Шаҳзодам, ёғий босди, ёғий», деди эмаклагандан бери бўлиб. Абдулазиз парвойи палак, шаробни сипқорди-да, мийифида кулиб:

– Ёғий деюрсанми? – деди ўсмоқилаб. – Ким эркан ул, мўғул турурми?!

Унинг бу луқмани айтиши бежиз эмас, хотини, Вайсхоннинг қизи Хонбиби ойим араз-гина қилиб, отаси юртига кетиб қолган, хавфнинг шу ёқдан бўлишини у тусмол қилаётганди.

– Аъло ҳазрат Шаҳзодам, ёғий мўғул эрмас, ўз амакингиз Абу Саъид Мирзо турур! – деди Хожасаро минғирлаб.

Абдулазиз Мирзонинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У қайнотасининг қўшин тортмаслигини билса ҳам, отасининг қайтишидан хавотирда эмас, аммо саройда оёгининг учи билан кўрсатадигани Абу Саъиднинг Самарқандни босиб олишга журъат қилишини хаёлининг бир четига ҳам келтирган эмасди. Ҳайратдан оғзига олган луқмаси томоғида қолди, бир-икки ўхчиб, йўтал тутиб қолди.

– Не деюрсан, рост турурми сўзинг? – нафасини ростлаб деди шаҳзода. Хожасаро ийманиб, бош силкиди. Шаҳзода иргиб ўрнидан турди-да, беҳаёларча сўкиниб, «Қалъадорларни чорланг, шаҳар дарвозаларини маҳкам беркитсин, мен у итдан туққангага кўрсатиб қўяман!» – дея бўкирди.

Абдулазиз қўл остида етарли сипоҳий ва қўриқчилар жамулжам эди. Абу Саъид Мирзо одамлари шаҳарни ўраб олган, тобора ичкарилаб, қарши турганларни қиличдан ўтказиб, сиқувга олиб, қалъага ҳужум қилиб борардилар. Абдулазиз жангчиларининг машқи паст, чекина-чекина қалъа дарвозаларидан ичкари кириб жон сақлашга уринарди. Абдулазизнинг шижаоти камон тортаётган ёғийлар отган бир ўқ сипарига келиб қадалгач, сўнди-ю ўчди. Ранги қув оқариб, шамшири қўлидан сирғалиб тушди. Яхшиямки, шу орада турган навкар унинг соғ қолганлигини, ўқ зарар қилмаганини билиб, қўлтифидан олди-да, ҳисор ичига етаклаб чопқиллади. Абдулазизнинг йўртишини кўрганда борми, Абу Саъид ҳафта нашъа қилиб, хахолаб кулган бўларди. Абдулазиз Самарқанд ҳисорига кириб олгач, муҳосара эртадан-кечгача давом этди. Ҳар куни шу аҳвол, қалъа девори ва шинагидагилар чопқун ясаган Абу Саъид сипоҳини, булар эса, дарахтлар, деворлар ва тепа жойлар усти ва паналарида уларни нипонга олардилар. Ўлим дегани бор, кўпроқ қамалдагилар ундан азиятда қолди.

Абу Саъиднинг ўз тўдасини ажратиб, ортдан эргаштириб кетгани Улугбек Мирзо қўналғасида сезилмай қолмасди. Уларнинг қайси тарафга кетганини аниқлагунларича, ўн кун нари-берисида Самарқанддан чопар етиб келди. Абу Саъиднинг икки ҳафтадирки, шаҳар атрофини босқин қилиб, Самарқандни муҳосара қилганлиги, шаҳзоданинг аҳволи танг эканлиги хабари айтилди. Улугбек Мирзога, унинг пароканда бўла бошлиған лашкарига шу етмай турганди. Подшоҳ аламидан чуқур уҳ тортиб юборди, ўнг қўли беихтиёр чап кўкрагини тутди.

Улугбек Мирзо Самарқандга қайтишга амр қилди. Унинг ўзи отланиб, биринчи бўлиб йўлга тушди. Боргоҳи, чодир ва анжомлар

йиғиштирилмай, шу ҳолиңа ташлаб кетилди. Мирзонинг авзойидан бунга изн сўраш ҳам ноқулай, ичкilar қораси узокда элас кўриниб, ёлғиз кетаётган подшоҳ ортидан жаҳд-у жадал қилдилар. Мирзо че-ригининг учдан икки қисми от жиловини ўз бошига соглан, билган тарафга кетишга шошилаётганди. Самарқандга Мирзо ёнида барлос амирлари ва уларнинг сипоҳлари ҳамроҳ бўлиб келди. Улугбек Мирзо Самарқандга етиб, кўрнамаклик қилган Абу Саъиднинг олдига тўғри бориб, юзига шапалоқ тортмоқчи, сўнг эл олдида сазойи қилмоқ фикрида эди. Ҳиротдан, вақтида бир тўғрам нонга, бошпанага зор бўлиб келган ўсмирни бағрига олган, амакиси Мироншоҳнинг номини тутган, отасининг исмини Султон Муҳаммад Мирзо деб айтган йигитчага саройдан жой берган, хизматга олган эди. Улугбек Мирзо ўшандада Султон Муҳаммадни шунча эслади, қиёфасини кўз олдига келтира олмади. Мироншоҳ Мирзони ҳам ёшлигида, кейин Самарқандга бобоси Амир Темур ҳузурига чақирилганда кўргани бор. Баланд қоматли, хушрӯй, мардона киши эди. Абу Саъид ўн саккизмиди, ўн тўққиз ёшга чиққанидами, уни иирик тижоратчи Зулфиқор карвоннинг набирасига уйлантириб қўйганди. «Эҳ, эл етим қўзи асрасанг, оғзи бурнинг мой қилар, етим бола асрасанг, оғзи бурнинг қон қилар», деб топиб айтган экан, ўйлади Улугбек Мирзо.

Йўқ, Мирзонинг ўйлагани, айтгани бўлмади. Абу Саъид унинг яқинлаб қолганини билиб, оёғини қўлга олди-да, аргунлар билан Бухоро тарафга қочишига қарор қилди. У, анча пухта, билими ҳам етарли эди. Соҳибқирон Амир Темурнинг юришлари ҳақида кўп нақллар эшитарди, тўлғама усуllibарини ҳайрат билан ўрганаради. Кўнглида, шунчаки, бир сипоҳий тариқасида қолиб кетиш алами етилиб келар, ундан холи бўлиш чорасини ахтарарди. Абдулазизнинг қилмишини у бирорга тиш ёриб айтолмаган орзусининг бўй кўрсатишимикан, дея охиригача ўйланмаган шу бебошлиқни бошлаб қўйганди. «Қайтма, арслон изидан, йигит сўзидан қайтмайди, деган қадимгилар», – дейишиди унга Бухоро томон от чоптириб бораётганда ҳамқур аргунлар. Абу Саъид бундай ўйлаб кўрса, Соҳибқирон ҳам неча бор жанг-у жадал қилиб, охири муддаога эришган экан. У ўз кўнглини ўзи кўтарди-да, мунгайган қоматини тик тутиб, отига дадил қамчи урди.

\* \* \*

Боргоҳда ётган Абдуллатифнинг қулоғига дарёда шовқин кучайгандай туюлди. «Яна Афғон шамоли қўзгалиб, чанг-у тўзон ўрлаб, қамиш-у фумайлар фифони ошибди-да», ўйлади у. Бир оз вақт ўтиб, уч-тўрт амир-у саркор ҳовлиқиб келишди:

– Шаҳзодай олий мақом, – деди улардан бири хурсандлигини яшира олмай, – ғалаба муждасини келтирибдурмиз, ёфий қочди!

Абдуллатифнинг кўзлари ёниб кетди, бирдан боргоҳга сифмай қолди-да, елавгай ташқарига отилди. Тик жарлик бўйига келиб, ўнг

қирғоққа тикилиб қарай кетди. Камон ўқи етмас масофада қүш ташлаб, қўналға қилиб турган сипоҳийлар, кўч-кўронлар, отлар, туялар кўринмасди. У ер бу ерда устуни қишишайиб, бир томонга оғиб қолган чодирлар, эгар-жабдуқлар, отларнинг бостирмалари, яна нималардир қорайиб кўринарди. Кейинги кунларда барор Абдуллатиф лашкари томонда бўлаётган эди. Тўсатдан Самарқанд қўшини хайр-маъзурни насия қилиб, тунда жўнаб қолибди-да, аттанг?! Энди, оралиқ узайиб, ортидан тушилса ҳам етиб бўлмасов?! Ўзини бирданига голиб, балким Мовароуннаҳр ҳукмдори деб ҳис қила бошлигаган Абдуллатиф боши осмонда эди. Ёнидагиларга тезда сафарга ҳозирлик кўришни, йўл Самарқандга эканини тайин қилди-да, кўлларини ёзиб, хаҳолаб кула бошлиди.

\* \* \*

Ўрадарёдан ўтган лашкар Хузорни чапда қолдирди-да, Жартуба йўлига тушди. Бўзголадан берида чўкиб ётган нор туждек тоғлар оралаб келаётган сипоҳийлар қояларга, арчазорларга маҳдиё бўлиб, яшиллиқдан кўз узолмасди. Хузордан олислаганлари сари қирларда, адирларда кўкнинг олди қайтиб, уфқ билан туташадиган сарҳадлар жигарранг тус ола бошлиганди. Баҳор аллақачон сепини йигиштирган бўлса-да, абри найсонлар саховати шундоқ бўлиқ ўтларда, тиззага урадиган читирларда ўзини кўз-кўз қилиб турарди. Йўлнинг Жайхундан келишдаги Жартубанинг теграсида қулоч ёйган дала-дашталардан саратоннинг иссиқ нафаси келаётган эди. Бир томонда тоғолди яшиллиги, бир тарафда чўлнинг хазонрезлиги муқобала бўлиб, гўё ўртадаги йўл уларни ажратиб тургандек эди. Турнақатор тизилган лашкар, ортда келаётган оғир юкли туялар, чодир-у кўрпа-ёстиқ ортилган аравалар йўлнинг тупроғини тизза бўйи қилиб, ўпадек чангга айлантирганди. Лашкар кечга тортиб, Қизилтепа текислигига етди-да, тунни шу ерда ўтказиш учун қўш ташлади. Отлар ҳордигини олгач, тўрваларга ем солиниб, бошлирига илиб қўйилди. Абдуллатифнинг мўлжали Шаҳрисабз бўлиб, шу жойда қўналға қилиб, Самарқанддаги аҳволни билмоқчи, сўнгра, ўлжасини пойлаб ташланган сиртлондек ҳамла қилмоқчи эди. Ўзини ўзи мардудлик йўлига солган шаҳзодани бу кўйдан қайтарадиган куч йўқ эди.

Лашкар Оқсарой қўл чўзса етгудек бўлиб кўринадиган ялангликка қўнди. Атроф-жавонибдаги қишлоқлардан қўй-қўзилар сурув қилиб келинди, сипоҳийларнинг егани қовурдоқ ва қайнатма шўрва бўлди. Шаҳрисабзга тавочилар оралаб, нон-у меваларни бисёр келтирдилар. Лашкарнинг қорни дамлаб, бир неча кун Танхоз сувидан симириб, кекириб вақтни ўтказди. Самарқандга Жом ва Тахти Қорача орқали юборилган айғоқчи-ю бир қисм навкарлар ўн-ўн беш кун шаҳар ва унинг атрофида изғишиб, маълумотлар жам қилдилар.

Абдуллатифнинг илми нужумдан хабари бор, ёнида устурлоби бўларди. У юлдузлар жойлашуви ва ҳаракат доирасига қараб, яқин кунларда қандай воқеа юз беришини фаҳмлай оларди. Вақтида Улуғбек Мирзонинг расадхонасида кўп тажрибалар ўтказган, Али Қушчидан таълим олганди. Иқтидорини мунахжим мақтагувчи эди. Отаси ҳам Абдуллатифнинг ноёб қобилиятини билар, келгусида унинг ўзи тузган 1018 юлдузлар жадвалини янада мукаммаллаштирувига, Самарқанд осмонида тунда кўринмайдиган, Ер сайёрасининг нариги ярим шарида жилва қиласидиган юлдузларни тадқиқ этишига умид боғларди. Абдуллатифнинг ҳаёти Ҳирот билан боғланди-ю, фалакиёт машгулоти қиёмига етмай қолди. Гавҳаршод Бегим унинг таҳсилини, назмиётга бўлган қизиқишини манзур деб билса-да, илми нужум билан шуғуланишига эътиroz қилар, устурлобни ҳам саройда қулфатиб қўярди. Абдуллатиф арз қилгудек бўлса, «фолбинлик шаҳзода-га ярашмайди», деб гапини шарт кесарди.

Оқсарой қўл чўзса етадигандек кўринса-да, оралиқда катта ма-софа бор эди. Абдуллатиф тунда, ой ботиб кетгач, юлдузларга тикиларди. Баландга бўй чўзган муҳташам қаср унинг ёнгинасида юксалгандек, кўланка солиб тургандай туюларди. Биллур ҳовуз одида сукунат ҳукм сурар, ярим тунда бу ерда осмон жисмлари рақста тушаётгандек эди. Аксданаётган юлдузлар шуълали Оқсаройнинг деворларига ҳам ёғду таратарди, шунда нурлар дастаси товланиб, манзара беҳиштни эсга соларди. Абдуллатиф каҳкашон мулки, бобо-калони қасри бўлган самовий иншоотга ҳасад билан боқиб тураркан, ичидан зил кетарди. Сабабини билолмасди. Иқтидори бўлиб, отасидек илм-фанда бирор кашфиёт қилолмади, бобосидек етти иқдимга бош бўлиб, Оқсаройдек тенгсиз бино қуролмади. Шулармиди, унинг армони?! Йўқ, йўқ, булар тутал жавоб эмасди. У, қўлинни силтади-да, боргоҳига кириб чўзилди ва мижжа қоқмай тонгни отдириди.

Отага қарши беадабона босқин бошланди. Хишрав манзили атро-фида, Дарғомни мўлжал қиласидиган қўшин ёндош қишлоқларга чопқун ясад қунлар ўтказди. Самарқанд тарафдан бирор сас эшитилмасди. Улуғбек Мирзо Балх черигининг Шахрисабзда тургани ҳамда Жом ва Тахти Қорача йўллари орқали иккига бўлиниб, пойтахти теграсига қўнганилигини билиб, бу қадар пасткашлиқдан – отани ўғил таъкиб қилиб келишидан, ўч эмас, тахтни олишдан, тахт билан ки-фояланмасдан жонни олишга келганидан, бениҳоя даражада қай-гуриб, сарой аҳли олдида мулзам тортиб қолди. «Ўзингдан чиқсан балога, қайга борай давога?» деб ўринли айтилган. Улуғбек Мирзо бу бармоғини тишиласа ҳам, бу бармоғини қайирса ҳам оғрийди. У фарзанддан буни кутганмиди? Абдуллатиф бало, Абдулазиз елкадан чиқсан чипқон бўлди. Бурунни сассиқ, деб кесиб ташлаб бўладими? Кесмаслиқдан ўзга чора қолдирмаса-чи?! Абдуллатифнинг беҳаё-

ларча, шармисорликни байроқ қилиб, Жайхундан берига ота изидан тушиши, уни қувиб келиши қай одобга, қайси қоидага, қайси одамгарчиликка түгри келади?

Ўғилнинг отага кураш майдонида талаб солиб келгани Улуғбек Мирзонинг сафдошларига ёқмади. Унинг қадрдонлари, Али Қушчи сингари шогирд-у яқинлари, айрим сафдошлари «фишт қолипдан аллақачон кўчиб бўлган, темирни иссигида босмаса, бесамар кетган вақт ғалваси ташвиши яна ортади», дейишди. Шу маслаҳат билан қўшин жам қилишга саъй қилинди. Отага мушт кўтарган қанча лаънатланади-ю, қилич кўтарганга муносабат қандай бўлади? Самарқанднинг диловарлари Улуғбек Мирzonинг юзини қилиб, лашкаргоҳга тўда-тўда бўлиб келишаверди. Ота юзига оёқ босган малъуннинг жазосини бериб қўйиши истовчилар кўп бўлди. Бир ой ичида катта лашкар жам бўлди. Улуғбек Мирзо оқиши чавкар отининг эгарини маҳкам торттириб, курашга ҳозирланди. Лашкар сафланиб, шаҳардан ташқарига, Дамашқ қишлоғи сиртидаги ялангликка йўл оди.

Балх қўшини анчадан бери қақшатқич тўқнашувга тайёр эди. Абдуллатиф шаҳарни муҳосара қилишга ботинмаган бўлса-да, жангда ғалаба қилишига ишончи қатъий эди. У, ўз фолига ишонарди. Осмон сайдерлари йўлининг очиқлигини далолат этиб турарди. Улуғбек Мирzonинг толеъ юлдизи эса, шу кунлар хира тортган, яхшилиқдан нишон бермаётган эди.

Дамашқ қишлоғи яланглигига юз берган тўқнашув беаёв жангга айланди. Самарқанд диловарлари Балх лашкарига шикаст бериб, нариги адирга қадар улоқтириб, ботирлик кўрсатдилар. Балх аскарларининг отлари чопқир, яроғи кестир эди. Қарийб бир ойдан буён дамини олган қўшин Хуросон майдонларида чиниқиб тобланганди. Танг келганида, ортда сақлаб турилган қисм, майдонга жавлон уриб, қийқириғи оламни босиб, кириб келди. Отлар сурдовида узангилар ва қиличлар шақирлаши эшитилар, тўдалашган жойларда тердан ҳовур осмонга ўрлар, чанг-тўзон булутдек қоплаб оларди. Балх чериги олд маррадан ўтиб, самарқандликларни сиқувга ола бошлади. Битта-ярим кўзга чалиниб турган орқага қочишлир, энди тўдага айланди. Ўлганлар ҳисобсиз, мункиб йиқилиб қолаётган отлар янада кўп эди. Шу кун Улуғбек Мирзодан омад юз ўғирди, бутунлай, батамом бадар кетди.

Содиқ навкарларидан бири уни жанг давомида муҳофаза қилиб, қилич сермай-сермай, ишнинг қўлдан кетганини билиб, Улуғбек Мирzonинг оти жиловидан тутди-да, Самарқанд тарафга бурди. Мирзо тўрт-беш яқинлари билан Аркка кирмоқчи бўлди. Ота ёнида шу аснода Абдулазиз бор эди. Аркнинг дарвозаси маҳкам, товуш берсалар-да, уни очиб бўлмади, «ҳа» ёки «йўқ» деган овоз ҳам чиқма-

ди. Дарвоза олдида туришнинг ортиқ иложи қолмаганди – орқадан Абдуллатифнинг ўзи бош бўлиб, юз чоғли сипоҳий олатаъсир қувиб келмоқда эди. Улуғбек Мирзо отига аччиқ қамчи урди-да, Шоҳи Зинда томон чопдириб кетди. Орқасидан Абдулазиз ва икки-уч киши эргашиб, отлари жиловини силтадилар.

Самарқанд аркининг қулфи қалити доруга Мироншоҳ қовчинда эди. Улуғбек Мирзо уни навкарликдан шу амалга кўтарган, уйли-жойли қилган эди. «Тўйдирганинг қорнига», деган мақол айнан унга аatab тўқилган эди. Мироншоҳ қовчиннинг феъли Улуғбек Мирзо Жайҳун томонга қўшин тортганидан айниган, Мирзодан норози кишилар билан гапи бир эди. Дардига малҳам тополмай юрган касал табибга учраса, ўзини томдан ташла, дейилса, қайтиб ўтирумайди. Мироншоҳ қовчин ҳам яхшиликни билмайдиган, тубан бир кас эди. Улуғбек Мирзонинг сарсон-саргардонлиги, қадрсизланиши ва хўрлик тортишида у ўзи билибми-бilmай, Абдуллатифнинг ювиндихўрига айланди-қолди. Унинг аҳмоқона қилифини нонкўрлик ёхуд кўрнамаклик дейиш, назаримда, жуда юмшатиб айтилган таъриф. Таассуфки, ўша вақтда балохўр Мироншоҳ қовчинлар, тузни еб тузлиққа тупургандар жуда кўп эди. Бундай қайтиш замонини одамзот кўрган-у, кам гувоҳ бўлган.

\* \* \*

Ҳижрий 853 йилнинг шаъбони (1449, октябрь) совуқ келди. Кечаги жанг жазирамасида жонларини қутқарган навкарлар пана-пастқамлардан ҳимоя топиш истагида Оҳакли тогининг ич-ичига кириб кетганди. Юпун кийинишганидан тоғ дараларидан писиб боришаркан, этлари жунжикиб қалтирашарди. Мироншоҳ қовчин билан муроса чиқмагач, Улуғбек Мирзо ва йўлдошлари бетўхтов йўл босдилар. Йўл қолиб, чакалакзор панасидан, сўқмоқлардан кетдилар. Кўпроқ тунда бийдай далалардан шимол тарафга жадал юриб бордилар. Шоҳрухия қалъаси Улуғбек Мирзога болаликдан таниш ва мойил эди. Қалъада Иброҳим Пўлод кутвол бўлиб, садоқатдан тоймайдиган киши бўлиб кўринарди. Бир неча сафар Мўгулистанга ўтганда, Улуғбек Мирзога тавозеъ кўрсатиб, мавқабга балиқни сероб қилиб, меҳмондорчиликни ўринлатганди. Қоқланган, дудланган балиқлар таъми тилда қоларди. Қисмат Самарқанд аркини ёпган бўлса, Иброҳим Пўлод бағрини очар, ахир?! Бутун йўл бўйи туз тотмаганлигидан очиққан Улуғбек Мирзо ёнидагиларни, айниқса, Абдулазизни ўйлаб, шу фикрни кўнглидан ўтказиб келарди.

Наҳор пайти қамчи дастаси билан тақиллатилган дарвозанинг уст тарафидан «Ким у?» деган бақириқ эшитилди.

– Доруга Иброҳим тогайимисиз? – саволга савол билан жавоб қилди отлиқлардан бири. – Дарвозани очинг, подшоҳи аъзам келдилар!

– Изингга қайт, – ўрнидан туриб, қалъа шинагидан пастга эгиліб қичқирди барзанги, соқоллари ўсиқ одам, – ҳеч қандай подшохи аъзам-пазам йўқ, ёлғонни хуржунингга тик!

Иброҳим Пўлод Мирзоларни, бир қараашдаёқ Улуғбекни яхши таниган эди. Табиатида қувлик ва синчковлик бор эмасми, подшоҳнинг қувфин еб келаётганини сиёғидан дарров англаб етганди. Бу на шикордан, на сайдан қайтиш, балки шикастдан дарак, деб эҳтиёт шарт навкарларини ҳам оёққа турғизди. Дарвоза устида камонлар ўқданган ҳолда, пастдагилар нишонга олинган эди. Абдулазиз Мирзо тихирлик қилиб, доруганинг жонига тегадиган сўкишни айтди, бирдан отининг ёлига ўқ келиб қадалди. Яхшиямки, ўқ чуқур ботмай, озгина қон сизди. Улуғбек Мирзо шартта ортга бурилди-да, қалъанинг қораси кўринмай кетгунча, жим борди. Сўнг Абдулазизни яқинига келишга имлаб:

– Ўғлим, анча толиқибсиз, – деди гапни узокдан бошлаб, – тақдир йўлимизни адаштириди, Самарқандда ҳам, Шоҳрухияда ҳам борар манзилни билмадик. Мендан-ку омад, падари бузрукворим кетиб, юзини ўтириди, Хуросонда, Ироқ-у Форсда улоқдим, Балхда суриндим, улуғ бобом босган тупроқда тер лойига қорилдим. Энди, борар жойим йўқ, ўғлим. Мени давлатидан, тахтидан, салтанатидан айрилиб, мунг чекаётир, деган хаёлга борманг. Билурман, давлат-у тож, имон-у эътиқод тумандай тарқаб, адам бўладир. Менинг давлатим бугун қайтган бўлса, кимнингдир имон-эътиқоди юлдуздек сўнди. Эл қолади, улус қолади. Подшоҳлар келаверади, тож-у тахталар алмашаверади. Имоним комил бўлдики, илмдан, одамийликдан ўзгаси вафо қилмас экан. Илм қилдим-у, одамийлик қила олдимми, ҳозир шу ўй мени қийнаётир. Доруғаларнинг бири бўлса майли эди, иккаласи ҳам дарвоза очмади, Аллоҳ таоло сақлади, шукрким, у бизга жароҳат солиши ёинки тутиб, анави муртад кўлига топширамиди?

Абдулазиз кўзидан ёш оқиб борар, ота сўзининг маъносига етиб, ўпкаси тўлиб келарди. Наҳот, энди бари рўё бўлса?! Наҳот, қайтиб ҳарамини, пари-пайкарларни кўрмаса?! Тож-у тахт, Кўксарой, хазиналар, қўл қовуштириб, икки букилиб хизматга тайёр турувчи умаролар, аъёнлар... нози истифно билан қучоққа кириб келадиган суқсурдай санамлар... Наҳот, бари юзини бурса?!

– Фарзанди аржумандим, – деди Улуғбек Мирзо, – Илоҳо, тақдиримиз бир бўлмасин. Балким йўлни айро соларсиз, Тошканд тарафларга, ундан ўтиб, Аштархон сари борарсиз, бундан нажот кутиб бўлмайди, ўғлим!

– Аъло ҳазрат падари бузрукворим, – йиғламоқдан бери бўлиб деди Абдулазиз, – ўзга тақдир изламасмен, не бўлса, манглайдагини кўрармен, отажон, сиздан бир қадам айрилмасмен.

Улугбек Мирзо қўйнидан ҳарир рўмолча чиқарди-да, кўзларини артди. Отлар ҳорғин қадам босиб, Самарқанд сари йўлни тай қила бошлади.

Ўғли Абдуллатиф лашкари билан Жом вилоятининг Дамашқ қишлоғи дала-даштида бўлган қақшатқич курашда қўшини енгилиб, пароканда бўлган Улугбек Мирзо қирқ йил отаси Шоҳруҳ Мирзо номидан, унинг ноиби, Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлиб идора қилгани юртга сифмай қолган эди. Вақтида ўзи тайинлаган бирорта доруға уни қалъага киритиб, садоқат кўрсатишни хоҳламади. Унинг биргина йўли қолганди – қирқ йил умрини, билимини, қобилиятини бахшида этган ватанини ташлаб кетиши. Бу шоҳлар, шаҳзодалар тажрибасида бор, қадимдан келаётган ноиложлик удуми эди. Бунда тахтни бўлмаса ҳам, жонни кутқариб қолиш, ҳар ҳолда, мумкин эди. Улугбек Мирзо донишманд подшоҳ эди, иккинчи йўлни ихтиро қилиди. Унга қадар шоҳлар кечмишида бирорта жўмарди бу йўлга ризолик билдирган ёинки хаёлига келтирган эмасди. Бу – муқаррар ўлим йўли бўлиб, унга онгли равишда, ўз ихтиёри билан, ҳатто, таваккал қилиб борган собиқ ҳукмдор исми шарифини тарих саҳифаларидан излаб топиш мушкул. Улугбек Мирзо ўзини хор этишдан кўра, эр тутишни афзал билди. Самарқандга, жаллодлик ридосига ўралиб, отаси тахтини тортиб олган ўғил ҳузурига йўл олди.

\* \* \*

Мовароуннаҳр устига тўфон эврилиб келганда, Хуросон ҳам бўрондан азият чекмоқда эди. Тахтга чиқиб, тин оламан деб ўйлаган Абулқосим Бобур Мирзонинг тинчи бузилди. Ироқ ва Форсда ўрнашиб олган акаси Султон Муҳаммад Мирзо Ҳиротни олиш дағдасини бошлади. У, бу вилоятларда ўз мавқеини маҳкам қилишга эришган, ҳарбий қуввати ҳам қучайганди. Шу орада Улугбек Мирзонинг юртига қайтиб кетгани хабари унга ҳам етиб борди. Укасининг эришган дови-доскаси унга арзимас бўлиб туюлди ва Хуросонга лашкар тортишнинг айни маҳали, деб шаштини баланд қилиди. Бу ҳикоят тафсиллари олдинда келди. Бу ўринда, гап шундаки, Мовароуннаҳрда отаси Улугбек Мирзо черигини енгиб, ғалабадан оламга сифмай, димоги кўтарилган Абдуллатиф Хуросондан хавфми ёинки тазиикми бўлишини бирданига эслаб қолди. Бир муддат олдин Абулқосим Бобурга ялтоқланган Абдуллатиф энди ҳокимиётнинг Султон Муҳаммадга ўтганини билиб, унинг ройига йўл топишга интилди. Дарҳол Самарқанддан элчилар учқур отларни миниб, қайдасан Ҳирот, деб йўлга тушди. Уларга совға-салом ва мактублар топширилди, нима бўлса-да, Султон Муҳаммаднинг кўнглини олиш қайта-қайта уқдирилди. Султон Муҳаммад Мирзо ҳам ёшликтан Гавҳаршод Бегим тарбиясида бўлган, Алоуддавла, Абдуллатиф

ва Абулқосимлар билан бирга улғайған, улар орасида энг шүхи ва жисмонан кучлиси эди. Кураш тушар бўлсалар, ундан йиқилмагани қолмасди. Кўтарма феъли бўлиб, мақталса, дарров эниб тушар, яна эл бўлиб кетарди.

Абдуллатиф Самарқандда қилғиликни қилиб, эҳтиёт шарт ортни мустаҳкамлаш учун Султон Муҳаммадга банд ташлаб қўймоқчи бўлди. Унга, «Сизга Хурросонни фатҳ қилиш, бизга эса Мовароуннаҳрни фатҳ қилиш муборак бўлсин! Биз Мирзо Абулқосим Бобур билан у сизнинг биродарингиз бўлганлиги жиҳатидан дўстона муносабатда бўлган эдик, бўлмаса, ҳазрат хоқони саъид замонида у ким эди-ю, биз ким эдик – ҳаммага маълум», дейишдан тортинимади. Абдуллатиф шунчалар хасис ва зиқна эдики, Улуғбек Мирзонинг қирқ йил давомида йиққан давлат-у хазинасига, шу жумладан, ўзининг Ихтиёридин қалъасида олдирган бойлигига ҳам эришиб, Султон Муҳаммадга, тарихнавис айтганидек, «арзимас сочқиси»га, амирлар хижил бўлганидан, «катта бир маблағ» қўшиб, Султон Муҳаммадга кўрсатадилар. Бу тилёғлама мактуб ҳақида, олдинда ҳам эслатилган эди. Бу ўринда, бир чизгига эътибор қаратмоқчиман. Абдуллатиф хатида Абулқосим Бобур ҳақида, Шоҳруҳ Мирзо замонида «у ким эди-ю, биз ким эдик», деган ибора айтилади. Тўғри талқин этилса, бунда Султон Муҳаммад билан Абдуллатиф бир томонда-ю, Абулқосим Бобур иккинчи томонда, унинг мавқеи булардан кўра паст бўлганлигига шаъма бор. Абдуллатифнинг айёргини тушуниш мумкин. У хушномад қилишни ҳам, хайриҳоҳлар орттиришни ҳам пиҳини ёрган ҳолда яхши ўзлаштирганлигини тамғо солиғини айни вақтини топиб, бекор қилиши мисолида кўрган эдик. Бу номани ҳам у, айни вақтда манзилига йўллаган эди.

Амир Темур ҳокимиятни қўлга олганида, амир Қазогон асос солган мўгуллардан – Чифатой авлодидан ҳоҳи шудумини жорий қилган эди. Амир Қазогон ва Амир Темур даврида мўгуллар теварак-атрофда, қўшни мамлакатларда куч устида, мустамлакачилар сифатида ҳукм сурмоқда эдилар. Мовароуннаҳрни улар зулмидан озод этилиши катта уммонда бир орол пайдо қилишдек гап эди. Шу сабабдан ҳам, қуллик исканжасидаги мустамлака уммонида ҳосил этилган оролни сиёсий жиҳатдан озод ва мустақил ҳолда сақлаб қолиши ана шу ойинни – сохта, номига бўлса-да, мўгуллардан хон қўйишини тақозо этган ва XIV аср охирларига қадар ўзини оқлаган. Боязид билан бўлган жангдан кейин аниқроғи, Соҳибқирон давлати қудрат касб этгач, бу сохтагарчиликка ҳожат қолмаган. Лекин тож-у тахт куч билан истило этиладиган ҳолларда шу «лавозим»га мурожаат қилиш мисоллари ҳам йўқ эмас. Энди мўгуллардан эмас, Темурийларнинг ўзидан ҳам номига хон қўйиб, тахтни идора қилиш гўё «қонунийлаштирилган». Бу гапларни Абдуллатифнинг ҳам шу усулага

танда қўйганлигини, қиладиган машъум ишларини олдиндан билиб, уларни оқдаш, гуноҳни ўзидан соқит қилиш учун, адлиявий асос ҳозирлаш учун сохта хон лавозимни жорий қилганлигини таъкидлаш мақсадида келтирдим.

Қабиҳ ва манфур режалар бирданига вужудга келмайди. Айрим муаррихлар, 1448 йилга қадар Абдуллатиф ва отаси ўртасида кескин муносабат бўлмаган, деган фикрни айтадилар. Абдураззоқ Самарқандий ҳам шу ҳақда фикрини айтиб, муносабатнинг 1447 йилда, Хурсонда бузилганлигини мисолларда событ қиласди. Бу холосага қўшилмаслик иложсиз. Абдулазизнинг устун қўйилиши, Бистомда ташлаб кетиш, Ҳиротда бойлигини тортиб олиш, ўзини икки томонлама камситилган деб ҳисоблаш ва фикри ожизимча, онаси билан бўлган фожиа Абдуллатифни шум қадам қўйишга, отасини ўлдиришга 1447 йилдан эътиборан аҳд қилганига ишонч ҳиссини пайдо қиласди. Шу боисдан ҳам, Самарқандни эгаллаб, Улуғбек Мирзонинг тақдири унга боғлиқ бўлиб қолганда, с о х т а х о н «амали»ни тиклаб, бутун айб-у гуноҳларни ўзидан соқит қилишга, гўё барча иш хоннинг номидан бажарилиб, унинг четда туришига асос яратиши учун керак бўлган.

Тарихнавислар Мирхонд, Хондамир ва Давлатшоҳ Самарқандийлар фожиани ойдинлаштирадиган мисолларни тилга олганлар. Тарихий нақлларда келтирилишича, Абдуллатиф Чингизийлардан бўлган бир муфликни (гадо) хон деб эълон қилган, ўқиб-ёзишни билмайдиган, камбағаллигидан юртига ҳам кета олмаган, бир ҳолатда кун кечириб келган муфлик мўғулнинг «хон» бўлиб, фармонларда исми қайд этилиши вақтингачалик бўлиб, Улуғбек Мирзо «иши» ҳал бўлгач, кераги ҳам йўқ эди. Абдуллатифнинг маккорлиги чек-у чегара билмаган. Отаси, кечаги душмани, жанг-у жадал пайтида ўлдира олмагани Улуғбек Мирзо укаси Абдулазиз билан Самарқандга хомуш ҳолда қайтиб келганида, уларни саройга яқинлаштиrmади. «Не буюурсиз?» деб турган доруга ва навкарларга ота-ўғилни ўзи қурдирган мадрасадан ҳужра беришга амр қилди. Кўксарой ва Улуғбек Мирзо қурдирган баланд пештоқли, муҳташам мадраса Самарқанднинг кўрки эди. Бу икки муҳташам бинолар оралиғида пастқамлик жой бўлиб, масофа узоқ эмас, отни бир «чух» деса, кўз очиб юмғунча етарди. Мадраса саройга терс қурилган, унинг одд томони жанубга қараган эди. Мадрасасанинг ҳужралари банд, толиби илмлар, мударрислар истиқомат қиласди, турли юртлардан келишган илм аҳли ҳам шунда бўларди. Шоҳнинг ўз мадрасасига келтирилиши аломатлари маҳбусликни эсга туширади. Шу кундан қоровуллар сони ошиб, фаррошлар ҳам кўпайди. Улар кийинтирилган, маҳсус топшириқ берилган навкарлар, айғоқчилар эди. Улуғбек ва Абдулазиз Мирзолар, ҳатто, жамоат намозига ҳам қўйилмас, тоат-ибодатни ҳужра

ичида адо этардилар. Бу узоқ чўзилмади. Отага ҳажга бориш дараги айтилиб, шаҳарда бу овоза қилинди. Уламолар, раият хушхабарни яхши қаршилади.

Ҳаж таклифи маккорликнинг олий кўриниши эди. Улуғбек Мирзо ҳам бунга ишонди ва кўнгил тоғидан бир палаҳса тош юмалади. Ҳаж тайёргарлигининг мутасаддиси этиб ҳожи Муҳаммад Ҳусрав белгиланди. Фасл кузга айланиб, ариқларда сув тип-тиниқ бўлиб қолганига ҳам кўп кунлар бўлганди. Ҳаво совиган, эрталаб том ва дов-дараҳтлар шоҳлари қировдан оппоқ бўлиб қоларди. Қуёш чиқиб турган бўлса-да, ҳарорат паст, ҳатто, чумчуклар ҳам чувоқ жойни ахтарар эди. Улуғбек Мирзо тужунидан тўқилган, келбатига улуғлик ва кўркамлик бахш этадиган Олтойи оқ босмасини устига олди. Отнинг эгари ортига босилдириқ ўраб, боғлаб қўйилди. Муҳаммад Ҳусрав билан кечроқ отланиб, Самарқанддан чиқиб, йўлга тушдилар. Абдулазиз Мирзога рухсат берилмади. Унинг кўзларида ёш, мубҳам хаёллар гирдобига чўмиб, отасини сафарга кузатиб қолди. Шоҳнинг, энди собиққа айланган Улуғбек Мирзонинг, улуғ олимнинг пойтахтни тарк этганини бошқа бирор билмади.

Ҳали Жайҳун бўйида, отаси лашкарига қарши турган пайтларида Абдуллатиф бир навкар тўпи бошлифи билан чиқишиб қолган эди. Унинг йигитлари дарёдан балиқ ушлашга моҳир экан. Бадахшон тарафдан бўлган тўп бошини Аббос деб чақиришарди. У жуда чайир, бурни ўркачли, бўйи ҳам дароз, белидан қўйига тушган жийба ва дубулгада девдай бўлиб кўринарди. Бир кун унинг одамлари юз киши тўядиган улкан балиқни тўрга илинтиридилар. Қизиқсиниб, Абдуллатиф ҳам балиқчи сипоҳийлар ёнига борди. Аббос билан шу ерда танишиб, балиқхўрлик қилишди. Аббос кейинлар ҳам ундан мулозаматини аямади. Бора-бора, улар ички сир бўлиб қолиши. Иккисининг мижози тўғри келган, иккиси ҳам «ичимдагини топ» ва тундфеъл эди. Абдуллатифга Самарқандни олиш даст берганда, жанггоҳдан Самарқанд аркигача Улуғбек Мирзона таъқиб қилганлар бошчиси у бўлганди. Аббос авлодининг Улуғбек Мирзода ўчи бор эди. Ўттиз йиллар бўлгандир, балки кўпдир. Юришлардан бирида Бадахшон сипоҳийлари Кайхусрав гапига кириб, аҳдни бузиб, хоинлик йўлига кирган эди. Мўгуллар хавфини бартараф қилишда бу жуда оғир кўчган муаммо бўлиб, кўп черикнинг қирилишига олиб келганди. Шижоатли ғалабадан кейин сотқинлик тафтиш қилинган ва Кайхусравнинг айби бўйнига қўйилганди. У қатл этилганди. Аббос бугун шу жароҳатни қўзғаб, Абдуллатиф билан ишни пишиқтириб, сохта хон – муфлик Чингизийга арз қилдики, вактида акам Улуғбек Мирзо томонидан ўлимга берилган, унинг хунига мен талаборман, деб. Сохта «хон» тайинланган ҳукмни зўрға эплаб, «шариат нимани лозим кўрса, шуни бажариш керак», деди. Сохта «хон»нинг қўлига Самарқанд

имомлари (тариҳчи Мирхонд «имомлар», Хондамир эса, «фақиҳлар», дейди – муал.) бу арз бўйича фатво тайёрлаб, тутқазиши. Фатвода ўн бир имом – қозининг муҳри босилган бўлиб, қозикалон мавлоно Шамсиддин Мискин ўзини бундан четга олганди.

Мавлоно Шамсиддин Мискинни, муҳтарам китобхон, оддинда зикр этилган Зулфиқор карвон – тожир воқеасидан яхши эслайди. Шу қозикалоннинг шариат аҳкомида қаттиқ туриши, вафот этган кишидан жавобгарликни мустасно қилишни ёқдаши боис, Улуғбек Мирзо кафолатга берилган сармоядан воз кечишга мажбур бўлган эди. Орадан кўп ўтмай, яна шу адолатпеша, шариат қонунини ҳамма нарсадан устун ва устувор қўювчи мавлоно Шамсиддин Мискин Улуғбек Мирзога нисбатан уюштирилган ҳукмнинг шариат аҳкомига зид эканлигини, вақтида бу ишнинг фиқҳий адолатли бўлганлигини, қолаверса, орадан вақт ўтиб, эндиликда унинг мубоҳасага мувофиқ эмаслигини асослайди ва фатвони ношаръий, деб ҳисоблайди. Мавлоно Шамсиддин Мискин далолати, таассуфки, эътиборга олинмайди.

Улуғбек Мирзо ва ҳожи Муҳаммад Ҳусрав ҳали бир неча чақирим юрмасдан, сулдузлар қавмидан бўлган бир чигатой отлиқ уларга етиб олади-да, сохта «хон»нинг номидан фармон олиб келади. Унда, Улуғбек Мирзонинг ҳаж сафарига тайёргарлик кўриш ҳали охирига етмаганлигини, шу туфайли қўшни қишлоқда маҳсус ижозат бўлмагунча тўхтаб туриши амр қилинган бўлади. Фармонда яна қўшимча қилиниб, «Улуғбекнинг ҳаж сафари катта ва кичикларнинг, туркийлар ва тожикларнинг» қўллаб-қувватловчи бир вазиятида амалга оширилиш кераклиги, уқдирилади. Бу тазиқона фармондан Улуғбек Мирзонинг энсаси қотади-да, қўшни қишлоқда «маҳсус ижозат»ни кутиб туришга мажбур бўлади.

«Катта-кичик, турк-у тожикнинг қўллаб-қувватловчи вазияти» Аббоснинг етиб келишини кутиш ва ҳажнинг овозаси кенгроқ ёйилиб, «катта-кичик, турк-у тожик» элатлари собиқ подшоҳни ўғли муборак сафарга жўнатаётганлигини билиши билан боғлиқ эди. Эрта-индин Аббоснинг Жайхун бўйидан чопарлар билан бирга келиши сабрсизлик билан кутилаётганди.

Қор ёғмаса ҳам, қорнинг совуғи турганди. Кийизлари увада бўлиб, туйнугида чанғараги йўқ, тўшалган пўстаклари ҳам бу ўтовга – қора уйга яқин орада киши кирмаганлигини билдиради, чанглари қоқилмаган, ўчоқдаги кули олинмаганди. Ўчоққа ўт қалаб, тўнкарилган қозонни тозалаб, гўшт осиши. Шўрва пиша бошлади. Улуғбек Мирзо босма чакмонини ечмай, ўчоққа яқинлашиб, исиниш учун қўлларини чўзди. Ёнаётган юлгун ҳўлроқ экан, ҳам тутаб, ҳам чирсиллаб учқунлаб, бир-бирига туташиб ёнарди. Отилган чўғлардан бири Улуғбек Мирзонинг чап этагига тушди-да, Олтойи чакмонига туташиб, ўйиб тушди. Шунда, Улуғбек Мирзо беихтиёр, «сен ҳам

билдинг», деб юборди. Бу собиқ подшоҳ, улуғ алломанинг тарихда қолган охирги сўзлари бўлди. Чўфга нисбатан айтилган бу сўзда қанчалар маъно жам эди! Мирзо, «тақдирим айланганини сен, ёнаётган юлғун чўфи ҳам билдинг» ёинки «умрим поёнига етганини билдинг», демоқчими, эҳтимол, «шу кўйга тушганимни, хор-у зор бўлганимни билдинг», деган мақсадда айтилганмиди бу сўзлар, изоҳлаш оғир ва душвор. Айтилган сўз билан тақдирнинг уйғун тушганлиги-чи?! Улуғбек Мирзо оғзидан шу сўз чиқар-чиқмас девсифат Аббос қилич суғуриб, ўтов ичига кириб келди...

Аббос чопарликка жўнатилган киши билан кириб келганди. Улуғбек Мирзо Аббосни қўриши билан ўрнидан турди-ю, унга ташланди, кўкрагига мушт солди. Ёнидаги киши дарҳол Улуғбек Мирзони ортидан маҳкам тутиб, устидаги Олтойи пўстинни – жун чакмонни юлқи-лаб ечиб отди. Ҳожи Муҳаммад Хусрав эшикнинг ёнида турар, Аббос эса, хуржунидан арқон олиб келишга чиқди. «Инсофларинг борми, ҳеч бўлмаса, тоат-ибодат қилиб олсин?!» – бақирди ҳожи ва Аббос кира олмасин учун, эшикни занжирлади. Аббос қайтиб келганда, Улуғбек Мирзони боғлашиб, ҳовлига олиб чиқишиди. Чоғроқ супа олдида қора чироқ ёниб турарди. Иккала зўравон Улуғбек Мирзони чироқ ёнига чўккалатиб, елкадан босиб туриб, қўзғалтирмадилар. Аббос қиличини бир сермади-ю, қўли ортга боғлиқ Улуғбек Мирzonинг боши узилиб, ёнбошига, супа устига тушиб, юмалади. Бу воқеа шунчалар тез содир бўлдики, уйнинг бурчагида қўрққанидан пусиб ётган ҳожи Муҳаммад Хусрав зарб билан урилган шамшир овозини илғадими ёки йўқ, билолмай қолди. Қотиллар арқонларига ҳам қарамасдан, отларига қараб чопди-ю, қоронгилик ичра кўздан фойиб бўлди.

Улуғбек Мирzonинг қатл этилиши ҳижрий 853 йилнинг 8 рамазонида (25 октябрь 1449) содир бўлади. Муаррих Давлатшоҳ Самирқандийнинг ёзмишича, у кичик сув (анҳор ё ариқ, номи Саваж дейилади) ёқасида шаҳид этилган. Тарихий манбаларда собиқ ҳукмдорнинг жасади у ўлдирилгандан кейин Самарқандга олиб келинганим-йўқми, бу ҳақда бир сўз айтилмаган. Улуғбек Мирзо ёнида ҳожи Муҳаммад Хусрав бўлганлиги аниқ, балким бир-икки хизматкор ҳам (ўчоққа ўт ёқиши, шўрва осиш) бўлгандир, аммо улар бошқа бир уйда бўлиб, бу ишда гувоҳ бўлганлигини айтиш мушкул. Ҳожи Муҳаммад Хусравнинг ҳам кузатиб келаётган, алоҳида жойга тушган навкарлар билан қайтганлиги айтилган. Майит, ажабмаски, шу ерда икки-уч кун қолдирилган бўлса. Ҳожи Муҳаммад Хусравнинг бу фожиадан огоҳлиги бўлган, дейиши ўринли кўринади, Аббос ўтовдан чиқиб, арқонга кетганида, у Улуғбек Мирzonинг тоат-ибодат қилиб олишини, нариги дунёга имон билан кетишини сўраб, эшикни занжирлаб олади, бунга, шу ишга тайёр бўлмаган одам эсанкираб қолиб, шундай дейишига ишонгинг келмайди, кишининг. Яна у ер

бу ерда айтиладики, Аббос ҳам йўлда ўлдирилган, деб. Менинг фикримча, бу ҳақиқатга яқин, унинг қотили ёнидаги киши бўлиши, унга Аббосни Улугбек Мирзони ўлдиргач, гумдон қилиш топширилган бўлиши мантиқан шу холосага олиб келади.

Абдуллатифнинг Мовароуннаҳр тахтига чиқиши, шу тариқа, ота жасадини ҳатлаб ўтиш орқали рўй берган эди. Ота ўлимига қадар тахтда турган кунларида ўзини омонат сезган, тахтдан илиб отиладигандек, хавотирда яшаганди. Кўксаройга қадам босганидан, бир ой ўтар-ўтмас, отани минг ҳийла, фириб билан нариги дунёга жўнатгач, ўзини эркин сеза бошлаган, қаҳрини қаттиқ қўйган эди. Унинг ҳузурига кириш, бир замонлар мўғул хони Қозонхон ёнига кирилганда бўлганидек, бола-чақаси билан хайрлашишдан ибтидо олишгача етадиган бўлиб қолганди. Улуғбек Мирзонинг «хун» эвазига қатал қилиниши баҳона бўлганлигини ўша пайтдаёқ элнинг кайвонилари англаб, Абдуллатифнинг қилимишини қоралаганлар. Маҳмуд Ёнтуғ, Султон Жунайд, Султон Юсуф, Исмоил Сўфи Тархон деган тўрт ота-бола амирлар, ҳатто, Самарқанд олинадиган куни Абдуллатифни инсофга келтирмоқчи, отага қарши бундай йўл тутиш оқибативой эканлигини манлатишга борганлар. Насиҳат, увол ва завол ҳақидаги ваъзлар падаркушга таъсир қиласмиди?! Насиҳатдон амирларни ва бу ишга жонсипор қилган кишиларни у зиёфатга чорлаб, барисини тифдан ўтказиб, мислсиз қаттолликни рўёбга чиқарди. Шу билан Самарқанд фозиллари ўзларини тортадилар, раиятда қўрқув оёқдайди. Ёндагиларнинг ҳам дамлари ичига тушиб кетади.

Одамийликдан буткул чекинган Абдуллатиф укаси Абдулазизни ҳам отаси қатлидан икки-уч кун ўтказиб, бўғизлатади. Муаррих В.В. Бартольд топиб айтган, энди унга отасини ўлдиргунича бўлган ҳийла ва макрни ишлатишга ўрин қолмаган, тўғридан-тўғри, ҳеч кимдан тортинмай, ҳеч нарсадан ҳазар қилмай, очиқдан-очиқ ўлим ҳукмини жорий қилаверган эди. Ўн тўққиз ёшга кирган, отасининг шу аҳволга тушшишига сабабчи бўлган Абдулазизнинг ҳаётига ҳам бир шамшир силтови нуқта қўйган эди. Кўксарой зинданнада амакизодалардан Абдулло ва Абу Саъид Мирзолар тутқинликда ётар эдилар. Абдуллатифнинг сиртмоғи нима сабабданdir уларнинг бўйнига тушмади, бу уларнинг омади эди. Ҳар иккаласини ортиқ жазоламади ҳам, зинданнада чиқармади ҳам.

Шу йил қишида, бу фожеий ва қалтис воқелардан кейин Мовароуннаҳрда ҳаёт бир оз изига тушгандек эди. Ора-сира Даشتி Қипчоқдан бўладиган талонлар ҳам юз бермади. «Матла»нинг муаллифи бу ҳақда, «Мирзо Абдуллатиф Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатини шундай қўлга олдики, ҳар қишида Самарқанд ва Бухорога беш фарсах масофа қолгунча чопқун ясаб, кўп моллар-у беҳисоб асиirlар олиб кетадиган ўзбек лашкари у қиши Абдуллатифнинг сиёсат ҳай-

бати ва савлат қудратидан чўчиб, у вилоятга юз фарсангдан кам масофага яқин келмадилар», деб ёзади.

Абдуллатифни виждон азоби қийнамаган, деб бўлмайди. У отасини, укасини, Самарқанднинг таниқди амирларини қатл этиб бўлгач, даврон сурман, деб ўйлаши табиий эди. Шундай ҳам бўлган. Кунлар ўтавергани сари, унинг ёнида мулошимлар ва содиқ кишилари, шунда ҳам, шер олдидаги маймундек титраб-қақшаб турадиган амирлардан бўлак кимса яқинига йўламай қўйганди. Унинг ҳарамга ҳам рағбати кам, майу шаробни таомлар таркибиға қўшмасди. Ҳиротда, ўн олти-ўн еттига кириб қолган пайтида шаҳзодалар даврасида бир ичиб кўрган, ҳафта ўзига келмай, қусгани-қусган эди. Бу гап бобоси Шоҳруҳ Мирзо қулогига етиб, мулоийим, аммо ўқдек тешиб ўтадиган койиш эшитган, шундан кейин қизил-у оқ шаробнинг ҳидидан элтадиган, афтига қарамайдиган бўлган эди. Энди, у бобоси Шоҳруҳ Мирзодек бўлмоқчи, жума намозини масжидда ўқимоқчи, гуноҳларини ювмоқчими ёинки диндан қаттолигига тасалли изламоқчими эди.

\* \* \*

Абдуллатиф Мирзо шахсига, шунчаки, падаркуш, тож-у тахт йўлида инсоният учун қадим замонлардан муқаддас ҳисобланиб келган қадриятни – ўзини йўқдан бор қилувчи о т а г а нисбатан номуссизларча ўлимни раво кўрадиган қотил сифатида қарааш, баҳолаш жуда озлик қиласди. У, фақат отани, укани, уларга садоқатли кишиларнингина эмас, ўзига замондош бўлган жамики о д а м л а р н и ҳам жинидан ёмон кўрган. Унинг дўстлари бўлган эмас, очилиб гаплашадиган хотинлари ҳақида ҳам бирон жумла етиб келмаган. Тўғри, бешта фарзанди бўлган. У бирор жойда тиндириб, ўзига топширилган соҳани қойиллатиб қўйган эмас. Гавҳаршод Бегим унга лашкар бошлиқлигини инъом қиласди, Ҳиротга етмай, бунинг охири вой бўлди. Гавҳаршод Бегим ҳибсга олинди, ношуудлиги сабаб, ўзи ҳам Ихтиёридин қалъаси маҳбусига айланди. Ҳиротни идора этишни Улуғбек Мирзо унга ишонди, бор-йўғи ўн беш кун тахтда ялпайиб ўтириди-ю, ҳимояга кўзи етмай, Балхга жуфтакни ростлади. Агар, Улуғбек Мирзо лашкари Абулқосим Бобур ва Дашиби Қипчоқ ўзбеклари ҳужумида, бир вақтда қолмаганида борми, Абдуллатифга отага қарши қўшин тортишга йўл бўлсин эди. Унинг отага қарши иблисона қаршилигига омад юз бурди-ю, барибир, Яратгувчининг яралувчига нисбатан азалдан ўрнатган муруввати – о т а ҳаққи, тузи ва тарбияси, норозилиги, қарғиши уни оёқдан қолдирди. Эл таъбири билан айтганда, о т а уволи уни уриб кетди. Бугина эмас, элнинг гапи, койиши, ризо эмаслиги ҳам иблисона омаднинг қайтишига, подшоҳлигининг олти ойдан ошмаслигига сабаб бўлди.

Тарихнавис Абдураззоқ Самарқандий гапларини иқтиbos қилай, у зот шундай деб ёзади:

«Мирзо Абдуллатифнинг Мовароуннарх мамлакатида подшоҳ бўлиб олганлиги у қарийб олти ой давомида мурод тулпорига миниб, салтанат майдонида жавлон урди ва халифаларга мутобат қилиб, шахсан ўзи жума куни хутбани адо этишга киришди. Самарқанднинг барча амирлари ва акобирлари унинг сўзи ва қилмишидан мажруҳ ва афгор эдилар. Чунки у қариларни ҳурмат қилмас, ёшларга марҳамат кўрсатишни гуноҳ деб билар эди. У бағоят мутакаббир ва жобир, ёвуз ва қаҳрли эди... Мазкур феъл-атвор ва қилмишлари туфайли катта-ю кичикнинг хотир-у замирлари бирваракай ундан тескари ўгирилди ҳамда турк-у тоҷик бир-бирлари билан келишиб, суҳбатлар ташкил қилиб, режалар туздилар».

Ҳижрий 854 йилнинг (1450) баҳори қирриқ келган, ёғин-сочин ҳутдан буён тортилиб кетган, тонг саҳарлар совуқ бўлиб, шудринг ҳам муз қотиб, дов-дараҳтларнинг уйғониши, барг ёзиши мужмал бир аҳволда эди. Аксинча, муаррих айтганидек, шаҳарда норози қатлам кундан-кунга етилиб келар, ёшлар пинҳоний равища аслала жам қилиб, исён умидида тунлар тўда-тўда бўлиб, гапни бир жойга қўйишарди. Абдуллатифнинг зулми ва қаҳри шу даражада кишиларни ваҳимага солгандики, исённи бошлаб юборишга журъатмандлар ботинолмай келишарди. Шаҳарда исён ва суиқасд жуда эҳтиёткорлик билан гап-сўз қилинарди. Абдураззоқ Самарқандий бир воқеани келтирадики, унга кўра, шу суиқасд ҳақида Абдуллатифнинг ичкilarидан бири хабар топган-у, бу ҳақда унга айтишдан қўрққан. Муаррих шу хабардор надимнинг сўзини ҳам тарих саҳифасига рақам қилиб қолдирган. У деган экан:

«Абдуллатифни қатл қилиш тадбири борасида мажлислар тузилган кунларда мен унга шу қадар яқин маҳрам эдимки, бу сўзни унга айта олар эдим, аммо менга ҳам ғазаб қилиб ва ўлдириб қўйиши мумкинлигидан қўрққанлигим учун арзимни етказа олмадим».

Ўзини ислом халифаларида тутиб, жума намозига қатнайдиган Абдуллатиф ўқнинг нишони эди. Рабиъ ул-аввал ойида унинг масжидга келиши, қаердан ўтиши, ҳаммаси, ипидан-игнасига қадар ҳисобга олиниб, ўрганилиб бўлинган эди. Фақат белгиланган кунни, ҳеч кимнинг диққатини тортмайдиган фурсатни кутиш қолган эди. Зикр этилган ойнинг йигирма олтинчи куни (1450 йил, 9 май) тонг пайти, Самарқанднинг жанубий кутбидаги Боги Чинор мавзесидан бомдод намозига саккиз-тўққиз отлиқ бўлиб бораётган тўда боғнинг буримиға етганда зарб билан отилган камон ўқи Абдуллатифнинг чап кўксыга келиб қадалди. Ўқ тахминан ўн беш қадамча наридаги тарвақайлаган тут дараҳтидан, жуда ўнгай жойдан отилган эди. Шу ўқнинг

ўзиёқ падаркүшнинг ўлимига сабаб бўлган, у жон ҳолатда, «Аллоҳ, ўқ тегди», деганича эгарга осилиб қолган ва ағдарилиб тушган эди.

Масъуд Кўҳистоний Абдуллатифнинг ўлеми манзарасини батафсил сўзлаган. Унинг нақлига кўра, Абдуллатиф тунни Чаҳор майдонда, шаҳарнинг шимолий четида ўтказиб, Боги Чинорга боради. Бунда, йўл Амир Темур мақбарасидан бир қадар фарброқда бўлган Чаҳорроҳа ёки Чаҳор сув дарвозаси орқали давом этган. Айтилишича, шу дарвозадан шоҳ мавқаби ҳамиша Боги Майдонга бориб-келиб юрган. Шу муаллифнинг яна бир ҳикояти Абдуллатифнинг ўлеми одидан кўрган тушига доир бўлиб, унда эрта суиқасд содир бўладиган кечаси Абдуллатиф туш кўрган эмиш. Тушида унинг олдига ўзининг калласи қўйилган ташт – лаган келтириб қўйибдилар. Кўрган тушидан ниҳоятда қўрқиб, Низомий Ганжавийнинг «Падаркуш подшоҳиро нашояд, Агар шояд ба шаш моҳаш напояд», деган мисралари бўйича фол очиби.

Абдуллатиф ўлдирилган жой ҳақида ҳам Масъуд Кўҳистоний синчковлик билан сўз юритади. Камончи отда келаётган Абдуллатифни шаҳар чоҳи билан Боги Нав туташдиган тор жойда, истеҳком девори ёқалаб кетган, четларида дараҳтлар бўлган ерда суиқасдни амалга оширади. Масъуд Кўҳистоний қотил Бобо Ҳусайн баҳодир эканлигини алоҳида уқдиради. Шоҳни ўқлаб, отдан йиқитган Бобо Ҳусайн унинг навкарлари ортдан етиб келгунича қочиб қутулади. Бу Масъуд Кўҳистоний тахмини. Мирхондда талқин бошқача. Масъуд Кўҳистоний агар Бобо Ҳусайн Туркистонга қочди деса, Мирхондда, қочишга ҳожат йўқ, Абдуллатиф ўлдирилиши биланоқ, ҳокимият унинг муҳолифлари қўлига ўтган эди, деган моҳият аксини топган. Абдуллатиф, «Аллоҳ, ўқ тегди», деб отдан йиқилиши билан унинг ёнидагилар тум-тарақай қочадилар. Суиқасдни режа қилганлар дарҳол ярадорнинг олдига шошилиб етиб, унинг бошини узадилар. Чошгоҳга бориб, Абдуллатифнинг қон билан ювилган калласи отаси мадрасасининг кираверишдаги пештоқига осиб қўйилади.

Самарқанд аҳди уч кун давомида мадрасага тошқин дарёдай оқиб келди. Падаркушнинг оғзи очилиб, тили осилиб қолган, кўзлари ҳам юмилмаган, келаётган халойиқнинг ҳисобини олаётгандек эди. Арк баравар баландликда, шамолда чайқалиб турган бош, эҳтимол, сўнгги «аттанг»ни муқаррар қилаётгандек эди.

Мудҳиш кечган ва Темурийлар тарихига доғ-у иснод бўлиб тушган бу воқеадан эллик йил кейин Самарқандга келган, шу сулоланинг буюк ва жаҳоншумул намояндаси Захириддин Муҳаммад Бобур, кейинчалик, минг таассуф билан «Бобурнома» деган шоҳ асарида бу ҳақда, «бу беш кунлик дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди», деб ёзган эди.

Таҳтни бир муддат эгаллаган падаркуш ва уни интиқом куттирганлиги муҳтасар кечмиши ана шундай. Разолат, қабоҳат бир кунда

туғилмайды. Нима бўлганда ҳам, ўша вақтларда яшаган олижаноб, мўмин-мусулмон, ориятли ота-боболаримиз ёвузликка, ота-онага қўл кўтаришга тиш-тирноғи билан қарши турганлар. Миллат ҳамияти шоҳдикдан ҳам, тож-у тахтдан ҳам устун қўйилган. Падаркуш эл нафратининг қурбони эди, ўлимдан сўнгги «аттанг»дан нафъ йўқ...

Бу маҳзун тарих авлодларга бир умрлик ибрат сабоги бўлиб қолди. Абдуллатифларнинг қайтиб туғилмаслиги Аллоҳ таолодан мангут тилагимиздир.

## САРАТОНДА БЎРОН

Оқ-қорамтири булатлар парқув этакларин судраб Шероз устидан имиллаб ўтиб борарди. Уларнинг сафари олис уммондан бошлангани боис, жиққа терга ботганидан, томчилари жала бўлиб ерга қуилиди. Ўдағайлаган шамол ортдан тушиб, бир зум увлайди-да, пағапаға бўлган булатларни олдга солиб ҳайдайди. Бўstonлар халлослаб ёқсан ёмғир сувига чайнади, дов-даражатларнинг яшил қаболари янада чирой очади. Аср намозидан кейин қуёш чаракдаб, оламни мунаvvар қилиб юборди. Шероз шаҳрининг таровати фусункор табиат машшоталиги сабаб, камалак мисол товланди. Шерозга Аллоҳ таоло ўзгача кўрк ато этган, фаровон, ободон, зийнатли эди. Довруғи таралган Ҳофиз ва Саъдий Шерозийлар назмиётида куйланган туйғуларнинг дояси шул қадим маъво эди.

Мезанадан тотли таралаётган муаззиннинг чорловчи овози шаҳар ҳокими Иброҳим Султон Мирзо ўрдусида ҳам акс-садо берди. Шом намози яқинлаб қолган, шаҳзода боргоҳи эшигидан кўз узмай, хушхабар кутиб, безовта эди. Севикли аёлининг кўзи ёриётган эди. Масжидда аҳди мусулмон саждага бош индурганда, чақалоқнинг ингалаган чинқириғи қаср йўлакларини тутди. Ибодатни безовтавлик билан бошлаган Иброҳим Султон хушҳоллик билан ўрнидан турди, кўнглида ўзи сезмагани ҳолда ойдинлик қарор топди. Ўрдусига қадам босиши билан ҳарамдагилар «суюнчи» деб олдидан чиқишиди. Иброҳим Султон шу пайт сарой аҳлидан ким дуч келса, қучоғига босар, «шаҳзода муборак», деган сўзлардан боши осмонга етарди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди. Иброҳим Султон дастлабки йиллар фарзанддан ёлчимади. Исмоил Султон деган ўғли туғилди-ю, кўксини кериб одди. Шаҳзода икки ёшга тўлганида, таассуфки, куни кам экан, чечакдан бандаликни бажо қилди. Иброҳим Султон ўйловда қолган шу кунларда иккинчи ўғлиниң дунёга келиши ўзига ҳам, мавқабига ҳам катта хурсандчилик бахшида этган эди.

Шаҳзоданинг туғилиши, Шероз ҳокими, Шоҳруҳ Мирзонинг Улуғбек Мирзо билан бир вақтда, иккалалари икки онадан (1394) таваллуд топган Иброҳим Султоннинг саройида катта тўйнинг бошлани-

шига восита бўлди. Иброҳим Султон ўзида йўқ шодмон, чақалоқнинг ўғилчалиги муждасидан ўзини қўярга жой тополмасди.

Иброҳим Султон Мирзонинг табъи назми бор, билими кенг, тарих ва бадииятга жуда ихлосманд эди. Шарафиддин али Яздийга катта мурувват кўрсатган, унинг бобокалони Амир Темур тўғрисидаги «Зафарнома» асарининг ёзилишига ҳомийлик қилган, зарур шарт-шароитларни муҳайё қилиб берганди. Шаҳзода деярли ҳар куни муаррих билан китоб саҳифалари ҳақида баҳс қурагар, ўзи тўплаган ҳужжатларни истифода учун тақдим этарди. Ноилож, далиллаш лозим ўринларда эса, Ҳиротга, отаси Шоҳруҳ Мирzonинг қутубхонасига нома билан хос одамларни жўнатарди. Асарнинг ҳалол ва воқеаларни тўғри акс эттириши учун муаллифдан кўра, Иброҳим Султон катта фидойилик қиласди. Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда, «Жаҳондаги энг нозик таъб ва Эрондаги энг шарафли киши тупроғи пок бўлғур мавлоно Шарафиддин Али ал-Яздийни шундай тарбият қилганлиги туфайли бу мавлавийнинг гавҳар нурли қалами шундай жаҳонга ёргулик бағишловчи дурни (яъни «Зафарнома» китобини – муал.) олам аҳлига кўрсатди», дейди.

Илму фаннинг буюк ҳомийиси Иброҳим Султон Мирзо касалга чалиниб, 1435 йилнинг 3 майида – шаввол ойининг тўртинчи кунида Шероз шаҳрида вафот этди. Бу пайтда ўғли Султон Абдулло икки ёшга тўлганди. Шоҳруҳ Мирзо ўғли учун қирқ кун мотам тутади. Подшоҳ Иброҳим Султонни жуда сўйган, унинг истеъдодини қадрлаган. Ўғли ҳам ота ишончини оқдаб, Форс мулкларини обод қилган, Шерозни юксалтирган, илм-фан марказига айлантирган эди. Форс вилояти таҳтига набираси, Иброҳим Мирzonинг эсини эндиғина таниётган ўғли Абдулло Мирзони тайин қилди. Вилоятни идора этишда гўдак шаҳзодага оталиқ бек – бекатка қилиб шайх Муҳибиддин Абулхайр тайинланди.

Дунёнинг ишлари ғалати-да. Одам аҳли бир хил шакл-у шамоийлга эга бўлса ҳам, феъл-атворда, ички оламида сира ўхшапши йўқ экан. Шайх Муҳибиддин Абулхайр вазорат девонида у қадар кўзга чалинмай, ишлаб юрарди. Бирор унинг ёмонлигини сезган эмасди. Қачонки, у зотга шаҳзода номидан Форс мулкини бошқариш вазифаси топширилгач, кимлигини, асл тийнатини ошкор қилди-қўйди. Калондимоғлиги устига, нафси амморалиги қўшилди-да, Иброҳим Мирзо даврида обод бўлган юртнинг файзи баракасини учирди. Олиқ-солиқлар миқдорини ошириб, жабр-ситамга, зиндан-у калтакка зўр берди. Кимнинг тагида яхшироқ от кўрса, кечгача бормай, уни ҳовлисига олиб келиб боғлатди. Бир ой ичида йиққан-тергани Ҳиротда йигирма йил ишлаб топганидан неча чандон кўпайган эди. Иброҳим Мирзодан яхшилик кўрган Шероз раияти фифони фалакка ўрлаб, аъёнлар ҳам додга кела бошлиганди. Муаррих бу ҳақда, «Форс

мамлакати аъён ва амирлари арзномалар юбориб, барча раиятлар шайх Абулхайрнинг шарридан жондан тўйиб, пичоқ устихонга бо-риб етганлиги, у мамлакат суюрголи бўлган Мирзо Абдуллоҳнинг бир динорга ҳам ихтиёри йўқлиги ҳақида давлат арконларини хабардор қилган эдилар. Бу аҳволни эшитган ҳазрат хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо – муал.) дарҳол шайх Абулхайрни ишдан бўшатишга ҳукм буюрди ва номдор амирлардан бўлган амир Сейдини у мамлакат ҳокимлигига тайин қилди. У ҳам бир неча ой давомида у мулқда мустақил равишда ҳукм юргизди. У қаттиқ сиёsat юргизувчи, далир ва золим эди.

Амир Сейдини ҳам мансаб имтиҳондан ўтказади. Раият унинг газабноклигидан, ҳеч кимни аяб ўтирамайдиган золимлигидан кўп азиятлар чекади. Одамларнинг қўли тепага бора бошлаган бир пайтда, Аллоҳ таоло уни жойи ростонига саришта қилди-қўйди. Бошқача айтганда, золимдан ўлганидан сўнг қутудилар. Амир Сейди шоҳона ишончни суиистеъмол қилганлиги, икки ёшдан уч ёшга кираётган шаҳзода Абдуллонинг мулки хомталаш бўлаётганлиги марказий ҳокимиятни, биринчи галда, Шоҳруҳ Мирзони ташвишга солмаслиги мумкин эмасди. Шоҳруҳ Мирзо олий девонда машварат ўтказиб, Форс мулкидаги аҳволга куюнчаклик билан ёндашди. Девон аҳли мубоҳаса қилиб, охирида Хожа Муъизиддин Малик Симонний оталиқ бек лавозимига лойик, деган қарорга келишди.

Вазифадан бекор қилинган шайх Абулхайрнинг бу орада қилган қилиқдарини эслатиб ўтиш жоиз. У амалсиз ўзини қаноти қирқиленган гажирдек ҳис қилаётган эди. Шу сабабдан, яна парвоз қилишга, парвоз қилганда ҳам, Ҳирот томонга шайланишга қасд қилганди. Ҳиротга, таниш-билишлари ва саройдаги казо-казоларга совфа-саломлар йўллаб, кўнгилларини топишга, уларни восита қилиб, яна амал зиналарини босишга жон-жаҳди билан интиларди. Совфа-саломнинг сеҳри бўлакча-да. Оғзи-бурнига мой теккан, чўнтаклари қаппайган амирлар Шоҳруҳ Мирзо мажлисида, бир баҳонада сўз очиб, муаррих деганидек, «Шайх Абулхайр бир қанча вақтлар Форс мулкида фармон юритувчи бўлган, унинг қилмишларини таҳқиқ қилиш ҳақида буйруқ бўлган, шундай маъқул кўринадики, унинг иши аъло девонда қарор топса, агар фармони олий бўлса, уни девонга келтирсалар», илтимоси ўртага қўйилади.

Шоҳруҳ Мирзо олий девонда қилинган бу арзни мақбул топиб, шайх Абулхайрни келтиришга ризолик билдиради. Муаррих, Абулхайр бу ҳақда нишон олгач, «Шероздан лочиндек қанот чиқариб учди», дейди. Шайх жуда муғомбир ва ишбилармон эди. Ҳиротга, олий девонга ишга келгач, шаҳзода ва амирларнинг ҳар бири уйига қадам ранжида қилиб, улар кутмаган тухфалар, жарақ-жарақ тилла тангалаар улашди. Шайхнинг пиҳини ёрганилигига қойил қолмай бўл-

майди. У, Шерозда гўдак шаҳзоданинг Оталиқ беги бўлиб, жамлаган дунёсини босиб ётмайди, аксинча, бир қисмини сарфлаб, яна ўшал – хумори ўртаётган мансабга қайтишга йўл излайди. «Еган оғиз уялар», деган мақолни шайх бирор марта айтиб, мушоҳада қилганми-йўқми билмадим, аммо девондаги амирлар унинг гапига «лаббай» дейдиган бўлган, тарафини оладиган кўйга мойиллик билдирадилар. Ўрни келганда, «Шерозда Абулхайрнинг қадри ўтаётир-да», деб бош чайқаб қўярдилар. Оқибат шу бўлдики, шайх Абулхайр яна аввалги ишига, Шероз мулкига мутасаддиликка йўл топди.

\* \* \*

Султон Абдулло Мирзо ўн уч ёшга кирган пайти эди. Энди, у қотайиб қолган, ўқиши ҳам, тарбия-ю машқи ҳам жойида эди. Бобоси Шоҳруҳ Мирзонинг соясида меросий мулкида осойишталик ҳукм сурарди. Улгая боргани сари, истиқболи равшанлашаётган, йўли ойдин бўла бораётган эди. Бобосининг хасталангани хабари етишганда, шаҳзода ғамга ботарди. Худо кўрсатмасин, бирор кор-ҳол бўлса, унинг аҳволи нима кечади? Болалик ҷоғларида оталиқ бекларнинг кўрсатган «қарам»лари яна авжига минмайди ва мулки лопиллаб қўлдан чиқмайди, деб бўлармиди? Шаҳзода мулоҳазали, оғир-босик, яхши насиҳатдан бош бурмайдиган йигитча эди. Унинг узоқни ўйлаб фикрлаши Темурийларга хос туғма ақд-заковатдан бўй бериб турарди. Яхшилик тўғрисида мулоҳаза қилинганда, унинг иккинчи қутби – ёмонлик ҳам унутилмаслиги, унинг ҳам дафъи учун ҳозирлик кўриб қўйиш лозимати асқатмай қолмайди.

Абдулло Мирзо туғилган вақтда амакиси, бобоси Шоҳруҳ Мирzonинг ўғли Бойсунтур Мирзо хасталаниб вафот этганди. Бойсунтур Мирzonинг иккинчи фарзанди Султон Муҳаммад Мирзога Ироқ мамлакати ҳукмдорлиги топширилган эди. Абдулло Мирzonинг ҳавфи шу амакизодасидан эди. Уни деярли кўрмаган, эшитгани бор, Султон Муҳаммад ўн беш ёш каттароқ эди. Абдулло Мирzonинг ҳадиги, Ироқ мулкларида favғолар қўзғалиб туриши, Султон Муҳаммаднинг Ҳожи Ҳусайн деган амирни мағлуб этиб, Ҳамадоннинг Чаҳорбог мавзеида қатл этгани хабарини олганидан сўнг кучайди. Ҳиротга, олий девонга шаҳзодалар чорланганида Султон Муҳаммадни биринчи бор шу ерда кўрди. Баланд бўйли, қуббали қабо кийган, ўткир кўзли шаҳзоданинг мағрурлиги пайхос қилган одамга сезилиб турарди. Шаҳзода бобоси Шоҳруҳ Мирzonи ҳам писанд қилмаётган-дек таассурот қолдирад, кибри баланд эди.

Шоҳруҳ Мирзо олий девон мажлисида Султон Муҳаммадни роса койиган эди. Гап шундаки, шаҳзода Ироқقا ҳоким қилиб тайинлангач, амир Бобо Ҳожининг ўғли амир Ҳожи Ҳусайн Ҳамадоний уни ёқтирамади ва итоатдан бош тортди. Шаҳзода юборган элчиларни

қамоқقا олди. Шунда у лашкар тортишга қасд қилди ва Ҳожи Ҳусайнни қўлга тушириб, қатл эттириди. Ироқдаги ички низоларнинг бу хилдаги ечимидан Шоҳрух Мирзонинг кўнглига доф тушди ва Султон Муҳаммаднинг танобини тортиб қўйишга шошилди. Муаррих бу воқеа шарҳида, «ҳазрат хоқони саъид (Шоҳрух Мирзо – муал.) бу аҳвол шарҳини эшитгач, амир Ҳожи Ҳусайн ва унинг оталарининг қадимий хизматларини эслаб, шаҳзоданинг мазкур ҳаракатини маъқулламади. Шаҳзодани койиди ва ўз норозилигини билдириб, унга «агар амир Ҳожи Ҳусайн томонидан бирор номулоим ҳаракат юз берган бўлса, бунинг хабарини аъло таҳт поясига арзга етказмоқ муносиб эди. Уни қўлга олган тақдирда ҳам, олампаноҳ даргоҳига юбориш лозим эди», деди. Хуллас, ана шу ҳаракат сабабли ҳумоюн хотир Шоҳрух Мирзо дилида шаҳзодага нисбатан бир кудурат фубори ўрнашиб қолди», деган сўзларни битади.

Султон Муҳаммад Мирзо томонидан Ҳамадонда ўрнатилган ҳокимият, шу тариқа, қон тўкиш билан вужудга келтирилган эди. Шоҳрух Мирзо ечимнинг бу қадар фожей тус олишини кутмаган ва шаҳзодани бундай зўравонликка чек қўйишга ундаган эди. Султон Муҳаммаднинг ички низоларни раҳм-шафқатсизларча бостириши, муроса йўлини тутмаслиги теварак-атрофда кўп овоза бўлди. Унинг теграсида фитнагарлар, ҳарб-у зарбларга ўчлар тўплана бошлади. Шаҳзоданинг койишлардан бобосидан кўнгли қолган, ўз кучига ишонч пайдо қилиб, хаёл тулпорида жавлон урар, Ҳирот тушларига кириб чиқарди. Шоҳрух Мирзо қариган, бунинг устига, касалманд бўлиб қолганди. Шаҳзодага яқинлашиб, унинг маслаҳат бергувчилари сафи кенгайиб борар, давлат бошқарувида ўзгариш бўлишини қўмсаб юрганлар, кекса подшоҳ, таҳтда қирқ йилдан ошиқ ўтириб қолган Шоҳрух Мирзо ўрнига ёш, навқирон, шижаотли, дадил, табиатан ўқтам Султон Муҳаммадни сипориш этиш ниятида бўлган саййидлар, олимлар, фозил кишилар ҳам кўпни ташкил қиласарди. Уларнинг фикри Султон Муҳаммад Мирзонинг Ироқ ва унга ёндош мулкларни, бири билан кифояланиб қолмай, аста-секин ўз итоатига киритиш, шу йўл билан келажак вақтда, Шоҳрух Мирзо давлати соҳиб ихтиёри даражасига этиш мумкин, деган тўхтамга тақаларди. Шу боисдан муаррих айтганидек, «шаҳзоданинг амирлари ва бир гуруҳ сўз айтишга ҳадди бўлган кишилар иттифоқлашиб, «Ироқнинг дорулмулки бўлмиш Исфаҳон таҳти эгасизdir, Исфаҳон аъёнлари ҳам зимдан сизнинг келишингизни илтижо қилганлар ва жон-у дилдан шавкатли шаҳзоданинг тарафдорлариidlар», деб Султон Муҳаммаднинг қўлтиғига сув пуркадилар, пишонг бердилар».

Абдулло Мирзо ёш бўлса ҳам, бу борада чакки ўйламаган эди. Тез орада, Султон Муҳаммад Мирзо Исфаҳон мулкига лашкар бошлаб борди ва уни осонгина қўлга киритди. Галабадан мамнун бўлган

шаҳзоданинг иштаҳаси мулкирликда борган сари карнай бўлаётганди. Ҳиротдан эса, онҳазрат хоқони саъид Шоҳрух Мирзонинг бетоблиги дараги келиб турарди. Бу дараклар шаҳзодага куч ва қувват, илҳом бахш этаётганди. У, ўз олдида бобосидан бўлак тўсиқ кўрмаётган, Хурсонни тамом ўзига бўйсундиришда кучи қудратига қаттиқ ишонарди. Шу сабабли, Исфаҳон мулки истилосидан кейин сира хаёлламай, Шероз сарига юришни бошлаб юборди.

Исфаҳонни бўйсундириш асносида катта-кичик шаҳарларни ҳам тасарруфига киритган Султон Муҳаммад у ерлардан кўпгина кишиларни черигига йифди, пиёда бўлсин, суворий бўлсин, сонни ошириб, Шероз устига кела бошлади. Шероз аҳолиси босқиндан хабар топиб, ваҳимага тушиб қолди. Абдулло Мирзонинг Султон Муҳаммад лашкарини бениҳоя кўп деб хабар олгани боис, унга қарши туришга имкон йўқлигига амин бўлиб, ҳисорни, буржлар, бора ва дарвозаларни маҳкамлашга саъй-ҳаракат қилди, эли ёв йўлини тўсиш учун интилди. Абдулло Мирзо қамал бошланмасдан аввал Ҳиротга чопарлар жўнатиб, Султон Муҳаммаднинг ўзбошимчаликни авж олдирганини, Шерозга катта қўшин билан келаётганини билдириди.

Шероздан Абдулло Мирзо ошигич жўнатган чопарлар пойтахтга тез етиб борди. Хабар Боги Зогонни оёққа турғизди. Шоҳрух Мирзо меъда хасталигидан азоб чекаётган, соғлиғи ташвиши билан юртғами кесишган шу паллада, ўзида қуч топди-да, Ироққа, Султон Муҳаммад бошлаган мулкирлик исёнини ўчиришга отланадиган бўлди. Гавҳаршод Бегим уни бу қароридан қайтаришга, шаҳзодалардан бирини лашкар билан жўнатишга уната олмади. Шоҳрух Мирzonинг нафрати гурурига эш бўлган, сўзи икки бўлганидан, бу ҳаддан ошиш дафъини бошқага ишонолмасди. Амир Ҳожи Ҳусайнни ўзбошимчалик билан қатлга етказишда Султон Муҳаммадга беришган танбеҳ кор қилмаган, худбин шаҳзода бобоси подшоҳ сўзидан маъни чиқара олмай, Ҳамадонни қаламравига олиб, Исфаҳонга кўз ола қилгани етмагандек, энди Шероз вилоятини ҳам бошқариш ишқига тушибди. Эртага, кучайиб Ҳиротга ҳам тажовуз қилишдан қайтмайди бу бефаҳм, дея нуроний подшоҳ унинг танобини тортишда кечикканлигидан афсус қиларди. Ҳамадон воқеаси жуда енгил-елпи, койиш билан ниҳоясига етказилган эди.

«Кечга тортган ишда хатар бор», деб топиб айтилган. Шоҳрух Мирzonинг жисмонан заиф бир ҳолда, касали хуруж қилиб турган маҳалда Ҳиротдан Райга томон бориши, қартайганлик ва хасталикка йўл азобининг қўшилиши яхшилик келтирмади. Султон Муҳаммадни олиб келишга амирлар лашкар қисмлари билан жўнади-ю, улар йўлда эканлигига подшоҳ омонатни топширди. Ҳудонинг хоҳиши шундай бўлди. Бобосининг ўлимидан дарак топган Султон Муҳаммад Рай вилояти Шоҳрух Мирзо қароргоҳи томон юзланди-да, нечундир бу ерда тура олмай, Исфаҳон томонга кетишга шошилди.

Шоҳруҳ Мирзо Султон Муҳаммадга қарши қўшин бошлаб боришидан олдинроқ, амирларнинг орага тушишлари туфайли, қабул қилган амр-у фармонларини қайта кўриб чиқишига ўзида қатъият топа олган эди. Жумладан, Абдулло Мирзога иккинчи маротаба оталиқ бек қилиб, Форс мулкининг инон-ихтиёрини бергани Шайх Абулхайрни чақиририб олиб, Ихтиёриддин қалъасига қаматтирган эди. Шоҳруҳ Мирзо вафоти ҳақида чопар келиши билан, Ҳиротда қойим мақом бўлиб турган Алоуддавла Мирзо Шайх Абулхайрни дарҳол озод этган эди. Сабаби маълум, Шайх Абулхайр вақти-вақти билан шаҳзодалар қатори, Алоуддавланинг ҳам оғзини ёғлаб, кўнглини олиб турарди. Ҳибсдан қутулган Шайх Абулхайр оғир вазиятда Абдулло Мирзо ҳузурига эмас, Ироққа, Султон Муҳаммад тарафга йўл солди. У, аслида, тарозибон авлодидан эди, тарози палласининг қайси бири оғир келишини ҳали юкни қўймай турибоқ билиб турарди. Сиёсатда, Шоҳруҳ Мирзо оламдан қайтиб, талотўп авжига чиқиши муқаррар кунларда, унингча, Султон Муҳаммад паноҳида бўлиш, пинжида кун ўтказиш энг тўғри ечим эди. Шерозликлардан бир вақтлардаги арз-у шикоятлари учун ичидаги сақларди, қолаверса, адноват учун интиқом пайти ҳам келди, дея ўйларди.

\* \* \*

Беозор ҳукмдор Абдулло Мирзонинг бесаранжомлигини тушуниш мумкин эди. Ортда суюнадиган тоги қулаган – бобоси Шоҳруҳ Мирзо унинг ҳимоясига отланиб, Султон Муҳаммадга қарши черик тортганида, йўлда, Райнинг Пашов деган қишлоғида ажал ўқига гирифтор бўлди. Энди, нажот Аллоҳ таолодан. Мулкини муҳофаза этиш учун Абдулло Мирзо Форс ерларидан лашкар тўплади ва муҳорабага тайёр турди. Шероз чериги шаҳардан ташқари силжиб, тоғлар этагига етди. Султон Муҳаммад қўшини ҳам шунда, орага тоғ тушганди, холос.

Ироқ лашкари жанг кўрган, отлар ҳам қон ҳидини ҳидлаган эди. Уларнинг бир қисми тоғнинг баланд қисмига чиқиб, ҳарб-у зарбнинг мўлжалини қиларди. Форсий черикнинг аксарияти савдо-ю тижорат кишиларидан жамланганди. Уларда шижаот зўр-у, тажриба етарлик эмасди. Бу иккала лашкар бир-бирига ё ҳаёт ё мамот деб ташланганларида аста-секин аниқ бўла борди. Жон фидоликда форсийлар, ҳарбий синоатда ироқликлар уруш маъбудини ҳам ҳайратга соларди. Ҳарб майдонида яралангандар тоғларга эмаклаб чиқишига уринар, ўлдирилганлар жасадлари эса хирмон-хирмон бўлиб уюлиб ётарди. Султон Муҳаммад лашкарининг қўли баланд келаётгани маълум бўла бошлади. Абдулло Мирзо жангни бой берилганини англаб, қочишдан паноҳ излади. Бир амаллаб Истаҳр ҳисорига етиб олди-да, шу ерда мағлубият аламини чекишига тушди.

Султон Муҳаммад Мирзо зафар қучганидан ўзида йўқ шод, виқор-у савлат билан Шерозга кириб борди. Абдулло Мирзо саро-

йини кўздан кечирар экан, хаёлида бир ўй туғилди. Таниқли ако-  
бирлардан бўлган Сайид Низомиддин Аҳмадни Истаҳр қалъасига,  
мағлуб этилган ёғийси Абдулло Мирзони олиб келишга вакил қилди.  
Элчига, шаҳзодани ўлдирмасликни, риоят қилиши ҳақида қасамёд  
сўзини ўртага солди.

Абдулло Мирзо кириб беркинган Истаҳр қалъаси жуда маҳкам эди.  
Фирдавсий «Шоҳнома»сида бир-бирига рўбарў ўрнашган уч қалъа –  
Истаҳр, Аскиван ва Шикаста қалъалари тўрт минг йилдан бери  
Эрон шоҳларининг макони деб таърифланади. Сайид Низомиддин  
Аҳмад машаққат билан қалъа ичига кириб, Абдулло Мирзога аҳд-у  
ваъдаларни ётифи билан етказди. Абдулло Мирzonинг дарди ичи-  
да, эрта-индин уйланиш тадоригида эканлигида, бу нохуш, балким  
тақдири терсига олган воқеанинг юз бериши навниҳол шаҳзодани  
синдириш ёқасига келтириб қўйганди. Султон Муҳаммад лафзида  
турса, у вилоят-у мулк ташвишидан холи бўлиб, эркин нафас олиши  
хоҳлаб қолганди. Ўртада борди-келдилар Самарқанддан хушха-  
бар келтирган, Султон Муҳаммаднинг унга нисбатан тўнни тескари  
киймай турганлигининг бир учи ҳам шунга етиб борарди – Улуғбек  
Мирзо Абдулло Мирзони күёв қилишга розилик билдирганди. Улуғбек  
Мирзодай улуғ подшоҳнинг, донишманд алломанинг күёви бў-  
лиш ҳамма шаҳзодаларга ҳам насиб бўлавермасди. Улуғбек Мирзо-  
нинг юзига оёқ қўйишга Султон Муҳаммаднинг ҳам юраги урмасди.

Сайид Низомиддин Аҳмад шаҳзодани отлантириб, Шерозга, Сул-  
тон Муҳаммад ҳузурига олиб борди. Голиб шаҳзода мағлуб шаҳзода-  
га мурувват кўргузди – яхши кутиб олди, ёнидан жой берди. Икка-  
ласи узоқ сухбат қурди, гапнинг ўролида Султон Муҳаммад, муаррих  
таъкидлаганидек, «Ироқ ҳам Форснинг қайси шаҳарларидан бирини  
хоҳдасанг, уни сенга бераман, борди-ю, хоҳиш қилсанг, майли, Ху-  
росонга жўнатаман», деди. Абдулло Мирзо, Ҳиротга қайтишини бил-  
дириди. Султон Муҳаммад шаҳзоданинг иззатини қилиб, от, хачир,  
туя, чодир, хиргоҳ ва йўлда зарур бўладиган бўлак нарсаларни ҳам  
муҳайё қилиб, Хурросонга қайтишига ижозат берди. Абдулло Мирзо  
неча йиллар умрини ўтказган қаср билан, Шероз тахти-ю мулки би-  
лан хайр-маъзур қилиб, кўнгли йиграб, хўрлиги чандон бўлиб, йўрга  
отни қимтиди.

У Ҳиротга етиб келганда, Бони Зоғонда, бобоси тахти узра Алоуд-  
давла Мирзо ҳукм юритарди. Улуғбек Мирзо билан қудалашиш Ҳи-  
рот учун ҳам шарафли эди. Алоуддавла ҳам Абдулло Мирзони сий-  
лади, тўй ҳаражатларини хазина ҳисобидан ажратиб, катта маблағ  
пешкаш қилди. Кўп ўтмай Алоуддавла Мирzonинг ҳам ишлари чап-  
пасига кетди. Абдулло Мирzonинг мулкини Султон Муҳаммад тортиб  
олган бўлса, Ҳирот Улуғбек Мирзо тасарруфига кирди. Алоуддавла  
жон ҳовучлаб, мулкини ташлаб қочишга мажбур бўлганда, Абдулло

Мирзонинг барори келди. У, пайтини топиб, Улуғбек Мирзо ҳузурига йўл олганлиги унга қуёв бўлиш сари босилган қадам бўлди.

Абдулло Мирзо Самарқандда баҳтли ҳаётини бошлаган эди. Улуғбек Мирзо девонида ишлаш, аллома қайнотаси ишончига кириш ёш шаҳзоданинг обрўсини кўтариб юборган эди. Унинг ҳарб ишларига яқинлиги, вақтида жангларни бошидан кечирганлиги Улуғбек Мирзонинг назарида туради. Ҳиротдан қайтишдаги нохушликлар, Абулқосим Бобур ва Абулхайрхоннинг бир вақтга тўғри келган хуружлари Самарқанд лашкарига жиддий талафот етказганди. Абдулло Мирзо шу вақтларда Улуғбек Мирзонинг энг ишончли кишисига, қуёвига айланган, бир тўп сипоҳийлар унинг измига берилганди. Балхга, Абдуллатиф устига қўшин тортиб борилганда, Абдулло Мирзо лашкарнинг илгор қаноти саркардаси эди. Ота ва ўғилнинг лашкарлари муҳорабаси узоқ чўзилганлиги юқорида айтилди. Жайҳундан вақти-вақти билан ўтиб турган кам сонли сипоҳийлар тўқнашувлари Абдуллатиф фойдасига ҳал бўлар, самарқандликлар кичик мағлубиятлардан катта зиён кўраётган маҳаллар, Улуғбек Мирзо кескин тадбир қўллашга киришади.

Абдулло Мирзо бошчилигига элликка яқин далир сипоҳийлар дарёдан ўтиб, Абдуллатиф лашкарининг чап қанотига босқин ясади. Мирзонинг йигитлари шердек олишиб, юзлаб балхлик аскарларни қиyrатади. Ёрдамга ёпирилиб келган черикнинг бирданига ташланниб қолишини кутмаган Абдулло Мирзо йигитлари қуршаб олинади ва қиличдан ўtkазилади. Уч-тўрт сипоҳий ва Абдулло Мирзо асирга олинади. Абдуллатиф жанг асносида ўлдирилган амирларнинг жасадларини бир-бир кўздан кечириб, нима сабабдандир, Абдулло Мирзога тиф тортишдан ўзини зўрга тийиб қолди. Қўlinи силтади, «майли, сенга омонлик бердим», деди.

Бу воқеадан кейин озгина кунлар катта кулфатлар оғушида кечди-да, Улуғбек Мирзонинг тамомила омади қайтди. Абу Саъид исёни, Абдуллатифнинг Самарқандга босиб бориши, отасини мағлуб этиб, уни маккорлик билан қатл этиши ҳодисотлари рўй берди. Абдуллатиф Мовароуннаҳр таҳтига ўтиргач, Бухорога, аргунлар ёнига қочиб кетган Абу Саъид Мирзо ортидан сара навкарларини жўнатиб, уни олдириб келди. Улуғбек Мирзога иккилиқ қилган Абу Саъидни дорга осдириб юборади, деб туришганларида, Абдуллатиф уни қамоқча солиш билан чекланди. Абдулло Мирзони Жайҳун бўйларида қўлга туширганидан буён қурол-яроғидан, от-у абзалидан маҳрум қилган, Самарқандга ҳам отда эмас, хачирда келишига амр қилганди. Қамоқда сақлашдан кўра, камситишнинг бу усули таъсирини у яхши биларди. Самарқандда Абдулло Мирзо уйидан чақирилмас, ҳатто, масжидга бориши ҳам таъқиқдаб қўйилганди. Асир бўлиб ҳисбда, озод бўлиб ихтиёри ўзида эмасди. Шундай кечётган қора

кунларида, шаҳзоданинг тонгги бирдан ёришди – олти ой ўттар-ўтмас, падаркуш Абдуллатиф суюқасд оқибатида, нариги дунёга боши танидан жудо этилган ҳолда, рихлат қилди.

\* \* \*

Хуфтон намозига чорлаган муаззиннинг огоҳий саси тингач, Сармарқанд сукунат оғушига чўмди. Кўксарой ва унинг атрофидағи биноларда чироқдарнинг хирагина нури элас кўзга чалинарди. Абдуллатиф таҳтга чиққандан бери шаҳар кечаси тугул, кундузлари ҳам бўшаб қолган, бозор-у расталарда, косиблар дўконларида ҳам икки-уч одам тўдалашганига кўз тушмасди. Темирчи, кандакорлар ҳам болға уришдан, сандонда ўроқ, кетмон ясашдан олазарак бўлиб қолгандилар. Тунларда миршаблар овози ҳам эшитилмас, зулмини ўтказган, отага раҳм-шафқатни билмаган подшоҳдан юрак олдириб қўйган безори, ўғрилар ҳам кечаси юришга ботинолмай қолгандилар. Шу боисдан тунқотар-у миршабларга гўё иш қолмагандек эди. Лекин ҳижрий 854 йилнинг рабиъ ул-аввал ойининг йигирма олтинчи куни кечаси (9 май 1450), хуфтондан кейин Хожа Абулайсий масжиди ёнидан ўтувчи, Кўксаройга олиб борувчи катта йўлда ўн-ўн беш отлиқнинг шашт билан елиб келаётганлиги теварак-атрофга садо бериб, зада юракларни яна тапиллатиб қўймоқда эди. Суворийлар амирлар ва катта дастор ўраган шайх-у саййидлар, акобирлар эди. Улар Кўксарой дарвозаси олдида отдан тушиб, қоровулларга нималардир дедилар. Орадан анча фурсат кечиб, саройнинг зил-замбил дарвозаси қиё очилди ва келганлар тавозеъ билан, секин томоқ қириб, доруга билан учрашдилар. Сарой биқинидаги уйда Абдулло Мирзо яшар эди. Доруга унга кўз-қулоқ эди. Доруга келганлар орасида шайхулислом мавлоно Бурҳониддин ва унинг ўғли Исомиддин талабига кўра, шаҳзода Абдулло Мирзони олиб келишга кетди. Бир муддат ўтиб, шаҳзода ва келган амирлар таҳтгоҳга кириб, шайхулислом бошчилигига ташриф мақсадини баён қилдилар, кенгашни бошладилар. Абдуллатиф Мирzonинг қатл этилганлиги сабабидан, Мовароуннаҳр салтанатини идора қилишга Шоҳруҳ Мирzonинг ўғли Иброҳим Мирzonинг ўғли Абдулло Мирzonи яқдил бўлишиб, таҳтга сипориш қилдилар.

Абдулло Мирзо таҳтда қарор топгач, кечда бўлиб ўтган машварат тазиёки билан шаҳарда қўриқчилар ва сипоҳийларни кўпайтириди. Абдуллатифнинг қатлидан хабар топган бир гурӯҳ тарафдорлари қўлга олиниб, қиличдан ўтказилди. Тартибни қўлга олиш шу кунларда жуда муҳим бўлиб, анчадан бери ҳисобида бўлиб, воқеалар тизимидан панада қолиб келган шаҳзода – Улугбек Мирзо куёви, Абдулло Мирзо учун машаққат билан даст берәётганди. Шерозда эсини танигандан бери мулкни идора қилиб келган, кейинги пайт-

ларда ҳарб-у зарбларда ҳам шамширни яланғочлаган Абдулло Мирзо довдираб қолмади. Жума куни пулни зарб қилиш ва хутбани унинг номи билан зийнатлаш тасдиги бўлди. Абдулло Мирзо шу кундан тўла ҳуқуқди ҳукмдор – подшоҳ мақомига эга бўлди.

Дараҳтнинг қурти доимо ўзидан чиқади, дейдилар. Пўстлоқ остида панараб ётган қуртлар вазият етилганда очиқиб, ўрмалай бошлайдилар. Ўзлари жон сақлаб келаётган танани кемиришга тушади. Давлат дарахти танасида ҳам пайтини пойлаб турадиган қуртлар гоҳ у пучмоқдан, гоҳ бу минтақадан ҳаракатга келиб, каттароқ насиба учун тиш-тирноғига қадар қуролланадилар. Самарқанд суиқасд ва янги подшоҳ тож кийишидан ҳали ўзига тўла келмасдан, Мовароуннаҳрда ҳам, Хуросонда ҳам манфаат қуртлари фимирилаб қолган эди.

Абдуллатиф фожиасидан кейин Бухорога, таянч манзили – аргунлар ҳузурига кетган Абу Саъид Мирзо, имкондан фойдаланиб, Бухорога ўз йигитларини ҳужумга бошлади. Қатл овозаси ва Самарқанд руҳонийлари, акобирларининг чоралари Бухорони ҳам зилзилага солган эди. Бир тўда кишилар жамоа бўлиб, Абу Саъидни тутиб, зинданга ташладилар. Абу Саъид бир тунни зах чуқурликда ўтказиб, энди ҳолим нима кечар экан, деб ўйловда қолганида, уни ҳибсга олганлар минг узр билан ҳибс эшигини очдилар. Уни Бухоро мулкига ҳоким қилиб кўтардилар. Бухоро ва Самарқанд жипслигидан дарз кетганига анча бўлганди. Тахтгоҳда ўз одамини кўриш икки томон учун ҳам манфаатли эди. Абу Саъид ўзини қўлловчилар кўпая боргани сайин, Бухородан Самарқандга қўшин тортиш кўйига тушди, аниқроғи, уни шу йўлга ташвиқ қилдилар.

Абу Саъид Мирзонинг Бухорода кучая бошлагани дараклари Самарқандда пинҳон қолмасди. Муаррих дейдики, «Мирзо Султон Абдуллоҳ ўша кунларда Самарқанддаги хазиналарни очиб, жаҳонжаҳон молларни лашкар аҳлига улашган ва олтин-у кумуш магнотиси (мифнотус – оҳанрабо – муал.) билан хос-у омлар хотирини тортиб, катта лашкар тўплаган эди». Ҳа, таҳт учун бўладиган жанг-у жадаллар шусиз – давлат бойлиги сарф-у исрофисиз ҳал бўлмаган. Абдулло Мирзо ҳам жон-жаҳди билан Мовароуннаҳр салтанатини сақлаб қолишга интилган, хазинани қоқлаб бўлса-да, қўшинни шайлашга, бўлажак курашга ҳозирлик кўрган.

Таҳт учун курашни Абу Саъид ундан эрта бошлаган, Улуғбек Мирзо ҳаётлигига бир талваса қилиб кўрган эди. Энди эса, Улуғбек Мирзо ҳам, падаркуш Абдуллатиф ҳам йўқ. Абдулло Мирзо ёш, уни маҳв этиш унча қийин бўлмайди. Бухоро қўшини Самарқандни мағлуб этса, бира тўла катта бойликларга эга бўлишни, амирлар ва аъёнларга мулклар, суюрголлар, мансаблар тегишини тасаввур қиласадилар. Кўп ўтмай, икки лашкар дуч келди. Абдулло Мирзо сипоҳийлари бўш келадиган эмасди. Муборизлар жанги қизиди. Олмос тифлар

қүёш нурида чақнаб, жонлар риштасини зулматга улоқтиради. Майдон тўлиб, отлар туёқларининг туфрни тўзон қилиб, осмонга кўтариши қора булутлардан тифиз карвонлар ҳосил қилди. Қон, тер ва чанг бирга қўшилиб, куннинг иссиғида қўламсик ҳид пайдо қилдики, ундан бўғилиб, зўрға нафас олиш мумкин эди. Ҳокимият учун курашаётган икки шаҳзода орқасида қонлар жилга бўлиб оқарди – беҳисоб лашкар жидд-у жаҳдини қалам тасвиrlашга ожиз эди, дейди муаррих. Бу муҳорабада Абдулло Мирзо лашкари зафар қучди. Абу Саъиднинг омади юришмади ва қочиб жон сақлашга, турли манзилларда яшириниб юришга мажбур бўлди.

Бу дунёning ишлари мундарижаси шу қадар турфа ва муаззамки, саноғига етиш мушкул. Абдулло Мирзо ҳам бир тахт талабгорини маҳв этдим, деб энди нафас ростлаганди, Ҳисор тарафдан яна бир ноҳуш хабар кўнгилга соя ташлади. Шу вақтга қадар минг турли азоб тортган ва тахт йўлида укалар, ҳатто, ўз фарзандига яхшиликни раво кўрмаган Алоуддавла Мирзо яна бош кўтарди. Ҳисор мулкида юриб, охири, ўзига мойилларни топди, лашкар тўдалашга қурби келди. Уришишга ҳамиша баҳона топилади. Мақсад худди шимол муз уммонидаги музтоққа ўхшайди. Унинг сувдан юзага чиқиб, қалқиб турган қисми ялтираб кўринади – уни истаганча талқин қилиш, яхши-ёмон нисбат бериш мумкин. Лекин музтоғнинг сув тагидаги ҳайбатли тамалида шундай сир-асрор яширинки, у ҳамма вақт ҳам юзага чиқавермайди. Алоуддавла ҳам Абдулло Мирзога қарши юришни режаларкан, амир Иброҳим Идику Темурнинг қатл этилганлиги сабабли, Мовароуннаҳрни эгаллаш истаги учун бу воқеани сипор-у қалқон қилиб олганди. Сабаби, Абдуллатифнинг ўлдирилиши ва унга тарафдор бўлган таниқли беклар жазога тортилганлиги боис, уларнинг хеш-у навкарларидан кўпи Ҳисорга, Алоуддавла Мирзо ёнига қочиб, паноҳ топган эди. Уларнинг даъвати ўлароқ, Алоуддавла Самарқандни бўйсундириш пайига тушди.

Абдулло Мирзо аркони давлати билан бу ёғийни дафъ этиш тўғрисида машварат қилди. Амирлар йўлга чиқишини, қўшин ва байроқларни саф қилиб, Шаҳрисабз сари отланишини ёқладилар. Жом орқали, Китоб тоғоди адирларидан шашт билан келаётган лашкарнинг охири кўринмасди. Жайҳундан ўтиб, Самарқанд томон қўзгалган Алоуддавла чериги нисбатан оз бўлиб, пировард натижада, ўртада битим ҳосил бўлди ва иккала лашкар икки томонга ажralди. Абдулло Мирзо Самарқандга келиб тушди, Алоуддавла Мирзо эса, Жайҳундан кечиб, Балхда салтанат қурди.

\* \* \*

Давлат, тож-у тахт исканжасига тушган, салтанат қаймогига бир тўғрам нонини ботириб еган шаҳзода-ю шоҳлар сулоласига даҳлдор касларда болаликдан бир мақсад она сути билан қонга оқиб кирап-

кан. Отанинг бошидаги тожни ўғлига ихтиёрий қўндириб қўйганлиги далили деярли учрамайди. Ака билан укалар ҳақида гап кетса, тахт пойида уларнинг бирининг қони оқмай, подшоҳлик курсисига хатлаб ўтиб бўлмайди. Жасад устидан сакрамай, тахтга чиқиш имконсиз бўлган. Бу хулосалар даҳо сулола етакчиси, улуғвор давлат асосчиси бўлмагандан, ортда қолганларнинг ўзи ҳам, мулки майдалашиб борганде яққол кўзга кўриниб қолар экан. Ақалли, кучли, билимдон, ҳалқчи, сиёсатдон, эртани кўра биладиган подшоҳми, сulton, хон ёки амир – давлат раҳбари марказлашган мамлакатга асос қўйса, унинг қудрати, иқтисодий равнақи, маданият такомили, элнинг яшаш даражаси, энг муҳими, ти н ч л и к қарор топади.

Қисса воқеаларида, китобхон бу айтилганларнинг тескарисини ўқиб, ҳайратланиши табиий. Шоҳруҳ ва Улуғбек Мирзолардан сўнг доно етакчи чиқмади. Аламзада шаҳзодалар ака-укалар, амакилар – бир томирга мансуб қон-қардошлар жиққамушт бўлди, бир-бирини йўқ қилиб, тахтни эгаллашга интилди. Бу мамлакатнинг ҳам, эл-у элатларнинг ҳам, қолаверса, сулоланинг ҳам шўри эди. Темурийлар сулоласи, шажараси бошига не кунлар тушганини, қофозда акс этаётган, мозий пучмоқларида эътиборсиз қолиб келаётган мазкур воқеалар силсиласидан ҳам англаб етса бўлади, деган умидим бор. Камина, шу сатрлар битувчисининг энг эзгу ниятим ҳам шу. Келинг, мозий дарслигини бирга-бирга мутолаа қилайлик ва ибратий хулосалар чиқарайлик.

Абдулло Мирзо билан тўқнашувда мағлубияти ярашув билан якунлангач, Абу Саъид бир тўп йигитлари билан турли манзилларда, дашт-у саҳроларда изғишдан ўзга чора тополмади. Бироқ унинг сабот-у иродасига қойил қолмай бўлмайди. Ейишга қоқ нон, ичишга бир қултум сув дариф бўлган кунлар, тунлардаги чидам, ёнидагиларнинг садоқати ҳавас қилгудек ҳолатлар эди. Эҳтимол, бундай дамлар синовдир. Муаррих уларнинг ўша пайтларда бошдан кечиргандарини таърифлайди-ю, мисолларини зикр этмайди. Ҳар ҳолда, тахт умидида икки йилдан буён не қўйларга тушмаган Абу Саъид Мирзонинг ўша пайтдаги кечинмаларини илғаш қийин эмас. Унинг ҳам офтоби чиқадиган онлар яқинлашиб келаётганди. Бошидан қанчалик қаттиқ кун ўтса ҳам, айтганимиз, музтоғ остидаги тамалий мақсад – жаҳонгирлик умиди сўнмаган, балки шу ният уни олдинга етаклаган эди. Дала-даштда, саҳрода кезишлар ниҳоясида, Туркистон вилоятининг Ясси шаҳрини Абу Саъид қўлга киритади. Яssiда туриб, шу заминда қутлуғ қадамжо бўлиб қолган Сайид Аҳмад Ясавий марқадини зиёрат қадади, у Зотнинг руҳидан мадад тилайди.

Ясида яна кучланган Абу Саъиднинг босқини рўё бўлиб қолмасдан, унинг овозаси Самарқандга ҳам етади. Хабарлар қишилдидан бўлгани сабаб, пойтахтда муқаррар ҳарбага тайёргарлик

кўрилди. Абдулло Мирзо қиши ўртасида лашкар ва амирларни муайян қилиб, юриш тадоригини охирга етказди. Лашкар ўз сафарини совуқнинг заҳри сўнмаган, қор заминдан оппоқ палосларини ҳали йигиштириб олмаган пайтда бошлади. Сирдарёдан ўтилганда қорнинг қалинлиги тиззадан ошди. Бир тўп навкарлар қорни тепкилашиб, черикка, арава-ю туяларга йўл очиб борди. Аксар сипоҳлар пиёда, отларини етаклаб, йўл босарди. Шу алфозда Ясси шаҳрига етиб, қўш ташланди.

Абу Саъид Мирзо ва унинг навкарлари шаҳарнинг қамали ҳақида кўп бош қотирган эди. Улар кутганидай бўлди. Самарқанд қўшини Ясси шаҳри ҳисорини муҳосара қилишга киришди. Қамал кунлар ўтгани сари чўзилиб, ташқи тўқнашувларга ҳам етилди. Икки томон бир-биридан қолишимай тирандозлиг-у қиличбозлик қилдилар. Ҳар галги жангда одамлар жасади қалашиб, отлар ўлиги ҳам чўзилиб қоларди. Майиб ва мажруҳ бўлганлар ох-у фарёди, инграшига чидаб бўлмасди. Тарихнависнинг айтишига қараганда, Самарқанд лашкарининг заиф жиҳатлари аста ниш уриб, уларнинг қалъа буржларини, бора – девор атрофларини тўла назорат қилолмаётганлиги билиниб қолди. Абу Саъид навкарлари ичкарини қанча муҳофаза қилмасин, уларнинг ҳам ташқи ёғийларга дафъ айтишга имконлари келмасди. Совуқ бўлиб, изфириналар уфуриб турган кунларда, ҳар оннинг кечиши машаққат эди. Шунда Абу Саъид Мирзонинг хаёлига бир маккорона тадбир келди.

У, ўз навкарларидан бир тўдани Даشتி Қипчоқ чериги – ўзбеклар тарзида кийинтириб, қалъадан ташқарига чиқазди. Улар қирнинг ортидан йўл босиб келаётган лашкар илғори сифатида овоза қилиб, қамалда қолганларга ёрдамга келаётirmиз, деб айюҳаннос сола бошлишди. «Абулхайрхон келди», дебчуввос солиш Самарқанд лашкарининг капалагини учириб юборди, улар шусиз ҳам муҳосара ва кунлик жангларни зўрга эплашиб турганди. Гўёки, Даشتти Қипчоқдан Абулхайрхон сипоҳийларининг мададга етиб келиши Абдулло Мирзо қўнағасида талваса қўпориб, ваҳима солиши керак эди. Абу Саъид Мирzonинг ҳарбий ҳийласи иш бериб, Самарқанд лашкари лаш-лушларини йигиб-йигмай, орқага қайтишга жадаллик кўрсатди.

Қайтиш шунчалар шошилинч ва саросимали бўлдики, отлари дадиллар олислаб кетди, жароҳат олганлар, чўлоқланган отда қолганлар асир тушишга мажбур бўлди. Пароканда бўлган сипоҳийларнинг бир қисми амаллаб, Самарқандга етиб келди ва Абдулло Мирзо воқеанинг ноxуш хотимасидан ранжиди. Хазина қулфларини бир томон улоқтириди-да, қўп нақдиналар харжлаб, яна лашкар жамлашга амр қилди. Тўпланган черик Сирдарё тарафга, Шоҳрухияни мўлжал қилиб йўлга тушди. Абу Саъиднинг ҳам шу томон силжиётгани дараклари олинганди.

Элда бир нақл бор. «Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин дейди», дейишади кексалар. Абу Саъиднинг «Абулхайрхон ёрдамга келди», деган макри, кутилмагандан, чинга чиқадиган бўлди. Абу Саъидга яқин кишилардан бири, муаррихнинг қавлича, «ўзбек подшоҳи Абулхайрхон бир неча кун муддатлардан бери ихлос мақомида туриб, ўзини сизнинг тарафдорларингиз қаторида ҳисоблайди, агар сиз илтифот буюрсангиз, хон давлат-у иқболга ҳамжилов бўлиб, икки от билан сизнинг ғалаба ёр узангингизга ҳамроҳ бўлишга мунтазирдир», деган гапни маҳсусона айтди. Абу Саъидга ҳам шу кўмак зарур эди. Абулхайрхон эса, узоқни кўзлаган, Абу Саъид билан дастлаб иттифоқлашиб, сўнгра унинг ҳам кўкрагидан итариб, олдинга ўтмоқчи, мулклар сарҳадини кенгайтирмоқчи эди. Даشتி Қипчоқ кўзига Чингизхон замонидан эътиборан Турон мамлакати бойу бадавлат диёр бўлиб кўринарди.

Абу Саъидга Абдулло Мирзони йўлдан олиб ташлашга таги фаразли ёрдам қўлини чўзаётган Абулхайрхон иссиқ кўриниб кетди-да, ризолик нишони билан унинг олдига элчиларни жўнатди. Даشتி Қипчоқ хони маҳтал тургандек дарҳол йўлга тушди ва келиб, Абу Саъид билан Самарқандни бўйсундириш хусусида машварат қилдилар. Иккаласи лашкар тортиб, Яssi шаҳридан чиқиб, аввал Тошкентга, сўнгра Хўжандга юриш қилдилар.

Абдулло Мирзо Яссидаги шикастдан ўзини ўнглаб, Шоҳрухия тарафга етиб келар экан, ўз мухолифларининг бирикувидан етарли огоҳ эмасди. Огоҳ бўлганида эса, яна черик йиғишга вақт қолманди. Нима бўлганда ҳам, у далирлик билан найзани маҳкам тутиб, шамширни қинидан чиқарадиган бўлди.

\* \* \*

Қишдан буён тиним билмаган лашкарни саратон иссиги офтоб тифи билан нишонга олишдан толиқмаётган эди. Жавзанинг охирларида кун шунчалик исиб кетдики, офтобрўя қумлоқ жойларда бемалол тухумни пишириб еса бўларди. Жиззах чўллари борлиқни оташ қозонида тоблашга киришганди. Сирдарёдан берида тўқайзорлар ва биёбонларда тирик жоннинг нафас олиши душвор бўлиб қолганди, «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган» ёз чилласи ҳукм сурарди. Бир қултум сув топиш амримаҳол, мешлар қуриган, минг тўнтарсанг ҳам, бир томчи зилол томмасди. Саҳро одамлари эмасми, кўпич эт еб ўрганган, гўштдан бўкиб тўйганлари ҳам бўларди. Шу боисдан, Абулхайрхон навкарлари орасида чанқаб, ҳушдан кетганлари, гоҳо эса, жондан айрилганлари ҳам бор эди.

Абу Саъид билан Абулхайрхон аҳд қилиб, биргаликда Самарқандни тасарруфга киритишга бел боғлаганларидан бери, Тошкент ва Хўжанддан чиқиб, Жиззах биёбонларига кирганларидан буён, йўл-

лари унмаётган, аскарларнинг чанқоқдиқдан мажоли ҳам, мадори ҳам қолмаганди. Шунда Абулхайрхон эсига я д а тоши келиб қолди. Қадимдан Абулхайрхон уруғ-аймоги яшаб келган Ибир ўлкаларида яда тошидан ҳавони ўзгартириш, ёмғир ва совуқ ҳосил қилиш мұйжизаси амалда бўлиб келган. 1365 йилда Сирдарё бўйида содир бўлган «Лой жанг»да худди шу мұйжиза қўлланган ва мўғуллардан амир Ҳусайн ва Темурбек мағлуб бўлган эди. Орадан саксон олти йил кечиб, Абулхайрхон яна шу я д а тошининг мұйжизавий кучини, сеҳрини ишга солдирди. Тарихнавис Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда, «Тошканд ва Хўжанд тарафдан сон-саноқсиз лашкар йўлга чиқди. Йўлда Дизақ (Жиззах – муал.) саҳросини босиб ўтиш лозим бўлганлигидан зафар байроқли лашкар у саҳронинг иссиғидан изтироб чекмоқда эди. Абулхайрхон бир гуруҳ ўзбекларга «яда тошини амалга келтиринглар», деб буюрди. Ўзбеклар фармонга мувофиқ амал қилдилар ва у тошнинг яратувчининг ҳунарларидан энг ажойиби бўлмиш ҳ а в о н и ў з г а р т и р ы б, қор, ёмғур ҳам совуқ келтирувчи хосиятини юзага чиқардилар. Икки-уч кунгача ҳаво шу қадар ўзгариб турдики, булат пардаси офтоб ёруғлигига монелик қилди, момақалдироқ гуриллаши-ю чақмоқ отилишга бошлади, совуқлик, ёмғур ва қордан жаҳонда тўфон зоҳир бўлди. Ёғингарчилик ва совуқ шу қадар кучайиб кетдики, я д а тошини билмаган Хурросон кишилари бу ҳолдан бир муддат таажжубда қолдилар», деб ёзган эди.

Кечагина саратон оташида қоврилган сипоҳ, шу тариқа, табиат мұйжизасини пайдо қила оладиган яда тоши кўмагида Самарқанддан тўрт фарсах шимолроқда бино бўлган Шероз қишлоғига яқинлаб келди. Абдулло Мирзо черигига парокандалил бўлиб, ички норизоликлар маблағ билан боғлиқ эди. Ҳазина кетма-кет юришлар, мудофаа ҳозирликлари билан гариб ҳолга келиб қолганди. Абу Саъид ва Абулхайрхоннинг доруссалтана Самарқанддан ўттиз икки чақирим нарида турганлиги овозаси Абдулло Мирзодан етарли улуфа ололмаган, кўпи ёлланма бўлган навкарларнинг босқин қилувчи томон сафларига бориб қўшилиши кузатила бошланди. Абдулло Мирзо, Абдуллатифга суиқасд қилган амир ва бекларни, сипоҳийларни алоҳида қадрга етказган эди. Улар ҳам Самарқанд учун таҳдикали бўлган шу кунларда хайр-маъзурни насия қилиб, Абу Саъид Мирзо томон йўлга туша бошлади. Қўшиндаги асосий кучларнинг юз ўғириши Самарқанд черигининг сон жиҳатидан озайишига ва руҳий тушкунлигига олиб кедди. Яда тоши ва унинг афсонавий сеҳри ҳақида миш-мишлар тарқаб, шаҳар-у қишлоқларда урчиб, болалаб кетди. Ҳамманинг оғзида, «Абулхайрхон черигига бас келиб бўлмайди, унинг қўлида шундай қурол борки, истаса қишини ёзга, ёзни қаҳратонга айлантира олади. Ёпинчиқсиз ёзда қор-у бўронда ўлдириши тайин», деган ваҳимали гаплар юрарди. Одамларнинг Абдулло Мирзодан совишида тарғиботнинг ўрни алоҳида эди.

Абдулло Мирзо қўл остидаги лашкар қисмларини Кўҳак сувидан олиб ўтиб, бирлашган қўшинга қарши борди. Кўҳак далалари, қир-у адирларини икки томон сипоҳи чигирткадай босиб кетди. Бир-бира га рўбарў келган лашкарлар кураш майдонига ошиқдилар. Абдулло Мирзонинг лашкаридаги ўнг ва сўл қанотлар ёғийларниң додини бера бошлади. Мирзонинг ўзи бошлаб, жангта кирган қалб қисмининг суворийлари душманни бир сира орқага суро бошлади. Ёғийнинг икки-уч чақирим нарида, пастқамликда турган захири чериги аҳволни ўнглаш учун жон-жаҳди билан от қўйиб, жангтоҳга етиб келди. Улар ўнг ва сўл қанотни мажақдаб, қалбнинг сафларини синдиришга муваффақ бўлди. Абдулло Мирzonинг айни кучга тўлган, ўн саккиз яшарлик навқирон пайти эмасми, олди-ортига қарамай, қилич сермай-сермай, ёғийлар орасига ёриб кириб борди. Кўп мана-ман деган сипоҳдарнинг, муборизларниң ёстиғи қуриди. Абдулло Мирзони икки юз чоғли аскар ўраб олди ва у тенгсиз жангда ўлдирилди.

Улуғбек Мирзодан кейин элнинг кайвонилари, дин арбоблари, амирлари хоҳдаб, тахтга ўтқизган Абдулло Мирzonинг умри, шу тариқа, зоеъ қилинди. Шаҳидлик шарбатини тотганида у ўн саккиз ёшга кирган, бунгача қўп аламларни бошдан ўтказган, Шероздан қувилган, Улуғбек Мирzonинг амакизодаси ҳам куёви сифатида ҳисбда сақланган эди. Абдуллатиф ўлдирилгач, Абдулло Мирзо 1450 йил 9 май куни Мовароуннаҳр тожини кийиб, тахтига ўтирган эди. Бир йилдан ортиқ муддат ичида ёш подшоҳ мамлакат идорасидан кўра, ўз ҳимояси билан машғул бўлишга мажбурият сезди. Унинг салтанат даври Абу Саъид ва Абулхайрхоннинг иттифоқлашиб, уруш бошлагани ва жанг майдонида ўлдирилишигача – 1451 йил 22 июнгача давом этди. Бу ҳижрий ҳисобда саккиз юз эллик бешинчи йилнинг йигирма иккинчи жумад ул-аввал ойи шанба кунига, қўёш жавзо буржининг охирига яқинлашганида юз берган эди. Саратонда Абу Саъид бошлаб келган бўрон оламга юз очаётган гулни қовжиратиб, куритиб кетди.

## СУЛТОН АБУ САЪИД МИРЗО

У, тангадек офтоб нури тушмаган, зимзиё ўрмондан отилиб чиққан шер эди. Чакалакзор орасида ўлжасини пойлаб, силласи қуриган, аммо ҳарба қилишга тайёр, йўлидан қайтмайдиган навқирон арслон эди. Кучга тўлишни, етилишни қанчалар кутмади у. Бу дарахтлари тарвақайлаган, шоҳ-шаббалари тизга уриб, ўтиш қийин бўлган ўрмонда тирик жон борки, ёруғликка интилади. Йўл топиш эса мушқул, иқболи қулган жонзотгина қоронгиликни маҳв этиб, мунаvvар, ойдин манзилга етиши мумкин. Етдим деганда, ортдан изғиб келаётган сиртлонлар, шоқоллар оёғидан олиши, қуёш ёғду-

си порлаб тургувчи баландлик пойида қолиб, адам бўлиши ҳеч гап эмасди. У қаттиқ ҳансирарди. Ортга қарамас, ёнбошига онда-сонда кўз ташлаб қўярди. Ишонгиси келмас, шу чароғон ҳавозага чиндан ҳам етиб олдими, ортидан таъқиб қилувчилар чалғидими?! У бир зум чўнқайди-да, битган жароҳат ўринларини ялади, роҳатланиб, керишди-да, кўксини тўлдириб ўкириб юборди. Энди у шу атроф қироли, олдини кесиб ўтадиган йўқ, эски учларини олиши, бу мавқе-га талабгорларнинг пойини қирқишига қодир забардаст шер эканли-гини англаб, баландликка кўтарила борди.

Унинг ҳам елкасига офтоб йигирма беш ёшида тегди. Олдинда зикр этилган воқеалар силсиласида исми кўп муқаррар этилди. Бу Абу Саъид Мирзо эди. Китобхоннинг зехни ўткир, у Абу Саъид нинг ҳодисотлар тадрижида бирданига пайдо бўлиб қолиши, сиёсий алғов-далғовларнинг марказида катта нисбаларга даъвогарлик қилиши ва охир-оқибатда, куни туғиб, Мовароуннаҳр таҳтига чиқиши манзараларини аҳамиятсиз қолдирмаган. Энди, у билан яқинроқдан таништайлик. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» китобида ҳижрий саккиз юз эллик учинчи (1449) йил воқеалари ҳақида тўхталганида, биринчи бор унинг номини тилга олади ва «Мирзо Абу Саъид ибн Мирзо Султон Муҳаммад ибн Мирзо Мироншоҳ ибн ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур кўрагон доимо Мирзо Улуғбек хизматида бўлиб кела рэди», дейди. Абу Саъид Мирзо 1449 йилда йигирма беш ёшда бўлган. Унинг таваллуд санаси, 1424 (ҳижрий ҳисобда 828) йил бўлиб чиқади.

Амир Темурнинг учинчи ўғли Амироншоҳ Мирзо 1408 йилда вафот этган. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» (1425) асарида, «шахзода Мироншоҳ ўттиз етти ёшида борди (яъни вафот этди – муал.), етти ўгул ва набира андин қолди: Або Бакр – йигирма учда, икки ўгул била; Алангир – тўқкуз ёшда, Усмон Чалабий – ўн тўрт ёшида; Умар ибн Мироншоҳ – йигирма иккida ва Халил Султон – йигирма бир ёшида ва Ийжал – ўн ёшида, Суйргатмиш – олти ёшида», деган маълумотни келтирган. «Зафарнома» муаллифи Амироншоҳ Мирзонинг 7 ўғли исми шарифини аниқ тилга олади. Замондош тарихчимиз Турғун Файзиевнинг «Темурийлар шажараси» (1995) асарида Амироншоҳ Мирзонинг оиласи шажараси берилганда бу мундарижалар қиёсида тафовут борлиги сезилади. Турғун Файзиев, Амироншоҳ Мирзонинг ўғиллари исмларини Халил Султон Мирзо, Муҳаммад Бакр Мирзо, Абу Бакр Мирзо, Умар Мирзо, Суюргатмиш Мирзо, Ийжал Мирзо ва Султон Муҳаммад Мирзолар тариқасида еттига, деб қайд этади. Шарафиддин Али Яздий томонидан қўрсатилмаган Муҳаммад Бакр Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо исмлари жадвалга киритилган. «Зафарнома»да берилган Усмон Чалабий исмли ўғил эса, эслатилмаган. «Алангир» исми ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Тарихшунос В.В. Бартольд вақтида бу муаммога дуч келган ва «Абу Саъид гүёки Мироншоҳнинг набираси, Султон Муҳаммаднинг ўғли эмиш; бироқ Темур тарихида Мироншоҳ ўғилларининг орасида «Султон Муҳаммад» учрамайди. У доимо Улугбек билан юрганлиги гапирилади. Нафсиламарини айтганда, олдинги воқеалар ҳикоя қилинганда унинг исми бирор дафъя ҳам кўзга чалинмайди», деган хуносани айтган эди. Мироншоҳ Мирзонинг Султон Муҳаммад исмли ўғли бўлмаганлиги, Абу Саъиднинг йигирма беш ёшига қадар бўлган таржимаи ҳоли номаълум эканлиги, табиийки, юқоридаги мулоҳазаларни келтириб чиқарган. Назаримда, XV аср ва кейинги давр тарихнавислари Амироншоҳ Мирзо ўғиллари ва набиралари исмларини алмаштириб юборганлар. Фасиҳ Ҳавофийда, масалан, Илонгир (Алангир – муал.) Мирзона Абу Бакр Мирzonинг фарзанди дейилади. «Муҳаммад Бакр», чамаси «Муҳаммад Султон» бўлса керак. Шундай таҳрирда Амироншоҳ Мирzonинг ўғиллари саккизта эмас, еттига эканлиги муаррих қавлига мувофиқ бўлади. Турғун Файзиев эса, бошқачароқ мушоҳада қиласи: Султон Муҳаммад Амироншоҳ Мирzonинг ўғли эмас, балки куёви бўлиши мумкин, деган фикрда тўхталади. Нима бўлганда ҳам, Абу Саъид Мирzonинг Улугбек Мирзо даврида оёққа туриши, Абдуллатифга қарши Жайҳун бўйига қўшин тортганида, ундан ажралиб, Самарқандни истило қилишга интилиши, аниқроқ айтилганда, Мовароуннаҳр таҳтига даъвогар бўлиши, ўша давр вазиятидан келиб чиқилса, Темурий шаҳзодаларгагина матлуб имкон эди. Қолаверса, унинг насабини «мирзо» деган мансублик нисбаси ҳам далолат этади. Абу Саъид Мирзо Жайҳун бўйидан юрак ютиб, Улугбек Мирзодан Самарқандни тортиб олишга ботиниши, кейинчалик унинг қочиб кетиши ва Бухордан Абдуллатиф томонидан олиб келтирилиши ва қатл этилмасдан, ҳибсга солиниб, ҳаёти сақлаб қолиниши кўп мулоҳазаларга ундайди. Абдуллатиф отаси тарафини олган амирларни аёвсиз ўлдириб юборгани ҳолда, уни – Улугбек Мирзога қарши борган Абу Саъидни омон қолдиради. Бу ҳаракатда қариндошлиқдан кўра, отасига ёғийлик қилган шаҳзодани тақдирлаш аломати бўртиброқ туради. Хуллас, Абу Саъид Мирзо ота-болаликнинг илиги узилай деб турган маҳалда – Улугбек Мирзо билан Абдуллатиф ёмон ёвлашган даврда с и ё с и й с а ҳ н а г а отилиб чиққан эди. Унинг дастлабки қадамлари нечоғлик ташланганлигини олдинда келган саҳифаларда йўл-йўлакай айтиб ўтдим.

Воқеалар давоми ва тадрижини Булунгур мавзесининг жанубий тарафидаги Шероз қишлоғи даштларида содир бўлган тўқнашув – Абдулло Мирzonинг ҳалокати ва Абу Саъид Мирzonинг Самарқанд тож-у таҳтини эгаллаши баёнида ҳикоя қилиш мантиққа мувофиқдир. Абдулло Мирзо исми шариғи тилга олинганда муаррихлар уни «Султон Абдуллоҳ Шерозий» ҳам деб юритадилар. Шаҳзода, отаси ва-

фот этганда икки ёшда эди, Шероз мулкини Оталиқ бек воситасида идора қилишни бошлаган эди. Ўн саккиз ёшга кириб, умрининг поёнини ҳам ана шундай – Шероз деб аталадиган жойда ниҳоясига етказди, жанг майдонида ўққа учиб, ҳалок бўлди. Бу жангда Даشتி Қипчоқ лашкари ёрдамида Абу Саъид Мирзо галабага эришди ва Мовароуннаҳр тож-у тахтига мусассар бўлди. Абу Саъид Мирзо зафар қучиб, ўзини осмон чоғлаб, Кўҳак сувидан ўтиб, Чўпон Ота дўнгликларига савлат тўкиб, шодон кўз ташлагани ҳолда Самарқандга, Кўксаройга елиб бормоқда эди.

Абдулло Мирзонинг ҳалокати Самарқандда оғир қарши олинди. Бир йил бурун шаҳзодани ҳибсдан чиқариб, тахтга сипориш қилган акобирлар таҳдикада қолдилар. Ёш подшоҳга умид боғлаган рӯҳоний Бурҳониддин Хожа ва унинг ҳамфикрларидан баъзи бирлари Хурросонга қочиб, жон сақлашни мақбул кўрдилар.

Улар тўғри йўл тутган эди. Абу Саъид Мирзонинг икки йил муқаддам Самарқанд талабида аргунлар билан келиши одамларнинг ихлосини қайтарган, «буки, ўзини тарбият қилган Улуғбек Мирзога вафо қилмабди, раиятга жафо қилмоғи тайин», деб гапиргандилар. Айтилгандай бўлиб чиқди. Абдуллатиф уни Бухородан, аргунлар орасидан олиб келтирганида, бировлар, «отасига қарши исён қилгани сабаб, уни жазолайди», деб кутганди. Йўқ, Абу Саъидни фақат ҳибсга солиш билан кифояланилди. Абу Саъидга навбат келган шу кунларда эса, у Абдуллатифга суиқасд уюштирганларни, падаркушнинг ўлдирилишига сабабчи бўлганларнинг барини тутдирди. Кўлга тушган ва бу ишда гумон қилингандарни битта қолдирмай, ўша суиқасд содир бўлган истеҳком девори, айланма чоҳ ва Боги Нав туташган ерда, ўлдириб, жасаддарини ёқиб юборди.

Абу Саъиднинг Самарқандни эгаллаб, иккинчи қилган иши «яд» тошини ишга солиб, саратонда бўрон қўпдирган Даشتти Қипчоқ ҳукмдори Абулхайрхоннинг кўнглини олиш ва оғзига сикқанича мол-ҳол бериш билан ризо қилиш бўлди. Абулхайрхон унга кўмакка отланганида, айнан шуни – бойликка ботишни ният қилганди.

Мулкирлик таъмаси сабаб кутмайди. Абу Саъид ҳам Мовароуннаҳрнинг жиловини тутиб, қайси томонларга от сурсам экан, дея ўйланиб ўтирмади. Балхга қўшин тортса, Хурросонда Абулқосим акаси Султон Мұхаммадни ясоққа етказиб, ўзи билан ўзи бўлиб турибди, босқиннинг эрта-кечи йўқ, деди-да, қилични қайраб, йўлга тушкиди. Лекин унинг хомчўти панд берди. Ҳирот ҳукмдори Абулқосим Бобур ҳам унинг тажовузи хабарини эшитибоқ, танилиб-танилмай, Самарқандни тахтиравига киритган Абу Саъиднинг адабини бериб қўйишига шошилди. Балхга келди, Жайхундан ўтди. Пайтавасига қурт тушиб қолган Абу Саъид орага элчиларни солди. Қасдланган

Абулқосим Бобур ҳижрий саккиз юз эллик саккизинчи йилнинг ўн тўртинчи шавволида, чоршанба куни Самарқанд шаҳрига 7-8 чақиримлиқ масофа қолгунича бетўхтов қўшин бошлаб келди. Бу миодий ҳисобда 1454 йилнинг 7 октябрига тўғри келади. Абу Саъид таҳтни олганидан бери ўтаётган йиллар давомида ҳали на ҳарбий, на иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб улгурмаганди. У Балхга олов қочиргандай бориб, кафтида чўғ тутгандай ортга қайтганди. Юриш ниҳоясида черик дам олишга уй-уйига тарқалганди. Ҳирот лашкарининг пойтаҳт остонасида отларни пишқиртиб турганлиги, шу важҳдан, Абу Саъиднинг саросимасига боис бўлганди. Ноиложлиқда қолган, арининг уясига ўзи чўп суққан Абу Саъид таниқди руҳоний Хожа Убайдуллоҳни восита қилиб, шаҳар ҳалқини мудофаага жалб этишдан ўзга илож топмади. Тарқаб кетган сипоҳийларга тавочилар қанчалик хабар етказишга уринмасинлар, уларнинг жам бўлиши кечикаётган, ёйи эса Дарғом ортида ҳамлага шайланадиганди. Муаррих шу ҳолатни ифода этиб, «лашкарлар шу яқин орада ижозат олиб, ўз масканларига тарқаб кетганликлари ва Ҳурросон сипоҳи хабарини эшитганликлари учун осонлик билан қайтиб келмаётганликлари туфайли, акобирлар-у шариф кишилар, касб эгалари ва ҳунармандлар билан бирга ҳамда маҳаллаларнинг арбоб ва калонтарлари, ноҳия ва булукларнинг раиятлари фарёд-у фигон кўтариб, ҳазрат Хожага (Хожа Носируддин Убайдуллоҳ – муал.) илтижо қилдилар ҳамда бир оғиздан: «агар олти ой, ҳатто бир йил бўлса ҳам, шаҳарни қўриқлаш лозим бўлса, қалъадорлик қиласиз, токи ҳаётдан жиндек бўлса ҳам боқий экан, шаҳарнинг муҳофазатига сарфлаб, душманга бермаймиз», дедилар. Ҳазрат Хожа уларга оғаринлар ўқиб, «шаҳарни мустаҳкамланглар ва дилни яратувчининг қарамига топширинглар», деб буюрди».

Бу сафар, Абу Саъид Мирзонинг Ҳурросонга, Абулқосим Бобур мулкига кўз ола қилиб, Балхга бостириб бориши оқибати – шу жавоб босқинидан Самарқандни Хожа Носириддин Убайдуллоҳ – Ҳўжа Аҳрор раҳнамолик қилган самарқандликлар асраб қолди. Абулқосим Бобурнинг фақат қилич сермаси қолган вақтда, қўлидан бир иш келмаётган Абу Саъид Туркистон тарафга сафар жабдуғини таҳт қилиб, қочиш тараддудига тушиб қолганди. Ҳўжа Аҳрор зўр ишонч билан уни бу қароридан қайтарди. Бундан руҳи кўтарилган ҳукмдор муқобил зарбага ҳозирлик кўрди, амирларга, «шаҳардан беш-олти фарсах (таҳминан, 48-50 чақирим – муал.) масофадаги раиятлардан кимнингки қудрати етса, шаҳарга келсин, қолганлари йўл чеккаларидан кўчиб, тоғларга ва йироқ вилоятларга жўнасин», деб амри фармон қилди. Шаҳар муҳофазаси учун ҳамма оёққа турди.

\* \* \*

Қалъадорлик осон эмас, ҳаёт ё мамотнинг инсон кўз ўнгидаги аксланадиган манзараси. Тўрт найза бўйи кўтарилиган, буржлар, шинаклар қатор кетган қалин деворлар, маҳкам беркитилган дарвозалар, кириш-чиқиши тўхтатилган фавқулоддаги вазиятни тасаввур қилиш оғир. Баланд, айлана истеҳком деворининг ички тарафида юриш йўлаклари бўлиб, бурж минорлари ва дарвозалар олдида ҳужумга ўтадиган ёғийни улоқтириб ташлаш учун сипоҳийлар турадиган, кўкрак бўйи деворларга туташ ҳавозалар қилинган бўлади. Ҳавозадагилар душманни камондан ўқقا тутиши, дарвозаларга кўплашиб оғочни келтириб ураётганларида бошларидан қайнаган сув, ёғларни қўйиб юбориши уларга устунлик беради. Аммо қамал – муҳосара чўзила борган сари, ичкаридагиларнинг ҳоли танг бўла бошлайди, озиқовқат, сув танқислашиб, қурол-яроғ, от-улов озуқаси тугаб боради. Бу ёғийнинг устун жиҳати. Қадимда икки ёвлашувчи томоннинг тез-тез мурожаат қиласиган кураш усули шу, қамал билан боғлиқ бўлган.

Самарқанд қамали фасл куздан қишга тортиб бораётган ойларда қизгин тус олганди. Муаррих сўзлари шундай: «Мирзо Султон Абу Саъид ҳар бир кунгира олдида битта турк ва иккита тозикдан иборат уч киши воқиф бўлиб турсин, ҳар бир бурж олдида битта хумда сув, бир кўзада ёғ ва кўп ўтин ҳозирлаб қўйилсин. Уруш олови аланга олган вақтда мухолифлар бошига доғ қилинган ёғ ва қайнаб турган сувни қўйсилар, деб тайинлади. Ҳар бир бурж орасида ичига ўтириб, ўқ отиш мумкин бўлган биттадан сандуқ маҳкамлаб қўйилди, бора тепасига киши қучоғига сифмайдиган оғочларни зарур бўлган вақтда ечиб юборишга мосланган тарзда арқон билар маҳкамлаб қўйдилар. Мухолифлар отган ўқ аввало наматга келиб санчилсин ва шаҳар халқи тик туриб, териб олсин учун кийизлар осиб қўйдилар. Найзалар таҳт қилиб қўйилди ҳамда хода-чўплар учига қулобалар ва пичоқлар маҳкамлаб ўрнатилди, мерган тирандозлар шундай ўрнашдиларки, шаҳар теварагига ҳеч томондан яқинлашиб бўлмас эди. Ҳар бир бурж тепасига биттадан доруга тайин қилиниб, улар ишларни кузатиб турардилар».

Бугун бу сўзларни этлар жунжикмай мутолаа қилиш мумкин. Лекин бундан беш юз олтмиш икки йил муқаддам содир бўлган Самарқанд муҳосараси ва муҳофазаси жон олиш ва жон бериш муддаосида бўлиб, ҳал қилувчи аҳамиятга эди. Юқоридаги иқтибосдан, мулоҳаза қилган ўқувчи, кўп жиҳатларни илғаб олади: Самарқанд ва унинг теварак-атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг ёвга қарши сафарбарлиги, истеҳком деворининг шайлиги, кураш усулларининг анъанавийлиги, шу билан бирга, қамалнинг тўсатдан юз бериши, сипоҳиларнинг тарқаб кетганлиги, қурол-яроғларнинг камлиги (душ-

ман отган ўқларни териб олиб, қайта ишлатиш) каби сир-у синоатлар кишини ҳайратга солади. Ҳайратнинг бош омили Самарқанд элининг ботирлиги, ёйига қарши бир ёқадан бош чиқариши эканлигини эсда тутиш лозим бўлади.

Абу Саъиднинг қалтисона юриши Абулқосим Бобурнинг юрагида мудраб ётган Мовароуннаҳрни қарам этиш режасини қўзғаб юборганми-йўқми, бир нарса дейиш қийин. 1447 йилдан кейин кечётган ўн йил ичидаги Хурросон ва Мовароуннаҳр тахтларига келиб-кетган шаҳзодаларнинг ҳар биридан бундай юришларни кутса бўларди. Бобокалонлари Амир Темур бирлаштирган, марказлашган давлат даражасига кўтарилиган, Хитой сарҳадларидан Шомга қадар ястанган мамлакат тариқдай тиркираб, увада кўрпадай чок-чокидан сўқилиб бораётган эдики, унинг оддини олиш эмас, бўлиб олиш пасангиси босиб кетаётганди.

Самарқанд қамали Абу Саъид вужудини ҳам ўз гирдобига тортган эди. У, шоҳларга хос ўзини ихота қилишдан воз кечиб, тарихнавис айтганидек, «шахсан ўзи барча мавзеларни бориб кўрар ва ҳисор тепасида аксар вақт пиёда юрар эди. Кеч киргандан то саҳаргача ҳар бир бурҷда бир машъал ва ҳар бир кунгирада битта чироқ ёниқ турар, «ҳозир бўл», деган ҳайқириқ осмон авжига кўтарилилар эди. Самарқанд аҳолиси шаҳарни муҳофазат қилишда тажрибакор бўлганликлари туфайли бу иш асосини яхши бунёд қилдилар».

Абулқосим Бобур ярим асрча аввал бобоси Шоҳруҳ Мирзо Самарқандни Халил Мирзодан осонлик билан олганини эслаб, бундай омад менга ҳам тутқич беради, деган ишончда эди. Унинг лашкари шаҳардан саккиз-тўқизи чақирим фарбий сарида бўлган Хишрав қишлоғи яйловида қўр тўкиб, амирлари орасида ким даставвал истилога киришади, деб ўзаро баҳс қиласиди. Амир Халил, Аҳмад ясовул, Сайид Пиёда, Қадам Кобулий, Муҳаммад Малик Омон, Жўкий каби қисм саркорлари сипоҳийлари билан Самарқанд қалъасига етишди. Қалъа ичкарисидан ҳам қуролланган муборизлар чиқиб, ўртада тифлар ишга тушиб, даҳшат қўпди. Хурросон лашкарининг илфор қисми саващда маррани бой бериб, сафлари сийраклашиб, қочишга юз қўйдилар. Йўлларда ботқоқ жойлар, уйдим-чуқурликлар бир отлиқ ўтар сўқмоқлар бўлганидан, қочаётган оламоннинг ҳоли танг бўлди. Отлар сурдовда бир-бирининг устига йиқилиб, суворийлари остда қолди, кўплари асирга тушди. Абулқосим Бобур амирлари ичидаги энг довқури Халил ҳам шу кун қўлга олинди. Тутқинларни Абу Саъид Мирзонинг ўзи сўроқ қиласиди. Амир Халил алоҳида ҳужрада қўл-оёғи боғлиқ ҳолда ётарди. Ёши ҳам қирқдан ошган, жасур, тўғрисўз киши эди. Мовароуннаҳр ҳукмдори ҳузурига чорлаганда кишанларни шақирлатиб, тик кириб борди ва тиз букмади. Абу Саъидга бу хуш ёқмади ва дўқ уриб, савол берди:

– Хурсонда егулик битдими, – деди у бургутдай тикилиб, – бунда келибсан?!

Амир Халил чуқур хомуза тортди. Нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди, «Қариндошинг бунда бошлаб келди», десамми, деган ўйга ҳам борди. Бундай жавоб вазиятни юмшатмаслигини у ичдан ҳис қилди-да, сукут сақлаб турди-да:

– Бу маъволар ота-боболаримиз юртидир, онҳазрат, – деди ва гапида давом этди, – Шоҳруҳ Мирзо тўпида Хурсонга кўчиш қилганлар...

– Самарқандму, не ерликсан?

– Боболарим Хузор ноҳиясидан, апардилар уругидандур.

Султон Абу Саъиднинг пўписалари сокин тортди ва амир Халилни кишаңдан холи қилишни буюрди. Уни ёндаги супага ўтиргизди ва сўроқ суҳбатга дўнди. Буюриди, дастурхон ёзилди, бир-бирига қарши қилич ўқталиб турган ёғийлар меҳмон-у мезбонга ўхшаб, гаплашишга киришдилар. Амир Халил суҳбат пировардида кўнглидаги гапни айтишга жазм қилди:

– Шояд, биз, тутқунлар туфайли сиз биродарлар орангизда сулҳ ва яраш қарор топса?!

Абу Саъид Мирзо унинг бу сўзидан таъсирланди. Бир неча дақиқа олдин асиrlарнинг ҳаммасини, амир Халилни биринчи бўлиб, дорга осиш ҳукмида бўлган шоҳ юзига табассум қалқди. Асиrlарни икки лашкар орасида битимга келгунга қадар тутиб туришни, уларга ситам қилмасликни буюрди.

Мовароуннаҳр подшоҳининг – ўз амакизодасининг асиrlарга кўрсатган муруввати – жонларини омонда сақлаб қолганлиги хабари Абулқосим Бобур қулоғига етгач, бу иноятдан гўё камситилгандай, фифони ўрлаб кетди ва лашкарини ҳаракатга келтириб, ялпи ҳужумни бошлаб юборди. Шу кун қуёш ўз фурубига киргунича жангнинг оташ тандири совимади.

Эртасига Хурсон сипоҳийлари Чаҳорроҳа дарвозасига яқинлаб, шу атрофдаги боғларга ёйилиб, Самарқанд мудофаачиларини ўқقا тута бошлади. Улар устун келди ва кечаги жангда олдирган нарсаларини қайтаришга эришдилар. Шу аснода Шайхзода дарвозаси эшиги ланг очилди-да, бир-бирининг изидан юзлаб суворийлар ташқарига отилди. Оҳанин дарвозасидан ҳам ёғий билан очиқ майдонда курашмоқ учун мард қалъадорлар шамшир яланғочлаб чиқдилар. Шу кун Самарқанд қалъасининг теварак-атрофи оққан қонлардан баҳорда қийғос очиладиган лолазор рангига кирди. Шаҳар аҳолиси ҳам ялписига қаршилик кўрсатишни бошлаб юборган, аҳоли қўлига нима илашса, ёғийга қарши қурол қилганди. Калтаклар, гурзилар, уни ўткир қилинган чўқморлар Хурсон суворийларини қақшатган эди. Елдек учиб келаётган отлар кўксига қадалган учли ходалар моҳирлик билан улар йўлинни пойлаб ишлатиларди. Шу кунлар па-

лахмонлар ҳам неча-неча жангчилар бошини ёриб, отдан ағдарилишга олиб келганди.

Абулқосим Бобур Самарқандни муҳосара қилишни бошлаганида, бу хилдаги қаршиликка дуч келаман, деб хаёлига келтирмаганди. Эшитгани бор, Улугбек Мирзо Ҳирот юришида шаҳар теграсидаги булукларнинг аҳолиси ёрдам ўрнига, қамал қилишга бош қўшган экан. Бу ерда эса, манзара тамом ўзгача, ён-атрофдан раият Самарқанд муҳофазасига оқиб келиб турибди, келгани ҳамон жангга киришиб кетяпти. Яна куруқ қўл билан эмас, бири бугдой, бири арпа, бири ун, бири ёғ, бири гўшт дегандай ярим халта бўлса ҳам кўтариб, етиб келмоқда. Очиқ майдонда, қалъа ташқарисида бўлаётган жангларда устунлик икки томонга ҳам даст бермади. Нима қилиш керак? Амирлар бир йўлни айтдилар. Оҳанин дарвозаси рўпарасида ўрнашиб олган, иши силжимаётган амир Ҳасан ҳийла билан қалъа ичига кириш учун Тумон Оғо хонақоҳи ичидан нақб кавлашни таклиф этди. Нақбчилар хонақоҳ ичини бузишга, ер ости йўлаги солишга энди бошлаб, белкураг-у кетмонларини ишга согланида, шаҳар эли буни фаҳмлаб қолиб, шундай шиддатли қаршилик кўрсатдиларки, биринчи бўлиб амир Ҳасаннинг ўзи жуфтакни ростлаб, чекинишга мажбур бўлди.

Ҳаво борган сари совиб, чодир-у очиқ дала-даштда тунларни ўтказаётган босқинчи сипоҳга мушкулликлар туғдирмоқда эди. Хурросон лашкари Самарқанд истилоси деб, йўлга чиққанларидан бери туяларга бир ўлат ёпишган, муаррих муболага қилиб айтганидек, «Бу юришда Хурросон лашкарида ажиб бир ҳолат юз берди. Бу ҳолат туяларга қирғин келганлиги эди. Чунончи, Мурғоб суви ёқасидан Самарқанд рўбарўсига етиб келингунча юз минг түя нобуд бўлган бўлса керак. Тирик қолганлари эса ссвуқ қаттиқдиги туфайли ҳалок бўлди. Бу воқеа кишилар хотирида малоллик пайдо қилди». Тарихнависнинг «юз минг түя нобуд бўлган», деган қавлини анча мухтасар қилиб, «ўн минг түя» чиқим бўлган деб қарайлар. Шунинг ўзи ҳам ҳазилакам рақам эмас, бир лашкар учун кифоя қиласлик юк, ҳарбий анжомларни ташиш воситаси, ҳаракат кафолати ҳисобланади. Черикка бу катта ташвиш ва малоллик олиб келган. Буни тушуниш мумкин. Тажковузкорларнинг озиқ-овқат захираси ҳам тугаб, лашкар жангдан кўра тирикчилик билан шуғулланишга эҳтиёжманд ҳолга тушади. Самарқанддан қирқ-эллик чақирим узоқдаги қишлоқлар талон-торож қилина бошлийди, фаллалар тортиб олинади, моллар ҳайдаб кетилади.

Самарқанд раияти, сипохийлар бундан хабар топиб, ясоқийлар – талончилар йўлига пистирмалар қўядиган, уларни йўлларда қириб ташлайдиган бўладилар. Шу боисдан, қамал давом этаётган маҳалда, пойтахтга олис бўлган маъволар эҳтиёти учун сочма жанг-у жа-

даллар тез-тез бўлиб турди. Бу хилдаги тўқнашувларда гоҳо устунлик хурросонликларда бўлар, Самарқанднинг Абдували Тархон, амир Аҳмад Афзал ва бошқа сардор-у навкарларини бандга туширган ҳоллар ҳам содир бўлганди. Абулқосим Бобур қўлга олингандарнинг бирортасига раҳм-шафқатни лозим деб билмади. Бироқ унинг амирлари орасида бу бемаъни муҳосара ва босқиндан норози бўлиш кайфияти нишлаб келаётганди. Абулқосим Бобурнинг ишонган амирларидан бири, катта сипоҳийлар гуруҳи сардори Баҳдул Жондор қўлини кўксига босиб, Самарқанд қалъадорларига таслим чекиб, кетиб қолди. Бу тариқа Абулқосим Бобурнинг кетаётган ҳарбий қувватини яна бир пофона қўйига индирди. Баҳдул Жондорнинг укаси ҳам ёғий тарафга ўтмоқчи бўлиб, акаси билан дарвозагача эргашиб бориб, сўнгги қадамда орқага қайтди. Бундан газабланган Абулқосим Бобур Баҳдулнинг мулкини бошқа бирига – амир Паҳлавон Ҳусайнга олиб берди, суюргол маъвоси Туршиз вилоятини амир Шужоуддин Ҳусайн Алига тақдим қилди.

Бу тадбирлар натижадан кечиккан эди. Қўшин кайфияти совуқда қолган идишдаги симобдек пастга чўккан эди. Абулқосим Бобур умрида қилмаган ишни – Самарқанд лашкаридан асир олингандарни қатл этишдан тийилиб, афв қаламини чекишга жазм қилди. Бу мурувватдан эмас, иложисизликдан эди. Қўшин тортишнинг, йўқотишларнинг зиён-заҳмати энди унга аён бўла бошлиганди. Асирларга шафқат сулҳга восита бўлиши мумкин эди. Сулҳ Хурросон лашкарини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолиши мумкин бўлган чора эди.

Абулқосим Бобур бошлаб келган Хурросон лашкари Самарқандни қамалга маҳкум этганига қирқ кун бўлаётган эди. Босқин ва қамал Абулқосим Бобур ва унинг черигига қанчалик қимматга тушган бўлса, Мовароуннаҳр сипоҳийлари ва элига ундан-да оғир жафолар келтирди. Бу қарши туриш икки томон одамларининг bemavrid қирилишларига, очлик, қиши совуғи азобларини тортишига боис бўлди. Неча минглаб отлар, туялар қирилди, яйловлардаги моллар, омборлардаги фаллалар таланди. Ниҳоят, с у л ҳ қарор топди. Шартга биноан, Жайҳуннинг ўнг тарафи Самарқанд тож-у тахтига вобаста деб тан олинадиган бўлди. Тарихнавис бундан истеҳзо қилиб, «ҳар икки тараф асирларни бўштадиган ва Жайҳуннинг у тарафи Самарқандга дохил бўладиган бўлди, зотан, Мовароуннаҳр ўзи шундан иборат эди. Ана шунга мувофиқ аҳд-у паймон туздилар ва паймонни имон билан тасдиқладилар», дейди. Элчиёна тил билан айтилса, Мовароуннаҳрнинг азалий ҳудудий бирлиги яна бир марта тан олинишига эришилган. Мовароуннаҳр мустақиллигини тан олиш учун Абулқосим Бобурнинг шунча вақт, шунча сарф-у харажат, шунча қон тўкиши шартмиди? Бу бир томони. Мовароуннаҳрни тан одириши учун, Абу Саъид Мирзонинг мушт дулайтириб, Балхга бости-

риб бориши ва жавобига босқин, қамал, талафотлар бериши зарурмиди? Чапак мудом икки кафтдан чиқади. Бу ерда мен уларнинг бирига иснод, бирига ибрат шевасини кўзда тутганим йўқ. Иснод. Буни инкор қилиб бўлмайди. Ўша замонда шу ҳақда иккала томон, икки биродарзода жиндеккина фикр юритганда борми, олам чароғон бўларди. Ибрат эса, энди уларга эмас, биз, ортда қолганларга, авлодларга керак.

Бу воқеа 1454 йилнинг кузи ва қиши бошларида кечди. Абулқосим Бобур Мирзо ҳижрий саккиз юз эллик саккизинчи йилнинг зулҳижжа ойи бошларида Карки кечувидан – Жайҳундан ўтиб, доруссалтана Ҳиротга томон юрди. Бир ойга яқин йўл босиб, саккиз юз эллик тўққизинчи йилнинг тўртинчи муҳаррамида (25 декабрь, 1454) Боги Зоғонга келиб тушди.

Қишининг қолган қисмини иккала подшоҳ ўз пойтахтларида кечирди. Кунлар илий бошлагач, Андҳуд вилоятидан Абулқосим Бобурга дарак бордики, Абу Саъид Мирзонинг укаси Манучеҳр Мирзо вақтида бу мавзеда қишлоғ қилиб қолиб, яна уни талон қилишга киришиди, деган мазмунда. Манучеҳр Мирзо Абулқосим Бобур Мирзо Мовароуннаҳрга жавоб юриши қилган пайтида Жайҳундан ўтишга кечиккан ва Андҳуд, Зардак саҳросида яшириниб, вақт ўтказган эди. Ёнида юз чоғли йигитлари ҳам бор эди. Улар Самарқандда юз берган воқеалардан хабарсиз бўлиб, Жайҳундан ўтиш умидида, бир амаллаб кун кечирар, талон-торожсиз бунинг уҳдасидан чиқолмасдилар. Амир Шайх Зуннун бошчилигида каттагина аскарлар гуруҳи уларни бир қишлоқ ичидаги ўраб олдилар, Манучеҳр Мирзо қўлга тушди. Бунинг хабари дарҳол Ҳиротга жўнатилди. Бошқа пайтда бўлганда асирга олингандарнинг боши танидан жудо бўларди. Шу яқинда Самарқандда сулҳга эришилганлиги уларнинг жонларига оро кирди. Манучеҳр Мирзони бандга солинган ҳолда Самарқандга, акаси Абу Саъид Мирзо ихтиёрига юбордилар.

Биродар подшоҳлар ўртасида тузилган сулҳ амал қила бошлаган эди. Шундай замон эдик, бир жойда уруш алангаси ўчса, унга қўшини бўлган бошқа бир ўлкада яна ихтилоф ўчогига ўт қаланар, яна бесаранжомлик авжига чиқар эди. Ҳали ҳеч бир муаррих XV асрнинг иккинчи ярми бошларида юз берган урушлар, низолар, ҳалок бўлган одамлар миқдорини аниқлаб ултурган эмас. Ҳирот ва Самарқанд битими ҳам кунлар ўтган сари бевосита ёхуд билвосита оҳорини йўқотиб бораётган эди. Бунинг сабаблари кўп. Бирламчиси сулолага мансуб шаҳзодалар, уларнинг от минишни ўрганиши ҳамоноқ, тож-у тахт кўпкарисига киришуви билан чамбарчас боғлиқ эди. Иккинчи жиҳати, давлат ноғорасини маҳкам тутгандарнинг қайси оҳангда, қайси алфозда куйлашига ўйинга тушмаслик иложсизлигида эди. Тахт талабгорларининг иони улар қўлида эди.

\* \* \*

Бир сулолага мансуб бўлиб, томири туташган ака-укалар, амакизодалар улғайиб, тождор қариндоши хизматида бўлиши, вақти келиб, ундан юз ўғириши гўё одат тусини олгандай туюлади. Бунга оид кечмишни бир оз тадқиқ этиб қўрилса, жилов бурган яқинларнинг ҳам дилида чўкиб ётган гина ва кеклар етарлича эканлиги аён бўла боради. Бу мисоли шаффофф идишдаги тиниган сувдай. Юза қисми зилол, тагига боқилса ёинки озгина чайқатилса, қумлар қўзгалиб, сув бўтана ҳолига киради. Чўкиб ётган лойу қум бир кун чайқалмай, тиниган сув хира тортмай илож йўқ экан.

Абулқосим Бобур Самарқанддан қайтишда Карки кечувига етганида ортда келаётган бир тўда жиловни Хоразм сарига бурди. Тўданнинг саркори Султон Увайс эди. Султон Увайс билан яқинроқ танишайлик, нега у шунча вақт амакиси Абулқосим Бобур Мирзо лашкарида саркорлардан бўлиб юрди, муҳорабаларда жонини жабборга бериб жанг қилди, юришларда очликка ҳам, тўқликка ҳам чидади, дала-даштларда отнинг эгарини ёстиқ қилиб, бостирмасини кўрпа қилди нега? Нечун Омуя сувидан ўтиб, Хурросонга қадам босишга саноқли фарсахлар қолганда Хоразмга от бурди, нега?! Абулқосим Бобур Мирзо уни ўзимники деб сийламагани каби, бегона кўриб, ўгайлагани ҳам йўқ эди. Гап эса Абулқосим Бобурнинг акаси Султон Муҳаммад томонидан чуватилган эди.

Амир Темурнинг тўрт чинор фарзандидан тўнғичи Умаршайх Мирзонинг ўғиллари кўп эди. Улардан бири Бойқаро Мирзо бўлиб, унинг ҳам ўз навбатида Музaffer, Муҳаммад ва Мансур Мирзо деган болалари бўлган. Вақти соати етиб, Шоҳруҳ Мирзо авлодига Хурросон, Форс ва Ироқ мулклари ҳукмдорлиги текканда, айниқса, онҳазратнинг ўлимидан кейин бошланган фурбатларда Умаршайх Мирзо тармоги йўлнинг четига чиқариб қўйилади. Бойсунғур Мирzonинг ўғли Султон Муҳаммад Машҳадни эгаллаб олганида Бойқаро Мирzonинг Муҳаммад исмли ўғлини қатлга етказади. Султон Увайс ана шу қатл этилган Муҳаммад Мирzonинг ўғли бўларди. Султон Муҳаммад эса, Абулқосим Бобурнинг акаси эди. Гарчанд, Абулқосим Бобур ўз тож-у тахти муҳофазасида тувишган акасини ҳам аяб ўтирмаса-да, Султон Увайс ундан ажралишни, пешонасини синаб кўришни мақбул кўрди. Бундай айтиладиган бўлса, кўнгил шишаси чайқалган, эски араз-гиналар қўзгалиб, кина юзага чиққанди.

Ноғорани маҳкам тутган Пир Аҳмад Тархон Султон Увайсга атаб янги бир «кўй» ижод қилган, уни кишилар орқали Ўтрорга келишга таклиф қилганди. Пир Аҳмад Тархон вақтида Абу Саъид Мирзо томонидан Ўтрор ва шу теградаги манзилларга ҳоким этиб қўйилган киши эди. Унинг Умаршайх авлодига садоқати бошқача бўлганми, билмадим, аммо Султон Увайсга катта ҳурмат кўрсатиб, ўз ўрнини

унга беради, ҳокимият жиловини қўшқўллаб тутқазади. Рости, қадим тарихни озми-кўпми мутолаа қилиб, бундай жўмардликка биринчи дуч келишим эдики, кўп ҳайратда қолдим. Муаррих Султон Увайснинг мақомини Пир Аҳмад Тархон «Султон Увайсни Ўтрорга таклиф қилиб, уни подшоҳликка кўтарди», дейди.

Бу хабар қанот қоқиб, Самарқандга учиб келади. Абу Саъид Мирзо буни эшитиб, жаҳл отига минади – лашкарни тайёр қилиб, Ўтрор сари юриш бошлайди. Абу Саъид қўшинида, ўқувчи ёдиадир, Абулқосим Бобур Мирзодан юз ўтириб, унга қўшилган амир Баҳдул Жондор ҳам бор эди. Абу Саъид унинг иззатини жойига қўйиб, лашкарда амирлик мартабасини инъом этганди. Самарқанд қўшини Ўтрорга етганда амир Баҳдул Жондорнинг феъли айниди-да, йўлинни топиб, Абу Саъид Мирзони ташлаб, Султон Увайсни паноҳ тутиб кетди. Одатдагидай, Ўтрор қамалда қолди, ҳали шамшир-у найзалар, ўқ-у садоқлар бир натижа бермай, Даشتி Қипчоқ подшоҳи Абулхайрхоннинг Ўтрорга мададга бир қисм сипоҳ юборгани маълаум бўлди. Бу нобоп юриш Абу Саъид Мирзога жуда қимматга тушди. Ёрдам кучлари етишгач, Самарқанд чериги бутунлай яксонликка учради. Султон Абу Саъиднинг ўзи, тарихнавис шаҳодатича, ўша муҳорабадан Самарқандга бор-йўғи «ўнтадан ортиқ бўлмаган кишилар билан етиб келди».

Қувгин еб, қочган шернинг аҳволини бир тасаввур қиласайлик. Пойтахтига шармисорликда келган подшоҳнинг захира кучларни жамлаши тайин эди. Дарҳол Боязид парвоначининг ўғли Абдухолик Тошкандга мадад кучларини бошлаб боришга мутасадди қилинди. Тошканда эса амир Қубод ва амир Бадр Султон Арғунийлар жисплиқда Султон Увайс ва тарафдорларига қарши бориши муқаррар қилиб қўйилганди. Абдухолик тамомила амр-у фармоннинг тескарисини қиласи – иккала амир Қубод ва Бадр Султонларни ўлдидиради, сўнг эса, Ўтрордан Султон Увайс ва Пир Аҳмад Тархонларни чорлаб, Тошкент орқали Самарқандга қўшин тортишга даъват этади. Абдухоликнинг юрагида қандай кири бор, аниқлаш имкондан бўлмаган, чоғи, бу ҳақда муаррихлар ортиқ бирор сўз дейишмаган. Мана, хиёнатнинг энг машъум намунаси, мана, диёнатнинг энг тубан кўриниши. Ўз юрти устига душман бошлаб келишнинг антиқа намёёни, деб шуни айтадилар.

Аро йўлда қолган Абу Саъид Мирзонинг шу дамлардаги ҳолини тасаввурга сифдириб бўлмайди. Унинг иродаси метин, асаблари пўлатдан бўлган, чоғи. Эрта-индин тугашига баҳялар қолиб турганда, подшоҳ ўзини йўқотиб қўймади. Дарҳол амирларини ишга солди, раиятдан дуд – тутун пулинин йиғишга жалб этди. Рўзгор борки, улардан тезда катта маблағ йиғиб-териб олинди. Нақдина бўлган жойда – лашкар ҳам тайёр, денг. Янгидан саф тортган черик ши-

тоб билан йўлга чиқди ва лоқайд келаётган Ўтрор сипоҳийлариға ногаҳон ҳужум қилиб, ғолибликни қўлга киритдилар. «Гўзаллиқда инсон жинси орасида мумтоз бўлган» Султон Увайс Мирзо тутилиб, қатл этилди. Пир Аҳмад Тархонни қувлаб, тутиб келиб бўлмади. Абдулхолик эса қўлга олинди. У Хожа Абу Наср Порсога илтижо қилиб, ўлимдан асраб қолишни ялиниб-ёлвориб сўради. Абу Саъид шунча кўргиликлар тўқимачиси бўлган бу касни бандга солишга буюрди. Хиёнаткорликни касб қилиб олган Баҳдул Жондорни қочган еридан ушлаб келишди ва зинданбанд қилишди.

Абу Саъид Мирзо салтанатига қарши уюштирилган, кенг миқёсдаги бу қаршилик ҳаракати шу билан ниҳоясига етмаган эди. Кураш бошлиганилар, чамаси, сўнгти томчи қонлари қолгунча, уни йўқ қилиш аҳдида бўлган кўринади. Абу Саъид муваффакият қозониб, Самарқандга қайтганидан кўп ўтмай, унинг мухолифлари куч йиғиб, тағин Самарқандга тажовуз билан йўналганлари маълум бўлди. Афтидан, бу пайдар-пай босқинлар замирида Абу Саъидни йўқотишнинг қўламли режаси пиштирилган. Курашга шаҳзодалар ҳам бош қўшганлар. Жанг майдонидан қочиб қутулган Пир Аҳмад Тархон бу сафарги Самарқанд юришига бош бўлди. Унинг келишидан хабар топган Абу Саъид Мирзо дарҳол ҳибсда сақлаб турилган Баҳдул Жондор ва Абдулхоликни дорга осдириб, Пир Муҳаммад Мирзо Рустамни, унинг ўғли Санжар Мирзони ҳам жаҳд устида қатл қилдириб юборди.

Самарқанд тахтини омон сақлаб қолиш жуда қийин кечган эди. Пир Аҳмад Тархон ва амакизода шаҳзодаларнинг кетидан тушиш, Ўтроргача бориш ва уларни тоғ-у тошларга қувиб юбориш ўзи бўлган эмасди. Шундай издиҳомлар авжида Амир Темурнинг ўғли Умаршайх Мирзо ўғли Бойқаро Мирzonинг фарзанди Мансур Мирzonинг ўғли Ҳусайн Бойқаро ва унинг акаси Бойқаро Мирzonи, уларнинг поччаси Султон Аҳмад ибн Сайди Аҳмад ибн Мирзо Мироншоҳни ва унинг ўғли Кичик Мирзоларни банди қилиб, зинданга солдирди.

Ҳусайн Бойқаронинг ҳибсга олиниши воқеаси олдинда, Абулқосим Бобур Мирзо воқеати баёнида бирров зикр этилган, онаси аралашуви билан Абулқосим Бобур илтимосига кўра, худди Манучеҳр Мирзо афв этилгани сингари, қутқазилганлиги зикр этилган эди. Абу Саъид Мирзо Ҳусайн Бойқарони банддан халос этишга этиб, кейин пушаймон бўлган, уни тутиб келишга кишиларни юборган эди. Бундан чиқади, зинданбанд қилинган шаҳзодаларнинг Абу Саъидга қарши фитнаси ва ошкора босқинида Ҳусайн Бойқаронинг мавқеи ва фаоллиги кучлироқ бўлган. У озод қилингандан кейинги гап-сўзлар, эҳтимол, тафтишлар шуни далолат этган ва унинг орқасидан бежиз сипоҳилар тутиш учун юборилмаган, деган ўйларга эрк беради.

\* \* \*

Шарқдан ёришаётган тонг Улугбек Мирзо мадрасаси пештоқи ва ён минорларида аксланиб, жилва қиласы. Узоқдан Кўксарой соядек кўзга чалинади. Нурнинг заррин қатимлари ўрду сари имиллаб жилаётгандек. Сарой тонг сукунатида. Эътибор берилса, яқин кўчаларда фаррошларнинг супургилари ишга тушгани саси элас-элас эшитилади. Тунқотар соқчилар дараги ҳам, овози ҳам қулоққа чалинмайди, уларнинг бальзилари саҳар уйқусини бошлаган, айримлари масжидларга йўл олган. Шу пайт олис ва яқиндаги масжидлардан муаззинларнинг қўнғироқдай чорлови – азони бошланди. Шаҳарда масжидлар кўп, ҳар маҳалланинг ўз мезанаси бор. Деярли бир вақтда бомдод намозига чақирилаётгай аzon товушлари бир-бирига қоришиб, бошланаётган кунга айтилаётган мадхиядай янграйди. Азон саслари тинар-тинмас, жин кўчалардан қадам товуши кела бошлади.

Шаҳарнинг акобир-у аъёнлари Улугбек Мирзонинг кўксини жанубга кериб турган муаззам мадрасасига қатнардилар. Кейинги пайларда толиби илмлар ҳам, мударрислар ҳам камайиб қолган, олийшаън иморат пештоқига Абдуллатифнинг боши осиб қўйилгандан кейин аввалгидек гавжум бўлмай қолганди. Падаркушликнинг иснодини муҳташам бинолар ҳам тортмай қолмас экан. Самарқандни ёғийлар устма-уст қамал қила бошлагач, теварак-атрофдаги маҳаллаларнинг пешволари, Кўксарой казо-казолари яна мадрасада жам бўла бошлади. Абдулло Мирзонинг даврида шайхулислом Хожа Бурҳониддин бу ишга рағбат қилган, мадрасанинг олдинги шукуҳини тиклаган, гавжумлигига тамал қўйган эди. Хожанинг ёш подшоҳга муносабати илиқ, унинг тахтга чиқишида алоҳида саъй-ҳаракати бўлганди. Ҳамма иш жойига тушиб, Абдулло Мирзо ҳокимиятига бир йил тўлганда, Абу Саъиднинг хуружи рўй берди-да, шоҳ ўлдирилди, Хожа Бурҳониддин эса, ўч олинишидан қўрқиб, Ҳиротга кетиб қолди. Хожа Самарқандда қадам узгандан бери шаҳарнинг боши фалвадан чиқмай қолди. Умрида бу жойларга келмаган ҳиротлик Темурий шаҳзодалар тахт-у тож талабори бўлиб, гулга ишқибоз асаларидай айланиб қолишиди. Бири босиб келади, бири қувғун еб кетади. Айниқса, кейинги пайтда Ўтрор орқали қилинган тажовузлар суюқдан ўтиб кетди.

Бомдод тоат-ибодатидан кейин шайхулислом ва уч-тўрт номдор сайидлар, саройдаги таниқли кишиларнинг ўн-ўн беши қадамни секинлатиб, шу ҳақда гурунглашиб, Кўксарой томон борардилар. Уларнинг гапи кўпдан пишган, энди арзларини подшоҳ Абу Саъид Мирзога айтиш тадоригида эдилар. Мирзо уларни очиқ чехра билан қарши олди. Кўксаройнинг катта айвонида дастурхон ёзилиб, сұхбатлари аста-секин қўржиди. Абу Саъид Мирзо танийдигани, аммо бу йифинда кўзи тушмаётгани кишиларни сўраб-суриштирган бўлди.

Мўйсафидларнинг ёши улуғи сабабни келтириб, уларнинг айримлари қамал қунларида ёғий билан курашда, кўпчилиги жанг қунларида ҳалок бўлганлигини айтди. Фотиҳа ўқилиб, охиратлари тиланди.

Абу Саъид Мирзо қамал-у жанг-у жадаллар ёдга олингандан кеинин маҳзун бир ҳолга тушгандек бўлди. Бу маслаҳату арз ниятида келган аъёнлар учун айни муддао, Аллоҳ таолонинг марҳамати бўлди. Гапни бошлашга вазиятни шоҳнинг ўзи муҳайё қилган эди. Тўрда, шайхулисломлик вазифасини шу кунгача адо қилиб келаётган порсолар авлодидан бўлган мўйсафид, томоқ қирди-да:

– Шоҳи аъзам олий зот, – деди дастурхон попукларини ушлаб, – бир қошиқ қонимиздан кечгайдурсиз, бир ўтинчимиз бордур. Хожа Бурҳониддин Умар ҳазратларининг Ҳиротда сафари қаригандур, деб билурмиз. Иноят қилсалар, ул Зотни бунда, ўз масканларига қўндиromoқ мақбул тушарди, иншооллоҳ!

– Хожаи мавлононинг қадамлари пойтахtingизни зийнатлагай, – қўшимча қила кетди ёндаги соқоллари оппоқ нуроний чол, – элимизда осойиш, қут ҳам барокат бирга қайтгусидир, Султоним!

– Мавлоно Самарқандни тарқ этди-ю, хосият битди, – дея гапга аралашди амирлардан бири, – favfo устига favfo қўпди, салтанатингизга путур етказаман деган қўп бўлди, ҳалиям, Аллоҳ таоло омонлик ато қилди.

Подшоҳ гапларни бафуржга тинглади. Ўзининг ҳам кейинги пойтларда Самарқанддек Амир Темур довругини жаҳонга ёйган пойтахтга бунчалар қўп савдолар, қирғинбаротлар, истило қилишга интилишлар пайдар-пай давом этганлигидан ташвиш-у ўйга тушиб қолганди. Хожа Бурҳониддин Умар жанобларининг вақтида унга рағбати бўлмаган, Абдулло Мирзони тарбият қилган, пири бўлган. Орадан тўрт-беш йил ўтди, аммо Самарқандга қайтиб қадам босмади. Мулклари, ургулари, қавмлари ул зотга интизордурлар. Хожадан бир нохуш гап, даъват эшитилмайдур. Арзгўйлар тўғри талаб сипориш қилурлар, Хожаи мавлонони доруссалтана Самарқандга олиб келиш салтанат-у раият учун зарур қўринур. Диёнат меҳвари бизда бўлмоғи жоиз. Улуғ машойихлар, ҳадис алломалари, фикҳ устодлари Бухоро-ю Кеш, Насаф-у Самарқандда ватан тутмишлар, Сайийд Барака ҳазратлари Амир Темур давлатининг руҳоний таянчи ҳисобланмиш... Абу Саъид Мирзо илтимосларини етказган кайвони зотлар ҳузуридан хушлашиб чиқиб кетгач, шу мулоҳазаларни қилди-да, бир қарорга келди.

Ҳиротга шоҳона туҳфа билан элчилар жўнатилди. Абулқосим Бобурнинг лочинларга иштиёқи баландлигидан бир неча шунқор, боғлиқда турган бедов отлар ва қимматбаҳо ашёлар туҳфа қилинди. Элчилар топширган номада Абу Саъид Мирзо томонидан «улуг кишилар раҳбари, миллат ва диннинг бурҳони Хожа Бурҳониддин

Умарни ўз юртига қайтариш» сўралган эди. Абулқосим Бобур Мирзога бу сўров маъқул туюлиб, Хожанинг ҳузурига хос кишисини юбориб, унинг қўлига хат тутқазди. Мактубда, «Шайхулисломнинг (яъни Хожа Умарнинг – муал.) шариф сұхбатлари биз учун беҳад матлубдир. Агарчанди, хотирларида бирор талаблари бўлса, ишорат буюрсинар, токи давлатхоҳ бандалар уни саранжомига етказсинлар», дейилганди.

Хожа Бурҳониддин Умар ҳазратлари Ҳиротда яшай бошлиганидан бери ҳурмат-иззати жойида, шоҳона анжуманларда жойи тўрда бўларди. Абулқосим Бобур Мирзонинг бу хил кўнгил сўраши, табиийки, қайтишга рухсати олий бериши маъносини англатарди. Шу туфайли Хожа жаноблари ҳам ўз кечинмаларини шундай изҳор қилди:

«Ул ҳазратнинг (Абулқосим Бобур – муал.) ҳимояси соясида давлату саодат билан яшаганим муддат ичида хотиримдан ўтган орзулаардан бирортаси қолмадики, мен етишмаган бўлсам, аммо «ватанга муҳаббат – имондандур», деган хабар тўғридур. Агар ул ҳазратнинг инояти қайтишга ижозат буюрса, бу давлатхоҳ қай ерда турмайин, умрим бўйи у кишининг мақтовлари ва олижанобликларини ёйиш-у, яхши қилмишлари ва орзуларини тарғиб қилишда ширин тил-у нозик баён бўлғумдир».

Мавлоно Хожа рухсати олий билан Самарқандга қайтадиган бўлди. Абулқосим Бобур у шариф зотнинг обрўсини янада кўтарди, муаррих бу хусусда, «кўп нақд пул, ҳисобсиз буюмлар, йўрға отлар, бақувват хачирлар, қатор-қатор туялар, яхши лиbosлар ва қиммат-баҳо палослар» ҳадя қилганлигини айтади.

Абулқосим Бобурнинг Мовароуннаҳр юришидан кейин ўртада сулҳ вужудга келгач, қилган яхши ишларидан бири шу эди. Бу олижанобликка ундан омил эса, Абу Саъид ташаббусида, алоқани у бошлиб берганди, Хожани Самарқандга қайтариш мактубини ёзив, яқин кишиларидан бўлган Абдулкарим баковулни элчи қилиб юборган эди.

Самарқанд аҳди Бурҳониддин Умарни катта соғинч ва улкан шараф билан кутиб олди. Бир неча йиллик ватан жудолиги шоҳона кутиб олишлар, мурид-у қавмларнинг, раиятнинг олқишилари билан унут бўлди. Хожа яна шайхулислом мартабасига эришди, Абу Саъид Мирзо катта бисотлар ажратди. Бунчалик иззат-икром, муаррих таъкидаганидек, у зотнинг хаёлидан ҳам ўтмаган эди.

Ҳукмдорнинг маслаҳат билан иш кўриши давлатининг барорида жуда катта аҳамиятга эга. Бунга мисол Амир Темур ҳазратлари тарихидан исталганча топилади. Абу Саъид Мирzonинг ўз даврининг таниқли руҳонийиси Хожа Бурҳониддин Умарнинг юртига қайтиши бобидаги тантлиги яхши фикрларга сабаб бўлган эди. Кечирим, амният бўлган жойда иқтисодий ва маданий ҳаёт равнаққа юз буради,

мамлакатлар ўртасида уруш-низо эмас, яхши қўшничилик алоқалари ривожлана бошлади. Мавлоно Хожа Самарқандда ўрнашгандан кейин Абу Саъид Мирзо мажлисларида кўтаринки руҳ пайдо бўла бошлади. Хожа Абулқосим Бобурнинг илм-фанга, диний китобларга ихлос қўйганлигини сўзлаб берар, суҳбатларида кўп далиллар келтирип эди. Хулосалар подшоҳларни билими бўлиши, донишмандлиги фойдаларига, ибратга бориб тақаларди. Шундай анжуманлардан бирида Хожа Бурҳониддин Ҳиротга, Абулқосим Бобур Мирзога китоблар юбориш таклифини қилди. Қайтар чорида Абулқосим Бобур Мирзо ундан Хожа Абул Вафо Хоразмий қаламига мансуб китоблардан бўлса, тақдим этишни сўраган эди. Абу Саъид Мирзога ҳам кўпдан Улугбек Мирзонинг юлдузлар олами тўғрисидаги «Зиж»ининг бир нусхасини элчилар орқали сўраттирган эди. Ҳиротга шу орада элчилар ва савдо карвони жўнайдиган бўлди.

Абулқосим Бобурнинг хаста бўлганлиги ва тузалиб, ўзига келганлиги хабари Самарқандга ҳам етиб келган эди. Шу муносабат билан Ҳиротга кўнгил сўраш баҳонасида совға-саломлар ва ноёб китоблар ҳам юборилди. Улар орасида Улугбек Мирzonинг «Зижи жадиди Султоний», Абул Вафо Хоразмийнинг «Лубб ул-албоб» сингари асарлари бор эди. Бу китобларни қўлга олиб, Абулқосим Бобурнинг заиф вужудига жон кирган, руҳи енгил тортиб, кайфияти кўтарилган эди. Элчининг устига ўз қўли билан зарбофт тўн ёпган эди. Бу ишлар ўша даврнинг энг зўр маданий алоқаси намуналаридан саналишга лойик эди.

\* \* \*

Ҳижрий саккиз юз олтмиш биринчи йил (1457) Хуросондаги Темурийлар салтанати учун оғир бошланди. Рабиъ ус-соний ойининг йигирма бешида (22 март) Абулқосим Бобур Мирzonинг вафот этиши кулфатлар, фожиалар, муҳорабалар шайини Ҳирот томон оғиб, мамлакатнинг уруш ўчогига айланишини бошлаб бергандек эди. Шоҳ Маҳмуд Мирзо билан Иброҳим Мирзо яна тахт учун қирпишоқ бўлиб, жанг-у жадалларни авжга миндирдилар. Хуросонда юз берган тўс-тўполонлар Мовароуннаҳрда синчковлик билан кузатиб бориларди.

Абу Саъид Мирзо феълида туфма ҳаром томирдан озиқ оловчи бир одат бор эди. Бунинг номини ўжарлик десакми ёинки тишлаган жойини узмасдан қўймасликми, ишқилиб, кўнглидан бир ўтказганини нари қилмас, берига силжитмай, тинчимасди. Неча йил олдин унга шу одати панд бераёзганди. Абдулло Мирзони енгиб, Самарқандни олгач, энди кучим Хуросонга ҳам етади, деб чакки ўйлаган эди. Шу биргина қусури бошига қанча балолар келтирмади. Ҳалиям, Аллоҳ таоло уни қанча босқинлардан омон сақлаб қолди.

Йўқса, Абулқосим Бобур ва йўттордан талаб солиб келишлар Мовароуннаҳри қўлдан чиқаришига бир баҳя қолдирганди. Кейинги йилларда салтанати изга тушди. Хожа Бурҳониддин шарофатими ёхуд Яратганинг унга марҳаматими, тахти ва раияти тинч, узатган қўли Жайҳун адодига ҳам етадиган бўлиб қолди. Хурросон, қарийб бир асрдирки, Форс-у Ироқ сингари бобокалони Амир Темур ҳазратлари асос соглан, марказлаштирган қудратли давлатнинг бир қисми. Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин нодон шаҳзодалар тахт та-лашиб, оғзидағини ҳам олдириб, бир-бирига рақобатда келдилар. Энди Абулқосим Бобур Мирзо вафотидан кейин эски васвасалар яна отларни якчирги қилиб, қамчилашга ундумай қолмас. Она сути оғзидан кетмаган Шоҳ Маҳмуд ва норасида ўспирин Иброҳим Мирзолар Хурросон, Эрон, Ироқ сарҳадларини қўлда тутиб, идора қила олурми?! Қўрқаменким, улар жиққамушт чоғларида, анави туркман шаввозвлари Ҳиротни ҳам қамравига олсалар, ҳеч ажаб йўқ... Абу Саъид Мирзонинг Ҳиротда юз берган сўнгти воқеаларга муносабати шу мулоҳазалари асосида етилиб келмоқда эди.

Қалъанинг Шайхзода дарвозаси олдида йўл юриб ҳоригани шакли шамойилидан шундоқ билиниб турган отлиқ тўхтади. Дарҳол уни отдан тушириб, иззатини қилдилар. Олис-ёвуқдан келадиган меҳмонлар тушириладиган кўркам бинолардан бирига бошлишиб, жой бердилар. Меҳмон Балхдан келаётганини, амир Шайх Ҳожи фақат Абу Саъид Мирзога айтадиган гап тайин қилганини сўзлади. Абу Саъид Мирзо амирни эшитган, шаҳзодалар ва унинг орасида вужудга келган низодан ҳам хабардор эди. Шайх Ҳожининг юборган кишиси тахтоҳ пойига юкиниб келди-да, йўл бўйи авайлаб-асраб келганномани подшоҳга узатди. Абу Саъид хатга кўз қирини ташлади:

«Зоти олийлари, Хурросон мамлакати бу кун эгасиздир. Сиз ҳазратнинг черигингиз отлари жиловини шу томон бурсалар, эл-у улус ихтиёрингизга киур».

Бир энлик нома шошилинч ёзилганлиги сезилиб турад, қофознинг айрим ўринлари сиёҳдан чатилган, шоҳона эмас, оддий букланган битик эди.

Номани келтирган киши қайтиб кетди. Абу Саъид Мирзо унга сиймосидан бир белги ҳам ошкор қиласади, на маъқуллади, на инкор қиласди. Аммо шайх Ҳожининг даъватидан ичидаги қувонди, ташқи кучлар ҳам унинг кимлиги ва қудратини тан олгани жуда ёқимли туюлиб кетди. Хаёлида етилаётган Хурсонга қўшин тортиш муддаоси бирданига уч бергандек, ўзига ишонч юзига қалқди – жилмайган бўлди.

Нома олинишидан ҳафта ўтиб, Самарқанд лашкари Балх томон йўлга тушган эди. Кўп ўтмай, амир Шайх Ҳожи алдови билан Балхга йўл олган Иброҳим Мирзо қўшинлари билан жанг бўлди. Бу жанг ҳақида олдинда ҳикоя қилинди. Иброҳим Мирзо Журзавон тарафга

қочди, Абу Саъид Мирзо сипоҳийлари эса, шиддат билан Ҳирот томон от қўйдилар. Абулқосим Бобур Мирзо вафотидан тўрт ойга яқин вақт ўтар-ўтмас, Абу Саъид Мирзо Ҳиротга етди. Шаъбон ойининг йигирма бешида лашкар Ҳирот атрофидаги Соқи Салмон қишлоғининг шимол тарафига қўш ташлади. Шоҳрух Мирзонинг пойтахтида ёғийга қарши чиқадиган куч йўқ эди.

Абу Саъид Мирзо олдин Боги Шаҳрга келиб тушди. Бу ерда шаҳар ичига ясовуллар билан мадад кучлар қўшиб жўнатди-да, вазиятни билди. Эртаси куни Ҳиротда истиқомат қилиб турган Маҳди улё Гавҳаршод Бегимни бориб кўрди. Учрашув яхшилик аломати бўлган эди. Малика уни Боги Зогонга келишни, Шоҳрух Мирзо тахтига чиқиши маслаҳат берди. Маликанинг истаги самимий эди. Шу сабаб, бир оз иккиланиб турган Абу Саъид Мирзо қатъият билан Боги Зогонда ўрнашди ва Хурросон мулкининг ҳукмдори сифатида кўриниш берди.

\* \* \*

Саратон Ҳирот учун, Шоҳрух Мирзо хонадони учун чинакамига қаҳратонга дўнган эди. Бу қаҳратон Шоҳрух Мирзо билан қарийб олтмиш йил умргузаронлик қилган, тахтни бошқаришда малика сифатида бир тан турган, шаҳзодаларни тарбиялаб вояга етказган, Ҳирот ва Машҳад шаҳарларида олийшашъ масжид-у мадрасалар қурдирган, 78 ёшга кираётган Гавҳаршод Бегимни ўз қаърига ямлаб кетди. Бу воқеа олдинги саҳифаларда ҳикоя қилинди. Уларни қайта такрорлашга ҳожат йўқ. Бироқ бир жиҳатни мушоҳада этишга ўрин бор, деб ўйлайман.

Ҳиротнинг ички ишларига аралashiш, юқорида кўрдикки, Шайх Ҳожи сингари аламзада сотқинлар тезлови билан амалга ошади. Иккинчи томондан, қанчалик даъват, тезлашлар бўлмасин, босқин хоҳиши кўнгилда бўлмаса, у амалга ошмайди. Ҳар иккала ҳолни ҳам оқлаб, маъқуллаб бўлмайди. Тарих равиши шундай бўлган, начора. Лекин ургу бериладиган бир томон борки, қанча замон ўтмасин, муҳокамага, мушоҳадага лойиқ мавзулигича қолаверади. Бу Гавҳаршод Бегимнинг қатл этилиши. Қатл этилганда ҳам ўта тубанлик, гайриинсонийлик билан амалга оширилган бу фожиа тарихнинг ҳам этини жунжиктириб келади.

Абу Саъид Мирзо Ҳиротга қўшин тортиб келгунига қадар бўлган, нисбатан тинч ўтказган йилларида ўзини яхши подшоҳ сифатида кўрсата бошлаганди. Самарқандда бинолар қуришга бел боғлаган, донишмандлар маслаҳати билан иш кўрган, қўшни давлатлар билан алоқани мустаҳкамлашга киришган эди. Абулқосим Бобур билан муҳолифликдан – душманликдан бошланган мулоқот, охир-оқибатда, илтифотли биродарликка, дўстликка айланганди. Китоблар, маданият борди-келдилари йўлга қўйилганди. Хожа Бурҳониддиннинг

гуноҳидан ўтиш, уни шоҳона расмиятчилик билан Самарқандга қайтаришдаги жонбозлик ижобий сифатлар эди.

Ҳиротга келиш ва биринчи бўлиб, Гавҳаршод Бегимни, 78 ёшли Шоҳруҳ Мирзо бевасини, нуроний Маҳди улёни бориб кўриш, ҳурматини жойига қўйиб, совфа-саломлар туҳфа қилиш Абу Саъид Мирзонинг Самарқанддаги қиёфасининг жилоси бўлиб туюлади. Аммо бу қиёфа алдамчи, сохта бўлса-чи?! Ҳукмдорларнинг сиёсий башарасини нима белгилайди ўзи? Шубҳасиз, хатти-ҳаракати, лафзи. Бунга қўшимча қилиб, ўз ф и к р и бўлишилигини ва каттадир-кичикдир муаммони етти ўлчаб бир кесиши фазилатини уқдирган бўлардим. Абу Саъид Мирзода шу уч хусусиятнинг кейинги иккитаси етишмай қолди. Ўз фикри йўқдиги ва етти ўлчаб, бир қарорга кела олмаслигини, аниқ айтилса, нодон ва ҳовлиқмалигини тарихга бор бўйича ошкор қилиб қўйди. Мозий эса, шоҳлар ва султонларнинг қилинган ҳар бир иши, айтилган ҳар бир сўзини мангулик китобига абадий ўчмайдиган қилиб ё зарҳал ҳарфлар билан ёинки қора рангда битиб қўяди. Абу Саъид Мирзонинг Ҳиротни босиб олишдаги фаолиятида, минг афсуски, қора ранг човут солиб туради.

Ўз фикри, қараши бўлиш, давлат аҳамияти, унинг кечаги, бугуни ги ва эртанги кунини ўйлаб, шу манфаатдан келиб чиқиб, тарозига тошни қўйиш оддий, аммо улуғвор иш. Абу Саъид Мирзо ақалли бобокалони Амир Темур давлат бошқарувидан хабардор бўлганида, мамлакат бирлиги, қудрати учун душманни ҳам эл қилиб олишга ақди етарди. Лекин у гапга учди, доноларга хос фикрлай олмади – фақат шу дамни кўра олди, бурнидан нарига нигоҳ солишга қурби етмади. Бунда гап маликанинг шахси ва унинг атрофида вужудга келган тарафкашлик ва ихтилоф моҳиятини аниқлашда, баҳолашда, сўнг жазо тайинлашда эди. 78 ёшли кампирга ўлим ҳукмини ўқиши, нимталаб, бўлаклаб қатл этиш учун курраи заминда бирор-бир жиноят тузуги вужудга келган эмас.

Абу Саъид саккиз юз олтмиш биринчи ҳижрий йилнинг йигирма бешинчи шаъбонида (1457 йил 18 июль) Ҳиротга етиб келган бўлса, орадан икки ҳафта ўтказиб, рамазон ойининг тўққизинчисида (1457 йил 31 июль) собиқ кекса малика Гавҳаршод Бегимни нимталаб қатл этишга ҳукм қилди. Маликанинг айби Абу Саъидга қарши чиқиши мумкин бўлган набираси Иброҳим Мирзога ён босганлигида, унга босқинчи ҳукмдор ва унинг ҳарбий ҳаракатлари, қўшин сони, жойлашув ўрни, озиқ-овқати ва қурол-яроги тўғрисида хабарлар етказиб туришда, деб гумон қилинди. Тарихнависнинг шу ҳақдаги ёзиб қолдирганларини яна бир карра эста олайлик:

«Шу аснода бир гуруҳ фасодчи кишилар, – деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий, – олий қулоқларга (яъни Абу Саъидга – муал.) «Мирзо Султон Иброҳим томонидан Маҳди улё Гавҳаршод Оғо ҳузурига

доимо хабарчилар келиб турадилар, лашкар аҳволи ва бошқа ах-боротларни аниқлаб, Султон Иброҳимга етказадилар, ногоҳ бирор воқеа юз бериб, унинг тадоригини кўриш имконияти ҳеч бир яратилган банда қўлидан келмай қолиши мумкин, яхшиси шуки, у Маҳди улёнинг хоинлик ва макр-ҳийласидан хотиржам бўлиб олиш керак ва бу ишни кечиктириш ҳам галга солиш ярамайди», деб етказдилар. Натижада, бир ҳовуч ёвуз кишиларнинг саъй-ҳаракати билан, муборак рамазон ойининг тўққизинчисида (31 июль 1457) замона балқиси ва даврон Қайдофаси қатла етди.

«Гавҳаршод Оғо муборак сояли ва баланд мартабали, шиори по-кизалик ва иффат пардасига ўралган, хатти-ҳаракати одилона ва қилмишлари пок, олиҳиммат ва улуғ орзули малика эди. У шуҳратли Бонудан тириклик оламида кўп хайрли ёдгорликлар қолди: доруссалтана Ҳиротнинг шимолида Байтулмағфира, Машҳади муқаддасда масжиди жоме. У яхши номли Бонунинг манзил мақоми горати омга учради ва эллик йил муддат ичида нимаики жамғарган бўлса, барчасини замона қаҳрининг изгирини талафот шамолида учирди».

Давлат жиноятчиларини, ашаддий ўғриларни Оврупода чалипо усулида, яъни тўрт бўлакка бўлиб қатл қилиш қироллар тез-тез мурожаат этадиган қаттол удум бўлган. Абу Саъид жаллодлари бундан-да ошиб тушди – маликани беш бўлакка бўлиб, нимталаб ўлдирдилар. Бу Абу Саъиднинг амри, хоҳиши ижроси бўлган ёвузлик эди. Абу Саъидда қайтар дунё тушунчаси бўлмаган, деб ўйлайман. Бу хунрезлик, аёл зотига бўлган бемисл қабиҳлик тезда ўзига қайтишини у хаёлининг бир бурчига ҳам келтирмаган. Буни воқеалар ривожи ҳикоятида кўриш ва ишонч ҳосил қилиш мумкин бўлади. Қайтар дунё равишини бир сира ёдга олганда борми, хиёнатда айбланган маликани Ҳиротдан бадарга қилиш, моли мулкини мусодара қилиш билан чекланилган бўларди. Бу менинг ўйим. Тарихни эса ўзанидан орқага қайтариш имкондан эмас.

Ҳижрий 861 йилнинг (1457) ақлга сифмас машъумотлари бугина эмасди. 1457 йил баҳоридан саратонига қадар Ҳиротда учта подшоҳ алмашган, бири келиб, иккинчиси кетган, учинчиси уни забт этган бўлса, шу давр оралифида эддан уч марта хирож солиғи, лашкар удуфаси ёрмоги йигиб олинган эди.

Ҳурсоннинг вилоятлари ва будуклари Шоҳ Маҳмуд ва Иброҳим Мирзоларга бор-будини бериб бўлган, бу таркибга Ҳирот аҳолиси ҳам қўшилиб, Абу Саъид Мирзо чериги келгач, оғзидагини ҳам олдирган эди. Тарихнавис бу борада, «раият поймолликка тушишига сабаб бўлган кам учрайдиган аҳвол шу эдики, муҳассиллар мол ва лашкар маблагини ундирап, доруғалар мавзелар ва мазраларда ўтириб, доруғона олар, ясоқийлар эса форат-у торожни ҳаддан оширап, ҳеч ким бунинг оқибатини ўйлаб кўрмас эди. Шу туфайли кўп харобалик воқеъ бўлди», деб куйиниб ёзиб қолдиради.

\* \* \*

Мусулмон оламига шаввол ойи қадам қўйган эди. Тўққизинчи куни эрта тонгдан ҳаво бўзаріб, тўзон асари сезила бошлади. Мухтор тоғи тарафдан қуюн кўтарили. Нохуш шамол эса бошлади. Бир ярим ойга яқинлашаётган эдики, Мовароуннаҳр чериги Ҳиротнинг ичи ва тишида истиқомат қиласади. Пойтахт фозил-у фузалолари қатори, раият игна устида ҳаёт кечирарди. Шаҳарга бирор киролмас, чиқиб кетувчи эса таъқибда қоларди. Элни қўрқув босган, одамлар жонига ҳам, мол-ҳолига ҳам ишонолмасди. Мол-ҳоли деганда, улар янги ҳосилни қўзда тутардилар. Жавзода йигиб олинган ҳосил – арпа сипоҳийлар отларига деб олиб қўйилди. Рамазон келиб, ўрими кечиккан буғдойдан ҳам умид қилиб бўлмасди. Айни вақтда, черикни оч қолдириш имконсиз эди. Хурросон қўлга олингандан кейин қўшиннинг асосий қисмларига жавоб бериш, Мовароуннаҳрга қайтариш даркор эди. Бунинг эса, иложи қўринмасди. Иброҳим Мирзо бирлашиб, хавф солиши аён эди. Шу орада Балх ва Мовароуннаҳрда бузуқдиклар бўлаётганлиги, исён ҳиди анқиётганлиги хабарлари ҳам кела бошлаганди.

Нотинчилклар ҳақидаги дараклар Абу Саъидни ташвишга солмади. Уларни шу ердан – Ҳиротдан туриб ҳам дафъ этиш қийин эмасди. Унинг номсиз безовталиги уйқусида ҳам, ўнгида ҳам сира ором бермаётган, ҳатто, майу шароб билан ҳам дилига чўкаётган ғашлардан холи бўлолмасди. Бу исмини айтмасдан вужудига ёпишиб олган туйғу, эҳтимол, Гавҳаршод Бегим руҳидан қувват олаётган бўлса-чи?! Абу Саъид пешонасини ушлаб қолди. Ҳирот ғалабаси татимаган, Боги Зогоннинг ҳашамати унга чақир тикон бўлиб ботаётган, бир тавр тушлар кўриб, алаҳсираб уйғонган тунлари кўп бўлди.

Кун чошгоҳга яқинлашиб, тўзон босилгандай бўлди. Сафарга тайёргарлик кўриб, таҳт турган қўшин амр-у фармонни олгач, Балх қайдасан, деб йўлга тушди. Абу Саъид мавқаби олдинда борарди. Унинг Ҳиротдан Балхга равона бўлиши шу куни – тўққизинчи шаввозда (1457 йил 30 август) воқеъ бўлди. Шоҳнинг Ҳиротни тарк этиши Балхдаги нотинчилклар билан боғланган эса-да, унинг асл сабаби ёлғиз Абу Саъиднинг ўзига аён эди. Одамларнинг фийбатига банд солмоқ ниятида, у кетиши олдидан қози Қутбиiddин Аҳмад ал-Имомий ва раият аҳлидан баъзи бирларини чорлади-да, «менинг Ҳиротни доруссалтана қилиб, шу ерда туриш ниятим бор эди, аммо Самарқанд томонда бир нечта зарурий ишлар борки, заруратдан у томонга ҳаракат қилишга тўғри келади, энди мен йўлга чиқаман ва шаҳарни сизларга топширдим. Агар қудрати ортгур Аллоҳи таоло иродга қилган бўлса, илк баҳорда ғалаба шиорли байроқлар бу диёрга шаҳарлар сари йўл олғусидир», дея тайин қилди.

1457 йилга келиб, мақтул падаркуш Абдуллатифнинг ўғиллари ҳам одам бўлиб қолган, каттароқлари от миниб, кураш майдони ҳо-

сил қилишга ҳам бел боғлагандилар. Абдуллатифнинг бешта фарзанди бор эди. Унинг ўзи ўлдирилгач, болалари Ҳиротга олиб келинган ва бир муддат Гавҳаршод Бегим паноҳида туришган. Чамаси, улар Ҳиротда вояга етганлар ва Хурросон вилоятларида, аниқроғи, бир вақтлар отаси мулки бўлган Балҳда ҳокимият илинжида куч тўплаганлар. Улардан бири Аҳмад Мирзо Балхнинг музофотларида чопқунлар ясад, Абу Саъид доругаларига халал етказа бошлайди. Абу Саъид уни орадан кўтариш учун Балхга жўнашидан илгарироқ амирлари билан бир қисм сипоҳийларни Балхга юбориб улгурган эди. Қўшиннинг илгор қисмини бошлаб келган амирлар Аҳмад Мирzonинг жойини аниқлаб, уни тезлик билан йўқлик дунёсига равона этдилар. Унинг биродари Муҳаммад Жўкий эса ҳалокат майдонидан қочиб қутулиб, Ҳиротни паноҳ тутиб борди.

Ҳиротдан оёқ тортган Абу Саъид Балхга етиб, енгил нафас олди. Орқалаб келаётган гуноҳ юклари Ихтиёриддин қалъасидан ўтиб, елкасидан сирғалиб тушгандай бўлган эди. Шу туфайлидан, қишини Балҳда ўтказишга мойиллик билдириди.

\* \* \*

Самарқанд лашкарининг қораси кўринмай кетганидан кейин ҳам Ҳиротда аҳоли қўчага эмин-эркин чиқолмай турди. Ҳафта ўтиб, Балҳдан келган тоғирлар Абу Саъид Мирzonинг шу ерда қишлиш учун қолганлигини айтганларидан сўнг бозорларда келди-кетди кўпая борди. Ҳиротнинг Қозига топширилиши, айни чоғда, унинг тақдир ҳукмига рўбарў қилиниши, очиқ айтилганда, эгасиз қолдирилиши эди. Бу хабарлар олис-ёвуқларга тарқамай қолмасди. Абу Саъид ваҳмидан қўрқиб, Боҳарз ва Ҳавоғ вилоятларида хомуш юрган Иброҳим Султон дарҳол узанги қоқиб, Ҳиротга едек етиб келди. У, «самарқандликлар замонида иттифоқ тузишиб, кишиларни зиён ва заҳматга қолдирган бир гуруҳ бадфурсатларнинг ҳаммасига сиёsat кўрсатди». Муаррихнинг бу қавлидан Иброҳим Мирzonинг бувиси Гавҳаршод Бегим ўчини олганлиги, маликага қарши вужудга келган гуруҳнинг жазосини берганлигини англаш мушкул эмас. Иброҳим Мирзо Қурбон ҳайитида эса, Гавҳаршод Бегим «руҳини шод этмоқ учун катта ош ташкил қиласди».

Самарқанд Абдуллатиф ўлдирилишидан кейинги икки-уч йил давомида жанг майдонига, таҳт курашлари чорраҳасига айланиб қолганидаги аҳвол Ҳиротда такрорини топди. Аслида ҳам, тож-у таҳт пойгаси Ҳиротда бошланган ва унинг оғриқли марраларидан бири Самарқанд бўлганди. Хуллас, 1447 йилдан Шоҳруҳ Мирзо, 1449 йилдан Улуғбек Мирзо оламдан қайтгандан бери, Ҳирот ва Самарқанд асосий тож-у таҳт шикоргоҳи бўлиб қолмоқда эди.

Абу Саъид Мирзодан сўнг Иброҳим Мирзо, унинг қасдига Шоҳ Маҳмуд Мирзо, туркман саркори Мирзо Жаҳоншоҳ, қайлардадир

дарбадарликда юрган Алоуддавла Мирзолар Ҳиротни тобеъ этиш жазавасида от сурдилар. Бу издиҳомлар тўғрисида олдинги қисмларда муфассал гапирилди.

Темурий шаҳзодаларнинг ўзаро ёвлашуви, Хуросон таҳти учун бе-аёв курашлари бир сира бўлса, Қаро Юсуф авлодидан бўлган Мирзо Жаҳоншоҳнинг Ҳиротга қилган хуружи сўнгги саксон-тўқсон йилги тарихда масофанинг яқин келиши, муддаонинг ҳосил бўлиши нисбати билан эътиборни тортади. Темурийлар салтанати бу қадар заифликни, бу қадар ўз пойтахтини оёқости қилиб қўйдиришни кўрмаган, бирорта душман буни ўйлаб, хаёлига ҳам келтира олмаган эди. Вақтида Шоҳруҳ Мирзо Мирзо Жаҳоншоҳнинг ҳурматини баланд кўтарган, унга Озарбайжон мамлакати салтанатини бағишлиаган эди.

«Бўлинганни бўри ер», деган мақол, эҳтимол, шу вақтда тўқилгандир. Шундай бўлдики, Мирзо Жаҳоншоҳ туркман саккиз юз олтмиш иккинчи йилнинг рамазон ойида (13 июль – 11 август 1458 йил) Ҳиротни эгаллаб, Боги Зоғонда чилимини тутатди. Муарриҳ, «бу подшоҳ ҳам ўша Ҳазрат хоқони саъид келиб тушадиган манзилда бир неча кун турди», дейди. Ҳиротдан қочқин бўлган аҳоли ҳеч ерга сифмай, яна шаҳарга, ўз кулбаларига қайтишдан бошқа илож тополмади. Яна аҳолидан солиқ йигишга ружу қўйилди. Салгина фурсат олдин Иброҳим Мирзо одамлари ҳут ва ҳамал ойларида (февраль-март 1458) жон бошига бўлган олиқ-солиқларни ундириб бўлганди. Орадан уч ой кечиб, Мирзо Жаҳоншоҳ ҳам хазинасини тўлдиришнинг шу йўлини маҳкам ушлади.

Мирзо Жаҳоншоҳ Ҳирот ва теварак-атрофидаги манзиллардан маблағ йиғиши билан банд бўлганда ота-ўғил Темурийзода Алоуддавла ва Иброҳим Мирзолар мавқеъ талашиб, ўғил ҳибс қилинishiiga қадар борган эди. Алоуддавла Мирзо туркман подшоҳининг луқмасини мақбул кўриб, 1458 йил 20 октябрь куни унинг ҳузурига бел букиб келади. Алоуддавланинг таклиф этилиши, мулозамат кўрсатилиши бежиз эмасди. Шу куни Самарқанддан, Абу Саъид Мирзо томонидан Жаҳоншоҳ туркманга юборилган элчилар билан мулоқот белгиланган эди. Элчилар қабулида Алоуддавла Мирзонинг ҳам иштироки атай ташкил этилганди. Самарқанд ҳукмдори кўриб қўйсинки, Ҳиротга ортиқ таъма қўйишга ўрин йўқ, кучларимиз иттифоқ бўлиб, зарба ҳозир, демоқчи эди. Абу Саъиднинг элчилари Нажмиддин Умар ва мавлоно Юсуф Атторлар Алоуддавлани бу мажлисада кўриб, чинакамига ҳайратларини яшира олмади.

Самарқанд элчилари саккиз қундан сўнг қайтишга ижозат олди. Мирзо Жаҳоншоҳ туркманнинг вазири Низомиддин Сайид Ошур ҳам элчи бўлиб, бирга борадиган бўлди. Абу Саъид Мирзо бу ташрифи кутаётган ва натижага қараб, иш тутмоқ ниятида эди. Элчилар

Мургоб дарёси бўйига етиб, Абу Саъид қўналғасида юзма-юз бўлди-лар. Низомиддин Сайид Ошур ташрифи маҳсус тараддуд билан қарши олинди. Ҳамма чодир-у хиргоҳлар безатилди, қўшинлар сафларга тизилди, ҳамманинг устида либослар янгиланди. Абу Саъид элчи-нинг гапларини тинглар экан, туйқусдан савол берди:

– Амир Жаҳоншоҳ қандай?

Низомиддин Сайид Ошур гапининг давомини ямлаб, каловланди. У бундай саволни кутмаганди. Фалат эшитмади, Абу Саъид Мирзо жуда аниқ қилиб, «амир» нисбасини сўйлади. Мирзо Жаҳоншоҳ туркман эса, Хуросонни, унинг юраги Ҳиротни ишғол қилиб, ўзини подшоҳ аташларини хоҳлаб турибди, бу ёғи қандай бўлди?! Элчи ўзини қўлга олди-да, жавоб бера бошлади:

– Мамлакатнинг кенглиги Шом ва Рум ноҳияларидан бу ерлар атрофигача чўзилган Мирзо Жаҳоншоҳ барчага худди офтобда товланган чашмадек равшандир, – деди, – у бу вилоятга етиб келиб, баҳт тахтида хотиржамлик билан қарор топди. Шул яқинда элчила-рингиз ҳузурларига бориб, ўртага сулҳ ва яхши қўшничилик сўзла-рини орага солдилар. Мирзо Жаҳоншоҳ дўстлик қоидалари тўла мустаҳкамлансин деб, бу бандани элчи қилиб, сизнинг даргоҳингиз тупроғини ўпишга етишишни ва элчилар етказган сўзларни кўзма-кўз ҳам бетма-бет маълум қилишни тайин қилди.

Элчи жўнаб кетгандан бир оз вақт ўтиб, Абу Саъид яна Жаҳоншоҳ даргоҳига одамларини жўнатди. Бу элчилар ҳам Ҳиротда ёнбошлаб, даврон суроётган туркман подшоҳига яхши муносабат изҳори-ни етказиб, қайтди. Бу элчилик Абу Саъиднинг вақтдан ютишдаги тўлғамалари эди. Қолаверса, шу кунларда Коҳдастон ўлангида яйлов қилиб, қишини Ҳиротда ўтказаман деб турган Мирзо Жаҳоншоҳни гафлатда босиш режаси ҳам йўқ эмасди. Жаҳоншоҳ туркман зулҳижжа ойининг (ноябрь) бошларидан кунлар совий бошлагани боис, Ҳиротга кўчишни бошлаган, чериги билан шаҳарнинг биқини-даги Мухтор тоги этагига келиб тушганди. Нажмиддин Сайид Ошур жўнаб кетганидан кўп ўтмай, Абу Саъид ҳам Ҳиротруд вилояти то-мон силжишни бошлаган эди. Самарқанд лашкарининг пойтахтга етишиб келаётгани хабари тарқади. Ҳирот яқинидаги Убаҳ қасабаси ва унга туташ жойларда туркманлар қўйган доругалар асирга олин-гандан кейин Абу Саъид Мирзонинг Хуросондан туркман подшоҳи изини қуритишга қасдлангани аниқ бўлиб қолди.

Абу Саъид туркман лашкарини доғда қолдирган эди. Жаҳоншоҳнинг ишонгани – ўғли Пирбудоғ биринчи тўқнашувдаёқ қочишга тушди. Тарихнавис шу ўринда, Мирзо Жаҳоншоҳнинг ҳадди етмаган баланд дорга осилишини – Темурийлар мулкини, Хуросон мамлакатини таъма қилишини маъқул қўрмайди ва «Мирзо Жаҳоншоҳ бу аҳволни мушоҳада қилгандан кейин мушкул орзуларни димоғи-

дан чиқарыб, замона ишвасининг ғуур қозонида пишираётгани хом савдони миясидан улоқтирди ҳамда Хурсон мамлакатига бундан ортиқ таъма қилиш оғизда сув чайнаш-у қизитилмаган темирни болға билан уришга баробар эканлигини тушунди», деб истеҳзоли ҳақиқатни айтади.

Билмадим, шоҳликнингми ёинки шоҳдарнинг қисматими, бунчалар муштарак бўлмаса?! Темурий шаҳзодалар бошига тушган савдолар Мирзо Жаҳоншоҳ туркманинг ва сулоласининг ҳам жибиллий касаллиги эди. Бу бедаво дарднинг қалтис пайтларда тутқаноги тутиб қолишига кўп бора гувоҳ бўлишга тўғри келади. Абу Саъид Мирзо қўшини билан бўлган жангда шаҳзода Пирбудоннинг юзи шувут бўлиши етмаганидек, Табриз тарафдан кетма-кет нохуш хабарлар қанот қоқиб кела бошлади. Бу томонга юришида ҳибсга солиб келган амирзода Ҳусайн Али отаси иродасига қарши, ҳибсдан қутулиб, ҳазинани талон-торож қилибди. Иштиёқмандларга «этаклаб, қоплаб» зар-у лаъллар бериб, катта лашкар тўплабди. Бу воқеанинг ўхшашини Алоуддавла Мирзо қиласишиларидан осонгина ахтариб топиш мумкин, яна мисоллар қанча. Бу томони ҳарб ишида омади юришмай турган Мирзо Жаҳоншоҳ туркман аро йўлда қолган, чилимни босиб-босиб тортса-да, на маза-матра, на кайф қилолмаётган эди. Шу ҳолида унга с улҳи орага солишни маслаҳат бердилар.

Низомиддин Сайид Ошур яна хачирни миниб, Абу Саъид қўналғаси томон безрайиб келишга мажбур бўлди. Элчига ҳам қийин экан. Одинги сафарги ташрифида уни кутиб олишга аркони давлат неча кун тадорик кўрган, оёқлари тагида чўғдай қатийфадан пояндозлар солинган эди. Энди бўлса, хачирининг жиловидан ҳам тутишмади. Аввалги учрашувда кинояни гапига едириб, «жавоб бундай бўлади», деб ичида керилган бўлса, бу сафар бийрон тилига чечак чиққандек тутилиб-тутилиб, яраш ва сулҳ шевасини айта олди.

Абу Саъид биринчи қабулда унинг истаганича гапиришига эрк берган бўлса, бу гал шу ҳуқуқни ўзида қолдирди. Сиёсий вазият ўзгарган, тарози шайини вазн нисбатини аниқ кўрсатиб турганди.

– Қачонки Мирзо Жаҳоншоҳ, – деди Мовароуннаҳр ҳукмдори салмоқлаб, – Ҳазрат хоқони саъиднинг (Шоҳруҳ Мирзонинг – муал.) барча мамлакатларини бўшатиб, у Ҳазрат ҳаётлиги вақтида амир Жаҳоншоҳ учун муқаррар қилган ерлар билан кифояланган ва шунга қаноат қилган тақдидаги наслуҳ мажниши шаклга келиши мумкин ва ана шу асосдагина мен мақсад чеҳрасини гўзал тарзда жилвалинтироқ учун эътиқод ойнасини инкор денгизидан тозалайман.

Сулҳнинг қарор топиши қийин ва мужмал бўлиб, чўзила бошлади. Бу орада амирлар черикни сафлаб, кўриқдан ўтказиб улгурдилар. Булар ҳаммаси оддинда муросасиз кураш борлигидан нишон бериб турарди. Мирзо Жаҳоншоҳ сулҳга эришмоқ учун бор ҳунарини ишга

солди. Бир кунда икки бор элчилар, таниқди саййидлар келдилар. Муаррих, «кўп гап-сўзлар ва ҳисобсиз бориш-келишлардан сўнг нурли замири ойнаси» сулҳга иқрор бўлганлигини тилга олади. Хуллас, бу қийин кечган, мاشаққатли сулҳ сафар ойининг бошларида (8 декабрь 1458) бўлиб, шу куниёқ туркман лашкари Ҳиротнинг Яҳёбод манзилидан қайтиб, Мурғоб ва Зиёратгоҳ мавзелари орқали юргана жуфтакни ростлаган эди.

Сулҳ – жангга киришилмай, эришилган ғалаба бўлган эди. Ҳарб-у зарбларнинг чўги курашувчи икки томонга ҳам аён бўлади, албатта. Мирзо Жаҳоншоҳ умрида кўп юришларни, савашларни кўрган, ҳарб-у зарбда суяги қотган амир эди. Унга осонлик, ҳатто, қаршиликсиз фатҳ этган Ҳиротни, Хуросонни ташлаб, шумшайиб изига қайтиш осон эмасди. Муаррих шуни кўзда тутиб, ёзади:

«Туркман лашкари кўп ҳайрат-у ҳасрат билан Озарбайжон мамлакатлари йўлига тушгач, саодат асарли лашкарнинг олд қисми ва фатҳ-у зафар сипоҳининг муқаддимаси қуёш янглиғ мурод уфқидан тулув қилишга бошлади ва мазкур ойнинг ўн тўртингчисида (21 декабрь 1458) Мирзо Султон Абу Саъиднинг голибона байроғи Ҳиротга йўналди». Муаррихнинг яна бир эътирофини ҳам келтириш жоиз: «Ҳирот шаҳри ва булуқларининг барча раияти йўл устига чиқиб, сидқидил ва самимият билан жаҳонпаноҳ подшоҳга дуо-ю санолар айтдилар ва йўл бошига турли-туман тұхфа-ю сочқилар келтирдилар».

Бу ғалаба, ўша вақтда Ҳирот аҳолиси мамнуният билан кутиб олгани каби Абу Саъид Мирзонинг мураккаб, зиддиятли, ижобий қутбидан салбий атвори устун бўлган сиёсий фаолияти тарихида шарафли ва кутилган муваффақият эди. Эл-у улусга Шоҳруҳ Мирзо пойтахти ва мулкларини туркманлар тажовузидан озод кўриш манзур бўлган. Бу тушунарли. Бироқ Темурий биродарлар бу ғалабанинг моҳиятини тушуниб етган эдими? Афсуски, йўқ. Улар туркман черигидан кўра ашаддийроқ ҳарб-у зарбга тайёр, ҳар бири ўзини подшоҳ мақомида кўришни жон-жаҳди билан истарди ва уларни бу хоҳишдан қайтарадиган куч йўқ эди.

\* \* \*

Ҳижрий саккиз юз олтмиш иккинчи йилнинг сафар ойи (8 декабрь 1458) бошларида ҳаво бирданига совиб кетди. Қўшиннинг ортида кетаётган тuya ва хачирларга ҳарбий анжомлар қатори, ўтин боғлаб ортилганлари ҳам анча эди. Дарахтлар кесиб, майдалаб ўтин қилинган, йўлда ёқилғи ва исиниш учун черик қўлига нима илашса, олиб кетаётган эди. Ҳирот четларидаги булуқларда оғоч-у шоҳ-шабба деярли қолдирилмаган эди. Туркман лашкари йўл озуқаси билан бирга қўшиб, қишининг йўл ғамини ҳам кўрган эди. Одамларнинг дод-войига қулоқ солинмаган, ҳовлилар тит-пит қилинган эди.

Ҳамиятли баъзи кишилар ўзларида бор ўтин-у таппиларини уларга чиқазиб берган, тезроқ шулар дафъ бўлсин, деб куйиб-пишгандилар. Қиши эса, қиличини яланғочлаб келмоқда эди.

Абу Саъид Мирзо туркман лашкари Ҳирот теграсини тамом тарк этганидан кейин пойтахтни қишлоғ жойи қилиб танлади. Мирзо Жаҳоншоҳ от устида совуқдан қунишиб кетганидан икки ҳафта ўтказиб, сафар ойининг ўн бешинчисида (22 декабрь 1458) Абу Саъид мавқаби Ҳиротнинг Боги Шаҳр қасрига келиб тушид. Подшоҳ ҳали шаҳарга даҳл қилмай туриб, Мовароуннаҳрдан олиб келингган қўшиннинг аксариятига уйларига жавоб бериб юборди. Шоҳнинг ёнида икки мингга яқин сипоҳийлар қоладиган бўлди. «Гадонинг душмани гадо бўлади», деганларидек, тахтни эгаллаган зот доимо ихлосмандларнинг ҳам, душманларнинг ҳам нигоҳидан четда бўлмайди. Унинг яхши ишлари ҳам, хатти-ҳаракати, гап-сўзлари ҳам мудом эътиборда, олқиши ёки фийбатларга боис бўлади. У мамлакатнинг марказий шахсигина эмас, марказий қизиқиши манбаи сифатида ҳам аҳамият касб этади. Туркманларни ҳайдаб юбориш ўзи бир сира бўлиб, бутун вилоятларга донғи-ногораси ёйилган бўлса, Абу Саъиднинг Ҳиротда қишилаши, аниқроқ айтганда, шу шаҳарда қолиши шу кунларнинг асосий мавзусига айланиб улгурганди. Бундан аламзада, «тахта» (шоҳлик ёки ўлим) деб юрган шаҳзодаларнинг бехабар қолиши иложсиз эди. Манфаат бор экан, ўртада гап етказувчилар, айғоқчиilar фимиралаши табиий эди. Мирзо Жаҳоншоҳнинг мосуво бўлиб қайтиши, Абу Саъиднинг оз сонли сипоҳийлар билан турганлиги дараги Марвга, Султон Санжар ва ота-ўғил Алоуддавла, Иброҳим Мирзоларга ҳам етган эди. Бу хабарни олганларида улар жуда севинди, дарҳол котибларни шайлаб, бир-бирига номалар ёзиб, элчиларни серқатнов қилдилар. Бундай имкондан фойдаланиб қолишга аҳд қилдилар. Иттифоқлашиб курашиш ваъдалари амалга ошиди, Сарахс шаҳри атрофида ўз қўшинлари билан жам бўлдилар. Улар орқа-олдилари ни ийифиширгунча қиши қиличини қинига солишга улгурди. Ҳижрый йил саккиз юз олтмиш учга дўнди. Хутнинг охирларидан эрувгарчилик бошланиб, ҳамал ўрталарида офтоб мақоми баланд бўлди.

Учала лашкарнинг Сарахсда Ҳиротга босиб келиш ниятида турганлиги ҳақида гап-сўзлар тарқалганда, Абу Саъид Мирзо ташвишга тушгандай бўлди. Ишнинг бу томони хом бўлгани, қиши ичидан лашкарларни Мовароуннаҳрга жўнатиб юборганидан пушаймон бўлди. У, таваккални Аллоҳ таолога, деди-да, қолган сипоҳийларни шайлаб, ҳамал ойининг бошларида, кунлар қизий бошлагач (21 март 1459), Ҳиротдан олиб чиқди. Тўқнашув муқаррар, оқибат эса, мубҳам бўлиб турган бир пайтда Самарқанд ҳукмдорининг чироги порлаб ёнди – тасодифан, муаррих шаҳодат берганидек, «Мовароуннаҳр томондан

катта бир лашкар ва беҳисоб бир сипоҳ амир Султон Аҳмад Темуртош ва амир Сайид Мазид каби улуф амирлар бошчилигига келиб, зафар паноҳидаги (яъни Абу Саъид – муал.) сипоҳга қўшилди». Бу хилдаги тасодифлар истисно қилинмайди. Бир вақтлар Амир Темур ҳазратлари Ҳиндистонга юриш қилиб, қўналғада оз сонли қўриқчилар билан қолганида, ёғийларнинг ҳадсиз-ҳисобсиз босиб келаётгани маълум бўлади. Соҳибқирон кўнглидан шунда, «қани эди лашкарим, набираларим ёнимда бўлса», деб орзиқиш ўтказади. Худди ўйлаганидай бўлиб чиқади, кутимагандга, икки-уч кунлик сафарга кетган набиралар ва қўшин етиб келиб, ёғийлар ҳасратда қолади. Абу Саъид Мирзо учун ҳам Мовароуннаҳр лашкарининг вақтида етиб келиши юzlаниб турган ҳалокатдан голибиятга олиб чиқишида восита бўлган эди.

Марв ва Сарахс ўрталифида кечган муҳорабада иккала томон ҳам бир сира мағлубият жарлиги олдига бориб қолди. Самарқанддан келган черикнинг бир қисми қақшатқич олишувда қиличлар дамига тоб беролмай, қочишга тушди ва Самарқандга етиб, Абу Саъид Мирзонинг мағлуб бўлганлиги ҳақида гап тарқатишга киришди. Бу гап-сўзлар фитна қўзғалик ҳеч вақо эмасди. Ниҳоят, бу миш-мишлар шунчалик оёқладики, унинг этаклари судралиб Астробод ва Мозандаронгача етди. Вилоят ва мулк умидида тишининг кирини сўриб юрганлар ҳаракатга келиб, кучи етган жойларни эгаллашга саъй қила кетди.

Жанг эса, қизигандан-қизиб борарди. Абу Саъид мардонавор от солиб, шамширлар овози шарақлаб, учқун аланталари отилиб турган тўдалар орасига ўзини ураг, ҳар қилич сермагандга кимнингдир жони узилган бўларди. Тиф теккан жойларидан қон сизиб турар, у эса парво қилмай, жидд-у жаҳдини оширади. Ёнидаги муборизлар ҳам ёғийларни қийрата бошлади. Қайси бирининг найзаси саман бедови сафринидан жароҳат олган отлиқнинг кўкрагига қаттиқ қадалди. Суворий оҳ дейишга ҳам имкони қолмай, отдан афдарилди. Кимдир, «Султон Санжар найзаланди», деб бақириб юборди. Марв ҳукмдори ҳақидаги бу гап унинг черигига яшин ургандай таъсир қилди. Жанг суръатида сустлик пайдо бўла бошлади. Алоуддавла от устидан энгашиб, ўғли Иброҳим Мирзога имо қилди – бу қочиш ишорати эди. Ота-бона мағлубият човутини солмасдан бурун, жонни қутқазишига тушди. Найзаланган, оғир ярадор бўлган Султон Санжар қўлга олинди ва жанг изи совимасдан қатлга буюрилди. Бу воқеа жумод ул-аввал ойининг ўрталарида (19 апрель 1459) воқеъ бўлди. Султон Санжарнинг боши Ҳиротга келтирилди. Қочқин ота-ўғил эса, Сабзавор вилоятига етиб бориб, Мазийнон манзилида отдан тушдилар.

Абу Саъид Мирзо фитна ўчогини бира тўла гумдон қилмоқ ниятида, Алоуддавла ва Иброҳим Мирзолар ортидан бир қисм черикни

жүннатди. Таъқиб қилювчилар Мазийнонга от суреб келгандарида, ота-үғил Бистом тарафга, Ҳусайн Бойқаро Мирзо ҳузуридан паноҳ излаб кетгани аниқланди. Черик Ҳиротга қайтиб борганида, амирлар Абу Саъид Мирзога яна бир таҳт даъвогари пайдо бўлгани хабарини пинҳон тутмадилар. Бу шу вақтгача дом-дараксиз кетган, Абулқосим Бобур Мирзо орага тушиши билан ҳибсдан қўйиб юборирилган шаҳзода эди. Абу Саъид Ҳусайн Мирзони озод қилиб, кейин пушаймон бўлган, изидан Жайхунгача одам юбориб, ушлата олмаган эди. Султон Ҳусайн Бойқаронинг атрофида амирлар жам бўлганлиги, улар Журжон ва Мозандаронни эгаллаш ниятида эканлиги ҳам олий назарга етказилди.

Гурбатни кавласа, гурбат болалайверар экан. Ҳусайн Бойқаро Мирзо ҳақидаги етқизиқлар Абу Саъид Мирzonинг жаҳддонида газак боғлаб ётган қаҳрларга қанот берди. Ҳиротнинг Давлатхона мавзесидаги Бойқаро Мирзо хонадонига одамларини юбориб, Ҳусайн Мирzonинг хотини, Султон Санжар Мирzonинг қизи Бека Султон Оғони Ихтиёриддин қалъасига қамаб, зинданбанд қилдирди.

Муаррих Абдураззоқ Самарқандийнинг далолатига кўра, Абу Саъид Мирзо элчилар қаторида уни ҳам Журжон вилоятига, Ҳусайн Мирзо олдига жўннатган. Мақсад аниқ ошкор қилинмаган бўлса-да, Абу Саъид ҳокимиятини тан олиш шарти қўйилганлигини англаш мумкин. Ҳусайн Бойқаро бунга розилик билдирган ва тан олиш рамзи ҳисобланган пул зарби ва хутбани Абу Саъид номига ўқиши маъқуллаган. Шу билан бирга, тухфа ҳам юборган. Муаррих-элчи қайтганида ҳали Абу Саъид Мирзо Ҳиротга яқин Кўҳи Киту яйловида ҳордиқда эди. Ниҳоят, у шаъбон ойининг йигирманчисида (22 июнь 1459) Ҳиротга келиб тушди.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг юборган элчисини қабул қилиш пайсалга солинади. Фақатгина ишга улуғсиғат амирлар восита бўлгач, Мирzonинг Абу Саъид ҳокимиятини тан олиши, пул зарби ва хутбада унинг номи ўқилиши ризолиги баён этилади. Тан олиш фақатгина сўзда эмас, муаррих таъкидлаганидек, «нақд пули баҳтиёр ном билан оройиш топган қизил олтин ва оқ кумуш тангалардан иборат катта бир маблағ билан тўла синовдан ўтди». Ана шундан кейин Журжонда ҳукм суреб турган Ҳусайн Бойқаро билан муносабатга илиқлик дохил бўлади. Элчилар яхшилик ила жўнатилади. Ва энг муҳими, тарихнавис айтганидек:

«Ихтиёриддин ҳисорида қамоқ ва ҳибсда сақлаб турганлари Мирзо Султон Ҳусайннинг муҳтарам ҳарами, Мирзо Султон Санжар қизини (Бека Султон Оғо – муал.) турли-туман подшоҳона тўқисликлар ва хусравона такаллуфлар билан Журжон вилояти томон жўнатди. Мирзо Султон Ҳусайн бундан жуда хушвақт бўлди».

Бу ёруғ оламда инс-у жинс, жонли ва жонсиз мавжудот борки, Яратган Зот томонидан бир-бирига боғлиқ ҳолда вужудга келтирил-

ган. Воқеалар ҳам, инчунун, шундай. Тақдир бу боғлиқлик тўғрисида вақти билан ишорат бериб, огоҳ этади. Бандалар, бунга деярли эътибор бермаймиз. Ҳусайн Мирзонинг Самарқандга бориши, Абу Саъид томонидан исёнда гумон қилиниб, ҳибсга олиниши қисматда улар йўлининг бир-бирини давом эттиришидан нишона эдими, хуллас, сабабсиз оқибат йўқ-да. Бугун Абу Саъид Ҳусайн Мирзонинг хотинини ҳибсга соглан бўлса, эртага у Абу Саъид Мирзонинг бутун бошли ҳарамини инон-ихтиёрига олишини, бу воқеалар кўп ўтмай содир бўлишини ким ўйлаб кўрибди, дейсиз?! Оқибат эса, худди шундай бўлиб чиқади. Тақдирлар ҳам, воқеалар ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини ортиқ далолат этишга ҳожат йўқ.

\* \* \*

Мухтор тоги этаклари Ҳиротга туташиб кетган. Бир томонда Гозургоҳ бўлса, ундан нарида Намозгоҳ. Масжидлар, уйлар кўп. Баландлик, баҳаво жойлар. Шаҳарликлар Намозгоҳда тез-тез тўпланиб туришади. Ҳайитлар, сайиллар шу ерда ўтади. Мухтор тоги ва унинг доманалари кейинги йилларда лашкаргоҳ бўлиб қолган эди. Шаҳарни босиб олиш қасдида келган аксар лашкарлар шу атрофда қўш тикар, Намозгоҳ ва унинг атрофи чодирлар, хиргоҳлардан тўлиб кетарди. Оқибатда, Ҳиротнинг кўркам ва обод гўшаси бўлган Намозгоҳ кейинги ўн йилда бўлиб ўтган издиҳомларда қаровсиз қолди, ҳарб-у зарблар уни ҳам четлаб ўтмади, оқибатда кўп жойлар бузилди, ободлик харобага айланди.

Намозгоҳда олдинлар баланд бинолар йўқ, қасрлар Боги Шаҳр, Боги Нав ва Боги Зоғон теграсида жойлашган эди. Абу Саъид Мирзо ўзи отланиб, туркман сардори Жаҳоншоҳ қўшини бир неча вақт эгаллаб турган, шундан сўнг бор кўрки ҳам учган Намозгоҳ ва унга яқин тоғ этакларини бориб кўрди. Намозгоҳни ораста қилиш кўнглидан кечиб, баланд бир иморат солдириш хаёлидан кечди. Боги Зоғонда бу ҳақда мажлис қуриб, муҳандислар-у бинноларни ўз режаси билан таништириди. Бинонинг тархи ва қурилажак жойи ҳақида гап борганида Самарқанд ва Шаҳрисабзда вужудга келган саройлар, қасрлар, мадрасалар нисбатга олиниб, уларга қиёс илтизомга олиниши уқдирилди. Хожа Шамсиддин Мұхаммад соҳиб девон эди. Унинг ўғли Камолиддин Мирак Ҳусайн бино қурилишининг меъмори қилиб белгиланди. Камолиддин Мирак Ҳиротда ном чиқарган иморатсоз бўлиб, бу ишга файрат билан жадал қилди. Ота-ўғил, бири вазир сифатида, бири ҳимматли муҳандис талъати билан Ҳиротнинг аввалги шукухини тиклашга, ободон қилишга бел боғладилар. Подшоҳнинг майли бўлса, девор нурамайди, сувалади, кошин тақилиб, безалади. Ҳирот бу ишларни ўн йил давомида унутиб қўйган, аниқроғи, ҳокимият талашувлар, шоҳларнинг келиб-кетишлари фаровонликнинг

негизини емиришга тушган эди. Абу Саъид Мирзо Темурийларга хос бўлган удумни – бунёд қилишни, қасрлар, иморатлар қуришни ихтиёр қилган подшоҳ бўлган эди.

Шаҳарда ободончилик билан боғлиқ кўлам ошиб, одамлар рангига қон югуриб қолган, ёзниңг оташмонанд иссиғини ҳам писанд қилмай, иш олға силжиб бораради. Рамазон ойининг ўрталарида (16 июль 1459) Алоуддавла Мирзонинг ўғли, таҳтнинг даъвогари бўлиб келган Султон Иброҳим Мирzonинг хасталаниб, Машҳад тарафда вафот этганлиги хабари тарқади. Ўша пайтда, муаррих ёдга солганидек, «Хурросон мамлакатида уруш хаёли-ю саркашлик ва мустақиллик даъвоси билан фармонраволик суратини андиша лавҳасига чизаётган киши бирина Султон Иброҳим эди. Шунинг учун Тангри ўз қўллари билан обид бандаларининг осойишталиги ва жаҳон мамлакат ва диёрларининг тинчлигини фитна-ю фасоддан эмин қилиб, олам аҳдини зулм зулматидан адолатнинг мусаффо чашмасига етказди». Ҳиротда амният-у ободлик қарор топаётган бир вақтда, Иброҳим Мирzonинг қўшин бошлаб келаётганлиги Яратганга ҳам ёқмаган, йўлда у касалланиб оламдан ўтган. Бу воқеа юз бергач, сипоҳийлар ҳар томонга тарқалиб, навбатдаги босқин барҳам топган эди.

Абу Саъид Мирzonинг ижозати билан шаввол ойининг олтинчи кунида (6 август 1459) Иброҳим Мирзо жасади Ҳиротга келтирилди ва Гавҳаршод Бегим мадрасасига, бобоси Бойсунтур мозори қўйилган гумбаз тагига дағн этилди. Ҳукмдор катта иноят қўрсатиб, кечаги рақиби ва биродари Иброҳим Мирзо таъзияси учун ош-таом ва Қуръони Каримни хатм қилиш расм-русумларини адо этишни буюради.

Марҳум Иброҳим Мирзо билан Абу Саъид Мирзо ўртасида воқеъ бўлган алоқалар, элчилар қатнови, иккиёқлама – қарши қуда бўлиш таклифлари айтилганлиги хусусида олдинги саҳифаларда ҳикоя қилинган эди. Иброҳим Мирзо Абу Саъиднинг қизини олишга, Абу Саъид эса унинг опасини – Алоуддавла Мирzonинг Руқия исмли қизини хотинликка сўраган эди. «Кудачилик – минг йилчилик», деган ҳикматга қарамай, оралар тезда бузилган, улар ўртасида таҳт учун кураш тўхтамаган эди. Абу Саъид Мирzonинг Руқия Оғодан Ҳиротда турган вақтида ўғил қўриши катта воқеа бўлган эди. Тарихнавис, фарзанднинг Алоуддавла наслидан бўлганлиги ва Ҳиротда таваллуд топганлиги учун унга Шоҳруҳ деб исм қўйилганлигини айтади. Фарзанд рамазон ойида дунёга келганлиги боис, Абу Саъид Мирзо рамазон ҳайити куни (1 август 1459) подшоҳона байрам ташкил этади. Ҳирот яқин йиллар ичida бундай тўй муҳитида қалқимаган эди. Акобирларга инъом ва совғалар тарқатилади, муғаннийлар, ҳофизлар базмни зийнатлайди. Шоир-у адиллар қасидалар, мадҳиялар битадилар. Муаррих ва назмтўй Абдураззоқ Самарқандий ҳам шу воқеага бағишилаб шеър ёзган экан. Унда шундай мисралар тарж этилган:

*Адолат осмонининг офтоби бу – Султон Саъид,  
Денгиздек дили кенг, ақли бир жаҳон бу Султон Саъид.*

Абу Саъид Мирзонинг таҳт узра чироғи равшан ва порлаб ёнмоқда эди. Унга ҳалал етказадиган куч қолмаган эди, ҳисоб. Абулқосим Бобур Мирзонинг ўғли Шоҳ Маҳмуд Мирзо Сеистон ва Кобул тарафларда ёрдамга мунтазир ҳолда юрарди. Кобул вилоятига етганида шу мулкнинг сардори амир Бобо томонидан курашга киришганида ўқ заҳмидан ҳалок бўлди. Шоҳ Маҳмуд Мирзонинг ҳарбий куч тўплашга қуввати етмасди. Шундай бўлса ҳам, унинг ўлими таҳтнинг эҳтимол тутилган яна бир рахнагаридан қутулиш, деб қабул қилинганди.

\* \* \*

«Беша шерсиз бўлмас», деган ҳикмат минг йиллик тажрибанинг меваси бўлса, ажаб эмас. Балки ундан-да эскироқ, одамзот тошни қурол қилган замонларда айтилган чиқар. Ҳусайн Бойқаро Мирзо воқеаси олдинги саҳифаларда йўл-йўлакай бўлса-да, бир-икки бор тилга олиб ўтилди. Воқеалар тадрижи борган сари Ҳусайн Мирзо шахсини олдинга чиқармоқда, юз беражак саъй-ҳаракатлар қаҳрамонига айлантира бормоқда. Муҳтарам ўқувчим, фаҳмлаб турибсиз, вақти соати келиб, Ҳирот таҳти ҳали Мозандаронда, гоҳ Хоразм томонларда мулкгирлик даъвосида тўлиб-тошиб юрган Ҳусайн Мирзога насиб этиши тайин. Ихтиофлар тинчиши, муҳолифлар ўлиши мумкин, дунё бор экан, тонг билан тун алмашиниб турар экан, низолар ҳам, рақиблар ҳам пайдо бўлаверади экан. Давлатнинг, тож-у таҳтнинг кела-келмиш тарихини ағдариб варажласак-да, Оврупода, Осиёда, хулласи калом, одамзот яшайдиган курраи заминда подшоҳдикнинг ҳоли қолдирилган бир онини ҳам кўрмаймиз. Фақат Аллоҳ таоло танлаган шахсларгина тождор бўлиб, қирқ йилдан ошириб, улуғ салтанат тузга олган ва бошқарган. Яратган Зот танлови юз бергунча, таҳт остонасидан хатловчилар ҳам, уларнинг рақобатчилари ҳам сон-саноқсиз бўлаверади. Бири келади, иккинчиси уни бўғизлайди, учинчиси заҳарлайди, тўртинчиси суиқасд уюштиради. Бешинчиси... Бунинг нечоғли занжирили ҳалقا, тутунлари кўп, заволи беадад эканлигини 1447-1457 йиллар оралиғида Мовароуннаҳр ва Хурсонда кечган тож-у таҳт мажаролари мисолида кўрдик. Элда бекордан-бекорга «таҳт ё таҳта» – подшоҳлик ё ўлим, деган ибора пайдо бўлмаган, охир?! Бу фалсафа суқишдан кузатилган мақсад, Абу Саъид Мирзо ва унинг ўрдуси таҳтнинг даъвогарлари бирин-кетин ўлиб кетаётир, деб севинмасин, кутилмаган жойдан янги рақиблар барибир кўкариб чиқаверади, деган тўхтамни мубоҳаса қилиш эди. Шундай қилиб, Абу Саъид Мирзо ва аркони давлатининг яна ороми бузиладиган бўлди.

Хусайн Мирзо вазиятни ўрганиш, тулпорга қамчи босиши керакими-йўқлигини бир синаб қўриш мақсади-да, Мозандарондан шерюрак сипоҳиларини Хурросон томон юборганлиги, уларнинг йўл-йўлақай форат ва торожга ружу қўйганлиги хабари Бони Зогонга етиб келган эди. Бу шов-шувларни эшитиб, Абу Саъид Мирзо қулоқларига ишонмади. Хусайн Мирзо, хотини Бека Оғо ҳибсдан чиқарилиб, ўз ёнига жўнатилгандан бери, сира саркашлиқ қиммаган, итоатдан чиқмаган, ижлос палосини оёқ тагидан йигиб олмаган эди. Энди, бу қанақаси, уни қайси жин урди ва Ҳиротга мўралаб қолди? Бу қилмиш Абу Саъид Мирзо руҳиятига қаттиқ таъсир қилди. Фазабини босди-да, амир Нур Саъид, амир Жалолиддин Саъид Мазид ва амир Муборизуддин Абдулваҳҳобларни Хусайн Мирзо мулки – Мозандарон устига юриш қилишга амр қилди.

Ваҳмнок, даҳшатангиз миш-мишлар беш-үн йил ичидан бошидан кўп савдо ўтказган аҳолини ҳар қилт этган шабададан ҳам эҳтиёт бўлишга, қўрқув босишига олиб келади. Мозандарондан қароқчиларнинг Ҳирот сари келаётганлиги, йўл-йўлақай форат-у кулфат қиёмига етганлиги раиятни ташвишга солиб қўйганди. Одамлар озиқ ва ўтин фамлашга интила бошлагандилар. Ҳирот бозорларида нархлар оша бошлаган, фалланинг, уннинг бир қадоги фалон тангага чиқсан эди. Чорсу бозори расталарида бугун олиб келинган неки бор, эртага қолмасдан тала-тала қилиб сотиб олинарди. Эрта тонгдан теварак қишлоқлардан дехқонлар эҳтиёжлари учун фалами, арпами, зифир, мева-чевами, унми, нима бўлса, келтирас ва шаҳар дарвозаларидан қийин-қистоқсиз кириб, бозор-жойга борардилар. Озиқ-овқат ашёларининг баҳоси кўтарилганлиги ва бозори чаққонлиги дарвоза посбонларининг даромад шумлигига сабаб бўлади. Мол келтирган дехқондан ичкарига киритиш учун таъма қилиш бошланади. Одатда, дехқоннинг ёнида ақчаси бўлмагани сабаб, сотишга олиб келган арпа-буғдойидан, унидан, туршаг-у майизидан, кунжути мошидан, ҳатто, сотишга келтирган бир боғлам ўтинидан ҳам ҳисса олиб қолишини жорий қиладилар. Одамларнинг норозилиги ортиб, бу гап саройга ҳам етади. Абу Саъид Мирзо раиятни қақшатишнинг бу навъ ихтиросига қараб туролмайди. Муаррих шу хусусда мулоҳаза қилиб, тубандагиларни битади:

«У ҳазратнинг (Абу Саъиднинг – муал.) турма табиати адолат ва раият фаровонлигига қаратилган бўлганлиги учун ҳамиша обидлар-у қуллар осойишталиги, мамлакатлар-у шаҳарлар тинчлиги уннинг ҳиммат назарида таҳсинга сазовор кўринар эди. Шунинг учун у ҳазрати оғаридағорнинг омонатга бергани раиятларнинг ўз давлати замонида яхши бир тарзда кун кечиришларини, ҳеч кимса қадимий йўсун ва маълум дастурдан ташқари мусулмонларга даҳл қилиб, новожиб заҳмат бермаслигини истар эди. Шу орада олий қулоқларга

дарвозабонларнинг шаҳарга озгина бўлса ҳам ғалла, мева, ўтин ва бошқа нарсаларни олиб кирмоқчи бўлган ҳар бир кишидан ўша нарсанинг бир миқдорини олиб қолаётганликлари, масалан, агар бирор аёл шаҳарга бир оз ун олиб кирмоқчи бўлса, бирор нарса бермасдан бунга мұяссар бўломаслиги, шу туфайли раият фоятда заҳмат чекаётганлиги ҳақида хабар етди. У ҳазрат, «ҳеч бир яратилган банда дарвозабонлиги ва йўл назоратчиси эканлигини пеш қилиб, бирор кишидан бирор нарсани олмасин», деб шаҳарда ва шаҳар ташқарисида жар солдирди. Дарвозабонлар ва йўл назоратчиларидан «агар бирор нарса олсалар, қатла ҳукм этиладилар», деган мазмунда муchalko (тилхат, тушунтириш ҳужжати – муал.) олдилар. Шу туфайли, ожизлар-у авом учун тўла фаровонлик ҳосил бўлди».

Замон шунга дўнган эдики, зўравондан арз қилиш иложи қирқиљан, қолаверса, арз-у додни тинглайдиган кимсанинг ўзи омонат, бугун тахтга қўниб, эртасига ўзини чўл-у биёбонда кўрарди. Раият «бош ёрилса, дўппи тагида», деб дардини ёролмасди. Абу Саъид Мирзонинг дарвозабонлар ва йўл соқчиларига нисбатан ҳақ йўлини тутиши – уларни тийиб қўйиши яна бир жафонинг жиловланишига сабаб бўлди. Шу воситада Абулқосим Бобур Мирзо вафот этгандан буён Ҳирот ва унинг теварагида бир гуруҳ етимлар ва безори кишилардан йўлтўсралар, талончилар тўдаси ташкил топиб, одамларга кун бермаётганлиги ошкор бўлиб қолди. Яна муаррих сўзларига ўрин берай. «Подшоҳнинг хотири, – деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий, – бир гуруҳ безори етимлар ва бебош авомлар шаҳар ва унинг ташқарисида мусулмонларнинг йўлини тўсиб, бор нарсаларини тортиб олаётганликлари, агар андак қаршилик кўрсатсалар, ўлдиришлари мумкинлиги, кечалари сипар ва шамшир, камон ва ўқ билан қуролланиб, бозор ва кўчаларда бемалол юришлари, улардан турли-туман фитна-ю фасод, харобалик ва бедодлик воқеъ бўлаётганлиги, бу ҳол Мирзо Абулқосим Бобур вафот этганидан то шу вақтгача давом этиб келаётганлиги ҳамда собиқ подшоҳларнинг илтифот нури бу ҳол ва хатолик тадоригини кўришга йўналмаганлигидан хабар топди. У жаҳонгир хусравнинг нурли замири ойнасида бу маъни аксланган, у бебошлардан кўплари зор-у нола билан қатла етдилар, азобу уқубатга поймол ва меҳнат-у балога дучор бўлдилар. Шундай қилиб, диллардаги дуд янглиф аланга олган у бало оташи адолатнинг таскин берувчи суви билан ўчирилди».

Етимлар ва бебошлар... Йўловчиларни, шаҳардан бозор-ўчар қилиб, бир сиқим ғалласи ёки унини сотиб қайтаётган деҳқонни таашш, қилич ва қалқон, ўқ ва камон тақиб, бозор жойларда, тунларда бемалол юриш, ҳар ҳолда, масалага чуқурроқ ёндашишни тақозо этади. Етим ва бебошнинг қорни тўйса бўлди, биргаллашиб талон қилиши, дўппослаши мумкиндир. Лекин жанговар қуролларни улар

қаердан олади? Бу муаммо. Фикримча, етим-есирлар, бебошлар тўдасига собиқ ҳарбийлар, сипоҳийлар ҳам аралаш бўлган. Лашкарларнинг тарқалиши, «ишсиз» қолиши воқеаларини кўп кўрдик. Талончи, ўлдирувчи қароқчилар тўдаси, шубҳасиз, ана шундай бош эгасиз қолган, қўшиндан ажралган, қочган навкарлардан ташкил топганлигини тасаввур қилиш ўринидир. Абу Саъид Мирзо Шоҳ Маҳмуд ва Иброҳим Мирзо, Жаҳоншоҳ туркман каби Ҳирот тахтига қўниб ўтган подшоҳдарнинг қўлидан келмаган тадбирни – шаҳар ва унинг ён атрофини қароқчилар тўдасидан тозалашга, элга амният ва фароғат беришга журъат қилган ҳукмдор сифатида эҳтиромга ноил бўлади.

\* \* \*

Пойтахт мамлакатнинг юраги эди. Унинг зарби мўътадил бўлса, мулкларда ҳам осоиши бардавом кечарди. Юрак зарбида бир қусур нишон берса, безовталик бутун танага ёйиларди. Ҳирот ва унинг гирдидағи булувларнинг тинчлиги, адолатсизликлардан ҳимоя қилиш низомлари жорийга киритилгунча, қиши мавсуми охирлаб, ҳутнинг оламга қадам ранжидаси илиқдик эмас, чилладан-да совуқроқ бошланди. Абу Саъид Мирзо Мозандарондан Ҳусайн Мирзонинг итоатдан чиқиши хабарини олгандан буён, шаҳзоданинг танобини тортиш қасдига тушган эди. Бир қисм черикни амирлар билан Сеистон йўлидан қайтариб, Мозандаронга, Ҳусайн Мирзога қарши йўллаган эди. Улар Родикон ва Хабушон чегараларига етиб борганларида, қаторлашиб келаётган Ҳусайн Мирзо сипоҳийлари бирдан батартиб Мозандарон чангальзорларига тарқалиб кетди. Уларнинг яроғлари шай, ҳарб-у зарбга тайёр эканлиги аниқ, фақат қулай вақти соатни кутаётганлигини назардан қочирмаслик лозим эди. Бу ҳақда тезда Ҳиротга аён қилинди.

Ҳусайн Бойқаронинг чериги жангни кўзлаб тургани дарагини олиш билан Абу Саъид Мирзо Мозандаронга қарши юриш қилиш ва Журжонни бўйсундиришни пайсалга солиб бўлмаслигини билди. Жумод ул-аввалнинг тўртинчисида (26 февраль 1460), чаҳоршанба куни, ҳутнинг ўн еттинчисида Ҳиротдан отланиб, лашкарга бош бўлиб, йўлга равона бўлди. Ҳусайн Мирзо кучлар нисбатида ҳисобни мукаммал қилолмаганди. Абу Саъиднинг лашкари унивидан икки ҳисса кўп эди. Қўшиннинг тайёргарлиги, қурол-яроғ ва моддий таъминоти ҳам аъло даражада бўлиб, муборизлик бобида номдор навкарлар, жанг ҳадисини олган ботирлар кўп эди. Ҳурросон подшоҳининг ўзи қўшинни бошлаб келиши уни саросимага солиб қўйди, шоша-пиша сулҳ ва дўстлик шевасини орага солди. Абу Саъид Ҳусайн Мирзога икки маротаба яхшилик қилиб, учинчи бор панд еяётгани боис, беҳад аччиқланган, оққўнгиллик қилганидан алами

қўзғаб келаётганди. Сулҳ-у дўстлик таклифи билан келган элчиларни қабул қилмади, аксинча, бор шиддати билан Астробод томон юришда давом этди.

Султонобод саҳросига етганда икки лашкар қораси бир-бирига кўринди. Ҳусайн Мирзо йигитлари қисқа тўқнашувларда ботирлик кўрсата бошлади. Абу Саъид Мирзонинг қалб, буронгор ва жувонғори тўлиқ ҳаракатга келгач, жанг саҳнасида қиёмат қойим жонланди: икки қўшин тўқнашувидан чангдан тўфон кўтарилиб, осмонни тўзон булути қоплаб, ёруғ кун зимиstonга айланди. Чет-чақада шарпалар элас қўзга чалинарди. Ҳусайн Мирзо ўзининг кам сонли сипоҳийлари қирилаётганини кўриб, йифламоқдан бери бўлиб, от қўяр, айрим баҳодирларининг жон ҳовучлаб, қочишга тушаётганларини билиб, аргумоғи жиловини улар кетидан бўшатишга мажбур бўлди. Шу кетишда Африча даштидан чиқди-да, отдан тушиб, уни жиловидан тутиб, бир оз дам бериб, етаклаб юрди. Қочган-қутганлар аста-секин уни қора олиб кела бошлади. Анча суворий жам бўлди. Бамаслаҳат, Хоразм томонга боришга келишдилар. Кечга тортиб, ҳаво бирдан айний бошлади. Жангнинг қизифида совуқ билинмаганди. Ёмғир шундай куя бошладики, бошдан чеълаклаб сув ағдарсалар ҳам, бунчалик ивилмасди. Бир зумда ёлғизоёқ йўллар сувга тўлиб кетди. Отлар борган сари халқоблар ичра кўкрагигача сув кечди. Шу тун тонгга қадар уларнинг бўлганича бўлди. Тонг ёриша бошлагач, ёмғир ҳам секинлади. Даладан ўтин тўдалашиб, уст-бошини қуритиб, Хоразм йўлини тай қилишди.

Абу Саъид Мирзо Мозандарон учун бўлган жангда порлоқ зафарни қўлга киритиб, шод-у хуррам бўлди. Астрободни суюргол мулк қилиб, ўғли Султон Маҳмудга топширди ва Ҳирот сарига қайтиб кетди. Шаъбон ойининг йигирма тўртингчисида (14 июнь 1460) Ҳиротда, Боги Зоғонда Мозандароннинг фатҳномаси ўқилди. Бу шодиёна хабар Мовароуннаҳр ва Туркистон сарҳадлари бўйлаб тарқалди.

\* \* \*

Мозандарон фатҳидан қайтаётган Абу Саъид Мирзога, ноиложликдан бир нохуш хабарни айтиш вожиб кўрилди. Ҳусайн Мирзога қарши қўшин тортилгандан буён ўтган уч-тўрт ой ичида Ҳиротга тажовуз қилиш умидида, унинг остонасига яқинлаб келиш рўй берган эди. Бу амир Халил бўлиб, шу вақтгача, Сеистон ва Қандаҳор вилоятларида нафаси чиқмай, ўзини ўнглаб олгунига қадар бирор ёмонлик билан ном чиқармаганди. Йиллар ўтиб, бели бақувват тортиб, чериги ҳам ортиб, ўзини Рустами Достон деб ҳисоблай бошлаганди. Абу Саъид Мирzonинг Ҳиротдан олислаб кетгани дарагини аниқлаб, Ҳиротни эгаллаш пайига тушиб, қўшинини сафлаган эди.

Жавзо ўтиб, саратоннинг қуёши тик кўтарилган бўлса-да, далаларда ҳосил пишиб етилмаган, галлага ўроқ тушиш арафасида эди.

Арпалар сарғайиб, буғдой доналари қатишаётган маҳаллар эди. Ҳаётларидаги экинларни ўримга тахтлаб, тогнинг офтобрўя жойларидан омоч билан ер очиб, томорқа қилган, уруғлик қадаган қишлоқликлар ҳар кун экин-тикинидан хабарлашарди. Рамазон ойининг ўн иккинчи (1 июль 1460) куни эди. Пайкалларидан қайтаётиб, эшакларга ўрган ўтларини ортиб олган дэхқонлар узоқдан ҳилпираб келаётган яловларни кўриб, ҳайрат-у ҳадикда қотиб қолдилар. Улар қичаб уловларини ҳайдадилар-да, уйларига етиб, Ҳиротга ёғийнинг бостириб келаётгани дарагини бердилар. Қишлоқларда Сеистон вилюятидан амир Халил каттакон черик тортиб, Ҳиротни истило қилиш учун бунда ёнибди, деган ваҳима ёйилди. Пешиндан кейин имконини топган катта-ю кичик шаҳарга анҳордек оқиб кела бошлади. Душманнинг қирғинидан кўрқишиб, ўрим ва ҳосилни йиғиштириб олиш ҳам унтутилди. Ҳамманинг жони ўзига ширин эди. Намоздигар олдидан босқинчи лашкар Ҳиротнинг Ироқ, Ферузобод ва Хуш дарвозалари рўбарўсига келиб тушди. Амир Халил чериги Ҳиротни бутунлай ўраб олиб, қамал қилишга қодир эмасди. Бунинг учун бошлаб келганича яна қўп сипоҳий керак бўларди. Амир Халил қамали рўй берган пайтда Ҳиротда амир Низомиддин Аҳмад барлос, амир Абдуниносир, Амир Аҳмад Ҳожи, амир Беназир Паҳлавон Муҳаммад-паноҳлар ҳозир эди. Қозикалон Кутбиддин Аҳмад ал-Имомий бариси маслаҳат қилишиб, Абу Саъид Мирзо ўз лашкари билан етиб келгунча шаҳарни муҳосара қилишга, одамларни мудофаага сафарбар этишга келишиб, қалъанинг дарвозаларини беркитиб, тайёргарлик кўра бошладилар.

Амир Халил сипоҳлари ўша куннинг ўзидаёқ, кеч тушиб қолганига қарамай, шаҳар дарвозалари олдига бориб, тирандозлик қилдилар, айтарли бир иш қўлларидан келмади. Эртаси кун тонг саҳардан яна ҳужумга ўтдилар. Истеҳком деворларини ҳимоя қилаётгандар орасида шоир мавлоно Ҳасаншоҳ ҳам бор эди. У бир парча қофозга қитъя ёзди-да, ўқ учига боғлаб, камонга солиб, амир Халил лашкари гуж бўлиб турган томонга отди. Қитъада шундай дейилганди:

*Дўстлар, биздан етказинг хабар Халилга,  
Айтинг, боини бериш бўлса хаёлда агар,  
Рўза куни бошларни оғриммоқ нечун, охир,  
Ҳайит куни келсин, ўйинга шунда вақт топар.*

Қамалнинг учинчи куни етди. Амир Халил газабдан чойжўшдек қайнааб, оғзидан кўпиклари ҳар ён сачраб, тажовузни ҳаддан ошириди. Кексалар жомеъ масжидида пешин намозини адо этиб чиққанларида, Ироқ дарвозаси олдида фифон-у фарёд кўтарилган, Хуш дарвозаси яқинида ёғий аскарлари хандақقا гуж келиб қолган эди.

Озгина саъй қилинса, дарвоза ишғол қилинар ва таслим тезлашар эди. Шу вақт шаҳар ичидан бир гуруҳ пиёдалар қўлларида камон-у садоқларида ўқлар билан қалъа деворидан пастга отилиб, хандақقا тушдилар-да, ёппасига душман тарафга ўқ ёғдира кетдилар. Бирорта ҳам ўқ зое кетмади, отлар устидан суворийлар бирин-кетин қулаб туша бошлади. Сипоҳийлар бу ботирликка тоб келтиролмай, орқага қочишга тушди. Жоме масжидидан тоат-ибодатни адо қилиб чиққанлар ҳам шошила Хуш дарвозаси томон югурдилар. Душман аҳолининг бу сикувига дош келтиролмади ва бирданига ортга ўгирилди. Шаҳар аҳолиси дарвозадан ташқари чиқиб, қочаётгандарнинг кўпини қатлга етказди. Амир Халилнинг дафъи Абу Саъид Мирзо лашкари етиб келгунча бўлмай, ҳиротликларнинг жасурлиги сабаб, юз берди.

Амир Халил тажовузи эшитилган ҳамона Абу Саъид қайтишда жадалликни шиор қилганди. Йўл-йўлакай амир Нур Саъид ва учтўрт амирни Мовароуннаҳр тарафга, Ҳусайн Мирзо томонидан бўладиган хавфнинг олдини олиш учун жўнатди. Ҳирот аҳолиси бир ёқадан бош чиқариб, амир Халилни шармисор қилиб, қочирганидан ҳафта ўтиб, у йигирма учинчи рамазонда (12 июль 1460) Ҳиротга етиб келди. Подшоҳ отдан тушиб, Боги Зогонга қадам қўя туриб, амирларни машваратга чорлаб, уларни амир Халилни таъқиб этиш ва йўқ қилишга отлантирди. Дедики, «токи уни қўлга олмагунча, қидиришдан тўхтамасинлар», дея амрини айтди. Амирлар раҳнамолигида лашкар Сеистон шаҳрининг атрофини қуршаб олди, муаррих айтганидек, амир Халил нима эккан бўлса, шуни ўрадиган, яъни Ҳиротни эгаллаш қасдида нимага қўл урган бўлса, унинг ўзига ҳам шу уқубатларни намойиш этдилар.

Амир Халилнинг ақли пешиндан кейин киргандек эди. Бу қуршов тобора қисилиб, арқон бўйнига тушиши муайянлашиб қолаётганди. Боши қотиб, бирор яқини билан ҳам маслаҳат қилмай, Абу Саъид Мирзо ҳузурига боришни, тавба-тазарру қилишни қутулиб қолишининг биргина йўли деб билди. Шу ўй билан йўлга чиқди. Унинг изидан тушган амир Каримдод рўпарасидан чиқиб қодди. Амир Каримдод билан у Абулқосим Бобур даврида дўстлашиб, аҳд-у паймон қилган эдилар. Амир Каримдод орага тушадиган бўлиб, иккалалари зулҳижжа ойининг ўрталарида (1 октябрь 1460) Абу Саъид Мирзо қароргоҳига юзланиб, етиб келдилар. Амир Каримдод подшоҳ ҳузурида юкуниб, амир Халил ўз ихтиёри билан келганлигини, раҳм-шафқатдан умидворлигини айтиб, таъзим бажо этди. Шунда Абу Саъид Мирзо:

– Халилнинг ихтиёрида бир йўлдан бошқа, ҳеч бир йўл қолган эмас, – деди, – бу фикр хаёлимдан бир неча бор ўтган эди, у йўл мана шу, бош эгиб келиш йўли эди.

Мозандарондан Ҳиротгача бўлган бутун тай этилган йўл давомида подшоҳ амир Халил қасдгарчилигини мушоҳада қилган, буни шер билан чиябўрининг талашига мензаганди. Абу Саъиднинг кўнглидан «магар Халил қўлимга тушгудек бўлса, амир эмас, навкар бўлади», деган хаёл кечганди. Шундай бўлди ҳам. Амир Каримдоднинг воситачилигини билмадим-у, амир Халилнинг ўзи ихтиёри билан гуноҳини бўйнига олиб, илтижо билан келиши уни муқаррар ўлимдан сақдаб қолган шафқат омили бўлганди, чоғи.

\* \* \*

Сафар ойининг мушкулотлари, бошқаларига қараганда, кўпроқ ва залварлироқ бўлар экан. Қишлоғи, ой бошлангандан бери, пистирмада куч йифиб, бирдан ёғийга ташланган лашкардек, совуқни уфурар, ёғиб-ёғмай, изгирип пайдар-пай келарди. Қаҳратон ҳам сафар ойида қилич яланғочлаб, курраи заминга ҳамла қилиб, тажовузини амалга ошиаркан. Табиатда бўладиган кескин ўзгариш инсоният ҳаётига ҳам таҳрирлар киритиб, унинг айрича фарқданишини кўзкўз қилиб туаркан.

Рустамдор мавзесидан Руқия Оғони ғамга буркаган нохуш хабар ҳам сафар ойининг йигирма биринчи (6 декабрь 1460) куни Ҳиротга етган эди. Отаси Алоуддавла Мирзо дом-дараксиз, на моли бор, на ҳоли бор, бир жойда ором туролмай, дарбадарликда юргани Руқия Оғонинг дилига оғир тош бўлиб чўккан эди. Ҳар гал тик қадди эгилган, тўлиқ гавдаси чўпдай озғинлашган отани кўз ўнгига келтирас, эслаб кўз ёшлари қиласарди. Абу Саъид Мирзо олдида бу ҳақда лом-мим дейилмас, гўё Алоуддавла Мирзо дунёда йўқдай эди. Мана, ниҳоят шундай қора кун дориди. Рустамдор ноҳиясидан Алоуддавла Мирзонинг жасади олиб келинаётганилиги дараги берилди. Абу Саъид Мирзо дафн маросими ўтказишга изн берди. Руқия Оғо элга ош-таом берди, отаси иззатини жойига қўйди, Қуръони Карим хатмини бағишлатди.

Алоуддавла Мирзо қирқ уч ёшида оламдан қайтган эди. У, қизи Руқия Оғонинг тўйини ҳам кўролмади, Абу Саъид Мирзодан тугилган набираси Шоҳруҳ Мирзони ҳам бир бора тиззасига олиб, сўёлмади. Бу ғаддор дунё таҳтни нечун яратди экан-а? Таҳт савдоси бошига тушди-да, на уйидан, на тақдиридан фарофат топди. Фарзандлари ҳам на баҳт топди, на камол. Руқия Оғо бор экан, ўлигига эгалик қилди. Абу Саъид Мирzonинг давлат ташвишларидан ортиши ҳамон қийинлигича қолмоқда эди. Ҳусайн Мирзо favfosi охиригача тинчимаганидек, унинг зиддига яна бир исён, бўйсунмаслик ҳиди анқий бошлаганди. Бу амир Нур Саъиднинг бош кўтариши билан боғлиқ ҳол эди.

Амир Нур Саъид Бухородан унча йироқ бўлмаган Нур (Нур Ота – муал.) тоғлиқ мавзесида ҳоким эди. Унинг Темурийларга хизмати

сингган, эътибори эътирофда келарди. Қўл остидаги вилоят чорванинг кони эди. Йиллар ўтгани сари Нур Саъиднинг бойлиги ортиб, ҳарбий қуввати ҳам юксала борган эди. Абу Саъид Мирзонинг Ҳиротда йиллаб яшаб, бу шаҳарни пойтахтига айлантиргани назоратнинг салқи тортишига олиб келган ва унинг димогига ҳам эшакқурт уя қура бошлиганди. Ўзининг қўралари отларга тўлганлиги, сипоҳийлари мингдан ошиб кетганлиги туфайли, чакмони енгини киймай, от миниб, тоғнинг баланд жойларига чиқиб борар ва гарб-у шарққа узоқ термилиб қолар, ўзича хаёлига келган режани пишигарди. Режа эса, Бухоро ва Самарқанд сарҳадларида ҳам ҳукм юритиш, ҳокимиият зиналаридан юксакликка қўтарилиш фояси билан сув ичарди. Нур Саъид сипоҳийларини талон-у торожга юборишдан ишини бошлиди. Бир тўда йигитларини Бухоро томонга, бир гурӯҳини Самарқанд ноҳияларини чопқун қилиш, мол-у ашёларни қўлга киритишга сафарбар қилди. Натижа яхши, сурув-сурув қўйлар, подалар, йилқилар ҳайдаб келинди. Нур Саъиднинг босқинчи тўдалари ҳам қуруқ қолмади, тортиб олинган мол-ҳолларнинг учдан икки қисми уларга улуш қилиб берилди. Чопқун жадаллашиб, тобора ичкарироқ силжиб бора бошлиди. Шундай вазият қарор топганда, унинг дараги Ҳиротга, Абу Саъид Мирзога етказилди.

Абу Саъид Мирзо, ким ким-у, Нур Саъидбекдан бундай тамасхўрлик юзага келишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Темурийлар деса, қияликтан ўзини ташлаши мумкин бўлган бу содик амирни нима жин урдийкин? Йўқ, йўқ, бу унинг барокат билан ишни олиб бораётгани ҳасади, кўролмасларнинг чиқарган пуч гапларидир, дея фикрларди подшоҳ. Шу сабабдан, бир қарорга келишга шошилмади, бариси ифво, ғалат сўзлар деб, ўзини эшитмасликка олди. Кунлар ўтавергач, Самарқанддан бу ғавғонинг тобора катталашиб бораётганлиги, Нур Саъиднинг кимсани писанд қилмай, шоҳликка ҳам бўйсунмай қўйганлиги, қўйиб берилса, Бухорони фатҳ қилиб, Самарқандни қароргоҳ қилиши тайинлиги хабарлари тезлашди ва юракларга фулгула сола бошлиди.

Бошда буни фисқ-у фасод деб билган Абу Саъид Мирзо учқундан алнга чиқиши мумкинлиги сабаб, ишончли кишини Нур Саъид олдига юборишни, айтилганлар бари ростми, рост бўлса, уни йўлга солишни, огоҳлантиришни маъқул топди. Борди-ю, амирнинг саркашлиги тутадиган, насиҳатлар кор қилмайдиган бўлса, улуғ авлиё, ўз пири Хожа Носириддин Убайдуллоҳ – Хўжа Аҳрорнинг ҳузурига бориб, у зотни ҳам Нур Саъидни унатишга жалб этиш тайин қилинадиган бўлди.

Элчи Нур Отага етиб борганида, сипоҳийлар отларга эгар-жабдуқ уриб, Хатирчи атрофига отланмоқчи бўлиб тургандилар. Нур Саъидга, Ҳиротдан, Абу Саъид Мирзодан одам келди, деган гап етказил-

ганда, ранги рўйи оқарди-да, бир оз серрайиб турди. Суворийлар юмушига жўнасин, деган буйруқни беролмади. Элчини истар-истамас қабул қилиб, ишдан қолдирган кишидай тунд муомалада бўлди. У, йўлдан озиб бўлган, насиҳатлар натижасиз эди. Бўйсунмаслик, ўз кучига ишониш кўз олдини қора булатдек қоплаб олганди.

Абу Саъид Мирзонинг тайинловлари ва ўзига яқин олиб айтган каломлари таъсири бўлмагач, элчи Самарқандга жўнаб кетди. Уни кузатишмади ҳам, хайрлашмадилар ҳам. Қандай келган бўлса, шундай кетди.

Самарқанд шаҳрининг гарбий қутбида Хўжа Аҳрор ҳазратларининг мақом манзиллари жойлашганди. Элчининг узоқ йўл босганилиги афти ангоридан билиниб турар, миниб келган оти ҳам оёқда зўрга турарди. Хўжа Аҳрор ҳазратлари Абу Саъид Мирзони Улуғбек Мирзо ҳаётлиги пайтларидан биларди. Шаҳзоданинг ўша вақтлардаёқ Нақшбандийликка ихлоси зўр эди. Самарқанд тахти унга муяссар бўлгунича, Эшон ҳазратларининг ихлоси ва дуолари ёр бўлган, даъвати ва мадади ила оз сонли қўшин билан кўп сонли черик устидан ғалабага эришган эди. Улар ўртасида пирлик ва муридлик, мураббийлик ва муҳлислик ришталари маҳкам тортилган эди. Хўжа Аҳрор ҳазратлари элчининг сўзларини бафуржга тинглаб, андак мулоҳаза қилди-да, отланиб, элчи билан Бухоро йўлига тушди. Бу пайтга келиб, Нур Саъидбек Бухоронинг Кўхи Нур мавзесида туроётган эди. Хўжа Аҳрор ҳазратларининг келишини кутмаган Нур Саъидбек мулозаматдан шошиб қолиб, эшон атрофида гиргиттон бўлар, лекин гаплари сира қовушмасди. Хўжа Аҳрор ҳазратлари гапни мулоҳим оҳангда, узоқдан бошлади. Подшоҳлар Аллоҳ таолонинг ердаги сояси эканлигини, бу соядан баҳраманд бўлиш савоблигини кўпдан-кўп, ибратли далилларда меъёрига етказиб ҳикоят қилди. Мабодо, бу суҳбатда харсанг тошни бурчакка келтириб қўйган бўлсалар эди, у симоб янглиф эриб кетган бўларди. Нур Саъид ҳам эриди, эшон сўзларига шак келтира олмади. Абу Саъид Мирзо Аллоҳ таолонинг танлови, унинг ато қилгани хато бўлмайди. Кимки, бу йўлда тўғаноқ бўлар экан, бири ундей, бири бундай ўлим топмай қолмайди. Кўп узоққа бормайлик, насиб – бу вожибдур. Беҳуда ҳаракатлар бемаъни якундир. Инчунун, Самарқанд тахтига кимлар бош уриб, бош бермади, маълумингиздур?! Хўжа Аҳрор ҳазратларининг айтиоётган сўзларидан Нур Саъид ерга кириб кетгудек, бошини эгиб қолган эди.

Нур Саъид Эшон ҳазратларига аҳд-у паймон бериб, қилган ишларидан тавба изҳор қилди, олий даргоҳга хизматкорлик бурчини сира канда қилмаслигини ваъдалади. Хўжа Аҳрор ҳазратлари уни дуо қилди-да, ёнига элчини олиб, шу ернинг ўзидан Ҳирот сафарига йўл олди. Нур Саъиднинг аҳд-у ваъдасидан Эшон ҳазратларининг дилига фубор чўкканди. Бу сўзларнинг самимий эканлиги, нечун-

дир, шубхалироқ әди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Хўжа Аҳрор ҳазратларига берилган сўз ўз ўрнини топмади, лафз ҳаромга айланди. Нур Саъидбек шайтон измига тушган, сўзларига амал қилмай, бошлаган одатини яна авжига чиқараверди. Унинг сипоҳийлари чопқунлари олдингидан-да ёвузроқ, ситамлироқ тусга кирди. Жойларда пичоқ суюкка етиб бора бошлагач, вилоятларнинг амирлари бир бўлиб, Нур Саъидни йўқ қилишга қарор бердилар. Иш шунга етиб бордики, амирлар бирлашиб, унга қарши юриш бошлади.

Эшон ҳазратлари юзига оёқ қўйган, Абу Саъидни чақа пулга олмай, ўзини номдор шаҳаншоҳдек ҳис қилган Нур Саъид биринчи тўқнашувдаёқ, ожиз-у нотавонлигини тушуниб, Қизилқум биёбонига қочиб, жон сақлашга мажбур бўлганди. Унинг хонадони, кўч-кўрони, хотин-халажлари эса, уни даф қилишга борган амирлар сипоҳлари қўлига тушган әди.

Хўжа Аҳрор ҳазратлари Бухородан йўлга чиққанида сафар ойи әди. Кунлар очиқ, қишининг илк даврига хос бўлмаган иссиқ оламда ҳукмрон әди. Ойning йигирма учинчисида (8 ноябрь 1460) улар Ҳиротга қадам босдилар. Эшон ҳазратларининг ташрифи катта шодиёна ва зўр эҳтиром билан кутиб олинди. Шаҳар дарвозасидан бир неча чақирим йўл босиб, подшоҳ жаноби олийларининг ўзлари ул Зотни пойу пиёда, отдан тушиб қарши олди. Эшон ҳазратлари шу кун ҳордиқ олди-да, эртаси кун Гавҳаршод Бегим мадрасасига ва азиз-авлиёлар марқадларига бориб, дуойи фотиҳалар қилди.

Бу сафар кўпдан дилга тугилган әди. Неча йиллар бурун Хўжа Аҳрор ҳазратлари Ҳиротда бўлган кезларида Шайх Баҳоуддин Умар ҳазратларидан таҳсил кўрган, Ҳиротни ёқтириб қолган әди. Хожа Баҳоуддин Тангри раҳматига борганида у зот Мовароуннаҳрда әди. Устоди аъзамнинг муборак марқадини тавоғ қилишни кўпдан орзу қилиб келарди. Шу сабабдан, Хожа Баҳоуддин Умарнинг фарзанди, шайхулислом Шайх Нуриддин Муҳаммаднинг хонадонига бориб, пири учун таъзия билдириди. Подшоҳ олий жаноблари Мовароуннаҳрнинг буюк авлиёси бу ишлардан фориф бўлгач, у зот тушган уйга бир неча кун бориб, суҳбатларини олди. Самарқанд ва бўлак вилоятлар, шаҳар-қишлоқлардаги аҳвол юзасидан гурунг қилдилар. Эшон ҳазратлари тўғригўй, покдомон инсон әди. Мовароуннаҳр аҳолисининг иқтисоддан ночор бўлиб қолаётганлигини яшириб ўтирамади. Шаҳарларда ҳунарманд, савдо-сотик, косибларнинг тамғо солигидан жабр тортаётганлигини, ундан халос бўлишни подшоҳи аъзамдан барчалари сабрсизлик билан кутаётганлигини алоҳида, таъсиротли қилиб сўзлади.

– Подшоҳи аъзам, сўзимни малолга олмассиз, – деди Эшон ҳазратлари, – Самарқанд ва Бухоро элидин тамғо солигини манъ қилурсиз деб ўтинч қилурман?!

Давлат даромадининг катта бир улуши, айниқса, Самарқанд-у Бухородек шаҳри азимлардаги асосий маблағ тушуми тамғо солиғидан эди. Нега дейилса, бу иккала шаҳарда савдо, ҳам ҳунармандчилик ривожланган бўлиб, аҳолининг асосий қисмини шу тоифа ташкил этарди. Абу Саъид Мирзо бу ҳақда ўйламаслик йўлини тутиб келарди. Хўжа Аҳрор ҳазратларининг Ҳиротга ташрифининг асл мақсади ҳам шу, элнинг арзи додини етказиш билан боғлиқ эди.

– Ҳазрати Эшоним, – деди Абу Саъид ўйланқираб, – мени рози этдингиз! Хурросон ва Мовароуннаҳрда қарор топган амният, иншоолоҳ, эл-у улус насибасининг бутун бўлиши асосидур, бас, эмди, тамғо олиғ-солиғидан таъмани кўтартсак, кам бўлмасмиз.

– Шундай, шундай, олий жаноб подшоҳи аъзам, – деди Хўжа Аҳрор бош қимирилатиб, – ўйлайдурманким, тамғо Самарқанд-у Бухордангина эмас, бутун табаа раиятингиз устидан ҳам кўтарилиур ва бунга умид боғлайдурман!

– Эсонлик ила амният бўлса, бори вилоят-у шаҳар-қишлоқларимиздан тамғони кўтарармиз, умидингиз шойистадур, пиrim!

Хўжа Аҳрор ҳазратлари доруссалтана Ҳиротда қирқ етти кун бўлиб, рабиъ ул-аввалнинг ўн биринчи (25 декабрь 1460) куни Самарқандга қайтди. Абу Саъид Мирзо Бухоро ва Самарқанд шаҳри аҳолисини тамғо солиғидан озод қилиш ҳақидаги фармони олийни қабул қилди. Мамлакатда шу йиғимни бекор қилиш ҳақида олий девонда машварат қилинадиган бўлди. Хўжа Аҳрор ҳазратларининг пойи қадами хосиятли бўлган эди.

Эшони аъзамнинг ташрифи, суҳбатларда айтган ҳақ сўзлари таҳтда кейинги пайтда мустаҳкамланиб, ҳарбий ва иқтисодий салоҳияти пешланиб бораётган Абу Саъиднинг қарашларига, ёнидагиларга бўлган муносабатларига ижобий таъсир кўрсатди. Ул зот қайтганидан кейин бир ойга етмай девонда салмоқди ўзгаришлар қилди, давлатнинг молия тизимини қайта кўриб чиқди, солиқлар юкини енгиллаштириб, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга интила бошлади. Рабиъ ул-аввал ойининг охирида (13 январь 1461) вазирлар таркибига билимли, қатъиятли, ҳалол кишилардан Хожа Музффар Хожа Мұхтор Сабзаворий, мавлоно Неъматуллоҳ Кўҳистоний ва мавлоно амир Хожа Камолиддин Самарқандийлар тайин қилинди. Янги вазирларнинг келиб чиқишлиари турли жойлардан, мамлакатнинг турли шаҳарларидан эканлигига алоҳида аҳамият берилди. Бир пайтда Мовароуннаҳрга ҳам Хожа Муизиддин Шерозий ва Хожа мавлоно Амирлар улусни идора қилмоқча жўнатиленди.

Раиятга солинадиган олиқ-солиқларнинг қатъий тартиби жорий қилинди: фармони олийга кўра, ҳосил етилишидан илгари раият устига ҳеч бир нарса ҳавола қилинмасин, агар зарурат юзасидан шунга эҳтиёж туғилса, асосий ҳосилнинг икки до н ги да н ор-

тиқ олинмасин; олиқ-солиқ уч бўлиниб, талаб қилинсин: бири саронда (июнъ ойи), иккинчиси сунбула ва мезонда (август-сентябрь), учинчиси қавс ойида (ноябрь) йигиб олинсин. Харажатларни эса, токи тўла шарҳлари билан арз қилинмагунча ва бу бобда подшоҳона ҳукм эълон қилинмагунча харжлашга бошламаслик белгилаб қўйилди. Агар бу тартиб бузилса, суистеъмол қилинса, девондаги масъул кишилар жазоланиши, қатл этилиши уқдирилди.

Иқтисодий ислоҳотлар жиддий бошланган эди. Девон амирларининг қінғир ишлари ҳам назоратдан четда қолмаётганди. Жумод ул-аввал ойининг тўртинчи куни (15 февраль 1461) Шайх Абу Фазл кўкалтош нафси бузуқлигидан қопқонга тушиб қолди. Тафтиш бу девон каламушининг ҳазинадан талай маблагни ўзлаштирганини ҳужжатлар исботлади. Унинг мол-мулки девоний қилиниб, ўзи Мовароуннаҳрга бадарга этилди.

Тикандан тикан ўсиб чиқиб, илондан илон вужудга келаркан. Падаркуш Абдуллатифга, унинг суюқасди ва ўлимидан кейин ҳам Абу Саъиднинг эътимоди паст бўлмаган, ҳатто, шоҳдик курсисига ўтирганидан кейин суюқасдчиларни тутиб жазолаган ҳам эди. Абдуллатифнинг болаларига яхшилик қилган бўлса, қилдики, ёмонликни раво кўрмади. Шундай бўлса ҳам, газанданинг чурпаси газанда бўлиб улгаяди. Абдуллатифнинг ўғли Муҳаммад Жўкий отга оёқ оширадиган бўлди-ю, мулкирлик сеҳрига тушиб, Мовароуннаҳр шаҳарларини кезиб, мухолифатчилик яловини кўтара бошлади. Атрофига бир тўда фитнагарларни тўплаб, гоҳ у, гоҳ бу манзилда пайдо бўлиб, аҳолига нотинчлик келтириб, жанг-у жадалга майл қилаётгани хабари Ҳиротда маълум бўлди.

Хурросон ишларини саранжом қилиб, Ҳўжа Аҳрор валийга вაъда қилганидек, Мовароуннаҳрга отланишни хаёлига тутиб юрган Абу Саъид Мирзо, бу шумхабарни эшитиб, тугунни ечиб юборди ва Самарқандга жўнашга қарор қилди. Жумод ул-аввалнинг йигирманчи куни (3 март 1461) Ҳиротдан отланиб, йўлга тушди-да, Тўқуз работ деган манзилда тўхтади. Шу кунлар ҳут ҳавоси ўзгариб, ёғингарчилик ҳафтага чўзилиб, совуқ турди. Балхда ҳам оз муддат ором олиб, машойихлар мозорлари зиёрат қилинди. Бу орада вазири Хожа Шамсиддин Муҳаммад Жайҳун дарёсига кўприк тиклаб, мавқаб ва сипоҳийлар учун тайёр қилиб улгурди. Подшоҳ мавқаби, аъёнлари ва акобирлари черик ҳамроҳлигига Самарқандга етиб олди. Тамфо солигидан қутулган шаҳарнинг катта-кичиги Абу Саъид Мирзони шодиёна кутиб олди, йўлига пояндоzlар тўшаб, сочқилар сочдилар. Подшоҳнинг Самарқандга келиб қўнгани овоза бўлди. Абу Саъид Мирзо фурсатни зое қилмай, Муҳаммад Жўкий Мирзо галаёни ва унинг тезроқ барҳам топиши саъини кўрди.

Мұҳаммад Жұқий Мирзонинг исән ялови талон-торож шамолида тобора қаттиқроқ ҳилпирай бошлаган эди. Мовароуннаұрда уни ти-йиб қүя оладиган күч кам эди. Сабаби, Бухорода айнан шундай бе-сааржомликни бошлаб берган, Абу Саъид Мирзога бўйсунмасликка интилган Нур Саъид, унга қўшилган амир Султон Арғунийлар гапни бир қилиб, Мұҳаммад Жұқий Мирзо тарафига ўтиб олган ва бир чипқон болалаб, учтага етган ва танада ўта даражада оғриқ ҳосил қилган эди. Турон мамлакатининг ҳамма минтақаларида уларнинг жабрини тортмаган қавм қолмаган эди, ҳисоб. Муаррих бу ҳақда, «энг ажабланарлиси шуки, давлат тарбиясини топган ва ҳазрат хилофат паноҳий (Абу Саъид – муал.) томонидан юксалтирилган амир Нур Саъид ва амир Султон Арғунийлар ҳам мухолифларга (Мұҳаммад Жұқийга) мувофиқатчилик қилас, у ҳазрат Абу Саъиднинг туз ҳақини унтиб, душманларни дўстлик қўли билан оғушга тортган ва фитна-ю фасод ҳам зулм-у бедодлик имконига нимаики сизса, барчасини зоҳир қилган эдилар», дейди. Самарқанд сипоҳийлари, хусусан, амир Мазид бошлиқ черик оғиз-бурун ўпишган мухолифлар билан бир неча марта жангга киришиб, қаттиқ олишувлар қилдилар. Абу Саъид Мирзо токи Жайхундан ўтмаганича, бу курашлар самара бермади. Шоҳнинг келаётгани хабаридан малул бўлган ёғийлар шаҳарлар-у қишлоқларни босқин қилишдан тийилиб, Сирдарёга етиб, Шоҳрухия қалъасига кириб, ҳисорга захира тўда қила кетдилар. Фалла, кўплаб озиқ-овқат масаллиқларини жам қилдилар.

Абу Саъид Мирзо Сайхун тарафга лашкар тортди. Тарихнавис ўша давр воқеалари манзарасини шундай гавдалантиради:

«Ҳазрат хилофат паноҳий (Абу Саъид – муал.) доруссалтана Самарқанддан йўлга чиқиб, Хўжанд суви соҳилига – қалъа рўбарўсига келиб тушди. У шундай ҳисорки (Шоҳрухия), у жойдаги оқими Хўжанд суви деб аталадиган Сайхун суви унинг атрофидан айланади, шундайки, қалъанинг уч тарафини сув ўраган. Сув ўтмайдиган бир тарафи эса, чуқур ва катта жарликлар, ўпирилган жойлардан иборат бўлиб, у ерлардан ўтиш ниҳоятда қийин».

Шоҳрухия қалъаси Мовароуннаұрнинг энг мустаҳкам ҳисорларидан бўлиб, вақтида Амир Темур томонидан бунёд этилган эди. Улуғбек Мирзо салтанатдан айрилиб, шу қалъага келган, аммо кириш насиб қилмаган эди. Абу Саъид Мирзо қамални бошлашга амр қилди. Амиrlар, муҳандислар қалъани узоқдан кўздан кечириб, теваракатрофини неча бор айланиб, уни қандай қўлга киритиш кераклиги тадоригини кўра бошлади. Кутимаган ҳужумлар уюштирилди, деворларга чиқиш ҳаракатлари бўлди. Дарвозалардан бирини узун ва оғир оғоч ёрдамида қулатишда мұваффақият юзлана бошлади. Кун кечга тортди ва навкарлар чодирларига қайтди. Шу орада, қамал-

нинг айни иссиғида, этни музлатгувчи хабар подшоҳнинг ҳам, муҳосара қилувчиларнинг қўлини ҳам, кўнглини ҳам совитиб юборди.

Ҳиротдан йўлланган чопарлар арзномалари юракларга камон ўқидай қадалди. Абу Саъид Мирзо ҳужумига чидаш бера олмай Хоразмга кетган Ҳусайн Мирзо Мозандаронга тўсатдан босиб келиб, амир Шайх Ҳожи, амир Оллоҳбердиларни қатлаға етказиб, вилоятни эгаллаб олибди. Ҳусайн Мирзо шунчалик куч тўплабдики, бу ўлка билан қаноатланмай, Хурросонни ҳам истило қилишга отланибди.

Бу хабар Шоҳрухия қалъасининг ичига беркиниб олган ёғийларни забт этишдан мушқулроқ эди. Шундай бўлса-да, Абу Саъид Мирзо қалъа муҳосарасини давом эттиришда собит турди. Хурросонга эса, амир Сайид Асил Арғуний бошчилигида бир гуруҳ черик жўнатиб, Ҳусайн Мирзо босадиган қадамдан огоҳ бўлиб туриш вазифаси юкланди.

Кутилаётган босқин хавфи катта эди. Яна Ҳиротнинг қамалда қолиши муайян эди. Шу сабабдан, муаррих айтганидек, «маҳаллалар аҳолиси ва масжидларнинг имомларини ҳисоблаб чиқдилар ва шаҳар ташқарисидан кирган кишиларни қисмларга бўлиб, буржаларни ҳимоя қилишни уларга топширдилар; шаҳарда бўлган амирларнинг ҳар бири бир дарвозага тайинланди. Малик дарвозасини шаҳар доругаси Беназир ўз уҳдасига олди, Ироқ дарвозасига амир Абдуносири кафил бўлди, Ферузобод дарвозаси шаҳар ҳокими амир Аҳмад Ҳожининг зиммасига топширилди, Хуш дарвозаси амир Султон Ҳусайн Арҳангийнинг эгалигига муқаррар қилинди ва Қипчоқ дарвозаси амир Аҳмадёр ихтиёрида эди. Амир Сайид Асил Арғуний ва амир Сайид Муродлар кўмак қисм бошлиқлари сифатида тайинланиб, ҳар ердаги мададга эҳтиёж туғилса, ҳозир ва муҳайё бўлишлари керак эди».

Ҳирот бино бўлганидан буён, нечанчи маротаба қамал исканжасида қолишига пешвоз чиқмоқда эди. Зулқада ойининг йигирма биринчисида (28 август 1461) Мовароуннаҳрдан кўмакчи кучлар етиб келди. Ҳожа Камолиддин Мирак Ҳусайн бошлаб келган сипоҳийлар шунга мунтазир эди, бундан айниқса, раият жуда шодмон бўлди. Шаҳарликларни қувонтирадиган яна бир муҳим воқеа – амир Ҳасан Шайх Темурнинг Ҳусайн Мирзодан юз ўгириб, Ҳиротни паноҳ тутиб келиши бўлди. Шаҳар ичидаги жонини ҳовучлаб ўтирган, аксари қуролсиз, озуқа захираси ўзига яраша шаҳар элининг омади юришгандек эди.

\* \* \*

Раият экин-тикинини йиғишириб бўлган, полизлардаги зироат айни пишиб етиладиган вақт эди. Зулқада ойининг охирларида шаҳарга яқинлашиб келаётган черик уловларининг туёқ садоларидан кўра, ваҳимали дараги олдинроқ қанот қоқиб келаётганди. Ой

тўлиб, йигирма тўртинчи кун (31 август 1461) чошгоҳида ҳисобиз лашкар Мухтор тоги этагида пайдо бўлди. Душанба куни эди. Шаҳар дарвозалари устида қўриқчилар у ёқ бу ёққа юришиб, тўрт томонни кузатишарди. Мухтор тоги этакларига қўнган лашкарнинг катта бир қисми шаҳарнинг Хиёбон томонига йўртиб кела бошлади. Ҳусайн Бойқаро Боги Зогонга етди-да, навкарларга имо қилди. Улар отдан тушиб, боғдан ошиб ўтдилар-да, қасрни зум ўтмай қўлга одилар. Ҳусайн Мирзо шу кун Боги Зогонга шаҳдам одимлар билан кириб келди.

Ҳусайн Мирзонинг амирлари девор ва унинг мудофаасига синчков қараб, бошларини сарак-сарак қилиб қўярдилар. Шаҳар бундай истило талаб сипоҳларни кўравериб, йилдан-йилга қомат кериб турарди. Ҳамманинг иши белгилаб чиқилган, маҳаллаларнинг имомлари, қишлоқларнинг оқсоқоллари ҳужум пайтида ҳимоячиларга қандай қўмак беришини яхши биларди. Айлана мудофаа деворининг ҳар бир бораси тепасида найза, тош, ўқ, фишт ва бошқа омади қурол-воситалар жамғариб қўйилган, ҳамма мавзеларда амирлар ва туркий зобитлардан иборат доруғалар ишбоши бўлиб, ҳарбийларга ҳам, аҳолига ҳам кўтаринки руҳ бериб турардилар. Дарвозалар тепасида сандиқни эслатадиган мослама уйчалар қурилиб, уларнинг асоси мудофаа деворига маҳкамланган эди. Сандуқча – уйчаларга олти-етти ўқчи жойлашарди. Уйчаларга ўқлар келиб қадалса-да, тепшиб ўтолмас, унинг ичидагиларга зиён-заҳмат етмай, bemalol шинаклардан ёғийларни мўлжалга олишлари мумкин эди. Сандуқча – уйлар ҳисор деворидан бир-икки газ олдга силжитиб чиқарилган эди. Зарурат бўлиб қолса, сандуқча – уйчани ичкарига тортиб олиш имкондан эди. Бу қалъадорлик тарихида ўзига хос кашфиёт эди.

Ҳусайн Мирзо эртаси кундан бошлаб, Малик дарвозаси олдига катта гуруҳли сипоҳийларни юбориб турди. Сипоҳийларга жангга киришмасдан, сиёsat қилиш топширилган эди. Чунки Ҳусайн Мирзода Ҳирот одамлари жанг-у жадалсиз, уруш-низосиз шаҳарнинг дарвозаларини очиб беради, деган фикр бор эди. Ахир, Абу Саъид Мовароуннаҳрдан келиб, салтанатни сўраб турган бўлса, ҳамма биладики, у шу ерда, қўл узатса етадиган масофада жойлашган Давлатхона мавзесида ўсиб-улфайган, Амир Темур Соҳибқироннинг ҳам ота, ҳам она томондан набираси бўлса... Муаррих айтадики, шаҳарни жангсиз топшириш аҳолининг хаёлига келмаган ва бундай йўлни ўйлаб ҳам кўрмаган эдилар, деб. Аксинча, ҳиротликларда қамал олти ойга қадар чўзилиб, қаҳратон қиши қиличини ялангочлаганда ҳам, дарвозани очиб берадиган номард топилмасди. Кутгани амалга ошмаётганлигидан Ҳусайн Мирзо танг бўлар, аламини майу шаробдан оларди.

Шаҳарнинг қамали давом этаётган кунларнинг бирида, тарихнавис келтирган ҳикояга кўра, шундай воқеа содир бўлади:

«Бир қуни Мирзо Ҳусайн кўп ҳайл-у ҳашамсиз ва яқин кишилар-у хизматкорларсиз, бир неча номдор суворийлар билан ҳаммомга боришига қасд қилиб, отга минди ва Бони Зоғондан ташқари чиқди. Шаҳар аҳолиси бир айгоқчини пистирмага қўйган эдилар, у орқали хабар топиб, бу маънини катта омад деб билдилар ва катта бир тўда бўлиб, шаҳардан ташқари отидилар. Аммо улар овчи шер агар ўзи танҳо қолса ҳам, майсазордаги кийикларни гала-гала қилиб қувишини била олмадилар... Шу тарзда шаҳар аҳолиси ҳамла қилиб, шижаот ўрмонидаги шерни ов қилмоқчи бўлдилар. Аммо Ҳусайн Мирзо худди тўлқинли денгиз-у ваҳший шердек душманлар устига ҳамла қилиб, уларнинг борлиқларини йўқликка айлантириди. Уларнинг умид ниҳоллари надомат мевасини бериб, бирваракайига енгилдилар ва қочишга юз тутдилар».

Бу тўқнашув мағлубият билан тугагач, эртасига шаҳар аҳолиси катта бир оломон бўлиб, шаҳардан ташқари чиқиб, Ҳусайн Мирзо яшаб турган, нисбатан қўриқчи сипоҳийлар кам бўлган Бони Зоғон дарвозасига етиб, уни қуршаб олдилар. Ҳусайн Мирзо амирлари боғдан ошиб, борган сари кўпаяётган оломонга бир илож қилиб бас келдилар-да, Мирзога шаҳарнинг шарқий томонига Коҳдастон мавзесига ўтишни маъқуллатдилар. Хуш дарвозаси ёнида ҳам майда тўқнашувлар бўлди. Бу дарвоза муқобиласида ҳам имконсиз бўлиб, Ферузобод дарвозаси томонга силжидилар. Шаҳар одамлари жанг-у жадалга қаттиқ киришгандилар, Ҳусайн Мирзо одамларидан кимни тутса, ўлдирмай, қулоқ-бурнини кесиб, қайтариб юборардилар. Қамал қилгувчилар ҳам шу муомалага ўтган эди. Абу Саъид Мирзо кейинги йилларда обод қилган Зиёратгоҳ қасабаси шундай талотўплада тамомила харобага айланди. Зулҳижжа ойининг йигирма еттинчи қуни (3 октябрь 1461) саҳар пайтида Ҳусайн Мирзо бу олишувдан нафъ чиқмаслигини англади-да, сипоҳи-ю кўч-кўрони билан жойидан қўзғалиб, қайтиш йўлига тушди.

Ҳиротликлар буни ғалаба сифатида шод-у хуррам бўлиб, хурсанд-чиликлар қилдилар, дарвозалар очилиб, яна бозорларга жон кирди, ғалла, дон-дун ва мева-чевалар сотила бошлади. Ҳусайн Мирзонинг Бодғисга кетганини аниқлаб, Абу Саъид Мирзо жанг қилиш мақсадида Мурғоб дарёси томон узанги босди.

Абу Саъид Мирzonинг таъқиб қилиш учун ёнишида маъни бор эди. Мовароуннахрда, Мухаммад Жўкий Мирзони қамалда ушлаб турганида, «Ҳусайн Мирзо Ҳиротни муҳосара қилиб, уни босиб олишига оз қолди», деган хабар борган эди. Шу сабабдан Шоҳрухия қалъаси ҳужумини тўхтатиб, Мухаммад Жўкий билан судҳга яқин бир келишув тузишга эҳтиёж сезганди. Абу Саъид шошилинч равишда Жайхундан ўтган ва Ҳусайн Мирзо изидан тушгани моҳияти шунда эди. Абу Саъид лашқари илгарилаб кетаётган ёғий қўшини

ортдан келсин мақсадида, атайлаб чекиниш қилди. Ҳусайн Мирзо ҳарб-у зарбда жуда тадбиркор эди, бу ҳийлани билиб қолиб, қувишига тушмади. Аксинча, илгарилаң, Сарахс томонга йўл олди. Бу орада баъзи амирлари қўрқувдан Абу Саъид ўрдусига бош олиб кетди. Ҳирот учун бўлган иккинчи уриниш ҳам ҳеч бир самара бермай, шундай тугади.

Қасдланиш оқибати фақат бир томон учун ёмонлик келтириб қолмайди. Калтакнинг икки томони борлиги, кўпинча, унутилади. Сайхун билан Ҳирот оралиғи ҳазилакам масофа эмас. Падаркуш Абдуллатифнинг саркаш ўғли Муҳаммад Жўкий Мовароуннаҳрда қўз кўриб, қулоқ эшитмаган талончилик қилиб, давлат ишларига хилофот туғдирив турганда, уни энди сиқувга олаётган маҳалда Ҳусайн Мирзонинг қўзга чиққан тирсакдай, пойтахтни босиб олишга ружу қилиши мамлакат эгасининг қитиқ патига тегмайдими? У шоҳ ва айни вақтда, инсон, ҳамияти ҳам, асаби ҳам бошқаларники каби. Бошқаларнинг бу бобда масъулияти нисбатан кичикроқ бўлса, уни-ки юз чандон катта эди. Буни англаш мумкин. Сайхун дарёси бўйидан Ҳиротга етиб келиш, қўлни белга тираб, «ёғий қочди, энди оёқни узатиб, даврон сураман», дейишга имкон бермасди. Шу андишалар билан Абу Саъид Мирзо лашкарини Мозандарон томонга етаклади. Ҳусайн Мирзонинг Сарахсда, қалъага қўйиб кетган қўриқчи навкарларини таслимга келтирди. Сўнгра, муаррих қавлича, «шамол тезлигига Астробод томон жўнади».

Абу Саъид Мирзо лашкарида ҳам кўп тангликлар уч кўрсата бошлиганди. Узоқ йўл босиши навкарларни ҳам, от-уловни ҳам толиқтирганди. Энг катта танглик қўшинда ёрмоқ – маблағ йўқлигига эди. Тарихнавис шундай дейди:

«Лашкар Мовароуннаҳрга юриш қилиб, яроғ-аслаҳа жиҳатидан танглика тушиб қолганлиги ва лашкар маоши учун бирор ердан келадиган нақд пул йўқлиги сабабли, «қадимги дастур бўйича лашкар зарб, номбардор ва жиҳодий йиғимларини доруссалтана Ҳиротдан, булуклар ва вилоятлардан тўпласинлар ҳамда тожирлардан нима-ики ундира олсалар, қарз расми бўйича олсинлар», деган ҳумоюн фармон содир бўлди».

Лашкарнинг аҳволи шундай эди. Аҳолининг-чи? Ҳарбий давр ойинларига кўра, юриш ва урушнинг ҳамма харажатлари раият ва савдо аҳли зиммасига тушарди. Ҳирот ва унинг қишлоқлари яқинда юз берган қамалдан озиб-тўзиб чиққан, кўрсатган шиҷоатимизга подшоҳ бирор иноят қилар деб кутиб турганларида, вазиятдан келиб чиқиб, қарз расми бўйича – оддиндан йиғиб олиш шарти билан солиқ тўлашга мажбур этилган эди. Муаррих, «бу йиғимлар раият жароҳатига сепилган туз эди, бечоралар баҳарҳол адо этишга кўндилар. Соҳиби аъзам Ҳожа Муъиззиддин Шерозий кўп зулм ўтказди ва қарз

баҳонаси билан тожирлар ва бошқалардан маблағлар олди. Ҳазрат хилофат паноҳий (Абу Саъид – муал.) хабардор бўлиб туриш ва бирор кишига зулм етказиб, ундан ортиқча маблағ йиғишга йўл қўймаслик учун дастури аъзам Хожа Шамсиддинни Ҳиротга юборди. Унинг келиши, ҳақиқатан ҳам, аҳоли жароҳатига малҳам бўлди», дейди.

Шунча ташвиш-тараддуд билан давом этаётган Астробод юришида Ҳусайн Мирзонинг юраги жангга дов бермади ва Адоқ юрти томонга қочиш билан қутулиб қолди. Абу Саъид Мирзо эса, шавкат билан Астрободга кириб борди ва ҳордиқ ёзди.

\* \* \*

Дўстларнинг дўсти, душманларнинг ҳам душмани бўлади. Бирида хайриҳоҳдик, иккинчисида ғаламислик урчииди. Учинчи бир тоифа ҳам борки, у на дўст ва на душман. Лекин ич қора, ҳасад дояси бўлган. Душмандан қўрқмаса бўлади, чунки у ўзини пинҳон тутмайди, юзма-юз келади ё ўлдиради ёки ўлади. Ҳасадгўй бадкирдордан огоҳ бўлинмаганлик туфайли, унинг қопқонига тушиб қолиш одатий ҳол. Бу фалокат тийнат олий тоифани, унинг анжуманини ҳам четлаб ўтган эмас. Балким шу бўгинда, шу қавмда ўсиб, шаклангандир, қайдам. Буни ёлғиз Яратган Зот билади, холос. Йўқса, Абу Саъид Мирзодек тож-у тахтга, ўзи айтганидек, чўпонлар кебанагини кийиб, жанг-у жадал ва ақл-у идрок билан келган подшоҳ ҳам ёнида ўзини дўст кўрсатиб юрган ғаламислар борлигини билмасми? Юрагигина эмас, бутун вужуди кирлаб, фасод боғлаб кетган каснинг сохта илтижоларига қулоқ осмаган, тегишли жазосини бериб, унинг навбатдаги ташланишларидан ўзини холи этган бўларди. Гап амир Халил ҳақида боряпти. Уни қатл қилиш ўрнига, исёнкорлиги учун бу вожиб эди, амирликдан навкарликка туширган, орадан вақт ўтиб, яна мартабасини кўтарган Абу Саъид қўйнида заҳарли илон олиб юрганини ҳеч хаёлга келтирмади. Илон эса, билонглаб, заҳар тўплаши ҳамон, ҳамла қилишни хоҳлаб қолди.

Абу Саъид Мирзо қўшини Шоҳрухияни қамалга олиб, бир иш чиқаромай, хуноб бўлиб юрган кунларда амир Халилнинг қилиқларида ўзгариш юз бера бошлаганди. Негадир, туннинг зимёсида қалъага ҳужум қилишни, шахсан Абу Саъид Мирзонинг ўзи ҳам ҳужум вақтида ҳозир бўлишни у даъват қилгани қилган эди. Нега, кечаси? Буни ўша пайтда Абу Саъид ўйлаб ҳам кўрмаганди. Энди эса Ҳусайн Бойқарони таъқиб қилиб келганда, шу фингшиш яна эшитила бошлади. Муаррихга сўз берай, у зот ёзади:

«Мирзо Султон Ҳусайн енгилиб, Адоқ томонга чиқиб кетган кечаси қора булут осмон бетига қора пардасини тортган, чақмоқ шуъласи-ю момақаладироқ ва ёмғир тўфони ҳайқириғи ҳамма жойга етган бир пайтда амир Халил Султон ҳазратларини (Абу Саъидни – муал.)

душман кетидан шахсан ўзи қувишга қўп ундали. Онҳазрат эса, «Халилбек, «подшоҳ ўзи кечаси душман кетидан қувсин», деган қонун йўқ», деб жавоб берди. Онҳазрат амир Халилнинг ундашидан унинг душманлик қасдида эканлигини фаросат билан фаҳмлади, чунки ҳумоюн ўрду шу пайтда пароканда ҳолда, лашкарнинг қўпчилиги енгилиб қочган Мирзо Султон Ҳусайн лашкари кетидан кетган эди».

Амир Халилга Сеистон вилояти бошқаруви берилгани қаноат ҳосил қилмаган, Ҳиротни тасарруфга олиш қасдида босиб келган ва илтижо туфайли афв этилганди. Вақтида у хорлик тортганида, Абу Саъид уни мартабага кўтартганди. Вилоятнинг олиқ-солиги, лашкари ихтиёрида бўлиб, зимдан уларни ҳар жиҳатдан ўзига қарам қилиб олганди. Оқибат шу бўлдики, Ҳиротга тажовуз қилди, шоҳнинг афви билан мулоғимлар қаторидан ўрин олди. Энди эса, Абу Саъид Мирзони тунда отлантириб, бирёқли қилишга режа тузди. Шоҳрухиядан то Астрободга қадар шундай ўнғай лаҳзани кутиб яшади.

«Яхши ошини, ёмон бошини ер», деб тўғри айтилган. Амир Халилнинг писмиқона хоинлиги, душманликдан юз чандон ортиқ адова-ти, охир-оқибатда, унинг ўз бошига етди. Қилмишлари учун у қатлга етказилди. Бир фитна ўчоги ўчди. Ҳиротни қўлга киритаман, тож кийиб, тахтда ўтираман, деган қутқу барбод бўлганда ҳам у ўзига баҳо беролмади. Унинг каби, ундан-да ақдлироқ, ботирроқ амирлар кўп эди. Баданга озгина жир битса, босар-тусарини билмай қоладиган мардумлар дунёда сон-саноқсиз бўлса-да, биринчиси амир Халил эди. Издошлари эса, кўп, тахминан бўлса-да, сонини айтиш қийин. Чунки улар пинҳоний кураш олиб борадилар ва сўнгги дамларда ўзларини ошкор қиласидилар.

\* \* \*

Астрободда қуёш чарақлаб турарди. Ҳусайн Мирзо зарб еб, қочгандан бери ёмғир ёғмаганди. Қавс ичида ҳаво мўътадил бўлиб турди. Қишининг чилласида ҳам совуқдан асар бўлмади. Мозандаронда лашкар хавфидан фасл ҳам қўркувга тушгандек, ножӯяликдан – қор-у ёмғир оворагарчилигидан атай тийилиб тургандек эди. Подшоҳнинг руҳи тетик, кайфияти яхши, энди bemalol Ҳиротга қайтиш мумкин, деган ўйда эди. Лашкар саранжомини олган, мавқаб ҳам сафарга тайёр эди. Ранг-баранг байроқлар ҳилпираб, голиб подшоҳ жамоаси Ҳиротга кўс ва ногора, карнай-сурнайлар садоси остида йўлга тушди. Шоҳнинг мавқаби манзилларни қароргоҳ қилганда, раият аҳволи суриштирилди, ёрдам қўли чўзилди. Қусуя қасабасига тушганларида, лашкар Астрободга юришни бошлаганда эл-у улусдан ортиқча маблағ ундирилганлиги ҳақида арзнома маълум қилинди. Абу Саъид Мирзо бу муаммони батафсил қўриб чиқиб, арзноманинг ҳақлигини эътироф этди-да, «ортиқча олинган ҳар бир чақани ха-

зинадан раиятга қайтариб берилсін», деган фармонни қабул қылди. Подшоҳликлар кечмишида бу янглиғ жұмардликлар деярли содир бўлмаган. Вазирлар бу амр-у фармондан ноқулай аҳволга тушиб қолди. Йўлда давлат ишларини жойига қўйиб, подшоҳ рабиъ ус-со-нийнинг йигирма учинчисида (25 январь 1462) Ҳиротнинг Боги Са-фидига келиб тушди.

Кўшиннинг Мозандаронга қилган юришида олиқ-солиқ ишониб топширилган соҳиб девонлар йўлдаги қарордан карахт бир ҳолга тушғанлиги Абу Саъид Мирзони йўлантириб қўйди. Девоннинг молиявий ҳолати шубҳа уйғотадиган ҳолга келиб қолган эди. Масъул қилинган Хожа Муъиззиддин лашкар зари ва номбардор йикқан вақтда, раиятга зулм ўтказиб, ортиқча йифимга ружу қилиб, порага зўр берган бўлса, Шайх Аҳмад подшоҳлик ваколатини суиистеъмол қилиб, савдогарлардан қарз тарзида фармони олий бандларини ўзгартириб, рўйхатни чўзган ва чамадан кўп маблағни ўзлаштириб юборган экан.

Иккала йифим ишларига мутасаддилик қилган девон масъуллари айблари тасдиқ топиб, қатл қилинадиган бўлди. Бошқалар учун ибрат тариқасида раиятдан ортиқча маблағ ундирган Шайх Аҳмад шаҳарнинг Малик дарвозасида териси тириклай шилиб олиниб, осиб ўлдирилди. Иккинчи айбдор, пораҳур Хожа Муъиззиддинни бундан ҳам қаттиқ ўлим азоби кутиб турарди. Шоҳруҳ Мирзонинг мадрасаси ва хонақоси рўбарўсида катта дошқозон осиб, сув тўлдирилиб, тагига гуриллатиб олов ёқилди. Оёқ-қўлига кишан солинган соҳиб девонни олиб келиб, қайнаётган сувга ташладилар. Муаррих айтганидек, «у ҳаёт шуъласи ўчгунча» сувда қайнади. Гуноҳкорлар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жазога мустаҳиқ этилди. Жам бўлган халойиқقا подшоҳнинг фармони олийси эълон қилинди. Унда, «бундан кейин Ҳиротдан ва булуклардан номбардор, зар талаб қилинмайди ва йифилмайди, бирор жонзотга шундай йифим деб зулм ўтказилмасин ва бу ҳақда тошга битик битсинлар ва жомеъ масжидига, кўринишли бир ерга ўрнатсинлар», дейилган эди. Муаррих мазкур фармонни шарҳлаб шундай хulosага келган эди: «Буйруққа тамомила амал қилдилар. У яхшилик истовчи подшоҳ ҳаёт бандида тирик экан, бу ҳукмни ўзгартириб, бекор қилмади».

Абу Саъид Мирzonинг ҳукм сиёсати ниҳоятда қаттиқ эди. Бошқа қўли эгри вазирлар ҳам жазодан четда қолмади, бўйинларига катта маблағ юкланди, вазифадан бекор қилинди. Аксинча, қобилиятли кишилар соҳиб девонликка сипориш этилди.

Ҳирот ва Хурросоннинг Ҳусайн Мирзо босқинидан омон сақлаб қолиниши катта воқеа бўлган эди. Мамлакатнинг олиқ-солиқлар ва фавқулодда, уруш ҳолатларида молиявий аҳволини ўнглаш йўлида-ги амалий саъй-ҳаракатлар ҳам аҳамияти жиҳатидан ундан кичик

муаммо эмасди. Бу икки ишдан қаноат ҳосил қилган подшоҳ Мовароуннаұрда чала қолған ишини бартараф қилиш фикрида эди. Үқувчи ёдіда бўлса керак, Мұхаммад Жўкий Мирзо Шоҳрухияда мустаҳкамланиб, яна теварак-атрофни исканжага ола бошлиғанди.

Шу йил қиши охирлаб қолғанда Мовароуннаұр нияти шоҳни ва лашкарни сафарга чөглади. Жумод ул-охир ойининг ўрталарида (16 март 1462) Абу Саъид Мирзонинг бутун жамоати қуббатулислом Балх шаҳри остонасига қадам босди.

\* \* \*

Оlam наврўзи кириб, Балхда қўклам барқ урган маҳаллар эди. Дов-даражтлар шигил гулга ўтирган, тоғ-у дала қирлар ям-яшил ли-босга бурканғанди. Шаҳарнинг Навбаҳор мавзеси сўлим бир гўшага айланган, қадим Зардуштийлардан қолған Ибодатхона атрофи роҳатбахш очиқ айвонга айланғанди. Абу Саъид Мирзога шу маскан манзур бўлди ва бир неча кун бу жойда истироҳатда яшади. Ражаб ойи бошларида шоҳона жамоа ва лашкарлар Жайҳундан ўтди. Шу ойининг охирода (30 апрель 1462) Самарқанд амирлари, акобирлар, аъёнлар подшоҳ истиқболига чиқиб, кутиб олиш расмини бажо келтирди. Абу Саъид Мирзо Балхда, Навбаҳорда турган пайтида ўғилларига хатна тўйи беришни қўнглига туғиб қўйғанди. Самарқандда ўрнашиб, ҳол-аҳволни суриштирса, Мұхаммад Жўкийнинг дағдагаси ҳаддан оша бошлабди. Абу Саъид Мирзо тўй ҳақида бир сўз демасдан, Сайҳун тарафга отланиш амрини қилди.

Мұхаммад Жўкий ҳам орадан ўтган ойлар давомида Шоҳрухияни янада маҳкамлаган, уни куч билан олиш чорасиз, тадбир ўйлаб топиш эса, мушкул эди.

Жангларни кўрарвериб, суюги қотган Абу Саъид Мирзо Сайҳун ёқалаб, узоқ қолиб кетишиларига кўзи етди-да, лашкарнинг асосий қисмини қалъа муқобиласида қолдириб, ҳужум истеҳкомини қуришга буюрди. Бу анча вақтни оларди. Шу туфайли, оралиқда Самарқандга бориш ва ўғилларининг хатна тўйини ўтказиб қайтишни маъқул топди. Мирзонинг ўғил фарзандлари кўп эди. Улардан Султон Аҳмад Мирзо, Мұхаммад Мирзолар суннат қилинган бўлса-да, Абу Бакр, Шоҳрух, Халил, Мурод Мирзоларнинг қўли ҳалолланмаган, ёшлари ҳам уч-беш бўлиб қолғанди.

Зулхижжа ойининг бошларида, Ҳиротдан ташриф қилганидан бери тўрт ойга яқин муддат ўтиб, 1462 йилнинг 27 августида Амир Темур асослаган Конигил очиқ дала тўйгоҳида шодиёнани бошлаб юборди. Конигил куз охирларида ҳам кўкаlamзор бўлиб турарди. Унинг саҳни эни-бўйига бир фарсаҳдан – 8-9 чақиридан ортиқ келарди. Об-ҳавоси дилхуш, киши нафас олиб тўймасди. Теварак-атрофидан зилол сувлар, ариқ ва жилгалар кўп эди. Бурунги замон-

ларда бўлганидек, чодир ва хиргоҳлар, саропарда ва боргоҳлар қубалари билан ўрнатилди. Ҳунармандлар безашда Чин моҳирларини ҳам ортда қолдирадиган ноёб инж-у дурлардан зийнат бердилар. Санъат аҳли тўйга файз киритди.

Шаҳзодалар тўйи, чинакамига, Темурийларга хос улуғворлик билан ниҳоясига етди, хатна ҳам бўлди, эл ҳам тўйди.

\* \* \*

Конигил ҳувиллаб қолган, муҳаррам ойининг ўрталарида (10 октябрь 1462) бу тўйгоҳ дала шунча одамни бағрига олганини ақдга сифдириб бўлмас эди. Самарқанд теварак-атрофи ҳам қўзғалиб, йўлга тушган лашкардан холи бўлган эди. Абу Саъид Мирзо ва бутун сипоҳий аҳли яна Сайхун тарафга, бўйсунмас Шоҳрухия қалъаси фатҳи учун отларга қамчи босганди. Лашкар Чўпон Ота яланглигига сафланганда қўшиннинг қалб қисмидаги байроқлар ял-ял товланиб қудрат ва шижоатдан дам ургандек туюларди. Ён қисмлар байроқдари ҳам ранг-баранг ва кўп эди. Қўшин бардам руҳ билан олға бора бошлади.

Лашкар Шоҳрухия қалъасининг қаршисига келиб ўрнашди. Абу Саъид Мирзо қалъа ичида Султон ва Нур Саъид каби ҳарб ишида моҳир амирлар борлигини эътиборда тутиб, мудофаачилар тўсатдан дарвозадан чиқиб, ҳужумга ташланмаслиги учун тўсиқлар – шаҳрбанд қуришга амр қилди. Жамики навкарлар тўсиқ қуришга киришиб, икки-уч кун орасида бунинг уддасидан чиқдилар.

Кутилгандай бўлди, ҳисор ичида фавқулодда бир тўда отлиқ жангчилар яшиндай отилиб чиқар, тўсиқларни ағдариб ўтиб, навкарларга ҳамла қиласди. Уларнинг жасорати кўпдан чопқун ҳадисини олганлиги, тайёргарликлари қиёмага етганидан дарак бериб туради. Бундай тўқнашувлар бир кунда икки-уч бора қайталанган ҳоллар кўп бўлди. Бир куни қалъанинг чап тарафида баланд деворидан бир бурж қулаг тушди. Абу Саъид Мирзо лашкари дарҳол шу томонга от қўйиб, пиёда-ю сувора бирданига ёпирилди. Қалъа ҳимоячилари шошиб қолмади, улар пухта ҳозирлик қўрганидан, камонлардан ўқларни ёддирив, ташқи кучларни улоқтириб ташлашга муваффақ бўлди. Ичкарида шундай интизом ва жисплик намоён бўлдики, озгина фурсат ичида бурж яна тикланиб, олдинги ҳолига келтирилди.

Шоҳрухия худди Хурсоңдаги Имод қалъаси каби тош-метин, унинг забтига эришмоқ қийин бўлаётган эди. Шу сабаб, муҳосара муддати чўзилиб бораётган, қишининг совуқ кунлари ҳам яқинлашиб келмоқда эди. Баъзи кунлар икки томон ҳам тинчиб қолар, гўё қалъа ичида биронта жонзот йўқдек кўринарди. Одатда, қамал пайтларида кузатиладиган девор устига чиқиб, ёғийларни ҳақоратлаш ёинки тунларда бир-бирларини огоҳлантириб, «ҳозир бўл», деган

ҳайқириқлар ҳам эшитилмай қоларди. Бундай сукунатли күнлар ва тунлар, аксинча, қалъани ўраб олган лашкар учун ўта хавфли бўларди. Маккор амирлар Султон ва Нур Саъидлар тўлғамаси кутмаганда ёриб чиқарди. Дарвоза бирдан очилиб, икки юз киши, муаррих айтганидек, оч қолган шердек ташқарига чопиб, ўлдирганни ўлдириб, зўрликни намойиш қилиб, кўлга илашган нарсани ўзи билан олиб, дарров қалъя ичига кириб, беркинар эди.

Қалъадорликка күнлар қўшила боргани сари, озиқ-овқатга танқислик супрани қоқлаб бормоқда эди. Ҳужумдагилар буни сезиб, лашкар озуқа захирасини янада орқароққа жойлаштириди. Ичкаридагилар гўё бу жиҳатдан кўнгли тўқдай кўринсалар-да, минг чора билан тунни кунга улаётганилигини сезмасликнинг иложи йўқ эди. Зўрга етиб турган озиқ-овқат қандайдир йўл билан қалъя ичига олиб кирилаётганидан шубҳа туғилди. Ташқаридагилар буни кўп пойлашди, қайси бир имкондан ичкаридагилар фойдаланишаётир, билиб бўлмади. Шунда амир Шужоиддин Шер Ҳожи бир маслаҳатни ўртага солди: Жўкий Мирзо олдиндан танийдиган бир навкарни атай қочириб юборди ва қалъага олиб кирилаётган озиқ-овқат келиш йўлини аниқлаб қайтишни топшириди. Муҳаммад Жўкий қочқин навкарни таниб, нега ва қандай келганлигини сўради. Шунда қочқин навкар, «қалъя фатҳи чўзилиб кетди, навкарлар суст деб қамчилай бошлишди, анави амир Шер Ҳожи менга омонат пул бериб қўйганди, бир қисмини ишлатиб юборгандим, аччиқланиб, мени қаматиб қўйди, банддан қутулдим-да, бул сари келдим», деди. Шахзода эски таниши гапига роса ишониб, унга навкарлари сафидан жой кўрсатди. Қочқин навкар борганидан жидд-у жаҳд кўрсатиб, ташқи ҳужумларга қатнашар, тез орада бир тўдани бошқариш ишончига ҳам сазовор бўлиб олди. У шунчалик ички бўлиб кетдики, қалъага ташқаридан олиб кирилаётган озиқ-овқатнинг қаердан ва ким томонидан етказилаётгани сирларини билиб олди ва ўзи бош бўлиб қабул қилиб олди. Ҳарбий синоатни миридан-сиригача билиб олгач, ташқи ҳужумга чиққан бир куни, орқага, қалъага қайтмади. Амир Шер Ҳожига аниқлаб қайтган сирини айтди:

— Ўрду бозорда Тожимурод деган киши бор, у ҳар куни нон ёпдириб, озиқ-овқат жам қиласи, уст-бош, қурол-яроғ фамлаб, яrim кечада, аниқ бир вақтда ҳамма нарсани кемага ортиб, қалъага олиб келади. Бу қалъя ичидагиларга қувват ва куч бериб турибди.

Амир Шер Ҳожи навкарни тақдирлади-да, Абу Саъидга аниқланган сир-у асрорни етказди. Бамаслаҳат, ўрду бозорга айғоқчилар қўйилди ва кун давомида Тожимурод тожирнинг изидан тушилди. Айтилганларнинг бари рост бўлиб чиқди. Унинг бир неча ҳамкорлари бўлиб, қалъя таъминоти улар бўйнида эканлигига шак-шубҳа қолмади. Амир Шер Ҳожининг одамлари Тожимурод тожирни ту-

тиб, уни банд қилдилар-да, қалъа қаршиисига олиб келиб, тиз чўктириб, юзи-боши узра бир-икки қамчи урдилар. Қонга ботган тожир ҳақида атай ҳайқириб:

– Қалъа аҳди! – дедилар. – Таниётирсизми? Бу сизларга тамадди етказиб турган Тожимурод тожир бўлади! Энди кунингиз битди, емакка нонингиз йўқ, қуруқ сувни ичаверинг! Ҳа-ҳа...

Тожир қанчалар ялинмасин, мени шунга мажбур қилдилар демасин, қалъа деворидан бўйлаб турган мудоафачилар кўз ўнгидаги аёвсиз калтаклаб, қатла га етказдилар.

Ўлимга чидаш мумкин, лекин очликка тоқат қилиб бўлмаскан. Қалъа аҳди ташқи таъминотдан маҳрум бўлиб, бир кун нари-берисида чидай олди, халос.

Амир Султон ва амир Нур Саъидлар омаднинг шўйи кетганини тан олиб, шаҳзода Муҳаммад Жўкийга қалъадан эсон-омон чиқишининг бир йўли қолганлигини маслаҳат қилдилар. Умид ва нажот Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрордан эди. Авлиёи муаззамнинг сўзини Абу Саъид Мирзо ташлоимас, ул Зотнинг муроса каломи айтилмай, қалъа ичидагилар тирик қолмас эди. Шаҳзоданинг димоги пасайган, аввалги манманлик тердек оқиб кетганди. Кўз олдидан бўйинга тушадиган сиртмоқ кетмас, Абу Саъид жаҳzlаниб, «сен тирмизак, шунча овора-ю жаҳон қилдинг, энди мукофотингни ол», деяётгандек бўлаверарди. Маслаҳат билан, Абу Саъид ҳузурита элчи юборилиб, «бизга Хўжа Аҳрор ҳазратлари ташрифи даркор», дедилар.

Абу Саъид Мирзо уларнинг илтижосига қаршилик қилмади. Самарқандга кишилар жўнатиб, Эшон ҳазратларини олиб келтирди. Хўжа ҳазратлари Абу Саъид Мирзо томонидан илиқ кутиб олинди. Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг тақдирлар терс ҳал бўлиш жарлигига тургани вақтида, кексайган бўлишларига қарамай, шунча йўлни тай қилиб, беҳуда қон тўкилишларга барҳам бермоқ, амният ниятида етиб келганлиги хабари қалъа ичидаги ҳам маълум бўлган эди. Амир Нур Саъидбек Эшон ҳазратларининг шоир Абдураҳмон Жомийга бўлган ихлосини яхши билганидан, унинг бир байтини қоғозга тушириб, ҳазратга юборди. Байт шундай эди:

*Фаминг бирла сенинг харобдур Жомий ҳоли,  
Дардимни айтдим, баски, энди ўзинг билурсан!*

Мактубда вужудга келган аҳвол баён этилиб, кўп ялинишлар айтилган, ул Зот икки ўртада ярашувни қарор топдириб, неки шартни қўйса, ризо эканликлари зикрланганди.

Хўжа Аҳрор ҳазратлари қалъага кирди ва бир неча кун мобайнинда шароитни ислоҳ қилиш, ёвлашган икки тарафни келишириш ҳаракатида бўлди.

Муҳаммад Жўкий Мирзо Эшон ҳазратларига сўз бериб, ярашув учун қалъадан чиқиши ихтиёрини қилганди. Бу аҳд кундан-кунга пайсалга солина бошланди. Эшон ҳазратларининг қалъага қилган иккинчи қадам ранжидаси ҳам шаҳзода томонидан сўзининг амалиётига вобаста бўлмади. Шундан сўнг Хўжа Аҳрор ҳазратлари Самарқандга қайтиб кетди. Қамал қилингандар аҳволи эса тангликда қолиб, сўнгги иложларга ҳам имкон тугаб бораради.

Абу Саъид Мирзонинг Ҳиротдан кўнгли тўқ эди. Тахтга ўн ёшли ўғли Султон Муҳаммадни тайин қилган, шаҳзода рабиъ ул-аввалининг ўрталарида (24 ноябрь 1462) Самарқанддан Ҳиротга етиб борган ва бошқарувга киришганди.

Шоҳрухия қамали эса, аччиқ ичакдек чўзилиб бораради. Тез орада шайхулислом Хожа Бурҳониддин қамал жойига етиб келди. Шайхулислом қалъадорликнинг хунук оқибатига қадар етиб борилмасдан, амниятга эришувга саъй қилди.

«Самарқанд аҳолиси учун агар бир неча йил Шоҳрухияни қамал қилиб туриш лозим бўлса, – деди у Абу Саъид Мирзо ва ёнидагиларга, – қалъани бўйсундиришни бир соатга ҳам кечиктиришга йўл қўймаслар. Истасангиз, биз, самарқандликлар шу ерга кўчиб келамиз ва Аллоҳ таолонинг инояти билан токи бу дарвозаларни очмагунча, қайтиб кетмаймиз. Агар бу ерда, яна бир Самарқанд каби шаҳар қуриш лозим бўлса, қурамиз, хулласи калом, душманлар хонумонини туби билан қуритамиз». Шайхулисломнинг мадад сўzlари подшоҳга манзур бўлди.

Ҳафтадан бери очликдан силласи қуриган қалъа ичида гилар яна арз йўллаб, Хожа Носириддин Убайдуллоҳ – Хўжа Аҳрорнинг келишини илтимос қилишга тушдилар. Яна Самарқандга одам жўнатилди, яна Хўжа ҳазратлари кўпнинг иши ижобати учун эринмай, етиб келди. Хўжа ҳазратлари ўрдуда подшоҳ билан юзма-юз гаплашиб, ўртага имонни қўйди:

– Ҳазрат хилофат паноҳий, – деди у Абу Саъид Мирзога, – гуноҳкор жамоатни қатал этмоққа қасд қилмассиз?

Тасдиқ жавобини олгач, Эшон ҳазратлари гапининг давомини ҳам сўзлади:

– Абдуллатиф Мирзонинг ўғли, шаҳзода Муҳаммад Жўкийнинг ҳамда Султон ва Нур Саъид каби амирларнинг бир қошиқ қонидан ўтарсиз, деб изн берурсиз?

– Ҳидоят соҳиби, аъло ҳазрат, – деди бир мунча вақт ўйланиб турган Абу Саъид, – гарчанд бу икки амирнинг ҳам, Муҳаммад Жўкийнинг ҳам жонини дўзахга жўнатмоқ лозим бўлса-да, Сизнинг табаррук каломингизга зид сўз айтилмағусидир! Иншооллоҳ, йўриғингиз салтанатга дастур бўлғусидир!

Шу гап-сўзлар бўлиб ўтганидан, бир соатга қолмай Хўжа Аҳрор ҳазратлари қалъага бориб, шаҳзодани, Султон, Нур Саъид ва қолган амирларни ўзи билан эргаштириб олиб чиқди ва Абу Саъид боргоҳига бирга келди. Боргоҳда бўлган учрашув голиблик ва шармисорлик намоёни бўлганлиги ҳар бир хатти-ҳаракатда, юз-у кўзлар, сўзлар ифодатидан англашилиб турарди.

Эшон ҳазратларига аҳд берганидек, Абу Саъид Мирзо уларнинг ҳамасига илтифот кўрсатди, ҳол-аҳволларини сўраб, озодик бағишлади.

Юртимизда улуғ машойихлар, таниқли авлиёлар, дин-у диёнат раҳнамолари, буюк пирлар бўлганлиги, таниқли, кучли, даҳо шахсларнинг мақом тутганилиги кишини ифтихорга чўлгайди, кўнгил то-заради, миллатимиз закосидан қалбимизни мунаввар этувчи нур пайдо бўлади. Хўжа Аҳрор Валий бу ҳарбий низога аралашмаганда, қанча қонлар тўклиши, беҳуда қурбонлар берилиши муайян эди. Ёвлашувчи томонлар, афсус, ҳамма вақт ҳам мўътабар инсонлар йўриғидан юрмаганлар, ўз билганларидан қолмай, пешона деворга бориб урилганда, элда ҳукм суриб келган қадриятларга бош эгишга эҳтиёж сезганлар, холос.

Муҳаммад Жўкий Мирзо давлат оёғига тушов бўлган, уни тинчлантириш учун қанча вақт, куч ва маблағ сарф бўлган эди. Бу мантиқдан холи қарама-қаршилик бир ярим йилга чўзилиб, ҳукумат ишларининг орқага кетишига сабаб бўлмай қолмади. Афтидан, муҳосара тинч итмомига етгандан кейин саркаш шаҳзода назорат остида бўлган. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий ҳижрий 868 йил воқеаларини ҳикоя қиласар экан, шу йил 9 муҳаррамда (22 сентябрь 1463) Абу Саъид Мирзо қабули ҳақида тўхталиб ўтади. Қабул жума куни бўлади. Муаррих, «Мирзо Муҳаммад Жўкийни ҳумоюн мажлисга келтирдилар», деган калимани ишлатади. Келиш бошқа, келтириш бошқа маънода, албатта. Бундан чиқади, у бандда бўлмаса ҳам, ҳибсда сақланганлигини фаҳмлаш қийин эмас. Муҳаммад Жўкийнинг бу мажлисга қаттиқ хавотирда келгани ҳам айтилади. Бироқ Абу Саъид ундаги хавотирни тарқатиб, қучогига босади ва ёнидан жой беради.

Тошкент вилояти ва Хўжанд Муҳаммад Жўкийнинг ҳукми остида қолганида кўп ҳаробаликлар бўлган, итоат ва илтизом бобида тартибсизликлар бартараф қилинишини кутарди. Шу боисдан бир неча кун шу муаммолар билан банд бўлинди-да, Самарқандга қайтилди. Бу ишлар уч ой давомида шоҳона назорат матлабида бўлиб, Абу Саъид Мирзонинг қиши бўлишига қарамай, рабиъ ус-сонийнинг йигирма иккинчи куни узоқ йўл босиб, Ҳиротга Боги Сафидга келиб тушишига замин ҳозирлади.

Исёнкор шаҳзода, подшоҳнинг, ҳарбий кучларнинг уч йиллик уринишларига сабаб бўлган Муҳаммад Жўкий ҳам отга миндири-

либ, қаттиқ назоратда, қуршов остида Ҳиротга олиб келинди. Шаҳзоданинг ўзини тутиши, кўзининг олазараклиги Абу Саъид Мирзода қаноат ва ишонч түғдирмаган, магар ўша қабул мажлисида, Муҳаммад Жўкий ўзини яхшилик билан тақдим эта олган, пушаймонлиги га ишонч ҳосил қилдирганда эди, Ҳиротга кела солиб, Ихтиёридин қалъасига қамаб ташламаган бўларди. Ихтиёридин қалъаси ичидага минора шаклли бир мезана бўлиб, таги зиндан эди. Муҳаммад Жўкий ашаддий жиноятчилар зинданбанд этиладиган шу чоҳга маҳбус қилиб қўйилди.

Мамлакатда вазият тинчиб, Хурросон ва Мовароуннаҳр бошқаруви аввалги ўзанига тушиб, аҳли салтанат энди нафасини ростлага нида, шу вақтга қадар Хоразм атроф-четларида кун ўтказиб келган Ҳусайн Бойқаронинг яна овозаси чиқа бошлади. Муаррих, «Мирзо Султон Ҳусайннинг келаётганлиги овозаси кундан-кунга кўпроқ тарқала борди, – деб ёзади. – У Ёзар, Нисо, Обивард, Машҳад, Нишопур, Сабзавор, Туршиз ва Тун вилоятларига кириб келди. Унинг лашкари қай ерда нимани топсалар олди, урди ва ўлдирди». Бу ҳалокатли юриш бўлиб, Ҳусайн Мирзонинг учинчи босқини эди. Бу сафарги хуруждан яхшилик қутиб бўлмас, овоза жуда ҳайбатли ва даҳшатга тўла эди. Шундай офат ёпирилиб келаётганда, унинг бир неча вилоятларни қамраб олганлиги мубоҳаса этилганда, тўфоннинг қудратини чамалаш мумкин эди. Бу сафарги ёғийлик катта кучни жам қилганди.

Абу Саъид Мирзо Шер Ҳожи, Аҳмадёр ва яна бир неча амирларни ёв йўлига кўндаланг қилиб, унга қарши отлантириди. Маълум бўлдики, Ҳусайн Мирzonинг лашкари маҳобат қилганчалик бўлмай, Ҳирот қўшинига нисбатан кам сонли экан. Иккала лашкар рўбарў кела-диган кунлар Ихтиёридин қалъасидаги маҳбус шаҳзода Муҳаммад Жўкий Мирзо ит азобида, ўзини очликка гирифтор қилиб, нариги дунёга риҳлат қилгани аён бўлди. Муҳаммад Жўкий Мирзо ҳали йигирма ёшга ҳам тўлмаган эди. Абу Саъид Мирзо шаҳзоданинг охират сафарини инояти билан қадрли қилди. Икромли жаноза билан жасади Гавҳаршод Бегим мадрасаси гумбази остига дағи этилди. Ҳар ҳолда, унинг қабрининг тайинли жойда бўлиши падаркуш отаси Абдуллатифнинг сўнгги маконини излаб топишдан беҳроқ ерда эканлиги билан фарқ қилиб турарди.

\* \* \*

Ҳусайн Мирzonинг вилоятлар оралаб, жавлон ураётган сипоҳийларига қарши юборилган амирлар унга Туршиз сарҳадларида дуч келди. Ҳиротдан борганлар кўпни ташкил этса-да, мардоналик, жасурлик кам сонли Ҳусайн Мирзо лашкарида кўпроқ кузатилди. Шер Ҳожи ва Аҳмадёр амирлар аскарлари қанчалик интилмасин,

охир-оқибатда улар шикаст топдилар. Катта қўшин сийракланиб, яроқсиз ҳолга келди. Ҳусайн Мирзо йигитлари галабани муқаррар қиддилар-да, ортга, яна ўз жойлари Хоразмга жўнадилар. «Қўрқан олдин мушт қўтарар», деганлариdek, мағлубият аламини тотган амирлар, «енгилган курашга тўймас» қабилида, улар изидан қувиб бордилар. Улар Хоразм чегарасига етганларида, бефойда қувиш тўхтатилди, орқага қайтиш ҳақида амр бўлди.

Абу Саъид Мирзонинг чериги кўп чиқим эвазига Тун вилоятидан то Хоразмга қадар қилар ишини қилиб, ўлдирадиганини ўлдириб, оладиганини олиб бўлган Ҳусайн Мирзо черигини номига қувган бўлса ҳам, бу натижадан Абу Саъид Мирзо жуда норизо бўлганди. Бироқ вазият «бош ёрилса, дўппи тагида қолиш»ни тақозо қилгани боис, тафтиш ва жазога қадар бориб етмади, подшоҳ дамини чиқармай қўя қолди.

Жангни бой берган амирлар, барибир, хижолатда эди. Улар Шайх Садриддинни восита қилиб, Абу Саъид Мирзо кечиrimига йўл топди ва ўзларини оқлашга вайда берди. Шундай кўнгил хиравлик ариб, амирлар билан муносабат изга тушаётган маҳалда, тарихнавис шаҳодат берадики, «Ўрис вилояти подшоҳи ҳумоюн даргоҳга элчилар юбориб, муҳаббат ва яқинлик изҳор қилди. Онҳазрат элчиларга кўп иноятлар кўрсатиб, эътибор билан қаради». XV асрнинг 60-йиларида князъ Иоанн ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ҳаракатида эди. Жуда кўп князликларга бўлиниб қолган, бир-бири билан ихтилофда бўлган бу юртда ҳам парокандалик авжида эди. Шу даврда қўшни давлатлар билан, биринчи галда Оврупо мамлакатларига қараганда Амир Темур замонидан буён марказий давлат асосланган, Абу Саъид даврига келиб, яна жипслашган, ҳарбий қуввати ортган давлат билан алоқа боғлаш фойдали деб қарабалган.

Амният жойига тушиб, юрт ишларидан хотиржам бўлган Абу Саъид Мирзо бу йилги қишини Марвда ўтказиш фикрида бўлди. Ўғли Султон Муҳаммадни Ҳиротни идора қилишга қолдириб, амир Низомиддин Аҳмад Ҳожини ва мавлоно Камолиддинни шаҳзода ҳузурида кўз-қош бўлиб туришга тайин қилди. Рабиъ ул-охир ойининг охирларида (29 декабрь 1464) подшоҳ Марв йўли томон юзланди.

Шу йили Ҳурсон ўлкасида, айниқса, Ҳиротда қишиш қаттиқ бўлди. Далв ойининг бошларида ёқкан қор (январь 1465) ҳутнинг охирларигача (февраль) эримади. Совуқ кунлар заҳрини қизғин ўйлар олгандек эди. Подшоҳ Марвда қишилар экан, бундан бир неча муддат аввал юз берган, Ҳирот чериги учун талафот ва амирлар учун хижолат келтирган муҳорибани таҳдил қилар, шунча вилоятларни горат қилишга йўл қўйиб берилганидан алами ошарди. Шаҳар қасрида бир ой туриб, бу ҳақда бир тўхтамга келди. Жумод ул-аввал ойининг хотимасида (28 январь 1465) амирларни чаноқийга чорлади-да, Ҳу-

сайн Мирзонинг чопқуни асоратларини бафуржা сўзлади. Амирлар ҳам, чамаси, бу мавзуни ўзаро қўп гаплашган, Ҳусайн Мирзонинг қадамини қаричлаб юрган эди. Улар, Ҳусайн Мирзонинг шу кунларда Хоразм чўлида, Сепоя деган мавзеъ атрофида турибди, деган хабарни тилга олди. Амирларга қўшинни қурол-яроғ билан тўла таъминлаб, Ҳусайн Мирзо изидан тушишга фармони олий берилди.

Дашти Қипчоқ ҳукмдори Абу Саъид Мирзонинг тотувлиги олдин бошланган бўлса-да, кейинги сафар Ўтрор воқеасида у Абу Саъидга ён босмаган, ёғийлари тарафини олган эди. Шу билан оралари совиб, борди-келди тўхтаб қолганди. Бунинг устига, Ҳусайн Мирзога қарши Хоразмда юз берган тўқнашувларда Абулхайрхоннинг укаси Сейдика Султон Ҳирот сипоҳийлари томонидан қўлга олинган ва Ҳиротга олиб келиниб, Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйилганди. Сейдика Султоннинг сипоҳигарчилик билан алоқаси йўқ, художўй, диёнатли киши эди. Абу Саъид Мирзо орадан бир оз вақт ўтиб, бунга тўла ишонч ҳосил қилгач, ўз ўрдусига чақиртириди ва Сейдика Султонга марҳаматлар кўрсатиб, Дашти Қипчоққа рухсат берди.

Шаъбон ойининг иккинчисида (30 март 1465) қишловдан Ҳиротга қайтиб, икки ҳафтани осуда кечирган подшоҳ даргоҳига яна бир ноҳуш хабар баҳорнинг хуш кайфиятини тилкалаб, сарой хоналарига совуқ оқимни бошлаб келди. Шаъбоннинг ўрталарида (12 апрель 1465) Мовароуннаҳрдан юборилган арзномада шундай дейилган эди:

«Қалмоқ юртининг бузуқчи кофирлари бўлган ва у мулклар чекка-ларида жойу маконга эга бўлган Қалмоқ мўгуллари ислом шаҳарлари-га қасд қилдилар ва ўzlари нимагаки қодир бўлсалар – зоҳир этдилар. Давлатхоҳ бандалар ва жангталаб диловарлар пистирма қуриб, тўсатдан пистирмадан ҳужумга ўтдилар ва мухолифлар тўдаси асосини бунёдидан ағдариб, бузуқчи кофирлардан кўпини қаҳр тифидан ўтказдилар ва каллаларини аравага ортиб, Мовароуннаҳрга етказдилар».

Арзномани икки-уч бор ўқиб чиқсан Абу Саъид Мирзо юртдошлиридан бирдан қониқиш ва ифтихор туйди. Бу янглиғ чопқуналар, аҳолининг мол-ҳолини, дала-дашталарда ўтлаб юрадиган қўй-қўзисини босиб келиб, ҳайдаб олиб кетадиган номи қўшни, турган-биттани ёғийлар кўп бўларди. Эл улар дастидан кўп азият чекар, ишга ҳукмдор аралashiшига, низо катталашишига сабаб бўлган ҳоллар ҳисобсиз эди. Подшоҳнинг мамнунлиги, эл-у улуснинг ўзини, ўз кучи билан ҳимоя қилишга қудрат касб этганлиги туйғусида эди. Йўқса, Ҳиротдан катта сарф-у харажат билан, элнинг олиғи-ю солиғини жам қилиб, лашкар тортишга, жунгарларга, қалмоқларга, мўгул галаларига лашкарни сафарбар қилишга тўғри келарди.

\* \* \*

Абу Саъид Мирзо шавкатли подшоҳ, султон сифатида танилган эди. Эл-у улусида қарор топган тинчлик ва адолат унинг обрўсига обрў қўшар, шоҳнинг олиқ-солиқ ва мол-амвол назоратида қаттиқ туриши, сунистеъмолга йўл қўймаслик, ортиқча йифимларга ружу қилмаслик, хазинани ўмаргандарни аёвсиз жазолашлари тилдан тушмасди. Бир сафар раиятдан ошириб олинган пуллар қайта эгаларига тўлов қилингани ҳамманинг ёдида эди. Молия ишларида ҳас-сослик вазирларни чўчитиб қўйган, сарф-у харажатларда ҳалол бўлишдан тоймаслик фикр-ўйлари бўлиб қолганди.

Ҳижрий саккиз юз олтмиш тўққизинчи (1465) йилга келиб, Абу Саъид Мирзонинг давлати сарҳадлари Чин мамлакати ва Қалмоқ саҳроси этакларидан Мозандарон ва Ироқ ҳудудигача, Мўгулистон остоналаридан Ҳиндистон чегараларигача, деб қаралар эди. Абу Саъид Мирзо даврида Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзолар салтанати замонларида бўлган ҳудудий даражага қарийб, етиб борилганди. Бундан фақат туркман сардорлари эгаллаб олган жойлар мустасно эди.

Шундай бир пайтда, Хуросон заминига бошқа подшоҳликлардан қочоқлар келиб, паноҳ тута бошладилар. Бу ҳақда, муаррих шундай деб ёзиб қолдирган:

«Шу аснода Ироқ мулклари атрофларидан ўнбеш минг хонақўч аҳшом (қарам, тобеълар – муал.) ва саҳронишинлар Хуросон вилоятига келдилар. Улар туркманлар жабр-у зулмидан жондан тўйган бўлиб, Мирзо Жаҳоншоҳ ўз ўғли амирзода Пирбудоф билан мухораба қилмоқ учун Бағдодни ишғол қилиб, бошқа бирор ҳодиса андишаси унинг ҳумоюн хотиридан ўрин олишга йўл тополмай турган ушбу фурсатни фанимат билиб кўчиб келдилар. Уфқлар султони Абу Саъиднинг шуъвали раъи Ироқ кўчманчилари келганидан хабар топгач, у ҳазратнинг иноят офтоби уларнинг паришон аҳволига нур сояди ва паноҳ истаб келганларнинг сархайлларига (бошлиқ, этакчи – муал.) илтифот кўрсатиб, барчасига подшоҳона марҳамат билан дилжўйлик изҳор этди. Уларга Хуросон мамлакати чеккаларидан юрт ва мақом тайинлади, ҳаммаларининг умид юзларига марҳамат ва иноят эшикларини очди. Уларнинг барчаси ўша кенг мулқда мақом-у ором топдилар».

Бундан беш ярим аср муқаддам Ироқ диёрида содир бўлган аҳоли кўчуви ва унинг сабаблари кишини ҳайратга солади. Бугунги кунда, йигирма биринчи асрнинг бошларида Араб мамлакатларидан минг-минглаб қочқинлар бошқа давлатлардан бошпана ахтармоқда. Қочқинларни мамлакатга киритмаслик ҳолатлари кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Мозий аср қочқинларининг ўз ватанларини ташлаб кетишларига сабаб битта – уруш. Ироқ мулкларини тасарруфда ушлаган Мирзо Жаҳоншоҳ туркман ва унинг ўғли Пирбудоф мулқ учун

бир-бири билан жанг қилмоқ учун Бағдодни ҳарб майдони қилиб танлаганлар. Ота-ўғил курашида тинч аҳоли қурбон бўлиши аниқ бўлганки, ўн беш минг аҳоли Хурсонга, тинч ваadolat яловбардори бўлган Абу Саъид Мирзо мамлакатига қочиб келган. Абу Саъид Мирзо уларни қувиб, ҳайдамаган. Аксинча, шафқат кўрсатиб, ер ва жой, ўз аҳолиси билан тенг ҳуқуқ берган. Шу кўчиб келганларнинг авлоди ҳозирги кунда ҳам Афғонистон вилоятларида муқим яшаб келадилар.

Хурсоннинг Гармсер ва Қандаҳор вилоятларида ҳазоралар қавми яшарди. Тахт пойига, «ҳазоралардан бир тўда кишилар йўловчиларга дахл қилмоқда, улардан мусулмонларга заҳмат етмоқда», деган хабар етди. Гап шундаки, Ҳазорайи Оқо деб танилган ҳазора қавми кўп эл ва улусдан иборат бўлиб, чорвадор эди. Уларнинг қўйлар отарлари, моллар подалари беҳисоб бўлиб, шу вақтгача тўкинлик ва хотиржамликда яшаб келарди. Шоҳруҳ Мирзо замонида доруга ва муҳассиллар Ҳазорайи Оқо мулкларидан олиқ-солиқларни йиғиб келарди, бу бобда бирор бор инҳироф воқеъ бўлган эмасди. Шоҳруҳ Мирзо оламдан қайтиб, Хурсонда тахт аросатда қолгач, омонат подшоҳлар олдида шунчалик ташвишлар пайдо бўлдики, ҳазоралар ва уларнинг итоати унтилди. Ҳазоранинг эл-улуси оралиқда кечган йиллар давомида осойишта ва мустақил ҳолда ҳаёт кечирди, мол-мулки ортиб борди, ҳокимият назоратидан четда қолди. Тарихнавис дейдики, «улар орасида ҳеч маҳал сардор-у сарвар бўлмаганлигига қарамай, шу фурсатда ўз ораларидан малик, вазир ва амир тайинладилар. Сарой ва даргоҳ, асос ва боргоҳ пайдо бўлди. Гарчи уларнинг моли маноли ҳадд-у ҳисобдин ортиқ бўлса ҳам, йўлтўсарлик ва мусулмонларни қатла этиш у бузгун тўданинг шиор ва одати эди».

Ҳазора қавмларининг итоатдан чиққанлиги, қароқчиликни касб қилиб, мусулмонларни талаш ва ўлдиришга муккасидан кетганлиги Абу Саъид Мирзонинг етарли қўшин билан Фушанж томонга юриш бошлишига туртки беради. Пули Молон ва Ҳазор Жаріб қўриғи томонга тезда етиб борилди. Ҳазораликларнинг лашкари биринчи тўқнашувдаёқ, тум-тарақай бўлиб, қарши туришга дош беролмади. Ҳазора улусининг арбоблари ва калонтарлари қўрқувга тушиб, арзномалар битишга тушдилар, шайхулислом Нуриддин Муҳаммадни орада ярашга восита қилдилар. Қон тўқилмай, жилов қўлга киритилди. Ҳазора қавми олдингидай тинч ҳаётга қайтди, бузгунчилар бош кўтара олмади. Вилоят аҳли неча йиллар давомида тўламай келган олиқ-солиқлардан бош бурмадилар.

Пойтахт ободонлиги ва истеҳкомлар маҳкамлиги доимо шоҳнинг дилида акс-садо бериб турарди. Ҳазора мушкули ечимини топгач, лашкарларга Ҳирот хандақини тозалаш ва чуқур қилиш амри фармони берилди. Ҳарбий ҳашар тусини олган бу ҳаракатда сипоҳийлар

жон койитиб меҳнат қилдилар. Неча йилдан бери тозаланмай, тўлиб қолган мудофаа чоҳи кенгайтирилди, тозаланди ва чуқурлаштирилди. Шу кунлар намгарчилик ва ҳаво анча совуқ эди. Ҳашарчилар совуқни писанд қилмай, бир неча кун ичида истеҳкомни оби-тобига келтириб таъмирлаб бўлди.

Шаҳарда ва мамлакатда осойиш қарор топиб, эл-у қавмлар кундалик меҳнатлари билан машғул бўлган кунлар эди. Подшоҳ Абу Саъид Мирзо қаттиқ бош оғриқ дардига йўлиқди. Тана ҳарорати вужудни тандирдек қизита бошлади.

Боги Зогон саросимага тушиб қолди. Маликалар карахт, шаҳзодалар боши хам бўлди. Боргоҳда бир кўрпа бўлиб, тенкайиб ётган подшоҳ алаҳсирав, иситма зўридан лаблари тарс-тарс ёрилиб кетганди. Қутбиддин Мухаммад ан-Нафисий ва Асилиддин Ҳусайн ат-Тунний машҳур табиблар эди, иккалалари кеча-кундуз бемор подшоҳ ёнидан жилмас, билим ва тажрибалари асосида муолажа қиласиди. Дамламалар, ични сурувчи дорилар, шарбатлар тавсия қилдилар. Таомнинг мулојим бўлишини тайин қилдилар.

Шаҳзодалар, амирлар ва аркони давлат фақирларга, муҳтоҷларга садақалар улашди. Ҳудо йўлига кўп жонлиқлар сўйдилар, хастанинг шифоси учун бир неча қулларга озодлик баҳшиш қилинди. Қилинган муолажалар ва хайр-у садақалар Абу Саъид Мирзонинг аста-секин кўз очишига сабаб бўлди. Оғир хасталиқдан бош кўтарган подшоҳнинг биринчи қилган эзгу иши эл устидан айрим солиқларни олиб ташлаш бўлди. Фармони олий қабул қилиб, унда «катта маблағни ташкил этувчи солиқ – сардаҳат моли Хурсон мамлакатининг барча ерларидан йигилмасин, девон аҳди ва омиллар бу солиқ раҳамидан қалам ва қадамларини тортиб, ҳеч кимга азият етказмасинлар», деган ҳукм ифода этилганди.

Ҳазора мулкига ишларни тартиби келтириш учун вакил қилинган Шамсиддин Али ал-Форсий бир мунча муддатдан кейин Ҳиротга қайтиб келди. Унинг девонга мурожаат қилишича, ҳазораликлар подшоҳ борган вақтда бўйинларига олган маблағни йиғиб топширишдан бош тортибдилар ва унинг ўзига ҳам муносиб муомалада бўлмабдилар. Ана шундай. Бир томондан подшоҳ раиятнинг солиқ юкини енгиллаштиришга амалда саъӣ қилса, иккинчи тарафда, зиммадагини оғирлаштиришга уринишлар содир бўлиб турарди.

\* \* \*

Шавволнинг бошларида (17 май 1466) Абу Саъид Мирзо хонадонига яна бир шаҳзода қўшилди. Чақалоққа Бойсунгур Мирзо деб исм қўйилди. Ўтган улуғ амакиларнинг номларини янги дунёга келган фарзандларга бериш Темурийлар сулоласида урфга кирган эди. Шоҳруҳ Мирзонинг ўғилларидан бўлган Бойсунгур Мирзо яхши си-

фатлари билан қуталуғ ном қолдирған әди. Абу Саъид Мирзо чақалоқ меросхўрига зулҳижжанинг охирларида (12 август 1466) тўй бериш тадоригини кўрганди. Айни вақтда, Султон Маҳмуд ва укаларини ҳатна қилиш бирга қўшилганди. Шаҳзодалар тўйида ўттиз икки хил ҳунар соҳиблари ўз санъатларини намойиш этиб, тўй асбоб-у ашёсини безатган әди. Тўйнинг довруги Мовароуннаҳрга қадар ёйлиб, Самарқанддан яқинлар-у ашрафлар ташриф буюрди. Хурросон ва Ҳирот шоҳона тўйларга қодир әди. Муаррих таъкид этганидек, «андак вақт ичиди Хурросон мамлакатини шундай маъмур ва ободон қилдики, онҳазрат Султон Абу Саъиднинг адолат ва инсофи овозасини қуруқдиг-у ҳўллик ва етти кишвар мамлакатларига етказди, атроф ерларнинг маликлари, чекка жойларнинг гарданкашлари элчилар-у ҳатлар ва ҳар турли василаларни олампаноҳ даргоҳига йўлладилар ҳамда устунлик хаёли ва тенглик даъвосини қўйдилар».

Мирзо Жаҳоншоҳ туркман ҳақида аввалги қисмларда етарли ҳикоя қилинган әди. Бу саҳифаларга келиб, у яна яқин уфқда пайдо бўла бошлади. Ҳойнаҳой, унинг тўғрисидаги қиссани хотимасига етказиб қўйиш фурсати ҳам яқинлашиб қолди. Ҳиротда шаҳзодаларнинг ҳатна тўйи маромида ўтгандан кейин Мирзо Жаҳоншоҳ оламда борлигини, нималарга қодирлигини кўрсатиб, билдириб қўйиш учун Ҳиротга элчилар жўнатиб, Бағдод фатҳ этилганлиги зафарномасини элчилар орқали йўллади. Ўқувчи ёдида бўлса керак, Бағдоддан ўн беш минг аҳоли Жаҳоншоҳ ва ўғли Пирбудогнинг айнан Бағдод учун қиладиган жангидан безиб, Хурросонга, Абу Саъид мулкларига кўчиб, паноҳ тортиб келган әди.

Ота-ўғилнинг бир-бирига ўчакишуви қиёси оламда кам әди. Муҳосара қарийб бир йил давом этди. Мирзо Жаҳоншоҳ Бағдодни қамал қилиб турганда, элда очарчилик бошланди. Чарм буюмларни қайнатиб ейиш раво бўлди, ит ва мушуклар еб битирилди. Охири, Бағдод аҳолиси нола-ю фарёд қилди, ўғли Пирбудогнинг ялинишлари, сулҳ илтимос қилишлари фойда бермади. Ниҳоят, Бағдод дарвозасини очдилар ва Мирзо Жаҳоншоҳ қўшини шаҳарга кирди. Шоҳаншоҳ ўғли Муҳаммадийга, «Бағдод шаҳрига кириб, ўз биродаринг бўлмиш амирзода Пирбудогни ўлдирасан ва менинг хотиримни унинг дағдағасидан тинчитасан», деб буюрди.

Муаррих бу воқеани шундай шарҳлайди: «Номеҳрибон биродар ана шундай разил ишга қадам қўйди ва намозшом пайтида катта бир тўда билан доруссаломга (Бағдодга – муал.) кириб, шаҳзоданинг висоқига борди ҳамда ёшлик ариғида ўсиб турган сарвни йиқитди (Пирбудогни – муал.), у давлат-у иқбол ниҳолига тараҳхум қилмади».

Шоҳлар ва тахталар тўғрисидаги қиссалар ана шундай маҳзун, фожеий. Давлат, тож-у тахт, чеки йўқ имконият сарҳад ва миллат, ота ва фарзанд туйғусини, қариндошлиқ ва раҳм-шафқатни тан ол-

майди. Унинг худоси – манфаат, унинг йўриғидан, айтган чизигидан чиқмайди. Абдуллатиф отасини қатл эттирган бўлса, Жаҳоншоҳ ўғлини яна бир ўғлига бўғизлатди. Булар милоддан олдин фожеий урфга кириб, йигирманчи асргача ҳукм суриб келди.

Қотидан кишилар ҳамиша нафратланади. Тарихнавис ҳам буни тасдиқ этади. «Бундай ҳаракат, – деб ёзади у, – Мирзо Жаҳоншоҳга яхшилик келтирмади. Кишилар ундан нафратландилар ва унинг давлат-у иқболи аҳволи гўзаллар зулфи-ю дилбарлар кокили янглиф ошифта-ю паришон бўлди», дейди.

Мирзо Жаҳоншоҳ туркман бир неча йил олдин Ҳиротга бостириб келгани ўқувчи ёдиладир. Ўшанда Абу Саъид Мирзо сулҳга рози бўлган эди. Кўнглининг тубида, боболарига тобеъ бўлиб келган, эндиликда Жаҳоншоҳ қаламравига ўтган Ироқ ва Озарбайжонни қайта фатҳ этиш нияти гуркираб турарди. Бу йилига, рабиъ ас-сонийнинг ўн саккизида (17 ноябрь 1467) Ҳиротдан чиққан лашкар Марв мулкалари сари юзланди. Лашкар иўлга чиқаверсин, у томондан, «амир Ҳасанбек Мирзо Жаҳоншоҳнинг сипоҳига шикаст етказди. Жаҳоншоҳ бир-икки киши билан чиқиб кетиб, қор ва ссвуқда ҳалок бўлди», деган хабар келди.

Салтанат қудрати ва мамлакат кенглиги шу даражада эдики, Мирзо Жаҳоншоҳ қўл остида Араб ва Ажам Ироқи, Форс, Уммон денгизи соҳилари, Сарир, Озарбайжон, Арман ва Гуржистон мамлакатларининг ҳаммаси, Шом ва Рум ўлкалари чегараларигача бўлган ҳудудлар жам бўлган эди. Унинг қудрати ва шуҳрати қанчалар юксалмасин, бир муддат ҳам рақобатдан холи бўлолмаганди. Ўфилларининг зиддиятли йўли яна амир Қаро Усмон авлоди низолари билан туташиб кетарди. Қаро Усмон шажарасидан бўлган амир Ҳасанбек Жаҳоншоҳга бўйсунишни истамас, улар орасида ота-боболаридан келаётган адоват барҳам топмаганди.

Мирзо Жаҳоншоҳ амир Ҳасанбек қарама-қаршилигидан бира тўла қутулиш учун, унинг уруғ-аймоғини битта қолдирмай қириб ташлаш учун катта лашкар тузиб, амир Ҳасанбек вилояти устига бостириб боришга қарор қиласди. Амир Ҳасанбек фаросатли ва эртани ўйлаб иш тутадиган киши бўлгани учун, катта лашкарнинг жангти олдини олиш учун сулҳ тузишни кўндаланг қилди. Ҳатто, Жаҳоншоҳга, «Онҳазратнинг соялари бағоят кенг, салтанат офтоблари баландлик авжида нур сочмоқда, у нур шуъласида бу ҳақирнинг зарралари қўринмай кетади. Агар шарафли хотирингиз бу арзимас вилоятни олишга илтифот кўргазса, қалъаларнинг калитини кимни тайин қилсангиз, ўшанга топшираман. Агарда мақсадингиз хазина ва нақд пул бўлса, қўлимда нимаики бўлса, оёғингиз остига сочаман», деган нома ҳам юборди.

Мирзо Жаҳоншоҳ амир Ҳасанбекнинг ўзини хокисор тутиши ва саховатини ожизлик ва қўрқоқликка йўйди. Шу боисдан, айтилга-

нидек, уни биратўла йўқотиши аҳдидан сира тоймади. Жаҳоншоҳ лашкари бир қанча вақт Мўш саҳроси ва Арзиурмда турди. Ҳаво совуқ, сипоҳийларнинг фифони фалакда эди. Амир Ҳасанбек чериги билан улар ўртасида баланд тоғ кўндаланг эди. Қора совуқ зўрайгач, Мирзо Жаҳоншоҳ қўшинининг кўп қисмига Аржис ва Абдулжуз вилоятлари томон рухсат бериб, уч минг сипоҳийси билан лашкаргоҳда қолган эди. Амир Ҳасанбек тоғ қояларида кузатув ташкил этиб, душманининг ҳар бир ҳаракатидан огоҳ бўлиб турарди. Жаҳоншоҳ лашкарининг кескин камайганилиги унга жуда кўл келди. Уч мингга яқин довюрак йигитлари билан тоғнинг орт тарафидан кутилмагандага ўлжага ташланган йўлбарсдек, Жаҳоншоҳнинг жангга тараддуд кўрмаган сипоҳийлари устига чопқун ясади. Қиши ҳавосида бир амаллаб гулханлар ёқиб, исиниб ўтиришган аскарлар ҳам, амирлар ҳам нима қиласини билмай, ўзларини йўқотиб қўйди, қаттиқ талвасага тушди.

Мирзо Жаҳоншоҳ жавобсиз тиф тортишлар авжига минганида, тўғри келган хачирга оёқ оширди-да, қочишнинг аламли қамчисини босди. Шу куни Жаҳоншоҳнинг барча амирлари қўлга тушди ва қатлга етказилди. Бир неча кун муқаддам, «бор ҳазинамни берай», деб ялинган амир Ҳасанбек, Жаҳоншоҳнинг ўрдусини тамомила форат қилди, беадад бойликни қўлга киритди. Ҳом сут эмган банда, деб шуни айтадилар, чоғи?!

Бу воқеа бўлиб ўтгандан икки-уч кун кейин ўрдубозорда Мирзо Жаҳоншоҳ қочган вақтда кийиб юрган кийимларини хос кишилар таниб қолди. Сотилишга олиб чиқилган либослар қаердан олинганилиги жиддий тафтиш қилинди. Маълум бўлдики, уст-бош Жаҳоншоҳники бўлиб, унинг жасади қуриган бир дараҳт тагида қолиб кетган экан. Подшоҳ совуқданми, очликданми ёинки бор-бутидан ажраблиб, юраги тарс ёрилиб ўлганми, турлича тахминлар айтилди. Жасаднинг бирор ерига на жароҳат ва на заҳм етмаган эди. Уни таниш учун бошини танидан жудо қилишиб, амир Ҳасанбек олдига келтирдилар. Шу орада собиқ ҳукмдорнинг авлоди ҳам тутиб келинди, вақтида ўз акаси Пирбудогни ўлдирган Муҳаммадий дорга осилди, укаси Юсуфбекнинг кўзига мил тортилиб, кўр қилинди. Амир Ҳасанбекнинг қонли шуҳрати ёйилди. Битта-яримта қолган сипоҳийлар Жаҳоншоҳнинг тирик қолган тўнғич ўғли амирзода Ҳусайн Али даргоҳига кетиб, жон сақладилар.

Мирзо Жаҳоншоҳ салтанати даврида бас дегунча бойлик тўплаган эди. Унинг ортда қолган амирлари хазиналари яширилган қалъаларни очиб, сипоҳийларга – улар сони бир юз саксон минг эди, шу сийм-у зар, тиллодан улуфа тарқатди. Бу воқеа шуҳрат тутди-ю, Абу Саъид Мирзога ҳам етди. Шунда Абу Саъид Мирзо, «Чингизхон вақтидан бошлаб, то шу замонгача, подшоҳлардан бирортаси бир

юз саксон минг суворийга улуфа берган эмас, ўтган султонлардан ҳам ҳеч ким бу қадарини эплай олмайди», деган сўзларни айтди. Абу Саъид Мирзонинг бу сўзларини келтирувчилар, шубҳасиз, саҳв қилганлар. Чунки ким ким-у, Абу Саъид Мирзодек боболари кечмишини яхши билган подшоҳ амир Темурнинг лашкари 700 мингдан ошиқ бўлган пайтлар кўп бўлганини фаромуш қилиши мумкин эмасди. Лекин шу даврда, Ироқ, Форс ва Хурсонда подшоҳликлар тобора майдалашиб бораётган бир замонда, бир юз саксон минглик қўшин жамлаш ва унга маош улашиш, чинакамига, ҳайратга лойиқ бадавлатлик ҳисобланганлиги аниқ.

Амирзода Ҳусайн Али шунчалик катта қўшинни туғи остига бирлаштиргач, Абу Саъид Мирзога, уни паноҳ тутиб, шундай мактуб йўллади:

«Форс, Ироқ ва Озарбайжон, балки бутун жаҳон онҳазратга тобеъдир. Агар давлат арконлари ўз инояти назарларини бу қуллар ҳолидан (ъни Ҳусайн Алидан – муал.) дариф тутмасалар ва андак илтифот кўрсатиш билан бу мамлакатларнинг ҳаммасини забт тузори-ю қудрат панжасига киритсалар, амн-у омонликка сабаб-у жаҳон аҳди осойишталигига боис бўлғусидир. Барча раиятлар онҳазратнинг (Абу Саъид – муал.) марҳамати сояси-ю инояти офтобида хотиржамликка эришгайлар. Умид тураманки, онҳазрат бу мазлумларнинг додига етгайлар ва бу бечораларнинг жони ёқасидан зўрлик қўлини қисқа қилгайлар».

Туркман шаҳзодаси очиқдан-очиқ Абу Саъид Мирзога мулозамат қилиб, амир Ҳасанбекка қарши борища уни паноҳ тутаётган эди. Бу даъват дилида кўпдан ўрнашиб келган мулкларни тобеъ этиш хоҳиши бўлган Ҳирот ҳукмдорига айни муддао таклиф бўлиб тушди. Дарҳол фармони олий иншо этилиб, «Кошғар вилояти ва Қалмоқ чегараларидан, Туркистон, Мовароуннаҳр ва Хурсондан тортиб Ироқ ҳудудигача ҳамда Мўғулистаннинг этакларидан Ҳиндистон остоналаригача бўлган ерлардан кўп лашкар-у беҳисоб сипоҳ йифиласин», деб амр қилинди.

Абу Саъид Мирзо ўз ҳокимияти илк давридан эътиборан, Убайдуллоҳ Ҳўжа Аҳрордан қўл узмаган, доимо улуғ авлиёнинг маслаҳати йўриғи билан катта ишларни бошлаган, қийин фурсатларда насиҳатларига таянган эди. Бу сафар ҳам, Ироқ мулкларига юришни бошлашдан бурун Самарқандга, Эшон ҳазратлари ҳузурига амир Жамолиддин Абдураҳимни жўнатди, фатҳ нияти тўғрисида пайгомни етказдирди. Ҳўжа Аҳрор ҳазратларига ёзилган номада:

«Тўғри йўлга бошловчи ҳазрат билан мулоқот қилиш жуда муҳимдир. Агар маъқул топсалар, биз Мовароуннаҳрга борамиз ва айтмоқчи бўлган сўзларни арзга етказамиз. Бўлмаса, ҳар ниманини тўғри ва маслаҳатдан деб билсалар, уни тезроқ бизга билдириш шарафи билан мамнун этсалар», дейилган эди.

Хўжа Аҳрор ҳазратлари амир Жамолиддин Абдураҳим билан тезлиқда отланиб, Хурросон йўлига чиқди. Подшоҳнинг илтифоти ва маслаҳат сўрашига ўта одобона тарзда ўз ташрифи билан жавоб қилмоқни маъқул топдилар. Хўжа Аҳрор ва у Зотнинг ҳамроҳлари Абу Саъид Мирзо қўналғасига – Марв қишлоvigiga етишди. Катта иззат-ҳурмат билан кутиб олинган Эшон ҳазратлари подшоҳ билан мулоқотга киришди. Баҳс қилинаётган мавзуга бирданига ечим топиш мушкул эди. Шу сабабли, муҳокама қизиди. Бир кун Абу Саъид Мирзо Хўжа Аҳрор қўнган хиргоҳга борса, эртасига Эшон ҳазратлари ўрдуга келар эди. Ниҳоят, мубоҳасалардан чиққан холосага кўра, Абу Саъид Мирзо Ироқ мамлакати томон юришни бошлайдиган бўлди. Эшон ҳазратларининг оқ фотиҳаси олинди.

Шу ўринда, бир оз олдинроққа кетиб, тарихнависнинг бу борадаги қавлини зикр этиб ўтиш жоиз туюлди. Муаррих дейди: «Кўп машваратлардан кейин фикр шунга қарор топдики, офтоб шуъвали соябон ойи Ироқ мамлакатлари томон йўлга чиқадиган бўлди. Аммо улар ана шу йўлда ўз оёқлари билан қатлогоҳга боражакларини билмадилар. Биронта жон ҳам қай ерда ўлим топишини билмайди».

Шу тариқа, Абу Саъид Мирзо катта лашкар билан Ироққа, Хўжа Аҳрор ҳазратлари эса, Самарқандга қараб йўлга тушдилар.

\* \* \*

Ҳижрий саккиз юз етмиш иккинчи йил (1467–1468) Хурросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдори Абу Саъид Мирзонинг давлати салтанатида осойиш ва тараққий зухури хайрли даражада эди. Тахтнинг тиллодан нақшланган суюнчиғига тиrsак қўйиб, хаёл сураётган ҳукмдор энди, бегоён ҳудудларга қайсиdir душман босиб келаётганидан хавотирда бўлmas, билъакс, вақтида тобеъ бўлиб, қўлдан чиқазилган мулкларни қайта фатҳ этиш фикрида бўлар эди. Мовароуннаҳрга, ҳар йили чопқун ясад, аҳолини талаб кетадиган Дашти Қипчоқ ўзбеклари бу йил сарҳадларга яқин йўлай олмади. Давлат қудрати уларнинг чекига тўғри келмай, эс борида этакни йифиширишга мажбур бўлганди.

Биргина Хоразм вилоятида ноҳушликлар поёнига етмаган, шу пайтларда бу ҳудудда қозоқликда юрган Ҳусайн Мирзо ҳужумлар уюшириб туар, Нур Саъиднинг унга қарши туришга қурби етмай қолаётган эди. Шоҳрухия қалъаси Хўжа Аҳрор ҳазратлари ундови билан таслим бўлгач, бир қошиқ қонидан ўтилган амир Нур Саъидбек Хоразмга ҳоким қилиб юборилган эди. Мана, отлари кўпикка ботиб, Хоразмдан у йўллаган элчилар ҳовлиқиб етиб келишди. Нур Саъиднинг элчидан юборган номасида:

«Дашти Қипчоқ томонда бир муддат қозоқ бўлиб юрган Мирзо Султон Ҳусайн энди Хоразм вилояти томон азимат қилди. Бу ерда

бўлган амирлар ва сардорлар унинг бир ҳамласига қарши туришга ҳам тоб келтиrolмадилар ва қочиши йўлини баҳтсизлик йўлига тутдилар. Хоразм юрти атрофи унинг лашкари горат-у торожидан бутунлай хароб бўлди. Хоразм ташқарисидаги ерларда бирор кишининг ҳам туришга иложи қолмади», деб битилган эди.

Вилоятнинг босқин қилиниши оқибатлари Абу Саъид Мирзони қаттиқ ташвишга солиб қўйди. У ишончли амирларини етарли сипоҳийлар билан Хоразмга йўллаб, Ҳусайн Мирзо йигитларига қарши курашда шашти паст бўлган, енгилиб, қочишга юз тутган амирлар ишини тафтиш қилиш, шу жойнинг ўзидаёқ айборларга жазо ва сазо беришни амр қилди. Вилоят раҳнамоси Нур Саъиднинг ўзи ҳам қаҳрдан четда қолмади. Бандга олингандар қаторида у ҳам бор эди. Ҳусайн Мирзо сипоҳийларидан бир неча карра кўп бўлган Нур Саъидбек қўшини ташаббусни бой берган, қочиб, қалъя ичида жон сакдаган эди. Ҳимоясиз қолган қишлоқдар эса, бор бўйича таланганди.

Нур Саъид кўнглидан аввалги аламлар аримаган, Ҳусайн Мирзо хуружига атайин фАОЛЛИК кўрсатмай, қаршиликни бўшаштирган, «бўлса бўлар, бўлмаса, бўлмай тузар» қабилида иш тутган эди. Шу сабабли, амир Пир Дарвеш қавчин Нур Саъид тийнатидан шубҳаланиб, ногаҳон уни тутиб, оёқ-қўлига кишан урдирди-да, Ҳиротга, Абу Саъид Мирзо ҳукмига жўнатиб юборди. Нур Саъидни рabiъ ул-аввал ойининг йигирманчисида (19 октябрь 1467) етказиб келдилар ва Ихтиёриддин қалъаси зиндонига солдилар.

Нур Саъиднинг руҳонийлар билан муносабати яхши эди. Бу сафар қамоққа тушганида шайхулислом Нуриддин Муҳаммад силагарлик қилиб, подшоҳдан унга омонлик сўради. Абу Саъид Мирзо илтимосни қабул қилди ва Ихтиёриддин маҳкумлигидан халос қилди. Нур Саъиднинг йўл қўйган гуноҳи кечириб бўлмас хилидан эди. Элни харобаликка, черикни мағлубиятга дучор қилган сусткашлик сабаблари, барибир, текширилмай қолмади. Абу Саъид Мирзонинг икки ўғли – Султон Муҳаммад на Шоҳруҳ Мирзолар олий девонда Нур Саъидни сўроқ қилди. Сўроқ натижалари подшоҳга билдирилди. Абу Саъид журми ни тан олиб, ялиниб-ёлворишга тушган Нур Саъидни қабул қилди ва таъна эмас, аҳвол сўради. Унинг аҳволи бениҳоя даражада афтода, кўриниши шафқат уйғотарди. Унда амирлик рутбаси қолдирилди-ю, амирлик мавқеидан асар йўқ эди. Шармисорлик Нур Саъидни маҳзун қилиб қўйган, бор-буди қўлдан кетган эди. Ҳиротда у зўрга кун ке чирадиган ҳолатга тушган, миниш учун яроқди оти ҳам йўқ эди. Но иложликдан бир рубойй ёзди-да, Абу Саъид Мирзога юборди. Шеърда шундай илтимос аксини топган эди:

*Шармандадурман ҳам жондан тўйган банда,  
Узрим, эй, Шоҳим, бир от илтимос қилганда.*

*Тұхфа бұлғуси от ҳиммат-у баҳтдек қучли,  
Давлатингиз янглыг бардавом ул чопганда.*

Абу Саъид Мирзо рубоийни ўқиди-да, жиддий тортди. Кечагина давлати ҳам иқболи кулган амирининг тақдири сарнигун бўлганидан ачиниб кетди. Унга бир неча чопқир ва йўрға отлар, кўплаб ҳаҷирлар, туялар, хайма ва хиргоҳ, саропарда ва боргоҳ, гиламлар, амир учун хос бўлган ашёлар, бойликлар муқаррар қилдирди. Нур Саъид ҳақида анжуманларда сўзлаб, унинг хизматларини айтди, руҳини ва қаддини кўтариб олишига қўмак берди.

Шу кунларда амир Беназир қаттиқ касалга чалиниб қолди. Амирнинг Абу Саъид давлатида сидқидил хизматлари кўп эди. Унинг туй-қусдан хаста ётиб қолиши подшоҳни маҳзун тортдирди. Айтишларича, амир Беназир алаҳдар, ўзига келган пайтларда, «Онҳазрат Абу Саъид Мирзо мени кўришга келдиларми?» – деб сўраркан. Абу Саъид Мирзо сарой табибларини юборган, улардан бири амирнинг шу истагини етказиб келган эди. Шоҳнинг кўнглида ҳам шу хоҳиш бор эди, дарҳол отланиб, амир Беназир уйига жўнади. Бу воқеа рабиъ ул-охирнинг бошларида (30 октябрь 1467), чошгоҳга яқин рўй берди. Подшоҳнинг ташриф буюргани, ҳол-аҳвол сўраб, кўнглини кўтаргани амирнинг руҳини бардам қилди. Бош кўтариб, ёстиққа таяниб, миннатдорчилик билдириди. Абу Саъид шарафига ҳовлисида бокувда бўлган тўққиз отга муносиб эгар-жабдуқлар уриб, ясатиб, кўрмана қилди. Амир Беназир мардлик ва саховатда ҳамベンазир инсон эди.

Олижанобликка ҳиммат билан, инсонийликка садоқат билан жавоб қайтарилади. Ақлли, доно подшоҳ ўз табааларини, сафдошларини, жон фидо, мард, танти ботирларини ардоқлайди, хизматларини қадрлайди, номини улуғлайди, кам қилмайди, тенг кўради. Аслини олганда ҳам, шу элнинг гули бўлган жамоат подшоҳнинг таянчи, шон-у шавкатининг бунёдкори, оғирида ҳам, енгилида ҳам унинг ёнида саф тортувчи, фидойилар ҳисобланади. Абу Саъид Мирзо, шу боисдан, одамларга қайишарди, Нур Саъидни ҳам бир сира ўлимдан асраб қолган илинж шу қараш, ишонч билан узвий боғлиқ бўлган эди.

\* \* \*

Ҳижрий саккиз юз етмиш учинчи (1468) йилнинг баҳори олий маҳом мавқаб ва лашкар учун Марвда қанот ёзди. Қадим шаҳарнинг дашт тарафида эрта келган беҳисоб лайлаклардек, сипоҳийлар чодирлари тонг қоронғисида ўзгача, анвойи бир манзара берарди. Амр-фармон бўлган, чодирлар, анжомлар йиғиширилишга тушган, подшоҳ ўрдусида ҳам сафар ҳозирлиги кўрилмоқда эди. Абу Саъид Мирзога сўнгги йилларда Марвни қишлоғи қўналғаси қилиш маъқул бўлиб қолганди. Хўжа Аҳрор ҳазратлари билан Марвда суҳбатлари

бардавом бўлиб, оқ фотиҳалари олингач, шаъбон ойининг охирларида (24 март 1468), ҳут ниҳояга етай деб, изгириналар ўрнини кўк-ламнинг ёқимли насими эгаллай бошлаган кунлардан бирида Ироқ сари қўшин тортиш ҳаракатига тушилди. Қўшин бу гал ҳар қачон-гидан кўп жам бўлган, муаррих айтмоқчи, «лашкар турган саҳро тўдаларнинг кўплиги ваҳимасидан Маҳшар даштини эслатар» эди. Сипоҳийлар қўзғалиб, отларга қамчи босилганда, туёқлардан ўрланган чангнинг қора булути Марв осмонини қоплаб олган эди.

Лашкар манзиллар ва мароҳилларни тай қилиш арафасида Ҳи-ротруд вилоятига чопарлар юборилиб, бу жойда урушга тахт қилиб қўйилган уч минг арава Хурсон лашкари пиёдаларига келиб қўшилиши фармони берилганди. Амир Каримдод эса Мозандаронга, Астробод ва Журжонга жўнатилган, у ерларда ҳам қўшин учун ик-ки-уч минг арава тайёрлаб қўйиш буюрилганди. Амир Каримдод шу топшириқ изидан кетган эди.

Бу орада туркман сипоҳийларидан бир қисми Мирзо Жаҳоншоҳнинг ўғли Қосим раҳнамолигида Исфаҳон шаҳрига ҳужум қилиб, қаттиқ уриндилар. Шаҳар аҳолиси туркманларни қайтариб, бир ўқ отими келадиган масофада ушлаб турди. Ишлари юришмаган туркманларнинг ортга чекинишдан бўлак иложи қолмади.

Абу Саъид Мирзо Ироқ юришига саъй қилиб, Колпуш яйлоқини қўналга қилиб турганида, Мирзо Жаҳоншоҳнинг мағлубияти ва ҳалокатига сабабчи бўлган амир Ҳасанбекдан элчилар келди. Амир Ҳасанбек Абу Саъид Мирзо қўшинининг ҳаракатга тушганидан бе-зовталаниб, муомала-ю мадорани йўлга солишини ортиқча мулозамат деб билмади. Сув келиши олдидан банд солиш тадбиркор иши, деб ўйлади. Элчилар келтирган номада:

«Бу banda (амир Ҳасанбек – муал.) ота-боболаримдан тортиб, Темурийлар сулоласининг хайриҳоҳлари қаторидадурман. Амир Қаро Юсуфнинг фарзандлари эса, ҳазрат Соҳибқирон Темур хонадонига нисбатан ҳеч маҳал самимий дилдан содик ва дўст бўлмайдилар. Зарурат юзасидан уларнинг улуф тўрасини таг-туғи билан қуритмоқ керак, барчасини тўзитиб юбориб, ҳумоюн хотирни улардан жам қилмоқ лозим», дейилган эди.

Абу Саъид Мирзо, чамаси, Мирзо Жаҳоншоҳнинг ўғли Ҳусайн Али ва амир Ҳасанбекнинг ҳар бири алоҳида қўйган тузоқларга тушиб қолишини теран мулоҳаза қилиб кўрмаган. Ҳусайн Али уни амир Ҳасанбек устига, аксинча, амир Ҳасанбек очиқдан-очиқ Жаҳоншоҳ авлодининг «улуг тўраси» – Ҳусайн Алига қарши боришга даъват эт-ётганди. Ҳусайн Алиниң ундаши билан Марвдан қўшин тортилган пайтда, амир Ҳасанбек элчи юбориб, ўзини Абу Саъид тарафдори қилиб кўрсатди. Унинг номасига Абу Саъид Мирзо:

«Амир Ҳасанбек ўз лашкарлари билан у тарафдан йўлга отлансин, бизнинг сипоҳийларимиз эса бу тарафдан йўлга чиқди. Шу тарзда,

Мирзо Жаҳоншоҳ авлодининг фасоди маддасини қуритиб, фитналари дафъ қилингусидир», деб жавоб йўллади. Амир Ҳасанбек элчиларига катта инъомлар берилди, амир Ҳасанбекнинг ўзига зардўзи тўн, камар, сопи тилла шамшир, наврўзий кулоҳ туҳфа қилинди.

Ҳусайн Али ҳам ўз садоқатини арзга етказища ҳеч бир камини қўймаган. Вақтида, отаси билан Абу Саъид Мирзо ўртасида вужудга келган сулҳ ва унинг шартларига риоя қилиш аҳдини изҳор қилган эди. «Қўлимдан келгани қадар султонлар султони бўлмиш ҳазрат Абу Саъиднинг гуломидурман. Бу қул эса, онҳазрат билан отам ўртасида келишилган аҳдга содиқдурман, отам кейинги бир неча йил ичида зўрлик билан босиб олгани, ворислик бўйича сизга тегишли Ироқ ва Форс каби баъзи мамлакатларни олий девонингиз тасарруфига қолдирдик ва бизнинг хонадонга нисбатан шундай ёвузлик қилган муҳолиф амир Ҳасанбекни дафъ қилмоқ учун сиз ҳазратнинг давлатнингиз кўмагига юзландик», деб ялинч мактубини ҳам йўллаган эди.

Подшоҳларнинг кўнглидагини англаб етиш қийин. Абу Саъид Мирзо Ҳусайн Али элчиларини расмиятчилик юзасидан қабул қилиб, жавобни дудмал қилиб, «Биз ҳам йўлга чиқдик, вақт тақозосига кўра, нимаики маслаҳатдан бўлса, шуни амалга оширамиз», дея жавобни икки маънода тушуниш мумкин эди. Абу Саъид Мирзонинг Ҳусайн Алига рўй-хуши йўқлиги, ҳар ҳолда, аниқроқ эканлигини ҳис қилиш қийинмасди.

Ҳирот қўшини Форс сарҳадлари бўйлаб юриш қилас экан, вилоятлар унга пешвоз чиқиб, раиятлардан йигиладиган мол-амвол хазина тасарруфига етказиларди. Бундан биргина Шероз ҳокими амир Саъид Али бўйин товлади, холос. Сайид Али асли Пирбудорнинг амирларидан бўлиб, Мирзо Жаҳоншоҳ уни қўллаб, Шероз мулкини ихтиёрига берганди. Сайид Али ўзбошимчалик йўлига кириб, хунрезликка берилди, Жаҳоншоҳ ўлимидан кейин ўзини ҳукмдор деб ҳис қилди.

Вилоятларга лашкар қисмлари билан жўнатилган амирлар Исфаҳондан иши юришмай қайтаётган Жаҳоншоҳнинг ўғли амирзода Қосим сипоҳийлари билан тўқнашиб, мағлубиятга учратдилар ва икки минг туман нақд пулларини қўлга киритдилар. Амирзода Қосим қочишга ружу қўйиб, акаси Ҳусайн Алидан паноҳ кутиб, бош этиб борди. Этилган бошни ҳам қилич кесар экан. Акаси ўрдусида уни паноҳ эмас, ўлим кутиб турарди. Амирзода шу ерда қатлга етказилди.

Абу Саъид Мирзо амирларидан бири Мазид Султония, Табриз атрофларида от сураётган эди. Унинг чериги Маранд мавзесида Ҳусайн Али қўшини билан жангга киришиб, туркман сипоҳийларини шикастлантирди. Китобхон энди идрок қилаётгандир, Абу Саъид Мирзо Ҳусайн Али элчиларига совуққина қилиб, вазият нимани тақозо қиласа, шу амалга ошади, деганда, уни хоҳламаганлиги, отаси Мирзо Жаҳоншоҳнинг меросий мулкларни ўзига қарам қилиб олган-

лигини кечиришдан йироқ фикрда бўлганлигини, шу далил ҳам далолат этади.

«Абу Саъид – Ҳусайн Али – амир Ҳасанбек» учбурчагида ҳарбий ўйин кетаётган эди. «Ким – кимни», деган, ичда гуриллаб турган, тишда пинҳон тутилган шиор ҳар учасининг ҳам кўкайида бор эди. Ҳусайн Али билан амир Ҳасанбек лашкарлари рўбарў бўлиб, жанговар ҳолатда турганда, Ҳусайн Алиниг амирлари қўрқувга тушиб, амир Ҳасанбек томонга ўтиб, номардлик йўлини тутди. Бу вақтда Абу Саъид Мирзо қўшини Султония ва Табризни эгаллагани хабари тарқалиб, Ҳусайн Алиниг бор кучлари орасида ваҳима ва саросима қанот ёйди. Энди, амирлардан кейин унинг қолган лашкарлари ҳам амир Ҳасанбек ўрдусига югурдилар.

Қўшимча кучлар, табиийки, амир Ҳасанбекнинг ўзини Рустамдан зўр чоғлашига асос берарди. Шу сабабдан, Абу Саъид Мирзонинг Табризни эгаллаган амири Мазидбекка нома юбориб, «Табризни мен ўғлим Ақарлу Муҳаммадга бердим. Табризга кирган амирлар чиқиб кетсин», деб дўқ урган эди. Олдинлар, у амир Мазидга хат йўллаганда муҳрини хат орқасига босарди. Бу сафар эса, муҳрини мактуб бетига қўйиб, юборди. Хатнинг пўписали оҳанги, муҳр-нишоннинг нописандона олдга қўйилиши ошкора совуқчилик муносабатининг рамзи бўлган эди.

Амир Мазид бу ҳақда тезлик билан Абу Саъид Мирзога билдириди ва «амир Ҳасанбек мутобиат йўлидан юз ўгириб, гарданкашлик ва сарафрозлик унинг хотирига ўрнашган, у уришиш хаёлида-ю, жанг-у жадал фикридадир», деган хабарни етказдирди.

Амир Ҳасанбек Табриз томонга юриб, қўшини билан саккиз фарсах масофагача яқинлаб келди. Ўғлини эса, Табризнинг қаршисига юборди. Муҳораба учқунлари чирсиллаб турарди. Абу Саъид Мирzonинг Султонияга етиб келганлиги дараги амир Ҳасанбекнинг Табриздан умид узишига сабаб бўлди, у Қорабоғ томонга кетишга мажбурият сезди.

Абу Саъид Мирзо фатҳ этаётгани бу ерларда улуғворлик ва до нишмандлик билан иш тутди. Табризга паҳлавон Юсуф Шерозийни доруга қилиб тайинлади. Амир Ҳасанбек кўзига мил тортдирган, Мирзо Жаҳоншоҳнинг яна бир ўғли амирзода Юсуфни, туркман амирларидан Умарбек, Пир Али, Ёр Али, Пирибек, Ҳожи Қанбар ва Қаро Ўйлукнинг қарийб эллик минг суворий лашкари бош эгиб келганларида уларга катта муруват кўрсатди. Мирзо Жаҳоншоҳнинг ногирон қилинган ўғли Юсуфни отаси қабрига мужовир қилиб, вакф мулклари тайин қилди. Абу Саъид Мирzonинг кундан-кунга ошаётган шукуҳи амир Ҳасанбекни ларзага солмай қолмади. У, ўз укаси Жалолиддин Юсуфни Абу Саъид Мирзо даргоҳига элчиликка юборди. Унинг подшоҳга тилёғламачилик қилишга ойдини чида-

мади, шекилли, Абу Саъиднинг яқинларига хатлар битиб, ялтоқлик қилишга киришди. Жумладан, Абдураҳмон садрга ёзган мактубида шундай деганди:

«Офтоб ҳанузгача мағрибдан балқиган эмаски, тавба эшиги бер-килган бўлса. Агар мендан бирор гуноҳ содир бўлган бўлса, афв эт-синлар. Қарийб, юз йилдирки, ота-боболаримиздан тортиб, ихлос йўлидан келмоқдамиз, ўзимизни у хонадонга тегишли деб ҳисоблаймиз. Бир неча авлод ҳаётида ҳумоюн давлатга таалуқли бўлган Форс ва Ироқ мамлакатларини қадим мухолифлар бир неча йил давомида эгаллаб турган эдилар. Улардан тортиб олиб, у ҳазратнинг наввобла-рига қолдирдим. Энди ўтиниб илтимос қиласманки, бу қиш фаслида ушбу қамишзорда то қор ариб, қайтиш йўли очилгунча омон беринг, десак, қабул қилмаяптилар».

Абу Саъид Мирзонинг амирлари ва аъёнлари амир Ҳасанбекнинг гапига лаққа учиб, унга раҳм-шафқат йўригини изладилар. Подшоҳ қабулни истамаган амир Юсуфни учраширишга муваффақ бўла-дилар. Жалолиддин Юсуф йигирма етти бор тиз чўкиб, Абу Саъид Мирзога акаси хоҳишини баён қилди.

– Оёқларимиз узангода, – деди Абу Саъид Мирзо унга, – у тарафа-га отланганмиз, ҳар нимаики яроқли ва маслаҳатдан бўлса, амалга ошгусидир.

Юсуфбекка расмий риоят кўрсатилди ва Абу Саъид Мирзо канизаги ўғли, амирзода Маҳмуд Ҳожалоқни амир Ҳасанбек томон-га элчи қилиб, Юсуфбек билан бирга жўнатди. Амир Жалолиддин Юсуф зукко ва фаросатли элчи эди. Абу Саъид Мирzonинг дастлаб қабул қилмаганлиги, амирлар ўртага тушгач, юзма-юз бўлишгани ва подшоҳ томонидан берилган жавобнинг мубҳамлиги уни маълум ху-лосаларга ундаганди. Шу боисдан, қайтиб келганидан сўнг акасига:

– Мирзо Султон Абу Саъид Жаҳоншоҳга тегишли бойликларни таъма қилмоқда, у сендан ва бу мамлакатдан сўз билан қўлинни тор-тадиган эмас, – деб дангалини айтди-қўйди.

Юсуфбек Абу Саъид Мирзо ўрдусида камситилгани, шоҳнинг ўзи-ни бенихоя мағрур тутганлигини, ўзини йигирма етти бор эмаклаб, таъзимга тиз чўкдирилганлигини кўзига ёш олиб, сўзлаб берди.

Амир Ҳасанбек муғомбир ва ақдли саркарда эди. Темурийларнинг куч-қудрати асоси унга маълум эди. Ўртада юз берган Темурийзо-да шаҳзодаларнинг тож-у тахт кураши Абу Саъид Мирзо сиймоси-да барҳам топганлигини, унинг қудратли ҳукмдорга айланганини у жуда яхши билар ва ўзи билан вужудга келадиган зиддиятдан тўлга-ма йўли билан ғолиб чиқишини ўйларди. Бунда, Темурийлар ҳам қўл-лаган усул (чунки бу усул қадимдан истеъмолда бўлиб келган эди) – сопини ўзидан чиқариш иш беришини ёдга олди. Ўзи эгаллаб тур-

ган мулкларга Шоҳрух Мирзо авлодидан бўлган шаҳзодани подшоҳ қилиб қўйиши муаммонинг ечими ва қалқони, деб ҳисоблади.

Ёдгор Мирзо – Ёдгор Муҳаммад ибн Султон Муҳаммад ибн Бойсунгур ибн Шоҳрух Мирзо ибн Амир Темур энди вояга етиб, улғайган шаҳзода эди. Унинг отасини, муҳтарам ўқувчим, яхши танийсиз. Султон Муҳаммад йигирма икки йил олдин Шоҳрух Мирзога – бобосига бўйсунмай қўйиб, унинг ўлимига сабабчи бўлган, Ироқ мулкини бошқарган шаҳзода эди. Амир Ҳасанбек ана шу исёнкорнинг ўғли Ёдгор Мирзони тасарруфидаги вилоятлар подшоҳлигига кўтарди.

Ёдгор Мирzonинг бошидан товоқ-товоқ зар-у жавоҳирлар сочилди. Сохта хон қўйиши Мовароуннаҳрда амир Қазогон томонидан жорий этилиб, Чингизхон уруғидан номига хон қўйилгани, аммо ҳуқуқи бўлмагани каби, амир Ҳасанбек ҳам қалтис сиёсий вазиятда шу эски усулни қўллаш лозим деб билди.

Сиёсий элчиёналикнинг томирини тортган, узоқни кўра биладиган амир Ҳасанбек янгишмаган эди. Ёдгор Мирzonинг ҳали, керак бўлса, Табриз-у Мозандарон эмас, Хурросонга, Ҳиротга қадар бориши мўлжалда эди. Ёдгор Мирзо касрини Ҳусайн Мирзо ҳам тортиши истиқбол тақдирида ёзилганди. Бунгача вақт бор. Шахмат таҳтасида ҳам тўра бурчакда жойлашган, унинг ҳам ўз навбати бўлганидек, Ёдгор Мирзо амир Ҳасанбек кашф этган «ўйин» тўраси эди.

Ёдгор Мирzonинг амир Ҳасанбек мулкида подшоҳ деб эълон қилиниши кунларида Абу Саъид Мирzonинг элчиси Маҳмуд Хожалоқ ҳам бор эди. Амирзода Маҳмуд Хожалоқ ҳам, Юсуфбек мисоли, бир неча жойда тиз чўқтирилиб, Ёдгор Мирзо таҳти пойига олиб борилди. Салом қандай бўлса, алиқ ҳам ундан нарига ўтмайди. Шоҳларнинг ўзаро муносабатларига қараб, элчилар арзитилади ё камситилади. Баъзан қатлга ҳам етказилади. Элчига ўлим йўқ, деган мақол шу нисбатлар олдини олиш учун тўқилган, чофи?!

\* \* \*

...Шамол увиллаб, қуюн кўтарилиди. Унинг гирдоби олдидан нима чиқса, ямлаб кета бошлади. Чодирлар осмонда варракдай учар, емишлар ортилган аравалар чирпирак бўлиб айланарди. Қора қуюн гирдоби бирдан алнга олиб, дуч келган дарахтми, пайкалми, лашкар қўналғасими, бирваракайига оловга чўлғаб, борлиқни аччиқ тутун қоплаб олди. Унинг йўли эврилиб, ўрду тарафга тушди. Оловли дувул гирдоби бедов отлар боғлиқ турган қўрага яқинлашиб келди-да, ҳар тарафга чўғлар фаввораси отилди. Отлар бирин-кетин жизганақ бўлиб, куя бошлади. Саман айғир арқонни узди-да, дала-дашт томон шаталоқ отганича қочди. Абу Саъид Мирзо чўчиб уйғонди-да, боргоҳдан ташқарига отилди. Ҳаммаёқ тинч, шамолдан, қуюндан нишон йўқ, у туш кўрган эди. Манглайнини ушлади-да, жойига қайт-

ди. Айни саҳар чоғи, кўк энди ёришиб келмоқда эди. Ўрнига чўзилди-ю, қайтиб уйқуси келмади. Хаёлини оғир ўйлар босиб, кўрганлари тушидами-ўнгидаги юз берганини фарқлай олмай, карахт эди.

Орадан неча кун ўтса ҳам, Абу Саъид Мирзо кўрган тушини унтулмас, таъбирини сўраш ҳам қўнглига сифмасди. Баҳор яқинлашиб келаётган, бир зумда булат пайдо бўлиб, ёмғир шаррос қўйиб, шамол эсарди. Абу Саъид Мирзо бундай пайтлар хавотир билан осмонга қараб қўярди. У тушда кўрган довул ва алланга сароб бўлиб, йўқлик қаърига сингиб кетган эди. Абу Саъид Мирзо шундай деб хulosса қилишга ўзида қуч топа олган эди. Шу кунларда бир воқеа содир бўлди-да, яна туши ўй-хаёлини тумандек чўлғаб олди.

Амир Ҳасанбек томондан дараклар келиб турарди. Бугунгиси жудаям нохуш ва дилхира бўлди. Абу Саъид Мирзонинг Эрон тарафга юборган надими мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Бухорий Рай атрофида амир Ҳасанбек одамлари қўлига тушиб, занжирбанд этилиб, унинг ҳузурига олиб борилибди. Аён бўлишича, амир Ҳасанбек Ироқни Форс билан боғлайдиган йўл бўйида чодирини тиклаб, лашкарининг асосий қисми ҳам теграсида жойлашган экан. Йўловчиларнинг қатнови қийинлашиб, Хурсонга, Абу Саъид Мирзога даҳли бор кишилар тутиб олинаётган, бор-йўғидан айрилиб қолаётган экан. Бунинг чораси нима бўлади, деб турилганда, амир Ҳасанбек сипоҳийлари, бу ерларни яхши билгани учун, тунларда Ҳирот лашкари қўналгаларига туйқусдан ҳужумлар уюштира бошлади.

Амирлар, Абу Саъид Мирзонинг фарзандлари Султон Муҳаммад ва Султон Маҳмудлар подшоҳдан қароқчи ёғийлар изидан тушишга изн сўраганларида, Абу Саъид Мирзо:

– Тунда душман устига юриш ярамайди, – дея уларга панд берди.

Тонг отгач, Абу Саъид Мирzonинг тўғри иш қилгани тасдиқланди. Мингта аскар отланиб, кечаги ёғийлар изидан тушиб, уларнинг отлари туёқ сонидан бир ярим минг черик босиб келганлигини англаб, ҳайратга тушдилар. Тунда ёғийга қарши икки-уч юз сипоҳ қарши борганда, бирортаси ҳам тирик қайтмаслиги аниқ-равшан эди. Амир Ҳасанбек айғоқчилари лашкарлар қўналғасидан бир қанча отларни ҳайдаб олиб кетганди. Отларга қараб, Ҳирот лашкарининг улови заиф, ориқ эканлигини билиб олишди. Уларнинг тулпорлари бақувват ва семиз, жанг-у жадалга, сурдовларга чидай оларди. Шу сабабли, туркманлар ўқтинг-ўқтинг Ҳирот сипоҳийлари қўналғасига чопқунлар ясашар, чет-чақадагиларни қиличдан ўтказиб, қочиб, кўзга қўринмай кетарди.

Қарама-қаршилик қундан-кунга кучайиб борарди. Абу Саъид Мирзо шу қиши ичидан отларни семиртириб, уларга дам бериб, баҳор келиши билан жангга киришиш ниятида эди. Амир Ҳасанбек бу орада яна кучайиб кетди – унга шу пайтга қадар дахлсиз бўлган Шир-

воншоҳ ҳам ўз лашкари билан қўшилди, Абу Саъид Мирзога қарши иттифоқ тузди.

Амир Ҳасанбек Ширвоншоҳ ҳузурига одамларини юбориб, унга:

– Чифатой лашкари (яъни Абу Саъид Мирзо қўшини – муал.) ахир бир қуни қайтиб кетади, – деган гапни айтдирди, – ана ўшандада улар билан дўстлик сенга нима фойда келтиришини кўрамиз?!

Туркман сардорининг дўқ-пўписаси ҳавоий эмасди. Ширвоншоҳ куч унинг томонида эканини чўтларди. Гапини қилмайдиган бўлса, мулкидан ажралиб қолиши аниқ эди. Шуларни фикр қилди-да, иттифоқчиликка розилик билдириди.

\* \* \*

Қиши юки оғир нортуюдай чўкиб, мозий пучмоқларига йўл олишга шошилмасди. Ўркач-ўркач қора булатлар пастлаб, ёмғир икки-уч кунлаб бетўхтов ёғарди. Қорнинг совуғидан кўра, бир муддатда ўнқир-чўнқир ерларни теп-текис қилиб, сув билан кўллатадиган ёмғир жонга текканди. Пиёда-сувора ўтадиган йўллар, далаликлар балчиққа айланган, ҳар жой-ҳар жойда халқоблар, кўлмаклар юриши қийинлаштиради.

Лашкарнинг танасига ёпишган чирмовиқ қаҳатчилик ва қимматчилик бўлиб, қорли-ёмғирли дилдираган кунларда озиқ-овқатнинг йўқлигидан кишилар ҳайрон-у ожиз, фақат уловнинг эмас, черикнинг ҳам қуввати кетиб борарди. Саҳрода туришдан нафъ йўқлиги туфайли, Абу Саъид Мирзонинг ҳолдан тойган лашкари Ардабил томонга кўчишга юзланди. Муаррих ўша манзарани шундай тасвир қилган эди:

«Йўлда шундай бир мавзега етдиларки, лой ва балчиқ кўплигидан яrim фарсаҳдан ортиқ йўлга палос, намат, чодир, хиргоҳ ва саропарда тўшаб, сув ҳам лой орасидан турли-туман усул билан йўл қурдилар. Онҳазрат то барча лашкар ўтиб бўлгунча, ўз шариф зоти билан турғунлик кўрсатиб, кутиб турди. Қарийб, уч-тўрт минг чорпо (қўйлар, моллар – муал.) ва бошқа ашёлар ўша лой орасида йўқолди ва яроқсиз ҳолга келди. Тотиён мавзесига етганда, жарларни ўйиб ва хандақлар қазиб, туралар ўрнатдилар. Амир Боязид Бистомийнинг ўғиллари ва Хожа Бурҳон девон, фармонга мувофиқ, Қизилоғочдан фалла ва қўйлар келтирмоқ учун уч минг тиллани олиб, жўнадилар».

Ражаб ойининг ўн иккинчи (26 январь 1469) қуни амир Сайид Мурод йигитлари билан қоровулликка тайин қилиниб, ёғий томонни билиб келиш учун йўлга чиқиб, озгина юрган эдики, тиш-тирноғига қадар қуролланган тўрт юз ёғийга дуч келиб қолди. Уларнинг саркардаси Амирак, чамаси, Абу Саъид Мирзо ўрдусига маҳсус топшириқ билан келаётган бўлиб, амир Сайид Муроднинг озгина йигитларини қириб ташлаш ўрнига, уларга тайинлади:

– Мирзо ҳазратлари (Абу Саъид – муал.) юз йиллик душманларни дўст қилди ва юз йиллик қулларни душманга айлантирди. Энди сулҳ ҳам тузмай, жанг ҳам қилмай, қай ерга кетяпсизлар? Эртага ўз улуғ амирларингизни юборинглар, амир Ҳасанбек илгаригидек давлатхоҳлик мақомидадир. Биз ҳам бу тарафдан эътиборли амирларимизни юборамиз, сулҳ иши қарор топажак.

Амир Сайд Мурод бор гапни ўрдуга етказди. Эртаси куни амир Жалолиддин Сайд Мазид ва номдор саркардалар айтилгани бўйича йўлга чиқдилар. Ўтган кунги туркман сипоҳийлари уларни ўша жойда қарши олди. Амир Сайд Мазид ёғийларнинг оз эканлигини кўриб, бирдан ҳужумга ташланди ва қочириб юборди. Уларни енгдим деб ўйлаб, қувишга тушди. Амир Султон Арғун:

– Қувиш ярамайди, – дея ҳайқирди, – буларнинг орқасида таянч борлиги учун улар озчилик бўлиб турибди, тўхтаб турайлик! Кутиш керак!

Амир Сайд Мазид унинг гапига қулоқ солмади ва чопқунда давом этиб, баъзиларини тутди, қувишда давом этиб, охири, отлари ярамай, бир фарсаҳ наригача зўрга бордилар. Шу пайт, икки-уч минг суворий билан пистирмада кутиб турган амир Ҳасанбек улар йўлини кесиб чиқди. Ногаҳонда юз берган ҳужум қувиб келганларни эсанкиратиб қўйди. Отлар ҳолдан тойган, туркман сипоҳи кўп, жойида депсиниб қолган отлиқлар қилич ва шамширга тайёр нишон бўлди. Кўпчилик амирлар асирга олинди, беш юз сипоҳий қатл қилинди. Султон Жунайд, Паҳдавон Ҳусайн Девона, Ҳусайн Али арлот, Шер Муҳаммад Бағдодий ва Пир Муҳаммад Бағдодий каби таниқди амирлар ҳам боши танидан жудо этилди.

Бу қонли муҳориба ражаб ойининг ўн тўртингчи (29 январь 1469) кунида рўй берган эди. Амир Мазид душман алдовига учиб, унинг изидан тушди-да, ўзи ҳам, лашкари ҳам қурбон бўлди. Шу куни туркманларга қарши борганларнинг саноқли бир-иккитасигина ўрдуга қочиб бора олди, холос.

Абу Саъид Мирзо ишнинг бундай тус олишидан қаттиқ таъсирланди. Яқинда кўрган туши ўнгида содир бўлаётгани кўнглини чўктириди. Тезлик билан Жонақий удумига мувофиқ, машварат тузди.

– Иш қўлдан чиқди, амирлар, – деди у ҳорғин ва маъюс, – энди қўлга тушган сипоҳийларимизни ўлдирмасликлари учун нима тадбир кўришимиз керак?

Амирлар, аркони давлат сулҳни ёқлади, яраш битими орқали вазиятдан чиқиши имконини такрор қилдилар. Кўп ўйлашиб, Мозандарон ва Сорий вилоятларида таниқли бўлган амир Фиёсиддин Муҳаммадни восита қилишни лозим топдилар. Амир Ҳасанбек қароргоҳида элчи яхши кутиб олинди.

– Гарчи менда сулҳ тузиш иштиёқи бўлмаса ҳам, – деди амир Ҳасанбек, – аммо саййидзода орага тушганлиги учун, таклифидан ташқари чиқмайман.

Шундай фикр юзага қалқиб турганда, Абу Саъид Мирзо ўрдусидан саййидзода амир Сайд Садриддин Иброҳим Қуммий ҳам элчилик расми бўйича келди. Саййидзода ёлғиз эмас, Абу Саъид Мирзонинг кекса онаси билан бирга келган эди. Улар ҳам ярашувни арз қилиб, қаттиқ илтимос қилган эдилар. Она, подшоҳ ўғлиниң, қирқ бешга кирган, Хурросон-у Мовароуннахрнинг ҳукмдори, кечагина кучи қудрати барқ уриб, бугунликда хазонга учраган Абу Саъид Мирзо ни ҳалокат ёқасидан қутқаришга жазм қилганди. Абу Саъид Мирзо волидасининг икки букилиб, амир Ҳасанбекдан сулҳ сўрашига ризо бўлмаса ҳам, онаси ўз айтганини қилган, саййидзодани бирга олиб келган эди. Амир Ҳасанбек биринчи элчига билдирган фикрини ҳасратда келган о н а г а ҳам айтмоқчи бўлиб турганида, Сайд Ардабилий кириб келди.

Сайд Ардабилий, одатда, хуфия қилиб айтиладиган гапни ошкора, балким тантанавор тарзда, ҳамманинг олдида баён қила кетди:

– Амирим Ҳасанбек, – деди у таъзим қилиб, – Чифатой лашкари (яъни Абу Саъид қўшини – муал.) фоят даражада заиф бир аҳволга тушган, улар ўз-ўзидан хароб бўлаётир, баски, орада сулҳ тузишга ҳеч бир важҳ йўқ!

Абу Саъид Мирзо элчилари ва волидаси бу гапни эшитиб, ичдан музлаган бўлса-да, ўзларида куч топди. Онанинг даъвати билан Сайд Садриддин:

– Мирзо Султон Абу Саъид тайин қилдиким, – деди ранги ўзгариб, гезарган амир Ҳасанбекка, – аввал амир Ҳасанбек сулҳ истаганида биз ризо бўлмаган эдик, мана, биз энди шундай кунга учрадик, энди сулҳни биз хоҳиш қилаётимиз, ризо бўлсангиз, нимаики шарт қўйилса, адо қилғайман, дедилар.

Амир Ҳасанбек ёнида бўлганлар унинг оғзига қарадилар, ўртага қабристон суқунати чўқди. Унинг «ҳа» ёки «йўқ» дейиши, тақдирга тадбир бўлиши мумкин эди. Таассуфки, тақдирни тадбир билан ўзгартириб бўлмас экан.

Амир Ҳасанбек ўтирган жойида мўмиёлангандек қотиб, анчадан кейин бошини чайқаб, деди:

– Мирзо Султон Абу Саъиднинг давлати зер-у забар бўлди. Иш сулҳ чегарасидан ўтди. Хурросон амирларининг барчаси «Мирзо Султон Абу Саъиднинг куни битди», деган хат ва аризалар юборди.

Амир Ҳасанбек шундай деди-да, муншийга имо қилди. Мунший Хурросон амирлари сотқинлик мақомида бир неча кун аввал амир Ҳасанбекка байъат қилиб, жўнатган номаларни элчиларга кўрсатди.

Сулҳ ҳақидаги таклифлар қабул қилинмади. Элчиларга, шу жумладан, Абу Саъид Мирзонинг волидасига кетишга ижозат берилди.

Улар Абу Саъид Мирзо қароргоҳига келиб тушишлари билан, амир Ҳасанбекнинг охири кўринмас лашкари илгорлари сурон солиб келётганлиги эшитилди. Подшоҳнинг ишонган амирлари тагостиндан келишиб қўйғанлариdek, аслаҳа-анжомларини қолдириб, амир Ҳасанбек томонга жўнаб қолдилар.

Оғир ва тақдиршумул кунларда сафдош амирларнинг хоинликка қўл уриши, подшоҳларини тақдир ҳукмига ташлаб, ёғийга бош эгиб бориши нонкўрликнинг энг тубан кўриниши эди. Ўрдуда сўппайиб ўзи қолган Абу Саъид Мирзо кун яримлагандан ноилож отланиб, дуч келган тарафга жиловни бурди. Бу вақтда ражаб ойи ўн олтинчи куни (30 январь 1469) эди. Ёлғиз отлиқнинг орт-олдига қарамай кетиб бориши амир Ҳасанбек сипоҳийларида шубҳа туғдирди. Унинг изидан тушганлар орасида амир Ҳасанбекнинг икки ўғли ҳам бор эди. Иккаласининг ҳам тагидаги тулпори ўн чақиримга чопса ҳам, кўрдим демайдиган хилидан эди.

Шу кун ярим кечада Абу Саъид Мирзони тутиб олдилар ва бандга солиб, ўрдуга олиб келдилар. Соқчилар сонини икки юзга етказиб, қамоққа солдилар.

Бандилиқда икки кун ортда қолди. Абу Саъид Мирзо ҳолидан бирор кас хабар олмади, на сув берилди, на озиқ. Совуқда уст кийими билан тунни тонгга улаган асир подшоҳга энди дунё барибир бўлгандек эди. Шу кеч уни амир Ҳасанбек ҳузурига келтирдилар. Амир Ҳасанбек қаршисида мағрур турган Абу Саъид Мирзога таъна тошлирини ёғдира кетди:

– Ялиндим, кўнмадинг, сулҳ дедим, рози бўлмадинг, иттифоқ бўлай дедим, рад этдинг. Мана, ҳолинг шу экан, энди буларнинг бари ҳожатсиз...

Амир Ҳасанбек яна нималар деди, Абу Саъид Мирзо бир оғиз жавоб қайтарди:

– Сен йўлдан адашма.

Мазлум подшоҳдан ёлвориш, узроҳдикни кутган амир Ҳасанбек лол бўлиб қолди. Уни ҳисб қилинган жойига олиб боришларини буюрди.

Абу Саъид Мирзонинг савлати, ўзини тутиши, жангчига хос оддийлиги ва қўрқмаслиги, ортда қолаётган салтанати сояси амир Ҳасанбекнинг бир қарорга келишида кўндаланг бўлаётган тушовлар эди. У амирларини, аркони давлатини чақириб, кўп машваратлар қилди.

– Ҳали душманлик аломатлари зоҳир бўлмаган вақтлардаёқ, – деди мўйлови қирилган, кетмон соқол амир, – бизнинг Абу Саъидга эътимодимиз бўлмаган. Энди эса, унга заҳмат ва ҳурматсизликлар етказдик. Агар уни тирик қолдирсак, аламзадалиқдан ўлгунича ўч олишдан воз кечмайди.

Машварат аҳдининг фикри шу бўлди. Хурросон ва Мовароуннахр подшоҳини ўлимга ҳукм қилиш амир Ҳасанбек томонидан, ижроси эса... Темурийзода, сохта подшоҳ Ёдгор Мирзо томонидан амалга оширилди. Шу йил ражаб ойининг йигирма иккинчи (5 февраль 1469) куни Абу Саъид Мирзо Ёдгор Мирзо қўлига топширилди. Ёдгор Мирзо мазлум этилган шоҳ, қариндоши Абу Саъид Мирзо билан савол-жавоб қилди:

– Қиличданму, дордан ўлим истарсан? – деди такаббур Ёдгор Мирзо отаси тенги Абу Саъид Мирзога.

- Билганингни қил, – жавоб қилди Абу Саъид Мирзо.
- Гавҳаршод Бегим интиқоми ёдингдадур?
- Хоинлар учун жазолар кам.
- Неки экканг бўлсанг, шуни ўтарсен?!
- Бу ўримдан сен-да қуруқ қолмассен?!

Ортиқ савол-жавобга ўрин қолмади. Ёдгор Мирзонинг аччиғи бурни учида бўларди. Бурни аралаш юзи ҳам алвон тус олиб, жаллодни чорлади. У шу ерда ҳозир эди, зум ўтмай Абу Саъид Мирзо бошига қопни ташлади ва ташқарига олиб чиқиб кетди...

\* \* \*

Ҳалокат шундай содир бўлди. Лашкар хароб бўлди, совуқдан, очликдан қирилди, амир Ҳасанбек қуролларига ем бўлди. Тирик қолган сипоҳ ҳар тарафга тарқаб кетди. Амир Ҳасанбек, «Хурросон амирлари ва Чигатой лашкари шаҳзода Ёдгор Мирзо туғи остига йиғисинлар ва сидқи ният ва пок ақидат билан у жанобга илтижо қилсинар», деган фармон эълон қилди. Абу Саъид Мирзо лашкарининг катта бир қисми асириликда эди. Марҳум подшоҳнинг ўғиллари Султон Мұҳаммад, Султон Маҳмуд ва Шоҳруҳ Мирзолар лашкаргоҳдан ўзини қутқазиб, чиқиб кетдилар. Йўл асносида Султон Мұҳаммад ўз йигитлари билан йўлни тўсган туркманлар билан жанг қила-қила, қўлга тушиб қолди. Шоҳруҳ Мирзони ҳам ушлаб, амир Ҳасанбек даргоҳига банд ҳолда келтирдилар. Ҳар иккала шаҳзода ҳам ҳибсга ташланди. Султон Маҳмуд бир тўда аргун амирлари билан Хурросон йўлига эсон-омон чиқиб олди.

Амир Ҳасанбек «подшоҳ» кўтарган Ёдгор Мирзо ўзига байъат қилган черикни сафлаб, Ҳирот томонга юришни бошлиди. Ҳирот тахти эгасиз қолган, у яна талошлар чорраҳасига айланиш арафасида эди. Султон Маҳмуд Мирзо Ҳиротга етгунига қадар Фараҳжирд саҳросида Ҳусайн Бойқаро сипоҳийларига муқобил келиб, жанг қилди-да, чекиниб, Ҳирот томон от сурди. У шу юришида тўхтамай, рамазон ойининг иккинчи куни (16 март 1469), пайшанбада эрталаб Ҳиротга қадам қўйди. Ҳирот ўз подшоҳи Абу Саъид Мирзо фожиасидан воқиф бўлди.

Орадан бир кун ўтиб, Султон Маҳмуд Мирзога шаҳардаги айрим тўдаларнинг эътимоди йўқлиги аён бўлиб қолди. Ихтиёриддин қалъаси кутволи уни тан олмай, ҳисорни беркитиб олди. Ҳалойиқ-нинг катта бир гуруҳи рўй-рост шаҳардан чиқиб кетди. Маҳмуд Мирзо ва ёнидаги амирлар эндиликда Ҳиротда қолиш иложи барҳам топганлигидан кун яримдан оққандга, шаҳарни тарк этдилар. Шаҳзодага амир Ёр Али ва амир Қанбар Алилар ҳамроҳ бўлиб, Хуш дарвозаси орқали чиқиб кетдилар. Дарвозага яқинлашган вақтларида, бир киши том тепасига чиқиб, Маҳмуд Мирзони камон ўқи билан отмоқчи бўлаётганида, амир Қанбар Али чаққонлик қилиб, ўқни ундан один бўшатди-да, нокасни қулатди.

Шу кунларда кўпчилик аро йўлда қолган, амирлар бош қотириб, кимга байъат қилишни билмас эди. Амир Султон ва бошқалар Ҳирот тахти умидида неча йилдан буён оёқни узангидан олмаган шаҳзода Ҳусайн Бойқаро тарафига жўнашни мақбул билдилар. Ойнинг саккизинчисида (22 март 1469) Ҳирот эли, акобирлар, шариф кишилар, ҳунармандлар, косиблар Ҳирот ташқарисига чиқиб, Кўҳи Бовлигоҳнинг шимолида Ҳусайн Мирзони кутиб олдилар. Ҳусайн Мирзо шаҳарга яқин келиб, Тахти Ҳожибек манзилига тушди. Маҳмуд Мирзо сипоҳлари Машҳад томонларда Мир Муборизиддин Валибек томонидан парокандга этилган эди. Валибек ойнинг тўққизинчисида (23 март 1469) Ҳиротга етиб келиб, Ҳусайн Мирзо чериги сафига қўшилди. Эртасига, ўнинчи куни (24 март 1469) подшоҳлик мақоми Ҳусайн Мирзога мансуб бўлиб, исми шарифи хутбага қўшиб ўқилди.

\* \* \*

Мовароуннаҳр ва Хурсонни якжилов қилган, Амир Темур асос солган, марказлашган давлатнинг қудратини тиклашга интилган ва бунга деярли мұяссар бўлган подшоҳ Абу Саъид Мирзо 1451 йил 22 июндан (ҳижрий 855, 22 жумод ул-аввал) то ҳалокатига – ҳижрий саккиз юз етмиш учинчи йил йигирма иккинчи ражаб ойига (5 февраль 1469) қадар ҳукм сурди. Унинг салтанати ўн саккиз йил бардавом бўлди. Тақдир тақозосига кўра, Озарбайжонда шаҳидлик шарбатини тотди. Унинг хоки кейинчалик Ҳиротга келтирилган ва Гавҳаршод Бегим мадрасасида мақбараға қўйилган.

Абу Саъид Мирzonинг ўнта ўғли ва қизлари бор эди. Ўғиллари – Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Султон Муҳаммад, Шоҳруҳ Мирзо, Улуғбек Мирзо, Умаршайх Мирзо, Або Бакр Мирзо, Султон Мурод, Султон Халил, Султон Валадлар эди. Бу фарзандлардан Султон Муҳаммад ва Шоҳруҳ Мирзо отаси ҳалокати пайтида, Озарбайжонда, амир Ҳасанбек томонидан асирга олинган эди. Султон Маҳмуд Мовароуннаҳрга келиб жойлашган эди. Акаси Султон Аҳмад Сармарқандда уни яхши қаршилаб, девонидан вазифа берди. Охирда

ака-ука орасига кудурат аралашиб, Султон Маҳмуд Ҳисор кетди. Биродарлар ихтилофи давом этди.

Ота ҳаётлигига фарзандларига мулклар инъом қилган, давлат ишларига аралаштирган, билим ва тарбияларига эътибор қилган эди.

Кейинги давр манбаларида таъкидланишича, Абу Саъид Мирзонинг туркманлар қўлига ўтган Ироқ, Форс ва Озарбайжон мулклари ни фатҳ этишида оқ фотиҳа берган Эшон Убайдуллоҳ Ҳўжа Ахрорнинг Абу Саъид Мирзо ҳалокатидан кейин мавқеи бирмунча тушиб кетган экан. Бу маломатда Шайхулислом Бурҳониддин асосий ўрин тутган. Лекин Абу Саъид Мирзонинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо Ҳўжа Ахрорни фоят ҳурматлаган, бу муносабат ҳазрат Эшон обрўсини сақдашга хизмат қилган. Шоҳ ҳам, саййид-у эшон, раият ҳам Яратган Зотнинг бандалари. Тақдир-у қисматни, эртани ҳеч ким каромат қилолмайди.

## **ҲУСАЙН БОЙҚАРО МИРЗО**

Рамазон ойининг ўни, жума куни эди. Ҳижрий саккиз юз етмиш тўртинчи йил, оламга Наврўз яшил сепини ёйган (24 март 1469), навбаҳор етилган айём эди. Шоҳруҳ Мирзо жомеъ масжиди эртабдан тирбанд, Ҳирот шаҳрининг акобирлари, уламо-ю аъёнлари жам бўлган, ҳамманинг қўнглида бир янгилик туйфуси кезинарди. Бир-икки кун аввал хутбага Абу Саъид Мирзонинг ўғли Султон Аҳмад ва Султон Маҳмуд Мирзолар номи қўшиб ўқилган бўлса-да, Ихтиёриддин қалъасида кўтарилган галаён шаҳзоданинг тахтни эгаллашига монелик қилган ва шаҳар остоналарига яқинлаб келган, қўшини ва салоҳияти зиёда бўлган Ҳусайн Бойқаро Мирзога йўл очган эди. Шайхулислом бугунги хутба намозини Темурийлар сулоласининг тахтга ҳаммадан кўра муносиброқ, «карим ут-тарафайн» намояндаси Султон Ҳусайн бинни Фиёсиддин Мансур бинни Бойқаро бинни Умаршайх бинни Амир Темур исми шарифи ила зийнатлади. Аллоҳ таоло, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам, чаҳорёrlар, азиз-авлиёларга ҳамд-у сано, наътлар, дуойи фотиҳалар ўқилиб, янги подшоҳнинг пойи қадами қутлуғ, давлати зиёда ва осойиш, тараққийда бўлмоқдигини тилак қилдилар.

Хутба намозидан сўнг ҳокимияти расмана тан олинган баланд бўйли, шермонанд кенг кўкракли, қийик кўзли, сепеч дасторига қарқаро ўтагаси санчилган Ҳусайн Мирзога, муаррих шаҳодат этганидек, хатибга хос яшил қатиийфа, қуббалар билан орасталанган чопон кийгизилиб, бошидан зарлар сочилди. Шариат аҳкомига кўра, хутбанинг Ҳусайн Мирзо исми ила адo этилиши, мамлакатни идора этишнинг диний, сиёсий, ҳарбий ва ижтимоий ҳуқуқини, пулни муомалага киритиш ва зарб этиш ваколатини берар эди. Ҳусайн

Бойқаро, шу тариқа, ҳижрий 874 йилнинг 10 рамазонида (24 март 1469), жума айёмида Хурросон мамлакати тахтига чиқди. Шоҳруҳ Мирзонинг Бофи Зогон қасри ўрдуси, Ҳирот шаҳри пойтахти бўлди.

Хурросон тахти ва Ҳирот шаҳри даст бериши, Ҳусайн Мирзонинг толеи шу кунларда раият тилидан тушмаётганидек, бир томчи қон оқмай, салтанат воқеъ бўлғанлиги шод-у хуррамлика асос бўлган эди. Пойтахтда Наврӯз сайиллари шодмонлик билан давом этди, шоҳона туҳфалар элга, камбағал-у ночорларга, етим-есирларга бисёр тарқатиљди.

\* \* \*

Султон Ҳусайн ибн Фиёсиддин Мансур Хурросон мамлакатига ўтиз ёшида подшоҳ бўлди. Китоб саҳифаларида шу пайтга қадар Ҳусайн Мирзо ҳақида йўл-йўлакай, воқеалар тақозо қилганидек, ора-турада сўз айтиб келинди. Энди, ўн олти ёшидан бошлаб, тож-у тахт, ҳокимијат учун курашга қатъият билан бел боғлаб кирган ва ўн тўрт йиллик кураш баланд-пастликларидан, мاشаққат ва гурбатларидан, қамоқдар-у қийинчиликлардан, бир сўз билан айтганда, давлат довонидан ошиб ўтган шаҳаншоҳ билан юзма-юз келиб, яқиндан танишсак. Бу сиймонинг қирқ йилга яқин – 1469 йилдан то вафотига қадар (1506) мамлакатни идора қилиши, тинчлиг-у амният йўлида фидойилик кўрсатиб, давлат тараққиysi, иқтисодиёт ва маданият юксалишига bemisл ҳисса қўшиши, Алишер Навоийдек оламшумул ижодкорнинг фаолият кўрсатиши, шак-шубҳасиз, улуғворлиқдан, донишмандликдан, кенг дунёқараш, билим ва инсонпарварликдан эдики, бу воқеий-тариҳий ибрат йўлини ўрганиш, мағзини чақиш, фойдали машғулот ҳисобланишга лойиқдир.

Амир Темур, Шоҳруҳ ва Улуғбек, Абу Саъид Мирзолар вафотидан кейин Темурийлар сулоласидан зукко, ўжар, худбин, тож-у тахттаб шаҳзодалар кўп чиқди. Улар орасида Ҳусайн Мирзо билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо шахсиятлари сиёsat ва бадиият осмонида ёрқин юлдуз бўлиб чарақлади. Иккаласи ҳам бир даврда, оддинма-кейин яшади. Гарчи бир-бирини кўришга, мулоқот қилишга муваффақ бўлмаган эсалар-да, бир-бирини сиртдан яхши билишар, ҳамиша ҳурмат туйғусини сақлашар эди. Ҳусайн Бойқаро тўғрисида айтилган сўзлар ичра Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг демишлари алоҳида ажralиб туради. Озгина фурсат бўлганда эди, у Ҳиротга етиб борар, Ҳусайн Мирзо билан кўришар эди. Лекин қисмат бошқача бўлди. Ҳусайн Мирзо таклифи билан Бобур Мирзо Ҳиротга қадам қўйганида олтмиш саккизга кирган Хурросон ҳукмдори оламдан қайтган эди. Ҳиротда йигирма қун яшаган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу ерда қариндош-уругларининг, Ҳусайн Мирзонинг, таниқди кишиларнинг ва Алишер Навоийнинг ҳаёти, ота-боболари, тарихи

билин қизиқди. Шу боисдан, унинг Ҳусайн Бойқаро Мирзо ҳақида «Бобурнома» асарида рақам этган каломи моҳияттан жуда бебаҳодир. Ҳусайн Мирзонинг Амир Темур ҳазратларига ҳам ота, ҳам она томондан тенг мақомдаги набира эканлигини – «карим ут-тарафайн»-лик қариндошлигини илк дафъа Бобур Мирзо илғаб етган эди. Бу хусусда шундай деб ёзади:

«Валодати (Ҳусайн Мирзонинг – муал.) секкиз юз қирқ иккида (1439) Ҳирида Шоҳрух Мирзо замонида эди. Султон Ҳусайн Мирзо бинни Мансур бинни Бойқаро бинни Умаршайх бинни Амир Темур. Мансур Мирзо билан Бойқаро Мирзо подшоҳлик қилган эмас. Онаси Феруза Бегим эди, Темурбекнинг набираси. Султон Ҳусайн Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг ҳам набираси бўлур эди. Султон Ҳусайн Мирзо карим ут-тарафайн эди, асил подшоҳ эди. Бир туқғон икки ўғил, икки қиз эдилар. Бойқаро Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо, Оқо Бегим ва яна Аҳмадхон олғон қиз Бадика Бегим. Бойқаро Мирзо Султон Ҳусайн Мирзодин улуғ эди ва навкари эди, vale, девон бошида ҳозир бўлмас эди, файри девонда бир тўшакта ўлтурурлар эди».

Ҳусайн Мирзо, маълум бўладики, Амир Темурга тўртинчи бўғин, яъни чевара саналади. Умаршайх Мирзо Соҳибқироннинг тўнғич ўғли бўлиб, 1354 йилда Шаҳрисабзда туғилган. Умаршайх Мирzonинг Маликат Оғо исмли аёлидан Искандар ва Бойқаро мирзолар дунёга келади. Бойқаро Мирзо 1393 йилда таваллуд топади. Отаси Умаршайх Мирзо ҳалок бўлганда, у бир ёшли чақалоқ эди. Ота вафотидан кейин эсини таниб, беш ёшга тўлганида, онаси Маликат Оғо Шоҳрух Мирзонинг никоҳига киритилади. Маликат Оғо нуроний ёшга етади, унинг вафоти 1441 йилда рўй беради. Бойқаро Мирzonинг ўн етти ёшидан бошлаб, ўз акаси Искандар Мирзо хизматида бўлганлиги, сўнгроқ Шоҳрух Мирзо томонидан Қандаҳорда, Қайду Мирзо навкарбошиларидан бўлганлиги маълум. Феълида ўжарлик ва саркашлик бўлганидан 1423 йилда, ўттиз ёшида қатл этилади. Фасих Хавофий, исёнкор Бойқаронинг Бодғисда қўлга олинганлиги ва Шоҳрух Мирзо ҳузурига келтирилганлигини гапириб ўтган. Шоҳрух Мирзо амрига кўра, уни сўроқ қилишиб, «Кимсан ўзи?» – деб сўраганларида, у: «Мен Бойқароман», – деб жавоб беради. Сўроқда ҳозир бўлганлар унинг гапига ишониб-ишонмайдилар. Айримлари, «Бу Бойқаро», десалар, кўпи, «бу Бойқаро эмас», деб бир тўхтамга кела олмайдилар. Шаҳзоданинг афтода аҳволи бир томон бўлса, Умаршайх Мирзо вафотидан кейин ўттиз йил ўтиб, унинг тармоғи вакиллари машҳурлиқ касб этмагани, балки оддий одамлардек ҳаёт кечиргани йўсуни иккинчи жиҳат эди. Бойқаро Мирзо, шу тариқа, Бодғисда таниб-танилмай, исёнчиларга қўшиб, қатл этиб юборилади. Унинг фарзандлари бўлган. Улардан бири Фиёсиддин Мансур бўлиб, оққўнгил ва таъби яхши киши эди.

Соҳибқирон фарзандларининг ўзаро қудалашуви, сулолавий ички никоҳ кенг таомилда бўлган. Умаршайх Мирзо ва Амироншоҳ авлодларининг – амакизодаларнинг турмуш қуриши мисолида ҳам намоён бўлади. Феруза Бегим Амир Темурнинг қизи Тоғай Шоҳ Оғонинг ўғли Султон Ҳусайннинг қизи эди. Феруза Бегимнинг онаси Амироншоҳ Мирзонинг қизи Кутлуг Султон Оғо эди. Ана шу Феруза Бегим Бойқаро Мирзонинг учинчи ўғли Фиёсиддин Мансурга турмушга чиққанди. Бу никоҳдан айтилганидек, икки ўғил ва икки қиз туғилган. Ҳусайн Мирзо ҳам оиласа учинчи фарзанд бўлиб, Бойқаро акаси, Оқо Бегим опаси эди. Бадика Бегим кенжা фарзанд, Ҳусайн Мирzonинг синглиси эди.

1445 йилда Фиёсиддин Мансур қирқ саккиз ёшида оламдан қайтади. Бойқаро Мирзо бир муддат Балхни идора қилган бўлса-да, Ҳусайн Мирзога қадар унинг фарзанд ёки набираларидан бирортаси беклик лавозимиға ҳам кўтарила олмаган. Навкарлик ҳақидаги гап, чамаси, Бойқарога тегишли бўлса керак. Бойқаро Мирzonинг қатл этилишидан кейин оиласа иқтисодий аҳвол оғирлашиб қолганки, Ҳусайн Мирzonинг онаси Феруза Бегим ўн икки ёшли ўғлини Абулқосим Бобур Мирзо саройига хизматга беради.

Бойқаро Мирзо оиласи, хусусан, Фиёсиддин Мансур хонадони Ҳиротнинг шимоли-шарқий тарафида жойлашган Давлатхона мавзесида эди. Бу гузарда Умаршайх Мирzonинг тармоғи жойлашган бўлиб, яқинлари, хизматчилари, собиқ амирлари уйлари ҳам шунда эди. Умаршайх Мирзо даврида унинг кўкаaldoши бўлган амир Садриддин ворислари, ўғли Фиёсиддин Кичкина ҳам Мансур Мирзога қўни-қўшни бўлиб яшаб келарди. Ҳусайн Мирзодан икки йил кейин 1441 йилда шу хонадонда Алишер исмли ўғлон дунёга келган ва бадиий ижодда «Навоий» тахаллуси билан машҳурлик касб этганди. Ҳусайн Мирзо билан Алишер, ёшлари орасидаги фарққа қарамай, бир устоздан бирга сабоқ оларди.

Амир Темур вафотидан кейин юз берган ўзаро курашлар Шоҳруҳ Мирзо фойдасига, саъй-ҳаракати ва кучи эвазига тинчигандан кейин, имконият ва имтиёзлар унинг хонадони силсиласида жамланди. Вафот этган акаларнинг фарзанд ва набиралари тахтгоҳ эшигидан ташқарида қолиб кета бошлади. Амироншоҳ Мирзо авлодида ҳам мартабалардан айрилиш, камбағаллашув асоратлари пайдо бўла бошлайди. Амироншоҳ Мирzonинг ўғилларидан бири, шоир Сайди Аҳмаднинг шеърларида айнан шу мавзуга қўл урилади. У подшоҳ амакиси Шоҳруҳ Мирзога мурожаат қилиб, шундай газал битади:

*Эшиштил, эй, улуснинг подшоҳи,  
Етимларнинг бу кун пушти паноҳи.  
Риёзаттин тан ичра қолмади қон,  
Туганса қон тирик қолгайму инсон?*

*Басе, ошуфта ва ҳайрон бўлубмен,  
Фалактек бесару сомон бўлубмен.  
Билурсен борчанинг ҳолини, эй, шоҳ,  
Иноят чогидур, валлоҳу биллаҳ.*

Сайди (Сайд) Аҳмад таржимаи ҳоли мумтоз адабиётимиз тарихида етарлича ўрганилмаган. Унинг туғилган ва яшаган даври, адабий мероси – «Таашшуқнома» назмиёти ҳақида зид фикрлар бўлганидек, мукаммал нашри ҳозиргача мавжуд эмас. 1959 йилда нашр этилган «Ўзбек адабиёти» мажмуасининг биринчи жилдида «Таашшуқнома»дан уч ярим бетлик намуна берилган, холос.

Йирик тарихнавис В.В. Бартольд 1918 йилда эълон қилинган «Улуғбек ва унинг даври» асарида шоир Сайди Аҳмад ҳақида илк ма-ротаба манбалардаги номутаносибликларга аҳамият қаратган эди. Бу зид қарашлар Сайди Аҳмаднинг Умаршайхми ёинки Амироншоҳ Мирзонингми ўғли эканлиги баҳсида кўринади. В.В. Бартольд «Таашшуқнома»даги (аслияти бўлмагани учун олим келтирган русча мисраларни мантиқий таржима қилиб, фикр юритаман) қўйидаги мисраларни тилга олади:

*Дунёда бор экан токи шундайин шоҳ,  
Мироншоҳ ўғли, қилурмен унга саждалар беҳад.*

Академик В.В. Бартольд шу сатрларни таниқли тилшунос А.Н. Самойлович билан мубоҳаса қилганлигини, суҳбатда лисоний нуқтаи назардан муаллиф ўзини Мироншоҳ Мирzonинг ўғли деб таъкидлаётганини А.Н. Самойлович уқдирганини айтади. Демак, шоир Сайди Аҳмаднинг ўзи отаси Мироншоҳ Мирзо эканлигини шеърида тилга олган. Муаррих Шарафиддин Али Яздий эса, «Зафарнома» асарининг «Хотима»сида Амир Темур вафот этганда, Умаршайх Мирзодан тўққиз ўғил ва набиралар ҳаёт эканлигини айтади. Улар орасида Сайди Аҳмад ўн беш, Бойқаро Мирзо ўн икки ёшда эди, деб кўрсатилади.

В.В. Бартольд сўзининг давомида Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» (1470) асарида, 1455 йил воқеалари талқин этилганда Сайди Аҳмад шажараси «Султон Аҳмад бин Сайди Аҳмад бин Мирзо Мироншоҳ» тариқасида кўрсатилганини тилга олади. Бошқача айтганда, Сайди Аҳмад Умаршайхнинг эмас, Амироншоҳ Мирzonинг ўғли сифатида берилганига аҳамият қаратади. Энди мулоҳазамиз равшан бўлсин учун, «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»нинг 2008 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган 2-жилдининг 373-саҳифасини кўздан кечирайлик. Шу бетдаги иккинчи хатбоши охирроғида Абу Саъид Мирzonинг Са-

марқандда Ҳусайн Бойқарони, акаси ва «унинг п о ч ч а с и» Султон Аҳмад ибн Сайди Аҳмад ибн Мирзо Мироншоҳни ҳибсга оддириши ҳақида гап кетади. Демак, бу ерда г а п ҳибсга олинган Сайди Аҳмад эмас, балки унинг ўғли Аҳмад – Ҳусайн Мирзонинг синглиси Бадика Бегимнинг эри ҳақида кетаётир.

Сайди Аҳмаднинг «Таашшуқнома» назмий тўплами ҳижрий 839 (1435-36) йилда тартиб берилган. Умаршайх Мирзо оиласи кечмишида Сайди Аҳмад 1391 йилда туғилиб, 1429 йилда вафот этганилиги кўрсатилади. «Таашшуқнома» девони эса, бунга кўра, ўз муаллифи вафотидан олти йил кейин тузилган бўлиб чиқади. Бу ерда ҳақиқат қаерда? Фикримча, шоир Сайди Аҳмад билан унинг ўғли Султон Аҳмадни фарқлаб олиш керак бўлади. Негаки, Ҳусайн Бойқаро 1469 йилда Ҳирот тахтига чиққанида, «Матла»да айтилганидек, «Мирзо Султон Ҳусайннинг жияни, Мирзо Кичик деб машҳур бўлган шаҳзода Мирзо Мухаммад Султон ўз онаси (Бадика Бегим – муал.) ҳамда отаси Мирзо Султон Аҳмад ибн Мирзо Сайди Аҳмад ибн Мирзо Мироншоҳ ибн Султон Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон билан биргаликда Арроннинг Қорабогидан саломат чиқиб, Ҳиротга етиб келдилар. Мирзо Султон Ҳусайн ҳаммаларига риоят-у иноятлар буюриб, дилжўйлик ва меҳрибонлик кўрсатди. Мирзо Кичикка хайл-у сипоҳ, саропарда-ю боргоҳ ва умаро-ю вузаро тайин қилди, соябон-у байроқ тиклаб, тўғ-у ногорахона билан жаҳонга зилзила солди». В.В. Бартольд айтганидек, бу ерда гап Сайди Аҳмад эмас, унинг ўғли Аҳмад ва Аҳмаднинг ўғли Кичик Мирзо ҳақида бораётир. Агар шу, 1469 йилда Сайди Аҳмад ҳаёт бўлганида, етмиш саккиз ёшга кирган бўларди.

Сайди Аҳмаднинг Шоҳруҳ Мирзо даврида яшаганлиги, дастлабки ҳокимият йилларида Темурий биродарзодаларнинг тож-у тахт учун чарчоқ билмай, олди-ортига қарамай курашган йилларида Умаршайх ва Амироншоҳ Мирзолар ворислари кўп тўсиқларга, энг аввало, иқтисадий етишмовчиликларга дучор бўлишган. Сайди Аҳмаднинг:

*Шоҳо, даврингда жавр-у зулм-у бедод,  
Бўлубтур Сайди Аҳмадқо муқаррар, –*

дэйиши бежиз эмасди.

Гап Сайди Аҳмаднинг кимнинг фарзанди эканлиги ҳақида борса, мен бир мухлис сифатида, Шарафиддин Али Яздийни ёқлаган бўлардим. Нечунки, Умаршайх Мирзо Бағдодга яқин Хармату қалъасини фатҳ этишда, 1394 йилда ҳалок бўлган, унинг фарзанд ва набиралари Шоҳруҳ Мирзо салтанатининг бошларида нисбатан қийналиб қолганди. «Зафарнома» муаллифи воқеъликни Амир Темур вафотидан йигирма йил ўтиб ёзган бўлса, Абдураззоқ Самарқандий «Мат-

ла»ни 1470 йилда тамомлаган эди. Орада ўтган йиллар, гарчанд, иккала китоб ҳам Темурийлар назаридан ўтган бўлса-да, Умаршайх ва Амироншоҳ Мирзонинг ворислари исмлари адаштирилиб юборилиши мустасно эмасди. Бу мушоҳадага яна бир мулоҳазани ҳам зарб қилиш мумкин.

Абулқосим Бобур Мирзо 1454 йилда Самарқандга қўшин тортганида, унинг хизматида бўлган амакизода шаҳзодалар қаторида Ҳусайн Мирзо, Увайс Мирзо, Аҳмад Мирзо, унинг ўғли Кичик Мирзолар ҳам қўшин сафида бўлганлар. Ҳусайн Мирзо ёш бўлишига қарамай, подшоҳ амакиси Абулқосим Бобурдан қониқмасди, унинг ичклилик ва ишрат билан машгуллиги, енгилтак табиати доимо рашки-ҳасадини келтиради. Афтидан, ёнида бўлган шаҳзодаларнинг ҳам фикри шундай, бир ердан чиққан. Самарқанд қамали чўзилиб, натижга бермагач, ўртада сулҳ тузилади ва Ҳирот қўшини ортга қайтади. Черик ва уловдаги йўқотишлар подшоҳ тўғрисида салбий қараща бўлган шаҳзодаларга қаттиқ таъсири қиласди. Абулқосим Бобурдан кўнгли тўлмаганлар асосан Умаршайх Мирзонинг тармоғидан бўлган шаҳзодалар эди. Қачонки, ўртада Абу Саъид Мирзо билан ярап битими тузилгач, Ҳусайн Бойқаро ва шаҳзодалар, уларнинг ҳамфирларидан ўн уч киши Абулқосим Бобур сафидан ажralиб, Самарқандга, Абу Саъид Мирзо ҳузурида, хизматида қоладилар. Шаҳзодаларнинг, табиийки, режалари бўлиб, Самарқанд таҳтини олиш имкондан, деб ҳисоблаганлар. Шу сабабдан исённи кечиктирмаганлар. Ҳусайн Мирзонинг амакиси Увайс ҳамфирлар амирлар кўмагида ҳужум уюштиради. Охиригача ўйланмаган, ҳарбий қуввати кам дарражада бўлган исёнчилар дарҳол мағлуб этилади ҳамда Ҳусайн Мирзо ва унинг дўстларидан ўн икки-ўн учтаси ҳибс қилиб ташланади.

\* \* \*

Султон Ҳусайн Бойқаро она томондан Амир Темурга жуда яқин набира ҳисобланарди. Соҳибқироннинг Тогай Шоҳ Оғо – Оғо Бегим исмли, Султонбахт Бегимдан кичик қизи Сароймулхонимнинг тоғаси Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекка узатилган эди. Оғо Бегим эрта вафот этиб, бу никоҳдан Султон Ҳусайн отли ўғил қолган эди. Вақти соати этиб, Султон Ҳусайн тоғаси Амироншоҳ Мирзонинг қизи Қутлуғ Султон Бегимга уйланади. Улардан бир қизалоқ дунёга келади ва унга Феруза Бегим деб ном берилади. Феруза Бегим вояга етгач, уни Бойқаро Мирзонинг ўғли Мансур Мирзога унаштирадилар. Бу никоҳларда, кўрамизки, Умаршайх ва Амироншоҳ Мирзолар хонадонлари бир-бири билан қудалашган. Мансур Мирзо ва Феруза Бегим никоҳидан Ҳусайн Бойқаро ва акаси, опаси, синглиси, тўрт фарзанд таваллуд топади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур мана шу жиҳатни кўзда тутиб, Султон Ҳусайн Мирзонинг Соҳибқирон бобо-

сига «карим ут-тарафайн» набира бўлишини жуда ифодали қилиб айтиб ўтади.

Феруза Бегимнинг отаси, амир Мусонинг набираси Султон Ҳусайн бобоси сингари, бузукбош, ҳокимиятга танда қўйган шаҳзода эди. Амир Темур уни Хитойга юриш қилганида қўшин бошлиқларидан бири қилиб, Ўтрорга олиб кетган эди. Соҳибқирон вафот этгач, Халил Мирзо бир томонда, у иккинчи тарафдан ҳаракат қилиб, тахт пойгаси курашига киради. Шоҳруҳ Мирзо билан кескин тўқнашувларга қадар боради ва 1405 йилда қатл этилади. Феруза Бегим отаси ҳалокатидан, дейлик, икки йил олдин – 1403 йилда туғилган бўлса, ўғли Ҳусайн Бойқаро Ҳурросон подшоҳи бўлган пайтда 65-66 ёшларга кирган эди.

Ўн олти-ўн етти ёшларда эканида Феруза Бегим турмушга чиққан, деб фараз қилсак, Мансур Мирзо билан йигирма йил нари-берисида бирга яшаганлиги аён бўлади. Мансур Мирзо ўттиз икки ёшида оламдан қайтган. Баъзи манбаларда Мансур Мирзо 1413 йилда туғилган деб кўрсатилади. Назаримда, бу сана тарихан тўғри эмас. Феруза Бегимнинг отаси 1405 йилда ўлган бўлса, бу қизалоқ ундан камида бир-икки йил олдин дунёга келган бўлади. Мен, шуни эътиборга олиб, Феруза Бегим 1403 йилда туғилган ва 1420 йиллар атрофида Мансур Мирзога узатилган, деган мулоҳазани ҳавола қилияпман. Мансур Мирзо 1413 йилда дунёга келиб, ўн олти ёшида уйланган бўлса, бу, 1429 йилга тўғри келарди. Бу пайтда Феруза Бегим йигирма олтига тўларди. Бу ҳисобда мантиқ йўқдигини китобхон ҳам пайқаб турибди. Эрнинг ёши хотинидан камида беш-олти йил тафовут қилиши ўзбекчиликда удум эканлигини таъкидаш ҳожат эмас. Шу боисдан, Мансур Мирзонинг таваллуд санасини камида 1401–1402 йиллар, десак, мантиқ тақозосига мос тушади, деб ўйлайман.

Феруза Бегимда Амир Темур ҳазратлари, Амироншоҳ Мирзо ва ота томондан бобоси амир Мусо қонидан омухталиқ бўлгани туфайлими, ўқтам ва шаддод аёл эди. Учинчи фарзанди олам юзини кўрганида, унга қатл этилган марҳум отаси исмини – Султон Ҳусайн деб қўйганлигига ташаббус онадан чиққанлигини тахминлашга даъват этади. Феруза Бегим 1445 йилдан бошлаб, эри Мансур Мирзо вафтидан сўнг оилани ўзи тебраттан. Тўнгич ўғли Бойқаро Мирзо амакилари хизматига киради. Опаси Оғо Бегим ҳам турмушга узатилади. Ҳусайн Мирзо мактабга қатнаб, эсини таниб, ўн бир-ўн икки ёшга кирганида Ҳиротга Бойсунғур Мирzonинг ўғли Абулқосим Бобур Мирзо – уларга амакизода бўлган шоҳ тахтга чиқади. Ҳусайн Мирzonинг таҳсил олиши онаси Феруза Бегимнинг саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ эди. Турмуш оғирликларини бошдан кечираётган она хонадон чироги ёнсин дея, бор умидини Ҳусайн Мирзога боғланган. Афтидан, сарой қошида шаҳзодалар учун мактабхона бўлган

ва унинг ўқувчилари қаторида бир гузарда, ёнма-ён турувчи, бири шаҳзода, бири хизмат қилиувчилар оиласидан бўлган, иқтисодий аҳволи ҳам бир-бирига деярли яқин бўлган Ҳусайн Мирзо ва Алишер ибн Фиёсиддин ҳам бор эди.

Абулқосим Бобур Мирzonинг Самарқандга юриш қилиши ва муваффақиятсиз, сулҳга эришиб, Ҳиротга қайтиши, шаҳзодалар, ўн уч нафар зинданга солинган Ҳиротдан борганилар қатори Ҳусайн Мирzonинг ҳам ҳибс қилиниши олдинда зикр этилди.

Феруза Бегимнинг файрати ва куюнчаклиги, қатъияти ва жонфидолиги бўлмаганда борми, қамоққа олинган ўн беш ёшли ўғли Ҳусайн Мирзо қисмати Самарқандда, Кўксарой зинданда нима кечар эди? Олдинги қисмда, Абулқосим Бобур Мирзо ҳақидаги қиссада Феруза Бегимнинг унинг ёнига боргани, ўғлини қутқазиш ҳақида ялиниб-ёлворгани ҳақида тўхталган эдим. Абулқосим Бобур билан Абу Саъид Мирзо ўртасида сулҳ амал қилиб турган пайтлар эди. Шаҳзодаларнинг қамоқда сақланиши анча муддат давом этади. Феруза Бегимнинг онаси Амироншоҳ Мирzonинг қизи эди. Абу Саъид Мирзо эса Амироншоҳ Мирzonинг ўғлини зурриёди эди. Бундай олганда, Феруза Бегим ва Абу Саъид опа-уканинг болалари, Феруза Бегим ёши улуғ ва Абу Саъидга амма ҳисобланарди. Абулқосим Бобур Мирzonинг хати ва Феруза Бегимнинг кўз ёшлари Абу Саъид Мирзони «эритиб» юборади. Ҳусайн Мирзо ва бирга қамоққа олинган шаҳзодалар, дўстлар озод қилинади. Орадан беш-олти кун ўтиб, озод этилган шаҳзодалар орасида бузғунчиликни бошлаган, тахтнинг талабори бўлган Ҳусайн Мирзо эканлигини исбот этадиган чақувлар бўлади. Аччиқланган Абу Саъид Мирзо Ҳусайн Мирзо ва дўстлари биргаликда йўлга чиққан карвон ортидан Жайҳунгача қувиб бориб, уларнинг изини топа олмай қайтади. Карвон дарёдан ўтиб, Ҳиротга яқинлашганди.

Абу Саъид Мирзо тахтига кўз ола қилиб, зинданда ётган Ҳусайн Мирзо ҳаётнинг дастлабки аччиқ, амалий сабогини бошдан кечирган эди. Она, Самарқанд йўлида уйда бор-йўгини сарфлаган, бош эгиб саройга бормасдан ўзга илож йўқ эди. Абулқосим Бобур Ҳусайн ва унинг шерикларининг Самарқандда қолишини, ўзидан юз ўтиришини юрагига олиб ўтирмади. У, Абу Саъидни хушламасди. Шаҳзодаларнинг худди ўзи каби уни ағдариб ташлашга уринишини жўмардлик деб билди. Феруза Бегим ўғлини саройга, олдинги хизматига олишни илтимос қилиб, мунгайиб борганида, «эй, аммажон, Ҳусайндан кўнглим тўқ, эртадан келиб, саройда ҳозир бўлсин», – деди. Кайфи баланд подшоҳнинг бу жавобидан Феруза Бегимнинг ҳам руҳи кўтарилди. Давлатхона гузарига қушдай учиб борди. Янгиликни ўғлига қувониб, ўзига сифмай айтиб берди.

Ўн саккизга яқинлаб қолган, Самарқандда анча муддат ҳибсда бўлган Ҳусайн Мирзо девонда тортинибгина иш бошлади. У, мак-

табда ўқиб юрган пайтларида яхши таълим олган, саводи равон, таъби назми ҳам диққатга лойиқ эди. Унинг ғазалиётга ортиқча меҳри ва саъии борлигини дўсти Алишер биларди. Ҳусайн Мирзо отга жуда ҳавасманд эди. Феруза Бегим ўғли ўн ёшга тўлганида келинлик исирғасини сотдириб, унга от олиб берган эди. У ёши каттароқ шаҳзодалар ва уларнинг тенгқурларининг от миниш машқадарида қатнаша бошлаган, бу соҳада ўзининг эпчилигини тан олдиришга эришган эди. Болалар отларда пойга қилишар, кимнингдир бирининг кулоҳини қўйиб, узалиб олишарди. Аста-секин човган мусобақаси ҳадиси ҳам олинди, гоҳида Давлатхона гузари ортидаги дўнгсалликда қўлларига катта заранг таёқлар олиб, «қиличлашиб», ҳарб ўйинларига муккадан кетардилар. Отдан оғиб, йиқилиб қолганлар бўларди. Шундай пайтлар тўригини қочириб қўйиб, йифламоқдан бери бўлган ўртоқларига далда бериб, Ҳусайн Мирзо қочган от ортидан тушар ва кўп ўтмай, отни ушлаб келиб, жиловни тутқизарди. Ёш бўлса ҳам, у бу машғулотларда етакчи бўлиб олганди.

Абулқосим Бобур Мирзо, Феруза Бегим гапларидан оиланинг анчагина зориқиб қолганини англаб етганди. Шу боисдан Ҳусайн Мирзога девондаги хизмати учун 100.000 кепакий маош тайин қилди. Бу жуда салмоқли иш ҳақи эди. Унга, бир эмас, бир нечта от харид қилса бўларди. Вақтида, академик В.В. Бартольд ҳам бунга ҳайратланиб, иккита тилло танга вазнига тўғри келадиган бир кепакий динорни 25 тангага тўғри келади, деб ҳисоблаб, Ҳусайн Мирзонинг маоши миқдори Совет пулига 50.000га тўғри келишини айтган эди. Бу ҳисоб 1926 йилда қилинган эди. Ким билади, дейсиз, шу 1926 йилда Совет раҳбарларининг ўзлари ҳам шу миқдорда маош олмагандир.

«Матла»нинг муаллифи бу ҳақда шундай дейди: «Мирзо Султон Ҳусайн ибн Мирзо Мансур ибн Мирзо Бойқаро ибн Мирзо Умаршайх ибн ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон узоқ муддат давомида ҳазрат хилофат паноҳийнинг (Абу Саъид – муал.) фармони билан Самарқанд аркида маҳбус бўлиб, сўнг яна у ҳазратнинг фармонига биноан ҳибсдан халос топиб, Жайҳундан кечиб, Мирзо Абулқосим Бобурга мулоzим бўлди. У яхши хулқи подшоҳ шаҳзодага тўла эҳтиром кўрсатиб, ю з м и н г к е п а к и й динор маблағ улуфа тайинлади. Мирзо Санжар эса ўз қизини (Бека Султон – муал.) унинг шаръий никоҳига киритиб, хотинликка берди».

Султон Санжарнинг Темурийларга, айниқса, Абулқосим Бобур Мирзога эътимоди катта, хотини нисбати ила куёв мақомида эди. 1452 йилда унга Форс мулки берилади. Орадан икки йил кечиб, Абулқосим Бобур унинг тасарруфига Марв вилоятини идора этиш ваколатини топширади. Бу воқеа 1455 йилда, Ҳиротнинг осойишталиги ва равнақи йилларида бўлади. Худди шу йили пойтахтдаги илиқлик ва муносабат унинг Темурийлар билан боғланган ришта-

ларини янада мустаҳкамлашига восита бўлади. Абулқосим Бобурнинг таклифи билан Феруза Бегим Султон Санжарникига совчиликка боради. Бека Султон Бегим шу йили Ҳиротга, Боги Давлатхонага, Ҳусайн Мирзога қаллиқ қилиб, олиб келинади.

Бека Султон Бегим билан янги ҳаёт бошланади. Бу янги ҳаёт ёшлик, навқиронлик қувончлари билан уйғун ҳолда сиёсий саҳнага чиқиши тадоригини айрича ўзанга согланлиги билан ҳам ажралиб турарди.

Инсон тақдир учун, унинг синовлари, марҳамат-у инъомлари, машаққат-у заҳматлари учун яратилган. Ҳиротда бир неча йил қарор топган оғият 1457 йилга келиб, подшоҳ Абулқосим Бобурнинг Машҳадда кутилмаганды, ичкилик оқибати – жигар хасталигидан вафот этиши билан тош теккан ойнадек чил-чил бўлиб кетди. Яна тож-у таҳт талоши авж нуқтага кўтарилди. Бу сафар Самарқанддан Абу Саъид Ҳиротга талаб солиб келди, Алоуддавла ва унинг ўғли Иброҳим Мирзолар ҳам отларни якчирги қилиб, кураш майдонига кирди. Марвдан Султон Санжар ҳам улар билан иттифоқлашиб, Мовароуннаҳр черигини ҳайдаб солишга бирлашиб курашадиган бўлди. Тўқнашувлар самара бермади, бу ҳақда олдинда ҳикоя қилинди. Энг ёмони, Султон Санжар жанг майдонида жароҳат олиб, қўлга тушди ва қатлга етказилди.

Девонда иши тараққийда бўлган, анчагина ўзини иқтисодий жиҳатдан тутиб олган Ҳусайн Мирзо замонанинг бу фавқулодда ҳаводи-сотидан ҳушёр тортиб, нима қилиш кераклиги ҳақида бош қотирди. Онаизор Феруза Бегим уни авайлар, Абу Саъид Мирзо қадами Ҳиротга етгандан бери, шаҳардан нарида бўлиш маслаҳатини берарди. Самарқандда маҳбусликдан қутулганида, ўғлининг ортидан сипоҳийлар уни тутиб келишга жўнатилганлиги дараги она қулогига ҳам етган, шунда ажабланган, энди эса, Ҳирот тупроғи Абу Саъид сипоҳи этиклари тагида чангийётган пайтда, Ҳусайн Мирзонинг олисроқ бўлиши фойдадан холи бўлмасди, деб ишонарди Феруза Бегим.

Ҳусайн Мирзо Машҳаддан подшоҳнинг ўлими хабари келишидан кўп ўтмай, дўстлари ва танишлари, Самарқанд аркида бирга ҳибсада бўлган яқинлари уйларига бориб, гапни бир жойга қўйди. Алишер бу пайтда мадраса таҳсилидан бўлгани сабабли, унинг тога жамоасидан бир нечалари Ҳусайн Мирзони маъқуллаб, бирга бўлишга аҳд қилдилар. Улар, ўттиз чоғли йигитлар жам бўлиб, Журжон тарафга, омадни синаб кўришга аҳд-у паймон қилиб, жўнаб кетдилар. Ортларидан яна бир тўп йигитлар етиб борди. Аста-секин сафлари кенгая борди.

Бу юриш таваккалчилик ва мажбурият, ҳатто, шу йилларда расмга кира бошлаган – қучинг бўлса юрт ол, ҳеч бўлмаса, талаб қол, шиорига амал қиласиган кўпдан-кўп тўдалар учун хос амалиёт эди. Ҳусайн Мирзо бунинг маънисини ҳам, тузини ҳам татиб кўрган, бир сира бошидан ўтказган эди. Султон Санжарга куёв бўлгач, унинг ху-

зурига борган, иззат ва ҳурмати жойига қўйилган эди. Ҳусайн Мирзо ҳарб ишида моҳирлик касб этган, келбати паҳлавонгина эмас, аслда ҳам вужудидан куч ёғилар, қиличлашув машқида мана-ман деган сипоҳийлар ҳам унинг босимига дош беролмасди. Бундай айтганда, Ҳусайн Мирзо қайнотасининг ўнг қўлига айланган эди. Қайнона лашкарни ҳам, ноибликни ҳам унга ишониш кайфиятида эди.

\* \* \*

Бека Султон Бегим Ҳусайн Мирзодан олти ёш кичик эди. 1445 йилда туғилган Бека Султон Бегим нозик қоматли, шалола янглиғ узун соchlарини олдга ташлаб, гулдор жиякли қизил қабо киярди. Шу ҳолича у, чинакамига сарвқомат нозанин бўлиб туюларди. Иккала ёш – келин ва куёв бир-бирига монанд, бир-бирини жуда ёқтириб, кўнгил қўйиб қолишган эди. Бека Султон Бегим орифа, билимли қиз эди. У танбур чертганида гўё бутун Марв сукунатга чўмиб, жон қулоғи билан тинглагандек бўларди. У ширинзабон қиссагўй ҳам эди. Қадимий қиссаларни маҳорат алфозида қиёмига етказиб айтар, тингловчини тамоми маҳлиё этарди. Сарой отинидан яхши таҳсил олган ва кейинги йилларда ҳокимият ишларига бўйлаб, китоб-у мутолаадан йироқлашган Ҳусайн Мирзо Бека Султон Бегим ҳуснига, санъатига, қиссаҳонлигига қойил қоларди. Бегим ўзининг насл-у наасбини, шажарасини ва улар билан боғлиқ нақлларни ҳам яхши биларди. Бегим шу фазилатлари боис, болаликдан олқишлиар эшитиб улгайган эди. Иззат-ҳурматталаб эди. Назокати аразга, арази назокатга алмашиб турарди. Бека Султон Бегим бир куни Марв шаҳри, унинг қадимий таровати ҳақида гап очиб, улуғ бобокалони, XII асрда яшаб ўтган Султон Санжар Марвий даври ободонлиги ҳақида ҳикоя қилиби. Марв шаҳри арабларнинг фатҳ юришлари замонларидан буён тилга тушган эди. Хурсон ва Мовароуннаҳрни забт этишда Марв уларнинг асосий қўналғаси, халифалар ноиблари турадиган пойтахтга айлантирилган эди. Қутайба ибн Муслим ҳам шу фаровон шаҳарга ноиб бўлиб келганида, Бағдоддан миниб келган түясини сарой ёнидаги боғнинг туркираган жойига боғлаган эди. Одамлар ажабланиб, нега бундай қилганини сўраганларида, Қутайба такаббурлик билан, «менинг отам түякаш эди», деб бамайлихотир жавоб берган экан. Кейинги асрларда, Султон Санжар Марвий замонида шаҳар юксалган, хонақоҳлар, масжидлар, мадрасалар, карвонсаройлар, савдо расталари кўпайган. Шаҳарнинг хароба бўлиши эса, Чингизхоннинг яғмоси, мўри малаҳдек босиб келган лашкарлари етказган вайронагарчилик билан узвий боғлиқ эди. Бека Султон Бегим бу ҳақда эрига жуда таъсирили бир қиссани гапириб берди.

Марвдаги кўпдан-кўп бинолар ер билан битта бўлганда, шаҳарда биргина масжидга ёғийларнинг зиёни тегмайди. Орадан уч аср ўт-

ган бўлса-да, масжид бус-бутун турар, бу ҳақда ривоятлар тўқилган, унга илоҳий бир тус бериладиган бўлиб қолганди. Бека Султон Бегим қиссаси шулардан бири эди. Афсонада айтилишича, Марв султони хушқомат, кўркли, барваста киши экан. Унинг ҳусни латофатига парилар ҳам шайдо бўларкан. Султон ҳам бир парипайкарга кўнгил қўйибди ва унинг шартларига ризо бўлиб, уйланибди. Паризод султондан соchlарини тараётганда, унга қарамасликни, ҳеч қачон белидан қучмасликни ва хиром қилганда, оёғига назар ташламасликни шарт қилибди. Султоннинг паривалини ниҳоятда сулув, ер гўзалларидан хушрўй, ҳар бир ҳаракатидаги малоҳат аксланиб турарди. Паридан кўз узиб бўлмасди. Султон дастлабки пайтлар шартларга чирабд юради. Дамлар, онлар ўтган сайин ул ҳурилиқонинг ойдан ҳам, кундан ҳам нурли орази уни ўртай бошлайди, бир дақиқа кўрмаса туролмайдиган даражага тушади.

Ул парипайкар хонаси гарчанд ҳарир деболар билан тўсиленган бўлса-да, саропарда ортидан, ўзини тута олмаган султон, пардоз-андоз қилиб, узун соchlарини олтин тароқда майин тараётган хотини шакли шамойилига, соchlари торларига маҳлиё кўз қирини ташлабди. Шунда султон ҳушдан кетиб, йиқилай дебди. Бундай фаҳм қилиб, разм солса, паризод калласини курси устига қўйиб, соч тарақлаётган экан. Султон бу гаройиботдан ўзига келиб, бунинг сабабини сўрабди. Султоннинг ўзини кузатганлиги ва сиридан воқиф бўлганлигини билиб, пари хотини ғазабга тўлибди ва эри султонга дебдик, магар шартларимдан бирини бундан сўнг бузадиган бўлсанг, орамиз очиқ, сени тарк этаман, уқдингми?! Султон айбига иқрор бўлиб, паризод олдига тик чўкибди ва минбаъд бундай қилмасликка ваъда берибди.

Илоҳий санамнинг мўъжизавий ноз-у карашмалари, қадди нихоли, лутфи табассуми шунчалик сеҳрга эга эканки, султон жамолига боқиб тўймаскан. Ўзи билмагани ҳолда, султон орадан кунлар ўтиб, паризоднинг ортидан бориб, белидан қучибди. Ҳирсга тўлган, висол нашъасидан маст бўлган султон ҳурилиқ пайкарнинг белида суюк йўқлигини пайқаб қолибди. Беихтиёр ундан, «нечун белингда суюгинг йўқ», деб савол қилибди. Ўртадаги аҳд-у паймоннинг бузилиши парипайкарнинг жавоб қилмасданоқ, кўкка учиб, гойиб бўлишига сабаб бўлибди. Султон ҳижрон азобида қолиб, тунларни кунга, кунларни тунга улаб, фарёд қилибди, унинг кўйида шундай фамга ботибдик, салтанат ташвишларини ҳам тамом унутибди. Сарой аъёнлари султоннинг дил дардига даво топиш учун елибди-югурибди. Вазирлар бамаслаҳат тўрт тарафдан донғи кетган руҳонийларни чорлаб келибди. Дуохонлар тўққиз кеча-ю тўққиз кундуз тиловатлар қилиб, аразлаган паридан султонни кечиришни, қайтиб келишини ёлвориб сўрабдилар.

Паринисо ўтингчларни эваз қилиб, султон ҳузурига қайтибди ва учинчи шартимни бузиб, сўзингда тура олмасанг, бутунлай кетиб, бу ёруғ оламга қайтмайман, дебди. Султон шундан кейин ваъдасига вафо қилибди, орадан тўққиз йил ўтибди, қусурга йўл қўймабди. Йиллар кетидан йиллар келиши, кўп сувлар оқиб кетиши боис, орадаги шартлар ҳам унтила бошлабди. Нима бўлибди-ю, султон бир куни пари хотинининг гўзал хиромига маҳдиё бўлиб, кўз ташлабди. Ерда одам боласи бу янглиф юра олмаскан, у кўнглидан шу гапни ўтказгандা, қараса, парининг оёғи ердан узилиб, ҳавода муаллақ юриб кета бошлабди. Нима иш қилиб қўйганини билган султон бошини чанглаб, «паривашим, учиб кетма, орқага қайт», деб илтижо қилганича қолибди. Пари эса, кўк бағрига сингиб, бутунлай кўздан фойиб бўлибди.

Султон бу айрилиққа, ўзидан ўтган малолатта чидай олмай, хаста бўлиб тўшакка михланибди. Зўр табиблар Шомдан, Бухородан келиб, уни муолажа қилибдилар. Охир бир кун у болишдан бош кўтарибди. Ўрнидан туриб, пари хотини учиб кетиб, охирги бор кўриниш берган майдонга тикилганича қолибди. Унинг хаёлига шу жойда масжид қурдириш режаси келибди ва тезда қурилишни бошлатиб юборибди.

Ҳусайн Мирзо султон ва пари қиссасини тинглар экан, унинг чинлигига тобора ишонаётган, турган жойларидан қад кериб, кўриниб турган масжидга ўҳтин-ўҳтин қараб қўяр ва ҳикоянинг давомини берилиб эшитарди. Қиссанинг давоми эса шундай эди: масжид каттакон, баланд қилиб қурила бошланган, унинг тепа қисми битай деб қолганда, баландда ўтирган, ишнинг боришини кузатаётган султон нариги даричадан парининг ўзига нигоҳ солиб турганини сезиб қолади. Ўзининг шарафига шундай саждагоҳ қурилаётганидан мамнун бўлган фаришта султонга таъзим бажо қилиб, гаплашибди. Париваш энди, бундан кейин ҳар жума куни, шом намозидан кейин султон хобхонасига келиш ваъдасини берибди. Шундай бўлибди ҳам. Парипайкар айтилган вақтда келар, бири биридан тотли эртаклар сўзлар, сел қидувчи қўшиқлар куйлар, сочини олтин тароқда майин тараб, дилни хушлар экан. Султон ҳафтанинг жума кунини байрамдек қарши олар, шу кунни орзиқиб кутаркан. Одатдаги жума оқшомларидан бири пари аёл соchlарини тарай туриб, тилло тароқни қўлидан тушириб юборибди. Уни ердан олаётган султон фариштасидан шу тароқни унга тухфа қурилишни сўрабди. Йиллар ўтибди, яна қанча сувлар оқиб кетибди. Султоннинг ҳам қаруви етибди. У тилло тароқни ҳеч кимга ишонмас экан. Умри поёнига етаётганини сезган султон уни ўзи қурдирган масжид гумбази тепасига қўйиб, суватиб юборибди. Гўё бу билан парининг омонатини қайтарган бўлибди.

Эртак вақтида, куёвлик гўшангасида Ҳусайн Мирзога жуда ёқсан эди. Гоҳида уни Бека Султон Бегимдан қайта ҳикоя қилиб беришни илтимос қиларди. Бека Султон Бегим бу лутфни рад қилмас, янада

чиройлироқ қилиб, ўзини гүё парипайкар, эрини султон ҳис қилиб, жўшиб-жўшиб айтиб берарди.

Афсона ўз йўли билан. Бу ривоятнинг Ҳусайн Мирзо ҳаёт йўли тарихига қандай алоқаси бор? Эҳтимол, Бека Султон Бегим чиндан ҳам Ҳусайн Мирзо оғушида шундай нақлларни кўп айтгандир. Лекин нақддан нақл, ривоятдан ривоят урчимай қолмас экан. Келтирилган афсонанинг давоми ҳам тўқилиб, ҳақиқат уруғи ривоят билан сайқалланган. Қадим афсонанинг Ҳусайн Мирзога тааллуқли давоми шундай. Эмишки, Бека Султон Бегимдан пари ва тилло тароқ эртагини обдан тинглаган Ҳусайн Мирзода бир фикр пайдо бўлибди. Нима қилиб бўлса-да, олтин тароқни қўлга киритиш хаёлида ўрнашибди. Масжиднинг холи қоладиган пайтини кўзлаб, гумбаз устидан уни излашни режалабди. Афсона бежиз эмаслигини, эҳтимол, Санжарийлар сулоласи бу жойга дафина яширган бўлиши мумкинлигини ўйлаган Ҳусайн Мирзо, шундай овлоқ вақтни топиб, гумбаздан гиштларни кўчира бошлабди. Мезанага чиқиб қолган муazzин буни пайқаб қолибди-да, Султон Санжарнинг яқин надими, вазир Ҳасан Арлотга хабар берибди. Ҳасан Арлот Ҳусайн Мирзога адоват сақлар, Бека Султон Бегимни ўз ўғлига олиб беришни истаган, бу нияти чиппакка чиққанидан, Султон Санжар куёвига ноибликни берганидан куйиниб юрарди. Ҳасан Арлот дарҳол гапничувалаштирибди, Ҳусайн Мирзо Санжарийлар хазинасини қўлга киритиб, шоҳдикни эгалламоқчи, деган овоза тарқатибди. Бу билан чекланмай, уни бандга олмоқчи бўлади. Мирзонинг яқинлари бундан хабар топиб, вазирнинг ўзини ушлаб, қамоқча олади. Ифво натижа бермай, Ҳусайн Мирзо фойдасига ҳал бўлибди. Воқеа унугилгач, кунлардан бирида Ҳусайн Мирзо овга чиқибди. Энди, афсонанинг чинга чатишиб, тарихий воқеликда юз берган давоми ҳақида суҳбатлашсак.

1457 йилда, Абулқосим Бобур Мирзо вафот этгач, Султон Санжар унинг ўн бир ёшли ўғли Шоҳ Маҳмуд Мирзога бўйсунишдан бош буради. Ҳолбуки, 1455 йил бошларида Абулқосим Бобур Мирзо унга Марв, Моҳан ва Жом вилоятларининг идорасини берган, орада илиқ муносабатлар шакланган эди. Султон Санжар 1457 йилда Машҳадга отланади ва ўз ўрнига Марвга ноиб қилиб қуёви Ҳусайн Мирзони қолдиради. Ҳижрий 861 йилнинг шаъбон (июнь) ойида юз берган мазкур воқеа манбаларда зикр этилади. Ҳасан Арлот, ҳақиқатан ҳам, Ҳусайн Бойқарони бўхтонга чўлғаб, ҳибсга олиш ниятида бўлади. Ҳусайн Мирзода, эртакдагидан фарқли ўлароқ, масжид гумбазидаги бойликни эмас, бутунлай Марвни қўлга киритиш нияти бўлган ва бунга бир карра эришган ҳам. 60 йигити билан уч минглик лашкарга қарши чиқиб, қўли баланд келади. Лекин шаҳарни тамомила қаламравига олиш ва муҳофаза қилишга қурби келмай, у ерни

ташлаб чиқади. Шу йил давомида Мурғоб ва Марвдан юқорида бўлган Моручоқда ҳаракат қиласи, қишини эса Марв ва Хива оралиғида ўтказади. 1458 йилнинг баҳорини Тажанда қаршилаган Ҳусайн Мирзо бу манзилда Гургондан чиқиб, Обивард тарафдан келаётган Бобо Ҳасан сипоҳилари билан жангга киришиб, илк фалабани нишонлайди. Бу фалаба унинг навбатдаги бирин-кетин зафарларига йўл очади, Нисо ва Астробод шаҳарлари тасарруфга олинади. Бу ҳудудлар туркман амирзодаси Жаҳоншоҳнинг амакиси Ҳусайнбек қўйлостида эди. Бу фатҳона юришлар чакки самара бермаганди. Шу сабаб, ўз ҳокимиятини танитиб қўйиш учун Ҳусайн Мирзо Нисода эканлигига қайнотаси, оралари бузилган Султон Санжар ва Абу Саъид Мирзо билан алоқалар боғлашга интилади. Султон Санжар, табиийки, бошданоқ бу саъи-ҳаракатни қабул қилмаган, Абу Саъид Мирзо эса, рад этмаганди. Шу пайтларда Абу Саъид Мирзо туркман подшоҳи Жаҳоншоҳ билан сулҳ тузиш арафасида эди, бунга Эришганидан сўнг эса, Ҳусайн Мирзодан Астрободни тортиб олиш пайига тушганди. Вақтинча ён бериш, шу воқеадан кейин Абу Саъид Мирзо билан Ҳусайн Мирзо муносабатларининг совуқлашувига, душманлик даражасида ниҳоясига етишига боис бўлганди.

\* \* \*

Бека Султон Бегимнинг отасига қилган илтижолари нафъ бермади. Султон Санжар қайсаарлик қилиб туриб олган, куёви жонига қасд муддаоси бўлиб қолганди. Эри Мурғоб-у Моручоқ томонларда юрганида у Ҳиротга, қайнонаси Феруза Бегим юборган одамлар билан Ҳиротга етиб келган, бўлиб ўтган низоларни хафаланиб, сўзлаб берганди. Феруза Бегим келинининг дийдорини Марвда кўрган, тўйдан кейин қирқ кун ўғли учаласи бирга турганди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас, қайнота-куёв бундай ёвлашиб турса-я?! Кенжа қизи Бадика Бегимни узатиб, уйда ёлғиз қолган Феруза Бегимнинг ҳовлиси келини келиб, тўлиб қолган эди. Унинг бир ёшли ўғилчаси Бадиузвазмон бўлумли чақалоқ, сўз қотса, кулимсиради. Феруза Бегим бу кунларни орзиқиб кутган, ўғли Ҳусайн Мирзонинг Самарқанд арқида олти ойга яқин қамалиб қолиши унинг ҳушини учирган эди. Абулқосим Бобур Мирзо қандай олижаноб подшоҳ эди-я, Ҳусайн Мирзони девонга ишга олиб, ойига юз минг кепакий динор моҳиёна бериб, кўкракларини кўтариб олишга катта мадад берганди. Ўзи бош бўлиб, Султон Санжар билан қудалашишларига восита бўлганди. Сахий подшоҳ пешонага сифмади... Ўғли эса, Бека Султон Бегимнинг айтишича, Тажанми, Хивоқ томонларда қозоқликда, сарсон-саргардон юрганиши.

Ҳусайн Мирzonинг чопқунлари барорда эди. Султон Санжарга қўшилишга, оқибатда, сирлашиб, ўзини орадан кўтариш ниятида

бўлган Бобо Ҳасаннинг, Жаҳоншоҳнинг амакиваччаси Ҳусайнбекнинг енгилиши, қатл этилиши Ҳиротда Ҳусайн Мирзонинг обрўсини оширган эди. Феруза Бегим келини Бека Султон ва набираси Бадиуззамон келиб, қанчалар суюниб қолган бўлса, орадан икки ой ўтмай Абу Саъид Мирзонинг хос навкарлари келиб, Бека Султон Бегимни ҳибсга олиб, Ихтиёриддин қалъасига қамаб ташлашганларида ўлмоқдан бери аҳволга тушди. Саройга, Боги Зогонга қанча бормасин, эртадан кечгача йўлакларда йифлаб-сиқтаб ўтирмасин, Абу Саъид Мирзо уни қабул қилмади, бирон гапнираво кўрмади. Қалъада Бека Султон Бегимга занжир-кишан солинмаган бўлса-да, ҳужрандан ташқари чиқолмас, ўғилчалик эса, толиқиб, йифлагани-йифлаган эди. Феруза Бегим ҳар куни егулик олиб борар, қоровулга бир нима бериб, ичкарига киритарди. Унинг кўз ёшлирига раҳми келадиган кимса йўқ эди.

Астрободни қўлга киритиш – ёғий қўлидан вилоятни тортиб олиш Абу Саъидга ҳам маъқул тушган эди. Бунинг устига, Ҳусайн Мирзо элчилар юбориб, Абу Саъидга байъат қилишини маълум қилгач, ҳибсда сақланаётган Бека Султон Бегимга шоҳона иззат-икром кўрсатилиб, эри Ҳусайн Мирзо олдига, Журжонга юбориш рухсати шу муносабат билан теккан эди. 1459 йилга қадар, Абу Саъид Мирзо туркман сардори Жаҳоншоҳ билан сулҳ тузгунига қадар, уларга азијатлар етказиб турган Ҳусайн Мирзо билан алоқа давом этиб турди. Ҳатто, Абу Саъид Мирзо, «қўллаб туриш» мазмунида Ҳусайн Мирзо ҳузурига муаррих Абдураззоқ Самарқандийни элчи қилиб юборди. Абу Саъид Мирзо шу йили мухолифларидан қутулган, Алоуддавла ва унинг ўғли Иброҳим Мирзо қаттиқ шикаст еган, уларга қўшилган Султон Санжар эса, асирга олиниб, қатл этилган эди.

Энг хавфли ёғий Жаҳоншоҳ билан битимга эришилгач, найзанинг тифи Ҳусайн Мирзо тарафга қаратилди. Ҳусайн Мирзо ҳам Астробод билан чекланиб қолмасдан, Сабзавор ва Нишопурга қадар бошиб олишга, мол-ашёларни талаб кетишга сипоҳларини йўллай бошлиди. Энди, ёвларидан ёқаси ва қўли бўшаган Абу Саъид Мирзо бу хуружларга лоқайд қараб турмади. Бориб-келадиган элчилар ҳам таъкибга олинди. Ҳусайн Мирzonинг Ҳиротга юборган элчиси Саййид Кўкалтош Абу Саъид Мирзо буйруғи билан зиндонга солинди. Бу – орадаги омонат ришталар узилганидан ошкора нишона эди. Бунинг тасдиги Биёржуманддаги воқеалар кечмишида яққол кўринади. Бўйсунишдан бош тортган биёржумандликларни тартибга олиб, Ҳусайн Мирzonинг Абдул Али Тархон бош бўлган йигитлари қочқинларни Нишопур чегараларигача қувиб борди. Исён ва уни тинчитиши хабари Абу Саъид Мирзо қулогига етиб, амирларидан Али Форси барлос, Ҳасан Шайх Темур, Нур Саъид ва Саййид Мазидларни черик билан Ҳусайн Мирзо сипоҳийларига қарши жўнатади. Абдул

Али Тархон буни эшитиб, Астрободга қайтишни мақбул кўради. Шу билан мухолифатчилик барҳам топмайди, аксинча, Ҳусайн Мирзо черигини таъқиб қилаётган амирлар ортидан Абу Саъид Мирзонинг ўзи ҳам отлангани дараги чиқиб, Астробод қалъасини маҳкамлаш зарурати туғилади. Қалъадорлик иш бермайди. Абу Саъид Мирзонинг кучи ва қуввати Хуросон ва Мозандаронда довруқли, айниқса, Жаҳоншоҳ туркманинг сулҳ билан Ҳиротдан орқага қайтиши Абу Саъид Мирzonинг саркардалик нусратини ошириб юборганди. Унинг Астробод йўлига, Ҳусайн Мирзо зиддига қўшин тортиб келиши амирлардан кўпини довдиратиб қўйди. Амир Аҳмад ва Бобо Ёкут жалойир ўз одамлари билан қамални ташлаб, қалъадан чиқиб кетди. Черикнинг асосини шулар ташкил қилгани сабаб, ҳимоядан путур кетди. Энди, қамалдан нафъ йўқ, имкон борида муҳосарадан узоқламоқ ақддан эди. Ҳусайн Мирзо Астрободни ташлаб, Жайҳундан кечиб ўтди. Абу Саъид Мирзо эса, ҳувиллаб қолган қалъани эгаллаб, вилоят мулки идорасига ўғли Султон Маҳмуд Мирзони қўйиб, Ҳиротга тантанавор қайтди.

\* \* \*

Бошимда бир фикр чарх уради. У дастлаб, саволга айланади-да, жавобни ҳам ўзи ҳозирлайди. Ҳусайн Мирзо мулк-у таҳт талабида юрган кезларида Астрободни ишғол қилганидек, омади қайтган пайларида, Амударёни кечиб, Хоразм сари йўл олган. Темурийзодалар тарихини мутолаа қилибоқ, бир жиҳат намоён бўлишини кузатмай бўлмайди. Омади юришмаган, марказдан енгилган шаҳзодалар Форс ёинки Ироқ мулкларига бадар кетган, қочган, ўзларини қутқазган, маълум муддатдан сўнг эса, қўшин тўплаб, яна Ҳирот томонга юриш қилганилиги эътиборни тортмай қолмайди. Ҳусайн Мирзо эса, танг ва қалтис вазият бошига тушгудек бўлса, Хива тарафга, Хоразмга кетишга мойиллик кўрсатади. Бу бежизмикан? Назаримда, бунда ҳам аниқ мақсадлар бордек. Абу Саъид Мирзо ҳақидаги қисмда унинг Бухорога, аргун қавми паноҳига қочиб бориши айтилди-ю, нега айнан туркман қавми – аргунлар манзили танлангани сабаблари ойдинлаштирилмади. Тарихий манбаларда бунинг исботи йўқ. Абу Саъид Мирzonинг аргунлар билан дўстлигими ё бўлмасам, она томондан уларга боғлиқ жиҳати бўлганми, буни ҳатто, тахминлаш ҳам мушкул. Худди шунингдек, Ҳусайн Мирzonинг ҳам Хоразмдан мадад ахтариши, бу воҳани танлаши бесабаб бўлмаса керак. Бу бобда, бир мулоҳазани ўртоқлашиш фойдадан холи бўлмаса керак, деб ўйладим.

Амир Темур ҳазратларининг ўғли Умаршайх Мирзо Маликат Оғоға уйланган эди. Маликат Оғо икки фарзанди бўлганида, 1394 йилда Умаршайх Мирзо вафот этган. Маликат Оғо унинг сўнгги турмуш

құрган жуфти ҳалоли бўлган. Шаҳзода унга, чамаси, ўн тўрт-ўн беш ёшларида уйланган. Маликат Оғонинг Искандар Мирзо исмли ўғли 1384 йилда, Бойқаро Мирзо эса 1393 йилда дунёга келган. Маликат Оғо 25-26 ёшида бева қолган ва орадан икки-уч йил ўтиб, Амир Темурнинг кичик ўғли Шоҳрух Мирзо никоҳига киритилган. Бу ни-коҳдан Суорғатмиш Мирзо (1398) туғилган. Маликат Оғо узоқ ёш яшаган, ҳижрий 844 йилнинг жумад ас-сонийида (1441 йил, ноябрь) оламдан қайтган. Маликат Оғонинг Хизр Ўғлоннинг қизи эканлиги «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида тилга олинган. Бу ҳақда «Амир Темур сулоласи» (2014, 2015) китобимда ҳикоят қилинган эди. Бу ўринда, қўшимчам шундаки, Хизр Ўғлонни мўфул хони Хизр Хўжа Ўғлондан фарқлаш керак. Маликат Оғонинг отаси Хизр Ўғлон Хоразмда яшаган. У амир бўлган ва 1411 йилда ҳаёт бўлиб, «уруг жиҳатидан энг улуғ» киши ҳисобланган. Вақтида Умаршайх Мирзонинг Хоразмнинг энг улуғ амирларидан бири Хизр Ўғлон қизига уйланганлиги табиий эканлигини қайд этиш ўринли.

Умаршайх Мирзо ҳалокатидан кейин унинг ўғиллари – Шерозда ҳоким бўлиб турган Пир Муҳаммад, Рустам (Исфаҳонда), Искандар Мирзо (Ҳамадонда) салтанатда ўз ўринларини топа бошлиган эди. Амир Темур вафотидан кейин унинг фарзандлари ва набиралари орасида бошланган ўзаро ҳокимият курашларида Умаршайх Мирзо фарзандлари кимнинг тарафида бўлишни қаттиқ муҳокама қиласидар. Бири мустақил бўлишни, иккинчиси Мирзо Умарга қўшилиши, учинчиси Амироншоҳ тарафига ўтишни таклиф қиласидар. Акаукаларнинг энг каттаси, 16 ёшли Пир Муҳаммад, укаларини тўғри йўлга солиб, «Матла»да айтилишича, шундай деган экан:

«Ҳазрат Соҳибқирон ҳаётлик вақтида бизнинг волидамиз Маликат Оғони ҳазрат хоқони саъидга (Шоҳрух Мирзога – муал.) топшириб, бизни унга боғлаб қўйган. Токи, у кишининг зоти муборакларида саломатлик мавжуд экан, шояд кишилар ана шу насибага рози бўлишса, у қадар нотинчлик бўлмас».

Бу воқеани нима учун қайта таъкидлаётирман? Пир Муҳаммад Мирзо салтанат ва бундан кейинги ҳаёт йўлларида тақдиршумул, кескин ўзгаришларга сабаб бўладиган вазиятда а с и л ў з а к к қараб иш тутишни, яъни оналари Маликат Оғо билан иккинчи ни-коҳда бўлган Шоҳрух Мирзо томонида туришни маслаҳат қиласидар. Ҳусайн Мирзо ҳам ўзи учун ё ҳаёт, ё мамот бўлган пайтда Исфаҳон, Ироқ, Шероз томонга эмас, бувиси мансуб бўлган Х о р а з м г а паноҳ истаб жўнаган. Хизр Ўғлон, Маликат Оғо 1441 йилда ҳаёт бўлган эканлар, уларнинг уруғ-аймоги Хоразмда яшаётган бўлиши табиий эди. Улугбек Мирzonинг Мовароуннаҳрда дастлабки йилларда Халил Мирзо билан кураш олиб борган йилларида бобоси Амир Темур ота жоий Шахрисабзга кўмак учун мурожаат қилиши, шу истак билан,

кейинчалик Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Шаҳрисабзга келиши, мол-у мулкини шу жойда эҳтиёт сақлаганлигини бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Улугбек Мирзо Шаҳрисабзда қанча олийшаън бинолар қурдирди. Ҳусайн Мирзо-чи, подшоҳ бўлганидан кейин Хоразмни унутиб юбордими? Йўқ, асло. Ҳокимиятининг дастлабки йилларида Хоразмни обод қилиш учун Ҳиротдан икки-уч минг кишини кўчирганлигини мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади.

Ҳусайн Мирзо Хоразмда тезда ўзини ўнглаб олди. У танти, йигитлари қатори, очига ҳам, тўқига ҳам қаноат қиласиган, отнинг чиргисини бошига қўйиб ҳам дам олишдан тортиномайдиган киши эди. Қомати расо, жанг қилишда мард, қилич сермашда толиқмас, паҳлавон киши эди. Дала-даштлардан мол-ҳолларни ҳайдаб кетиш, омборлардан ғалла ўмариш, от-уловларига ем-хашак, араваларни тўлдириб беда, арпа олиб кетишадиган йигитларини жуда қадрларди. Қозоқликда юрганларида кун кечиришнинг, яшаб қолишнинг шу усулларидан ҳам фойдаланишга мажбур бўларди. Хоразмда уни қандай қаршилашгани китобларда аксини топмаган. «Матла»да, бўлак тарихий манбаларда Хоразмда Абу Саъид томонидан қўйилган ноибга қарши аҳоли исён кўтаргани ва Ҳусайн Мирзонинг аста-секин унинг ўрнини эгаллай бошлагани пинҳон қолмаган. Демак, аҳолининг бир қисми Ҳусайн Мирзони қўллаб-қувватлаган. Бу тоифа кишилар Маликат Оғонинг қавмлари бўлиши эҳтимоли бор эмасми? Нима бўлганда ҳам, Ҳусайн Мирzonинг оёққа туришида, сипоҳ тўплаб, Ҳиротни қамал қилиши даражасига боришида Хоразмнинг ўрни бўлганлигини эсдан чиқариб бўлмайди.

1461 йилга келиб, Ҳиротда турган Абу Саъид Мирzonинг Мовароуннаҳрдаги мулкларида қаттиқ безовталик рўй берди. Падаркуш Абдуллатифнинг ўғли Муҳаммад Жўкий вилоятларни босиб, катта куч жамлашга эришди. Абу Саъид уни саришта қилиш учун Ҳиротдан Самарқандга қўшин тортади. Шоҳрухия қалъасида давом этган қарама-қарши туриш чўзилиб кетади. Бундан фойдаланган Ҳусайн Мирзо Ҳиротни қўлга олиш матлабида сипоҳлар билан шаҳарни муҳосарага олади. Бу ҳақда олдинги қисмда сўз борган эди. Абу Саъид Мирзо Мовароуннаҳрда зўрма-зўраки сулҳга эришиб, Ҳиротга тезлик билан қайтишга мажбур бўлади. Ҳусайн Мирзо қамални тўхтатиб, Хоразм сарига йўл олади. Бу ерда ҳам тиним бўлмайди, Абу Саъид Мирзо Муҳаммад Жўкий Мирзо ҳамкорлигидан ўзига оғдириб олган Нур Саъидбекни Хоразм бошқарувига қўяди. Нур Саъид Амир Темурнинг вазири бўлган, умри охирларида Хоразм соҳиб ихтиёри даражасига кўтарилган амир Шоҳмаликнинг набираси бўларди. Нур Саъидбек Мовароуннаҳрда Муҳаммад Жўкий тегирмонига сув қуиб, Ҳўжа Аҳрор ҳазратлари орага тушуви билан омон қолган, энди ўзини оқдаши, Ҳусайн Мирзога қарши курашда бор

кучини сарф қилиши лозим эди. Тўқнашувлар жиддий тус олади. Туршизда бўлган жангда Ҳусайн Мирзо ўн беш сипоҳ бирваракай ташланганда, уларни улоқтириб ташлаб, ҳаммасига қаттиқ жароҳат етказади. Ўн беш сипоҳга бас келиш ҳазилакам иш эмасди. Кейинчалик, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, қилич чопишда бирорта Темурий унинг билан баробар бўломаслигини эътироф қилган эди. Нур Саъид лашкари кўп ва яхши қуролланган эди. Оқибат, Ҳусайн Мирзо вилоятдан айрилиб, Ўзбой орқали дашт-у саҳрога чиқиб кетди. Унинг ёнида саноқли йигитлари қолган эди.

\* \* \*

Кенг ялангликда, доирасимон тикилган ўтовлар оралиғида хоннинг чодири жойлашган. Орқа ва оди қўриқчилар томонидан ўраб олинган саропарда анча баланд, тўрт буржида анвойи байроқлар ҳилпирайди. Чодир ниҳоятда безатилган, эшик олдида белга қилич осган, қўлида узун туғли найза ушлаган қўриқчилар тош қотган, пастдан тепагача гулдор тасмалар, узун-узун попуклар эс-ҳушни олгудек ҳашамдор. Чодир ёнларига солинган нақшин зардўзи каштлар чеварлар маҳоратини ҳамда салтанат салобатини қўз-қўз қилиб туради. Ҳайбатли чодир олдидан пашша ҳам учиб ўтолмайди, борди-ю, учиб ўтгудек бўлса, қўриқчилар шу онда ташлангудек ва жоҳатда. Онда-сонда сал букчайганроқ, сийрак соқоллари оқарган табиб чол қўриқчиларга таъзим қилиб, чодир ичига кириб кетади. Даشتி Қипчоқ ҳукмдори анчадан бери касал. Эс-ҳуши жойида бўлгани билан, юра олмайди.

Мулозимлар зарурат бўлмаса, Абулхайрхонни безовта қилмайдилар. Хоннинг инжиқлигини, сиркаси сув қўтармайдиган бўлиб қолганлигини касаллик оқибати деб биладилар. Абулхайрхон бўғиммарида оғриқ пайдо бўлган, аста-секин шишлар сезилди, муолажалар бир сира наф берди. Хон жойидан туриб ўтирадиган бўлди. Шундай кунларнинг бирида мулозимлар унга Ҳиротдан бир Темурийзода келганлиги хабарини қўрқа-писа еткиздилар. Хоннинг кайфияти яхши эканми, қабулга ижозат берди. Даشتி Қипчоқ ҳукмдоридан нажот излаб келган Хоразм воҳасидан қувилган Ҳусайн Мирзо эди. Мирзо ўзининг кимлигини, нима мақсадда келганлигини овсар мулозимларга тушунтиргунча уч-тўрт кун ўтган эди. Сўраб-суриштирувлар Абулхайрхоннинг хотинларидан бири, Улуғбек Мирзонинг қизи Робия Султон Бегимга бориб тақалди. Бегим 1451 йилда Абу Саъид Мирзога Самарқанд таҳтини олишда кўмаклашган Абулхайрхонга узатилган эди. Робия Султон Бегимнинг хондан Ҳайдархон исмли ўғли туғилган, саройда эътибори баланд эди. Робия Султон Бегим Ҳусайн Мирзони кўрмаган, исми шарифини эшитмаган бўлса ҳам, боболарини яхши биларди, онаси Феруза Бегим билан бир-икки

бор кўришган эди. Ҳусайн Мирзонинг жуссасидан Темурийзодалиги аниқ-тиник билиниб турарди. Робия Султон Ҳусайн Мирзога алоҳида ўтов буюриб, ҳурмат-иззатини жойига қўйди. Амакилар, жиянлар, холалар, аммалар, тоғалар ҳақида роса гурунг қилди, дийдор ва соғинч сўзларини тилдан туширмади.

Робия Султон воситачилиги билан мулоғимлар Абулхайрхон билан Ҳусайн Мирзони учраширадиган бўлди. Унгача, хоннинг қабули шартларини қулоғига қўйдилар. Абулхайрхон ўз шажараси билан Чингизхонга туташар, шу боисдан бобокалонлари замонидан қолган урфларни маҳкам ушларди.

Абулхайрхон насаб силсиласи шундай эди: Абулхайрхон ибн Давлатшайх ўғлон ибн Иброҳим ибн Пўлод ибн Минг Темур ибн Бадақул ибн Жўчи Буғо ибн Баҳодир ибн Шайбон ибн Жўжихон ибн Чингизхон. У мансуб бўлган мазкур сулола мўғулча қуш номи билай Шайбон ёки Сибон деб юритиб келингган. Абулхайрхон 1469 йилда вафот этади. Унинг Робия Султондан туғилган ўғлидан ҳам таниқли Шайбоний султонлар етишиб чиқади.

Ҳусайн Мирзо қабул урфини яхши ўзлаштиради-ю, Темурийзодалигини устун тутади. Одатда, Абулхайрхон ҳузурига бир илинжда, унинг ёрдамига мунтазир бўлиб киргувчи мултамаслар бош кийимларини олиб, бир қўлига бир пой ковушларини ушлаб, хонга эгилиб, таъзим қилишлари одат эди. Ҳусайн Мирзо бу одатни четлаб, бир тизини букиб, қўлни кўксига қўйиб, соф туркона – Темурийлар анъанасига риоя қилиб, таъзим бажо қилади. Бундан мулоғимларнинг эс-хонаси куллари тўзгигиб, бир аҳволга тушади. Аксинча, мағрурлик ва самимиёт Абулхайрхонга маъқул келади. Бошини ёстиқдан кўтариб, туриб ўтиришга уринади. Ортга болишлар қўйилган хон жойлашиб, ўтириб, кулимсирагани ҳолда Ҳусайн Мирзо билан сўраша бошлади.

Ҳусайн Мирзо бўлиб ўтган воқеаларни яхши биларди. Абулхайрхон бир сира Абу Саъид Мирзо билан иссиқ бўлган, кейин ораларидан гап қочиб, босқин даражасига етганлар. Бу ҳақда кўп эшитганди. Билардики, Абу Саъид деса, хоннинг тепа соchlари тик бўларди. Шу туфайли, Абу Саъид Мирзонинг кучайиб, аста-секин ҳамма жойга кўз ола қилаётганини дангал айтиб, Даشتி Қипчоқ ҳам назардан четда эмаслигини шаъма қилди. Хон мулоҳаза қилиб, ўйлаб қолди. У, ўзининг аҳволини биларди. Муаррих Хондамир, шу пайтларда Абулхайрхоннинг марази қабиҳ – шол, ёмон дард билан хасталанганилиги ни айтади. Хоннинг тахмини ҳам шунга яқин, қачон бўлмасин, Абу Саъид ўчини олиш учун Даشتி Қипчоқ томон юриш қилса керак, деб хаёл қиларди. Лекин унда энди мажкол йўқ. Ҳусайн Мирзо ундан кўмак сўраётир. Берса бўлади, қурби етади. Черик дегани унда мўл... Бироқ қичимаган ерни қашиб, қизартириш ақдданми? Абу Саъид ҳозирча туркманлар ва биродарлари билан овора. Йўқ-йўқ,

«ўзим тинч – қўшним тинч», энди, бу тахтталаб шаҳзода қайнитми бир емоқ-ичмоқдан бўктириб, меҳмон қилиб жўнатиб юбориш тўғри йўл бўлади. Абулхайрхон надимларига Ҳусайн Мирзони сийлашни буюрди-да, тўшагига минг азоб билан чўзилди.

Ҳусайн Мирзо ўтовида егуликлар мўл, бутун пиширилган қўйнинг танаси карсонларга солиб, бўлакланар, мешлар тўла қимизлар, идишларда қирмизи бўлиб товланиб турган майлар, эпласа, кичикроқ шаҳар аҳолисига етарди. Этни еб, майни ичиб, қимизни симирган надимлар ўтов белдавларига суюниб ёхуд ўзини билмай маст-аласт ётарди. Ёлғиз Ҳусайн Мирзо косаларни тўлдириб, шаробни тановул қилса-да, тўрда илжайиб ўтирас, гапидан адашмас, фақат юмалаб ётганлар фарқига бормайдиган, аммо анграйиб тинглайдиган сўзлар айтардик, ашъор маънисига ўзи етар, ўзи берилиб, қироат қиласарди. Аҳмад Яссавийдан ҳикматлар ёд қилди, ёнидагилар мечкайларча ичиш билан машғул бўлди, Яссида уч аср олдин яшаган буюк шоирни билмадилар. Атоий, Гадоий ва Лутфийдан ўқилган газаллар маъноси тугул, оҳангига ҳам бош қимиrlатмадилар. Улар фақат эт ейишни, бақириб гаплашишни қойилмақом қиласарди, холос. Ҳафта шундай ўтди-кетди. Ҳусайн Мирзонинг ичиш ва маст бўлмаслик довруғи Абулхайрхонга ҳам етди. Хон шунда, «бу бир паҳлавон шаҳзода экан, шоҳлик ойини бундай эмас, май курагини ерга босади», деб ич-ичидан кулади. Мирзонинг хуржунига атай икки кўза шароб солдириб, кузатиб қўйишларини буюрди.

В.В. Бартольд Ҳусайн Мирзонинг Даشتни Қипчоқ саргузаштлари ҳақида гапирганида бир хатога йўл қўйган. Йирик тарихчи аллома «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» (1926) деган асарида, «афтидан, Султон Ҳусайн ўзбек мулкларининг фарбий вилоятларида бўлган кўринади, унинг синглиси Астрахон хони Аҳмадга турмушга чиқади. Бунда, таниқли Олтин Ўрда хони, Иоанн Шнинг душмани кўзда тутилган бўлиши мумкин. Кейинчалик, шу малика икки ўғли ва қизи билан Ҳиротга қайтади», деб ёзади. Ҳа, бу гапда жон бор. Чинакамига, Ҳусайн Мирзонинг синглиси Бадика Бегим ўз қариндоши Аҳмадхонга теккан эди ва Ҳусайн Мирзо Ҳиротда тахтга чиққач, Қорабоғдан қайтиб келган эди. Унинг Олтин Ўрда ва Аштархонга мутлақо дажли йўқ эди. Синглисининг турмушга чиқишини Даشتни Қипчоқ билан боғлашга ҳеч бир асос йўқ.

Ўзбеклар ютидан хомуш қайтар экан, Ҳусайн Мирзо фақат Аллоҳ таолога ва ўзига ишонишга имон келтирди. Бу ёруғ оламда ўзингники қолиб, етти ёт бегонадан мадад ва кўмак истаб бориш оқибатлари хўрлик ҳиссиётидан бўлак чақалик фойда бермаскан. Ўзингники эса, кўкрагингдан итарса, ёвдан-да ошириб қақшатса, қуёш нурлари чақнаб, ҳудудини дафъатан чўлғаб олиши қийин бўлган мулкига сифдирмаса, кимга бош уриш, қаердан кўмаг-у нажот

ахтариш лозим бўлади? «Худо ва ёлғиз ўзинг», дерди унга ички туйгулар. Ақл-фаросатни ишлатиш, атрофига содик ва кучли сипоҳни тўплаш керак, вассалом... Даشتி Қипчоқ Ҳусайн Мирзонинг кўзини очган, қаерларда хатога йўл қўйди, нега черигида парокандаликлар бўлди, бу ҳақда йўл-йўлакай кўп бош қотирди.

\* \* \*

Даشتи Қипчоқдан ҳарбий кўмак ололмаган Ҳусайн Мирзо, ёнидаги оз сонли йигитлари билан Хоразмга йўл олган эди. Вилоятни Нур Саъид идора қилас, ўзини Абу Саъид Мирзога садоқатли қилиб кўрсатса-да, кўнглиниң тубида мустақиллик андишаси бир ўчиб, бир ёниб туради. Ҳусайн Мирзо воҳадан чиқариб юборилгач, унинг қайтиб келишини, ақалли, хаёлига ҳам келтирмаган эди. 1467 йилда ўзбеклар ютидан бемурод ёнган Ҳусайн Мирзо бирйўла дуч келган манзилдан талонни бошлади. Қалъага етгунига қадар оз сонли, аммо уюшқоқ, урушқоқ сипоҳийларга кўндаланг бўладиган куч чиқмади. Керагидан ортиқ мол-ҳол тўпланди, қозиқларда боғланиб турган бедовлар ихтиёрига ўтди, хайриҳоҳлар ортди. Нур Саъидга Ҳусайн Мирzonинг кейинги ҳужуми қимматга тушди. Абу Саъид Ҳиротга чақириб олиб, мол-у мулкидан, обрўсидан мосуво қилди, минишга оти ҳам қолмади. Ялиниб, шеър ёзди, Абу Саъиддан от сўради. Лекин охирида жонини ҳам берди. Ҳусайн Мирzonинг Ҳиротга солаётган дағдағаси ортгани сари, Абу Саъиднинг Нур Саъидга алами ва қаҳри ошиб борди.

Хоразмда мустаҳкамланган Ҳусайн Мирзо Хурсонга, Ҳиротга кириб кела бошлади. Абу Саъиднинг Мовароуннаҳрга, Муҳаммад Жўкий исёнини бостиришга кетган вақтида ўз кучини синаб кўргани тажриба бўлган эди. Энди эса, сипоҳлари сони ортган, куз давомида Ҳирот унинг ҳужумини кутиб яшашига тўғри келганди. Шу орада Абу Саъиднинг гарбий Эронни бўйсундириш учун отланиши ва амир Ҳасанбек томонидан оғир табиий ва иқтисодий шароитда исканжага туширилиб, ҳалок этилиши қўл келган эди. Абу Саъид Мирzonинг аҳволи танг бўлиб қолганди. Мовароуннаҳрдан ўғли Султон Аҳмад эллик минг кўшин билан ёрдамга ошиққанди. Самарқанд кўшини Мурғобга етганда, чопарлар Абу Саъид Мирzonинг ўлдирилгани хабарини етказди. Ҳиротга яқинлашиб, воқеаларнинг ривожини кузатиб келаётган Ҳусайн Мирзо, иложи борича, бу хабарнинг Абу Саъид ўғилларига тезроқ этишига саъй кўрсатганди. Муаррих Хондамир шу воқеалар талқинида дейдики, Султон Аҳмад Андхойга етиб келганида, Озарбайжондан зўрға қочиб қутулиб, қолган чериги билан шу ерга етган укаси Султон Маҳмуд билан учрашади. Султон Маҳмуд Ҳиротда, отаси ўрнини эгаллашга уриниб кўрган ва у ҳеч натижага бермаганди.

1469 йилнинг 10 март куни Ҳиротда, жомеъ масжидида Абу Саъид Мирзонинг ўлими хабари маълум қилинди. Бу ҳижрий ҳисобда 873 йилнинг 25 шаъбонига тўғри келади. Орадан ҳафта ўтиб, пайшанба куни, 16 марта (2 рамазон – муал.) Султон Маҳмуд Ҳиротга қадам қўйган ва эртасига, жума хутбасида унинг ва акаси Султон Аҳмаднинг исмлари қайд этилганди. Бу жумадан келар жумагача кечган бир ҳафталик мuddат Абу Саъид Мирзо ўғилларининг Ҳиротдан сиқиб чиқарилишига сабаб бўлади. Ихтиёриддин қалъасида шаҳзодаларга қарши кўтарилган исён таҳт ва тож соҳибини узил-кесил аниқлашда муҳим восита бўлди. 1469 йилнинг 24 март куни, жума хутбасига Ҳусайн Бойқаро Мирзо исми шарифи қўшиб ўқилди.

Бу шундай бўлган эди. 18 марта куни Ихтиёриддин қалъасининг Султон Маҳмудга бўйсунмаслиги ошкора тус олгач, шаҳарнинг маҳалла-гузаридан ҳам одамлар тўда-тўда бўлиб, дарвозалардан ташқари чиқиб кета бошлади. Шу куни пешиндан кейин Султон Маҳмуд Ҳиротда қолиш ҳожатсиз эканини англаб, Мовароуннаҳрга йўл солди. Айтилганидек, акаси билан шу ерда топишиди. Ака-укалар бамаслаҳат Ҳирот таъмасидан воз кечиб, Самарқандга қайтадиган бўлди.

Ҳиротнинг гапга етарманлари шаҳарга яқин, Бовлигоҳ тоги этагида қўш ташлаб турган Ҳусайн Мирзога амир Султон ва уч-тўрт умарони юбориб, келишга даъват қилдилар. Шундан сўнг Ҳусайн Мирзо Ҳиротга тулаш Тахти Ҳожибекка келиб тушди. Султон Маҳмуднинг қолган-қутган сипоҳийлари амир Валибек томонидан тум-тарақай қилинган, Андҳойга қадар саноқди аскари қолган эди. Амир Валибек 23 марта куни таҳт даъвогарини улоқтириб ташлаб, Ҳусайн Мирзо олдига қайтган эди. Эртасига эса, жума намозида янги подшоҳ номи тан олинди.

Жума намозидан кейин акобир-у ашрофлар, амирлар, қариндош-уруғлар Боги Зогонга қадар карнай-сурнай, танбур, най, фижжак, доира садолари остида ўйин-кулги қилиб, Ҳусайн Мирзо бошидан сочқилар сочиб, подшоҳни таҳтга ўтқизиб, хуш-у хушбахтиларда тож кийиш маросимига тўпланишиди. Ҳусайн Мирзонинг давлати Балх вилояти ва Бадахшон чегараларидан то Мозандарон вилоятининг охиригача унинг таҳти фармонида қарор топди. Қутлов учун Озарбайжон ва Ироқ мулкларидан таниқли пешволар узлуксиз келиб, яхши муносабатларни изҳор қилишарди. Кўп ўтмай, Мовароуннаҳр тарафдан амир Сайид Мурод ва Хуросоннинг обрўли кишилари муборакбодга ва хизматга етиб келишиди. Уларга масъул лавозимлар берилиди. Амир Сайид вазирлик даражасига ноил бўлди, амир Низомиддин Абдуллоҳ Ферузшоҳий мартабаси юксалтирилди.

Тез орада ҳар тарафга тарқаб кетган таниш-билишлар, дўстлар, узанги йўлдошлар, биргаликда жангларда қатнашган, қозоқдикда бир майизни қирқ бўлиб еган ақраболар хушхабарни эшишиб, Ҳи-

ротга етиб келишга шошилишди. Ироқ томондан Хожа Қутбиддин Товус Симноний, Қутбиддин ал-Хавофий, Хожа Сайфиддин Музрафар Шабонқоралар Ҳусайн Бойқарога садоқат билдириб, тиз чўкиб, олқишлидилар. Хожа Қутбиддин Товус Симноний вазири аъзамлика, Хожа Сайфиддин вазирликка тайин бўлдилар.

Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг Хурросон таҳтига чиқиши хушхабари Самарқандга ҳам етказилган, Самарқанд ҳокими бўлиб турган Аҳмад Ҳожибекка Алишер ибн Фиёсiddин ибн Садриддинни тезлиқда Ҳиротга жўнатиш тайин қилинади. Аҳмад Ҳожибек, айни пайтда, шоир киши ҳам эди, Вафоий тахаллуси билан шеърлар ёзарди. Абу Саъид Мирзо тўрт йил бурун Алишер ибн Фиёсiddинни Самарқандга кетишида кўз-кулоқ бўлиб туришни, аниқроқ айтганда, назоратга олишни шу Аҳмад Ҳожибекка ишонган эди. Бу йилларда Алишер шеъриятда танилиб, Навоий тахаллуси билан ном қозонган чоғлар эди. Аҳмад Ҳожибекнинг унга, гарчи назорати остида бўлса ҳам, ихлоси жуда катта эди. Аҳмад Ҳожибекдан бошқа ҳоким бўлса эди, Самарқанд билан Ҳирот ўртасига яна совуқчилик тушганида, яъни Абу Саъид Мирзо ҳалокатидан кейин унинг ўғли Султон Маҳмуд Ҳиротдан чиқарилиб, таҳт меросхўрлигидан маҳрум этилган қалтис шароитда, қўлларида бўлган Алишер Навоийни Ҳиротга жўнатормиди? Аҳмад Ҳожибекка бу таклиф етиб келганида у Султон Аҳмад билан эллик минг кишилик қўшин бошқарувида эди. Қўшин Мурғобга етганида Абу Саъид Мирзонинг ҳалокати хабари етиб келган эди. Ҳусайн Мирзо ҳам ўз тарафидан бу нохуш даракни Аҳмад Ҳожибекка йўллаб, айни вақтда, болалик дўсти, қадрдони Алишер Навоийни Ҳиротга қайтаришни сўраган эди. Аҳмад Ҳожибек Самарқандга одамларни юбориб, Алишернинг Ҳиротга кетишига рухсат берган ва бундан Султон Аҳмад хабар топмаслиги чорасини кўрган эди. Алишер Навоий Аҳмад Ҳожибек одамлари хушхабарни айтгач, бирор дақиқани ҳам зое қилмай, Ҳирот сари елдек учган эди. Аҳмад Ҳожибекнинг Ҳусайн Мирзо билан болаликдан оралари қалин, у ишончни оқдаган эди. Борди-ю, Султон Аҳмад ва Султон Маҳмудлар Самарқандга етиб келганларида Алишер Навоийни қайтариш имконияти йўқча чиқармиди? Чунки Темурийзодалар қатори Абу Саъид Мирзонинг фарзандлари ҳам Ҳусайн Мирзо ва Алишер Навоийнинг бирга ўстганикларини, сабоқдош бўлганликларини яхши билишарди.

Алишер Навоий Ҳусайн Мирзо таҳтга чиққанининг йигирманчи куни – 14 апрелда Ҳиротга, Боғи Зоғонга кириб келди. Шоҳона абришим либосдаги дўсти билан қучоқ очиб кўришди. Бир-бирини узоқ бағирларига босиб, меҳрлари товланиб, кўзларига ёш одилар. Ҳар иккаласида ҳам бу севинч ёшлари эди. Улар таҳтгоҳда узоқ суҳбат қурдилар. Ўн беш йилдан ошиқ дийдор кўришмаган дўстлар энди улғайишган, жиддийлашган, бири подшоҳ, бири шоир даражасига

күтарилган эди. Ҳусайн Мирзо ўттизда, Алишер Навоий эса, йигирма саккиз ёшда эди. Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамон ўн бир ёшга кирган бўлса, Алишер Навоий уйланмаган эди. Отаси Фиёсиддин ибн Садриддиннинг ўғли Алишерга қолган мол-ҳоли Абу Саъид Мирзо томонидан девоний қилдирилган, шу боисдан, оила моддий тангликда яшаб келарди. Алишер Навоий Машҳад ва Самарқандда таҳсил ва бадарга йилларида кўп азиятлар чеккан, бир чақасиз қолган пайтлари бўлган эди.

Девон вузароти эгалик бўлган, Ҳусайн Мирзо дўсти учун муҳрдорлик вазифасини мўлжаллаб қўйган эди. Алишер 14 апрелда, илк учрашув айёмида йўлда ёзib келгани, Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқиши, тож кийишини шарафловчи «Ҳилолия» қасидасини ҳозир бўлган аркони давлат ҳузурида ўқиб, олқишиларга сазовор бўлган эди. Қасидада рамзий талқинда шоҳлик пойи қадами улуғланган эди. Шоир бунда, Ҳиротнинг мұяссар бўлганлигини илоҳий неъмат сифатида мақсади учун фоя қилиб олганди.

Феруза Бегим бу пайтда ҳаёт, якка-ю ёлғиз ўғлининг подшоҳлик маснадига чиқиши онанинг энг баҳтли, баҳтиёр дамлари бўлган эди. Абу Саъид Мирзонинг зуғумлари унинг ёдидан кўтарилган эмасди. Ўзини Самарқандда, хотини Бека Султонни Ихтиёридин қалъасида ҳибса сақлаган Абу Саъиддан ҳар нарсани кутса бўларди. Жаҳоншоҳ ва амир Ҳасанбек туркманлар орасидан Ҳирот тахтига йўл топиш учун ўғли, кўзининг оқ-у қораси Ҳусайн Мирзо ўн беш йил курашди. Сарсон-саргардонлик, дарбадарлик, қозоқлик, очлик, сувсизлик... Эҳ-ҳе, фарзанди аржуманди бошдан кечирган қаттиқчиликларнинг адогига етиб бўлармиди? Шукронаки, Тангри таоло йўлини равон қилди, ўнглади, Хурсон, бобокалонларидан қолган мулк унинг меросий қадамжоси, илоҳий иноят тақозоси ўлароқ, насиб қилиб турибди. Феруза Бегим яхши кунларга етганида, кечган озурда ҳаётини эслашдан толиқмасди.

Ҳусайн Мирzonинг опаси Оғо Бегимнинг бу даврдаги ҳаёти тўғрисида манбаларда гап йўқ. Бироқ синглиси Бадика Бегим ва оиласи бобида тўхталиш имкондан. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда, «Мирзо Султон Ҳусайннинг жияни, Мирзо Кичик деб машҳур бўлган шаҳзода Мирзо Муҳаммад Султон ўз онаси ҳамда отаси Мирзо Султон Аҳмад ибн Мирзо Сайди Аҳмад ибн Мирзо Мироншоҳ ибн Султон Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон билан биргалиқда Арроннинг Қорабогидан саломат чиқиб, Ҳиротга етиб келдилар. Мирзо Султон Ҳусайн ҳаммаларига риоят-у иноятлар буюриб, дилжўйлик ва меҳрибонлик кўрсатди. Мирзо Кичикка хайл-у сипоҳ, саропарда-ю боргоҳ ва умаро-ю вузаро тайин қилди, соябон-у байроқ, тиклаб, түғ-у ноғорахона жаҳонгага зилзила солди, муҳим ишлар

ихтиёрини унинг уҳдаси кафтига тутқазди ва мулк-у мол ишларида унинг раъйига тўла йўл берди», деб ёзади.

Абдураззоқ Самарқандий бу иқтибосимизда «Умаршайх»ни «Мироншоҳ»га алмаштириб ёзган. Бу хусусда олдинда гапирилди. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»си олдин ёзилганлиги, воқеликни нисбатан йилларнинг яқин масофасида баён этганлиги учун, авлод асосчиси сифатида Умаршайх Мирзони қайд этиш жоиздир. Жияни кичик Мирзога катта рағбат кўрсатилган. Куёв Аҳмад Мирзо ҳам девон ишларига жалб этилган эди.

Дўст-у ёронларнинг, хеш-у ақраболарнинг келиши, сарой хизматига кириши билан бир вақтда, ёғийлардан ҳушёр бўлиш унутилмаган. Буни Абу Саъид Мирзонинг укаси Манучеҳр Мирзо билан боғлиқ воқеа эсга туширади. Манучеҳр Мирзо Озарбайжон юришида иштирок қилиб, бир амаллаб Сорий ва Рустамдор мавзеларига келиб, бу жойларда ўзини ўнглаган, ҳокимият даъвосини қила бошлаган эди. Ҳусайн Мирзо тахтда муқим бўлгач, Астрободга шайх Зоҳид Торамийни ҳоким қилиб жўнатган эди. Шайх Зоҳид бу вилоятга етиб, Манучеҳр Мирzonинг устига бостириб бориб, ийӯқлиқ оламига равона қиласди. Китобхон ёдида бўлса керак, Манучеҳр Мирзо Балҳда қўлга туширилиб, Абулқосим Бобур Мирзо амри билан Самарқандга, Абу Саъид Мирзо ҳузурига бандга солиб юборилган эди. Орадан кечган йилларда у акаси ёнида, Ҳиротда бўлган ва Озарбайжон юришида қатнашиб, охирги кунларини, айтилганидек, фожей якунлаган.

Сиёсатга аралашилдими, унинг ҳўл-у қуруқни бирдек ямловчи, дўлига тортувчи гирдобидан қутулиш қийин бўлади. Манучеҳр Мирзо сингари азим сулоланинг неча ўнлаб тахт кўпкарисининг ўртасига яқинлаша олмай, четгирилик қилиб кун кўрганлари айтарли бир муддаога етиб-етмай, Бойқаро Мирзо мисоли ўлдирилиб юборилган. Манучеҳр Мирзо Темурийлар силсиласининг шу тоифа вакиллари сирасига кирап эди.

\* \* \*

Ҳиротда баҳор осуда кечди. Ҳижрий саккиз юз етмиш тўртинчи (1469) йилнинг саратони бошлари нафакат ҳавода жазирама, балки қундалик ҳаётда ҳам оташ пайдо қилди. Ҳусайн Мирzonинг ҳокимиятга келиши марҳум подшоҳ хизматида бўлган амирлар, бойу боёнлар, айниқса, асли Мовароуннаҳр маъволаридан бўлган беклар, аъёнларнинг маломатдан қочиб, парокандаликка тушиши, аста-секин норозиликларга сабаб бўлиб, гап-сўзлар, миш-мишлар оёқлаб қолган эди. Йигирма иккинчи июнь – Қурбон байрами куни эди. Шаҳар четидаги жомеъ масжидида одам тирбанд, ҳовли саҳнлари ҳам ийд намозини адо этувчилар билан тўлганди. Минбарга воиз Сайийд Али тавозеъ билан кўтарилди. Ҳамманинг нигоҳи

унда, давлат миқёсида ва динда бўлган янгиликлар намозхонларни қизиқтириши табиий эди. Олд қаторда ўтирган сўфийлар, муллалар, эшонлар Сайид Алиниг талмовсираб турганидан норози бўлиб, бошламайсанми, дегандек имо қилдилар. Воиз, ниҳоят, ўзини тутиб олиб, муқаддас дин ва унинг равнақи ҳақида гап бошлади. Диндаги ихтилофлар ва ечимлар ҳақида мулоҳаза қилиб, ўн икки имом таърифига киришди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассаллам тўғрисида бирон оғиз калима айтилмади. Одамлар бир зум иккиласиб қолдилар. Бу нима, шиййлик тарғиботими? Ёнма-ён ўтирганлар бир-биридан шивирлаб сўрашга киришдилар. Воиз гапида давом этарди. Ваъзининг охирида янги подшоҳнинг шиййликда барқарор эканлигини очик-равон қилиб айтди. Йигилганлар ўрнидан туриб кетди, кимларdir олдинга ўтишга, Сайид Алини тутишга ҳаракат қила бошлади. Сайид Алини минбар ёнидаги эшикдан муҳофазага олиб, чиқарib кетишди. Оломон гувиллади, шиййликка зид гаплар, ҳайқириқлар кучайди, жанжал авжига чиқди. Сайид Али воиз Кўҳистоннинг Қоин деган еридан эди. Уни бир неча рофизийлар Ҳусайн Мирзонинг суннийликни эмас, шиййлик мазҳабини қўллашига ишонтирган, шу боисдан, хутба намозларига энди бемалол ўн икки имом номини қўшиб ўқиши вожиб, деб қулогига қуйган эдилар.

Муҳаммад пайғамбар суннатларига қадим замонлардан амал қилиш Хурросонда, Мовароуннаҳрда қаттиқ ўрнашган эди. Ироқда вужудга келган суннийлик мазҳаби халқчил ва бағрикенглик хусусиятига эга, бошқа оқимларга, динларга муроса муносабатида бўлиб келарди. Муҳаммад (с.а.в.)дан кейинги уч халифани тан олмайдиган шийийликнинг чекловчи жиҳатлари бўлиб, фатволар қабулида, барibir, ҳанафийликка суянар эди. Ҳиротда суннийлик тўққизинчи асрга келиб, айниқса, кенг тарқалган ва мустаҳкам эътиқод заминига эга бўлганди. Темурийларнинг Хурросон, Форс ва Ироқда ўрнашуви ва ҳокимият тепасида бўлиши суннийлик устуворлигига йўл очган эди. Ҳиротда, Ҳусайн Мирзо тахтга чиққанидан икки ярим ой ўтиб, шийийлик тарғиботи очик-ошкор тус олади. Шаҳарда, бунгача шийийлик ёки суннийлик айирмаси бўлмаган. Шийий мазҳабли диндор ўз эътиқодига содик бўлган, тоат-ибодатини хуфия адo қилган ёхуд шийийга манъ қилювчи тўсиқлар бўлгани маълум эмас. Нега энди келиб-келиб, Ҳусайн Мирзо салтанат тутганидан икки ойдан зиёд вақт ўтиб, шийийлик тарғиботи, хутбада ўн икки имом исмини қўшиб ўқиши ва подшоҳнинг ўзи ҳам шийийликка мансуб, деган фикрлар унинг ҳақида айтилган, нега? Савол шундай қўйилмаган. Аслида қўйиш керак эди. Фикри ожизимга қараганда, Ҳусайн Бойқаро тож-у тахт тала-бида юрган йилларида, тахминан, 1455 йилдан то Боги Зоғонда ўрнашгунига қадар, тоат-ибодатга имконият тополмаган. Унинг шу лоқайдлиги, суннат ракаатларини эмас, фарз қисмини бажариши

ҳам, шийй сафдошларида шубҳа түгдирган, рофизий мазҳабли, деган хулоса чиқаришларига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Подшоҳ исми шарифи восита қилинган шиййлик фавгоси саройга ҳам етиб, Алишер Навоий ва амирлар қаттиқ безовталанди. Ҳусайн Бойқарога юзма-юз бўлишиб, воқеанинг ўта жиддийлигини арз қилдилар. Бу мубоҳасанинг ечимини замонанинг Мавлавийси Абдураҳмон Жомийдан сўрашга қарор қилинди. Ҳусайн Мирзо, «рофизий мазҳабида эмасман», демаганидек, уни рад этувчи, ўзини муҳофаза қилувчи далилни ҳам тилга олмади. Муаммога Алишер Навоийнинг аралашуви, Абдураҳмон Жомийдек покдомон алломанинг муносабат билдириши аркони давлат қаторида, мусулмон раиятнинг ҳам асабини таранг тортган, тасаввур қилиб бўлмас воқеалар юз беришига ҳеч ким кафолат бера олмайдиган даражага келиб қолганди. Муаррих, «у жаноб (Абдураҳмон Жомий – муал.) қадимий қоида ва салафлар тутган йўлга мухолиф иш тутишдан манъ этди. Мирзо Султон Ҳусайн хутбани ўзгартиришга жидд-у жаҳд кўрсатаётган у жамоага қаҳр қилди ва хутбани одатдаги дастур бўйича тайин этди», дейди.

Масжид минбарига виқор билан кўтарилган Сайийд Али энди навбатдаги тарғибот ваъзини бошлишга киришаётган ҳам эдики, уни минбардан судраб тушдилар. Бу воқеа зулҳижжа ойида (12 июнь – 10 июль 1469) содир бўлди. Подшоҳ фармонига кўра, танга пуллар зарб этилганда, босиладиган сикка – тамфа ёзувини «бехбуд» деб ўзгартирилди. Шу тариқа мазҳаб амалиёти қадимий ўзанига тушди, пул зарб қилина бошланди, раиятнинг эътиқодига қилинган тажовуз юлдуз кўрмасдан сўнди. Мамлакат ичида мудраб ёки могорлаб ётган тоифалар бўлади. Улар тарихнинг муҳим бурилиш жойларида, чорраҳаларида ҳаракатлар сустлашганда бош кўтарадилар, давр келди, деган ўйда, азалий ҳунарларини ишга солишга уринадилар. Гоҳида бунга муваффақ ҳам бўладилар. Кўпинча эса, рад этиладилар. Кимнинг ҳақлигини замонанинг ўзи белгилайди. Чунки замондошлар хотира билан яшайдилар, урфларга, удумларга, қонга сингиган қадриятларга амал қилиб, турмуш кечирадилар. Қадриятлар эса, озчилик томонидан эмас, кўпчилик баҳамжиҳатлигида асрлар оша сайқал топади, миллий тус олади.

\* \* \*

Ҳусайн Мирзо эътиқодда шоҳона синовдан мардона ўта олган эди. Ҳокимиятининг уч ойи, барибир, осойишта кечмади. Тахтнинг талабгорлиги бошқа экан-у, салтанатни бошқариш, раиятни идора қилиш бошқа экан. Шиййлик, умуман, дин-у диёнатга заррача бепарволик қилиб, яхшигини қоқилди. Ёнида дўсти Алишер бўлмаганида, ким билади, тортишув нима билан тугарди? Давлат ишида катта ёки кичик муаммо бўлмас экан. Подшоҳ бўлиб унутилмас сабоқ олди.

Феруза Бегим ўғли тахтга миниб, қаддини қўтариб олган эса-да, ўқтин-ўқтин юраги безовта қилар, баъзида боши айланиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қоларди. Бони Зоғоннинг шарқий қутбида бўлган Давлатхона гузари ҳали ҳамон ўша, бундан неча йиллар муқаддам Мансур Мирзо солдирган одатдаги уйлар даражасида қолиб келаётган, баланд бўлмаган, пастак кулбалар қуршовида билинмай турарди. Ҳусайн Мирзо қозоқликларда юриб, Ҳиротга оёқ босолмади, улфайиб, ота хонадонига бир чангол лой қўя олмади. Онанинг булар ҳақида ўйлаганида, томогига бир нарса тиқилгандай бўлиб, хўрси-ниш қилади, рўмолининг учи билан кўз ёшини артади. Ҳовлисига қараб, кўзларига ишонгиси келмайди, мол-ҳоли, ашёлари энди мукаммал, егани олдида, емагани ортида. Тўрт-беш ой бурунлар кўни-қўшнилар онда-сонда демаса, бу ҳовлига кириб-чиқмасдилар. Энди эса ҳамсояларнинг хотин-халажлари кунда шунда. Кечак ҳам уйи ва унинг теварак-атрофи гавжум бўлди. Подшоҳ ўғли Бони Зоғондан отланиб келган, ёнида бир талай ҳамроҳлари, қўрчилар-у қуролбардорлари дегандай, одам кўп эди.

Она тўшакда эди. Ўғлини кўриб, кўзларида ёш йилтиради. Ҳусайн Мирзо чўккалаб Феруза Бегим ёнига келди-да, оҳиста елка-сидан суюб турғизди-да, қучоқлади, юз-кўзларидан ўпди. Онанинг ҳоли йўқ, ўғлининг кўксига бошини қўйиб, «Мирзажоним, Мирзажоним», дер эди. Ҳусайн Мирзо шу кун пешиндан то асрографа онаси ёнида бўлди, кўнгилни қўтаргувчи гаплар айтди. Табибдан дам-бадам аҳволни сўраб турди. Безовта дилида губор сояси улфайиб, Бони Зоғонга қайтди.

Муҳаррам ойида қуёш ҳарорати баланд келди. Қушлар дов-да-рахтларга қўнганича ҳурпайиб олар, ушоқ моллар соя-салқинда фуж бўлиб ётишарди. Ҳосил йифилиб, хирмон совурадиган пайтлар эмасми, дехқон кундузни қўйиб, ойнинг ёруғида, тонг саҳарда со-мон янчар, галвир эларди. Муҳаррамнинг тўртинчи куни тонг энди ёриша бошлаганда Феруза Бегимнинг жони узилди. Бу милодий ҳисобда 1469 йилнинг 14 июли кунига тўғри келади. Феруза Бегим 66 ёшга етганида омонатини топширди. Муаррих она ўлимидан Ҳусайн Мирзонинг қаттиқ қайфуга тушганини шундай ифодалайди:

«Волидасидан айрилиқ Мирзо Султон Ҳусайнни бағоят қайфуга солди, чунончи, у салтанат ишларини илтифот назаридан четда қолдирди, бир неча кун эртадан-кечгача бутун ҳашамати билан аза тутди, таъзия шарт-шароитларидан бирор сўзни ҳам эътиборсиз қолдирмади. Хиёбон қўчасида хобгоҳ – мақбара тайин қилди ва жасад олий бунёд гумбаз ичига қўйилди».

Тарихнависнинг ишоратидан, яъни «у гумбаз қурилиб битишига Аллоҳ мувваффақ этсин», деган сўзларидан, мақбара устида гумбаз барпо этиш мўлжалланган ва бошлаб юборилган-у, «Матла» ёзиг

туталланган 1470 йилда қурилиш ниҳоясига етмаган. Кейинчалик мақбара чўзилиброқ бўлса-да, битказилади. Бу чўзилишнинг сабаби Ёдгор Мирзонинг Ҳиротни эгаллаб олиш хуружи билан боғлиқ эди.

Таъзия удуми бўйича, еттинчи куни элга ош тарқатилди. Маросим вақтида маволийлар олдин-кетин ош тортилиши масаласида баҳс қилишиб, охири низога қадар бориб етдилар. Муаррихнинг, «олдин-кетин ош тортилиши», деган жумласини таҳдил қилиш осон эмас. Афтидан, «еттидан» олдин, «учлик» ҳам ош тортиш билан ниҳояланган. Шу боисдан, олдин ош берилдими, кейингисида бу лозим эмас, деган маъно ифода этилган, баҳсга ва низога сабаб бўлган бўлиши, эҳтимолдан холи эмас. Бу ўша вақтдагина эмас, ҳозир, XXI аср бошларида ҳам пайти билан, мунозараларга мавзу бўлиб келади. Муаррих бу борада, «еттинчи куни аза оши тарқатилаётган вақтда маволийлар (дўстлар, эгалар – муал.) орасида олдин-кетин ош тортилиши масаласида катта низо кўтарилиди ва жуда кўпга чўзилди. Бу сўз бир неча бор олий мажлисга етишса ҳам, тинчимади, бирор натижага келинмади. Муҳаррамнинг йигирма учинчисида (2 август 1469) садрликка муносиб жаноб, мавлоно Қутбиддин ал-Хавофийни банд қилиб, кўп заҳмат етказдилар ва бир юз эллик минг кепакий динор ундиридилар. Сафар ойининг ўнинчисида (19 август 1469) Мирзо Султон Ҳусайн унга яна илтифот буюриб, садрлик мансабини иноят этди», деб ёзади.

Ҳирот шаҳрининг садри Қутбиддин ал-Хавофий аза ошлари исрофгарчилигига қарши бўлган ва ҳар маъракада бирин-кетин ош тортишни очик-ойдин мақбул топмаган. Бу саъии учун катта жарима тўлашига ҳам тўғри келган. Ҳусайн Мирзо девондаги казо-казолар ҳам ҳал этолмаган, бир қарорга келолмаган низода, барибир, садр Қутбиддин ал-Хавофийнинг ҳақлигини эътироф этишга ўзида куч топа олган ва уни ўз мартабасига – садрликка қайтариб қўйган. Бу Ҳусайн Мирzonинг айтганим-айтган қабилида эмас, шариат ҳукмларига ҳушёр ва ақлона ёндошувидан, баҳс-у мунозараларга, фикрларнинг ҳар хиллигига бағрикенглик кўрсата олиш фазилатидан дарак берар эди.

\* \* \*

Ёдгор Мирзо ўн саккизга кираётган, Ҳусайн Мирзога амакизода эди. У, муҳтарам ўқувчига яхши таниш Султон Муҳаммад Мирzonинг ўғли эди. Султон Муҳаммад эса, Бойсунтур Мирzonинг иккинчи ўғли бўларди. Бобоси Шоҳруҳ Мирзо унга Эроннинг Султония, Қазвин, Рай ва Кум вилоятларини бирлашган мулк қилиб, тасарруфига топширган эди. Шоҳруҳ Мирzonинг кексайиб қолганлиги, қарилик хасталиклари сабаб, Султон Муҳаммад бу вилоятлар билан қаноатланмай, Исфаҳонни босиб олади, Шерозга ҳамла қиласди. Исёнкор

набирани тинчлантириш учун қўшин тортган Шоҳруҳ Мирзо ҳарбий сафарда ҳаёт билан видолашади. Ёдгор Мирзо ана шу саркаш, давлат илтизомини писанд қилмас шаҳзоданинг зурриёди эди.

Султон Муҳаммад Ҳирот учун 1451 йилда бўлган жангда мағлубиятга учрайди ва укаси Абулқосим Бобур томонидан қатл этилади. Она қорнида қолган ўғли туғилади ва унга Ёдгор Муҳаммад исми берилади.

Жаҳоншоҳ туркман Ҳиротга босиб келиб, Абу Саъид Мирзонинг қаршилигига дуч келиб, сулҳ билан Озарбайжонга қайтаётганида, ёш Ёдгор Муҳаммад Мирзони ўзи билан бирга олиб кетган эди. Ёдгор Мирзони у давлати келажаги учун фойдадан холи бўлмаган Темурийзода деб қарап, ҳокимияти учун имконият ҳисоблаб, ҳузурида сақдарди. Жаҳоншоҳ туркман ўз амакиси амир Ҳасанбек томонидан ўлимга маҳкум этилгандан сўнг Ёдгор Мирзо амир Ҳасанбек қарамоғига ўтди. Амир Ҳасанбек ҳам Ҳурросон умидида шаҳзодани восита қилиш фикрида эди. Абу Саъид Мирзо Озарбайжонга қўшин тортиб, дастлабки пайтлар дами баланд бўлганда, амир Ҳасанбек унга, «мулкнинг вориси Ёдгор Муҳаммаддир, мен уни деб шамшир кўтарганман», дея номалар юборган эди.

Амир Ҳасанбек, Ҳурросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдори Абу Саъид Мирзони қўлга тушириб, уни ўлимга йўллар экан, қотилликни Ёдгор Мирзо қўли билан амалга оширган эди. Расмий равища, Абу Саъид Мирзодан Гавҳаршод Бегим қатли учун қасд, ўчни Ёдгор Мирзо олган саналса-да, ҳукмнинг мустажоб бўлиши амир Ҳасанбек туркман иродати натижаси эди. Абу Саъид Мирзо қатл этилгандан кейин унинг пажмурда бўлган чериги қолган-қутгани жамланиб, қуроллантирилиб, амир Ҳасанбек томонидан Ҳиротни забт этишга Ёдгор Мирзо раҳнамолигига топширилган эди. Ёдгор Мирзо бошлаб келаётган черик дидни олмаган, ҳали жанговар ҳолатини тиклаб улгурмаган эди. Шу сабабли, мадорсиз чеरик Бистом ҳудудига етганида, Ҳиротни Ҳусайн Мирзо эгаллагани хабари эшитилади ва Ёдгор Мирзо етарли қуввати ва қурол-аслаҳаси бўлмаганлигидан, жиловни Мозандарон томонга буришга эҳтиёж сезади. Астробод мулкида шайх Зоҳид Торамий ҳоким бўлиб, Ёдгор Мирзога қарши кучларини оддга чиқаролмай, Ҳиротга, Ҳусайн Мирзо ёнига қочиб қолди. Астрободни эгаллаган Ёдгор Мирзо ўзидан норози кайфиятда бўлган амирларини жазолай бошлади, гаплари тўғри келмаган амир Абулҳасан Тархон, Пир Усмон ва Фазлуллоҳ Пирзодларни ўлимга ҳукм қилди.

Астрободнинг қўлдан чиқарилиши Ҳусайн Мирзога оғир ботди. У ўзининг тахт сари шонли юришида бу шаҳарни биринчи маротаба фатҳ этган, илк зафарни шу ерда қучганлиги учун ҳам, муқаддас туйғу билан уни ёқтирарди. Ёдгор Мирзо устига қўшин тортиш хаёлини чўлғаб олди. Амирлар шоша-пиша сафар тайёргарлиги, қурол-аслаҳа жамлаш учун раиятга катта солиқлар солдилар. Тарих-

навис айтганидек, тўловларни ундириш учун «бераҳм муҳассиллар» ишга киришади, «шундай мусодаралар воқеъ бўлдики, таҳрир қала-ми уни битиш рақамидан» ожиз бўлган.

Черик асбоби таҳт бўлгач, Ҳусайн Мирзо амир Валибекни амирларга бош қилиб, манғлой гуруҳи билан Мозандаронга жўнатди. Шоҳнинг ўзи ҳам отлангани учун, Ҳирот шаҳрини идора қилиб туришга куёви Аҳмадбекни қолдирди. Бу, ўша, Қорабоғдан келишган жиянининг отаси ва синглиси Бадака Бегимнинг эри эди. Ҳусайн Мирзо рабиъ ул-аввалнинг тўртинчисида (11 сентябрь 1469) йўлга чиқди, Пули Солор манзилини лашкаргоҳ қилди.

Ҳиротдан, Ҳусайн Бойқаро бошлаб келаётган сипоҳийлар Родикон яйловига етиб, қўш ташлаганда, Мозандарон тарафдан амир Шайх Зоҳид Торамий, Сеистондан амир Ҳасан Шайх Темурлар ўз лашкари билан унга қўшилди. Ҳисоб қилинганда, жамланган қўшин адади ўттиз минг суворийга етибди экан. Ёдгор Мирзонинг бундан хабари бор, жангта шайланиб, Астрободдан чиқиб, Чинорон мавзесига қараб юришда давом этди. Тез орада икки лашкар тўқнаш келди. Ёдгор Мирзо, чериги кам сонли бўлганлиги, олдда турган ҳайбатли лашкарга қарши курашмоқ учун сипоҳдарини учга бўлди – жувонфор, фул ва буронфор қисмлари гүё беҳисоб қўшиндек бирданига ҳамла қиласиган бўлди. Ёдгор Мирзо ёш бўлса ҳам, жанг ҳадисини олган эди. Биринчи зарбада Ҳирот қўшини тум-тарақай бўлиб, тариқдай сочилиб кетди. Шерюрак амир Сайд Мурод эса, уч-тўрт қиличбоз суворий орасида қолиб, ортдан санчилган тиғдан ҳалок бўлди. Ёдгор Мирzonинг кам сонли одамлари катта қўшин ичида кўринмай кетган, ким ёғий, ким ўзингники, билиб бўлмасди. Бу пайтда, Ҳусайн Мирзо қўшиннинг чап тарафида, эҳтиёт шарт ушлаб турилган сипоҳийлар билан жанг боришини кузатиб турарди. Ҳирот қўшилари ортга силжий бошлаганини кўриб, Ҳусайн Мирзо қиличини суfurди-да, баланд овозда йигитларини жангта чорлаб, кураш майдонига кириб кетди. Шоҳнинг овозини эшитган, қочишга тисарилаётганлар тўда-тўда бўлиб, ажал ширкоргоҳига от суриб кела бошладилар.

Ҳусайн Мирzonинг гоҳ у қўлида, гоҳ бу қўлида шамшир уриши зое кетмас, кимдир отдан оғиб қолар, кимдир қаттиқ жароҳат олиб, сафдан чиқарди. Ёдгор Мирзо билан жанг рабиъ ус-сонийнинг саккизинчи куни (15 октябрь 1469) Чинорон мавзесида юз берди. Астробод қўшини пайҳон қилинган ерга сочилиган дондек, кўзга кўринмай қолди, бир қисми асир тушди, кўпининг жасади қалашиб қолди. Ҳусайн Мирзо қувватли чавкар от минган шаҳзода Ёдгор Мирзо томон от сурди. Ёдгор Мирзо ҳам тўпидан ажralиб, шашт билан ўзи томон елаётган Ҳусайн Мирзога рўбарў бўлишга интилиб, жиловни силкди. Муҳораба майдонида лашкаридан унга ҳамроҳ бўлиб йигирмадан нари-бери сипоҳ қолган эди. Шоҳ ва шаҳзоданинг

тўқнашуви иккинчисининг муқаррар ҳалокати билан тугашини ка-ромат қилиш шарт эмасди. Шунинг учун шаҳзоданинг хос мулозими Қозибек дарҳол Ёдгор Мирзо жиловига ёпишди, ўжар шаҳзодага ба-ланд овозда нималардир деб, жанг майдонидан қутқазиб кетди. Шу кетишида улар иккаласи Домғон ва Симнон тарафга йўл олдилар.

Музafferият ялови ҳилпираб, Ҳусайн Мирзо мавқабида шодмон-лик қарор топди. Шу кун Астрободга амир Шайх Темур ҳоким қилиб юборилди. Қўшинга Ҳиротга қайтиш амри фармони бўлди. Кўп йўл-лар шитоб билан босиб ўтилди. Машҳаддан Ҳиротга уч кун деган-да етиб келинди. Ҳусайн Мирзо, шу тариқа, жумод ул-охир ойининг учинчисида (8 декабрь 1469) Ҳиротга, Ҳожибек мавзесига оёқ қўйди.

Сиёсатнинг шамоли фасл танламайди. Саҳрова чечак очилса, бўй анқитиб, тоғ тарафга қараб эсади. Аксинча, қояларни қор босса, со-вуқ еллар тиним билмайди. Фалаба нашидаси хаёл уммонини голиб учун тоширса, мағлубни ер билан битта қиласди. Оралиқдаги учинчи одамни эса хавотирга солади. Ёдгор Мирзо енгилиб, думини қисиб, товуқхонадан физиллаб қочаётган тулкидек узоқдаша боргани сари, ҳомийи бўлмиш амир Ҳасанбек туркманнинг пайтавасига қурт туш-ган, «қўрқсан олдин мушт кўтарар» деб эмас, «қўрқсан аввал яра-шар», деган мatalга уйғун келадиган ўйлар гирдобида қолганди. Бу пайтда, амир Ҳасанбек Озарбайжон, Ироқ ва Форс ўлкаларини ўз туғи остида бирлаштирган, катта қудратга эга ҳукмдорга айланган эди. Чинорондаги муҳораба уни оромидан айирган, Темурийзода-лардан у, мисли, кучукваччалигида талов еган кўппакдек қўрқарди. Шу андишага бориб, Ҳусайн Мирзонинг кўнглига қўл солиб кўриш истагида яқин кишиси Қози Алини элчи қилиб юборадиган бўлди. Элчига уқдирилган гап моҳиятини муаррих шундай ифода этади:

«Улуг оталаримиз ва азиз аждодимиз орасида ҳамиша дўстлик асослари-ю, муҳаббат қоидалари бузилмас ва мустаҳкам бўлиб кел-ган. Аллоҳ таолонинг инояти билан амир Жаҳоншоҳ ва унинг фар-зандлари фисқ-у фасоди дафъ қилинган вақтда, Мирзо Султон Абу Саъид ўз салафлари йўлидан тажовуз қилиб, Озарбайжонга келди. Биз ўз фарзандимизни Табриздан ташқари чиқардик ва ўз биродар-ларимиздан бирини унинг ҳузурига юбориб, қўнимиздан келганча тавозе ва ҳожатмандлигимизни изҳор этдик, аммо у инсоф мақоми-дан ташқари оёқ қўйиб, мутлақо инобатга олмади. Охири, Ҳақ таоло унга ўз қилмиши жазосини кўрсатди.

Энди, мақсад шуки, қадимий бирлик тугунлари барқарор, балки бири минг баробар бўлса, ҳар икки тарафдан дўстлар шод-у, душ-манлар хор бўлса! У даргоҳга паноҳ излаб борган қароийлик турк-манлари яхши одамлар эмас, улардан ҳар жойда турли-туман ёвуз-ликлар зоҳир бўлган, уларни бу тарафга юборсалар».

Амир Ҳасанбекнинг мулозамати сунъийлиги, айтиладиган гапининг даромад қисмида ота-боболар дўстлиги шаъма қилинишида ўзини намоён қилмаса-да, охирда, асл муддао ифода этилган, Ҳусайн Мирзони паноҳ тутиб борган туркманларни ўзига қайтариш ҳақидаги жумлаларда яққол билиниб туради. Вақтида бу сохтагарчиликлардан изборат ялтироқ сўзларга ўралган моҳиятни Ҳусайн Мирзо яхши англаган эди. Шу боисдан, амир Ҳасанбекнинг бўрттирма лутфига учмади ва паноҳ истаб келгандарни унинг қўлига топшириб қўймади, аксинча, Қози Алига эътибор кўрсатди. Амир Ҳасанбекка юборилган элчи унга мақбул келадиган сўзларни етказди.

Амир Ҳасанбекнинг дилидаги тилига чиқмаганлиги Ёдгор Мирзо теграсида бўлган воқеалар мисолида бўй қўрсатиб турарди. Енгилган шаҳзода Домғон ва Симонон томонларга қочгандан кейин Ҳуросонни истило қилиш фикридан қайтмаган, балким шу иддаони унинг онги ва суюгига сингдирган амир Ҳасанбек бўлиб, уни яна қанотлантирган, мадад қўлини чўзган эди. Амир Ҳасанбек ёрдамга амирларини, амакиваччаси Юсуфбек, биродарзодаси амир Ҳусайнбек ва амир Шоҳсувар Қораўйликнинг ўғли амир Шоҳмансурларни икки минг, бошдан-оёқ қуролланган суворийлар билан, Ёдгор Мирзога кўмакка юборди.

Бу хуружга амир Ҳасанбекнинг Кермон вилоятида ҳоким бўлиб турган ўғли Зайнабек ҳам қўшилди. Унинг мингта сипоҳи учқур отларда Кўҳистон томон тўсатдан бостириб бориб, Ҳусайн Мирзога содиқ Шайх Зоҳид Торамийни тенгсиз жангда қатла га етказди. Жанговар қўшин тинимсиз олдинга ҳаракат қилиб, Туршиз, Муҳавввалот, Хавофф ва Бохарз вилоятларида кўп харобаликлар сабабчилари бўлдилар.

Ёдгор Мирзонинг кенг кўламдаги хуружи тағин Ҳусайн Мирзонинг жангларда синалган тулпорига минишини тезлаштириди. Лашкар юзинг, кўзинг демай қирғин ва талонга авж бериб келаётган Ёдгор Мирзо сипоҳийлари қасдида рамазон ойи бошида (4 март 1470) Нишопурдан ўтиб, Сабзавор шаҳри ҳудудида қўш ташлаб турган Ёдгор Мирзо чериги томон юрди. Ёдгор Мирзо бирдан қўзғалиб, Бистом ҳудудига қайтиб кетди. Йўл-йўлакай майдада тўқнашувлар тоғ у, тоғ бу мавзеларда бўлиб турди. Сабзавор қалъасига қўйилган Қози Али эса, Ёдгор Мирзо сипоҳийлари томонидан қамалга олиниб, охирда ўлдирилди. Бунинг устига, амир Ҳасанбекнинг катта ўғли Султон Ҳалил ҳам ёрдамга ошиқиб, Сорий йўли орқали Ёдгор Мирзога кўмакка келаётгани хабари тарқалди. Энг ёмони, Ҳусайн Мирзо лашкарида хавфли бир ҳаракат қўпиди, манаман деган баҳодирлар ва амирлар, гапни бир қилиб, тўда-тўда бўлиб, Ёдгор Мирзо томонга ўтиб кета бошлади. Ёдгор Мирzonинг бели бақувват тортиб, Ҳусайн Мирзодан омад қайтадиган бўлди. Пароканда бўлган,

ишончдан чиққан лашкарининг қолганларига ҳам эътимод қолмай, Ҳусайн Мирзо Сарахс йўли билан қайтишга жазм қилди.

Омад қайтса, шоҳми у, оддий косибми, юзига қарамас экан. Ҳусайн Мирзо энди ҳокимиятта ўрнаша бошлаган пайтида, нечундир, омад ва барор ундан аразлагандай бўлди. Нечундир эмас, ўзидан ўтгани учундир, десак, тўғрироқ бўлади. Аллоҳ таоло имдодисиз, аёнки, бир тола соч бошдан тушмайди. Ҳусайн Мирзо Ёдгор Мирзо хуружлари вилоятлардан вилоятларга қуюндек етиб кела бошлага-нида, қўшин тортар экан, пойтахтдан хотири жам эди. Девондаги ишлар яхши, вазир-у вузаролардан хавотир йўқ эди. Уларга ортиқ ишониб юборилган ёхуд соҳиб девонларни танлашда адашган эканми, шоҳ сафарда эканлигida қаттиқ favfo чиқди.

Вазири аъзам Ҳожа Абдуллоҳ Ахтаб ва қўл остидагилар бир-бири билан чиқишимай қолган, бир-бирини бадном қилишга, мансаб-у марта талашишга муккасидан кетган эдилар. Ҳазинага бурун тиққан Ҳожа Кутбиддин бир эмас, уч марта уч юз минг кепакий жарима тўлайди. Бу иш бошида турган Ҳожа Абдуллоҳ тез орада Ҳожа Товус Симоний ўрнига олий девонда соҳиб ихтиёр лавозимида кўтарилади. Ҳожа Абдуллоҳ бош вазирлик лавозимини эгаллагач, Ҳожа Низомиддин билан тил бириктириб, аҳоли устига тутун пули солиғини солдилар. Подшоҳнинг сафарда эканлиги уларнинг иштаҳасини карнай қилиб юборган, билган номаъқулчиликни қилиб, раиятдан кўпроқ нарса ундиришга тазийиқни зулмга айлантириб юборган эдилар.

Элнинг арз-доди, шикоятлари ўрин тутмади, уни тинглайдиган бир кас йўқ эди. Охири, «тўла-тўла»дан жони ҳалқумига етган, солиқчилар танага қадаган пичоқ суякка киргач, ҳалқ подшоҳ саройини ўраб олиб, девонни тошбўрон қилиш даражасига келиб қолди. Фала-ғовурдан ташқари чиққан вазири аъзам Ҳожа Абдуллоҳнинг башарасига отилган гувала келиб тегиб, қон тирқираб оқа бошлади. Уни тутиб олишиб, сомон тўлдирилган қопдай судрашди. Қатл этилишдан бир нуроний чол ўргатга тушиб, жони омонда қолди.

Ёдгор Мирзога қарши лашкар тортиб, омади нигун бўлган Ҳусайн Мирзо Ҳиротда юз берган бу воқеаларни эшитиб, чора кўришга шошилди. Амир Шамсиддин Муҳаммад Бахшийни халойиқни тинчилишга зудлик билан жўнатди. Ортдан яна одамлар юбориб, Ҳожа Абдуллоҳни олиб келтирди. Ҳусайн Мирзо булар билан ҳам таскин топмади. Бу ишнинг охирига етиш ваколати дўсти ва девон муҳрдори Алишер Навоий зиммасига юкланди. Алишер Навоий Ҳиротга, раият истиқболига етишгач, шоҳ салгина тиним олгандай бўлди. Ҳусайн Мирзо муҳрдор қўлига подшоҳона фармон берган, олиқ-солиқларни оширган, зулм ўтказганлар жазога мустаҳиқ этилиши муқаррарлиги ва кафолатини тайин қилган эди.

Алишер Навоий икки-уч кун ичида раият оқсоқоллари, бева-бечоралар, муҳассиллар, муставфийлар, имомлар билан гаплашиб, вазиятни аниқлаб етди. Барча норозиликлар Хожа Абдуллоҳ ва Хожа Низомиддинларнинг мартабаларини суиистеъмол қилиб, тутун пули солигини хирож тўловидан-да ошириб олганликлари заминида ўрлаган экан. Алишер Навоий жума куни жомеъ масжиди минбарида подшоҳ ёрлигини изоҳлаб, аҳолининг ҳақди талаби қондирилиши, зулмкорлар жавоб беришини ваъда қилди. Алишер Навоий Ҳусайн Мирзо олдига қайтиб, бор ҳақиқатни далил-у исботи билан событ қилди. Қўшимча тафтишлардан кейин иккала вазир – Хожа Абдуллоҳ ва Хожа Низомиддин қилмишлари учун бошлари билан жавоб бердилар, яъни у дунёга риҳлат қилдилар. Бу воқеалардан кейин четлашиб қолган, тамкин ва олижаноб аввалги вазири аъзам Хожа Қутбиддин Товус Симоний яна мансабига қайтарилди.

Ташқи хавф бартараф этилмай қолаётган, Ёдгор Мирзо ўзини ғолиб санаб яна нималарни ўйлаётгани, бу ҳали номаълум эди. Ички хавф – вазирларнинг элни азиятга солиши эпга киритилганди. Зулҳижжа ойининг ўн биринчи (11 июнь 1470) куни Ҳусайн Мирзо мавқаби Ҳиротнинг Бори Назаргоҳига келиб қўнди.

\* \* \*

Ҳиротда тарбия топган шаҳзодалардан фарқли ўлароқ, Ҳусайн Мирзо Мовароуннаҳрга – бобокалонлари туғилиб ўсган юртга, бепоён сарҳадларни қамровчи марказлашган салтанатга асос солинган пойтахт Самарқандга талабгорлик қилмади, Абулқосим Бобур сингари қўшин тортмади. Ҳокимиятининг дастлабки пайтларида бу ҳақда ўйлашга ҳам вақт зик бўлгандир. Тахтга чиққанидан уч-тўрт ой ўтиб, Самарқанддан Султон Аҳмад Мирзо элчи юбориб, тарихнавис айтганидек, «дўстлиг-у бирлик пайғомини етказди». Аҳмад Мирзо ўзини мустақил ҳукмдор ҳисоблаб, Мовароуннаҳрни Хуросонга тобеъ бўлмаган давлат билиб, подшоҳона мувозанатда «дўстлик ва бирлик» таклиф этди. Ҳусайн Мирзо бу пайғомга муносабатини очиқ билдиримади. Билдириш фурсати ҳам эмасди, Ёдгор Мирзо хуружига қарши рабиъ ул-аввалнинг тўртинчи куни (11 сентябрь 1469) лашкар шайлаб, юришга қарор қилиб қўйганди.

Шу элчилик баробарида Хожа Носириддин Убайдуллоҳ – Ҳўжа Аҳрор ҳазратлари Ҳиротга, мавлавий Абдураҳмон Жомийга мактуб юборган эди. Икки буюк зот ўртасида ўзаро ҳурмат ва қадрдонлик ришталари боғланган, алоқалар муттасил давом этиб келарди. Ҳўжа Аҳрор ҳазратлари умрини одамларга яхшилик қилиш зийнатлари билан безагани сингари, Абдураҳмон Жомий ҳам инсоний ҳожатбарорликда барқарор фидойи эди. Ҳўжа Аҳрор ҳазратлари мактубида:

«Самарқанд амирларидан бир гуруҳи ижозатсиз бу вилоятга келдилар, уларнинг кўчи эса, Хурсонда қолган. Улар бу борада менинг бирор нарса ёзишимни сўраб, узлуксиз бу фақирни ташвишга солмоқдалар. Гарчи бу маъни урф тақозоси бўйича дуруст ҳисобланмаса ҳам – чунки улар берухсат келганларда, аммо у жамоатнинг айб-у қусурига эътибор бермасалар (Ҳусайн Мирзо – муал.) деган умиддаман», деб ёзган эди.

Воқеаларнинг ичида бўлган муаррих Абдураззоқ Самарқандий, шоҳ билан мавлавий бир-бирига яқин бўлганлигини таъкидлаб, «Мирзо Султон Ҳусайнда ул ҳазрат Жомийга нисбатан ишонч ва муҳлислик муносабатлари мавжуд бўлиб, доимо у кишининг файзли сұхбатларига ташриф буюар ва барча ишларда кўмак ва мадад тилярди. Шунинг учун Хўжа Аҳрор у кишидан жидд-у жаҳд кўрсатишини илтимос қилган эди. Мавлавий Жомий жаноблари билан Хўжа Аҳрор ораларида яхши иродат ва тўла муносабат мавжуд бўлганлиги сабабли, у жаноб ўз шариф зоти билан аъло ўрдуга отланди», дейди.

Абу Саъид Мирзонинг ҳалокатидан кейин лашкарнинг пароканда бўлганлиги, бир қисмининг асирга олиниб, амир Ҳасанбек томонидан Ёдгор Мирзо бошчилигида янги тузилма вужудга келганлиги ҳақида гапириб ўтдим. Абу Саъид Мирзо сипоҳларининг катта бир қисми Мовароуннаҳрдан бўлган. Уларнинг Озарбайжонда омон қолганларидан айримлар қўч-қаваласини ташлаб, ўз маъволари сари кетиб қолганлар. Аниқ фаразки, уларнинг хотин-халажи, бола-чақалари ҳам Хурсон мулкларида қолиб, ўртада айрилиқ вужудга келган. Бу ечими фоят қалтис масала эди. Арзгўйларнинг Хўжа Аҳрорни тинчитмай безовта қилиш сабаблари, худди шу, иккинчи мулоҳазада ойдинлашади.

Абдураҳмон Жомий мовароуннаҳрлик қадрдонининг илтимосномасини олибօқ, Боги Зогонга, Ҳусайн Мирзо ўрдусига отланди. Мавлавийни Ҳиротда каттадан-кичик яхши танирди. Жомий ҳазратлари Ҳусайн Мирзони кўриш нияти билан саройнинг боф дарвозасига етганида, мулизимлар салом беришиб, таъзим билан отларига жиловкаш бўлдилар. Мавлавий навкарбошига мақсадини айтган эди, у саройда шоҳона анжуман бўлаётганлигини, подшоҳнинг эрта-индин лашкар тортиб сафарга чиқиши кутилаётганини, амирларга зиёфат берилаётганлигини айтиб, хижолат тортди. Сабаби, номдор шоир-у алломани «бугун шоҳни кўра олмайсиз», деб қайтариш нокулай эди. Ўртага жимлик чўкиб, шу аснода мусиқа овози қулоққа чалина бошлиди. Базм-у ишрат авжга минаётган эди, чоги. Абдураҳмон Жомий отини бир чеккага боғлашгандан сўнг навкарбоши хонасига кирди-да, қофоз-у қалам сўради. Унинг нома қолдирмоқчи бўлганини англаған навкарбоши сўралган нарсаларни, қалам-у давотни муҳайё қилди. Мавлавий бир оз тараффудланиб турди-да,

нималарнидир ёза бошлади. Чорак соатми, озми ё қўпми вақт ўтиб, ташқарида турган навкарбошига хатни тутқазиб, уйга қайтишини айтди. Мавлавийни отга миндириб, иззат билан жўнатган навкарбоши қизиқсимишини босиб туролмади-да, букланган қофозни очди. Фазал битилган, Ҳусайн Мирзога ҳасби ҳолдек арз бадиият либосида тақдим этилган эди. «Матла»да бу газалнинг уч байти келтирилган:

*Ишратпарастлар базмига кирмогим учун  
зоҳидлигим монелик қилгани йўқ,  
Сабаб шулким, ўз гамимни уларнинг  
айш-у ишратидан иироқ тутарман.  
Шоҳлар атласи ўрнига алакдин палос  
ёймоқ муносиб эмас, невчин,  
Дарвешларнинг чанг босган қўйсқиси  
Тангрига яқинлик йўлини топгусидир.  
Менинг дилимда ул яхшилар шоҳигаким,  
ушбу дуодин бўлак бир ниятим йўқ,  
Бадандешлар ёвузлигидан унга  
зарар-захмат етмасин ҳеч маҳал.*

Навкарбоши биринчи байтни – матлаъни ҳижжалаб ўқиди-да, хатни Қўрчибошига етказди. Қўрчибоши пайтини топиб, Абдураҳмон Жомий фазал-мактубини Ҳусайн Мирзога бериш йўлини қиласди. Зиёфат тўрида мусиқий навога бош иргаб, хушҳол ўтирган подшоҳ мактубни берилиб ўқиди. Ол шаробдан яхшигина тотинган Ҳусайн Мирзонинг илҳоми келиб, шоирлиги тутиб кетди. Унинг назмий табы болаликдан Алишер Навоийга, дўстларига, Ҳирот фозилларига маълум эди. Муғанийлар фазалларига қуйлар басталаган, ҳофизлар базмни Мирзонинг қўшиқларидан бошларди. Сўнг Ҳофиз, Лутфий ва Алишер Навоий фазаллари қуйлангувчи эди.

Ҳусайн Мирзо кайфи ҳаволанмаган пайтда бўлса, «Жомий ҳазратларига жавоб айтишга йўл бўлсин», деган бўлармиди, билмадим, билмадим. Аммо бадиҳа тарзида жавоб фазални битказди. «Матла» муаллифи ундан ҳам уч байтни мисолга олади:

*Юзинг шуъласи ишрат базмин ёритмас экан, токи,  
Бўлмас бу анжуманни ишратпарастлар базми дебон.  
Тахт-у ҳашам, шоҳона атлас – тургани ташвиш, халос,  
Бурчак фарогати, дарвешлар чангли қўйсқуси хўбон.  
Мен Ҳусайнин янглиг пири Мугон – бодафуруши  
қадаҳин ҳидлайман, шояд, охир,  
Жомий жомидаги дурда жигарсўхталар учун  
лаълранг бодага айланса!*

Турган гапки, форсий тилда бадиҳа тарзида ёзилган ҳар икки ғазал таржимаси суст бажарилди. Аслият маъно теранлигини, диллар завқини тараннум этиши аниқ. Мен бу сатрларни ўқувчидаги Ҳусайн Мирзонинг шоирлик салоҳияти болалиқдан, Алишер Навоий билан сабоқдош бўлган кезларидан ниш урганлигини уқдирмоқ учун, бу ўринда келтириб ўтдим, холос.

Абдураҳмон Жомий ташрифини ғазалда ифодат этган вақтда эллиқ беш ёшда эди. Айтганимдек, Ҳусайн Бойқаро эса, ўттиз ёш ўтида, ҳар иккала сиймонинг юксалган ва равнақди айёми даври эди. Ҳусайн Мирzonинг шеърий жавоби, мавлавий ҳоҳиш-истаги бажо келтирилиши ишорати Абдураҳмон Жомийга катта самимият ва руҳ бахшида этади. Жавобдан тўлқинланган шоир яна бир ғазал ижод этиб, Ҳусайн Мирзо илтифотига ҳавола этади:

*Элчи элтиб, тоза мушиқдин бир шода келтирди,  
Шода эмас, дурга тўла қутича – озода келтирди.  
Ки диллар кишвари фироқ зулмидин эрди ҳароб,  
Ҳароб кишварга лутф нишонин юзада келтирди.  
Сўзнинг ростин айтсан, ноз маснадида ўлтирган шоҳдан,  
Жавобким дарвешнинг илтижо номасига келтирди.*

Шоҳ ва мавлавийнинг назмий мулоқоти ҳарбий сафар олдидан хайрли бўлиб чиқди. Ёдгор Мирзо хуружига қарши тортилган лашкар Чинорон мавзесида порлоқ ғалабага эришди. Хўжа Аҳрор ҳазратлари восита бўлган муаммо ҳам хамирдан қилини суургандек, бир зумда ижобатини топди. Самарқандга беруҳсат кетиб қолган амирлар масъулиятдан фориф бўлиб, бола-чақалари билан дийдор кўришдилар.

\* \* \*

Хижрий саккиз юз етмисш бешинччи (1470) йилнинг ёзи синоатларга тўла ва кутилмаган воқеалар билан ажаб келди. Ҳусайн Мирзо Шибарту ўлангида турганида Нирату ҳисоридан нохуш хабарлар олинди. Подшоҳ ўғруқи, вазият тақозосига кўра, шу қалъада турган эди. Бир гала юзини қора мато билан боғлаб олган чапани суворийлар қалъага ҳужум уюштириб, хотин-халаж ва болаларга жиддий азият етказаётганлиги, нарса-қароларини тортиб олиб, уларни но маълум томонга олиб кетмоқчи бўлаётгани Ҳусайн Мирзога яшиндай таъсир қилди-ю, ёнидаги сипоҳдари билан Ниратуга шитоб билан от қўйди. Бу воқеа зулхижжа ойининг ўн тўққизинчи (19 июнь 1470) кунида рўй берди.

Отлиқдарнинг довул қўзғаб, елиб келаётганлиги, қалъадан ташқарида ўғруқ аҳлини сиқувга олиб, ўдағайлаб турган никобли қароқ-

чиларни қўрқувга солди-да, шу дам қўлларига нима илашса олиб, отларига қамчи босиб қочиб кетдилар. Уларнинг ортидан қувишдан маъни йўқ эди, иккитадан-учтадан бўлиб, адирлар ошиб, чангалзорлар оралаб, кўздан ғойиб бўлган эдилар. Ниқобли суворийларнинг Ниратуга ҳид олиб келиши, шоҳона ўғруқнинг шу жойда истиқомат қилиб туришини билиши жумбоқ эди. Бу сирни Ҳиротда, сарой аъёнлари ҳам билмасди. Ҳусайн Мирзо ўғруқнинг эсон-омонлигини, ул-бул нарсалари тортиб олинган дейилмаса, бўлак зиён-заҳмат етмаганигидан қаноат ҳосил қилди-да, уларни қалъя ичкарисига олиб кирди. Сўнг ўзи лашкари билан Мурғоб томонга юрди. Шу юришида арлот улусига етиб, қўш ташлади. Арлот улуси билан Темурийзодаларнинг қуда-андачилиги бор, арлотлар етакчиси, марҳум амир Ёдгоршоҳнинг қизи Алоуддавла Мирзога тушган эди. Шу яқинлик андишасида унинг фарзандлари Пир Муҳаммад, Жаъфар ва амир Зайнулобиддинлар Ҳусайн Мирзога иззат-хурмат кўрсатдилар.

Ҳусайн Мирзо Нирату қалъасига борган кунлари мухолифи Ёдгор Мирзо Тус вилоятининг Родикон яйловида турарди. Ҳиротдан махфий равишда, қашшоқ бир чол қиёфасида келган чопар айтган гап унинг диморини чоғлаб, руҳини кўтариб юборди. Аммаси Поянда Султон бека уни Ҳирот шу кунларда холи, Ҳусайн Мирзо ўз ташвишлари билан банд, тезроқ келиб, таҳтни эгаллаш мұждасини қаттиқ тайин қилган эди. Ҳиротга яқинлашиб келганда, хос одамлар кутиб олиши ҳам эслатилганди.

Поянда Султон бека марҳум подшоҳ Абу Саъид Мирзонинг қизи эди. Отаси ҳалокатидан кейин улар шаҳар ташқарисидаги ҳовлида истиқомат қилиб келишарди. Тож-у таҳтнинг акасига тегмаганилиги Абу Саъид Мирзонинг шу қизига жуда аламли теккан, Ёдгор Мирzonинг Ҳусайн Мирзога қарши курашлар олиб бораётганлиги унга маъқул бўлган, ич-ичидан суюнган эди. Фақат суюнибгина қолмай, алоқа ҳам боғлаган, Ҳирот ўзгаришларини унга оқизмай-томизмай етказиб турар, асло йўлидан қайтмасликка даъват қилиб келарди.

Абу Саъид Мирзо Хурносонни фатҳ этиб, Ҳиротни мутамаккин пойтахтига айлантиргач, хонадонини ҳам кўчириб келган эди. Поянда Султон бека ўша пайтлар эсини таниб қолган қизалоқ эди. Укаси Абулқосим Бобур томонидан қатл этилган Султон Муҳаммаднинг ўғилласи Ёдгор Мирзо олти-етти ёшда, Боги Зоғонга келиб-кетарди. Поянда Султон бека у билан чиқишиб қолган, аммалик туйғуси билан уни яхши кўрар ва тарбият қиларди. Шу орада туркман Мирзо Жаҳоншоҳнинг Ҳиротни эгаллаши воқеъ бўлиб, Ёдгор Мирзони ўзи билан бирга олиб кетди. Аввал Жаҳоншоҳнинг, кейин амир Ҳасанбекнинг қўғирчоқ «шоҳи»га айланган Ёдгор Мирзо билан амма-жиян кўп йиллар кўриша олмади. Қачонки, Ёдгор Мирзо туркман сардорларининг пишонги билан Ҳусайн Мирзога қарши чиқишлилар қила

бошлагач, амма ташаббусни қўлга олиб, жиянига кўмак беришга аҳд қилди. Бу, айни вақтда, ота тахти учун газаклаб келаётган интиқом рўёби ҳам эди.

Ёдгор Мирзонинг Ҳиротга қўл чўзса етгудек йўлда экани дараги билан, Поянда Султон бека уйидан чиқиб, Боги Шаҳрга, Бойсунтур Мирзо авлоди яшаб келаётган қасрга етиб келди. Ҳамма иш ўйлагандай амалга ошаётган эди. Беканинг изидан аҳдлашилган амирлар – Фаридун (Шоҳруҳ Мирзонинг содиқ амири Пир Луқмон барлоснинг ўғли) бошчилигида унинг ҳузурига етиб келишди. Шу ерда Ёдгор Мирзони қарши олиш ва Ҳурросон тахтига чиқариш расм-руsumларини бажо келтириш маслаҳати бўлди. Бу воқеа муҳаррам ойининг олтинчисида (5 июль 1470) бўлди. Боги Шаҳр қасрида шодиёна ва базм уйғун томир отди.

Ҳусайн Мирзо Ҳиротдан олисда эканида Ҳиротда, шу тахлитда, ажаб сирли ҳодисалар пишиб, қиёмига етмоқда эди. Поянда Султон беканинг ҳовуч-ҳовуч тилло тангалари билан чўнтақ қаппайтирган амирлар шаҳар дарвозаларини маҳкамлатиб, ўз назоратига олдилар, булукларга ҳам назорат учун соқчилар қўйдирдилар. Ҳамма иш кўнгилдагидек саранжомини топгач, Ёдгор Мирзога чопар юборилди – шаҳар сиз олижаноб шаҳзодага мунтазир, дейилди. Мурғоб тарафдан келаётган Ёдгор Мирзо Работи Санжоб орқали Ҳирот шаҳрига қадам қўйди. Шу куни у Каҳдастон даласига ҳар эҳтимол тушди-да, эртасига, муҳаррам ойининг тўққизинчисида (8 июль 1470) Хиёбон йўлидан савлат-у виқор билан отни йўргалатиб, Боги Зоғонда қарор топди.

Ҳиротнинг ими-жимида, қиличлар қинидан суфурилмай босиб олиниши замирида, олдинда айтилганидек, туркман амири Ҳасанбекнинг Абу Саъид Мирзони ўлдириганидан эътиборан, Ҳурросонни қаламравига олиш мақсади устувор бўлиб, Ёдгор Мирзонинг ҳар бир босган қадами унинг қўллаши билан боғлиқ эди. Бу гал ҳам Ҳирот ва унинг ён-атрофидаги қишлоқлар – булуклар туркман аскарлари билан тўлиб кетди. Муаррих, «уларнинг барчасини подшоҳликнинг боғлари ва қасрларига туширдилар, Мирзо Ёдгор Муҳаммад туркманлар борасида кўп иноят-у ғамхўрликлар кўрсатди ва уларнинг хотирини ҳар хил эҳсонлар билан шодмон қилди», дейди.

Амир Ҳасанбекнинг қариндошлари бўлган туркман амирлари Боги Зоғондан бошқа қаср ва кошоналарга жойлаштирилган эди. Шаҳар ичида ва қўшни қишлоқларда жойлашиб олган туркманлардан, тарихчи гувоҳлик берганидек, «шаҳар ва атрофларида мумкин бўлгани қадар ҳар турли фасод-у бедодликлар рўй берди». Туркман сипоҳлари хотин-қизлар номусига тажовуз қилишар, уйларни тинтиб, пул-у ашёларни тортиб олишар, отларни исталган ҳовлидан мишиб чиқаверишар эди. Номусли хонадонларда улар уриб ўлдирилган ҳоллар ҳам бўлди. Шаҳарнинг ёш-яланглари кўча-кўйда туркман-

лар билан жангга киришиб, гоҳо устун келди. Зиддият борган сари чуқурлашиб, тоқат иложи қолмади. Ёдгор Мұхаммад Мирзо номига туркман сипоҳиларини тартибга олмоқчи бўлди, аммо тили қисиқ, тахтни шулар туфайлидан олгани боис, манъ қилувчи чора қўллашдан ожиз эди. Бедодлик ҳаддидан ошавергач, ноилож амир Ақарлу Мұхаммад ва унинг навкарларини амир Ҳасанбек ёнига қайтариб юборишга мажбур бўлди. Юборгандаги ҳам, совфа-салом билан, отанг яхши, онанг яхши, деб.

Тож-у тахт йўлидаги раҳнамоси бўлмиш амир Ҳасанбекка, қулоги тўс-тўполон ва талончиликдан бир оз тинчиган Ёдгор Мирзо шундай нома жўнатди:

«Сиз олий жанобнинг ҳиммат ва шафқатингиз қўлловида Хуросон мамлакати бўйсундирилиб, фатҳ этилди. Душманлар-у муҳолифлар қаҳрга учраб, шикаст топдилар, аммо бу иили Хуросон вилояти лашкарларининг кўп ўтганликлари сабабли, аҳвол фоятда оғир, чунончи, Жожарм ҳудудидан то Мурғоб дарёси бўйигача экин экилмай қолган ва экилмаса ҳам керак. Олиҳиммат шуни тақозо этар эдики, фоятда жонсипорлик ва ҳайриҳоҳлик бажо келтирган бир гуруҳ туркман амирларига тўла риоят кўрсатсан-да, аммо вилоят ҳароблиги сабабли бу иш то ҳанузгача амалга ошмади. Шундай ҳароблик билан бирга низо қилгувчилар жамоаси ҳануз бутунлай йўқотилган эмас ва уларнинг фасодини дафъ қилишга киришмоқ лозим. Шубҳасиз, бу иили туркман амирларига риоят кўрсатиш ва Хуросон аҳолисини тинчлантириш сиз олий жанобнинг иноятингизга тааллуқлидир».

Ёдгор Мирзонинг ўз раҳнамосига ёзганларидан уч нарсани фаҳмлаш қийин эмас. Туркман сипоҳлари ёрдами учун Ҳиротдан қуруқ қайтмаган, мамлакатда иқтисодий аҳвол оғир бўлганлиги учун, ҳали уларга қилинадиган иноят охирига етмаган ва муҳими, душман, яъни Ҳусайн Мирзо хавфи бартараф этилмаган. Уруш-низолар туфайли экин ерларининг ишланмаганлиги, уруг қадалмаганлиги хавфини Ёдгор Мирзо очиқ айтмаган бўлса-да, мазмундан очарчилик бўйи келаётганлигини амир Ҳасанбек тушуниб етиши учун кифоя ишорат берилганди.

Раҳнамонинг жавоби ўзини узоқ кутдирмади. Амир Ҳасанбек тахтга ўтқизгани қўғирчоқ ҳукмдорга шундай кўрсатма битган эди:

«Мирзо Султон Абу Саъиднинг фарзандлари жуда кўпдир, уларнинг ҳаммалари жанг-у низо оҳангини созлаганлар. Мирзо Султон Ҳусайн ҳам муҳолифат мақомида туриши аниқ. Ҳарқалай, у салтанат паноҳи бўлмиш азиз фарзанд Ёдгор Мирзонинг кўмак учун эҳтиёжи каттадир. Шунга биноан, муқаррар қилиндики, Пули Абрисимнинг гарбидаги вилоятларда турган бизнинг лашкарларимиз у жанобнинг ҳукмига мунтазир бўладилар. У жанобга аввал мулоzим қилиб юборганимиз бошқа амирлар, агар зарурат бўлса, шу тарзда

хизматда тураберадилар. Фарзандимиз Зайнал Баҳодир Кўҳистонда турган амирларини, агар хоҳласалар, ўз ҳузурларига чақиртирсинглар, бўлмаса, улар аъло тахт поясига (амир Ҳасанбек ёнига – муал.) қайтишларига қарор қилинган».

Амир Ҳасанбек жуда мугомбир, эртанинг эпкинини кўра биладиган қирриқ раҳнамо эди. Ёдгор Мирзо мактуби ва сўровидан илгарироқ, бу айтилганлар тайёргарлигини кўриб, ҳар қандай раддияларга жавоб қайтаришга ҳозир бўлиб турган эди. Бундай илҳомлантирувчи жавоб олингандан кейин Ёдгор Мирзо Ҳиротни бутунлай тасарруфга киритиш ҳаракатида бўлди. Ҳусайн Мирзо ишонч билан қўйиб кетган Ихтиёридин қалъаси кутволи Шайх Боязид ҳаммала-га дош беролмади ва ялинч билан эсон қолиб, Ёдгор Мирзо тўғини ўпиб, хизматига кирди. Ёдгор Мирзо Хожа Қутбиддин Товус Симно-нийни вазирликда қолдирди.

Ёдгор Мирзо тез фурсатда ўз аркони давлатини сафлаб, Боги Зоғонда шу яқинга қадар хаёлига ҳам келтирмаган фарофатга ноил бўлди. Соқол-мўйлови энди сабза урган шаҳзода олдида ёши улувлар, уламо-ю фузалолар, каттадир-кичикдир ҳамма эгилиб таъзим берар, даргоҳидан орқа билан энгашшган кўйи чиқиб кетарди. Бир оғиз сўз айтса, бас, истаган нарсаси муҳайё бўлар, муғанийлар саф тортар, ҳофиз totли мақомни бошлар, сиймтан сулувлар навозиш билан рақсга хиром этарди. Шаробнинг аъло навлари билурий идишларда олтин қадаҳлар ичра ўзига ром этарди.

\* \* \*

Жавзо сурунликлари ҳам татимади. Арлот қавми Ҳусайн Мирзо ва ҳамроҳларини ой давомида меҳмон қилиб, эҳтиромни сарбаланд қилди. Тахтидан, нордек сипоҳдаридан ажralиб, юз чофли йигитлари билан қолган Ҳусайн Мирзога кейинги кунларда на зиёфат, на май ёқмай қолган, қовоғи солиқ, қўлини орқага қилиб, дала айлангани-айланган эди. Кўпинча дўсти Алишер Навоийни ҳамроҳ қилиб олар, унинг гап-сўзларини жимгина тинглаб борар, шу алфозда анча юришиб, қайтардилар.

Амир Ҳасанбек бир нарсани билмай, гапирмас экан. Ёдгор Мирзони Абу Саъид Мирзо ўғиллари хавфидан бежиз огоҳ қилмаган, уларнинг тинч ётмаслигини кўра билган экан. Хавфнинг тифи Ёдгор Мирзога эмас, аросатда турган Ҳусайн Мирзога қаратиладиган бўлди. Абу Саъид Мирзонинг ўғиллари – Султон Маҳмуд, Або Бакр ва Улубек Мирзолар иттифоқлашиб, Ҳусайн Бойқарони орадан кўта-ришга қарор бердилар. Шаҳзодаларга Ёр Али туркман ҳам қўшилди. Улар бошлаб келган черик сони ўн мингдан ошиқроқ эди.

Ҳусайн Мирзо, «бошда бу савдо ҳам бор экан-да», деб хомуш ва тушкун кайфиятда турганида мезбонлари – амир Ёдгоршоҳнинг

ўғиллари амир Жаъфар ва амир Зайнулобиддинлар тиз букиб, ҳурмат изҳор қилдилар. Амир Жаъфар ижозат сўраб, урушиш қасдида келган Самарқанд ва туркман йўр Али қўшинига қарши боражакларини айтди. Ҳусайн Мирзонинг тушкун руҳи мудроқдик мурғакини учирив, уйғоқлик бургутини қўлга «гаҳ» деб қўндиргандай бўлди. Чехраси очилиб, амир Жаъфарни ва укасини қучиб, мамнуният билдириди.

Кўп лашкарни кам сонли сипоҳийлар мағлуб этгани мисоллари тарихда кўп. Ҳусайн Мирзо ва ака-ука кўмакдошлар рўбарўсига ёниб келган, қирларни қоплаб олган черик билан дадил жанг бошлаб юборди. Қуёш нури аксланиб, учлари ялтираб бораётган қиличлар тезда алвон рангга бўялди. Биринчи бўлиб йўр Али туркман аскарлари зарбга қидай олмай, от жиловини ортга бурди. Абу Саъид Мирзо ўғиллари жамлаб келган қўшин ҳам чекинишга тушди. Голиблар мағлубларни бир неча фарсах қувиб бордилар, етганларининг бoshини сапчадай уздилар. Қувғун еганлар шу чекинишда Жайхундан ўтибгина, ортларига бурилиб қарай олдилар. Бу омаднинг қайтиши ибтидосини бошлаб берди. Гап бундай эди.

Салтанат оғушига тушиб, Ёдгор Мирзо болаликда қила олмаган эркаликларини ҳаддан ошириб юборганди. Бони Зогон қасрининг ҳашамати ва салобати уни энтиқтириб қўйган, жавлон ураётган руҳини оромга буркаш учун шаробни май косаларда тўлатиб ичар, ол ранг, гулгун паймоналарни изма-из сипқорарди. Бир кун ичсанг, уй ичининг билади. Икки кун ётиб, майхўрлик қилсанг, дўстларинг, сарой билади. Учинчи кун шилонингда шароб анҳордек оқса, шаҳринг, теварак-атроф билади. Буни фақат ичгувчи билмайди, холос. Ёдгор Мирзонинг авваллар майхўрлик қилиб, овозаси чиққан эмасди. Ичкиликни Ҳусайн Мирзо учун чиқарган эдилар, чофи?! Қозоқликда юрган йилларида, дейдиларки, Даشتி Қипчоқقا бориб, Абулхайрхон меҳмони бўлганида, тўшагида шол бўлиб ётган Абулхайрхон надимларига Ҳусайн Мирзони шароб билан бўктиришга изн берган экан. Ким билсин, ўшандада неча меш бода тановул қилинган-у, қанча бўрдоқи қўйлар ейилган, аммо Ҳусайн Мирзони маст қилиб, кулги қилиши, масҳаралаш имкондан бўлмаган. Ана буни ичиш, ана буни куч-у қувват намойиши деса бўлади.

Ёдгор Мирзонинг жуссаси кичик, лекин чайир йигит эди. Дастлаблар, кечда, девондан қайтган пайтларида бир қадаҳни зўрга сипқорадиган шаҳзода энди ўзини шоҳ деб ҳис қила бошладими, чошгоҳда ҳам, пешиндан сўнг ҳам қўлда паймона тутадиган бўлди. Ичиб олгач, елевгай, паранд қўйлак тугмаларини ечиб, сайрга чиқар, гандираклаб бир муддат юрган бўларди-да, шароб келтиришни амр қиласди. У сайргоҳдаги кичик супалардан бирига ўтириб олар ва тезда ухлаб қоларди. Хизматкорлар уни оҳиста қасрга олиб келиб, жойига авайлаб ётқизишарди. Бу қилиқ ҳар куни такрорланарди. Овоза-

си ҳам, қанот қоқиб, Ҳиротнинг боши адогига, балким ундан вилоятлар, кентларга қадар ета бошлади. Оддий фуқаронинг номақбул қилмишлари уйи, нари борса, қишлоғидан чиқиб, барҳам топади, икки-уч кун миш-мисш бўлади-ю, тинади. Тахтга чиқсан кимса эса, эл-улус нишонида бўлади, бир гапига ўнта сўз, бир қилиғига йигирма миш-мисш қўшиб-чатилиб, достон қилинади. Алишер Навоий ўша пайтларда ёзган бир шеърида, «Бу бўстон ичра йўқтур бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик бирла от», деб бежиз айтмаганди. Шоҳнинг пойи қадами неклиkkа пайваста бўлиб, демишлари, ўзини тутишлари, феъли атвори ибратга лойиқ, тамкин бўлса, унинг қудрати ошади, хурмати бекиёс бўлади.

Боги Зоғонда ҳаволаган Ёдгор Мирзога насиҳат берадиган, ичи ачийдиган оқсоқол Темурийзодалар, яқинлар йўқ эди. Поянда Султон бека сарой шилонларининг даҳмазасини яхши билса ҳам, жиянининг ичкиликка бу қадар берилиб бораётганини пайқамаган эди. Пайқаганида эса кеч, Ёдгор Мирзо аммасининг гапини оладиган дарражада эмас, етиб борган жойи қўл етмас ҳавоза эди.

Ҳусайн Мирзо арлот қардошлар ёрдамида ёғийлардан фориг бўлган кунларда, ишончли бир киши Ҳиротдан дарак келтирди – Ёдгор Мирзо салтанат юмушлари билан ҳам қизиқмай, айш-у ишратга берилиб, кунларни сархуш-у маст ўтказаётган эмиш, ёнидан канизаклар жилмас, дастурхончилар майи ноб ташиб, чарчамас эмиш. Келтирилган, хира тортган дилни ёритувчи хабар, амирларнинг ундан юз буриб, ҳар тарафга тарқалиб кетаётганилиги муждаси бўлди. Муаррих бу ҳақда шундай ёзган эди:

«Ўша кунларда Мирзо Ёдгорнинг кўпик янглиф шаробда сузаётганилиги, қадаҳга ўхшаб бода жомига бош қўйганлиги ва эртадан шомгача шоддик қадаҳларини сипқориб, шомдан тонггача лаълранг шароб ичаётганилиги, амирлар ҳар тарафга тарқалиб кетиб, унинг уйи манзили фоятда тартибсиз эканлиги ва Хуросон аҳолиси туркманлар зулмидан жондан тўйганлиги ҳақида пайдар-пай хабар етиб турар эди».

Бу гаплардан Ҳусайн Мирзо гангигиб, икки-уч кун бир қарорга келломай юрди. У турган жой билан Ҳирот оралиги 60 фарсах – қарийб уч юз олтмиш чақирик келар, ихтиёрида эса, мингта сипоҳий бор эди. Кўнглиниң тубида Ҳиротга чопқун ясагиси, бир зарб билан маст-у аласт Ёдгор Мирзони йўқлик оламига улоқтиргиси шижоати жўш уради. Бу мақсадни биргина Алишер Навоий билан сирлашишга қарор берди. Ёдгор Мирзо шу йил муҳаррамда, жума куни (ҳижрий 875 йил 6 муҳаррам – муал.) Боги Зоғонни эгаллаб, тахтга чиққанидан бери бир ойдан кўп ўтиб қўйди. Тадорик қўрилмаса, у туркманлар қаноти остида яна қанча ҳукм суради, ёлғиз худогагина маълум. Шошилмаса бўлмайди. Муҳаррам ўтиб, сафар ойи ҳам кириб келди. Ҳусайн Мирзо боргоҳдан чиқиб, Алишер Навоий чодири

томон юрди. Салом-алик қилишиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, қир томонга пиёдалаб юриб, гаплашиб боришид. Ҳусайн Мирзонинг руҳи тетик, нимадир муҳим бир сўз демоқчилигини Алишер пайқаб турарди.

– Эшитишмча, туркманлар доруссалтана Ҳиротда жабр-зулм байробини тикибдилар, – деди секин Ҳусайн Мирзо, – анави Ёдгор Мұхаммад эса, роҳат-у фарофат ва фафлатда, айш-у ишрат чироғини ўта порлатиб ёққанмиш. Биласизми, азизим, бу даракларни тинглаб, кўнглимдан бир фикр кечмоқдаки, магар Сиз мақбул қўрсангиз, унинг устига юриш қиссак?!

– Аъло таъбларига тасанно, – деди Алишер Навоий тавозеъ билан, – бул фақир гапларни мушоҳада айлаб, Сиз олампаноҳга бир нима демоққа тараддуdda эрдим. Мавруди келар деб, кутмоқда чогим, айни дилимдаги қарорни муқаррар этдингиз. Ҳиротга қанча тез етсак, иншоolloҳ, зафар шунча тез Сизга даст берғусидир!

– Насибким, шояд, ишимиз ўнгидан келиб, Яратгувчи Тангрининг омонатлари бўлган халқ зулм ва машаққат чангалидан қутулсалар?!

– Элни деганнинг ишин Ҳақ ўзи қўллағай!

Шоҳ ва муҳрдорнинг, дўст-у шоирларнинг гапи бир ердан чиққан эди. Иккаласи ҳам ичдан суюнган, гўё Ҳирот қайта бошдан фатҳ бўлгандек эди. Ҳар бир сўзида, саъй-ҳаракатида ўта ҳассос ва синчков, сергак ва ҳушёр Алишер Навоий ортга қайтиш олдидан, Ҳусайн Мирзога янада яқинлашиб:

– Онҳазратим, кўнглингизга келган бул режани ўта пинҳон тутмоқ лозимдур, – деди шивирлаб, – бу қарор менга-да айтилмагандা, янада беҳроқ бўларди.

– Эй, Алишер, дўстим, – деди Ҳусайн Мирзо ўпка қилиб, – дардими Сизга айтмасам, тағин кимга дерсиз?! Бу хусусда ҳаддан ортиқ эҳтиёткорлик заруратми турур?!

– Оҳ, шоҳим, дўстим, бу режани сир сақлаш ғоят зарурдир. Билурсизким, ҳар куни бизнинг одамларимиздан гуруҳ бўлиб, Ёдгор Мирзо қулчилигига қочиб ўтмоқдалар. Бу қочқинлар ушбу сирни Ёдгор Мирзога тухфа қилмоқдин ўзга ноёб совға топа олмаслар. Худо кўрсатмасин, Ёдгор Мирзо режангиздан воқиф бўлиб қолгудек бўлса, эҳтиёт чорасини кўрмоги ёхуд бу томонга лашкар тортмоғи эҳтимолин инкор этиб бўлмас.

Суҳбат, иштибоҳлар адам бўлиб, қарор қатъийлашди. Пешиндан кейин сипоҳийларга йўлга чиқиши тайёргарлигини кўриш амри айтилди. Минг кишилик қўшин билан анча йўл босилди. Лангари Бўкан мавзесига келиб, ҳордиққа рухсат бўлди. Ҳиротга, бу ёғи яқин, шитоб билан йўртишса, этиб боришлари осон масофа эди. Ҳусайн Мирзо йўл бўйи чурқ этмай, сақлаб келгани сирни амирларга айтди. Очиқ далада бўлган машваратда ҳужум маслаҳати бўлиб, ҳар бир ҳаракат келишиб олинди. Ким қайси дарвозани эгаллайди, ким

туркман черигига бас келади, ким Боги Зогонга бостириб боради, ҳаммаси аниқлаштирилди.

Амирлар босқин режасини маъқуллаб, Боги Зогонга айнан сарой келиб-кетувчилардан бўш қоладиган туш пайтида кириб бориш керак, деган таклифни айтдилар.

– Туш пайтида сарой хилват бўлади, – деди амир Қул Али, – шунда ёғийнинг ишини бирёзлик қилиш осон кечади.

Алишербек бу сўзни маъқул топмади. Ўйланиб туриб, фикрини айтди:

– Қулай фурсат – кечаси боқقا киришимиз бўлади. Нечунким, кундуз куни Мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг одамлари бизнинг ҳужумларимиздан хабар топиб, тезлик билан теваракларида жойлашган туркманларни йифиб келиб, куч тўплашлари, оқибатда, иштиғолимиз нофаржом тугаши эҳтимоли яқиндир.

Амирлар ҳам, Ҳусайн Мирзо ҳам Алишербек далолатини жон қулоғи билан эшишиб турар, кўпчилиги «маъқул» дегандек, бош қимирлатиб қўярди.

– Тун қоронфисида ҳужум қилинса, – дея сўзини давом қилди Алишербек, – ёғийлар бизнинг нималар қилаётганимиздан хабардор бўлган тақдирда ҳам, ўз кучларини, йироқ-ёвуқда жойлашган туркманларни йифиб олиши мушкулдир. Яна бир томони, ҳужумимиз барбод бўлса, дейлик, қоронфида чекинишга тўғри келгудек бўлса, одамлар бундан хабар топмагай, кундузи бундай қилиб бўлмайди, шарм қўлдан кетади.

Маслаҳатдонлар бариси бу фикрни ёқлади. Шу кун оқшом итлар ҳуриши тиниб, элнинг кўзи уйқуга илашганда Боги Зогон деворларидан чаққонлик билан ошиб ўтилди. Болаликдан бу жойларни яхши биладиган Ҳусайн Мирзо ва Алишербек оддда, қиличлар гиloffдан суғурилган, жуда сергакланиб, қасрга яқинлаб келардилар. Қаср эшигига йигирма қадамча қолганда, Алишербек Ҳусайн Мирзога имо қилди-да, амир Қул Али билан сипоҳий Ҳожи Алини ёнига одди ва учаласи қиличларини мисли ҳасса қилиб, энгашган кўйи қасрга кириб бордилар.

Шу кун сафар ойининг йигирма учинчи (21 август 1470) кечаси эди. Шу чоққача, бирор-бор қилич ушламаган Алишербек, дўсти Ҳусайн Мирзо учун жонини гаровга қўйиб, Ёдгор Мирзо ётган Боги Зогон қасрига мардона кириб борди. Унинг отаси Фиёсиддин Кичкина вактида Абулқосим Бобур ва Абу Саъид Мирзо қўшини маъмурий хизматида, ҳисоб-китоб ишларида бўлган. Аммо бирон жанг-у жадалда қатнашиб, шамшир ё камон тутмаган. Тоғалари сипоҳий, жанговар кишилар эди. Тоғалари Муҳаммад Али Фарибий ва Мир Саъид Кобулийлар сипоҳий бўлишган, жанговар кишилар эди. Абу Саъид Мирзо замонида, Ҳусайн Мирзо тарафида бўлганликлари учун ҳалокат топган эдилар.

Алишербек ва ҳамроҳлари қасрнинг иккинчи қаватига кўтарилиганда, ҳашаматли хонадан енгил хуррак овози эшитиларди. Улар эшикни қиё очиб, ичкарига мўралаганларида, олд хонада иккита канизак ва ичкарида бир хизматкори билан Ёдгор Муҳаммад Мирзо донг қотиб ухлаб ётганини кўрдилар. Ҳожи Али канизаклар олдида қолди, афтидан, улар ҳам майдан бўккан, оламни кўчириб кетсалар ҳам сезадиган аҳволда эмасди. Қул Али хизматкорни таппа босиб, қўл-оёғини чандиб боғлади. Ёдгор Муҳаммадни ортига орқалади-да, учаласи боғ ичига, Ҳусайн Мирзо ва сипоҳийлар кутиб турган жойга бир зумда етиб бордилар. Девордан ошиб ўтганларида ҳам Ёдгор Мирзо уйғонмаган, ўлиқдай чўзилиб ётарди. Ҳусайн Мирзо уни бир тепкиламоқчи бўлди-ю, қўл силтади. Отга бир халта гўнгни юклагандек, уни қароргоҳга олиб кетдилар.

Алишербек девор орқасида отини тутиб турган Бобо Али билан ёнма-ён қайтаркан, бу воқеалар гўё тушида содир бўлгандек, ўйга ботиб боради. Шу куни, Ҳусайн Мирзо Форёб вилоятида ният қилганидек, ишлари ўнгидан келганди. Бони Зогонни қўриқлашга мастьул бўлган амир Али Жалойирни гафлат босган, Ҳусайн Мирзонинг тўсатдан келишини, тунда босқин уюштиришини хаёлига ҳам келтирмай, Ёдгор Мирзо базмида ширбоз гўшидан тўйган, бўғзига келгучи чағир ичганди. Қўриқчи сипоҳлар тарқаб кетган, Бони Зогонда фақат хизматкорлар қолишганди. Ҳусайн Мирzonинг минг кишилилк чериги Ҳиротга яқин Чилсутунга етганида бирорта жон уларга қарши чиқмаган эди.

Ҳусайн Мирзо, тонг отиб, кайфи жойига келган Ёдгор Муҳаммад Мирзони сухбатга чақирди. Унинг кечаги салобатидан асар қолмаган, қаддини тик тутиб туролмас, ранги тамомила оқариб кетган эди. Ҳолига бирпас боқиб турган Ҳусайн Мирзо мулоим сўз қотди:

– Эй, биродар! Барча яхши сифатлар, марғуб суратга эгасан, камоли шижаат ва олий насаблик сенда мавжуд! Аммо биз ака-укалар улуф ота-боболаримизнинг мамлакатини талашиб, бир-бираимиз билан чиқиша олмаганигимизга қарамай, барибир, бегона туркамлағни ўз вилоятимизга келтирмаслигимиз керак эди?!

Ёдгор Муҳаммад Мирзода кўрк бўлгани билан, хулқ йўқ эди. Ҳусайн Мирзо ўттиздан ошган бўлса, у энди ўн тўққиз ёшнинг кузини кўрмоқда эди. Уни ёшликтан тарбият қилган амир Жаҳоншоҳ ва кейинчалик амир Ҳасанбеклар «сиз» билан «сен»нинг фарқига бормаган, Темурий шаҳзодага бу адабни, бу сабоқни бермаган эдилар. Ёдгор Мирзо бошини кўтармай, жавоб қилди:

– Баҳодирлиқ тариқига муносиб ва диловарлиқ номусига лойиқ иш қилдингки, мени ишратхонада қўлга туширдинг. Бу ҳаммаси қудратли малик (Аллоҳ – муал.) белгилаган тақдир асариdir. Аллоҳ нимани истаса, шуни қилади ва нимани иродга этса, шунга буюради.

Жавобдан англашиладиган маънини тушунмаслик мумкин эмасди. Ёдгор Мирзо «сен-сен»лаб, ўзини очиқ жангда эмас, уйқуда, ишрат фафлатида қўлга олганликни писандада қилаётган эди. Ажаб маски, жавоб тўғри берилиб, «сиз»ланиб, узр сўралганида борми, унга туркманлар сарига жавоб бўлармиди. Қайдам. «Бошингга келганин тилингдан кўр», деб ноўрин айтилмаган, ахир?! Жавобни эшитибок, Ҳусайн Мирзо уни қатлга ҳукм қилиб юборди. Тақдир ёзуғи шундай бўлди. Ёдгор Мирзо жавобининг охирги бандида шу иқор этилди. Таассуфки, иқор, Аллоҳни тан олиш кеч, ўлим пойлаб турганда эсга келди, холос. Ёдгор Мирзо жавобининг биринчи банди, яъни очиқ жангни шаъма қилиши тагида гап бор эди. Ҳиротда уни муаррих айтгани каби, «бир неча минг мукаммал яроқ-аслаҳали бадавий отлиқлар эртадан-кечгача унга мулозимлик қиласар эдилар (қўриқлар эдилар), Ҳиротдан Бағдод сарҳадигача бўлган жойлардан пайдар-пай кўмак олиб тураган эди. Мирзо Султон Ҳусайн олтмиш фарсанг масофадан илғор қилиб келиб, андак одами билан шундай жасоратли иш қиласади, деб ҳеч кимнинг хотири яқинига ҳам келмаган эди».

Тарихнавис шаҳодатича, бу воқеанинг тарихи «Шаҳри сафар» (сафар ойи) деган сўзларда жамланиб, ҳижрий 875 йил ҳосил қилинган ва нисбати милодий 1470 санага тўғри келади. Ҳусайн Мирзо 1470 йилнинг 24 марта Хурросон тахтига чиққан бўлса, муҳаррам ойининг олтинчисида (5 июль 1470) Ёдгор Муҳаммад Мирзо Бори Зогонни эгаллаган, хутба унинг номига ўқилган эди. Ҳусайн Мирзо подшоҳлик қила бошлигининг тўрт ойу бешинчи кунида, тож-у тахт Ёдгор Мирзо томонидан, туркман сардори амир Ҳасанбек ва Абу Саъид Мирзонинг қизи Поянда Султон бека ҳамда унинг хонадонига содиқ амирлар ҳарбий тўнтариши туфайли тортиб олинган эди. Ёдгор Мирзо оз эмас, кўп эмас, Хурросон тахтини қирқ саккиз кун идора қиласди. Изтиробли ва андуҳли кечган бу даврда Ҳусайн Мирзо, Алишербек ва минг сипоҳий Маймана ва Форёб томонларда Ҳиротга қайтишнинг хайрли соатларини кутди. «Сабр ҳам курашдир», деб бежиз айтилмас экан. Туркманлар аралашуви ва ички тазииқдар сабабли, қон тўкилмай қўлга олинган давлат тож-у тахти, шу тариқа, ҳикояти келтирилганидек, иккинчи маротаба ҳам, қон тўкилмасдан, муяссар бўлди. Бунда, биргина истисно Ёдгор Мирзодир. У қўлга тушганида ҳам такаббурлигини ташламади, ўзидан ёши улуф амакиси Ҳусайн Мирзога калондимоғлик билан муомала қиласди.

Дорга осилган Ёдгор Муҳаммад Мирзо жасадини дағн этиш учун хазинадан беш минг кепакий динор ажратилди. Дағн ишлари билан амир Валибек шуғулланди. Жасад шу куниёқ Ҳиротда, Ёдгор Мирzonинг бобоси Бойсунғур Мирзо турбати ёнига қўйилди. Ёдгор Мирzonинг ўлеми ҳиротликларда нохушлик билан қарши олинди,

кўплар норози бўлиб, йифи-фарёд қилдилар. У эндиғина ўн тўққиз ёшга кирган, қиличбозлиги билан шуҳрат тутиб келаётган шаҳзода эди. Ўлеми олдидан ўзи айтганидек, бу кўргиликлар «қудратли малик белгилаган тақдир асари»дир, на чора?!

Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг Ҳиротга фавқулодда келиши, Ёдгор Мирзони ясоққа етказиши Ҳирот ва унинг атроф қишлоқларида жойлашиб олган амир Ҳасанбек қариндошлари бошлиқ лашкарда ҳам зилзила пайдо қилган эди. Тонг отар-отмас, улар жазавага тушиб, олди-ортини йигиштиришга ҳам қурби келмай, Кўҳистон мавзеси томон қочишга тушдилар. Туркманларнинг талончи, инсофдан йироқ сипоҳидан озурда-безор бўлган пойтахт аҳли уларнинг кетганилигига сира ишонгилари келмасди.

Хумоюн мавқаб Боги Зогонга кириб келганда, қасрнинг фақат ташки шамойили қолганди. Туркман амирлари Ёдгор Мирзо ўрнашган кошонада қўлга илашадиган нимаики бўлса, барини талаб кетган эди. Ёдгор Мирзода уларни бундан қайтарадиган куч йўқ эди. Ичишга берилишининг бир важҳи шундан эдими, Шоҳруҳ Мирзо замонидан келаётган ашёлар битта қолдирилмай, олиб кетилган эди. Муаррих шу воқеалар гувоҳи ўлароқ, «Нуқра-ю тилло ва бошқа мато-ю буюмлар, нафис китоблар, чинни асбоблар, йўрга отлар-у шоҳона бедовлар, тилла нақшли эгарлар билан тўлган Боги Зогон бутунлай форат топиб, у ҳамма бойликлар торож бўронида соврилди», дея ачиниш билан ёзган эди.

Босқин, уруш нима учун керак ўзи? Ўғри ҳеч вақоси йўқ уйга доримайди. Бойлиги, тамаддуни зиёда эл-улус ҳамиша форат нишони бўлган. Бу сафар ҳам шундай эврилди. Ёйи лашкар тўплаб, шунча сарф-у харажат, бунинг устига, жонини гаровга қўйиб келар экан, «кўрдик, олдик, кетдик», демайди-ку?! Уни ҳайдаб солмагунча мазлум эл-у улусни қиради, бойлигини олади, хотин-қизларига тажовуз қиласди, тамаддунни чилпарчин этади. Шоҳруҳ Мирзо давридан Боги Зогонда жамланган осори-атиқалар жаҳоннинг кўрки эди. Туркман сипоҳийлари, амирлари отларни, эгарларни олиш билан кифояланмай, кўп хонадонлардан сuluв қизларни олиб кетганилигини тарих кечиравмикан?! Моддий ашёлар, бойликлар ўрнини қоплаш, тўлдириш мумкинdir, лекин номус-ориятни-чи?! Ҳиротликлар туркман сипоҳларидан неча ой чеккан зулм-у бедодликни, эҳтимол, тўрт ярим минг йил ичида кўрмагандир. Шу сабабдан, аҳоли уларнинг тонг саҳарда жўнаб қолганига ҳеч бир ишонгиси келмасди. Бу тарихан ҳақ гап эди. Ҳусайн Мирзо асоратнинг томирини қирқиб ташлаган мард ватанпарвар подшоҳ сифатида катта шон-у шавкатга лойиқ бўлди. Шу оқшом ҳар бир оилада Ҳусайн Бойқаро номи яхшилик билан тилга олинди, дуолар қилинди, алқовлар ёғилди. Ҳиротга унинг пойи қадами ёқди. Кўчаларда одамлар эркин юра

бошлади, бозорлар гавжум, таробхоналар ишга тушиб, майу шаробхўрлик ҳам расм бўла бошлади.

Ёдгор Мирзо воқеаси ҳам бирданига тиниб-тинчиб кетмади. Кунлар ўтган сайин фитнанинг тафсилотлари юзага чиқа бошлади. Шоҳ ўрдусига Поянда Султон беканинг Ёдгор Мирзога кўмак берганлиги, бунга баъзи бир амирларнинг бош қўшганлиги далиллари ҳақидағи гап-сўзлар етиб борди. Поянда Султон бека зудлик билан ҳибсга олинди. Ихтиёридин қалъасининг заҳ ҳужраларида шу кунлар гумон билан шу ишга дахли бор дейилганлар қамалиб ётарди. Поянда Султон беканинг тақдири қоронфи бўлиши кундай равшанлашиб қолган эди. Абу Саъид Мирзонинг қизи, Поянда Султон беканинг опаси Шаҳрбону Бегим, Ҳусайн Мирзо Ҳиротни олганидан кўп ўтмай, унинг никоҳига киритилган эди. Гўшангада муносабатлар ришта боғлар-боғламас, Ёдгор Мирзо тасаллути юз бериб, шунча сарсонликлар юзланган эди. Шаҳрбону Бегим илтижоси билан Поянда Султон бека ҳибсдан чиқарилди. Аммо душманликни Поянда Султон бека воситасида ниқоблашга уринган, аслида, туркманлар билан тил топишган амир Али Жалойир қатл қилинди. Суриштирилганда маълум бўлдики, унинг ўғли туркманларга қўшилиб, қочиб кетган экан. Кўп йиллар Темурийлар хонадонларига садоқатли бўлиб келган бошқа амирлар ҳам интиқом қўли етиб бормай, ўзга юртларга бош олиб кетди. Кўплари Мовароуннаҳрга, айримлари Қандаҳорга, Ироққа жўнаб, шармисорликдан Ҳиротда туролмади.

Ҳусайн Бойқаро Мирзо худо ёрлақаган подшоҳ эди. Ёдгор Мирзо, Шоҳруҳ Мирзо тахтига умид боғлаган туркман жаҳонгирларининг сўнгги восита-ю қуроли бўлганидек, марҳум ҳукмдор Абу Саъид Мирзо хонадони ва тарафдорларининг ҳам охирги умиди бўлган эди. Аллоҳ таолонинг айтгани ижобат экан, иншооллоҳ, на туркманларнинг ва на Абу Саъидзодаларнинг мақсади, хоҳиши амалга ошмади. Ҳусайн Мирзо ақл-у тадбир билан, ёнида Алишербек сингари садоқатли дўст-у жонкуярларининг борлиги, фидойилиги сабаб, Ҳирот тахтини иккинчи сафар ишғол эта олди. Бу галги музafferият омонат бўлмасдан, бардавом ва мустаҳкам, салтанатида ҳамжиҳатлик қарор топиб, давлат байроби мағрур ҳилпирай бошлади.

\* \* \*

Тарихий кечмиш акс-садосини авлодларга муҳрлаб кетган муаррих шундай ёзган эди:

«Шоҳ Абулғозий Мирзо Султон Ҳусайн баҳодир қайтадан Хурросон салтанати тахтини эгаллаб, кучли душман умиди ниҳолини илдизидан қўпориб ташлагач, подшоҳона лутф-марҳамат эшикларини олам аҳдининг умид юзига очгач, барча раиятга нисбатан турли-туман марҳаматлар-у хилма-хил риоят ва иноятлар буюрди, ҳар кимнинг

ўз қадр-мартабасига муносиб дилжүйлик кўрсатди. Раият туркманлар замонида ва ундан аввал воқеъ бўлган зулм ўқи азобидан диллари изтиробда эканлиги туфайли, ҳазрат Султон Ҳусайнинг бандалари томонидан бўлган мутолиботни (зарурат чоралари – муал.) авло деб билган эдилар. Мирзо Султон Ҳусайн раиятнинг ожизлик ва ҳорғинлигини тушунганилиги сабабли, адолат намуналарини кўрсатиш билан раият қўрқинчига таскин берди.

Эртаси куни қози Қутбиддин Аҳмад ал-Имомий ва мавлоно Муиззиддин Шайх Ҳусайн ан-Нақвийни чақиртирди ва уларга буюрди: «бу навбат хотиримизга шундай қарор ўрнашди ва бу қарор устида раббоний қўллов нурлари порладики, барча ҳолда ҳам а д о л а т э ш и к л а р и о ч и қ бўлсин, ҳаволот ва таҳмилот жиҳатидан раиятга мутлақо заҳмат етмасин, улар ҳамма вақт бизнинг давлатимиз ҳумо қуши соясида форигбол ва тартибли аҳволда бўлсинлар, ҳозир шошилинч равишида ҳукм қилдик: шаҳар ва будукларда ва бошқа вилоятларда икки йил давомида раиятни бағоят заҳматда қолдирб келган хирожий маблағлар ва лашкар зари олмасинлар, асло ва қатъиян лашкар ва хирож жиҳатидан дахл қилмасинлар, чунки биз буни тушуниб туриб, бағишиладик».

Кузнинг айни ҳосил жам қилинадиган (шу йили Хурросонда экин экилмай қолганлиги ҳақида Ёдгор Мирзо ёзганларини эслайлик) вақтида, элнинг можаролар туфайли, қашшоқликка қўшни келиб қолганлигини қўриб-билиб, тушуниб туриб қабул қилинган бу фармони олийнинг қиммати бўлакча бўлган, Хурросон диёрида, раиятлар кўнглида қаноат, эрганги кунга ишонч тудирган эди.

Ҳусайн Бойқаронинг подшоҳона жўмардлиги шунда бўлган эдик, ҳеч бир замонда қозикалон подшоҳ амири фармонини ўзи жарсолиб, фуқароларга тарғиб қилмаган, етказмаган. Ҳусайн Мирзо, қози ва хос кишиларни чорлаб, фуқаролар олиқ-солиқлари тўғрисидаги фармони мазмун-моҳиятини ш а х с а н қози жанобларининг ўзи халқа тушунтиришини амр қиласди:

«Сўнг онҳазрат (Ҳусайн Мирзо – муал.) қози жанобларига, гарчи у кишининг жарчилик қилиб, шаҳар атрофида айланиши ҳеч маҳал одатта кирмаган бўлса ҳам, мавлавий (Шайх ан-Нақвий – муал.) жаноблари билан биргаликда жар солиб, шаҳар айланишини ва барча раиятни бу олий инъом башоратидан огоҳ қилишни буюрди. Қози жаноблари ва мавлавий буйруққа амал қилдилар. Раият бу башорат этишиши билан шодлик фулгуласини осмонга етказди ва онҳазрат давлатининг давом этиши дуосини кайвон айвонида ўтказди».

Бу кўҳна мозийда минглаб ҳукмдорлар ўтган. Ҳақиқатпарварлари, адолатли ва элсевар бўлганлари ҳам оз эмас. Амир Темур мулку маъвосини шердек ҳимоя қилиши билан элини, раиятини неча марталаб олиқ-солиқлардан озод қилган. Инсоф билан айтганда, фуқа-

ролардан асосий солиқ турларидан бўлган хирожни бекор қилиш, бу ҳақда қози ва муazzам мартабали амаддорларни жарчиликка қўйиши, эл-у ҳалққа фармон моҳиятини тушунтиришга жалб этиш Ҳусайн Мирзога қадар деярли кузатилмайди. Ҳусайн Мирзо бунга онгли равишда, бутун масъулиятни ҳис қилган ҳолда ёндашган. Раият ҳам бу ташаббусни жон-дили билан қўллаб-қувватлаган. Шоҳ ва эл вобасталиги, ҳокимииятнинг ҳалққа яқинлашуви илк қадами ана шу тариқа қўйилган эди. Бу қадам, сўзсиз, хайрли бўлган, бардавомлик, тараққиёт ва барокат тамал тошини қўйган эди.

Фармони олий, Ёдгор Мирзо мағлуб этилган куннинг эртасига, сафар ойининг йигирма бешида (22 август 1470), чоршанба куни эълон этилганди. Эртасига, пайшанбада Ҳусайн Мирзо Ҳиротга яқин Гозургоҳ мавзесини бориб кўриш, зиёрат қилишга отланди. Шу куни бутун Ҳирот ва унга ёндош қишлоқлар аҳолиси Ҳиротнинг Конигили бўлган Гозургоҳ даласига чорланди. Бу ерда улуғ тўйу ҳашам қилинди. Ўттиз бош от, уч юз бош қўй сўйилди, дошқозонлар тўлдирилиб, ошлар дамланди, шўрвалар қайнатилди, жизлар тортилди. Дастурхонлар мева-чевадан, ширмойи нонлардан, қанд-у қурс, наввотлардан сероб-у тўкин бўлди.

Давлат-у тахт, тож-у иқбол шукронаси учун эл олдидан ўтиб, унга тортилган таомлар, берилган назр-у ниёзлар, Аллоҳ таоло даргоҳига аталган хайрия эҳсонлари хотиржамлик ва ўзаро ишонч пойдевори бўлди. Шоҳ элидан, раият эса, подшоҳидан ризо ва мамнун, кўнгилларда ҳеч бир қадар қолмаганди.

Ҳусайн Мирзо Боги Зоғонда, тахтгоҳда фаолият олиб бораради. Интизом диққат-эътибордан тушмас, ўзига нисбатан қаттиққўл, кўп қатори эканлиги ақидасида маҳкам турарди. Шайхулислом Шайх Ҳусайн Гозургоҳдан қайтилган кун эртасига девонга чақирилди. Шариат билимдони билан сухбатлашиш давомида Ҳусайн Мирзо унга:

«Доруссалтана Ҳиротни шаҳид бўлган баҳтли Султон Абу Саъид замонидаги дастур бўйича идора қилмоқ лозим. Агар шахсан менга, биродар ё фарзандимга нисбатан шаръий иш қўзғалгудек бўлса, уни ижро этиш кечикирилмаслиги керак. Мен ўзим барча ҳолларда мадад ва муованатни (ёрдам бериш – муал.) бажо келтираман. Агар мавлавий жаноблари совуққонлик ва орқага суришга йўл қўйгудек бўлсалар, аниқ билсингларки, ҳумоюн хотиримизга қарши иш тутган бўладилар», дея таъкид билан айтди.

Олдинроқ кетиб айтсам, ҳозирги пайтда, «қонун ҳамма учун бир», деган калимани кўп такрорлаймиз. Лекин сўз бошқа, амал бошқа эканлигини қўришга тўғри келиб туради. Ҳусайн Мирзонинг фуқаролик туйғуси юксак бўлганлигига қойил қолмай бўлмайди. Бирор-бир жиноий ҳолат содир бўлгудек бўлса, подшоҳ сифатида ўзини, фарзандларини, яқинларини шариат аҳкомлари асосида жазолашни

кечиктирмаслик, мабодо, юз-хотир қилинса, жазо пайсалга солинса, подшоҳга, яъни ўзига қарши иш тутилган бўлишини уқдириш – унгача бўлган бирон-бир салтанат соҳиби амалиётида кузатилмайди. Шу ўринда, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бир шаҳодатини зикр этиш жоиз туюлди. «Бир қатла бир ўғли (Ҳусайн Бойқаронинг – муал.) бир кишини ўлтурган учун қонлиқдариға (яъни хун эвазига) топшуруб, дорулқазога юборди». «Бобурнома»да тилга олинган бу далил, фикр юритилаётган 1470 йил августидан сўнг анча йиллар кейин содир бўлганлигини тахайюлга олиш мумкин.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз умрининг йигирма уч йилини Ҳусайн Мирзо ҳаётлигига кечирган, у билан бирор марта учрашмаган бўлса-да, феъли атворини, подшоҳлик сиёғини, фаолиятини эшитган, ўрганганд, Ҳиротда бўлган пайтида, суриштириб-сўраб, билган. Бу хуносани Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ўз сўзларига таяниб, айтишга жазм қилаётиман. «Аввал таҳт олғонда хаёли бор экандурким, дувоздаҳ (ўн икки) имомни хутбада ўқитғай. Алишербек ва баъзилар манъ қилибтурлар. Сўнгралар худ жамиъ иш – кучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эди», дейди у. Одинданд айтилдики, Ҳирот таҳти мұяссар бўлганда, жомеъ масжидларида шиййлик ибодати амалга ошган ва норозилклар юзага қалқкан эди, деб. Бобур Мирзо, кўрамизки, ўша пайтда шиййликнинг кун тартибига чиқарилишида Ҳусайн Мирзонинг майли ва изни бўлганлигини очиқ айтади. Унинг, кейинчалик, бутун умри давомида суннийлик мазҳабига оғишмай риоя қилишида, Алишербекнинг ўрни эътироф этилади.

Ҳусайн Мирзо яхши сұхбатдош, шириңсұхан, хушхулқ киши бўлганлигини Бобур Мирзо алоҳида таъкидлайди. Хулқида ва гапида баъзи жузъий ўзгаришлар, табиийки, кейинчалик ичишга ружу қўйганлиги оқибати эди. Аммо «Баъзи мұомалотга шаъни бисёр риоят қилур эди». Бошқача айтганда, давлатни бошқаришда, асосан, шариат аҳкомларига қаттиқ риоя қилган. Ҳусайн Мирзо, «Шужоъ ва мадона киши эди. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн Мирзоча қилич чопмиш бўлғай. Табъи назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси «Ҳусайн» эди», дея таърифлайди Бобур Мирзо.

Хуросон мамлакати иккинчи бор Ҳусайн Мирзо ихтиёрига ўтгач, олий девон ишлари тартибга олинади. Низомулмулк ал-Хавофий вазири аъзам мартабасига кўтарилади. Дўсти учун қўлга қилич тутган, Ёдгор Мирзони ётоғида қўлга олган, тож-у таҳтни муқаррар қилишга шахсан ҳисса қўшган Алишербекнинг мартабаси оширилиб, вазирлик лавозимига қўйилади.

Ёдгор Мирзо орадан кўтарилгандан кейин Ҳусайн Мирзога тож-у таҳт даъвосида талаб солиб келадиган Темурийзодалар ҳам, туркман сардорлари ҳам бўлмади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу ҳақда,

«Боги Зоғонда Ёдгор Мұхаммад Мирзо ичиб ётиб әди, олди. Үшул олғон била Хурасонни тұхтатти», дейдіки, ҳақ гапни топиб айтади. 1447 йылдан то 1470 йилга қадар тож-у тахт талашларидан, босқиндардан тинчимаган Хурасон ва унинг пойтахти доруссалтана Ҳирот-га йигирма уч йылдан кейин забардаст подшоҳ ва мустаҳкам осо-йиш насиб этган әди. Бунинг самарағы чорак асрдан ошиб кеттеган тинчлик, әл-у улус равнақи, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат-нинг бемисл юксалишида ўз ифодасини намойиш қылған әди.

\* \* \*

Хусайн Мирзо Хурасонда 1470 йил 24 март (21 август 1470) күнидан 1506 йил 4 майға (хижрий 911 йил 11 рамазон) қадар ҳукм сурған, ўттыз олти йил тахтда ўтирган, довруқди, улуғ подшоҳ бўлди. Улугбек Мирзодан кейин Алоуддавла ва Абу Саъид Мирзолар, оралиқда кечган Темурий шоҳдар туттган салтанат йилларининг жами йигирма уч йил тақрибида бўлса, Хусайн Мирзо улар даври давронидан ўн уч йил ортиқ бошидан тожни туширмади. Ўттыз олти йил давлатни бошқариш, салтанат тизгинини қўлда тутиб туриш осон эмас. Подшоҳнинг бир неклиги, амир-у умаролардан бир калла ба-ландлиги бўлмаса, унинг ҳокимиияти узоққа бормайди, ҳар сонияда пойини қирқувчилар, тахт панасида, пистирмада турувчилар кўп бўлади. Шу неклик, узоқни кўра билмоқдик, адолатпешалик, кечи-римлилик, муруват, саховат, миллат туйғуси сингари кўп олижаноб хусусиятлар унда тажассум топган, ақлида, феълида, саъй-ҳаракат ва амалиётида уйғунлашган әди.

Бардавом салтанатнинг миридан-сиригача талқин этилса, эҳтимол, неча жилдлик китоблар битилган бўлур әди. Муҳтарам ўқувчи ни Хусайн Мирзо шахси билан таништира боришининг афзал усули, чамамда, ўша давр манбаларида келтирилган айрим воқеаларни, тамаддун ва муборизлик, одамгарчиликка доир лавҳаларни эслатиб ўтишда деб билдим. Хусайн Мирзонинг давлат ва оила бошлиғи, шоирлик фазилатларини қайта тўқиши эмас, тарихий-бадиий манбаларда тарқоқ тарзда зикр этилган маълумотларни, ҳикоятларни, далилларни жамлаш ва ўрни билан келтириш мақбул бўлади, деган ўйда тўхталдим. Хусайн Мирзо шахсини улуғлаш, мақташ ёхуд қусурларини бўрттириш мумкиндири. Заҳириддин Мұхаммад Бобур Мирзо шундай қилиб ҳам кўрган. «Қирқ йилга ёвуқким, – деб ёзади у «Бобурнома»да, – Хурасонда подшоҳ әди, ҳеч кун йўқ әдиким, намоз пешиндан сўнг ичмагай, vale ҳаргиз сабуҳий қилмас әди, ўғлонлари ва жамиъ сипоҳига ва шаҳрига бу ҳол әди. Ифрат (ҳаддан ошиб – муал.) била айш ва фисқ қилурлар әди».

«Бобурнома»да кишини ажаблантирадиган яна бундай танқид ҳам ўрин олган: «Девон ҳам тартиб қилиб әди. Туркий айтур әди.

Тахаллуси «Хусайнний» эди. Баъзи байтлари ёмон эмасдур, vale Мирзонинг девони тамом бир вазнададур, бовужудким, ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуғ подшоҳ эди, кичиклардек қўчқор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди». Темурий подшоҳларда ҳаётсеварлик кучли бўлган. Яшашдан завқланиш, айш-у ишратга ружу қилиш уларнинг аксариятига хос. Бу ҳол мамлакати ва миллатидан қатъи назар, подшоҳман, хонман, қиролман, императорман, деган валломатнинг қайси биридан топиб бўлмас хусусият эди?! Шахсан мен Хусайн Мирзонинг завқ-у сафосини инкор этмайман ва унинг юқорида айтилганчалик, ичишга қунузи муккасидан кетишига, аркони давлати, бутун Ҳирот шахри майхўрликка берилиб қолганлигига ишонгим келмайди. Хусайн Мирзонинг девон тузган шоир эканлиги таъкидланиб, бутун бошли ғазалиёти, ашъоридан баъзи байтларигина яхши эканлиги алоҳида уқдирилади. Бу баҳса кимга ишониш мумкин? «Мажолоси ун-нафоис»да Хусайн Мирзо ижодига алоҳида боб очган, назмиётини юқори баҳолаган Алишер Навоийгами ёинки танқидий фикрини бирорта мисол келтирмасдан бирвараракай айтиб қўя қолган Заҳириддин Муҳаммад Бобургами?! Яхшиямки, бугунги кунда Хусайн Мирзонинг шеърияти, адабий мероси намуналари нашр этилган. Ўқувчи мутолаа қилиш асносида бу фикрлар хилма-хиллигига бефарқ бўлмайди, деган умиддаман. Мавзу доирасидан чиқиб, бу хусусда жиндай фикр билдиришга тўғри келди. Хусайн Мирзо адабий мероси, шоирлик салоҳияти бошқа, алоҳида тадқиқни талаб қиласи ва адабиётшунослик бунга қодир.

Хусайн Мирзонинг юқорида зикр этилган саъй-ҳаракатлари, халқона, одилона фармонлар қабул қилиши подшоҳлик фаолиятининг дастлабки ўн йиллигига, айниқса, изчил ва самарали бўлганлигини тасаввур қилишгина эмас, далиллар воситасида англаб етиш иложи бор. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу давр фаолиятига баҳо бериб, Хусайн Мирзо, «аввал таҳт олғон маҳалда олти-етти йил тоиб (тавба қилувчи, ичкилиқдан кечувчи) эди», деб ёзади. Таҳт учун курашган йилларида, ғариблик қозонини осган маҳалларида – қозоқликларида майу шароб доимий йўлдош бўлганлитини англаш мумкин. Абулхайрхон саройини ичкилиқ мубоҳасасида қойил қолдирган Хусайн Мирзо Ҳирот таҳтига чиқиб, тарки одат қилган эди. Чунки айш-у ишрат мавриди эмас, туркманлар Ёдгор Мирзо сиймосида уни орадан кўтаришга шай туради. Алишербек сингари яқин дўстлари Хусайн Мирзо қарашлари ва ўзини тутиши ибратли бўлишида ҳозир-у нозир, яхшиликка буришга тайёр эдилар. Ёдгор Мирзонинг Ҳиротни эгаллаб олиши Хусайн Мирзонинг нафсониятига теккан, иккинчи марта Боги Зоғонда ўрнашишнинг аччиқ сабоқлари ҳаётий дорилфунун бўлган эди.

Қабул қилинган фармонлар раиятнинг кўнглини кўтарган эди. Ҳусайн Бойқаро давлати сарҳадлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кўрсатганидек, «Хурросон вилояти эди, шарқи Балх, фарби Бистом ва Домғон, шимоли Хоразм, жануби Қандаҳор ва Сеистон, чун Ҳиридек (Ҳирот – муал.) шаҳр илгига тушти. Жаҳонгирлиқ ва лашкаркашилик ранж ва таабни (машаққат) тортмади, ложарам (чорасиз), борғон сайи навкар ва вилояти кам бўлди ва ортмади».

Мухтасар тарзда «Бобурнома»дан ўрин олган сўзларда жуда катта маъно қамралганигини пайқаш қийин эмас. Ҳусайн Мирзо, Хурросон тахти тасарруфига ноил бўлганидан сўнг ўзидан олдин кечган Темурийзодаларга ўхшаб, эришган давлати билан кифояланмасдан, ўзга мулкларни босиб олишга жиддий ҳаракат қилмади. Унда тахтигирлик бўлди-ю, жаҳонгирликни орзу қилмади. Шу сабабдан, Амир Темур даврида эмас, ҳатто, Шоҳруҳ Мирзо замонида қўлда бўлган ҳудудлар тобеълик доирасига кирмай қолди. Муҳими, Мовароуннаҳр билан Хурросон муносабатлари марказлашган салтанат доирасидан чиқиб, алоҳида подшоҳликлар тусини одди. Ҳусайн Мирзо Самарқанд даъвосини қилмади. Абу Саъид Мирзо ўғиллари бошқарувидағи Мовароуннаҳр идорасини, ҳатто, хаёлига ҳам келтирмади. Ўйлашимча, унинг бунга қурби етарди. Тахт олгунича бўлган ўн беш йиллик курашлар, ўта оғир машаққатлар, айниқса, Ёдгор Мирзонинг хуружи уни Хурросон ва Ҳирот билан чекланишга, узоқ масофа-ларга қўшин тортиб, яна бир фитнага йўлиқмасликка даъват қилгандек туюлади.

Ҳусайн Мирзо ҳокимиятининг дастлабки йилларида фаровонлик, ободонлик ва маданий тараққиётга бутун диққат-эътиборини қаратди. Бу ишга аркони давлатини жалб этди. Чўлларни ўзлаштириш, сув чиқариш, бор-роғлар бунёд этишга аҳамият берди. Қозоқлик йилларида у Хурросон, Озарбайжон, Хоразм, Самарқанддан то Дашиби Қипчоққа қадар бўлган ҳудудларни қадамлаб, от туёғи устида кезиб чиқсан эди. Қаерни обод қилиш, экинзорларга айлантириш, ризқ-рўзни кўпайтириш манбаи бўладиган ерларни жуда яхши биларди. Унинг кўп умри Хоразм воҳасида ўтганлиги туфайлидан ҳам, биринчи азми қарори шу юртни обод қилишга мойил бўлган эди. Муарриҳ Фиёсиiddин Хондамир «Макорим ул-аҳлоқ» китобида бу ҳақда ҳикоят келтирган. Унда шундай дейилади:

«Бир сафар Соҳибқирон Султоннинг (Ҳусайн Бойқаро – муал.) муборак қўнглига Хоразм вилоятини обод қилиш фикри келиб, Хурросон аҳолисидан уч минг оилани у ерга кўчириш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган фармон чиқарди. Бу фармонга кўра, ушбу уч минг оила ўша вилоятда жойлашиб, у ерни обод этиш ва дехқончилик қилишга куч-ғайрат сарфламоқликлари лозим эди.

Ҳамиша унга омад ва ғалаба ёр бўлган Амирнинг (Алишер Навоий – муал.) нурли назари бу ҳолатга тушгач, Хоразм вилоятига жўнати-

лиши керак бўлган одамларнинг аҳволига раҳми келиб, Соҳибқирон Султонга шундай арз қилди:

– Аъло ҳазратнинг бу ишдан қўзда тутган мақсадлари ислом мамлакатини обод қилиш ҳамда инсонларнинг турли тоифалари моддий фаровонлигини ошириш бўлса-да, аммо ҳозир ўрганиб қолган ватан ва одатланиб қолган маскандан айрилиш мусулмонларга парокандалик ва саргардонлик кўринишидаги кўп қийинчиликлар олиб келади. Бундан ташқари, у ерга ушбу гуруҳ одамларнинг бориб яшай бошлиши билангина у вилоятнинг обод бўлиш-бўлмаслиги маълум эмас. Аъло ҳазратнинг шоҳдарга хос бўлган юмшоқ кўнгилликлари ва меҳрибончиликларидан қилинган умид шуки, ушбу фармондан қайтсалар. Чунки азалий Зот бўлган худо Хоразмнинг обод бўлишини истайдиган бўлса, у вилоят бирор киши ўз ватанидан узоқлашиб, сарсон-саргардон бўлмаса ҳам обод бўлаверади.

Соҳибқирон Султон бошида бу сўзларни маъқуллаш қулоғи билан тингламади. Раҳмдилликни ўзига одат қилиб олган бу Амир (Алишербек – муал.) бу сўзларини ўн марта такрорлаб, уни бу фикрдан қайтишини қаттиқ туриб, сўраган бўлса-да, фойда бермади. Бироқ бошқа бир сафар журъат қилиб, шундай деди:

– Аъло ҳазратнинг чиқарган муборак фармонига мувофиқ камина ҳар бир муҳим масала борасидаги ўз вақтида билдириладиган фикримни тўққиз мартагача қайта-қайта айтишга ҳақли бўлганлигимдан келиб чиқсан ҳолда, халқни Хоразмга кўчириш масаласи тўғрисидаги фикримни тўққиз марта маълум қилдим, бироқ натижা бермади. Ҳатто, ундан ошириб, ўнинчи марта ҳам бу ишнинг олдини олиш учун Сизга бош оғриғи бўлдим, лекин илтимосимнинг бажарилишига эришолмадим. Энди, илтимосимни яна бир марта такрорлайман ва умид қиласманки, бу гал илтимосни бажо келтирасиз.

Адолат йўлидан юрувчи подшоҳ шундай жавоб берди:

– Мен Сизнинг кундан-кунга қудрати ошиб бораётган давлатнинг манфаатларини ўйлаб, бу масалада қаттиқ туриб олганингизни биламан. Бироқ салтанат тонги ёришмасидан олдин ўша ўлканинг ободонлиги учун саъй-ҳаракат ва куч-ғайрат сарфлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганлигим сабабли, бу ишни амалга ошириш фикридан бутунлай воз кечолмайман. Энди, Сизнинг маъқуллашингиз билан ўша уч минг оиланинг учдан икки қисмига тегмаслик, уларнинг учдан бир қисмидан ортиғига у томонга кўчиш мажбуриятини қўймаслик, яъни олдин айтилган ўша уч минг оиладан фақат учдан бирини Хоразмга кўчириш тўғрисида фармон бердим».

Ҳирот аҳолиси Алишербекни озурда-безор қилиб, кўчув фармонини бекор қилишни сўраганди. Ҳусайн Мирзо Хоразмни обод қилишини ҳали шу воҳада сарсон юрган кезларида режалаштирган, тахтга эришишига ўша пайтлардаёқ қаттиқ ишонган, ободончилик режа-

ларини ўйлаб қўйганди. Бу қарордан қайтиш, шу сабабли, иложизиз эди. Алишербекдан бошқа бирорта одам, у вазири аъзамми ёки Музafferfar барлосга ўхшаган, вақтида Ҳусайн Мирзога хизматини ўтказиб қўйган бекми, бундан қатъи назар, шоҳни ўзга ечимга кўндира олмасди. Режасини, Алишербекнинг қанчалик ўтинчларидан кейин шунда ҳам икки минг оилани Хоразмга кўчирмаслик, яъни Алишербек ва эл фойдасига б6 фоиз даражасида ижобий ҳал қилиши жуда кўп нарсани англатади. Англатганда ҳам, Ҳусайн Мирзонинг давлат раҳбарлиги йўлидаги событқадамлигини, умумманфаати бобидаги қатъиятини событ этади.

\* \* \*

Сарой ҳаётини эшитиб эмас, ичида араласиб, кўриб, яхши биладиган, Алишербек билан мулоқотда бўлган Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ» китобида шундай бир ҳикоят келтиради:

«Султон Ҳусайн Мирзонинг бир амири бор эди. Қозоқлик даврида чўл-у биёбонларда соядек ҳар қадамда уни қўриқлаб, офтоб пайти соя шамёна сифат унинг тепасида сарв қоматини соябон қиласди. Уни амир Жаҳонгир барлос дейишарди. Мирzonинг жаҳонни ёритувчи подшоҳлик офтоби ҳашамат ва азаматлик осмонида кўрингач, унинг бетолеъ юлдузи Уторуд сингари офтоб нурлари остида оташ иссифи изтиробида қолиб кетди. Нихоят даражада хор-у зор, беэътибор бўлиб қолди. Ҳеч ким бу сирдан хабар топмади, хотира бармоғини бу мушкул ишни ҳал этиш учун босмади. Бу бадбаҳтиларнинг ҳаммаси учун у амир Алишерга нисбатан ёмон муносабатлар қилиб юрди, Мирни (яъни Алишер Навоийни – муал.) ҳақорат қилишгacha борди. Ҳазрати Мир буларни унтиб, унинг гуноҳини кечириб юрди. Шу алфозда йиллар ўтди.

Бир куни Султон Ҳусайн Мирзо амир Алишер билан хилватда ўтириб, ҳар бобдан сұхбат қуарди. Мирзо ҳикмат дуржини очиб, амир Алишердан сўради:

– Ҳалойик фақирнинг ҳаққида не сўз айтурлар?

Амир Алишер жавоб бериб:

– Сизни дод-у аддада, лутф-у карамда, саховат-у шижоатда, баҳодирлиг-у диловарликда ягона билишур, – деди.

Мирзо сўради:

– Менинг мақсадим, менинг фийбатимда, айбларим ҳақида ҳалқ не демоқда, шуни эшитмоқдур?!

Амир Алишер деди:

– Кеча келаётсам, бир болохонадан овоз келди. Секин яқинлаб эшитсам, бир киши шундай демоқда эди: «Султон Ҳусайн Мирzonинг ҳамма қилиғи, ахлоқи жойида, кўнгилдагидек беназир одам. Аммо аҳволи пешонасида бемурувватлик, ҳақиқатсизлик ёзилган. Ўзининг

эски хизматкорларини ва қулларини, йиллар давомида унга итоат камарини жон белига боғлаб, қуллик юзини елкасига қўйганларни инояти назаридан узоқдаштириб, уларни оёқ остига ташлади...» Мен бир кишидан унинг кимлигини сўрадим. Унинг номи амир Жаҳонгир барлос экан. Мен анча муддат ўз умрим нақдини сарфлаб хизмат қилдим. Ҳозир аҳволим шундайки, ундан баттарини тасаввур қилиб бўлмайди, дебди.

Мирзонинг бу гапни эшитиб, авзойи ўзгарди. Кейин деди:

– Маҳдум, сиз билмайсизми, у қанақа одам, мен унга бир оз эътибор кўрсатсан, такаббур бошини Сурайё авжига етказиб, ҳар куни бир кишини ўлдириб юрмасмикан?

Алишербек айтдилар:

– Сиз тўғри айтдингиз. Аммо халқ буни тушунмайди. Унга риоят қилганингиз, тарбиялаганингиз тузук. Агар қийинчиликлар курасида вужуди нақди зангларидан тозаланган бўлса, нима қилинса ҳам арзиди.

Мирзо деди:

– Унинг ишини сизнинг олий ихтиёргизга топшираман.

Мир уйга келиб, бир кишини амир Жаҳонгирга жўнатди, бўлган гапларни унга айтгин, деди. Айтишларича, у соқолини тутамлаб, юзига ўзи бир шапалоқ туширибди ва «эй, дариг, амир Алишернинг қадрини билмай юрар эканмиз, унга шунча нохушликлар етказдик. У бўлса, бизга шунча лутф-у эҳсон ҳозирлаб юрган экан», дебди. У дарров Мирнинг уйига келиб, узр сўрабди.

Ҳазрати Мир деди:

– Олий ҳазрат хоқон Сизнинг ихтиёргизни менга топширди, Сиз нима дейсиз?

У курсандчилик изҳор қилди. Мир деди:

– Биз Сиз учун Хурсоннинг йирик қасабаларидан Туршизни бермоқчимиз. Туғ ва ногоралар билан Сизни у томон жўнатамиз, Сиз у ерларнинг подшоҳи бўласиз.

Илгари такаббурлик ва ҳурматсизлик кўрсатиб юрган амир Жаҳонгир минг бор узр-у тавозе қилди. Тезда Мир уни катта дабдаба, туғ-у ногора, мулоғим-у навкарлар билан ўша вилоятга ҳоким қилиб жўнатди.

Лекин у ёрнинг халқи саркаш ва такаббур эди. Кўпинча улар ўз ҳокими ёки доруғасини, у ўзидан кетадиган бўлса, подшоҳ руҳсатисиз йўқотишарди. Амир Жаҳонгир бу ерга келиши билан бир неча бузуқилар тўдасики, уларни чуғул дер эдилар, унинг ҳузурига тўпланиб, фитна қўзғатиб, ёмон қилиқлар ўргата бошлидилар. Иш шунгача бориб етдики, халқ мол-у жонига қўл узатадиган, хотин-у фарзандлари номусига тегадиган бўлди.

Амир Алишер ёнига бир тўда одамлар келди. У, ўйлаб қараса, амир Жаҳонгирнинг иши уни қатл этиш ёки йўқотишга сабаб бўлолмайди. Мир келган одамларга:

– Сизлар доим ўзбошимчалик, фитна ва нохушлик қилиб юрасиз, ҳоким-у доругаларингиз билан келишолмайсиз. Энди сизларнинг адабларингизни берадиган вақт келди, – деб қўрқитиб, подшоҳга арзга боришга йўл қўймай, қайтариб жўнатди.

Амир Алишернинг ҳимоясига эътимод қилган амир Жаҳонгир арзга келганлардан учта оқсоқолни қатл қиласиди. Туршиз халқи қора кийиб, икки юзга яқин киши Жаҳоноро чорбоги эшигига тўпланишди, фифон-у нола чекдилар.

Хусайн Мирзо ҳарам ичкарисидан туриб, буларнинг дод-фарёдидан хавотирланиб сўради:

– Нима гап, уларнинг фулгуласи боиси недур?

Унга жавоб беришди:

– Туршиз аҳди амир Жаҳонгир дастидан арзга келибди.

Хусайн Бойқаро амир Алишерни чақиртириб, таъна қилибди:

– Тарбия қилганингиз устидан дод деб келганларнинг додига етинг! Шариат буйруғига амал қилмоқ лозим.

Барча хатоларни, жиноятларни ҳисобга олиб, амир Жаҳонгирни қатл этиш тўғрисида Туршиз халқи вакилларига нишон ёзиб берилди. Улар бориб, ҳокимларини олиб ташладилар ва тошбўрон қилиб ўлдирдилар».

Ўқувчи бу ҳикоят билан танишар экан, Хусайн Мирзо давлат тизимида ходимларнинг танланиши, ҳокимлик ва бўлак масъул вазифаларга қўйилиши ҳақида маълум тасаввур ҳосил қила олади.

\* \* \*

Мирзо Султон Ҳусайннинг Мир Ҳожи Баковул деган яқин мулоzими бор эди. У жуда чақон, сўзи ширали, бир зумда шоҳ олдида дастурхонни муҳайё қиласар, баковул деса, чинакамига баковул эди. У подшоҳнинг ишончига шу қадар кирди, ҳарамга тахтиравонда бориб келадиган бўлиб қодди. Бир куни Алишербек саройга бориб, дарвозага қадам қўйса, ёнидан тахтиравонни қўттарган кишилар ўтиб, муҳофа ичидан бир товуш чиқди:

– Маҳдум, бугун сизнинг мулоzимларингиз ҳазрати Мирзо олдида ажойиб гапларни айтишди.

Бу гап айтилди-ю, Алишербек билан салом-алик йўқ, тахтиравон ичидаги кас тўхтамай ўтиб кетди. Алишербекнинг, табиийки, бу луқмадан ичи қизиб, нима гаплигини билиш учун тахтиравонга эргашди. Сабаби, шу пайтда «подшоҳнинг Алишербекдан кўнгли со-вибди» қабилидаги гап-сўзлар оёқлаб қолган эди.

– Мир Ҳожи Баковул, – деди Алишербек бир неча қадам босиб, – бирпас тўхтанг?!

Тахтиравондан овоз эшитилди:

– Маъзур тутинг, Мирим, подшоҳ мени бир зарур иш билан жўнатдилар, шошиб турибман.

Алишербек тахтиравон орқасидан йигирма қадамча эргашиб борди-да, мулзам тортиб, саройга кириб кетди.

Ҳусайн Мирзо, одатдагидай, Алишербекни мулозамат билан қарши олди. Шоҳнинг чеҳраси очик, ҳол-аҳвол сўради. Суҳбатлари қизиди. Алишербек фаросат билан ўзи ўйлагани – тахмин қилгани гина-кудуратдан асар ҳам сезмади. Гурунг анча чўзилиб, Ҳусайн Мирзо ёнидан чиққан Алишербек, сарой йўлакларида вазир-у вузароларга дуч келди. Улардан атай Ҳусайн Мирзонинг кайфиятини сўради. Улар:

– Мирзо бугун Сизни яхши гаплар билан эсладилар, – дейишиди, – ҳеч бир надим бундайин иззат-у ҳурмат билан ёд қилинмайди, Алишербек!

Алишербек боя Мир Ҳожи Баковул уни лақиллатмоқчи бўлганини сезиб, роса койинди. У нега бундай қилди, ўзини катта олди? Алишербек ўйлаб кўрса, Мир Ҳожи Баковул ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйиш, ҳатто Ҳусайн Мирзонинг яқин дўсти ҳам унга муомала қилишга мажбур эканлигини кўпчилик олдида намойиш қилиш пайида бўлган экан. Бу қилиқ Алишербекка малол келди ва хафа бўлди. Орадан бир йил ўтди. Бир куни намоз вақти эди, Алишербек подшоҳнинг ёнига келди. Одатда, Алишербек бу маҳалда масжидда бўларди. Ҳусайн Мирзо ажабланиб сўради:

– Қаердан келяпсиз? – деди қизиқсиниб. – Чеҳрангизда ташвиш губори бордек?!

– Дарвешали шоҳ ҳузурига борган эдим, – жавоб қилди Алишербек, – қайтаётсам, Ферузобод дарвозасига яқинлашган ҳам эдимики, дарвоза ичкарисидан ғала-ғовур эшитилди. Гумон қилдимки, мулоzимларингиздан бўлса керак, деб. Шу пайт бир тўда йигитлар арабий тулпорларга миниб келиб қолдилар. Бундай гўзал йигитларни шаҳримизда кўрмаганман. Улар ортидан «ҳай-хуй»лаб келаётган кишилар кўринди. Ясовуллар одамларни четга сура бошлади. «Тарриқуво» (йўл бўшатинг) дейишиб, йўл очардилар. Мен ўзимни бир четга олдим-да, уларни кузата бошладим. Қимматбаҳо гавҳар-у ёқутлар билан безатилган тахтиравонда амир Мир Ҳожи Пир Баковул пайдо бўлди. Унинг товланишидан оламни ёритувчи қуёш ҳам хира тортарди. Пахтагуллик жомаси чўнтағ-у ёқалари зарбофт, гавҳар қадаб, безатилганди. Бошида минг баҳияли шафтоли гулли тақия қийшайтириб қўйилган, қўлида қўк дастрўмол, аргувоний таёқ ушлаганди. Тахтиравонни тўрт ёш йигит елкасига кўтариб олган эди-

ки, улар оразидан ойу офтоб рашки келарди. Тахтиравон олдида ўн чоғли йигит тилло, нүқра ва чиний май идишларини күтариб олиш ганди. Құлларыда лаъл, феруза, забаржад ва ёқут пиёлалар. Тахтиравон ҳар беш-олти қадам юрганда Баковул бир пиёла чой ичиб, газагига ҳалиги йигитчалардан бирини бўса қиласарди. Фоят хушҳол бўлдик. Худога шукур, подшоҳ мулозимлари Кайковус-у Афросиёб, Хисрави Парвез, Баҳром-у улуғ сultonлар ва эҳтиромли хоқонлар муяссар бўлмаган нашъ-у намода юрибдилар.

Хусайн Мирзо бу гапларни эшиштар экан, хижил аҳволга тушди, ҳайрон бўлди ва Алишербекнинг ҳузуридан кетишини кута бошлиди. У чиқиб кетиши билан сабрсизликда Бекина, Жонақ, Бўдана ва Абу Шихналарни ҳузурига чақирирди. Бу тўрталасини Ҳиротда азоб малойиклари дейишарди. Хусайн Мирзо уларга:

– Тезликда Мир Ҳожи Баковулнинг уйига бориб, уни бутун қарин дош-уруги билан талон-торож қилинг. Бирор нарсасини қодирманглар, – деди.

Подшоҳ мулозими бўлиб, талтайиб кетган, босар-тусарини билмай қолган, Алишербек сингари амир-у таниқли кишиларни писанд қилмай, мазах қилишгача бориб етган Баковулнинг таноби тортилиб, мусанниф айтганидек, «Бир соат ичида Мир Ҳожининг хонадони юлдузлари ер билан яксон қилинди. Уни саодат авжидан күтариб олиб, хорлик тупроғига қориштирилар».

Хусайн Бойқаро давлатни идора қилишда Алишербек сингари ҳалол, тўғрисўз, тамкинликни шиор қилиб олган, нафс-у ҳирсни ёқтирамайдиган умаролар гапини тинглаган, маслаҳатларига амал қилган. Бу фазилат унинг мўътадил сиёsat олиб боришига, адолат сўқмоғидан оғмаслигига, ҳақиқат ойинига амал қилишига ва пировард натижада, узоқ йиллар тождор бўлиб, умргузаронлик нисобига тамал тошлари бўлган.

\* \* \*

«Бадоев ул-вақоев»да Ҳусайн Мирзонинг адл ва танти, шинаванда подшоҳ эканлигини далолат этувчи қизиқ ҳикоятлар кўп. Улардан яна бирининг мазмунини шарҳлаш жоиз кўринди. Бу – муфрадлик, паҳлавонликда якка-ю ягоналик ва унинг оқибатлари ҳақида воқеий, бўлиб ўтган кураш, баҳслар тафсилотидир. Ҳиротда муфрадлар – ҳозирги истилоҳ билан таърифлайдиган бўлсам, қоидасиз олишувлар, муборизликнинг уюштирувчиси ва ҳомийси Дарвеш Аҳмад деган киши бўлган. У Ҳижоз сафарига, чамаси, Ҳаж зиёратига бориб қайтади. Бағдод шаҳридан Мурфад исмли бир қаландарни ҳам бирга олиб келади. У жуда келбати зўр, хушқомат, хушрўй киши бўлган. Босига учи учмоқ, дубулға шаклидаги қалпоқ кияр, устида етмиш ямоқ солинган тўни бўларди. Мурфад қаландарнинг ичига кумуш қуйилган

таёғи бор эдики, шариат мани ўлчовида оғирлиги уч манъ келарди. Манъ оғирлик ўлчови ҳар жойда ҳар хил қабул қилинган. Самарқанд мани, масалан, 8 пуд бўлса, Табризда 3 кило оғирлик бир манъ саналган. Мурфад қаландарнинг ичига кумуш эритиб қўйилган таёғини ўртача 10-12 кило оғирлиқда деб олайлик, борингки, 9 кило ҳам бўла қолсин. Бу оддий таёқ эмас, кураш тушадиган қурол ҳам эди.

Бир куни у Ҳирот хиёбони бошига келиб:

– Ҳиротнинг беш дарвозаси ва тўққиз булуғининг (қишлоғининг) паҳлавонлари, ятим (йирик, ягона) наҳангларини курашга чақираман, – дея айюҳаннос солди, – шу чўпимга ким келса, агарчи Рустами Достон, Соми Наримон ва Исфандиёр-у Рўйинтан бўлса ҳам, у билан жанг қиласман!

Ўзи ўзига жар солди-ю, дарахт соясида ўтириб, талабгорини кута бошлади. Шу кунлар унинг ҳарифи топилмади. Бу овоза Ҳусайн Мирзога ҳам етиб борди ва йигитлигидан чавгон-у қўчкор, хўroz уриштириш, от пойгалари ва бўлак мусобақаларга суяги йўқ подшоҳ унга қизиқиб қолиб, ҳузурига чақиритирди.

– Номинг нима, эй, паҳлавон? – деб сўради.

Мурфад қаландар тиз чўкиб:

– Шоҳим, шаҳриёrim, – деди фоят ширали овозда, – фалак Мурфади қўлида Каҳкашондек тобланган ятимона чўби бор экан, фалакнинг тўққиз булути паҳлавонларини ўзи олдида паст деб билар экан, сидра дарахтидек улуғ мартабангиз саройи дабони қўлидаги таёқ сulton-у хоқонлар бошида сингай, рубъи маскун паҳлавонлари хизматингиз қуллиғида бўлгай!

Ҳусайн Мирзога унинг фасоҳати ва балофати ёқиб, ҳайратга тушди. Мурфадни яқинига чақирди ва унинг учли қалпоғига қўлини қўйиб:

– Мардана бўл, – деди илжайиб, – бизнинг ҳимматимиз сен томонда бўлгай!

Мурфаднинг ўзини тутиши, билиб сўзлаши, иззат-икроми Ҳусайн Мирзога маъқул тушган эди. Ҳиротнинг ўзини зўр-у номдор чоғлаб юрган, бебошлиқдан тоймайдиган тўдалари орасида шов-шувлар, ғала-ғовурулар оёқлай бошлади. Айниқса, подшоҳнинг Мурфадни қабул қилганлиги уларга алам қилиб кетган эди.

Сарой аламдорининг бир ўғли бўлиб, у ҳам кучли паҳлавон, забардастликда унга ҳамма тан берарди. Гиж-гижлашлар ҳаддидан ошиб, уни Мурфад билан жанг қилишга тезладилар. У ҳам бунга қўнди. Дарвеш Аҳмад икки паҳлавон кураш жангига ҳақида подшоҳга маълум қилди. Ҳусайн Мирзо ўғиллари билан чортокдан жой олганди. Набираси Мўмин Мирзо ҳам шу ерда, ўз чортогида тенгқурлари билан жангни кутиб ўтиради.

Мурфад ва Аламдорнинг ўғли мисли икки маст шер каби ёинки муаррих айтганидек, икки қутирган фил каби маърака ўртасига

чиқиб келганида, ҳаммаёқ сув сепилгандек, тиниб қолди. Аламдорнинг ўғли чаққонлик билан таёгини кўтарди-да, Мурфаднинг бошини мўлжал қилиб урди. Таёқ бошга яқинлашганда Мурфад полвон шундай эпчиллик қилдики, таёқ ерга зарб билан санчилиди. Аламдорнинг ўғли ерга ярим газча суқилиб қолган таёгини суғуриб олмоқчи бўлганида, Мурфад бунга имкон бермай, таёгини унинг тепасида силкиди-да, жафига ҳавола қилди. Аламдорнинг ўғли оёфи осмондан бўлиб, ерга ағдарилди.

Хусайн Мирзо шу заҳотиёқ ўрнидан туриб кетиб, бир табоқ олтин тангани Мурфад полвон бошидан сочиб юборди. Ҳалойиқ бақириқ-чақириқ билан ғолибни қутлай кетди. Шу ғолибона олишувдан кейин Мурфаднинг донғи ва овозаси бутун Хурсонга ёйиди. Аламдор ўғлининг мағлубияти кимларгадир акс таъсир қилган эди. Ферузобод дарвозаси яқинида бир паҳлавон бўлиб, уни Ҳайдар Тийргар деб атардилар. Унинг кучи ҳам, жаҳли, авбошлиги ҳам таърифи эди. Кўпгина паҳлавонлар унинг ўзидан эмас, ханжар-у пичогидан қўрқишинар эди. Олишадиган калтагига ҳам тифлар қадаб олганди. Боғи Зоғондаги мусобақадан кейин паҳлавонлар уни паноҳ тутиб, Мурфад билан курашмоққа пишонг бердилар. У эса, буларни тинглаб туриб:

– Бундан менинг номусимга зиён етади, – деди фўддайган ҳолда,  
– келиб-келиб, қаландар билан жанг қилибди, дейишмайдиларми?!

Келганлар яна уни ўртага олиб:

– Ҳозир Ҳирот паҳлавонларининг номуси елга совурилди, – дедилар қуйиб-пишиб, – қайтариб олиш қўлингдан келса, ўзингни кўрсат, шаввоз!

Хуллас, Ҳайдар Тийргарни Мурфад билан курашга рози қилдилар.

Яқин йиллар ичида Ҳиротда, подшоҳлик мавқеида бундай номдор кураш баҳслари бўлган эмасди. Бош ишқибоз Ҳусайн Мирзо эди. Подшоҳ Мурфад ва Ҳайдар Тийргар олишувига тайёргарлик кўрилиши ва мусобақа куни Ҳиротнинг барча атоқли паҳлавонлари жам бўлишини тайин қилди.

Бу жанг олдингисидан-да шиддатли, аёвсиз кечди. Ҳайдар Тийргар таёгининг бир учи Мурфаднинг танасига яқин келса борми, тифлар уни иккига бўлиб юбориши кундай аниқ эди. Мурфадга жуда қийин бўлди. Ниҳоят, у ўзининг кучи ва эпчиллигини, ҳимояланана олиш санъатини охиригача сақлашга куч ва ирода топа олди. Ҳайдар Тийргар калтагини ўнглагуничча бўлмай, унинг кифтига ичига кумуш қўйилган зилдай таёқ зарб билан урилди. Ҳайдар Тийргар чўккалаб қолди. Мурфад бир амаллаб туриб, яна калтакбозликка тушган рақибининг бели ва кифтига тўрт марта урди. Ҳайдарда таёқ ушлашга-да мажол қолмади. У ўзини бир навъи тутиб, ерга санчилиб қолган шамширдек тебраниб турарди.

Мурфад олтинчи зарбга таёкни ҳавола қилиш чоғида Ҳайдарнинг бошини мўлжалга олди. Олишувни кузатиб ўтирган Ҳусайн Мирзо бирдан ўйлади, магар бу таёқ Ҳайдарнинг калласига келиб тушса, ундан ном-нишон қолмайди. Шу заҳоти ўрнидан иргиб турди-да, овози борича ҳайқирди:

– Ҳой, Мурфад! Бас, таёкни тушир, урма!

Таёкни елкадан ошириб кўтарган кўйида, подшоҳнинг овозини эшишиб, Мурфад жойида айланди-да, таёфини наридаги чинор дарахтига зарб билан отиб юборди. Зарб шунчалик қаттиқ эди, таёкнинг ярмигача чинор танасига ботиб кирди. Ҳовуридан тушган Мурфадни Ҳусайн Мирзо ёнига чақириб, қутлади ва:

– Ҳайдар ҳақида нима дейсан? – деб сўради.

Мурфад шундай жавоб қилди:

– Шоҳим! Тоат тепасида инсоф билан айтар эканлар. Инсоф шуки, агар мен урган шу таёқларнинг бири менга теккудек бўлса, йиқилиб, маҳшар тонгигача ўрнимдан туролмасдим. Паҳлавон Ҳайдар – олам паҳлавонидир.

Жавоб подшоҳга жуда мақбул тушди. Унинг устига тилло тугмали заррин тўн ёпиљди ва беш минг танга кепакий динор тухфа қилинди. Ҳайдар Тийргарнинг фидойилиги ҳам худди шундай тақдирланди.

\* \* \*

Подшоҳнинг адолати, умум ишларига бўлган иштироки ва муносабати эл наздида муҳрланиб бораркан. Ҳусайн Мирзонинг Шарқ мамлакатларида кенг амалда бўлган муборизликка қизиқиши, унинг тараққийсига ҳисса қўшиши, бу бобда маҳаллийчиликдан жаҳоншумуллик даражасига кўтарилиши, кучига, маҳоратига, жанг санъатига, маданиятига, одамийлик сифатларига эътибор бериши паҳлавонларни илҳомлантирган эди. Бағдоддан келган, миллати араб бўлган Мурфадни у худди шу фазилатлари учун ёқтириб қолган ва ҳимоясига олган эди.

Ҳиротда ҳам жисмонан зўр, атоқли курашчилар кўп эди. Ҳайдар Тийргар ва Аламдорнинг ўғли енгулувини шоҳ тўғри қабул қилгани ҳолда, айримларда маҳаллийчилик, ўч олиш қутқуси ҳам йўқ эмасди. Ҳирот шаҳрининг бир четида Амир Халил деган бир амирзода бор эди. Вақтида у ҳамشاҳар паҳлавонларни яккама-якка курашларда курагини ерга тегдирган, қўл жангларида баридан устун чиққан эди. Бони Зоғонда, ҳовуз бўйида бўлган жангнинг тафсилотини эшилди-да, Мурфад билан олишгиси, кучини кўрсатиб қўйги-си келиб, ётолмади. Охири, талаб солиб, саройга келди ва Ҳусайн Мирзога дуч бўлди.

– Мен Сизнинг Мурфадингиз билан жанг қиласман, – деди у шоҳга.

Ҳусайн Мирзо вазирларига, жам бўлган умарога қараб кулиб юборди. Мириқиб, хандон отиб кулгач:

– Эй, мубориз! Менда Мурфад йўқ, Мурфад бор, – деб паҳдавон қусурини тўғрилади, – жанг қиласиган бўлсанг, ҳарифинг отини тўғри билиб олгин!

Мурфад полвон ҳам мулоқотга чақириб келинди. Ҳусайн Мирзо унга қараб:

– Жаноби саййидзода Мир Халил сен билан жанг қилмоқчи, – деди, – ўзинг нима дейсан?

Мурфад шундай жавоб қилди:

– Шоҳим! Бо оли Али ҳарки дарафтод – барафтад (Али насаби билан кимки жанг қилмоқчи бўлса, йитиб кетган), у хонадон итлари билан жанг қилишни менга ким қўйибди?!

Саййидзода Амир Халил чидаб туролмади-да, Мурфадга:

– Эй, қаландар, бекорчи гапларни қўй, – дея ўшқирди, – баҳона излама, мана, мен билан жанг қил!

Ҳусайн Мирзога нигоҳ солиб, шоҳнинг илтифотини ҳис қилган Мурфад:

– Эй, саййид, истасангиз, бошим-у кўзимни чоғлаб уринг, – деди амирга тикилиб туриб, – чарчаганингизча ёки кучингиз етганича уриб бўлинг. Кейин эса, мен жанг бошлайман!

Жанг келишувида бир тўхтамга келдилар-да, паҳдавонлар тарқалишиди. Бофи Зоғондан сал узоқлашиб, боф деворларига етишганларида Амир Халил ва унинг ёнидаги шогирд полвонлари Мурфадни ўртага олиб, ўраб, ҳар бири пичноқ билан унга ташланди. Бир зумда Мурфаднинг ўн саккиз жойига ханжар ва пичноқ ботирдилар. Амир Халил ва ҳамроҳлари ерга чўзилиб қолган паҳдавонни ташлаб қочишига тушди. Хизматкорлар югуриб келганда, Мурфад зўрға нафас оларди. Воқеа хабари Ҳусайн Мирзога етказилди. Ҳусайн Мирзо пиққалиш дарагини эшитиш билан амирларига ҳукм қилди:

– Амир Халилни қаерда кўрсангиз, ҳеч кимдан сўраб ўтирамай, отиб ўлдиринг!

Номардлик қилган саййидзодани тарафкашлари яширдилар. Ҳусайн Мирзо Мурфадни саройга, ўз ҳузурига олиб келтирди. Барча жарроҳлар фармони олийга биноан йигилиб келди. Ҳусайн Мирзо уларга ташвишланиб:

– Агар шу паҳдавонни даволай олсангизлар, нима муродларингиз бўлса, ҳосил қилурман, хазинамдан сизлар учун инъом муюссар бўлғуси, – деди.

Муаррих бу воқеани ҳикоя қиласар экан, жарроҳларнинг суиқасд қилинган Мурфад жароҳатларини обдан текшириб, шоҳга, «даволашнинг иложи бор», дейишганини айтади. Даволаш асносида шу нарса маълум бўладики, урилган пичноқлардан бири ичакни кесиб ўтган экан. Жарроҳлар, «бунинг иложи йўқ, ичакни тикиб бўлмайди», деб аросатда қолади. Шунда Ҳусайн Мирзо:

- Устод Шайх Ҳусайн жарроҳни топиб келинглар, – деда буюрди.
- Шоҳим, устод бемор ётибди, – деда жарроҳлардан бири.

Ҳусайн Мирзо қисталанг қилди, Шайх Ҳусайнга тахтиравон юборилиб, олиб келинди. Хасталиги билиниб турган жарроҳга Ҳусайн Мирзо:

– Эй, устод! Агар шу одамни даволасангиз, – деда, – нима мурод-у мақсадингиз бўлса, бажарурман!

Шайх Ҳусайн тезда ишга киришди. Жарроҳ суварак мўрчасидан (Сулаймон мўрчаси, от қорин чумоли) бир қанчасини топиб келиши ни сўради. Дарров ҳозир қилдилар. Жарроҳ кесилган ичакнинг икки учини бир-бирига улаб, мўрча оғзини ичаклар уланган жойига тутди. Мўрча ярага ниш уриб, тишлаган заҳоти унинг бошини кесдилар. Бошқасини унинг ёнидан шундай қўйиб, калласидан жудо қилавердилар. Шу йўл билан кесилган ичак атрофини тикиб чиқдилар ва қоринга солиб, уни тикиб қўйдилар. Кейин эса, даволашга киришдилар. Қирқ кун ичида, дейди муаррих, Мурфад оёққа турди, соғайди.

Мурфаднинг кучли инсон бўлганлигига қойил қолмай илож йуқ. Унинг хулқи ва инсонийлиги, эҳтимол, кучидан юз, минг баробар зўрроқ бўлгандир, деган хаёлга бораман. Сабаби, Мурфад соғайиши ва тўшакдан туриши ҳамон, Ҳусайн Мирзодан Амир Халилга шафоат қилишни, унинг гуноҳидан ўтишни сўрайди. Шоҳнинг ўзи ҳам бу мард баҳодирга ҳавасланиб, Амир Халилнинг гуноҳини афв қилиш ҳукмини имзолайди. Иноятномада Амир Халилнинг афу этилганлиги ва подшоҳ ҳузурига қўрқмай келавериши қайд этилади. Амир Халил бу бағрикенгликни, кечиримни кутмаганидан довдираф қолган эди. Ўзини қўлга олдида Боги Зоғонга қадам қўйди. Шоҳ олдига ийманиб, хижилликда бош эгиб кирди.

– Агар сени Мурфад билан яраштириб қўйсам нима дейсан, – деда подшоҳ.

– Шоҳим, – деда каловланиб қолган Амир Халил, – мен билан Мурфад ўртамиизда жант бўлмагунча, бизнинг ярашганимизнинг қарори ва эътибори бўлмайди.

Суҳбатда Мурфад ҳозир эди. Ҳусайн Мирзо бу жавобни эшитиб, паҳлавонга қаради, «Сен нима дейсан?» – деб сўради.

– Мен қўлимдан келгунча адаб юзасидан ва бу кишининг ҳурмати мулоҳазасида бўлдим, – деда Мурфад, – қараб турсам, кўрган, билганимиздек, энди ҳеч бир монелигим қолмади.

Жавоб Мурфаднинг курашга тайёр эканлигини билдиради. Кураш куни белгиланди. Жанг майдони, одатдагидай, Боги Зоғонда эмас, Боги Шамол чорбогида муқаррар бўлди. Амир Халил ташаббусни қўлга олиб, қўлидаги заранг таёфи билан Мурфадга ҳамла қилди. Унинг зарбалари кўз очирмай қўяётган бўлса-да, рақиб бошига мўлжалланган зарбалар нишонга тегмас, рад жавоби ҳозирланарди.

Амир Халил толиқа бошлади. Мурфад ҳам ўз калтагини унга ҳавола қилди. Амир Халил ҳам, таёқни таёқ билан қайтарди. Шу захоти Мурфад зарбга чап бериб, Амир Халилнинг оёғини кўзлаб урди. Амир Халил энгашиб қолди, унинг оёғи суяклари пўсти ичидан майдаланиб кетган эди. Энгашган кўйи тиз чўкиб қолган Амир Халил ўрнидан турди ва синган оёғини қимирлатиб кўрди. Синиқ суяклари пўст ичидан тўпиқقا ўхшаб, саночи ичидан кўринди. Йифилган одамларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Ҳусайн Мирзо ўрнидан туриб, Амир Халил ёнига борди-да, амирлардан бирига буюрди, тезда устод Зайнобиддин шикастабандни (суяк терувчи жарроҳ) олиб келдилар.

«Бадоэъ ул-вақоءъ»да келтирилган бу воқеа мисли эртакка ўхшайди. Лекин бу тўқилган ривоят эмас, тарихан юз берган ҳодиса эди. Жарроҳ Зайнобиддин ҳам тарихий шахс, ўз даврининг моҳир жарроҳи эди. Ҳусайн Бойқаро ҳарамидаги хотинлардан бирининг тос суяги чиққан вақтида у ўз даволаш ҳунарининг моҳирлардан моҳири эканлигини кўрсатган эди. Аёл зотига қўл тегдириш иложсиз бўлганидан, табиб шунда ўйлаб қолган ва чора топганди. Ўшанда каттакон бир ҳўқизни ивитилган нон билан уч кун боқишишган ва сув беришмагандилар. Уч кун ўтгач, ҳўқиз белига кўрпача-ю ёстиқ қўйиб, ўша суяги чиққан хотин миндирилган ва оёқлари бир-бирига ҳўқиз қорни остидан боғлаб қўйилганди. Шундан сўнг каттакон тоғорага сув тўлдириб, ҳўқиз олдига қўйилганди. Жонивор уч кун сув ичмаган эмасми, сувни симириб, борган сари қорни кўтарила бошлаган. Шу лаҳзаларнинг бирида «қирс» этган товуш эшитилиб, суякнинг ўрнига тушгани маълум бўлган эди. Ҳусайн Мирзо жарроҳнинг билағонлигига, маҳоратига қойил қолиб, кўп инъомлар берган, ҳурмат қилиб юради.

Бу кун эса, Амир Халил оёғидан жароҳат олди, жарроҳлар, оёқни қаттиқ лат еган, суяклар пора-пора бўлиб, майдаланиб кетган, бирдан-бир йўли уни кесиб ташлаш, деган ташхисда турибдилар. Подшоҳ жарроҳга юзланиб, деди:

– Бу сайдизода беақллик қилди. Манави қаландар билан жанг қилиб, ўз оёғини ишдан чиқарди, жарроҳ, энди шуни тузатиш лозим?!

Жарроҳ Зайнобиддин Ҳусайн Мирзога таъзим қилиб, қўлини кўк-сига қўйди ва ишга киришди. У айтганидек қилиб, ердан тизза бўйи чуқурча қазидилар. Ганч келтирилди ва сувда қоридилар. Жарроҳ Амир Халилнинг оёғи кафтини чуқурга қўйиб, қўли билан суяк майдаларини ён-веридан айлантириб, териб чиқди. Синган қисмининг икки бўғинча келадиган жойига қадар ганч қоришмасини чаплади. Шундай қилиб, то тиззасигача ганч лойи билан қотирди. Уни ҳам қирқ кун даволашга тўғри келди. Тузалгач, оёғини ганчдан бўшатдилар, деб ёзган эди муаррих.

Борингки, бу воқеалар Ҳусайн Бойқаро салтанатининг охирроғида содир бўлган ҳам, дейлик. XV асрнинг сўнгларида тиббиётда эришилган бу ютуқларни кўз олдимиздан ўтказсак борми, жарроҳликнинг юксак мақоми бор бўйича англашилади. Мураккаб жарроҳдиклар, қорин бўшлигининг очилиши, ичакларнинг бир-бира га уланиши, тикилиши, майда-майда бўлиб кетган оёқ суюкларини жой-жойига қўйиб териш... Ҳозирда ҳам бундай натижаларга осон эришилмайди, чоғи?! Тиббиёт ўз йўлига. Одамийликни, подшоҳнинг инсоний юксак тушунчасини айтмай, бўладими? Бундай муборизлик жанглари бизга, ўша пайтларда ҳам, Овруподан кўчган бўлиши ёхуд аксинчасидир. Римда гладиаторлар курашини эсга олиб кўрайлик. Мағлуб ботирни томошабинлар қўлларининг бош бармоқларини пастга қилиб, «ўлим, ўлим», дея ҳукм қилишган. Енгилган гладиатор ғолиб томонидан ўлдирилган. Ҳусайн Мирзо-чи? Ўзи фидойилик кўрсатиб, паҳлавонларни ҳимоясига олишга, даволатишга, рағбатлантиришга интилган. Бу, табиийки, давлат бошлигининг ниҳоятда кўп қиррали фаолиятидан шингил, манбалар орқали етиб келган зарралари, холос. Ободончиликда бўлганидек, жисмоний маданият, бадиий мушоиралар, иқтисодий равнақ, илм-фан юксалиши каби қатор соҳаларда Ҳусайн Мирзонинг саъй-ҳаракатлари дикқатга лойик эди. Замондошлари, муаррихлар, тазкиранавислар ва унинг ҳақида алоҳида рисолалар ёзган шоир-у адилар бу ҳақда самимият илиа сўз юритганлар.

\* \* \*

«Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида Мирzonинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳирининг (Ҳирот – муал.) зеб-зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди», дейди Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Подшоҳ доно ва инсоф ойинида мустаҳкам бўлса, юрт ривож топади, аҳоли кўпаяди, ризқ-рўз ортади, неъматларнинг барчаси, сўзсиз, тинчлик ва оғият билан боғлиқ бўлади. Ҳусайн Мирзо таҳтга чиққанидан кейин Ёдгор Мирзо давлат тўнтаришига барҳам бергач, асосан тинч, мўътадил ҳокимият йўлини маҳкам ушлади. Ўша замон тақозосига кўра, бошқа юртларни босиб олишга уринмади, аксинча, Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтганидек, «борғон сайи навкар ва вилояти кам бўлди ва ортмади». Навкарлар – қўшининг кам сонли бўлиши хазинанинг ортиқча қоқданишига монелик қиласар, бу сарф-у харажатлар ободончилик ишларига йўналтирилар эди. Ёдгор Мирзонинг хуружини барҳам уриб, Ҳирот таҳтига иккинчи марта чиққанидан сўнг Ҳусайн Мирзо айтарли жанг-у жадалга куч сарфламади. Абу Саъид Мирзонинг ўғиллари Султон Маҳмуд ва туркманларни бошлаб келган Або Бакр ва Улуғбек Мирзоларни осонлик билан енгигб, Кобулни олишга муваффақ бўлган эди. Кейинчалик Кобул ҳам

унинг тасарруфидан чиққан эди. Ҳусайн Мирзонинг тож-у тахти бардавомлиги авж ва интиҳоси йилларида орттирган ташвишлари ва юришлари ички йўсинда бўлиб, ўз ўғиллари билан боғлиқ бўлди. Бу борада гурунг қилмоқ учун Ҳусайн Мирзонинг оиласий ҳаётига бирров назар ташлаш лозимати юзага қалқади.

Ҳусайн Мирзо олдинда тилга олинганидек, 1456-1457 йиллар орагифида Марвга, Темурийларга куёвлик ришталари билан боғланган, шу вилоят ҳокими Султон Санжарнинг қизи Бека Султон Бегимга уйланган эди. Султон Санжарнинг насаби XII асрда яшаган машҳур подшоҳ Султон Санжар Марвийга бориб тақалар эди. Ҳусайн Мирзонинг Султон Санжар қизи билан бўлган никоҳидан 1458 йилда Бадиуззамон Мирзо туғилади. Бека Султон Бегим эри ҳокимият учун олиб борган кураш йилларида кўп уқубатлар кўради. Абу Саъид Мирзо уни Астрободни босиб олган эри зиддига Ҳиротда, Ихтиёридин қалъасига қамаб кўяди. Ўртада иттифоқ пайдо бўлгач, Бегим Астрободга, Ҳусайн Мирзо ёнига жўнатилади. Заҳиридин Муҳаммад Бобур, Бека Султон Бегим ҳақида гапириб, «кўп кажхулқ эди. Султон Ҳусайн Мирзони кўп оғритур эди. Кажхулқлиғидин Мирзо батанг келди, охир қўйди ва халос бўлди, не қилсун, ҳақ Мирзо жониби эди. Тенгри ҳеч мусулмонга бу балони солмагай. Ёмон хўйлуқ, кажхулқ хотун илоҳий оламда қолмагай», деб ёзган эди. Назаримда, бу сўзларни бир оз юмшатиброқ ишлатиш тўғри кўринади. Бека Султон Бегим назокатли, билимли аёл эди. Авлоди шоҳлар сулоласидан бўлганлиги учун назокати ва иззатталаблиги тушунарли эди. Ҳусайн Мирзога оғир бўлган йилларда Бегим қийинчиликлардан қочмаган, барига чидаган эди. Ҳусайн Мирзо таҳтда мустаҳкамлана боргач, ҳаёт ва шароит вожиблиги сабаб, устма-уст уйланишларга, ишратпарастликка, ичкиликка ружу қўя бошлади. Ҳарамда Маҳди улё – биринчи малика маҳоми унга рутба, мартаба бўлиб туюлмаган, аксинча, ҳар бир кундош пайдо бўлганда Бека Султон Бегимнинг таъби тирриқ бўлиб, ўзини камситилган ҳисоблайдиган бўла борганди.

Бегим ўзини овутиш учун шаҳарнинг ичидаги мадраса қуришни бошлади. Мадраса битди ва унга ўғлининг номини бериб, «Бадиия» деб атади. Мирзо билан оралари совиб бориши 70-йилларнинг охирларида яққол бўлиб қолганди. Бегим тез жаҳл қиласидиган, ҳарамдаги маликаларни писанд қилмай қўйган, канизак ва жорияларни ҳар куни мулзам қиласиди. Муносабатлар тамомила дарз кетган эди. Марҳум подшоҳ Абу Саъид Мирзонинг икки қизи ва Хадича бегим исмли хотинини никоҳига олганидан сўнг ҳарам можаролари қизиди ва қучайди. Хадича Бегим Маҳди улёликка талабгор ва бунга ўзини ҳақли деб биларди. Бека Султон Бегим бир ўғил билан кифояланган бўлса, Хадича Бегим устма-уст иккита ўғил кўрганди. Шу бо-

исдан Ҳусайн Мирзога игнача гап жуволдиздай, тирноқча хато Кўҳи Қофдай қилиб маннатиларди.

Кайф-у сафо кунларнинг бирида Ҳусайн Мирзо кўз очиб қўргани, мاشаққатли пайтларда ҳамдами бўлган жуфти ҳалоли Бека Султон Бегимга талоқ айтди. Бека Султон Бегим кўп ранжлар чекди, тақдир ҳукмига кўнига олмади. Доғ-у ҳасратда Маҳди улёликни Хадича Бегимга қолдириб, 47 ёшида оламдан ўтди. Бегимни ўзи қурдирган Бадиия мадрасаси ҳовлисига дафн қилдилар. Бека Султон Бегим қазоси билан вобаста нақлар тўқилган. Бегим 1488 йилда вафот этган. Нақдда талқин этилишичча, Бека Султон оламдан қайтгандан, Ҳусайн Мирзо шикорда бўлган. Бу хабарни унга Алишербек етказади, шоирона мулоқотда нохуш дарак шундай ифодат этилади:

– Сарви гулнинг соясида сўлди гул, нетмоқ керак?

Зукко Ҳусайн Мирзо Бегимнинг бетобланиб юришини билганидан гап нимадалигини фаҳмлаб, дўсти Алишербекка:

– Сарвдин тобут ясад, гулдан кафан этмоқ керак, – дея жавоб айтади.

Нақлларда ҳам ҳақиқат уруғи борлигини инкор этиб бўлмайди. 1487 йилнинг қишида Ҳусайн Бойқаро ҳарами билан Марвда қишилаб турган эди. «Равзат ус-сафо» асарида бу ҳақда ишоратлар бор. Жумладан, 1487 йилда Ҳусайн Мирзо Марвда Алишербек билан учрашиб, уни Астробод ҳокимлигига, амир Мўғул ўрнига тайинлашини айтади. Ҳар ҳолда, Ҳиротдан подшоҳ йўқлови билан Марвга борган Алишер Навоий, айни вақтда, Бека Султоннинг оламдан ўтгани хабарини етказган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Гарчанд, подшоҳ ва собиқ малика ажралишган бўлса-да, уларни боғловчи ришта – ўғиллари Бадиуззамон борлигини, моддий таъминот узилиб қолмаганигини фараз қиласа бўлади.

Ҳусайн Мирзонинг мажбурият юзасидан олган хотини Абу Саъид Мирзонинг қизи Шаҳрибону Бегим бўлган эди. Бу никоҳ боиси Абу Саъид Мирзонинг ўғиллари Султон Аҳмад ва Маҳмуд Мирзолар ихтилофи бўлиб, улар Мовароуннаҳрга ўтиб, тинчлангач, Ҳиротдаги қариндош-уругларнинг йўриғи билан собиқ шоҳнинг қизига уйлашиш ризолиги бўлган эди. Бу никоҳ уч ойдан нари-бери давом этади, чунки шу орада Ҳиротни Ёдгор Мирзо эгаллаш ҳаракатига тушиб, «Чекмон уруши» favfosi бошланади. Одатда, ҳарбий сафар вақтларида ҳам подшоҳ ҳарами бирга бўлиши лозим эди. Шошилинчда Шаҳрибону Бегим муҳаффа – тахтиравонда эмас, отда бирга бориши керак эди. Шаҳрибону Бегим муҳаффадан тушиб, отга мингиси келмайди. Афтидан, у Ёдгор Мирзога амма бўлгани, уни орқа қилгани учун ҳам унинг келишини кутиб, шу ерда қолишни афзал билган бўлса керак. Ҳусайн Мирзога Шаҳрибонунинг тихирлигини айтишганда, жаҳд устида уни талоқ қилиб юборади.

Ёдгор Мирзо Хурросонни эгаллаб, Ҳиротда, Бори Зоғонда бир ой теграсида таҳтгоҳда ҳукм суриб, маст-у аластлиқда ҳокимиятдан ажраб қолганидан кейин унинг Ҳиротдаги тарафдорлари ва қўмакчилари бирин-кетин жазога тортилади. Шаҳрибону Бегимнинг синглиси Поянда Султон Бегим ҳам хиёнатда айбланиб, ҳибсга олинади. Орага Абу Саъид Мирзонинг хотини, Алоуддавла Мирзонинг қизи Руқия Бегим тушади. Поянда Султон Бегим қамоқдан озод этилади ва Ҳусайн Мирзо унга уйланади. Абу Саъид Мирзонинг бу қизи билан яхши турмуш барпо этилган. Ҳайдар Мирзо исмли ўғил ва Оқбегим, Кичик Бегим, Бека Бегим ва Оғо Бегим исмли фарзандларнинг онаси Поянда Султон Бегим эди.

Йилдан-йилга ҳарамдаги хотинлари сони ортиб борди. Озок бекларидан бирининг қизи Чўли Бегимни хоҳдаб, никоҳига олган эди. Бу никоҳдан Султоним Бегим отли қизалоқ туғилганди. Ҳусайн Мирзо ҳарамининг гултоҷи Ҳадича Бегим бўлганди. Ҳадича Бегим вақтида Абу Саъид Мирzonинг шаръий хотини эмас, фунчачиси эди. Фунчачи аёлнинг зиммасида, лугатларда қайд этилганидек, подшоҳга гўзал қизларни танлаб, ҳарамга киритиш вазифаси бўлган. Абу Саъид Мирзо Ҳадича Бегимдан Оқ Бегим деган бир қиз ҳам кўрган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай ёзади: «Ҳадича Бегим Ироқта Султон Абу Саъид Мирzonинг шикастидин сўнг Ҳирига келди. Ҳирида Султон Ҳусайн Мирзо оди ва севди, фунчалик мартабасидин бегимлик мартабасига тараққий қилди. Сўнгралар худ асру ихтиёр бўлуб эди. Муҳаммад Мўмин Мирзони анинг саъии била ўлтурдилар. Султон Ҳусайн Мирzonинг ўғлонлари ёғиқтилар, кўпраки мунинг жиҳатидин эди, ўзини оқила тутар эди, vale beaқд ва пургўй (эзма) хотун эди, рофизия (шиий) ҳам экандур. Шоҳфариб Мирзо била Музaffer Мирзо мундин туғиб эди». Ҳадича Бегим билан ҳали кейинларда яна дуч келамиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобур нима демоқчилигини қадрли китобхон сезиб турибди, чинакамига, очигини айтадиган бўлсан, Ҳусайн Мирзо салтанатининг заволишу, Ҳадича Бегим бўлган эди. Буни кечмиш тарих далолатлари событ этади. Насибки, бу талқинга ҳам етиб борармиз.

Мирzonинг шаръий хотинлари орасида Оғоқ Бегим ҳусни малоҳати, одоб-ахлоқи билан ажralиб турарди. Таассуфки, бу аёлдан ўғил-қиз туғилмади. Оғоқ Бегимнинг Попо Оғоча исмли синглиси бўлиб, унинг Ҳусайн Мирзодан фарзандлари кўп эди. Опаси унинг ўғлонларини ўз боласидек сақлаб, тарбият қиларди. Ҳусайн Мирзо хаста ётса, тумовлаб қолса, шу хотин ёнида ҳамиша парвона бўларди. Бобур Мирзо ҳам шуни назарда тутиб, «ҳарамларидан ҳеч ким мунча хизмат қила олмас эди», дейди. Оғоқ Бегим сўнгралар, Бобур Мирзо Ҳиндистонга борган йили Кобулга келган. Шу шаҳарда худо раҳматига борган.

Опа-сингилларга уйланиш одати Чингизхон тарихидан яхши маълум. Ҳусайн Мирзо шахсий ҳаётида ҳам бу ҳолни бир эмас, яна учратамиз. Офоқ Бегимнинг синглиси Попо Огоча ҳам ҳусни тараққийдаги, дуркун қиз бўлган. Попо Огоча беш ўғил, тўрт қиз туққан эди. Муҳаммад Масъум, Фарруҳ Ҳусайн, Иброҳим Ҳусайн, Ибни Ҳусайн Мирзо ва Муҳаммад Қосимлар онаси ана шу Попо Огоча эди. Бир муддат Қандаҳорда ҳоким бўлган Муҳаммад Масъум Мирзо отаси даврида оламдан кўз юмган эди. Иброҳим Ҳусайн ва Фарруҳ Ҳусайнлар ҳам эрта вафот этади. Иброҳим Ҳусайн шоир бўлиб, «тъби ёмон эмас» эди. Ҳусайн Мирзо бу аёлинни жуда яхши кўрган.

Ҳусайн Мирзонинг ҳарами таркибида Латиф Султон Огоча, Минглибий Огоча, Беги Султон Огоча исмли хотинлари ҳам бор эди. Бобур Мирзо, Латиф Султон Огочани «чоршанбиҳийлардан» деб кўрсатади. У, Абул Муҳсин ва Кепак Мирзо деган икки ўғил туққанди. Минглибий Оғонинг она авлоди Даشت ўзбекларидан бўлган, она томондан Шаҳрибону Бегимга қариндош эди. Бу хотиндан Абу Туроб, Муҳаммад Ҳусайн, Фаридун Ҳусайн Мирзо отли фарзандлар дунёга келган.

Тахмин қилиш мумкинки, Ҳусайн Мирзо эллик ёшига қадар, эҳтимол, 90-йилларда ҳам ҳарамини кўпайтира борган. Мундарижада Беги Султон Бегим ва Зубайдада Оға номлари ҳам зикр этилади. Заҳиридин Муҳаммад Бобур дейдики, «яна кичик-кирим фума, гунчачи бисёр эди. Хотунлардин ва гумалардин мўътабар булар эдиким, мазкур бўлди. Султон Ҳусайн Мирзодек улуф подшоҳ Ҳиридек ислом шаҳрининг подшоҳи бу ажабтурким, бу ўн тўрт ўғлидин уни валад уз-зино эмас эди. Фисқ ва фужр ўзида, ўғлонларида ва эл-улусида асру шойиъ эди. Ушбуларнинг шоматидин эдиким, мундоқ хонводадан етти-саккиз йилда бир Муҳаммад Замондин ўзга осор ва аломат қолмади». Йқтибоснинг кейинги жумлалари намоёни кейинроқда келади. Ҳозир эса, Ҳусайн Мирzonинг ўн тўрт ўғлидан учтаси никоҳсиз туғилганлигини айтиш жоиз.

Ҳусайн Мирzonинг қизлари ўн битта эди. «Бобурнома»да келтирилишича, тўнгич қиз Султон Бегим эди. Унинг онаси Озоқ бекларидан бирининг қизи Чўли Бегимдир. Бу қиз сўзга чечан бўлган, уни Ҳусайн Мирzonинг акаси Бойқаро Мирzonинг ўртанча ўғли Султон Вайс Мирзога узатишган. Султон Бегимнинг бир қиз, бир ўғли бўлган. Қизини Шайбоний султонлардан Йилибарснинг иниси Эсонқулига никоҳлашган. Ўғлининг оти Муҳаммад Султон эди, Заҳиридин Муҳаммад Бобур олдига борган ва Қануж вилояти ҳокимлигини унга берган. Султон Бегим Кобуддан Ҳиндистонга, Бобур Мирзо олдига набирасини олиб бораётганида Нилоб деган жойда вафот этади. Ҳокини Кобулга жўнатадилар, набираси эса, Бобур Мирзо паноҳига келади.

Абу Саъид Мирзонинг қизи Поянда Султон Бегим ҳам Ҳусайн Мирзодан тўртта қиз кўради. Улар Оқ Бегим, Кичик Бегим, Бека Бегим ва Оғо Бегимлар эди. Оқ Бегим Муҳаммад Қосим Арлотга турмушга узатилган эди. Оқ Бегимдан дунёга келган Қарокўз Бегимни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг укаси Носир Мирзо олган эди. Поянда Султон Бегимнинг иккинчи қизи исми Кичик Бегим бўлиб, унга Султон Масъуд Мирзонинг ишқи тушганда, Поянда Султон Бегим хушламаган ва Саъид Отанинг наслидан бўлган Хожа деган кишига берган эди. Учинчи қиз Бека Бегим ва синглиси Оғо Бегимни Робия Султон Бегимнинг ўғиллари Бобур Мирзо ва Султон Мурод Мирзолар никоҳларига олганлар.

Ҳусайн Мирзонинг Минглибий Оғадан икки қизи бор эди. Катта қизининг исми Байрам Султон эди. Бу қиздан Сайид Барака деган ўғил дунёга келган ва тож-у тахт қўйида Астрободга борганида қизилбошлар томонидан ўлдирилади. Иккинчи қизининг оти Фотима Султон эди. Бобур Мирзо, бу қиз «Темурбек наслидин, Ёдгор Мирзога берилган»лигини айтади. Бу, Ҳусайн Бойқарога қарши борган, ўлдирилган Ёдгор Муҳаммад ибн Султон Муҳаммад Мирзо эдими, айтиш муаммолироқ.

Никоҳдаги шаръий хотинларнинг энг серфарзанди Попо Огоча эди. Унинг ўғиллари қаторида, учта қизи ҳам вояга етганди. Қизларининг тўнгичи исми шарифаси Султон Нажод Бегим эди. Ҳусайн Мирзонинг акаси Бойқаро Мирзонинг кенжা ўғли Искандар Мирзонинг жуфти ҳалоли эди. Иккинчи қизи Бегим Султон бўлиб, кўзига мил тортилган Масъуд Мирзога узатилган эди. Улардан бир қиз, бир ўғил фарзанд таваллуд топган. Қизини Оғоқ Бегим ўз тарбиясига олган эди. Бу қиз вояга етиб, Ҳиротдан Кобулга, Бобур Мирзони паноҳ тутиб келади. Шу ерда Сайид Мирзо Оғоқча берилади.

Бегим Султон, кейинчалик, Масъуд Мирзони Шайбонийлар ўлдиригандан сўнг ўғли билан Маккага боради. Бобур Мирзонинг қайдига кўра, «Бобурнома» ёзилаётган XVI асрнинг йигирманчи йиллари охирларида, бу аёл ва ўғли Маккада эканлиги маълум бўлади. Учинчи қизи Андҳуд саййидларига турмушга чиққан. Ҳусайн Мирзонинг Зубайда Оғо деган гунчачисидан Ойша Султон отли қиз вужудга келади. Зубайда Оғо Ҳасан Шайх Темурнинг набираси бўларди. Бу қиз улғайиб, вояга етганда Шайбонийлардан Қосим Султонга никоҳданган эди. Бу никоҳдан Қосим Ҳусайн Султон исмли ўғил пайдо бўлади. Ҳусайн Мирзонинг бу набираси кейинчалик Ҳиндистонга, Бобур Мирзо мулозаматига боради. Бобур Мирзо Ҳинд сардори Роно Сангога қарши ҳужум қилганда Қосим Ҳусайн ҳам лашкарда бўлган. Хизматлари учун Бобур Мирзо унга Бадовун вилояти бошқарувини беради. Ойша Султоннинг эри Қосим Султон ўлгандан сўнг унинг уруғдошларидан Бўрон Султон унга уйланади. Бўрон Султон-

дан Абдулла Султон исмли фарзанд оламга келади. Абдулла Султон ҳам кейинлар Бобур Мирзо саройида бўлган, ёши кичик бўлса ҳам, Бобур Мирзо дейдики, «хизмати ёмон эмас».

Ҳусайн Мирзо ўғлонлари ва қизлари мажмуи йигирма беш нафарни ташкил этади. Уларнинг исми шарифларини келтириб ўтиш жоиз кўрилди:

Ҳусайн Мирзо қизлари:  
Султон Бегим  
Оқ Бегим  
Кичик Бегим  
Бека Бегим  
Оғо Бегим  
Байрам Султон  
Фотима Султон  
Султон Нажод Бегим  
Бегим Султон  
(«Бобурнома»да исми йўқ)  
Ойша Султон

Ҳусайн Мирзо ўғиллари:  
Бадиuzzамон Мирзо  
Шоҳ Фарид Мирзо  
Музаффар Мирзо  
Кепак Мирзо (Муҳаммад Муҳсин)  
Абу Туроб Мирзо  
Абулмуҳсин Мирзо  
Муҳаммад Ҳусайн  
Фаридун Ҳусайн  
Ҳайдар Мирзо  
Муҳаммад Маъсум Мирзо  
Фарруҳ Ҳусайн Мирзо  
Иброҳим Ҳусайн Мирзо  
Ибни Ҳусайн Мирзо  
Муҳаммад Қосим Мирзо

Кейинги пайтларда ёзилган айрим манбаларда Ҳусайн Мирзонинг олтинчи қизининг исми шарифаси Саодат Баҳт Бегим дейилиб, «Бегим Султон» лақаби билан шуҳратланганлиги айтилади. Бу қизнинг онаси Попо Оғоча эканлиги ҳам талқин қилинади. «Бобурнома»да Попо Оғочанинг Султон Нажод Бегим, Бегим Султон деган қизлари номма-ном айтилиб, учинчи қизи оти унутилади. Эҳтимол, учинчи қизнинг номи Саодат Баҳт Бегим бўлгандир. Яна шу манбаларда Ҳусайн Мирзонинг саккизинчи қизи Мунаввар Султон деб тилга

олинади. Ишончли ва таянч манба «Бобурнома»да бундай исмли қиз қайд этилмайди.

Замонлар кечиши билан, табиийки, жузъий жиҳатлар унутила боради. Гап исмлардаги бир-икки тафовутда эмас. Мұхими, Ҳусайн Бойқаронинг пири бадавлат подшоҳ бўлиб, серфарзанд ота бўлганлиги эътиборга лойиқ. Ўғил-у қиз бўлиб, йигирма беш нафарни ташкил этувчи фарзандлар, шубҳасиз, ота ва оналарнинг кўз нури, суюнч тоғлари, келажаги давомчилари бўлиши яхши ниятлар билан қуршалган бўлади. Гуруҳлаб, ҳатто, юзлаб фарзандлар вужудга келтирган шоҳ-у шаҳаншоҳларни, қиролларни, императорларни, хоқонларни хонларни биламиз. Ҳукмдорлар фарзандларига осон тутиб бўлмайди. Оналарнинг бошқа-бошқалиги уларнинг тарбиясига ҳам, жамият равишига ҳам ижобийликдан кўра, салбий таъсир қилишига мисоллар жуда кўп. Минг афсуски, Ҳусайн Мирзо зурриёдлари учун ҳам бу истисно эмас. Аҳиллик ўрнига тарқоқлик, иттифоқлик зиддига ёвлашув, маърифат раддига жаҳолат, ичкилик ва бўлак хулқий иллатларнинг устун туриши шаҳзодалар учун хос жиҳатлар эди.

Заҳириддин Бобур Мирзо уқдириб тилга олган, койиниши билан келтирган Ҳусайн Мирзонинг ўғилларидан учтаси никоҳсиз туғилганлиги, табиийки, ибратли эмас эди. Подшоҳ оиласида жисмонан майиб, букри болаларнинг туғилиши, тасаввур қилиш мумкинки, муттасил шаробхўрлик ёхуд она уругидаги иллатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин эди.

Тўнгич ўғил Бадиuzzамон Мирзо отанинг айни етилган, навқирионлик айёмида, ўн тўққиз ёшида туғилган эди. Шоҳ Фариб Мирзо – иккинчи ўғил. У, вақтида Абу Саъид Мирзонинг фунчачиси бўлган, Ҳиротни қўлга олган дастлабки пайтда никоҳга киритилган Хадиҷа Бегимдан туғилган эди. Хадиҷа Бегимнинг Абу Саъид Мирзодан Оқ Бегим отли бир қизи ҳам туғиланди. Хадиҷа Бегим Заҳириддин Мұҳаммад Бобур Мирzonинг таъкидлашича, «ўзини оқила тутар эди, vale бақл ва пургўй хотун эди». Хадиҷа Бегим кўркам қоматли, шаддод, ўз ҳуснидан кўнгли тўқ аёл бўлган. Шундай хотиндан Шоҳ Фариб Мирзо букри туғилган. Жисми майиб бўлса-да, таъби яхши эди, «Фарибий» тахаллуси билан шеърлар айтар, туркий ва форсий ашъоридан девон ҳам тартиб берганди. Йигирмадан ошиб-ошмай, вафот этиб кетади. Ундан бирон зурриёд қолмаган.

Хадиҷа Бегимнинг иккинчи ўғли Музаффар Мирзо эди. Ҳусайн Мирзо бу ўғлини яхши кўрган. Мисоли Юсуфнинг акалариdek, Ҳусайн Мирзонинг қолган ўғиллари Музаффар Мирзога бўлган рағбатдан нам тортиб, ёвлашганлар. Бобур Мирзо Ҳиротда бўлганида, Бадиuzzамон ва Музаффар Мирзоларни кўрган, сұхбатларида бўлган. Шу боисдан, Музаффар Мирзо ҳақида, «агарчи хили суйгудек ахлоқ ва афъоли йўқ эди», деган фикрни айтади.

Хусайн Мирзонинг ўғлонлари қилиқ ва тийнатларини тушуниш оғир. Абу Туроб Мирзо отасига қарши исён қилганда, интиқомдан қўрқиб, укаси Муҳаммад Хусайн Мирзо билан Ироқ томонга қочади. Ироқда сипоҳликдан воз кечиб, дарвешлик ридосини кияди. Бобур Мирзо унинг ҳақида кейин хабар бўлмаганини эслатиб кетади. Шаҳзодалар орасида бетайин, тутуриқсиз, қатъяти йўқдари ҳам учрарди. Муҳаммад Хусайн исмли ўғил акаси билан Ироққа қочганида, у Шоҳ Исмоилнинг нуфузи ортгандан сўнг унга ихлосманд бўлиб, шиййликни – рофизийликни қабул қиласди. Бобур Мирзо бу ҳақда ачиниш билан, «бовужудким, ота-оға-иниси сунний, бу мундоқ рофизий. Астрободда ўшал гумроҳлиқ ва батолат била ўлди».

Фаридун Хусайн Мирзо шижиоатли, жанговар шаҳзода эди. Шайбоний лашкари Қалот қалъасини олган пайтда, жанг майдонида ҳалок бўлади. Хусайн Мирзонинг Ҳайдар Мирзо исмли ўғли ҳам отаси ҳаётлигида вафот этади. Муҳаммад Маъсум Мирзо ҳам шу қисмат билан оламни тарк этади. Фаррух Хусайн ва Иброҳим Хусайнлар ҳам Хусайн Мирзо ҳаётлигида вафот этади. Иброҳим Мирзо ичкиликда отасини ҳам ортда қолдириб кетганди. Бобур Мирзо, «Ҳири чогирини ифрат била ича-ичаёқ, отаси замонида ўлди», дейди.

Фарзанд доғини кўриш ота-онага оғир. Бирин-кетин, йиллар давомида тенгқур шаҳзодаларнинг ҳаёт билан видолашуви Хусайн Мирзонинг мустаҳкам иродасини ҳам қайиштирмай қолмаган. Шоҳ Фарид, Абу Туроб, Муҳаммад Хусайн, Фаридун Хусайн, Ҳайдар, Муҳаммад Маъсум, Фаррух Хусайн, Иброҳим Хусайн Мирзолар Хусайн Мирзо кўз ўнгига йўқлик оламига равона бўлганлар. Саккиз ўғлоннинг мусибатини тасаввур қилиш оғир. Бу, подшоҳнинг, Бобур Мирзо айтганидек, ичкиликка янада ружу қилишга олиб келмадимикан?! Барҳаёт ўғиллар ҳам отанинг кўнглидан чиққан, деб бўлмайди.

\* \* \*

Салтанат ўз умароси, аркони давлати жамоаси ва савияси билан мустаҳкам бўлади. Мамлакатни идора қилиш, ҳукм юритиш вазирларнинг, амалдорларнинг, бекларнинг ишибилармонлиги ва садоқатида, зиммадаги масъулиятни ҳалоллик билан адо этишларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Хусайн Мирзо вузароси Хурросон давлатининг таянчи эди. Манбаларда кўрсатилишича, Хусайн Бойқаронинг авж подшоҳлиги йилларида сипоҳийлари ўн тўрт минг йигитдан иборат бўлиб, қирқ минг «ясоқлик йигитлари» ҳам бор эди. Бу «ясоқлик» йигитлар мудофаа билан боғлиқ ишларни – хандақлар қазмоқ ёки тўлдирмоқ, йўл солмоқ ва ўтин, уловга ем-хашак ҳозирламоқ ишларига сафарбар этилган. Буларнинг ҳар бирига саксон жериб (70 гектар ҳажмида) ер берилган. Бу ернинг қирқ танобини экин қилиб, ҳосилини ўzlари олган. Қолган қирқ танобини ҳам ишлата олсалар, ҳосил

ҳисобидан мол-ҳол беришган. Бошқача айтганда, лашкар учун хос хизматчи – хомашё тизими яратилган ва эл-у улус бу ташвишдан фориф эди.

Хусайн Мирзо амирлари ўттиз бешта эди. Мундарижани Мұхаммад Бурундуқ барлос бошлаб беради. Бу киши Амир Темур тарихидан яхши маълум, унинг амаки тармоғидан – Чоку барлос наслидан эди. Чоку барлос Қашқадарё воҳасининг қуий қисмида – Муборак мавзесида яшаган. Заҳириддин Мұхаммад Бобур, Мұхаммад Бурундуқни «асру билимлик киши эди, бисёр сардор киши эди», деб таърифлайди. Музaffer барлос ҳақида олдинда сўз борди. Бобур Мирзо уни «тийрамагиз» – ичи қора, хасис деб тилга олади. Алишер Навоий исми шарифи амирлар сиасиасида учинчи ўринда тавсиф этилади. «Яна Алишербек Навоий эди, – деб ёзади Заҳириддин Мұхаммад Бобур, – беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичикликда ҳаммактаб экандурлар... Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас... Аҳди фазл ва аҳди ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай... Ўгул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жорийда ўткарди. Авойил муҳрдор эди, авосит бек бўлуб, неча маҳал Астрободта ҳукумат қилди, авохир сипоҳилиқни тарқ қилди. Мирзодин (Ҳусайн Бойқародин – муал.) нима олмас, балки йилда Мирзога қуллий маблағлар пешкаш қилур эди».

Бобур Мирзо, Алишербекни Мирзонинг мусоҳиби (ҳамсуҳбат, дўст, улфат – муал.) деб айтар экан, унинг 1476 йилдан кейин расмий равища давлат ишларидан истеъфога кетганилиги ва «Муқарраби ҳазрати Султон» ёриғи билан фаолият кўрсатганлигини назарда тулади. Муқарраблик – яқинлик, дўстлик Хусайн Мирзога, муаммолар туғилганда, бу ҳақда тўққиз бор айтиш ва ижобий натижага умид қилиш имтиёзини берарди. Бунинг бир кичик мисолини олдинда, Хоразмга уч минг аҳолини кўчириш фармонига муносабат билдиришда кўрдик. Бундай имтиёз бошқа умаро ёки вузароларда бўлганлиги номаълум.

Ҳусайн Мирзо умароларидан Аҳмад Таваккул барлос, Валибек, Ҳасан Шайх Темурларни ҳам кўрсатиш мумкин. Амир Валибек, вақтида Амир Темурнинг яқин сафдоши бўлган Ҳожи Сайфиддин авлодидан эди. Вақтида Самарқандда Халил Мирзо Амир Сайфиддиннинг канизаги Шоди Мулкка уйланганлиги можароси ўқувчи ёдида бўлса керак. Амирлардан Нўёнбек бўлиб, отаси Термиз саййидларидан эди. Она томондан Абу Саъид ва Ҳусайн Мирзоларга қариндош эди. Шаробхўрликни ёқтирган киши эди. Амирлар орасида барлос беклари талайгина эди. Алишербекнинг укаси Дарвеш Алибек, Зуннун Арғунлар ҳам Ҳусайн Мирзо хизматида бўлиб, вилоятларни бошқарганлар. Заҳириддин Мұхаммад Бобур, Дарвеш Али-

бек ҳақида тафсиллироқ маълумот бериб ўтади. Бунинг сабаби бор. 1506 йилда Бобур Мирзо Кобуддан Ҳиротга Ҳусайн Мирзо томонидан таклиф қилинганда, у етиб боргунича Ҳусайн Мирзо вафот этган, Бобур Мирзо эса Бадиuzzамон ва Музaffer Мирзолар томонидан қабул қилиниб, Ҳиротда йигирма кун турган эди. Бобур Мирзо Алишер Навоий уйида яшаб турганди. Шунда, Дарвеш Алибек билан танишган ва суҳбатдош бўлганди. Бобур Мирзо «Бобурнома»да Дарвеш Алибек ҳақида шундай дейди:

«Яна Дарвеш Алибек эди. Алишербекнинг түкқан иниси эди. Неча маҳал Балхнинг ҳукумати мунда эди. Балҳда яхши бекликлар қилиди. Тийрамагз ва беҳунарроқ киши эди. Султон Ҳусайн Мирзо аввал Қундуз ва Ҳисор устига келганда, тийрамагзлиғидин туттирилар. Балх ҳукуматидин маъзул бўлди. Тарих тўққуз ўн олтида (1510) мен Қундуз келганда, менинг қошимфа келиб эди, масх ва мабҳут эди. Беклик қобилиятдин дур ва ичкилик салоҳиятидин маҳжур. Голибо, Алишербек воситасидин мунча риоят топқандур».

Олдинда Зайниддин Восифийнинг Ҳусайн Бойқаронинг амирларидан Жаҳонгир барлос ҳақида гапирилган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Жаҳонгир Барлос ҳақида зикр этади: «Кобулда неча маҳал Муҳаммад Бурундуқ била шериклик ҳукумати қилибтурлар, сўнгра Султон Ҳусайн Мирзо қошига борди. Хушмаош киши эди. Ов ва қушнинг роҳ ва равишини яхши билур учун Султон Ҳусайн Мирзо аксар бу ишларни анга ружуъ қилур эди. Бадиuzzамон Мирзонинг мусоҳиби эди. Мирзо мусоҳиблиғин ёд қилиб, таъриф қилур эди».

Ҳусайн Мирзо амирлари салоҳиятли ва билимдон кишилар эди. Улар орасида шоирлар ҳам анчагина бўлиб, Шайхимбек Суҳайлий шулардан бири эди. У девон тузган, достонлар ижод қилган. Шеърларида муболага кучлироқ бўлган. Бобур Мирзо шунга оид бир нақдни келтиради. «Машҳурдирким, – дейди Бобур, – бир қатла бу байтни Мавлоно Абдураҳмон Жомий хизматида ўқубтур. Мавлоно айтибтурким: «Мирзо, шеър айтасиз ё одам қўрқитасиз?» Шоирлардан тағин Ҳасан Али Жалойир ҳам Ҳусайн Бойқаро амирларидан бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур унинг тўғрисида, «яна Ҳасан Али Жалойир эди, асли оти Ҳусайн Жалойирдур, vale Ҳасан Алиға машҳурдур. Отаси Али Жалойирни Бобур Мирзо риоят қилиб, бек қилғондур, сўнгра, Ёдгор Муҳаммад Мирзо Ҳирини олғонда, Али Жалойирдин улугроқ кишиси йўқ эди. Ҳасан Али Жалойир Султон Ҳусайн Мирзо қошида қушбеги эди, шоир эди, «Туфайлий» тахаллус қилур эди, қасидани бисёр яхши айтур эди, ўз замонида қасида саромад эди. Тарих тўққуз юз ўн еттидаким (1510), Самарқандни олдим, менинг қошимфа келди. Беш-олти йил менинг қошимда бўлди. Менинг отимфа ҳам яхши қасидалар айтди. Бебок ва мутлиф киши эди», дейди.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида «Мир Ҳусайн Али Жалойир – «Туфайлий» тахаллус қилур эди. Али Жалойирнинг ўғлидурким, отаси Ёдгор Мирзо эшигига амирул умаро ва соҳиб ихтиёр эди. Аммо ўзининг отасига нисбати йўқтур. Фақиршева ва фонийваш ва бетакаллуф ва хуштабъ йигиттур. Назмларга табъи мулоиймур. Аммо қасида услуби аниг ҳаққидур. Андоқки, бу тоифа ҳам мусаллам тутарлар. Султон Соҳибқирон отига гарро қасойиди ҳам бор. Ул ҳазрат ҳам ани яхши тарбиятлар қилдилар. Андоқким, вилоят билди ва қўш девонида муҳр бости ва парвоначи бўлди ва тақарруб ва наёбатқа дахли бор эди.

Фалакнинг андинким, фазл аҳлифа ҳасади бор, бир тақсир била они даргоҳи фалак иштибоҳдин йироқ солибтур, аниг худ бу қайғудин кундуз қарори ва кечаси йўқтур. Умид улким, подшоҳона лутф ва қарам дастгири бўлғай», деган сўзларни келтиради. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари 1490 йилда ёзилиб, 1498 йилда тўлдирилган. Ҳусайн Али Жалойир – Туфайлийнинг шу ийларда девонда амир вазифасигача бўлган йўлни босиб ўтганлигини фаҳм этиш мумкин. У бир хатога йўл қўйган ва Алишер Навоий унга ён босиб, ўзини ўнглаб олишига ишонч билдиromoқда. Чунки Алишер Навоий ёзган шеърлар ва асарлар Ҳусайн Бойқаро томонидан ўқилар, кўздан кечириларди. Туфайлийга ён босиш сабаблари қариндошлиқ узвлари билан боғланишда бўлган. «Томут таворих» асарининг (XVI аср) муаллифи Абдулмўминхон Ҳусайн Али Жалойирнинг Алишер Навоийга т оға уругидан бўлишини кўрсатиб ўтади. Асада, «мазкур амирнинг (Алишер Навоийнинг – муал.) тогаси Ҳусайн Али Жалойир Алишер Навоий жасадини ўз масжиди жомеъси бурчагида бино қилган мақбара га дафн этди», дейилади. Улуғ шоир вафот этган XVI аср бошларида Ҳусайн Али Жалойир обрў-эътиборли бўлганлигини бу сўзлардан англаш мумкин бўлади.

Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг умароси сафида тағин Хожа Абдулло Марварий ҳам бўлганки, у киши санъатда, мусиқий амалиётда моҳир, ҳуснихати чиройли, таълиқ ёзувини яхши ёзадиган, хушсуҳбат эди. Ашъорда «Баёний» тахаллусини қабул қилган. Бобур Мирзо, унинг шеършунос бўлганлигини, кейинги пайтларда хасталаниб оёқдан қолгани ва вафот этганлигини айтади. Шоирлардан Сайид Ҳасан ўғлоқчи номини ҳам Бобур Мирзо тилга олади. У айни вақтда мунажжим ҳам эди. Захаријиддин Муҳаммад Бобур ҳузурига Самарқандга боради ва 1512 йилда Шайбонийлар билан бўлган жангда ўддирилади.

Ҳусайн Мирzonинг қарийб қирқ йилга яқин бардавом бўлган салтанати, ҳеч бир шубҳадан холики, мамлакатнинг идора қилинишида, умароси – аркони давлати билимдонлиги, дунёқараши, бурчига садоқати, ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётда тутган юксак мақоми, фаоллиги муҳим ўрин тутган, деган хulosага устуворлик баҳш этади.

\* \* \*

«Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Ҳурросон, батахсис, Ҳири шаҳри мамлӯ (тўла) эди. Ҳар кишининг бир ишга машғулиги бор эди, ҳиммати ва гарази ул эдиким, ул ишни камолга тегургай». Мамлакатнинг юксалиши, жаҳонда ўз ўрнига эга бўлиши унинг одамлари салоҳиятига боғлиқ бўлади. Юртнинг довруги иқтисодий тараққиёт билан чамбарчас ҳолда равнақда бўлган илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, касб-корнинг улуғланиши, фозил ва олимларнинг, шоир-у адиларнинг, паҳлавонларнинг, дехқон аҳлининг рафбатлантирилиши билан вужудга келади, бунёд топади. Бундай замона фавқулодда истеъдодларни беради, жаҳон тан олган олим-у шоирларни етказади.

Ҳусайн Мирзо даври-давронининг энг муҳтасар, лўнда ифодати Алишер Навоийнинг мўътабар номини зикр этиш билан мукаммал мужассамини қамрай олади, деб айтиш билан кифояланиш мумкин эди. Айни вақтда, юқорида келтирилган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сўзларида таъкидланганидек, Ҳусайн Бойқаро давлатида, унинг марказий шаҳри Ҳиротда таниқли олимлар, фозиллар, дин арбоблари, санъаткорлар, муғанийлар, ҳофизлар, хуллас, турли соҳанинг йирик намояндалари етишиб чиққан эдилар. Абдураҳмон Жомий ҳақида «Бобурнома»да «зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши йўқ эди. Шеъри худ маълумдир», дейилади. Олдидан Ҳусайн Мирзо таҳтга янги чиққан даврларида Абдураҳмон Жомий билан икки ўртада боғланган ришта хусусида сўз борган эди. Абдураҳмон Жомий ҳазратлари Ҳирот ташқарисида, ўз пири ва авлоди Саъдиддин Тафтозоний марқади ёнида яшаган. Ўта камтарона, тамкин ҳаёт кечирган.

Саъдиддин Тафтозоний улуғ машойих бўлиб, унинг авлодлари Ҳурросон мамоликида шайхулислом бўлиб келганлар. Шу насабдан Сайфиддин Аҳмад ҳам шайхулислом вазифасида эди. Бобур Мирзо, «бисёр донишманд киши эди. Арабия улумини ва нақлия улумини хўб билар эди», деб ёзади. Таассуфки, шундай фозил бир сиймони Шайбоний Ҳиротни олганда шаҳид қилган. «Бобурнома» битилаётган йилларда бу авлоддан насл қолмаган эди.

Замонанинг пешқадам инсонларидан бири бу даврда Мулло Усмон эди. У, Кобул туманларидан Лахугар кентининг Чарх отлиқ мавзесидан бўлган. Улуғбек Мирзо замонида ўн тўрт ёшида мадрасада дарс берганлиги учун, «Мулло Модарзод» – тутма Мулло деб атаганлар. Самарқандда таҳсил олган, Каъбани тавоғ қилган. Ҳусайн Бойқаро уни Ҳиротда олиб қолади. Бобур Мирзо дейдикни, «бисёр донишманд киши эди. Ул замонда онча донишманд киши йўқ эди». Мулло Усмоннинг хотираси, қувваи ҳафизаси кучли бўлган. Айтар

эканки, «Киши бир нарсани эшитса, яна уни нечук унугади?» деб. «Эсимдан чиқибди», деган жавобдан унинг энсаси қотар экан.

Пешво кишилардан Мир Муртоз, Мулло Масъуд Ширвоний, Мир Жамолиддин муҳаддис, Мир Атоулло Машҳадий, Қози Ихтиёр, Мир Муҳаммад Юсуфлар ҳам таниқли фузалолардан эдилар. Мир Муртоз ҳикмат илмини билган, шатранж ўйнашни ёқтирган. Бу ўйинни шунчалар суйганки, агар иккита рақиб учраса, бири билан ўйнаб, иккинчисининг, кетиб қолмасин, деб этагидан маҳкам ушлаб туаркан. Атоулло Ҳусайнин ҳозирда ҳам аҳамиятли шеърий санъатлар ҳақидаги «Бадойи ус-санойи» асарининг муаллифи эди. Қози Ихтиёр бу мураккаб ишда узоқ ишлаб, катта обрў орттиради. Заҳириддин Бобур билан мулоқот қилган, унинг «Мурфадот» асари ҳақида фикрлар билдирган, ўзи ҳам мусаннифлик қилган киши эди.

Хурсондаги осуда замон адабиёт ва санъатнинг равнақига ҳам асосий замин бўлган эди. Подшоҳнинг ўзи туркий ва форсий тилларни яхши билиши, арабий саводи яхши бўлиши баробарида, асосан туркий тилда, она тилисида бадиий ижод билан машғул бўлиши амалий ибрат эди. Ҳирот ҳеч бир даврда Ҳусайн Мирзо ҳокимияти йилларида гидек, бу қадар илм-фан, маданият ва санъат маркази даражасига кўтарилимаган эди. Шоҳнинг ўзи бошчилигида Ҳиротда бемисл адабий муҳит вужудга келган эди. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида тўрт юз эллик тўққиз шоир ҳақида маълумот бериладики, уларнинг аксарияти Хурсонда тарбия топган, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий адабий мактабида этишган сўз санъаткорлари эдилар.

Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Туфайлий, Суҳайлӣ каби шоирлар қаторида, масъул вазифаларда ишламаган, ўз ижодиёти билан танилган ашъорнавислар кўп эди. Осафий, Биноий, Сайфий Бухорий, Абдуллоҳ маснавийгўй, Мир Ҳусайн Муаммоий, Мулло Муҳаммад Бадахший, Юсуф Бадиий, Оҳий, Шоҳ Ҳусайн, Ҳилолий, Аҳдий ҳам ўз даврининг таниқди шуароси ҳисобланар эди. Шоир Ҳилолий fazaliёti, Бобур Мирзо айтганидек, рангин эди. Девон тузган, таниқди шоир даражасига кўтарилганди.

Моҳир хушнавис хаттотлардан Султон Али Машҳадий ҳам шу даврда яшади. У, Бобур Мирзонинг қавлича, ҳар куни Ҳусайн Мирзо учун ўттиз байт, Алишер Навоий учун йигирма байт шеърни кўчириб, китобат қилган. Мусаввирлардан Камолиддин Беҳзод ва Шоҳ Музаффарлар девонларни суратлар билан безаганлар. Беҳзоднинг, Маҳмуд Музаҳҳибининг Алишер Навоий суратини чизганликлари буғунги кун ўқувчисига ҳам яхши маълум.

Адвор илми, чолгучилик, муганийлик бобида Хожа Абдулло Марварий, Қул Муҳаммад Удий, Шайхий Ноий, Шоҳ Қули Фижжакий, Ҳусайн Удий, Ғулом Шодий, Мир Азу, Паҳлавон Муҳаммад Абу Саъ-

идлар ном қозонган эди. Мусиқа басталашда Мир Азы, Биной ва Паҳлавон Мұхаммадлар исмини Бобур Мирзо әхтиром билан тилга олади. Бу ўринда, Алишер Навоийнинг мусиқа ривожига ҳисса қўшганлигини қайд этиш ўринли. Камолиддин Биноийнинг чолғу назариясини ўрганиши бевосита Алишер Навоий таъсири орқали бўлган эди. Улуф шоирнинг ўзи ҳам бир қанча куйлар басталаган, чолғу асбобларини меъёрига етказиб чала олган. У шоирларнинг куй яратиш, соз чалиш иқтидорига алоҳида аҳамият берар эди.

\* \* \*

80-йиллар иккинчи ярмига қадар Ҳусайн Мирзо салтанати тараққиёт довонларини ортда қолдирган эди. 1485 йилда Алишер Навоий «Хамса»сининг ёзиб тугалланиши маданий ҳаётнинг гултожи бўлганди. Орадан бир ярим-икки йил ўтиб, салтанатда ҳам, маданий ҳаётда ҳам таназзул ўз этагини судрай бошлади. Бунинг сабаблари, иллатлари кўп эди. Подшоҳ ўрдусининг харажатлари йил сари ошиб борар, шаҳзодалар улғайган, ҳарамдаги Бегимлар келин-куёвлик бўлган, шилонлар, меҳмоннавозликлар ортган, аксинча, йил фаслларида қурғоқчилик, ҳосилнинг чўғи камайиши кузатила бошлаган эди. Даромаддан кўра харажат энига ҳам, бўйига ҳам йўғонлашиб, хазинани шип-шийдам қила бораётган эди. Айниқса, Бадиuzzамон ва Музаффар Мирзолар рақобати, мулкгирлик ва ёғлироқ вилоятларни тасарруфга олиш ҳаракати кучайган, Абулмуҳсин каби шаҳзодалар отага қарши исёнга қўл ура бошлаган эди. Хазинага ёрмоқ – жуда кўп маблағ тақозо бўлиб қолганди. Маблағ ва хазина масъулияти вазир-у вузаролар саъӣ-ҳаракатига, сарф-у харажатига, солиқларни ўз вақтида жам қилишларига боғлиқ бўларди.

Турли йилларда вазоратда таниқли кишилар ишлашган. Алишер Навоий ўз ўрнига қадрдони Шайхим Суҳайлийни сипориш қилган. Вазир бўлиб ишлаганлар орасида Хожа Афзалуддин, Низомулмulk ва Маждууддин Мұхаммадлар номи тарихлардан яхши маълум. Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида, кўзда туваётганим ҳижрий саккиз юз тўқсон иккинчи (1487) йил воқеалари батафсил акс этган. Бадиий асарларда Маждууддин тимсоли ўта салбий тарзда берилаған ва ўқувчиларда унга нисбатан қолипланган тушунча шаклланиб ултурган. Маждууддин Мұхаммаднинг ота-бобоси Шоҳруҳ Мирзо аркони давлатида 1414 йилдан то 1442 йилга қадар хизматда, девон вазирларидан бўлиб келган. Унинг отаси Фиёсиддин Пир Аҳмад Хожа Исҳоқ ал-Хавофийнинг ўғли бўлган. Фиёсиддин Пир Аҳмад 1442 йилга келиб, девондаги кўролмаслар иғвоси билан Абулқосим Бобур Мирзо билан бирга Шоҳруҳ Мирзо томонидан сиқувга олинган, ишдан қувилган. Маждууддин Мұхаммад ҳам кўп йиллардан бери Ҳусайн Мирзо девонида парвоначи вазифасида ишлаб келган.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур, нима сабабданdir, Маждуддин Мұхаммадға, бошқаларга ўхшамаган тарзда мойил ёндашади. «Бобурнома»дан унинг ҳақида ўқиймиз:

«Маждуддин Мұхаммад эди, Шоҳрух Мирзонинг якқалама девони Хожа Пир Аҳмад Хонийнинг ўғли эди. Бурунлар Султон Ҳусайн Мирзонинг девонидә хотирхө тартиб ва насақе йўқ эди. Исроф ва итлоф бисёр бўлур эди: не раият маъмур эди, не сипоҳи шокир. Ул фурсатда Маждуддин Мұхаммад парвоначи эди, Мирак дерлар эди. Мирзога озроқ ёрмоқ муҳим бўлуб, девонийлардин тилаганда, девонийлар йўқтур, ҳосил бўлмас, деб жавоб берурлар. Маждуддин Мұхаммад ҳозир экандур, табассум қилур. Мирзо жиҳат сўрса, хилват қилиб, кўнглидагини арз қилиб дерким, Мирзо шарт қилсаларким, менинг илигимни қавий қилиб, сўзумдин тажовуз қилмасалар, оз фурсатта андоқ қилайким, вилоят маъмур ва раият шокир ва хизона мавфур ва сипоҳи вофир бўлгай. Мирзо ҳам анинг дилҳоҳи аҳд ва шарт қилиб, тамом Ҳурросон мамоликида ани ихтиёр қилиб, жамиъ муҳиммотни анинг уҳдасига қилди. Бу ҳам имкони борича саъй ва эҳтимом қилиб, оз фурсатта сипоҳи ва раиятни рози ва шокир қилди. Хизонаға ҳам вофир ёрмоқлар тушурди, вилоятни маъмур ва ободон қилди. Вале, Алишербек бошлиқ жамиъ беклар ва аҳли мансаб била зиддана маош қилди. Бу жиҳаттин барча анинг била ёмон бўлдилар. Саъй ва ифво қилиб, Маждуддин Мұхаммадни туттуруб, маъзул қилдилар. Анинг ўрнига Низомулмулк девон бўлди. Неча маҳалдин сўнг Низомулмулкни ҳам туттуруб ўлтуруб, Хожа Афзални Ироқтин келтуруб девон қилдилар. Мен Кобул келган (1504) фурсатда Хожа Афзални бек қилиб эдилар, девонда ҳам муҳр босар эди».

Бобур Мирзо эътироф этиш лозимки, Маждуддин томонда. Унинг муғомбирлиги, вазирлик мансабини олиш учун пайт пойлаб юргани, катта маблағфа эга эканлиги, шу маблағларни подшоҳга вилоят ободлиги, раият ризолиги, сипоҳилар маоши, хазина ёлчиши учун берганлиги назарда тутилган. Парвоначининг, бошқасини қўя турдайлик, лашкар (Ҳусайн Мирзонинг 14 минг отлиқ сипоҳийлари бўлгани олдинда айтилди) улуфасига пул топиб бериш осон эмасди, шунча маблағни қаердан тўплагани шубҳали эди. 1442 йилда девонда соҳиб ихтиёр бўлган отаси Фиёсиддин Пир Аҳмаднинг Шоҳрух Мирзо томонидан гумонга олиниб, ишдан четлаштирилиши сабабсиз эмас экан-да?! Нима бўлганда ҳам, подшоҳга зарур микдордаги ёрмоқни – маблағни топиб бериш эвазига у вазирлик мансабини эгаллайди. Вазир бўлиши билан Алишер Навоий ва бошқа аъёнларга нисбатан менсимаслик йўлини тутади. Заҳириддин Мұхаммад Бобур яна Маждуддин Мұхаммад тарафини олиб, Алишер Навоий бошлиқ кишилар «саъй ва ифво қилиб» Маждуддин Мұхаммадни маъзул қилганликларини айтади. Бобур Мирзо, назаримда, бу му-

аммога шоҳлик назари билан баҳо берган. Шоҳ, табиийки, давлат хазинасида етарли маблағ бўлишини, энг аввало, қўшин маошини вақтида тўлаб туриш нуқтаи назаридан қараб, буни муҳайё қила олган Маждуддин Муҳаммадга ён босганини фаҳмлаш қийин эмас. Подшоҳнинг муаммосини подшоҳ билади-да.

Шу мавзуга, энди, «Равзат ус-сафо» асосида ёндашиб кўрайлик. Китоб муаллифи Мирхонд Ҳусайн Мирзо салтанатида, хусусан, унинг 80-йиллардаги бошқарувида юз берган чигалликларни эшишиб эмас, кўриб-билиб рақам этган. Ўша давр воқеаларини кўп эшифтгандан кўра, асл нусха таржимасидан бир марта ўқиган афзалдир. Шу умид билан «Равзат ус-сафо»дан тубандаги иқтибосни келтириш мақбул кўрилди:

«Ҳижрий 892 йилнинг қишида (1486 йил декабрь – 1487 йил январь-февраль) олий макон хоқон (Ҳусайн Мирзо – муал.) Марви шоҳижаҳонда қишлиб турган эди. Унинг мамлакатни безовчи раъий амир Валибек вафотидан кейин Журжон волийси бўлган амир Мўғул ул мамлакатдан иқбол ошён остона хизматига чақирилиши ва Амир Алишер дорулфатҳ Астробод ҳукумати билан сарафroz этилишини тақозо қилди. Ул ҳазратнинг фикри софкўнгил амирга яширин эди. Собит тадбир амир Тангри таолонинг ризолиги йўли сулукининг ҳозирлиги, хоқони Мансур муҳим ишларининг кифояти сарвига хушбўй хотирининг майли камолот даражасинда бўлганлиги учун амрни қабул қилиш хусусида бирон нима демади. Кўп муболагадан сўнг ризо бошини тебратиб, таважжух юзини ул тарафга ўгириб ва олампаноҳ даргоҳ мулоzиматларидан амир Бобо Али ҳамда амир Бадруддинни ҳамроҳ қилиб, Астрободга жўнади.

Амир Алишер Астрободга яқинлашгач, амир Мўғул шаҳарни қолдириб, Марвга жўнади. Астробод гулшани адолат хислатлик амирнинг келиши билан Эрам гулистонининг гайратини келтирадиган бўлиб, Журжоннинг саййидлари, уламоси, эътиборли кишилари, фозиллари ул мақтовга муносиб сифатли амирнинг лутф-у марҳаматлари билан фахр ва қувонч топдилар. Яна раъияти унинг адолат-у инсофининг барокати билан зулм-у бедодлик зулматидан нажот топиб, тинчлик ва омонлик, фарогат ва осудаликка эришдилар...

Хоқони Мансур (Ҳусайн Мирзо – муал.) файзли ҳузури нури билан Марв ўлкасини мунаvvар қилган ўша қишида Хожа Маждуддин Муҳаммад яна вазирлик маснадига чиқиб, эътиборли кишилар ва соҳиб ихтиёрлар сафига кирди. Бу қисқача ҳикоятнинг тафсилоти қўйидагича: илгари Хожа Низомулмулк билан Хожа Афзалуддин Муҳаммад одамлар орасида фитна қўзғатиб, Хожа Маждуддинга нисбатан шикоятомуз сўзлар айтдилар. Натижада мансабидан бўшатилиб, тўққиз йил мобайнида амир Али тўшакчи бирга парвоначилик билан машғул бўлиб, сultonнинг бошқа муҳим ишларига

аралаша олмади. Шу вақтда хоқон ҳазратлари бир неча марта ул баланд макон Хожанинг тарбияти билан машғул бўлди. Амир Алишер бу маънини маъқул топмагани учун мамлакат ихтиёрининг жилови Хожа Низомулмулк билан Хожа Афзалуддиннинг иқтидорли тутамида қолди. Лекин амир Алишер подшоҳ мулоzиматидан йироқлашиб, Астрободга жўнаб кетгандан кейин банданавоз хоқоннинг хотири Хожа Маждууддинни қайтадан баланд мартаба ва ҳурматли ўрин билан сарафroz қилишга қарор қилди. Лекин бу андиша чуқур бўлмасдан, илгари, иттифоқо, бир куни хоқони Мансур Хожа Маждууддин таҳт поясида ўлтирган вақтда, Хожа Низомулмулк билан Хожа Афзалуддинга, «бир муҳим ишга икки туман кепакий керак бўлиб қолди, топиш керак», деди. Аммо иккала вазир ҳам бирор жавоб қиломадилар. Улар боргоҳдан чиқиб кетганларидан сўнг Хожа Маждууддин подшоҳ олдида тиз чўкиб, «борди-ю, ҳазратга 200 туман керак бўлганда ҳам, бу икки хожа уни дарҳол топишлари зарур эди, чунки ҳар йили тамом маблағни девондан оладилар. Шундай бўлгач, икки туман нима деган гап бўлди?» – деди. Хоқони Мансур ундан бу сўзни эшитгандан кейин ҳушёр тортиб, бор ҳимматини Хожа Маждууддин эътиборига сарфлашга майл кўрсатди. Шу важдан, эртаси куни хожанинг қобилиятли қоматини қимматбаҳо чопон билан бе заб, «собиқ дастурга кўра, ёрлиқларга муҳр босиш, арз қилувчиларга жавоб қилиш, додхоҳларнинг муҳим ишлари Хожа Маждууддин Муҳаммадга топширилсин, амирлар, вазирлар, садрлар, ичкилар ва хос хизматкорлардан биронтаси ўзини ундан юқори тутмасин, аксинча, девони саркор саранжомининг барчасида уни ўзларидан афзал ва суюнчиқ деб билсинлар», деб буюрди.

Салтанат ошён муншийларга фармонларда олий мартабали Хожани (Маждууддинни) «мўътаман ас-салтана ва мўътамад ал-мулк» (салтанатнинг ишонган ва подшоҳликнинг эътимодли кишиси) деб ёзиш муқаррар этилди... Хоқони Мансур қиши фаслини Марвда поёнига етказгандан сўнг баҳор айёмида офтоб каби ўзининг шарофатли уйига, яъни доруссалтана Ҳиротга қараб жўнади. Шу аснода Хожа Афзалуддин Муҳаммад фаросат нури билан яқин орада Хожа Маждууддин интиқом олиб, уни ҳибсга олажагини сезди. Шу сабабдан, ўз рақибининг тадбирини кўриб, ул жанобга (Маждууддинга – муал.): «Банда Астрободга бориб, ўтган йилларнинг молларини (солиқлари ни) жамлаб, девонликнинг қолган молларини йигиб келмоқчиман», – деди. Хожа Маждууддин, Хожа Афзалуддин фойиб бўлса, унинг айбларини олий мартабали хоқоннинг хотирига солиш осонроқ бўлур, деган фикр билан унга ижозат бериб юборди.

Хожа Афзалуддин ёйдан отилган ўқ каби Астрободга чопиб кетгандан кейин ул баланд мартабали Хожа Афзалуддиннинг фийбати чофида Хожа Маждууддиннинг мартабаси олий даражага кўтарилиб,

барча вазирлар, садрлар ва амирлар унга хизмат камарини боғладилар, раъият, дехқонлар ва ҳунар аҳдининг барчаси девон хизматчилигининг кўмагидан нажот топиб, унинг адолати ва одиллиги остида фориғболлик билан кун кечирдилар.

Хожа Маждууддин Хожа Низомулмулкнинг эътибор ва ихтиёри вақтидаги подшоҳлик ишига даҳдор бўлган барча хизматчилини жавобгар қилиб, ҳисбга олди ва қўлларида бор нарсаларни тортиб олди. Шу йўл билан қисқа вақт ичидаги умаро, вузаро ва девони олий амаласидан 2000 туман ҳосил бўлиб, давлат ҳазинасига топширилди. Битикчиларнинг кўпчилиги унга қарам бўлиб, аҳвол шунга бориб етдики, унинг сиёсати туфайли, бирор амалдор раъиятдан яширин тарзда бирон ботмон фаллани олишга журъат этолмасди, сиёсатининг ортиқлигидан бирон ясовул ёки аскарнинг бозор аҳлидан биронтасига қўл тегизишга юраги ботинмас эди. Хожа Маждууддин ҳар куни тонгдан пешин намозигача султон давлати ва девон ишларининг саранжоми билан машғул бўларди. Шундан кейин замоннинг уламолари, фозиллари билан суҳбат қуради эди... Лекин бу қадар мақташга лойиқ, феъли ва мақбул ишлари билан бирга, ўжар ва дағал киши эди, арзимаган нарсага ғазабланиб, фаҳш ва дашномга тил очар эди, аркони давлатнинг кўнглини ҳамма вақт фаҳш сўзлар билан ранжида қилиб, тилининг ранжи хилофат ошён оstonанинг ичклиари ва яқинларига ҳам етар эди. Шу жиҳатдан амирларнинг кўпчилиги унга адован камарини жон белларига боғлаб, хиёнат ва хиёнаткорликда фурсат пойлаб турдилар. Ул жаноб мустақиллик ва ихтиёр камолида уч йил ўлтиргандан сўнг жазо-ю қувфунга олиниб, Хуросондан қочиш йўлини тутди ва муборак Макка йўлида касалга чалиниб, дунёдан ўтди».

«Дастур ул-вузаро» китобида Маждууддин Муҳаммад ҳақида, «нужум ва иншо ишларида моҳир киши эди, – дейилади, – ул жаноб Султон Абу Саъид Мирзо даврида бир мунча вақт муншийлик лавозимида турган, Султон Ҳусайн Мирзо салтанатининг аввалларида бир мунча вақт магфиратнишон шаҳзода Мирзо Муҳаммад Султоннинг вазири бўлган ва иззат-у эътибор топган. Лекин ситамкор замон ундан юз ўтириб, уни ўзининг атоёларидан маҳрум қилди... Ўша кезларда соҳиб девон бўлиб турган Хожа Қавомиддин ибн Низомулмулк Ҳавофий ва Хожа Афзалуддин Муҳаммад унинг таъриф ва тақсирни бобида Султон Ҳусайн Мирзога бир неча сўзлар етказдилар ва подшоҳнинг ҳукмига биноан амир Бадриддин уни ҳисбса олди».

Маждууддин Муҳаммадга замондошлари ва нисбатан кейин берилган тавсифлар шундай. Захириддин Муҳаммад Бобур, айтилгани каби, унинг вазирликдан олинишида Алишер Навоийнинг ҳам ҳиссаси борлигини айтади. «Дастур ул-вузаро»да, кўрамизки, Маждууддиннинг тақсирлари – йўл қўйган қусурлари Низомулмулк ва Аф-

залуддин билан боғланади, улар Ҳусайн Мирзога, чамаси, моддий камчиликларни далолат этганлар. Маждууддин Муҳаммад, шу тариқа, уч йил вазир, соҳиби девон бўлиб, ҳибсга олинади, моли мулки девоний қилинади ва ўзига ҳажга бориш рухсати бўлади.

Ҳусайн Мирзонинг давлатида муҳим ўрин тутган вазир Ҳожа Афзалуддин Муҳаммад Кирмоний эди. Манбалар унинг тартибли иш қилиши, сиёқ илмини аъло даражада билишини шаҳодат этади. Абу Саъид замонида, унинг девонида ҳисоб-китоб ишларини олиб борган. Тож-у таҳт Ҳусайн Мирзо тасарруфига ўтгач, унинг мартабаси оширилиб, ҳижрий 878 йилда (1472) вазирлик мансабига қўйилади.

Ҳожа Афзалуддиннинг билими, дунёқараши уни Алишер Навоий билан яқинлаштиради, ўртада дўстлик, илиқ муносабатлар пайдо бўлади. Алишер Навоий умр бўйи уни ўз ҳимоясига олди. 1487 йилда Алишер Навоий Астробод ҳокими бўлгач, вазири аъзам Маждууддин Муҳаммад Ҳожа Афзалуддинни йўқ қилиш, ҳибсга олиш ҳаракатига тушади. Буни пайқаган Ҳожа Афзалуддин Астрободга, Алишер Навоий ёнига кетади. «Дастур ул-вузаро»дан шу воқеани ойдинлаштирувчи жумлаларни келтирай:

«Амир Алишернинг ҳузурига етишгач (Ҳожа Афзалуддин – муал.), Ҳожа Маждууддиннинг кучайиб кетганлиги, вазирларни сиқишиштираётганлиги ва ўзининг Астрободга келиш сабабларини арз қилди. Соҳиби тадбир Амир ўз ҳимматини вазир Ҳожа Афзалуддинни қутқаришга қаратди ва Ҳожа Фиёсиддинни элчи қилиб, подшоҳ ҳузурига жўнатди ва қандай бўлмасин, қанча оқча кетса ҳам сарфлаб, Ҳожа Маждууддиннинг Ҳожа Афзалуддин борасида қандай фикрда эканлигини аниқлашни буюрди. Ҳожа Фиёсиддин ўша сафардан қайтгач, Ҳожа Маждууддиннинг Ҳожа Афзалуддинга бўлган даъвоси унинг мол-у мулкига кўз тикаётганлиги, балки уни нобуд қилмоқчи эканлигини Амир Алишерга маълум қилди. Унинг орқасидан дорулфатҳ, Астрободга Ҳожа Афзалуддинни талаб қилиб, подшоҳнинг чопари ҳам етиб келди. Ул жаноб Ҳожа Афзалуддиннинг бу ерда қолишига имкони қолмади ва комёб Амирнинг маслаҳати билан Ироқ ва Озарбайжон тарафларга жўнаб кетди».

Орадан ўн йил ўтади. Маждууддиннинг ишлари терс кетади. Низомулмулк бу вақтда унинг ўрнини эгаллаган эди. Ҳожа Афзалуддиннинг қадри, барибир, ўтади, Алишер Навоий Астрободдан Ҳиротга қайтган ва қадрдони Ҳожа Афзалуддинни йироқ юртлардан келтириш ҳаракатида бўлган. «Дастур ул-вузаро»да, «903 (1497-1498) йили Султон Ҳусайн Мирзо гоҳо уни эсга олиб туриши маълум бўлди... Ўша йили бетўхтов пойтаҳт сари отланди (Ҳожа Афзалуддин – муал.), тез фурсатда ўзини Боги Жаҳонорога етказди. Подшоҳнинг аркони давлати ва аъёнлари бу ҳолни кўриб, ҳайрон бўлдилар. Султон вазир билан учрашганидан хурсанд бўлдилар, Ҳожа Низомулмулк ва унинг

одамлари ғамга ботдилар. Лекин Султон ҳазратларининг яқин дўсти Амир Алишер ул жанобни ўз ҳимоясига олганлигидан ғанимларнинг сўзи ўтмай қолди».

Шу тариқа, Ироқ мулкларида ўн йил бадарғада бўлган Хожа Афзалуддин яна вазирлик маснадини эгаллади, Низомулмулк эса ишдан четлашади. Вазирлик қароргоҳи Боги Жаҳонорода жойлашган эди. Хожа Афзалуддин «эртадан то шомгача Боги Жаҳонорода мақом тутиб, давлатнинг муҳим ишларини бошқарарди». Хожа Афзалуддиннинг иморатлар қуришга майли зўр бўлган. Ҳирот шаҳрининг ташқарисида, Ироқ дарвозаси ёнида жомеъ масжиди, мадраса ва хонақоҳ қурдирган эди. Мадраса ва хонақоҳ қурилиши тамомланган куни шаҳзодалар Бадиuzzамон ва Музaffer Мирзолар, шайхлар, саййидлар, уламолар иморат битишини муборакбод қилишга борадилар. Шу куни тўққиз киши мадраса ва хонақоҳга мударрислик, шайхлик ва воиззик лавозимига тайин қилинади. Уларнинг ҳар бирiga Олтойи пўстинлар ёпилади. Подшоҳга бу ташабbus жуда маъқул келади ва унга ўз мажлисида қимматбаҳо тўн кийгизади.

Хожа Афзалуддин ҳижрий 906 йилнинг ражаб (1501 йил февраль) ойида оламдан ўтади. Унинг дағн маросимида Бадиuzzамон, Музaffer Мирзолар, Ҳиротнинг акобирлари иштирок этади. Вазирнинг жасади Гозургоҳда, Хожа Абдуллоҳ Ансорий қабри ёнига қўйилади.

Ҳусайн Мирзо вузаротида номдор бўлган ва фаолиятининг охири фожеий якун топган арбоб Хожа Низомулмулк Хавофийдир. Унинг отаси Шиҳобиддин Исмоил эди. Билимли, фикрни, шариат қонунларини яхши истифода қилган. Вақтида Хавоф мулкларида қозилик вазифасида ишлаган. У, 1472 йилдан эътиборан Ҳусайн Мирзо салтанатида вазир бўлиб ишлай бошлаган. Орадан бир йил ўтиб (ҳижрий 878 – 1473), вазирлар сафи Хожа Афзалуддин билан тўлдирилади. Низомулмулк ва Афзалуддинлар яхши муносабатда бўлганлар. Кейинчалик иккаласи иттифоқи Маждуддин Муҳаммадга қарши қаратилган. Сарой вазирлари ичида бу иккаласи узоқ ишлаганилиги билан ажralиб туради. Ҳатто, Хожа Афзалуддиннинг укаси Аминиддин Маҳмуд ҳам шу мансабга кўтарилган эди. Аминиддин Маҳмуд ишратпараст киши бўлган. У вазирликка 1482 йилда тайинланган. Ичишни ва маҳбубаларни яхши кўрган. Хондамирнинг келтиришича, у саводли, билимли кишилар билан суҳбат қуришни ҳам яхши кўрган.

Маждуддин Муҳаммад вазирлиқдан олиниб, кўп тазиикларни бошдан ўтказиб, ҳажга жўнатилади. 1494 йилда Маккага ета олмай, йўлда касалланиб вафот этади. Унинг ўрнига, Низомулмулк, Хадича Бегим сипориши билан вазирлик мансабига қўйилади. Вазир – соҳиб ихтиёр бўлиб олгач, у Хожа Афзалуддиннинг укаси Аминиддин Маҳмудни қийин-қистоқча олади ва охири, уни қаматишга эришади.

Аминиддин Маҳмуд икки йилдан кейин ҳибсдан аёллар либосини кийиб, қочишига муваффақ бўлади. Шу қочишида у акасининг Ироқдан қайтишига қадар бекиниб юришга мажбур бўлган.

Низомулмулк, Маждууддин Муҳаммаддан пухталиги ва Ҳадича Бегимга ортиқча мулозамати, гапларини сўзсиз ижро этиши билан фарқ қиласиди. Унинг худди Ҳадича Бегим каби шиий, рофизий бўлганлиги маълум. Низомулмулк 90-йиллар бошларида вузаротда мустаҳкамланиб олгач, ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш пайида бўлди. Насабини Пайғамбар с.а.в. авлодидан, Аббосийлар шажарасидан эканлигини пеша қила бошлайди. Шу мақсадда у шажарасини тузади ва Ҳиротнинг барча таниқли руҳонийларига тасдиқлатиб, имзоларини кўйдирди. Биргина мавлавий Абдураҳмон Жомий тасдиги қолади. Низомулмулк шажарасини тасдиқча тақдим этганида, Абдураҳмон Жомий ҳазратлари мийифида кулиб, ҳазил бир тўртлик битади:

*Онроқи бувад нури наби дар башара,  
Ҳожат нобувад ба тувлар арзи шажара.  
Вонро ки зи руҳ натобад ин нури сара,  
Шажара надиҳад ба гайри лаънат самара.*

Яъни:

*Гар юзида пайғамбарлик нури бўлмаса,  
Узун-чўзиқ шажарага ҳожат қолмайди.  
Сара нур чехрада магар товланиб турмаса,  
Шажара лаънатдан бўлак самара бермайди.*

Низомулмulkning ўз авлодини тан олдиришга бўлган шашти, шу тариқа, натижа бермайди. Лекин вактида Ҳусайн Мирзо уни жуда арзитган. Шилонлардан бирида «Лаъли қалбий» – юрак мисол кўринишли Бадахшон лаъли ҳақида сұхбат берганда, Ҳусайн Бойқаро ҳам бу гурунгга жуда қизиқади. Юрак катталигидаги бу лаълга ўн саккиз ҳукмдорнинг исми шарифи битилган экан. Бу ҳам унинг қадимийлиги ва қўлдан-қўлга ўтиб келаётганлиги тасдиги эди. Ҳусайн Мирзо шунда мутойиба қилиб, мажлис аҳлига ўзининг бир лаъли борлигини, унинг оғирлиги Хуросон манида саккиз манъ эканлигини айтиб, ҳаммани ҳайратга солади. Подшоҳнинг бу сўзлари тугар-тугамас, эшикдан вазир Низомулмulkning бесўнақай гавдаси кўринади. Ҳусайн Мирзо, «мана менинг айтган лаълим», дейди.

Низомулмulkning икки ўғли ҳам билимли кишилар бўлган. Зайниддин Восифий унинг катта ўғли Камолиддин Ҳусайнни ва кичиги

Амидалмулкни Ҳусайн Мирзо яхши кўрганлигини, уларни ўнг ва чап кўзим, деб эркалатганини айтади.

Давлат таянчи бўлган вазирнинг фароғати 1497 йилга келиб, уқубатга дўнади. Бунинг сабаби Низомулмулкнинг Хадича Бегим фитнаси қопқонига тушиши билан узвий боғлиқ эди. Бу йилларга келиб, Ҳусайн Мирзо анча қариб қолган, Заҳириддин Муҳаммад Бобур гувоҳдик берганидек, «мафосил заҳмати (бўғинлар хасталиги – муал.) жиҳатидин намоз қила олмас эди, рўза ҳам тутмас эди». Шоҳлар қисматида ёзуғлик бўлгани боисиданми, ҳукмдорнинг қаруви ета бошлаган, унинг яқинлари, энг аввало, ҳарамда ўрни бўлган малика валиаҳд масаласида норасмий режалар тузишга кириша бошлияди. Бунда, тор манфаатлар устун чиқиб, ўз одамини – ўғлини номзод қилиш, тахтга кўтариш мақсади устувор ғояга айланади. Жаҳоннинг исталган мамлакати ўтмиш тарихи варакланилса, бунга керагидан мўлроқ мисоллар топилади. Чунки бундай уринишлар, курашлар беиз кетмаган, қон юқлари, заҳарланиш қуйқалари, макрлардан қолган излар ўчмай, ўзидан нишон бериб туради.

Темурийлар кечмишида ҳам бу ҳолни рўй-рост кузатиш мумкин. Амир Темур ҳазратлари қартайганда келин Хонзода Бегим ўғли Халил Султонни бобоси тахтида кўриш учун курашни анча эрта бошлаган ва бунинг учун, ҳатто, эри Мироншоҳ Мирзони бадном қилишга, ўғлига йўл очишга жон-жаҳди билан уринган эди. Шоҳруҳ Мирзо кексайиб, оғир хасталаниб қолганида, тож-у тахт тараддудини малика, Маҳди улё Гавҳаршод Бегим аллақачонлар кўриб қўйган эди. Давлатнинг феъли кенглиги тор, зиқна қарашларни ҳазм қила олмаганилиги учун унинг номзоди салтанатга тинчлик, осойиш эмас, кулфат ва талаш олиб келди. Темурийларнинг кўпчилик эканлиги, бири бўлмаса иккинчиси узоқни кўзлаб иш тутганлиги сабабли, марказлашган давлат 1447 йилдан 1507 йилга қадар майишган, буқчайган, кичрайган, очиқкан ҳолда яшаб турди.

Хадича Бегим – Абу Саъид Мирзонинг беваси, Ҳусайн Мирзога ундан Оқ Бегим деган эргашчан қизи билан хотин бўлган фунчачи, фалакнинг гардишини қаранг, биринчи мақомдаги малика рутбасига ноил этилади, бир қилиғи Ҳусайн Мирзога ёқади. Диний эътиқоди шиий бўлган, Ҳусайн Мирзодек динга лоқайд бўлган ҳукмдор эрини бошда, бир сира шиийликка кўндира олган Хадича Бегим Темурий келинлар учбурчагида (Хонзода – Гавҳаршод – Хадича) тугатувчи, хотималовчи ҳалқа бўлди. Хадича Бегимнинг борлифи, кечмиши алоҳида ўрганилишга, алоҳида китобда тасвир этилиши ва баҳосини олишга мунтазир мавзудир.

Низомулмулк ва унинг иккала ўғли ҳам Хадича Бегим касофати боис, маъзул бўлиб, ўлим шарбатини хорлик билан тотдилар. Фақат вазир ва унинг икки ўғлигина эмас, Имодалислом, Низомиддин Курд

– Низомулмulkнинг жияни, Хожа Абдулазиз ва Хожа Маҳмудшоҳ Фарахийлар ҳам шу иш қурбони бўлдилар. Бу Ҳусайн Бойқаронинг набираси, Бадиuzzамон Мирзонинг ўғли Мўмин Мирзонинг ўлими билан боғлиқ кечмиш эди. Бу кечмиш тарихи муҳтасар тарзда айтилса, шундай:

«Бадиuzzамон Мирzonинг ўғли Мўмин Мирзо 1486 йилда туғилган эди. Унинг хатна тўйида кайфи ошган бобоси Ҳусайн Мирзо Астрободни тўёна қилиб, бағишлайди. Бу вақтга келиб, Астробод осойишта ва обод вилоятга айланган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур дейдик, «неча йилким, Астробод ҳукумати Бадиuzzамон Мирзода эди, ҳаволи ва ҳавошиси ва йигит-яланги бисёр пурзавқ ва пурзеб бўлуб эди. Олтун ва кумуш олот ва адавоти бисёр бўлуб эди. Ва қумошпӯш йигити ва тупучоқ оти бешумор бўлуб эди». Булар, шубҳасиз, Астрободнинг талаш бўлишига, Ҳадича Бегим ва ўғли Музaffer Мирzonинг кўзини ўйнатишга – вилоятни ўз қўл остиларига олишга етарли дастак эди. Бадиuzzамон Мирзо Астрободни бой бермасликка қаттиқ интилади. Ҳатто, Алишер Навоий элчиликка келганда ҳам, юртни Музaffer Мирзога беришга рози бўлмайди. Бобур Мирзо, «охир Алишербек ҳам элчиликка келди. Ҳарчанд саъй қилдилар, Астрободни инисига бермакка ризо бўлмади. Дедиким, менинг ўғлум Муҳаммад Мўмин хатна қилғонда Мирзо (Ҳусайн Бойқаро – муал.) анга бағишлабтур», деб ёзади. Ҳикоямни яна Бобур Мирзо сўзлари билан давом эттирай. Борди-келдилар бирор натижа бермагач, «охир оталиқ, ўғуллик орасида бу гуфти-гўйлар анга мунжар бўлдиким, отаси отасининг устига ва ўғли ўғлининг устига Балх ва Астрободқа черик тортилар. Гарзавоннинг оёғида Яқчироғ ўлангига қўйидин Султон Ҳусайн Мирзо, юқоридин Бадиuzzамон Мирзо келдилар».

«Отаси отасининг устига» – Ҳусайн Мирзо ўғли Бадиuzzамон, Музaffer эса, Мўмин Мирзо устига – «ўғли ўғли устига» қўшин тортади. Бобур Мирзо бу ихтилофлар бевосита Ҳадича Бегим қутқуси билан бўлғанлигини таъкидлайди:

«Султон Ҳусайн Мирzonинг ўғлонлари ёғиқтилар, кўпраги муннинг жиҳатидин эди. Муҳаммад Мўмин Мирзони аниг саъии била ўлтурдилар».

Музaffer Мирзо ва Мўмин Мирзо, ота-ўғил қаршилиги хайрли тугамади. Бобур Мирзо, «бу фариб воқеаттindурким, ўшул чаҳоршанба куниким, Султон Ҳусайн Мирзо Бадиuzzамон Мирзони босар, ўшул куни Астрободта Музaffer Мирзо Муҳаммад Мўмин Мирзони босар. Яна ажаброқим, Чашоршанба оталиқ киши Муҳаммад Мирзони тушуриб келтуур», дейди.

Мўмин Мирzonинг мудофаа жангига 1497 йилнинг 2 майида бўлади. Курашда Музaffer Мирзо ғолиб бўлади. Мўмин Мирзо банди қилиниб, Ҳиротга олиб келинади ва Ихтиёридин (Олақўргон) қалъасига

зинданбанд этилади. Зайниддин Восифий шаҳзоданинг ўша пайтда Ҳиротда машҳур бўлган қуидаги байтини келтиради:

*Манам к-аз теги манъ бас беша ҳоли аз газанфар шуд,  
Фалак ёри накард, эй дўстон, душман Музaffer шуд.*

Шаҳзода иккинчи мисрада сўз воситасида душмани музaffer, фолиб бўлганини, айни вақтда, душманининг исми Музaffer эканлигини маҳорат билан гавдалантираётир. Бу сатрлар қачон ёзилган экан, деб ўйлаб қоламан. Чамаси, шеър Ихтиёридин қалъасининг зах ҳужрасида ёзилган. Ҳали шаҳзодада бу мудҳиш ҳибсxonадан қутуламан, бобом озод қиласи, деган ўй-тушунча бўлган. Шу кўнгил тўқдигида юракка ғазал сиққан, сўз ўйинига таъби мойил бўлган. Лекин ҳаммаси телба-тескари бўлиб, шаҳзода қисмати кутилмаганда фожеий ҳал этилди. Бу – Хадича Бегим ва вазир Низомулмулк фитнаси оқибати эди. Хадича Бегим туфайли мансабга келган, унинг йўриғидан чиқа олмайдиган ва муҳими, шиййлик эътиқодини очиқ жорийда бўлишини хоҳдаган, шунга интилган Хадича Бегим қарашлари Низомулмулкда тўла мужассам эди. Эътиқод рақобати Ҳусайн Мирзо Хадича Бегимни олгани кундан, 1470 йил баҳоридан бошлаб, пистирмада газаклаб келар эди. Қолаверса, бу фожиада туркийлик ва маҳаллийлик қутқуси ҳам ўрин тутмай қолмаган. Туркийларнинг, Амир Темур авлодининг Ҳурросонни, форсийзабон элатларни бир асрдан ортиқ идора қилиб келиши маҳаллий зиёлиларга доим ҳам хуш келмаган. Соҳибқирон вафотидан кейин миллий низолар чигаллашиб, туркийлар, туркманлар, маҳаллий аслзодалар ўртасида кураш тинимсиз, очиқ ёинки пинҳоний тарзда давом этиб келган. Озгина заиф, бўш қолган ҳалқа бўлса, унга дарҳол ўз эгалик тамгаларини босгандар. Шоҳруҳ Мирзога қилинган суиқасд, вилоятларга ҳоким бўлган Темурийзодаларга босимлар узлуксиз давом этарди. Туркийлардан бўлган туркманлар ҳам шу қарама-қаршиликларга қадамда дуч келар эди. Ҳусайн Мирзо даврига келиб, бунинг яқъол кўриниши т и л соҳасида намоён бўла бошлаганди. Туркий тилни камситиш, бадиий ижод воситаси бўлиш имконияти пастлиги, дағал эканлиги пеша қилинарди. Шундай шоирлар бор эдики, туркий аҳоли билан қўшилмас, ўзини устун олиб, форсий тилнинг тарғиботига муккасидан кетганди. Алишер Навоий Ҳиротда яшовчи мавлоно Ҳалокий деган шоир ҳақида, «шаҳрдиндур. Турк эли оро-сиға кўп кирмас, ўз номуродлиғига машғулдур», деган эди.

Ҳусайн Бойқародек муazzзам подшоҳ ҳар сафар ўз мажлисларида туркигўй эканлигини уқдириб, эсга солиб туришга мажбурият сезган. Зайниддин Восифий Шайхулислом ва Паҳдавон Муҳаммад мунозараси ҳақида ҳикоя қилганида, шундай манзарани тасвир этади:

«Олий мансаб эгалари, аслзодалар ва улуғлар Мирзо Султон Ҳусайн мажлисига йифилган кун бир масала ўртага ташланди. Шайхулислом икки марта қайтардилар. Бу ҳол Мирзога ёқмади. Чунки Шайхулислом секин, гапни чайнаброқ тушунтирилар. Паҳдавон Мұхаммад масалани қайтарди. Мирзо дарҳол уни топдилар. Мажлис тарқагач, Шайхулислом ташқарига чиқиб, «Мажлисда шундай подшо, шундай уламо ҳозир бўлатуриб, курашчи одамнинг маликулкаломлик қилиши қандай бўлади?» – дедилар. Бу гапни Ҳусайн Мирзога етказдилар. Ҳусайн Мирзо дедилар: «Бу мажлис Шайхулислом ва уламо учун чақирилгани тўғри. Туркигўй одамман. Агар Паҳдавон Мұхаммаднинг бу мажлисда сўзлашга қобилияти ва лаёқати бор экан, Шайхулисломнинг уни чеклашлари тўғри эмас. Агар сўзлашга қобил экан, бунга шайхнинг нима дахли бор?!»

Алишер Навоийнинг авлоди ҳам Амир Темур давридан бу сулола билан чамбарчас боғлиқ эди. Темурийлар шажараси Кеш (Шаҳрисабз) шаҳридан ибтидо олган эди. Пойтахтнинг Самарқандга кўчирилиши туфайли Темурийлар уруғ-аймоғининг аксарияти тааллуқли ходимлари ва хизмат аҳли билан пойтахтга кўчган, шу шаҳарда жойлашиб қолган эди. Хурросон, Озарбайжон, Эрон ва Ироқнинг тасарруфга олиниши манзиллар жуғрофиясига яна ўзгартиришлар киритган эди. Амир Темур ўғилларидан Умаршайх, Амироншоҳ ва Шоҳруҳ Мирзоларнинг марказлашган салтанатнинг улкан маъволариға ноиблар қилиб юборилиши авлод тармоғининг бу бўғинлари ўз аркони давлати, уламолари ва хизматкорлари билан Эрон, Ироқ ва Хурросоннинг йирик шаҳарларида ўрнашиб қолишига асос бўлганди. Амир Темурнинг ўғли Умаршайх Мирзо ҳам вақтида Эронни бошқаруб турганида Шаҳрисабз-Самарқанддан яқинлари у билан к ў ч қилган эдилар.

«Ҳабиб ус-сияр» асарида бу ҳақда, «Амирнинг (Алишербек – муал.) буюк ота-боболари қадимдан Мирзо Умаршайх баҳодир ибн Амир Темур Кўрагон хонадонининг хос кишилари жумласидан эдилар ва кўкалтошлиқ мансаби эътибор қалами билан уларнинг хотир лавҳига битилган эди», дейилади.

Ҳусайн Бойқаронинг давлатни идора қилиш тизими икки – Девони бузрук ва Девони туркийга асосланган эди. Девони бузрукда келиб чиқиши маҳаллий кишилардан бўлган вазирлар фаолият кўрсатарди. Девони туркийда барлос амирлари кўпчиликни ташкил этарди. Ҳокимиятнинг бу тарзда миллий асосга қурилиши мувозанатни тенг тутиб туришни кўзлагани аниқ. Йиллар ўта боргани сари бу тизим тўрачиликка оғиб кета бошлайди. Айниқса, Ҳусайн Бойқаро подшоҳлигининг қиёмида шаҳзодаларнинг кўплиги, уларнинг бошқа-бошқа оналардан туғилганлиги сиёсий мувозанатнинг аста-секин бири пасайиб, бири юқорилаб борувчи тарози палла-

ларини эслатади. Подшоҳнинг куч устида эканлигига бошланган тож-у тахтнинг қайси фарзандга тегиши ҳ а р а м н и кўпроқ бе-зовта қилади ва бош даъвогар Хадича Бегим бўлиб, ўзи туққан ўғил Музaffer Мирзони валиаҳдликка мўлжал қилади.

Хондамир ўзининг «Дастур ул-вузаро» ва «Ҳабиб ус-сияр» каби асарларида бу ҳақда ҳимматли маълумотлар қолдирган:

«Музaffer Ҳусайн Мирzonинг онаси Хадичабеги Оға шаҳзода-нинг боқийлигини ўзининг бақосизлигига сабаб деб тасаввур қилиб, тамоми ҳимматини давлат ва иқболнинг ўша тоза ниҳолини сарсар шамолининг қаҳри билан қўпориб ташлашга, унинг барча хайр-у эҳсон чашмасини тупроқ билан тўлатиб йўқ қилишга қаратди. Сўнг ўша вақтда мамлакат ва мулкнинг соҳиб ихтиёrlигини қўлда тутиб турган Хожа Низомулмулк ва унинг авлоди билан тил бириттириб, хоқони Мансур (Ҳусайн Мирзо – муал.) кўп ичиб, қаттиқ маст бўлиб қолган кечаси ҳамида сифатлик ул шаҳзодани қатл этиш ҳақида-ги фармонга қўл қўйдириб олди ва Ёрали бахши, Абдулвоҳид ясо-вул ва яна бошқа икки ишончли кишисини ҳукмни ижро этиш учун юборди. Эртаси куни эрталаб, хоқони Мансур кечаси берган ҳукми-дан воқиф бўлди ва юқорида номлари зикр этилган шахсларнинг кетидан чопар орқали салтанатнинг меваси, халифаликнинг кўрар кўзига (Мўмин Мирзога – муал.) бирон зарап етказмаслик ҳақида фармон юборди. Аммо ўша тўрт нобакор Хадичабеги Оғанинг та-йинлашига биноан тез суръат билан Ҳиротга етиб, кечаси Муҳаммад Мўмин Мирзо Қуръон тиловат қилиб ўлтирган пайтда унинг ҳузури-га кириб бордилар. Шаҳзода юз берган аҳволни англаб, улар билан кўп олишди, лекин оқибатсиз бадбахтлар Амир Темур Кўрагон хона-донида тенги йўқ ушбу ёш жанобни ҳалок қилдилар ва ҳалойиқнинг фикрини чағитиш мақсадида унинг жасадини қалъа буржидан хокрезга улоқтирилар».

Мўмин Мирzonинг таваллуд тарихига бир назар ташлайлик. Ба-диузвазмон Мирзо ўн беш ёшида, 1473 йилда Султон Сайднинг қизи Хоним Бегимга уйланганди. Хоним Бегимнинг она томондан момоси Абу Саъид Мирzonинг қизи Руқия Султон Бегим бўларди. Мў-мин Мирзо 1486 йилда туғилган. Хондамирнинг шаҳодатига кўра, амир Муҳаммад Бурундуқ Музaffer Мирzonинг амрига мувофиқ, 903 йилнинг сафар ойида (1497, октябрь) Ҳиротга келтириб, Ихти-ёридин қалъасига қаматиб қўйган эди. Астрободдан то Ҳиротга олиб келингунча тўрт-беш ой ўтиб кетади. Шаҳзода қамоқقا олинга-нидан кўп ўтмай, камон илип билан бўғиб ўлдирилган. Ҳусайн Мирзо бу вақтда Мурғоб дарёси бўйида қўналға қилиб турганди. Шаҳзода-нинг жасади ахлат тўкиладиган жойдан топилади ва орадан уч кун ўтгач, амир Сарбон Жунайд томонидан ювилиб, бувиси қурдирган «Бадиия» мадрасаси ҳовлисига дафн этилади.

Мўмин Мирзонинг ўлими Ҳирот аҳрини, айниқса, зиёлиларни, шоирларни жуда изтиробга солади. Шоҳ ўрдасига қадар одамлар тўпладаниб кела бошлайди, Ҳусайн Мирзони Карбалода хунрезлик қилган Язидга ўхшатадилар. Ҳусайн Мирзо сафаридан қайтади ва набира-сига аза очиб, унинг ўлими ҳақида маншур ёзиб, имзо ва муҳрини қўйдириб олганларни, шу билан биргага, ўғли Бадиuzzамон Мирзо тарафдорларини ҳам жазолашга киришади. Мўмин Мирзо ўлдирилгандан уч кун ўтиб, Машҳадда бир қанча вақт бўлган Алишер Навоий ҳам Ҳиротга қайтади ва мусибат устидан чиқади. Набира учун олинадиган интиқом етти-саккиз ойдан кейин амалга оширилади. 1498 йилда Ироқдан Ҳожа Афзалуддин қайтади ва вазирликка қўйилади. Бу эса, Ҳусайн Мирзонинг ўз хатосини тўғрилаш йўлидаги уринишларига далда бўлади. Низомулмулк, унинг қайноғаси, йигирма йилдан бери девонда ишлаб келган Амидалмулк, қариндоши – жияни Низомиддин Курд, икки ўғли, синглисишининг ўғли, сарой қиссанависи Абдулазиз, Низомиддин Курднинг ўғиллари, Маҳмудшоҳ Фараҳийлар қамоққа олинади. Ихтиёриддин қалъаси маҳбуслигидан Низомулмулкнинг иккала ўғли қочишга уриниб, эртасига яна қўлга олинади. Зулқаъда ойида (июль бошлари) Низомулмулк кўз олдида жаллод унинг иккала ўғли бошини танидан жудо қилади. Низомулмулкнинг ўзини қалъа дарвозасига олиб келиб, тириклай терисини шилиб оладилар. Шу куни Мўмин Мирзо ўлими айбдорларига раҳм-шафқат қилинмайди. Лекин асосий айбдор – Хадича Бегим алданган шоҳ интиқомидан четда қолади. Бу ваҳшиёна гуноҳдан Хадича Бегим қандай қутулиб қолган – ақл бовар қилмайди. Унинг макри, ўз жиноятини бошқалар, хусусан, вазир Низомулмулк қўли билан бажарганлиги ҳеч бир ақл доирасига сифмайди. Қилмиш-қидирмиш, деганлар. Бу худбин, шайтонсифат, юраги тош қотган малика, бари-бир, орадан етти-саккиз йил кечиб, феъли авторига яраша қисмат жазосига мустаҳиқ бўлади. Бундай фалокат, касофат, макр ва ажал кимсаларининг жазосини Муҳаммад Шайбоний берсин экан.

Шаҳзода Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши салтанат учун кетмас қора доф бўлди. Ҳусайн Бойқаро минг пушаймон бўлмасин, ўнлаб одамларни қатлга тортмасин, одамларнинг подшоҳдан баъди қайтган, ичкилик оқибатида ҳар қандай ярамас ишларни қилишга қодир, хотин гапидан чиқолмай қолган субутсиз, дея ўйлай бошлаганди. Бунинг устига, мулкгирлик қилиб, бири қўйиб, иккинчиси талош қилаётган ўғиллар тахт поясининг қуртлари бўлиб, унинг за-волини тезлаштирмоқда эди. Бадиuzzамон Мирзо Балхдаги мағлубиятдан кейин ўзини ўнглаб, ота устига лашкар тортмоқ ниятида ёниб турарди.

Машҳаддан уч кун бурун қайтиб келган Алишер Навоий дўсти, подшоҳ Ҳусайн Мирзонинг бу қадар тубанликка қўл урганидан ўзи-

ни қўйишга жой тополмасди. Хожа Афзалуддин билан таъзияда ўтирган кунларидан бирида:

«Мұхаммад Мўмин Мирзо билан бўлган воқеа шайх Маждууддин Бағдодийнинг ўлими билан баробардир, зероки, ўшандан кейин тамом Мовароуннаҳр, Хурросон ва Ироқ Чингизхоннинг Турондан Эронга лашкар тортиши сабабли вайрон бўлиб, халқи қирғин қилинган эди», дейди беихтиёр. Бу сўзлар Хондамир томонидан «Ҳабиб ус-сияр» асарида келтирилган. Алишер Навоий бу сўзларни айтганда, ўн йиллик келажакни кўра билган эди. 1506-1507 йилларда Мұхаммад Шайбоний бошлаб келган лашкар Ҳиротни ва бутун Хурросонни, Эронни остин-устун қилишда Чингизхон яғмосидан қолишимайдиган бўлган эди.

Низомулмулкни, рости, тушунмадим. Ҳусайн Бойқаро ҳибсга олинган Мўмин Мирзони нима қилиш ҳақида маслаҳат сўраганида, Низомулмулк ҳеч бир иккиланмасдан:

*Раҳнагари мулк сарафканда беҳ,  
Лашкари бадаҳд пароканда беҳ, –*

яъни «Мулк бузғунчисининг бошини олмоқ керак, Фикри бузук лашкарни тарқатмоқ керак», деб «маслаҳат» беради... Бу ўйлабми, ўйланмай, Ҳадича Бегим хушомади учун айтилган, қатл қилишни узил-кесил тарғиб қилган назм, айни вақтда унинг ижодкори бошига ҳам етди. Нафақат унинг... ўғиллари, қариндош-уруглари йўқлик оламига равона бўлди. Ўз фикри бўлмаган, ўзгани соя билиб, унинг ногорасига ўйнаганинг ҳоли шу бўлди.

\* \* \*

Ҳижрий 904 йил (1498) Боги Зогонда омадсиз бошланди. Кейинги ойларда Ҳусайн Мирзо Ҳиротда кам бўларди. Унинг учун Астробод, Марв, Балх, Ҳисор ўйлари ноиложлиқдан тай қилинар, мулкгирлик мақсадида қиён-кесди кўтариб, исён йўлига кирган ўғилларни тинчитиб қўйишта отланарди. Мўмин Мирзо воқеасидан кейин ҳамон ўзини ўнглаб ололмас, ширакайф бўлиб олса, бас, беихтиёр кўзидан ёш тирқиради. Боргоҳида уйқуси хўрозлар қичқирмай очилиб кетар, туйнукка тикилганича, бадбин хаёллар юки остида қоларди. Яхши кунларни зўр бериб эслашга уринар, шу тахлитда тонг ёришганини ҳам сезмай қоларди.

Кейинги вақтларда Алишербекни кўп истайдиган ва эслайдиган бўлиб қолди. Бўлиб ўтган нохуш фожиа шоҳнинг кимга ишониши ва кимга таянишини мубҳам қилиб қўйди. Хожа Афзалуддинни яна вазирликка қўйиб, тўғри иш қилди, чоғи. Низомулмулк ва унинг қатл этилган яқинлари мол-ҳолини девоний қилишда роса жон койитди,

хазинага беҳисоб пул нақдиналар, олтин-кумушлар, тулпор отлар, гиламлар дегандек, ашёни бисёр йигишириб олди. Ундан кўнгил тўқ. Барибир, у Алишербек эмас-да?! Бадиuzzамон, Абулмуҳсин, Кепак Мирзолар ғавгосини бирёқлик қилишда Алишербекнинг аралашуви, насиҳатлари кифоя, ул зот обрўси сулҳшиорлик бирладур. Афзалуддинга хазинани тўлдириш бўлса, бас.

Хусайн Мирзо хаёл сурар экан, дўсти Алишернинг садоқати ва беғаразлигини эслаб кетди. Маждууддин орани бузган экан, ўшанда. Каалтабин вазирлар Низомулмулк ва Афзалуддинлар озгина ёрмоққа муҳтоҷлик бўлганида, кетларини бурган эди-да. Бу мугом-бир Маждууддин пули билан этагини тутган, хотирида йўқ, икки туманми, йигирма туманми оқча берганди-да. Берганларини олиг-у солиқлардан чиқариб олган, қирриқликда отасидан ўтарди у. Ёмени, дўсти Алишерни Ҳиротдан узоқлаштириш, ҳокимлик баҳонасида Астрободга жўнатиш фикри кимдан чиққанди? Алишербекни эмас, вилоят талашиб ётган манави шаҳзодаларнинг бирини юборса бўлмасмиди? Жон деб борарадилар. Астробод учун Бадиuzzамон ва Музаффар талашиб, мурғаккина набирам, кўз нурим Мўмин Муҳаммад ўлиб кетди. Энди нима бўлса ҳам, умрим интиҳосида, қариган, хасталанган ҳолимда Алишербекдан ажralиб қолмай. Набирам фавтидан кейин ул зот ҳам мендан тайсаллайдиган бўлди. Эшитурменким, ҳаж тараддутида юрганмиш, Машҳад зиёратида эмиш. Дўстимнинг кўнглида губор йўқ. Биродари Дарвеш Алини Балх воқеасидан кейин ҳажга йўллаб, ўзига китобдор қилиб олди. Дарвеш Али Балҳда номақбул ишлар қилди. Муҳримни ясатди, фарзандим Иброҳим Мирзони чалғитди, исён кўтарди. Хожа Деҳдор орага тушмаганда борми, уни ҳам жаллод дорга судрармиди? Хайриятки, яхшилар бор. Хожа Деҳдор саркаш Дарвеш Алини ҳузуримга бош эгдириб, тавбада олиб келди. Ярашганимиз яхши бўлди. У уйига меҳмонга чақирди, бордим. Балҳда нима йиққан бўлса, барини пешкаш қилди. Одамлар уни зиқна дейишарди. Йўқ, у ҳам акаси сингари сахий экан. Маждууддинга аччиқ қилиб, акасининг камситилишига қарши салтанатга очиқ бош кўтарди-я?! Менинг фарзандларим бир-бирини ҳимоя қилиш у ёқда турсин, ёнда бўлишса, кўзларини ўйиб олишга ҳозир-у нозирдирлар...

Хусайн Мирзо ипак кўйлак устидан қабони кийди-да, бошига қўзи тери бўркини қўйиб, боргоҳдан чиқди. Мулозимлар қўл қовуштириб, таъзимга эгилдилар. Унинг кўнглида бир оз дала айлангиси, уйқусизлик ва ўйлайверишдан караҳт бўлган бошини тоза ҳавода енгиллатмоқ фикри бор эди. Ясовуллар ва қўриқчилар ортдан юра бошлиди. Ёз қайтиб, кузнинг нуқслари дала-даштларга ўз асоратини сола бошлаганди. Хусайн Мирзо оҳиста қадамлар экан, тизза бўғинларида оғриқ ҳис қилиб, орқага қайтди. Шу тобда унинг хаёлидан

«Алишербекни Марвга, қўналғага таклиф этиш оқилдандир», деган фикр кечди.

...Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши Ҳусайн Мирзо хонадонига қаттиқ қулфат келтирган эди. Икки йилга яқин бўлаётган эдик, саройда ҳаловат йўқ, кайфият тушкун, маънавий таназзул шоҳ ва унинг ўғилларини чўлғаб олган, балким комига ямлаётган эди. Ўша даврнинг манзарасини шу воқеалар ичидаги бўлган Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сијар» асари бирқадар ойдинлаштиради. Маънавий инқизорознинг сабаблари кўйидагича баён этилади:

«Муҳаммад Мўмин шаҳид этилганлиги ҳақидаги хабар теваракатрофга тарқалгандан кейин ўша оташандуҳ ва пуралам қабиҳликнинг учқунлари яқин ва йироқ, турк ва тожикнинг ўчогига сачрагандан кейин Хуросоннинг теваракатрофида ҳукумат қуриб ўлтирган шаҳзодаларнинг ҳар бири Ҳадичабеги Оғонинг макри ҳийлаларидан чўчиб, Бадиuzzамон Мирзога тақлид қилиб, отасига тескаричилик йўлини тутдилар. Жумладан, Марв ҳокими Абулмуҳсин Мирзо Обивард вилоятининг ҳокими, биродари Муҳаммад Муҳсин Мирзо билан борди-кељди қилиб, иттифоқ тузиб ва аҳд-у паймон қилиб, бузруквор оталарига қарши курашмоққа қарор қилдилар».

Ҳадича Бегимнинг сийратига чизгилар, шу тариқа, унинг замондошлари томонидан кетмас қора бўёқларда тасвирини топган эди. Бу воқеалар даҳшатли тус олаётган 1498 йилда (ҳижрий 904) Ҳадича Бегим қирқ етти ёшга кираётганди. Шаҳзодаларнинг оғаға қарши бораётган шаҳзодаларни оқлаб бўлмайди. Лекин сабабларни ҳам инкор қилиш имкондан эмас. Ҳозирги вақтда таомилга кириб қолган «иккинчи бўлиб отган – биринчи бўлиб ўлади», деган қўпол ва ҳақ нақд пайдо бўлмасдан, оламда йўқ замонда шаҳзодаларнинг ҳимояланиши, Мўмин Мирзодек қурбон бўлиб кетмаслик учун саъй-ҳаракатга даъво қилишлари мумкинми? Бу саволга мен «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беришим осон. Ўша пайтда-чи?! Юз берастаги воқеалар ва унинг хавфли, айтиб бўлмас тадрижини шаҳзодаларга осон тутиб бўлмасди, чорги.

Исёнкор ўғилга қарши қўшин тортиш қанча харажатлар, беҳуда вақтларни олар эди. Абулмуҳсин исёнини бостириш, муаррих айтганидек, «аҳвол шу тарзда уч-тўрт ой кечди, сўнгра ота-бола эртадан-кечгача давом этиб турган жангларни тўхтатиб, ўртада сулҳ туздилар».

Ёдгор Мирзонинг ўн саккиз йил олдин Ҳиротни эгаллаб олиши воқеасидан сўнг доруссалтана пойтахтга на четдан, на ичдан бирорта даъвогар талаб солган эмасди. Лекин шу йили ўғлидан айрилган, аламзада Бадиuzzамон Мирзо Ҳиротни эгаллашга уриниб кўр-

ди. Ҳусайн Мирзо ўғли Мұҳаммад Ҳусайн исёнини тинчитиши учун Астрободга кеттән пайтида Сеистон томондан қүшин түплаб келиб, Ҳиротруд вилоятига етиб келди. Ҳиротдек шаҳри азим Алишербек, амир Валибек ихтиёрида қолдирилган эди. Ҳар иккаласи елиб-югуриб, шаҳар мудофаасини кучайтиридилар, дарвозаларни маҳкам қылдилар. Бадиузвамон Мирзо түқнашувларда голиб бўлиб, шаҳарниң жангсиз таслим бўлишини кутиб турди. Қамал, шу тарзда, қирқ кун давом этди. Шу орада Ҳусайн Мирзонинг Астрободдан қайтиши хабари эшитилди. Шаҳар истилоси тасодиф билан амалга ошмай қолди. Мудофаада турган Алишербек Бадиузвамонга одамлар юбориб, отага қарши юрмаслик, бу ердан жўнаб кетишни сўради. Шаҳзода бу сўзни оди ва қамални бўшатиб, Мургоб дарёси тарафга кетди.

Ота-ўғиллар қарама-қаршилиги, жанглари тафсилоти бутун бошли фожеий қисса. Бадиузвамоннинг ҳарбий салоҳияти ортиши, аксинча, отанинг жанговарлик нусрати пасая бориши, сулҳлар бузилиш ва қайталаниши – подшоҳ хонадонига ярашмайдиган парокандалик, ота-болалар душманлашуви тарихи жуда узоқ...

Подшоҳ Марвда қишлоаб турганида Алишер Навоий Машҳадда эди. Кўпдан бери ҳажга кетишни, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассаллам равзасини зиёрат қилишни қўнгилга туккан Алишер нияти подшоҳлик монелигига учраб, амалга ошмай келарди. «Равзат ус-сафо»да бу ҳақда шундай дейилади:

«Ул фазилат ва донишда шукуҳдик ва етук амир Низомуддин Алишер миллат-у ҳалқ ва мустаҳкам шариат йўлининг ҳодиси далолати билан кўп вақтдан бери, бошини оёқ қилиб ва уни барча муродининг боши деб билиб, Ҳижоз тарафга боришни ва ҳаж қилиб, пайғамбарнинг муқаддас равзасини зиёрат қилишни истар эди. Аммо шу боисдан ҳар сафар зиёрат қилиш ҳақида хилофат масир таҳт поясида рухсат сўраб, оғиз очганда, хоқони Мансур ул жанобнинг шарофатли сұхбатларига камоли майли бўлганидан, руҳсат бермас эди. Осмон ҳашаматлик подшоҳ Марв атрофини зафарфаржом аскарнинг лашкаргоҳига айлантириб, Абулмуҳсин Мирзони қамал қилиб турган кунларда, соҳиб тавфиқдик амир (Алишер Навоий – муал.) фурсатни фанимат билиб, фазл-у камол аҳлидин кўплари билан бирга муқаддаси Машҳад тарафига қараб равона ва олий мақсад сари шитоб бўлди ва подшоҳ даргоҳида очиқ гапириш ҳуқуқига эга бўлган зиёратгоҳлик мавлоно Абдулҳай табибини ижозат олиб бериш учун хилофатмасир таҳт пойига юборди».

Машҳадда Алишербек Абулҳай табибининг шоҳдан ҳажга рухсат олиб келишини кутиб туради. Ҳусайн Мирзо ҳаж ижозати юзасидан дўсти Алишербекка тубандаги жавобни Абдулҳай табиб орқали бериб юборади. Мактуб мазмуни шундай:

«Файзасарлик хотири риояси бу илтимосни ижобат қилишни тақозо этса-да, аммо ул муборак манзилга бормоқни ихтиёр этишда йўл тинчлиги ҳам шартдир. Бусиз, сизнинг раъйингизга равshan бўлсинким, ҳар иккала Ироқ ва Озарбайжон фитна ва гавғо ичида қолганким, уни тасаввур қилиб ҳам бўлмаслиги аниқ бўлиб турибди. Агар бу тарафнинг розилиги мулоҳазаси билан ушбу хаёлни яна бир навбатга қўйиб, бу тарафга (Марвга – муал.) ташриф буюрсаларким, ул жанобнинг воситачилиги билан сулҳ эшиклари очилгай, қачонки амният тариқининг хабари таҳқиқ бўлса, азимат буюрсалар яхши ахлоқидан ажиб ва йироқ бўлмағай».

Бутунлай ҳаж сафари ниятида бўлган, йўл тадориги кўрилиб, шоҳнинг рухсатига кўз тикиб турилганда, ана шу мактуб олинади. Ҳусайн Мирзо учун ҳажга ижозат беришдан кўра, Алишербекни ёнига чақириш, ўғли билан битмаётган сулҳни битказиш аҳамиятли эди. Шу сабаб, йўлларнинг нотинчлиги баҳонасида ҳаж сафарини бошқа навбатга қолдириш таклифи (тўғрироғи, ўта одобона буйруғи) берилади.

Алишербекка бу малол келади, албатта. Сафар арафасида мулоҳим рад жавоби берилишини тасаввур қилиш мумкин. Бу ҳолни муарриҳ ҳам ҳис қилган, шекилли, бу ҳақда, «мазкур иноят услублик мактуб, амир Алишернинг мутолаасига етишгандан кейин муқаддас Машҳад хонадонининг мужовирлари, нақиблари ва мусофиirlари билан кенгаш ўтказди. Ул жамоатнинг барчаси иттифоқ бўлиб, ул жанобнинг ўрду тарафига боришини, нима бўлса ҳам, хоқони Мансур (Ҳусайн Бойқаро – муал.) билан Абулмуҳсин Мирзони яраштириб қўйишни дин-у давлатнинг салоҳи, деб ҳисобладилар», деб ёзади.

Подшоҳ мактубидан чорасиз қолган мутафаккирни машҳадлик фузалолар ризо қилганлар. Эл-у улуснинг осойишталиги, салтанатнинг барқарорлиги улар учун ҳам муҳим эди. Назаримда, бу маслаҳат – Ҳусайн Мирзо ҳузурига қайтиш ташаббуси улардан чиққан. Ҳусайн Мирзо билан учрашувдан кейин сулҳ қарор топгач, подшоҳ Алишер Навоийга:

«Модомики, Сиз менинг мамлакатимда бор экансиз, нимаики тиласангиз ва илтимос қилсангиз, муқаррарким, қабул шарафига мушарраф бўлгусидир».

Марвдан Ҳиротга қайтар пайти Ҳусайн Мирзо азалий дўсти ва қадрдони елкасига ҳарир тўн ёпиб, Ҳирот сари кузатди.

Абулҳай табиб ражаб ойининг ўн биринчи, жума куни Ҳусайн Мирзо ҳузурига бориб, келтирилган жавобни олиб қайтган бўлса, шу йили, яъни ҳижрий тўққиз юз тўртинчи йилнинг шаъбон ойи ўрталарида (1499, март охирлари) Алишербек Ҳиротга етиб келди. Кўп ўтмай, таниқли кишиларни, фузалоларни, раъиятни чорлаб, хайрли маърака қилди. 75 қўй, 20 бош от ва 30 ботмон қанд-қурс сарфланди. Ҳиротга Алишербекнинг қадам ранжида қилиши ҳамманинг

руҳини кўтариб юборган эди. Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» китобида айтилишича, сафар ойининг ўн иккинчисида, жума куни намоз адосидан кейин бир гуруҳ таниқли кишилар Алишербекнинг уйига келиб, уни зиёрат қиласидилар. Бу ташрифда шайх Жалолиддин Абу Саъид Пуроний, шайхулислом Сайфуддин Аҳмад Тафтозоний, шайх Сўфи Али, мавлоно Муъиниддин Фарахий, мавлоно Камолиддин Ҳусайн Кошифий, мавлоно Ҳамидиддин Табодконий, Ҳожа Имомиддин Абхарий, амир Қувомиддин Ҳусайн Мозандароний, амир Жамолиддин Атоуллоҳ Асилий, амир Низомиддин Абдулқодир, амир Шамсиддин Мұхаммад ибн Юсуф Розий ва яна ўнлаб Ҳирот ва унинг атрофларидан аъёнлар, ашроф, раис ва акобирлар бўлади.

Улар юртда кейинги вақтларда вужудга келган шаҳзодалар танглиги ва бунда Алишербекнинг тинчтиши, мамлакатни ушлаб туриш бобидаги мавқеини тилга олдилар, гурунгнинг асосий мавзуси ва келишларининг бош сабаби айнан шу эканлигини баҳс-у мунозарада рўйи рост айтадилар. Муаррих дейдики, «арз қиласидиларки, Сизнинг файз-баракали зотингиз Ҳурносон ўлкаси тинчлигининг сабаби ва инсонлар осойишининг боисидир. Ҳозирги вақтда бу диёр Султони Соҳибқирон вужудидан холидир. Агар юрт Сизнинг ҳам муборак файзли нурингиздан четда қолса, мумкинки, фитналар юз берив, унинг тадоруки имконсиз бўлиб қолади. Айниқса, ўзбек подшоси Шайбонийхон Мовароуннаҳрни истило қилган, Амудан ўтиш хоҳиши бордир. Эндиликда, Ироқ ва Шом аҳволи гоятда паришон ва йўллар ниҳоятда нотинч бўлганидан, шариат юзасидан шундай пайтларда ҳ а ж вожиб эмасдир. Бу фақирларнинг илтимоси шулки, яна бир бор ҳурносонликлар жонига яхшилик қилиб, бу йил ҳаж сафари ниятидан қайтсинлар ва бу хайрли иш савобини етмиш боғри пиёда ҳаж қилишдан ортиқ кўрсиналар».

Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятининг сўнгги йилларида Алишер Навоийнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ҳақида ўйлаб, мушоҳада қиласкансан киши, беихтиёр бир муқояса хаёлда саробдек жимиirlайди: Ҳурносонда подшоҳ ким эди ўзи? Подшоҳнинг илтимоси, Ҳиротнинг уламо-ю фузалоси ўтинчи, Алишер Навоийнинг фуқаролик мартабаси амалдаги давлат бошлиғи обрўсидан устун эди. Табиийки, куч Ҳусайн Мирзо томонда эди. Шу сатрларни ёзар эканман, устоз Навоийшунос олимнинг гаги ёдимга тушди. Суҳбатлардан бирида олим, «Алишер Навоий ҳазратларининг ўз ажали билан вафот этишида биз, авлодлар Ҳусайн Бойқародан миннатдор бўлишимиз керак», деганди. Ўша пайтда бу фикрнинг моҳиятини ҳис қилмаган эканман. Алишер Навоийни ҳам Маждууддин, Низомулмулк кабилар ўлдириб юбориши қийинмиди? Маждууддин ҳажга мажбуран жўнатилган, йўлда ўлим топган, Низомулмулк қилмиши учун жазо олган. Алишер Навоийнинг укаси Дарвеш Али 1487 йилда

Хусайн Бойқарога қарши норозилик исёнини кўтартганида, рақиблар бу ишда Алишер Навоийнинг қўли бор, деб айб қўйғанларида, уни орадан кўтариш муаммо эмасди-ку?! Ёинки Алишер Навоий Бадиuzzамон Мирзони сулҳга кўндириб турганида, Хусайн Бойқаронинг хуфиёна Ислом барлосга топшириқ бериб, Бадиuzzамонни тутиш ва йўқ қилишни буюрганида, шаҳзода Алишербекни бу суиқасдни уюштирган, чалфитувчи сифатида осдириб юбориши тайин эмасмиди?! Яхшиямки, шаҳзодалар Алишербекни улуғвор инсон ва даҳо шоир сифатида ҳурматлаганлар. Хусайн Бойқаро ҳам буни тे-ран англаган. Хушомадгўйлар мансабни, вазирлик маснадини пуллари эвазига сотиб олганларнинг миси уч-тўрт йилда чиқиб қолиб, бадном бўлганлар. Алишербек болаликдан то умри охиригача дўстига, подшоҳга, салтанатга, эл-у халқига содиқ бўлиб яшади. Олим айтган хulosанинг қанчалик тўғрилигини шу тарихни озми-кўпми ўрганиб, чукур тушуниб етдим.

\* \* \*

Ҳижрий тўққиз юз ўн биринчи (1505-1506) йилнинг жавзоси охирлари эди. Ҳамал чиқмасданоқ ёғин-сочин тортилиб, кун қизиб кетган, ўт-ўланлар қуёш нурлари тифида қовжираб қолганди. Тоғларнинг баланд чўққиларида, одатда, саратон аввалида кўриниб турадиган қор юқлари кўзга чалинмасди. Ўнгирлар жигарранг тусга кирган, қушлар соя жойлар ахтариб, оғизларини катта очиб, холиқларди. Водийларда ҳам қургоқчилик давом этар, адирлар ва пастқамликка омоч билан тирнаб экилган арпа-буғдойлар тиззадан пастда қолиб, сўлиб, шалпайган кўйи гармселларга ем бўларди. Суворийлар кўзлари илғаган пайкал-у майдонларга сер ташлаб, бош чайқаб, ўтиб борарадилар. Яхшиямки, ортда, араваларга, туяларга дон-дун ортилган. Йўлга чиққанларига ҳафта бўлаётирки, отлари тўйиб ем-хашак еган эмас. Бу аҳволда муҳориба нима бўлади? Мовароуннаҳрда баҳор серёғин бўлиб, ўтлар белга уармиш. Фанимларнинг от-улови семириб, сағри ялтираб кетгандиров. Сипоҳиларнинг от устидаги гурунги шу эди.

Ҳиротдан чиққан лашкар Бобо Илоҳий мавзесига етиб келди. Бу ерда тўсатдан қўш ташлашга амри фармон бўлди. Йўқса, яна анча йўлни тай қилиб, сўнгра ҳордиқ кўзда тутилганди. Яна ҳам, амирлар билади-да. Сипоҳилар ўзларига қулайроқ жой танлаб, отларининг қозикларини маҳкамлаб, одатдагидай, гапи чиқишидиганлари билан тўдалашиб ўтира бошлади. Ўрду томондан ҳеч бир хабар бўлмади, шаҳзодалар қўшин қанотларини айланиб, аҳволлашиб турарди. Уларнинг негадир дараги йўқ. Тинчликмикан ўзи? Олий ҳазрат подшоҳни касал, тахтиравонга ҳам зўрга чиқиб, ҳаллослаб қолади, дейишганди. Бир кор-ҳол бўлмадимикан, ишқилиб?! Сафарга чиққан-

да, подшоҳнинг ўлими бу Темурийларга солув, деб нақл қилишади. Сипоҳийлар даврасида бу гаплар шивирлаб айтиларди. Уларнинг гапида жон бор эди.

Абулхайрхон авлодидан бўлган Муҳаммад Шайбоний номи кейинги йилларда Ҳиротда ҳам тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолганди. Ҳиротда 90-йиллар охирида, Мўмин Мирзонинг талафотидан кейин вужудга келган алгов-далгов чоғларида пойтахтнинг ақл-идроқи бўлган фузалолар, умаролар Алишербекка Шайбоний хавфини айтиб, унинг ҳажга боришни қолдириб туришини илтимос қилганлари ўқувчи ёдидадир. Орадан етти-саккиз йил ўтиб, энди шу хавф муқаррар бўлиб қолганди. Мовароуннаҳр янги асрнинг – 1500 йилнинг дастлабки йилларидаёқ, Муҳаммад Шайбоний истилосига дучор бўлган, мамлакатда шаҳар-қишлоқлар бирин-кетин босқинчиларга бой берилмоқда эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан бўлак қаршилик кўрсатадиган, Темурийлар шаънини, маъвосини ҳимоя қиладиган куч қолмагач, Бобур Мирзо ҳам Кобулга чиқиб кетгач, Шайбоний лашкари Жайхунни кечиб, Хурросон мулкларига ҳам ҳужумлар уюштира бошлайди. Ҳиротда дастлаб бу чопқунларга бовар қилинмайди. Душман тобора яқинашиб, босган қадами мулкларга оташ солиб, ёндира бошлагач, Ҳусайн Мирзо ҳаракатга тушади. Шу вақтга қадар, ўзаро курашлардан тийилмаган, аравани ҳар бири ҳар тарафга олиб қочган ўғиллари ҳам довул ҳидини сезиб, жам бўлишга мажбурият сезадилар.

Дашти Қипчоқ билан муносабатлар тарихи жуда қадим эди. Туркийлар заминга оёқ қўйган ибтидоий замонлардан бу алоқа давом этиб келган. Муаррих Наршахий араблар босқини даврларида Дашт туркийларининг Мовароуннаҳрга келиб-кетиб юрганлигини қаламга олади. Шайбоний уруғ-аймоғи билан Темурийларга қуда-андалашиб кетганди. Икки сулола тарихини мутолаа қилган китобхон йиллар кеча боргани сари, қудачиликнинг ҳам аҳамияти сусая борганигини кузатиши табиий. Чингизхон, Амир Темур каби жаҳоншумул раҳнамолар даврида қуда-андачиликнинг иззати баланд, ўзаро ҳурмат қарор топар, ёвлашув ортга чекинар эди. Ҳар иккала сулола ҳам, назаримда, мулки маъволари майдаланиб, бирикмаслик, тарқоқлик авж ола боргани сари, ўзлари ҳам, феъллари ҳам бачканалашиб боргандек таассурот қолдиради. Манфаат, тож-у таҳт учун одамнинг одамга энг олий яқинлиги – ота-болалик ҳам оёқ ости бўла бошлаган. Бу хусусда узок фалсафа суқиши, гапни чўзиш мумкин. Мисолларни ушбу китоб саҳифаларидан ҳам хоҳлаганча топиш мумкин. Шайбонийлар қариндош-уругчилигида бундай фожиалар кам эмас.

Томирлари асрлар оша чатишиб кетган бу икки туркий сулола Ҳусайн Бойқаро даврида ҳам қариндошлик муносабатларини давом қилган эди. Ҳусайн Бойқаронинг бир қизи ўзбек сultonларидан

Қосимбекка тушган ва Қосим Султон Ҳиротда истиқомат қиласарди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу ҳақда:

«Қосим Султон ўзбек Шайбоний султонлариданким, Мирзонинг (Хусайн Бойқаронинг – муал.) куёви бўлур эди, Қосим Ҳусайн Султоннинг отаси бўлғай», дейди.

Ҳиротда Шайбонийга қарши ҳаракат Бадиuzzамон Мирзо зimmersiga юкланган эди. 1502 йилда у 12 минг кишилик қўшин билан Амударё бўйига қадар борган эса-да, илгари силжишга ботинмайди ва Балхга қайтади. Орадан бир йил ўтади, 1503 йилда Шайбоний лашкари Балхга ҳужум бошлайди. Балх қамали кунларида Бадиuzzамон Мирзо отасини бу воқеадан хабардор қиласади ва кўмак лозиматини айтади. Ҳусайн Мирзо хуносага келолмайди. Бу тағофиллик сулола ва салтанатга жуда қимматга тушади. Муаррихлар Ҳусайн Мирзодаги сусткашлик ва хавфга лоқайдлик сабабларини Бадиuzzамон билан хафагарчиликда бўлганликка тақайдилар. Буни рад этиб бўлмайди. Бироқ хаста, қаруви етган, ичмаса туролмайдиган подшоҳ мамлакатнинг ички ҳолатини идора қилолмай қолганидек, ташки душман ва унинг нималарга қодирлигини баҳолаш, қаршиликни уюштира олиш салоҳиятига эга эдими? Узр-ку, бундай деб ўйлашдан йироқман. Бу билан Ҳусайн Мирзони заррача камситмоқчи эмасман. Унинг шоҳлик қиёми давридай замона кам кўрилган. Мамлакат тараққий қилганки, Навоийлар етишган. Лекин ёш бир жойга етгач, ўғилларидан бирини тахтга тайёрлаш керак эмасмиди?! Валиаҳд мақоми, таассуфки, азалдан номигагина ҳукм суреб келган. Жаҳон тарихида о та н и н г болага тахтни, тожни ўз ихтиёри билан топширгани жуда ноёб воқеадир. Бу қусурни кўп кузатишга, унинг жабрини эл, юрт ва сулоланинг ўзи ҳам тортганлигига кўп гувоҳ бўлишга тўғри келади. Ҳарбий вазият тақозосига кўра, Бадиuzzамон Мирзо 1503 йилда қирқ беш ёшга тўлган, жанг кўрган, ақдли ва мардона шаҳзода эди. Ҳусайн Мирзо хаёлига бу фикрлар келмаган. Келишини тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Ўтмишда бўлгани каби, алоҳида олинган кишиларнинг, инчунун, подшоҳларнинг шахсий фаолиятларини хоҳиши билан ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун бу тарих.

Ота-ўғил ўртасидаги ихтилоф 1504 йилгача давом этди. Икки оёқ бир пой этикка тиқила бошлагач, шу йилнинг кузида икки ўртада Карруҳ мавзеидаги Фори Аббос ўлангида ярашув бўлди. Ҳусайн Мирзо ва Бадиuzzамон бир-бирига қучоқ очиб, кўзларида ёш, кўришдилар.

Шайбоний лашкари борган сари Хурсонга ичкарилаб келмоқда, Балх, Андхуй, Шибирғон ва Фарёб вилоятлари босиб олинган эди. Зудлик билан Бадиuzzамон ва биродарлари қўшинини жамлаш амри бўлади. Ҳусайн Мирзо Кобулга, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ҳам элчи қилиб Саййид Афзалини жўнатади. Элчи хабарни етказиши би-

лан Бобур Мирзо дарҳол ёрдамга отланади ва бу ҳақда ўз элчиси Султон Мұхаммад Дўлдай орқали Ҳусайн Мирзога дарак етказади.

Ҳиротга, кўмакка чақирилган Бобур Мирзо Коҳмард жилғасида эканлигида, Ҳиротга юборган элчиси Султон Мұхаммад Дўлдай мактуб йўллаб, Ҳусайн Мирзонинг оламдан ўтгани хабарини беради. Ҳусайн Мирзо 1506 йилнинг 5 майи, душанба куни Бобо Илоҳий мавзесида вафот этади. Подшоҳнинг оғирлашиб қолганлиги унинг ўрдусида Сарипул мавзесида турган Бадиуззамонни чақиришига сабаб бўлади. Ҳусайн Мирзо жуда беҳол эди. Бадиуззамон ўз қўналғасига қайтиб кетганди. У жўнагандан кейин аркони давлат ва амирлар кенгашиб, бир кор-ҳол бўлгудек бўлса, тахтга Бадиуззамон ва Музаффар Мирзоларни қўшалоқ ҳукмдор қилиб, кўтариш фикрида тўхтайдилар. Аслида, тўнғич ўғил Бадиуззамон бунга тўла ҳақди эди. Бундан чиқади, шу пайтга келиб ҳам, малика Хадича Бегим саройдаги мавқеини сақдаб келган ва унинг кўнглидан бориб, ўғли Музаффарни ҳам шерик подшоҳ сифатида сипориш қилганлар.

2 май куни шаҳзодалар Музаффар Ҳусайн Мирзо, Мұхаммад Қосим Мирзо (Ҳусайн Мирzonинг ўғли – муал.), Сайид Абдулло Мирзо, Абдулбақо Мирзолар, амирлардан Мұхаммад Валибек, Носириддин Умарбек ва Низомиддин Абдуллатифлар билан Бадиуззамон Мирзо қароргоҳига келадилар. Улар кечаги келишувни айтмоқчи эдилар. Бу тарафдан ҳам амирлар ўзига хос тахтга шерик подшоҳлар қўйиш чаноқийсида иштирок этадилар. Кўп мубоҳасалар, фикрлар айтилиб, ниҳоят Бадиуззамон ва Музаффар Мирзолар Қуръони Каримни ўртага қўйиб, салтанатни ҳамжиҳатлик ва аҳиллик билан биргаликда бошқаришга аҳд-у паймон қиласидилар. Ишнинг бу томони тинчлик ва муроса асосида ҳал қилинганди.

Абулҳай ва бошқа табиблар қанчалик муолажа қиласин, шоҳ қўзини очмас, ҳаёт нишоналари соат сайин сўниб бораарди. Сактайи қалб хасталиги ташхиси аниқ қўйилган бўлса-да, вужуднинг имкониятлари тугаб бўлган, апоплексия ўз хукмини ўтказиб бўлганди. 5 май куни эрталабдан Абулҳай табиб қанчалар уринмасин, шоҳ танасида тириклик аломатини топа олмади. Куннинг иссигига қарамасдан, оёқдан бошланган совиши юқори узвларга ҳам ёйила бошлаганди.

Лашкар ортга қайтадиган бўлди. Бобур Мирзо, «Султон Ҳусайн Мирзони Ҳирига келтуруб, подшоҳона расм ва ойин била бардошт қилиб, мадрасасида дафн қиласидилар», – дейди. Ҳусайн Мирзо мадрасаси Ҳирот Мусаллоси яқинида қурилган, ўз даврининг муazzам ва муҳташам иморатларидан эди. XIX асрда инглиз корчалонлари ташвиқи билан Афғонистон подшоҳи Абдураҳмонхон даврида, мадраса минорлари, «руслар Ҳиротни забт этишда нишон бўлади», деган фаразли ақидада, портлатиб юборилади. Шундан кейин узок вақтлар Ҳусайн Мирзо мақбараси очиқ жойда қолиб, ерга бирқадар чўқади.

Қабрга ўрнатилган «Санги ҳафт қалам» тошига ҳам халал етади. «Санги ҳафт қалам» қора мармар тош бўлиб, унга етти хил кўринишда арабий ҳарфларда маълумот битилган. Бу қабр тоши ҳақида ривоятлар тўқилган. Сангтарош уста уни шаклга келтиргунча етти йил сарф қиласди. Тош тайёр бўлгунича, Ҳусайн Мирзонинг ўғли Шоҳ Фариб Мирзо оламдан ўтади ва мазкур тош унинг гўри устига қўйилади. Худди шундай «Санги ҳафт қалам» қабр тоши Ҳусайн Мирзо мақбараси учун ҳам тайёрланади. Бир-бирига айнан ўжашаш икки қабр тоши, шу тариқа, ишланади. Шоҳ Фариб Мирzonинг қабри Гозургоҳда, Ҳусайн Мирzonинг хоки эса, шаҳар ичида, ўз мадрасасидадир.

Жуда танг ва қисталанг кунлар эди. Бу томонда Ҳусайн Мирzonинг сафарда ёғийга қарши курашга бораётган пайти оламни тарк этиши, у тарафдан эса, Муҳаммад Шайбонийнинг бало-қазодек ёпирилиб келаётган қўшини от туёқлари дупири Ҳиротга яқин қишлоқдарда қулоққа чалинаётган эди.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг вафоти хабари душманларга янада қанот бағишлиайди. Улар Ҳурсонда кейинги йилларда томир отган бошбошдоқликдан яхши хабардор, бирикмас маъволарни истило қилиш осонлигига ишончлари комил эди.

\* \* \*

Бадиuzzамон ва Музaffer Мирзолар Балх сарига, Шайбоний устига юриш қилмоқ учун, «жамиъ Султон Ҳусайн Мирzonинг ўғлонларига кишилар юбориб, тилаттилар, доги бу азимат била Ҳиридин чиқтилар. Бодғисга етганда, Чилдухтаронда Абулмуҳсин Мирзо Марвдин келиб қўшулади, Ибни Ҳусайн Мирзо ҳам андин сўнг Тўн ва Қойиндин келди. Кепак Мирзоким, Машҳадда эди, ҳар неча кишилар юбордилар, номаъқул сўзлар айтиб, номардлиқ қилиб келмади, анинг таассуби Музaffer Мирзо била эди, яъни «ул подшоҳ бўлғонда, мен нечук анинг қошифа борғаймен», деб мундоқ маҳалдаким жамиъ оғо-ини бир ерда йиғилиб, иттифоқ қилиб Шайбонийхондек фаним устига азм-жазм қилиб, юрудурғонда, мундоғ bemaza таасуб қилиб келмади».

Захириддин Муҳаммад Бобурга ҳам, «доги элчилар келдилар. Сўнгра Муҳаммад Бурундуқ барлос ҳам келди, мен худ нега бормагаймен? Юз-икки юз йиғоч йўлни бу маслаҳат учун тай қилибтурмен. Мен Муҳаммадбек била-ўқ мутаважжих бўлдум, ул фурсатда Мирзолар Мурғобга келиб эдилар».

Бобур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро ўғиллари билан бир сафда туриб, Амир Темур давлати сарҳадлари бўйлаб, тобора Ҳиротга яқинлаб келаётган Шайбонийхонни дафъ қилиш ҳаракатига бош қўшади. Мирзолар билан бунга қадар учрашмаган Бобур Мирзо улар меҳмони бўлади, суҳбатларини тинглайди, ички дунё, талъати билан қизиқа-

ди ва ... ҳафсаласи пир бўлади. «Бу Мирзолар агарчи суҳбат ва суҳбаторолиқда ва ихтилот ва омизишишта (аралashiш, борди-келди – муал.) тавре эдилар, vale сипоҳилик рев (хийла, тадбир) ва рангидин йироқ ва мардоналиқ жадал ва жангидин қироқ (чет, чеккада) эдилар».

Мана, Бобур Мирзонинг ёғийга қарши бирлашиб қилинадиган ҳужум олдидан лашкарларга бош бўлиб келган амакилари – Мирзолар ҳақидағи хulosаси. Отаси даврида исёнга, ўзаро тўқнашувга ўрганиб қолган бу шаҳзодалар гурунгни қизитгани билан, уларда ҳарбийларга хос жанг тадбиркорлиги, маҳорати йўқ, ботирлик сифатларидан йироқ эканлиги дангал айтилади.

Курашга отланган Мирзолар қиши яқинлашиб қолгани учун, қишиламоққа ҳар тарафга тарқалади. Бобур Мирзо Ҳиротда қолади. Бобур Мирзо, Мовароуннаҳрдан, ота юртдан Кобулга, ундан Ҳиротга келиши Ҳусайн Мирзо хонадонида ҳаяжон уйғотади. Унинг шаъни учун, «барча бегимлар, Поянда Султон Бегим, менинг аммам Хадича Бегим, Офоқ Бегим, яна Султон Абу Саъид Мирзонинг қизлари – амма бегимлар барча Султон Ҳусайн Мирзонинг мадрасасида йифидилар. Барча бегимлар Мирzonинг мақбарасида эдиларким, бориб кўрдум. Аввал Поянда Султон беги билан юкуниб кўруштум, андин сўнг Офоқбегим била юкунмай кўруштум, андин кейин Хадичабегим билан юкунуб кўруштум. Бир замон мунда ўлтуруб, ҳофизлар Қуръон ўқуғондин сўнг жанубий мадрасадаким, Хадичабегимнинг уйини тикиб эдилар, бордуқ. Хадичабегимнинг ошини тортилаар. Ош тотифондин кейин Поянда Султон Бегимнинг уйига бордим. Ул кеча анда бўлдум, аввал менга Боги Навда юрт тайин қилиб эдилар. Тонгласи келиб, Боги Навда туштум. Боги Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай, Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳиридан чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим.

Ҳар икки-уч кунда бориб, Боги Жаҳонорода Бадиuzzамон Мирзога кўрунуш қилур эдим. Неча кундин сўнг Музaffer Мирзо уйига чорлади. Музaffer Мирзо Боги Сафидда ўлтуур эди. Хадичабегим ҳам анда эди. Жаҳонгир Мирзо менинг била борди. Хадичабегим қошида ош ва таом тортилгандин кейин Музaffer Мирзо бизни Бобур (Абулқосим – муал.) Мирзо солғон Тарабхона отлиқ иморатқа олиб борди, Тарабхонада чоғир мажлиси бўлди...

Йигирма кунким, Ҳирида эдим, ҳар кунда кўрмаган ерларни отланиб сайр қилур эдим».

Заҳириддин Мұхаммад Бобур Ҳиротда шаъбон ойининг еттинчи кунига қадар, ўзи айтганидек, йигирма кун Алишер Навоий уйида яшаб турган. Шерик подшоҳлар – Бадиuzzамон ва Музaffer Мирзолар унга ва кишиларига қиши учун шароит қилолмаганлар. Шу сабабдан у Кобулга қайтиш тараддуудида бўлди. Бу орада рамазон ойи бошланиб, ерга қор тушади. Ҳирот ва Кобул оралиғидаги тоғлар

оппоқ қорга бурканади. Қор шунчалик қалин ёғадики, Бобур Мирзонинг ўзи ҳам қорни тепкилаб, отларга йўл очади.

Ҳиротга Шайбонийхон дағдаға солиб турган бир вақтда, шерик подшоҳлар, шу тариқа, Бобур Мирзога қишилов шароитини қилолмаганлиги учун, тайёр кучдан мосуво бўладилар. Бадиуззамон ва Музаффар Мирзолар Бобохон навоҳисида ўз лашкарлари билан турарди. Улар на ҳужум қилишга, на қўргонни беркитишга интилмас, қандайдир, караҳт бир аҳволда эдилар. Бунинг устига, Бадиуззамоннинг соҳиб ихтиёри Зуннун Аргун, Музаффар Мирзонинг ишонганиши Муҳаммад Бурундуқ билан чиқишишмас, мисоли қундош хотинлардек, уни узоқдаштириш пайидан бўларди. Бобур Мирзонинг афсус билан айтишига кўра, Зуннун Аргуннинг калтабинлиги ва худбинлиги, охир-оқибат, ўзининг ҳам бошига етади.

Шайбонийхон муҳаррам ойида Мурғобдан ўтиб, Сарокат навоҳисига етиб келади. Бу вақтда Зуннун Аргун юз-юз элликта кишиси билан унинг эллик минглик лашкарига рўбарў келади. Қораработда, қиши забтига олган пайтда Зуннун Аргун қўлга тушади ва бошидан жудо этилади. Шайбоний лашкари қиши демай, қор-совуқ демай, Ҳиротга яқинлаб келаётган эди. Ҳусайн Мирzonинг ўғлонлари эса ҳамон хотиржам, ҳужум қилиш-ку йўқ, мудофаага ҳам лоқайд эдилар. Бобур Мирzonинг тубандаги сўзларини орадан шунча асрлар ўтган бўлса-да, хотиржам ўқиб бўлмайди:

«Мирзоларнинг она ва эгачи-сингил ва ҳарамлари ва хавотинлари тамом қалъаи Ихтиёриддинда эдиким, Олақўргонга машҳурдур, Мирзолар кеч шаҳрга етарлар, ярим кечагача отларини тиндуруб ухларлар, саҳар вақти солиб тебрарлар. Қўргон беркутурни худ хаёл қила олмаслар. Мунча фурсат ва фуржада она ва эгачи-сингилни ва кўч ва ўғлон-ушоқни ҳам олиб чиқмай, ўзбакнинг асирилигига ташлаб қочарлар. Поянда Султон Бегим, Хадичабегим бошлиқ Султон Ҳусайн Мирzonинг ҳарамлари ва Бадиуззамон Мирzonинг ва Музаффар Мирzonинг хазойин ва байтуоти тамом Олақўргоннинг ичиди эди. Қўргонни хотирхоҳ мазбут ва саранжом қилмайдурлар эди. Қўргон кўмагига йигитлар ҳам етмайдурлар эди... Қўргон даст-пocha бўлуб, қўргонни сахлай олмадилар, олдурдилар».

Шерик, шарик, ширкат сўзларининг маъноси бир, бу истилоҳни дехқончиликда, зироатда ва бўлак иқтисодий юмушларда қўлласа, ўринли бўлади. Аммо сиёсатда, хусусан, подшоҳликда бу сўзларга нисбат бериш топағонлик эмас, вақтинча ён бериш, эрта учун оқибати мубҳам бўлган ечим эди. Ҳусайн Мирзо вафотидан сўнг вазиятнинг танглиги – Шайбонийлар хавфи ўлароқ, Ҳиротда Хадича Бегим тўдаси вазиятдан чиқиши, ёғий босқини бирёқлик бўлганича, Бадиуззамонни ҳам тахтда бўлишини оқилона чора деб билганлар. Бадиуззамон Музаффарга нисбатан ақлли, иш қўрган, қолаверса,

отанинг тўнгичи тариқасида, Хуросон тож-у тахтининг қонуний вориси саналарди. Мамлакат тақдири ҳал бўлиш арафасида қўшҳокимиятчиликнинг сунъий равишда татбиқ этилиши оқибатлари Шайбонийхон учун Ҳиротнинг бешта дарвозасини ҳам ланг очган омил бўлганди. Бадиuzzамон Мирзо укаси Музafferга, у бўлса, калондимоғлиқ билан акасига ишонган ва натижада эшикни ёпидиган одам бўлмаган эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, «Бадиuzzамон Мирзо жонибидин шаҳр доругаси Шайх Али Тогайи, Музaffer Мирзо тарафидин Юсуф Али кўкалтош. Бу гаридамре эди, ҳаргиз подшолиқта ширкат эшитилган эмас. Шайх Саъдий сўзининг мазмунининг хилофи воқеъ бўлди. Нечукким, «Гулистон»да келтурубтур:

*Даҳ дарвеш дар гиламе бихусбанд  
Ва ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд.*

Яъни:

*Ўн дарвеш бир гиламга сигар, жойлашар,  
Икки подшоҳ бир оламга сигмас,войлашар».*

Бир мамлакатда икки подшоҳ, бир шаҳарда икки доруга. Оқибатни кўрдикки, ўта мустаҳкам бўлган Олақўргон – Ихтиёридин қалъаси дарвозаларини беркитиш унтилган ва душман очик эшиклардан ёпирилиб кирган...

Мовароуннаҳрни босиб олиб, вайрон қилган Шайбонийхон лашкари Хурсонда, унинг пойтахти Ҳиротда қирғин ва харобаликни ҳаддан оширади. Буни тасаввур этиш учун «Бобурнома»га мурожаат қиласман.

«Шайбоқхон Ҳирини олғондин сўнг – деб ёзади Бобур Мирзо, – бу подшоҳларнинг (Бадиuzzамон, Музaffer Мирзолар – муал.) зоҳ ва зоди била ёмон маош қилди, не ёлғуз бу жамъ била, бори ҳалойиқ била. Рустойи ва нодида киши, беш кунлик ўтар дунё учун мундоқ ёмон от қозонди. Шайбоқхондин ношойист ҳаракот ва афъолеким, Ҳирида содир бўлди, аввал буким, чирик дунё учун Ҳадичабегими Шоҳ Мансур баҳши кўтаргучига туттуруб, турлик-турлик қийинлар қилдурди. Яна, шайх Пурондек вали азиз кишини мўғул Абдулаҳаҳобга туттурди, бир ўғлини яна бир кишига туттурди, яна жамъи аҳли шеър ва аҳли табъни Мулло Биноийга туттурди... Яна Музaffer Мирзонинг Хонзодахоним отлиқ ҳарамини Ҳирини олғач-ўқ, иддат чиқорига боқмай, никоҳ қилиб олди».

Бир сулоланинг тугаши, Хурсонда қарийб бир ярим асрга яқин, аниқроғи, бир юз ўтгиз йил ҳукм суриб келган Темурийлар салтанан-

ти интиҳоси юз бераётган эди. Бугунги кун ўқувчиси, табиийки, мозий синоатларини мукаммалроқ билишга беҳад қизиқади. Ҳиротни Шайбонийхон ўз тасарруфига олиши қунларида Бобур Мирзо Кобул навоҳисида эди. Энди, шу босқиннинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлган муаллиф сўзларига қулоқ солсак. Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ»да шундай ҳикоя қиласди:

«Ҳижрий 915 йил ашура (1507, май) куни Ҳадича Бегимнинг эмукдош укаси Шоҳвалининг уйида зиёфат базми бўлаётганди. Султон Ҳусайн саройи қанотида жамики чигатойлар (яъни туркийлар, бу ўринда – Темурийлар – муал.) ҳовлилари орасида уникига катталиги ва мавқеи билан тенг келадигани йўқ эди. Ҳусайн Мирзо, «бу кўкалтошнинг (эмукдош) қонуний болалари менга ўз фарзандларимдан кўра мақбулдир», дер экан. Таниқди амирлар ҳам унга итоат қиласар, мурувватига умид боғларди. Шу кунги базми жамшидни, унга тенг келадиганини ҳеч ким кўрмаган эди. Ишратпастлик айни қизиган вақтда, кимдир даврага кириб, «эй амир, бу нима аҳмоқлик?! – дея бақирди, – туринг-да, имкони борида қочиб қолинг! Ҳадича Бегимга шундай хабар келибди, Бадиuzzамон ва Музaffer Мирзо ёзлаб турган жойи Чилдухтаронда шилон қилмоқчи бўлибдилар. Зиёфат тайёргарлиги энди кўрилаётган, боргоҳлар безатилаётган вақтда, Насафдан, яъни Каршидан Шайбонийхоннинг шитоб билан келаётгани хабари олинибди. Амир Зуннун Арғун – сулоланинг лашкарбошиси ва баҳодири илфор қилиб, ўн минг қўшин билан, қурол-аслаҳали, шамширлари билан олдинга чиқибди. Жанг куни ўлимдан тоймас ботирлар жон фидо қиладилар. Тарноб деган мавзеда икки лашкар тўқнашибди. Шайбоқҳон қўшини Зуннун Арғун сипоҳийларини улоқтириб, чангдек тўзғитибди. Унинг ўзини ўлдирив, бошини кесиб, наизага илибдилар.

Шоҳлардан (Бадиuzzамон, Музaffer – муал.) қирғинбаротдан қочиб қутулғанлардан бу даракни эшитиб, шернинг олдига тушиб қочган эшаклардек, бир зумда фойиб бўлибдилар. Шайбонийхон эллик минглик лашкар билан Ҳирот теграсига келибди.

Амир Шоҳвали, тамомила мааст-у аласт ҳолда бу гапни эшитиб, босидан бир лаган чўғ бўлиб турган кўмир оташини қўйгандек бўлибди».

Воқеанинг давомида Шайбонийхон черигининг Ҳиротга кириб келиши, ҳаммаёқни ваҳима босиши ҳикоя қилинади. Амир Шоҳвали зиёфатида қанча одам бўлган бўлса, бари қочиб, яширинади. Данғиллаган ҳовлида Шоҳвали, Фиёсиддин Муҳаммад ва Восифий учалалари қолади. Шоҳвали ялиниб-ёлвориб, қимматбаҳо нарсаларини беркитишда улардан ёрдам сўрайди. Шоҳвалининг қазноғида ашё билан тўла ўнта сандиқ бор эди. Сандиқларни очиб қарайдилар, бештасида кумуш тангалар зич, иккита сандиқ тўла тилло тангалар эди. Бир сандиқда ханжар, пичноқ ва шамширларнинг дурлар, мар-

варидлар билан безатилган соплари лиқ тұла әди. Қолған икки сандуқда қимматбаҳо феруза, лаъл, забаржад, дур, марварид ҳисобсиз әди. Бу бойликтардың ҳаммасини яшириш, олиш имкондан бўлмайди. Ҳатто, ким шу ерда экан, аёлми-қизлар, болалар, ҳаммалари тиллоларни белга боғлашдан ўзга йўл тополмай қоладилар.

Хадича Бегимнинг шу пайтдаги аҳволига маймунлар йигларди. Одинда, Бобур Мирзонинг сўзларидан билдиликки, у Хадича Бегимни аммам деб атайди ва «юкуниб» кўришганлигини айтади. Хадича Бегим Ҳиротда туғилган, Абу Саъид Мирзо уни фунчачилари сафига киритган. Бобур Мирзога амма бўлса, у Абу Саъид Мирзонинг шаръий хотинлари сафини тўлдиради. Ҳусайн Мирзо эса, тахтга чиққанидан хаёлламасдан Хадича Бегимга уйланган ва уни биринчи малика мақомига кўтарган. Хадича Бегимнинг келиб чиқиши Темурийлардан эканлиги шубҳали. Унинг авлоди ҳақида гаплар йўқ, биргина укаси Шоҳвали тўғрисида «Бадоеъ ул-вақоеъ» маълум қиласи, холос. Шоҳвали ва ўғлини толиби илмларга ўхшатиб кийинтиришиб, жуздан (китобхалта) беришиб, хотин-халажни эса эски рўмоллар билан чирмасиб, алоҳида-aloҳида хавфсиз жойга элтадилар.

Хадича Бегим шошилинч шаҳар боғига йўл олади. Бегим зудлик билан ҳузурига руҳонийларни, оқсоқолларни, таниқли кишиларни тўплаб, Ҳусайн Мирзога садоқат билан хизмат қилганликларини, эндиликда, ўғиллари шаҳарни ташлаб кетган бўлса-да, Ҳирот аҳолисини сафарбар қилиб, Ҳиротни ёв қўлига топширмаслик илтимосини қиласи. Хадича Бегим, Шайбонийхон Самарқанд ва Мовароуннаҳр элини аяб ўтирганидек, бу ерда ҳам раҳм-шафқат билмаслигини айтади.

Шайхулислом, амир Мұхаммад Юсуф ва қози Ихтиёр маликанинг сўзини тинглаб бўлиб, жавоб қиласидиларки, «сўзларингиз тўғри, маликам, – дейдилар, – шаҳзодалар ишончни оқдаганда борми?! Раъият уларга ишонмай қўйди, улардан умид йўқ. Бу ҳам майли-я, улар шундай мағлуб бўлдиларки, ёрдам кўрсатишнинг чораси йўқ, кўпчилик амирлар ўлдирилди, қурол-аслаҳалар олдирилди, Шайбоний подшоҳ бўлса шижаатли. Биз шаҳарни беркитиб, қаршилик кўрсатадиган бўлсак, эртага у шаҳарни олгандан кейин бирортамизни ҳам тирик қолдирмайди, қирғин ва форат қиласи. Маликам, ўзингиз ўйлаб кўринг, борингки, биз шаҳарни ўн кун ёинки бир ой ҳимоя қиласак ҳам дейлик, натижада баривер шу бўлади?!»

Хадича Бегим умрида биринчи бор ожизлигидан йиглаб юборди ва йигилганларга, «тўғри айтасизлар», дея олди, холос. Сўнг Бегим узроҳлик билан уларга рухсат берди. Ҳиротнинг таниқли сиймолари Хадича Бегим билан бўлган мулоқотдан кейин Шайхулислом бошлигигида мадрасага бордилар ва ўзаро кенгашиб, Ҳирот шаҳрининг калитини Шайбонийхонга топширишга қарор қиласидилар.

Музaffer Мирзонинг Бобур Мирзо хотини тилга олган Хонзода Хоним деган хотини бор эди. Восифий, бу Хонимнинг ўзбек султонларидан (Шайбонийлардан – муал.) бирининг қизи эканлигини ва гўзалликда оламга донги кетганлигини айтади. Муҳаммад Шайбонийнинг бу ҳурилиқонинг таъриф-тавсифини олдинлардан эшиг-гандигига сира шубҳа йўқ. Шайбонийхон суву маликага бағишлаб фазал битади:

*Жамолин кўрдим ул чорток ичинда,  
Очилмиш тоза гул япроқ ичинда.  
Табассум айласа гүнча лабидин,  
Дегайсен бол томар қаймоқ ичинда.*

Бу вақтда кўпчилик маликалар, хонимлар, бегимлар, оғолар Ихтиёриддин – Олакўргон қалъасига кириб олганди. Шу пайтгача Хадича Бегимдан бир қадам айрилмаган Хонзода Бегим уни тарк этган, қалъага ҳам кирмай қўйган эди. Бобур Мирзо айтганидек, Шайбонихон Музaffer Мирзонинг шаръий хотини иддасини ҳам кутмай ҳарамига киритади. Ислом шариатида, фиқҳ қонунчилигига эридан бир сабаб билан ажралган хотин фақат тўрт ойу ўн кунлик идда муддати ўтгач, аниқроғи, туғилажак боладан белги бўлмагач, қайта турмуш қуриши мумкин эди.

Хадича Бегим билан бўлган учрашувнинг эртасига акобирлар Хиёбонга совға-салом билан боришиб, Шайбонийхонга Ҳирот қалитини топширадилар. Шу куниёқ ғолиб подшоҳ Музaffer Мирзонинг хотинини – Хонзода Бегимни талаб қиласди ва муддаосига эришади.

Шайбонийлар Ҳиротда Темурийларнинг йиллар давомида йиққан бойлигини тамомила горат қиласди, амирларнинг, таниқли кишиларнинг, аъёнлар, акобирлар, саййидлар, кимнинг озми-кўпми моли ҳоли бўлса, бир бошдан тортиб олишга киришади. Хотин-халажлар, қизлар номуси топталади. Хадича Бегим Шайбонийнинг қўшиндаги «дев»ларидан бўлган Мансур бахши ихтиёрига берилади. Бу вақтда Хадича Бегим эллик олти ёшда эди. Хадича Бегимнинг қирқта сандуқчага жойлаштирилган олтин-у ём билари сардоба остига яширилади. Укаси амир Шоҳвали ва унинг хотини қўлга туширилади, келини Ҳусайн Қўнғирот томонидан тортиб олинади.

Ҳирот шаҳрининг таслим бўлиши ва шаҳар дарвозаси қалити топширилгач, шаҳар аҳолиси омонлик учун эваз тариқасида юз минг кепакий, ўзига тўқ қишилар йигирма минг, хоннинг ўзи учун алоҳида ўн беш минг динор тилло танга тўлашга мажбур этилган. Муҳаммад Шайбонийнинг ўзи Музaffer Мирзонинг хотини Хонзода Бегимни олган бўлса, унинг иккинчи хотинини укаси Убайдуллохон никоҳига олади.

Хусайн Мирзо даврида гуллаб-яшнаган маданий ҳаёт ва адабий муҳитда таназзул изғириллари эса бошлайди. Саккиз йил муқаддам Шайбонийхон хизматига кирган шоир Муҳаммад Солиҳ ва икки йил аввал Темурийлардан юз ўгириб, ўзбеклар ҳузурига кетиб қолган шоир Биноийлар мавқеи оширилган эди.

Хурсонга қаттиқ довул бостириб келганди. Бу тўфон гирдобида мамлакатни идора қилиб келаётган Темурийлар силсиласи хонадонлари, уламолари, аркони давлати, яқинлари, фузалолар, ориф зотлар, бойлар, руҳонийлар, хуллас, аслзодалар, мавқели табақа намояндалари ҳалокатга маҳкум этилганди. Хусайн Мирзонинг авлоди, ворислари учун Муҳаммад Шайбоний яғмоси айниқса аянчли бўлди. Шайбонийлар шаҳзодаларнинг изини қуритмагунча тиним билмади. Ўлдирилганлар, ҳарамлар тажовузи, қўлга киритилган бойликлар ҳисоби бўлмади.

Абулмуҳсин ва Муҳаммад Муҳсин Мирзолар Машҳадда, жангда енгилиб, асирга олиндилар ва Шайбонийхон буйруғи билан тезлика қатл этилдилар. Кенжা фарзанд Муҳаммад Қосим тақдирини Убайдуллохон билан тўқнашув ҳал қилди. Шаҳзода ўлдирилди. Бадиuzzамон Мирзо 1507 йилда Шайбонийлар билан бўлган қурашда мағлуб бўлиб, Қандаҳорга кетган эди. Укаси Ибни Ҳусайн Мирзо Қоинда куч йигиб, Шайбонийга қарши туриш фикрида эди. Сабзаворда Муҳаммад Шайбонийнинг ўғли Темур Султон ва Убайдуллохонлар билан қаттиқ жанг амалга ошади. Бу жангда Сайид Абдулло ва Абдулбоқи Мирзолар ҳалок бўлади. Ибни Ҳусайн мардона қурашга кириб, Убайдуллохонга қилич солади ва жароҳатлайди. Темурийлар қўшини қўли баланд келаётган пайтда, Шайбонийларга мадад кучлари келиб ғалаба уларга ёр бўлади. Ибни Ҳусайн Ироққа қочади. 1513 йилда бу ерда фожеий равишда ҳаётига чек қўйилади.

Бадиuzzамон ва Музаффар Мирзоларнинг йўли Астрободда кесишиади. Улар ҳузурига паноҳ истаб Ҳадича Бегим, Поянда Султон Бегим ва ҳарамдаги баъзи бир аёллар Астрободга келишиади. Музаффар Мирзо ҳарамидан, икки хотинидан айрилиб, ёмон аҳволга тушган эди. Ҳусайн Мирзо даврида арзанда, айтгани айтган бўлган инжиқ шаҳзода оғир асаб хасталигига учраган эди. 1509 йилда бедаво дарддан вафот этади. Музаффар Ҳусайн Мирзо ўлимидан кўп вақт ўтмасдан, Шайбоний лашкари Мозандарон тарафга йўл олади. Астробод ҳам хавф остида қолади. Бадиuzzамон Мирзонинг гурбатли кунлари охири кўринмас эди. Туркия султони Салим I уни Истанбулга таклиф қиласди. Бу ерда ярим йилга яқин яшаган Бадиuzzамон Мирзони ҳам ажал ўз комига ямлайди. Бадиuzzамон Мирзо эллик олти йил умр кўриб, оламдан қайтади. Унинг ўғли Муҳаммад Замон, Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан аввал жанг қилиб, сўнг ўртада мадора тикланади ва Балх вилоятида ҳокимлик қиласди.

\* \* \*

Хуросонда Шайбонийлар томонидан Темурийлар тақдирини күндалангига ҳал қылган фожеий босқин, мана, беш асрдан ортиқ вақт ўтаётирки, кишини ўйлантиради. Шайбонийлар, хусусан, Мұхаммад Шайбоний аслини олганда, Темурийлар қўйнида етилган, илондан аждархого айланган кас. «Тўйдирғаннинг қорнига» қабилида, юртида мавқеъ талашиб, Бухоро-ю Самарқандда арзитилган бу Абулхайрхон чурпасига вақтида етарли баҳо берилемади, бошпана муҳайё этилди-ю, бошга бало бўлиши назардан четда қолдирилди. Мовароуннаҳрда вужудга келган парокандалик, бир-бири билан ёвлашиш, ички келишмовчиликлардан унинг усталик билан фойдаланиши, сиёсатдонлик билан, ҳатто, фараз ҳам қилинмади. Бу катта тарих ва улкан мавзу, унинг илдизини XV аср охиrlари XVI аср бошларидан эмас, милоднинг олди ва ортидан, қадим замонлардан излаш керак бўлади. Мени, бир муҳлис сифатида, 1370 йилда Мовароуннаҳрни якжилов қылган, тез орада ҳукми Хуросон, Форс, Ироқ, Озарбайжон, Ҳиндистонга қадар ўтадиган сулоланинг тошқин ва саркаш муazzзам дарёси XVI аср бошларига келиб, оқавага дўниши таажжубга солади. Сулоланинг асосчилари – Қорачор ва Амир Темурларда ақл, ҳарбий салоҳият, даҳолик мужассам эди. Чингизхоннинг ҳарбий тизими Қорачор номи билан боғлиқ бўлса, Россия, Хитой, Европа, Африка оралиғида бунёд этилган, бирлаштирилган, марказий давлат дараҷасига олиб чиқилган салтанатнинг асосчиси Амир Темур эди. Амир Темур даврида минглаб салоҳиятли саркардалар, лашкарбошилар етишганди. Унинг ўғиллари Умаршайх, Жаҳонгир, Амироншоҳ ва Шоҳруҳ Мирзолар етук ҳарбийлар ва ҳукмдорлик қобилиятига эга эдилар. Заҳириддин Мұхаммад Бобур, Темурийлар орасида Ҳусайн Мирзодек жанговар, қилич чопадиган йўқ, деб фурурланиб гапирган эди. Бу гап жуда тўғри айтилганди. Ҳусайн Мирзонинг 1470 йилгача босиб ўтган ҳаёт йўли бу сўзлар ҳақдигини далолат этади. Ҳокимигятга ноил бўлганидан сўнг устма-уст етган зарбалар, тож-у таҳтдан маҳрум бўлиш, кўп саъй-ҳаракатлар туфайли, Алишер Навоийнинг заковати ва шиҷоати билан, яна ҳукмдорлик маснадига қўтарилиш унинг сиёсий, ҳарбий, давлатчилик фаолиятига таҳрирлар киритган эди. У тугма, табиатан шоир киши эди. Билимли, қарашлари кенг подшоҳ саналарди. Бошқарувда, гарчанд, Абу Саъид Мирзо асосланган йўлага амал қилишга мойиллик билдирилган бўлса-да, хазинадорликда иқтисодий тизим ўз ҳолига ташлаб қўйила бошлаганди. Шу сабабли, соҳиб ихтиёр вазирлар тез-тез алмасинар, маблағ танқислиги ортиб, сипоҳилар удуфаларини бериш қийин кечарди.

Шарқда, умуман, ҳукмдорларинг кўп хотинлиги, ҳарамни борган сари кенгайтира бориши удум бўлиб келган. Эҳтимол, айш-у ишратнинг хотин зоти билан сероб бўлиши ҳолати тож-у таҳтнинг зий-

нати, оддий фуқаролардан ажралиб туришни кафолатловчи омил, дея тушунилгандир. Кўп хотинлилик, айни вақтда, серфарзандлик демакдир. Фарзандларнинг кўп бўлгани яхши. Лекин подшоҳларда оз ва соз бўлгани дуруст экан. Буни Ҳусайн Мирзо оиласи мисолида кўрдик. Бир онадан туғилган ўғил-қизлар сони қанча кўп бўлса, шунча маъқул. Лекин ота бир, она бошқа ўғил-қизлар, бошқаларни билмадим-у, подшоҳлар учун муаммонинг булоғи бўларкан. Бир ота-онадан тарқалган шаҳзодалар ҳам манфаат учун бир-бирини аямаганида, Ҳусайн Мирзонинг ўнта хотинидан ўргиган фарзандлар муомаласи қандай бўларди?! Бу саволга қисман жавобни олдинги саҳифаларда қораладик. Бу мулоҳазаларни нечун айтиётирман? Амир Темур ҳазратлари оиласида бир ўғил эди. Унга отасидан мамлакат эмас, вилоят ҳам мерос қолмаганди. Аллоҳ таоло унга тўла ақдҳуш, етакчилик қудратини насиб этган экан, авлодига улуғвор давлатни қолдириб кетди. Ҳусайн Мирзо бобокалонидан роппа-роса юз иил – бир аср кейин 1470 йилда Хурсон тахтига эришди. У бошига тож қўндириб, тахтда ўттиз олти йил, бобокалони билан деярли тенг муддатда подшоҳлик қилди. Ҳусайн Мирzonинг 1485 йилгача бўлган ҳукмронлиги осойишталик, адолат, фаровонлик байроби остида кечди. 1486-1487 йилларга келиб, иқтисодий таназзул бутунлай томир ёйди. Бунда, шу вақтга қадар аҳамияти бирқадар туширилган лашкар тизимининг яна тикланиши, сони ва юришлар миқдорининг ошиши катта сарф-харажат талаб қилиши тайин эди. Ҳусайн Мирзо, мисли Абу Саъид Мирзодек қўшни мулкларни босиб олишга деярли эътибор бермади, Ҳисор ва бўлак вилоятларга қилинган юришлар ҳам қатъий мақсадга асосланган эмасди. Унинг ҳарбий юришлари Хурсон ичкарисида, ўз ўғилларига, вилоятлар, мулкларга эгалик қилиб, отага қарши чиқа бошлаган ҳокимларга қарши қаратилган эди. Ҳусайн Мирзо подшоҳлик тарихидаги энг машъум хато – ўз набираси, фармонига бўйсунмаган, Астрободни амакиси Музafferга бўшатиб бермаган ўн икки ёшли Мўмин Мирзони ўлдиришга ҳукм қилиши бўлган эди. Алишер Навоий, бу ўлимни бежиз Маждулдин Бағдодий қатл этилишига тенглаштирган эди. Орадан ўн йил ўтиб, Алишер Навоий башорати содир бўлди. Муҳаммад Шайбонийнинг Хурсонга тасаллuti бошланиб, Ҳусайн Мирзо салтанати зер-у забар бўлди. Нега шундай бўлди? Темурийларда, сулоланинг раҳнамоси, Хурсон подшоҳи Ҳусайн Бойқаро Мирзода куч йўқмиди? Ёвни улоқтириб ташлашга жипслик керак, араз-гиналар, шахсий адватлар, такаббурлик ва бўлак монелик қилувчи жиҳатлар мамлакат ва сулола ор-номусидан кейинда туриши вожиб эди. Бу туйғу Мовароуннаҳрдан бошланиши шарт эди. «Бўлинганни бўри ер» мақоли худди шу йилларда ижод қилингандир. Мовароуннаҳр бўлинди – Даشتни Қипчоқдан келган қашқир уни ғажиди, Хурсон бўлинди, яна ўша қашқир ўлжани қўлга туширишни пайсалга солиб ўтирмади.

Хурсонда XVI аср бошларида содир бўлган сиёсий ва ҳарбий курашлар ҳақида тарихий асарларда етарли талқин мавжуд. Таасуфки, ноёб манба «Бобурнома»да айни шу давр воқеалари тафсилоти йўқ, унда 1508-1509 йилдан то 1525 йилгача бўлган воқеа-ҳодисалар баёни тушиб қолган ёхуд бизга қадар етиб келмаган. Бироқ кам ўрганилган, шу йилларда юз берган алғов-далғовларнинг бевосита иштирокчиси бўлган Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг «Зубдат ал-асар» («Асарлар қаймоги») деган китобида Хурсонда, Ҳусайн Мирзо подшоҳлигида кечган муҳим ишлар ўз ифодатини топган. «Зубдат ал-асар» ҳанузгача кенг китобхонлар оммасига етиб бормаган, нашр ҳам этилмаган. Асарнинг матнидан парчалар арабий битикда В.В. Бартольднинг «Асарлар»и 8-жилдига киритилган.

«Зубдат ал-асар» муаллифи Абдуллоҳ бин Муҳаммад бин Али Насруллоҳий Темурийлар даврида Балхда хос кишилардан бўлган. Сўнгра, Шайбонийлардан Муҳаммад Султон бин Суюник Ҳожаҳон топшириғига мувофиқ, шу китобни ёзади. «Зубдат ал-асар»да айнан «Бобурнома»да тушиб қолган йиллар воқеалари – 931 (1525) ҳижрийга қадар бўлган давр кечмишлари қамраб олинади. Хурсон мамлакатида юз берган воқеаларнинг талқини иштирокчи томонидан ҳаққоний ёритилган. Ҳусайн Бойқаро Мирзо ва унинг ўғилларининг Муҳаммад Шайбоний тажовузи хавфига қандай муносабатда бўлганлиги, табиийки, ҳамма вақт, ҳамма замонларда ҳам бу сулола, эл-у юрт тарихига қизиқувчиларда билиш мойиллигини уйғотиб келган. Шу жиҳатни эътироф этиб, «Зубдат ал-асар»дан мавзуга алоқадор ўринларни иқтибос сифатида келтириб ўтиш манзур кўрилди.

«Зубдат ал-асар»дан:

«Балх ҳокими бу фарид хокисорники, бу китоб муаллифидур, Султон Ҳусайн Мирзо қошифа юбордиким, Шоҳбахтхон (Муҳаммад Шайбоний – муал.) Балх устига мутаважжиҳ (1504) бўлди ва Балхга захира йўқтур. Бу фарид тўрт кунда Ҳиротқа бориб, Шоҳбахтхон азиматини Балх устига, арз қилдим. Жавобики, деди, бу эрди:

– Охири умрумдур, Балхқа бориб Шоҳбахт билан кўрушурмен, не тақдир берса, кўргаймен.

Ул замон Балхни йигирма тўрт кўч битибдурлар. Балх сори кўчти ва етти кўчда бориб, Бобо ал-Лаҳига етканда мараз хаёли шарифига оид бўлуб, ўн олти кундин сўнг руҳининг қуши қафаси бадандин олами улуви сори парвоз қилди. Бадиuzzамон Мирзо, Музаффар Мирзоки, ўрдуда эрдилар, беклар иттифоқи билан иштиғол қилдилар ва ҳар неча бу фарид хокисор Балх ҳолини арз қилдим, асло бовар қилмадилар, то улким, Шоҳбахтхон Балхни фатҳ қилди.

Бадиuzzамон Мирзо, Музаффар Мирзо Султон Ҳусайн Мирзо севокини олиб, Ҳиротга ёндиilar. Салтанат амриға ширкат билан даҳл қилиб, ҳар неча бу фарид хокисор Балхни арз қилдим, фафлат ул тур-

лук аларға муставли бўлуб эрди, асло парво қилмадилар ва бу ғарибни ҳам мурожаат учун рухсат бермадилар, то улки, Шоҳбаҳтахон келиб, Балхни муҳосара қилди. Тўрт ойдин сўнг Балх аҳли қувватсизлиқдин қувватсиз бўлуб, Балх сардори Темур Султонға паноҳ элтиб, хон қонин бағишлаб, қалъани таслим қилди.

Ва Мирзолар Мурғобда жамийят қилиб, бовужуди улким, Бобур Мирзо қардошлари билан келиб қўшулди. Баъзи улуғ черик кўрганлар дедиларким, олтмиш минг киши эрди. Ул турлук черик билан илгари йўрий олмадилар. То Шоҳбаҳтахон Балхни фатҳ қилиб, Қанбар Мирзони онда қўйуб, ўзи Самарқандга мурожаат қилди. Мирзолар бу ҳолни фанимат тутуб, ўз вилоятлариға бордилар ва андоқ мағрур эрдиларким, гўё ҳаргиз аларға душман қасд қилмағусидир.

Тангри таоло инояти билан чун Шоҳбаҳтахон Балхни фатҳ қилиб, ёнди. Қиши анда бўлуб, ёз бўлғоч Хурсонға азимат қилди. Ва Султон Ҳусайн Мирзо авлоди ҳар қайси бир вилоятда истиқлолдин дам уруб, асло бир-бирига муттафиқ бўлмадилар ва Шоҳбаҳтахон дағдағаси юруб, Андҳуд ва Мурғоб қалъасини олуб, Бадиuzzамон Мирзо, Музaffer Ҳусайн Мирзо Бодғисда ўлтурууб эрдилар ва фафлат ул турлук аларни ғофил қилиб эрдиким, баъзи хабар учун бориб эрдилар, ёролиқ бўлуб келдилар. Хон черики етиб келодур, асло бовар қилмадилар, то улким, ўзбак қаровули ўрду яқосига етти ва чун Мирзолар отландилар, мутлоқ аларға киши йиғилмади, ҳар киши ҳар тарафға ҳазимат қилди ва Мирзолар ҳам ёниб, Ҳирот сари мутаважжиҳ бўлдилар. Зуннунбек бир неча билан урушқа турууб, ҳамул замон мақтул бўлди ва хон черики етиб, Ҳаво Даشتак ёзисида аксар бекларни тушуруб, онча мол ўлжа туштиким, ҳисобини муҳтосиби ваҳм фаҳм қила олмас ва Мирзолар юз меҳнат билан ўзларини шерга тегурууб, ваҳм аларни андоқ муставли қилдиким, шаҳрда тура олмай кечи билан чиқиб, Бадиuzzамон Мирзо Қандаҳорга ва Музaffer Мирзо Туршиз сари бордилар. Чун бу хабар Шоҳбаҳтахонға етти, филҳол, шаҳр устига йўруб, чун шаҳрда соҳиб вужуд сардор йўқ эрди, акобир ва ашроф ўтру чиқиб, шаҳрни (Ҳиротни – муал.) таслим қилдилар ва ул маҳалда Ҳирот шаҳри андоқ маъмур эрдикни, шарҳ била маъмурлиқини деса бўлмас... Анингдек шаҳри мусаҳҳар бўлди ва чун баъзилар аркни мустаҳкам қилиб эрдилар, хон ҳукм қилдикни, нақибчилар қалъага нақиб солсунлар. Нақиб билан бир буржни учурдилар, эрса қалъадагилар омон тилаб, қалъанинг калидини топшурууб, Султон Ҳусайн Мирzonинг қиз авлоди ва Мирзолар ҳарамлари ва ўзга салотин ва бекларнинг ҳазинаси Шоҳбаҳтахонға муюссар бўлди. Онча жавоҳир ва олтун ва кумуш ул қалъадин чифдики, муҳтосиблар ҳисобдан ожиз бўлдилар ва хон тарозу билан бормоқ асокири гардун маосирға улошти ва борча афродки, ул черикда эрдилар, молдин фани бўлдилар. Чун Шоҳбаҳтахонға онингдек фатҳи азим даст берди.

Хурросон вилоятининг тасҳири учун озим бўлди. Чун Ҳирот ишидин фориг бўлди. Темур Султон (Шайбонийнинг ўғли – муал.), Убайдуллоҳ Султонни аксар черик билан Машҳадга юбориб, Абулмуҳсин Мирзо, Кебак Мирзо ўтру чиғиб, азим уруш воқеъ бўлуб, баҳодирлар қонидин майдон туфроғи гулгун бўлуб, оқибат фатҳу нусрат султонларга юз кўргузуб, Мирзолар мағлуб бўлуб, гирифтор бўлдилар ва икки кундин сўнг Мирзолар сиёsat қиличи воситаси билан олами фонийдин олами бақога сафар қилдилар.

Алқисса, султонларга ул фатҳи азим даст бериб, кўп вилоят Хурросондин мусахҳар бўлди ва баъзи авлоди Султон Ҳусайн Мирзоки, атрофи Хурросонда эрдилар, баъзи гирифтор бўлуб, мақтул бўлдилар ва баъзи ҳар тарафқа бориб, доми ажалға гирифтор бўлдилар. Андак фурсатта тамоми Хурросон Шоҳбахтхонга мусаллам бўлуб, ул миқдор мол ва зар ва гавҳар асокири мансурага туштиki, борча ғани бўлдилар. Аммо, ондинким, дунёнинг хосиятидур, Шоҳбахтхон билан беклари, мулоzимлариға наҳвату такаббур димогларида йўл тобди, чун Хурросон фатҳидин икки йил олти ой ўтти, қозоқ устига бориб, онда чашм заҳми Шоҳбахтхон асокириға юз кўргузди. Шоҳбахтхон Дашти Қипчоқ тасаҳҳири учун қалин черик билан озим бўлди ва чун Дашти Қипчоққа кирди. Тамоми асокирини Темур Султон, Убайдуллоҳ Султон билан манглой юбориб, олар Қосимхон устига хабарсиз етиб, ул муқоваматдин ожиз бўлуб, муқобала бўла олмай, Улуғтоғда тамоми ўрдуси била, тамоми эл-улуси султонлар қўлиға туштилар...»

Манбаларнинг гувоҳлиги шундай қиёсда бир-бирини тўлдириб, ўқувчи кўз ўнгидаги 1506-1507 йиллар манзарасини ёритади. Ҳусайн Бойқаро соҳиб тажриба подшоҳ эди. Ҳирот учун Муҳаммад Шайбонийнинг Хурросонни босиб олиш нияти тасодифий эмаслиги кўпдан маълум эди. «Бобурнома»да ҳижрий тўққиз юз тўққизинчи (1503-1504) йил воқеалари баёнида Ҳусайн Мирзодан Заҳириддин Муҳаммад Бобурга юборилган нома келтирилган. Унинг мазмуни шундай:

«Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмуд ва Улуғбек Мирзо (Абу Саъиднинг ўғиллари – муал.) ул оға-инилар иттифоқ қилиб юрганда мен Мурғоб ёқасини беркиттим. Мирзолар ёвук етиб, ҳеч иш қила олмай ёндилар. Ҳоло ҳам, агар ўзбак (Шайбоний – муал.) мутаважжих бўлса, мен Мурғоб ёқасини беркитай. Бадиuzzамон Мирзо Балх ва Шабурғон ва Андҳуд қўргонлариға мазбут кишиларини қўюб, ўзи Гурзавон ва Дараи Зангда ул кўҳистонни беркитсан. Менинг бу навоҳига келган хабарим бориб эди. Манга ҳам етиб эдиким, сен Коҳмард ва Ажарда ул кўҳпояни беркитиб, Хисравшоҳ Ҳисор ва Қундуз қўргонларида эътимодий кишиларини қўюб, ўзи ва иниси Вали Бадаҳшон ва Хатлон тоғларини беркитсанлар. Ўзбак (Шайбоний – муал.) иш қила олмай ёнғусидур».

Мұхаммад Шайбонийнинг Мовароуннахрни эгаллагани ва аста-секин Хуросонга хавф солаёттганлигини бу даврда, күрамизки, Ҳусайн Мирзо яхши анлаган ва кучларни бирлаштиришга раҳнамолик қилған. Заҳириддин Мұхаммад Бобур ҳам, чамаси, Ҳиротнинг мағлубиятидан кейин бу сулолавий фожианинг сабабларини теран таҳлил этган. Ҳусайн Бойқаронинг юқорида келтирғаним мактубидан аён бўладики, Шайбонийга қарши чора-тадбирлар ҳозирлиги фақат мудофаа доирасида бўлиб, ҳужумкорлик кўзда тутилмаган эди. Шу бोисдан ҳам Бобур Мирзо мулоҳаза юритиб, бу ҳақда:

«Султон Ҳусайн Мирзодек Темурбек ўрунига ўлтурғон улуғ подшоҳ фанимнинг устига юрумакни демай, ер беркитмакни деса, эл ва улусқа не умидворлиқ қолғай?» дега ачиниш билан ёзади. Амир Темурга хос ғурури, ор-номуси устувор бўлган Заҳириддин Мұхаммад Бобур, Шайбонийга қарши курашнинг биринчи эарбаларини ўзига қабул қилған ва охир-оқибатда, тарки ватан қилишга мажбурият сезган, Кобулда подшоҳликни тиклаган пайтида ҳам, Ҳусайн Мирзонинг ҳурматини сақлаган, уни сулоланинг етакчиси, суюнчи деб билган. 1506 йил воқеалари ҳикоятида, «ушбу маҳалларда Султон Ҳусайн Мирзо Мұхаммад Шайбонийхоннинг дафъига азм-жазм қилиб, тамоми ўғлонларини тилатти, мени дағи Сайд Султон Али хоббиннинг ўғли Сайд Афзални юбориб, тилаб эди. Хурсон жонибини азимат қилмоқ бизга неча жиҳатдин лозим бўлди. Бир буким, Султон Ҳусайн Мирзодек Темурбек ўрунига ўлтурғон улуғ подшоҳ йифноқ қилиб, атроф ва жавонибдин ўғлонларини ва бекларни тилатиб, Шайбонийхондек фанимнинг устига озим бўлғонда, эл оёқ била борғонда, биз бош била борғайбиз, эл таёқ била борғонда, биз тош била борғайбиз», деган сўзларни рақам этганди.

Бу туйғуни юракдан ҳис қилганингда, мол-у мулқдан ҳам, маликлиқдан ҳам устун бир ҳис – туркона қон-қардошлиқ, ватанпарварлик, ўтирган ўрнини ёвга бермаслик қадрияти ғолиб сифатида бўй кўрсатиб туради.

Кўз олдимда Ҳусайн Мирzonинг кўркам савлати жонланади. Бобур Мирзо таърифлаганидек, «қийиқ кўзлик, шер андом бўйлуқ киши эди. Белидин қуи ингичка эди. Бовужудким, улуғ ёш яшаб, оқ соқоллик бўлуб эди, хушранг, қизил абришимни кияр эди. Қора қўзи бўрк кияр эди ё қалпоқ. Аҳёнан ийдларда кичик сепеч дасторни яп-ясси ёмон чирмаб, қапқаро ўтағаси санчиб, намозга борур эди».

Шундай улуғ подшоҳнинг умри охирлари оғир, балким жуда фожией кечди. Бобур Мирзо айтганидек, тақдир ва замона эврилиши сабаб, «мундоқ хонводадан етти-саккиз йилда (Шайбоний босқинидан кейин – муал.) бир Мұхаммад Замондин (Бадиуззамон Мирзонинг ўғли) ўзга осор ва аломат қолмади».

Кобул шаҳрида 1967 йилда халқаро анжуман ўтказилиб, унда қўл-ёзма манбаларни ўрганиш кун тартибига қўйилган эди. Анжуманда Ўзбекистондан йирик шарқшунос олимлардан Убайдулла Каримов ва Қувомиддин Мунировлар ҳам иштирок этганди. Шу йиғинда биринчи бор Ҳусайн Мирзо вафоти билан боғлиқ фикрлар ҳам айтилганди. Ўшандан буён бир нақл ва ҳақиқат қоришмаси бўлган бир воқеа тилдан-тилга кўчиб юради. «Зубдат ал-асар»да кўрдикки, Боғи Илоҳий мавзесида жон берган Ҳусайн Мирзо жасадини Бадиuzzамон ва Музофар Мирзолар Ҳиротга олиб келишган. Ўша пайтда шароит тақозосига кўра, мадраса тишида қабр қазилиб, подшоҳ унга дағғи этилган. Вақти келиб, муқим мақбара тайёр бўлгач, Ҳусайн Мирзо хоки унга кўчирилган. Биринчи, қабр очилганда, марҳум подшоҳнинг кафанлари ечилган ҳолда, юзтубан ётганлиги, қабрдан чиқишига уринишлар бўлганлиги, тирноқлар изи билиниб турганлиги ахбороти баён этилади.

Бу гапларда, эҳтимол, жон бордир. Балким қабрга бошқа, ташқи таъсиротлар бўлгандир. Бир нарса дейиш қийин. Моҳир табиблар, ёндаги кишилар жоннинг танани тарк этишини, жасадни ювиш, кафандаш асносида тириклик аломати содир бўлиш-бўлмаслигида адашмаганлар. Ҳиротдек шаҳри азимда бебошлар, ўғрилар, безорилар бўлганлиги ҳақида манбаларда кўп айтилган. Шулардан кимдир, мусулмончиликдан чиқсан касофат, бойлик умидида қабрни очган ва кейинги ҳолатга келтириб қўйган бўлса-чи?! Гумондан шубҳа, шубҳадан тахминлар туғилаверади-да?!

Шоҳнинг ҳам, гадонинг ҳам орқасидан тош отилаверади. Заҳириддин Бобур Мирзо ҳақ гапни деган. Ҳусайн Бойқаро чинакамига улуф подшоҳ эди. Унинг улуғлиги ўттиз олти йил Хуросонни осоишишта сақдагани, эл-улусга адолат қилгани, иқтисодиёт, илм-фан, адабиёт ва санъатни юксак даражага этишида раҳнамолик қилганида эди. Ҳусайн Бойқаро Мирзо ўзини туркий элнинг фарзанди сифатида билгани ва бундан фахр туйгани, она тилининг ривожи ва бадиий малоҳати амалиётини ўз қалами билан ифодат қила олганлигида эди.

\* \* \*

Ҳусайн Бойқаро Мирзо шахсиятининг, инсонийлик фазилатининг ёрқин бир қирраси сўз санъати билан бевосита боғлиқдир. Китобхон билан бу хусусда озгина гурунглашгим келди. Ҳусайн Мирзонинг ўз даврининг йирик шоири, мумтоз адабиётимизнинг бемисл кўкрак керишига, бадиият қамрови нисбатида жаҳоншумуллик касб этишидаги ҳиссаси ва ташабbusи, рағбатини англаш аҳамияти бошқача бўлади.

Темурийлар кела-келмиш заковати, билими ва таъби назми билан танилган эдилар. Туркий тилдаги назмий ижод уларга хос бўлиб, Або

Бакр, Искандар, Халил Мирзолар шундай ёрқин, фасоҳатли шеърлар ёзганларки, Алишер Навоий бу ҳақда «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида қатор мисоллар келтиради. Амир Темур салтанати сарҳадлари Хурросон, Форс ва Ироқ сари кенгая боргач, форсий тил ҳам Темурийлар зуллисонайнлиги тамали бўлиб шакланади. Бойсунгур, Абулқосим Бобур Мирзолар Хурросонда муқим яшаб, форсий тилда кўпгина рангин ғазаллар яратганлар. Ҳусайн Мирзо ва Алишер Навоийнинг болалиги бадиий ижодиётда туркий тилнинг назмиётдаги имконияти чекланган, келиб чиқиши туркийлар бўлган шоирларнинг ўз она тилисида ижод қилмай қўяётган пайтларига тўғри келганди. Ҳокимият тепасида бўлган Шоҳруҳ Мирзо «назмга машғулук қилмас»а-да, форсий шеъриятни яхши билган. Бойсунгур Мирзо эса анъанага кўра, форсий ва туркий тилда шеърлар ёзган. Маданият ҳомийиси сифатида эътиборни туркигўйларга қаратиш хаёлида бўлмаган.

Темурийларнинг бошқа тармоқлари, ҳокимият юритищдан четда бўлган, саройга таъсири кам қисми вакиллари Амир Темур давридан келаётган ўз миллий тилини сақдаш муаммосига қатъий ёндашганлар ва ҳимояда муқим турганлар. Бу ҳол, айниқса, Ҳиротнинг Умаршайх Мирзо авлоди жойлашган Давлатхона мавзесида бардавом ҳолда эди. Ҳусайн, Алишер каби ёшлар Лутфий, Саккокий, Сайди Аҳмад, Кобулий, Фаридий каби шоирлар таъсирида туркий тилда шеър айтиш масъулиятини эрта англаб етгандилар. Сайди Аҳмад Ҳусайннинг бобоси бўлса, кейинги иккиси Алишернинг тоғалари бўларди. Туркий тилдаги шоирона муҳит Ҳиротнинг ана шу қисмida баравж эди. Ҳокимият Умаршайх ва Амироншоҳ ворисларига тегмагани каби, Мовароуннаҳрдан уларнинг ота-боболари, момолари билан бирга келган она тилининг бадиий амалиёти бурчакка тақаб қўйилган эди. Ҳокимият тепасида туркийлар бўлганлиги маҳаллий гаплашув воситасига муносабатни тақозо этар, бу ҳол эса, туркий тилнинг сояда қола боришига олиб келарди.

Ҳусайн Бойқаро дастлаб ҳокимият тутганда, форсий тилда ижод қилишга эътибор берилганидек, туркий тилдаги назмиётга беписандлик билан қарааш ҳоллари бўлганлигини истисно этиб бўлмайди. Шундай норасмий вазият узоқ ҳукм суреб келган эди. Бу ҳолни Ҳусайн Бойқаро эрта тушуниб етади.

Ҳусайн Бойқаро Мирзо ўз даврининг, замондош шоирларнинг пешқадами эди. Алишер Навоий таъкидлаганидек, «ул ҳазратнинг хўб ашъори ва марғуб абёти барофт кўптур ва девон ҳам мураттаб бўлубдур». «Ҳусайнний» тахаллуси билан танилган, туркий ижодиётнинг ҳомийиси даражасига кўтарилган Ҳусайн Мирзо Хурросонда, Ҳиротда шакланган адабий муҳитни теран идрок қиласади: «Бу наҳиф бандасининг салтанати замонида бир неча кишига жилваи зуҳур бериб туур ва бу фақир мажлисида алардин ташрифи ҳузур арzonий

тутубтурким, аларнинг вужудидин бу замон жамеи азминаға рожиҳ турур ва бу даврон борича даврлардин мумтозким, булар тоги мујиби кўп адойи шукр турурки, андин нотиқа тили лол ва қалам тили шикаста мақол дурур», дея эътироф этади.

Ҳусайн Мирзо ўз «Рисола»сида Ҳирот шуароси, адабий ҳаракати хусусида фикр юритаркан, «Ҳирот сонаҳуллоҳу анилофот ва навоҳийисида улча содиқулҳавл ва соҳиб вуқуф эл ал-арзга еткуурлар – шояд мингга яқин кишиким, аларнинг иши маоний дурларин назм силкига тортмоқ бўлгай ва диққат гавҳарларига вазн либоси зеб-у зийнатин бермак бўлгайким, ҳеч даврда булардек элнинг м и н г и д и н ў н и в а ҳ e ч д a ю з и д i n b i r i йўқ эркан дурур», деган хulosани уқдиради. Бу тўхтам, табиийки, форсий тилдаги назмиёт доирасининг қамровига кўпроқ даҳлдор эканлигини Ҳусайн Мирзо қистириб ўтади. Шоир Ҳусайнининг таассуфига кўра, «маоний абкорига (маъни қизларига – муал.) бу кунга дегинча ҳеч киши т у р к о н а либос кийдурмагай ва ул нозанинларни бу зебо хилъат билан жилваи зуҳурга келтурмаган турур», дейди. Ҳусайн Бойқаро Мирзо, туркий тилдаги шеъриятнинг қаддини ростлашида, бўйи бастини кўрсатишида, «кўкалтошлиқ бойрисига етган, мусоҳабат сармоясин этган, сұхбатда ҳамдам, ҳақ сўз адосинда далер Мир Алишер, тахаллуси Навоийга машҳурдурур – турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ анфоси била руҳ киорди», деган қайдни алоҳида ифтихор билан рақам этади.

Зуллисонайн шоир, маърифатпарвар подшоҳ Ҳусайн Бойқаро Мирзо асосан ўз она тилида рангин шеърлар ёзади. Сұхбатдош ашъоргўйларни ҳам туркий тилда юксак бадиий асарлар яратишга даъват этади. Мавзулар беради, таҳдиллар қиласи. Алишер Навоий, шуни кўзда тутиб, «илтифот ва эҳтиром юзидин баъзи маънилар то-пиб, назм қилурга ҳуқмлар ҳам жоғори бўлди ва сўз услубига таъйинлар ва адосига таълимлар ҳам изҳоре бўлди», деган эди. Бу ўринда, ҳукм, услугуб, тугалланиш, тўғридан-тўғри т у р к и й тилга тааллуқли эканлигини қайдлаш ҳожатсиз.

Ҳусайнин сермаҳсул ижодкор бўлган. Алишер Навоининг сўзларидан англаш мумкинки, унинг байтлари, алоҳида назмий қораламалари кўп бўлган. Шоир катта ҳажмли девон ҳам тузган. «Мажолис ун-нафоис»да Алишер Навоий Ҳусайнининг бир юз олтмиш тўрт ғазалидан матлаъ келтириб, изоҳлаган. Бундан кўринадики, Ҳусайнин девони мундарижаси катта бўлган, тазминлар, мухаммаслар ҳам ундан ўрин олган. 1968 йилдаFaфур Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти Ҳусайн Бойқаронинг «Девон. Рисола» асарини нашр этган эди. Ўн беш минг нусхада чоп этилган бу тўпламда шоирнинг 133 fazali, Алишер Навоий ғазалларига боғлаган учта мухаммаси,

түртликлар (б та) ва «Рисолай Ҳусайн Бойқаро» асари берилган эди. Кейинги йилларда ҳам шоир ғазалиётидан намуналар босилди.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида 459 та шоир, сўз санъаткори зикр этилиб, унинг саккизинчи мажлиси Ҳусайнний шеърияти таҳдилига бағишиланган. Ғазалиётдан матлаълар келтирилиб, уларнинг маъноси, бадиият руҳи, янгилиги шарҳ этилган. Алишер Навоий, «Се» ҳарфи борасида гапириб, «бу ҳарфда турк шуаросининг малик ул-каломлари шеър айтмайдурлар, балки айта олмайдурлар, то анга не еттайки, бу муқобалада киши они кетургай ё нисбат бергай. Бу матлаъ таърифида мунча басдур:

*Ёр кўйиидин ўтарда кўргузур бу зор макс,  
Сўз деса доги жавобида қилур бисёр макс.*

Буюк Алишер Навоий шоир Ҳусайнйидаги ўзига хосликни, бадиий зукколик ва топқирликни, муҳими, оддийликни, инсонийликни, тамкинликни жуда улуғлайди. Ҳусайн Бойқародек улуғ подшоҳ, айни вақтда, инсоний қадр-қиммат нисбатида ўзини камтар олади, оддий одамларга хос фазилатларни ёқдайди. Ишқ-муҳаббат талқинида шоҳлигини пеша қилмайди, балки маҳбубанинг гадойи бўлишдан ор этмайди:

*Ким гадойинг бўлса оламдин кечиб, эй, дилрабо,  
Факр аҳли ичра ул султони оламдур бугун.*

Ёрнинг гадоси бўлиш – фақирлар, камбағаллар орасида султон бўлишдек олижаноб рутба эди. Алишер Навоий, салаф ва халаф шоирлар адабий меросини нозиктаъблик билан баҳолаган улуғ ижодкор Ҳусайнний шахси ва адабий закоси ҳақида завқ ва кўтаринки руҳ билан ёзади:

*Ё раб, бу замона шоҳларининг шоҳи,  
Ким, кўнгли эрур сирри нуҳон огоҳи.*

Захириддин Муҳаммад Бобур, Ҳиротда бўлган кезларида, Шайбонийлар дағдагаси тобора яқинлашиб, хотиржамлик тарқ бўлган маҳалларда, Ҳусайнний девонини мутолаа қилган бўлса керак. Бобур Мирзо, Ҳусайнний девони тамомила бир вазндан ашъордан иборат эканлигини, бутун бошли девонда айрим байтларгина унга мақбул бўлганлигини ёзиб қолдирган. Синчков арузшунос Ҳусайнний ғазалиёти рамал баҳрининг салим, маҳзуф, маҳбун, макфуф, машқул, мақсур, марбу каби ранг-баранг усуллари ва вазнларида яратилганигига ишонч ҳосил қиласди.

Хусайнин шеърияти ички олами кенг, ўша даврнинг илфор шахси қиёфасини гавдалантиради. Ҳаёт завқ-шавқи билан тушкун рух рўбарў келган, тасвир этилган ҳоллар талай. Мисолларга мурожаат қиласайлик:

*Эй, Ҳусайнин, чиқса гулгун тўйн била ул гул не тонг,  
Кеча тонг отгунча эрди дийдаи хунбор аро.*

Ёки:

*Жон бериб, абнои даврондин вафо кўз тутмаким,  
Йўқтүрур бу шева не маҳбуб, не аҳбобда.*

Ҳусайн Бойқаро саргашта, ҳаёт паст-у баландликларини, роҳат ва заҳматларини кўп бошдан ўтказган киши эди. Унинг турмушни билиши, қўйма ўхшатишлар топиши ҳайратга солади. Шундай ташбеҳдар келтирадики, ғазал бир ўқилишдаёқ эсда қолади:

*Кўнглаги гулгунмуудур ё гул юзининг аксиудур,  
Ё қуёшининг тобидин гардун уза куймиш сахоб.*

Ташбеҳи мусалсал – кетма-кет ўхшатиш ёрнинг қиёфасини муқаммал акс эттиргани каби, қуёшнинг ўта иссиқдигидан булатнинг кувиши – қизаришини ҳам ёрқин ифодалайди. Шоирнинг йигитликда кўп озорлар чекканлиги, қозоқлик даврлари синов бўлганлиги назмиётида из қолдирмаслиги иложсиз эди.

*Гунча хандон бориб, кўнглумда қолди хор-хор,  
Тинмагур жонимга онсиз дунёда бори не бор, –*

дейди. Руҳий ҳолатлар маҳорат билан сатрларга жо этилган ўринлар катта таассурот уйғотади. Ҳусайнининг бадиий қиёмига етган, юксак истеъдод маҳсули бўлган ғазаллари девонга кўрк ва моҳият бағишлиб туради. Уларни чолгулар жўрлигига мумтоз ашулаларга айлантириш мумкин. Жумладан, «Бўлмаса» радифли мазкур ғазал куи, оҳанги қироат чоғидаёқ мафтункор туюлади:

*Ўтга ёқгил сарвни, ул қадди раъно бўлмаса,  
Елга бергал гулни, ул руҳсори зебо бўлмаса.*

Девонда лирик шахснинг ички кечинмалари акс этган ғазаллар, шаъни ва мартабасига даҳлдор мисралар, байтлар гулзордан саралаб териб олинадиган гунчаларни ёдга туширади:

*Нотавон бўлсам гариб эрмас аниг ҳижронидин,  
Не учунким ул Fарибий нотавоним бордило.*

*Эй, ажал, осуда қил ҳижрон балосидин мени,  
Бир йўли қутқар улуснинг можаросидин мени.  
Эй, Ҳусайнин, салтанатдин ончи фахрим йўқ турур,  
Ким, дегайлар куйнинг хайли гадосидин мени.*

*Гар Ҳусайнингга бир ўтлуғ юз гами ўт солмаса,  
Бас, нечук оламни куйдирди Навоийвор ўти?  
Эй, Ҳусайнин, қилмагил ишрат навосиниким, букун,  
Ким, гулистони нишотингда Навоийинг келгуси.*

Байтларни диққат билан мутолаа қилиш пировардида шоир, шоҳ, таҳтдаги ҳаёти ҳам осуда, лаззатли, ҳам нотинч, заҳматли кечган Ҳусайн Бойқаронинг шеърият билан ҳалол мулоқотда бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Ўғли Фарибийнинг бевақт вафоти отани изтиробга солади. Мамлакатда юз берадиган ўғилларининг исёнлари шоир ва шоҳнинг салтанатдан – юксак мақомидан фахрлана олмаслигини, эҳтимол, безорлигини ошкор малолат билан изҳор этишигача олиб келади. Буни тан олиш мардлик, тантлилк, донишмандлик, риндлик каби ўша даврда кенг таомилда бўлган ҳаётий фалсафага тақалар эди.

Ҳусайн Бойқаро давлат бошқарувида Алишер Навоийга суюниб қолганидек, бадиий ижод соҳасида ҳам унинг истеъодини, улуғворлигини эътироф этарди. Девондаги бир кўп ғазалларда Алишер Навоийга шаъма қилиш, талмеҳ бахшида этишлар кўзга ташланиб турса, бирмунча ғазаллар Навоий йўлида ёинки унга жавоб тариқасида айтилганлиги сезилиб туради. Алишер Навоийнинг машҳур «Кошки» радифли ғазали жавобида айтилган қўйидаги манзума оҳор ва кўрк тозалиги билан эътиборга лойиқdir:

*Қилмагай эрдим юзни кўрмак таманно кошки,  
Солмагай эрдим кўнгул мулкига яғмо кошки.*

Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятининг дастлабки йилларида туркий тилдаги сўз санъатининг равнақи ва тараққиёти учун курашган бўлса, бу саъй-ҳаракатнинг натижалари ўзини узоқ куттирмаган. Алишер Навоий раҳнамо бўлган туркигўй шоирлар мұҳити юксакликка кўтарилган, девонлар тузилган, Алишер Навоийнинг «Хамса»си олам юзини кўрган. Ҳусайн Бойқаро «Рисола»да айтадики, «агарчи Шайх Низомий назм аҳлининг устодидур, ўз «Хамса»сини машҳур будурким, ўттуз йилда такмил бериб турур. Ва Мир Хисравким, «Хамса» абёти ададин ўттуз мингдин ўн секкиз мингга ихтисор қилиб турур ва шуҳрати мундоқ турурким, олти-етти йилда тугатиб турур.

Бу фасоҳат майдонининг сафдари ва балоғат бешасининг ғазанфари (яъни Алишер Навоий – муал.) бовужуди улким, кўп афсоналарда дилпазир тафсирлар берди ва табъ писанд ислоҳлар қилди, бунёдининг ибтидосидин саводининг интиҳосигача ҳамона икки йилдин ўтмади ва айтилган авқот ҳисобга кирса, деса бўлгайким, олти ойфа етмадиким, анинг афсоналари рангинлигин ва абёти сеҳр ойинлигин ва тарокиби матонатин ва маонийси латофатин мутолаа қилғон киши билғай ва мулоҳаза қилғон киши фаҳм қилғай», деб.

«Хамса»ларнинг бири ўттиз, иккинчиси олти-етти йилда ёзилган шундаки, Алишер Навоий асари эса, икки йилда, соф ажратилган вақтга кўра, олти ойда тамом этилгани қайди Ҳусайн Бойқаро – бадиият билимдони томонидан фахр билан тилга олинади. Гап шундаки, «Рисола» ёзилган 90-йилларда туркий тилдаги шеърият фасоҳати ва малоҳати билан, «Хамса»ларга ислоҳ назари билан ёндашиб, вақт бобидаги тезкорлик имкониятини тақдим этиш назарда тутилади. Бу давр тараққийси шунчалик эдики, «бу кун назм арконининг қаҳрамони ул туурур ва бу мамолик фатҳига соҳибқирон ани (яъни Алишер Навоийни – муал.) деса бўлур:

*Эрур сўз мулкининг кишварситони,  
Қаю кишварситон, хисравнишони.  
Дема хисрав нишонким, қаҳрамони,  
Эрур гар чин десанг, соҳибқирони».*

Туркий тилдаги бадиий ижоднинг бемисл тараққиёти, шубҳасиз, Ҳусайн Бойқаро номи билан чамбарчас боғлиқ эди. Алишер Навоийга берилган «қаҳрамон», «соҳибқирон» деган ташбеҳлар ўрин тутишида подшоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаронинг ўрни катта эди.

Ҳусайн Бойқаро умри охирига қадар ижод билан машғул бўлиб келган. Алишер Навоий вафотидан кейин унинг «Мажолис ул-ушшоқ» номли тазкираси ёзилган. Тазкиранинг етмиш тўртингчи мажлиси «Сухан иқдимининг хусрави Амир Низомиддин Алишер Навоий» дейилади ва удуф шоир ҳақида маълумотларни жам қиласди. Алишер Навоий ҳаёт йўлини ойдинлаштирадиган далиллар диққатга лойик. Тазкирадан В.В. Бартольд шаъма қилиб ўтган, Алишер Навоий шахсий, интим ҳаётига соя ташлайдиган қусурлар илдизи ҳам «Мажолис ул-ушшоқ»даги айрим сўзларнинг нотўғри ўқилиши ёхуд қусурли ёзилиши сабабли эканлиги кейинги йилларда (1997) тадқиқотчи олимларимиз томонидан илмий асослаб берилди. Бу ўринда китобхон учун алоҳида таъкид билан айтадиган фикрим шундаки, Ҳусайн Бойқаронинг ўз дўсти, беназир шоир Алишер Навоийга бир умр ҳурмати ҳам олдда, ҳам ортда ҳамиша баланд эҳтиромда, беқиёс иззатлашда бардавом бўлган.

Хусайнин адабий, илмий мероси кўлами катта. Хусайн Бойқаро назм билан шуғулланмай, биргина, она тилисининг камоли ва сўз санъатининг гултожи бўла олиш имконияти учун курашгани тақдирида ҳам, ўзбек мумтоз маданияти тарихидан мангуга жой олган бўларди. Унинг шоирлик талъяти, замондош туркигўйларга намуна, ибрат кўрсатиши қадрини ҳали теран англашимизга тўғри келади. Ўзбек мумтоз адабиёти равнақини Хусайнин ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Мустабид тузум даврида феодал шоҳлар таржимаи ҳоли ва адабий фаолияти деярли ўрганилмади. Хусайн Бойқаро ижтимоий-сиёсий ва адабий-илмий фаолиятини XV аср ўзбек шеърияти, ўзбек шоирлари, адилари ҳаётий йўли, бадиий мероси мундарижаси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш ҳақиқат юзига тик боқиши бўлур эди.

\* \* \*

Улуғ ва заковатли Темурийзода, Хурросон мулкида ўттиз олти йил подшоҳлик қилган Хусайн Бойқаро Мирзо босиб ўтган йўлга, яшаган даврига бир назар ташладик. Бу нигоҳ ҳайрли бўлишини тилак қилиб қоламан.

### **БОШБОШДОҚЛИК ЎПҚОНИ ЁХУД СУЛОЛА ИНТИҲОСИ**

Мовароуннаҳр, Турон... Икки азим дарё оралиғида жойлашган улуғвор мамлакат, ота улус, она юрт, тупроғи кўзга тўтиё муқаддас диёр! Жафокаш ўлка, заҳматкаш ватан. Дунё пойдорки, аждодларимизнинг, ота-боболаримизнинг киндик қонлари кафтингни лоларанг қилиб келади, эвазига мардлик, орият, бир умр фарзандлик туйғусини насиб айлайсан. О, Турон маъвоси! Жаҳонда сендек азиз, мукаррам, беназир гўша бормикан?! Бағрингдан тарататётган меҳр нурини қўёш юз минг йил чароғон турса-да, қалбларни ҳароратга чўлғовчи илиқни бера олмагай. Тафтингдан куч олмаган фарзандлар, зилол сувларингдан ичмаган ўғлонлар йўқ. Тузинг, ош-сувинг ҳаққи, эй, Туроним, кулбам, вужудим, қалбим, борлиғим зарра чангингта садаға! Мозийнинг титилиб, сочилиб ётган варақдарини жамлашни, мутолаа қилишни кўнглимга тутганимга ярим аср бўлди. Кўп нарсалар ўқидим, ҳайратим ошди, янада билишга иштиёқим тинимсиз йўл бошлади.

Миллатим, элимнинг ўтмишдаги муazzам, таянч тоғлари Темурийлар эканлиги бобида хulosага келиб бўлганман. Амир Темур шахси жаҳон давлат арబблари орасида бетакрор. Унинг донишмандлиги, жанговар салоҳияти, марказлашган давлатни қарор топдириш қобилияти олдида дунё сиёsatдонлари ҳамон бош эгиб, таъзим бажо этадилар. Турли-туман ҳалқлар раҳнамоси бўлиш, уларга адолатли муомалани жорий этиш, тенглик ва тинчликни қарор топдириш

юксалган давлатларнинг ойини бўлиб келган. Соҳибқирон бобокалонимизда Аллоҳ таоло насиб этган олижаноб бошқарув маданияти мужассамлашган эди. Бу хусусда дил туйгуларини «Амир Темур сулоласи» (2014, 2015) китобимда сиз, ўқувчиларга илинганд эдим.

Шукронаки, «Амир Темур сулоласи»нинг иккинчи қисмини – «Темурийлар силсиласи»ни ҳам муҳлисларга тақдим этишдан беҳад мамнунман. Мазкур асарнинг сўнгги қисми, айнан шу саҳифалар 1470 йилдан то XVI аср бошларигача бўлган даврни қамрайди – Мовароуннаҳр воқеа-ҳодисалари кечмишини ҳикоя қиласди. Ҳозирга қадар «Темурийлар силсиласи»да Хуросон – Мовароуннаҳр – Хуросон (Форс, Ироқ, Озарбайжон) жанг-у жадаллари, тож-у тахт курашлари, аниқроқ айтганда, ярим асрлик воқеълик имкон даражасида ёритилди. Улуғбек Мирзо фожиасидан кейин подшоҳлик пойгаси Хуросонда қизиган, кучлар нисбати гоҳ Ҳиротда, баъзан Самарқандда устунликка олиб келганди. Абу Саъид Мирзо ҳалокатидан сўнг улкан салтанат парчаланиб, Хуросон сарҳадлари Ҳусайн Мирзога тааллуқ топганди. Мовароуннаҳр-чи?! 1470 йилдан эътиборан, Жайхун ва Сайхун оралиғидаги юрт марҳум подшоҳ Абу Саъид Мирзонинг ўғиллари томонидан идора қилиниб, аввалги ҳукмронлик мавқеидан чекилиб, алоҳидалик рутбасини ҳосил қилган эди. Хуросон ва Мовароуннаҳр бир-бирини даъво қилмайдиган салтанатларга ажралганди. Бундан айрим мулкирлик юришлари мустасно. 1470 йилдан 1500 йилга қадар Абулқосим Бобур Мирзо даврида бўлганидек, Самарқанд босқини юз бермади. Самарқанддан Абу Саъид Мирзодек Ҳиротга отланиб, тахтни эгаллашлар содир бўлмади. Сокинлик йиллари мўътадил турди. Пайт пойлаш, имкон ахтаришлар ҳам унтилди. Ҳусайн Мирзо даврида Хуросон тараққийга юз бурди. Мовароуннаҳрда вужудга келган уч ака-ука салтанати ҳақида, таассуфки, бундай хуносага келишда асослар кам.

Бошбошдоқлик, ўзаро қирпичноқ бўлишлар турмушнинг издан чиқишига, элнинг камбағаллашувига олиб келди. Ўқувчининг ёдидаб бўлса керак, Абу Саъид Мирзо Озарбайжонда амир Ҳасанбекдан шикаст еб, ўлимга маҳкум этилганда, унинг фарзандлари Ҳиротда қабул қилинмаган, шу сабабли, Самарқандга қайтишга мажбур бўлгандилар. Ҳирот тахтида Ҳусайн Бойқаро Мирзо ўрнашди ва унинг ҳимоясига кўп куч сарф қилди. Унинг Мовароуннаҳрни Абу Саъид Мирзо ўғилларига топшириб, хотиржам ҳукм суриши таажжубли, албатта. Ҳусайн Мирзодан кўнгли тўқ бўлган Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд ва Умаршайх Мирзолар вилоятларни эгаллаб, ўз бошларига подшоҳ бўлиб, тинч ётишмади. Бир-бирининг мулкига қўз ола қилди. Бу ҳунарларига мўғулларни ҳам, Абулхайрхон авлоди вакилларини ҳам жалб этдилар. Келинг, энди шу воқеа-ҳодисалар тўғрисида гурунглашиб олайлик.

\* \* \*

Ҳирируд водийси яшил түнга бурканган. Ҳиндикуш тоғининг музаззам тармоғи Сафидкүҳ ўтлар тизга урган текисликларни шимол, шарқ ва жанубдан ўтиб бўлмас истеҳкомдек ўраб туради. Сафидкүҳнинг кўкси баланд, чўққилари, дейдиларки, уч ярим минг метрдан ҳам баландроқ. Тоғлар Ҳирируд ва Мурғоб дарёлари оралиғида жуда катта ҳудудларни эгаллаган. Марказий тоф тизимидан яна бир тармоқ – Сиёҳкүҳ шимоли шарқ саридан жануби ғарб томонга тош-метиндан осмонга бўй чўзган карвонини бошлаб кетган. Бу тоф тизмаси Фараҳруд ва Адраскан дарёларини ажратиб туради. Сиёҳкүҳ тоғининг баландлиги Сафидкүҳдан қолишмайди. Тоғ довонларидан юриш, ўтиш мashaққатли, аммо шарқий қисмидан йўл тушган ва ғарбга бориш қийинчилик туғдирмайди.

Султон Маҳмуд Мирзо ҳамроҳлари билан Ҳиротдан Балх йўлига чиққанига неча кун бўлди. У икки тоф оралиғидаги бепоён, ям-яшил водийга кўз солишга ҳам ботингидай аҳволда эмасди. Акаси Султон Аҳмад Мирзо ёнига хомуш келарди. «Кўҳи Сафид», «Кўҳи Сиёҳ» – бундай айтганда, Оқтов, Қоратов экан-да, дея баъзан хаёлдан ўтказарди Мирзо. Узун йўл давомида очилиб гаплаша олмади. Раҳматли, шаҳид бузруквори Абу Саъид Мирзо гоҳо, кўнгли тоф бўлган кезларда Султон Аҳмад ўғлини барокатли, деб мақтагувчи, «мен Самарқандни кепанак кийиб қўлга киритган йилим туғилган», дегувчи эди. Султон Аҳмад Мирзо ҳижрий саккиз юз эллик бешинчи йили (1451), Абу Саъид Мирзонинг Мовароуннаҳрга эгалик қилишидан кўп ўтмай дунёга келган эди. Ҳиротга келишда отаси ўлимини эшишиб, тўхтаб қолган Султон Аҳмадни қора тутиб, отни йўргалатиб, дарди ичида келаётган Султон Маҳмуд Мирзо унга жон жигар, она бир ука бўлади. Падари бузрукворидан ўн бир ўғил, ўн тўрт қиз қолди. Фарзандлардан, ўғиллар орасида у – Султон Аҳмад Мирзо тўнгич. Ука-сингиллари орасида эсини таниғанлар, энди тетапоя бўлаётгандарни ҳам бор. «Онҳазрат бевақт ўлим топди-да, – ўйлай бошлади Маҳмуд Мирзо, – шу туркманлар устига юриш керакми? Тақдир бунчалик қиёматни қўпдирмаса?! Давлатда, салтанатда нима ками бор эди? Эшон ҳазратлари Онҳазратни бу йўлдан қайтаргилари келмади, чоғи. Ҳамма нарса юришга таҳт эди, биргина оқ фотиҳа қолганди-да. Аллоҳ таолонинг айтгани бўлар экан. Ҳасанбек туркманнинг омади чопади, деб ким ўйлабди. Тўлғама қилди, устакорлик қилди. Онҳазрат қатлга етказилди, укаларим асирга тушди. Уларга шафқат қилинармикан? Қайдам. Шукрки, қутулиб қолдим. Баридан Ҳирот воқеалари чатоқ бўлди-да?! Хутба номимизга ўқилди, онҳазратнинг собиқ акобирлари таҳтни муҳайё қилди. Ихтиёридин қалъаси бизни тан олмади. Шаҳрнинг эли ҳам озурда-безор экан, сифдирмади. Ҳиротдан чиқишимизда бири том устидан ўқ-ёйни ҳа-

вола этиб, ўлдирмоқقا чоғланди. Бахтимми, омадимми бор экан, отишга улгурмади. Беиззатона ҳайдашди...» Султон Маҳмуд Мирзо Кўхи Сафид – Оқ тофнинг юксалган тизмаларини ортда қолдириб, ўй оғушида келарди. Балхда, яхшиямки, биродарим Султон Аҳмад бирла Самарқанд доругаси, онҳазратнинг қадрдони Аҳмад Ҳожибек истиқболга чиқади. У зотда иккилик йўқ, назмда бежизга «Вафоий» тахаллусини танламаган экан. Йўлларни тай қилиб, тезроқ Жайхундан ўтмоқ керак. Ҳусайн Мирзо Ҳиротда ўрнашиб, Мовароуннаҳрни қўмсаб қолмасмикан? Маҳмуд Мирзонинг хаёлидан кечмаган нарса қолмади. У, энди ўн олтига кираётган, сариқ тулпорнинг жиловини қўйиб, мунгайиб келаётган эди. Акаси Султон Аҳмад Мирзо ўн саккиз ёшда эди. Энди ака-укалар тақдири нима бўлади? Кўп ўтмай, улар Балх этагида кўришдилар.

Султон Аҳмад Мирзо эс-хушли, мулойим, эътиқодда мустаҳкам эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур унинг шакл-шамойилини, феъли атворини қаламга олар экан, шундай дейди:

«Валодати секкиз юз эллик бешда, Султон Абу Саъид Мирзо таҳт олғон йили эди. Султон Абу Саъид Мирзонинг бори ўғлонларидин улуғи бу эди. Онаси Ўрда Бўға Тархоннинг қизи, Дарвеш Муҳаммад Тархоннинг эгачиси эди. Мирzonинг эътиборлиқ хотуни эди. Баланд бўйлуқ, қунқор соқоллиқ, қизил юзлук, танбал киши эрди. Соқоли энгакида эди. Икки яноқида соқоли йўқ эди. Ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқод киши эрди, беш вақт намозини бетарк ўтар эди. Шурб (ичган) маҳалларида ҳам намози тарқ бўлмас эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаддаб бор эди... ҳеч нимарса ўқуғон эмас эди, оми эди. Бовужудким, шаҳрда улғайиб эди, турк ва содда эди. Табъдан баҳраси йўқ эди. Одил киши эди. Ҳазрати Хожанинг ҳам оёғлари орада эди. Аксар муҳиммомт шаръ тариқи била файсал топар эди. Аҳд ва қавлиға рост ва дуруст эди. Ҳаргиз андин хилофе зоҳир бўлмади. Шижоати бор эди. Ўқни бисёр яхши отар эди. Илбо-сунга ўқи ва тиргази аксар тегар эди. Қабоқни майдоннинг ул боши, бу бошидин кириб, аксар урар эди. Охирлар танбал бўлғонларида қирговул ва буданани биёзи била отиб кам ёзар эрди. Қушчи киши эрди, қул ғалаба солур эди, яхши солур эди. Улуғбек Мирзодин сўнг онча қушчи подшоҳ йўқ эди.

Асру кўп ҳаёси бор эрди. Дерларким, хилватларда маҳрам ва ич-киларидин ҳам оёғини ёпар экандур. Гоҳиким, ичкуликка тушар эрди, йигирма-ўттуз кун паё-пай ичар эрди. Бир ўлтурғон била мажлисда гоҳи бир кеча-кундуз ўлтурур эди, яхши ичар эди. Чоғир ичмас кунлари баситни гузаро еяр эрди. Табиатига имсоқ (бахиллик) ғолиб эди, камсухан ва одми киши эрди, ихтиёри беклари илгига эди».

Султон Аҳмад Мирзо отаси Абу Саъид Мирзо ҳалокатидан сўнг Балхдан қўшини билан Самарқандга бир оз ҳадикда қайтган эди. Ҳиротдан то Жайхундан ўтиб олгунича бирор маротаба ҳам ортига қайрилиб боқмади. Буни ирим билди. Ҳусайн Бойқаро Самарқандга йўл олган шаҳзодаларни тутдириши, ортдан сипоҳийларни юбориши эҳтимоли катта эди. Султон Маҳмуд Мирзо эса, қўналғаларда олазарак бўлар, черик изимиздан тушмадимикан, деган хавотирда дараклар пойларди. Йўқ, ундай бўлмади. Самарқандга жамоат эсон-омон кириб борди. Султон Аҳмад бу сарҳаднинг соҳиб ихтиёри бўлган, умаролар билан муносабати яхши эди. Самарқанд ва Бухоро ҳудудлари отаси тириклиги пайтидаёқ унга суюргол қилинганди.

Хурросонда Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг давлати қарор топиб, Ёдгор Мирzonинг таҳт талабгорлигидан адам бўлиши воқеалари рўй берган 1469 йилнинг баҳор, куз ойларида Мовароуннаҳр ҳудудлари Абу Саъид Мирzonинг Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд ва Умаршайх Мирзо ўғиллари орасида тақсимланган, қайта бўлинган эди. Дастлабки йилларда, буни биринчи ўн йиллик деб қараладиган бўлса, Султон Аҳмаднинг мавқеи укаларига қараганда баланд бўлиб, уни тинглаш, йўриғига юриш хислатлари ҳали барҳам топмаган эди. Султон Аҳмад Мирзо йигирма беш йил подшоҳлик маснадида бўлди. Шу чорак асрлик муддатда у ўз тож-у тахтини ҳимоя қилиб, мулкларини кенгайтириш ниятида тўрт бора жанг-у жадал олиб борди. Шу курашларнинг иккитаси укалари Умаршайх ва Султон Маҳмудларга қарши қаратилиди. Бир сира Тошкент, Шоҳрухия ва Сайрам мулкларини тасарруфиға киритганди. Кейинчалик меҳри товлаб, Тошкент билан Сайрамни Умаршайх ихтиёрида қолдирганди. Вақтида Ҳўжанд ва Ўратепа ҳам Султон Аҳмад Мирзога тобеъ этилганди. Султон Аҳмад Мирзо бўлиниб, маъмурий сарҳадлари асосан Самарқанд ва Бухоро доирасида қолган салтанатини яхши, одиллик билан идора қилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо, шу боисдан ҳам, «Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад Мирzonинг замонида рафоҳият (яхши аҳвол) ва фароғат била ўткариб эдилар, аксар муомала ҳазрати Ҳўжа (Убайдулло Аҳрор – муал.) жиҳатидин адл ва шаръ тариқи била эди», деб ёзди. Икки вилоят ҳудудида вужудга келган подшоҳликка фаровонлик ва тинчлик бахшида этиш, ўша долғали давр нисбати билан хulosалаганда омад ва барор тантанаси эди. Митти мамлакатининг осойиши, табиийки, подшоҳнинг ҳар жиҳатдан ўзини қўяберишига, устма-уст уйланишларига ва ҳаддан ташқари семириб, танбаллашувига ҳам замин ҳозирлайди. Ўн саккиз ёшида таҳтга ўтирган Султон Аҳмад Мирzonинг расмий олтига хотини бўлган. Ўзининг қирқ тўрт йиллик умрида ҳарамни кенгайтиришда асло монелик бўлмаган. Уятchan, ўз маҳрамларидан ҳам оёқларини яширадиган Султон Аҳмад Мирзо, хотин устига хотин олишдан, жория ва канизаклар сақдаш-

дан сира тортинмаган. Бу хусусда «Бобурнома»ни варақлаш жоиз бўлади. Султон Аҳмад Мирзонинг хотинлари ҳақида «Бобурнома»да шундай дейилади:

«Аввали, Султон Абу Саъид Мирзо қўлғон Меҳр Нигор Хоним эди. Юнусхоннинг улуғ қизи, менинг онамнинг туққон эгачиси эди. Яна бир Тархонлардин эди, Тархон Бегим дерлар эди. Яна бир Кутук Бегим эди. Ушбу Тархон Бегимнинг кўкалтоши эди. Султон Аҳмад Мирзо ошиқликлар била олиб эди, асру кўп суюклик эди ва кўп мусаллит (зўровор) эди. Чоғир ичар эди. Анинг тириклигида Султон Аҳмад Мирзо ўзга ҳарамга бормас эди. Охир ўлтурди ва бадномлиғидин халос бўлди. Яна бир Хонзода Бегим эди, Термиз хонзодалиридин эди. Мен Самарқандга беш ёшимда Султон Аҳмад Мирзо қошифа келган фурсатда (1488) олиб эди. Ҳануз юз ёпуғи бор эди. Туркона расм била манга буордилар, манъ юзини очтим. Яна бир Аҳмад Ҳожибекнинг қиз набираси эди, Латиф Бегим отлиқ. Мирзодин сўнг Ҳамза Султон олиб эди, Ҳамза Султондин уч ўғли бўлуб эди. Мен Ҳамза Султон ва Темур Султон бошлиқ султонларни босиб, Ҳисорни олғонда, бу султонзодалар ва яна неча султонзодалар тушуб эди, борини озод қиласди. Яна бир Ҳабиба Султон Бегим эди. Султон Арғуннинг биродарзодаси эди».

Олти хотин. Султон Аҳмад Мирзонинг биринчи аёли Мўғул хони Вайсхоннинг ўғли Юнусхоннинг тўнғич қизи Меҳр Нигор Хоним эди. Абу Саъид Мирзо Юнусхон билан яхши муносабат боғлаган, унинг Хурросонга келиши, таълим ва таҳсилини йўлга қўйган, Шарафиддин Али Яздийга шогирдликка берган эди. Кейинчалик, шароит етилганда, Юнусхонни ўз юртига ҳукмдор бўлишида восита бўлган эди. Абу Саъид Мирзо хонадони билан Юнусхон оиласи жиҳатдан қаттиқ боғланган эди. Қуда-андачилик ришталари тармоғи кенг эди. Султон Аҳмад Мирзо яхши кўриб олган Кутук Бегим унга тўрт қиз туғиб берганди. Ўқтам ва шаддод бу аёл ҳарамда гапини ўтказар, кундошлиари ундан ҳайиқарди. Бунинг устига майу шароб ичган вақтларда Султон Аҳмадни ҳам кўзга илмасди. Бу суюкли аёл ётогидан ўлик ҳолда топилади. Шивир-шивирлар хонимнинг заҳарланганлигини сарой бурчларида рўё ва чинни бир-бирига қориштириб, чўлгарди.

Ўғил болалардан Мирзо ёлчимаган эди. Икки ўғли, беш қизи бўлиб, ёшлигига ҳар иккала ўғил фарзанди ҳам нобуд бўлганди. Аҳмад Мирзо тўнғич қизи Робиа Султон Бегимни умри охирларида ўз қайноғаси, Юнусхоннинг ўғли Султон Маҳмудхонга узатган эди. Бу никоҳдан туғилган набира Бобохон Ҳўжанд шаҳрини Шайбоний олиб, Султон Маҳмудхон ва бошқалар қаторида шаҳид қилинади. Шундан кейин Робиа Султон Бегимни шайбонийзода Жонибек Султон олади.

Султон Аҳмад Мирзонинг иккинчи қизи Солиҳ Султон Бегим отаси вафотидан (1494) кейин амакиси Султон Маҳмуднинг ўғли Сул-

тон Масъуд Мирзога узатилган. Учинчи қизи Ойша Султон Бегим, Заҳириддин Мұхаммад Бобур беш ёшида Самарқандга борганида, унга тааллуқ қилинган. Бобур Мирзо, Самарқандда Шайбонийлар хуружлари авж ола бошлаб, Ойша Султон Бегим ҳам Хўжандга қочиб келганида, урф-у одат бўйича, Ойша Бегимга шу ерда уйланади. Бобур Мирзо Самарқандни иккинчи марта кўлга киритганида, бу никоҳдан қизалоқ туғилади ва уч-тўрт кун яшаб, оламдан ўтади. Тошкентда алғов-далғовлар ўрлаб турганда, Бобур Мирзонинг омади чопмаганда, опасининг тезлови билан Бобур Мирзо никоҳидан чиқади. Султон Аҳмад Мирzonинг тўртинчи қизи Султон Бегим эди. Уни Султон Маҳмуднинг ўғли Султон Али олганди. Кейинлар бу аёлни Мұхаммад Шайбонийнинг ўғли Темур Султон, ундан кейин эса, Маҳди Султон ўз ҳарамига киритган эди.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур катта амакисига иккинчи бор куёвлик риштаси билан боғланганди. Мирzonинг энг кичик, бешинчи қизи Маъсума Султон Бегим эди. Бобур Мирзо уни жуда ёқтириб, севиб қолади ва Кобулда унинг васлига эришади. Минг афсуски, Маъсума Султон Бегим бир қизча қолдириб (унга онаси исми берилади), «зоча» касаллигидан оламдан ўтади.

\* \* \*

Абу Саъид Мирзо Ҳиротни пойтахт қилиб турган йилларда Самарқанд шаҳри инон-ихтиёри Аҳмад Ҳожибекка топширилган эди. Аҳмад Ҳожибек Султон Аҳмад Мирzonи ўз қанотига олган, тарбиясига зўр аҳамият берарди. Мирзо ҳам унинг айтганидан чиқмас, ҳурматини жойига қўярди. Аҳмад Ҳожибекнииг отасини Султон Малик Кошгарий деб иззатини қилганлар. Темурийларга бошдан садоқатли кишилар авлодидан эди. Аҳмад Ҳожибек, Бобур Мирзо айтганидек, «хуштабъ ва мардона киши эди, «Вафоий» тахаллус қилур эди. Соҳиб девон эрди, шеъри ёмон эмас эди. Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самарқандга келган фурсатлар Аҳмад Ҳожибек била бўлур эрди. Султон Ҳусайи Мирзо подшоҳ бўлғондин сўнгра Ҳирига келди. Асрุ улуғ риоят топди... Бойсунғур Мирзо Султон Али Мирзо била Бухорода урушуб, мағлуб бўлғонда иликка тушти. Дарвеш Мұхаммад Тархоннинг қонининг туҳмати била беиззатона ўлтурдилар».

Аҳмад Ҳожибек тўғрисида олдинда ёзилди. Алишер Навоийнинг Ҳиротга қайтишида бағрикенглик қилган, замонасининг яхшигина шоири бўлган бу киши, кўрамизки, aka-укаларнинг ўзаро курашларида, арзимаган баҳонада қатл этиб юборилади. Аҳмад Ҳожибекнинг набираси Латиф Бегим Султон Аҳмаднинг хотини бўларди. Бу аёлнинг кейинги тақдирни Шайбонийлар билан боғланишда кўзга чалинади. Дарвеш Мұхаммад Тархон хуни боиси шундаки, у Султон

Аҳмад ва Султон Маҳмуд Мирзоларнинг тоғаси, Ўрда Буға Тархоннинг ўғли бўларди. Дарвеш Муҳаммад Тархон ҳам Бойсунғур ва Султон Али Мирзолар гавғосида бадномлик билан ўлдириб юборилган. Қуда-андачиликка, тоға-жиянликка ҳам зарра аҳамият берилмаган.

Тархонлар, Амир Темур замонида бўлганидек, кела-келимиш салтанатда мавқеъ туттганлар. Дарвеш Муҳаммад Тархоннинг урургалидан бири Абдул Али Тархон бўлиб, Султон Аҳмад Мирзо номидан Бухорони идора қилиб келарди. Унга Дарвеш Муҳаммад Тархоннинг синглиси тушганди. Абдул Али Тархон, Бобур Мирзо таърифича, золим ва фосиқ ва мудаммиъ (димоғдор) киши эди. Дарвеш Муҳаммад Тархоннинг ёши ундан катта бўлса-да, Бобур Мирзо демоқчи, «бу фиръавн ани кўзга илмас эди. Султон Аҳмад Мирзо Абдул Али Тархонга ишонч ва эътимол қўйиб, Бухорони унга бериб, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйган эди. Унинг калондимоғлиги, зулми бир сира, Бобур Мирзо афсус билан деганидек, «Шайбонийхоннинг мунча тараққий топмоғи ва мунча қадим хонаводалар бузилмоғига Абдул Али Тархон сабаб бўлди».

Самарқандда чорак аср мобайнида ҳукм сурган Султон Аҳмад Мирзонинг умароларидан яна бири Боқи Тархон эди. У, Абдул Али Тархоннинг ўғли ва Султон Аҳмад Мирzonинг амакизодаси бўларди. Отаси вафотидан кейин Боқи Тархон Бухорони идора қилади. Султон Али таҳтга келганда, Боқи Тархон бир қадар кучайган, навкари беш-олти мингга етган эди. Шу боисдан Султон Али Мирзони писанд қилмасди. Қуш сақлашни, қуш овини ёқтирган. 700 та қуши бўлганилиги ҳақида гапирилади. Вақти етиб, галвир сувдан кўтарилганда, яъни Темурийларга интиҳо яқинлаб келганда, Шайбоний олдига бош эгиб боради. Отаси Абдул Али Тархон Муҳаммад Шайбонийга берган ёрдамлар илинжида, шундай рағбатни қўмсағ борган Боқи Тархонга раҳм-шафқат қилинмайди. Ахсига бориб, хорлик-зорликда ўлиб кетади.

Асрнинг охирги йиллари Самарқанд ва бутун Мовароуннаҳр учун тобора ёмонга эврилоқда эди. Султон Аҳмад Мирзо бу кунларни кўрмади. Унинг подшоҳлик даври осойишта кечди. Лекин сўнгги йиллар ҳақида бундай деб бўлмайди. Бу ерда исми тилга олинган унинг айрим умаролари шоҳнинг ношудлигидан фойдаланиб, уни мулкириликка, ўзаро курашларга даъват қилдилар, ака-укаларни бир-бири билай ёвлаштириб қўйдилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо, «Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад Мирzonинг замонида рафоҳият (яхши аҳвол) ва фароғат била ўткариб эдилар, аксар муомала ҳазрати Хўжа (Аҳрор) жиҳатидин адл ва шаръ тариқи била эди», деган баҳони бежизга бермаганди.

\* \* \*

Абу Саъид Мирзо хонадонининг Мўғул ҳукмдори Вайсхон (Увайсхон) оиласи билан қуда-андалашуви тарихи Улугбек Мирзо сабабидан бошланади. Аслини олганда эса, бу кечмиш Хизрхон ва Амир Темур муносабатларида ўз риштасига эга бўлган, Тўкал Хоним Самарқандга келин бўлиб тушганди. Хизрхондан фарзандлар қолган, улардан бири Муҳаммадхон эди. Унинг укаси Шер Али ўғлон бўлиб, ўн саккиз ёшида оламдан қайтганди. Вайсхон ана шу Шер Али ўғлоннинг фарзанди бўлади. Вайсхон билан Муҳаммадхон ўртасида ихтилоф пайдо бўлгач, у Туркистонга Шайх Нуриддин ҳузурига паноҳ истаб боради. Шайх Нуриддин кейинчалик Соҳибқирон Амир Темурнинг вазирларидан бири даражасига кўтарилган эди. Шайх Нуриддин билан Шер Муҳаммад ўртасида кўпдан низо газаклаб келарди. Вайсхонни ўзига оғдирб олиш учун Шайх Нуриддин унга қизи Давлат Султон Саканжни бериб, куёв қилиб олади. Амакиси вафотидан кейин Вайсхон хонлик маснадига эришади. Муаррих Мирзо Муҳаммад Ҳайдар уни «ниҳоятда олижаноб мусулмон», деб тилга олади.

Вайсхоннинг ҳаёти фожеий якун топади. Муаррих бу ҳақда гапни узокдан бошлайди. Амир Темур ҳазратлари вақтида Амир Қазағон анъянасини давом эттириб, мамлакатни идора қилишда сохта хон қўйишини жорийда туттган. Дастреб Чингизхон уруғидан Суюргатмиши «хон» қилиб қўйган. Самарқандда хонга алоҳида жойлар ажратилган. Бундай жойлар «Ҳаёти хон» – хоннинг ҳовлиси деб аталган. «Ховузи бўстони хон» – хоннинг бое ҳовузи ҳам Суюргатмишнинг яшаш шароити маҳобатли бўлганлигидан дарак беради. Суюргатмишон, биламизки, Соҳибқироннинг Ироқ юришида бирга бўлган ва ўша жойда вафот этган. Амир Темурнинг амри фармонлари Суюргатмиш номидан «Суюргатмиш ёрлиғидан Темур қўрагон сўзум» деб бошланган. Отаси вафотидан сўнг «хон»ликка унинг ўғли Султон Маҳмуд қўйилган. Султон Маҳмуд хон билан қудалашиш ҳоллари юз беради. У ҳам Боязид билан бўлган жанглар пировардида ҳаётдан кўз юмади.

Сохта «хон» удуми Улугбек Мирзо даврида ҳам амал қиласи. Унинг ҳам фармонлари Сотуқхон номидан расмийлаштирилади. Нима сабабдандир, Улугбек Мирзо «хон» билан чиқишимай, уни «Хоннинг ҳаёти»дан ҳайдаб, бошқа бирини ўрнига қўяди, Сотуқхонни эса, Мўгулистонга жўнатаб юборади. Бу пайтда Вайсхон Бақобулунг деган, Иссиқкўлдан олис бўлмаган жойда қўналға қилиб турган бўлади. Сотуқхоннинг келгани хабари шу ерда эшитилади. Вайсхон, табиийки, таҳт илинжида келган Сотуқхонни жанг билан қаршилашга отланади. Дарё бўйида уларнинг чериги тўқнашади. Вайсхон дарёни кечиб ўтаётганда, отининг олд оёқлари нимагадир илашиб, чўккалаб қолади. Вайсхоннинг Жоқир деган хизматкори бу одам ёғий бўлса керак деб, унга ёйдан ўқ узади. Вайсхон шу тариқа ҳалок бўлади.

Мүгүл қавмлари Сотуқхонни қабул қылмайдилар. Сотуқхон ҳам ўлдирилади. Эл ва улус тинчийди. Вайсхондан икки ўғил – Юнусхон ва Эсон Бўға деган фарзандлар қолади. Тўнгичи Юнусхон ўн уч ёшда эди. Ҳокимият талашуви икки ўғил баҳонасида қавмларнинг икки тарафга бўлинишига сабаб бўлади. Кўпчилик Эсон Бўғани ёқдайди. Оқсоқоллардан Эрзан ва Мирак туркман Мўгулистонда қолиш имкониятсиз бўлганидан, ўттиз минг хонадонни ва Юнусхонни олиб, Самарқандга йўл олади. Муаррихнинг қавлича, Самарқандда уларни янада мудҳишроқ воқеа кутиб турган. Улуғбек Мирзо мўгул оиласарига мурувват кўрсатмаган, аксинча, уларни қаттиқ жазолаган. Юнусхонни, олинган ўлжаларининг беш қисми билан Ҳиротга, отаси Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига юборган. Шоҳруҳ Мирзо ўн уч ёшли мўгул шаҳзодаси Юнусхонни бошқа асиrlардан ажратиб, унга шундай муомалани рано кўрган Улуғбек Мирзони койийди. Шаҳзоданинг таълим ва тарбиясини мавлоно Шарафиддин Али Яздий зиммасига юклайди. Юнусхон Шоҳруҳ Мирzonинг оталарча қилган иноятидан Яздда яшаб, илм олади. Шарафиддин Али Яздий ҳузурида ўн икки йил, токи мавлоно ҳаёт экан, ундан кўп нарса ўрганади. Юнусхон йигирма тўрт ёшига қадар мавлоно Яздийдан таълим олиб, Араб ва Форс Ироқи сарҳадларида бўлади. Ёши қирқ бирга етганида Юнусхон Мўгулистоннинг ҳукмдори бўлади.

Юнусхоннинг бу юксак маснадга кўтарилишида Абу Саъид Мирzonинг хизмати бекиёс бўлган. Эсон Бўға билан Абу Саъид муносабатлари яхши эмас, шу боисдан, Ироқقا қилинадиган юриш кечикиб бораради. Абу Саъид Мирзо шу туфайли Ироқقا одам юбориб, Юнусхонни Ҳиротга олиб келиб, Боги Зоғондан жой беради. Улар ўртасида қаттиқ аҳд-у паймон бунёд топади. Абу Саъид Мирзо, Юнусхонни, муаррих айтмоқчи, камбағаллик чопонидан шоҳона тўнга сазовор этганилиги, ўз юртида тегмаган подшоҳликни олиб бериш эвазига, садоқат талаб қилади. Юнусхон шажараси Чингизхонга туташар эди. У ҳижрий 819 (1417) йилда таваллуд топган. Юнусхон Шерозда бўлган йилларида ҳунар ўрганади ва «Усто Юнус» деган лақаб орттиради. Юнусхон Мўгулистонга келиб, Абу Саъид Мирзо қўлловида хонлик қабосини кийгач, Мир Ҳожи Пир Кунжийнинг Эсон Давлат Бегим исмли қизига уйланади.

Мўгулистон ҳам тинч эмасди. Эсон Бўға тож-у тахт талашларида Юнусхонни олдинга ўтказиб юборишга тиши-тирниги билан қарши эди. Нихоят, у бу курашларда ғолиб чиқади ва Юнусхоннинг Хуросонга, Абу Саъид Мирзо қошига қочишига тўғри келади. Бу пайтда унинг тўнгич қизи Мехр Нигор хоним гўдак бўлиб, она кўкрагидан айрилмаганди. Юнусхон Ҳиротга жуда ночор аҳволда қадам қўяди. Абу Саъид Мирзо унга Андижон томондан Жетиканд мавзесини беради.

Юнусхон, шу тариқа, Абу Саъид Мирзодан иккинчи бор яхшилик кўрган ва ўз юртида, охир-оқибатда, хон даражасига эришган эди.

\* \* \*

Ох, бу хонлик?! Унинг кўргиликлари бунча кўп бўлмаса? 1469 йил ичида қишини Қора Тўқайда кечирган Юнусхон Тошкентга айни баҳор пайти келган эди. Бу вақтда Тошкентни Абу Саъид Мирзономидан Шайх Жамол хар деган амир бошқарар эди. Абу Саъид Мирзонинг ҳалок бўлиши хабари бу ерларга ҳам етиб, ўзбошимчаликлар гулуси кучая бошлади. Хуросон ва Мовароуннаҳр тож-у тахтларида тушга кириб чиқмаган янгиликлар қанот қоқди. Ҳиротда Ҳусайн Мирзо, Самарқандда Султон Аҳмад Мирзо, Ҳисор, Кундуз ва Бадаҳшонда Султон Маҳмуд Мирзо, Андижон ва Фарғонада Умаршайх Мирзолар тож-у тахт соҳиби бўлди.

Юнусхон тақдирнинг тақозосига кўра, Абу Саъид Мирзонинг уч ўғлига уч қизини берган, Мўгулистон ҳокимиятига бевосита даъвогар бўлган Вайсхон фарзанди шундай таҳдикали кунларда Тошкентда эди. Ўз юртига боришга ёғийлари йўл қўймасди. Шайх Жамол хар гап-сўзларга, чақувларга учиб, Юнусхонни қўлга туширади ва бир йил уни қамаб қўяди. Мўгул улуси Шайх Жамол хар қўлига ўтади.

Шайх Жамол хар, бу пайтда Юнусхоннинг хотини Эсон Давлат Бегимни, унинг икки қизини – Меҳр Нигор Хоним ва Қутлуғ Нигор Хонимларни – норасида қизларни жуда хўрлайди. Биламизки, Меҳр Нигор Хоним кейинчалик Абу Саъид Мирзонинг ўғли Султон Аҳмад Мирзога никоҳланган. Қутлуғ Нигор Хоним эса, Абу Саъид Мирзонинг яна бир ўғли, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг бўлажак отаси Умаршайх Мирзога узатилган. Шайх Жамол хардан етган касофатларни Эсон Давлат Бегимнинг мардона, оқиласилик билан қарши олганлиги бу мушфиқ аёлга ҳурмат ва таъзимга даъват этади. Гап мана бундай бўлади. Шайх Жамол хар, бири тетапоя бўлиб, бири қўлдаги икки гўдакнинг онаси Эсон Давлат Бегимни ўзининг яқинларидан бирига ҳадя қилиб юборади. Унинг исми Хожа Калон бўлади. Бу ҳақда Эсон Давлат Бегимга айтганиларида у мағрур туриб, ҳеч бир талхашовлик қилмайди, аксинча, ризолигини айтиди. Бундан илҳомланган Хожа Калон кечда висол умидида Бегим қошига келади.

Ишратпараст Хожа ичкари киради ва хизматчилари ташқарида пойлаб қолади. Бегим шу аснода чўриларга эшикни маҳкам беркитишни тайин қиласди. Эшиклар зичлаб ёпилгач, келишиб қўйилганидек, Эсон Давлат Бегим ва чўри аёллар бирданига Хожа Калонга ташланиб, уни пичноқ уриб ўлдирадилар. Тонг саҳарда унинг ўлигини уйдан нарига чиқарип ташлайдилар. Кун қизиб, одамлар ўтиб-қайта бошлагач, жасадни кўриб, бу ҳақда Шайх Жамол харга дарак берадилар. Шайх Жамол хар нима гап бўлганлиги ҳақида бир киши юбориб, Бегимдан суриштиради. Бегим шундай дейди: «Мен Юнусхоннинг хотиниман, Шайх Жамол эса, мени бошқа бировга совға қил-

ди. Бундай қилиш шароит ва мусулмончиликда тақиқланган. Мен уни Шайх Жамол хар ўлдирмоги учун ўлдирдим». Бундан ҳайратта тушган Шайх Жамол хар Бегимни қатл этиш ўрнига уни минг бор мақтаб-олқаб, ҳурмат-иззат билан Юнусхонга юборади.

Орадан бир йил ўтиб, Шайх Жамол хар ўлдирилади. Юнусхон асирикдан қутулади. Шайх Жамолга байъат қилган мўгуллар Юнусхон итоатида бўладилар. Мўгулистанга йўл очилади ва Юнусхон таҳтда қарор топади.

Юнусхоннинг мўгул таҳтида жулуси унинг Самарқанд билан алоқани мустаҳкамлаши учун замин яратади. Тўйу тантана билан катта қизи Меҳр Нигор Хоним Абу Саъид Мирзонинг тўнғич фарзанди Султон Аҳмад Мирзога узатилади. Юнусхон лафзи ҳалол бўлиб, шундай дер эди: «Султон Абу Саъид Мирзо вақтида мўгуллар билан чигатойларни (Темурийларни – муал.) ёғийликдан, ўзаро душманликдан дўстларга айлантириди, мен эса, бу дўстликни қон-қардошлиқ ришталари билан боғлайман. Бир пайтлар, агар менинг қизим бўлса, Абу Саъид Мирzonинг ўғлига бераман, деб аҳд қилганман».

Меҳр Нигор Хоним Султон Аҳмад Мирзо ҳаёти сўнгларига қадар унинг умр йўлдоши бўлиб қолди. Юнусхон ҳижрий 880 йилда, Шайх Жамол харнинг ўлдирилишидан кейин Мўгулистанга келиб, хон бўлиб ўрнашгач, кўп ўтмай, шу йили (1475) иккинчи қизи Қутлуғ Нигор Хонимни Абу Саъид Мирzonинг тўртинчи ўғли Умаршайх Мирзога беради. Муаррих дейдикни, куёв билан қайнота ўртасида илиқ бир муносабат вужудга келган эдики, бундай ҳол ота билан ўғил ўртасида ҳам кам юзага келади.

\* \* \*

Абу Саъид Мирzonинг Самарқанд таҳтида ўзини ўнглаган даврида, ҳижрий саккиз юз олтмишда (1456) ўғли Умаршайх туғилган эди. Кейинчалик, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо бу ҳақда, яъни падари бузруквори таваллуди борасида «валодат ва насаби: секкиз юз олтмишда Самарқандда эди. Султон Абу Саъид Мирzonинг тўртунчи ўғли эди. Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзодин кичик эди... Султон Абу Саъид Мирзо аввал Кобулни Умаршайх Мирзога бериб, Бобои Кобулийни бек атка қилиб, рухсат бериб эди. Мирзоларни суннат қилур тўйи жиҳатдин Дарай Газдин ёндуруб, Самарқанд элтди. Тўйдин сўнгра ул муносабат билаким, Темурбек улуф Умаршайх Мирзога Фарғона вилоятини бергандур. Андижон вилоятини бериб, Худойберди Тугчи Темуртошни бек атка қилиб юборди», – деган эди.

Умаршайх Мирзо билимли, равон саводли киши бўлган. Достонларни, «Хамса»ларни, тарих китобларини ўқиши ёқтирган. Фирдавсий «Шоҳнома»сига ҳам қизиққан, назмий қобилияти бўлса-да, шеър

ёзишга лоқайд қараган. Андижон вилоятини идора қилиб улғайған Умаршайх ўн тўққизга тўлганида, Юнусхоннинг куёви бўлади. Ўзини тутиб олишда, давлатхоҳликда қайнотасининг амалий ёрдами катта бўлади. «Бобурнома»да давр манзараси тиниқ тасвиранади:

«Чун Умаршайх Мирзо баланд ҳимматлиқ ва улуф доиялиқ подшоҳ эрди, – деб ёзади Бобур Мирзо, – ҳамиша мулкирлик дағдағаси бор эрди, неча навбат Самарқанд устига черик тортти, баъзи маҳал шикаст топти, баъзи маҳал bemurod ёнди. Неча навбат қойин отаси Юнусхонниким, Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатайхон наслидиндур, Чигатайхоннинг юртида мўғул улусининг хони ул фурсатда ул эрдиким, менинг улуф отам (она томондан бобоси) бўлғай, истидо (сўров – муал.) қилиб келтурдри. Ҳар қатла келтурганда вилоятлар бе-рур эрди. Чун Умаршайх Мирзонинг муддаосидек бўлмас эрди, гоҳи Умаршайх Мирзонинг бадмаошлиғидин, гоҳи мўғул улусининг муҳолифатидин вилоятта тура олмай, яна Мўгулистонға чиқар эди.

Охир навбат келатургандаким, ул фурсатта Тошканд вилояти Умаршайх Мирзо тасарруфида эдиким, китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирларким, «камони Чочий» андин ибораттур, берди. Ўшал фурсаттин тарих тўққиз юз секкизгача (1502) Тошканд ва Шоҳрухия вилояти Чигатой хонларининг тасарруфида эди. Бу фурсатта мўғул улусининг хон ва сultonлиги Юнусхоннинг улуг ўғли, менинг тоғайим Султон Маҳмудхонда эди. Умаршайх Мирzonинг ofаси, Самарқанд подшоҳи Султон Аҳмад Мирзо ва мўғул улусининг хони Султон Маҳмудхон чун Умаршайх Мирzonинг бадмаошлиғидин мутазаррир (зараҳ кўрган – муал.) эдилар, бир-бирлари била иттифоқ қилиб, Султон Аҳмад Мирзо Султон Маҳмудхонни куёв қилиб, мазкур бўлган тарихда (1494) Хўжанд суйининг жануб жонибидин Султон Аҳмад Мирзо ва шимол тарафидин Султон Маҳмудхон Умаршайх Мирzonинг устига черик торттилар».

Умаршайх Мирзо беш ёшда эканлигига, суннат тўйида, отаси Абу Саъид Мирзо унга Фарона вилоятини бағишилаган. Бу, энди, 1461 йилга тўғри келади. Укаси улғайиб, мулкни ўзи идора қила бошлигар кезларда Султон Аҳмад Мирзо унга Тошканд ва Сайрамни ҳам ҳадя қилган. Умаршайхда, Бобур Мирзо деганидек, «ҳамиша мулкирлик дағдағаси бор эди, неча навбат Самарқанд устига черик тортти». Жангарилик, урушқоқлик билан бир қаторда, Умаршайхда саховат, тантилик ва адолат тамаллари кучли эди. «Адолати бу марта бада эдики, – деб эслайди Бобур Мирзо, – Хитой карвони келадурганда Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлук карвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулади. Хабар топиб, муҳассиллар юбориб, карвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким, вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёж сахлаб,

бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтурууб, молларини солим топшурди».

Бу жуда сийрак учрайдиган, тансиқ адолат намунаси. Абдуллатиф Балхни эгаллаб, Амударёдан Самарқанд томонга бирор карвонни ўтказмаганида, Умаршайх Мирзонинг табиий офатга йўлиқкан, Хитойдан келаётган тожирларнинг ҳалокати сабаб, қолган мол-ашёларини сўраб-суришириб, бир-икки йил омонатни кўз қорачиғидай сақдаб, ворисларга – савдогарлар меросхўрларига бус-бутун топшириши жўмардлик, олижаноблик эди.

Умаршайх Мирзо ўз даврининг ҳозиржавоб, билимдон етакчи-ларидан эди. Яхши билардики, қилич кўтармаса, ўзгалар ўқталган шамширини туширмайди. Замон мулкирликни, бошбошдоқликни, бирикмасликни кураш майдонига чиқарган эди. Ака-укаларни, қайнота ва куёвларни муросага келтирадиган донишмандлик қа-чонлардир бадарга бўлиб кетган, уни қайтаришга ақл-идрок, рахна-мо бўлгудай шахс йўқ эди.

\* \* \*

Куз дастурхонини ёзган, унда ноз-неъматлар бисёр эди. Самарқанднинг оқ ва қора кишишлари хўб етилган, ширага тўлганди. Биби Хоним мадрасаси этагидаги бозорда мева-чева кўп, тилла ранг олмалар, магизи қирмизи сара тарвузлар, турфа хил қовунлар, олча-ю гилослар кўзни қамаштиради. Ширмойи нонлар, пиширилган калла-почалар, нўхатли шўрвалар, хасиплар, қўйингки, бу бозорда товуқ сутидан бўлак ҳамма нарса мўл-кўл ва арzonчиликда эди. Эрталабдан бозорга совуқ ел оралагандек бўлди. Одамлар гавжум бўладиган, янгиликлар тез тарқаладиган жой шу ер эди. Кўпгина дўкондорлар каллаи саҳардан келиб, савдо жойларини ораста қилиб, сув сепиб, бир-бири билан чақчақлашиб, харидорлар оёқ олишини интиқ кутардилар. Бугун, негадир, қуёш бир найза бўйи кўтарилиган эса-да, дўконлар ёпиқ, бозор анкабут уяси оғзига тўр тутилгандек саранжом эди. Даҳбед тарафдан, жарчининг бўлса керак, ҳайқириғи қулоққа чалина бошлади. Унда халойиқ жанозага даъват қилинаётганди. Кеча, хуфтон намози адосидан сўнг ҳукмдор Султон Аҳмад Мирзо оламдан қайтиш қилган эди. Тун бўлишига қарамай, Кўксаройнинг баланд деворлари подшоҳнинг жон таслим қилганилиги дарагини муҳофаза қилолмади. Кечаси билан Самарқанд безовталиқ оғушида бўлди.

Умаро сарой ҳовлисида мижжа қоқмади. Беклар иттифоқ бўлиб, Султон Аҳмад Мирзонинг түқсан иниси Султон Маҳмудни тахтга, акаси ўрнига кўтариш қарорига келдилар. Ҳисорга, тоғ йўли орқали тонг саҳардаёқ чопар жўнатилди. Самарқанд тож-у тахтининг талабгорлари кўп бўлиши истисно қилинмасди. Султон Аҳмад Мирзо-

нинг она бошқа укаси Умаршайх мудом дағдага солиб, Самарқандга интилганига қарамай, тақдирнинг ёзуғи бошқа экан, акасидан сал бурун нариги дунёга рихлат қилиб кетди. Тахт ўриниди совимай, Султон Маҳмуд эгалик қилгани дуруст. Бекларнинг тарааддуни бежизга эмасди. Султон Аҳмад Мирзодан ворис бўлиб ўғил фарзанд қолмаган, Султон Маҳмуд узоги билан ҳафта нари-берисида етиб кела олади. Қарорнинг сир тутилишига қарамай, миш-миш на ҳад, на тўсиқ билади. Абу Саъид Мирзонинг укаси, Мозандарон тарафларда ўлдирилган Манучеҳр Мирzonинг ўғли Малик Муҳаммад Мирзо қулогига ҳам ўлим хабари етиб, бир қанча тарафдорлари билан Самарқандга от сурди. Малик Муҳаммад Мирзо чучварани хом санаган, ўзи ҳам лаванд ва авбошфөъллик киши эди. Самарқанд унга рўйхушлик бермади. Қалъя мустаҳкам, сипоҳийлар жангга шай турарди. Малик Муҳаммад Мирзона тахт ўпқони ўз комига тортиб кетди. Унинг ҳамроҳдаридан бирортаси ҳам ажалдан қочиб қутула олмади. Бу дунё фириблари шундай. Тож-у тахтни шам қилиб, талабгорни парвонага айлантиради. Ўзи келиб, нурга талпинаётгандек ҳис қиласида, оташ комига тортилаётганидан бехабар, куйиб кул бўлади.

Султон Маҳмуд Мирзога хабар етиши билан, у йўл танобини тортиб, катта қуршовда акаси жойини ишғол қилди. Улуғбек Мирзо қатлидан кейин Самарқанд тахти биринчи бор, Бобур Мирзо тўғри айтганидек, «безаҳмат ва бемашаққат» унга ноил бўлди. Султон Маҳмуд Мирзо тахтни эгаллаши биланоқ, тахт талабида қўлга туширилган амакизодаларини, гумон қилинган яна тўрт Мирзона, Малик Муҳаммад Мирзона Кўксаройга чиқариб, жазолашга тушди. Тўрт шаҳзодага афв берилди, иккиси, шу жумладан, бандда ётган Малик Муҳаммад ҳам қатл қилинди.

Султон Маҳмуд Мирзо Ҳисорда кўп йиллар ҳарна дарди ичида бўлиб келган, инон-иҳтиёр вазир Ҳисравшоҳда эди. Самарқандда подшоҳлик либосини кийгач, унинг ҳақиқий қиёфаси маълум бўла бошлади. Бобур Мирзо бежизга уни, «зулм ва фисққа мойил эди», дея ёзмаган. Султон Аҳмад Мирзо ёшлигидан Ҳўжа Аҳрорга эътиқодда бўлган, у зотнинг тўғри йўлидан чиқмаган. Султон Маҳмуд эса, бунинг аксига қўл ура бошлайди. Камбағал, бенаво, факир-фуқаролар Ҳўжа Аҳрор сўрови билан гоҳида олиқ-солиқлардан озод қилинган. Султон Маҳмуд бу имтиёзларни йўққа чиқариб, Ҳўжанинг авлодига ҳам шу сиёsatни ўтказа бошлайди.

\* \* \*

Абу Саъид Мирzonинг учинчи ўғли Султон Маҳмуд хижрий саккиз юз эллик еттида (1453) туғилган эди. У Султон Аҳмад Мирзо билан бир онадан – Тархон Бегимдан дунёга келган эди. Хуросон фатҳидан кейин Абу Саъид Мирзо Ҳиротда ўрнашиб, Ҳусайн Мирзодан

Астрободни тортиб олгач, Султон Маҳмуд Мирзога шу вилоят ҳокимлигини берганди. 1469 йилда Абу Саъид Мирзонинг Ироқ юришида омади қайтиб, амир Ҳасанбек томонидан ҳалокатга рўбарў қилингач, ўн олти ёшли Султон Маҳмуд Ҳиротга қайтишга муваффақ бўлганди. Унинг бахти чопган, бошқа ака-укаларидек туркман чериғи қўлига тушиб қолмаганди. Ҳиротда, афсуски, унинг ва акаси Султон Аҳмаднинг исми хутбага қўшилган бўлса-да, Ихтиёридин қалъаси ва шаҳар эли уларни тан олмади. Мосуво бўлиб қайтганича, отасига ёрдам учун Балхга қадар етиб келган акаси ҳузурига бош эгиб боришдан ўзга йўл топмаганди. Ўша пайтда, Абу Саъид Мирzonинг фармони билан Қанбар Алибек Ҳиндистондан черик жамлаб, Ироқقا, Хурросон лашкари ёрдами учун бораётганди. Абу Саъид Мирzonинг ўлеми, Ҳусайн Мирzonинг Ҳирот таҳтини олиши воқеалири хабари йўлда етиб, Қанбар Али Султон Маҳмуд Мирзога қўшилади. Самарқандда бир муддат турган шаҳзода, неча ойдан сўнг Аҳмад Муштоқ, Ҳисравшоҳ ва Сайд Бадрлар тезлаши билан Ҳисорга, Қанбар Алибек қошига қочиб келади. Бунда Қанбар Алиниң холис хизмати катта бўлади. Султон Маҳмуд, шу тариқа, Термиз, Чагониён, Ҳисор, Хатлон, Кундуз, Бадаҳшон, яъни Ҳиндикуш тогигача бўлган вилоятларда ҳукмдорлик даражасига етади.

Султон Маҳмуд Мирзо отаси ҳаётлигига Хурросон мулкларида шамшир яланғочлаб, ҳарб майдонларига кириб, мағлубият ва зафар ранж-у шодмонликларини эрта тотиб кўрганди. Ҳусайн Мирзо билан Астробод учун талашиб, енгилган эди, Андҳуд навоҳисидаги Чакмон деган мавзеда ҳам Ҳусайн Мирzonинг қўли баланд келганди. Ҳисор мулкларига эгалик қилган йилларида Бадаҳшоннинг жанубидаги Кофиристонга қўшин тортиб, икки бор голиб бўлганди.

Султон Маҳмуд Мирзо акаси тириклигига унинг мулкларига талаб солмаган, муносабатлари қуюқ бўлмагани каби, аёзга ҳам тортмаган эди. У катта оила бошлиғи эди, беш ўғил, ўн бир қизи бор эди. Ҳарам бобида Мирzonинг бошқа Темурийзода биродарларидан асти ками йўқ эди. Шаҳзодалар тарбияси, аёллар садоқати Султон Маҳмуд Мирзо шахсида губорлардан холи эмаслигини айтиш жоиз.

Султон Маҳмуд Мирzonинг тўнғич ўғли Мир Бузург Термизийнинг қизидан таваллуд топган Султон Мастьуд Мирзо эди. Бойсунгур Мирзо исмли фарзанди Поша Бегимдан туғилганди. Ўзбек султонлари уруғидан Зуҳра Бегим ҳам Султон Маҳмуд Мирzonинг никоҳига кирган, ундан Султон Али Мирзо ўргиган эди. Мир Бузург Термизийнинг набираси ҳам Мирzonинг хотинлари сафига киритилган ва бу аёлдан Султон Ҳусайн Мирзо олам юзини кўриб, ўн уч ёшга етганида, ҳаётдан кўз юмади.

Султон Маҳмуд Мирзо Юнусхоннинг қизи, Бобур Мирzonинг онаси Қутлуғ Нигор Хонимнинг синглиси Султон Нигор Хонимга уйланган эди. Бу никоҳдан Султон Вайс Мирзо вужудга келганди.

Подшоҳ хонадонида ўн бир қиз вояга етаётган эди. Вақтида, қизларнинг каттасини амакисининг ўғли Малик Муҳаммадга берган Султон Маҳмуд Мирзо, шу күёвини Самарқанд тахтига даъвогарлик қилгани учун Кўксаройда қатл эттирди.

Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳисор устига лашкар тортиб, уни муҳосара қилганида, ўртага яхшилар тушиб, амният содир бўлган эди. Шунда, Ҳусайн Мирзо ўзининг Абу Саъид Мирзо қизи Поянда Султон Бегимдан туғилган ўғли Ҳайдар Мирзога Султон Маҳмуд Мирзонинг Бека Бегим исмли қизини олиб берган эди. Опанинг ўғли, уканинг қизи турмуш қурганди.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳам Султон Маҳмуд Мирzonинг – амакисининг куёви бўларди. Бобур Мирзо 1504 йилда Кобулни фатҳ этганида, онаси Қутлуғ Нигор Хоним даъвати билан Султон Маҳмуд Мирзонинг Зайнаб Султон Бегим исмли қизига уйланади. Ўртада совуқчиликлар бўлиб, муносабатлар совиб борган. Икки-уч ийлдан кейин Зайнаб Султон Бегим чечак заҳматидан вафот этади.

Хонзода Бегимни – Мир Бузург Термизийнинг қизини Мирзо қаттиқ севган. Бу аёли ўлганда у жуда қайғурган. Ёшлигида, Масъуд Мирзони туғиб, оламдан қайтган бу аёлнинг яқини, Мир Бузург на-бираси, унинг исми ҳам Хонзода Бегим бўлган, маслаҳат билан Султон Маҳмуд Мирзо никоҳига киритилган. Иккинчи Хонзода Бегим Мирзога беш қиз ва бир ўғил туғиб берган.

Поша Бегим тарихи қизиқ. Бу аёл Мирзодан бир ўғил ва уч қиз кўради. Бобур Мирzonинг келтиришича, Поша Бегим «Қорақўйлуқ Баҳорлу аймоғи туркман бекларидин Али Шукрабекнинг қизи эди. Жаҳоншоҳ Мирзо Бароний Қорақўйлуқнинг ўғли Муҳаммади Мирзо олиб эди. Озарбайжон ва Ироқни бу Жаҳоншоҳ авлодидин Оққўйлуқ Узун Ҳасан олғонда, Али Шукрабекнинг ўғлонлари тўрт-беш минг уйлук қорақўйлуқ туркманлар била Султон Абу Саъид Мирзо мулозаматига келиб эдилар. Султон Абу Саъид Мирзо шикаст топқонда бу вилоятларга туштилар. Султон Маҳмуд Мирзо Самарқанддин Ҳисор келганда Султон Маҳмуд Мирзо мулозаматига келдилар. Бу Поша Бегимни Мирзо ул маҳалда олиб эди. Бир ўғул, уч қизнинг онаси эди».

Жаҳоншоҳ Мирзо билан олдинги қисмларда танишилди. Ҳиротга босиб келган бу туркман сардори тақдири амакизодаси амир Ҳасанбек томонидан йўқлик қаърига эврилганди. Абу Саъид Мирзо ҳам ундан енгилиб, қатл этилганди. Жаҳоншоҳнинг ўғли Муҳаммаднинг қисмати ҳам хайрли кечмаганди. Унинг беваси, Али Шукрабекнинг қизи Поша Бегим Ҳисор тарафлардан паноҳ излаб келган қавми билан Султон Маҳмуд Мирзодан яхшилик кўрган эди. Шу кезларда бу аёл Мирzonинг хотинлари мундарижасига киритилганди.

Султон Маҳмуд Мирzonинг Абу Саъид Мирзо ҳаётлиги пайтларида уйланган аёллари қаторида Даشتி Қипчоқ ўзбекларидан бўлган

Зуҳра Бегим ҳам бор эди. Мирзонинг эътирофига лойиқ қўрилган, бир ўғил ва бир қизнинг онаси бўлган эди. Ундан Хадича Бегим феъли атвори зоҳир бўларди. Гўзаллиги ҳам, макри ҳам зиёда эди.

Султон Маҳмуд Мирзо Самарқандда узоқ ҳокимият қилолмади. Акасидан кейин икки йил яшаб, қирқ уч ёшида (1495-1496) оламдан ўтди. Мирзонинг салтанатида умароси, хусусан, Хисравшоҳ ва унинг укаси Валилар таъсири катта эди. Кўп ўтмай, давлат ногорасини баланд даранглатган бу оға-инилар Султон Маҳмуд Мирзонинг фарзандларига тажовуз қилдилар. Султон Масъуд Мирзонинг кўзига мил тортилишига, Бойсунгур Мирзонинг ўлдирилишига айнан Вали сабабчи бўлди. Хисравшоҳнинг бунчалар кучайиб кетишига Ҳусайн Бойқаронинг Ҳисор устига икки бор юриш қилиб, бирор натижага эришолмай қайтгани катта далда бўлганди.

Султон Маҳмуд Мирзо вафот этганда, Хисравшоҳ бу воқеани элдан яшириб, хазинани ўмариш пайига тушди. Ойни этак билан яшириб бўлмаганидек, хазинани қоқлаш сир бўлиб қолмасди. Шаҳарда бу ҳақда гап тарқалади. Эл ва сипоҳилар Хисравшоҳ устига бостириб келмоқчи бўлганида, оқсоқоллар силагар бўлиб, Хисравшоҳни Ҳисорга жўнатиб юборадилар. Султон Маҳмуд Мирзо ҳаётлигига ўғиллари Султон Масъуд Мирзога Ҳисорни, Бойсунгур Мирзога Бухорни берган эди. Хисравшоҳни Ҳисорга бадарға қилганларидан сўнг Самарқанд ва Ҳисор беклари гапни бир жойга қўйиб, Самарқанд тахтига Бойсунгур Мирзони сипориш қилдилар. Бойсунгур Мирзо подшоҳлик тожини бошига қўндирганида ўн саккиз ёшда бўлиб, уни Бухородан олиб келдилар.

\* \* \*

Фасллар мавсуми оламда ўз муддатини ўтаб, сокинликда бардавом бўлади. Уруш-низоларда на мавсум, на қоида – ойин бўлади. Манфаат ногорасини чалгувчилар таҳтнинг панасида ўзлари басталаган куйни мавриди келган пайтларда шу қадар авж пардада чаладиларки, ихтиёр-беихтиёр тож кийғанлар ҳам, унинг умидида ёниб юрганлар ҳам, ўзлари билиб-бilmай ўйинга тушиб кетадилар. Бу сафар ҳам, ногорабозлар шиддатли кураш мақомини маҳорат билан ижро этишга киришди. Бойсунгур Мирзо таҳтда балқишининг ҳадисини олар-олмас, Самарқанд осмонидаги юлдузлар хира тортиди. Шарқ саридан, Жомбой тарафдан ёғийнинг чанг-у тўзони кўкка ўрлади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо бу ҳақда:

«Ўшал фурсатта Султон Маҳмудхон (Юнусхоннинг ўғли – муал.) Султон Жунайд барлоснинг ва Самарқанднинг баъзи акобирининг сўзи била Самарқанд доияси (истаги) била черик тортиб, Канбой навоҳисига келди. Самарқанддин ҳам Бойсунгур Мирзо қалин ва кўчум ва яроғлуқ черик била чиқиб, Канбой навоҳисида масоғ

уруштилар. Ҳайдар кўкалтошким, мўғул черикининг рукни аъзами эди, ировул эди, тамом оттин тушуб, шиба қўймоқча машфул бўлди. Қалин отлиқ, таассубуқ Самарқанд ва Ҳисор йигитлари от солғон била Ҳайдарбек бошлиқ тушганлар тамом от оёғининг остиға-ўқ қолдилар. Муни олдурғон била уруша ҳам олмадилар, бостурдилар. Қалин мўғул кишиси қирилди. Бойсунғур Мирзо ўз олида ҳам қалин кишининг бўйинини урдурубдур. Андоқким, ўлукнинг касратидин (кўплигидан – муал.) уч ерда хиргоҳни буюткабдурлар», дейди.

Бойсунғур Мирзони ёш, тажрибасиз деб ўйлаб, кимларнингдир даъвати билан Тошкентдай жойдан қўшин тортиб, мурод-у мақсадсиз, шунча талафот кўриб, урушмоқ лозиммиди? Бойсунғур Мирзо тадбирли киши эди. Тожни бошига кийиши билан, мулкларни қаттиқ сақлаш ҳаракатига тушади. Укаси Султон Алини Ўратепага ҳоким қилиб юборади. Ўратепа қўп йиллар Умаршайх Мирзога тобеъ бўлиб келганди. Умаршайх Мирзо ўлар йили Ўратепа қўлдан чиқсан ва Султон Аҳмад Мирзога тегишли мавзез бўлиб қолганди. Султон Маҳмудхон Самарқандда бир иш чиқара олмагач, Ўратепага ҳужум қилиб, уни бўйсундиради. Ўратепа ҳижрий 906 йилгача (1507) Султон Маҳмудхонга қарам бўлиб туради.

Ака-укалар Юнусхоннинг куёвлари бўлганларидан сўнг ҳам тинчиш, бир-бираидан ризоликда яшаш, ҳурмат-иззатда бўлиш маснадига сира яқин келмаган эдилар. Айниқса, Умаршайх Мирзо устун бўлишга, вилоятини кенгайтиришга жон-жаҳди билан интилар эди. Юнусхон билан Умаршайх қайнота-куёв бўлиб, ораларидан қил ўтмаган дастлабки кезларда, хонни Самарқандга, акаси Султон Аҳмаддан бу ерларни тортиб олишга ундан Умаршайх Мирзо бўлганди. Юнусхон ўйловли, ақлли подшоҳ эди. Умаршайхнинг бу даъватига қулоқ солмади. Бироқ ер-у кўкни тўфонга чўлграйдиган шамол-бўрон тинса-тинадики, миш-мishлар тиним билмайди. Умаршайхнинг Самарқандни олиш орзуси ҳақидаги гаплар минг бир оёқда Самарқандга, Султон Аҳмад Мирзога етиб боради. Султон Аҳмад черигини шайлайди, Умаршайх устига, Андижонга лашкар бошлаб бормоқчи бўлади. Юнусхон ўртада кўндаланг бўлиб, Султон Аҳмад нияти, интиқоми амалга ошмайди. Ҳар сафар, ҳар гал шу қалтис ўйин давом этади. Ноиложликдан, хон ака-укалар орачаси учун ҳар қишида Андижонга келиб турадиган одат чиқаради. Умаршайх Мирзо бундай пайтларда Юнусхонга ўзи хоҳдаган манзили берар эди. Баҳор келиши билан Юнусхон Мўгулистанга кетар, Умаршайх яна ўз мулкига эгалик қиласди.

Султон Аҳмад хоннинг ўз юртига кетганини аниқлаб, Умаршайхни доғда қолдириш учун юриш ҳаракатига тушади. Юнусхон шитоб билан ёрдамга чақирилади. У етиб келгач, қишлош учун Ахсини тандайди. Самарқанд босқини хавфи бартараф бўлади-ю, Умаршайх,

қайнотасига энг бой ҳудуди Ахсини бериб қўйганлиги ўртаб кетади. Муаррихнинг таъкидича, ўша пайтлар Ахси Фарғонанинг энг катта, шаҳарлар онаси шахри ҳисобланарди. Умаршайх аччиини ҳазм қила олмай, қайнотасига қарши ҳужум уюштиради. Така Сакраткан деган жойда Юнусхон ва Умаршайх Мирзо сипоҳийлари жангга киришади. Умаршайхнинг омади юришмайди, мағауб этилади ва қўлга тушади. Уни оёқ-қўлини боғлаган ҳолда Юнусхон қошига олиб келадилар. Куёвини бандда кўрган хон унга яхши муомалада бўлади, тухфа улашиб, Андиконга қайтаради. Рухсат олдидан унга, «тезроқ қайт, тағин яқинларинг ўртасида ғавғо қўпмасин, мен ҳам изингдан, уйингга бораман», деб огоҳлантиради.

Умаршайх Мирзонинг мулкбозлик қилиқлари охири кўринмасди. Бир сафар ёрдам учун яна қайнотаси Юнусхонни чорлаб, унга Марғилонни беради. Хон Марғилонда турганида Самарқанддан Хўжа Аҳрор ҳазратлари етиб келади. Улуғ эшоннинг муддаоси Юнусхон, Умаршайх ва Султон Аҳмадларни яраштириш, муросага келтириш эди. Хўжа Аҳрор ҳазратлари Марғилонга келганида, Юнусхон билан бирга келган сипоҳийлар, хотин-халажлар у зотни кутиб олишга, ҳурмат бажо келтиришга ошиққанлар. Эшон ҳазратлари ўтган йўлдан, қадамлари изидан тупроқлар олганлар, ерга юзларини суртганлар. Юнусхон ҳам Хўжа Аҳрор ҳазратларига жуда катта эҳтиром кўрсатади. Гап шундаки, ака-ука подшоҳлар ўртасида тобора алангаланиб бораётган ўзаро курашлар эл-у улуснинг, улуғ кишиларнинг жонига тегиб бўлган, имкониятга қараб, улар майда, жizzаки жанг-у жадаллар, низолар олдини олишга, тинчликни рўёбга чиқаришга уринар эдилар.

Юнусхондан ҳам давр ўтиб борарди. Унинг ўғли Султон Маҳмудхон билан танишиш айёми этилди. Мовароуннаҳрнинг Абу Саъид Мирзо ўғлонлари ҳукмдорлик фўталарини белларига боғлаган ийларида унинг иштироки хатарли бўлган эди. Темурийлар сулоласининг интиҳоси йил сайин тезлашиб, тарих саҳнасидан туша боришида мўғул аркони давлатининг, Юнусхон ва Султон Маҳмудхонлар улшининг сезиларли даражада бўлганлигини, таассуфки, билиб-бilmай келганмиз.

\* \* \*

Мўғул ҳукмдори Юнусхон вақтида Бадахшон подшоҳи Шоҳ Султон Муҳаммад Бадахшийнинг қизи Шоҳ Бегимга, Кошгарнинг таниқли саййидларидан бўлган Амир Зиёвуддин воситачилигида уйланган эди. Султон Муҳаммад Бадахший, муаррих шаҳодатига кўра, Рим императори Файлақуснинг ўғли Искандар Зулқарнайн авлодидан ҳисобланарди. Дейдиларки, Искандар жаҳонгир бўлиб, мамлакатларни қўлга киритгач, аркони давлати билан машварат ту-

зиб, авлодларини жойлаштириш учун дунё шаҳаншоҳларининг қўли етмайдиган бир жой топишни буоради. Юнонийлар Бадахшонни танлайдилар ва «Дастур ал-амал» («Бошқарув ойинлари») тузишиб, то улар ҳаёт эканки, бу жойни ҳеч бир кимса ололмаслигини қайд эта-дилар. Искандар Моқидуний замонидан то Шоҳ Султон Муҳаммад подшоҳлигига қадар Бадахшон мулкларига бирор дахл қилмаган. Шу зайлда Искандар авлоди бу ҳудудда асрлар давомида пойдор бў-либ келган. Шоҳ Султон Муҳаммад Бадахший билимли, шоир киши эди. У «Дастур ал-амал»га риоя қилмаган, шеърлар девони тузган, ўзига Лоали тахаллусини олган. Унинг олтига қизи бўлган. Қизла-ридан бири Султон Маҳмуд Мирзонинг ўғли Султон Масъудга уза-тилган. Тўртинчи қизини – Шоҳ Бегимни мўғул хони Юнусхон ўз никоҳига киритган. Шоҳ Бегимдан Юнусхон тўрт фарзанд – икки ўғи, икки қиз кўради. Ўғилларининг каттаси Султон Маҳмудхон бў-либ, 1464 йилда туғилган. Иккинчи ўғи Султон Аҳмадхон, қизлари Султон Нигор Хоним ва Давлат Султон Хонимлар эди.

Муаррих Мирхонд, Абу Саъид Мирзонинг ўғиллари, айниқса, Султон Аҳмад билан Умаршайх Мирzonинг мулк талашишлари ҳақида батафсил сўзлаган. Бу зиддиятлар пировардида, Тошкент ва Шоҳру-хия қалъалари Умаршайх ихтиёрига ўтади. Талашнинг, йиллар да-вом этган лашкарбозликнинг асосий хамиртуруши шу икки жой эди. Султон Аҳмад Мирзо катта қўшин тузиб, Умаршайх Мирзога қар-ши отланади. Сайрамда турган Юнусхон тўнгич ўғли, ёши ўттизни қоралаб қолган Султон Маҳмудхонни ўттиз минг черик билан Султон Аҳмад Мирзога қарши жўнатади. Фаргона томондан Умаршайх Мирзо ҳам ўн беш минг аскари билан акасига зарба бериш қасдида ёнади. Учта қўшиннинг ҳаракатга келганини эшитган Хўжа Аҳрор ҳазратлари, ёши ўтиб қолганига қарамай, қонли муҳорабанинг ол-дини олишга бор кучини сафарбар этади ва уларга «мен ҳам бора-ётирман», деган хабарни йўллади. Бу хабар уч қўшинга етгач, улар жойларида тўхтайдилар.

Хўжа Аҳрор ҳазратлари саъй-ҳаракати билан Султон Аҳмад, Умар-шайх Мирзо ва Султон Маҳмудхонлар бир ерда жам бўладилар. Эшон уларни бир тўшакда ўтиргизиш ва ўзаро келишувга эришиш шара-фига муюссар бўлади. Икки ака-уканинг ҳаром томири – уруш-жан-жали боиси бўлган Тошкент мавзеси шу машваратда Юнусхонга олиб берилиши аҳд-у паймон асоси бўлади. Муқаррар уруш ярашув билан хотима топгач, уч ҳукмдор ўз пойтактларига, Хўжа Аҳрор эса, Хўжандга томон йўлга чиқади. Юнусхоннинг Тошкентга келгани ха-бари етиб, Хўжа Аҳрор ҳазратлари хон билан кўришмоқ учун Тош-кентга боради. Хон билан суҳбатлар курилади, бир гал гурунг Султон Маҳмудхон тўғрисида боради. Кимдир, даврадагилардан бири, «бу

Султон Маҳмудхон ҳайратли шаҳзода, мағрур ва қалондимоғ», деб қолади. Ҳазрати эшон буни эшитиб, «шундай ҳукмдор олдида биз, бандалар тупроқ қаторидамиз, зеро, мағрурлик ва улуғворлик фақат Аллоҳагина хосдир, Султон Маҳмудхон ким бўлибдики, кибр-у гурур намоён этса?!» деган жавобни берибди. Шу гап бўлиб ўтганда, тўсатдан Султон Маҳмудхон Хўжа Аҳрор ҳазратларини кўришга келиб қолибди. Айни намоз вақти экан. Эшон ҳазратлари ибодатга турибди. Хонада кўмир ёниб турган манқал бор экан. Хўжа Аҳрор, намоз пайти оловнинг бўлиши маъндири, уни ўчириб туриш зарурлигини айтади. Хонада одамлар кўп бўлишига қарамай, хоннинг ўзи манқалдаги ўтни ўчириб, ҳокандозда кул ва чўғларни ташқарига олиб чиқади. Шу тахлитда бир-икки бор қатнаб, манқални оловдан буткул халос қилади. Ёрдамга интилган одамларга хон, бу ишни ўзимга қўйиб беринглар, деб илтимос қилади. Хон кетганидан сўнг барча унинг бу тамкинлигидан ҳайрат изҳор қиладилар.

Хўжа Аҳрор ҳазратлари бош бўлиб, уч томонлама битимнинг вужудга келиши ҳижрий 890 йилда (1485) рўй берган эди. Шу йилнинг яхши воқеаларидан бири тинчликнинг қарор топиши ва Юнусхоннинг Тошкентда турган вақтида Самарқанд билан борди-келди ўрнатиб, Султон Аҳмад Мирзонинг Қоракўз Бегим отли қизини ўғли Султон Маҳмудхонга катта тўй қилиб, олиб бериши бўлганди.

Тўйдан кейин Юнусхон анча вақт хаста бўлиб юрди ва шол қаслиги хуруж қилиб, икки йил тўшакдан туролмай қолди. Юнусхон ҳижрий 818 (1416) йилда туғилиб, 892 ҳижрийда (1487) қазо қилган эди. У Тошкентда машҳур руҳоний Шайх Хованд Тоҳур қабри ёнида тикланган марқадга дафн этилади.

Отаси вафотидан сўнг Султон Маҳмудхон хон деб эълон қилинади. Юнусхоннинг ўлеми дарагини эшитибоқ, Умаршайх билан Султон Аҳмад Мирзолар ҳар қайсиси Тошкентга, Султон Маҳмудхон устига лашкар тортишга шошилади. Умаршайх Мирзо лашкари билан Тошкентнинг Уштур деган қалъасида жойлашади. Султон Маҳмудхон қалъа ҳимоясига киришади ва голиб бўлади. Муаррих гувоҳдигига кўра, сипоҳийлар тамом қирилиб, Умаршайх энг сара кучларидан ажралади.

Бу йилига келиб, таҳтнинг ногорабозлари – амирлар Султон Аҳмад Мирзони тезлаб, «сиз жаноби олийлари ҳеч бир арзирли сабабсиз Тошкентни Султон Маҳмудхонга бериб қўйдингиз, улар бу ерда қанча турсалар, шунча бизга қийин бўлади», деб юришга ундаилар. Бу пайтда ҳаёт бўлган Хўжа Аҳрор ҳазратлари бундан ранжиб, Султон Аҳмад Мирзога қуийдаги мазмунда хат юборади:

«Бундай қилиш ярамайди. Султон Маҳмудхон билан осойиш ўрнатиш лозим. Улар сизга бесаранжомлик етказмайди, бас, уларни безовта қилиш нечун?»

Султон Аҳмад Мирзо, барибир эллик минг кишилик қўшин тўп-лаб, Тошкентга етиб боради. Султон Маҳмудхон ҳам аскар-у яроғи билан Чир дарёси бўйига келади. Ўша маҳалда дарёдан ўтиш имкони бўлмайди ва икки лашкар уч кун бир-бирини пойлаб, жанг тараддутида бўлади.

Бу зиддиятга тўла кунларнинг, бир-бирига қарама-қарши туришнинг тарих учун мутлақо янгилиги йўқ, бундай қон тўкиш саҳнларини кўравериб, мозийнинг ҳафсаласи пир бўлиб, ҳайрати чекинган эди. Мўйсафид кечмиш Султон Аҳмад Мирзо сипоҳийларига лоқайд назарсолар экан, бирдан ч ў ч и б т у ш д и. Мозий беихтиёр ўрнидан туриб кетди, кўзларига ишонмади ё Раб, бу не ҳол – ичда айюҳаннос солди у, кимни кўраяпман? Адашмаётирманми, аnavи, уч юз отлиқقا бош бўлиб турган Дашти Қипчоқдан, Абулхайрхоннинг ўғли Шоҳ Будонгинг ўғли Шоҳибек – Муҳаммад Шайбоний эмасми?! У Султон Аҳмад Мирзо черигида нима қилиб юрибди?! Билурман, Дашти Қипчоқда Абулхайрхон ўлимидан кейин кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тож-у тахт курашлари, ака-укаларнинг қирпичноқ бўлишлари содир бўлганди. Буруж ўғлон ўлдирилган, Шоҳибек (Шоҳбаҳт, Муҳаммад) ёш бола эди, бас дегунча кўргиликларни кўриб, Бухорога келган ва Абдул Али Тархоннинг навкари бўлган эди. Абдул Али Бухоронинг ҳокими ўлароқ, Султон Аҳмад Мирзо билан Тошкент юришида қатнашмоқ ниятида келгандир. Муҳаммад Шайбоний бугун Самарқанд қўшини таркибida бўлса, эртага қаерда бўлади? Буни Темурийлар ҳам, Султон Маҳмудхон ҳам ҳали етти ухлаб тушларига кирмаганидан хаёлларининг бир бурчи йифилмайди. Аттанг, аттанг...

Икки ёғий лашкар Чир бўйида уч кун тураверсин, Шоҳибекхон – Муҳаммад Шайбоний тунда хос кишисини Султон Маҳмудхон ҳузурига йўллади ва учрашиш таклифини қилди. Учрашдилар, аҳдлашдилар. Гап шунга қарор топдики, эртага Султон Маҳмудхон Абдул Али Тархон қисмига ҳужумни бошлайди, қисм етакчиси бўлган Муҳаммад Шайбоний қочишни бошлаб беради. Шу билан Султон Аҳмад лашкарида бошбошдоқлик бошланиб кетади, вассалом!

Эртасига ҳаммаси режадагидай бўлди. Ҳужум энди қизий бошлаганда, Шайбонийнинг уч юз кишилик гуруҳи тўсатдан орқага бурилиб, қочишга тушди. Асосий қўшиндан ажralган бу сотқин тўп Султон Аҳмад Мирзонинг озиқ-овқатлар захирасини талашга тушди. Чир – Оби Парак дарёси олдда кўндаланг турганлиги сабаб, Самарқанд лашкарининг аксарияти дарёда гарқ бўлди, сипоҳийларидан жудо бўлиб, мағлубиятга учраган Султон Аҳмад Мирзо Самарқандга қараб жуфтакни ростлади. Пойтахтига борди-ю, уйига тушмасдан аввал, Хўжа Аҳрор даргоҳида бошурди, узрхоҳлик қилди. Эшоннинг олижаноблиги шунча бўлдики, тағин орага тушди.

Почча билан қайноға ярашдилар, Султон Аҳмад Мирзо шу сабаб, қизи Қоракүз Бегимни Султон Маҳмудхонга узатди.

Чир дарёси бўйидаги мағлубиятдан кейин Самарқанд ҳукмдори-нинг обрўси тушиб, аксинча, Султон Маҳмудхон мавқеи қўтарилди, теварак-атрофнинг катта-ю кичик ҳукмдорлари у билан ҳисоблаша-диган бўлиб қолди.

\* \* \*

Султон Маҳмудхон кучайиб, тобеъ ҳудудларни кенгайтиришга ҳаракатлар бошлади. Муҳаммад Шайбоний Чир дарёсидаги муваффақиятли хоинлигидан кейин Султон Маҳмудхон хизматида қолган эди. Туркистон Султон Аҳмад Мирзонинг тогаси Муҳаммад Мазид Тархондан тортиб олингач, Муҳаммад Шайбоний кўрсатган ёрдами учун Султон Маҳмудхон томонидан Туркистонга ҳоким қилиб қўйилди. Бу вақтга қадар Қирайхон, Жонибекхон қозоқ ва Султон Маҳмудхон ўртасида дўстлик узвлари маҳкам эди. Туркистон Муҳаммад Шайбонийга берилгач, улар Султон Маҳмудхонга, «Шоҳи-бекхон (яъни Муҳаммад Шайбоний – муал.) бизнинг душманимиз бўлса, уни қандай қилиб бизга қарши Туркистонга қўясан?» деб ўп-ка-гина қиласидар. Оқибатда, улар ўртасидаги ришталар узилиб, икки бор шамширларни ялангочлайдилар. Икки сафар ҳам Султон Маҳмудхон енгилди.

Шу орада кутилмаган ҳалокат рўй берди. Ҳижрий 899 йил (1494) эди. Умаршайх Мирзо кабутархонадан йиқилиб, ҳаётдан кўз юмди. Бу ноxуш хабар олингач, Султон Аҳмад Мирзо, укаси мулклари мўгуллар қўлига – Султон Маҳмудхон тасарруфига ўтмасин, деган мулоҳазада зудлик билан Андижонга қўшин тортди. Умаршайх Мирzonинг амирлари яқдиллик билан ҳижрий 899 йилнинг рамазон ойи бошида, сесланба куни унинг тўнгич ўғли, ўн икки ёшли Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзони отаси ўрнига подшоҳ қўтардилар. Айни вақтда муҳофаза учун тогаси Султон Маҳмудхондан кўмак сўрадилар. Султон Аҳмад Мирзо Марғilon сарҳадига етиб келди. Унинг мижозида хасталик аломатлари пайдо бўлди. Сулҳ аҳдномасига эришилиб, Самарқандга қайта бошлади. Умаршайх вафотидан қирқ кун кечиб, йўлда Султон Аҳмад Мирзо омонатни топширди.

Уч ака-уқанинг ажал суръатлари бу қадар жадал ва кетма-кет юз берганлиги чунон ҳайратли ва ачинарлидир. Хуросондаги Темурий-зодалар сингари, Мовароуннаҳрни идора қилиб турган Абу Саъид Мирзо ўғлонлари ҳам бирин-кетин, эллик ёшга ҳам етмай ўлимга чалинди. Умаршайх Мирзо 39, Султон Аҳмад Мирзо 44, Султон Маҳмуд Мирзо 43 ёшида оламдан қайтиш қиласидар.

«Отнинг ўлими – итнинг байрами», деган мақол жуда ҳаётий. Бошга тож қўндириш, олтин ҳалли тахтга ўтириш аксар ҳолларда бир

эмас, бир неча жасадларни ҳатлаб ўтиш билан амалга ошганлигини оқсоч мозий мудом ёдда сақладыйди.

Султон Маҳмудхон, Самарқанд тахтига Маҳмуд Мирзо ўғли Бойсунгур Мирзо чиққач, бир ҳамлада ундан ҳокимиятни тортиб олмоқчи бўлди. Жомбой қирларида бўлган аёвсиз кураш мўғул хонининг шармисорларча чекинишига боис бўлди. Бироқ Тошкентда ҳам давлат ногорачилари доим оёқ остида ўралашиб юрар, хонни ўз оҳангларига йўргалатишга устаси фаранг бўлиб кетгандилар. Бу пасткаш ногорабозлар Султон Маҳмудхоннинг қулогига шундай бир куй чалдиларки, оқибати Муҳаммад Шайбоний учун хайрли, Мовароуннаҳр учун заҳматли, Темурийлар сулоласи тақдирига интиҳо бўлиб тушди. Манфаатпараст, ёғлиқ луқмаларга ҳамиша тил осилтириб, сўлакай оқизадиган амирлар Султон Маҳмудхонга гўё юпанч сўзларини айтгандек, «бу енгилиш ҳеч вақо эмас. Ўч олишнинг бир йўли бор. Муҳаммад Шайбоний бир кўллаб юборилса, у Самарқанд ва Бухорони ўз измига олади, давлат ишлари, ташвишлари унинг бўйнида бўлиб, сиз-у биз Тошкентда хотиржам, фарогатда бўламиз», деб шипшидилар.

Муҳаммад Шайбонийнинг 80-йиллардан Мовароуннаҳр ички ишларига аралашуви, эҳтимол, Султон Маҳмудхон мадади ва даъватисиз, бирон натижа бермаслиги мумкин эди. Бир ташқи таъсир иккинчи чет зарби билан омухта тус олиб, жуда салбий натижа бермай қолмайди. Муҳаммад Шайбоний Бухоро ва Самарқандни истило қилиш ҳаракатига тушди.

«Қилмиш – қидирмиш», деган нақл ҳам эл донишмандлигидан. Муҳаммад Шайбоний тарих саҳнасига қиличидан қон томган ҳолда чиққанида, Султон Маҳмудхон Мўгулистанга кетган, ишлари орқага эниб, омади юришмаган эди. Ноиложликдан у, Муҳаммад Шайбонийдан паноҳ кутиб, ҳузурига аҳди оиласи, жамоаси билан бош эгиб, таъзимда боради. Султон Маҳмудхоннинг, яқиндагина Темурийлар давлати устига босиб бориш, ундан сипоҳини, қурол-аслаҳасини, от-уловини, озиқ-овқатини аямай, кўмак берган мўғул хонининг афтода, тушкун ҳолини кўриб, Шайбоний жирканиб кетди. Ақалли, саломлашмади ҳам. Не учун келдинг, демади ҳам. Ҳузурида чўккалаб турган Султон Маҳмудхонга дағал қилиб:

– Бир сафар ҳиммат қилганим етарли эмасму? – деди. – Иккинчи мартағиси давлатимга завол бўлғуси?!

У шундай деди-да, амирларига имо қилди. Воқеа Хўжанд шаҳрида, дарё бўйида рўй берган эди. Шу заҳотиёқ хонни олиб чиқдилар. Хон, унинг оиласи, катта-кичик фарзандлари, яқинлари ит азобида ўлдириб юборилди.

Султон Маҳмудхонни, яна ўша ногорачилар Муҳаммад Шайбоний олдига юборган, муносабатлар яхши бўлиб кетади, дея уқтири-

гандилар. Хўжандда, дарё бўйида Султон Маҳмудхоннинг бешта норасида фарзанди боши кесилди. Унинг олтита боласи бор эди. Тўнғич ўғли Султон Муҳаммад эди, эсли йигит эди. Отасига ялиниб-ёлворган, Шайбоний ёнига бормасликни қўп айтганди. Ота ўғлининг гапига қўнмади, Султон Муҳаммад Мўгулистанда қолди ва аниқ ажалдан қутулади.

\* \* \*

Султон Маҳмуд Мирзонинг пойи қадами Самарқандгами, ўзигами, ёқмагани мубҳам кўринса-да, ҳар икки ҳолда ҳам аниқ ташхис эди. Акаси ўрнига тахтга чиқди-ю, икки йил ўтар-ўтмас, жонини жабборга топширди. Ўрнига тахтга чиққан ўғли Бойсунғур Мирзо Ҳисор беклари билан тил топишган, борди-кеидиси бор эди. Бундан Самарқанд акобирлари ризо эмас, ҳасад мақомида бўларди. Подшоҳона мулозаматнинг бу хилдаги нотенглиги Тархоний амирларнинг бир иложни ўйлаб топишларига далда беради. Дарвеш Муҳаммад Тархон маслаҳат билан Қарши шаҳрига кетиб, у манзилда турган Бойсунғур Мирzonинг укаси Султон Али Мирзони Самарқандга олиб келди. Олиб келдигина эмас, Султон Алини бирваракайига Кўксаройга элтиб, тахтга чиқарди ва подшоҳ деб эълон қилди.

Бойсунғур Мирзо бу вақтда Боги Навда эди. Дарҳол уни ҳибсга одилар. Ака-укаларни юзма-юз қилдилар. Ака мулзам, ука хотиржам эди. Бойсунғур Мирzonинг куни битгани ойдай равшан эди. Вақт намоздигарга тортиб бораради. Келишиб олинганидек, мустанкар подшоҳ Бойсунғур Мирзони Кўксаройга чиқариб, бўғизламоқчи бўлдилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу ҳақда, «Бойсунғур Мирзо таҳорат қилмоқ баҳонаси била Бўстон саройининг шарқ-шимол тарафидаги иморатлардин бир уйга кирди. Эшикта Тархонийлар туруб эдилар. Мирзо билан Муҳаммадқули қавчин, Ҳасан шарбатчи била кирдилар. Алқисса, Мирзо таҳоратга кирган уйнинг орқа тарафида фишт била тага қўпорган эшиги бор экандурким, ҳавлидин ташқари чиқар экандур. Филҳол, бу тифани ийқиб чиқиб, аркнинг Готфар тарафидаги фасилдин биридин об мўри била чиқиб, дутаҳий фасилидин ташлаб Хожа Кафширға, Хожаго Хожанинг уйига бордилар. Обхонанинг эшигига турғонлар бир замондин сўнг мулоҳаза қилурлар, кўрарларким, Мирзо қочибтур.

Тонгласи Тархонийлар йиғилиб, Хожаго Хожанинг эшифига борурлар. Хожа, йўқтур, деб бермас. Булар ҳам зўр била олмаслар. Хожаларнинг жаноби андин олий эдиким, зўр қила олғайлар эди. Бир-икки кундин сўнг Хожа Абулмакорим ва Аҳмад Ҳожибек ва яна бაъзи бек ва бекот ва сипоҳилар ва жамиъ шаҳр эли ҳужуми ом қилиб, Хожанинг уйидин Мирзони келтуруб, Султон Али Мирзони ва Тархонийларни аркта қабадилар. Аркни бир кун ҳам сахлай олмадилар.

Мұхаммад Мазид Тархон Чорраға дарвозаси била чиқиб, Бухоро борди. Султон Али Мирзо била Дарвеш Мұхаммад Тархон иликка тушти.

Бойсунғур Мирзо Аҳмад Ҳожибекнинг уйида эдиким, Дарвеш Мұхаммад Тархонни келтурдилар. Бир-икки сўз сўради. Яхши жавоб бера олмади. Андоқ иш қилмайдур эдиким, жавоб бера олгай. Мирзо ўлумга буюрди. Дарвеш Мұхаммад Тархон бетоқатликтин сутунға ёпушти, сутунға ёпушқон била қўйғайларму. Сиёsatқа еткурдилар. Султон Али Мирзони буюрдиким, Кўксаройга чиқариб, кўзларига мил торткайлар... Султон Али Мирзони Кўксаройга чиқариб, кўзларига мил торттилар. Жарроҳнинг ихтиёри била ё бехост милидин Султон Али Мирzonинг кўзларига осибе (зиён) етмади. Филҳол изҳор қилмади. Хожа Яҳъёнинг уйига борди. Икки-уч кундин сўнг қочиб, Бухорога Тархонларга борди. Ҳазрати Ҳўжа Убайдуллонинг авлодининг орасида бу сабабдин таассуб тушти», деб ёзади.

Мовароуннаҳрга пойтахт бўлиб келган, Соҳибқирон Амир Темур замонида бутун Шарққа қуёшдек порлаган Самарқанд бир ҳовуч Тархонлар, умаролар қўлида ўйинчоққа айланган, «подшоҳ»лар қўғирчоқ даражасига туширилган эди. Бойсунғур Мирзо Самарқанд бекларига муруват кўзи билан қарамаганлиги, Ҳисор умаросини сийлаганлиги учун, давлат ногорабозларига ёқмай қолган ва уни ими-жимида орадан кўтариб ташлаб, Султон Али Мирзони шоҳона либосга буркашга, давлат тўнтариши қилишга интилганлар. Тасодиф бир сира Бойсунғур Мирzonи уюшган суиқасдан омон сақлаб қолди. Нафасини ростлар экан, у бир неча кундан сўнг Бухорога, Султон Али Мирзо устига лашкар тортди. Бухоро остонасида Султон Али ва Тархонлар қўшини саф тортиб турарди, улар шу интиқомни кутган эди. Жанг-у жадал тез бошланиб, тез тугади. Бойсунғур Мирзо шикаст топди, афтидан, у шошилган, лашкари ҳам тажрибасиз эди. Кўп таниқди кишилар, шу жумладан, кексайган Аҳмад Ҳожибек ҳам қўлга тушди ва қатлга етказилди.

Бойсунғур Мирзо таъқибида Султон Али Мирзо Самарқандга от жиловини бўшатди. Ҳижрий 901 йилнинг шаввол ойида бу хабар Андижонга, отаси ўрнига тахтга чиққанига икки йил бўлаётган Заҳириддин Мұхаммад Бобур Мирзога ҳам етади. Самарқанд тож-у тахти тақдери қилга боғланган қиличдек муаллақ ва ўрталиқ доирасида қолганди. Кимнинг оти бедов бўлса, сипоҳийлари шижаот кўрсатса, марра уники бўларди. Бойсунғур Мирзо шикаст еган, ўзини ўнглашга қодир эмасди. Бобур Мирзо ҳам, ўзи айтганидек, «биз ҳам Самарқанд дояси била ўшул шаввол (1496 йил) ойи-ўқ черик отландуқ... Султон Масъуд Мирзо ҳам Самарқанд дағдағаси била Шахрисабз устига келди. Уч-тўрт ой бу уч тарафдин Самарқандни муҳосара қилдуқ. Хожа Яҳъё, Султон Али Мирзо қошидин келиб, иттифоқ ва якжиҳатлиқ сўзини ораға солди. Сўзни кўрушмакка қуюб, Самарқанддин икки-уч шаръий қўйироқ Суғд тарафдин мен чери-

ким била бордим. Ул тарафдин Султон Али Мирзо черики била келди. Наридин тўрт-беш киши била Султон Али Мирзо, беридин тўрт-беш киши била мен Кўҳак суйининг оралиғига кечиб, от устида-ўқ кўрушуб, сурушуб, алар ул тараф бордилар, мен бу тараф келдим».

Султон Али Мирзо билан бўлган сулҳ учрашувида Бобур Мирзо иккалалари қиши чиқиб, ёз бўлганда иттифоқлашиб, Самарқандга, Бойсунгур Мирзо устига қайта юриш қилишга ваъдалашганлар. Қишичида Бойсунгур Мирзонинг омади юришган эди. Шайбонийлардан бўлган, кўпдан бери гоҳ Самарқандда, гоҳ Бухоро-ю Ҳисорда изғиб юрган Маҳди Султон унинг қўшинларига бош бўлади, Бобур Мирзо топиб айтганидек, Маҳди Султон «Самарқанд ишини ва Мирзолар эшигини музабзаб (ларzon, заиф) кўриб», айни ёз пайти Мұхаммад Шайбоний қошига кетиб қолади. Ажабки, ўша маҳалларда четдан ёрдамга чақириш ўта ёмон одатга айланганидек, сайёр кўмакчилар ҳам истаганча топиларди. Турган гапки, бу касб-у кори урушқоқлик, босиш, талаш бўлиб, номигагина «муҳофаза» қавлини ниқоб қилиб олганлар текинга доримас, хазинадан – олиқ-солиқ тўловчи элнинг пулидан оғзига сиққунича олиб, сўнг ишга киришарди. Озгина оғирлик ёинки хавф туғилса, босим бўлган иккинчи томонга ўтиб кетиши улар учун варзиш эди.

Ёзни илҳақдик билан кутган Султон Али Мирзо Самарқандга юриш қилиб улгурганди. Бобур Мирзо ҳам Андижондан қўшин тортиб, Ёр яйлоқ деган манзилга етганида Бойсунгур Мирзо унинг келаётгани хабарини олиб, қочишига мажбур бўлади. Кўп сипоҳисидан ажралади, Бобур Мирзо лашкари катта фанимат – ўлжани қўлга киритади.

Ҳижрий 902 (1497) йил Темурийларнинг Мовароуннаҳрдаги ва Хуросондаги хонадонларида, ари уялари бузилгандек, муштарак монандлик қўлансаси анқиган йил бўлганди. Самарқанд, Бухоро, Андижон ва Ҳисор ишлари низолар, ихтилофлар гирдобидан соҳилга чиқолмай, тобора ўпқон домига тортилиб бораради. Хуросонда эса, ота-бола – Ҳусайн Мирзо ва Бадиuzzамон Мирзо муҳорабалари кескинлашиб, орадан бирор йил ўтар-ўтмас, Ҳусайн Мирзо набираси, Бадиuzzамон Мирзонинг ўғли, ўн икки ёшли шаҳзода Мўмин Мирзони, мастликда ўлимга хукм қилинган фармонга имзо чекиб юборади. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг, Самарқанд ва Ҳиротнинг баҳт-у саодат уммони тўғони емирилиб, асрлар давомида тўпланган салтанат зилоли оқиб, кимсасиз, бийдай саҳро намоён бўлмоқда эди. Тўғонни ўпирувчилар унинг бунёдкорлари – Темурий Мирзоларнинг ўзлари эди. Хаста бўлгунча киши ўзини ўзи эплайди. Дард келдими, у билан бирга табиб, фолбин, баҳшилар ҳам пайдо бўлади. Уларнинг гоҳида нафи, кўпинча фойдаси бўлмайди, қуруқ харажатга тушилади. Ҳакимларнинг ҳам товламачилари бўлади. Олижаноб, донишманлари ёнда парвона, дарддан халос этишга интилади. Темурийлар салтанати ҳам оғир хасталикка чалинган эди. «Табиб-

лар» – ташқи кучлар, ички «фолбинлар», не учундир, Султон Аҳмад Мирзо ҳали таҳтда муқим турган йилларидаёқ, гирдикапалак бўла бошлаганди. Уларнинг бегараз ёрдами ғояси, умуман, бўлганми?! Тарихлардан саралаб, хирмон тўпидан дон ахтаргандек топганим далилларни жамлашга уриндим. Келтирганим саволларга жавобни мутолаа воситасида ҳозирларсиз, деган умиддаман.

\* \* \*

Офтоб мезон буржига тахвил қилган маҳаллар. Ёмғир-у қор ёғмаган ва тушмаган бўлса-да, жунжиктирувчи совуқ муаллақ туриб қолганди. Деҳқон ўроғ ҳам шохосини сомонхонанинг бир четига қўйиб, таппи чўфи билан исиган сандалга оёқ чўзган. Косиб ва хунармандларда тиним йўқ. Бирлари бозор жойга шошади, бирлари расталарда турнақатор тизилган дўконларини очади. Карvonсаройлар аввалгида тирбанд эмас. Тожирларнинг келди-кетдиси кам кузатилади. Шу боисдан четдан олиб келинадиган ашёлар танқис ва нархи баланд. Раият икки дарё оралиғида тез-тез содир бўлаётган тўқнашувлардан безиллаб қолган. Эртага нима бўлишини аъёнлар ҳам каромат қилолмайди. Ҳамма жонҳалак, бор-будини кўздан пана қилишга, эҳтиёт қадам босишга уринади.

Самарқандни қамаб, қалъани маҳкам қилиб ётган Бойсунғур Мирзо амакизодаларидан юрак олдириб қўйган. Нохосдан бирор ҳайқириқ ёинки карнай овозини эшитгудай бўлса, тавочидан дарҳол нима гаплигини сўраб, безовта бўлади. Қиши ёғийларни сабр-тоқатга мажбур қилиб турган бўлса-да, унинг ичи тор, гўё эрта-индин укаси Султон Али, Бобур Мирзо билан қўшилиб, арк дарвозасини синдириб, тахтоҳга кириб келадигандек туюларди. Ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят, Туркистонга, Муҳаммад Шайбонийга кишилар юбориб, кўмак беришни сўради. Муҳаммад Шайбонийга шундай баҳона керак эди. Ўзининг хонадонида арзитилмаган Абулхайрхоннинг бу чурпаси Бухорода нафасини ростлаб, қаддини керган, сайёр кўмакчилик унинг мияси тархларини очган – Мовароуннаҳрга ўзим эгалик қилсан-чи, деган гараз пайдо қилган эди. Бунга кўп бўлди. Унинг етилишига, уч юз йигити билан ном қозонишига, кимсан Шоҳбаҳтхон, Шоҳибекхон бўлишига Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзо замин тайёрлаб берган эди. Бунинг муҳтасар тарихи қуидагича. Муҳаммад Шайбоний Манқишлоқда турган кезларида Самарқанд талабида Тошкент навоҳисидан мўғул хонлари босқинни кучайтира бошлайди. Қишлоқдар талон қилинади, бегуноҳ кишилар қурбон бўлади. Шу туфайли, Султон Аҳмад Мирзо Бухоро ҳокими, тоға жамоаси Абдул Али Тархонга Муҳаммад Шайбонийни ёрдамга таклиф этувчи хат битиб юборишни тайин қилди. Мирзо, Абдул Али Тархон билан Шайбоний ўртасидаги алоқани яхши билар, вақтида Бухоро Даҳти қипчоқлик шаҳзодани бағрига олган, таҳсил берган эди.

Абдул Али Тархон жўнатган хатнинг мазмуни «Мусаххир ал-билод» (1611) китобида шундай келтирилади:

«Ул ҳазратнинг (Муҳаммад Шайбонийнинг – муал.) улуғ бобоси Абулхайрхон марҳаматлиқда етук ва шафқатда олий даражали зот бўлгани сабабли, Султон Абу Саъид Мирзога ёрдамга келиб, Мовароуннаҳр мамлакатларини эгаллаб, Султон Абу Саъид Мирзо кўлига топширган эди. Агар сиз жаноблари ҳам мукаррам ва муazzам ота-бобонгиз йўлини тутиб, Султон Абу Саъид Мирзонинг катта фарзанди бўлмиш Султон Аҳмад Мирзога ёрдам берсангиз. Мазкур золим гуруҳларни (мўгулларни – муал.) тор-мор келтириш учун йўналиш жиловини бу томонларга бурсангиз, албатта, ишончимиз комилки, бу иш сиз жанобларининг лутф-у қарамига хос-у мос бир ҳол бўлажак».

Манқишлоққа бу нома етгач, эҳтиёжлардан ториқиб ётган Муҳаммад Шайбоний Самарқандга, ўлжани кўрган бургутдек парвоз қилиди. Унинг шарафига зиёфат берилади. Сўнг Тошкент томонга, мўгул хонлари идора қилиб турган маъвони забт этишга биргаликда юриш қиласидилар. Бирлашган қўшин бир манзиллик йўлни тай қилиб, қўш ташлаши ҳамоноқ, кўмакчиларнинг кўкайида нима борлиги аён бўлиб қолди. Уларга Султон Аҳмад ҳам, мўгуллар ҳам даркор эмас, талон-торож, имкони бўлса, ҳар икки ёғийни ҳам дафъ этиб, ўзлари даврон суриш хаёлида эдилар. Аксига олиб, мезбонлар ҳам, меҳмонлар ҳам бир тилда сўйлашарди. Улар Даشت ўзбеклари, Муҳаммад Шайбоний билан бирга келганлар «ж» билан айтилувчи сўзларни кўп ишлатсалар, Султон Аҳмад сипоҳийлари туркий тилни силлиқлаб, фасоҳат билан шевага дўндирадилар. Беклар, амирлар қатори, оддий аскар ҳам бир-бирини яхши тушунарди. Самарқанд сипоҳийлари қипчоқча-қозоқча аралаш суҳбатларни гоҳо тинглаб, аввалига гап нимадалигига эътибор қилмадилар. Пайхос қилиб билдиларки, Манқишлоқдан келган уч юз сипоҳийнинг кўнгли бошқа, уларга «Шигатой ҳам, мўгул ҳам бовурамас, олдингдан шиққанин ол, жилқи ўлсин, эт кўпайсин». Кичиклар катталарга бу гапни етказди. Султон Аҳмад Мирзо ҳам бундан боҳабар бўлди. Муҳаммад Шайбонийнинг аввалги ночор кимса эмас, ўзига ишонган, ўзгарган, келажакда Абулхайрхон янглиф тож-у тахт қилишга бел боғлаган хавфли кучга айланганини подшоҳ зиёфат чоғида тусмол қилган ва бунга ишонгиси келмаганди. Энди бу гапнинг уни қуийидан чиқаётир, бунга бовар қилмай бўладими? Муаррих гап бу тўғрида борганида, «самарқандлик давлат арбобларининг юракларига гулгула туша бошлиди. Шу жиҳатдан Султон Аҳмад Мирzonинг ҳасад ўти аланга оди. Натижада Султон Аҳмад Мирзо ва давлат арбоблари бир ёқадан бош чиқариб, кўнгиллари сари йўл топган қуийидаги ёмон маслаҳатни амалга оширадиган бўлишди: бир кечда ўтириш уюштириб, ул ҳазратни (Муҳаммад Шайбонийни – муал.) шу зиёфатга чорлаб, билдириласдан ул жаноб жонига қасд қилиш ва шу йўл билан ул шаҳзо-

дадан қутулиш! Аммо бундай шум режадан хабардор айрим кишилар Шайбоний хон давлатига хайрихоҳ бўлганлари учун шаҳзодани (Муҳаммад Шайбонийни – муал.) воқеадан огоҳлантиришидди».

Бир нақд борки, маълум ва машҳур. Мазмуни ихтисор айтилганда шундай. Меҳмон неча кун ётиб еб-ичиб, ниҳоят, кетишга отланганида, уй соҳиби, азбаройи мулозаматдан, «меҳмон, яна бир кун уйимиз тўрида бўлинг», деганида кетар киши, «яхши, отимни қаерга боғлай?» дебди. Икки сонини пушаймондан қорайгудек чимчилаган мезбон, аламидан, «тилимга боғланг», деб юборган экан. Шундайин, Муҳаммад Шайбонийни ҳарбий мададга чақириб келиб, қичимаган танини қашиб, ёғир қилган Султон Аҳмад Мирзонинг ундан қутулиши қийин кечган эди. Биринчи қасд қилиш натижа бермагач, Кўк Гумбаз манзилида Шайбонийдан қутулишга яна бир саъй қилиб кўрадилар. Бу суиқасд ҳам чиппакка чиқади.

Муҳаммад Шайбонийнинг Самарқандга «ёрдам»га келишдан мақсади ва Султон Аҳмад Мирzonинг унинг асл ниятини билиб, йўқ қилиш қасди ошкор бўлиб қолгандан кейин муносабатлар музлаб бўлган, келганларнинг бу юртда қолишиларига ўрин қолмаганди. Шу сабабли, Муҳаммад Шайбоний хайр-маъзурни насия қилиб, Тошкент йўли орқали Туркистонга жўнаб қолди.

Бойсунғур Мирзо Туркистонга, Муҳаммад Шайбонийга кўмак сўраб, одам юборар экан, амакиси Султон Аҳмад Мирзо билан кечган юқоридаги машмашани эслагиси ҳам келмади. Унинг кўзига шу пайт тож, тахт, ўзининг омонда қолиши қўринар эди, холос. Бу гал Бойсунғур Мирзодин чопар етиб, Муҳаммад Шайбонийнинг Туркистондан Самарқанд сарига азимат қилиши мудроқ армонларга тағин йўл очди. Шайбоний етиб келганида, Бойсунғур Мирзога рақиб бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Хожа Дийдор деган манзилда қишилаб турганди. Кўшинлар қиши сабаб тарқалиб, кўч қилиб ётганларида, Бобур Мирzonинг бор сипоҳийлари Шайбонийга қарши туради. Келгинди «ёрдамчилар» чидаш беролмайди, бу эса, Бойсунғур Мирзога маъқул тушмайди. Муҳаммад Шайбоний неча кун овора бўлиб, бир иш чиқаролмайди ва ноилож Туркистонга қайтиб кетади.

Самарқанд қамали етти ой давом этади. Бойсунғур Мирzonинг сўнгги умиди Муҳаммад Шайбонийдан эди. У атайданми ёинки имконсизликданми, жанг-у жадалга ҳафсала қилмади. Хизматга ваъда қониктирали бўлмаганми, хуллас, Шайбоний мадади пучга чиқди. Чорасизликдан Бойсунғур Мирзо икки-уч юзлик уруфи ва яқинлари билан Қундузга, отаси Султон Маҳмуд Мирzonинг содиқ беги Хисравшоҳ ҳузурига бошпана излаб кетди.

Эгасиз қолган Самарқанд хабари Хожа Дийдор манзилида турган Бобур Мирзога етиб, у ўз мавқаби билан қадим пойтахтга кириб борди. Бобур Мирzonинг ўзи айтганидек, Самарқанд шаҳри ва ви-

лояти мұяссар ва мусаххар (фатж) бўлди. Бу воқеа ҳижрий тўққиз юз учинчи йилнинг (1498) рабиъ ул-аввал ойи охирида рўй берди.

Заҳириддин Мұҳаммад Бобур Мирзо Самарқандда юз кун подшоҳлик қилди. Тўққиз юз учинчи йилнинг ражаб ойи, шанба куни онаси Қутлуғ Нигор Хоним ва бувиси Эсон Давлат Бегим, пири Хожа Мавлонаи Абдулло хатлар жўнатиб, Бобур Мирзони Андижон мулкига келишни сўраганлари боис, йўлга чиқади. Бир ҳафта йўл юриб, Хўжанд шаҳрига дахл бўлади. Шу куни Самарқандга келаётган чопар Бобур Мирзога, етти кун бурун, яъни Бобур Мирзо Самарқанддан жўнаган куни Андижон кўлдан чиқиб, мухолифлар ихтиёрига ўтгани хабарини берди. Бобур Мирзо бирйўла ҳам Самарқанддан, ҳам Андижондан айрилиб, аро йўлда қолган эди.

\* \* \*

Бойсунғур Мирzonинг ҳоли паришон, омади қайтган, барори гумдон, қуёши ботган, дили хуфтон эди. Қундузга, Хисравшоҳ ҳузурига паноҳ истаб бориб, бу ерда ҳам қопқонга тушди. Қундуз ҳокими Хисравшоҳ кучайиб, қўшни Балх вилоятини ўзига тобеъ қилиш кўйида ўртанаарди. Бу ишда Бойсунғур Мирзони восита қилиш фикрида эди. Қўшин билан Ўёч деган манзилга етганларида бу важҳдан ораларида гап қочиб, 905 йилнинг (1499) муҳаррам ойида Бойсунғур Мирзони шаҳодатга етказди. Отасининг туз ҳақини ҳам унугди, қабиҳлик йўлига кирди.

Султон Маҳмуд Мирзо Ҳисорда ҳокимият юритиб турган вақтда, 882 (1477) ҳижрийда Бойсунғур Мирзо таваллуд топган эди. У Султон Маҳмуд Мирzonинг иккинчи фарзанди бўларди. Қатл этилган пайтда ёши йигирма бирда эди. Айни навқиронлик, даврон сурадиган айёми эди. Бойсунғур Мирzonинг онаси Поша Бегим бўлиб, олдинда бу ҳақда сўз юритилди. Онаси туркман қавмидан бўлганлиги учунми, Бобур Мирзо таърифлаганидек, «туркман чехралик, малоҳатлиқ йигит эди». Бойсунғур Мирзо содда, хуштаб шаҳзода бўлган. Устоди Сайийд Маҳмуд шиийлик мазҳабида бўлиб, унинг таъсирида шаҳзода ҳамроғизийлик мақомида тарбия топган. Самарқандга келганида, Бобур Мирзо демоқчи, «ул ёмон ақидадин ёниб, пок эътиқод бўлубтур». Темурий шаҳзодаларга варзиш бўлганидек, «хили чоғирға хирси бор эди. Чоғир ичмас маҳалда намоз ўтар эди. Саховати ва баҳшиши эътидол била эди. Насхтаълиқ хатини хили хўб битар эди. Наққошлиқда ҳам илиги ёмон эмас эди. Шеърни ҳам тавре айтур эди. «Одилӣ» таҳаллус қилур эди. Шеъри девон тартиб қилғунча бўлмайдур эди. Самарқандта Бойсунғур Мирzonинг фазаллари онча шойиъдурким, кам уй бўлғай эдиким, Мирzonинг ашъори ул уйда бўлмагай эди».

Бойсунғур Мирзодан авлод қолмаган. Бобур Мирзо тавсифини қилган бу шаҳзоданинг Самарқанд таҳтига чиқиши ва унинг оқи-

батлари тўғрисида фикрлашилди. Ёш умрга, орадан шунча асрлар ўтган бўлса-да, ачинмай бўладими? Бойсунгур Мирзонинг ўзига тенгдош Темурийзодалардан бир фарқи оилавий ҳаётдаги устуворлигида кўринади. У, ўз обогаси Султон Халилнинг қизига уйланади. Унинг ҳарами, бўлак жория ва канизаклари йўқ эди.

Захириддин Бобур Мирзо Самарқандни олган вақтида ўн беш ёшда эди. Азим пойтахтни қўлдан чиқариб, Андижондан ҳам ажралиб қолган кезларида, товуқхонани пойлаган тулкидай Бухорода, Қарши теграларида изғиб юрган Султон Али Мирзо Самарқандни эгаллаб олади. Султон Али ҳокимиятга келганида Тархонлар қавми ҳар жиҳатдан кучли мавқега эга бўлиб олганди. Бухорони Абдул Али Тархоннинг ўғли Боқи идора қиласиди. Муҳаммад Мазид Тархон Самарқандда соҳиб ихтиёр бўлиб, амал-у мартабаларни ўғиллари га ва яқинларига тақсимлаганди. На Бухородан ва на Самарқанд мулкларидан хазинага бир танга тушмас, Султон Алиниг эҳтиёжи учун маблағ қисиб қўйилганди. Шу муносабат билан шоҳ ва вазири аъзам ораларига нифоқ тушди. Муҳаммад Мазид Тархоннинг Самарқанддан силжишига, Султон Алини орадан кўтаришга интилишига шу ихтилоф сабаб бўлди. Султон Али Мирzonинг укаси Хон Мирзо Муҳаммад Мазид Тархон қутқуси билан Тошкентдан, мўғул черигини бошлаб келиши таклифи айтилди. Муҳаммад Мазид Тархоннинг бу ифвоси ҳам иш бермади. Уни деб келганлар ўзаро чиқиша олмади. Мўғул чериги қайтиб кетди, ўртада кутилган уруш-жанжал юз бермади.

Бобур Мирзо, «охир чоғда Султон Али Мирzonинг бир яхшигина иши бу бўлдиким, Муҳаммад Мазид Тархон ва алар бу Мирзолардин маъюс бўлуб» иш чиқара олмаганида, дейди.

Султон Али Мирзо, Абу Саъид Мирzonинг ўғли Султон Маҳмуд Мирzonинг учинчи фарзанди эди. Унинг онаси Даشت қипчоқлик Зухра Бегим эди. Султон Алиниг ёши Бобур Мирзо билан тенг, иккалалари ҳам 1483 йилда туғилганди. Отаси Самарқанд ҳукмдори бўлган қисқа фурсатда, Султон Алига Қарши вилоятининг бошқарувини берган эди. Бойсунгур Мирзо тахтга чиққанида ундан Бухоро мулкларини тортиб олиб, мулкирлик йўлига кирганди. 1497 йилнинг охирларида Бобур Мирзо Самарқандни етти ой қамал қилиб, Бойсунгур Мирzonинг пойтахтни ташлаб чиқишига эришади. Қамал Самарқанд учун ниҳоятда оғир кечган эди. Очарчилик авж нуқтага кўтарилган, озуқа, ем-хашак анқонинг уругига айланганди. Бу пайтда Андижонда ҳам аҳвол тинч эмас, Бобур Мирzonинг Самарқандда қолиши имконсиз эди. Андижонга озгина қолганида, бу вилоятнинг ҳам тасарруфдан чиққанлиги дараги олинади.

Вазият Султон Али Мирзо фойдасига етилиб келаётганди. 1498 йилнинг қиши охирлаб, ҳамал оламга сепини ёйганда, Султон Али Мирзо бир тўп одамлари билан Самарқандни измига ола-

ди. Султон Али Мирзо бир йил нари-берисида салтанат тутганида, унинг бўйнига солинган кўзга кўринмас сиртмоқ тобора торайиб кела бошлайди. Бир томондан Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бухоро тарафдан Муҳаммад Шайбоний Самарқанд устига юриш бошлаб, пойтахтни кун сари исканжага олаётган вақтлар эди. Бобур Мирзо қўшини Самарқанд чеккасига, Дарғомга етиб борганида, Муҳаммад Шайбонийнинг Бухорони фатҳ этиб, Самарқанд остоналарига етиб келганлиги хабари тарқалади. Бобур Мирзо қўшинни Шаҳрисабзга буришга мажбур бўлади.

Султон Али Мирзо бўйнига ташланган кўзга кўринмас сиртмоқнинг бир учи салқи тортгани билан, асосий йўғон арқон Муҳаммад Шайбоний қўлида эди. Султон Али Мирзо босқин яқинлаб келгани сари типирчилар, қўзидан шашқатор ёш оқар, нима қилиб бўлса-да, дордан қутулиш илинжида ўртаниб, фамга ботарди.

Бобур Мирзо Шаҳрисабзга йўлни бурганидан бир ҳафта кечиб, Султон Али Мирзонинг Самарқандни Даشتி Қипчоқ шаҳзодаси, эндиликда ўзини шоҳи аъзам ҳисоблаётган Муҳаммад Шайбонийга таслим қилганлиги хабари ёйилди. Бобур Мирзо бу хусусда:

Кешга (Шаҳрисабз – муал.) келгандин бир-икки ҳафтадин сўнг хабар келдиким, Султон Али Мирзо Самарқандни Шайбонийхонга берди. Тафсили будурким, Султон Али Мирзонинг онаси Зуҳра Беги Оға билмаслигидин ва беақллигидин маҳфий Шайбонийхонга ани олур бўлса, ўғли Шайбонийхонга Самарқандни бергай. Отасининг вилоятини олғондин сўнг Султон Али Мирзога бергай. Бу раъйдин Абу Юсуф аргуннинг хабари бор экандур, балки бу раъйни кўрсатгучи ўшул ғаддор экандур.

Шайбонийхон ушбу хотуннинг ваъдаси била келиб, Боги Майдонга тушти. Туш вақтида Султон Али Мирзо бек, бекотифа, йигит-ялангига, ҳеч кимга хабар қилмай, ҳеч ким била кенгашмай, бир неча ёвуғидаги кичик-кирим била Чорраҳа дарвозасидин Боги Майдонга, Шайбонийхон қошиға борди. Шайбонийхон хили яхши ҳам кўрмади. Кўрушгандин сўнг қуий ёнда ўлтурғузди. Хожа Яҳъё (Хожа Аҳрорнинг фарзанди – муал.) Мирzonинг чиққонини хабар топиб, изтиробда бўлди, ҳеч чора топа олмай, Хожа ҳам чиқди. Шайбонийхон қўпмай-ўқ кўрушти. Бир пора шикоятомуз сўзлар айтти... Бу бедавлат хотун (Зуҳра Бегим Оға – муал.) чун ноқиси ақл эди, э р г а т е г а р ҳ а в о с и била ўғлининг хонумонин барбод берди. Шайбонийхон бир зарра парво ҳам қилмади, балки гум-ғунчачича ҳам кўзга илмади.

Султон Али Мирзо ҳам ўз ишига ҳайрон ва чиққонидин беҳад пушаймон эди. Баъзи ёвуқлари кайфиятни англаб, Мирзони олиб қочмоқ хаёл қилдилар. Султон Али Мирзо рози бўлмади, чун ажал етиб эди, қутулмади. Тўрт-беш кундин сўнг Қўлба ўлангида ўлтурдилар. Бу беш кунлук ўлар жон учун ёмон от била борди. Хотун сўзига

кириб, ўзини некномлар чаргасидин чиқарди... Хожа Яҳъёдин чун Шайбонийхон мутаваҳҳим эди, икки ўғли – Хожа Мұҳаммад Зикриё ва Хожа Боқи била Хурсон сари рухсат берди. Кейин бир неча ўзбак бориб, ҳазрати Хожани икки йигит ўғли била Хожа Кордзан навоҳисида шаҳид қилдилар», деган сўзлари тарихга бадал бўлиб қолди.

Султон Алининг Самарқандда бир муддат таҳтни банд этганлиги билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг ортиқ таърифи йўқ. Унинг ёшлиги, нодонлиги, ўзини күтқариш умидидаги қалтис қадамини Бобур Мирзо яқиндан кўриб-билиб, ўта ачиниш билан келтирилган сўзларни битган. Бу Мирзоларнинг бари ёш, Шайбоний айюҳаннос солиб келган маҳалларда Темурийлар сулоласидан Мовароуннаҳрда кадхудо бўларлик ёши улуғ, пуртажриба раҳнамо йўқ эди. Ёш Мирзоларни лақиллатиш, нағманинг ҳар кўйига солиш, томонларнинг манфаатлари тўқнашувларига вобаста қилиш ногорабозлар измига тўла ўтган эди. Бошбошдоқдик бу юртда таги йўқ, тўлмас ўпқонга эврилиб улгурган эди. «Бўлинганди бўри ейиши» мақолига ўн бешинчи асрнинг охирлари – ўн олтинчи асрнинг бошлари икки дарё оралиғи маъволарини мисол қилиш мутлақо мумкин эди. Шу воқеаларга ўн икки ёшидаёқ аралашган, Самарқандни эгаллаш пойгасида бир-икки бор зотлар ҳам айирган Бобур Мирзо «Бобурнома»да бўлиб ўтган низоларни, кураш ва жанг-у жадалларни жуда юксак тарихий-бадиий савияда мужассам этган. Фақат, бу шоҳ асарда Темурийзодаларнинг бирлашуви, бошларини қовуштируви ҳақидаги сўзлар камдек. Султон Маҳмуд Мирзо фарзандлари жисмонан йўқ қилинган бўлса, Темурийзода Мирзоларнинг яна бир қисми маънан инқирозга учраган, ўзбошимчалик, парокандалик, ўзаро курашларнинг мажруҳ нишонларига айланган эди. Заҳириддин Мұҳаммад Бобур Мирзо 1504 йилда тарки ватан қилишга, иложсиз, босимда қолганди. Бобур Мирзо ота-боболари юртини ёвга, фанимга бериб қўймаслик учун бор имконини ишга солди-ю, уни ёлғиз ўзи уddeлай олмаслигини билган эди. Бу шўриш вужудни аста-секин қамраб олган саратондай, кеча ёинки бугун туғилиб қолган эмасди. Мұҳаммад Шайбонийнинг Мовароуннаҳрга талаб солиши камида ўн беш йиллик тарихга эга эди. Темурийлар шимолдан келган бу балони қайта-ришга жуда кечиккан эдилар. Қайтаришлари тамомила мумкин ва имкондан эди. Бир вақтлар Тўхтамишни дафъ қилган юрт куч-у қудрати олдида тузкўр Мұҳаммад Шайбоний нима бўлибди. Уни дафъ этишдан олдин бирлашиш, ватаннинг парчаланишини тўхтатиш, ораларидан ақлли, тадбиркор, доно Темурийзодани Самарқанд тахтига ўтқизиш, тобеъ мулкларни, вилоятларни ҳамжиҳатлик билан идора қилиш тақозо этиларди. Бу кейинги тамойил Улугбек Мирзо қатлидан кейин ҳавога совирилди.

Султон Али ва унинг эрсираган онаси Зуҳра Бегим ҳақидаги маҳзун қиссанинг давомини Мұҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома» дос-

тонида таъсирли ва ҳаққоний тарзда ҳикоя қилган. Мұхаммад Солих ушбу қиссамизда күп бора зикр этилган, Шохрухия қалъасида Абдуллатиф падаркушнинг ўғли Мұхаммад Жўкийга пишонг берган, калондимоф, исёнкор Нур Саъидбекнинг ўғли эди. Унинг ҳукмига Хоразм бошқаруви берилган, Ҳусайн Мирзодан талафот кўриб, Абу Саъид Мирзо томонидан маъзул этилган эди. Мұхаммад Солих Темурийлардан ўч олиш фурсати келганилигини англаб, Мұхаммад Шайбоний хизматига ошиқади. Шоирларнинг «малик ул-калом»ига айлантирилади. Бухородек шаҳри азимни идора қиласи. У «Шайбонийнома» достонини ёзар экан, 1498-1506 йиллар воқеаларини ёритишга уринади. Бир томонда Шайбонийлар мадҳи, иккинчи тарафда Темурийларни ҳажв қилиш, устларидан мағзава ағдариш мусобақа тарзида акс этади. Нима бўлганда ҳам, ўша давр эл-у ҳалқ ҳаётини кўрган, кулфатлар ичида, қайноқ нуқталарида бўлган Мұхаммад Солиҳнинг мадҳ-у ғаразларини бир сарига йиғиб, унинг ҳақиқий аҳволни тараннум қилган сатрларини мутолаа қилиш хуносага келишда жуда асқатади. Султон Али ва Зухра Бегим ҳақида достоннинг 18-қисмида ҳикоя қилинади. Бу назмий айбловнинг қатида ҳеч бир муболага йўқ, эътибор қилинса, муаллифнинг ич-ичидан Темурийларга ачиниши ҳовури сезилиб туради:

Ул замон шаҳри Самарқанд аро,  
Бўлди Султон Али отлиқ Мирзо.  
Ушибу Тархон анга берса эди ош,  
Қила олур эди Мирзоси маош.  
Йўқса, бечора юрур эрди наҳор,  
Бу эди ҳол анга лайлу наҳор.  
Хон Самарқанд сори азм эткай,  
Азмни таҳт сори жазм эткай.  
Ушибу дам келди бирор хон қотига,  
Бош қўйиб сидқ била хидматига.  
Деди: «Султон Али Мирзо онаси,  
Дема Мирзо, шаҳи доно онаси.  
Мени хон хидматига қилди равон,  
Деди: «Хон оллида қил муни баён –  
Ким қабул этса, канизидурмен,  
Гарчи бу шаҳр азизидурмен.  
Қилсан ўглумни ўғуллуқча қабул,  
Бўлмасун хидматидин кўнгли малул.  
Хон Самарқандга ботроқ келсан,  
Сўзларим сидқини мунда билсан».«  
Чун бу сўзларни симоъ айлади хон,  
Деди: «Ўлдур менга осойиши жон.  
Эшишибмен сифатини бисёр,

Гойибона мен анга ошиқи зор.  
Мен Самарқандни онсиз нетайин,  
Жасади тийрани жонсиз нетайин?  
Ўғли – ўглумдуру ўзи ёрим,  
Дилбар-у ҳамнафас-у дилдорим».  
Уибы сўзларни деб ул қосидга,  
Кулушиб ул тамайи фосидга.  
Ёндурууб они юбордилар бот,  
Ўзлари сўнггича бордилар бот.  
Хон деган сўзлар ила бўлди маст,  
Қилди қосид йўлида бошини паст.  
Чорлаб ўглини кенгаши қилди равон,  
Унотиб ўглини бўлди шодон.  
Етти хондин тақи филҳол хабар,  
Ким Самарқанд сори қилди гузар.  
Бекам ул воқеадин шод ўлди,  
Сабр ким йўқ эди, барбод ўлди.  
Чорлаб ўглини деди уибы замон,  
«Шаҳардин чиқ, тақи қил хизмати хон».  
Қосидни ўглига ҳамроҳ этти,  
Они ўз дардидин огоҳ этти.  
Деди: «Хонга деки, мундин ортиқ,  
Фурқатинг ичра манга тоқат йўқ!  
Эл санинг, мулк санинг, шаҳр санинг,  
Мен санинг, лутф санинг, қаҳр санинг.  
Менинг ўглумга иноят кўргуз,  
Кўрмагил ёт, ани қилгил ўз».  
Боги Майдон аро эрди ул хон,  
Кўнгли Бекам гами бирла ҳайрон.  
Ким хабар келдики, Мирзо етти,  
Тўю жамъияту гавго етти.  
Хон деди: «Ўглум эрур ул, келсун,  
Манга филҳол кўрунуш қилсун!».  
Чун бу сўз хон қошида айтildи,  
Келди Мирзоу кўрунуш қилди.  
Деди: «Мирзо, менга фарзанд ўлдунг,  
Нотавон багрима пайванд ўлдунг.  
Онанг эмди кела кўрсун ботроқ,  
Шаҳрдин айрила кўрсун ботроқ.  
Мен қилойин они филҳол никоҳ,  
Ким будур ангау ҳам санго салоҳ».

Нодон, калтабин Зухра Бегимнинг Муҳаммад Шайбонийга эрга тегишига интилиши манзарасини шоир жуда мукаммал чизган. Шай-

бонийнинг муддаоси қирқ ёшга яқинлаб қолган бевани эмас, Самарқандни, унинг таҳтини олиш эди. Бефаросат аёл фаҳмсизлиги оқибатида Султон Али Мирзо ҳам, яқинлари ва Ҳожа Яҳъё авлоди ҳам фожиага кўндаланг қилинди. Зуҳра Бегимнинг макр-ҳийласи ўзига ҳам қайтди. Ўғли ўлдирилди, уни эса, навкарлардан бирига бериб юбордилар:

*Дедилар: «Бўлса тирик бу Мирзо,  
Ҳеч кам бўлгуси йўқтуп гавго».  
Ушибу сўз бирла бўлубон бегам,  
Қилдилар хидмати Мирзони адам.  
Оносин бир кишига бердилар,  
Иш сўзин дер кишига бердилар.  
Лаънат ул навъ онагаким, ул  
Нафси учун ўлума берди ўгул!  
Кимки хотун сўзи бирла бўлгай,  
Ажаб эрмас буки, кони тўлгай.  
Кимки хотун сўзига солса қулоқ,  
Жойи ул борки, бўлгай андоқ.*

Самарқанд фожиаси тарихи шундай. Шоирнинг назми моҳиятига қўшилмай илож йўқ. Мовароуннаҳрнинг тақдирни тескари кетиши, Самарқанддек мўътабар пойтахтнинг бир аёл макри билан тубан аҳволга тушиши иснод эди. Бу донгни мозий юзидан ювиб, кетгизиш чораси йўқ. Ўғилни муқаррар ўлимга рўбарў қилиш қайси бир онанинг қўлидан келади? Ҳокимият майдалашиб боргани сари, маънавият, ўзлик, ор-номус тушунчалари оёқ остида қолиб, ишрат, хотинбозлик ва таъбир жоиз бўлса, эрбозлик, айш хатарли ривожга минар экан. Хурсонда, Муҳаммад Шайбоний истилоси кунларида Музаффар Ҳусайн Мирзонинг келиб чиқиши Даشتி Қипчоқ ўзбек султонларининг қизи бўлган Ҳонзода Бегим худди шу йўлни тутганлиги китобхон ёдидадир. Шайбонийга маҳлиё бўлиб, Ҳадича Бегимга юз бурган, талоқ муддати тўлмасдан хонга тегиб кетганлиги, ажабланарли эмас, хулқ-атворнинг бузилиб бўлганлиги бу маъвода ҳам парокандаликнинг, ўзаро курашларнинг тинимсиз давом этганлиги, о қ и б а т, қариндошлиқ, эр-хотинлик тамойилларининг зил кетиши қонуний, табиий натижаси бўлган эди. Эрлар таҳт учун талашаётган, қирпичноқ бўлаётган бир пайтда, хонимлар, бегимлар кучли таҳт соҳиби қучогида бўлиш ўйинини бошлаб юборгандилар. Шу давр Темурийлар келинлари мундарижасида Даشتி Қипчоқ султонлари қизларидан бўлган бегимлар пойгада ўзган, садоқат, вафо ойинларини чилпарчин қилган эди.

Темурийлар салтанати кечмишида уч келиннинг давлат ишлари га аралашуви, ўзларининг тор, худбинлик, манфаатпарастлик қа-

рашлари асосида, тож-у тахтга ворис сифатида ўз ўғилларини, чизиғидан чиқмайдиган, жилови қўлида бўлган набираларини пеша қилишлари воқеа-ҳодисаларини ва оқибатларини қисса саҳифаларида кўрдик. Темурий келинлар макр учбурчагига тўртингчи далла ҳам қўшилди. Макр-манфаат учбурчаги, Зуҳра Бегим ҳисобига, қора тўрт бурчакка – мураббаъга айланди. Макр учбурчагидан, ҳар ҳолда, йўл топиб, чиқишга бир томон қолдирилганди. Макр, нафс билан тўлдирилган мураббаъдан ҳеч бир тирқиш қолмаган, тўрт тараф йўли ҳам тамомила тўсилган эди.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур Мирзо, «юз қирқ йилга ёвуқ Самарқанд пойтахти бизнинг хонаводада эди. Қандаги ёт ёғий ўзбак келиб, мутасарриф бўлуб эди», дейди куйиниш билан. Мовароуннаҳр ўн тўртингчи асрнинг ўрталарида ҳам таназзулга учраган, бошбошдоқлик, бўлиниш ниҳоятда кучайган даврни кечирганди. Мўгуллар истибоди, озодликка ташналиқ, амир Қазағоннинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, муваққат мустақилликнинг қарор топиши ва туркий амирларнинг бирикмаслиги сабабли, Мовароуннаҳрнинг тарқоқлик қулзумига чўка бориши авж олган даврда Кешдан – Шаҳрисабздан Амир Темурнинг тарих саҳнасига кўтарилиши, сиёsat майдонида жавлон уриши эл-у улуснинг баҳти бўлган эди. Амир Темур ўн йил – 1360 йилдан то 1370 йил баҳоригача пароканда бўлган, ўз бошига бир ялов кўтарган туркий амирларни, бекларни жипслаштириб, она юртини якжилов қилди. 1370 йилдан эътиборан, бирлашиб, ўз тақдирини ўзи белгилаш қувватига эга бўлган икки дарё оралиғидаги мамлакат юксалиб, иқтисодий ва ҳарбий қудрати кучайиб, мўгуллар зулми остида эзилиб, тарқоқ, заиф маъволарга айланиб қолган Хуросон, Эрон, Қафқоз ва араб ўлкаларида босқинчилар тухумини қуритиб, улкан салтанатни – марказлашган давлатни қарор топдира олди. Амир Темур вафотидан кейин тож-у тахт кушандалари фимиirlab қолди, васиятга амал қилинмади, абжир шаҳзодалар ўз ҳолига боқмай, Самарқандни эгаллаш иштиёқида от сурдилар, ҳарб-у зарб майдонлари ясад, қилич-у шамшир, найза-ю ўқ-ёй ўқталишга тушдилар. Бу пайтда Соҳибқирон таълимини олган, давлат бирлиги моҳиятини теран англаган Шоҳруҳ Мирзо гезланиб, кутбларга айрилаётган шаҳзодаларнинг попугини босиб қўйишга муваффақ бўлган, улуғ салтанатнинг емирилишига йўл қўймаган эди.

Шоҳруҳ Мирзо, унинг шуҳратли фарзанди, олим ва давлат арбоби Улугбек Мирзо вафотидан кейин тарихан олганда, унча узоқ бўлмаган, бир асрнинг олтмиш йили ўтди. Амир Темурсиз, Шоҳруҳ ва Улугбек Мирзоларсиз кечган йилларнинг ҳар бир дақиқаси Темурий Мирзолар учун синов дамлари бўлди. Хуросонда ва Мовароуннаҳрда Абу Саъид ва Ҳусайн Бойқаро Мирзолар тож-у тахт талашларидан омон чиқиб, яхши подшоҳликлар қилди. Абу Саъид Мирзо ҳалокатидан сўнг ўз ҳолига ташлаб қўйилган Мовароуннаҳр бир-бири билан

муроса қила олмаган, мудом жиққамушт бўлиб, кишвар талашган Абу Саъид Мирзонинг уч ўғли ўзларини подшоҳ санаб, ҳукм сурган даврда – 1470 йилдан то ўн олтинчи асрнинг дастлабки йилларига қадар бошбошдоқлик ўпқонига айланди. Ўзаро мулк, вилоят талашишлардан, йилга қолмай уруш-низо чиқаришдан элнинг ҳам, пойтахт ва шаҳар-қишлоқларнинг ҳам тинкаси қуриб бўлган эди. Тараққиёт, иқтисодий равнақ, маданий юксалиш ўрнини инқизор, бўхрон ишғол қилган эди.

«Олтовлон ола бўлса, оғиздагини олдирап», деган мақол Темурий Мирзоларга мўлжал қилиб, тўқилган чофи. Тож-у тахт, мавқеъ талашиб, ўғил отани, ука акани, тоға жиянни ўлдиришдан тоймаслик тубанлигига тушган Темурий Мирзолар қасдига мўғул хонлари, Дашиби Қипчоқ ўзбеклари етакчилари ҳам ҳеч бир истиҳола қилмасдан, улар ички ишларига, мулки маъволарига аралашиб, талон-торожни авж олдирдилар. Имкони бўлди, дегунча вилоятларни тасарруфга киритиб, кундан-кун кучдан қолаётган Темурийзодалардан бутунлай Мовароуннаҳрни, унинг азим шаҳри Бухоро ва Самарқандни босиб олиш мақсадига кўчдилар.

Қувватсизлик, ҳарбий заифлик, ўз гўштини ўзи ғажиб ётилган бир айёmdа, Муҳаммад Шайбоний уч-тўрт минг кишилик лашкари билан юртни чорраҳага айлантириди. Бухоро таслим чекиб, Самарқанд нишонга олинган вақт эди. Темурийзодалар бирикиши мумкинмиди? Бобур Мирзо ҳам Самарқанд илинжида, пайт пойлаб тураради. Шайбонийга қарши курашадиган ўн минглик черик жамлаш иложи йўқмиди? Ҳаммасининг, фикримча, ечими бўлиб, фақат ва фақат, б и р л а ш т и р у в ч и к у ч, Темуриёна жасорат, юрт туйғуси ва ор-номус, аждодлар, ота-боболар руҳига садоқат тушунчалари етишмас эди.

Шундай қалтис, касофатли, ҳал қилувчи онларда Мовароуннаҳрнинг, Амир Темур ҳазратларининг пойтахти Самарқанднинг тақдиди эрсираган Зуҳра Бегимнинг измида қоладими-а?! Ўғли Султон Али Мирзо унинг ва Султон Маҳмуд Мирзонинг зурриёди, Самарқанднинг ҳукмдори эди. Наҳот, о н а, подшоҳ ўғли номидан қабиҳона қарорга кела олади? Ўғил шунчалар калтафаҳм, нодон кас эдими? Нега унда уни Тархонлар бардор-бардор қилиб, тахтга чиқарди? Тархонлар ҳам, афтидан, бу ишидан пушаймон бўлиб, ундан юз ўтирганлар. Тархонлар Султон Алиниг найнов, ўз фикри йўқ кимса эканлигини пайқаб етганлар. Кишини синамоқчи бўлсанг ё сафарда ёки амалда ишонч ҳосил қилиш самара берар экан. Султон Али Кўқ-саройга келиб, ёлғиз қолиб кетганлиги, хазина бўш, ўзи ейиш-ичишга ёлчимаганлиги сабаби ҳам шу, қатъиятсизлиги, лақмалиги эди, чофи. Она орқаваротдан, ўз ҳирсини жиловлай олмай, ўғлини ҳам, тож-у тахт ва юртни ҳам сотди. Жуда арzonга, жуда номуссизларча сотди. Самарқанд дарвозалари ёйига ланг очиб берилиди.

Бу айтишга оғир интиҳо. Абу Саъид Мирзо ҳалокатидан (1469) кейин Мовароуннахр күн кўрдими? Ҳусайн Бойқаронинг Хурросон мулки билан чекланиши Абу Саъид Мирзо ўғлонларининг ўн беш-йигирма йил, нисбатан ўз мулкларида хотиржам яшашларига, даврон суришларига боис бўлган омил сифатида қаралиши ўринли бўлади. Шу ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, машварат билан иш тутиш, ён атрофдаги ёйийлардан ҳамиша ҳущёр бўлиш шаҳзодаларга сув билан ҳаводек зарур эди. Аттанг айтиб, тарихдан ўпка қилиб бўлмайди. Абу Саъидзодалар, ака-укалар бир-бири билан ола бўлди, ит-у мушуклардек ғажишиб, охир-оқибатда, оғизларидағи луқмаларни олдирди. Алам қиласи жойи, сўнгги нуқтани қўйиш, келиб-келиб, Зухра Бегимга тақалгани. Султон Али мардона бўлиб, жангни бошлаганида, Бобур Мирзони иттифоқ қилиб, ёрдамга чорлаганида вазият бошқача бўлармиди?! Султон Али жанг майдонида ўлдирилса ҳам, ундан яхши от қоларди.

Бир палақдан турли-туман қовун етилади. Сулола ҳам шундай. Вақтида шаҳзодаларнинг тарбияси давлат аҳамияти даражасига кўтарилганлиги, гўдак Темурийзодаларни биринчи маликалар, садоқатли, ақдли хос энагалар улғайтирганлиги қадр-қиммати муқоясага ҳожат бўлган шундай кезларда аниқ-тиниқ билиниб қолади. Фарзандлар тарбияси ва таълими Шоҳруҳ Мирзо замонидан кейин сўниб кетди, сарой энагалиги ўз аҳамиятини йўқотди. Мисли Султон Аҳмад сингари саводи йўқ шаҳзодалар Самарқанд таҳтига кўтарилди. Палак туйган тоза қовунларни тароватидан, бўйидан танлаш қолиб, пишмаган, таррак чапчаларни дастурхонга олиб чиқиш таомилга кирди. Давлат ногорабозларига ҳам ана шундай думбул, но-дон, давлат ва эл ғамидан буткул йироқ шаҳзодаларни таҳтга чиқариш, уларни восита, қалқон қилиб, манфаатни қондириш муддао бўлиб ўрнашган эди.

Аччиқ аламлар ва аянчли самаралар мозийда қолди. Темурийлар сулоласи жаҳоншумул салтанат тиклаб, бир ярим асрга яқин ҳукм сурди. Бу ёруғ оламда ҳамма нарсанинг ибтидоси, авжи ва интиҳоси бор. Сулола уч асосий сабаб билан тарих саҳнасидаги салобатли ўринини бўшатиб берди. Бу – ички, ўзаро тож-у таҳт курашлари, ташқи, қарама-қаршилик кучлари аралашуви ва сарой маликалари макри бўлиб, қолган жамики сабаблар шу уч унсур атрофида етилади, пишийди, салтанатни барҳам уради, сулолани йўқлик қаърига бошлайди. Булар бариси тарих силсиласи бўлиб, Аллоҳ таоло иродаси билан қарор топади.

## **ХОТИМА**

Соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлоди Мовароуннаҳр, Ҳурносон, Форс, Озарбайжон ва Араб мулкларида бир ярим асрга яқин ҳукм сурди. Марказлашган туркий давлат вужудга келтирилди. Миллатларо тенглик, диний бағрикенглик, иқтисодий ва маданий тараққиёт сулоланинг жаҳоншумулигига, яшовчанлигига, ҳалқлар ризолиги ва тотувлигига тамалий омиллар бўлди. Мовароуннаҳр ва тобеъ мулкладан улуғ сиймолар, давлат арబблари, вазир-у вузаролар, олимлар, шоир-у адиллар етишди. Ислом аҳкомлари асосида адолат қарор топди, аҳоли сони, нуфус миқдори ортди. Такомил ва тараққиёт ерларни ўзлаштиришга, обод қилишга замин яратди. Курилишлар, муаззам бинолар, сув иншоотлари бунёд этиш таомилга кирди. Шоҳруҳ ва Улугбек Мирзолар замонига қадар сиёсий тутум ва ҳаёт тарзи чина-камига улуғ салтанатларга хос йўналишда барқарор келди. Яратиш, ҳунар рағбатлантирилди, солиқлар миқдори тартибга солинди, тамфо йиғими бекор қилинди. Бу эса, шаҳарларнинг ҳаёти гавжумлашишига, ҳумармандчиликнинг равнақига йўл очди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамир, Яздийлар асарларини кўздан кечириш кифоядир.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин улкан салтанатда руҳий зилзила юз берди – Темурийзодалар тож-у тахт муаммосида ҳаётий ечимни топиш ўрнига, ўзбошимчалик йўлига тушдилар. Давлат ишига, сиёсатга оқилона ёндашиш ўрнига тор дунёқараш, узоқни кўра билмаслик, шахсий манфаат андазасидан келиб чиқиб, томонларга бўлиниш юз берди. Маликаларнинг бу ишга бош қўшиши давлатчиликдан кўра, шахсиятпарамастлик, маҳаллийчилик, калтабинлик иллатларини келтириб чиқарди. Хонзода Бегим, Гавҳаршод Бегим, Хадича Бегим ва Зухра Бегимларнинг салтанатдаги мақоми чекланмаган бўлиб, ҳал қилувчи вақтлар кўндаланг бўлганда, улар салтанат, сулола ва эл-у ҳалқ ҳаётида машъум ўрин тутувчи хатти-ҳаракатларни, тож-у тахт билан боғлиқ фитналарни, макр-ҳийлаларни амалга оширдилар. Бу уринишларнинг аксарияти сокин тарихга жиддий ўзгартиришлар, таҳрирлар киритди, ақдли, бегуноҳ, истиқболи порлоқ деб ҳисоб қилинган шаҳзодаларнинг ўлимига олиб келди. Қалтис, танг ҳолларда эса, бефаросатлик, енгилтаклик билан подшоҳ ва раият тақдирини чаппасига ҳал қилиш ҳолларига сабаб бўлиб, тузатиб бўлмас гуноҳи азимга ботдилар.

Нуроний мозий яхши биладики, жаҳонда шундай мамлакатлар борки, уларда сулолалар беш, ўн асрлаб ҳокимият тепасида батнан баъда батнин – авлод кетидан авлод узлуксиз давом бўлади. Инсоният кечмиши, босиб келаётган бепоён йўли учун бир ярим аср нима бўлибди? Сабабсиз оқибат бўлмайди, бу табиий. Тараққиёт ва та-

наззулни келтириб чиқарадиган барча икир-чикирларни, қусурларни феълимиз ва амалиётимиздан излашимиз керак бўлади. Маммакат якжилов бўлиб, жаҳонда ўрин тутганида унинг ички ва ташқи муҳофазаси метиндек мустаҳкам бўлади. Парокандалик томир отиб, бўлинниш, бошибошдоқлик авжга миниб, юргағулув солганда, ичдан ҳам, ташдан ҳам душманлар ортиб боради. Элимизда, «аввал ўзингга бок, сўнгра ногора қоқ», деган мақол бор. Тож-у тахтнинг ногорабозлари давлат ҳали шакланмай туриб, милоддан олдинги минг йилликларда пайдо бўлган. Подшоҳ, давлат эгаси билимсиз, ўз фикри хulosаси йўқ, мулоҳаза ва мушоҳададан йироқ, бурнидан нарини қўролмайдиган, маслаҳатларни қиёслаб, бир қарорга келолмайдиган нодон кас бўлса борми, бу ўзининг ҳам, давлат ва элнинг ҳам заволи муқаррар, деяверинг.

Каминанинг «Амир Темур сулоласи» ва «Темурийлар силсиласи» китобларимни мутолаа қилиш насиб этса, Амир Темур ҳазратлари асос солган оламни ва унинг авлодлари шу оламга нечоғлиқ эгаликни амалга оширганларини солиштириб, қиёсан хulosалаб, аниқ тўхтамга келарсиз, деган умиддаман.

«Темурийлар силсиласи» китобини Самарқандда ношуд Султон Али Мирзо ҳокимияти ва Шайбонийлар томонидан Темурийлар сулоласига барҳам берилиши воқеаси билан хотималашни мақбул кўрдим. Амир Темур асос солган, дунёга довругини ёйган улуф салтанатдан путур кетиб, тарих қаърида адам бўлди. Мовароуннаҳр ва Хуросон Даشتி Қипчоқ ўзбеклари раҳнамоси Муҳаммад Шайбоний қўлига ўтди.

Бу билан Темурийлар сиймолари батамом тарих саҳнасидан тушиб кетди, деган фикрдан йироқман. Халқимизда, «оққан дарё оқаверади», деган ҳикматли мақол бор. Амир Темур авлодларининг кучли бир тармоғи Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсида етилиб келмоқда эди. Кобулда подшоҳлик маснадини эгаллаган Бобур Мирзо кейинчалик Ҳиндистонда муazzзам салтанатни, марказлашган давлатни вужудга келтиради. Афсуски, унинг ва авлодларининг она юрга қайтиш истаклари тафийирга юз бурмади. Шайбонийлардан Мовароуннаҳрни олиш йўлида, ҳатто, Эрон подшоҳи Исломил Сававийдан ҳарбий қўмак олиш ҳам натижага бермади. Самарқандни фатҳ этиш насиб қилмади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва ўғлонлари ҳақида Ўзбекистонда салмоқли ишлар қилинган, романлар, изланишлар натижалари эълон этилган. Шу андишада, бу мавзуни такрир қилишдан истиҳолада бўлдим. Шу ўринда, ўқувчиларнинг нигоҳи тушмаган бир манбадаги далилларни айтишни, китобхонни воқеалар ичida бўлган муаррих айтмишлари билан таништириб ўтишни лозим билдим. Тарихимиз мухлиси мавжуд манбалардан хабардор бўлиши аҳамияти катта.

Абдуллоҳ бин Мұхаммад бин Али Насруллоҳийнинг «Зубдат ал-асар» («Асарлар қаймоги») китоби ўн олтинчи аср бошларида бўлиб ўтган воқеаларни қамрайди. Мұхаммад Шайбоний 1510 йилда ўлдирилгач, Бобур Мирзо Мовароуннаҳрни Шайбонийлар истибдодидан қутқариш имконияти вужудга келди, деб ўйлади. Асарда бу ҳақда шундай ҳикоя қилинади:

«Мўғул ва чигатойки, ўзбек султонлари билан бекларга мулоzим эрдилар, борча юз ўгириб, Бобур Мирзо сори бордилар ва ул (Бобур Мирзо – муал.) Шоҳ Исмоилга навкар бўлуб, қалин қизилбошни (эрнийларни), балки аксар черикни анга қўшуб, аввал Ҳисор устига юруди... Икки черик дарёи ахзардек жўшқа келиб, бир-бирига муқобил бўлуб, андоқ уруш бўлдиким, ер бисоти муборизлар қонидан гулгун бўлуб, бошлар тўб каби майдонда юмаланиб, от оёгларининг чавгонни зарбидан ушолди ва фалаки хунрез, бовужуд, бераҳмлик маърака ўлуклари учун шафақдин қон ёғилди. Султонлар мағлуб бўлуб, мухолифларга нусрат мувофиқ бўлди. Бобур Мирзо қизилбош мадади билан ва улким, тамоми эл ва улус, мўғул ва чигатойдан тамоми анго қўшулдилар, қувват топиб, Мовароуннаҳрга юруди ва ул маҳалда Убайдуллоҳ Султон (Мұхаммад Шайбонийнинг укаси – муал.) Қаршида эрди, чун ул Дарбандан ўтуб, Фузор ва Қаршига етти... Ва ул фурсатда Шоҳбахтхон (Мұхаммад Шайбоний – муал.) билан султонларнинг (Ҳамза ва Маҳди) шаҳодат топқонидан ваҳима борчага истило қилиб эрди ва борча ерлик сипоҳи ва раият мухолиф бўлуб эрдилар. Чун Бобур Мирзо Қаршига етти. Убайдуллоҳ Султон қалъага кириб, ул Бухоро сори борди. Убайдуллоҳ Султон қалъадан чириб, чўл йўли билан Туркистон сори борди ва ўзга султонлар ва бийлар Сўфиддин ва ҳар ердаки бор эрдилар, Туркистон сори мутаважжиҳ бўлдилар...

Бу тарафдан Бобур Мирзо вилоятқа кириб, мамоликқа мутасариф бўлди. Аммо фафлат юзидин ўзи ва черики андоқ айш-у ишратқа машғул бўлдилар, ул турлукки, бовужуди улким, ўзи иртиқоб ҳамрга муртакиб (ичкилик ичмас эди) бўлмас эрди, мамолик мафтух қилдим, деб ҳамр ичмоққа иштиғол қилиб, беклари билан хослари, балки тамоми навкарлари айшга ва томошага кўнгул қўйуб, қавми Лут шиорини пеша қилдилар ва ондин ғофил қолдиким, мулк эгалари қулоқ ёнида солим турубтурлар».

Абдуллоҳ Насруллоҳий ўз асарини кейинчалик Шайбонийлар ҳомийлигига ёзган. Заҳириддин Мұхаммад Бобур Мирзога, унинг Шоҳ Исмоил билан бўлган муносабатига, Мовароуннаҳрни бир сира фатҳ этиб, айш-у ишратга, ичкиликка берилишига, табиийки, озми-қўпми, маҳобат қўшган. Булар бариси, алоҳида мавзу. Лекин нафсилаамрини айтганда, омад Бобур Мирзодан юз бурганлиги аниқ. Ким кечган воқеаларни қандай талқин қилишидан қатъи назар, Бобур

Мирзода ватан, эли, нуфуси қадри сарбаланд эди. Унинг интилишларини, вақтинча бўлса-да, Шоҳ Исмоилга ён беришларини юртни ёғийга олдириб қўймаслик туйғусидан келиб чиқиши, тушуниш ва баҳолаш жоиз бўлур эди. Бобур Мирзо миллатимизнинг шони ва шавкати, улуғворлиги рамзи бўлган Темурийлар суоласининг замона эврилишлари туфайли бирқадар эгилган байроғини яна баланд кўтара олган буюк давлат арбоби сифатида жаҳонга танилди. Самарқандни сотганлар кўпикдай тарқалиб, унтутилди. Бобур Мирзо асос соглан салтанат Ҳиндистонда 1858 йилга қадар, инглизлар босқини юз бергунига қадар пойдор турди.

Оlam абадий, ҳаёт мангу экан, одам ва унинг авлоди доимо яшайди. Темурийлар силсиласи, сафи ва қаторини биз, авлодлар, айни авж, салтанат тутган даврларидан биламиз. Лекин суололанинг ибтидоси – қачон бошланганлиги, улар оддий юртдошларимизми, бекларми ёхуд амирлар бўлиб келганлигини ўн учинчи асрдан дея, фикрлаймиз. Ундан олдинлар-чи? Муҳаммад Тарагай авлодидан Соҳибқирон Амир Темур етишгунича, бу суолола қандай йўл босиб келган, Қорачор нўён ва унинг уруғ-аймоқдари кимлар бўлишган? Тарихни қанчалик ялангоёқ бўлиб, ичкари кириб, ўрганишга тушсак, бўлиб ўтган катта ва кичик воқеа-ҳодисаларнинг бесабаб эмаслигига, бир-бирига узвий боғлиқлигига тобора ишонч ҳосил қилаверамиз. Суололанинг интиҳоси, деган жумла устида ўйлаб қолдим. Шайбоний тажовузи боис, Мовароуннаҳр ва Хурросонда Амир Темур авлодларига қирғин солинди. Хурросонда шунча кўп Темурий Мирзолардан 1510 йил нари-берисида биргина Бадиuzzамон Мирзонинг ўғли Муҳаммад Замон Мирзо тирик қолган, холос. Мовароуннаҳрда-чи? Муҳаммад Шайбоний лафз қилиб, Султон Али Мирзони барibir ўлимга маҳкум қилганида ҳам, Абу Саъид Мирзонинг Умаршайх ва Султон Маҳмуд Мирзолардан ўргиган тармоғини батамом йўқ қилишга муяссар бўла олмади. Унинг голиблиги бу тармоқ намояндаларини ватандан хорижда ҳаёт кечиришга мажбур этишда бўлди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбонийга қиёсан олганда ҳам, заковати, буюк давлат арбоби, жаҳоншумул андазадаги ҳукмдорлик мавқеи билан машҳурлик касб этди. Суололани бадном этишга, ер юзидан йўқ қилишга бўлган қабоҳатли қарама-қаршилик босқинчилик, зўравонлик, кина, кўролмаслик, ҳасад билан фатосга тўлганди. Зулм ва ўзга мамлакатларга човут солиш, аниқроқ айтганда, экканини ўриш Муҳаммад Шайбонийга кўп куттирмади. Унинг ўзи ҳам ўлим шарбатига бўкди. Шайбонийлар юртимизда бир аср теграсида ҳукм сурган бўлса, Темурийлар силсиласи ўн тўққизинчи асрнинг учинчи чорагига қадар ҳокимият тепасида бўлди.

«Темурийлар силсиласи» қиссасига охирги нуқтани қўйиши вақти етди. Асаддаги воқеа-ҳодисаларни бир сюжет ўзанига жамлаб, ман-

балар асосида ўтмиш тарихимизга ихлосманд сифатида ёндашим. Сулоланинг равнақини, қудрати ва жаҳоншумуллигини ёритиш билан, замона зайнини, ихтилофларни, чет эл аралашувларини, тарқоқлик қиёмини, бўхрон эврилишларини ҳам, имкон қадар, қаламга олдим. Ўтмиш мозийни бир улуғ уммон деб қарасак, камина ташналиқ кифояси учун, эҳтимол, бир ҳовуч зилол олгандирман. Сув тутиш кони савоб, чанқоқ киши бежизга, «сувдай сероб бўлинг», дея алқамайди-да, ахир?!

Буюк Амир бобомиз бунёд этган, овозаси дунёни тутган, миллатимиз довругини ёйган, аҳди жаҳонни бир сира тан бердирган, тараққиёт ва адолатнинг мезони даражасига кўтарилган салтанат тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар ила ёзилиб, мангалик каҳкашонида муқим қолади. Биз, авлодлар бундан фахр ва ифтихор туямиз, қадамимизни уларга ростлаб, ибрат дарсини тинглаймиз. Соҳибқирон ва авлоди дарслиги – ҳаёт сабоги, унинг мутолааси келажак йўлимизни ёритади, олга борища суянч вазифасини ўтайди.

#### *B A C C A L O M*

*Қарши шаҳри. 2016-2017 йиллар.*

## **ПОЁН РАВШАНОВНИНГ НАШР ЭТИЛГАН КИТОБЛАРИ**

### **1973**

1. Формирование и развитие узбекской советской детской повести. – Самарканд: «Университет», 20 стр.

### **1983**

2. Ўзбек адабиёти тарихидан амалий машғулотлар. – Тошкент: «Ўқитувчи», 152 бет.

### **1985**

3. Болаликнинг сехрли олами. – Тошкент: «Ёш гвардия», 96 бет.
4. Адабий саҳифалар. – Тошкент: «Ўқитувчи», 128 бет.

### **1987**

5. Ўзбек адабиёти тарихидан. – Тошкент: «Матбуот», 90 бет.

### **1989**

6. Тарих бадиияти. – Тошкент: «Faфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 118 бет.

### **1990**

7. Одоб қомуси (ҳаммуаллифликда). – Тошкент: Республика ўқув-методик маркази, 71 бет.
8. Темурнома. – Тошкент: «Чўлпон», 352 бет.
9. Адабиёт: назария ва амалиёт (ҳаммуаллифликда). – Қарши: «Насаф», 78 бет.

### **1991**

10. Темурнома. – Тошкент: «Чўлпон», 352 бет.
11. Адабиёт ва таълим (ҳаммуаллифликда). – Тошкент: «Фан», 264 бет.
12. Завол. Қисса. – Тошкент: «Ёзувчи», 224 бет.
13. Ахлоқ рисоласи (ҳаммуаллифликда). – Қарши: «Насаф», 28 бет.
14. Амир Темур туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси (ҳаммуаллифликда). – Тошкент: «Ёзувчи», 64 бет.

### **1995**

15. Туркий қавмлар тарихи. – Тошкент: «Чўлпон», 240 бет.
16. Сайднаби қоровулбеги. Қисса. – Тошкент: «Ибн Сино нашриёти», 48 бет.
17. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: «Фан», 784 бет.

### **1996**

18. Жейнов тарихи (ҳаммуаллифликда). – Тошкент: «Ибн Сино нашриёти», 282 бет.

## **1997**

19. Амирлашкар Алимқул тарихи (ҳаммуаллифликда). – Андижон: «Мафтун», 66 бет.

20. Амир Темур хонадони. – Қарши: «Насаф», 68 бет.

21. Ҳофиз Рўзибой Машраб (ҳаммуаллифликда). – Тошкент: «Шарқ», 144 бет.

## **1999**

22. Аждодларимиз қадри (ҳаммуаллифликда). – Тошкент: «Шарқ», 384 бет.

## **2000**

23. Ўзбекистоннинг янги тарихи: Туркистон Чор Россияси мустамла-качилиги даврида (ҳаммуаллифликда). – Тошкент: «Шарқ», 464 бет.

24. Малика Кенагас ойим ёхуд амир Насруллонинг ўлими қиссаси. Қисса. – Тошкент: «Шарқ», 224 бет.

## **2001**

25. Амир Темур ватани. – Қарши: «Насаф», 172 бет.

## **2003**

26. Қашқадарё: истиқлол арафасида, 1986-1989. – Тошкент: «Маънавият», 176 бет.

27. Ватан тарихидан: Турон VII-IX асрларда. – Қарши: «Насаф», 138 бет.

## **2004**

28. Умид уммони. Шеърлар. – Тошкент: «Шарқ», 288 бет.

29. Карвон қўнфириғи. Шеърлар. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 152 бет.

30. Нахшаб қиссаси. Шеърлар ва ҳикоялар. – Қарши: «Насаф», 96 бет.

31. Қоровулбеки қисмати. Қисса. – Тошкент: «Шарқ», 224 бет.

## **2005**

32. Нахшаб ва Кеш тарихи манбалари. – Қарши: «Насаф», 124 бет.

33. Қалб мулки. Шеърлар. – Қарши: «Насаф», 68 бет.

34. Темурбек ва амир Ҳусайн қиссаси. Достонлар. – Қарши: «Насаф», 48 бет.

35. Сайланма. I жилд. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 480 бет.

## **2006**

36. Сайқал. Шеърлар. – Қарши: «Насаф», 74 бет.

37. Қарши тарихи. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 648 бет.

38. Сайланма. II жилд. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 648 бет.

## **2007**

39. Яхшиликнома. Шеърлар, ғазаллар. – Тошкент: «Шарқ», 256 бет.

40. Дагар полvon. Қисса. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 192 бет.

## **2008**

41. Шукуҳли умр. Қисса. – Тошкент: «Шарқ», 192 бет.

## **2009**

42. Мозий сабоги (ҳаммуаллифликда). – Тошкент: «Янги аср авлоди», 152 бет.

## **2010**

43. Маънавият ва қадрият (ҳаммуаллифликда). – Қарши: «Насаф», 64 бет.

## **2011**

44. Нодир командир (ҳаммуаллифликда). Қисса. – Қарши: «Насаф», 64 бет.

45. Шахрисабз тарихи. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 547 бет.

46. Сайланма. III жилд. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 547 бет.

47. Қизил салтанат исканжасида. Тажовуз. I жилд. – Тошкент: «Шарқ», 302 бет.

48. Қизил салтанат исканжасида. Истибодод. II жилд. – Тошкент: «Шарқ», 299 бет.

49. Қизил салтанат исканжасида. Қатағон. III жилд. – Тошкент: «Шарқ», 286 бет.

## **2013**

50. Биродарим. Роман. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 255 бет.

## **2014**

51. Қамоқ салтанати. Роман. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 472 бет.

52. Қўлга тушган қасоскорлар. Қисса. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 299 бет.

53. Амир Темур сулоласи. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 652 бет.

54. Султон Мир Ҳайдар Ота даражоти. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 145 бет.

55. Ёниқ туйғулар. Фазаллар, тўртликлар. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 207 бет.

## **2015**

56. Қалбни сайқаллаган нур. – Қарши: «Насаф», 40 бет.

57. Амир Темур сулоласи. Иккинчи нашр. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 652 бет.

## **2016**

58. Оқсарой тарихи. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 172 бет.

59. Назмий минтақа. Фазаллар. Рубоийлар. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 301 бет.

60. Тафаккур сеҳри. Қатралар. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 120 бет.

61. Садафмулк. Назмий хотира. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 85 бет.

*Адабий-бадиий нашр*

ПОЁН РАВШАНОВ

**ТЕМУРИЙЛАР СИЛСИЛАСИ**

Муҳаррир  
Сайёра МЕЛИҚҮЗИЕВА

Мусаҳҳиҳлар  
Мадина МАҲМУДОВА,  
Шоҳмалик ПОЁНОВ

Бадиий муҳаррир  
Зилола ТЎЛАГАНОВА

Саҳифаловчи  
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир  
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252. 2017 йил 02.10да берилган.  
Босишига 20.05.2017 й.да рухсат этилди.  
Бичими 70x100 1\16.  
Босма табоги 30,0. Шартли босма табоги 40,18.  
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофози.  
Адади 10000 нусха. Буюртма № 158.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

*Мурожаат учун телефонлар:*  
Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-71;  
маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;  
факс –273-00-14;  
e-mail: yangiasravlod@mail.ru